www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

# МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ
# ОЙБЕК

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ЎН ТЎҚҚИЗ ТОМЛИК

Таҳрир ҳайъати:

Марат Нурмуҳамедов, Комил Яшин,
Шоназар Шоабдураҳмонов, Иззат Султон,
Ҳомил Ёқубов, Зарифа Саидносирова

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ

# ОЙБЕК

## МУКАММАЛ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

ОЛТИНЧИ ТОМ

## НАВОИЙ

Роман

ТОШКЕНТ — 1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз
О 38

Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар:

*Шарафиддин ЭШОНХЎЖАЕВ*
*Соҳиба ИРИСҲОЖИЕВА*

Масъул муҳаррирлар:

*Ҳамил ЁҚУБОВ, Зарифа САИДНОСИРОВА*

О $\frac{70403-464}{355(06)-76}$ 96 – 76

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1976 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИНСТИТУТДАН

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек «Мукаммал асарлар тўплами»нинг VI томидан адибнинг баркамол бадиий асарларидан бири — «Навоий» романи жой олди. Улкан сўз санъаткорининг номини жаҳон миқёсида танитган бу асар бир неча марта ўзбек ва рус тилларида ҳамда қозоқ, туркман, украин, латиш, литва, эстон каби қардош халқлар тилларида нашр этилди, уйғур, чех, словак, поляк, француз сингари қатор хорижий халқлар тилларига таржима қилинди.

Реалистик проза соҳасида шаклланган бадиий анъаналарга эга бўлмаган ўзбек совет адабиётида «Қутлуғ қон» ва «Навоий» каби романларнинг пайдо бўлиши фақат миллий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, балки, А. Фадеев таъбири билан айтганда, умумсовет прозасининг ҳам ажойиб ҳодисасига айланди. Шунинг учун ҳам «Навоий» романи фақатгина ўзбек адабиётшуносларининг эмас, балки рус ва бошқа қардош совет олимларининг илмий тадқиқотлари ва адабий-танқидий мақолалари учун текшириш объекти бўлиб келди.

«Навоий» романи тўғрисида ўзбек, рус ва бошқа қардош тилларда ўнлаб газета ва журнал мақолалари, рисолалар, диссертация ишлари ёзилди. Бу ишларда асарнинг ғоявий-бадиий ва тил хусусиятлари чуқур ва атрофлича таҳлил этилди.

Ойбек «Мукаммал асарлар тўплами»нинг ушбу томида «Навоий» романининг барча мавжуд қўлёзма ва босма нусхалари билан илмий негизда чоп этилиши умуман Ойбек ижоди бўйича, хусусан мазкур роман бўйича олиб борилган ва олиб борилаётган илмий ишларнинг янги йўналишда давом этишига имконият туғдиради. Зотан, мазкур томда «Навоий» романининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

яратилиши билан боғлиқ масалалар, асарнинг қўлёзма нусхаларидаги фарқлар, адибнинг романнинг босма нашрлари устида олиб борган таҳрир ишлари — хуллас унинг ижодий лабораторияси биринчи марта бутун тўлалиги билан инкишоф этилмоқда.

Мазкур том уч бўлимдан:

1) роман матнидан;

2) романнинг қўлёзма нусхалари ва босма нашрлари учун характерли бўлган вариант ва фарқлардан ҳамда

3) изоҳ ва шарҳлардан иборат.

Мазкур томни тайёрлашда романнинг адиб ҳаётлигида чоп этилган сўнгги нашри (Ойбек. Танланган асарлар (тўрт томлик), 3-том, «Навоий» (роман), Т., Ўзадабийнашр, 1957) асар матни учун таянч нусха қилиб олинди.

Романнинг таянч нашрини унинг бошқа қўлёзма ва босма нусхалари билан солиштириш асносида аниқланган айрим ноўрин тузатишлар, хатолар асар матнида тузатилиб босилди. Асарнинг дастлабки автограф нусхаси (биринчи боб) романнинг қоралама нусхасидан ва босма нашрларидан жиддий фарқ этгани сабабли тўла ҳолда эълон қилинди.

Ниҳоят, «Изоҳлар» бўлимида романнинг яратилиш ва нашр этилиш тарихига оид материаллар берилди ҳамда асарда учраган тарихий шахслар ва географик атамалар шарҳланди.

«Навоий» романини нашрга тайёрлаш ва изоҳларни тузишда филология фанлари фактори С. Мирвалиев, илмий ходимлардан Р. Иброҳимова ва А. Шарипова ўртоқлар қатнашдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# НАВОИЙ

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БИРИНЧИ БОБ

### I

Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг «Гавҳаршод» мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чамансор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди. Бир томони хонақоҳ, уч томони катакча-ҳужралар билан ўралган мадрасанинг кенг, текис, чорбурчак саҳнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буғ бўлиб ҳавога кўтарилмоқда эди. Толиби илмлар[1]нинг аксари букун ҳовлига чиқишган. Улар япалоқ ғишт ётқизилган йўлкаларга бўйралар солиб, дарс тайёрлашади. Уларнинг қайбири «Қофия»[2]да, қайбири «Ҳошия»да, қайбири «Шамсия»[3]да. Мана бунда бири китобни тиззасига қўйиб, кўзларини чирт юмган ҳолда, катта саллали бошини узлуксиз чайқаб, ғўнғиллаб «Арабиёт»[4]ни ёдлайди. Нарироқда уч муллабачча бир бўйра устида ўтириб мушкул бир масалани баҳслашади. Улардан бири — серсоқол, рангпар ва ориқ — ўз мантиқининг кучини кўрсатишга ва «ҳақиқат мезони» ни ўзича таъриф этишга астойдил тиришар, шерикларининг далилларини рад этарди. Ундан ёшроқ, лекин ўжарликда ундан асло қолишмайдиган шериклари қичқириб, янги-янги далиллар, мулоҳазаларнинг тилсимли қўрғонини бир зумда сўз билан ясаб қўярдилар. Баъзан асл мавзу-баҳс ғойиб бўлар, улар баҳс асносида келиб чиққан янги «нукта-лар»га берилиб, сўз чангалзорининг тиканли мушкилот

---

[1] Мадраса ўқувчилари.

[2–3] Мадрасаларда ўқитиладиган дарслик китоблар.

[4] Араб тили ва қоидалари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан тўла соҳаларида урина-урина, яна асли масалага қайтишади. Баҳслашувчилар баъзан мунозара алангасида ўзларини унутиб, бир-бирларига дағал иборалар айтишар, баъзан бургутдай ҳурпайиб, бир-бирларига чанг солмоққа тайёрлангандай қизиқ бир вазиятда бир зумгина қотишарди. Бу ҳол мадраса дунёсида жуда оддий ва табиий ҳодиса бўлгани учун, уларнинг асабий шовқинига атрофдагилардан ҳеч ким эътибор қилмас эди.

Ҳужралар бўм-бўшдек кўринса ҳам, хонақоҳнинг пинжига тиқилган, қуёшга терс бир ҳужрада тўрт киши ғуж бўлиб, одатдагича, гурунглашиб ўтиришар эди. Ҳужра тор, захкаш. Эшикчанинг ланг очиқ бўлишига, баҳор қуёшида кўз қамаштириб порлаган кундузга қарамай, бу ерда нимқоронғилик ҳукм сурарди. Бу нарса ёлғиз бу ҳужрага хос сифат эмас, албатта. Мадраса ҳужралари — толиби илмлар масканларининг кенг, баҳаво бўлиши гўё одатга, анъанага, бутун зеҳниятга зид бўлгандек, шарқда мадраса ҳужралари бир-биридан ҳеч фарқ қилмайди, дейиш мумкин... «Илм игна билан қудуқ қазиш» деган қадимги фикрга ҳужраларнинг андозаси ёрқин бир мисол бўлсин, деб бир замонлар меъмори санъатида[1] толиби илмлар учун шу андозани қабул қилган бўлсалар эҳтимол...

Ним қоронғу, захкаш ҳужрада «улфати чор»нинг суҳбати узилмас эди. Булардан учи «толиби илм» бўлиб, тўртинчиси бу ҳужра соҳибининг меҳмони эди. Уларнинг илм даражалари, ёшлари, феъл-ҳуйлари орасида катта тафовут, ҳатто зиддият бўлишига қарамай, мадрасанинг энг қашшоқлари бўлганларидан, аксар вақт тўпланиб, «икки ярим — бир бутун» дегандай овқат тадорикини бирга кўришар эди. Букун ҳам худди шу мақсадда йиғилишиб, декча қайнатиш ғамида бош оғритишарди. Ёш жиҳатдан энг каттаси — ҳужра соҳиби Алоиддин Машҳадий бўлиб, чувак юзини дағал қора соқол босган, пайваста қуюқ қошли, ҳар вақт ярим юмуқ хира кўзли, паст бўйли, чамаси қирқ ёшдаги киши эди. У ўн беш йилдан буён «Гавҳаршод» мадрасасида, шу ҳужрада истиқомат қилар, бундан бирон ёққа қўзғалиши ҳам белгисиз эди. Алоиддин Машҳадий ўз замонасининг энг пешқадам мударрисларида ўн йиллаб дарс олган бўлса ҳам бирон илмда ўзини ёрқин кўрсата ол-

---

[1] Гўзал бинолар қуриш санъати.



www.ziyouz.com kutubxonasi

маган. Бир неча йилдан буён илмлардан кўнгли совиб, дарсларга кўпинча қатнашмайди ҳам. Лекин замонанинг бир кўп одамларига муяссар бўлган шоирлик бахти ёки бахтсизлиги уни ҳам бенасиб қолдирмаган. У шеърнинг турли навларида қалам юритади. Тунларни уйқусиз кечириб «девон»[1] ҳам тартиб қилган; «муаммо»[2] да ўзини ягона бўлмасада, ҳар ҳолда энг чапдастлардан ҳисоблайди. Аммо унинг бу соҳадаги маҳорати ҳам, худди «девони» каби, ҳануз шеър оламига танилган эмас, бу аҳволга у ғоят қайғиради, дард уни ич-ичидан кемиради. Умидсизлик, ўксиз руҳ уни бир зум ҳам тарк этмайди. Шуҳрат, илтифот қидирган шоир шоҳларга бўлмасада бекларга, вазирларга, ҳатто булардан қуйироқдагиларга ҳам қасидалар[3] ёзиб тақдим этади. Саводсиз бекни «Жомиул улум»[4], «Хазинаи маони»[5], «Фузало ва шуаро ҳомийси»[6] деб юксалтиради. Унинг султонларга, ҳатто бекларга навкар бўлиб ўтган ота-бобосини «офтоб оламтоб» яратилгандан бери давлати, иқболи завол кўрмаган олий насабли «салтанат спеҳрининг хуршиди»[7] ва ҳоказо пучак, лекин кўз қамаштиргич ялтироқ сўзлар билан мадҳ этмоққа моҳир. Алоиддин Машҳадий асабий, жиззаки, сезгир шахс; арзимаган нарсага кишидан кўнгли қолади. У кимдан ранжиса, ўша соатда бир ҳажв ила ўз «душманини» сўз балчиғига шундай булғайдики, ўқиркан, энг чиркин ҳид буриқиб туради.

Иккинчи муллабачча ҳиротли ўрта ҳол оилага мансуб Зайниддин, қадди-қомати нозик, хуш муомила, хуш суҳбат, ҳавойи табиатли йигирма-йигирма бир яшар йигит эди. У тўрт-беш йилдан буён таҳсил кўриб, баъзи илмларда анча илгарилаган. Араб ва форс тилларини яхши эгаллаган. Лекин ҳавойи табиатли бўлиши ва ҳаётда зийнатни, хурсандчиликни севиши орқасида таҳсилга унча қунт қилмайди. Кўпроқ вақтини санъатларга бағишлайди. Мадраса аҳли орасида у ўзининг «ҳусни хати»[8] билан машҳур. Бундан ташқари яхши куйлайди,

---

[1] Эски замонда шеърлар тўплами «девон» дейилган.

[2] Кичик шеър тури; шоирлар муаммода киши исмини яширадилар.

[3] Кўтаринки руҳ ва услуб билан ёзилган мақтов шеъри.

[4] Илмлар йиғиндиси.

[5] Маънолар хазинаси.

[6] Шоирлар ва фозилларни ҳимоя қилувчи.

[7] Подшоҳлик осмонининг қуёши.

[8] Чиройли ёзиш..



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғижжакни гўзал чалади; кейинги вақтларда отаси билан ораси бузилиб қолгач, фақирликка тушди. Бу мадрасада ва ўзга мадрасаларда бўлган аслзода, «соҳиб давлат»[1] талабаларнинг ва Ҳиротдаги бекзода, вазирзодаларнинг кечки базмларига, йиғинчоқларига бориб куйи, сози билан ўлтиришни қизитиб, қорнини тўйдирар эди.

Учинчи талаба икки йил бурун Шаҳрисабздан таҳсил учун келган дўнг пешонали, миқти гавдали, ўткир йирик кўзли ўн саккиз яшар Султонмурод эди. Бу йигит Шаҳрисабзда машҳур сангтарош устанинг[2] ўғли эди. Уста Самарқандда иш вақтида катта бир бино тепасидан йиқилиб ўлганда Султонмурод уч яшар бола эди. Ўқимишли, жонкаш-жафокаш онанинг тарбиясида улғайиб, дастлаб ўз шаҳрида, сўнгра Самарқандда таҳсил кўриб, ниҳоят қариндошларининг ёрдами билан Ҳиротга келиб, бу мадрасага жойлашган эди. Унинг истеъдоди мадраса аҳлигагина эмас, балки Ҳиротнинг аксар олимларига маълум. У барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимларининг пешвоси, «саромади» бўлишга тиришади. Диний илмлардан ташқари риёзиёт,[3] илми нужум[4], мантиқ[5] адабиёт ва ҳоказоларда кенг, пишиқ маълумот касб этган эди. У ўн тўрт яшар вақтида Самарқандда бир домласи унга шундай деган эди: «Қадим замонда бир олим ўтган экан. У, агар рубъи маскундаги[6] барча олимларнинг хотирларидан барча улум ва фунун[7] баногоҳ кўтарилса, у илмларнинг ҳаммасини аслидай тиргизишга қодирман, дер экан. Ўғлим, сизда ўшандай зако[8] ва истеъдод кўраман. Саи-ғайратни асло қўлдан бермангиз!» Илмларда ана шу афсонавий олимнинг даражасига кўтарилиш Султонмуроднинг ғояси эди.

Бу ерда ҳаммадан ажралиб турган шахс — Алоиддин Машҳадийнинг меҳмони самарқандлик Тўғонбек эди. У йўғон, чорпахил гавдали, даккам-дуккам қизғиш мўйлабли; кенг, қорамтир юзининг ёноқлари бўртган;

---

[1] Бой, давлатманд.
[2] Тош йўнувчи, тошларга гул солувчи.
[3] Математика.
[4] Астрономия, — юлдузларнинг ҳаракатларини текширувчи илм.
[5] Логика — фикрлаш қонунлари ҳақидаги илм.
[6] Дунё маъносида.
[7] Фанлар.
[8] Ақл.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қисиқ кўзлари айёрча беқарор; кунлар исиб кетган бўлса ҳам, унинг эгнида қўпол эски пўстин, бошида қундузи қалин катта бўрк... Тўғонбекнинг ота-боболари Амир Темур даврида катта мансаблар ишғол этганлар. Уларнинг орасидан машҳур аскар бошлиқлари, давлат ходимлари ва дабдабали торхон[1]лар чиққан. Лекин, кейинчалик, Темур давлати парчаланиб, шаҳзодалар орасида тож-тахт учун уруш, жанжаллар қизиб кетгач, бу оиланинг овозаси аста сўнабошлаган: дадаси Ферузбек қайсибир сафарда дом-дараксиз ғойиб бўлди. Обрўйли обоғалари[2], тағойлари[3], амакилари ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар. Баъзилари ака-ука, ота-бола, султонларнинг ўзаро урушларида қирилди, баъзилари ўз душманларидан хавфсираб, ёки янги бахт қидириб, узоқ элларга кўчиб кетди. Ўн етти ёшдан бошлаб Тўғонбек Мовароуннаҳрда, Хуросонда, дашти Қипчоқда, Ироқда ва умуман бир вақтлар оқсоқ Темурнинг қиличига тобе бўлган бир кўп мамлакатларда қайноқ сиёсий курашларга, узлуксиз қўзғолонларга, фитналарга боши билан шўнғиди. Бахт, шон-шавкат қидириб, ўзини ўтгачўққа урди. Султонлар ва бекларнинг остоналарини ялади. Ҳар қайсисида бир муддат хизмат қилди: алдади, алданди; талади, таланди. Ниҳоят, бундан икки ой илгари, йигирма беш ёшда Ҳиротга юзланди. Учрашувнинг тасодифий бўлишига қарамай, Алоиддин Машҳадий билан дўст тутуниб, бу ҳужрага тиқилиб олди.

Тўғонбек чаласавод бўлса ҳам, илм-фаннинг қадри-қийматини билади. Талабаларнинг суҳбат ва мунозараларига диққат билан қулоқ солади, лекин бу соҳани ўзи учун бегона ҳисоблайди. Илм-таҳсил — ёвош, тинч, сабри-қаноатли одамларнинг иши. Тўғонбекнинг хаёли эса, ҳар вақт жаҳонгашталик оламида парвоз этади: у учқур отда чақмоқдай ёниб, жангларда қиличбозлик қилишни, ўқ-ёй отишдаги кучи ва маҳорати билан барчани тонг қолдиришни, қалъаларга босқин ясашни, тоғдай юксалган қўрғонларга ботир йигитлар билан бирга шотулар[4] қўйиб, ҳой-ҳуй, аросат солишни, саҳройи халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйларни ўлжа ҳайдашни

---

[1] Подшоҳдан алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар олган аслзода.
[2] Қариндошлари.
[3] Тоғалари.
[4] Нарвонлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

севади. Тўғонбек бирон туманга[1] бек тайинланиб, атрофига бир дастагина чопқинчи, забардаст йигитлардан тўплаб, ҳийла-найранг, алдаш, дўқ, босқинчилик ва ҳоказо ёрдами билан ўзга бекларни, ҳокимларни бирорбирор ағдариш, ниҳоят пойтахтлардан шоҳларни ҳайдаб, ўзи тож кийиш, ёки қанғиб юрган шаҳзодалардан биронта бўш-баёвини тахтга ўтқизиб, бутун ҳокимият жиловини ўз қўлида тутиш сингари умидларнинг юракдаги алангаси билан яшади. Бунинг учун курашди. На қилсинки, бу умидларни амалга ошира олмади. Ҳатто, бир неча дафъа бу қинғир юрак бошқаларга сезилиб қолаёзди. Унинг боши билан бирликда бу телба умидларни кесмоққа кўтарилган қиличдан ўзини зўр-базўр қутқориб, Ҳиротда бу мадраса кавагини ин қилишга мажбур бўлди. Лекин Тўғонбек ҳали бу умиддан қайтган эмас. Унда ҳали ишонч зўр: Темурнинг эвара-чевaралари кўп; булар ҳам қўзиқориндай кўпайиб турадилар. Бола отага, ота болага, ака укага, тоға жиянга қарши исён кўтариши бу мамлакатда бир одат бўлиб қолган. Бундан ташқари катта-кичик шаҳарларда, вилоятларда беклар, ҳокимлар бор. Мол-мулкка, шон-шавкатга, ҳокимиятга уларнинг иштаҳалари ҳамиша карнай. Шу сабабдан Тўғонбек қонли ғавғоларнинг, ур-йиқитларнинг узоқ давом этажагини англайди-да, фақат ўнғай фурсат ва шароитни кутади...

Вақф маблағлари билан кун кечирувчи талабаларнинг аҳволи оғир. Қўлларига теккан «нақд»ларни қиш аллақачон ютиб қўйган. Энди ҳафтада бир-икки топқир қозон қайнатиш ҳам маҳол. Сотиш учун қўлга илинарли ҳеч нима йўқ. Овқат тўғрисида бош қотирилар экан, аксар вақт Тўғонбек: «Бир иложини топғаймиз, Ҳиротдай шаҳри азимда бу қандай дағдаға!» деб пўнғирларди-да, лапанглаб чиқиб кетар, овқат учун керакли масалліқни тезда топиб келарди. Киссасининг кўпдан буён қупқуруқлигини сезсалар ҳам, маблағни қаердан ва қандай қилиб топганлигини ундан суриштирмас эдилар. Лекин букун гап шу тўғрида соатлаб давом этса ҳам, Тўғонбекдан садо чиқмади. У феъли айнигандай, ҳужранинг бир бурчагига тиқилиб, қисиқ кўзларини бир нуқтага ёмон тикиб ўтирди.

---

[1] Кент, уезд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Чучитилган мой ва қовирилган гўштнинг мазали ҳиди думоғларга урилди. Бир кўп ҳужраларда кунда икки маҳал лазиз таомлар пиширилади. У ҳужраларнинг эгалари вақфхўрлар эмас. Улар юксак оилаларнинг ўғиллари. Уларнинг киссаларида олтин-кумуш мўл. Улар кечалари «ширин суҳбатлар» тузадилар. Дўст-ёрлар йиғилишиб, чағир[1] ичиб, мусиқа ва рақслар билан тонг отдирадилар...

Узоқ кенгашдан сўнг бирон маъқул чора топилмагач, ёғочдай қотган, жунсиз, тақир пўстакда, ҳужра тўрида ўтирган Алоиддин Машҳадий кичкина гавдаси билан енгилгина қўзғалиб, узун печи осилган катта саллали бошини чайқади. Сўнг дардли бир уҳ тортиб, дунёнинг буқаламунлиги[2] ҳақида шикоятланди, ингичка товуш билан чўзиб ўқиди:

Уфтодаст даржаҳон бисёр,
Бетамиз аржиманду оқил хор[3].

Зайниддин синовда кўп дуруст натижа берган таклифни, яъни Ҳиротнинг саховатли аъёнларидан[4] ёки, эски шаҳзодалардан бирига қасида ёзиб, мурожаат қилишни таклиф этди. Бу фикр ҳаммага маъқул тушса ҳам, Алоиддинга ёқинқирамади, чунки бу унинг ёлғиз ўзига хос иш бўлиб, бошқаларни шерик қилишга тоби йўқ эди. Ким билади, эҳтимол, Машҳадийнинг силлиқ назми[5], рангли услуби валинеъматнинг[6] кўнглини шундай асир қиларки, у ақча билан бирга бир неча қўй ва исқарлот[7] чакмон ҳам инъом қилиб юборар! Шу дамгача Машҳадий ҳеч бир боёндан, ҳеч бир аъёндан бундай илтифотга ноил бўлмаган эсада, хомтамалик орқасида шундай мулоҳазани хотиридан кечирди...

Алоиддинни юмшатиш учун Зайниддин ингичка қошларини маънодор чимириб деди:

— Агар қасида шоири бўлсам эди, хоқон ибни хоқон

---

[1] Май.
[2] Ўзгарувчанлиги.
[3] Ақлли, ўқимишли одамлар хор-зор бўлиб, жоҳилларнинг азиз бўлгани дунёда кўп кўрилган ҳодисадир.
[4] Давлатда юқори мавқиъли, эътиборли одамлар.
[5] Вазн ва қофияли сўз.
[6] Ҳимоя қилувчи, хайри эҳсонли киши.
[7] Қимматбаҳо мато.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратларига бир бемисл қасида ёзиб, жаноб олийдан шоҳона саруполар олар эдим, чунки айни вақти; икки ҳафта муқаддам ул жанобнинг муборак бошларига ҳумоюн қуши[1] қўнди, кўнгиллари барқарор бўлди. Шуарога[2] саховатнинг етти дарвозасини очишларига аминмен.

— Султон ҳазратларининг ўзлари ҳам оташ нафас шоир эмишлар,— деди Султонмурод,— ашъорни[3] гўзал ва равон сўйлармишлар. Маънийи хоснинг[4], нозик рангин хаёлнинг ошиқи бўлган тождорнинг, албатта, шуарога ҳоми[5] бўлишларига асло шубҳа қилмаймен...

Алоиддин бу сўзларга эътибор қилмагандай кўринишга тиришса ҳам, ичи юлинди. Зайниддиннинг сўзларини киноя деб тушунди. Султонмуроднинг сўзларига: «Янги подшоҳнинг ўзи катта шоир, нозик завқ эгаси. Сен унга қасида ёзиб овора бўлма!» деган маъно берди-да, бошини ичига олиб сукут қилди.

Ҳали ҳам ҳурпайиб ўтирган Тўғонбек, одати бўйича, салмоқланиб:

— Сўфи сўғон ер, топилса йўғон ер, дегандай энди подшоҳдан бир нима юлмоқчимисизлар! Тангрига сиғинингглар... Тождорларнинг ўзига яраша ташвиши бор: навкар сақлаш керак, қўрғон тузатиш керак. Подшоҳлар мадрасадан кўра, сафар тўғрисида кўпроқ ўйлаши керак,— деди.

— Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ҳам шоир, ҳам илмпарвар эмишлар. Яхши ишларга бел боғлашларини умид қилмоқ мумкин,— деди Зайниддин ишонч билан.

— Саҳронинг бағри ёмғирга ташна бўлганидек,— деди Султонмурод қўлларини ҳаракатга солиб,— кўҳна Хуросоннинг эли адолат ва фазилат қуёшига ташнадир. Шояд умидларимиз беҳуда бўлмас.

Тўғонбек даккам-дуккам мўйлабини йўғон бармоқлари билан чимтиб, киноятли кулиб қўйди.

Алоиддин Машҳадий ярим юмуқ кўзларини, ҳарвақт энсаси қотганда қилганидек, бутунлай юмиб олди.

Эшикда қари фаррош[6] Ҳожи Солиҳ пайдо бўлди. У дарвешнамо, камтарин, хаёлчан киши эди.

---

[1] Подшоҳлик қуши.
[2] Шоирларга.
[3] Шеърлар.
[4] Алоҳида, нодир, чуқур маъно.
[5] Ҳимоячи, ёрдамчи.
[6] Хизматчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳе, аълам молатаъламун[1], шундамисиз,— деди Султонмуродга ва табассум билан давом этди чол:— «Чорсув» томонга йўлим тушган эди, ҳалвофуруш дўстингиз сизнинг ва мулла Зайниддиннинг бормоқлиқларини ўтиниб қолдилар. Янги ашъор ўқиб берадилармй, ёки ўзга мулоҳаза...

Султонмурод суюниб Зайниддинга қаради.

— Борамиз албатта,— деди Зайниддин ўрнидан қўзғалиб,— ширин суҳбат билан дилларнинг ғуборини совурамиз.

— Ажаб Ҳирот экан!— деди бошини қимирлатиб Тўғонбек,— ҳалвофуруши ҳам шоир, кабобпази ҳам шоир... Борингиз, ғазалининг тоти бўлмас, балки, ҳалвосининг тотли бўлишида гумоним йўқ...

— Ҳалвофуруш мавлоно Туробий инсони комил одам,— деди жаҳл билан Зайниддин,— истасангиз, сизни ҳам олиб борамиз, ўзингиз холис баҳо берурсиз.

Тўғонбек, рози бўлгандек, жилмайиб қўйди. Алоиддин Машҳадий кўзларини сал очиб юзини терс ўгирди.

Улар пешин намозини ўқиб бўлиб, мадрасадан чиқишди. Эски бўлса ҳам, топтоза, узун, кенг олача тўн кийган, бошларига қордек оппоқ салла ўраган ва мадраса аҳлига муносиб мутавозеълик ҳам ғурур билан кетаётган икки муллабаччанинг ўртасида қўсқи пўстинли, катта бўркли, чорпахил Тўғонбек, отда кўп юрганидан, оёқларини кериб босиб лапанглаб борар эди. Одати бўйича, Зайниддин йўл-йўлакай бир-икки ерга, кўз очиб юмгунча кириб чиқиши кераклигини айтиб, ҳамроҳларини судради. Тўғонбек норозиланиб пўнғиллади. Султонмурод маънодор кулиб қўйди. Зайниддин билан йўлга чиқилса, манзилга ҳориб-чарчаб борилар эди. Ҳар кўчада, ҳар муйишда унинг турли табақага мансуб дўстлари, танишлари, ҳазилкашлари ва ҳоказо учрар; Зайниддин уларнинг биридан Ҳиротда рўй бериб ҳали қулоққа чатинмаган, кўпинча, қизиқ бир воқиани, сирли бир можарони билиб олар; иккинчиси билан бир нафас ҳазил-мутойиба қилар, бирон латифа айтиб, атрофдагиларни кўзлари ёшлангунча кулдирар; учинчиси билан бирон масала устида баҳслашар... Оёқда туриб шоирнинг янги ғазали ёки қасидасини, чолғучининг янги мақомини тинглар; Ҳиротнинг кўча йигитлари билан, улар-

[1] Ўқимасданоқ кўп билим ортдирган, катта олим маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг тилида, руҳида бир нафас ҳангамалашар; мудраган семиз қассобнинг қорнини, хасис баққолнинг пачақ тарозусини, ҳавони янгратиб қичқирган нонвойнинг нонини биттадан байт айтиб, ҳажв этар... Шундай қилиб, шаҳарнинг қарама-қарши томонларига, масалан, шимолдаги «дарвозаий мулк»дан жанубдаги «дарвозаий Ферузобод»га чиқиб қолганини киши сезмай қоларди.

Султонмурод тихирлик қилиб, сурғулиб қочишни кўзлаган Тўғонбекнинг қўлтиғига кириб, дўстининг орқасидан шод ва енгил одим отди; қарийб бир ҳафтадан буён мадрасадан чиқмай, ним қоронғу, зах ҳужрада муттасил китоб мутолаа қилганидан, илиқ-ёрқин ҳавода кезишга майли кучли эди.

Ҳиротда баҳор... Ҳар икки ёғида аксари бир қаватли, эски, янги, кўримли, кўримсиз пахса деворли уйлар орасида болохонали, рангоранг, гулдор нақшлар билан безалган иморатлар қаторлашган тоза кўчаларда, одамлар ғуж қайнаган майдонларда, зумрад яшилга кўмилган боғларда, хиёбонларда қуёш тошқини...

Зайниддин қизиқ гаплар билан ҳамроҳларини кулдириб борар, гоҳо улардан бир зумгина айрилиб, қаердаларга бош суқиб, қандайдир танишлари билан сўзлашиб яна қайтар ва ҳикоясини давом эттирарди. Султонмурод дўстини табассум билан тинглаб, Ҳиротнинг бағорда тоза ҳусн билан яшнаган ажойиб манзараларига суқланиб қарар, шодликдан, ҳисларнинг шўхлигидан кўкси тўлиб тошарди. У Ҳиротни севарди. Бутун атрофи муаззам кунгурадор қўрғон билан ўралган бу катта шаҳарда улуғ мадрасалар, қўша-қўша адил, юксак миноралари тиниқ зангори самога узатган масжидлар, санъатнинг бутун муъжизалари билан безалган бой саройлар ҳам боғчалар, чаманзорлар ўртасидаги енгил, ҳавоий кўшклар, кошоналар, сарвзорлар орасида кумушланган катта ҳовузлар, улуғ одамларнинг, «азиз-авлиё»ларнинг ҳамиша улуғвор сукунатга кўмилган тоза, чиройли мақбара — мозорлари ва ҳоказо кўп эди. Султонмурод бундай ерларга такрор-такрор келиб, фикрларига берилиб танҳо тентирашдан завқланарди. У бу шаҳарнинг тарихига қизиқиб, унинг эски бинолари, майдонлари, бозорлари, кўприкларига доир маълумотларни эски қўлёзмалардан, васиқалардан, афсоналардан тўпламоққа бошлаганди. Васиқалар, афсоналар бу шаҳарни Искандар Зулқарнайн бино қилганини сўйлар эдилар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир йил-бир ярим йил ичида у гўзал, тарихий бинолар ҳақида ўнлаб, Ҳирот ҳақида эса юзлаб байтлар, рубоилар[1] тўплай билди. Ҳиротнинг улуғлиги, гўзаллиги, аҳамияти ҳақида ҳамма қаламлар ҳамфикр эди:

Ҳирот чашму чароғи жамии балдонаст,
Жаҳон танасту банисбат Ҳирот чун жонаст[2].

Ҳиротликлар ўз шаҳарлари билан фахрланар, унинг тупроғини олтинга, боғларини жаннатга, сувларини кавсарга ўхшатар эдилар. Самарқандлик, бағдодлик, мисрлик, ҳиндлик ва хитойлик ҳамма сайёҳларга бу шаҳар манзур бўларди.

Зайниддин тўхтаб, Ҳиротнинг дарвешнамо машҳур наққоши билан ҳангамалашиб қолди. Бу ер тепалик эди, бу ердан шаҳарнинг ажойиб азамат иншооти — «Қалъаий ихтиёриддин» яққол кўринарди. Бу — қат-қат тоғ каби юксалган, муаззам қулалари, кунгирадор қалин деворлари, тепа-тепа тупроқ уюмлари билан Ҳирот самосига ҳокимлик қилган қалъа эди. Можаролар билан тўла умрида катта қалъаларни кўп кўрган, уларга жангда ҳужум қилган Тўғонбек кичик, қийғоч кўзларини қисиб, қалъага тикилди. Бу қалъанинг хусусиятлари тўғрисида Султонмуродга қизиқ маълумот берди. Кейин улар узоқда, шаҳарнинг шимолида «Дарвозаий мулк» билан «Дарвозаий қипчоқ» ўртасидаги жомининг қуёшда чақнаган етти улуғ тоқи, гумбази тўғрисида сўзлашдилар. Зайниддин келди. Пастда, турли-туман оломон билан қайнаган катта гузарга кўз тикди. Уч катта кўчанинг кесишган жойидаги гузарда зарёқа тўн кийиб, бедов отларни гижинглатган мағрур беклар, олифта бекзодалар, хитойи шойи тўнли, гулдор махсили давлатмандлар, эшак минган жулдур кийимли деҳқонлар, тирикчилик машаққати билан зир югуришган хароб косиб-ҳунармандлар, қандайдир бир жинояткорни «саззойи» қилиб кўча айлантирган қаҳрли сипоҳилар — навкарлар, дағал маллабўз тўнли сокин, хаёлчан, шовқин-суронга бепарво дарвешларни кўриш мумкин эди. Ўткинчиларнинг йўлини тўсмоқчи, этакларига ёпишмоқчи бўлган гадойлар шаҳарнинг бошқа гузарларига қара-

---

[1] Тўрт мисраъдан иборат кичик шеър.

[2] Ҳирот дунёдаги ҳамма шаҳарларнинг кўзи ва чироғидир. Жаҳон бамисол бадан бўлса, Ҳирот унга нисбатан жондир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда, бу ерда кўпроқ эди. Зайниддин Султонмуроднинг тирсагини туртди.

— Анави девқомат,— деди у бирини кўрсатиб,— Ҳайдар паҳлавон... Ироқдан келган Муфрид қаландардан «Ҳавзи моҳиён»[1]да беш таёқ еб, оёқ суяклари бир халта ошиқдай бўлиниб кетган эди. Шайх Ҳусайн жарроҳ унинг оёғини чуқурга кўмиб, қирқ кунда тузатган... Гандираклаган, ҳов кўрдингми, анав маст олифта умрида беш юз минг байт ёзган улуғ шоирнинг набираси... Бу ҳам шоир. Лекин ғазалларини ўз ёнидан пул тўлаб эшитдиради! Ҳов анав, баққол ёнидаги чўққи соқол, елкаси чиқиқ чол — уста Ориф Бухорий... У ўттиз ҳунарда ягона: Наққошлик ва заргарликдан то сартарошликкача, кимёгарлик ва муқовачиликдан то ходимликкача нодир одам. Анав қашқа йўрғада жилпанглаган амалдор шаҳар доруғасининг[2] амакибаччаси Шоди бедоддир. Соқол-мўйлабларингни қирдирган кунларингда унинг ёнига асло яқинлаша кўрманглар!

Султонмурод билан Тўғонбек қотиб кулишди. Кейин пастга тушиб, оломон ичига аралашиб кетдилар. Озгина юргач, «Боғ зоғон»нинг бош арки олдидан чиқдилар. Бу — подшоҳнинг саройи эди ва дарвоза ёнида беклар, катта мансабдорлар, қуролли сипоҳилар ҳар вақтдагидан кўпроқ кўринди.

— Ё подшоҳ бирон ерга чиқади, ёки элчи келиши кутилади,— деди Зайниддин тўхтаб.

— Бежиз эмас, одамларнинг кўзлари бежо...— деди Тўгонбек ҳасад билан аркка қараб.

— Кутамизми?— Султонмуродга қаради Зайниддин.

— Юр, юр! Оёқда мадор қолмади.— Зўрлаб олиб кетди Султонмурод.

Бозорнинг ғовур-ғувурли, турли-туман оломон билан тўла «Чорсув»га яқинлашгач, Тўғонбек бирдан тўхтади. Йўлдошларининг илтимосларига ўжарларча қулоқ солмасдан, шу ерда айрилди-да, бозор гирдоби ичида ғойиб бўлди.

— Саҳройи мўғул ашъор тинглашдан қочди!— деди кулиб Султонмурод.

— Ҳеч қиси йўқ...— деди қўлини силтаб Зайнид-

---

[1] Ҳиротда кўпинча катта томошалар бўладиган майдон.
[2] Эски замонда шаҳар ёки кент бошлиғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дин.— Бечора Алоиддинга бирон нафақа топиб олиб боради, балки.

Кичкина, хароб дўкончада катта, тўгарак баркашларга уюлган хилма-хил ҳалволар орасида ўтирган майин ҳаракатли, камтар, кўзлари шўх, қирқ ёшлар чамасидаги шоир Туробий дўстларини суюниб қарши олди. Гўё узоқ замон кўришмагандай, ҳол-аҳвол сўрашди, ёр-биродарларнинг, танишларнинг саломатликлари, машғулиятлари ҳақида маълумот олди. Бир неча қочирма гаплардан кейин болохонага таклиф этди.

Зайниддин кўча томонга қараган даричани очди. Уй ичига ёруғ билан бирга хуш ёқар кўклам шабадаси кирди. Тоқисига новчароқ одамнинг боши тегадиган эски болохона гулдор шолчалар, чиройли жиҳозлар билан безалган эди. Бу — юрагида илҳоми, ҳислари, шоирона хаёллари жўшаркан, меҳнат билан кун кўрувчи, ҳалво пишириб эртадан кечгача оломонга матоини мақтаб қичқирувчи, тирикчиликнинг зериктиргич машаққатларига қарамай, руҳида санъат ишқини сақлаб борувчи камтарин, олижаноб бир шахснинг қабулхонаси эди. Аксар вақт Ҳиротнинг олим ва шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, араб, эрон, туркий тиллардаги муҳим асарлар ўқилар, қизғин суҳбатлар, мушоиралар[1] ва мунозаралар бўлиб турарди.

Токчаларга қаланган китобларнинг қарийб ҳаммаси уларга таниш бўлгани учун, бирон янги асар бормикан, деган умид билангина ялпи кўз югуртиб, кейин дарича тагига тиз чўкишди.

Бозорчи оломоннинг шовқини, узоқда, темирчилик ва мисгарлик қаторларида янграган «тарақа-туруқ»лар бошни айлантирар эди. Бир оздан кейин шоир ҳалвофуруш танурдан янги узилган иккита нон ва жуда нафис ишланган гулдор мис лаганчада кесма ҳалво олиб чиқди. Дастурхончани ёзиб, нонларни ушатди, дўстларини, ўз одати бўйича, емакка қистади. Талабалар буғланиб турган нонни оғизда эрийдиган ҳалвога қўшиб, бирпасда еб битиришди. Кейин шоирнинг ҳалво пиширишдаги санъатини мадҳ этишди.

— Оғзимизга қанд-набот солдингиз,— деди Зайниддин бино қўйган сийраккина мийиқларини артиб.— Эн-

---

[1] Бир неча шоирнинг бирга шеър айтишуви.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди бадиаларингиз[1] билан кўнгилларимизни завқиёб қилсангиз...

— Сизларга манзур бўлгудек ғазаллар ёзилмади,— деди шоир оқ туша бошлаган соқолини силаб,— баъзи хомроқ нарсалар борки, уларни ўқимоқ билан баҳраманд бўлмассизлар, деб ўйлаймен. Ширин суҳбатларингизга ташна бўлганимдан чорлаган эдим.

— Бу оқшом биз шундамиз,— деди Султонмурод қатъият билан,— лутф этиб ғазалларни олингиз. Шуаро шаҳри бўлган Ҳиротда яшаб, Алоиддиннинг баъзи зўраки нарсаларидан бошқа, бир ҳафтадан бери ҳеч нима кўрмадик...

Ҳалвофуруш оҳистагина ўрнидан турди. Токчадаги қалин бир китобни очиб, унинг орасидан бир неча япроқ яп-янги, шалдироқ қоғоз олиб Зайниддинга узатди. Зайниддин қоғозларни бир-бир кўздан кечириб, Султонмуроднинг тиззасига қўйди.

— Ғазал ўқимоқда сен билан тенглашурлик шахс етти иқлимда ҳам топилмас, десам хато қилмасмен. Марҳамат қил.

Султонмурод шеърни гўзал ўқирди. У ўқиганда шеърият оташидан маҳрум оддий мисраълар ҳам гўё бирдан ялтираб кетарди. Дўстининг шеърларида унга авваладан белгили бўлган баъзи умумий нуқсонларни едириб кетиш учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқишга тиришди. Ғазалларга аксар вақт мусиқийлик нуқтаий назаридан қараб баҳолайдиган Зайниддин, завққа тўлгандек, сўзларнинг оҳангига яраша, бошини аста тебратиб ўтирди. Шеърлар тамом бўлгач, ёппасига яхши баҳо берди, айрим ўхшатишлар, киноялар устида мулоҳаза юргизиб, уларда шоирга хос ранг ва хаёл борлигини таъкидлади. Ҳиротнинг қайси бир гўзали ҳақида ёзилган бир ғазални шўх улфатчиликларда мусиқи билан куйлаш учун шоирдан сўраб олди ва қоғозни тўрт буклаб, катта салланинг бир четига қистириб қўйди.

Султонмурод эса сўфиёна руҳ билан айтилган бир ғазалнигина мақтади, унинг айрим мисраъларини бу нав ғазалларнинг энг гўзал намуналарини берган Ҳофиз Шерозий ва замондоши мавлоно Жомий каби шоирларнинг мисраълари билан чоғиштирди. Бу муносабат билан у турли замонларда ўқиган ва кучли хотирасида

[1] Гўзал асарлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сақланган ўнлаб шоирларнинг бутун-бутун ғазалларини, рубоиларини бирин-кетин ўқиб изоҳлаб, фалсафий қиймати ҳақида сўзлай бошлади. Ниҳоят, Султонмурод сўзини битиргач, шоир шогирднинг ишидан хабар олгани дўконига тушиб кетди. Лекин шеър ва шоирлар ҳақидаги сўз кесилмади. Ҳиротнинг эски ва янги шоирларидан бир кўпларининг асарларидаги хоҳ яхши, хоҳ нуқсон, лекин қизиқ жиҳатлар устида Зайниддин, гўё махсус равишда текширгандек, жуда мароқли нарсалар гапирди. Кейин баъзи шоирларнинг тирикчиликлари, феъл-атворларига доир латифа йўсинли ҳикояларни қаторлаштириб ташлади. Мавлоно Жомий билан мавлоно Соғарий[1] ўртасида бўлган ҳазил-мутойибаларнинг энг қизиқларини айтаркан, Султонмурод ичаклари узилгудай хохолаб кулди. У энди ичдан отилмоққа тайёр қаҳқаҳани қайтаришга интилиб, дўстига: «бас, жоним, бас энди!» дер ва нафасини ростлар экан, мавлоно Туробий кирди.

— Дўконга тушиб чиқаман, деб шаҳарни айланиб келдингиз шекилли?— деди Зайниддин.

— Афсуски, бўлмадингиз,— деди Султонмурод намланган кўзларини артиб.— Зайниддиннинг ажойиб сўзларидан маҳрум қолдингиз.

— Мен,— деди ҳалвофуруш юзида қувонч билан,— шундай бир инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир.

— Хўш?— деб тикилишди икки талаба бирдан.

— Шаҳримизга Алишер Навоий қайтибдилар!

— Ростми?

— Албатта, бутун шаҳар ёлғон сўзламас.

— Истиқболларига чиқмоқ керак,— ўрнидан қўзғалди Султонмурод.

— Биз ғафлатда қолибмиз, манзилларига етибдилар.— Қўли билан, ўтиринг, ишоратини қилиб гапида давом этди ҳалвофуруш.— Зайниддин сиз, Алишернинг суҳбатларида бўлганмисиз?

— Бўлмадим. Лекин бир неча дафъа мадрасага келган эдилар. Устодларимиз билан оралари яқин эди.

— Капалак гулзорда айланганидек,— деди ҳалвофуруш шоир,— ул жаноб ҳам то гўдакликдан бошлаб

---

[1] *Абдураҳмон Жомий* (1414—1492) — машҳур шоир. Навоийнинг дўсти; *Соғарий* — XV аср шоирларидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

арбоб илм, фикр, шеър ва санъат орасида кезадилар...

— Алишер Навоийни каминангиз кўрган эмасмен,— деди ҳаяжонланиб Султонмурод,— аммо Ҳиротга келган соатдан буён жаҳоннинг у нодир сиймоси тўғрисида яхши таърифлар эшитдим. Илм ва фан дарёсини кўнгилларига жо қилмишлар. Шеърлари ҳақида таърифга ҳожат йўқ. Ўз сўзимизнинг гавҳаршуносини, ўз шеъримизнинг Фирдавсий ва Низомийсини кўрмоққа муштоқ эдик. Алҳамдулилло кўрурмиз. Марҳамат қилиб, у жанобнинг ҳаётлари ҳақидаги маълумотларингизни батафсил айтиб берингиз, чунки фазилатлари тўғрисида кўп эшитдим. Аммо ҳаётлари ҳақида қарийб ҳеч нима...

Шоир Туробий бошини қуйи солиб, бир муддат ўйлаб қолди-да, кўзларини хаёлчан сузиб гапира бошлади:

— Гарчи Алишер жаноблари билан фақирнинг орасида муносабат ва робита[1] унчалик барпо бўлмаган эсада, ҳар бир ҳиротлик каби, у жанобнинг ҳаётларига доир баъзи жиҳатлардан хабардормен. Алишер бу шаҳри азимда баланд мартабали нажиб бир оилада туғилганлар. Боболари, оталари авлод Темурга бениҳоят хизматлар қилганлар... Улум, фununнинг қадри-қийматини билган ота — бир вақтлар Абулқосим Бобир замонида Сабзивор[2] ҳокими эди, у киши — фарзанд аржимандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн, ахлоқ берган. Алишер ҳам илмнинг ҳар бобида улуғ истеъдод кўрсатган. Ҳамма илмларга бепоён муҳаббат боғлаган; яна бир нуқта шулки, Алишер ва алҳол тож давлат бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари гўдакликда дўст ва ҳаммактаб эканлар.

— Алишер, буни яхши биламизки, болалик йилларда икки тилда бадиалар ижод қилиб, «Зуллисонайн»[3] лақаби билан шуҳрат топдилар, Алишер марҳум Абулқосим Бобир саройига хизматга кирганларида, ғолибо, ўн беш ёшда эдилар. Шу даврда ўзбек ва форс тилларидаги ашъорлари эл орасида ҳам шуаро назарида ғоят мақбул ва марғуб эди. Форси ашъорда «Фоний», туркий ашъорда «Навоий» тахаллус қўллаган бу бола сўз ден-

---

[1] Алоқа.

[2] Хуросонда кичик бир шаҳар.

[3] Икки тилли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

гизидан шундай дурри-гавҳарлар сочдиким, энг нодир қаламлар таажжубда қолди; ёдимда бор. Ҳиротнинг барча пешқадам шоирлари аксар вақт йиғилишларда унинг ажойиб матлаъларини[1] татаббу[2] қилар эдилар.

— Мавлоно Лутфий каби,— деб сўзга аралашди Султонмурод,— овозаси оламни тутган кекса шоир ҳали гўдак Навоийнинг ўз тилидаги бир байти учун ўзининг узоқ умрида айтган жамики ғазалларидан воз кечишга тайёр эканини билдирган экан. Бу ривоятга не дейсиз?

— Шубҳасиз, тўғри. Мавлоно Лутфийнинг ўзлари унинг сеҳрли қаламининг таърифини менга бир неча бор айтган эдилар,— дея жавоб берди мавлоно Туробий.— Филҳақиқат она тилининг асли туганмас олтин конларини ёш Навоийнинг муъжизали қалами кашф этди. Алишернинг турли илмлардаги қудрат ва иқтидорини сиз ўз устодларингиздан, замонанинг улуғ олимларидан сўрангиз, Алишер Ҳиротда, Машҳадда кўп йил таҳсил кўрди.

— Мударрис Мавлоно Фасиҳиддиннинг сўзларича,— деди Султонмурод,— Алишер инсон фикрининг барча соҳаларида кенг маълумот соҳиби эмиш. Тарих, фалсафа, мантиқдан бошлаб тирандозликка[3] мусиқийга қадар ҳеч бир соҳани қолдирмаган эмиш.

— Алишер Навоий гўзал хаттотдир[4],— деди фахрланиб Зайниддин.— Мусиқийдаги маҳорати учун ижод этган баъзи мақомлари далилдир; у мусиқийдан хабарсизликни шоир учун зўр нуқсон деб ҳисоблар эмиш.

— Ғоят тўғри талаб,— деди Султонмурод,— шоир сўзнинг мусиқийсига, ҳатто фикрнинг мусиқийсига чуқур кирмоғи керак. Хўп, Алишер Навоий Самарқандга расмий бир вазифа билан сафар қилганми?

— Хайр, азбаройи таҳсил учун,— деди мавлоно Туробий.

— Таҳсил учун?— ишонқирамаган товуш билан сўради Султонмурод ва сўзида давом этди.— Улуғбек замонида Самарқанд, ҳақиқатан, урфон[5] хазинаси эди. Ул замонги Самарқанд қайда? Энди у муборак шаҳарда

---

[1] Ғазалнинг илк байти.
[2] Текширмоқ.
[3] Ўқ отиш.
[4] Чиройли хат битувчи.
[5] Билимлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир гуруҳ жоҳил шайхлар маскан қуриб олган. Илмнинг, санъатнинг, китобнинг ўрнини сўфиларнинг тасбиҳи, каромати, зикри-самоси эгалламоқда. Илм офтоби Самарқанддан Ҳирот самосига ҳижрат этган[1] Самарқанднинг энг пешқадам олимларини Ҳиротнинг ҳар мадрасасида ўнлаб топмоқ мумкин...

— Фикримча,— деди Зайниддин мавлоно Туробийга,— бу тўғридаги хабарлар ҳақиқатдан узоқ бўлса керак.

— Дўстларим, андак сабр этинглар,— Зайниддиннинг сўзини кесди мавлоно Туробий,— мен сизга исбот қилай. Самарқанд фирдавс монанддан[2] келиб турувчи баъзи қадрдонлар, тижорат[3] ёки бошқа вазифа билан у томонларга борувчилар Алишернинг не машғулотда эканини каминага бир неча бор сўзлаган эдилар. Алишер машҳур ҳуқуқшунос[4] Хўжа Фазлулло Абуллайсда муттасил дарс олар экан. Олим билан оралари гўё ота ва ўғил каби яқин бўлган. Яна Самарқанд ҳокими ва яхши шоир Аҳмад Ҳожибек Алишер билан дўстона муносабатда экан. Ҳатто Алишер маишатининг баъзи тафсилотларини ҳам эшитганмен. Шундай кунлар бўлганки, Алишер майда харжлари учун ҳам тангасиз қолган. Унинг инсоний ғурури, табиатининг нозиклиги Аҳмад Ҳожибек каби улуғ саркарда дўстдан ёрдам сўрамоққа йўл қўймаган. Алишернинг барча яқинлари бу гаплардан огоҳлар. Нега тўғри бўлмасин?

— Дуруст,— дарров сўзга киришди Зайниддин,— мабодо Алишернинг ўзидан сўралса, у жаноб ҳам балки сизнинг каби жавоб берар. Хўжа Фазлулло Абуллайсда дарс олганига ҳам ишонамиз. Аммо бу нарса воқианинг зоҳиридир[5].

— Ҳақиқат нимада?— деб сўради мавлоно Туробий.

— Ишончли баъзи зотларнинг ривоятига кўра, Алишер билан марҳум подшоҳ Абусаид Мирзонинг муносабати совуқ бўлган. Абусаид Мирзо Алишернинг Ҳиротда яшамоқлигини маъқул кўрган эмас. Шу жиҳатдан бундан уч йил муқаддам Алишер Ҳиротни тарк

[1] Кўчган.
[2] Жаннатга ўхшаган.
[3] Савдо.
[4] Ҳуқуқ илмини билувчи.
[5] Ташқи кўриниш, сирти.



www.ziyouz.com kutubxonasi

этиб, Самарқандга жўнамоққа мажбур бўлган. Энди подшоҳ билан шоир орасидаги низонинг асли маъносига келсак, ҳар ҳолда сиёсий бир тарзда бўлиши шубҳасиз. Андак сабр этинг, дўстим, мен сизга баъзи воқеаларни сўзлай: марҳум Абусаид Мирзонинг ашаддий душмани ҳозирги тахт эгаси Бойқаро ҳазратлари бўлгани маълум. Бу ҳазрат билан Алишернинг ораларида илгаридан дўстлик ва яқинлик мавжуд эди. Бундан ташқари, Алишернинг тағоилари Ҳусайн Бойқаро ҳазратларининг яқин одамларидан бўлганлар, унинг тахт учун курашларида ёрдам берганлар. Мана бу ҳоллар Алишерга Абусаид Мирзонинг гумон, шубҳа билан қарашига сабаб бўлиши ғоят табиий эмасми?

Мавлоно Туробий эътироз қилмади. Тўғриси, эътироз учун далил тополмай, сукут билан ерга қаради. Бу баҳсга чуқур диққат ва қизиқиш билан қулоқ солган Султонмурод маънодор қараш билан деди:

— Зайниддиннинг сўзларида ақл кўпроқ ҳақиқат кўради. Дўстим Зайниддин ҳар куни беш карра такрорлайдиган намозда хато қилиши мумкин, лекин, умуман Ҳирот воқеаларининг ичини билишда ҳеч вақт хато этмайди.

Ҳаммалари кулишди. Бу вақт аксари шоир бўлган янги меҳмонлар келишди, ҳамманинг оғзида ёлғиз биргина сўз эди: Алишер!

## II

Туғонбек узоқ вақт бозор оралаб юрди. Нонвойхонадаги нонларнинг, ошпазлар қичқириб мақтаб сотаётган ҳар нав таомларнинг ҳиди унинг димоғига гуппа уриб, сўлагини оқизар, оч меъда ичдан кемириб, бутун борлиғини бетоқат қилар эди. Нима қилсинки, ёнида қора чақа йўқ.

Бундан уч ой илгари қонғиб-қонғиб бу шаҳарга келганида йигирма беш динор[1] пули бор эди. Тежаб, тергаб харажат қилиш орқасида бу маблағни анча чўзди. Мана энди қарийб икки ҳафтадан буён тангасиз хуноб... Ваъдани қуюқ қилиб баъзи қассоблардан, ошпазлардан бир неча динор қарзга ҳам илинди. Сотилгудек нарсадан унда сопи фил тиши ва кумуш билан ишланган бир

[1] *Бир динор* — тахминан ярим сўмга баравар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ханжаргина бор. Лекин Тўғонбек очдан ўлишга рози бўлса ҳам, бу буюмдан ажралишни истамасди. Биринчидан, у умуман тиғга ўч одам. Бир кўп одамлар дуонинг, туморнинг кучига қандай ишонса, у ҳам тиғнинг сеҳрли кучига шундай эътиқод қилади. Иккинчидан, бу ханжар ота-бобо мероси. Бу тиғ унинг шавкатли боболарига бахт йўлдоши бўлган!

Тўғонбек овқат тадорики учун бозорда бирон юмуш қидирмади. Меҳнатга сира бош бермас, ҳар қандай меҳнатни ўзининг ортиқча сезгир иззат нафси учун ҳақорат деб биларди. Лекин у от миниб, қорли бўронларда, даҳшатли селларда ҳафталарча тентираб, тоғ-довон ошишни, ёзнинг қизғин ойларида бепоён Осиё чўлларининг жаҳаннам ёнғинига, қум тўлқинларига чидаш бериб, оч, сувсоқ кезишни машаққат ҳисобламас эди.

Тўғонбек шовқин-суронли Ҳирот бозорининг турли томонларини сайр этиб Ҳинд, Эрон, Хитой, Миср моллари қалашган дўконларга ҳирс билан қаради; чақмоқдай отларда серсавлат беклар учаркан, унинг кўзларида ҳавас, ҳасад ёниб кетарди. Кечга яқин аслаҳафуруш бир чолнинг дўкони олдида тўхтади. Зуваласи пишиқ, кичкинагина чол ширин сўз билан қаршилади:

— Нима керак, кўнглингни олай, бек йигит?

Тўғонбек индамади, қўпол пўстин тагидан белга тақилган ханжарни олиб, чолга узатди.

— Қария мени тангликдан қутқаринг. Бошим омон, яхшилигингизни унутмаймен, ўз отам каби ёдлаймен.

Чол ўз ишига моҳир эди. Пўлатни танлашда мислсиз эди. Ҳар қандай пўлатнинг сифатини аниқ танлашгина эмас, ҳатто унинг ватанини — Боғдоддами, Исфихондами, Самарқанддами ишланганини дарров айтиб бера олар эди.

Чол ханжарга бир зум қараб, кўзлари аллақандай қувониб кетди. Кейин Тўғонбекка бошдан-оёқ разм солди, молни арзонга тушириш учун совуққонлик, бепарволик билан гапирди:

— Бек йигит, мен сотувчимен. Шундай буюмларимнинг қадрига етадиган харидор қидирамен, лекин ғоят иложсиз қолган бўлсанг, у вақт сени муҳтожлик ва зарурат панжасидан халос этмоққа тайёрмен. Чунки умримда масжид-мадраса солдирмадим. Азиз-авлиёлар учун мақбаралар бино қилмадим. Маккаий Мукаррамага бориб, пайғамбаримиз босган тупроқларни кўзимга



www.ziyouz.com kutubxonasi

суртмадим. Бас, оллонинг даргоҳига не билан борурмен?

— Қария,— деди Тўғонбек манглайини қашиб,— сотиш ниятида эмасмен.

— Хўш, мақсадинг?— дея узун, учи ингичка соқолини тутамлади чол.

— Ханжар сизда гаров бўлиб қолсин,— деб жавоб берди Тўғонбек дўкон четига ўтириб.— Менга беш динор беринг, расо бир ойдан кейин мен сизга олти динор келтириб, буюмни қайтиб оламен. Агар тақдир насиб этмай ақча тополмай қолсам, у чоғ савдосини қилғаймиз. Ўзингиз инсоф билан баҳоларсиз...

Чол кўзларини қуюқ қошлари ичига яшириб, бир нафас жим қолди. Кейин тараддудланиб деди:

— Мени мушкул аҳволга солдинг, йигит, не қилсам...

— Иложсизликдан қошингизга келдим,— деди ялинқираган товуш билан Тўғонбек.— Мен чақалоқ эканмен, раҳматли отам бу тиғни бешигимга, ёстиғим остига қўйган экан. Эсимни танигандан буён ҳамиша ёнимда.

— Яхши йигит, мен биламен. Бу бир парча пўлат сени турли балолардан асраган; бу тиғ сен учун энг нодир хотиралар билан боғланган. Шунинг учун азиз тутасен. Аммо, ўйламаки, мен буни ҳар бир харидорга рўкач қилғаймен... Йўқ, сен каби бир тиғпараст йигитга берамен. У шундайки, яхши тиғни дилрабо маъшуқасидан афзал кўради, ўзи барлос бекзодаларидан!

Тўғонбекнинг умиди кесилди. Қўлини тиғга узатди. Лекин чол бу қимматли буюмни қўлдан чиқаришни истамади. Бир ойдан сўнг балки, арзон баҳога сотиб олиш умиди билан, киссасини кавларкан, деди:

— Хўп. ўғлим, йигитнинг сўзини қайтариш эрларнинг иши эмас.

Тўғонбек беш динорни олиб белбоғга тугди-да, хайрлашиб ўрнидан турди. Очлик андишаси бошидан кўтарилса ҳам, юрагининг бир парчаси узилган каби, чуқур қайғу, оғриқ, ўксиниш сезди. Ханжарни қайтиб ола биламенми, йўқми, деган савол унинг фикрини пармалади. Хийла вақт яна сандирангла б юрди. Кейин қўлини силтаб, ошхонага кирди, тўйиб овқатланди. Шом қоронғусида мадрасага жўнади. Ҳиротнинг «Ферузобод» дарвозасига кетувчи катта йўлда шаробхонага кирди. Катта-



www.ziyouz.com kutubxonasi



Ойбек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кичик хумларнинг орқасида пастак курсида ўтирган хомсемиз, кўзлари маст шаробчидан катта косада «об ангур» сўраб, бир жуфт шам билан ёритилган катта хонанинг бир бурчагига оғир чўкди. Бу ерда бирталай одам бор эди. Баъзилар танҳо ўтириб хаёл суриб ичади. Баъзилар тўп-тўп бўлиб улфатчилик қилишади, ўқтин-ўқтин қийқириб қўйишади. Бир томонда тўрт-беш мўйсафид давра қурган. Улардан бири бўғиқ-заиф овоз билан форсча бир ғазални «хиргойи» қилади. Бошқаларнинг саватдай саллалари куйнинг оҳангида аста-аста чайқалади. Шаҳарнинг машҳур «авбош»[1]ларидан бир тўпи бир-бирлари билан баслашгандай, косаларни пайдарпай сипқаришади. Оёқда базўр турган бир шоир дудуқланиб ўзини мақташ билан овора. Ўзбек-форс тилларидан иборат қурама бир шовқин бошни гангитади.

Хилини, тамини суриштирмай, қозоқлар қимиз ичишгандай, жуда кўп ичадиган Тўғонбекка икки коса май ҳеч кор қилмади; чанқоқ туянинг лаби сувга тегди. холос! У, одатда, ичишга киришганда тангани аямас эди. Лекин бу қоидани Ҳиротда, завқ билан ичиш мумкин бўлган шаҳарда, бузган эди. Ўзини зўрлаб бўлса ҳам орзусини ўлдиришга тиришди. Ўз жонидан ҳам азиз бўлган «отамерос» тиғ учун олган ақчани совурмаслик учун ўрнидан турди. Лекин эшикка чиқиш олдида таниш товуш эшитди: «Тўғон! Итнинг боласи!»

Тўғонбек қайрилиб, мўйсафидлар давраси орқасида ёлғиз ўтирган Тўқли мерганга кўзи тушди-да, гўё Хизирга йўлиққандай, мамнун бўлса ҳам, лекин ботир йигитларга хос улуғворлик ва ғурур билан кўришди ва унинг ёнига чордона қурди. Тўғонбек бу эпчил, дов йигит билан бир вақтлар Бадахшон ҳокимида хизмат қилган эди.

Тўқли мерган қудратли елкасини кериб, кулиб қўйди: «Қани, манавини қадимгича қилиб бир сипқирчи!» деди-да, косани Тўғонбекка тутди ва ўзи учун бошқа чақирди. Косаларни қадимгича чўқиштириб, эски қадрдонлар бир-бирларининг ҳол-аҳволларини суриштириб кетишди. Тўғонбек саргузаштларини ва бу кунги ҳаётини солмоқлаб сўзлади. Тўқли мерган Ироқдан бир ҳафта бурун келиб, «Ихтиёриддин» қалъасида хизматга кирганини билдирди. У Тўғонбекни бўлимли — иш би-

---

[1] Безори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар йигит деб ҳисоблар эди. Унинг бундай сафолатга тушиб қолганига ачинди.

— Толе қуши ўз вақти-соатида қўлингга қўнади,— деди у ўртоғига томон энгашиб,— биламен, сен лак-лак қўшинга саркарда бўладиган бўлимли йигитсен. Аммо, буни қулоғингда тут, ошиқма: отилмаган сопқон ҳам бошга тегар... Ҳозир маишатни ўйлаб юравер!

— Не дейсен?— тўнғиллади Тўғонбек,— масжидга сўфи, кулолга шогирд тушайинми?

— Бу ерда бир валинеъматим бор. Менга узоқ қариндош... Биласен, менинг аслим ҳиротлик. У одам саҳийликда Ҳотамтой. Давлатда эътибори баланд, йигитлик ҳаққига онт ичиб айтаменки, у зот кеча мен билан учрашиб: «Мардона, диловар бир йигит топ, бизнинг хизматимизда бўлсин» деб эди. Мен ҳам қалъага унинг ҳаракати билан кирдим. Истасанг, шу соатнинг ўзида югурамиз.

Тўғонбек косани бўшатиб, даккам-дуккам, дағал мийиқларини пўстин енги билан артди-да, қалин лабини тишлаб, ўйлаб қолди.

— Биламен, ғурурингг йўл бермай турибди!— деди Тўқли мерган койиниб.— Беҳуда. У одамнинг даргоҳида сен ёлғиз унинг шавкати, дабдабаси учун яшайсен. Тушундингми?

Тўғонбек дўстига тикилди. Унинг йирик, чақин кўзларида самимиятдан ўзга бир андиша сезмагач, розилигини билдирди. Улар яна бир косадан ичиб ўринларидан турдилар.

Уларни фонус кўтарган тетиккина бир чол дарвозада қаршилади. Тўғонбек диққат билан чолга тикилиб, уни, афти-бошидан, қул эканини пайқади. Чол уларни ширин сўзлик билан ичкари олди-да, қаёққадир ғойиб бўлди. Кўп ўтмасдан, нарироқда эшик ғижирлади ва чолнинг овози эшитилди:

— Марҳамат қилинглар!

Тўғонбек дўстининг орқасидан хона ичига кириб тўрда, қалин кўрпача устида чордона қуриб ўтирган ўрта ёшли, кўзлари муғомбирона ёнган, бутун вазиятида кибр-ҳаво, асабийлик, ўзбиларманлик жилваланган одамга кўзи тушди. Бу — Шоҳруҳ[1] салтанатида катта мансаблар ишғол этган Ғиёсиддин Пир Аҳмад Ҳаво-

[1] Темурнинг ўғли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

фийнинг ўғли Маждиддин Муҳаммад эди. У Абусаид Мирзо даврида девонда[1] ишловчи майда вазифадорлардан[2] эди. Ҳозир эса Ҳусайн Бойқаронинг жияни «Мирзоий кичик» — Муҳаммад Султоннинг вазирчаси.

Тўғонбек салом бериб, унинг қўл учини сиқди. Тўқли мерган ўтиргач, қўсқи пўстиннинг этакларини қайириб, тиз чўкди. Маждиддин ўз олдида турган катта мис шамдонни нариroққа итариб қўйиб, Тўғонбекнинг дам пўстинига, дам кўзларига разм солди: қоматдор, дов йигит Тўқли мерган қўйдек ёвош, мутавозе ўтирибди. Қўсқи пўстин кийган Тўғонбек ғурурнинг ва қўпол кучнинг гўё тимсоли мужассами эди. Маждиддин Тўқли мерганга маънодор қараб, жўрттага оддий тил билан гапирди, «Кечаги гапимга чин ишониб, қулоғингга қуйиб олган экансен, мерган. Бу йигит сенга отнинг қашқасидай маълумми? Корсоз[3] йигитга ўхшаб кетади. Нима қиламиз, қабул этмоқдан ўзга чора йўқ».

Тўқли мерган Тўғонбекнинг баъзи сифатларини сўзлаб, мақташга бошлаган эди, Тўғонбек унга ҳўмрайиб, тилини кесди. Маждиддиннинг муомиласи ва сўзлари унга қаттиқ теккан эди. У ҳурпайиб олди. Маждиддин, пайқади шекилли, товушини, сўзнинг равишини ўзгартиб, дарров гапирди:

— Бизга хизмат қилинг, иним, биздан асло ёмонлик кўрмайсиз.

— Не юмуш қиламен?— тўнғиллаб сўради Тўғонбек.

— Қиҳ, қиҳ, қиҳ...— кулди Маждиддин, қора, қуюқ соқолини серкиллатиб.— Мен сизга, иним, йигитга ярашур ишларни буюрамен, амин бўлинг. Қадамингиз қутлуқ бўлса, мартабангиз улуғланур...

— Остингда булутдай от,— гапга аралашди Тўқли мерган,— эгнинг бут. Дастурхон ҳар вақт муҳайё... Биламан. Шундайми, тақсир?

Маждиддин илжайиб бош қимирлатиш билан тасдиқлади. Тўғонбек ҳам қаддини ростлаб, енгилланиб олди-да, эрта билан келишга ижозат сўраб, дўсти билан бирга қўзғалди.

---

[1] Бош идора, маҳкама.
[2] Хизматчилар.
[3] Иш биладиган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ИККИНЧИ БОБ

### I

Султонмурод дарс учун мударрис мавлоно Фасиҳиддиннинг ҳужрасига кириб, ҳайратда қолди. Яп-янги кўк шоҳи тўн кийган устод янги тақяга саллани бежаб ўрамоқда эди. Унинг ҳар вақт мулойим, очиқ юзи, оқ кўркам соқоли, бутун савлатдор гавдаси унинг шошилаётганини, қувончини билдирар эди. Султонмурод унинг бирон олий даргоҳга отланганини фараз қилди. Мударрис саллани ўраб бўлиб, тўнининг силлиқ шоҳисини қўллари билан аста силаб-силаб қўйди-да, табассум билан Султонмуродга мурожаат этди:

— Махдум, букун сизга таътил. Алишер Навоий жанобларини подшоҳ ҳазратлари муҳурдорлик вазифасига тайин этмишлар. Ёшлик замонларида жаноб Алишер бир неча вақт менда таълим олмиш эдилар. Рутбаий олийлари[1] билан табрик этмоқ вазифамиздир.

Султонмурод подшоҳ билан Алишер Навоий орасида эски дўстликни эшитган бўлса ҳам, тез кунда бундай юқори вазифага кўтарилишини хаёл қилмаган эди. Шоирлик қудратини унинг қўлма-қўл юрган шеърларидан билган, олимлиги ва инсоний фазилатлари ҳақида айниқса кейинги кунларда ҳамманинг оғзидан фавқулодда қизиқ, ҳайратбахш гаплар эшитгани бу шахснинг давлатда юқори пояга кўтарилиш хабари уни самимий қувонтирди, ҳам шу билан баравар, тунов кун ҳалвофурушнинг болохонасида Алишернинг Ҳиротга қайтганини илк эшитган чоғда кўнглида туғилган кучли орзу — шоирни кўриш иштиёқи, ҳозир унинг бутун борлиғини қоплаб олди.

— Тақсир, демак сизни ҳам табрик қилмоқ мумкин,— деди Султонмурод тавозе билан,— чунки жаноб Алишер Навоий бир вақтлар сизнинг маърифат нурингиздан баҳраманд бўлган.

Мавлоно Фасиҳиддиннинг кўзларида шодлик тошди.

— Бу фақир шогирдингиз,— давом этди Султонмурод,— кўнглидаги бир муддаони арз этмоқ истайди.

— Қандай муддао?— жиддий тикилди Фасиҳиддин.

— Муддао шулки,— жавоб берди Султонмурод,—

---

[1] Юқори мансаблари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

улуғ шоирнинг ҳузурларига жанобингизнинг сояси каби эргашиб борсам, на дерсиз?

Мавлоно Фасиҳиддин кўзларини ерга тикиб, маънодор сукут этди. Шогирд, уни тараддудга солганидан, алланечук кўнгли ранжиди.

Фасиҳиддин ўзининг фавқулодда истеъдодли шогирдини севар, унинг ғайрати ва билимларини мақтар эди. Лекин бу ёш йигитча учун ҳар вақт ортиқча ташвиш чекишга тўғри келар эди. Султонмуродга бир-икки соат дарс бермоқ учун, у баъзан ўз уйида ҳафталаб китоб кўрар эди. Бу нодир истеъдоднинг орзуларини ерда қолдиришга кўнгли ботинмас эди. Бирдан кўзларини ердан узиб, кулиб қаради.

— Хуросоннинг барча улуғ зотлари билан мулоқот қилмоққа[1] сиз учун фурсат келган. Балли, бизга ҳамроҳ бўлингиз.

Мударрис ва шогирд мадрасадан чиқдилар.

Алишер яшаган уйда тантанали руҳ ҳукм сурарди. Мулозимлар ҳурматли мударрис билан танилмаган шогирдни тўрдаги катта уйга таклиф этдилар. Қип-қизил гиламлар ёнган, деворлари, шипи нақшдор, токчалари ганчдан ажойиб гуллар билан ишланган катта уйда бир талай одам ўтирган эди. Мавлоно Фасиҳиддинни тўрга ўтқаздилар. Султонмурод эшик тагига тиз чўкди. Бу ердаги одамларнинг аксари Султонмуродга таниш бўлган ва турли илмларда ном чиқарган олимлар, ҳам Ҳиротнинг олдинги шоирлари эди. Булардан ташқари бир неча юқори мансабдорлар қийматбаҳо тўнларга ўралиб, улуғворлик билан ўтиришар, дарвешнамо, ташқи такаллуфларга бегона баъзи шоирларнинг қилиқларига, атворларига ғижингандай кўринардилар. Султонмурод мажлисдагиларнинг гапидан, Алишернинг ҳали саройда эканини фаҳмлади. Гангур-гунгур суҳбатга қулоқ солиб ўтирди. Орадан кўп вақт ўтмай кимдир шоирнинг келганидан хабар берди. Султонмурод дарҳол ўзини айвонга олди. Шу вақтда уйдагиларнинг аксари, шу жумладан мавлоно Фасиҳиддин ҳам чиқди. Ҳамманинг кўзи

[1] Учрашмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

унда-мунда дарахтлар ўсган катта ҳовлида эди. Зарёқа тўн кийган, мағрур бир неча сарой одамлари орасида Султонмурод шоирни худди илгари кўргандек дарров таниб олди, кўзлари чексиз қувонч билан ёниб кетди. Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлиқ ўралган кўркамгина салла. Эгнида одми шоҳи тўн, устида яланг қўнғир мовут чакман... Навоий ўттиздан ошмаган бўлса ҳам, ёши улуғроқдек кўринарди. Қомати ўртадан баланд, ингичка, лекин пишиқ, бармоқлари узун ва нафис; қора ва қисқа соқолли, хушбичим мийиқлари текис ва силлиқ; ёноқлари чиқиқроқ, кенггина юзида доимий тафаккурнинг асл маъноси, маънавий қудрат ва енгил, гўзаллаштирувчи бир ҳорғинлик жилваланади. Қабариқроқ қовоқлари остидаги қийғоч кўзларида гўё тафаккур ва хаёл билан бирга қандайдир ирода кучи ифодаланади.

Навоий, лабларининг учида, кўзларида жиддий табассум, одамлар билан бирин-кетин кўриша бошлади. Мавлоно Фасиҳиддин шоир билан кўришиб, ҳаяжон билан самимий табриклагандан сўнг, бармоғи билан Султонмуродга ишорат қилди. Султонмуроднинг ҳаяжондан ранги бироз оқарди. Қўлини кўксига қўйиб шоирга яқин келди. Бироз энкайиб, унинг қўлини сиқди-да, бир қадам орқага ташланди.

— Каминанинг шогирдларидан,— деди ифтихор билан Фасиҳиддин,— нодир истеъдод. Замонамизнинг Абу Али Синоси бўлишига каминада асло шубҳа йўқ.

— Ҳурматли устодим камина шогирдлари ҳақида ғоят муболаға этдилар,— қўлларини қовуштирган ҳолда кулгансимон деди Султонмурод. Навоий дўстона табассум ва илиқлик билан Султонмуродга мурожаат этиб, унинг қаерлик экани, қандай илмларни ўтгани ва ҳоказо ҳақида суриштирди. Султонмурод ҳақиқатни яширмади. Ўзи чуқур эгаллаган илмларни, бир қадар камтаринлик билан айтиб берди. Бу вақтда атрофга тўпланган ва Султонмуродни танийдиган баъзи мударрислар ҳам унинг тўғрисида бирон нима дейишди.

— Ҳиммат ва ғайратни асло қўлдан берманг,— деди Навоий суюниб.— Эл, улус сиздек зотларга ғоят муҳтождир. Илм дарахтини яхши парвариш этиб, юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмоғимиз керак. Мана энди ошино бўлдик. Умид қиламенки, бизни ҳамиша йўқлаб турурсиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Илтифотингиз учун қалбимдан ташаккур этамен,— деди Султонмурод титроқ овоз билан,— сизнинг маърифат дарёнгиздан баҳраманд бўлмоқ қадар улуғ саодатни тасаввур этмоқ имконсиздир...

Навоий Султонмуродни бирга олиб уйга кирди, юқорироққа ўтиришга таклиф этса ҳам, Султонмурод узр тилаб, пастроққа ўтирди. Навоийнинг қалбини тушунмаган баъзи одамларда ҳайрат сезилар эди. Улар, бу олача тўнли, фақир ёш муллабаччага бу қадар диққат ва илтифотнинг нима кераги бор экан, деб ўйлар эдилар шекилли. Султонмурод баъзи кўзларда шу маънони очиқ сезаркан, унинг тасаввурида Навоийнинг сиймоси бениҳоят юксалди, унга бўлган муҳаббат учун ҳеч чегара йўқ эди.

Муҳурдор шоир уй соҳиби бўлганликданми, ёки камтарликданми, ҳаммадан пастда ўтирди. У дастлаб Ҳиротдаги турли мадрасаларнинг аҳволи, талабалар ва мударрисларнинг тирикчиликлари, вақф ишлари ҳақида гап очди. У кишиларнинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Кейин сўнгги йилларда Хуросонда вужудга келган катта, кичик илмий асарлар, девонлар тўғрисида муфассал маълумот олишга тиришди. Қандайдир номсиз бир шоир тарафидан айтилган бир рубои, бир байт, ёки бир муаммо устида сўз кетган тақдирда ҳам, Навоий жиддий суриштирди. Ҳамманинг қулфи дили очилгандек, мажлис қизиб кетди.

Султонмурод, гўё Навоийни иккинчи қайта кўриш насиб бўлмаслигига ишонгандай, ундан кўзини узмас эди. У Навоийнинг сиймосида камтарлик билан баравар, кибрдан, манманликдан холи бўлган чин, улуғвор бир ғурур, қўлларининг ҳаракатида, сўзларкан, лабларининг қимирлашида, табассумида, овозида қандайдир майинлик, нозиклик, ингичка оҳанг сезар эди.

Мулозимлар дастурхон ёздилар. Меҳмонларга ҳар нав ширинликлар, писта, бодом, қуруқ мевалар жуда мўл-мўл тортилди. Кейин чиройли чинни косаларда шўрва, лаганларда эт ва юмшоқ нонлар келтирилди.

Зиёфатдан кейин мажлиснинг кексаси фотиҳа ўқиб, уй соҳибини дуо қилди, мажлис муҳурдор билан хўшлашди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## II

Токчада ёнган шамнинг шуъласи ва қия очиқ даричадан тушган ой нури гиламларнинг гуллари устида живиллаб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар, ўқтин-ўқтин эсган шабада шам ёлқинини липиллатар, пастгина курси устида очиқ турган қалин, катта китобнинг варақларини шилдиратар ва танбурда шоир чалаётган куйнинг сеҳрига берилгандай жимгина тинар эди... Мусиқини шеърдан айирмаган Навоий гўзал садолар илмини чуқур билар ва чуқур севар эди. Шоир кўзлари ярим юмуқ ҳолда завқ билан чертар, қиллар ҳаётнинг, кўнгилнинг пинҳон оҳангини садоларнинг фусункор тили билан сайратар эди...

Шоир енгил бир сўлиш олиб, танбурни токчага тираб қўйди. Бармоғидан нохунни чиқарди. Дарича ёнига ўтирди. Ҳовлида шабада билан ўйнашган дарахтларнинг енгил куйидан бошқа садо йўқ. Шоир ўйга толди. Мана у яна Ҳиротда, ўз уйида. Балки энди бутун умр бу суюкли шаҳарда муқим бўлиб қолар... Ким билади, тақдирнинг хоҳиши, жилваси яна қандай кутилмаган ўйинлар кўрсатар экан!

Бу ерда энди ҳар бир нарса унга яқин, меҳрибондек кўринди. Илгари бундай туйилмас эди. Балки марҳум ота ва онанинг руҳи, меҳри бу нарсаларда аксини қолдиргандир. Бир вақт Ғиёсиддин Кичкина[1] худди шу ерда, шу дарича остида ўтириб, уни эркалатмасмиди? Тўрт яшар вақтида, (шоир ғира-шира базўр хотирлайди) Мирзо Қосим Анворийнинг[2] байтларини бийрон тили билан ўқиб бераркан, ота қандай қувонарди! Яхши одам эди у. Содда, тўғри сўз, инсофли, раҳмдил одам... Марҳума она-чи! У ўз ўртоқларининг оналарини меҳр ва шафқатда ҳеч вақт ўз онаси билан тенглаштирмас эди. Содда, болалари учун куюнчак, қўни-қўшнилар, ақраболар билан ҳамиша хуш муомала аёл. Беш-олти ёшда мактабидан озод бўлиб югуриб келаркан, у дарров бағрига босар, сут, патирнон ва ширинликлар берарди. Мактабда муҳтарам қари домла ўргатган сабоқларни ёддан ўқиб бераркан, суюнар, ўғлининг каттакон мулло бўлишини орзу қиларди.

---

[1] Навоийнинг отаси.
[2] У замоннинг катта шоирларидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин, Хуросонда рўй берган сиёсий тартибсизликлар замонида, бир кўп оилалар билан бирга жонларини ҳовучлаб Ироққа қочишлари, йўлдаги машаққатлар, томошалар, хурсандчиликлар, Шарафиддин Яздий[1] билан учрашув, айниқса сафардан қайтишда кечаси отда мудроқ босиб, ерга йиқилиб тушиши, эрталаб уйғониб қараса, бепоён, кимсасиз тақир саҳрода ёлғиз ётганлиги, атрофда қонғиб, ўт чимтиб юрган ювош отни тутиб базўр миниб олиш, йўл тополмаслик, қизғин чўлда ташналик, ниҳоят карвон қўнган ерга етиб келганда, ғамдан ўлаёзган ота-онанинг хурсандчилиги ва ҳоказо хотиралар бир-бирига уланиб кўз олдидан ўтаверди... Ҳусайн Бойқаро билан бирга мактабда ўқиркан, саккиз-тўққиз ёшида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқуттайри»[2]ни мутолаа қилар, унинг сирли, оташин фикрларига берилиб кетиб, ниҳоят, бора-бора ўйин-кулгини, уйқуни, таомни ҳам унутгани, бечора ота-она бу аҳволдан қўрқиб ноилож, шу китобни ман этиб, қўлидан тортиб олиб яширганлари, китобни бошдан-оёқ ёд олгани учун барибир такрорлай бергани — шунинг сингари ажойиб, ширин, аччиқ хотираларни эсларкан, кўксини қандайдир ҳислар тўлқинидан бўшатмоқ учун хўрсиниб қўйди. Кейин илк шеър машқлари, илк ижоднинг азоби ва ширин ҳаяжонларини қайтадан яшатгандай бўлди. Илм, санъатни севган отанинг шоир ўғил билан қувониши, йирик шоирлар бир оғиздан мақтаб, ташвиқ этишлари,— ўйлаб-ўйлаб, «Навоий» ва «Фоний» тахаллусларини топиши, кекса мавлоно Лутфий билан учрашув ва унинг кутилмаган даражада баҳо бериши — буларни унутмоқ мумкинми?! Ишқ билан, ҳаяжон билан юракка, мияга нақшланган воқеалар, онлар...

Ғариблик, мусофирлик йиллари... Машҳаддаги етти-саккиз йиллик ҳаёт — хароб бақъалар[3], совуқ, тор мадраса ҳужраларида кундузлари қуёшга чиқиб ҳаво олмай, тунлари мижжа қоқмай муттасил китоб кўриш... Китоблар орқали асрлар билан, минг йиллар билан, қадим файласуфлари, олимлари, шоирлари билан суҳбатлашиш. Устодлари, шериклари, учрашдиги улуғ

[1] Машҳур тарихчи. Навоий олти ёшида бу киши билан учрашган.
[2] «Қушлар тили».
[3] Қамбағал талабалар, мусофирлар яшайдиган ҳужралар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

одамлар суҳбатларидан баҳраманд бўлгани юзларча донишмандлар — то сўнгги устоди самарқандлик Хўжа Фазлилло Абуллайсга қадар ҳаммасини эслади. Барчасидан мамнун эди. Фикран яна улар билан гаплашмоққа бошлади.

Ташқарида оёқ товуши эшитилди. Шоир бошини бирдан кўтарди. Эшик «ғирч» этиб очилди-да, рухсат сўраб укаси Дарвешали кирди. Бу ўқимишли, тавозиъли одам бўлса ҳам бир кўп жиҳатлардан акасига ўхшамасди. Ҳавоий ҳаётга берилган, бепарво, уқувсизроқ эди. Навоий унинг ниммаст сузилган кўзларига қаради, киноя билан жилмайди.

— Сўзланг, иним, юртда қандай хабарлар бор?

— Шу кунларда шиъий ва сунний[1] ғавғосидан ўзга муҳим ҳодисани билмаймен,— деб жавоб берди Дарвешали аста ўтириб,— ҳар ерда суннийлар норозилик билдирмоқдалар: «Подшоҳ шиъий, масжидларда имомлар шиъий... Бунга бардош этиб бўладими!» дейдилар.

— Таассуфки,— деди Навоий ғижиниб, бошини тебратиб,— бу маъносиз ғавғо подшоҳнинг фармони билан рўй берди. Халқ орасига тафриқа солмоқдан ўзга иш йўқми, ажабо? Давлатнинг молияси не ҳолда, қўшин не аҳволда, мадрасаларда толиби илмлар, олим ва фозилларнинг тирикчиликлари қандай, ҳар нав амалдорлар пойтахтда, туманларда[2], вилоятларда халққа не турда муомила қилурлар; деҳқоннинг рўзғори нечик, косибнинг кори нечик — мана бу вазифаларни ақл ва идрок кўзи билан кўриб, тадбир ва салоҳият билан ҳал қилмоқ керак эди. Иним, ҳар қандай мазҳаб жанжалларидан юқори турмоқ лозим. Ягона ҳусн мутлоқ мавжуддир. Қуёшнинг нурида, денгизларнинг жўшқинида, тоғларнинг муаззам жуссасида ва япроқларнинг титрашида унинг жамоли жилвасини кўрамиз. Кўнгилни унинг ишқи, ёди билан тўлдирмоқ керак.

Дарвешали шоир фикрининг илдизларига етмоққа тиришиб, қуйи солган бошини аста чайқаган ҳолда сукут этди. У ўз оғасига ва унинг фикрларига чуқур эҳтиром билан қарар эди.

— Бу диний низолар улғайиб кетмаса эди...— деди ниҳоят Дарвешали.

---

[1] Ислом динида икки оқим.
[2] Кентлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хайр, биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилурмиз,— деди Навоий қатъий оҳанг билан.— Гарчи бу мазҳабларнинг бирини ўзгасидан афзал кўрмасак ҳам, улуснинг бирлигини эътиборга олурмиз. Иним, дунёда китоб ўқимоқдан, тафаккурдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқдир. Табиатим кўпроқ бу томонга мойил эди. Сокин бир масканда яшаб, бу завқ дарёсида сузмоқчи эдим. Лекин, менга, маълумингиз, давлатда вазифа бердилар... Елғиз эл ва улус манфаатини назарга олиб, мансабни қабул этдим. Бу муборак юртда қилинадиган ишлар бениҳоят кўпдир. Бу ишларнинг ҳар бирига элимиз асрлардан бери ташнадир. Масалан, бир кутубхона яратмоқ хаёлим бор... Сиз энди «доруғаий кутубхонаий ҳумоюн»[1] дирсиз, сизга тааллуқли бўлганидан, айтиб ўтмоқ истаймен.

— Ҳар бир ниятингиз учун қул каби хизмат қилурмен,— деди Дарвешали қўлини кўксига қўйиб.

— Биз шундай кутубхона бино қилайликки,— шавқ билан давом этди Навоий,—бутун эл қошида манзур ва муътабар бўлсин. Жамики улум ва фунундаки, азминаи қадимдан[2] то шу дамгача одамзоднинг фикр гавҳари ижод этмишдир ва китоб суратига чекилмишдир,— барчаси бизнинг кутубхона хазинасини зийнатласин. Фақирнинг холис нияти шулки, бу ерда Хуросоннинг ва ўзга мамлакати исломнинг барча уламо, фузало, шуароси китоблардан истифода қилғай. Бу ерда фалсафанинг Суқрот, Афлотун ва Арастулари, ҳикмат ва риёзиётнинг Фипоғурслари[3], илм ҳайъатнинг[4] Улуғбеклари, шеърнинг Фирдавси ва Низомий Ганжавийлари — ҳар қайсилари ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайлар. Илмнинг равнақига ҳаракат қилғайлар, фикрнинг янги-янги хазиналарини ихтиро эткайлар. Улар кашф этган ҳақиқат қуёшлари юртимиз самосини нурга тўлдирса мақсадимизга етган бўлурмиз. Дарвешали, кўнглингиз ҳар чоғ эл муҳаббати билан лаболаб тўлсин, ҳар ишга бел боғлар экансиз, элнинг манфаат ва заруриятини ўзингиз учун бир мезон, деб билинг...

---

[1] Подшоҳ кутубхонасининг бошлиғи.
[2] Эски замонлардан.
[3] Қадим юнон олими.
[4] Астрономия.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Албатта шундай бўлмоқ керак,— деди Дарвешали, сийракроқ соқолини қашиб қўйиб,— элга хизмат қилган кишининг эътибори, қадри-қиймати ошар...

Навоий укасига маънодор тикилди.

— Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг ўзи улуғ мукофотдир,— деди у кескин равишда.— Ҳимматингиз самосини ҳаргиз булут қопламасин, иним.

Дарвешали уялгандай, кўзларини яширишга тиришди. Кейин гапни кутубхонага бурди. Биринчи галда бир имората олий қурмоқ кераклиги ҳақида сўзлади. Навоий токчадаги шамга қаради, ўрнидан қўзғоларкан, Дарвешали: «Мен... Мен...» деб дик этиб турди-да, шамдонни олиб ўртага қўйди ва миқроз билан шам учини авайлаб кесди. Шоир бир тахта шалдирама қоғоз олиб, очиқ, қалин китоб устига қўйди. Қаламни чиройли, муъжаз мис сиёҳдонга ботирди-да, қоғоз устида жуда эҳтиёт билан, аста юрита бошлади. Бироздан кейин Дарвешали олдинга сурилди, кўзларини катта очиб, қоғозга, акасининг дам тўхтаб, дам енгил ҳаракат қилган нозик қўлларига қараб турди. Қоғоз ғалати чизиқлар билан тўла бошлади. Ниҳоят, Навоий қаламни қўйди, қаддини ростлади, укасига табассум билан боқди.

— Мана бу ашколга[1] диққат этинг,— деди у қоғозни Дарвешали томон суриб,— биз меъмори санъатда[2] соҳиб вуқуф[3] эмасмиз. Бу соҳанинг устод комили[4] албатта ўз сўзини айтар, лекин биз ўйлаган иморат, тахминан, шу шаклда бўлиши керак.

Қоғоздаги шакл — бинонинг тархи[5] эди. Дарвешали қизиқиб томоша қиларкан, бу муаззам бино бутун тафсилоти билан шоирнинг кўз олдида гавдалангандек, Навоий унинг ички тузилиши, ташқи кўриниши, нақшлари, бўёқларига қадар тушунтирди. Дарвешалининг ҳар бир саволига, гўё шу қабилдаги бинони бирон жойда кўриб, мақбул топган каби, тўла жавоб берар эди. Кейин Дарвешали билан китоблар йиғиш тўғрисида сўзлашди. Қимматли китобларнинг нусхаларини кўпайтирмоқ учун Ҳиротдаги энг яхши котиблар ва муқова усталари ҳақида суриштирди.

---

[1] Шакллар.
[2] Гўзал бинолар қуриш санъати.
[3] Маълумот, билим соҳиби.
[4] Мукаммал билувчи устод.
[5] Бинонинг проекти — плани.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳирот хўрозлари кечанинг сукутини иккинчи топқир бузганда, Дарвешали кўзларини уқалаб, ўз хонасига чиқди. Шоир ўзини ҳали тетик ва енгил сезар эди. Кечанинг майин сукунатига шўнғиб бир нафас хаёл сурди, бир парча тоза қоғозни олиб, қаламни ушлаган ҳолда ўйлади. Сўзлар фикрнинг олтин ипига терилиб, қофиялар бир-бирини имлаб, иноқ қўл бериша бошладилар. Қалам қоғознинг силлиқ бетида юриб кетди:

Йиллар тутубон шайх моқомотига гўш
Не кўнглума завқ етти, не жонима хуш,
Жонимға наво етти-ю, кўнглумға хуруш
Бир журъа била, муғбачаи бодафуруш.

«Рубои»ни ичида ўқиди, юзини табассум қоплади. Сиёҳ қуригандан кейин қоғозни усти ўйма гулли чарм жуздонга[1] тиқиб, арабча қалин китобни варақлашга бошлади.

* *
*

Эртаси қуёш ёйилганда эшикка чиқиш билан, жуссаси кичикроқ бўлса ҳам, семиз, ювош, йўрға жийрон отни хизматкор тутди. Шоир узангига оёқ қўйиб, ўзини эгарга олишга улгурмасданоқ от аста юриб кетди.

Бозор куни бўлганидан кўчаларда қатнов зўр эди. От, эшак минган деҳқонлар, қўнғироқларини жаранглатиб солмоқланган қатор туялар, калава тўла саватларини бошларига қўйган кампирлар, матоларини қўлтиқлаган тўқувчилар ва ҳоказо қурама оломон бозор томонга оқарди.

Шоир «Хиёбон» кўчасини ўтиб, «Боғ зоғон»нинг катта дарвозасига етиши билан бу ерда тартиб кузатиб турган навкарлар муҳрдорга салом бериб, дарров отнинг жиловидан ушладилар. Шоир уларнинг ёрдамисиз отдан тушди-да, «Боғ зоғон»га кирди. Бу — турли қасрлар, кўшклар ва бошқа гўзал бинолар ва ажойиб хиёбонларга бой ғоят катта боғ эди. Дарахтлар оралаб кетган кенг. тоза ва қуёш нурлари билан олачалпоқ йўлдан бориб, бир неча таноб жойни ишғол этган катта гулзорга чиқди. Бу ерга гўё бутун дунёнинг гуллари тўпланган эди. Турли-туман ранг ва зиё билан қуёшда яшнаган бу чаман кўзларни қамаштирарди. Навоий

[1] Папка.



www.ziyouz.com kutubxonasi

гулни, рангни жуда севар эди. Ҳар кунгидек, тўхтаб, завқ билан томоша қилди. Кейин бу чаманзор қаршисидаги кошонага — деворлари, устунлари, эшиклари наққошлар қўли билан ясалган нақш гулзорини товлантирган бинога томон юрди. Олтин қуббачалар, ўймакор гуллар билан безанган эшикни очиб, кичикроқ, лекин серҳашам бир хонага кирди. Бу ерда уни дўсти Хўжа Афзал қарши олди. Бу — паст бўйли, тийрак кўзли, хуш муомала, қарийб ўзи билан тенгдош киши эди. Хўжа Афзал дафтардорлик, ҳисоб-китоб ишларига жуда моҳир бўлиш билан баравар, давлат ишларида тадбирли, виждонли бир мансабдор эди.

— Кўзим сизда эди, марҳамат қилинг,— ўрнидан туриб жой кўрсатди Хўжа Афзал.— Ҳали девонда ҳеч ким йўқ. Ғолибо, Хоқон ҳазратлари ҳануз ҳарам доирасидан[1] чиқмаган бўлсалар керак.

Навоий ўтириб, дўстининг шахсий ишлари ҳақида сўрагандан кейин, аввалги суҳбатларда бўлганидек, гап яна давлатга, халққа доир умумий масалалар соҳасига кўчди. Навоий адолатли давлатнинг асосий сифатлари нималардан иборат бўлиши кераклиги, подшоҳнинг халққа ва халқнинг подшоҳга муносабати, вазирлардан ва беклардан тортиб, то энг кичик амалдоргача ҳар бир иш учун қонун олдида масъул бўлиши, халқнинг тирикчилигини яхшиламоқ учун лозим бўлган чоралар ва ҳоказо тўғрисида гапирди. Бутун бу масалалар устида Хўжа Афзал шоирнинг фикрини қувватлади, ҳам бу яхши ниятларни ҳаётда кўрмоқни орзу қилди.

— Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки,— деди Навоий шавқланиб,— ўзга халқлар ибрат ола билсинлар... Токайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча махлуқотнинг тожидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак. Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантирмоқ мумкин.

— Ғоят гўзал фикр, ғоят гўзал ният,— таъкидлади Хўжа Афзал.— Лекин бу мамлакатда мансабдорлар тоифасининг халққа жабр-зулм қилмоғи бир одат ва анъана ҳолига кириб қолган... Мана бу зўр бало!

— Ҳар ерда жабрнинг тиғини синдирмоқ зарур,— деди Навоий қатъият билан.— Золимлар билан муроса

[1] Подшоҳнинг хотинлари ва сарой хонимлари яшайдиган бино.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқ жиноятдир. Мабодо ўзимиз синдира олмасак, подшоҳга арз этмоғимиз, уни ақлга, инсофга даъват қилмоғимиз керак.

Мулозим кириб Навоийга подшоҳ уни йўқлаётганини билдирди. Шоир ташқари чиқиб, ўнг ёқдаги қирқ мармар устунли қасрга томон юрди. Ерига гулдор чиннилар қопланган даҳлизда кафшини қолдириб, зарҳал эшикни очиб ичкари кирди. Тўрда, тахтда ўтирган Ҳусайн Бойқарога уч марта букилиб, расмий таъзимни бажо қилгач ижозат сўраб ўтирди. Ҳусайн Бойқаро белидан юқориси кенгайиб борган, қабариқ кўкракли, кенг яғринли, миқти гавдали эди. Йирик, қийиқ, ўткир қаровчи кўзлари ирода ва ингичка ҳийла билан бирга қандайдир беқарорлик, енгил ва шўх табиатни ҳам ифодалар эди; бошида йирик гавҳарлар қадалган қоракўл қалпоқ; эгнида ёқаси олтин гуллар, қийматбаҳо тошлар ранг-баранг порлаган қизил абришим тўн. Энлик камарида олтин қуббачалар, йирик гавҳарлар, Бадахшоннинг асл лаъли-ёқутлари оловланар эди. Даричалари гўзал боққа очилган катта, ёруғ уйнинг деворлари, шипи порлаган олтин-кумуш билан, санъатнинг муъжизаси бўлган нақшларнинг жонли гуллари, ёрқин ва оҳангдор бўёқлари билан кўзларни беихтиёр ҳам узоқ вақт ўзига қадаб қўярди. Ерда чамандай гуллаган ипак гиламлар, баланд шиплардан осилган олтин қандиллар, токчалардаги асл ажойиб хитой идишлар, зийнат ақлни шоширар эди.

Навоий ўзини, ҳар вақт учрашгандагидек, сарбастлик билан тутиб, подшоҳнинг кайфини сўради. Ҳусайн Бойқаро ҳам шоир билан учрашганда ўзини қадимги дўстдек тутишга тиришар эди. У баъзи вилоятларга, туманларга ҳоким тайин этиш, Абусаид Мирзонинг ўғли Султонмаҳмуд билан қандай муносабатда бўлиш ва ҳоказо масалалар ҳақида шоир билан фикр олишди. Навоий ҳокимлардан бошлаб то маҳалла қоровулига қадар ёлғиз давлат манфаатини ўйлайдиган, халқ билан яхши чиқишадиган инсофли одамлардан тайин этишни ҳамиша бир қоида қилиб олмоқ зарурлигини уқдирди. Султонмаҳмуд билан дўстона муносабат боғламоқ кераклигини, агар у Мовароуннаҳр билан қаноатланмай, Хуросонни босиб олиш учун фитна қўзғаб, тиғ кўтарса, омон бермаслик кераклигини баён қилди. Ҳусайн Бойқа-



www.ziyouz.com kutubxonasi




Ойбек «Навоий» романининг 1944 йил нашр нусхаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ро бу фикрларга сира эътироз қилмади, бир нафас сукут қилиб:

— Маждиддин Муҳаммадни танурмусиз?— дея бирдан сўради.

— Танийман.— Жавоб берди Навоий.— Аммо, феълатворини билмайман.

— Бағоят бўлумли инсон,— деди Ҳусайн Бойқаро бошини тебратиб.— Мирзоий Кичкинаға ихлос билан хизмат қилмоқда. Бизга садоқати, ҳиммати баланд, ҳавасим келди. Мен уни парвоначи[1] қилиб олсам, деган мулоҳазага келдим.

— Агар садоқати самимий бўлса,— деди Навоий иккиланиб,— хоқон ҳазратлари синаган бўлсалар, у тақдирда камина учун эътирозга ўрин қолмайди.

Ҳусайн Бойқаро бу хусусда қайта сўзламади. Кимхоб тўшакнинг остига қўлини тиқиб, букланган қоғозни олди-да, кулиб шоирга узатди. Навоий ипакдай майин қийматбаҳо қоғозни очиб, табассум билан подшоҳга бир қараб қўйди. Бу — Ҳусайн Бойқаро ёзган ғазал эди.

Ҳусайн Бойқаронинг ёшликдан шеърга ҳаваси кучли эди. Болаликда Навоий билан бирга ўқиркан, форсий, туркий шоирларни бирга мутолаа қилишар, шеър ҳақида суҳбатлашар, бутун-бутун қасидаларни, ғазалларни ёдлашар эди. Лекин ёшликда ҳам фикри, хаёли кўп вақт тож ва салтанат орзу-армонлари билан банд бўлгани учун бўлса керак, шоирликка оз қунт қилар, гоҳо-гоҳо биронта ғазал ёзиб қўяр эди.

Навоий ғазални дастлаб ичида ўқиди. Кейин товуш чиқариб, чиройли ўқиди. Ҳусайн Бойқаронинг бошқа ғазаллари каби, бу ҳам равон, мусиқийли ошиқона ғазал эди. Навоий шу мисраъларни мақтади:

Утка ёққил сарвни ул қадди раъно бўлмаса,
Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса,
Сарв бирла гул томошосига майлим йўқ турур,
Боғ аро ул сарви гулруҳдин томошо бўлмаса!

Бу мисраъларни таҳлил этиб, уларда шоирнинг ўзига хос маъно, хаёл, ранг борлигини кўрсатди ва биров билан мунозара қилаётгандек, қизғинлик билан гапирди: «Ўз тилимиз нақадар тоза рангли ва салоҳиятли. Бу сўз билан ҳар нечук руҳни, маънони ифода этмоқ мум-

[1] Хонлик замонида йирик мансаблардан. Парвоначи кўпинча подшоҳ қошида бўлиб, фармонларни ёзиб турар, ишлар ҳақида подшоҳга доклад қилар эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кин. Мен аминменки, бизнинг лисонимиз[1] фикр гавҳарларини назм[2] ипига теришда форс лисонидан кўра кўпроқ имкониятларга моликдир. Бу ғазалларни ўқиб, форс фусахолари[3] ва ўзимизнинг форсипарастларимиз не деб оғиз очишга жасорат қила олурлар!»

— Бу тилни шеърнинг шери мудофаа қилар экан, яна қайси мард аксини исбот қилур?— деди кулиб Ҳусайн Бойқаро.— Жаноблари ўз нодир асарлари билан тилимизнинг ҳуснини, қувватини донишманд халқ қошида намоён этдилар... Хотирингиздами, гўдаклик мавсумингизда тилимизни қандай муҳаббат билан ташвиқ этардингиз? У чоғларда ўз сўзимизга муҳаббатни менга сиз талқин этган эдингиз. Бу муҳаббат алҳол дилимдадир. Навоий ўзи ҳақида айтилган бу ҳаққоний сўзларни камтаринлик билан, бошини қуйи солиб тинглади. Ҳусайн Бойқаро ўз ғазалини жамики шоирларга татаббу учун бериб, улардан бунга жавоб ёзишларини сўрамоқчи эканлигини сўзлади.

— Фараз қилайлик,— деди Навоий кулиб,— ғазални юз шоир татаббу этиб, қалам сурсалар, юз ғазал вужудга келади. Бир туп гул юз ғунча очади!

Эшик Оға[4] кириб, аркони давлатнинг ҳозир бўлганини билдиргач, Ҳусайн Бойқаро киришга ижозат берди. Беклар, вазирлар, улуғ мансабдорлар ва подшоҳнинг ҳар вақтки ҳамсуҳбатлари, муқарриблар кимхобларга, хитойи шоҳиларга беланиб киришди. Ҳар ким ўз даражасига кўра ҳар вақт ўтирадиган ўрнида қарор топди. Беклар беги Музаффар барлос подшоҳга яқин, энг юқори ўринни ишғол этди. Ҳусайн Бойқаро тож-тахт ғавғосида тоғ, чўл ошиб, ўз рақиблари билан курашиб юрган паллаларда унга кўрсатган хизматлари учун бу бекнинг ғурурига чек йўқ, ўзини гўё подшоҳга шерик каби тутарди. Умуман давлатнинг устуни ҳисобланган бу одамларнинг аксари, қандай бўлмасин, бирон қизиқ сифати, феъли-ҳуйи, ё иши билан донг чиқарган эди. Муҳаммад бурундуқ барлос — қадим беклар наслидан, ғоят билимли, сардор, улуғвор одам. Лекин овга, қушга шунча ўч эдики, мабодо қушларидан бири ўлиб қолса, роса мотам тутар, бу ўлгандан кўра, фалон ўғлим ўлса

---

[1] Тилимиз.
[2] Тизма. Вазн ва қофияли сўз.
[3] Сўзга чечан одамлар. Гўзал сўзловчилар.
[4] Сарой мансабдори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмасмиди, дерди. Зулнун Арғун телбароқ, лекин ажойиб қиличбоз, баҳодир, ёвқур бек эди. Ҳар вақт икки қўл билан шатранж ўйнарди. Ислим барлос — содда, диловар, ов ва қуш илмининг пири. Ўзининг махсус ёйини куч билан отиб, ўқни тахтадан ўтказар эди. Ана шундай баҳодирона ишларни кўп биларди. Мўғулбек иши — ҳамиша қимор! Бадриддин — шундай чаққон эдиким, етти отнинг устидан қаторасига сакраган, Сайдбадриддин — бутун ҳаракати нозик, нафис эди, ажойиб рақс этарди. Ўзи ихтиро этган рақслари бор эди. Хўжа Абдулла Марворий — ҳар илмдан биларди. Ажойиб қонун[1] чаларди, шеър айтарди. Хатни чиройли битарди. Шеърни фавқулодда завқ ва нозиклик билан танларди. Лекин ашаддий фисқ ва фужурчи эди.

Тантана, ҳашаматни севган Ҳусайн Бойқаро уйни тўлдирган ва улуғвор таъзим, важоҳат билан ўтирган ранг-баранг оломонга фахрланиб қаради. Кейин беклар билан қўшин тўғрисида бироз суҳбатлашди. Вилоятлардан келган баъзи хабарлар ҳақида вазирлардан маълумот олди. Нима учундир Шайхулисломдан[2] шариатга доир бир масалани сўради. У қироат билан ва ғоят салмоқлаб сўзлар экан, зоҳиран диққат қилаётгандай кўринса ҳам, сабрсизлангани билиниб турарди. Кейин ов ва қушчилик тўғрисида сўз очди. Ислим барлос бирдан жонланиб кетди. Азамат гавдасини подшоҳ томонга сал эгиб, қудратли қўллари билан дағал, сийрак мўйлабини бир силаб қўйиб, қушларнинг «равиш-рафтори» ҳақида қизиқ маълумотлар бермоққа бошлади. Муҳаммад бурундуқ барлос ҳам гапга аралашди. Ов тўғрисида эртакка ўхшаш қизиқ гаплар аста-аста ҳамманинг диққатини тортди. Подшоҳ дам кулиб, дам жиддий ўй билан қулоқ солди. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро катта ва давомли овга тайёргарлик кўришни ва умуман овга доир жамики ишларни Ислим барлосга топширдида, қўл ишораси билан ўлтиришни ёпди. Бутун мажлисни ўзининг шоҳона зиёфатига таклиф этди. Ҳамма ўриндан қўзғалиб, таъзим бажо келтириб тураркан. Ҳусайн Бойқаро аста, мағрур юриб бошқа хонага ўтиб кетди.

---

[1] Махсус мусиқий асбоб.

[2] Диний ишларни бошқарувчи юқори мансабдор; руҳонийлар бошлиғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УЧИНЧИ БОБ

### I

Шом қорасида Мажиддин хизматдан уйга қайтди. Ичкари ҳовлида уни ўн олти яшар чўри қиз Бўстон, ҳар вақтдагидай, уятчан бир таъзим билан қаршилади. Бекасини ҳозиргина саройдан канизак келиб, подшоҳнинг бош хотини Бека Султонбегимнинг зиёфатига олиб кетганлигини билдирди. Маждиддин кунчи эрлардан бўлса ҳам, лекин бу хабар уни жуда қувонтирди: унинг номи ва рутбаси[1] сарой хонимларининг ҳам олий диққатини жалб этган. Демак, бир кун эмас-бир кун унинг хотини маликани бутун канизаклари, надималари[2] билан, ҳам Ҳиротнинг юксак оилаларининг хонимларини ўз уйига чорлайди. Ишқилиб бахт отини қамчилаб, кичик саройдан олий саройга илдам ўтиб олиш керак!

Маждиддин ясоғли уйга кириб, ёстиққа ёнбошлади. Чўри қизга шамни токчадан ўз олдига олиб қўйдирди. Қорни тўқ бўлганидан, Бўстон келтирган бир лаган қовурдоққа қиё боқмай, шарбат сўради. Бўстон чиройли кўзачадан тиниқ шарбатни гулдор косага қуйиб, тавозе билан тутди. Бироқ, хўжасининг кўзларида аллақандай ҳаёсиз орзунинг ёнганини сезиб, саросималаниб, тезгина эшикка чиқишга интилди.

— Бунда кел, ҳой! Ўтир.— Аччиғланиб қичқирди Маждиддин.

Ихтиёрсиз чўри қўрққанидан, яқинроқ келиб, гўё бирон юмуш кутгандай, чўққайиб ўтирди. Чиройли, маъсум кўзларини яширди. У ўн уч ёшида Бадахшонда саҳройи қароқчиларнинг қўлига асир тушиб, турли азоб-уқубатлар, можаролар чиғриғидан ўтиб, ниҳоят, бундан икки йил бурун ўн тўрт ёшида. Маждиддин чўри — «гунг» қилиб сотиб олган эди. Бўстонни тақдир бир қариш ёшидан бошлаб ҳаётнинг золим панжасига ташлаган, можаролар гирдобида суздирган бўлса ҳам, ниҳолдек нозик, туйғун қизнинг эркин ҳаётга бўлган умиди сўнмаган эди. У ўз софлигини сақлашга тиришар эди. Бўстон хўжаси Маждиддинни биринчи кўрган ондаёқ ундан бадгумон бўлган эди. Ёлғиз учрашишга тўғри келган пайтларда унинг кўзларига қарай олмас эди.

---

[1] Мартабаси, мавқии.
[2] Подшоҳ хотинига улфат бўлган аёллар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маждиддин косадаги шарбатни бўшатиб, соқол, мийиқларини шоҳи рўмолча билан артди-да, қизга термулди. Фақат қизнинг кир, дағал бўз кўйлагини кўриб, «ипакларга, бахмалларга чулғанса, ҳуснига юз қатла ҳусн қўшилади» деб ўйлади ва ишқий ҳангама учун фурсатни жуда қулай топган бўлса ҳам, насиб этган кун қизни ҳаммомга юбориб, нафис кийимлар кийдириб, ундан кейин ўз оғушига олишга қарор этди. Қўлини узатиб, даст рўмолини қизнинг юзига яқин бир силкди-да, уни чўчитиб юборди.

— Гул қизим, мен сенга яқинда анча ўртоқлар топамен, не дейсен?

Хўжасининг муомиласидан вужудини титроқ босган чўри ҳеч нима демай, ҳуркак кўзларини атрофга жовдиратди, холос.

— Нега жавоб бермайсен? Мен худди сен тенги соҳиб жамол қизлардан бир нечасини келтирамен. Уларнинг ҳаммасига сен бошчи бўлурсен. Ҳаммаларинг «боғи эрам» қизларидек ясаниб юрасенлар.

Бу сўзлар қизнинг қўрқув ва андишасини кучайтирди. У бошини яна қуйироқ эгиб, кўзларини ердан узмас, қандай қилиб ташқарига қочишни билмас эди. Унинг бахтига шу аснода кўча эшиги бирдан тақиллади. Бўстон, қафасдан чиққан қуш каби, ташқари отилди, кафшини пойма-пой илиб югурди. Бирпасдан кейин дадил юриб келиб, уни биров чақираётганини билдирди. Маждиддин ижирғаниб, аста ташқари чиқди. Қоронғуда таниш овозни эшитиш билан Маждиддин ичдан қувонди, лекин ташқи кўринишда ғурур ва савлатни қуюқлаштирди-да, бутун Хуросонга донғи кетган бойлардан Абулзиё билан кўришди ва уйга бошлаб кирди.

Абулзиё қалин адрас кўрпачага ўтириб, чувак юзини қоплаган қоп-қора, қуюқ соқолини силаб, фотиҳа ўқигандай бўлди.

— Зот олийларига подшоҳ ҳазратларининг илтифотлари баланд эмиш,— деди Абулзиё қуюқ, пайваста қошларини чимириб,— худо насиб этса, яқин кунларда янги рутбаи олий билан жанобларини табрик қилурмиз.

— Қаердан эшитдингиз?— билмаган киши бўлиб сўради Маждиддин.

— Подшоҳ ҳазратлари бир мажлисда сизни ёдламишлар. У мажлисда бўлган ҳамсуҳбатларидан эшитдим...



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шундай хабарлар бор... Эҳтимол, содиқ бандаларига инобатларини аямаслар,— деди Маждиддин ва меҳмоннинг ишлари ҳақида сўради. Карвонлари Ҳиндистон, Хитой йўлларида муттасил қатнаб турувчи бу савдогар, ишнинг ривожи ва кўринаётган фойдаларидан оғиз очмади, камчиликлар устида тилни бир қариш қиладиган, пашшани филга айлантирадиган ҳамма савдогарлар каби, ёлғиз чатоқлари ҳақида гапирди.

Маждиддин Бўстонни имлаб, дастурхон ёзишга буюрар экан, меҳмон қатъиян рад этди.

— Ҳозиргина шулонда[1] эдик,— деди у бармоқларидаги гавҳар кўзли узугини ўйнаб,— бир масаланинг ҳали учун қошингизга келган эдим. Билмадим, жаноблари қандай қарар эканлар...

— Бизнинг холис ниятимиз,— деди Маждиддин қўлини кўксига қўйиб,— дўст-ёрларга ҳамиша хизмат қилмоқдир.

Абулзиёнинг торгина пешонаси буришди. Бир кўзини, одати бўйича қисиб шамга бир нафас тикилди. Сўнг Маждиддин томонга энкайди.

— Хазинанинг симу-зарга[2] эҳтиёжи не даражада?

Маждиддин кулимсираб жавоб берди:

— Шоҳларнинг хазинаси бамисоли бир дарё... лекин бир фарқи бор: сув кўпайса, дарё тошади. Аммо хазина жавоҳиротга[3] асло тўймайди.

— Бағоят тўғри фикр,— деди Абулзиё,— хусусан, бизнинг подшоҳи ислом каби Ҳотамтой султон учун хазина дош бермайди. Подшоҳнинг муборак таъблари ҳашаматга мойил кўринади. Ҳар кун Жамшид осо[4] базмлар, таърифидан тиллар лол бўлувчи зиёфатлар тартиб этмоқда эмишлар. Камина хазинанинг баракатига саъи-ҳаракат қилсам, деган ниятда эдим...

— Не тариқ билан?— қизиқиб сўради Маждиддин.

— Жаноблариға офтобдай равшанки, хазинага маблағ эл-улусдан қатра-қатра томиб келади. Биродарингизнинг холис нияти шулки, хазинага тангани биз қанорлаб ағдарсак-да, сўнг элдан бир-бир териб олсак...

---

[1] Катта зиёфат.
[2] Олтин-кумуш.
[3] Қимматбаҳо тошлар, олтин-кумуш ёмбилар.
[4] Жамшидга ўхшаш. Афсонафий қадим Эрон шоҳи, дабдабани яхши кўрган, ҳам танти экан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Англадим, англадим,— деди Маждиддин сабрсизланиб,— тегишли амалдорлар тарафидан халқдан йиғилгуси закотларни[1] маълум шарт билан ҳукумат ихтиёридан сизнинг ихтиёрингизга ўтказилса... Мақсадлари ушбуми?

— Балли,— жавоб берди Абулзиё,— бу ишда жаноблари воситачилик қилсалар, иш тезроқ саранжом бўлар эди; жаноблари шаҳзода Мирзоий Кичик орқали ҳаракат этсалар ҳам мумкин. Яна бу жиҳатни ўзингиз билурсиз.

Маждиддин бироз энкайиб, кўзларини ярим юмиб ўйлади. Тижорат аҳли билан алоқада бўлишнинг фойдаларини яққол кўрди. Бу вазифанинг уддасидан чиқишига ишонарди. Лекин мушкул масала қаршисида қолган каби, жўрттага иккиланиб, сукут қилиб ўтирди.

— Подшоҳ ҳазратларининг қошига қуруқ кирмайсиз,— деди Абулзиё дилгир бўлгандай куюниб,— катта туҳфа ҳозирлаб қўйибмен... Сиз жанобнинг хизматингизга ҳам тайёрмен.

Маждиддин яна сир бой бермади. Подшоҳ, ёки баъзи вазирлар эътироз қилмасмикан, деган мулоҳазада эканини сўзлади.

— Мен бу соҳада ҳеч тажриба кўрган эмасмен,— деди Абулзиё,— шунинг учун ҳозирча ёлғиз Ҳирот вилояти кифоя қилади. Мен биламен, ҳозирги кунда подшоҳ ҳазратлари учун катта маблағ керак.

— Хўб, жамики мушкилотни ўз зиммамга олайин,— деди айёрча кулиб Маждиддин,— лекин бу хайрли ишга мен ўзим ҳам шерик бўлайин. Майли, кичик бир ҳиссаси бўлсин...

Бундай таклифни асло кутмаган Абулзиё торгина, бурушуқ пешонасини қашиди. Кейин аллақандай зўраки кулги билан деди:

— Сизнинг бахтингиз вазирлик мансабида, Девон олийдадир. Сизга бу дардисар ишларнинг не ҳожати бор?

— Биз нима бўлибмиз. Вазирлар, беклар орасида тижорат билан шуғулланувчилар озми?

— Хўп, бу шартни қабул қилдик...— деди ноилож Абулзиё.

---

[1] Солиқлар — налоглар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажлиддин ишни жуда қулай шарт билан олишга тиришажагини сўзлади ва ёлғиз Абулзиё номидан музокара юритиб, ўзи пинҳон қолиши кераклигини уқдирди. Абулзиё қўлтиғидан оғир шоҳи халтача чиқарди-да, халта оғзини ҳимариб, Маждиддин олдига шарақлатиб қўйди. Шаъмда оловланган олтин каби, Маждиддиннинг юзи, кўзи шодликдан учқунланиб кетди. Бойга миннатдорлик билдириб, халтачани дарров ёстиқ тагига тиқди. Меҳмон кетгандан кейин Маждиддин халтани ағдарди. Шаъмда чақнаб кўзларни қамаштирган олтин тангаларни ҳузур қилиб санаб, сандуққа ташлади. Абулзиёнинг совғаларини подшоҳга ўзиникидек пешкаш қилиш, ҳозирги валинеъмати шаҳзода Мирзоий Кичик орқали ишни қулай саранжом қилиш ва ҳоказо тўғрисида ўйлаб, уйқуси қочди.

## II

Тўғонбек ҳар кун хўжасининг зотли отларидан бирини миниб, Ҳиротда гашт қилиб юради. Эгнида янги чакман, бошида янги қалпоқ, киссаси тангасиз қолмайди. У Маждиддин хизматига кирган куннинг эртасигаёқ отамерос азиз ханжарни қайтариб олди. Мўл, текин овқатни егандан кейин шаробхонага югурди. Майхўрликда, курашда, от чопишда, ўқ узишда шаҳарнинг донг чиқарган жаҳонгашта йигитлари билан дўст тутунишга улгурди. Биринчи кунларда хўжаси билан оз учрашарди. Кейин, Тўғонбек гап асносида турли масалалар тўғрисида ўз фикрини, қарашини баён қила бошлагач, у тез-тез чақирадиган, узоқ гаплашадиган бўлди. Тўғонбек учун бу даргоҳда айтарлик юмуш йўқ эди. Икки-уч ой ичида у ниҳояти бир неча марта далага чиқиб, Маждиддиннинг отадан қолган катта ерларидаги деҳқончилик ишларини назорат қилиб қайтди.

Бир кун эрталаб нонуштадан кейин Тўғонбек қора тўруқ юришли отни минмоқ учун тозалаб тураркан, мўйсафид қул — Нурбобо яқин келиб, хўжа уни чақирганини айтди. Тўғонбек гўё эшитмагандай, бир қанча вақт отнинг уён-буёнига ўтиб, пардозлаб, сўнг пўнғирлади:

— Иш ёрти қолмасин, имонсиз. Ол супурткини, ўбдон тозала!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғонбек отхонадан чиқиб, кийимларини қоқиб-суқиб, Маждиддиннинг хонасига кирди; тиз чўкиб, кичик, айёр кўзларини хўжасига тикди.

— Йигит, бир хизмат бор...— деди Маждиддин вақти чоғлик билан.

— Буюрсинлар.

Маждиддин бутун Ҳирот вилоятининг солиқларини йиғиш Абулзиё ихтиёрига ўтганлиги ва бу ишда унинг ўзи ҳам ҳиссаманд эканлигини, шу кунларда фавқулодда катта харажатлар қилгани учун ақчага муҳтожлигини, иложи бўлса, бу кундан бошлаб баъзи солиқларни йиғмоққа киришмоғи кераклигини сўзлади.

— Ўбдон яхши иш бўлибди-ку!— деди Тўғонбек қўпол гавдасини хўжаси томон суриб.— Дуруст, мубоширлик[1] чакки иш эмас. Лекин йўл-йўриғини тушунтиринг.

Маждиддин Хуросонда ер мулкининг турли шакллари, уларнинг солиқларга муносабати ҳам одатда йиғиладиган ҳар нав солиқлар ҳақида узоқ ва батафсил сўзлаб тушунтирди. Ҳозирги пайтда «қўш» солиғини йиғиш пайти бўлганидан, буни алоҳида тушунтирди. Кейин ўз ҳиссасига тушган туманларни санаб чиқди-да, токчадаги китоб орасидан муҳурлар босилган бир тахта қоғоз чиқариб: «Мана бу сизнинг васиқангиз, эҳтиёт қилиб сақланг» деди. Тўғонбек васиқани ўқимасданоқ буклаб, киссасига солди-да, кулиб: «Қани, оқ йўл тиланг бизга!» деб хайрлашиб ташқари чиқди. Нурбобо эгарлаб қўйган отни миниб, жўнаб қолди. Одати бўйича, отни қаттиқ ҳайдаб, куннинг қизиган палласида бир қишлоққа кирди. Бу ерда ҳам худди ёв қувгандай, қаттиқ юрди; қўнар манзил қидириб, кўзларини тўрт тарафга жовдиратиб, ниҳоят, бир чорбоғ олдида отдан тушди. Тердан бадани кир кўпик билан қопланган, ҳарсиллаган отни дарахтга қантариб, салқин чакалакка қараб юрди. Қалин дарахтлар орасидан шарқираб оққан ариқ бўйида чарх йигириб ўтирган кампирнинг тепасида тўхтади.

— Ҳорма эна!

Кампир чархнинг «ғув-ғуви» ва сувнинг шарқирашидан унинг овозини эшитмади. Тўғонбек қамчин дастаси билан унинг суякдан иборат елкасини туртди. Кампир бужмайган, ориқ юзини бирдан ўгириб, чуқур кўзларининг хира оқини ўйнатди.

---

[1] Солиқ йиғувчи амалдор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кел, болам,— ғайри шуурий равишда гапирди кампир,— нима керак сенга?

— Тур, айрон олиб чиқ,— тўнғиллаб буюрди Тўғонбек.

Кампир бир парча латта ёпган оқ сочли бошини қимирлатиб: «Хўп, болам» деди. Аммо ўрнидан қўзғалмасдан: «Дилдор! Ҳай Дилдор!» деб қичқирди. Дарахтлар орқасидаги паст, бузуқ девор орқасидан қиз югуриб чиқди-да, Тўғонбекни кўриш билан уялинқираб, аста-аста, юриб, бир неча қадам нарида тўхтади. Дилдор, баланд бўйли, жуссаликкина, бутун андоми ўзига келишган, тиниқ оқ юзли, ингичка, нафис қошли; кўзларининг қора юлдузи ёшлик ҳуснининг, кучининг жонли, фусункор олови билан ёнган ўн олти-ўн етти яшар қиз эди. Тўғонбек унга бошдан-оёқ разм солиб: «Қизларнинг сараси экан!» деб қўйди ва яқинда Ҳиротда бир ўлтиришда китоб ўқиларкан, ҳамма гўзал мисраълар орасида унга кўпроқ мақбул бўлган бир байт хотирига келди:

Онингким ол энгинда менг[1] яратти,
Сочи бирла бўйини тенг яратти.

Тўғонбек ичида: «Шоир гўё бу сулу учун атайлаб айтган!» деди.

— Ача, нега чақирдингиз?— сўради Дилдор қизариб.

— Бек оғангга айрон келтир, қизим.

Дилдор ер остидан Тўғонбекка бир қаради-да, индамасдан, орқага қайриларкан, кампир уни «ҳай...» деб тўхтатди, мулойимланиб деди:

— Анов ерга,— қўли билан олма ёғочларини кўрсатди кампир,— жой сол! Ҳордиқ чиқарасенми, йигит?

Қизнинг орқасидан қараб қолган Тўғонбек ғайри шуурий равишда бошини қимирлатди. Қиз ҳаял ўтмай эски бир шолча, тоза кўрпача ва ёстиқ олиб чиқиб, эпчиллик билан жой ҳозирлади. Кейин катта заранг косада айрон келтириб, ерга қараган ҳолда, Тўғонбекка тутди-да, нарига бориб, ўғирда ниманидир туймакка бошлади. Тўғонбек айронни қатра қолдирмай шимирди, даккамдуккам мўйловини артди, оғир сўлиш олди-да, қалпоғини, қамчини ташлаб, ёстиққа ёнбошлади. Унинг кўзи қизда эди. Дилдор ўғирнинг сопини кўтариб, вазмин урар экан, бўз кўйлак ичида, юмалоқ кўкраклари сер-

[1] Хол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

киллаб кетар эди. Турли мамлакатларни кезган, турли халқлар, уруғ-аймоқлар ичида бўлган ва бир кўп хонлар ва ҳокимларнинг даргоҳида юзларча гўзалларга дуч келган Тўғонбекни бу қиз ҳайратга солган эди. У атоқли бир бек, ёки ҳокимнинг қизига тантана-дабдаба билан уйланиш орзусида бўлганидан Дилдорга, ишқ эрмаги учун соз экан, деб қаради.

Қампир чархини йиғиштириб, букчайган ҳолда келди.

— Қайси бекнинг одамисен, қаерга борасен?— сўради қизиқиб.

— Мен ўз бошимга ўзим ҳоким!— тўнглик билан жавоб берди Тўғонбек.— Эркакларинг борми? Қаерда?

Бундайларни ўз умрида кўп кўрган кампир бепарво жавоб берди:

— Биргина ўғлим бор. Анов қизнинг дадаси. Доруғамизнинг ерига ҳашарга кетди. Ўз экинлари боқимсиз-қарамсиз далада ётибди. Юрт оғасининг парвойига келмайди. Халққа ҳар хил юмушлар топиб туради... Ўғлимда ишинг борми?

— Юмушим — танга. Тўласаларинг бас!

Кампирнинг кўзлари алланечук олайиб кетди, юзининг суякка ёпишган чандир териси оқарди.

— Закотчимисен?

Тўғонбек боши билан тасдиқлади. Кампирнинг оёқ-қўллари бўшашгандай, шолчанинг бир чеккасига ўтириб олди.

— Болам,— деди у ялинган товуш билан,— тангри мартабангни улуғ қилсин, бизга раҳму-шафқат эт. Закотга бергулик ҳеч нимамиз йўқ. Бор-йўғимизни бериб бўлганмиз. Улақолай, солиқларидан бошимиз чиқмай қолди, ҳали «қўш» пули, ҳали «соҳиб жам», ҳали «мироб», ҳали «сарона»[1]— санай берсанг одоғи йўқ...

Тўғонбек индамади, даструмоли билан кенг, сер тук кўкрагини елпиб, атрофга «чирт-чирт» тупук отиб ўтирди-да, ниҳоят, ҳўмрайиб кампирга қаради.

— Саннама кўп! Худой аёлларни сўзга яратган-да,

— Арзи-додимни кимга айтайин, қулоқ сол, болам!— мулойимланиб деди кампир.

— Кўп сўз эшакка юк... Қозонни ос. Мўл қилиб этни сол. Шаробинг бўлмаса, бўза келтир. Тез бўл, ўбдон очиқдим.

---

[1] XV асрдаги солиқлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз эт кўрмаймиз,— деди кампир,— мирзо йигит, агар убра, ёки умоч десанг, жоним билан қилиб берайин.

— Анов улоқ-чи?— Тўғонбек узоқда ўт чимтиб юрган ориқ эчкини кўрсатди.

— Болам, у қўшнинйки...— Ишонтиришга тиришди кампир.

— На зарари бор? Туя кўрдингми — йўқ!— Заҳарханда қилди Тўғонбек.

Кампир бошини суяк елкалари орасига олиб ғам, ташвиш чўккан чуқур, хира кўзларини ерга тикиб, сукут қилди. Дарахтдан «тўп» этиб ақиқдай бир олма узилиб, Тўғонбекнинг ёнига тушди. Тўғонбек олмани олиб томоша қилди. Кейин яссигина, беўхшов бурнига яқин тутиб искади ва кулиб Дилдорга мурожаат этди: «Кел, ҳай сулув қиз! Сенинг насибанг, қўлимдан ол, ўғоним[1] сени ҳам қўлимга шу олмадай узиб туширсин!»

Дилдор, қиё боқмасдан, ўғирни ташлаб қаёққадир қочиб йўқолди. Тўғонбекнинг олма узатган қўли ҳавода муаллақ қотди. Бир нафасдан сўнг зарда билан олмани улоқтирди. Унинг кичик, қийиқ кўзлари ёмон ёнди, даккам-дуккам мийиқли қалин лаблари титраб кетди. Кампир унга қўрқа-писа қаради: «Аччиғланма, бек йигит, ўзи уятчанг қиз, яна боши боғлиқ... Мен ҳозир қозон осиб ширингина таом қилиб берамен. Қўшниларда бўлса, бир-икки оёқ[2] бўза ҳам келтирамен» деди-да калавланиб ўрнидан турди.

— Юртнинг валламатини чақир,— ўрадан чиққан овоздай тўнғиллади Тўғонбек.— Шу бугун бутун қишлоқдан «қўш» пулини жамғариб оламен.

Кампир орқага бурилиб, шивирлаб кетди: «Бу жаллод жўжи-бўжи тухумидан тарқалганга ўхшайди. Амалдор тоифасига ўзинг қирғин юбор, тангрим!» Эчки ўтлаган ўтлоққа юрди. Уни бўри кўзидан яширишни ўйлади. Лекин закотчининг жаҳлини баттарроқ авжлантирмаслик учун, яна бу фикрдан қайтди. Закотчига таом пиширмоқ учун қўрғончага қараб юрди.

Тўғонбек дарахтлар орасидан кўкнинг тиниқ зангорисига қараб, дам мудроқ босиб, дам яна сергакланиб

---

[1] Тангри.
[2] Коса.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ётар эди. Қишлоқнинг кажава қоринли, юп-юмалоқ оқсоқоли иссиқдан ҳарсиллаб-гурсиллаб етиб келди. Тўғонбек васиқасини кўрсатиб, ўзини танитди ва «қўш» пули ҳақида гапирди. Оқсоқол гарчи закотчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзи ҳеч вақт солиқ тўламаса ҳам, ҳамқишлоқларини ҳаддан ташқари адолатсизликлардан қўриқлашга имкони бор қадар уннаб кўрар эди. Тўғонбекнинг афт-башарасидан ва муомаласидан, бунга сўз уқдириш мумкин эмаслигига ишонган бўлса ҳам, ётиғи билан сўзлаб, инсофга даъват қилишни фойдасиз кўрмади.

— Мирзо йигит,— деди у қўли билан пешонасидан терни сидириб,— яқинда биз «Сарона»дан қутулган эдик. «Ушр»[1] тўлагучиларнинг гарданида қарзи қолган эмас ғолибо. «Қўш»нинг ҳали вақти келмаган. Ҳар қайси закотнинг ўз фасли бор, закот бобидаги барча таомил, қоида ва тартиб каминага беш панжамдай аён. Вақтида келсангиз, отдан қўнмасдан, жамғариб оласиз.

— Бўлимли сўзни айтинг, валламат,— қичқирди Тўғонбек,— биз ўз хўжамиздан олган фармонга қараб иш қиламиз.

— Шу кунда деҳқон, нафсиламрда, яланғоч, мирзо йигит,— деди оқсоқол,— хирмонни кўтармагунча ундан бир нима сўраш маҳол.

— Биламен, кўп ерлар торхонликка[2], вақфга қарашли. Улар, албатта, закотдан озод. Деҳқон яланғоч бўлса биз кимдан йиғамиз!— қичқирди ҳўмрайиб Тўғонбек.

Оқсоқол елпиниб, иссиқдан ҳарсиллаб, бир муддат сукут қилди. Кейин, гўё ўз-ўзига айтгандай, секингина деди:

— Бевақт талаб қилинса, бирон ғавғо рўй бермаса эди деб хавфсираймен...

— Мени қўрқитгани келдингизми, валламат,— кинояли кулиб деди Тўғонбек.— Худойга шукур, майдон кўрган йигитмиз...

— Иним,— деди оқсоқол,— сизга узоқдан кўзим тушган ҳамон ботир, диловар йигитлардан эканлигингизни идрок қилган эдим. Бу жиҳатдан кўнглингиз фориғ бўлсин. Иним, бизнинг тарафнинг фуқароси андак

---

[1] Ҳосилнинг ўндан бири олинадиган солиқ.

[2] Махсус имтиёзли оқ суякларнинг ери. Бу ерлар солиқдан озод бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қизиққонли бўлади. Баъзи амалдорларимизнинг номақбул ҳаракатларидан шикоят қилиб, пойтахтга мурожаат этмоқ фикрида эдилар. Тадбир ва эҳтиёт билан қадам қўйсангиз шояд ғавғо қўпмас, тангани ҳам силлиқлик билан олурсиз...

Тўғонбек тоқати тоқ бўлгандек, сачраб ўрнидан турди.

— Юринг, мен ўз тадбирим билан танга тўплай,— деди у жаҳл билан,— қай ўрада арпа, қай ўрада буғдой кўмилганини мен хўб биламен...

Оқсоқол ҳарсиллаб ўрнидан турди. Дарахтзорда букчайиб, калавланиб ўтин терган кампирга Тўғонбек отни ҳашакка қўйишни буюрди, оқсоқолни имлаб, олдига солди-да, қишлоқ оралаб кетди.

Дилдор югуриб бувисининг ёнига келди: «Қаерга йўқолди мўғул-чўғул ўлгур?»— деб сўради. Кампир қишлоқдан закот ундиргали кетганини айтиб, унинг отини хашакка қўйишни буюрди. Қиз қарғаб-қарғаб, отга яқин келди. Унинг эгар-жабдуқларидаги кумуш гулларга суқланиб, қаради-да, кейин астагина жиловни чиқарди, отни ечиб, нўхтасидан етаклади, уни ўти қалин, дарахт сийрак жойга элтиб боғлади. Сўнг, кампирнинг ёнига қайтди, унга қарашмоқчи бўлди: онадан ёш қолган етим Дилдор бувисининг парвариши билан ўсган, унга онадек муҳаббат қўйган эди.

— Нима пиширмоқчисиз?— сўради Дилдор.

— Бетовфиққа мўлгина қилиб қуймоқ пиширсам, деймен...

— Беҳуда овора бўласиз, буви,— деди Дилдор куюниб.— Ит акиллади қўйди-да. Камбағалнинг қозонига зорми у?

Кампир индамади. Чўп-хасни қўлтиққа олиб, қўрғончага кетаркан, бирдан тўхтади.

— Сен бу ерда айланма, қизим,— чуқур кўзини тикиб, хавфсираган товуш билан деди кампир,— эчкини етаклаб, кўздан узоқда юр, уқдингми?

Дилдор гилосдай қизил чиройли лабларига ёйилган табассум билан бошини силкиди-да, бориб эчкининг ингичка бўйнига бир қулоч йўғон арқон солиб, судраб кетди. У қуёшда ола-чалпоқ товланган сокин чакалакларнинг охирига етди. Кенг далага, қуёшда олтинланган буғдойзорга яқинлашди. Эчкини дарахтга боғлаб, жилдираб оққан сувга муъжаз оёқларини солиб салқин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да жимгина ўтирди. Зерикди. Дарахтларнинг устидан онда-сонда қушларнинг садоси бир зумгина янграр, яна оғир жимжитлик чўкарди. Дилдор ён-верида, ўтлар орасида кўзга чалинган, қўлга базўр илинадиган гулчаларни қунт билан териб овинаркан, орқада шитирлаган товуш эшитилди-да, бирдан бошини кўтариб ҳуркак боқиш билан қаради. Дарахтлар орқасидан Арслонқулни кўрди. Кўзлари бирдан нашъа билан ёниб кетди. Бошидаги рўмолчасини тузатди, бармоқлари билан чакка сочларини тўғрилади.

Арслонқул барваста қомат, ўмровли, содда, ўн саккиз яшар йигитча эди. Унинг меҳнатда чиниққан қорамтир юзида, жонли, тийрак, йирик кўзларида болаларча маъсумлик жилваланарди. У бу қишлоқли бўлиб, болаликдан пода боққан, ердорларнинг хирмонини кўтарган, қўш ҳайдаган. Уч-тўрт йилдан буён ҳиротлик бир торхоннинг шу атрофдаги ерларида қарол бўлиб ишларди. Табиат оғушида, меҳнатда бирга ўсган қиз ва йигит бундан қарийб икки йил бурун бир-бирларига самимий муҳаббат билан боғланган эдилар. Кампир ҳам, Дилдорнинг отаси ҳам бу синалган йигитни куёв қилишга ҳеч қандай тараддудсиз рози бўлишган эди. «Эзгуликнинг кечи йўқ» деган гапга мувофиқ, тўй-томоша учун ҳали маълум муддат тайин этмагандилар.

Арслонқул қудратли оёқларини узатиб, қизнинг ёнига оғир ўтирди. Юзидан қуюлган терни артди. Жомакорнинг ёқасини силкиб, кенг яланғоч кўкрагини елпиди-да, Дилдорга қараб кулди.

— Эчки бойқишни панага олганингиз яхши бўлибди: оч бўри ёмон бўлади.

Дилдор:

— Кампирга йўлиқдингизми?— деб сўради майда гулларни ингичка пишиқ ўт билан бойлаб, даста қилиб Арслонқулга кўрсатаркан.

— Учрашдим,— жавоб берди Арслонқул.— Лекин усиз ҳам маълум.

— Кўрдингизми баттол ўлгурни! Закотчилар орасида тарирғдай инсофи бор одамни кўрмаганмен.

— Бутун қишлоққа ғалва солмоқда у,— жавоб берди Арслонқул хафаланиб.— Бу жуда қутурган экан...

— Агар закотни биздан ҳам ундирмоқчи бўлса, нима қилурмиз? Шаъмга ҳам пулимиз йўқ...— ташвишланди Дилдор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Арслонқул унга жавобан деди:

— Бу атрофда ҳали кўп изғийди у. Муҳлат олсак, бир амаллаб топармиз. Закотни энди тўлаяпмизми!

Дилдор енгилланиб хўрсинди. Қизнинг дилини ғаш қилган ташвишни йўқотгани учун Арслонқул ичдан қувонди. Қизга яқин сурилди. Унинг кўркам сочларини силади. Дилдор атрофга бир қараб олиб, кейин эркаланиб йигитга суқулди. Арслонқул унинг чиройли бошини кўксига олиб, ҳаяжон билан лабларини қизнинг ўпиш сўраган сезгир, ақиқ рангли лабларига қўндирди...

Қиз йигитнинг кўксидан бошини қутқариб, сочларини тўғрилади-да, эрка араз билан нарироқ ўтирди. Кулиб Арслонқул ҳам нари сурилди. Қиз чаққонлик билан яна узоқлашди. Кейин ўз қилиқларига ўзлари кулиб юборишди. Арслонқул тек ўтиришни ваъда қилгач, Дилдор унинг ёнига келди. Йигит ўз ишлари тўғрисида гапирди. Кузда, экинлар йиғилгандан сўнг, хўжасидан ҳақини олиб Ҳиротга тушажагини, ўзи ва Дилдор учун кийимликлар олажагини сўзлади. Дилдор Ҳирот бозори ва ундаги қимматбаҳо моллар тўғрисида катталардан эшитганларини сўради. Арслонқул узоқ бўлмаган азим шаҳарда ниҳояти икки мартагина (бу ҳам жуда қисқа муддат) бўлган эсада, баззозлар сотадиган кашмир шоллари, хитой шоҳилари ва ҳоказо ҳақида узоқ ҳикоя қилди. Уларнинг диллари умид ва шодлик билан тўлган, турмушнинг қайғуларини, машаққат ва дахмазаларини унутган эдилар.

Эчкини шунда қолдириб, овқатланмоқ учун уйга жўнадилар. Арслонқул ўн беш-йигирма қадам олдинроқ юриб кетди. Дилдор уйга яқинлашганда, ҳалиги ерда, шолча устида ўтирган Тўғонбекка, оқсоқолга ва бошларини эгиб қалтираб турган баъзи ҳамқишлоқларига кўзи тушди-да, уларнинг қошига бормасдан, девор орқасига ўтиб кетди.

Арслонқул оғир юриб келиб, одамлардан бироз нарида — ариқ бўйида чўнқайди. Атрофдаги дарахтларга бир неча сигир, бузоқ, қўй боғланган эди. Буларни закотчи зўрлаб гаровга олиб келганини фаҳмлади. Аччиғи халқумига тиқилиб, ўшшайиб қолди.

Кўп деҳқонлар золимни юмшатиш учун уйларидан ҳар хил овқатлар тайёрлаб келардилар. Тўғонбек оқсоқол билан ёзув-чизувга, саноққа берилиб, дастурхонга қарамади ҳам. Ниҳоят, ҳисоб-китобни битиргач, овқат-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан оз-моз тотинди-да, бирдан ўрнидан турди. Гаров сигир, бузоқларни оқсоқолга топширди ва «Форён» қишлоғидан қайтгунча, «боқимонда»ларни жамғариб қўйишни унга тайинлади. Кейин отини узоқ силаб-сийпаб, ордоқлаб минди-да, чанг кўтариб ҳайдаб кетди. Юмалоқ оқсоқол ёқасини ушлаб, бош чайқатди, ҳам одамларга кўз оқини ўйнатиб пихиллаб деди: «Дуойибад қилинглар, илоҳи бу махлуқ отдан йиқилиб бўйни узилсин!»

Одамлар қўлни пахса қилиб, ғазаб билан дейишди: «Шикоят қилмоқ керак подшоҳга, шикоят!»

## ТУРТИНЧИ БОБ

### I

«Боғ зағон»нинг бош дарвозаси олдидаги катта майдон ҳарбийлар билан тўла. Ҳар ёқдан тўда-тўда отлиқ сипоҳилар — навкарлар келади. Отлар ўйноқлаб кишнайди, туғлар ҳилпирайди. Қуёшда дубулғалар[1], совутлар ялтирайди. Бекларнинг кумуш сопли қамчилари, от асбобларидаги кумуш безаклар, қиличларнинг қинларидаги олтин, феруза ва забаржад тошлар кўз қамаштириб ёнади. Навкарлар орасида оппоқ соқоли кўксига тушган, лекин йигитлардай тетик қариган ажойиб мардона чоллар, жанг майдонидаги даҳшатли суронларни кўнгилли бир ўйиндек билган ҳам жанг-жадал билан суяги қотган мағрур баҳодирлар билан бирга тажрибасиз, мийиқсиз ёш-ёш йигитчалар ҳам бор... Тантанага қарамай, Ҳирот ҳар кунги ҳаёти билан яшайди; Ҳирот бундай кунларни кўп кўрган! Ўйноқлаган отларнинг ораларида ғивиллашиб бир-бирлари билан бақириб-чақиришган болалар истисно қилинса, катталар, подшоҳ Муҳаммад Ёдгор устига отланибди, деган хабарни эшитиб: «Худо оқ йўл берсин, юртга тинчлик керак» деб ўз тирикчиликларидан қолмайдилар...

Мана чорпахил, мағрур Ислим барлос ўзи учун ясатган махсус ўқ-ёйни осган ҳолда катта сувори тўданинг бошида чанг кўтариб, «пешдор»[2] аскарлар сифатида илдам йўлга тушди.

«Боғ зоғон» дарвозасидан Ҳусайн Бойқаро от ўйнатиб чиқди.

---

[1] Металл қалпоқ.
[2] Олдида борувчи, илғор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тимқора, ҳайбатли асов отининг безаклари олдида унинг кийимларининг бой зийнати унчалик таажжубланурлик эмасди. Темур авлоди орасида қилич чопишдаги маҳорати билан танилган Ҳусайн Бойқаро кумуш сўлуғини чайнаб типирчилаган отни пишиқ тутиб, ботирона бир тур билан гердайган эди. Унинг орқасида беклар, сардорлар, султон хонадонининг ақраболари, султоннинг муқарриблари, ҳамсуҳбатлари ҳам Хуросоннинг юксак оилаларига мансуб бўлган, саройнинг ҳусни, подшоҳнинг зиёфат ва мажлислари учун ҳашамат, дабдаба беришгагина хизмат қиладиган духоба қалпоқли, мовут чакмонли, нозик ишланган қимматбаҳо, камарлар таққан ёш «нозанин» йигитчалар тўп-тўп бўлиб, отларини гижинглатиб турардилар.

Бир даста ясовуллар олдин-кетин югуриб, ҳавода қамчиларини ўйнатиб, подшоҳнинг йўлга чиққанидан дарак берар, отлиқларни, эшак минганларни эгардан туширар, пиёдаларни кўчанинг икки томонига, деворларга қапиштирар эдилар. «Ҳа-ҳу» дегунча одамларнинг елкаларига, бошларига қамчи тушиб қолар эди. Дўкондорлар дўконлари ичидан чиқиб, виқор билан қўлларини кўкракларига қўйиб шоҳни кутардилар...

«Гавҳаршод бегим» мадрасасининг сиртида, юксак пештоқ остида толиби илмлар қалин бир гуруҳ бўлиб туришарди. Булар тож-тахт учун Астробод тарафларида исён кўтарган Ёдгор Мирзонинг кимлиги, қайси насл ва тармоқ бўйича у Амир Темурга бориб тақалиши устида музокара қилишар; тирик, ўлик, номдор, номсиз, тож кийган, тож киймаган шаҳзодаларни тилга олишар эди. Султонмурод билан Зайниддин шўх ҳангама ва латифалар сўйлаб, баъзан ҳаммани кулдириб туришар эди. Фавқулодда важоҳатли, бир кўзи ғилай ясовул қамчинни қаҳр билан силкиб, чопиб ўтаркан, Зайниддин қичқириб юборди:

Ҳечкасро назди дуд нагузошти,
Ин ду шоҳи гов гар ҳар дошти[1].

Дўстлар бир зумгина лабларини тишлаб, жим қолдилар, лекин ясовул кинояни пайқамай узоқлашиб кетгач, маҳкам юмилган лабларидан бирдан қаҳқаҳа тошди.

---

[1] Агар ҳўкизнинг шохлари эшакда бўлса эди, у ўз ёнига ҳеч кимни йўлатмас эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод дўстининг елкасини қоқиб деди: «Сен бўлмасанг эди, бу жабркор ҳаётда кулгуни мутлоқ унутган бўлар эдик...»

Тантана билан Ҳусайн Бойқаро яқин келгач, ҳамма толиби илмлар қўл қовуштириб эгилдилар. Султонмурод бошини кўтарганда, подшоҳ узоқлашган эди. Унинг кўзи Навоийга тушди. Навоий Хўжа Афзал ва шоир Шайхим Суҳайлий, Камолиддин Ҳусайн Қозаргоҳийлар билан бир қаторда, отини бўшгина тутиб, бу сурон ва тантанага гўё лоқайд, ҳамиша кўнглини тўлқинлантирган илҳомларга, фикрларга берилгандай, борар эди. Кўзларидаги самимий қувонч ва муҳаббат билан қаршилаган талабаларга шоир табассум билан илтифот кўрсатиб ўтди.

Кўчаларда ҳаёт ва ҳаракат аввалги изига тушди. Талабалар мадрасанинг тош бағри ичига кириб ғойиб бўлдилар. Султонмурод яна ҳужрага кириб мутолаага берилишга майл сезмади. Ўзига зарур бўлган баъзи нодир китобларни қидириб топиши керак эди. Ногиҳон унинг ёдига кўпдан буён учрашмоқни истаган машҳур кимёгар мавлоно Абдулаҳад тушиб қолди. Ўйлаб турмасдан шаҳарнинг «Дарвозаий қипчоқ» тарафига қараб кетди.

Ҳиротнинг четида қандайдир бир «авлиё»нинг сағанаси бўлган, қайрағочлар, азим қари чинорлар билан қопланган дарахтзор рўбарусида, хароб бир уй олдида тўхтади. Бир вақтлар ўймакорлик санъатининг гўзал намуналаридан бўлган, лекин ҳозирда замонларнинг аста, омонсиз емирувчи таъсири остида ўз ҳусн ва тароватини йўқотган эшикни дастлаб оҳиста тақиллатди. Ичкаридан ҳеч қандай садо эшитилмаганидан, қаттиғроқ ура бошлади. Ўткинчилардан биров ўз қулоғига ишорат қилиб, жилмайиб деди: «Тош битган! Ичкарига марҳамат қилаберинг!» Уй соҳибининг карлигини у ҳам эшитган эди — бирдан эслаб, кулиб қўйди-да, ичкари кирди. Эгаси ташлаб кетган ҳовлидек, ёввойи ўтлар билан қопланган, оғир жимжитлик ҳукм сурган катта ҳовли ўртасида бир нафас тўхтади. Атрофга бир қараб, кейин томида қаққайган қувурдан бурқиб тутун чиқаётган, эски, лекин қўрғондай баланд ва мустаҳкам уйга томон юрди. Бир неча қадам қолганда, уйнинг ҳайбатига ярашмаган кичкина эшик очилди-да, шакли ажойиб кўзачани кўтариб бир киши чиқди. Бу кимёгар Абдулаҳад эди. Унинг катта, юмалоқ бошида кир тақя, эгнида ҳар жойи куйган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

турли доғлар билан йилтираган эски жомакор; унинг кўзлари намли, қизарган, салобатли юзида олов яллуғи жилваланади, кўркам соқолининг оқи кир сарғиш тус олган. У эллик беш йиллик умрининг ярмидан кўпини ёлғиз бошига бу хонада кимё илми машғулотига бағишлаган эди. Турли моддаларни қизитар, эритар, қўшарайирар, ўз илми-ҳунарининг чуқур тилсимларида тааж-жубланарлик сабр, матонат ва ғайрат билан ишлар эди. Олов ва ҳар нав моддаларнинг таъсири остида кўзлари заифлашган, қулоқлари кар бўлган эди.

Бегона йигитни кўриш билан кимёгар, гўё ногиҳони бир офатга йўлиққандай, қотиб қолди. Унинг бутун қиёфати алланечук ёмон ўзгариб, чуқур норозилигини билдирар эди. Султонмурод бирдан чўчиб, бўшашиб қолди, лекин бундай одамларнинг феълини яхши билганликдан, унинг норозилигини табиий деб ҳисоблади-да, дадил ва тез одим отиб олимга яқин келди, қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди. Кимёгар хира, намли кўзларидаги истеҳзо билан унга бошдан-оёқ разм солиб, дилгир бўлганлигини ғалати, чуқур хўрсиниш билан ифода этди.

— Фақирнинг остонасини не мақсад билан босдингиз?— секин, лекин норозилик оҳанги билан сўради кимёгар.

Султонмурод қаддини ростлади. Ўжар олимнинг илтифотини қозониш учун қувваий нутқини ишга солди. Томоқлари қирилгундай, баланд овоз билан дастлаб кимёгарга мадҳ-сано ўқиди, кейин ўзини танитиб, қандай мақсад билан келганини сўзлади.

— Машғулотга ҳалал бергучилар билан дўст тутунмоқдан қўрқамен.— Яна дағаллик билан кескин гапирди олим.

— Тақсир,— деди Султонмурод эҳтиром билан,— биз шул тоифаданмизки, улар илм учун чекилган ҳар қандай машаққат ва маҳрумиятни ҳаётнинг улуғ немати деб билурлар. Жаноблари илми кимёда замонамизнинг Жаъфари[1] дирсиз. Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз каби илм гадолари учун тилла ва нуқрадан афзалдир. Модомики, тангри сизга бениҳоят хазина бахш этмиш, бу камина шогирдингиз саховат[2] йўлини тутмоқлигингиздан умидвордир.

---

[1] Қадим араб кимёгари.
[2] Тантилик.



www.ziyouz.com kutubxonasi




Ойбек «Навоий» романининг СССР халқлари тилларида нашр этилган нусхалари. Адибнинг шахсий архивидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулаҳад куйиб сийраклашган қошларини чимириб, индамасдан узоқлашди. Султонмурод ўжар кимёгарнинг орқасидан умидсиз қараб қолди. Олим ҳовлининг ўртасидаги чуқурга кўзачадан қорамтир-чиркин суюқликни ағдарди-да, ерга қараган ҳолда аста юриб келди ва бошини кўтармасдан, бирдан қандайдир сирли товуш билан сўради:

— Ниятинг холис, кимёга муҳаббатинг, ҳақиқатга имонинг барқарорми?

— Не тил билан арз этай?— хитоб қилди Султонмурод.

— Марҳамат қил!

Султонмурод ҳаддан ташқари қувониб олимнинг кетидан уйга кирди. Бу «кимёхона», масжиднинг хонақасидай катта, «чорхари» уй эди. Ис босган шипида икки жойда шаффоф қоғоз билан қопланган катта туйнуклар бўлганидан, хона ичи қоронғу эмасди. Токчаларда, ерда ҳар хил катталикда ва шаклда бўлган сопол кўзалар, мис ва темирдан ҳар нав идишлар, ғалати шишалар, катта-кичик ҳовончалар, ҳар турли темир-терсак қалашиб ётарди. «Кимёхона»нинг тўрига қатор қурилган баланд-паст ўчоқлар оддий ўчоқларга асло ўхшамас эди. Бир неча ўчоқда гуриллаб олов ёнади. Декчага ўхшаш бир идишда нимадир бурқиб туради...

Султонмурод ўзини аллақандай бир тилсимот ичида сезди. Кимёнинг сирларини тезроқ фаҳмлашга орзуси қанча кучли бўлмасин, сирли амалиётга[1] қанча ошиқмасин, лекин ўжар, инжиқ табиатли олимни хафа қилмаслик учун, биронта идишга, биронта моддага қўл текизишга ботинмади. Абдулаҳад эса гўё уни бутунлай унутгандай, «чурқ» этмасдан, жиддий тимискиланади; гоҳ оловга қарайди, гоҳ бурқиган идишларда вишиллаган моддаларни темир асбоб билан кавлайди, гоҳ уларни қўшади-да, бир чеккага олиб қўяди. Гоҳ чуқур ўйга ботиб, кейин бирдан ҳаракатга кириб кетади. Ҳовончада ниманидир туяди.

Чамаси икки соат шу тариқа сукутдан сўнг, Абдулаҳад бир чеккада қаққайиб унинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмаган йигитнинг олдига келди. Киноясиз табассум билан унга қаради.

---

[1] Тажриба, практика, ҳаракат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Илми кимё,— деди у шивирлагандай,— илми-ҳуфядир, асрор ғайб[1] илмидирки, номаҳрамнинг назари мушкилотнинг ҳалига моне бўлиши мумкин. Бу бобнинг устод комили Жаъфардан бошлаб, бу замонга қадар озмунча халойиқ бу мақсад йўлида захмат чекмаган!

— Муҳтарам устоз,— деди Султонмурод ялиниб,— каминанинг нияти поклигига зарра қадар шубҳа этмангиз. Бу қулбаччангизнинг муроди маърифатдир[2]. Бундан ўзга ҳеч бир андиша унинг кўнгил оинасига асло соя солмагандир. Яна бир нуқтани ишорат этмоқни лозим биламенки, дунёда уч нимарса уч нимарсасиз қоим бўлолмагай: мол — бетижорат, давлат — бесиёсат, илм— бебаҳс... Тақсир, баҳс асносида фикрларнинг зарбаларидан ҳақиқатнинг чақмоғи ёнғусидир...

Кимёгар бир қадар юмшагандай бўлди. Баъзи илмлар ҳақида суҳбатлашгандан кейин, унинг зеҳнига, маълумотининг кенглигига таажжубланганини яширмади. Бу нодир қобилиятнинг ўтинчини қайтаришни ахлоққа муносиб кўрмади шекилли, ниҳоят, ўз илмининг сирларини очабошлади. Дунёни ташкил этган машҳур «тўрт унсур»[3] ҳақида қадим юнон ва араб донишмандларининг фикрларини тушунтириб, бу унсурларнинг аслида «воҳид»[4] эканлигини, қандайдир бир «жавҳар» мавжуд бўлиб, ҳамма жисмларнинг суратлари унга боғлиқ эканини, ҳам етти сайёрага мувофиқ тушадиган етти модда мавжудлигини, шу жумладан олтин — қуёшга, кумуш — ойга, мис — Зуҳра юлдузига ва ҳоказо... мос келишини баён қилди. Кимёгарнинг сўзи борган сари сир пардасига чуқурроқ ўралабошлади. У барча маъданларни икки гуруҳга айирди. Биринчи гуруҳни «нуқсонли», «иллатли» моддалар деб атади. Бу маъданларнинг табиатидаги «иллат»ни кимё йўли билан суғуриб ташлаб, уларни олий даражага кўтариш, яъни симобдан кумуш, мисдан олтин ясамоқ мумкинлигини шавқ ва ҳаяжон билан сўзлаб кетди. Бу фикрлар билан Султонмурод яхши таниш эди. Аммо кимёгар «иллатли» моддаларни олий даражага кўтармоқ учун «эксир» деган бир нима кераклигини, ҳам уни ҳосил қилмоқ учун

---

[1] Осмон сирлари.
[2] Билим.
[3] Сув, ҳаво, тупроқ ва ўт.
[4] Бирлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

нималар қилиш зарурлиги тўғрисида сир билан тўла маълумотни соатларча сўзлагач, диққат билан тинглаган Султонмуроднинг тинкаси қуриди. Лекин ўз илмининг сеҳрига берилган ҳам мисдан олтин ясаш фикрига умрининг гулини бағишлаган ажойиб олимнинг сўзини кесишга ботинмади.

Ниҳоят, қайсибир ўчоқдан кескин, нохуш ҳид димоғига ургач, кимёгар бирдан қўзғалиб, югурди-да, моддалар устида узоқ уриниб қолди. Султонмурод баҳсни янгиламасликка тиришди.

Оқшом Абдулаҳад қумғон қайнатиб, дастурхон ёзди.

Шу уйнинг ўзида, милтиллаган шам нурида улар дам кимёдан, дам «илми бадиъ»[1] дан гапиришиб, нон ҳам магиз билан қорин тўйдирдилар.

Султонмурод бу ерда бир қанча вақт қолиб, устод билан бирга ишлаб, «эксир»нинг сирига яқиндан воқиф бўлишни орзу қилгач, кимёгар бу талабни эътирозсиз қабул қилди.

Иккинчи кун ёш олим катта шавқ ва руҳланиш билан кимёга берилди. Моддалар устида ишларкан, қўлларини ва кийимларини куйдирди. Моддаларнинг ўзгариши ҳақида Абдулаҳад билан соатларча суҳбатлашар, баъзан, талашар эди. Ишга қизиққандан, тонг отиб, қуёш ботганини сезмай қоларди. Шу тариқа ўн беш кун босим машғул бўлди. У кимё йўли билан мисни олтинга айлантириш хаёлидан узоқ бўлгани учун, касб этган маълумотни кейинча ўзи чуқурлаштирмоққа етарли ҳисобладида, ниҳоят, кимёгар билан ота-ўғил каби самимий хайрлашди.

Вақт пешиндан оғган эди. Султонмурод шаҳар ичига кириб борган сайин, учраган амалдорларнинг, навкарларнинг ҳаракатларида, одамларнинг кўзларида, болаларнинг югуришларида қандайдир ўзгача маънони сезабошлади. Ҳаётда фавқулодда бир ҳодиса рўй берганига ишонди. Кўм-кўк панжали қўлларини кескин соллантириб, илдам кетаётган бўёқчини тўхтатиб, сўрашга тиришди. Бўёқчи сабрсизлик билан, дағалгина қилиб: «Эй муллам, улуснинг дарди кўп, қайбирини айтайин!» дедида, югурганича кетаверди. Султонмурод ҳаяжонланди. Одамлар орқасидан илдам жўнади. Ҳаллослаб, ранги ўчиб Девон хонага келгач, бу ерда майдонда қалин оло-

[1] Гўзаллик илми, шеър ва санъат назарияси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

монни кўрди. Аксари шаҳарнинг ҳар нав косиб-ҳунармандлари ҳам атрофдан келган узуқ-юлуқ кийимли деҳқонлар эди. Халқ қуролсиз эди, лекин кўзларида ёнган ғазаб, юзлардаги жиддий қаҳрли ифода уни портлашга тайёр даҳшатли бир кучга айлантирган эди. Шаҳарларнинг қамалини, катта-кичик жангларни бир вақтлар ўз кўзи билан кўрган Султонмурод ногоҳ ичидан титраб кетди. Оломон асабий тўлғанади. Ҳавода кучли ғулғула-сурон тўлқинланади. Навкарларнинг ранги ўчган. Улар хавфсираниб, кўзлари ола-қароқ бўлиб, четланиб юрадилар... Султонмурод қўрқинчли сувнинг саёз ерларини олдин синаб, кейин чуқур томонларига борган эҳтиёткор сузувчи каби, оломон орасига аста-аста кириб борди. Ҳамма: амалдорлардан, солиқчиларнинг зулмидан, солиқларнинг оғирлигидан шикоят қиларди. Халқ бир кўп амалдорларни барала ҳақорат қилади.

— Хўжа Абдулло, Хўжа Қутбиддин, Низомиддин Бахтиёрлар чиқсин қошимизга!— қичқиради юзларча овоз...

Афтидан ювош кўринган бир мўйсафид йиғи-сиғи билан Султонмуродга шикоят қилди: «Подшоҳ мусулмон, вазирлар мусулмон. Лекин бунчалик жабрни кофир ҳам ўз элига раво кўрмайди. Юртдан инсоф-адолат кўтарилган! Шариат хор! Хонавайрон бўлдик!» Султонмурод титроқ лаблари билан унга таскин бераркан, жулдур кийимли, қаҳрдан юзлари тиришган бир деҳқон қулоқлари остида ҳайқирди: «Тўғонбекни қўлимизга топширмагунларича, бу ердан кетмаймиз!»

— Қайси Тўғонбек, биродар?— елкасидан туртиб сўради Султонмурод.

— Янги туғилган итлардан... Биламиз, Тўғонбек!— Султонмуродга қарамасдан, тўлқин ичида йўқолди деҳқон.

Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб узоқ юрди. Ҳақорат, ғазаб, алам билан айтилган узуқ-йулуқ гаплардан бу ғалаённинг асли сабабини уқиб ола билди: подшоҳ ва бир кўп вазирлар Ҳиротни тарк этиши билан закот ишларини идора қилувчи Хўжа Абдулло, Хўжа Қутбиддин, Низомиддин Бахтиёр ва ҳоказо маъмурлар ўз билгиларича халққа янги солиқ соладилар. Хазина учун эмас, ўз фойдалари учун йиғмоқчи бўлишган солиқни вақт ғаниматда мумкин қадар тез ундиришга жадал қиладилар. Бунинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

учун энг қаттиқ ва чиркин чоралар қўллайдилар. Бундан ташқари, улар фуқарога ҳар хил жабр-ситам кўрсатиб, унинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этадилар.

Замон олимларининг «саромади» бўлишгагина интилган Султонмурод шу вақтгача халқ тирикчилигидан узоқ яшар, унинг дардларига бегона эди. Унинг бутун фикри илмий назариялар самосида, қалин китобларнинг чанглари орасида, олимона мунозараларнинг сўз майдонида парвоз қиларди. Халқ ким, у нима билан тирикчилик қилади, нима ўйлайди, дарди нимада, ўз мушкилотларини қандай ҳал этади — мана бунинг сингари масалаларни асло ўйлаб кўрмаган эди. Унинг эътиқодича, халқ илмга бегона бир гуруҳ кимса эди. У илм орқасида «расо инсон» бўлиш мумкинлигига ишонганидан, халқни ҳар ерда, ҳар ишда жаҳлнинг қурбони, деб тушунар эди. Унинг бу қарашлари, қаноатлари ҳозир халқ бўрони ичида ост-уст бўлди. Катта, фавқулодда воқиа қаршисида инсон ҳар нарсани унутиб, ёлғиз шу воқианинг ҳаяжони, сезгисига берилганидек, ёш олим ҳам бутун вужуди билан халқ фикрига, халқ дардига қизиқди. У даҳшатли сурон ичида, кучли ҳаяжонда бўлишига қарамай, исённинг сабабларини муҳокама қилди ва ичида шундай қарорга келди: «Хўжа Абдулло, Хўжа Қутбиддин каби олий вазифадор ҳам илмдан баҳраманд зотлар ўз нафслари, худкомликлари[1] учун фуқарога бу даража зулм-ситам қилибдилар. Аслида бадтарин жоҳиллар улардир. Филҳақиқат, инсони комил бўлмоқ учун илмдан ўзга яна бир кўп сифатлар керак эмиш. Ундоғ золимларга ҳар нечук жазо ҳам оздир!»

Халқ кучли ел билан чайқалган денгиз каби, бирдан қўзғолди. Султонмурод ўзини четга олмоққа тиришса ҳам, халқ тўлқини уни суриб кетди. Девонхона эшигида даҳшатли шовқин, ур-йиқит бошланди. Тўлқин катта ҳайқириқ билан ичкарига интилди. Кенг дарахтзор саҳнга ёйилди. Маҳкамадаги хоналарга юзларча тошлар ғизиллаб учди. Одамлар шовқин билан хоналарга ёпирилдилар. Даричадан Хўжа Абдулло ўзини улоқтириб, дарахтзорлар ичига югурди. Орқасидан тошлар ғизилладди. Мана у бир зум қотиб бошини ушлади — оқ салла қип-қизил қонга бўялди. Оломон ҳайқириб, чуввос со-

---

[1] Ёлғиз ўз манфаатини кўзловчи, ўзинигина севгучи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларкан, ярадор амалдор йиқила-қўпа дарахтлар орасида ғойиб бўлди. Оломон энди Хўжа Низомиддин Бахтиёрни лаънатлаб тўрт кўз билан ҳамма ёқни қидира бошлади. Лекин у тўполоннинг бошланғичидаёқ уйга боришга қўрқиб, қайси бир мадраса орқали йўлни чап бериб, қаергадир яширинганини хабардор одамлар билдиришгач, халқ яна чуввос кўтариб лаънатлади.

Намоз асрга яқин оломоннинг ғазаби аста-аста сусуна бошлаб, бир қисми тарқалди. Исёнчиларнинг бошқа бир қисми яна қайсибир амалдорнинг уйи олдида ғавғо кўтариш учун, зуғум билан бир ёққа жўнади. Тиқилинчдан, шовқиндан, ҳаяжондан чарчаган Султонмурод оҳиста юриб, йўлда аср намозини адо этиб, шомдан кейин мадрасага келди. Таассуротини сўзлашга ошиқиб, Зайниддин ҳужрасига ўзини урди. Лекин дўстини топмасдан, Алоиддин Машҳадий ҳужрасига ўтди. Шоир бармоқдай шамнинг хира нурида, ҳар вақтдаги каби тақир пўстакда ўтирар, бурчакда тўнгакдай оғир чўккан Тўғонбекка ниманидир милжинглар эди. Ўчоқда гуриллаб олов ёнади, қозонда эт қайнайди. Тўғонбекнинг ёнида шишаларда май...

Салом-алик қилишгандан сўнг Султонмурод ҳовлиқиб сўради:

— Эшитдиларингми?

— Нимани?— сўради Алоиддин.

— Ажаб воқиалар бўлмоқда. Халқнинг ҳақиқат талаб қилган овозидан бутун Ҳирот ларзада...— шавқ билан деди Султонмурод.

— Эшитдик,— деди Алоиддин қозонга телмуриб.— Халқ эмас, бир гуруҳ ҳайвон наъра тортмоқда!

Султонмурод титраб кетди. Бу ожиз банда билан баҳслашмоқни фойдасиз билди-да, у Тўғонбекни ачитди.

— Сиз бир вазифада эдингиз,— деди у истеҳзоли кулиб,— аммо унинг на эканини биздан пинҳон тутардингиз. Алҳамдулилло, букун билиб олдик... Маслаҳатим шулки, букун шабохун[1] уриб, ўзга бирон гўшага чекилинг!

— Улуска не ёмонлик қилибмиз?— бепарволик билан сўради Тўғонбек.

— Улус,— жавоб берди Султонмурод танбиҳловчи

[1] Тун панасида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

овоз билан,— Хўжа Абдулло Хатибнинг бошини ёрди. Сизнинг исмингизга лаънат тошлари отди!

Тўғонбек гарчи вазиятини озгина бўлсин ўзгартирмаган бўлса ҳам, тили кесилиб, ваҳим бир сукутга кетди. Алоиддин титраб, ярим юмуқ кўзлари билан Султонмуродга ўқрайиб қўйди.

— Тўғонбек ўзи бир тоғ,— деди у жаҳл билан, асабий равишда чийиллаб.— Унинг орқасида яна бир силсила[1] тоғлар бор...

— Ишонамен, лекин халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ дош келолмас!— деди-да, Султонмурод кескин одимлар билан чиқиб кетди.

## БЕШИНЧИ БОБ

### I

Ҳусайн Бойқаро бутун лашкарлари билан «Жанушон» ва «Исфароин» деган мавзулар ўртасида чодир тиккан эди. Хуросон тахти учун исён кўтарган Мирзо Ёдгор ҳам шу атрофларда куч тўплаган эди.

У Темур авлодидан бўлган ёш шаҳзода. Темурнинг баъзи авлодлари каби, у «атак-чечак» қилишдан бошлаб ҳарбий санъатни эгаллашга интилган, мурти чиқмасдан туриб, минглярча йигитларнинг тепасида от сурган, сиёсий жанжалларда суяги қотган, сафарларнинг захматидан, жанг майдонларининг даҳшатли суронидан завқланувчи пишиқ, пухта бир шаҳзода эмасди. Мирзо Ёдгор эрка ўсган. Зийнатли ҳаётнинг лаззатига, ишқ, май, мусиқий оламининг ёқимли, оромбахш ҳисларига берилган йигитча эди. Тожу тахт дағдағаси уни қийнамас, узоқ, можаролар тўла, лекин ширин бир умид каби кўнглига жойлашган... Унинг ихтиёри унинг беклари, жаҳонгашта тарбиячилари қўлида бўлганидан, улар мирзонинг нозик, хаёлчан кўнглини қонли можаро, тантана ва ҳокимият ҳаваслари билан ёқишга тиришадилар. Давлат ишларида тадбирли аёл ва умуман билимдон, «оқила» ҳисобланган аммаси Поянда Султонбегим ҳам уни Хуросон тахти учун курашга ундайди. Бунинг устига, у туркман султони Ҳасанбекдан катта кўмак олади. Ғурурланган шаҳзода «Журжон» ҳокими устига юриш қилиб, қулайгина енгади. «Журжон»ни қўлга

---

[1] Тоғ қатори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб, пойтахт Ҳиротни босиш, тож кийиш умиди билан уринади...

Ўзини кордон[1] ҳукмдор сифатида танитишга интилган Ҳусайн Бойқаро бир неча кундан буён қатъий жангга тайёрлик кўрса ҳам, лекин катта ҳужум бошлашга тараддуд қилар эди. Душманнинг кутилмаган тунги босқинларидан бехавотир бўлиш учун, у ўз лашкаргоҳининг атрофида «хандақ» кавлатмаса ҳам, теваракни қалин шох-шабба билан маҳкамлатди. Қоровулларни кучайтирди. Ҳар кун деярли Мирзо Ёдгорнинг йигитларидан бир гуруҳи кутилмаган вақтда узоқдан кўриниш бериб, бир соат-ярим соат ўқ узиб, яна бир зумда ғойиб бўларди. Баъзан ҳар икки томоннинг илғор дасталари тўсатдан учрашиб, катта сурон билан ўқ узишар, қиличлашардилар. Бундай қисқа-кичик, лекин шиддатли тўқинишлар натижасида ҳар икки томон бир неча кесик каллани, илиққина қонини оқизиб, ўз қароргоҳларига олиб қайтардилар...

Соддагина чодирда ёлғиз яшаган Навоий дилгир, сер ташвиш эди. У деярли ҳар куни ўнлаб кесик бошларни кўрарди. Мардлик, йигитлик номига узиб келтирилган бу бошлар кимники? Қони, эти, тирикчилиги, ери, тили, тарихи бир бўлган бир халқ нима учун икки душман гуруҳга бўлиниб бир-бирининг қонини тўкади? Нима учун бутун бир халқнинг азамат дарахти илдизларига болта урадилар? Бу йигитлик, қаҳрамонлик, зафарми ажабо? Шоир қалбининг яраси билан тарихни ўйлайди. Яқин тарихнинг ўзиёқ унинг кўзига фаже манзараларни беҳисоб қаторлаштиради. Темурнинг кўзлари абадий юмилиб, жаҳонгирнинг жасади ер бағрини қучмасдан буруноқ авлодлари орасида рўй берган қонли талашлар, жангларни ёдлайди. Тож-тахт учун бўлган ўзаро урушлар соясида мамлакатнинг парчаланишидан, ободонликнинг емирилишидан, халқнинг беҳуда қирилишидан ўзга бирон натижа, бирон маъно кўрмайди. Кесила-кесила заифлашган дарахтда яшашга, ўсишга қобилдек кўринган ягона йирик бутоққа болта кўтарувчи Мирзо Ёдгорга ғазабланади.

Мирзо Ёдгор исёни тўғрисида Ҳиротда хабар олиниши билан Навоий Ҳусайн Бойқарони илдам отланишга ундаган эди. Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ҳоки-

[1] Иш билarманд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

миятининг барқарор бўлишини орзу қилиши у билан гўдаклик замонларидан бошланган дўстлик хотираси учунгина эмасди, албатта. Навоий Ҳусайн Бойқарода шоирлик, илмпарварлик сифатларини кўрди. Сўнгра, Ҳусайн Бойқаро ҳарбий санъатни дуруст билар эди. Жанг майдонларида бир неча топқир рўй-рост урушиб, баҳодирлик кўрсатган эди. Юртда адолатли давлат, одил ва илмпарвар ҳукмдор кўрмоқ орзусида бўлган Навоий Ҳусайн Бойқародан кўп нарса умид қилар эди.

Шоир соддагина чодирда зотан тинч яшагандек кўринса ҳам, ҳақиқатда шовқин-суронсиз, катта ғайрат билан қўшинни маҳкамлашга ҳаракат қиларди. Ўзига яқин йигитлар орқали душман кучларининг вазияти ҳақида, Мирзо Ёдгорнинг қай турда ҳаракат қилиш мақсадида эканлиги ва ҳоказо тўғрисида маълумотлар олишга тиришар эди. Бу бемаъни, беҳуда қон тўкишларнинг тезроқ тўхталишини сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоят, қатъий, ҳал қилувчи кунлар келди. Ҳусайн Бойқаро кенгаш чақирди.

Кенг, баланд, серҳашам ипак чодирда олтин шамдонларини ўртага қўйиб, Навоий ҳам бир неча иш билarманд, яқин беклари билан «русумоти жанг»[1] ҳақида сўзлашди. Чингизнинг турли қитъалар, мамлакатлар устида олов бўрони ва қон дарёлари билан кечган давомли, даҳшатли урушларида аста-аста бойиб, сўнгра Темурнинг яна шундай қонли, азамат сафарлари ва унинг ҳарбий истеъдоди натижасида мукаммаллашган «русумоти жанг»ни яхши билувчи беклар ўз мулоҳазаларини билдира бошладилар. Мирзо Ёдгорга қилинажак ҳужумни қай йўсинда олиб бориш, турли қисмларга кимларни сардор тайинлаш тўғрисида аниқ таклифларни ўртага отдилар. Ҳозир ҳар вақтдагидан кўра сергак бўлган ва фикрини йиғган Ҳусайн Бойқаро уларнинг чора-тадбирларини маъқуллади. Ўтирганларга кўзларини бир-бир тикиб, қандайдир ички шавқ ва енгиллик билан деди:

— Эндиликда сўз осмон китобида қолди! Ёки хато қилурменми?

Чорпахил, бесўнақай Ислим барлос қалпоқли бошини оғир тебратди-да, осмонни кўрмаса ҳам, қаҳрли кўзларини юқорига — ипак чодирнинг кўркам уқалари,

[1] Уруш қоидалари, йўллари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ранг-баранг ипак шокилалари осилиб турган шипга тикди ва салмоқланиб деди:

— Албатта... Юлдузлар не дер эканлар...

— Мунажжимни[1] қошимизга чорлайлик. Шояд сафаримизга толе юлдузининг интизорлигини бизга эълон қилса,— деди подшоҳ Навоийга қараб.

— Мунажжим аксини сўзласа, ул чоғ ҳазратлари не қилурлар?— табассум билан сўради Навоий.

Ҳусайн Бойқаро тараддудланмади.

— Толе соатини кутмоқдан ўзга иложимиз йўқ. Толеимиз ўз юлдузини эгаллаган кун, биз ҳам отларимизга минурмиз.

Беклар гоҳ подшоҳга, гоҳ Навоийга қараб, жим ўтиришарди.

— Подшоҳ ҳазратлари,— назокат билан мурожаат этди Навоий,— бизнинг фикримизча, ҳар бир ишда ақлни раҳнамо қилмоқ лозимдир. Зероки инсонлар ҳақ йўлини ҳамиша ақлнинг нури билан топмишлар. Ҳар турли мушкилотларни ҳам ақл билан ҳал этмишлар. Зафарингиз учун барча олат муҳайё экан, юлдузлар билан машваратни[2] зарур деб билмасмен. Маълумингизки, мен ҳарб кишиси эмасмен, аммо ҳар икки тарафнинг кучини, ҳар икки ёқдаги шароитни узоқ мулоҳаза этдим. Тараддудга асло ҳожат йўқ. Тонг чоғи қуёш байроғи билан бир вақтда зафар байроқларингизни кўтаришингиз керак.

— Жанобларга махфий эмаски,— яна айни жиддият ва ишонч билан гапирди Ҳусайн Бойқаро,— жангнинг вақти-соати тайин этилмаган тақдирда, зафар ўз юзини тескари ўгирур, ҳар қадамда мушкилотлар келиб чиқур. Шу жиҳатдан жанг арафасида мунажжимларнинг маслаҳати билан иш кўрмоқни арбоби жанг фарз деб билурлар.

— Тарих кўрсатурким,— деди Навоий ҳаммани бир-бир кўздан кечириб,— мунажжимлар билан баҳамжаҳат бўлган кўп сафарлар бениҳоят фоже оқибатлар туғдирмушдир. Мунажжимларнинг мулоҳазасида ҳақиқатдан кўра хурофот зиёдароқдир. Яна такрор айтаменки, тонг билан душманга шикаст бермоқ керак.

---

[1] Юлдузларга қараб фол очувчи.
[2] Кенгашмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оз сўзловчи, содда баҳодир Зулнун Арғунбек йўғон бармоқлари билан кенг, қаҳрли юзидаги дағал соқолини қашиб, музокарадан зериккандай, азамат гавдасини тиклади, кенг кўкраги билан оғир сўлиш олди-да, одати бўйича, зарда қилган каби, кескин гапирди:

— Ҳазрат шоирнинг сўзида маъни кўп... Кўп топқир синаганмиз, юлдузларнинг тилида қарор йўқ. Кўп вақт кулгиси йиғига айланади!

Ҳусайн Бойқаро иккиланиб, ўйланиб тураркан, Навоий, мунажжим қандай вақт тайинламасин, ҳужумни кечиктирмаслик хусусида далилларни илгари сурди. Навоийнинг мулоҳазаларини мувофиқ топишга мажбур бўлган бошқа беклар ҳам подшоҳга далда бера бошладилар, «Олло таолонинг мададига сиғиниб, шу бугун душманга босқин ясаш кераклиги»ни уқдирдилар. Мажлис тарқалди.

Мулозимларнинг ёрдами билан Ҳусайн Бойқаро эгнига совут, бошига дубулға кийди. Қини олтин ва ранго-ранг қимматбаҳо тошлар билан ишланган, ажойиб нафис санъат намунаси бўлган қилични тақди. Яна шундай чиройли садоғини[1] осди. Ўқ-ёйни тақди. Қадамларини тетик босиб, дабдаба билан чодирдан чиқди. Тонг отишга пича қолган... Узоқда, кўкимтир туман ичида мудраган тоғлар устида сийрак юлдузлар кўзларини ҳорғингина қисадилар. Даштнинг салқин шамоли тентираб, чодирнинг ипагини енгил мавжлантиради. Йигитлар ва барча қўшин аҳли уйғонган. Нимқоронғулик орасидан уларнинг ҳаракатларида жиддий ишга ошғич равишда тайёрлик кўраётганлари сезилади.

Махсус мулозимлар эгар-жабдуқлари олтин, лаъл, ёқутдан ишланган ўйноқи отни эҳтиёт билан етаклаб келтирдилар-да, подшоҳни қўлтиқлаб миндирдилар. Ҳусайн Бойқаро атрофини қуршаган, тамом қуролланган баҳайбат сувори беклари билан қўшин ичига шамолдай енгил учди. Бу ерда сергаклик ва ғайрат билан қўшин тартиботини кузатиб турди. Жиронғорга[2] Валибекни, Мирзойи Кичик ҳам Ислим барлосни сардор белгилади. Биронғорга[3] амир Бадриддинни сардор қилди. Қўшин ичида энг иш кўрган, қилич чопган баҳодирлар-

---

[1] Қадим вақтларда ўқ жойлаб юриладиган чарм халтача.
[2] Қўшиннинг ўнг томони.
[3] Қўшиннинг сўл томони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни саралаб, ҳировул[1] тузиб, буни Шайх Темурга, Зулнун Арғунбекка топширди.

Қуёш чиқаркан, уруш тартиботини олган катта қўшиннинг турли қисмлари кенг далани қоплаб, душман билан учрашкали аста силжимоқда эди. Дубулғалар, совутлар, найза-қалқонлар, ойболталар қуёш билан олтинланган ҳавода порлайди. Жангга ўрганган отлар, сабрсизлангандай, бошларини силкиб, кишнашиб, югуришга интилар эдилар. Навкар ва бекларнинг кўзлари қаҳрли, юзлари совуқ, жиддий эди.

Ҳусайн Бойқаро, у замоннинг машҳур тарихчисининг таъбирича, «одам кўнглидаги жон янглиғ» қўшиннинг қалбида — ғўлда[2], эътимодли саркардалар, баҳодир йигитлар билан қуршалган ҳолда борар эди.

Қоровуллар ўқдай учиб келиб, Мирзо Ёдгор ошғич равишда ўз сипоҳларини тартибга солиб, қаршилик кўрсатишга ҳозирлик кўраётганини билдиришди. Ҳусайн Бойқаро фурсатни қўлдан бермаслик учун, ҳужум бошлашга буюрди. Карнай, сурнай, ноғоралар ҳавони янгратди. Узоқда душман қўшини кўзга чалинганда, бирондан Ислим барлос, Валибек Мирзо Ёдгорнинг жиронғорига зўр сурон билан от солишди. Шайх Темур ва Зулнун Арғунбек қўл остидаги қисм душманнинг орқасига ўтишни мўлжаллаб, йўлни чап бериб, югурди. Амир Бадриддин ўз жиронғори билан душманнинг жиронғори устига дадил ёпирилди. Мирзо Ёдгорнинг амир Аҳмадали барлос сардорлиги остида бўлган қисмлари Валибек ва Ислим барлос йигитларини кучли, муттасил ўқ узиш билан даф этишга уринди. Лекин қиличбозликда моҳир Валибек, ҳамиша жангда ўзини арслон сифат тутадиган Ислим барлос уриб-суриб душманни босиб келаверди. Сурон авжга чиқди. Амир Аҳмадали барлос қаттиқ муқовимат кўрсатишга тиришиб, йигитларига далда берса ҳам, лекин йигитлари ғуж-ғуж сиқилиб, олдинга отилишга имирсиланиб қолдилар. Олдинги қатордагилардан ўнлаб сувори ўлиб, кўп отлар йиқилгандан сўнг, бузилиш, паришонлик кучая бошлади. Душман йигитлари қиличлашишдан бош тортиб, зарбалардан ўзларини олиб қочишга уриниб қолдилар... Бунинг устига Мирзо Ёдгорнинг қўшинида бўлган мўғуллар фурсатдан

---

[1] Олдинги қисм.
[2] Қўшиннинг ўрта қисми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

фойдаланиб, ҳар вақтдаги каби, ўлжа олишга, таловчиликка киришдилар. Улар душмандан кўра, кўпроқ ўз одамларини уриб, отдан йиқиб, кийим-бошини, қуролларини шилиб ола бошладилар.

Мирзо Ёдгорнинг жиронғори чанг, тўзон, кучли чуввос ичида қаттиқ жанг олиб борар эди. Лекин қаторасига етти от устидан сакраб ўтканлиги билан донг чиқарган, читтакдай енгил, чаққон, қарчиғайдай олғир Амир Бадриддин душманга бўш келмас, кучли ҳамлалар билан душманни аста-аста тебратиб, ҳаракатдан маҳрум қилишга тиришарди.

Ногиҳон, Мирзо Ёдгорнинг «ғўл»идан туркман отлиқлари бўрон даҳшати ва суръати билан тўппа-тўғри Ҳусайн Бойқаро устига отилишди. Бу томондан қалин ўқ ёғдирилди. Бироқ, ғизиллаб учган мингларча ўқ галалари туркман ботирларини тўхтатишдан ожиз қолди. Туркманлар қилич ўйнатиб, ўқ узиб, устма-уст ҳамлалар билан олдинги қисмларни боса-боса силжиб келар эдилар. Бир тўда туркманлар кутилмаган ёқдан Ҳусайн Бойқарога яқинлашиб қолган эди. Подшоҳ атрофини қуршаган ботирлар гоҳ қилич, гоҳ найза ишлатиб, душманни улоқтиришга астойдил ғайрат кўрсатдилар. Одамлар йиқилди, қиличлар синди, эгасиз отлар, эгарлари қийшайган, жиловлари оёқларига ўрашган ҳолда, кўзларини чақчайтириб, пароканда кезардилар.

Ҳусайн Бойқаро урушнинг оқибатидан ташвишланар, ғазаб билан ҳар ёққа қарар, чанг, тўзон ичида жангнинг кетишини кузатишдан ҳам ожиз эди. Ниҳоят, ғазабига чидолмади. Қиличини суғурди. Бошдан оёқ совут кийган шоҳ, ўзининг хос ботирлари билан душманга ҳужумга отилди. Унинг зўр, ҳайбатли оти қирғин ичига ёриб кирди. Ҳусайн Бойқаро жанг қилишни билар эди. Жангда зарбанинг шиддати билан тадбирни жуда мос ишлатар эди. Тож-тахт дағдағасида йилларча олиб борган тўхтовсиз, давомли, катта-кичик урушларда, тўқинишларда қиличбозликдаги маҳоратини кўп дафъа очиқ намоён қилган эди. Ҳозир ҳам хавф-хатарни унутиб, яхши, забардаст қиличлаша бошлади. Ботирлар ҳам ўлган-йитканига қарамай, подшоҳ атрофида қаттиқ жонбозлик кўрсатдилар. Булар душманни орқага тебратишга муваффақ бўлсалар ҳам, лекин бутун ҳолда, жангнинг оқибати бу ерда ҳал бўлмади. Мирзо Ёдгорнинг ўнг ва сўл қанотлари қаттиқ шикаст еб, бутунлай бевош-бетартиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

қочишга юз тутган эди. Бу ҳодиса туркманларнинг руҳини туширди. Улар энди душманга ёпишиш эмас, ўзларини қирғин ичидан мумкин қадар тез олиб қочишга тиришa бошладилар. Бойқаронинг зафар ғурури билан руҳланган йигитлари душманни янчиб, даҳшатли суроn билан уни таъқиб этдилар. Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган, чанг-тўзон булути ҳавони тутди.

Ҳусайн Бойқаро лашкари Мирзо Ёдгорнинг пароканда йигитларини бир неча фарсанг масофагача шиддатли қувиб, кечга тобо ҳар хил ўлжалар, асирлар билан қайтди. Бир тўп асир, кўпроқ аскар бошлиқлари — шу топдаёқ ўлдирилди ва шу топдаёқ карнай-сурнайлар янграб, ғалаба шодиёнаси жанг қизғини ҳали сўнмаган тўзонли кўкни титратди.

## II

Шоир, теварагн Ширим қоровул бошлиқ махсус посбонлар қўриқлаган ҳашаматли ипак чодирга кирди. Заррин тўшакда ўтирган Ҳусайн Бойқарога кўзи тушиши билан унинг вазиятини алланечук бошқача сезиб, ҳайратланди-да, расмий таъзимдан сўнг, подшоҳнинг ишорати билан унга яқин ўтирди. Эътимодли беклар, вазирлар йўқ. Муқоваси ажойиб гўзал янги бир китобни тиззасига қўйиб шоир Ҳасанали Жалойир ўтиради. Ҳар хил баҳона билан подшоҳ қошига киришга, у билан суҳбатлашишга тиришган Мажднддин Муҳаммад ундан қуйироқда гердайиб тиз чўккан. Булардан ташқари, вазифаси ҳар вақт подшоҳ ҳузурида ҳозир бўлиш ҳам уни зериктирмаслик учун ҳар нав латифа ва ҳикоялар тўқишдан иборат бўлган икки-уч ҳамсуҳбат энди подшоҳнинг ғазабли кўзларини учратмасликка тиришар эди. Навоий бунда англашилмас бир сир кўрмади. Чунки вазиятнинг оғирлигини билар эди. Мирзо Ёдгор жангда қаттиқ мағлуб бўлган эса-да, Ҳусайн Бойқаронинг ғалаба шодликлари узоқ чўзилмаган эди. Кейинги вақтларда ҳар кун бир-биридан совуқ хабарлар эшитила бошлади. Мирзо Ёдгор кўп лашкар тўплаган эмиш. Амир Ҳасанбек унга мунча минг навкарни кўмакка юборган эмиш, Хуросонга ҳужум учун Султон Маҳмуд қўшин билан Аму ёқасида турган эмиш... Бундан ташқари, подшоҳга гина сақлаганиданми ёки Мирзо Ёд-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гор билан зимдан тил бириктирганиданми, бир кўп беклар ва йигитлар ўрдугоҳдан[1] қоча бошлаган эди.

Навоий ғамгин ва ғазабли подшоҳга дадил қараб, ҳол-аҳвол сўради. Ҳусайн Бойқаро Ҳиротдан чопар келганини айтиб, жиғали бошини аллақандай маънодор силкиб, аҳволнинг оғирлигини ифодалади. Сўнг заррин тўшак остидан бир мактуб чиқариб, шоирга узатди. Навоий диққат билан қоғозга кўз югуртиб, кейин мактубни секингина тиззасига қўйди. Бошини қуйи солди, икки қош ўртаси тугунчак бўлиб, яна қоғозга тикилди. Воқиани бутун илдизи билан тасаввур этгач, мактубни букиб, ёнига, атлас кўрпачага қўйди-да, подшоҳга қаради. Унинг қарашида таҳлика, саросима, ёки «ажаб бўлибди!» деган бир маъно, бир ҳис йўқ эди. Унинг кўзлари ҳар вақтки ишонч ва фикрчанликни сақлар эди. Подшоҳ ўз ҳаяжонини яширолмай аччиғ шикоят билан деди:

— Дорилсалтанатда[2] бир гуруҳ разил авбошларнинг[3] фитнасини даф этмоқ учун не чора буюрсак бўлар экан? Бу хусусда умаромизнинг[4] раъйларини билдик. Маъқул ва мақбул тадбирни шояд сиз жанобдан эшитгаймиз...

Навоий ўзига хос улуғворлик, назокат, мулойимлик билан деди:

— Подшоҳ ҳазратлари, мулки Хуросоннинг тақдири ва ҳаёти сизнинг қўлингиздадир. Сизнинг муборак хотирингиз бу алам ангиз ҳодиса хусусида не фикр баён қилур?

— Бу тожу давлатни қилич билан олибмиз,— бир нафас сукутдан сўнг кескин гапирди Ҳусайн Бойқаро,— уни яна айни қилич билан пойдор қилмоққа ҳаракат қилғумиздир.

Бу сўзлар шоирни чўчитмади. Дунёнинг ярми устида қилич ўйнатган оқсоқ жаҳонгирнинг бу авлоди қилич тутишни яхши билса, қилич билан фахрланишни севса ҳам, лекин қиличдан кўра майга, жанг майдонларидан кўра чаман боғларда тузилган шўх базмларга кўпроқ мойил эди. Шоир ақлли кенгаш билан уни тўғри йўлга солиб юбориш мумкинлигига ишонарди ҳам. Лекин ар-

---

[1] Қўшин қўнган жой.
[2] Пойтахт маъносида.
[3] Безорилар.
[4] Амирлар, беклар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

зимаган бир баҳона гоҳо унинг ғазабига, оловни бирдан гурреллатган шамолдай, таъсир қилар эди. Навоий вазминлик билан мурожаат этди:

— Хоқон, яралик кўнгилларнинг шифоси учун сиз ҳакими ҳозиқ[1] бўлишингиз керак. Каминанинг фикрича, бу ерда қиличнинг асло ҳожати йўқдир!

Ҳусайн Бойқаро хаёл сургандай, чодир шипига қараб қолди. Ҳамсуҳбатлар елкаларидан бир нима босгандай, паст чўкиб ўтирдилар.

Ўртадаги оғир жимжитликни Маждиддин Муҳаммад бузди:

— Дарҳақиқат,— деди у, гердайган бир турда Навоийга қараб,— подшоҳи олам ҳазратларининг фикрлари ақли салим[2] мевасидир. Жоҳил оломонни тарбияламоқ учун тиғ, лоақал таёқ лозимдир. Оломон шафқат ва марҳаматнинг қадрига етмас.

Навоий титраб, кинояли кулди.

— Масала адолат ва ҳақиқат масаласидир,— жавоб берди Навоий ўзини тутишга тиришиб,— ҳақиқат оломон тарафидадир. Ҳақ сўзни айтган оғизларни тош билан қонатмоқ эмас, ҳақиқат тамалини қулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур. Закот йиғмоқ давлат ишидир, лекин бир неча баднафс, чиркин махлуқлар учун бойлик манбаи эмас! Бундан сўнг бутун Хуросонда жамики фуқаро тирикчилигини назарда тутиб, закотни ислоҳ этмоқ керак. Бу идорани ширага ўч чиркин пашшалардан тозаламоқ зарур! Такрор айтаманки, элнинг қаҳри, ғазаби асослидир. Унинг овозига қулоқ солмоқ, шикоятларини сабр-тоқат билан тингламоқ вазифамиздир.

Маждиддиннинг ранги қув ўчиб, тили кесилди. Ҳамсуҳбатлар ер остидан бир-бирларига маънодор қараб олишди.

— Иш, сиз деган ҳаддан ўтибди!— кескин эътироз қилди Ҳусайн Бойқаро.— Бизнинг хизматимизда бўлган зотларни сангборонга[3] тутмоқни салтанат тожига отилган ҳақорат деб билгумиздир. Ариза билан шикоят қилсинлар, наинки пойтахтда ғалва кўтармоқ!

— Бизга қолса асло!— яширин бир киноя билан кулимсираб гапирди Навоий.— Салтанат тожини қуёш

[1] Билимдон, уста табиб.
[2] Соғлом ақл.
[3] Тошбўрон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

янглиғ самовот доирасида[1] билинг. Наинки Хўжа Абдулло Хатибдек бир хомтама, аждарнафснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз. Бир золимнинг боши шикаст топгани учун эл устида тиғ ўйнатмоқ, фақирнинг хотирига андоғ келадирким, давлатингизда ҳар нав дарранда ва газандаларнинг қуйруғини кўтарур... Модомики халойиқ қўлга тош олибдир, унинг кўнглида дарди бордир. Бу дардни таҳқиқламоқ, адл суви билан ювмоқ, даволамоқ лозимдир.

Ҳусайн Бойқаро сукут қилди. У тараддудда эди. Сўнг қийиқ, тез ўйнайдиган кўзларини шоирга тикиб ғамгин ҳолда деди:

— Хўжа Абдуллодек кўрнамакни жазога торткумиздир, бунга зарра шубҳа қилмангиз. Аммо пойтахт осойишталигини бузган аҳли фитна ва фасод ҳам жазодан холи қолмаслиги лозим... Лоақал сиёсат юзасидан бир нима жаримага[2] тортилсалар, истиқболда бу каби ғалаёнлар такрор бош кўтармагай...

Навоий яширин, ичдан хўрсинди. Подшоҳнинг бемаъни ўжарлигини синдириш учун жасур оҳанг билан деди:

— Шоҳо, халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топширилса, улар бу қонхўр махлуқлар дастидан фиғон кўтарса, уларга қулоқ солмаслик адл-инсофдан эмас. Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор. Халқ билан бўлгуси муомалада қиличга эмас, адл кучига суянмоқ, халқни жабр-зулмдан қутқармоқ лозим. Зеро, халқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур, у шундай бир ўтки, унинг бир учқуни туташса, на хашакни қўяр, на фалакни... Бас, яхшилик қилмоқ керак: элнинг, юртнинг бахти барқарор бўлса, салтанат ҳам бехатар бўлур.

Шоирнинг мантиқи қаршисида подшоҳ ҳар қандай эътироздан ожиз қолган эди. Лекин баъзи беклар ва кенгашчиларнинг райига терс бўлган бир қарорни чиқаришга ботинқирамас эди. Иккинчи томондан, Мирзо Ёдгор каби душман бартараф қилинмаган ва унинг тарафдорлари кўпайиб турган бир шароитда давлатнинг юраги бўлган Ҳиротдаги ғалаённи илдамлик билан тугатиш зарур эди. Ҳусайн Бойқаро яна бир қанча вақт ма-

---

[1] Осмон, фазо.
[2] Штраф, жазо.



www.ziyouz.com kutubxonasi

салани музокара қилди. Шоир ўз фикрида мустаҳкам эканига қаноат ҳосил қилгач, ниҳоят қатъият билан деди:

— Мулоҳазаларингизни батамом қабул қилдик. Бу нозик вазифанинг уҳдасини сизга ҳавола этмоқчимиз. Иншоолло, сиз каби кордон ва соҳибтадбир бир зот пойтахтимизда сукут ва осойишталикни тез кунда барпо қилур. Ҳозирдан сафарга отланмоққа сизга ижозат бердик.

Навоий эл фойдаси ва давлат манфаати учун бўлган бу вазифага, ўз одати бўйича, эътироз қилмади. Енгил таъзим билан ўз розилигини билдириб, табассум қилдида, секингина деди:

— Пайтахтдаги аламдида[1] халойиқ учун бу фақир не совға билан борур? Элнинг жароҳатларини не малҳам билан даволар?

— Жумла оламга маълумки, мен подшоҳмен, табиб эмасмен!— ҳазил йўсин жавоб берди Ҳусайн Бойқаро.

Навоий ҳазил-мутойибани севгучи, завқ билан тинглаб, чечанлик билан чуқур жавоб беришга моҳир бўлса ҳам, ҳозир кулибгина қўйди ва сўзини жиддий давом этдирди:

— Кўнгилга шундай муқаррар бўлдиким, дорилхалофат[2] фуқароси қошига етгач, фақир уларни ҳеч нарса билан қувонтирмоқдан ожиз қолгаймен. Мақсадимизни равшан қилиб айтсак, бизни фармон ҳумоюн[3] билан сарафроз қилсангиз экан.

— Мазмуни қандай бўлмоғи керак?— қизиқиб сўради подшоҳ.

— Шул мазмундаким,— деди Навоий,— фармони олийнинг ҳар бир сўзи кўнгилларга қуёшдек ҳаёт бағишлагай. Ҳар бир нуқтасида, қаторида дарё пинҳон бўлгани каби, сизнинг дарёйи адолатингиз[4] жилвалангандай. Яна у фармонда шундай сўзлар бўлмоғи кераким, улар, золим, мунофиқ амалдорлар, улус молини ғасб этувчилар[5] бошига «сангборон» бўлиб ёғилғай.

Ҳусайн Бойқаро индамасдан айёрча кулиб қўйди. Кейин енгилланиб, Ҳиротда бажарилиши керак бўлган

[1] Алам кўрган.
[2] Пойтахт маъносида.
[3] Подшоҳ фармони.
[4] Адолат дарёси.
[5] Босиб, зўрлаб олувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа ишлар тўғрисида сўзлади. Ниҳоят, шоир рухсат тилаб ўрнидан қўзғолар экан, у деди:

— Йўл тадорикига киришинг. Фармонни тезда муҳайё қилиб, сизга топширурмиз.

Навоий аста-аста юриб, ўз чодирига келди. Тўнини ешиб, бир нафас истироҳат қилмоқчи бўлди. Лекин у бутун борлиғи билан ҳозир Ҳиротда эди. Унинг бошини турли фикрлар, режалар қоплади.

Хизматчи ҳаммага қайнатилган ялпи қозондан таом келтирди. Шоир озгина эт еб косани четга сурди. Шарбат ўрнига бир коса совуқ айрон талаб қилди. Кейин қип-қизил туркман гилами устида сочилиб ётган шатранж доналарини йиғиштириб, атрофдаги чодирларда бўлган шатранж устодларидан бирини чақиришни истаса ҳам, лекин, одатдагича, ўйиннинг завқига берилиб, йўлга кечикишдан қўрқди. Китоблар тахланган пастак курсида ётган ва китоблар ичига суқилиб қўйилган шалдироқ, оқсимон ва рангли қоғозларни тўплаб, тартибга солиб, кичкина, ҳар ёни ўймакор тасвирлар билан музайян фил тиши қутига солди. Булар сафарда битилган, ҳали оққа кўчирилмаган ғазаллар, муаммолар, туюқлар[1] эди.

Йўл жабдуғи тайёр бўлди. Фармонни шоир кўздан кечириб, унинг мазмунидан рози бўлди. Сўнг, уни найчадай буклаб, устини муҳрлатиб, салласининг бир чеккасига қистирди. Мулозимлар унинг ювош, лекин жуссаси жуда келишган йўрға қора байир отини кўндаланг қилишди. Шоир билан бирга бориши тегиш бўлган ҳамроҳлар ҳам тайёр бўлди. Буларнинг орасида шоирнинг садоқатли навкари Бобоали — барваста қомат, ақлли, баодаб йигит ҳам бор эди. Навоий духоба кўрпача ташланган эгарга ўтириши билан, от бошини чиройли силкиб юриб кетди. Унинг орқасидан Бобоали ва бир неча сарой мулозимлари, мансабдорлар йўлга тушдилар.

Шоир отда юришни, сокин дала манзараларини томоша қилишни севар, ҳатто баъзан от устида илҳомга берилиб, ғазаллар тўқир эди. Узоқдан, майин, кўкимтир туман пардасида сокин жилваланган тоғлар, ҳавода бир тўп кўланка каби ғира-шира кўринган дарахтзорлар, қумликларнинг қизғинидан оёғи куйган каби зир югурган шамоллар, майда тошлиқлар орасидан милдир-мил-

---

[1] Сўз ўйинига асосланган кичик шеър.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дир қайнаб чиққан тиниқ сувлар — ҳамма нарса шоирнинг кўнглини тўлқинлантирар, у ҳамма нарсада улуғ бир кучнинг гўзал ва азамат оҳангини туйгандай бўлар эди.

Навоий обод жойлардаги экинларга, мевазор боғчаларга диққат қилди. Адирлардаги подаларга, даҳшатли қоялар ва чўққилар устида сакраб, тошлар орасида ўт чимтиб юрган эчкиларга суқланиб қаради. Кўчманчи афғон ва бошқа қабилаларнинг чодирларига, саҳройи, содда ҳаётнинг хусусиятларига разм солди. Бу қабилаларнинг тиллари, маишатлари, одатлари ҳақида ҳамроҳлари билан сўзлашди.

Сув ёқасида гердайиб ётган катта тошга тикилиб, унда қандайдир тасвир изини фаҳмлаб, отдан тушди. Тошга бошдан оёқ диққат билан боқиб, замонларнинг нафаси билан анча ўчган бу тасвирнинг қуролли жангчи эканини аниқлади, ҳамроҳларини тўплаб, бу тасвир Искандар Зулқарнайн давридан қолган бўлиши эҳтимол, деган мулоҳазани айтди. Бу муносабатла тарихнинг ва тарихий асарлар, обидаларнинг аҳамиятини сўзлади. Замонларнинг абадий жараёни, унга нисбатан одам умрининг чақмоқ сингари бир он ёниб ўчиши, ҳаётнинг маъноси ва сири ҳақида бу тош Навоийнинг бошида фикрлар бўронини қўзғаган эди. Шоир бу ердан кўзларида қандайдир ғам кулкаси билан жўнади ва анча вақтгача ҳеч нима сўзламасдан, фикр ҳам кечинмаларининг сеҳрига берилиб борди. Отларга хашак бериш, бир қадар ҳордиқ чиқариш учун работлардан[1] бирига қўнилган вақтдагина унинг кўнгли яна очилди. Ҳамроҳлар билан давра қуриб ўтирар экан, йўлларнинг ёмонлигидан, работларнинг хароблигидан шикоят қилди. Йўлларни яхшилаш, янги работлар барпо қилиш кераклиги ҳақида ўз орзуларини баён этди. Овқатдан кейин, эрмак учун, ўзининг ҳам ўзга шоирларнинг муаммоларидан бир нечасини ўқиб, яширилган исмларни топишни сўради. Бирон соат кулги йўсун гаплар ҳам бўлди.

Навоий Ҳиротга кириши билан, унинг махсус фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга яшиндек тарқалди. Ҳамма уни тезроқ эшитиш орзуси билан ёнди. Ҳирот, тишдан қараганда, аввалгидай тинч, ҳамма ўз тирикчилиги билан машғул бўлгандай кўринса ҳам, лекин

---

[1] Йўловчиларнинг қўниши учун ясалган махсус карвонсаройлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

косиб-ҳунармандлар, деҳқонлар ҳали ғазабдан тушмаган эдилар. Ғалаён аввалгиданда даҳшатлироқ ва кескинроқ бир миқёс ва шиддат билан ҳар лаҳза мавжланишга тайёр эди.

Шоир девонга келиб тушди. Воқеанинг қандай рўй берганлигини ўрганди. Хўжа Абдулло ҳам бошқа маъмурлар томонидан халққа солинган закотни бекор қилди. Бу ишда айбдор мансабдорларни мансабдан бўшатди. Кейин арз-дод қилғали эшикда тўпланган камбағал аҳолини қабул қилишга киришди. Ёшми, кексами, аёлми, тожик, ўзбек — ҳар кимнинг шикоятини сабот-матонат билан тинглади. Шикоятчиларнинг ҳол-аҳволларига доир саволлар берди, уларни юпантирди, даъволарини ҳал қилди. Шоирнинг қошига йиғлаб кирганлар табассум билан, букчайганлар адолат кучи билан руҳланиб, қадларини ростлаб чиқдилар.

Ҳиротнинг улуғ масжид жомeнинг хонақоси, қулочга сиғмас йўғон устунли нақшкор айвонлари, катта, текис ҳовли саҳни, жомeнинг уч томонини ўраган қатор ҳужраларнинг томлари, миноралар халқ билан лиқ тўла эди. Муҳтасибларнинг[1] қаттиқ терговларига қарамай, намозга бепарво бўлган Ҳирот чапанилари, етим-авбошлари ҳам бугун дасторни бошларига нари-бери чулғаб, жомега келган эдилар.

Шоир аста, улуғвор юриб минбарга чиқди. Ҳамма бирдан «гув» этиб ўрнидан турди. «Тиқ» этган товуш йўқ. Ҳамма кўзлар чуқур ҳаяжон билан бир нуқтага тикилган. Навоий минбарда туриб, бир туйғу, бир ҳаяжон билан жим қотган халққа дарддош кўзларини югуртириб чиқди. Шоир бу қарашда ўзига хос чуқур англаш қобилияти билан халқ дардларининг, эҳтиёжларининг энг яширин томирларига қадар етгандай бўлди. Юрагининг то қаърида уйғонган ҳисларнинг таъсири билан кўкси қабариб, чуқур хўрсинди. Фармонни очди, сезилар-сезилмас титраган қўлида тутиб, кучанмасдан, овозини одатдагидан баландроқ қўйиб, аста-вазмин ўқиди. Бирдан ялпи, кучли садо кўтарилди. Халқ ўз таассуротини, кўксида сиқилган ҳис ва фикрларини ифода этди: «Ё адолат!» «Иншоолло», «Золимларга лаънат!» «Офарин!» садолари ҳамма ёқни тутди.

---

[1] Диний ишлар маъмури.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фармоннинг мазмуни бир зумда оғиздан оғизга ўтиб, орқадагиларга, ҳатто томдагиларга ҳам етган эди. Шоир тўлқинланиб, ўз номидан қисқа, маънодор, самимий нутқини битирган ҳамон минглардa қўллар — деҳқонларнинг ғадир-будур бақувват қўллари, бўёқчиларнинг кўм-кўк панжалари, бўзчилар ва бошқа ҳунармандларнинг ингичка суякли бармоқлари ҳавога кўтарилди. Навоий ҳаққига айтилган дуо ва тилаклар гумбурлаб, жоменинг азамат пештоқларини янгратди...

Одамлар қувонч билан кўчага оқди. Элнинг умумий қувончи билан адолат сўзининг кучига чуқурроқ ишонган шоир, ҳаммадан кейин қолиб, мадрасалар ва муллабаччаларнинг аҳволи тўғрисида шаҳарнинг улуғ олимлари, мударрислари билан суҳбатлашди-да, ҳар қандай намойишкорона ҳаракатдан қочиб, ёлғиз ўзи девонга қайтди. Халққа жабр-ситам етказган бир кўп мансабдорларни рўйхатга олиб, ҳар бирини ўз гуноҳи ва жиноятига яраша жазо ва жаримага тортмоққа тайёрланди.

Бутун Ҳирот шоирнинг ҳақиқати билан яшар эди.

Бир ҳафта ичида Навоий ишларни саранжом этиб, Ҳусайн Бойқаро қароргоҳига қайтди.

Биринчи мағлубиятдан кейин яна кўп қувват тўплаб, ҳатто Астрободни ишғол этган Мирзо Ёдгор энди кўзларини Ҳиротга тиккан эди. Унинг одамларидан бир қисми Ҳирот теварагида яширин ҳаракат қила бошлаган эдилар. Ҳусайн Бойқаро ташвишда эди. Навоий мумкин қадар илдам Ҳиротга етишни, унда янги кучлар йиғиб, душманнинг бутун кирдикорларини беҳуда қилишни маслаҳат бергач, Ҳусайн Бойқаро лашкари билан пойтахтга ошиқди.

Воқиалар барқ суръати[1] билан давом этди.

Ҳусайн Бойқаро тун-кун йўл босди. Пойтахтга икки-уч работлик масофа қолганда тўхтади. У, одат бўйича, Ҳирот улуғларининг истиқболга чиқишларини, тантана билан шаҳарга киришни орзу қилар эди. Лекин пойтахт гўё унинг келишидан бутунлай хабарсиздек кўринди. Ҳирот кар ва совуқ. Ҳусайн Бойқаронинг ранги ўчди. Лашкар орасида дув-дув гап кетди. Воқеани ўрганмоқ

---

[1] Чақмоқдай тез.



www.ziyouz.com kutubxonasi

учун юборилган одамлар шумшайиб қайтишди; улар пойтахтга йўл берк эканини, қалъанинг беклари Мирзо Ёдгор тарафига ўтганликларини билдиришди. Лашкарда ҳаяжон ва саросима яна кучайди.

Навоий подшоҳнинг чодирига кирди. Рангсиз, ғамгин, бўшашган подшоҳга далда беришга тиришди.

— Бу қандай хиёнат!— бошини дард билан чайқаб деди Ҳусайн Бойқаро.— Бевафо нонкўр махлуқлар менинг юзимга қалъани ёпдилар!

— Хиёнаткорлар чуқурларига ўзлари йиқилурлар,— деди Навоий ишонч билан.— Жасоратни қўлдан бермаслик керак. Тўғри, иш ғоят мушкуллашди. Лекин умид, ғайрат ва имон билан қадам қўйилса, мақсад йўлидаги ҳар қандай мушкилотни бартараф қилмоқ мумкин. Энди лашкарга яхши қарамоқ керак. Ҳозир мавжуд навкарлардан айрилмасликка ҳаракат қилингиз. Ҳамиша улар билан бирга бўлингиз, лашкардан узилган ҳукмдорнинг ҳолига вой!

— Бундан сўнгги ҳаракатимизни нечик тасаввур қилурсиз?— сўради Ҳусайн Бойқаро ўйчан боқиб.

— Ҳозир бу ердан чекилмоқ лозим,— жавоб берди Навоий иккиланмасдан,— пойтахтда садоқатли одамлар кўп. Уларнинг кўмаги билан бутун аҳволни ўрганурсиз. Қулай фурсат келганда, қатъий бир ҳаракат билан бу фалокатларни даф этмоқ мумкин...

Ҳусайн Бойқаро кўзларини бир оз юмиб, хомуш ўйга ботди. Дастрўмоли билан пешонасини артди — бу даҳшатли ҳақиқатнинг совуқ тери эди. Кейин хўрсиниб ўрнидан турди-да, титроқ овоз билан бекларига илдам отланишга буйруқ берди.

Бутун лашкар билан кечалаб, кундузлаб йўл босиб «Сартоғ ўланги» деган мавзуга қўнилди.

Бу аснода Балх атрофида Султонмаҳмуд Мирзо ҳаракатининг кенгайиб борганлиги ҳақида хабарлар келди. Ҳусайн Бойқаро энди ўз мулкида икки офат — икки ёнғин ўртасида қолди. Энди у ўз тожига човут солган икки офатнинг қўлларини кесиб ташламоғи керак! Лекин унда куч, ғалабага ишонч йўқ. У энди душман билан очиқ майдонда учрашишга қўрқади. Бир ерда қарор топишдан хавфланиб, уясиз қушдай, саргардон кезмоққа мажбур. «Сартоғ ўланги» дан «Соқилмон» даштига ўтди. Бу ерда бир гуруҳ сипоҳлардан айрилиб, «Наратоғ» га келди. Мустаҳкам «Ўғруқ» қалъасини ҳар эҳтимолга



www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши ўз қўлида сақлашни мўлжаллади. Лекин сал ўтмасдан, бу қалъага ҳам эътимоди қолмади. Ниҳоят, «Маймана» қасабасига[1] ўзини урди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Мирзо Ёдгорнинг тарафдорлари жуда усталик билан иш олиб борардилар. Обрўли маликалардан бўлган Поянда Султонбегим Амир Фаридиддин барлос кабиларнинг ўргатиши билан Ҳирот ташқарисидаги ўз манзилидан шаҳарга кирди. Пойтахтнинг эътиборли одамларини — сотқин беклар ва амалдорларни қўлга олиб, ўз биродарзодасини тўсатдан Хуросон подшоси деб эълон қилди. Пойтахт қўрғонлари устида шодиёна чалинди. Хутбани ҳам Мирзо Ёдгор номига ўқишга буюрди. Мирзо Ёдгор «Тус» вилоятидан жадал ҳаракат қилди.

Подшоҳлардан яхшилик кўрмаган ва уларнинг тез алмашиниб туришларига одатланиб қолган халқ оммаси бу воқиаларга бепарво қаради. Ҳиротнинг акобир ва аъёнлари[2] эса янги подшоҳга яхши кўриниб, ундан янги рутбалар, янги суюрғоллар[3] олиш ниятида уни тўрт кўз билан кутдилар. Ниҳоят, кимхоб ва шоҳиларга чўлғониб бедов отларга миниб, Ҳиротдан бир тош масофа нарида Мирзо Ёдгорни қаршилаб олдилар. Тўққиз мартадан букулиб, ёш подшоҳнинг этакларини ўпдилар. Мирзо Ёдгор дуолар, тантаналардан кейин, «хайрли соат»да пойтахтга кириб, «Боғ зоғон»да қарор топди.

Мирзо Ёдгор мамлакатни идора этишда мутлоқ ҳеч нима тушунмас, билишга, ўрганишга интилмас эди ҳам. Лақма шаҳзода ўз душмани Ҳусайн Бойқаро қаерда, нималар билан машғул, нима қилмоқчи — бу тўғриларда асло ташвишланмади. «Боғ зоғон» гўзал қизларга тўлди. Ичкилик базмлари авж олди.

Поянда Султонбегим давлат ишларини бошқарди. Бу аёлнинг ўз биродарзодаси учун жон куйдириши ҳам, албатта, ўз шахсий эътиборини ва обрўсини кўтариш умиди билан боғлиқ эди. У чинданда ўз ғоясига эришгандай бўлди. У «оқила» ва «мудаббира»[4] аёл сифатида донг

---

[1] Кичик шаҳар.
[2] Мавқии баланд, эътиборли одамлар.
[3] Подшоҳ томонидан совға қилинган ерлар.
[4] Тадбирли, ишбиларманд.



www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқарди. Алоиддин ва унинг даражасида бўлган баъзи шоирлар унга қасидалар бағишладилар. Бироқ, Поянда Султонбегим туркман саркардаларининг ғурурини, ўзбошимчаликларини кеса олмади. Аксинча, улар билан муросага мажбур эди. Чунки ҳарбий куч уларда. Мирзо Ёдгорни салтанат тепасига улар олиб келди ва рақиблардан улар ҳимоя қилишлари керак эди ҳам. Туркман аскар бошлиқлари ўз мавқеларини суиъ истеъмол қила бошладилар. Ҳирот ва унинг теварагида бошбошдоқликлар кучайди. Халқ қаттиқ сиқиқ остида қолди.

Ҳиротнинг бошига тушган бу ҳаяжонли, ваҳим кунларда Султонмурод мадрасадан қарийб чиқмади. Муаззам қалъа каби юксалган мадрасанинг тош деворлари орасида, кичкина, ним қоронғу ҳужрада кеча-кундуз мутоолаа билан машғул бўлди. Баъзан дўсти Зайниддин янги хабарлар топиб келаркан, ёш олим эшитиб тутоқар, юртнинг нотинчлигига сабаб бўлган фитначиларни қарғар, рўй бераётган воқиаларнинг оқибатлари ҳақида беихтиёр ўйга толар, лекин унга воқиалар, гўё тақдир-қисмат каби даф этилмас бир куч бўлиб кўринар, уларнинг гирдобини орзу қилинган йўлга буриб юборишга ўзини ожиз сезиб, ўз дардида ўзи қоврилар, яна чанг босган китобларга кўмилар эди.

Бир оқшом, Мирзо Ёдгорнинг тантана билан пойтахтга киришининг учинчи куни, Султонмурод шам олдида ғамгин, танҳо ўтирар эди. Юксак тоқли мадрасанинг деворларида акси садо билан янграйдиган товушлар тинган, улуғвор бир жимжитлик ҳукм сурар эди. Толиби илмлар ёш подшоҳнинг тантанаси учун ташкил этилган байрамга томоша учун жўнаган эдилар.

Алоиддин Машҳадий ярим юмуқ кўзлари билан туртиниб кирди. Султонмуродни Тўғонбек қошига ўзи билан бирга боришга таклиф этди. Султонмурод машғулотларини баҳона қилиб, узр тилади.

— Бу шаҳарда ифрот китоб ўқимоқ орқасида жинни бўлганларни ҳам кўрганман,— деди норозиланиб Алоиддин,— ақлни кўпайтираман, деб ақлдан озмоқ каби фалокат борми? Юринг, ҳамроҳ бўлинг.

— Китоблар мени юпантирмоқда,— жавоб берди Султонмурод ғамгин,— бўлмаса, юртга келган фалокатларни кўриб, жинни бўлишим муқаррар эди.

— Қайғурмоққа ўрин йўқ, фалак ўзи кўҳна буқаламундир. Ҳозирги дамни ғанимат билинг, уни хурсандчи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лик билан ўтказмоққа ҳаракат қилинг. Тўғонбек, албатта, бизнинг кўнглимизни очғусидир. Бу кунлар унинг толе гули хандон урган...

— Қандай қилиб,— қизиқсинди Султонмурод.

— Хабарингиз йўқми? Тўғонбек Мирзо Ёдгор замонининг қаҳрамонларидан!— ғурур билан жавоб берди Алоиддин Машҳадий.

Султонмурод куннинг воқиаларини яхши ўрганмоқчи бўлди. Айниқса, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро тарафдори эканига шубҳа қилмаганидан, собиқ подшоҳнинг вазиятини билишга қизиқарди; У Тўғонбек билан суҳбатлашиб, маълумот олмоқни қасд қилди-да, Алоиддин Машҳадийни таажжублантириб, бирдан ўрнидан турди.

— Юринг, бир жавлон уриб қайтайлик!

Кўчалар қоронғу, аллақандай ҳувиллаган, қўрқули эди. Вақт эрта бўлишига қарамай, қатновчилар сийрак... Фақат, отлиқ навкарлар қора бўрондай ҳар лаҳза учиб ўтадилар, бурқиган чанг-тўзон димоғни ачитади, нафасни бўғади.

Алоиддин Машҳадий туртунгани учун Султонмурод жуда секин юрди. Уларни эшикда чол қул Нурбобо қаршилади. У Тўғонбекнинг кечадан буён келмаганини айтди. Алоиддин Машҳадий хўрсиниб, қоронғуда бир оз сукут қилди-да, Султонмуроднинг эътирозига қулоқ солмасдан меҳмонхонани очиб беришни қулга буюрди.

— Андак ором олайлик, шояд бек йигитнинг ўзи ҳам келиб қолур,— деди у Султонмуроднинг қўлидан тутиб.

Нурбобо меҳмонхонани очди-да, шам ёқиб чиқиб, уларни ичкари киргизди. Даричаларни очдилар. Димиққан хонага кечанинг салқини урди. Султонмурод келганига афсусланиб, қовоғини солиб олди. Алоиддин Машҳадий шеър ва шоирлар ҳақида гапирди. Навоийнинг она тилининг бойлиги, гўзаллиги тўғрисидаги фикрларини ўзича рад этмоққа тиришди. Султонмурод яна кўпроқ асабийланди. Эзма Алоиддиннинг тилини кесиш учун сўзламоққа мажбур бўлди. У ҳозирги замонда форсича ёзадиган шоирларнинг ўндан тўққизи қофиябозлар бўлиб, бир қисмигина қадим улуғ шоирларнинг ожиз тақлидчиси эканини жуда осон исбот қилди. Алоиддин Машҳадий ўз одатича бир неча аччиқ-тизиқ сўз айтиб, кўзларини юмди-да, жим бўлди. Нурбобо дастурхон ёзиб, мева-чева қўйгач, шоир бир оз очилди. Тин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

масдан писта ва бодом чақиб, «Бодғис»[1]нинг ҳавосини, табиатини узоқ мақтади. Дастурхон йиғиштирилиб Султонмурод кетмоққа қистаркан, дарвозада отларнинг дукури эшитилди. Алоиддин Машҳадий севиниб, Султонмуродни яна чўккалатди. Бир оздан кейин ҳаллослаб Тўғонбек кириб келди. Кўзлари маст ёнарди. Меҳмонларни кўриб севинди. Нурбобога айтиб, дарров таом ва шароб келтирди. Қадаҳларни лим тўлдириб узатди, ичишга қистади. Алоиддин Машҳадий биринчи қадаҳдан хушчақчақ бўлиб, гапни гапга қовуштирмай қўйди. Иккинчи қадаҳни ичиб, ёнини ковлади. Поянда Султонбегимга атаб ёзган узун қасидасини чиқариб, ўқиб берди-да,— «даврон нодираси» бўлган аёлга тақдим этмоқлиги учун Тўғонбекка топширди.

— Бу аёлнинг идрок ва фаросати тўғрисида не фикрдасиз?— деб сўради Султонмурод Тўғонбекдан.

— Ҳамма уни ақлнинг хазинаси дейди,— жавоб берди Тўғонбек айёрча кулиб,— ажойиб ҳусни бор. Лекин мен ҳали унда ақл нишонасини кўрмадим!

Алоиддин Машҳадий куюниб эътироз этди. Лекин Тўғонбек унга жавоб қайтаришни ҳам истамасдан, ўзга нарсалар ҳақида сўзлаб кетди. Султонмурод унинг хозир қандай мансаб ишғол қилганини ва Ҳусайн Бойқаронинг аҳволи ҳам кучлари қандай экани ҳақида гап орасида сўради. Тўғонбек ўз мансаби тўғрисида, «Ёш подшоҳнинг яқинлариданмен» деб жавоб берди. Ҳусайн Бойқаронинг аҳволи мушкуллигини, ҳар кун унинг йигитлари тўда-тўда қочиб келиб, Мирзо Ёдгорнинг хизматига кираётганини билдирди, охирда таъкидловчи товуш ва ҳаракат билан деди:

— Лекин Ҳусайн Бойқаронинг ёнида Алишер Навоий бор. Мирзо Ёдгор бу шоирдан кўпроқ қўрқиши керак.

— Бу қадар муболаға!— ранжиди Алоиддин Машҳадий.— У киши ғоят ювош одам. Сиз уни танимайсиз.

— Йўқ, Навоий катта куч: у сиёсатни тубли билади. Ақлга бой, ҳам эл-улус орасида обрўси баланд. Тўғри, мен таниш эмасмен. Балки, ундан қочиброқ юришга тўғри келади. Аммо одамни иши танитади. Бўзчининг ҳунари тўқиган бўзидан кўринади. Қасидангизнинг тузи бўлмаса ҳеч ким сизни шоир демайди.

---

[1] Ҳирот вилоятида бир мавзи. Бу ерда писта ва бодом оғочлари кўп бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод бошини қайта-қайта қимирлатиб, унинг фикрини тасдиқлади-да, деди: «Умид қилурмизки, Навоий тез кунда юртни таҳлика ва офатлардан қутқорур!» Тўғонбек ҳўмрайиб ерга қаради.

— Юрт учун ҳеч қандай таҳлика йўқ,— деди у салмоқланиб.— Мирзо Ёдгорнинг томирида ҳам Темур қони бор. У ўз ҳаққини даъво қилди!

Султонмурод у билан баҳслашмоқни ортиқча билдида,сукут қилди. Тўғонбек кўп ичди. Унга ияриб Алоиддин ҳам ҳар вақтдагидан кўра бир неча қадаҳни ортиғроқ кўтариб, ниҳоят, чўзилиб қотиб қолди. Султонмурод хушкайф эди. Алоиддинни қолдириб ўзи кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турди. Тўғонбек уни кузатиб эшикка чиқди. Катта, дарахтзор ҳовли ой нурида сокин ухларди.

— Нурбобо, шам келтир!— қичқирди Тўғонбек.

— Ҳожати йўқ,— деди Султонмурод.

— Шошилманг, ҳужрангизга борурсиз. Олдин ҳуснга сажда қилиб чиқинг!

Султонмурод ҳеч нарса тушунмади, елкасини қисиб, Тўғонбекнинг орқасидан юрди. Чол қул шам олиб келди. Тўғонбек дарахтлар орқасидаги қатор уйлардан бирини очди: «Марҳамат!»

Султонмурод ёпиқ дарича олдида чуқур изтироб билан бошини қуйи солиб, чўнқайиб ўтирган қизни кўрди: «Мукаммал ҳусн, мукаммал ҳусн» деди ичида Султонмурод, ҳам алланечук уялгансимон бир-икки қадам орқага ташланди. Тўғонбек токчадаги лаганга кўз ташлаб, қизнинг тепасига борди:

— Дилдорхон,— деди у бир оз эгилиб, мулойимлик билан,— нега овқатни емадинг? Бошқа келтирсинми?

— Овқат эмиш! Заҳар бер, заҳар!— қиз қаддини ростлаб, алам билан қичқираркан, кўзлари ёнди, тўлғун кўкраги ғазаб билан мавжланди.

Кўзларини қуйи солиб, қалтираган қўлларида шам тутиб, жим қотган чол ғамгин сўзлади:

— Оллога ёлвор, қизим, ёлғиз ундан нажот сўра!

Тўғонбек мағрур юриб, Султонмуродга яқин келди ва қулоғига шивирлади: «Сўлимми? Маъқулми?» Султонмурод индамади. Беихтиёр равишда қизга ачиниш ва дард билан қаради-да, ташқари чиқди. Бир пасдан сўнг Тўғонбек ҳам чиқиб, қўлини унинг елкасига қўйиб, илжайди.

— Ким бу?— сўради Султонмурод ўйчан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қишлоқдан кеча олиб қочган эдим,— жавоб берди Тўғонбек,— ғоят нозик ҳусни бор...

— Шундай ҳодисалар мамлакат учун офат эмасми?

— Дўстим, қўй бу гапларни! Қиз олиб қочиш жуда кўнгилли нарса бўлади. Ярим кеча. Ойдинда, супада сочларини тўзғитиб ширингина ухлаб ётибди, нарироқда кампир бувиси хуррак отмоқда... Икки йигит билан оёқ учида тепасига келдим. Аввал пешонасидан енгилгина бир ўпдим. Кейин оғзини боғлаб, кўтариб, югурдик. Боғдан гул узиб қочгандек, девордан осон сакрадик. Отга ўмариб, жиловларни қўйиб юбордик. Жуда кўнгилли иш. Ҳа, тонгга яқин Ҳирот ёқасида бир танишнинг боғига қўндик, ҳали бу ерга олиб келдик. Бундай ишларнинг бошқача кайфи бўлади...

— Нима мақсад билан? Бу бечоранинг ҳоли нима бўлади? Ота-она учун бундан ортиқ, бундан даҳшатли қайғу бўлиши мумкинми?— титраб гапирди Султонмурод.

— Ишқ уйинида кўнгил бўлиши керак. Буни яхши биламен,— сокин, жиддий гапирди Тўғонбек.— Хоҳламаса, қўлини ҳам ушламаймен! Хўжамизникида юраверади. Лекин, аслида саройларни безайдиган қиз.

— Йўқ, бечорани ўз оиласига юборингиз. Энг инсоний иш бу. Инсон тез ўсувчи орзу-ҳавасларга ўйинчоқ бўлмаслиги керак, Тўғонбек!

— Хўп, ўйлаб кўрамиз. Хайр энди...— Тўғонбек узоқлашди.

Султонмурод қулфланган эшикка тикилиб, бир муддат ҳушсиздай қотди. Кейин ғамгин, мажолсизланган ҳолда аста юриб кетди. Шаҳар жим ухлайди. Узоқда, ойдин ва сокин кечада Ҳиротнинг етти тоқли жомеи яна ҳам муаззам, «Ихтиёриддин» қалъаси яна ҳам баҳайбат туюлар эди. Султонмурод Тўғонбекка нафрат, оламдаги бутун жабркорларга ғазаб билан тўлиб, шуурсиз ҳолда юрди. Ҳужрада шам ёқмасдан, нари-бери ўрин солиб чўзилди. Уйқуси қочди. Ўнгга, сўлга оғнади: фикри, хаёли Дилдорга учарди. Сийнасида ширин бир оғриқ сезди. Лаблари қимирлаб, бир неча марта шу байтни такрорлади:

Чашма гар инасту абрў ину нозу ишва ин,
Алвидо; эй ақлу дониш, алвидо эй илму дин[1].

[1] Агар кўз ва қош шундай бўлса, нозу ишва шундай бўлса, у вақт ақл-хуш билан, илм ва дин билан хайрлашмоқ керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЕТТИНЧИ БОБ

«Маймана»нинг «Чаҳор боғи»да Ҳусайн Бойқаро дилгир яшайди. Шоҳона зиёфатлар, дабдабали, суронли базмлар қаёқда? Боғнинг бир четида нақшлари эскирган каттагина чорхари уйда кўпинча ёлғиз ўтиради, ғазаллар ҳам ёзмайди. Бутун бошли салтанатдан айрилган ҳукмдор аллақандай гўзалнинг қалам қошлари, оҳу кўзлари ҳақида оҳ чекадими! Тожу тахт дағдағаси унинг қонига она сути билан кирган. Унинг кучини, дардини бу кунларда Ҳусайн Бойқаро ҳамма вақтдагидан кўра чуқурроқ, ўткирроқ сезади.

Саргардон подшоҳнинг орқасидан судрала-судрала интизоми бузилган ва кураш тушиб, бир-бирлари билан ёқалашиб эрмак қидирган йигитлар ва навкарларнинг шовқинлари узоқдан, боғнинг нариги бурчагидан эшитилар эди. Ҳусайн Бойқаро ичидан хўрсиниб, кимнидир сабрсизлик билан кутар эди. Эшик оғоси кирди.

— Келдилар. Киришларига ижозат берурсизми?— сўради у букилиб.

Ҳусайн Бойқаро бошини қимирлатиб, тасдиқлади. Навоий кириб, одатдаги таъзимни бажо қилгач, подшоҳ шошиб-пишиб ўрин кўрсатди-да, сўзлай бошлади:

— Хотирга бир фикр келган эди. Энг аввал бу хилватда сизнинг раъйингизни кўнгил орзу қилди. Биламенки, бу дардисар воқеалар сизни кўпроқ ташвишга солмоқдадир.

— Илтифотингиздан кўп мамнунмен. Ҳазратларидан хушхабар эшиткали келдим,— деди Навоий.

Ҳусайн Бойқаро, бу ерда ўзга киши бўлмаса ҳам, овозини пасайтириб, ўзининг воқианавислари орқали деярли ҳар кун олиб турган маълумотларини сўзлади. Мирзо Ёдгорнинг шавкати мустаҳкам эмаслигини тасвирлади. Ҳиротдаги вазият тўғрисида Навоий ҳам ўз эшитганларини гапириб, сўради:

— Не қарорга келдингиз?

— Асли мушкилот шу қарорда... Бу хусусни яхши мулоҳаза қилмоқ даркор.— Бойқаро бир зум тўхтаб, давом этди:— Агар биз бу мавжуд лашкаримиз билан Дорилхалофат устига юрсак ва ҳеч кутилмаган онда барқ суръати билан Ёдгорбекни боссак. Сизningча мақсудга еткаймизми?



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир жавоб беришга ошиқмади. Кўзларини маънодор сузди, ингичка ҳисларини ифодалаган бир табассум бирдан унинг юзига ёйилди. Сўнг, ғоят жиддий оҳанг билан деди:

— Бу андишани менга айтмасангиз яхшироқ бўлур эди!

Ҳусайн Бойқаро, «фикрим маъқул тушмади шекилли» деб ўйлади-да, шоша-пиша сўради:

— Нечун? Ажабо...

Навоий кулгидан ўзини тия олмади:

— Йўқ, бу фикрни сир тутмоқ керак, сир...

Ҳусайн Бойқаро ҳам илжайди, лекин бошини чайқаб, эътироз йўсунли гапирди:

— Арбоби жанг билан кенгашмасликка чорамиз йўқ-ку.

— Албатта. Улардан бемашварат иш қилинмагай,— деди Навоий,— аммо бир хавфдан сақланмоқ зарур: сипоҳларингиз орасидан қочиб борғучилар бу ҳаракатдан душманга хабар берурлар. Мирзо Ёдгор ҳам унинг умароси, беклари ғафлат уйқусидан кўз очурлар. Бу йўлда ғайрат ва ҳимматингиз асло озлимасун. Аммо, барча тадбирни пинҳон тутмоқ маъқул. Ҳиротда Мироҳўр яшайди. У бизга бу иш учун муқаррар бир кунни тайин қилсин. Кейин, ўз фурсатида арбоби жангни бу сирдан воқиф қилурсиз.

— Мулоҳазангизга заррача гумонимиз йўқдир. Маълум бўлдиким, сиз жаноб бу хусусда биз билан ҳамфикрсиз?— Навоийга тикилди Ҳусайн Бойқаро.

— Зафарингиз учун камина қўлдан келгани қадар жаҳду жадал кўрсатгусидир. Тангрим юртга, улусга осойишталик ва фароғат бахш эткай!— деди Навоий.

— Омин!— соқолини силади Ҳусайн Бойқаро.

Бу режани амалга ошириш учун бир неча вақт яширин тайёрликлар кўрилди. Сўнг, кутилмаган пайтда, «Майманa»дан «Мурғоб» дарёси томонига отланилди. «Тоғкун» деган мавзуда Ҳусайн Бойқаро эски station шоншавкатини эслатадиган катта мажлис тузди. Бекларига навозишлар[1] кўрсатиб, сўнгра ўз ниятини ўртага ташлади. Айрим кишилар қатъий бир фикр баён қилишга ботинмай, сукут қилсалар ҳам, лекин навкарлар орасида сўзи ўткир, ишбилармонд баъзи беклар мамнуният

[1] Нозик муомала, гўзал илтифот.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан музокара қилдилар. Зиёфатдан кейин Ҳусайн Бойқаро ўз йигитларининг бошида кўрилмаган бир суръат билан йўлга тушди. «Пилпоён» деган мавзуда унга Муҳаммад Арлот, Амир Сарбон ва бошқа бир неча эътиборли кишилар қўшилди. Бойқаро Мурғоб суви бўйлаб, ўзининг саккиз юз эллик сувориси билан кечалаб ҳам юриб кетди. У замоннинг машҳур тарихчисининг муболағакор тасвирига кўра, у отлиқларнинг ҳар бири «Хорошикоф найзаси учи бўлган ойнинг юзидаги пардани кўтарур эди!». Тонгга яқин манзилга қўнилиб; озгина истироҳатдан сўнг яна отланиб, «Бобохоки» йўли билан ҳаракат қилинди.

Бобохоки деган машҳур дарвеш шу атрофда бир тоғнинг ғори ичида яшар эди. У ёшлигидан бошлаб дунёдан «этак силкиб» одамлардан узоқда, ўзининг ваҳший тош масканида ибодат билан машғул эди. Ҳусайн Бойқаро унинг «авлиё»лигига ишонганидан бундай оғир кунларда ундан дуо олишни лозим билди. Фақат, Бобохоки, ўз одати бўйича, қабул қилмаслиги мумкин, деган шубҳа билан келар эди. Аммо бу шубҳа тамом ўринсиз бўлиб чиқди. Подшоҳнинг дарагини эшитиб, умуман одамлардан қочган бу дарвеш, ўз хоҳиши билан катта йўлда подшоҳни қаршилади.

Ҳусайн Бойқаро отдан тушиб, таъзим қилди ва яқин келиб унинг этсиз, ингичка қўлини ўпди. Дарвеш ўз масканига таклиф қилди. Ҳусайн Бойқаро ҳар бир дақиқани ўзига ғанимат билса ҳам, лекин дарвешнинг раъйини қайтаришга ботинмай, мамнуният билан таклифни қабул этди. Чамаси саксон ёшларга етган, чиллакдай ориқ, ингичка ва елкаси туртиб чиққан Бобохоки ҳали жуда тетик эди. У атрофга чўкиб ётган чўнг, қўпол, қиррали катта тошлар орасида, худди эчкидай, соқолини селкиллатиб, ажойиб бир чаққонлик билан баланд ғорга йўл бошлади.

Ғорнинг устидан нақ босиб тушаётгандай ваҳимали қоялар осилиб турар эди. Ғор ичи уч-тўрт бўйра саҳнга эга; ғадир-будир тош деворлар исдан қоп-қора эди. Ерда похол устига солинган эски бир шолча, бузоқ терисидан тақир пўстак, бир чеккада пахтаси оққан кўрпа тахлоғлик туради.

Бу ер жуда баҳаво. Ғириллаб эсган салқин шамол ғор ичига кириб, соқолларни ҳилпиллатиб ўтади, катта қоя орасидан ингичка кумуш уқа каби отилган сувни



www.ziyouz.com kutubxonasi

майда дурлар сингари сочиб тўзғитади. Тошлиқлар, қуриб ётган сойлар, паст-баланд тўлқинланиб чўзилган тепалар, адрлар, майин зангори парда ичида хира милтиллаган узоқликлар кўзларни беихтиёр тортар, аллақандай мубҳам ва уйқудек ширин элитувчи ҳислар, кечинмаларни уйғотар эди.

Подшоҳ дарвешнинг кўнглини олишга тиришди. Унинг тақир пўстагига ихлос билан ўтирди. Бутун борлиғи тожу тахт ғавғоси билан кемирилган, дунёнинг сонсиз лаззатлари, нематларининг дарёсини бутун умр қамрашга интилган Ҳусайн Бойқаро шу топда ўзини дарвешликка солди. Узлатда[1] кечирилган фақир ҳаётнинг поклиги, дунё қайғу машаққатининг шайтоний бир манбадан туғилганлиги, бу ғорнинг шоирона гўзаллиги ҳақида гапирди. Чол дарвеш подшоҳнинг унга чиндан ихлос қўйганлигини сезди. «Улуғ зот»[2]нинг юксаклиги тўғрисида ўзининг бепарво ҳаракати ва кимга айтгани маълум бўлмаган сўзлари билан таъкидлашга тиришди. Сўнгра бир парча кир бўзни подшоҳ олдига ёзиб, битта қаттиғроқ нонни ушатди. Сирти олапес қовоқ идишдан бир сопол товоққа қуюқ қатиқни лим-лим қуйиб, узатди. Подшоҳнинг орқасидан чиққан ва ғор ичига кирмасдан четроқда, тошга суяниб турган иккита хос мулозимга ҳам бир сопол пиёлада галма-гал қатиқ тутди. Ҳусайн Бойқаро товоқни кўтариб, қатиқни чинакам иштаҳа, тўғриси, самимий ният билан «хўр-хўр» ичар экан, дарвеш ғор оғзига чўққайиб, жоврай бошлади:

— Бу маскаННинг ичи мен гуноҳкор банданинг кўнгли янглиғ қора бўлса ҳам, уни шаҳаншоҳларнинг олтин қасрларидан афзал кўрамен. Бу ерда қушлар билан ҳамроҳмен, тошлар билан дардкашмен. Ё олло! Жамолинг туғёни бўлган баҳор селлари сенинг шафқат дарёйингга мени судрамади. Қишнинг бўронлари вужудимдаги занг босган занжирларни узиб, мени сенинг аслингга қайтармади... Ёҳу!

Ҳусайн Бойқаро қатиқни ичиб бўлиб, соқол, мийиқларини артди. Дарвеш сўздан тўхтагач, таъзим билан кетишга ижозат сўради, ҳам ўз ҳақида дуо қилишни ўтинди. Чол ўрнидан туриб, қўлларини ёйиб, қиблага юз ўгирди. Подшоҳ ҳам ўрнидан сапчиб турди-да,

---

[1] Одамлардан узоқда.
[2] Худо.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дарвешнинг орқасидан қўл қовуштириб, бошини қуйи солди.

Дуодан сўнг дарвеш подшоҳга андак тўхталишга ишорат қилди, ғорнинг бир бурчагига қаланган шохшабба орқасидан эски, учи занглаган бир найзани олиб, ғордан ташқари чиқди ва уни найзабоз жангчилардай тутиб кўзларида ғазаб ёнган ҳолда, Ҳирот томонга ўқталди, душманни санчкандай, уч марта ҳавони санчди-да, Ҳусайн Бойқаро қўлига тутқизди. Подшоҳ жуда мутаассир бўлди. Кўзларига қуйилиб келган ёшни базўр тўхтатиб, чолнинг ингичка, суяк қўлларини кўзларига суртди.

Ҳусайн Бойқаро мулозимлари билан отини қаттиқ ҳайдаб, лашкарга етди. Баъзи бекларга ўз таассуротини қувонч билан сўзлади. Дарвешнинг найзасини дунёда энг муқаддас нарса каби, қўлида маҳкам тутгани ҳолда, Ҳиротга йўл солди. Қўнимсиз юриш билан ярим кечада Ҳиротга яқин «Жуздуқ чашмаси»га етиб, шунда тўхтади. Бир парча кемтикли ой жимжит мудраган хароба қишлоқ уйларининг қашшоқлигини кўрсатмоқчидай, хирагина нурланади. Гоҳо узоқларда итларнинг увуллаши эшитилади.

Кун қорайгандан бери подшоҳнинг кўнгли ғаш эди. Ҳозир эса, ўз тожининг душман қўлига ўтган энг йирик дури — Ҳирот қаршисида, энг масъул пайтда, унда шубҳа ва тараддуд кучайди: «Нима бўлади? Душман ғафлатда бўлмай, сурон кўтариб қаршиласа, яна шарманда бўлиб қоладими?!» Шунинг сингари қўрқинч, эзувчи фикрлар бир зум бўлсин, бошидан учиб йўқолмади. У ҳаяжонланди. Сипоҳилар бу ерда совутларини кийиб, жангга тайёр бўла бошладилар.

Навоий отда подшоҳга яқин келди. У жуда эҳтиёт билан ҳаракат қилиш, олдиндан баъзи тадбирлар кўриш, масалан, «тил тутмоқ»[1] учун кишилар юбориш кераклигини уқдирди. У чарчаган кўринарди. Лекин овози ишончли жарангларди. Ҳусайн Бойқаро шу онда Ширим қоровулни чақирди. Ширим — зийрак қоровул эди. Чаққонлик ва ҳийлада ўзини «Меҳтарбод Ялдо»[2] дан асло тубан ҳисобламас эди. У ёнига икки-уч чапдаст йигитларни олиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Сипо-

[1] Душманнинг вазияти ҳақида маълумот олмоқ учун душман одамларини қўлга туширмоқ.

[2] Эски «Жангнома»ларнинг қаҳрамонларидан. Афсонавий жосус.



www.ziyouz.com kutubxonasi

хилар жангга тайёрланиб, юришга амр кутар эдилар. Гўё вақт тез ўтиб, тонг отиб қоладигандай туюларди. Отлар чарчоқ, одамлар безовта эди. Ширим қоровул чала маст бир кишини олдига солиб келди. Бу — Мирзо Ёдгорнинг одамларидан бўлиб чиқди. Беклар саросимада ўзини йўқотаёзган бу одамдан баъзи муҳим маълумот олишга тиришишди. Ширим қоровул: «Ҳиротда ғафлатдан ўзга бир хабар ола билмадим» дегач, Ҳусайн Бойқаро юз кишини ажратиб, Музаффар барлос, Иброҳим барлос, дарвеш Арлотларнинг қўл остида «Боғ зоғон»нинг катта дарвозасини очишга юборди. Яна «тил тутмоқ» учун кишилар белгилади. Ҳирот томонидан ҳеч қандай шовқин кўтарилмаганига ишонгач, ўзи қолган навкарлар билан ҳаракат этди. «Хиёбон» кўчасини босиб, «Имом Фахрий» мозорига етганда, Султон Хўжа Ўзбекни, унинг ўзига қарашли жамоа йигитлари билан «Боғ зоғон» нинг «Гавҳаршодбегим» мадрасасига ёпишган дарвозасини ўрашга юборди. Бошқа дарвозаларга ҳам даста-даста навкарларни тайинлади. Унинг ёнида саксонга яқин киши қолди. У Музаффар барлос иш кўраётган дарвозага қараб юрди. Йўлда унинг душман ичидаги содиқ кишиси Мирохўр учраб, дарвоза бузулиб, ичкари кириш мумкинлигини билдиргач, Ҳусайн Бойқаро енгилланиб, илдам от сурди, тўппа-тўғри «Боғ зоғон»га кирди. Ним қоронғуликда дарахтлар, хиёбонлар орасида Ҳусайн Бойқаро йигитлари товуш чиқармасдан, душман кучларини оқтаришди. Ҳеч бир томонда Мирзо Ёдгор сипоҳилари, навкарларининг изи кўринмас эди. Бу ердан Ҳусайн Бойқаро «Боғи шумолга», Мирзо Ёдгорнинг «хобгоҳи»[1] бўлган боққа ўтди. Бу ерда тўсатдан уйғонган айрим навкарлар кутилмаган босқиндан эс-ҳушларини йўқотиб, қаршилик кўрсатиш, ўзларини мудофаа этиш эмас, иш қўлдан кетганига тан бериб, «чурқ» этиб овоз ҳам чиқармадилар.

Йигитлар соддадил шаҳзодани қидирар эдилар. Мана қўрғондай баланд муаззам қаср. Унинг ёнида хиргоҳ[2]. Хиргоҳ бўм-бўш... Ҳусайн Бойқаро баланд тепаликни узоқдан ўради. Бунинг орқасидаги кўшкда Мирзо Ёдгор бўлишини чамалар эди. Фақат, у кўшкка кириш учун тепаликни ошиб ўтиш керак эди. Ҳамма шундай

---

[1] Ётоқ уй.
[2] Чодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиш кераклигини англайди. Эҳтимол, кутилмаган вақтда ёқаланган душман тепа панасида сўнгги қатъий жангга тайёрланиб, катта куч билан писиб ётгандир! Ним қоронғуликда қасрнинг, ҳўмрайган тепанинг машъум жимжитлиги юракни титратарди...

Ҳусайн Бойқаро сабрсизланиб, бошдан оёқ совут кийган баъзи сипоҳиларга тепага кўтарилиб, кўшкни босишга фармон берди. Лекин уларда на ҳаракат, на садо! Кейин улар гўё фармонни тушунмагандек, бирбирларига қарашиб, имирсиландилар. Шу онда шоир отдан аскардай кескин, чаққон ҳаракат билан тушди-да, жиловни ўз навкари Бобоалига тутқазди. Подшоҳга яқин келиб дадил сўзлади. «Бизга ижозат берингиз!» Ҳеч бир бек, ҳеч бир навкар Навоийдан буни кутмаган эди. Кўплар уятдан бошларини эгиб, бўшашиб, титрай бошладилар. Лекин энди вақт ўтган, ҳар ким қанча орзуманд бўлмасин, шу топда ўз мардоналигини кўрсатишдан ожиз эди...

Ҳусайн Бойқаро бир дақиқа тараддуддан сўнг, атрофдаги йигитларга ўқрайган кўзларини юритди-да, шоирга ижозат берди. Навоий қиличини қинидан суғурди (қиличнинг биринчи ва сўнгги марта суғурилиши эди!) дадиллик билан одим отиб кетди. Лекин, у тепага кўплар мўлжаллаган йўлдан эмас, бошқа йўлдан чиқа бошлади. Шу вақтда кимдир бир даста шамни ёқиб баланд кўтарди. Ҳамманинг кўзи қиличини ҳасса каби ерга қадаб, тепага кўтарилаётган шоирда эди. Унинг кўланкаси кўздан ғойиб бўлар-бўлмас, навкари Бобоали орқадан қилич яланғочлаб югурди. Дам ўтмай ўнлаб йигитлар, қўрғонга ҳужум қилгандай, шижоат ва илдамлик билан шоир чиққан йўлдан тепага отилишди.

Навоий қилични ҳасса каби тутиб, ётиқ тепадан илдам пастга тушди. Тўппа-тўғри кўшкка қараб югурди. Шу онда кўшк орқасидан бир неча қуролли навкар шошқин ва саросима ҳолда югуриб чиқди, олдиндагиси қаҳр билан қичқирди: «Ким? Ҳозир бўл!» ва бир неча одам нарида ҳамла учун қилич кўтарди. Навоий қилични кўтармасдан, лекин зарбага тайёр ҳолда совуққонлик билан тўхтади-да, буюрувчи кескин тусда сўзлади: «Қиличларни қинга жойлангиз, шу лаҳзада таслим бўлингиз!» Иккинчи навкар яқин келиб, бўйнини чўзиб тикилди: «Сиз кимсиз? Нега таслим бўламиз?»— сў-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ради у. Шоир зарда билан: «Мен — Алишер Навоий!» дейиши билан навкарларнинг нафаслари ичларига тушиб қолди. Навоий кескин равишда уларга орқа ўгириб, кўшкка отилди. Даҳлизда, қоронғуда йўл оқтариб, катта хонанинг эшигига етканда орқадан Бобоали ҳаяжон билан етиб келди. Эшикни аста очиб, олдин-кетин ичкари киришди. Даричалар очиқ, катта хона ўртасида юмшоқ гиламлар, бахмал-кимхоб кўрпачаларда тўрт киши турли томонга қараб, турли вазиятда данг қотиб ётарди. Буларнинг ичида, нақ дарича остида оппоқ ёстуққа паришон сочларини тўзғитиб ёш аёл жимгина ухларди. Навоий энгашиб, ётганларга қаради-да, паст товуш билан буюрди: «Тутинг буни!» Бобоалининг оёқлари остида қадаҳлар, кўзачалар синди, у шаҳзоданинг қўлларидан силтаб тортиб турғизаркан, бошларини бир-бирларига тегизиб, қарши ёққа оёқ узатиб ётган икки сипоҳи бирдан чўчиб ўринларидан туришди ва уй ичи ҳаяжонли, саросимали шовқинга тўлди. Ёш аёл «вой!» деб сакраб, ўзини даричадан пастга отди. Бобоалининг темир панжасида Мирзо Ёдгор гаранг эди, ҳансираб, тутуриқсиз нималардир сўзларди. Уйни, даҳлизни йигитлар тўлдирди. Навоий Мирзо Ёдгорга заҳарханда қилди ва асирни олиб чиқишга буюрди-да, орқадан деди:

Шоҳ масту жаҳон харобу душман пасу пеш[1]

Навоий бошлиқ Бобоали ва бир даста йигитлар Мирзо Ёдгорни судрашиб, тепадан тушишди-да, Ҳусайн Бойқаронинг оти оёғи остига ташладилар. Шоҳона кийимлари билан тунги базмда учиб қолган шаҳзода атрофга ҳушсиз, ожиз кўз жовдиратди. Кейин бошига етган балони англаб, калаваланиб ўрнидан турди, қўлларини кўксига қўйиб, қалтираб, ўз душманига тикилди. Унинг кўзларида маъносиз бир қўрқув, ожиз бир ёлвориш ифодаланар эди. Ҳусайн Бойқаро отда туриб, асирига бир неча аччиғ, тиканли сўзлар отди-да, қўли билан навкарларга «олиб жўнанглар» деган ишорат қилди.

Ҳирот қалъалардан, арклардан янграган карнай, ноғора садолари билан уйғонди. Мирзо Ёдгорнинг боши

---

[1] Подшоҳ маст бўлса, дунё хароб бўлади, орқа-ўнгни душман қоплайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кесилди. Унинг тарафдорлари жонларини ҳовучлаб, ин-инига кирди...

## САККИЗИНЧИ БОБ

Бир ҳафтадан буён кўчага мўралашга юраги дов бермаган ва подшоҳ билан сафардан қайтган хўжасига кўриниб, хатосини иқрор қилишга ғурури йўл қўймаган, юзи шивит Туғонбек ўзининг ясоғлиқ хонасида дилгир бўлиб ўтирар эди. Мирзо Ёдгорнинг ярқираган кунини бирдан булут босишини хаёлга келтирган бўлса эди! «Ўсма-сурмали беақл сатанг!» деб у Поянда Султонбегимни сўкади, воқеаларга кўз-қулоқ бўлмаган туркман бекларини лаънатлайди. Бир кечада туркман сардорларининг бошларини кесдириб, Мирзо Ёдгорга дўқ қилиб, ўзини бош вазир этмоқ тўғрисидаги режани илдам амалга оширолмагани учун хуноб бўлади. Тўполон куни, илиқ-иссиғида Тўқли мерган билан Ҳиротдан қочмагани учун қайғуради. Узоқ ўлкаларга бош олиб кетиш устида турли режалар қурса ҳам, лекин Ҳиротдаги ҳаётдан кўнглини узолмаганидан, ҳамма режаларда бирон нуқсон ёки мушкилот топишга тиришади.

Туғонбек димиққандек оғир нафас олиб, даричанинг икки табақасини ҳам кескин итариб юборди. Хона ичига қуёшнинг илиқ, ёрқин ипаги жимгина оқди. Туғонбек дарича орқали ташқарига «чирт» этиб тупурди-да, сояга разм солиб, Дилдордан хабар олиш учун қўзғолди. Фақат шу онда эшик қия очилди. Нурбобонинг оппоқ соқоли мулойим, ҳар вақтдагидай маъюс юзи кўринди. Туғонбек боши билан «нима?» деб ишорат қилди. Чол юмшоқ товуш билан хўжанинг чақираётганини сўзлаб, ғойиб бўлди. Туғонбек бир муддат ҳўмрайиб ўйлаб қолди. Кейин шуурсиз равишда лапанглаб юриб кетди.

Мажддиддин меҳмонхонасида қабул қилди. Туғонбек эҳтиром билан хўжасининг қўлини сиқиб ўтирган ҳамон, Мажддиддин унинг номаъқул ҳаракатларини юзига сола бошлади. Туғонбек кўзларини бир нуқтага қаттиқ тикиб, ҳурпайиб тинглади. Хўжаси узукли бармоқларини шиқирлатиб, жим бўлгач, Туғонбек салмоқланиб деди:

— Тилга олғулиқ бир нима қилганимиз ҳам йўқ эди. Ҳиротда халқ муболиғага чечан экан-да!



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўш, Алишер қўлидан қалай қутилдингиз? Авом сиздан шикоят қилибди. Баъзи зотлар бу тўғри-да менга хабар етказдилар.

— Мен жанобингизнинг хизматларини чин кўнгил билан бажаришга ғайрат кўрсатдим. Одатим шу — ишнинг чаласини ёмон кўраман. Маблағни сўзсиз берганларга, ўғоним гувоҳ, тилимни қимирлатмадим. Аммо тихирлик кўрсатувчиларни, сўз кор қилмаса, қамчи билан сўкдим. Ўзингизга маълумки, халқ билан бўладиган ишда бусиз мумкин эмас. Аммо, жанобларининг хотирлари жам бўлсинки, сизнинг номингизга доғ туширганим йўқ. Мен Абдулзиёнинг одами бўлиб иш қилдим!» Навоий деганингиз оломон не деса, шуни қулоққа илиб, бу ерда катта машмаша кўтарди. Вой-буй, шоир деган ҳам бундайин ғайратли забардаст бўлар экан! Мен таажжуб қиламен у одамга! Лекин бундай ишларда мен ҳам бўш келмаймен. Эски пўстинимга ўралиб, кеча-кундуз шаробхонада ётавердим. Тўғонбекни топсинларчи!

Шоирга берилган баҳо такаббур Маждиддинга ёқиб тушмади. У юзини сал тескари буриб, нохуш товуш билан деди:

— Навоий халқ олдида ўз обру-эътиборини баланд пояга чиқармоқ ниятида бўлган. Бу бир сиёсатки, унинг асли мазмуни бизга белгилидир.

— Халқпарварликнинг тагида бошқа маъно бор, демоқчисиз-да. Ҳар ҳолда бежиз эмас,— деди Тўғонбек ўз хўжасига айёрча боқиб.

— Тўғонбек, улуғликка интилсангиз ҳар қадамни эҳтиёт билан босинг,— ўйланиб оҳиста деди Маждиддин.— Сиздек баҳодир йигитдан айрилмоқ кўнгилни доғда қолдиради. Этагимни маҳкам ушласангиз, сизни «пулсирот»[1]дан ҳам эсон ўтказишга қодирмен. Лекин воқеалар эскигунча, кўп эмас, бир-икки ой вилоятларда юрурсиз. Суҳбатларда тилингизга эҳтиёт бўлсангиз бас.

Тўғонбек енгилланиб ташаккур билдирди. Лекин бу илтифот уни қаноатлантирмаган эди. Чунки у фақат Навоий «зухмидан» нажотга ваъда берди. Сўнгра, бу воқиа кейинги тўполонлар манзарасида анча эскиди. Аммо бундай гуноҳлар учун жарима тўлаб қутулиш

---

[1] Диндорларнинг эътиқодича, қиёмат бўлганда дўзах устига қуриладиган қил кўприк.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мумкин эди. Лекин, Мирзо Ёдгор фитнасида иштироки — бошқа нарса-да. Тўғонбек бир неча кунгина ярқирагани учун бошдан айрилсин, ёки йиллаб, кўрсичқондек, зиндоннинг чиркин кавакларида чирисин! Бу айбни Маждиддинга очишга ботинмади. «Бу одам Ҳусайн Бойқаронинг содиқ бандаси,— ўйлади, ичида у,— ўз садоқатини билдирмоқ ниятида қўлимдан тутиб, жаллодга топшириши ҳам мумкин, ёки катта марҳамат қилса, бир зум ўтмай мени кўчага улоқтиради: уста бўлсанг, офат дарёсида сузиб, соҳилга саломат етарсен, бўлмаса, қаърига ботарсен...»

Тўғонбек шу дақиқада бир от, бир қамчи қилиб, Ироққами, Озарбайжонгами, ё Узоқ Дашти-Қипчоққами, Хитойгами жўнаб қолишни яна хотирдан кечирди. Қулоғига чатилган бўлса, балки ўзи сўз очар, деган умид билан сукут қилди. Аммо Маждиддин закотлар ҳақида суриштириб кетди. Тўғонбек қанча маблағ тушганлиги, қайси томонларда қанча маблағ қолганлиги ва ундирилган тангаларни, унинг буйруғига мувофиқ, Абдулзиёга топширганлигини, шошмасдан уқдириб гапирди. Маждиддин кафтларини ишқалаб: «Офарин! Сиздай етти йигитим бўлса, етти иқлимни забт эта олурдим. Иншоолло, келгусида сиз билан баҳамжаҳат яхши ишлар қилурмиз» дегач, Тўғонбекнинг кўзлари чарақлаб кетди:

— Тақсир,— деди у кўзларини айёрча қисиб,— бу беадаб қулингиздан бир айб содир бўлдики, айтмоққа тил ҳам бормайди...

— Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ. Не экан?

— Одамларнинг оғзида,— деди паст овоз билан,— шундай хабарлар тарқалдики, гўё Султон Ҳусайн барча лашкарларидан маҳрум бўлиб, қўлга тушмаслик учун бир даста йигит билан Ҳиндистон тарафга қочибди, бутун умароси, беклари Мирзо Ёдгорга садоқат билдирибди... Мен соддадил бундай гуфт-гўларга ишониб, Мирзо Ёдгор хизматига кирдим. Беш-ўн кун от чопиб, ҳайё-ҳуй қилдик. Оқибати чатоқроқ бўлиб чиқди-да — Тўғонбек ер остидан Маждиддинга кўз қирини ташлади. Унинг кўзларида ғазаб эмас, чуқур ташвиш сездк.

— Йигит, бундан ортиқ шармандалик бўлурми!— деди тўнглик билан титраб Маждиддин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тақсир, инонинг, ўғоним гувоҳ, бир лаҳза бўлсин сизни унутмадим. Баъзи мулоҳозаларим бор эди, толе ёр бўлмади, не қилай!

Маждиддин бу сўзнинг маъносини тез пайқади. Лекин қовоғини солиб, жаҳл билан гапирди:

— Бу не демак! Бутун олам биладики, мен ҳоқоннинг содиқ бир ити! У жаноб олийга ва унинг улуғ хонадонига ўлгунимча хизмат қилмоқни орзу қиламен. Сиз бу сўзни иккинчи дафъа зинҳор-базинҳор оғзингиздан чиқарманг!

Тўғонбекнинг умиди кесилди. У букун ё эрта қусқи пўстинни кийиб узоқларга қочишдан бошқа илож қолмади, деб ўйлади. Бироз сукут қилиб, мўйлабини юлиб ўтирди. Кейин ўрнидан қўзғаларкан, Маждиддиннинг дилини қатъий билиш учун, ўз-ўзига дегандай, пўнғирлаб қўйди: «Хуросондан нон-насибамиз узилибди-да!»

— Ўтиринг, қочмоқчисизми?— киноялн кулги билан тикилди Маждиддин. Тўғонбек яна оғир чўкди.

— Отимнинг туёғига ўғоним қувват берса, қўнимлик тинч жой топармен.

— Бундай бесаранжомликка балки ўрин йўқдир,— деди Маждиддин,— шаҳарда Мирзо Ёдгорни қўллабқўлтиқлаган улуғ зотлар бор. У билан ҳамбазм, ҳамтабақ бўлганлар бор... Мен сизга дедим-ку, ҳозирча эл кўзидан четроқда юринг. Ҳар ерда подшоҳга садоқатингизни муболаға билан билдиринг. Кейинроқ сизни бир мансабга тайин қилурмиз. Вазифангизни ихлос билан бажарурсиз. Яна нима керак!

Тўғонбек қуллиқ қилди. Сўнг ўрнидан туриб: «Сизга кичкина совғам бор эди» деркан, Маждиддин унинг қўйнига тикилиб деди: «Қани, чиқаринг. Ҳа, хабарингиз борми, Ёдгор Мирзо вақтида «Боғ зоғон»дан кўп нодир буюмларни талаб кетибдилар...»

Тўғонбек илжайиб: «Совғам ўзи юриб келади!» деди-да, ташқари чиқди. Отхона олдидаги ҳужра эшигида тўхтади.

— Ҳа, қайда сен, чўлоқ қарға? Калидни бер!— қичқирди у Нурбобога.

Нурбобо отхонадан чиқиб, Тўғонбекка шубҳали назар ташлаб, белбоғи орасидан калидни олиб берди.— Тўғонбек шошиб эшикни очди. Бурчакда Дилдорнинг кўзлари ғазаб билан чақнади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сулув қиз, тур энди, ярашамиз,— кулиб мулойим гапирди Туғонбек.

— Қоч, келма ёнимга, балога йўлуққур!— қичқирди қиз ўрнидан сакраб туриб.

— Аччиғланма, жоним!— ялинди Тўғонбек.— Мен сенга қўлимни тақизмадим. Ҳар бир ширин сўзимга минглаб қарғиш эшитдим. Мени кўрсанг, уккидай сапчийсан, писта-бодом бериб киргизсам, қўйнинг қумолоғидай отиб ташлайсен. Юр, энди бу зиндондан қутқарайин сени...

Тўғонбек қизнинг қўлига човт солди, судради. Туртиб эшикка чиқараркан, Нурбобонинг раҳми келиб, ёрдам кўрсатишга иложсиз, дард билан бўғилиб, қичқирди:

— Қизнинг қўлини синдирасан, бас...— Инсоф биланда.— Кейин қизнинг елкасига қоқиб, деди:— Қўрқма, қизим, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

— Отажон, айтинг,— йиғи билан ёлворди Дилдор,— бу золим мени қаерга судрайди? Сиздан айрилмаймен. Отажон, қўрқамен.

— Сўзимга инон, қизим, иншоолло, сенга ҳеч қандай ёмонлик қилинмас.

Тўғонбек дам ялиниб, дам дўқ қилиб, Дилдорни етаклаб кетди. Меҳмонхона эшигида унинг қулоғига шивирлади:

— Ҳозир катта вазирга кўринасен. Йиғи-сиғини қўй. У жанобнинг кўнгли ранжидими, бошинг кесилади, уқдингми? Одоб билан салом бер!

Дилдорнинг юраги уришдан тўхтаган каби, жим қотди. Тўғонбек эшикни очиб, қизни агар юрмаса, остонага кўтариб олиб қўйгудай вазиятда эди. Дилдор ғайри шуурий равишда ичкарига отилиб, уч-тўрт қадам босиб, юмшоқ гилам устида чўққайди. Бутун борлиғини босган титроқдан, қўрқув ва уятдан мукка тушиб йиқилишга ҳозир бўлса ҳам, «катта вазир»дан қўрққанлигидан, ўзини тутишга тиришди.

Мажддиддин ёстиқдан бошини кўтариб, қаддини ростлади, чиройли бир лавҳани томоша қилган каби, ёки нодир бир гавҳарни диққат билан кўргандек, кўзларини сузиб, бошини дам кўтариб, дам эгиб, қизнинг латофатига разм солди. Сўнг Тўғонбекни имлаб шивирлади: «Парилар гулшанининг нодир гули экан... Баҳоси ҳам нодир бўлса керак?» Тўғонбек кулиб бошини чайқади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Баҳоси?— деди шивирлаб,— қулингиз қутидор бой эмас. Мирзо Ёдгор бизнинг қўлимизни шундай узун қилган эдики, юртнинг бир қизини эмас, осмондан худонинг ойи, юлдузини узиб олишга етар эди.— Ғурурланиб дам қизга, дам Маждиддинга боқарди Тўғонбек.

— Бу нав ишларни бас қилмоқ керак, йигит!— деди кўзини қисиб, сохта танбеҳловчи овоз билан Маждиддин.

Дилдор ялт этиб Маждиддинга қаради. Унинг кўксида қутулиш умиди уйғонди. Кўзларида аллақандай маъсум ишонч ўти ёниб кетди. Самимий ёлвориш, ҳатто бола ўз отасига қилгани каби, ширин эркаланиш билан гапирди Дилдор:

— Сиз улуснинг улкан одамисиз. Биз ҳаммамиз сизнинг фарзандларингиздирмиз. Тангри сизни икки дунёда ёрлақасин, мени ўз элимга юборинг. Яхшилигингизни кўнглимдан бир умр чиқармаймен.— Дилдорнинг кўзларидан ёш қуйилиб кетди.

— Ихтиёринг бизда эмас, оппоғим,— ҳомуза тортиб, мулойимлик билан деди Маждиддин.— Сен мана бу йигитга қарамсен. Хўш, ўз элингда нима роҳат кўрдинг? Бизнинг оилада яшасанг, бахтли бўлурсен. Ҳар бир кунинг янги-янги гуллар билан зийнатланур. Ўз тенгқур рафиқаларинг ҳам бор.

Дилдор пиқ-пиқ йиғлаб, бошини қуйи солди. Маждиддин, қизни бекага тортиқ қилмоқ учун Нурбобога топширишни буюрди. Тўғонбек қизнинг билагидан ушлагач, Дилдор сапчиб ўрнидан турди. Бўшашган, жонсизлашган оёқлари билан Тўғонбек орқасидан чиқди. Хурсанд, жонли Маждиддин шошиб қўзғолди. Зарварақ узун тўнни кийди, бошига катта саллани ўради-да, саройга жўнади.

«Боғ зоғон» ҳар кунги ҳашамат ва дабдабаси билан яшнайди. Хизматкор аҳли бу олий даргоҳнинг «тузуки»ни бузмаслик учун, шошмасдан, улуғвор жиддият билан ўз ишларини қилади. Қилич, ўқ ёй таққан садоқларига ўқ тўлдирган йигитлар оғир одим отиб, у ёқ-бу ёққа юриб турадилар. Оқ соқоли кўксини қоплаган кекса дарвозабон найзасига суялиб, ўзининг ёш шеригига эски жанглар ҳақида тамшаниб эртак сўзлайди.

Маждиддин Ҳиндистондан келган янги филларни узоқдан бир муддат томоша этиб, қирқ устунли қасрга томон кетди. Атрофи дарахтлар, гулзорлар билан ўрал-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган енгил кўшкда Хуросоннинг машҳур бир олими ёш шаҳзодаларга дарс бермоқда. Бошдан оёқ нафис хитойи шоҳига чулғанган гўдаклар домланинг жуда солмоқланиб сўзлагани учунми, ёки маъноси англашилмаган қуръон сўзларини қироат билан, қоидага мувофиқ, узоқ такрорлаганиданми, дарснинг тугашини сабрсизлик билан кутадилар, дарахтлар орасида ўзлари каби ясанган, хилма-хил майин ранглар билан ёрқин товланган товусларга, ҳам узоқда қуёш нурида тоза қор кўчмаси каби кўринган оппоқ ғозларга дамба-дам қараб қўядилар.

Маждиддин қирқ устунли қасрга яқин келиб, подшоҳнинг ва ўзга улуғларнинг йўқлигини билди-да, хиёбонларда айланиб юриб, аста тепаликка кўтарилди. Тепанинг орқасида катта, текис майдонда, қирқ-эллик чоқли ғоят гўзал кийинган ёш-ёш йигитчалар — бекзодалар, Ҳиротнинг донгдор оилаларининг эркалари билан бирга тож-тахтнинг валиаҳди[1], Ҳусайн Бойқаронинг илк хотини Бека Султонбегимдан туғилган тўнғич фарзанд Бадиуззамон ўқ-ёй отишиб, ярим ўйин, ярим жиддий ҳарбий машқлар билан машғул эди. Бадиуззамон ўн икки-ўн уч ёшли, нозик, хушбичим, чиройли бола эди. Унинг эгнида ярқироқ, олтин, кумуш гулли шоҳи тўн, белида қимматли тошлар ёнган камар, камарга осилган муъжаз ханжарнинг қини ранг-баранг олов билан кўзни қамаштиради. Шаҳзоданинг бошидаги оқ шоҳи салланинг учида олтин бандли жиға ҳилпирайди. Пешонаси устида саллага моҳирона қадалган йирик гавҳар. Оёқларида ихчам, гулдор этик... Бадиуззамон кўпинча расмий ўлтиришларда отаси билан мулоқат қилади. Унинг ўз хазинаси, беклари, йигитлари, шоирлари, ҳамсуҳбатлари бор. У шеърни, мусиқини севади, ўзи ҳам гоҳ-гоҳ бирон парча ёзиб қўяди. Тантанали зиёфатлар, базмлар тузади. Майнинг тотини, завқини ингичка англайди. Ёшлигига қарамасдан шоҳона тантаналарни жуда моҳир ташкил қилади. Беташвиш, шоҳона ҳаётда, кайф-сафо денгизида у ўз умрининг улуғ кунини: бобо-аждодларнинг расмига мувофиқ, оқ намат устида ўтириб, тож кийиш кунини хаёл этади!

---

[1] Подшоҳ ўлгач, ёки у тахтдан воз кечгач, унинг ўрнини оладиган шаҳзода.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажиддин илжайиб, завқ билан ўйинни томоша қилди. Шаҳзоданинг теварагида айланадиган улуғларни — тарбиячиларни эслади. Умуман шаҳзодалар билан алоқани мустаҳкамлаш тўғрисида анча ўйлади-да, тепадан пастга тушди. Узоқда, гулзор атрофида ҳар вақтдаги ҳамсуҳбатлари, яқинлари ва баъзи беклар билан кезиб юрган Ҳусайн Бойқарони кўриш билан ҳаяжонланиб, ранги бир оз оқарди. Тез-тез юриб бориб, ўн беш-йигирма қадам жойда ихлос билан букулиб, таъзим қилди. Кейин яна таъзим билан яқин бориб, Мирзойи Кичикнинг унга гўё салом айтганини билдирди. Кайфи чоғ Ҳусайн Бойқаро кулиб: «Биз билан бирга бўлингиз!» деб илтифот этди. Мажиддин бошқаларнинг истеҳзоли қарашларини сезса ҳам, ер ўпкундай энгашиб қуллуқ қилди.

Ҳусайн Бойқаронинг кайфи чоғ эди. У бепарво ёзилиб юрди. Май таъсири билан аллақандай ўткир ёнган кўзларини атрофга тез югуртиб, одатдагича, арзимаган бирон нарсадан ранжиганини билдирмади. Сояда қуёшнинг олтин ҳалқалари жим-жим ўйнаган хиёбон оралаб, подшоҳ «кабутархона» томонга бурилди. Уни қуршаганларнинг ҳар бири подшоҳга худди шу топда ёқадиган бирон гап топишга тиришар эди. Порлоқ, кутилмаган, кўз қамаштирувчи ўткир сўзларга бутунлай қобилиятсизлигини сезган Мажиддин бошқаларга ҳайбаракаллачи бўлишга уринар, бутун ҳаракати, муомиласи билан подшоҳга самимият ва садоқатини ифодалашга интилар эди.

«Кабутархона»га ёпишган ҳужрадан кўкнори башара, кўзларига сурма қўйган, нозик чол чиқиб таъзим қилди. Ҳусайн Бойқаро мевали дарахтлар остидаги супанинг четига, кичкина ипак гиламга ўлтирди. Чол катта заранг тобоқда лим тўла тариқ олиб чиқиб, тоза супурилган кенг саҳнга сочди. Сўнг, кабутархонанинг учта эшикчасини очиш билан, юзларча парранда гурр... этиб, ўзини донга урди. Оқ, чипор, кўкимтир ва ҳоказо тусли кабутарлар очкўзлик билан шошиб-пишиб дон терар экан, Ҳусайн Бойқаро болалардай қувониб кетди. Кабутарларнинг кўпларининг оёқларида кумуш ҳалқалар бор эди. Ҳусайн Бойқаро хушомад гапларга энди қулоқ осмай, кабутарлари ҳақида ёлғиз ўзи сўзламакка тиришди. Баъзан эски кабутарбоз чолнинг қушларнинг қилиқларига доир сўзларига қулоқ солди. Бу чол унга қадр-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дон эди. Ҳусайн Бойқаро болалик чоғларида атайлаб унинг уйига бориб, кабутар сотиб оларди.

Ерда дон қолмагач, чол узун ёғочни ҳавода енгил силкиб, ғалати оғоз билан нимадир қийқириб қўйди. Қушлар парр... этиб осмонга кўтарилди. Ҳусайн Бойқаро энди беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Ерда дон қидирган бир неча қушни чапак чалиб учурди. Икки қўли орқасида, осмонга тикилган, кенг кўкрагини қабартиб ҳар томонга айланди. Ҳиротнинг тиниқ, қизғин самосида ранг-баранг товланиб, шўх учишган кабутарларнинг ажойиб «ҳаво рақси»дан кўз узмади. Ярим ҳазил, ярим жиддий равишда ўзини «доруғаий кабутархонаи ҳумоюн»[1] деган унвон билан улуғлаб юрувчи кўкнори башара нозик чолнинг ёнига бориб, унинг изоҳларини тинглади. Кўзи осмонга қадалган, лекин лаблари қимирлади: «Бу қушлар кўнгилни ўз парвозлари янглиғ кўтардилар!» Шу вақтда атрофдагилардан кимдир баланд овоз билан Фаридиддин Атторнинг «Мантиқуттайр[2]»идан кабутарлар ҳақидаги бир байтни ўқиди. Байт Ҳусайн Бойқарога жуда маъқул тушди, бошини тебратиб, байтни бир-икки марта такрорлади. Қанотли раққослар осмон саҳнасидан қайтиб, ўз маскани атрофига қўнаркан, подшоҳ оғриган бўйнини уқалаб, бу ерни тарк этди.

«Ички»лар[3] зиёфат асбоби муҳайё эканини билдиришди. Ўлтириш, ҳар кунги каби, «Боғ заған»нинг энг катта, ҳаводор ва зийнатли биносида бўлди. Тўрда қат-қат заррин тўшакларда Ҳусайн Бойқаро чордона қурди. Унинг атрофида ҳаммаси бир хил кийинган, ёшлари ҳам деярли тенг, чиройли ёш йигитчалар ярим доира ташкил этиб ўтирдилар. Булар подшоҳнинг дабдабаси ва мажлиснинг кўрки учун хизмат қиларди. Ҳусайн Бойқаронинг ўнг ва сўл ёқларида хонадонга мансуб бўлган улуғвор ва турли ёқлардан қочиб келиб, бу даргоҳга сиғинган баъзи омадсиз шаҳзодалар, кейин беклар, улуғ мансабдорлар, ҳамсуҳбатлар ва ҳоказо — ҳар ким ўз рутбасига муносиб ўринни ишғол этди. Меҳмонлар орасида Ҳиротнинг олимлари, шоирлари ва машҳур чалғучилари, ҳофизлари ҳам кўпгина эди. Бундаги одамларнинг деярли ҳаммаси шундай мажлисларда кўп қатна-

---

[1] Подшоҳ кабутархонасининг бошлиғи.
[2] «Қушлар тили» деган китоб.
[3] Сарой юмушларини бажарувчи махсус беклар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб, мажлиснинг одоб ва тартибини жуда яхши билганларидан, ўлтириш ҳар вақтки оҳони ва ҳашамати билан бошланиб, аста-секин қизиб борди. Дастлаб Ҳусайн Бойқаро ўзининг янги ғазалини мажлисга тақдим этди. Шеърни яхши ўқийдиган ва жуда ингичка тушунадиган мансабдор Хўжа Абдулло Марворий ўқиб берди. Ғазални, табиий, ҳамма гўзал деб топди. Ҳатто, форсипараст шоирлар ҳам уни — ўзбек тилидаги ғазални — энг нодир бадиалар даражасига кўтардилар. Шеърга бегона бўлган баъзи баҳодирлар ғазалнинг айрим мисраъларини такрорлаб, бир-бирлари билан музокарага киришдилар. Ҳусайн Бойқаро бу ғазални ўрганиб, унга жавоб ёзишни ҳамма шоирлардан илтимос қилди. Кейин бир оз муддат ширин латифагўйлик бошланди. Мажлис тинмасдан қаҳқаҳа қилди. Хусусан, мавлоно Абдулвосе деган машҳур ҳажви латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳамманинг ичагини узди. Абдулвоседан кейин бошқа кулдирувчилар янги бир нарса билан ўртага чиқишга ботинмадилар. Тавончилар[1] оёқ учи билан юриб чаққонлик билан дастурхон ёздилар. Ғоз кабоби, қўй эти, манти ва ҳоказо хилма-хил таомлар устма-уст ва мўл-мўл тортилди. Ҳусайн Бойқарога махсус тавончи олтин товоқда алоҳида таом келтирди. Соқийлар кумуш патнусларга олтин ва ёқут қадаҳларни териб, таъзим билан май тута кетдилар. Дастлаб олтин қадаҳни Ҳусайн Бойқаро қўлга олиб, мажлисга ишора этди. Ҳамма қадаҳлар унинг шарафи учун сипқирилди.

Ҳусайн Бойқаро давлат ишларида Темурнинг «Тузукоти»[2]ни оз эсласа ҳам, лекин бундай ўлтиришларда улуғ бобосининг анъанасига содиқ эди. Аммо, тақлидга қанча урунмасин, замон ва муҳит бу бобда ҳам катта ўзгаришлар киритган эди. Оқсоқ жаҳонгирнинг саройидаги ўлтиришларда саҳройи соддалик билан фавқулодда ҳашамат ва дабдаба бирлашган эди. У вақтларда шоввозлар бутун-бутун пиширилган семиз отларни катта суфраларга солиб, ўртага тоғдек қалаштириб ташларди. Сўнг, билакларигача чарм кийган тавончилар шунда, ҳамманинг кўзи олдида ,чапдастлик билан отларни парчалаб, меҳмонларга улашар эди. Ҳар ким ўз-улу-

---

[1] Дастурхончилар, зиёфатни бошқарувчилар.

[2] Темирнинг давлат ташкилоти, идора ва йўл-йўриқлари ҳақидаги асар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шидан бир қисмини уйига олиб кетишга ҳам мажбур эди. Суякларни талашиб-тортишиб чайнамоқ ҳам одат ҳисобланар эди. Яна ҳар бир зиёфатда чоғир ичилаверилмас, чоғир базми сийрак бўларди. Лекин бир ичишга киришилдими, худди яйловда ёз чоғи қимизхўрлик қилингандай, ҳадсиз ичилар эди. Аксари мўғулча кийинган қўпол-сўпол, баҳайбат гавдали, қаҳрли, содда баҳодирлар чоғирда мардлик, чидам ва ўктамлик талаб қилардилар. Кимнинг косасида бир томчи қолса, у тўққиз косани устма-уст дам олмасдан ичар эди. Бордию, охирги косадан бир томчини жилдириш мумкин бўлди — яна тўққиз коса!

Ҳусайн Бойқарода ҳам бир қатра қолдирмасдан сипқириш қаттиқ қоида ҳисобланса-да, лекин аксар вақт бунга риоя қилинмайди. Жазо эса айрим кишиларга ва мажлисни кўпроқ қизитиш учунгина қўлланади...

Чоғир тилларга ва ҳаракатларга сарбастлик берди. Баъзи шоирлар ўринларидан туриб, ҳозир мастликда тўқилган, ёки атайлаб бу фурсат учун илгари тўқиб қўйган шеърларини ўқиб, қадаҳларини тантанали равишда кўтара бошладилар. Ғижжак, танбур, най, уд, даф ва ҳоказодан иборат мусиқий араб, форс, турк, ўзбек мақомларини янгратди. Ҳофизлар куйлади. Раққослар ажойиб кийимларда кенг давраларда уча бошладилар.

Кеч кириши билан олтин шамдонларга «қирқ чироғдай» шамлар ўтказилиб ёқилди. Гиламлар, қадаҳлар лаъли май, деворлардаги нақшларнинг ранглари, ҳамма нарса ёнди. Мажлиснинг шавқи ошди. Қаттиқ ичувчилар соқийларга бир лаҳза тиним бермай қўйдилар. Ҳусайн Бойқаро кўп ичса ҳам, ҳали хийла тетик эди. Мажлис кайфини авжга миндириш учун чоғирга кўпроқ ундасада, лекин зимдан ҳар кимнинг ҳаракатини, равишини таъқиб қилиб ўтирар эди.

У, одати бўйича, шовқинсиз, тоза ҳавода бир нафас тиним олиш учун ўрнидан қўзғалди ва орқадаги эшикдан шундай тез чиқдики, дастлаб кўп кишилар сезмай ҳам қолдилар. Маждиддин худди шу фурсатни кутиб тургандай, қуйидаги эшикдан лип этиб ташқарига отилди. Дарахтлар орасидан тушган «ола чалпоқ» ойдинликда тўрт томонга аланглаб кезди-да, бирдан Ҳусайн Бойқарога йўлиқди. Маждиддин ҳокисорлик билан унга яқин келиб, қуллиқ қилди-да, бир лаҳза унга вақт бе-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ришни ўтинди. Ҳусайн Бойқаро, бепарволик билан: «Юринг, арзингизни тинглаймиз!» деди, кичкина бир хонага томон бошлади. Шу вақтда ўн қадамча нарида, қайрағоч орқасидан икки баҳайбат кўланка келиб чиқди. Маждиддин сесканиб, юришини ҳам, тўхташини ҳам билмай қолди. Улар подшонинг қўриқчиси, икки омонсиз қули — Бўдана, Дўлана эди. Улар подшоҳ қаерда бўлмасин, ҳамиша унинг атрофида, кечалари айниқса яқинда ҳозир туришар, лекин баҳайбат гавдаларини қандайдир чаққонлик билан одамлар кўзидан яшира билишар эди. «Бўдана билан Дўлананинг етти отаси жаллод, етти онаси ялмоғиз ўтган» деб таъриф қилувчилар ҳақли эдилар. Улар ваҳший кучнинг жонли тимсоли-мужассами бўлиб, ёлғиз исмларини эшитишгина кишиларни зир титратарди. Подшоҳ сирли, қонли ишларни улар орқали бажарарди.

Ҳусайн Бойқаро Маждиддинга қараб кинояли кулиб қўйди. Бўдана ва Дўлана кўланкадай, бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар. Подшоҳ ҳаволаниб, аста юриб, кичкина, безакли хонага кирди. Оёқлари ҳали ҳам қалтираган Маждиддин подшоҳдан рухсат тиламасданоқ, унинг қаршисига тиз чўкди. Ҳозир Ҳусайн Бойқаронинг кайфи анча кучайган эди. У кўзларини мастча сузиб, паришонлик билан гапира бошлади. Дам давлат ишларидан, дам шахсий орзуларидан сўзлади. Баъзи яқинларидан пардали шикоят қилди. Баъзи бекларни асоссиз мақтади; подшоҳнинг, гарчи мастлик вақтида бўлса-да, у билан очиқ суҳбат қилиши Маждиддинни тетиклади «Темирни қизиғида бос» деган мақолга амал қилиб, унга мадҳ-сано ўқишга бошлади. У қўлини кўксига қўйиб: «Олий остонангизнинг энг вафодор итимен!» деган гапларни кўп такрорлади. Ҳусайн Бойқаро: «Вафодор инсонлар мендан ҳамиша яхшилик кўрурлар. Нонкўрларнинг ҳолига вой!» деди. Маждиддин гўё меҳр-муҳаббати кўксида тошкандай, ўрнидан туриб, қуллиқ билан мурожаат этди:

— Улуғ хоқон бу хокисор қулингизнинг бир тортиғи бор... Умид қиламенки, қабул этиб, бандангизнинг кўнглини ердан самовотга кўтарурсиз...

— Совға бермоқ ҳам, совға қабул этмоқ ҳам бағоят савоб иш,— кулиб деди Ҳусайн Бойқаро.

— Ҳусн боғининг бир тоза гулини,— деб бошлади сирли овоз билан Маждиддин,— тақдир шамоли бизга



www.ziyouz.com kutubxonasi

келтирган эди. Унинг таърифидан бу қулингиз ожиз. У паривашга кўзим тушиши билан хоқонимга муносиб кўрдим.

— Менга бир мамлакат бахш этилгандан ортиғроқ мамнунмен,— маст кўзларидаги хурсандлик, орзу билан деди Ҳусайн Бойқаро.

— Қулингизнинг кичик совғаси...— камтаринлик билан бўйин эгди Мажииддин.

— Мен ҳеч муболиға қилмадим. Ҳофиз Шерозийнинг ғазали машҳури хотирингизда эмасми?

— Йўқ, подшоҳи олам!

Ҳусайн Бойқаро бошини аста тебратиб ўқиди:

Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро,
Баҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухоро[1].

— Ҳа, ёдимга тушди,— деди қувониб Мажииддин,— бу хусусда шоир билан улуғ жаддингиз[2] хоқон Темур соҳибқирон ҳазратлари ораларида бўлган ҳикояни ҳам эшитганмен.

— Бу воқиа эл орасида машҳур-ку.

Мажииддин ўз «совға»сини ҳарамга қай йўсинда юбориш тўғрисида бир неча оғиз гаплашди. Ҳусайн Бойқаро бироз сукут қилиб ўлтирди-да, бирдан ўрнидан турди, эшикка чиқаркан, бир зум тўхтаб деди: «Мирзойи Кичикдан сизни мен сўраб олурмен».

— Тахтингиз оёғи остида хизмат қилмоқ билан эмас, балки оддий навкарингиз бўлмоқ билан ҳам фахрланурмен,— деди Мажииддин.

Улар кирганларида базм жуда қизиган эди. Подшоҳнинг орқасидан ғурур билан кирган Мажииддин аввалги ўрнига ўлтирди. Барлослар, бир кўп беклар, мансабдорлар бир-бирларига маънодор имо билан қарашиб олишди. Базм ва зиёфат тонгга қадар давом этди. Мажииддин уйқусизликдан ва майдан қисилган кўзларини уқалаб ҳорғин одим босиб уйга қайтаркан, жоменинг юксак минораларидан муаззиннинг овози янгради. «Дарвозаий мулк»га борувчи катта йўлда дарвозадан илк кирган деҳқонлар, боғбонлар отларга, эшакларга ортилган, ёки бошларига қўйилган катта саватлардаги узум ва бошқа мевалар билан бозорга илдам жўнардилар.

---

[1] Агар у шерозли турк гўзали кўнглимни олса, унинг биргина қора холи учун Самарқанд ва Бухорони бағишлар эдим.
[2] Бобонгиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Маждиддин уйга келиб, ҳали юз-бетини ювмаган хотинини меҳмонхонага чақирди, подшоҳнинг ҳарамига бугун узатиладиган Дилдорни ювинтириб-тарантириб, энг асл кийимлар кийдириб, олтин-кумуш безаклар тақдиришни буюрди-да, чала ешиниб ёта қолди. Чошгоҳ вақтида уни хушхабар уйғотди: Маждиддин олий фармон билан «парвоначи» тайин этилган эди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### I

Кўпдан кутилган қор тўрт эллик ёғиб, унча қаттиқ бўлмаган изғирин орқасида икки кундан буён эримасдан дарахтларни, томларни оқартирган эди. Кўчаларнинг балчиғи қатқалоқланган. Болалар, қарғалар тансиқ қорни ғанимат билиб, шўхлик қилиб ўйнайдилар. Катталар ўз дўстларига, яқин танишларига, хеш-ақраболарига «қорхат» ёзиб, ўзига хос нашъа-завқ бағишловчи қишки зиёфатларга юра бошлаганлар.

Навоий «қорхат» ёзиб, унда қишнинг шоирона тасвирини, қиш манзараси орқасида кўнгилга келган кечинмаларни шўх, рангли услуб билан бежаб, бир дўстига қиш ҳангамаси сифатида юборган эди:

Тузулгай ёр ила базми висоли,
Вале ағъёрдин[1] ул бўлса холи.
Соқиё, дай[2] шиддатидан ақлу хуш бетоб эрур,
Чораси жоми буллурин ичра лаъли ноб[3] эрур.
Хушо базм аро ўту, май бўлса дай,
Май, андоқки ўту, ўт андоқки май.

Серзавқ, оқ суяк Ҳирот бу олтин мисраъларда ифодаланган руҳ ва кайф билан яшамоқда эди.

Қорхат муносабати ила дўсти уни бугун зиёфатга чақирган, лекин у ишга берилиб, ўт ва май каби қизғин, нашъали бўлиши керак бўлган улфатчиликни ҳам унутди. Шоир эл-улус ишидан қутулган дамларда бекор ўтирмас эди. Ё ўқур, ё ёзар, ё хаттотликда машқ қилар, ё мусиқийда янги куйлар яратишга уринар, ҳатто баъзи вақтларда расм солиш, фикрини бўёқлар ила ифодалаш билан машғул бўлар эди. Тафаккур, амал, ҳаракат унинг

[1] Бошқалар, бегоналар.
[2] Қиш.
[3] Қизил май.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мангу ҳамроҳлари эди. У «бир соат тафаккур бир йиллик тоатдан афзал» деган дастурни кўп вақт такрорлашни северди.

Даричалари ёпиқ ва жиҳозлари завқ ҳам ички бир оҳанг билан саранжом топган хонанинг ўртасида манқал тўла қип-қизил чўғ ёлқинланади. Даричаларнинг тепасидаги рангли ойналарда қиш қуёши ўйнайди. Навоий манқалга яқин, китоб устига қўйилган янги, ҳафранг қоғоз тиззасида, салласиз, учли тақя кийган, боши бир оз эгик, қалами енгил қитирлаб чиройли ҳарфлар туширмоқда.

Ижод дардини, туғулиқ дарди билан қиёс этадилар ижод дарди — қалбнинг қаърида уйғониб, бутун вужудни ларзага солган бу оғриқ, Навоий учун энг ширин лаззат, она алласи каби юпантирувчи, қуёш каби ҳаёт ва қувонч бағишловчи бир куч эди. Шунинг учун у самимий, табиий бир шавқ билан енгил ёза олар эди. У чинакам сўз сеҳрбози! У ҳар қандай ўжар фикрни, руҳнинг энг ингичка, энг тутқич бермас жилваларини, юракдаги ҳисларнинг мавжланишларини сўз орқали ажойиб ёрқин тажассумлантирар, қатрада дарёларни мавжлантирар, учқунда қуёшларни айлантирар, ишқдан ҳаёт ясар, оддий ҳаётдан эса улуғ, тийран афсоналар тўқур... У мингларча йилги маданиятни, асрларнинг фикр бойлигини қамраган шоир эди. Унинг шеърий даҳоси араб, эрон ва туркий халқларнинг санъат, фикр заминига чуқур илдиз отиб, унинг абадий кучидан гуллаган эди.

У турли шоирларнинг турли-туман асарларидан ўн мингларча байтни ёд билар эди. У уч-тўрт ёшдан бошлаб жиддий гўзал шеърларни ёдлаган. Саккиз-тўққизда бутун-бутун илмий, фалсафий, шеърий асарларни, ўзини унутажак равишда завққа берилиб мутолиа этган. Бир қариш болаликда кекса шоирлар билан шеър ҳақида мунозара қилган!

Қалам равон югурарди. Сўзлар шеърнинг олтин ипига эркин терилади. Мисраъларда сўзлар гавҳар каби ёнади, янги ранглар, янги жилвалар билан порлайди. Шоир ўз ота-бобоси тилининг содда ва тоза гўзаллигини чуқур сезиб қувонади. Мана мисраълар қоғоз бетини тўлдирди. Она тилида шеърнинг янги бир гулдастасини боғлади. Шоир қаламни четга қўйиб, ичида ўқиди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Очмағай эрдинг жамоли олам аро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.
Чун жамолинг жилваси оламга солди растухез,
Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки.
Бўлмағай эрди кўзум ўтлуқ юзинг кўрган замон,
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.
Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин.
Қилмағай эрди мени маҳзунға парво кошки.
Тушмагай эрди фириб омиз лутфинг билмайин,
Нотавон кўнглумға васлингден таманно кошки.
Лутф ила кўнглумни васлингдин тамаъкор айлабон,
Қилмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.
Бевафолиғ онглагач ишқингни кўнглим тарк этиб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.
Эмдиким девонаю расвойи олам бўлмишам,
Васл учун мумкин йўқ ўлтурғай бу савдо кошки.
Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда,
Неча ким десанг агар ёхуд магар ё кошки.

Шоир ғазални китоб орасига солди. Енгилланиб ўрнидан турди-да, қалам ва довотни токчага олиб қўйди. Токчалардаги чиройли хитой идишларга, фил тишидан ишланган ажойиб, муъжаз қутичаларга разм солди. У чиройли нарсаларни, ингичка санъат намуналари бўлган буюмларни севар эди. У ўйлади: «Хуросонда санъатнинг турли бобларида ажойиб моҳир санъаткорлар бор. Ҳунармандлар ўртасида ажойиб истеъдодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп. Нима учун, масалан, хитойи чинниларни, хитойи шоҳиларни, кашмир шолларини Ҳиротда ятармоқ мумкин бўлмасин! Уларни санъат ва ҳунарнинг олий поялорига ташвиқ этмоқ керак, улар учун керакли асбобларни топмоқ керак!» Навоий яқинда ҳунармандларнинг бир байрамида улар томонидан ясалиб, халқни таажжубда қолдирган ғалати буюмларни эслади. Узоқ ўлкалардан нодир матолар сифатида келтириладиган кўп нарсаларни секин-секин Ҳиротнинг ўзида ясамоқ мумкинлигига ишонди.

Совуқдан бадани жимирлашди. Манқал олдига ўтирди. Устини юпқа кул боса бошлаган чўғни мис куракча билан енгилгина титиб, қўлларини тутди. Яна шоирона хаёлга, тафаккурга берилди. «Бир соат тафаккур бир йиллик тоатдан афзал!» У ўз она тилининг қудратини, гўзаллигини намойишлантира билажак катта достонлар яратмоқни орзу қиларди. Унинг хаёли афсоналарнинг гўзал боғларида сайр этди. Нега бу боғчаларнинг олтин дарвозалари унинг халқи учун ёпиқ! Араблардан, эронликлардан унинг халқининг қай ери кам?! Йўқ, у ўз халқи учун шеърнинг ўлмас гулзорларини яратиши керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшик аста очилди, яқинда шоирга хизматга кирган Шайх Баҳлул пайдо бўлди. Бу — анча таҳсил кўрган, ҳар вақт мутавозе, ювош табиатли. камтарин йигит эди. Шайх Баҳлул ўз хўжасининг фазлу камолотини тақдирлаб, унга хизмат қилишни ўзи учун бир шараф деб ҳисоблар эди.

— Буюринг, не демоқчисиз?— паришонлик билан сўради Навоий.

— Тарабхонада[1] султон ҳазратлари сизни йўқламишлар,— жавоб берди Шайх Баҳлул.

Навоий бир муддат бошини қуйи солиб, сукут этди. Кейин ранжиганликни ифодаловчи товуш билан: «Айтинг, тез етиб борурмен» деди. Шайх Баҳлул бошини қимирлатиб «хўб» деб чиқди. Шоир узилган хаёлларига яна бир муддат берилди. Кейин шоҳи тўн устидан оғир бўлмаган қундуз почали пўстинини кийди. Кўча эшиги олдида отга миниб, саройга жўнади.

Тарабхонада сарой мулозимлари уни, ҳар вақтдаги каби, ҳурмат билан қаршиладилар. Тарабхона — катта боғчаларнинг ўртасига солинган кичикроқ, лекин жуда келишган икки ошёнли бино; бу ерни ўз кўзи билан кўрган Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг таъбирича, «ширингина» иморат эди. Буни Абулқосим Бобир солдирган эди.

Шоир иккинчи қабатга чиқди. Тўрт тарафда нақшлари нафис тўрт ҳужра; буларнинг ўртасида катта бир хона. Ҳусайн Бойқаро Навоийни шу катта уйда қабул этди. Бу уйнинг тўрт томонидаги деворларда Абу Саид Мирзо ўзининг жанглари ва сафарларининг тасвирини ишлатдирган эди. Навоий одатдагича расмий таъзим ва ҳол-аҳвол сўрашлардан кейин, кўзларини беихтиёр равишда девордаги расмларга тикди. От гижинглаткан, ўқ узаётган, қалқон тутиб ўзини зарбадан сақлашга интилган душманга қилич кўтарган баҳодирлар, боши кесик, қонга бўялган гавдалар, қалъага ҳужум этаётган аскарлар ва ҳоказо жанг манзараларига диққат қилди. Бир кўп суратларнинг афтларида жонлилик, ҳаракатларида табиийлик кўрмади. Расм санъатининг ҳали орқада эканига ичдан таассуф қилди. Ҳусайн Бойқаро ҳам бир муддат расмларга қараб, марҳум рассом ҳақида эшитган баъзибир қизиқ гапларни айтди-да, кейин ҳуку-

[1] Ҳиротда бир саройнинг номи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мат ишларидаги нуқсонлар тўғрисида шикоят қилди. Навоий бу муносабат билан мамлакатни идора этиш ҳақидаги ўзининг мулоҳаза ва орзу-армонларини сўзлаб, подшоҳга тўғри йўл кўрсатмоққа тиришди. У мамлакатнинг келажаги, давлатнинг барқарор бўлиши учун зироатга, турли ҳунарларга катта аҳамият бериш зарурлигини муфассал тушунтирди. Юртда илм, шеър ва ўзга санъат одамларининг маишатини яхшилаш учун уларга ҳамиша ҳомийлик қилиш кераклигини айниқса таъкидлади. Подшоҳ ёлғиз пойтахтнинг эмас, бутун вилоятларнинг ишларидан ҳар кун хабардор бўлиб туриши, ҳамма мансабдорларнинг вазифаларини тафтиш этиши зарурлигини баён қилди. Ҳатто подшоҳ ҳар куннинг қайси палласида қайси ишлар билан машғул бўлиши кераклигига қадар кўрсатиб берди. Ҳусайн Бойқаро диққат билан тинглади. Лекин охирда бу фикрлар ҳақида бирон сўз айтмади. Сирти қоракўл, қалин, чиройли қундузли телпагини бироз кўтариб қўйди-да, кулиб шоирни чақиришдан мақсади нима эканини сўзлади — амир сифатида девонда вазифа олиб боришни таклиф этди.

— Бу мушкул масалани яна ўртага қўйдингиз,— деди Навоий ташвишланиб,— бу хусусда каминанинг эътирози ҳазратларига белгули-ку.

Ҳусайн Бойқаро норозиланиб қошларини чимирди:

— Бу эътирозингизни муҳокама қилдик. Аммо, далилларингизни ҳақиқатдан узоқ кўрдик. Салтанатимизнинг сиз каби нодир шахсини амирлик рутбаи олийси билан сарафроз қилмагунча, кўнглимиз қарор топмас. Иншоолло бу тадбиримиз яхши самаралар берур.

— Шоҳона марҳаматингиз учун раҳмат,— деди Навоий қатъият билан,— иложи бўлса, мени ҳар қандай расмий мансаблардан озод этсангиз... Амирлик рутбаси ва девонда муҳур босмоқлик, гарчи шарафли бўлса ҳам, кўнгил эркинликка кўпроқ мойилдир. Мен давлатга, эл-улусга холис кўнгил билан хизмат қилмоқни орзу қилурмен. Бу хусусда қилган эътирозларим, балки, зоҳиран маъносиздек кўрингандир. Лекин чуқурроқ андиша қилинса, унинг маъноси равшанлашурки, бунга имоним комилдир. Дарҳақиқат, амирлик рутбасини қабул қилсам, баъзи улуғ зотларнинг кўнгли ранжур. Орада беҳуда сўз кўпаюр. Дўстлик ўрнига нифоқ вужудга келур. Инсон руҳи ожизликлардан холи эмас...



www.ziyouz.com kutubxonasi




Ойбек «Навоий» романининг чет элларда нашр этилган нусхалари. Адибнинг шахсий архивидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн Бойқаро қўли билан «масала ҳал» деган ишоратни қилди.

— Бизки бу ишни орзу қилибмиз, ҳар не эътирозни рад қилурмиз,— деди у табассум билан,— шундай фармон берурмизки, амирлардан ҳеч бири мажлисларда сиздан олдин ўлтирмагай. Аммо ижозат берсангиз, муҳур босмоқликда сиздан ёлғиз Амир Музаффар барлос олдин бўлсин. Энди иш сайёраларда қолди. Фалак донишманди[1] иқбол соатини тайин қилгач, у вақт муҳур босурсиз.

Навоий янги эътирозлар, янги далиллар келтиришга тиришди. Ҳусайн Бойқаро ўжарлик қилиб, ҳатто эшитгуси ҳам келмади. Навоий, ниҳоят, ўз орзусига қарши кўрсатилган марҳамат учун подшоҳга ташаккур билдиришга мажбур бўлди. Ҳусайн Бойқаро уни букунги чоғир мажлисига таклиф этди.

Шоир «Тарабхона»нинг пастки қабатига тушди. Бундаги хоналарнинг бирида Муҳаммад Сайид паҳлавон, вазир Хўжа Ато, Хўжа Абдулло Марворий ва ҳоказолар ўтиришарди. Ҳаммалари ўринларидан туриб, шоирни самимий қаршиладилар. Хўжа Ато мулойим, камтарин киши эди. Ўз вазифаларини шов-шувсиз, яхши бажарарди. Ҳар бир ишда у ювошгина ўз маслаҳатини берарди. Муҳаммад Сайид сарой паҳлавонларининг энг зўри ва моҳири эди. У кенг яғринли, қулоч кўкракли, бутун дов жуссасидан қувват барқ урарди. Ҳусайн Бойқаро унга «паҳлавони олам» деган лақаб берган. Ҳеч бир Хуросон паҳлавони, чет эллардан паҳлавонлик дағдағаси билан келиб турадиган зўрлардан биронтаси ҳали унинг ёнбошини ерга тегизган эмас. Лекин Навоийнинг қалин дўстларидан бўлган бу шахснинг фазилати бундагина эмасди. Муҳаммад Сайид айни замонда, турли илмлар соҳасида унча-мунча олимларга сўз бермасди. Мусиқийни чиройли чалар, янги куйлар тўқирди. Гоҳо-гоҳо унинг қудратли қўллари қалам ушлаб, чиройли ғазаллар, рубоилар яратарди. Паҳлавоннинг бу хислатларини узоқда эшитганлар ишонмас, лекин яқиндан танувчилар унинг қобилиятларини эҳтиром қилардилар.

Навоий уларнинг қаторига ўтирди. Жонли суҳбат бошланиб кетди. Паҳлавон қалин лаблари билан сўзни

---

[1] Мунажжим демоқчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аста ўлчаб кесиб, «гуштгирлик»[1] илми ҳақида қизиқ маълумотлар берди. Ҳозир ўзининг ўн саккиз яшар жиянини вақтинча мадрасадан олиб, илк баҳорда четдан келиши кутилган машҳур паҳлавонлар билан курашга солмоқ учун уни тайёрлаётгани, қандай усуллар қўллаётгани тўғрисида гапирди. Кейин сўз шеър, мусиқий, дарвешлик фалсафаси ва ҳоказога ўтди. Хўжа Афзал кириб, Навоийни подшоҳнинг янги қарори билан табриклади. Паҳлавон ва бошқалар Навоийнинг амир бўлиш ҳақидаги хабарни катта қувонч билан қарши-ладилар. Бу гапни дарров тарқалганига Навоий таажжубланиб қолди. Паҳлавон дағал, бақувват соқолли кенг юзидаги самимий табассум ва ҳаяжон билан деди:

— Бу — кўҳна Хуросон тарихининг олтин саҳифасидир!

— Эл бахтининг туғилган куни,— деди Хўжа Афзал.

Ҳар ким ўз қувонч ҳам орзуларини билдириб турар-кан, Мажддиддин, Низомулмулк, Амир Мўғул ва бир кўп беклар ва аъёнлар киришди. Улар шоир билан, гўё ҳеч нимадан хабарсиз каби кўришдилар. Лекин кўзларининг маъноси, ташвишли юзлари, бўшашган ҳаракатлари воқиадан уларнинг огоҳ эканига гувоҳлик берарди. Парвоначи Мажддиддин ҳозир ҳамма вақтдагидан кўра ортиғроқ кеккайишга тиришарди. Қиморбоз Амир Мўғул парвоначига қараб, маст кўзларини маънодор қисиб қўйди, Мажддиддин ҳам унга имо билан жавоб берди. Баъзибир барлос беклар оғир ва хомуш боқардилар. Ҳар вақт ясаниб-тусаниб, товусдай товланиб юрадиган, серсавлат, айёр Низомулмулкгина ўзини Навоийга сирдош кўрсатишга тиришди, унга яқин келиб, шивирлаб табриклади. Шоир киноя билан кулди-да, ҳаммага эшитдириб деди: «Фикримча, рутбаларнинг, мансабларнинг паст-баланди йўқ. Эл хизматида ҳамма рутбалар шарафлидир. Юрт учун ҳатто навкарликни ҳам ифтихор билан бўйнимга олар эдим!» Низомулмулкнинг кўзлари атрофга айёрча жовдиради. Йирик ёқут кўзли узуклар таққан бармоқлари билан кўркам соқолини силаб, бошини вазмин чайқади:

— Албатта, шундай бўлмоғи керак!

Кўп ўтмасдан мулозимлар келиб, чоғир базмига таклиф этдилар, ҳамма гурр этиб қўзғалди.

---

[1] Паҳлавонлик, бадан тарбияси ҳақидаги илм.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## II

Учинчи кун Навоийнинг уйида катта тантана бўлди. Тўрдаги катта оқ уйда одам кўп, хизматкорлар ўз юмушларини ифтихор билан бажарадилар. Уй соҳиби — шоир ўз одатича, бир нафас қўнмайди. Келувчиларни очиқ юз билан кутиб олади. Дам секингина ошхонага кириб, ошпазлар ишини кўздан кечириб чиқади, уни-буни ўргатади, эслатади. Гоҳ ҳужраларга бош суқиб, унда тайёрланаётган ҳалво ва ҳар нав ширинликларни суриштиради. Яхшироқ ва мўлроқ тайёрлашни уқдиради. Ўз уйида халқ тўпланган вақтларда у аксари шундай куюнчаклик кўрсатар, қўлдан келганча, меҳмондўстлик қилишга, илтифоти, муомаласи билан ҳаркимнинг кўнглини кўтаришга тиришар эди.

Ясоғлиқ катта уйда беклар, юқори мансабдорлар, донгдор шоирлар, Ҳирот, Ироқ, Озарбайжон олимлари ўтиришар эди. Одам кўп бўлганидан суҳбат умумий мавзуга кўчмаган; ҳар ким ўз атрофидаги одамлар билан дилкашлик қилар эди. Тўрда бош бек Музаффар барлос билан Муҳаммад Бурундуқ барлос ва Жаҳонгир барлос жанг ҳам ов — қуш ҳақида сўзлашарди. Султонмурод бир Ироқ олими билан араб тилида секин суҳбатлашарди. Довдираб қолган, кичкина кекса мунажжим билан дов гавдали Муҳаммад Сайид паҳлавон жуда иноқ гаплашарди. Подшоҳнинг бу қари мунажжими бахт ва фалокат, яхшилик ва ёмонлик, омад ва омадсизлик — ҳаммасининг вақт-соатини юлдузларнинг сирли ва текин маслаҳати билан, машаққат чекмасдан, тез тайинлаб белгилаб берарди. Улуғбек ўз текширишлари билан, Навоийнинг таъбирича, осмонни пастга туширган, яъни юлдузларнинг ҳаракат қонунларини инсонларга танитган бўлса, бу чол осмоннинг чексиз узоқлигига яна бениҳоят узоқлик қўшиб, уни қалин сир пардасига чулғаган эди. Камбағал бўз иштонини қай соатда бичиши, қай соатда кийиши керак. Подшоҳ олтин тахтга қай кун — қай соатда ўтириши керак, севикли қизга қай соатда «муҳаббатнома» ёзмоқ керак, душманни ўлдирмоқ учун қай соатда заҳар тайёрламоқ керак — чол буларнинг ҳаммасига юлдузларнинг жавобини олиб беради. Саройда катта тантанали ишлар, эскидан буён мунажжимларнинг кўрсатган вақтида бажарилиши бир анъана бўлиб қолганидан, бу кун Навоийнинг амир



www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида муҳур босиш кун ва соатини ҳам у тайинлаган эди.

— Бизнинг илмимизда тангрининг ҳар куни учун бир юлдуз подшоҳ, бир юлдуз вазир бўлур,— деди кўрсаткич бармоғи билан таъкидлаб мунажжим,— букун коинотда Шамс[1] подшоҳ, Қамар[2] вазирдир. Асли моҳиятига диққат этингиз, барча шуҳратли ишларнинг куни ушбудир. Алишер Навоий жанобларининг муҳур босмоқлик соатига Зуҳрани[3] тайин қилдим. Жамики яхши ишларнинг соати будир. Зуҳра букун авжда, яъни еттинчи осмондадир. Унинг сурати ҳам асосий мақсадга, Алишернинг табиатига хўб мувофиқ тушади. Зероки, Зуҳранинг сурати қўлига чанг ва камонча[4] кўтарган париваш ўйинчи қиздирки, ҳуснга, санъатга, иқболнинг хурсандчилигига ишоратдир.

Паҳлавон Муҳаммад Сайид кулиб, яна чолни гапга солмоқчи экан, саройдан махсус мулозимлар етиб келишди. Улар амирларга хос бўлган «жуббаий тиллодўзи ва кулоҳ Наврузи»[5]ни Навоийга тақдим этишди. Навоий бўғчани ешиб, лоқайд ва камтарона табассум билан амирлик кийимини кийди. Дўстлар қувонч билан самимий табриклай бошладилар, ёлғиз барлос беклари, Маждиддин ва уларнинг кўланкасида юрадиган баъзи мансабдорларгина кўзларидаги ҳасад туйғусини яширишга тиришиб, қандайдир расмий мубҳам сўзлар билан чекландилар. Саройдан келганлардан бири қоғозни дастлаб бошидан юқори кўтариб, кейин таъзим билан Навоийга топширди, бу — «Абулғози Султон Ҳусайн Бойқаро — сўзимиз» деб бошланган расмий бир ёрлиғ эди, янги амир бу тантанали мажлисда биринчи мартаба ўз муҳрини босиши керак эди. Ҳамма жим, лекин ҳаяжонли. Барча кўзлар — турли маъно ва ҳисларни ифодалаган кўзлар — бошини бироз қуйи солиб, қандайдир паришондек, қисилгандек ўтирган Навоийда эди. Бекларнинг, мансабдорларнинг кўзлари, гўё кимдир ишора қилгандек бир онда учрашиб қолди. У кўзлар бир-бирининг ваҳимасидан чўчигандек, дарров ажралишди. Бир вақтлар кўрсатган хизматлари учун подшоҳ

---

[1] Қуёш.
[2] Ой.
[3] Зуҳра юлдузи.
[4] Мусиқий асбоби.
[5] У замонда амирларгина киядиган махсус тўн ва бош кийими.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қошида ўзини ўта эрка, жуда кучли сезган, ҳатто кўп ишларда унга бўйсунишга тихирлик этадиган мағрур Музаффар барлоснинг ҳам ранги ўчди. «Ажабо, бу шоир муҳурни барча амирлардан юқори босадими?»— деган андиша унинг борлиғини кемирмоқда экани бутун ғазиятидан барқ уриб турар эди. Мажддиддин унинг кўзини дуч келтириб, лабини жуда маънодор буриб қўйди.

Ҳар бир амир, бек ўз муҳрини давлатда ўз даражасига яраша маълум ўринга босиши керак эди. Навоий ёрлиққа ўз муҳрини босиши билан ҳамма бирдан хўрсиниб, бошларини кўтарди. Ҳамма фавқулодда ҳайрат ва ҳаяжон ичида қолди. Тиллар гўё сўзлашдан ожиз эди. Ҳамма бир-бирига қарайди, холос. Навоий ўз муҳрини ёрлиқнинг шундай бир жойига босган эдики, ҳеч бир амир Навоий муҳридан пастга муҳур босишга имкон тополмас эди![1] Шоирнинг юксак руҳи, камтаринлиги, олижаноблиги қаршисида Мажддиддин, барча беклар, мағрур мансабдорларнинг бошлари оғир юк остида қолган каби, узоқ вақт эгилди. Улар саросимали кўзларини қаерга яширишни билмай қолдилар.

Шоирлардан мавлоно Атоулло ҳам машҳур олим мавлоно Бурҳониддин бу муҳим воқеа муносабати билан ёзган «Тарих»ларини ўқиб бердилар. Улардан сўнг ўнлаб шоирлар Навоийга бағишланган қасидаларини баланд руҳ ва ҳаяжон билан ўқидилар, бу шарафли тарихий кунда шоирни табриклаш учун дўстлари, яқинлари, содда халқ вакиллари пайдарпай келиб туришди. Катта, қувончли, руҳли зиёфатдан сўнг, мажлис тарқалди.

## УНИНЧИ БОБ

### I

Жума намозидан кейин «Гавҳаршодбегим» мадрасаси сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Мадраса аҳлининг аксари кезиб келиш учун шаҳарга, ёки ёр-биродарлариникига кетган. Султонмурод ҳужрада ёлғиз ўтирар эди. У энди Хуросоннинг машҳур олимлари билан уч-

[1] Навоий дастлаб муҳур босган жой гўё табаррук бўлиб қолган. Бундан кейин амир бўлганлар ўз муҳурларини худди Навоий босган жойга босишни ўзлари учун шараф деб билганлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

рашади, илмий мунозараларда қатнашади. Ўз истеъдоди, билимларининг чуқурлиги билан кундан-кун кенгроқ танилди. Навоий билан тез кўришиб туради. Гарчи ундан дарс олгали бир кўп ёш «толиби илмлар» унинг этагига ёпишсалар ҳам, лекин бирон мадрасада, мударрис сифатида дарс бермоққа бошламаган эди. У мударрислик вазифасини орзу қилса-да, Ҳиротда олимлар кўплигидан, уларнинг орасида рақобат, ҳатто очиқ душманлик бўлганидан, Султонмурод орзуни амалга оширишга ошиқмас, ўттиз йиллаб, қирқ йиллаб дарсгўйлик этиб донг чиқарган ва қисман ўзининг муаллимлари бўлган улуғ чоллар билан курашмоққа жасорат қилмасди. Ҳиротнинг барча камбағал талабаларига ҳомийлик қилган Навоий унга алоҳида илтифот ва ёрдам кўрсатганидан, муҳтожликдан бутунлай қутулган эди.

Букун жимжит мадрасада, кичкина ҳужрада унинг қайғуси кўксига сиғмас эди. Унинг бутун вужудини то суякларига қадар Дилдорнинг ҳасрати зирқиратиб оғритар эди. Бир неча, бир неча дақиқагина кўргани у асира қизнинг ишқи кундан-кун кучли, кундан-кун бетоқат бир дард, бир олов, бир офат каби унинг юрагида ёнарди. Султонмурод у қизни абадиян қўлдан кетганлигига ишонади. Лекин унинг кўнгли ақл ва мантиқ сўзига қулоқ осмайди. Ишқ дардини тотли май каби симиришдан гўё лаззатланади, баъзан ҳасратдан бўғилиб, мажолсизланади. Унутиш учун ҳужрага қамалиб кеча-кундуз китоб мутолаа қилади. Ўнлаб китобни ҳазм қилгандан сўнг, яна ўз ишқининг аламли, туганмас достонига берилади...

Букун ҳам эртадан буён дилгирликдан ўзини овитиш учун бир неча марта китобларга мурожаат этди. Шўх, енгил ғазаллардан бошлаб, энг бош қотирувчи оғир масалаларга доир асарларни варақлади. Лекин бир оздан кейин яна ташлади, бирдан қалам ва қоғоз олиб Дилдорга хат ёза бошлади. Аламли сўзлар қоғоздан қоғозга тошди. Содда қишлоқ қизига ёзилган «Муҳаббатнома»ни турли шоирлардан ўнлаб гўзал байтлар, ишққа доир ўнлаб чуқур маъноли рубоиларнинг гавҳарлари билан безади. Бироз енгил тортинди. Кейин номани ўқиди. Кўзларидан қайноқ ёшлар томчилади: «Нима фойдаси бор? Бу сўзлар унинг қулоғига асло етишмайди! Ҳукмдор гулни ғижимлади, кейин бирор хушомадгўй мансаб-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дорнинг, ёки содиқ навкарнинг қучоғига улоқтирди!» Бир даста қоғозни — ҳар бир нуқтасида қалбининг қони учқунланган мактубни токчага ташлади-да, ҳолсизланиб ёстуққа бош қўйди.

Эшикдан куйлаб, шодлик билан Зайниддин кирди. Унинг кўзлари шира кайф билан сузиларди.

— Ассалом, ҳазрати олим!

— Кел, жонимнинг гулшани!— енгилланиб бошини кўтариб ўтирди Султонмурод.

Зайниддин ўз дўстига диққат билан кўз тикиб, унинг қаршисига — пўстакка ўтирди. У бир ҳафтадан буён ҳар кун гоҳ шоирлар, гоҳ хаттотлар, гоҳ ўзга Хуросон халқи билан турли мажлисларда вақт кечириб, ёр-ошноларидан хабар олгали букун йўлакай мадрасага кирган эди. У энди дарслари билан жуда сийрак машғул бўлиб, хаттотлик санъатида маҳоратини оширишга тиришар, мусиқий билан кўпроқ шуғулланар эди. Лекин чиройли ёзилган китобларни қадрловчи кишилар кўп бўлган Ҳиротда яхши хаттотлар ҳам оз эмасди. Зайниддин бу санъатда катта истеъдод кўрсата бошлаган бўлса ҳам, лекин раққосдай шўх, қушдай енгил бўлганидан, бир неча кунда қалин бир девонни ғалатсиз ва гўзал битадиган девкор, чидамли хаттотлар орасида обрў ҳам танга қозониш оғир эди. Зайниддин баъзи таниш шоирларнинг девонларини ёзар, баъзан китобфурушларнинг буюртмаси бўйича терма китобларни ёзиб берарди.

— Бетобмусен?— ташвишланиб сўради Зайниддин.

— Йўқ, фақат ғарибмен...— жавоб берди зўраки кулги билан Султонмурод.

— Дўстим, сенинг дилингда ҳасрат ва фироқ бор,— деди Зайниддин куюниб,— кўпдан буён сезамен. Ўз тилинг билан эътироф этишингни кутиб, сўрамаган эдим. Ичингдаги олов букун юзларингда алангаланмоқдадир. Яширмоқ беҳуда!

Султонмурод кўзларини ярим юмиб, аста хўрсинди. У дардини очмоққа қўрққандай тараддудланарди. Зайниддин дўстликни ўртага солиб, шикоятланиб қистагач, у қаддини бироз кўтариб, токчадан ҳалиги хатни олиб, дўстининг қўлига тутқизди.

— Тузалмас дардимнинг ғоят рангсиз таърифидир бу,— деди у бошини қуйи солиб.

Зайниддин саккиз варақ қоғозга ёзилган хатни диқ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қат билан ичида ўқий бошлади. Аста-аста қўллари қалтиради, юзларига ғам тошди. Хатни битиргандан кейин, ҳаяжон ва ачиниш билан дўстига қаради. У гўё беҳуш эди.

— Бу қандай хокисорлик!— койиниб гапирди Зайниддин.— Нега бу дардни у вақтда менга очмадинг?

— Тақдирнинг темир панжасини ёқамдан ажрата билармидинг?— деди бир он сукутдан кейин Султонмурод.

— Мумкин эди,— қатъият билан жавоб берди Зайниддин, мен у саҳро гўзалининг бўйнидан зулм домини[1] узиб ташламоққа қодир эдим. Тўғонбек у вақтларда оғир вазиятда қолган эди. Мен у жоҳилни ҳар мақомга йўрғалата олар эдим.

— Хайҳот!— хитоб қилди дард билан Султонмурод,— муҳаббатимнинг гули ўз ранг ва зиёсини илдизлари билан ҳасрат манбаидан олган экан! Қайғу косаси бутун умрга еткуликдир!

— Бу мактуб ошиқларнинг муқаддас китобчаси бўлибди,— деди Зайниддин қоғозларга тикилиб,— юбормоқ ниятидамисен?

— Иложи йўқ, ҳам бефойда!— жавоб берди Султонмурод.

Бу фикрни Зайниддин ҳам бошини қимирлатиб тасдиқлади. Яна уни койиди, ғазабланди, кейин ҳар икки дўст узоқ жим қолишди. Бу оғир ва ҳазин сукунат эди. Ниҳоят Султонмурод Ҳирот воқиалари ҳақида гапиришни сўради. Ҳар ҳил янги ва қизиқ воқиалар, фуқаро орасидами, юқори оқ суяклар муҳитидами, тезда Зайниддиннинг қулоғига етар эди. Бу воқиаларни у жуда усталик билан ҳикоя қилиб берарди. Султонмуродни кўпинча олимлар, шоирлар муҳитидаги янгиликлар қизиқтиришини билса ҳам, Зайниддин уни юпантирмоқ учун, бу гал жўрттага майда ва қизиқ ҳодисаларни айтмоққа қарор қилди.

— Рубъи маскунда[2] Ҳиротдек шаҳри азим йўқ, деб беҳуда айтмайдилар,— деди у ҳар вақтдагидек шўх услуб билан сўзламоққа тиришиб,— чунки бир ҳафта ичида рўй берган энг нодир ҳодисаларни нақл этмоққа умрим ҳам етишмас... Хўб, дарёдан бир қатра томизай:

---

[1] Зулм боғичини, тузоғини.
[2] Дунё маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шу кунларда шаҳримизда бир эшак пайдо бўлди. Унинг таърифида баъзи шоирларимиз рубоийлар ҳам битибдилар. Не бало эшак! Шамолдан тез, сувдан силлиқ югуради. Ем-хашак ўрнига кишмиш берилса хўр кетмас асло, дейдилар. Унинг баҳоси ҳозир минг тангага чиқибди. Мен ҳануз кўрмадим, аммо гувоҳлар бисёр...

— Демак, бу эшакнинг соҳиби Ҳазрат Исодан кўра хийла бахтли экан![1]— деди Султонмурод.

— Балли!— бошини қимирлатиб давом этди Зайниддин.— Тунов кун Бадиуззамон Мирзо ўз чортоқида[2] руҳафзо бир мажлис тартиб бермишдир. Жаҳоннинг нодирайи давронлари шўх суҳбат қурмишларки, ундай мажлис жаҳон яратилгандан буён на мағрибда, на машриқда ҳеч бир шаҳзодага муяссар бўлмагандир. Аҳли нағмадан[3] устод Қулмуҳаммад Удий, Шайх Ноий ҳозир экан. Шайх найда дилпазир бир мақомни ғоят гўзал чалибди. Устод Қулмуҳаммад бу мақомни ғижжакда чалмоққа ҳаракат қилибди. Аммо силлиқ чиқмабди. Қулмуҳаммад дебдики, ғижжак бузуқдир. Шайх Ноий дарҳол ғижжакни устод қўлидан олиб, у мақомни шундай маҳорат билан чалибдики, мажлис, аҳли завқдан фарёд кўтарибди.

— Шайхнинг найидан осмондаги юлдузлар эриб, қатра-қатра тўкулур, наинки одамзод боласи!— деди енгилланиб Султонмурод.— Аммо устод Қулмуҳаммаднинг ҳам маҳорати баланддир. У мусиқийда ижодчидир. Ахир, ғижжакка уч қилни ким тақди? Навоий жанобларининг завқлари, мусиқийдаги билимлари соясида улар ҳали кўп ажойиб нарсалар ихтиро қилурлар...

— Бу тўғрида баҳсга ҳожат йўқ,— деди Зайниддин.

— Сўзлай бер, сўзларинг сабодай кўнглим ғунчасини очмоқда!

— Танийсенми Мирзо Пиримни?— деди Зайниддин.

— Ҳусида ягона дерлар, аммо кўрмадим,— жавоб берди Султонмурод.

---

[1] Султонмурод бу ерда машҳур ҳикматли сўзга ишора қилади:

Илоҳи қорайсин фалакнинг юзи,
Жафо бирла жуфту, вафо бирла тоқ,
Исодек кишига бериб бир эшак,
Эшакдек кишига берур минг буроқ!

[2] Бино — кўшк.
[3] Мусиқичилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳусндан ташқари унинг яна кўп фазилатлари бор. Қонун чалмоқда ҳеч устод унинг ёвуғига йўлолмас. Мирзо Пирим шу даражада хушсуҳбат йигитки, бир дафъа суҳбатида бўлган одам, ўзга билан суҳбатни орзу қилмас. Қара, бу йигитни марҳум подшоҳ Абусайид Мирзонинг хотинларидан Руқиябегим ўз хизматига олган экан. Руқиябегим оғизда бирон тиши, сочида бирон тола қораси қолмаган аъжуба кампир... Бохусус бу кампир шўх базмлар ясаб, май ва мусиқий оламида яшайди. Пардасиз шеърлар ҳам айтади. Дерларки, унинг мажлисидан эркаклар ҳам шарманда бўлиб чиқарлар. Руқиябегим Мирзо Пиримга ошиқи беқарор бўлибди. Ўзига юз турлик зеб-оро бериб, муздан олов ёндирмоққа уринибди. Йигитлик ҳусни ва кўнгил ғururини ҳар нимадан юқори қўйган Мирзо Пирим у аъжубанинг нозишвасидан нафратланур. У маккоранинг панжасига тушмаслик мақсадида, Мирзо Пирим Ҳиротдан қочур, Балх, Астробод, Нишофур томонларида мусофир бўлиб яшар... Аччиғланган Руқиябегим кишилар юбориб, бечора йигитни шу кунларда Ҳиротга келтирибди. У дер эмишки, менинг уч юз минг тангамни Мирзо Пирим беҳуда сарф қилибди... Бу туҳматдан йигитнинг аҳволи бисёр танг. Оқибати не бўлур, билмаймен.

— Астаъфирулло!— ёқасини ушлади Султонмурод, Зайниддин, Руқиябегим ҳақида бир шоир тўқиган рубоини ўқиб берди. Рубои шундай беҳаё, бепарда ва Руқиябегимнинг сифатига шундай мос эдики, Султонмурод беихтиёр қаҳқаҳа уриб кулиб юборди. Зайниддин ҳам кулгидан намланган кўзларини даструмол билан артиб, даричадан ташқарига қаради. Ҳаво булутлигидан вақтни тайин қилолмай, Султонмуроддан сўради.

— Умид қилган эдимки, букун мен билан бўлурсен деб,— норозилик билан деди Султонмурод.— Сўзла, яна не гаплар бор?— Султонмурод дўстининг қўлидан ушлаб ўтқазиб қўйди.

— Хўб, яна бир нафас ўтирайин. Лекин мен қайга борсам, менга ҳамроҳ бўлурсен.

Султонмурод, кўрармиз, дегандай елкасини қисди.

Султонмуроднинг қистови билан Зайниддин яна кўп ҳангамалар, латифалар сўзлаб, ниҳоят ўрнидан турди.

— Тез бўл, исқарлот жомани кийгил, дасторни ўрагил!



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаерга?— қўзғалгуси келмай сўради Султонмурод.

— Умр бўйи кўксингда йиғилган ғуссаларни йўқотмоқчи бўлсанг, юрабер.

— Шўх, суронли суҳбатларга кўнгил мойил эмас. Сен бир нафас дилимга қувват бердинг, кифоя.

— Сенинг Дилдор гўзалинг ўзгаларга дилдорлик кўрсатмоқда. Тақдирга тан бер,— деди у қўллари билан танбеҳлаб,— сен уни унут! Мен сени, истасанг, Ҳиротнинг пари қизлари билан таништирамен. Ўн гулни ҳидлаб, бирини узасен!

— Кошки уни унутмоқ мумкин бўлса!— дард билан деди Султонмурод,— Дилдор гўзаллар самосининг офтобидир!

— У офтобни булутлар қоплаган!

Султонмуроднинг кўзларига яна ғам тошди. Зайниддин унга сўз кор қилмаслигини билиб, қўлидан тортди.

— Сен ҳали Ҳиротнинг хурсандчиликларидан хабарсиздирсен,— деди у куюниб,— кексалар айтадики, замонамиздаги Ҳирот ҳаёти амир Темир ва Улуғбек Мирзо давридаги Самарқанд ҳаётига ўхшамоқда... Юр, мен сени фоҳишалар базмига эмас, ажойиб бир жамиятга олиб борурмен: шатранж устодлари билан таништирурмен.

Султонмурод ўрнидан туриб, яқинда бир мулозим орқали Навоий юборган янги, қимматбаҳо шоҳи тўнни кийди. Қозиққа илинган саллани олиб, бошига ўраркан, деди:

— Бир вақтлар Самарқандда ҳатто Шайхулислом[1] ўз зиёфатларига париваш аёл созандаларни таклиф этар, май ичар, шатранж ўйнар экан. У ерда таҳсилда эканмен, у вақтки ҳаёт тўғрисида ажиб ҳикоялар эшитмишдим.

Мадраса ёнидаги майдонда қалин оломон Ҳиротнинг машҳур девонаси «мавлоно Дарвеш шам рез»ни қуршаган. Сочлари ўсиб елкасига тушган, кўзлари ёниқ, жулдур кийимли девонанинг шуҳрати баланд эди. Уни кўплар «каромат соҳиби», «азиз одам» деб ҳурмат қилсалар, бошқалар унинг гўзал латифалари, ҳикматли сўзлари, ўткир ҳажвлари учун севар эдилар. Девона баланд овоз билан чиройли ғазаллар ўқир, ахлоқий фикр-

---

[1] Хонлар замонида бутун диний ишларни бошқарувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар сўйлар, айни замонда бирдан ўткир латифа, ҳазилга ўтиб, ҳатто беадаб сўзларини очиқ гапириб, халқни қаттиқ кулдирар эди. Султонмурод билан Зайниддин девона атрофидаги ҳаяжонли халқ орқасида бир қанча вақт туриб, сўнгра жўнадилар. Улар «Қозаргоҳ»[1]нинг катта йўлига, «Чашмаи моҳиён»га борадиган йўлга тушишди. Йўлнинг ҳар икки томонида бир-бирига туташ боғчалар, кичик-кичик экин майдонлари, мевазорлар, чаманлар бор эди. Буларнинг ораларида, япроқлари тўкилган дарахтлар ўртасида, икки қабатли, чиройли нақшдор енгил кўшклар, бекларнинг, давлатмандларнинг мустаҳкам серҳашам иморатлари, фуқаронинг паст-баланд, эски-туски пахса уйлари кўринар, йўлда қатновчилар кўп эди. Шаробхоналарда шовқин: ўзбек, форс қўшиқлари янграрди. Бир фарсах келадиган «Қозаргоҳ» йўлининг ярмидан ўтганда, Зайниддин сўл ёқдаги маҳалла кўчасига қайрилди. Ҳар икки томонида оддий бир қабатли фуқаро уйлари чўзилган қинғир кўчанинг бошида ароба сиғадиган катта, бўёқли дарвозага киришди ва адил тизилган сарвлар бўйлаб, қиш мавсумида ҳам кўзга латиф кўринган катта боғни ўтишди. Ғиштдан ясалган, деворлари нақшли, бир қабатли янги бинога етганда, давлатмандларга хос равишда, пухта ва асл кийимлар кийган ёш йигитча кибрли табассум билан чиқиб қарши олди. Бу — шаҳарнинг катта мулкдорининг ўғли эди. Ҳирот бозорида аксар дўконларнинг эгаси бўлган отаси қайси бир вақтда, қандайдир бир шаҳзодани чорлаганда, дастурхонга турли-турли ҳалволардан минг тобоқ қўйиб шаҳзодани таажжублантирганни билан кўпроқ машҳур бўлган эди. Бойвачча баъзи ўлтиришларда учрашиб, суҳбати ёқиб қолган Зайниддин билан такаллуфсиз кўришар экан, Зайниддин, у яна Султонмуродга нисбатан такаббурлик кўрсатиб, илтифотсиз қолдирмасин, деган андиша билан дарров ўз дўстини тавсия қилди ҳам унинг олимлигини усталик билан мақтаб кетди. Султонмурод бойвачча билан бепарво кўришар экан, айни замонда қизариб, Зайниддиннинг мақтовларини ҳазилга айлантиришга тиришди. Бойвачча энди хуш муомала билан хона ичига бошлади.

Хитой асбоблари, Эрон ва Ҳиндистон ипаклик моллари ва нодир жиҳозлар билан бой безалган хонада

---

[1] Ҳиротда бир мавзининг номи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

одам кўп эди. Булар орасида Ҳиротнинг ҳали танилмаган бир неча ёш шоирлари, ипак ва зарбоб тўнли бекзодалар, давлатманд оилаларга мансуб олифта йигитлар ҳам бир кўп шатранж устодлари ва ҳаваскорлар ўтиришарди. Гоҳ подшоҳнинг янги солдираётган саройи «Боғи жаҳон оро» ҳақида, гоҳ Навоийнинг янги бир ғазали ва унга Хўжа Абдулло Марворий томонидан яратилган куй ҳақида, гоҳ Ислим барлоснинг шатранж ўйнаган вақтидаги қилиқлари тўғрисида сўз борарди. Ниҳоят, сабрсизлик билан кутилган вақт етди. Ўртага чор бурчак шол рўмол ёзилди. Унинг устига шатранж тахтаси ва бир чилдирма ҳам бир ихчам чиройли ханжар қўйилди. Отоқли устодлардан мавлоно Хўжа билан Амир Халил, бепарволик билан чордона қуриб, фил тишидан ишланган шатранж доналарини тахтага тера бошладилар. Уларнинг иккиси ҳам ўрта ёшли бўлишларига қарамай, ўспирин, шўх, танноз йигитлардай олифта кийинган эдилар. Одамлар кенг давра билан ўйинчиларни қуршади. Султонмурод Зайниддиннинг тиззасини туртиб, таажжубланган кўзлари билан ханжарга ва чилдирмага ишорат қилди. Зайниддин табассум билан унинг қулоғига шивирлади:

— Ўйин вақтида устодларга луқма ташлай кўрма!

Султонмуроднинг таажжуби яна ортди.

— Ўргатувчиларга гарчи ханжар урмасалар ҳам, лекин қаттиқ ранжийдилар...— таъкидлаб шивирлади Зайниддин.

— Чилдирма-чи? Баён қилсангчи!— яна туртди Султонмурод.

— Сабр қил, жоним, кўрурсен...

Ўйиннинг бошланғичи айтарли қизиқ бўлмаса-да, устодлар ўйнагани учун ҳамма кўзлар шатранж тахтасига қадалган эди. Лекин ўйин тез қизиб кетди. Амир Халил ҳужумга ўтди. Ҳаяжондан томошабинларнинг ранги ўчиб, кўзлари ёна бошлади. Мана амир Халил ўз рақибини чуқур тараддудга солиб, шошириб қўйгач, сезилар-сезилмас табассум билан атрофга мағрур кўз югуртди-да, бирдан хуш овоз билан шатранж ўйинининг наҳ ҳозирги ҳолатига доир бир байт ўқиди.

Томошабинларнинг ҳаяжони яна кучайди. Пайваста қошларининг ўртаси тугунчак ясаган мавлоно Хўжа оғир вазиятдан қутулиш учун ягона тўғри йўлни топди. Бутун фикри билан ўйинни таъқиб этиб турган Султон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мурод дўстига маънодор қараб, ўйинчига қойил қолганини билдирди. Мавлоно Хўжа ўйиннинг шу даражасини ва қутулишни моҳир тасвирлаган бир байтни ўқиди. Буни биринчи мартаба эшитганлар завқланиб, бир-бирларига пичирлаб, байтни такрорламоққа, ёдламоққа тиришдилар. Амир Халил қовоғини солиб, ўз юришини ўйлаб тураркан, мавлоно Хўжа ўрнидан ирғиб турди. Чилдирмани чалиб, катта уйни янгратиб юборди. Одамлар ўзларини орқага ташлаб, даврани кенгайтирдилар. Мавлоно Хўжа ўзи чилдирма чалиб, айни вақтда шундай чиройли рақс этдики, ўлтирганлар беихтиёр қичқиришиб юборишди. У ўткир кинояли ва бошқа одам томонидан такрорланиши имконсиз бўлган ҳаракатлар қилиб ўрнига ўтирди. Ўйин кескинлашиб кетди. Ҳар икки устод шатранж ҳақидаги байтлар, рубоиларни мўлроқ соча бошладилар. Бир донани ортиқ олгани энди рақсдан бошқа, шатранжга оид бир неча байт айтар эди.

Улар ёлғиз шатранждаги маҳоратни кўрсатиш учун эмас, балки шатранжга доир кўпроқ шеър билганликларини кўрсатиш ва уни ўз ўрнида айта олиш учун ҳам курашар эдилар. Томошабинларнингда аксари ўйиндан кўра кўпроқ шу томонга берилган ва шунинг учун йиғилган эди. Мана, амир Халилнинг қўли баландланган вақтда у чилдирма чалиб, шеър айтиб, мавлоно Хўжа қаршисига ўтирди. Шундай кинояли ҳаракатлар кўрсатдики, одамларнинг кулгидан ичаклари узилаёзди. Ниҳоят, ўйин дуранг билан тугади. Устодлар самимий табассум билан бир-бирларининг қўлларини сиқиб, ўринларига ўтирдилар. Ҳамма уларни қизғин табриклади.

Овқатдан кейин одамлар бирин-сирин тарқала бошлар экан, Султонмурод ўрнидан турди. Уй соҳиби ва бу ердаги баъзи дўстлари ёнида қолган Зайниддин билан хайрлашиб жўнади. Қош қорайганда мадраса эшигида хомуш ўтираркан, унинг қошига содда, қишлоқи йигит келди. Бу Арслонқул эди.

— Тақсир, Тўғонбек деганни танийсизми?— тортинчоқлиқ билан секингина сўради Арслонқул.

Султонмурод «танийман» деди-да, яна шубҳаланиб сўради: «Мен уни танишимни қаердан билдингиз?»

— Шу мадрасада баъзи танишлари бор эди, деб айтди одамлар. У ҳозир қаерда?

— Мақсадингиз нима? Тўғонбекни нима қиласиз?—



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнидан туриб қизиқиш билан сўради Султонмурод.

Арслонқул:

— Э, тақсир, қиссамиз жуда узун...— деди.

Султонмуроднинг қизиқиши ортди. «Узун қисса»ни тингламоққа вақти ҳам мусоида берар эди. Йигитни бошлаб ўз ҳужрасига олиб келди. Токчадан чақмоқ тошни топиб, уруна-уруна шам ёқди. Дам унга, дам қалин китобларга қараган Арслонқулга кулиб деди:

— Қулоғимиз сизда, бошлайверинг.

Арслонқул дастлаб ўз қишлоғи, тирикчилиги, севгиси тўғрисида сўзлаб, бирдан Дилдор номини тилга олиши билан Султонмуроднинг ранги бўз оқариб ичдан титроқ босди. Арслонқул ўз дарди билан ҳоврилиб, ерга қараб сўзлагани учун, олимдаги бу ўзгаришни сезмади. Мирзо Ёдгор воқиаси замонларида бир кечада номаълум одамлар томонидан олиб қочилган ёри ҳақида гапирар экан, Султонмурод унинг бутун азамат гавдасида қайғу барқ урганини фаҳмлади. Кейин Арслонқул Дилдорни Тўғонбек олиб қочганини эшитиб, уни қидириб Ҳиротга келгани, бу ерда тополмай, баъзи одамларнинг гумонича, қидириб Астрободга боргани, ундан Балхга ўтгани, йўлларда чеккан машаққатлари ҳақида сўзлади-да, уф тортиб бошини кўтарди.

— Тақсир, тобингиз қочдими шу топда?— сўради Султонмуродга тикилиб.

Бу савол қаршисида Султонмурод қаттиқ саросимада қолди. Бошини эгди. Томоғини бўғган дард билан қалтираб жавоб берди:

— Тўғри айтасиз, хастамен...

Арслонқул бир нафас сукут этди-да, ўрнидан қўзғаларкан, сўради:

— Тўғонбекнинг қаерда эканини билмайсиз шекилли?

— Ўтиринг, ўтиринг, сўзлашамиз, Тўғонбекни нима қиласиз?

— Мен у итни топиб, қиз қайда, тирикми, ўликми, ёки бирон ўзга юртга сотиб юборганми — билмоқ тилаймен. Қилган ёмонлиги учун мендан ёлғиз ёмонлик кўради, албатта.

— Тўғонбек кўп ойлардан буён изсиз йўқолган эди,— деди ўзини тутишга тиришиб Султонмурод.— Яқинда яна шаҳримизда кўриниб қолди. У давлатнинг улуғ одамлари билан жуда иноқ. Билмадим, ундан ўч



www.ziyouz.com kutubxonasi

олмоқдан бир манфаат чиқармикан... Лекин суйган қизинг унинг қўлида эмас.

— Яхши биласизми?— сўради кўз ёшлари билан Арслонқул.

— Биламен.

— Қизнинг ҳоли нима бўлганидан хабарингиз йўқми?

Султонмурод гўё боши ёрилиб кетаётган каби, қўллари билан пешонасини маҳкам сиқди. Хийла вақт сукут этиб, ўйлади. Ниҳоят, гарчи аччиғ бўлса ҳам, ҳақиқатни билдирмоққа қарор қилди:

— Қиз подшоҳга тортиқ қилинган...— деди у ичдан хўрсиниб.

Арслонқулнинг тусида қон асари қолмади. Кўзлари аллақандай тутунланиб кетди.

— Эй, шўр пешонам!— деди у титроқ, ҳазин овоз билан.— Дилдордан ҳамишалик айрилибмен-да... Биламен, эшитканмен, чиройли қизларни тортиқ қилиб, подшоҳдан катта амал оладилар! Хайр, вақти-соати келганда Тўғонбек билан ҳисоблашармиз!

Султонмурод ғамгин бир оҳанг билан сўзлаб, Арслонқулга таскин беришга тиришди, жабр-зулмни қарғади.

Арслонқул кетмоқ учун ўрнидан турди, Султонмурод уни эшиккача кузатиб, деди:

— Энди ошна бўлдик, йўқлаб турсанг, миннатдор бўлурмен.

Арслонқул ташаккур билдириб, қоронғуликда йўколди. Султонмурод шам олдида тиз чўкиб, бутунлай ҳушсиз ҳолда, кечинмаларига ботди, боши айланиб, кўз олди қоронғулашди. «Бу бегона йигит қаердан пайдо бўлди? Ким учраштирди? Нега у унинг Дилдорини севади?»— ҳозир рўй берган бутун воқиа аллақандай туш, хаёл, талваса бўлиб кўринди...

Қўшни ҳужра соҳиби кириб, унга мурожаат этганда, гарангланиб, телба кўзларини узоқ тикиб қолди. У, Навоийнинг ходимларидан бири намоз асрда келиб, уни таклиф этиб кетганлигини ва у оз қолса, унута ёзганини билдириб, тезроқ жўнашга ундади-да, чиқиб кетди. Султонмурод ўз аҳволининг паришонлигидан қўрқиб, боришга иккиланди. Лекин Навоий даъватини ерда қолдирмоқни гуноҳ ва адабсизлик ҳисоблаб ҳам унинг суҳбати билан кўнглини юпантирмоқ умидида ҳужра-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан чиқди-да, қоронғуда лой-пойга қарамасдан, илдам юриб кетди.

Шоирнинг одатда суҳбат қурадиган хонасига кирганда гап чортанг эди. Султонмурод кечиккани учун узр сўраб, ҳамма билан кўришди. Навоий унга ўз ёнидан жой берди. Ҳар хил таомлар, ширинликлар, яхши асралган анор, олма, ноклар билан тўла дастурхонга таклиф этди. Мажлисда бутун Хуросон ва ўзга мамлакатларга донғи кетган бир неча улуғ олимлар ҳам кўп вақт шоир билан бирга бўладиган шоир Шайхим Сухайлий, шоир Ҳофиз Ёрий, Ҳилолий, дарвеш табиатли қари Ҳасан Ардашер ва Навоий хизматида бўлган фазилатли баъзи мулозимлар бор эди.

Уйнинг олтин ҳалли «шамса»си[1], деворлардаги рангоранг нақшлар катта шамдонларда қўша-қўша ёнган мармар шамларнинг нурида очилиб, яшнаб шеър каби, мусиқий каби, ҳисларни, завқларни қаноатлантирар эди.

Мажлис аҳлининг аксари уч тилда — ўзбекча, форсча, арабча — қай бири қулай келса, баб-баравар, бемалол сўзлашардилар. Олимларнинг ҳаммаси деярлик ўз илмларидан ташқари яна бир кўп илмларни чуқур билар эди. Уларнинг орасида илм билан санъатни бирлаштирганлар, масалан, гўзал рақс этувчилар, мусиқийда куйлар яратганлар ингичка, моҳир наққошлар ҳам бор эди.

Навоий ўз одатига мувофиқ, меҳмонлардан қуйироқда ўтиради. У сокин, камтарин, муомилада нозик, лекин улуғсифат; бутун олимлар унинг маълумотининг жамики илмларда жуда чуқур эканига қойил бўлсалар, ҳар ерда тасдиқласалар ҳам, Навоий маълумотфурушлик этмас, илм соҳасида кўпроқ ўз нуқсонларидан гапиради. У ҳар кимнинг фикрини сабр ва диққат билан тинглайди.

Бирон масалада киши хато гапирса, киноя, пичинг қилмасдан, кўпинча: «Каминанинг назарида бу нуқтани шундай изоҳламоқ мумкин бўлса керак», деб хатони тўғриламоққа киришади.

Суҳбат ҳар ёқлама, мазмундор, мароқли давом этди. Суқротнинг[2] ахлоққа доир таълимоти, унинг инсоний

---

[1] Уйнинг шипига қуёш шаклида туширилган нақш.
[2] Қадим Юнон файласуфи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

фазилатлари, Арастунинг[1] асарлари, «Аносир арбаа»,[2] Ибни Синонинг[3] тибга доир назариялари, Улуғбекнинг «Зич»и[4], фиқиҳ масалалари ва ҳоказо устида жонли тортишувлар, фикр олишувлар бўлди.

Султонмурод шундай мажлислардан чиққан вақтда, учраган дўстларига, кулиб, кўпинча таассуротини шундай баён қиларди: «Фалсафа ва илмулмантиқдан бошлаб то туш таъбири ва илми ромга қадар[5] — ҳар бобда бағоят муфид[6] мунозара бўлди».

Мажлисга янги меҳмонлар келди. Булар Мавлоно Шаҳобиддин билан шоир мавлоно Биноий эди. Мавлоно Шаҳобиддин Хуросон олимлари орасида илмдан энг бенасиби, лекин энг мутакаббири. У илм дунёсига ёлғиз шаллақилик билан кирган. Биноий истеъдодли шоир, лекин руҳи фитна-фасодчи, тили аччиғ, ўжар, ҳаётда ҳалол-харомни фарқ қилмайдиган киши эди.

Мавлоно Шаҳобиддин ярқироқ тўнини ҳалпиллатиб, юқорига ўтди. Гўё шогирдларнинг ўлтиришига кириб қолган домладай, keккайиб ўтирди. Паст бўйли, кичик, лекин миқти гавдали, ботиқ кўзлари бесаранжом ўйнаган, пахмоқсоқол, пала-партиш кийинган мавлоно Биноий лабларидаги истеҳзоли кулги билан ҳаммага бир қараб қўйди-да, сохта бир камтарлик билан кичик қаддини бир оз букиб кўришди ва қуйига, тўғри келган жойга ўтира қолди. Навоий ҳаммага кўрсатган хуш муомиласи билан уни меҳмон қилишга тиришди. Биноий ҳам хийла вақтгача умумий гапга қулоқ солмасдан, саралаб-саралаб таом емоқ билан овора бўлди. Мавлоно Шаҳобиддин, аксинча, дастурхонга қиё боқмади. Гўё масалани охирда ёлғиз ўзи ешиб беришга ишонган одамдай, «чурқ» этмасдан, донишманд бир тур билан мунозарага қулоқ солди. Лекин мажлис янги-янги масалаларга ўтди. Мавлоно Шаҳобиддин лабини ҳам қимирлата олмади.

Шоирлар «илми бадиъ» ҳақида сўз очдилар. Кимдир мавлоно Лутфийнинг шўх-ўйноқ мусиқийли бир ға-

---

[1] Юнон файласуфи.
[2] Тўрт унсур: сув, ер, ҳаво, ўт.
[3] Абу Али Ибн Сино — машҳур Шарқ олими.
[4] Вақтни тайинловчи система.
[5] Фолбинлик.
[6] Фойдали.



www.ziyouz.com kutubxonasi

залидан баъзи байтларини ўқиб мақтай бошлади. Бошқа бири Навоийнинг бутун Ҳирот куйлайдиган бир ғазалини ва унинг куйини мақтади. Мавлоно Шаҳобиддин бу сўзлардан зериккандек, оғзини катта очиб, ҳомуза тортди.

— Билмадик, турки шеърнинг истиқболи не бўлур экан,— деди у энди оқ туша бошлаган кўркам соқолини серкиллатиб, кулиб,— ҳар ҳолда баъзи шуаронинг бу борадаги ҳаракатларида оз маъно кўрурмен... Сопалак тош билан Бадахшон лаъли ва ақиқи бошқа-бошқа нарсадир.

— Хайр, тақсир!— мурожаат этди унга дарвеш табиатли Ҳасан Ардашер.— Туркининг балоғат ва камолати мавлоно Лутфийнинг, хусусан Алишер жанобларининг ғазалиётида офтоб каби намоён бўлди. Бу янги сознинг сеҳрли садолари форсигўйларни филҳақиқат ҳайратга солмоқдадир. Завқ ва идрок соҳиби бу ҳақиқатни асло инкор қила олмағай.

— Фирдавсий ҳам Низомийларнинг[1] забони[2] асли зотида илҳом ва шеър учун яратилмишки, бу ҳақиқатга бутун тарих гувоҳдир, бутун жаҳон унга қойилдир. Бу даъво ҳеч вақт исбот талаб қилмас,— деди кеккайиб мавлоно Шаҳобиддин.

Мавлоно Биноийнинг ботиқ кўзларида киноя, нашъа ёниб кетди. У беўхшов ўралган, катта саллали бошини кўтарди.

— Улуғ зотлар,— деди у сўзни чертиб,— ҳаммаларингиз «Чорсув» орқасидаги бизнинг чапдаст темирчилар кўчасидан ўтгансизлар, уларнинг «тарақ-туруғи» қулоқларга мих қоққандан баттар азоб берур. Ўзбек ғазалларини тинглаганда ҳам айни азобни ҳис этурмен!

Ўзбек тилининг ашаддий душмани бўлган мавлоно Биноий ўзбек тили ва шеъри ҳақида сўз борганда ҳамиша шу равишда гапирадиган бўлгани учун, ҳам одамлар ундан яна дағалроқ, беҳаёроқ гап кутганларидан, аҳамиятсиз кулибгина қўйишди. Умуман бутун Хуросон, Мовароуннаҳр олимлари ва шоирлари каби, маж-

---

[1] Фирдавсий — улуғ Эрон шоири. «Шоҳнома»нинг автори. Низомий — улуғ Озарбайжон шоири, шеърларини форс тилида ёзган.

[2] Тил.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лисдагиларнинг ҳам ўндан тўққизи форсипарастлар эди. Улар учун ўзбек тили гўё қаламга ёт эди. Форс тилининг гўзаллиги, бойлиги, ширинлиги ҳақида эътиқод уларнинг қонларига сингиб кетганди. Ҳатто Навоий ғазалларини ҳар қандай улуғ форс шоириникидан юқори қўядиган ва Навоийнинг созида ўз она тилининг жонли, қудратли мусиқисини туйган Султонмурод ҳам қўлига ҳар вақт қалам оларкан, беихтиёр равишда форс ёки араб тилига мурожаат этарди.

Яқиндагина Ҳиротга келиб, ҳали Навоий асарлари билан яхши таниш бўлмаган олим мулло Модар Зодайй мулло Усмон, ҳамма кўзлардан ўзига «офарин!» қидириб жовдираган мавлоно Биноийга жирканиб қарадида, Навоийга мурожаат қилди:

— Алишер жаноблари, сиз зуллисонайнсиз[1], сиз учун Фонийми, Навоийми[2] дилбардир?

— Ҳақ сўзни айтсак,— деди Навоий жиддий, лекин ингичка табассум билан,— биз учун ўз тилимиз дилбардир, демак «Навоий» дилбардир.

— Не учун?— шошилиб сўради мулло Модар Зодайй мулло Усмон.

— «Фоний» гўзал, Фоний!— қичқириб қўйди мавлоно Биноий оғзидан овқатини сачратиб.

Навоий ўткир истеҳзо билан мавлоно Биноийга бир қараб қўйди-да, сўзида давом этди:

— Биз форс тилининг қудрат ва аҳамиятини, у тилдаги асарларнинг ҳусни ва салобатини ҳеч вақт инкор этмадик. То гўдакликдан бошлаб форс тилида ҳам қалам сурмоқдамиз. Аммо тилимизнинг афзаллиги биз учун улуғ ҳақиқатдир. Биз гўдакликда бу ҳақиқатнинг ишқини кўнглимизга жо қилганмиз, ўлганимизгача бу ишқни сақлаймиз! Шаҳарларни, қишлоқларни, саҳро ва тоғларни тўлдирган эл-улусимиз, уруғ-аймоғимиз бор, унинг ўз завқи, фаҳм-идроки бор. Биз элимизнинг завқини, табиатини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, унинг кўнгли фикр гуллари билан тўлсин. Туркона соз билан тараннум этайликки, элнинг юраги мавжга келсин. Сўз гулшанида ўзга эллар қаторида бизнинг элимиз ҳам баҳраманд бўлсин. Форс

---

[1] Икки тилли. Икки тилда шеър ёзувчи.

[2] Навоий ўзбек тилида ёзган асарлари учун «Навоий» тахаллусини, форсичада ёзганлари учун «Фоний» тахаллусини қўллаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ашъори элимизнинг завқи учун бегонароқдир. Энди оталаримиз, боболаримиз, эналаримиз тилига назар солсак, унинг форсдан бағоят баланд даражада экани бир ҳақиқатдир. Қадим шуароси бу тилни татаббу этмабдур. Тилимизда дақойиқ[1] кўп. Аммо бу кунгача ҳеч киши унинг ҳақиқатига назар ташламабдир. Афсуски, юлдузлардан ёруғроқ гавҳарлари яширин қолиб, балки, унутилиш даражасига етибдур. Элимизнинг шоир йигитлари осон йўлни кўзлаб, ёлғиз форс тили билан тараннум этдилар. Тилимизда нозик маъноларни, руҳнинг бутун жилваларини ифода қилғучи сўзлар ва шакллар шундай кўпдирки, форсида уларнинг бири ҳам топилмас, форсигўйлар фасоҳат даъвоси билан қанчалик лоф урмасинлар, бизнинг тилнинг вусъати[2], ҳусни зангинлиги[3] олдида сўз айтишдан ожиз қолурлар.

Навоий катта фахр билан, руҳланиш ва дард билан сўзлади. Гапини битиргандан сўнг ҳам кўп кишилар, сўзнинг давомини кутган каби, ундан кўз узмай, маҳлиё бўлиб турдилар. Форсипарастларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди. Ҳатто тили ҳамиша қайроғлик бўладиган мавлоно Биноий нақ лабида тутиб турган янги бир аскияни айтишга ботинмай қолди. Форсипарастлар форс тилининг ширинлигини худди шу тилда болаликдаёқ ажойиб шеърлар айтган Навоийга мадҳ этадиларми!

Дарвешона хаёлчан, сокин, юмшоқ Ҳасан Ардашер Навоийнинг фикрларини қувватлади. Кейин Султонмурод ўзбек тилидаги шеърларнинг ранг, маъно ва хаёл ингичкалиги ва ҳоказо жиҳатдан улуғ форс шоирларининг асарларидан тубан эмаслиги ҳақида гапириб, бир неча намуналарда исбот этмоққа тиришди.

— Букунги форс шеърларининг,— деди Султонмурод охирда,— улуғ устоди мавлоно Жомий ҳазратларининг муборак кўнгилларини ўзбек шеъри асир этмоқдадир. У жанобнинг фикрлари, завқлари, илтифотлари — тилимизнинг ғалабасидир!

Мажлисни мунозишачиликдан[4] қутқариб, дўстона руҳлантириш учун Навоий жуда усталик билан суҳбат мавзуини ўзгартиб юборди.

---

[1] Ингичка маънолар.
[2] Кенглиги.
[3] Бойлиги.
[4] Баҳслашув, мубоҳаса қилув.



www.ziyouz.com kutubxonasi

У сохта бир қаландар ҳақида жуда мазмунли, мароқли бир ҳикояча айтиб берди. Навоий беҳисоб кўп ҳикоялар билар эди. Кундалик ҳаёт воқиаларидан ажойиб латифалар, ибратли ҳикоялар тўқий берарди, ҳам уларни шундай жонли, шундай илиқ айтиб берар эдиким, ҳар ким зўр мароқ билан тинглар эди.

Мударрис Мавлоно Фасиҳиддин суфиёна, маънидор бир ҳикояча сўйлади. Тиб олими эса Ибни Сино тўғрисидаги афсоналардан бирини айтди. Султонмурод Искандар Зулқарнайн тўғрисида латифа сўйлади. Бу — Навоийга жуда мақбул бўлди. Бир-биридан қизиқ, бир-биридан рангдор латифалар, ҳикоялар ёғилди. Латифа латифага, қаҳқаҳа қаҳқаҳага уланди.

Нақ ярим кечада, одамлар уй-уйларига тарқаларкан, Навоий Султонмуродни тўхтатди.

— Мен сизга бирон мадрасада дарс айтмоқликни таклиф қилурмен, не дейсиз?

Султонмурод жавоб беришга қийналиб қолди.

— Ҳали вақти келмагандир...— деди иккиланиб.

— Ҳиротнинг энг пешқадам ва истеъдодли толиби илмлари сиздан дарс олмоқни орзу қиладилар.

— Сиз лозим билсангиз у тақдирда эътирозим йўқ,— деди ерга қараб Султонмурод.

— Хўп, бу яхши иш бўлди, деди қувониб Навоий.— Икки-уч кун мобайнида тайин қилурмиз. Ёлғиз айтар сўзим шуки вазифангизга тамом ихлос билан киришкайсиз, шогирдларингизнинг кўнглига маърифат ишқини солғайсиз, мол-давлат учун илмингизни сотмангиз. Инсон учун кўнгилнинг софлиги, бойлиги керак. Гулнинг тўни қирқ парча бўлса ҳам, у гулдир! Илмни халққа берингиз, татаббу ва тафаккур билан илмни кенгайтирмоққа ҳаракат қилингиз! Илм кўмиғлиқ хазина эмас, жонли дарахтдир, ўсмоғи, гулламоғи, мева бермоғи керак!

— Бу камина ҳам ёлғиз шу орзулар билан яшайди,— деди Султонмурод ҳаяжонланиб.

— Хайр кўришгунча!

Султонмурод қоронғу тунда, қанотлангандай, мадрасага учди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# II

Навоий эрталабки намоздан кейин баъзи яқинлари билан бирга нонушта қилди. Унинг турли юмушларини, топшириқларини бажарувчи мулозимларни қабул этиб, уларга кенгаш берди-да, «Боғ зоғон»га жўнади. Қишки «Боғ зоғон» булутлар орасида мўралаган қуёшнинг совуқ нурларида чаманзорларининг, хиёбонларининг сўник ҳазин ҳусни ва катта ховузларининг юпқа кўкимтир муз ойнаси билан кўзларни беихтиёр тортар эди. Навоий «чил устунли» кошонага келиб, зарбоф тўнли, мағрур «эшик оғо»га[1] подшоҳ ҳузурига кирмоқ истаганини билдирди. «Эшик оғо» бир зумда кўздан ғойиб бўлиб, анча кутдириб чиқди-да, катта тўгарак даҳлизга қараган зарҳал эшиклардан бирига ишорат қилди. Бу — деворлари гулдор тўқ қизил шоҳи билан қопланган кичикроқ, чорбурчак хона эди. Навоий қат-қат заррин тўшаклар устида сусор пўстин кийиб ўтирган Ҳусайн Бойқарога расмий таъзим қилиб ўтирди. Бир неча кундан буён учрашмагани учун, бу вақт орасида қилган муҳим мамлакат ишлари ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳусайн Бойқаро Ироқдаги сиёсий аҳволлар ҳақида гапирди. Навоий бу ўлкага ҳушёр одамлардан юбориб, улар орқали бутун вазиятдан огоҳ бўлиб туриш мумкинлигини баён қилди. Бу таклиф Ҳусайн Бойқарога маъқул тушди. Кейин у яқинда вафот этган Ҳирот қозисининг ўрнига киши тайинлаш тўғрисида кенгашди. Навоий бу мансабнинг халқ ишида муҳим аҳамиятини биларди. Шунинг учун у шариатни чуқур билган ҳам халқ орасида яхшилик билан ном чиқарган бир неча олимларнинг исмларини ўртага солди.

— Бу мансаб соҳиби,— деди Навоий кулиб,— оқни қора демасин, порахўр бўлмасин, ҳатто ўз ўғлидан гуноҳ содир бўлса, уни қонун-қоидага тамом мувофиқ жазолагучи бўлсин!

Ҳусайн Бойқаро бу тавсия этилган кишилардан бирини ҳам суриштирмади-да, «яна ўйлаб кўрурмиз» деди.

Навоий вазирлар тўғрисида сўз очди. Киришдан мақсади ҳам зотан шу эди. Давлат ишларини тартибга солмоқ учун ишбиларманд вазирларга эҳтиёж бор эди. Мавжуд икки вазир — Хўжа Ато ҳам Абдулхолиқ —

---

[1] Сарой мулозими.



www.ziyouz.com kutubxonasi

девондаги ишларни бошқариб улгурмас эдилар. Навоий Хўжа Афзални бу мансабга лойиқ билар, кўпдан буён подшоҳга уни тавсия қилар эди. Бу гал Хўжа Афзал масаласини қатъий бир ёғлиқ қилмоқчи бўлди.

— Низомулмулк Ҳавофий бу олий мансабга бағоят мувофиқ эмасми?— синовчи кўзлари билан Навоийга тикилди Ҳусайн Бойқаро.

— Бу мансабга ҳеч ким Хўжа Афзал қадар муносиб тушмас!

— У тақдирда ҳар иккисини ҳам вазирлик унвони билан сарафроз қилурмиз,— қатъий қилиб деди подшоҳ,— Низомулмулкнинг улуғ фазилатлари менга яхши аёндир.

Навоий учун эътирозга йўл қолмаган эди. Шу вақтда парвоначи Маждиддин қоғоз, қалам, давот кўтарган уч-тўрт муншилар[1] билан кирди. Булар Бойқаронинг турли ишлари ҳақида буйруқларини, ёки мактубларини ёзиб олишлари керак эди. Навоий рухсат сўраб ташқари чиқди.

Маждиддин ўз муншилари билан икки соат қадар подшоҳ ҳузурида ишлади. Ёрлиқлар, мактублар қаламга олингандан кейин, муншиларга ижозат берилди. Маждиддин подшоҳга вафодор ит сингари қараб, мурожаат этди:

— Офтоби олам, шаҳар қозиси мансаби учун муборак кўзингиз қайси бахтиёрга тушди.

— Ҳануз ҳеч кишига.

— Бу фақир қулингиз хоқон хазратларининг беҳишт осо[2] пойтахтларининг шарафига муносиб бир донишмандни таклиф этмоқ истайди.

— Ким экан?— қизиқиб сўради Ҳусайн Бойқаро.

— Хуросон олимларининг саромади[3] мавлоно Шаҳобиддин,— жавоб берди парвоначи.

Ҳусайн Бойқаро таажжубланиб, қошларини маънодор чимирди.

— Хуросоннинг улуғ олимларини яхши билурмен, аммо Шаҳобиддин деган зот хотиримда йўқ.

— Балки хотири шарифларидан чиққандир,— деди Маждиддин,— сўнгра мавлоно Шаҳобиддин ғоят камтарин ва ҳокисордир.

[1] Котиблар.
[2] Жаннатга ўхшаш.
[3] Олдингиси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн Бойқаро орқасидаги даричадан боққа бир қараб, кўзларини юмиб сукут қилди. Мажддиддин ўз дўстини мақтаб кетди. Олимлар орасида жоҳиллиги билан танилган мавлоно Шаҳобиддиннн «замонанинг Афлотуни» деб таърифлади. Бир вақтлар Абу Саид Мирзо даврида ўн минг динорлик вақф мулкини еб қўйиб, шарманда бўлган эски қаллобни «инсоф, адолат, виждоннинг тимсоли мужассами» деб кўрсатди. Агар подшоҳ, унинг сўзларидан зарра қадар гумонсираса, бу одам тўғрисида Амир Мўғулнинг ва Музаффар барлос, Муҳаммад Бурундуқ барлосларнинг раъйини билиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Ҳусайн Бойқаро кўзларини очди. Мавлоно Шаҳобиддиннинг насаби ҳақида сўради. Унинг боболари ўртасида донгдор аъёнлар кўп ўтганидан, Мажддиддин бу тўғрида лоф уришни зарур билмади. Ҳусайн Бойқаро жуда қизиқди. Агар барлослар ҳам мувофиқ топсалар, уни қози таин этмоқни ваъда берди-да, парвоначини бирга олиб, ҳамсуҳбатлари билан бўладиган ҳар кунги чоғир базмига ошиқди.

Алишер Навоий девонхонага келди. Бир-бирига ёпишган қатор кенг хоналарда девонбошилар ва турли даражадаги амалдорлар ўзаро гап сотиб вазифаларини хушёқмаслик билан бажарардилар. Ҳар хонада бешлаб, ўнлаб муншилар, нависандалар совуқдан қўлларини пуфлаб-пуфлаб энгашиб ёзув ёзардилар. Ҳар бири маълум вазифани олиб борувчи девонбеклардан кўпининг ўрни бўш турарди. Навоий қовоғини солди: «Албатта шаробхўрлик билан машғуллар, бетавфиқлар!»— қарғади ичида. У ҳар бир аркони давлат[1] ҳар кун девонда ҳозир бўлиб, фуқаро иши билан шуғулланиши ва букун битадиган ишни эртага қолдирмаслигини подшоҳга қанча дафъа тушунтирди! «Тафтиш йўқ, тергов йўқ, шунинг учун масъулият ҳам йўқ!»— деди ичида.

Дастлаб туман ва кентларга доир ишларни кўздан кечирди. Ариза ва шикоятларни тегишли маҳкамалар ва уларнинг бошлиқларига топшириб, илдам ҳал этишни талаб қилди. Оддий халқдан ва ҳар нав юмуш ҳам талаб билан келган амалдорлардан кўп кишини қабул этди. Кейин садрлардан[2] бир нечасини йиғиб, вақф иш-

---

[1] Давлат арбоблари.
[2] Вақф ва диний ишларни бошқарувчи маъмурлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларининг аҳволи ҳақида маълумот олди, ҳам вақф мулкларини таъмир этиш[1] ва ортиқча маблағларни янги иншоотлар учун сарф этиш тўғрисида узоқ суҳбатлашди. Пешиндан кейин, уйга қайтиш олдида, Султонмуродни эслади. Шайхулисломга хат ёзиб, ёш олимни «Шоҳрух мадрасасига мударрис тайинламоқни, агар маош масаласини ҳал қилишда мушкилот чекилса, маошни ўз маблағидан тўлашга рози эканини» билдирди-да, мулозимдан бериб юборди.

Уйга қайтганда ҳам бир муддат тиним олишга имкон топмади. Турли табақага мансуб ўнлаб киши унга мурожаат этди. Ҳар қайсисининг ўзига яраша шикояти, талаби, ўтинчи бор.

Оқшом емоғидан сўнг шам олдида ўтирди, қоғоз, қалам олиб илҳомига берилди. Бир ғазал, бир «туюқ» ёзди, «туюқ»дан хурсанд бўлди. Бунда она тили бойлигининг ва имкониятининг бир жилвасини кўрди. Вақт бутунлай сезилмасдан ўтди, қўрада хизматкорларнинг юришлари, товушлари тинди. Дарича орқали Ҳирот хўрозларининг иккинчи қатла қичқирган садолари унинг қулоқларига туюлди. Ешинди, шамни пуфлади, хизматкор тўшаб қўйган ўринга кирди...

Эрталаб Мирак Наққош келди. Навоий «Бинафша боғ» даги ёзги кўшкка нақш ишлатиш тўғрисида гаплашмоқ учун уни чақиртирган эди. Мирак Наққош Ҳиротдаги юзларча наққошлар орасида энг олдингиларидан эди. Ҳиротда баъзи иморатларнинг ғоят нафис нақшлари унинг ижоди эди. Унда қидирувчи фикр бор эди. У бошқа соҳаларда ҳам ғалати нарсалар ихтиро этишга уринарди.

Мирак Наққош гап орасида ўзининг фавқулодда истеъдодга эга бўлган бир шогирдини эслатиб ўтди, унинг наққошликдан кўра расмга кўнгли мойиллиги ҳам ажойиб расмлар ишлай бошлаганини устоднинг самимий ғурури билан айтгач, Навоий жуда қизиқди. Бошқа гапларни йиғиштириб, уни суриштира бошлади.

— Бизнинг Камолиддин Беҳзод ҳиротлик етим бола эди,— деди Мирак Наққош,— раҳмим келди. Менинг санъатимдан ўзга шогирдларим қаторида, баҳраманд бўлса, етим бола учун тирикчилик йўли очилур, деган

---

[1] Ремонт қилмоқ, тузатмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

андиша билан уни шогирдликка олдим. Зеҳни беҳад баланд, қўли олтин экан. Санъатда жуда тез илгарилаб кетди.

— Юринг, махдум, бизни олиб боринг,— ўрнидан қўзғалди Навоий,— шогирдингиз билан бизни таништиринг. Тасвир санъатининг ҳақиқий устодлари бизда йўқ демоқ мумкин!

Мирак Наққош Навоийнинг санъат аҳлига бўлган чуқур муҳаббатини, ғамхўрлигини билса-да, ҳайрон бўлиб, ўжарлик ҳам санъаткорларга хос ғururни ифодалаган кўзларини катта очиб шоирга қаради. Навоий норозиланиб сўради:

— Деганларингиз чин сўзми?

— Жаноблари каминани ёлғончи деб эшитканмидилар?

— Ундай бўлса, не учун тараддудланурсиз?

Мирак Наққош учи узун тақясини юқори суриб, бошини қашиди.

— Хўб, таништирмоққа тайёрмен,— деди у кулиб,— лекин жанобларини овора қилмоққа ҳожат йўқ. Камолиддин Беҳзодни мен ўзим келтирурмен. Сизни зиёрат қилмоқ унинг учун улуғ бахтдир.

Навоий букун кечга яқин уни олиб келишини илтимос қилди. Кейин «Бинафша боғ» кўшкининг нақши ҳақида сўзлашди.

Навоий девонга бориб ҳар кунги вазифасини бажарди. Хўжа Афзални олий фармон билан табриклади, лекин ундан мавлоно Шаҳобиддиннинг шаҳар қозиси қилиб тайинланганини эшитди. Кутилмаган хабар уни қаттиқ ғазаблантирди. Бу воқианинг тагини суриштиришга ҳам тоқати қолмади. Девондан чиқди. Отга миниб Ҳусайн Бойқаро қурдираётган «Боғи жаҳон оро»даги саройлар, кўшкларнинг ички безакларини томоша қилди. Намозасрга яқин уйга қайтганда, Мирак Наққош ўз шогирди билан кутиб ўтирарди. Навоий Камолиддин Беҳзод билан улуғ оғодек самимий меҳрибонлик билан кўришди. Ёш рассом узун бўйли, ингичка гавдасида нозиклик билан пишиқлик гўзал бириккан, ўн беш-ўн олти яшар ўспиринча эди. Унинг фикр, илҳом балқиб турган қора кўзларида уятчанлик ва тоза, улуғ руҳга хос қандайдир маъсумлик жилваланарди. Наққошнинг олача



www.ziyouz.com kutubxonasi

тўнли шогирди донгдор шоир ҳам давлатнинг улуғ одами қаршисида қизарди.

Навоий уларни ўз хонасига олиб кирди. Мирак Наққош эскигина жуздонини очиб, шогирдининг айрим, махсус қоғозларга солинган расмларини шоирга бир-бир тақдим эта бошлади. Навоий биринчи варақни қўлига олиб, бир лаҳза диққат билан тикилди-да, Мирак Наққошга маънодор қараб қўйди. Кўзларини сузиб яна тикилди. Кўзларини узоқ вақт узмади. Мирак Наққошнинг таърифича, қўли олтин боланинг чизгани живир-живир гуллар, барглар, чизиқлар нозиклиги, жонлилиги, бемисл шеърияти билан гўё унинг кўзларини, руҳини сеҳрлаган эди. Бўёқларнинг нафис оҳанги тонг чоғи тоза зангори уфқларга тарам-тарам югурган нурлардаги каби, бениҳоят нозик товланар эди! Навоий ором ва ҳаяжон билан чуқур нафас олди. Иккинчи расмни кўрди. Айни руҳ, лекин яна бойроқ, яна нафисроқ... Мана ов тасвири. Оҳулар гўё қоғоздан сакраб ўйноқлаб кетаётгандай туюлади. Бунда ҳар бир нуқта кўз каби жонли. Навоий ўнга яқин расмни бениҳоят тўла завқ билан томоша қилди.

Камолиддин Беҳзод ички бир ҳаяжон билан бошини қуйи солиб ўтирар, баъзан бир зумгина Навоийга кўз қирини ташлаб қўярди. Мирак Наққош аксари унинг ўз кўзи олдида яратилган бу расмларни гўё илк дафъа кўргандек, завқланиб томоша қилар, Навоий билан фикр олишувга тиришар эди. Ниҳоят, шоир кўзларида ёнган қувонч билан ёш рассомни табриклади:

— Бу кўҳна жаҳон,— деди у шавқ билан,— сизнингдек санъаткорни ҳануз кўрмаган эди. Қаламингизнинг ҳусни ҳар қандай таърифдан бениҳоят баланддир. Бу камолотни яна олийлаштирмоқ йўлида самимий ҳаракат қилингиз.

Камолиддин Беҳзоднинг юзи аллақандай ёруғланиб кетди, титрак лаблар билан деди:

— Улуғ илтифотингиз учун не тил билан ташаккур этмоқни билмаймен, бу тасвирлар шогирдбаччангизнинг машқларидир, қаламим устодларнинг таълимига ғоят муҳтождир.

— Таълим олмоқдан ҳеч вақт юз ўгирмангиз!— деди Навоий.

Шоир намозшомдан кейин Мирак Наққошни ва унинг ажойиб шогирдини зиёфат қилди. Овқат устида



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳиротдаги ўзга рассомлар ҳақида сўзлашдилар. Дастурхон йиғиштирилгандан сўнг, Навоий яна Беҳзод расмларини шам нурида қарай бошлади. Ҳар бир чизиғига, бўёқларнинг энг ингичка товланишларига қадар қаттиқ диққат қилди. Расм санъатини чуқур тушунган ва чуқур завқ соҳиби одамлар кўра оладиган баъзи нуқсонларни Беҳзодга кўрсатди. Унинг қаламининг қудрати ва шу давргача ҳеч кўрилмаган нафосати нимада эканини изоҳ қилишга тиришди. Беҳзод Навоийни ёлғиз шоир деб биларди. Расм ҳақидаги фикрларининг тўғрилиги уни жуда таажжублантирди. Шоирнинг ҳар бир сўзини тагтуги билан уқиб олишга интилди.

Вақт алла-палла бўлганда наққош билан ёш рассом жўнаркан, Навоий Беҳзодга қалин ошна бўлганини билдирди ва ҳар вақт келиб уни қувонтиришини илтимос қилди. Кейин ҳовлидан Мирак Наққошни бир нафасга чақириб, даҳлизда шивирлади:

— Эртага албатта менинг қошимга келинг!

— Хўш!— деди наққош.

— Бу фавқулодда истеъдод нимага муҳтож, уни тарбияламоқ учун нималар қилмоқлигимиз керак,— буларни батафсил муҳокама қилурмиз,— деди Навоий.

— Ғоят маъқул фикр, кечга албатта келурмен.— Қувонч билан ҳовлига отилди Мирак Наққош.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

### I

Ҳарам доираси[1] букун шовқин-суронсиз эди. Подшоҳнинг бир-бирига яқин, лекин айрим-айрим саройларда яшаган хотинлари шоҳ хонадонига мансуб бир шаҳзоданинг тўйига кетишган эди. Аксар қизлар — канизаклар султоннинг севикли хотини Хадичабегимни кузатиб боргани учун «Боғи сафид»да, агар оқсочлар ҳисобга олинмаса, йигирма чоқли аёл қолган эди.

Баҳорнинг гуллаган чоғи... Баланд ва дилбар қомат сарв оғочлари, кўркам мевазорлар, турли-туман гуллар билан яшнаган кенг чаманзорлар ичида катта-кичик кўшклар аллақандай хаёлий манзара ясайди. Қуёшда кўшкларнинг нақшлари худди жонли чаманлар билан

[1] Подшоҳнинг хотинлари яшайдиган бино.



www.ziyouz.com kutubxonasi

рақобат қилишгандай, ҳавони рангли шуълалар мавжи билан тўлдиради. Узоқдан, шабада енгил титратган дарахтлар орасидан боққан киши, кўшк деворларини гулзорнинг давоми деб ўйлайди...

Ўзини касалликка солиб, Ҳадичабегимнинг букунги тантанали чиқишидан қолган Дилдор икки ошёнлик енгил бинонинг пастки қабатидаги хонада, очиқ даричанинг олдида танҳо ўтирарди. Юраги сиқилгандай, қандайдир дардли ноз ва фироқ туйғулари билан керишди.

Подшоҳга хушомадгўй Мажддиддин парвоначи томонидан бир вақтлар саройга тортиқ этилган Дилдор ҳашаматли, безакли ҳаётда, эртаклардагина эшитган зиёфатлар, базмлар, ҳангамалар орасида ётсираниб, ўксиниб, бир зумгина чинакам очилмай яшар эди.

Шундай аёллар бўладики, улар ишқни эътиқод каби муқаддас тутадилар. Бу аёллар кўнгилнинг эзгу орзуси учун, фақир йигитнинг хароб кулбасини шоҳона саройлардан ортиқ кўрадилар. Увада кийимли содда чўпонни шаҳзодаларга алишмайдилар. Улар бутун борлиқлари билан бир мақсадга интиладилар. Агар мақсад муяссар бўлмаса, унинг дардини бутун умр ўзларига ҳамшира қиладилар. Дилдор шундайлардан эди. Безак, май, мусиқий, фахш, ғийбат мавжлари билан қайнаган ҳаёт унинг кўнглидаги тоза севгини бўғмаган эди.

Мажддиддиннинг даргоҳидан Дилдорни саройнинг махсус ходимлари бир оқшом олиб келиб, гўзал, ясоғлик бир хонага киргизишди. Дилдор уйнинг ҳашаматидан, атрофини ўраган ўз тенги бир тўда қизларнинг муомиласидан чўчиди: «Бир чўрига шунча дахмаза! Йўқ, бунда бошқа бир сир бўлмасин тағин...» Мажддиддиннинг уйидагилар Дилдорни энг қимматбаҳо кийимларга чулғаб узатган бўлсалар ҳам, бу ерда қизлар уни ешинтириб, янги саруполар кийдирдилар. Бошига кашмири шолни ғалати — сатангча қилиб ўрадилар. Билакларига олтин ҳалқалар, бармоқларига олов тошли узуклар тақдилар. Кейин уни қат-қат шоҳи кўрпачаларга ўтқазиб, олдига дастурхон ёздилар. Кетма-кет тортилган турли таомлардан, ширинликлардан Дилдор, гўё ўлим ҳукмини кутганлардек, бўғилиб, оғзига тариқча ҳам солмади.

Қизлар бир-бирлари билан пичирлашиб, дастурхонни йиғиб чиқиб кетганда, вақт алла-палла бўлган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирдан эшик очилиб аёл кирди. Дилдор чўчиб ялт этиб қаради. Аёл олтмиш ёшларда бўлган, чувак юзи, торгина пешонаси чуқур ажин билан қопланган, лекин ўрта ёшли танноз хотинлардай ясанган-тусанган эди. Дилдор ҳали қизлар ўзаро гаплашганда, қандайдир қўрқув ва эҳтиром билан: «Гулчеҳрабибим ўзлари шундай буюрдилар», ёки сирли товуш билан секингина: «Гулчеҳрабибим чақирадилар» деб ёдлаган аёллари шу бўлса керак, деб тусмол билан ихтиёрсиз равишда, ўрнидан турди. Кампир яқин келиб, тажрибакор қараш билан қизни бошдан оёқ-назардан ўтказди. Унинг кашмири рўмолини қўл учи билан тузатиб қўйди.

— Отингиз нима?— сўради кампир сохта мулойимлик билан.

— Дилдор,— ерга қараб, секин жавоб берди қиз.

— Даладанмисиз?

— Ҳа.

— Отингиз яхшигина, аммо ҳуснингизча кўркам эмас,— кулиб деди кампир,— энди биров отингизни сўраса, Дилдорхонбегим дейингиз, ўтиринг, жоним.

Дилдор билан кампир қаршима-қарши ўтиришди. Кампир унга юриш-туриш, кийиниш ва саройдаги тартиблар ҳақида сўзлади. Подшоҳнинг ҳузурига кирганда ўзини қандай тутиш ва унга муомалада «зинҳор-базинҳор нозиклик кўрсатиб, ҳазратнинг муборак кўнгилларини очиш» тўғрисида кўп нарса ўргатишга тиришди. Дилдор оғиз очмади. Кўкси сиқилиб, алланечук эссиздай ўтирди. Кампир ташқаридан бир қизни чақирди, ўрин солдирди. Кейин чиқиб кетиш олдида, уқдирди: «Қизим, тинчибгина ухланг, ҳеч нимадан хавфланманг, атрофингиз тўла одам; бирон юмушингиз бўлса, эшикдаги қулни чақирурсиз».

Бу кечани Дилдор мижжа қоқмай ўтказди. Эрталаб қизлар кирди. Дилдордан ҳол-аҳвол сўрашди, унинг рангига қараб: «Ётинқирагансиз, кейинча ўрганиб қоласиз. Биз ҳам бошимиздан ўтказганмиз» дейишди. Нонуштадан кейин Дилдорни қўярда-қўймай боғчага олиб чиқишди. На муаттар чаманзорлар, на муҳташам кўшклар, на кумушланган ҳовузлар, на чиройли қафаслардаги қушлар — ҳеч нима уни қизиқтирмади. Чувуллашган қизлар орасида озгина кезиб, хона ичига кирди-да, қамалиб олди. У ҳардам машъум бир соатни кутар, ичидан титроқ босар эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи кун кечаси Гулчеҳрабиби кирди. Унинг сочларини ювдириб, гул суви билан пардозлаб, енгил юпқа шоҳи кўйлак кийдирди. Дилдор қайғуда ёниб, ташқаридаги ҳар бир оёқ товушидан бутун вужудини титроқ босиб ўтирди. Қайноқ ёшлар билан юзлари ёнди. Лекин ярим кечада кампир кириб, ўз-ўзига сўзлагандай, норозиланиб: «Султон ҳазратларининг кайфлари баланд экан, оёқда ҳам туролмайдилар» деб минғирлади-да, ётиб ухлашга буюрди. Дилдор ҳар оқшомни изтироб билан қаршилади. Аммо уни подшоҳ тўшагига етаклаш кампирга муяссар бўлмади. Бир ҳафта ўткач, Ҳусайн Бойқаронинг давомли овга жўнаганлиги хабари тарқалди. Бу орада Дилдорнинг ҳуснини қизлардан эшитган Хадичабегим уни ўз қошига чақиртирди. Дилдорни кўриш билан малика уни ўзининг хос канизаклари қаторига қўшди. Хадичабегим подшоҳнинг севикли, эътиборли хотини эди. У жуда ҳийлакор, зимдан ишловчи эди. Вазирлар, беклар билан тил бириктириб, сиёсатда ўз райини ўтказишга, подшоҳни ўз қўлида ўйнатишга тиришар эди. Хадичабегим ҳали ҳусни сўлмаган нозу ишвали аёл бўлса-да, ёш, ҳусндор қизларнинг подшоҳга учрашувидан қўрқар эди. Чунки бир вақтлар унинг ўзи ҳам фақатгина гўзал сарой хоними эди. Мана нозу ишваси билан, кўпроқ, макру ҳийласи билан, подшоҳнинг суюкли хотини бўлиб олди. Бошқалар бу пояга кўтарила олмайдими?

Дилдор бутун борлиғини, даҳшатли кеча каби, қоплаб олган ваҳмдан қутулди. Дуруст, шу кундан бошлаб унинг эътибори пасайди, энди унга қизлар хизмат қилмайди, унинг ўзи бошқа қизлар қаторида Хадичабегимнинг хизматларини лом-мим демай бажаради. У энди аввалгидай, алоҳида хонада эмас, бир кўп канизаклар билан бирга безаксиз хонада яшайди. У шундай тақдирга бениҳоят севинди.

Дилдорнинг ягона орзуси, ягона мақсади Арслонқулга эришмоқди. Аммо на қилсинки, бу даргоҳдан қочиш мумкин эмас. Подшоҳнинг никоҳида бўлган хотинлари посбонлар, ҳарам оғолари билан унча ҳисоблашмай, кўпинча уларни қўлга олиб, сарбаст яшайдилар. Аммо ҳарамдаги канизакларнинг ҳар қадами, кўзларининг ҳар жилваси қаттиқ назорат остида...

Суюкли йигит қаерда, меҳрибон ачасининг ҳоли нима бўлди — Дилдор ҳеч нима билмайди. Ўз тўдаси ичидаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғариб, кўнгли ярали қизлар билан ҳасратлашади. Пана-панада кўз ёшларини юм-юм қуйиб, иккинчи йилни ўтказди.

Дилдор қолган шерикларидан биронтасини учратиб ҳасратлашиш учун ташқари чиқди. Шовқин-суронсиз саройда зериккандан бўлса керак, одатда тунд, камгап, дағал, заҳарли ахта қул дарахт орқасидан пайдо бўлдида, Дилдорнинг рўбарўсига келиб тўхтади, хунук жилмайиб, гапга тутишга тиришди. Қулоқларига ҳалқа осилган бу ахта қул ёши қирқдан ошмаган бўлса ҳам, юзи қаримсиқ бурушган, елкаси туртиб чиққан, аянчли бир махлуқ эди. Унинг хира кўзлари, бу ерда пойлоқчилик қилган бахтсиз бошқа бир кўп ахта қулларники каби, ҳамиша иложсиз ғазаб билан ёнар эди. Бу қулларнинг юзларида, кўзларида, бир лаҳза бўлсин, шодлик учқуни ёнмас, уларнинг бутун вазиятида, ҳаракатларида ички машъум бир синиқликнинг ғами очиқ сезилар эди. Бу аянчли бадбахт одамлар саройнинг тутқун қизларининг балоси эди. Уларнинг ҳаммаси — хоҳ ёш, хоҳ қари — фирибгар, ғийбатчи, золим; муҳаббат, эркинлик сўзининг, ҳаётий майилларнинг душмани эди...

Дилдор булардан ҳар вақт нафратлангани учун, милжинглаган ахта қулга қулоқ солмасдан ўтиб кетди. Аччиғланган қул лапанглаб, Дилдорнинг йўлини тўсди:

— Ҳаддингиздан ошманг, ойим, ҳамма сирингизни биламен. Пиқ-пиқ йиғлайсиз, ҳайитда кийимсиз қолган қиздай ўксинасиз, қўлингизни чаккангизга тираб уҳ тортасиз. Мана, ҳозир бу дарича олдида нималарни ўйладингиз? Кўзимдан қочиб қутулолмайсиз.

— Жўна, бир нафас тинч қўй! — жеркиб деди Дилдор.

— Кўчадан ишқ ахтарасиз, биламен...

Дилдор бу туҳматчи билан ғиди-биди қилишни истамасдан, бурнини жаҳл билан жийирди-да, кетаверди. Ҳовуз бўйидаги супада қизлар овозини эшитди. Гулзор бўйлаб юрди. «Кел, юрагинг қонга тўлмадими?» деб канизаклар қаршилади.

Бу ерда Хадичабегимнинг энг эътимодли канизаги Давлатбахт, иккита туркман гўзали — Ҳумор ва Асалхон ҳам эронли нафис аёл — Зулфизар ўтиришар эди. Давлатбахт Хадичабегимнинг баъзи бир махфий юмушларини бажариш учун бу ерда қолган эди. Туркман қизлари Ҳусайн Бойқаронинг Опоқбегим деган хотини-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг канизаклари бўлиб, қўшни бинода турганлари учун, бу томонларга кўпинча чиқиб туришарди. Ипакларга чулғанган канизаклар, биринчи қарашда бепарвобеғам, тақдирларига тан берган каби кўринсалар-да, тусларида қандайдир сиқилганлик, кўзларида доимий бир малол, ҳаракатларида ҳорғинлик туюлар эди. Юракларида туғилган эҳтирос қийноғи, қониқмаган орзуларнинг алами уларнинг ёш, ёрқин ҳуснига кўланка ташлаган эди. Бўш вақтларида улар кўпинча ишқдан, эски ва ҳозир эртак қаҳрамони каби туюлган ёрдан, мард сипоҳилардан сўзлашар, кечаларни мунгли хўрсинишлар билан ўтказар эди.

— Яна ким тўғрисида пичир-пичир!— норозиланиб қичқирди Дилдор.

— Ўтир, билиб оласен,— деди Хумор.

Дилдор Эрон гўзали Зулфизарнинг ёнига ўтирди. Сўз подшоҳнинг баъзи хотинларининг яширин муҳаббати, баъзи ғунчачилар[1] билан бегимларнинг орасида бўлган можаролар, Зубайда оғоча деган бир ғунчачининг ҳомиладор бўлганлиги ва шунга ўхшаш ҳарамнинг ички, оддий ҳаёти устида борар эди. Дилдор юзини терс бурди.

— Қўйинглар, бу беҳуда гаплардан нима фойда! Уҳ, юрагим шундай сиқилиб кетдики...

— Юракнинг дардини дардлашиш босади, қулоқ сол!— деди Давлатбахт қалам билан чизгандек нозик қошларини ўйнатиб.

— Йўқ, Давлатбахт опа, энг яхшиси бир оз чолғу чалайлик.

— Бу таклифга мен ҳам тарафдормен,— деди шаҳло кўзини сузиб туркман гўзали Хумор.

Дилдор югуриб бориб Давлатбахтнинг хонасидан ғижжак, танбур, даф келтирди. Давлатбахт танбурни, нозик ниҳол, ғамгин, хаёлчан Асалхон дафни, Зулфизар ғижжакни олди. Асбобларни аста-аста чертиб, созлаб туриларкан, ҳалиги қул хўмрайиб ўтаверди. Давлатбахт уни сохта табассум билан имлади, қулоғига бир нима шивирлагач, у юмшади, учлари аста тебраниб турган сарв оғочларининг тагига бориб ўтирди-да, мудрай бошлади.

---

[1] Подшоҳ никоҳида бўлмаган сарой хонимлари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Навоий жанобларининг янги бир ғазалини эшитдим. Оҳ, кўнглимга ёққанидан фарёд қила ёздим,— танбурнинг қулоқларини бураб, чертиб туриб деди Давлатбахт,— сўзини билсайдим, сизга айтиб берардим.

— Қаерда эшитдингиз?— қизиқиб сўради Дилдор.

— Тунов кун Хадичабегимнинг хос зиёфатларида хизмат қилдим. У ерда Ҳиротнинг энг уста созчилари, энг шўх бекзодалари бор эдики, уларнинг бир боқишларига умрбод қул бўлиб, хизмат қилмоққа рози эдим. Мажлисда жуда ширин куйлар айтилди. Аммо Навоий жанобларининг ғазали кўнглимни узиб олди-да... Ғазал шундай бошланади, шошманглар.

Давлатбахт қалам қошларининг учларини бир-бирига тегизиб ўйлади, секин-секин, майин товуш билан ўқиди:

Дин офати бир муғбачаий моҳлиқодур.
Майхораю бебок.
Ким ишқидин онинг ватаним дайру фанодур,
Сармасту яқом чоқ...

Давлатбахт чиройли, йирик кўзларини хаёлчан сузиб жим бўлди. Дилдор: «Яна, у ёғи?» деб қистади. Давлатбахт силлиқ, қора сочли бошини афсус билан тебратди. Қизлар сўз дурларининг узилганига қайғуришди. Кейин ғазалнинг шу бошланғичини эсда қолдириш учун ҳар бири ўз ҳолига такрорламоққа бошлади. Дилдор Давлатбахтга ялинди:

— «Кўргали ҳуснингни» бўлсин!

— Йўқ, Ҳофиз Шерозийдан ўқиймиз. Навоийнинг ғазалларига мунча ишқингиз тушмаса!— ўзини билимдон кўрсатиб, неккайиб гапирди Зулфизар.

— Ёлғиз менга эмас, Навоий бутун элимизга ёқади,— деди аччиғланиб Дилдор.— Нега десангиз, Навоийнинг сўзларига тушунамиз. Ҳар бир сўзи кўнглимизга ўтдек ёпишади. Сиз деган шоирларнинг ҳаммаси нуқул тожики ёзишган.

Ўқимишли, шеърни англайдиган Давлатбахт табассум билан Дилдорнинг фикрини тасдиқлади.

— Тўғри, мен форсича шеърларни анча ўқиганмен ҳам севамен. Аммо Навоий жаноблари ўзга олам... Ҳазрат Жомийдан ҳам афзал кўрамен.

Мусиқий майин товланишлар, мавжлар билан янграб, юксала борди. Танбур чалган Давлатбахт махмур



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўзларини мубҳам бир нуқтага тиккан ҳолда, булбул овозидай тоза, илиқ овоз билан сайраб кетди:

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим сенго,
Небалолиғ кун эдиким, ошино бўлдим сенго...

Бошлар сеҳрли садолар таъсири билан аста чайқалди. Хино қони билан безалган бармоқлар дафда ўйнаркан, Дилдор кўзларини дардчил сузиб, беихтиёр равишда куйга қўшилди.

Мусиқий ва куйга атрофдан йиғилган қизлар бир-бирларини аста туртиб, Дилдорга ишорат қилиб: «Бало экан-ку» деб шивирлашар эди. Куй битгандан сўнг улар Дилдорни қучоқлашиб табриклашди. Чунки Дилдор ўз ҳолича пана-панада қўшиқ айтиб юрса ҳам, лекин қўшиқчи қизлар билан кўпчилик орасида айтишмас эди.

Қўшиқчиларнинг адади борган сари ортди. Туркий, форсий энг машҳур ғазаллар бирин-кетин айтилмоққа бошланди. Лекин бош ҳарам оғоси бирдан пайдо бўлиб, қувончли, ёрқин кунни тўсатдан булут босган каби қизларнинг серзавқ самимий улфатчилигини бузди.

— Бас, бас! Ҳадларингдан ошдиларинг, адабсизлар!— бўйин томирларини қабартириб, зуғум билан чийиллади ҳарам оғоси. Бу кекса баджаҳл қулдан ҳамма қизлар зир титрар эди. Ёлғиз канизаклар, исмсиз ғунчачилар эмас, балки эрка, суюкли ғунчачилар, ҳатто подшоҳнинг хотинлари ҳам у билан ҳисоблашмоққа мажбур бўлиб қолардилар.

Қизлар мусиқий асбобларни қучоқлаб, қўрқа-писа, ғинг демасдан, ҳар ёққа таралар экан, қичқирди:

— Хадичабегимни кутиб олмоққа тайёрланинглар!

Давлатбахт жонсарак бўлиб, ҳамма қизларни тўплади ва ҳар қайсисига айрим юмушларни буюрди.

Хадичабегим ҳар вақтдаги каби тантана билан кириб келди. Унинг эгнида олтин гуллар ишланган тўқ қизил хитойи шоҳидан жуда узун ва кенг кўйлак бўлиб, этакларини бир неча қизлар бармоқ учлари билан тутиб келар эдилар. Бошида кўкимтир шоҳидан саллача — дакана, бу дакана ва фавқулодда узун кўйлак Хадичабегимнинг бўйи-қоматини баланд кўрсатарди. Даканага турли катта-кичикликда ва бир-бирларининг рангларини, товланишларини ажойиб суратда ёрқин очадиган қимматбаҳо тошлар — ёқут, лаъли забаржадлар, йирик дурлар ва гавҳарлар жуда моҳирона қадалган. Дака-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нанинг учида олтин бандли, кўркам, енгил жиға ҳилпирар эди. Хадичабегимнинг юзи упа-элик билан шундай мўл беланган эдики, асли тусини айириш мумкин эмасди.

Ҳарамдаги барча аёллар, салом берган келинлар каби, эргашиб қаршиладилар. Хадичабегим ҳеч кимни пайқамаган каби, мағрур ва беларво кўринарди. У ўз орқасида эргаштириб келган ва деярли бир хилда кийинган юзларча гўзал каниз қизлар ва рўдапо қуллар билан оҳиста юриб, боғнинг ўртасидаги кошона уйга кирди.

Оқшомдан сўнг Хадичабегимнинг зиёфати бошланди. Тўрда, ипак тўшаклардан иборат баландликда Хадичабегим ўтирди. Унинг орқасида бир тўда қизлар оёқда туришарди. Ўнг ва сўл томонда подшоҳ хонадонига мансуб бўлган эътиборли аёллар... Булардан пастроқда бекларнинг, вазирларнинг хотинлари ҳам Ҳиротнинг улуғ, машҳур оилаларидан келган гўзаллар ўтиришди. Деворларига олтиндан нақш-гуллар ишланган, турли ипак жиҳозлар ёниб-яшнаб турган бу катта уйнинг ҳашамат ва безаги ёлғиз биринчи марта кўрганларнигина эмас, балки юзларча марта томоша қилганларни-да анча вақтгача ҳайратга солади, чунки бу ерда ҳар вақт янги-янги, ақлга сиғмайдиган безакларни учратиш мумкин. Букун ҳамманинг кўзини ўзига қадаган нарса Хадичабегим ёнидаги хонтахтада, катта кумуш баркаш устига ўтқазилган ажойиб дарахт эди. Баландлиги чамаси уч газ, танасининг йўғонлиги одам болдиридай бўлган бу дарахт тамом олтиндан ишланган эди. Кумуш баркашдан ўсиб чиққан олтин дарахт ҳар ёққа шохлар, йўғон-ингичка новдалар отганди. Унинг япроқлари кўк забаржаддан, новдаларининг учларида сарғиш дурдан, ёқутдан ўнтача йирик, юмалоқ ва порлоқ мевалари бор эди. Олтин дарахтнинг бутоқларида кичкина, чиройли қушчалар қўниб туради. Қушчалар — оёқларидан тумшуқларига қадар — ранг-баранг қимматбаҳо тошлардан, худди жонлидай ишланган. Баъзи қушчаларнинг қанотлари ёзилган — улар гўё учиб тушмоқчидай... Баъзилари эса тумшуқлари билан порлоқ меваларни чўқиб туради.

Дастурхончи қизлар хилма-хил овқатлар ва ширинликлар билан дастурхонни яшнатиб юборди. Дилдор, Хумор ва Асалхон соқийлик қилишди. Улар қопқоқла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рига йирик дур, ёки оловдай ёнган лаъл, жумраклари учига ёқут, ёки забаржад қадалган, ферузалар билан безалган кичкина кўзачалардан олтин пиёлаларга май қуйиб, кумуш лаганларга терадилар. Дастлаб Хадичабегимнинг қошига бориб, уч марта букилиб, таъзим билан қадаҳни тутадилар. Сўнг, орқага бурилмасдан, аста-аста қайтадилар. Бошқаларга эса букилмасдан, нозик таъзим билан қадаҳ тутадилар.

Хадичабегим кўпроқ ичиб, баъзи енгилликлар қила бошлагач, саройдаги «тадбирли» кекса аёллар ўзаро имо билан кенгашиб, майни тўхтатишди. Диққатни чалғитиш учун чолғучиларга, раққосаларга ишорат қилишди. Ҳиротнинг машҳур созандалари ишга тушди. Буларнинг орасида энди бадани, ҳусни етиб тўлишган қизлар, тиши тушган сатанглар бор эди. Ғижжак, танбур, чанг, уд, най, даф ва ҳоказо янграции. Қўшиқчи аёллар туркий, форсий ғазалларни аёлларга хос майинлик ва ноз билан куйлашди. Саройнинг раққосалари, гуруҳ-гуруҳ бўлиб — ҳар гуруҳ айрим кийимда — туркона, ҳинд, араб, эрон рақсларини бажараркан, базм авжига минди. Чапаклар иноқ қарсиллади. Баъзи аёллар гўзалларнинг шўх рақслари ва кучли май таъсири остида енгилтаклик қилиб, хушомадлар қила бошлашди. Маст қаҳқаҳалар уйни тўлдирди. Пардоз билан қизартилган юзларни май яна кучлироқ оловлантирди. Сурмали кўзларнинг кора шуъласи яна ёрқинроқ ёнди.

Ўйинчилар ноз ва эҳтирос билан мақомга «шох ташлаб», хинадан гулдор бармоқларини дудоқлари билан енгил тишлаб, дастлаб Хадичабегим қаршисида кўзларини сузар, қошларини учирар, юмалоқ кўкракларини дириллатардилар-да, сўнг яна катта уй саҳнида, ипак гиламларда учардилар.

Ўйинчиларнинг иккинчи гуруҳи атлас кўйлакларни ҳилпиллатиб, гир айлангандан сўнг, таъзим билан ўртадан чиқди. Кўзлар сабрсизлик билан янги ўйинчиларни кутаркан, Хадичабегимнинг ишорати билан бир неча бўғча келтирилиб, унинг ёнига қўйилди. Бу ҳар нав аёл сарупоси — Хадичабегимнинг инъоми эди. Чолғучилар, қўшиқчилар ва Хадичабегимга ёқиб қолган баъзи аёллар саруполарни букула-букула қабул қилдилар. Базм кутилмаган вақтда тамом бўлди. «Хадичабегим чарчабдилар», «Хадичабегимнинг бошлари оғрибди» деган гаплар бир зумда қулоқдан қулоққа ўтиб, маж-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лис аҳли ўрнидан турди. Хадичабегим эътиборли аёлларга, меҳмоннавозлик йўсинда, ёқимли бир неча сўз айтди ва умумга: «Хўш қолинглар» деб эшикка қараб улуғвор юрди. Ҳовлида даста-даста шамларни баланд кўтарган ходималар маликанинг икки томонига ўтди. Канизаклар, меҳмонлар қий-чув билан хобгоҳга қадар узатиб, тарқалишди.

Хобгоҳда Хадичабегимни қизлар ешинтириб, кечалик кийимларини кийдиришди. У пар ёстуққа ёнбошлагач, Дилдор дарров унинг оёқларини уқалай бошлади.

— Бас энди, кетинглар. Давлатбахт, сен қол!— буюрди Хадичабегим.

Қизлар орқалари билан юриб, эшикка келганда букулиб чиқишди.

Давлатбахт маликанинг ишорати билан эшик ва даричаларни беркитди-да, унга яқин ўтирди.

— Ҳеч нима эшитдингми?— шипга қараб сўради Хадичабегим.

Давлатбахт шивирлаб деди:

— Ҳазрат подшоҳнинг кўнгилларини янги бир ғунчачи асир этибди. Ҳар кун у билан эмишлар...

— Қаердан эшитдинг?— бошини кўтариб, жиддий сўради Хадичабегим.

— Хонзодабегимларникида...

— Подшоҳнинг бахтига Хуросонда гўзаллар кўп, не қиламиз?— деди хўрсиниб Хадичабегим.— Хўб, менинг тўғримда у ерда ҳеч нима демадиларми?

— Сизни айбладилар, баъзи вазирларни қўлга олган эмишсиз...

Хадичабегим лабини тишлади-да, хавфсираниб деди:

— Очиқроқ гапир, қайси вазирларни тилга олишди. Мен улар билан нима қилган эмишмен?

— Яхши уқуб ололмадим, жуда тил учида сўзлашадилар...

— Мен ҳамма вақт сенга айтаманку,— деди Хадичабегим аччиғланиб,— душманлар орасига кирганда ўзингни ғафлатга сол, лекин эси-ҳушингни тўпла деб...

Давлатбахт эзилгандай, бошини қуйи солди, рўмолининг шокиласини ҳимариб, жим ўтираверди. Хадичабегим бошини яна ёстиққа ташлади.

— Мирзо бу кеча қаерда бўлади?

— Попооғочаникида...



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Буни тўғри искабсен,— кулди Хадичабегим.— Энди чиқиб кет, мен бир оз ором олай. Сен ухлама, бу кеча юмушларинг бор, мен йўқлатган онда ҳозир бўл!

## УН ИККИНЧИ БОБ

### I

«Бинафша боғ» кўклам нурида чўмилади. Ҳиндиқуш тоғларидан эсиб, Ҳирот вилоятига салқин нафас ёйиб ўтувчи шамоллар сарвзорларда изғийди. Ҳаммаёқ гул. Бинафшалар майин ранглари, нозик боқишлари билан кўзларни беихтиёр маст этади. Дарахтларга чирмашган аймоқи гуллар ёрқин ҳавода янги қордай учқунланади. Ям-яшил чимдан уқа тутган ва учлари оғочликлар қўйнига кириб йўқолган тоза йўллар бўйлаб гулсапсарлар яшнайди.

Навоий боғчада танҳо кезар эди. У бироз чарчаган. Ҳар кунгидек букун ҳам бирталай кишиларни қабул қилиб, эндигина бўшаган эди. Олимлар, шоирлар, мансабдорлар, деҳқонлар, фақир талабалар, мусофирлар, навкарлар — ҳаммаси ёрдам, нажот учун ё бўлмаса далда олиш, ёки дардларини очиб, кўнгилни бўшатиш учун мурожаат қилган.

Шоир «ола чалпоқ» йўлда, кўланка билан қуёшнинг ажойиб шоирона ўйини билан тўлган йўлда, аста-аста юриб, очиқ саҳнга чиқди. Бу ерда машҳур боғбон Дарвеш Ҳожи шафтолу, олиҳирот кўчатларини ўтказмоқда эди.

— Ҳорманг, мавлоно Дарвеш!

— Ассалом, марҳамат қилинг, тақсир.— Ишдан қўл узмай деди Дарвеш Ҳожи.

— Қайфлари нечик?

— Алҳамдулилло, сояйи давлатингизда ҳеч нарсадан ташвишимиз йўқ.

Меҳнатни, ҳаммадан кўра меҳнатда моҳирликни севган шоир замон боғбонларининг устоди ҳисобланган Дарвеш Ҳожининг — кичкинагина, жиккак, ҳаракати тез чўққи соқол чолнинг ишига диққат билан қараб турди. Унинг ясаган пайвандларини бир-бир кўздан кечирди. Баъзи маслаҳатлар хотирга келса ҳам, лекин боғбоннинг феълини яхши билганликдан, айтишга ботинмадида, ўзича ер остидан кулиб қўя қолди. Дарвеш Ҳожи



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳеч кимнинг фикри билан келишолмайдиган ўжар, каж-баҳс эди.

Бир вақтлар бу боғбон Навоийнинг «Фиғония» боғчасида ишлаганда, Жомий ора-сира келар ва кўчатларни қаерга ва қандай ўтқазиш тўғрисида ўз райини сўйлар, Дарвеш Ҳожи эса улуғ шоир ва пирнинг ҳеч бир сўзига унамас, у билан жанжаллашар экан. Кейин Навоий бу воқиани эшитиб жуда завқланган. Жомий ҳам кула-кула кўп ерда ҳикоя қилган.

Навоийнинг сўзлашга ботинмай турганини сезди шекилли, Дарвеш Ҳожининг ўзи гап очди. Одати бўйича, узуқ-юлуқ сўзлар билан пайвандларни тушунтирдида, кейин бирдан уни унутгандай ишга берилиб кетди. Навоий қайтиб, гулзор олдидаги супага солинган ипак гиламга ўтирди. Дарахтлар орасидан тушган қуёшнинг олтин ҳалқалари гиламда ўйнайди. Олма, нокларнинг гулбарглари ерга, гиламга, шоирнинг ипак тўнига қор парчалари каби, эринчак ёғади. Товуслар кўркам думларини елпиғич каби ёйиб, аста мағрур юришади.

Соҳиб Доро[1] бир қучоқ китоб билан пайдо бўлди. Беўхшовгина ўралган катта саллали, сер тавозе, камтарин, ўқимишли бу мулозим китобларни авайлаб, Навоий олдига қўйди. Булар энг яхши котибларга берилиб, кўчиртирилган турли мавзулардаги катта-кичик асарлар эди. Шоир бу китобларнинг мазмунини яхши билгани учун, кўпроқ шаклига диққат қилди. Гулдор чарм муқоваларнинг ҳусни ва пишиқлигини яхшилаб кўриб, аста варақлаб, котибнинг қаламини, олтин билан ёнган чизиқларни, ёзувни иҳота қилган расмларни томоша қилди. Ҳар саҳифа жонли чаманзор каби кўзни қувонтирарди, баъзи китоблар Беҳзоднинг бемисл ингичка, сеҳркор бўёқлари билан зийнатланган эди. Навоий Беҳзод санъати ҳақида ҳаяжонланиб гапирди. Соҳиб Доро ҳам тўлиб-тошиб ёш рассомга бўлган муҳаббатини сўзлади.

Гулзор оралаб ёш йигитча Ҳайдар келиб чиқди. Бу Навоийнинг марҳум тоғосининг ўғли эди. Шоир унга ўғлидек боқарди. Қимматбаҳо ипаклик кийимларни бепарволик билан кийган, маст кўзлари беқарор ёнган Ҳайдар шоир билан, ҳар вақтдагидай, эҳтиром ила,

---

[1] Навоийнинг яқин ходимларидан бири. Ўқимишли ва шоир эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лекин бетакаллуф кўришди-да, китобларни шошиб-пишиб кўздан кечира бошлади. Навоий юраги ғуборсиз, ринд табиатли йигитчага кулиб қараб турди-да, сўради:

— Бу ишлар тўғрисида не фикр баён қилурсиз?

Ҳайдар китобларни тахлаб, Соҳиб Дорога топширди-да, бир зум ўйлаб жавоб берди:

— Беҳзод ҳамма нарсани жонлантиради. Унинг санъати мўъжизадир. Аммо бу китобларни битган хаттотлар нуқсондан холи эмаслар. Хаттотларнинг султони Султонали қачон Машҳаддан келади? Бу кунларда унинг қалами шундай ғовға кўтардики, Ҳиротда қаерга борсангиз Султонали ҳақида эшитасиз.

Соҳиб Доро Ҳиротда ҳам Султонали қадар гўзал хаттотлар борлигини сўзлади, лекин Ҳайдар билан баҳслашишни истамаганидан, китобларни қўлтиқлаб, тезгина жўнаб қолди. Навоий Султоналининг Ҳиротга чақирилганини билдирди. Ёзув санъатида Султоналининг истеъдоди ва унинг устоди Азҳар Ҳиротий ҳақида шоир қизиқ маълумот берди. Кейин Ҳайдарнинг машғулотлари тўғрисида сўради. Мусиқийда билимларини чуқурлатишни уқдирди. Ҳайдар ўзининг янги ғазалларини ёддан ўқиб берди. Навоийга унинг шўх, ошиқона ғазаллари мақбул бўлди. Лекин катта шоир бўлиш учун илм кераклигини, шунинг учун кўп вақтни мутолиага бериш зарурлигини сўзлади. Ҳайдар бирдан аскарлик орзусида бўлганини айтиб, кенгаш сўради. Навоий унинг орзусини унинг қарорсизлиги натижаси деб тушунганидан, дастлаб қовоғини солиб сукут қилди. Лекин Ҳайдар бутун кўнгли аскарлик ишқи билан тўла эканини исбот этмоққа тиришди:

— Ота-боболарим,— деди у шавқланиб,— шеър ва мусиқий билан қилич ва ёйни ғоят гўзал жўр қилганлар. Мен ҳам бу йўлни танладим. Ажабо, мумкин эмасми?

— Нега мумкин бўлмасин?— деди Навоий жиддий тикилиб.— Жанг майдони йигитларга ҳусн бағишлайди. Йигит учун мардлик, қаҳрамонликдан ўзга улуғроқ, олийроқ бир фазилат борми? Юрт ва давлат учун ўт ва сув кечиб, зафар байроқларимизни қуёш байроғи каби баланд кўтарувчи олижаноб баҳодирлар керак. Лекин инсон ҳар бир ҳунарга, ҳар бир машғулотга холис ният билан, самимият ва ишқ билан киришмоғи лозим. Ишқ бўлмаса, киши ҳеч бир ишда муваффақият кўра олмас. Агар юрагингизда жанговарлик ишқининг мавжларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

сезсангиз, аскар бўлингиз, мен сизни фақат табриклаймен.

Ҳайдар қувонди. Қиличбоз, мард йигитлар ҳақида шавқ билан гапириб тураркан, бир неча мулозимлар келиб қолишди. Ҳайдар уларга қараб, вазиятларидан уларнинг вақтлари тиғиз эканини сезди-да, сўзини чала-чулпа тугатиб, хайрлашиб, катта боғ ичида ғойиб бўлди.

Мулозимлар Навоийнинг ота-бобосидан қолган ерларидаги деҳқончилик ишларини бошқарувчилар эди. Шоир улар билан қўш ва экинлар ҳақида, деҳқонларнинг тирикчилиги ва нарх-наво ҳақида узоқ ҳам батафсил гапиришди. Омборларда қолган ўтган йилги ғалланинг бир қисмини қўшинга ва бир қисмини бева-бечораларга улашиб бермоқ истаганини сўзлаб, бу ишга тездан тайёрлик кўришни буюрди. Шоир бир нафас ором олмоқ учун тоза, баҳаво бир хонага кирди.

Пешиндан кейин супага меҳмонлар келди. Буларнинг кўпи унинг ҳар вақтки ҳамсуҳбатлари — олимлар, шоирлар, мусиқийчилар эди. Баъзилари бу уч соҳани ажойиб равишда бирлаштирган эдилар. Ҳар ҳолда меҳмонлар орасида ғалати, мароқли одамлар бор эди. Мана тўрда ўтириб, бир сўзлаб, ўн кулган савлатли олим Мир Миртоз. У ёшликдан бошлаб турли илмлар билан машғул. У «кеча тонг откунча, кундуз оқшом бўлгунча» мутолаа қилади. Биров билан масала талашгундай бўлса, ўзини ҳам, вақтни ҳам унутиб, енгмагунча қўймайди. Бунинг устига у шатранжга шундай ўчки, бирон ўйинчи дуч келса, ҳадди бўлсин қочишга! Икки ўйинчи йўлиқса, бири билан ўйнаркан, иккинчисининг этагини маҳкам ушлаб ўтиради: «Ўйнаб кет!» Ўқтин-ўқтин шеър ҳам тўқиб қўяди. Унинг ёнида ўтирган ўрта ёшли, қотма, кўзлари шўх олим озарбайжонлик Хўжа Ғиёсиддин Деҳдорнинг ажойиб хислатларини баъзилар тўққизга, баъзилар ўн иккига олиб борадилар. Ғиёсиддин Деҳдор ҳар қайси фанда қизғин ва мароқли суҳбатлашади. Жуда таъсирли овоз билан ашула айтади. Қиссахонликка бошлаганда ҳайратдан ҳамманинг оғзи очилади. Ҳар нав таом тайёрлашда ҳар қандай моҳир ошпазни йўлда қўяди. Яна у мислсиз тақлидчи. Бир вақтлар, Навоийга илк меҳмон бўлган куни, у ўз қобилиятларини бир-бир кўрсатиб, ниҳоят бир чеккада туришган қул билан чўрини тақлид қилганда, бутун мажлис аҳли кула-кула думалашган эдики, бу воқиа ўша кунёқ бутун Ҳиротга



www.ziyouz.com kutubxonasi

овоза бўлганди. Шоир Садр Қотиб ҳамиша маст-аласт эди — на ҳаракатида, на сўзида табиийлик бор! Шоир мавлоно Аёзий ўз шеърини мажлисга ўқиб беришдан аввал, уни шундай муболаға билан мақтар эдики, шеърнинг оп-очиқ нуқсонларини ҳам танқид этмоққа киши илож тополмай қоларди.

Навоий Шайх Ҳусайн жарроҳга мурожаат этди:

— Ғоят нозик амалиётлар[1] қилмишсиз, бизни ҳам огоҳ этингиз.

Тунд, камгап, кекса жарроҳ қуюқ қошлари остидан қаттиқ қаровчи кўзлари билан мажлисга бир қараб олиб, бошқаларнинг ҳам диққати унда эканини пайқагач, «тилга олурга арзурлик бир нима йўқ» деди-да, ҳар бир сўзни ўлчагандай оҳиста тушунтира бошлади. У сарой паҳлавонларидан бирига рақиблари ханжар билан ўн саккиз жойдан шикаст берганликлари, ҳамма жароҳатларни шифолашнинг имконини қулайгина топиб, лекин йиртилган ичакларни тикишдаги мушкилотларни, қўллаган янги усулни сўзлаб берди.

— Беморнинг аҳволи нечик?— сўради ачиниб Навоий.

— Тобора яхшиланмоқда,— жавоб берди ишонч билан табиб.

— Бутун Ҳирот хаста паҳлавоннинг тезда соғайишини, Ҳавзи моҳиёнда ўз рақиблари билан бел ушлашиб, уларни мағлуб қилишини зўр иштиёқ билан кутмоқдадир,— деди шоир Ҳофиз Ёрий.

Умуман тиб илми ва жароҳатларнинг санъати ҳақида жуда мароқли суҳбат бошланди. Шайх Ҳусайннинг ҳам марҳум ва тирик бир кўп бошқа жарроҳларнинг энг нодир амалиётлари тўғрисида эртакдек қизиқ воқиалар сўзланди.

Сўз шеърга кўчди. Шоир Мавлоно Ҳилолий янги ғазалини ўқиди. Ингичка завқни ифодалаган бир қараш, бир тур билан тинглаган Навоий суюниб баҳо берди: «Сиз шеърда ҳилол[2] эмас, тўлин ой бўлибсиз энди!» Бу сўз мажлисга маъқул тушди. «Рост айтилди, хўб айтилди» деб кулишдилар.

Шоирларнинг ичи қизиди, рангли қоғозларга, заргар диққати билан чиройли битилган ғазаллар, муаммолар,

---

[1] Операциялар.
[2] Янги туғилган ой, «ярим ой».



www.ziyouz.com kutubxonasi

туюқларга сўнги, қатъий баҳони ҳар ким Навоийдан кутарди. Шоир «хос маъни», «хос хаёл» нуқтаи назаридан асарнинг бадиий салмоқлигини тайинлар, вазнда, қофияда, таркибда ва ҳоказодаги энг яширин хатоларни, энг жузъий нуқсонларни дарров сезган каби, сўзнинг, фикрнинг энг нозик жилваларини, хаёлнинг энг нозик рангларини, ўйинларини ҳам чуқур сеза биларди, хатоларни мулойим табассум билан астагина ишорат қиларди.

Мавлоно Аёзий кўзидан соқолига қадар тошган ғурур билан қўлида бир парча қоғозни ушлаб, сабрсизланиб тураркан, Навоий сўради:

— Махдум, не совға билан келдингиз?

Ўтирганлар илжайиб шоирга тикилишди. Мавлоно Аёзий қоғозни буклаб тиззасига қўйди-да, одатдагича, ўз ғазалининг бадиий хусусиятлари ҳақида шошмасдан гапира бошлади.

— Бизга ҳам бирон сўз қолдирасизми?— кулиб мурожаат этди Навоий.

— Андак сабр қилингиз,— деди бепарволик билан мавлоно Аёзий,— зероки бу шарҳларни ғоят лозим деб билурмиз.

— Биз шуаро мажлисидамизми ёки бозорчилар орасидамизми?— эътироз қилди ҳазилкашлардан бири.

— Мавлоно Аёзий бўлғуси ҳужумларга қарши улуғ сад[1] ясамоқдалар ғолибо!— деди чолғучилардан бири.

— Мавлоно Аёзий, ўз одатларича, садни қум устига чекмоқдалар,— киноя билан деди Навоий.

Мавлоно Аёзий бари бир тафсилий изоҳ берди. Кейин қаддини ростлаб, баланд ингичка товуш билан ўқиди. Шеърнинг ҳеч бир мисраи хатодан холи эмасди. Тингловчилар бир варакай: «Баракалло!» деб қичқирдилар. Шоир бу кинояни мадҳ деб тушунди шекилли, мажлисга фахр билан қараб қўйди. Навоий унинг ожизлигига ачинди. Сездирмай хўрсинди. Адабий суҳбат сер завқлик билан давом этди. Ҳофиз Ёрий, Осифий, Шайхим Сухайлий ва бошқалар ўз шеър ва қасидаларини ўқидилар.

Дастурхон ёйилди. Косалар, пиёлалар, қадаҳларнинг гуллари баҳор чаманларидай бой, нафис рангин эди. Икки-уч аёқдан май ичилди. Қизилгул баргидай тоза май кўзларга нашъа, суҳбатга қизғин жонлилик берди.

[1] Мустаҳкам девор, қўрғон, қалъа.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Устод Қулмуҳаммад, Шайх Нойи ва бу мусиқий устодларининг тарбиясида ўсган бир даста чолғучилар гулзорларни, илиқ олтин ҳавони сеҳрли садоларга тўлдирдилар. Яна чиройли, хипча бел кўзачалардан май «биқ-биқ» қуйилиб, қадаҳларни лимиллатди. Майпараст шўх шоирлар майга, улфатчиликка доир байтлар тўқиб, майни шеър билан, хурсандчилик билан сипқирдилар. Серзавқ чол олимлар, мударрислар энди шоирларнинг майга, узумга доир энг гўзал байтларини, рубоийларини қўша-қўша айтиб ичдилар. Улмас Хайёмнинг[1] шеър гулзорида терилмаган бир гул қолмади!

Ҳазил-мутойиба бошланди. Ҳамма меҳмонлар каби, Навоий ҳам кўп ичди, тошиб-тошиб кулди. Ўзига қаратилган ҳазилларга сўзнинг ўткир, порлоқ тиғлари билан ҳозиржавоблик қилиб турди. Хўжа Ғиёсиддин ўзининг нодир истеъдодларини кўрсатди. У шўх йигитчадай ажойиб ноз ва силлиқлик билан рақс этди, форсий, туркий куйлар куйлади. Ниҳоят, Ҳиротдаги баъзи машҳур зотларни шундай гўзал тақлид қилдики, ўлтирганлар ўринларидан қўзғалолмай қолдилар.

Меҳмонлар тарқалди. Улар кетидан Хўжа Афзал, Дарвешали, яна шоирга яқин бир неча мансабдорлар кириб келишди. Навоий уларни енгил, баҳаво кўшкка, нақшлари уфққа оққан қуёшнинг нурларида рангли оловлар билан чақнаган, ҳар икки томони очиқ ошёнга олиб чиқди. Дўстларнинг ҳол-аҳволини сўради, ҳали тарқалган ўтиришдаги баъзи ҳангамаларни сўзлаб, уларни кулдирди. Кейин панжарага суянди-да, кўзларини узоқларга, шабадада енгил тўлқинланиб, кечки шуълаларда чўмилган боғларга, оғочликларга тикди. Зангори осмонда «оттуёқ» шаклида ёйилган момиқ булутлар сокин сузарди... Шоир бирдан бошини кескин буриб, Хўжа Афзалга қаради.

— Паришонлик... Кечирингиз, ғолибо, бирон нима сўзламоқ истайсиз...

— Жанобларини баъзи ишлардан огоҳлантирмоқ ниятида эдик, гарчи мен аминменки, барча сирлар биздан кўра сизга кўпроқ аёндир,— деди Хўжа Афзал Навоий томон энкайиб.

— Вақтида огоҳлантирмоқ дўстларнинг иши,— деди Навоий сергакланиб.

---

[1] Машҳур шоир ва файласуф.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўжа Афзал, Мажддиддин Муҳаммад парвоначи ўз дўсти қиморбоз Амир Мўғулни Астробод ҳокими этиб тайинлашга жон куйдираётгани, вазир Низомулмулкнинг кирдикорлари, қози Шаҳобиддиннинг ва шаҳар доруғасининг[1] ифлос ишлари тўғрисида сўзлади, охирда подшоҳнинг атрофини нобоп, мансабпараст одамлар ўраб олганини уқдирди.

— Подшоҳнинг ёнбағрини бир тўда телба итлар қуршаган десангиз яна тўғрироқ бўлар эди,— деди хафаланиб Навоий,— улардан тунларда фахш, фисқу фужур ва анво аҳмоқликлар содир булур. Кундузлари шаҳар, кент кезиб, элни талайдилар. Подшоҳ у итлар орасида ўзини қоплон гумон қилиб, уларнинг кирдикорига шерик бўлмоқдадир!

Бу сўзлардан чўчиб кетгандек, ҳамма ерга қараб, сукут қилди. Бир муддатдан кейин Дарвешали сукунатни бузди.

— Подшоҳ ҳазратлари ғафлатдалар...— деди у текис пешонасини уқалаб.

— Ғафлатдан уйғотишга, адолат ва ҳақиқат йўлига етаклашга яна ғайрат қилурмиз!— деди ишонч билан Навоий.

— Алишер жаноблари!— мурожаат этди ёш бир девон мулозими,— сизнинг кўнглингиз офтобдек софдир. Лекин душманлар подшоҳга ёруғ юлдузларни қора, пок ниятларни чиркин қилиб кўрсатмоқчилар.

— Ҳар ерда фитна-фасод тухумини сепмоқдалар!— гапга аралашди қари, кўзи заиф мансабдор.

— Бизнинг элда бир яхши мақол бор,— деди Навоий табассум билан,— ит ҳурар, карвон ўтар!

Дарвешали бирдан бошини кўтарди, мўйлабини тишлади. У ўз оғосидан бундай юмшоқликни эмас, кескин чораларга тайёрликни, ҳаяжонли бир нутқни кутган эди. Ҳисларини яширолмасдан титраб гапирди у:

— Сизга ҳасад қиладилар. Сизни кўролмайдилар. Мажддиддин парвоначи ҳар қадамда сизга тош отади!

Хўжа Афзал катта ипак саллали бошини силкиб тасдиқлади. Навоий Дарвешалига киноя билан қаттиқ тикилди.

— Иним, бу тоифанинг ниятларидан биз бехабармизми?— деди у жиддий ҳам қизишиб.— Мажддиддин

[1] Шаҳар бошлиғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад ким? Ундан бадтаринлар ҳам бор. Юз минг танга маошни оз билиб, ҳар бурчакда сасиб юрувчилар бор. Ватанни тақсимламоқ орзусида бўлган хоинларни ҳам билурмиз. Уларни, албатта, йўқотмоқ керак. Лекин бу ишда мардона ва тўғри бўлмоқ зарур. Ўзгалар эгри бўлсалар, биз уларга эргашмайлик. Чақмоқ қанча баландда чақмасин, эгри бўлгани учун албатта ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, адилдир — куйса ҳам бошдан оёқ нур бўлиб куюр.

— Майдонни душманларга таслим этмоқ яхши эмас, демоқчи эдим,— деди қизариб Дарвешали.

— Бағоят тўғри мулоҳаза,— қўл ҳаракати билан тасдиқлаб деди Навоий.— Бироқ буни шахсий адоватларга айлантирмайлик, ҳар бир масаланинг ҳалига тўғри, холис ният билан киришмоқ лозим.

— Албатта!— деди бир неча киши бирдан.

— Биз юрт кўкидан зулмнинг қора булутларини қувмоғимиз керак,— давом этди Навоий.— Кимдан халққа жабр-зулм содир бўлса, у бизнинг беомон душманимиз бўлғусидир. Алҳамдулилло, зулм тиғини, қўлимдан келганча, ушатмоққа бел боғлаганмен. Бу муқаддас ишда ҳаммамиз якдил, якта бўлмоқлигимиз, ўз манфаатларимизни эмас, ёлғиз халқ фойдасини назарда тутмоқлигимиз керак. Қамина учун бу — ҳақиқатларнинг ҳақиқатидир.

II

Навоий ҳар кун девонда ва ўзга доираларда душманларнинг янги-янги кирдикорларини мушоҳида қила бошлади. Девонда ва ўзга доираларда унга ҳам унинг ишларига қарши чуқур томир ёйган фитналар кундан-кун равшанроқ сезилди. Ширин сўз, назокат, нозик муомилаларнинг гулдастасидан заҳар анқир эди. Мажиддин парвоначининг боши кибр билан кун сайин кўтарилди. Низомулмулк фитна уруғини, узоқни мўлжаллаб, жуда махфий сепмоқда. Улар муҳим давлат ишларини Навоий иштирокисиз ҳал этишга тиришадилар. Бир вақтлар жиноятлари учун Навоий мансабдан қувган амалдорлар яна юқори поярларга интиладилар.

Душманларнинг давлат ва халқ манфаатига зиёнли ҳар бир чора ва тадбирларига Навоий ўз нафратини билдирди. Лекин душманлар у билан ҳисоблашмоққа



www.ziyouz.com kutubxonasi

мажбур бўлсалар ҳам, унинг зарбаси остида қайта-қайта синган қуролларини йиғиштирмадилар.

Бир кун, закот масаласида Мажддиддин билан кучли тўқнашувдан кейин, Навоий Ҳусайн Бойқарога мурожаат этди. Подшоҳ уни аксар вақтдаги каби, лутфкорлик билан қабул қилди. Шоир унинг номидан қилинаётган машъум ишларни тўла тушунтирди, ярани авж олдирмасдан кесиб ташлаш хусусида кенгаш берди. Ҳусайн Бойқаро шоирни диққат билан тинглади. Лекин аллакимлар билан дир ҳисоблашмоқ лозим экани, аллакимнингдир кўнглини ранжитмаслик ҳақида дудмол гаплар билан чегараланди-да, ўрнидан туриб, шоирни чоғир базмига таклиф этди. Навоий узр сўради ва қуруққина хайрлашди. Саройдан чиқиб, отни «Хиёбон бошига» ҳайдади. Саъдиддин Қошғарийнинг қалин дарахтлар билан қопланган, салқин шамолларга маскан бўлган сокин мозори олдида отдан тушди. Эшикни итариш билан ичкаридан таниш хизматкор югуриб чиқиб жиловни тутди. Навоий ташқари ҳовлининг тўридаги икки даричали пастгина, кўримсизгина уйга кирди. Олтмиш ёшларга кирган, лекин ҳали тетик чол, Навоийнинг эътирозига қарамай ўрнидан турди, атрофида уюм-уюм қалашиб ётган китобларни оралаб ўтиб, донишманд кўзларида барқ урган шодлик билан жуда самимий, меҳрибон кўришди. Бу — мавлоно Абдураҳмон Жомий эди. У минглаб одамлар ихлос қўйган донгдор шайх, шеъри, илмий асарлари билан овозаси ўз юртидан узоқларга кетган улуғ шоир, олим ва мутафаккир... Бутун мамлакатнинг олимлари, шоирлари, акобир ва аъёнларигина эмас, балки подшоҳ ва шаҳзодалар ўзларини унга яқин тутишга тиришадилар, ихлос билан унга таъзим қиладилар. Лекин бу чол ғоят содда ва камтар. Унинг бурушқоқ махсисидан бошлаб оддий салласига қадар дарвешона эди. Жомийнинг зоҳири соддалик ва камтаринлигида буюк маънавий куч равшан сезиларди. Лекин унинг донғини эшитиб, заррин тўнларга ўралган, серсовлат, серҳашам бир шахсни ўз тасаввурида яратган баъзи одамларнинг ҳақиқий Жомий билан илк учрашганларида, қўпол матодан тикилган дарвешона либосли бир кексани кўриб: «Бу — ҳазрат Жомийнинг хизматкорларидан бўлса керак» деб ўйлаб, кейин жуда ўнғайсиз ҳолга тушиб, қизарганликлари нодир воқеалардан эмасди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жомий меҳмонни юмшоқ пўстакка ўтқазди. Ўзи аввалги ўрингa, китоблар орасига ўтирди.

— Жанобларини кўрмоққа букун кўнгил филҳақиқат муштоқ эди,— деди чол қисқагина оқ соқолини силаб қўйиб.

— Менинг кўнглим ҳар соат бу масканга толпинади. Не қилайликки, машаққатлардан қутулмоққа имкон йўқ,— деди Навоий.

— Узрингизни тангри ҳам қабул қилур, наинки биз каби зарраи хок! Элга холисанлилло хизмат қилмоқ инсон комилнинг ишидир. Бу нав заҳмат-машаққатлар аслида фароғатдир.

Навоий давлатда рўй бераётган тартибсизликлардан, ҳақсизликлардан ранжиганини қисқа баён қилди.

— Сизнинг элга муҳаббатингизнинг тоза гулларини кўрмоқдамиз,— деди Жомий юмшоқ оҳанг билан,— энди эл, улусга фаровон меваларини кўрмоқ насиб бўлсин. Ҳар нав мушкилот бўлса, подшоҳга айтмоқ лозим.

Бу икки шоир ёш фарқига қарамай, тарихнинг эгиз фарзандлари эди. Шахсиятларидаги маънавий кучларнинг бойлиги, уларни узилмас, тебранмас дўстлик билан боғлаган. Навоий ўз отаси тенгли Жомийни дарёйи илми, порлоқ шеъри, олижаноб, соф қалби учун то ёшликдан ихлос билан севади, устод каби ҳурмат қилади. Жомий ҳам Навоийни айни фазилатлари учун севади. Асрларча шоирлар қуруқ тиканзор деб билган туркий тилда ажойиб чаманзорлар кўра олган ва улардан хирмон-хирмон тоза, ёрқин гулдасталар ясаган ва мақсад йўлининг тошлиқларидан темир ирода билан одим отган ҳам кўп турли қобилиятларни ўз шахсида ғоят кўркам жам қилган бу «икки тилли» шоирга тан беради. Шундай замондош билан дўстлиги учун фахрланади.

Одатдагича самимий, жонли, илиқ суҳбат бошланиб кетди. Навоий кўпинча бу ерда тасаввуф фалсафасига[1] доир масалалар устида сўзлашарди. Жомий бу фалсафани энг чуқур билувчилардангина эмас, балки ўз ҳаётини бу фалсафага мувофиқ қурган йирик намояндалар-

---

[1] Сўфилик, дарвешлик фалсафаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан эди. Лекин шоирларнинг фалсафий суҳбатлари эртакдай жонли, рангдор оқарди.

Навоий тарихда машҳур шайхларнинг ҳаётлари, фикрлари, маслаклари ва уларга доир афсоналар ҳақида асар ёзишни Жомийга таклиф этди. Жомий бундай орзу унинг дилига кўпдан буён жо бўлганини, Навоийнинг илҳоми ва ёрдами орқасида бир китоб вужудга келтириш мумкинлигини баён қилди. Навоий суюнди. Асар тугагач, форсчадан албатта ўзбекчага таржима қилдиражагини сўзлади. Китоб ҳақида узоқ сўзлашдилар. Навоий даричанинг рўбарўсида, ҳовлида ўсган ёш, баланд чинорга қаради. Кеч бўлиб қолган. Кетмоққа ижозат тилади. Жомий тепасидаги токчага қўл узатиб, қалингина китобни олди. Унинг ичига қўйилган айрим, энсиз кесик қоғозлардан бирини чиқарди-да, кулимсираб деди:

— Мир, сиз кўнгил дарёйингиздан бир дурри бебаҳо чиқарибсиз, халқ орасида бисёр шуҳратга сазовор бўлибди. Уни биз ҳам татаббу этдик ва бу услубда бир нима ёзмоққа ҳаракат қилдик. Кўринг, шояд мақбул бўлғай,— қоғозни Навоийга узатди.

Навоий кўзларини Жомийнинг чиройли ёзувлари устида югуртди. Бу — Навоийнинг «Очмағай эрдинг жамоли олам оро кошки» мисраи билан бошланган ғазалининг айни вазн, қофия, радиф билан Жомий томонидан ёзилган форсий намунаси эди:

Дийдаме дийдори он дилдори раъно кошки,
Дийда равшан кардаме азхоки он по кошки.

Навоий ғазални шавқ билан товуш чиқариб ўқиди. Чолнинг ўсиқ қошлари тагидан қараган, ҳар вақтдаги каби сокин, ишончли, доно кўзларига тикилди.

— Бизнинг ғазалимиз эл орасида бир қадар шуҳрат тутгани ҳақида ривоятлар бор,— деди Навоий камтаринлик билан,— Сизнинг холис дурри гавҳардан чизилмиш бу бадиангизнинг шуҳрати жаҳонни тутиши муҳаққақдир.

Жомийнинг кўзларида, соқолларида самимий, оққўнгил табассум тошди.

— Бир нусха кўчириб олмоққа ижозат берурсиз.— Навоий кўзлари билан қалам, довот қидира бошлади.

— Заҳмат чекмангиз,— қўли билан енгил ишорат



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб деди Жомий,— бу нусхани сиз учун махсус кўчириб қўйган эдим.

— У ҳолда туҳфангизнинг қиммати биз учун беҳисоб ортди.

Навоий қоғозни авайлаб тахлади-да, киссасига солди ва хўшлашди. Жомий уни ташқи эшикка қадар кузатиб қўйди.

Хуфтондан кейин «Бинафша боғ»нинг супасида Ҳиротнинг энг донгдор меъморлари, бинокорлари, сангтарошлари, наққошларидан иборат қирқ-эллик устод йиғилди. Буларнинг аксари махсус мактаб кўрмаган бўлсалар-да, асрларнинг тажрибасини мукаммал ўзлаштирган, ижодчи фикрга эга ажойиб усталар эди. Шоир уларга «Инжил»[1] ёқасида қурмоққа қарор қилган олий иморатлари тўғрисида сўзлади ва устодлар билан ярим кечага қадар кенгашди.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

### I

Мажднддин ўзининг подшоҳдан тилаб олган ердаги янги боғчасида, илк гуллари эндигина очилган, кўшкларининг нақшлари ҳали қуримаган, дарахтлари ёш, лекин ҳаводор ерда зиёфат берарди. Ҳафталаб ичишга одатланган майхўр беклар ва мансабдорлар кўп ичиб, қизариб, лекин ҳушёр суҳбатлашар эдилар. Ёлғиз калтакесакдек рангсиз, қонсиз мавлоно Шаҳобиддиннинг кайфи жойида эди. У меҳмонларнинг қайбири билан ҳазил-мутойиба қилишни билмасдан, машҳур қизиқчи Абдилвосенинг букун таклиф этилмаганидан шикоятланди. Мажддиддин парвоначи кўзларини айёрча қисди.

— Жаноб қози, биз Абдилвосени қасддан даъват этмадик, андак музокараларимиз бор...

— Ўзингиз ҳам мутойиба, латифа устодларидансизку, бошлайверинг,— деди Амир Мўғул.

— Йўқ, жаноблар, мен аркон давлат ва амирлар билан ҳазиллашмоқни илалъабад[2] тарк этдим,— қўлини силкиб деди Шаҳобиддин.

---

[1] Ҳиротда кичик бир наҳр.
[2] Мангулик, ҳамишалик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сабабини биламиз,— деди киноя билан кулиб Маждиддин.— Алишер таъзирингизни берибди-да.

— Бу жиҳатдан биз бехабармиз, не воқеа?— қулоғини диккайтирди олифта кийинган, ёши улуғ бўлса-да бачкана қилиқли мансабдор Хўжа Хатиб.

— Бир мажлисда Алишернинг менга қаратган мутоийибасига шул онда жавоб берган эдим, ғоят хафа бўлибдилар,— қиҳ-қиҳ кулиб гапирди Шаҳобиддин.

— Менга дуч келган қулондай, бир ўқ билан ўмарибсиз-да шоирни!— керилиб деди овчи беклардан бири.

Маждиддин «музокара»га йўл табиий равишда очилганига суюнди. Ҳамманинг диққатини жалб этмоққа тиришиб, фалокатдан хабар бераётган сингари, товушини пасайтириб гапирди:

— Шукур қилинг, тақсир! Ҳозирги мавқеингизни, бу мажлисларни ўзингиз учун олло таолонинг улуғ неъмати деб билинг, жаноб қози! Алишернинг даст панжаси зарбини ҳали тотмабсиз. Биҳишт каби шаҳримиздан сизни ҳайдаб юборса, қўлингиздан не келур эди?

— Садағанг бўлай, мендан не гуноҳ содир бўлди? Олло таоло бундай қора кунни ҳеч бандасининг бошига солмасин!— кўзларини катта очиб деди Шаҳобиддин.

Маждиддин хохолаб, кафтларини бир-бирига урди.

— Хуросон шоирларининг саромади мавлоно Биноийнинг тақдири не бўлди? Юртдан ҳайдалмадими?

— Мавлоно Биноий саёҳат учун кетди,— деди бир чеккада шатранж ўйнаётганлардан бири.

— Беҳуда гап! Сиз бехабарсиз...— ўйинчига ҳўмрайди парвоначи.

— Мавлоно Биноий Алишернинг тарбияси соясида ном ва шуҳратга эришди. Бинобарин, ҳар ерда ўз устозини масхаралашдан завқланди. Ҳиротдан жўнашда ҳам эшаги учун «тўқуми Алишер» деган бир балони ихтиро этиб, бутун Ҳиротга сурон солди. Мен Алишерга нима ёмонлик қилдим, хўш? Ёлғиз унинг она тилида шеър айтишини ёқтирмаймен холос!— деди бўғилиб Шаҳобиддин.

— Мавлоно Биноийнинг ҳам ўзга айби йўқ,— гапга аралашди Хўжа Хатиб...— Биноийнинг эътиқодича, туркида шеър сўйламоқ беҳуда ҳаракат. Шунинг учун уларни мазах қилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мавлоно Шаҳобиддин аччиғига чидолмагандек, пиёлани шошиб сипқирди, узун соқолини қўли билан артди.

— Балли, биз ҳам шу фикрни маъқуллаймиз,— кўкимтир саллали бошини ғурур билан чайқаб деди мавлоно Шаҳобиддин.— Фирдавсий, Низомий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий каби шеър самосининг офтоблари жаҳонни нурга тўлдирсалар, бизнинг туркигўйларнинг қора чироғи ўз кулбаларини ҳам ёритмоқдан ожиздир. Эронки, шеърнинг ва илмнинг хазинасидир, унинг лисонини олло таоло илҳом-чашмаси билан суғорибдир, бас, у лисонда ёзмоқ керак...

Доимий ичкилик ва қимор билан кечирилган тунларнинг ҳорғинлиги юзида очиқ кўринган Амир Мўғул маст, қийиқ кўзларини Шаҳобиддинга тикди ва қўлини чўзиб у билан гулдор пиёлаларни чўқиштирди.

— Фикрингиз тўғри,— деди у ҳансираб,— йўқ, мен бу масалага эътибор бермайман. Майли, булбуллар қаторида турумтойлар ҳам сайрай берсинлар. Буларни ҳам тингловчилар, суювчилар бор.

— Эшитишимча, Навоий созининг овозаси бир ёқдан Қозонга, иккинчи ёқдан Хўтан ва Қошғаргача етибди,— қистириб қўйди беклардан бири.

Амир Мўғул сўзни кесган бекка ер остидан ёмон тикилиб, майни сувдай сипқирди-да, давом этди:

— Мени ташвишга солган бошқа бир жиҳат бор. Ҳамма бало шундаки, Хуросон давлатини Навоий ўз қўлига олди. Жамики ишларга, жамики мансабларга ип солиб қўйди у. Ахир, ота-боболари соҳибқирон Темурга ва унинг авлодларига қул янглиғ хизмат қилган баъзи бекларда букун ихтиёр қолмади. Маълумки, давлатнинг тираги беклардир. Улар ўз вазифаларида ҳамиша ҳур ва мустақил бўлганлар. Навоий давлатда қадим русум ва қоидаларни яксон қилмоқда. Шаҳарларнинг, вилоятларнинг ҳокимлари ҳисоб-китобни қўлтиқлаб, бўзчининг мокисидай, Ҳиротга қатнаб туришлари лозим эмиш. Халқ, адолат, қонун деган шиорлар пардаси остида Навоий, билмадим, яна нималар ўйлаб чиқарар экан!

Амир Мўғул кўпчиликка таъсир кўрсатди. Шатранж ўйновчилар ҳам ўйинни тезроқ тугатиш учун сабрсизланиб қолдилар. Маждиддин парвоначи қўша-қўша қимматбаҳо узукли бармоқларини енгилгина қисирлатиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

устодона тур билан мажлисга қаради, ҳамманинг диққатини жалб этгач, қизишиб гапирди:

— Навоийнинг халқ ва адолат ҳақидаги мулоҳазалари ҳар бир тажрибакор, корсоз давлат арбоби учун қуруқ сафсатадан ўзига гап эмас. Халқ, бир подадир. Подани йўлга солмоқ учун чўпонга ёлғизгина мустаҳкам гаврон керак. Навоий қош қўямен деб кўз чиқармоқчи. Масалан, Навоий баъзи муҳтарам қозиларимизни, амалдорларимизни халққа жабр-ситам қилишда айблаган эдики, бутун мамлакатда халқ ҳушёрланиб қолди. Амалдорлар, ҳатто вилоят ҳокимлари устидан ҳар кун бениҳоят кўп шикоятлар ёғила бошлади. Бу сиёсат эмас, ҳамоқатдир. Не қилайликки, хоқонимизнинг муборак кўзларини бу ҳақиқатларга ҳануз очолмадик.

— Подшоҳимизга ачинамен,— деди бошини қайғули тебратиб Хўжа Хатиб.— Алишер Навоий эл ва улусга ўзини яхши кўрсатур, мамлакат унинг гуруҳи қўлида ўйинчоқ бўлур. Бир вақт бесабаб менинг бошимга тош ёғдирган жоҳил аламонни занжирбанд қилинмаса, у яна даҳшатли воқиаларни қўзғар. Навоийнинг адолат, қонун шиорининг орқаси зулмат!

— Зулмат! Зулмат!— тупуригини сачратиб, ғазаб билан қичқирди мавлоно Шаҳобиддин.— Ҳақ сўзни дедингиз, жаноб Хатиб, далил ва исбот даркорми? Хотир шарифлари учун бир далил: камина ўз азиз умрининг гулини, фикрининг жавҳарини сарф этиб, бир асар вужудга келтирдики, нафсул-амрда бу каби китоб на араб, на форс ва на ҳинд лисонида мисоли йўқдир. Мен бу асарда қуръон карим оятларини ва сураларини бағоят осон топмоқ йўлларини кўрсатдимки, ҳар бир мусулмон учун беҳад фойдалидир. Бовужуд саъй-ғайратимга назар солмадилар. Мадрасаларнинг эшиклари камина учун ёпиқ. Навоий атрофида жам бўлган ҳам мадрасаларимизда дарс айтган мударрислар илм ҳайъат, риёзиёт ва мантиқ каби динимизга рахна солувчи, мусулмонларнинг пок эътиқодида шубҳа туғдирувчи илм аҳлларидирлар. Қани дину диёнат? Қани адолат?

— Бу гапларни эл орасида рўй-рост сўзламоқ керак, жаноб қози!— деди Мажддиддин.

Мажддиддин соқига — жуда яхши кийинган, нозик, чиройли йигитчага — ишорат қилди. Гўзал қадаҳларда лоларанг шароб кетма-кет қўйилди. Мастлик дилларнинг қулфини очди. Хазинадан туман-туман олтин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кумуш олувчи беклар, мансабдорлар бутун-бутун шаҳарларга, бутун-бутун вилоятларга эга бўлиш тўғрисидаги хаёлларини черта бошладилар.

Улфатчилик энг қизиган пайтда, лапанглаб мағрур Тўғонбек кириб келди — эгнида заррин ёқали кўк шоҳи чакмон, бошида мўғулча қалпоқ, белида ранг-баранг тошлар қадалган сербар камар, қўлида кумуш бандли қамчи... У Ҳадичабегимдан туғилган ва подшоҳнинг севикли ўғли Музаффар Мирзонинг — ҳали ёш шаҳзоданинг — хос йигитлари қаторига Маждиддиннинг ёрдами билан кириб олишга муваффақ бўлган эди.

Маст беклар Тўғонбекнинг тақир сипқирилган қадаҳидан атайлаб бир қатра қолдиқ томдиришга тиришдилар. Қадим одатларнинг хотираси учун унга тўққиз марта қадаҳ тутишга жазм қилишди. Эски одатларнинг эзгулигига чуқур ишонган Тўғонбек эътироз қилмади. Ёлғиз киноявли илжайиш билан тўнг пўнғиллади: «Боболарнинг арвоҳини шу ангишвона билан юпантирамanми?» Беклар, қадимнинг бўлимли йигити, деб унинг елкасини қоқдилар. У учун каттароқ хитойи бордоқ келтирилди. Хипча белли соқий қаторлашган кўзачалардан лим-лим қўя бошлади. Тўғонбек чўкка тушиб олди. У чанқовдан оғилни бузиб чиқиб, дуч келган ариқни очкўзлик билан симирган буқачадай, катта ютумлар билан ичаверди. Ҳар гал бўшатганда, бордоқни тўнкаради, бир томчи силқимайди. Одамлар маст кўзларини сузиб қизиқиб қарайдилар. Май бордоқнинг четидан тошиб тушмаса, қичқиришади: «Қуй, қуй! Жайхунни ҳам қуритади бу!» Тўғонбек тўққизинчи бордоқни сипқириб, тўнкарди. Даккам-дуккам қизғиш мўйлабини артиб, тишлари орасидан узоққа, гулзорга «чирт» этиб тупурди-да, бемалол чордона қурди.

— Чингизхондек жаҳонгирларга саркардаликка лойиқ йигит-да!— Хўжа Хатиб Тўғонбекни кўрсатди.

Чоғир мажлиси яна қизиди. Мавлоно Шаҳобиддин учиб қолиб, ўликдай чўзилди. Тўғонбек Музаффар Мирзо бошлиқ юз йигит билан овга чиқиб, ўн кун яхши ов қилганлиги, ёш шаҳзода ўқ отишда анча малака ортдирганлиги ва ҳоказолар тўғрисида гапирди. Овчилик ҳам қушлар ҳақида баъзи беклар билан тортишди. Ниҳоят, мажлиснинг ҳали-бери тугамаслигини сезиб, кўз қири билан Маждиддинни имлади-да, меҳмонлардан узоқлашди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғчада, ёш дарахтлар орасида жимгина ишлаб юрган қул — Нурбобога йўлиқди. У билан дастлаб меҳрибон ўғил ота билан кўришган каби, самимий ҳол-аҳвол сўрашди. Аммо бир зум ўтмасдан, майнинг таъсирида ортиқча гердайиб, шилқимлик билан ҳазил-ҳузулга ўтди. Чолнинг майин, кўркам оқ соқолларини тутамлади: «Бу нима? Бундан супурги ясаб, «Алишер супургиси» деб ном қўйсанг бўлмайдими?» Чолнинг буришган юзлари ғазабдан титради. Тўғонбек шовқин солди: «Ҳозир Ҳиротда кимки бир нарса ишласа, албатта «Алишери» деб номлайди, тушунасенми, қариб қуйилмаган калла!»

Нурбобо ундан ўзини базўр қутқарди. Қошларини жаҳл ва киноя билан чимирди-да, ақлли чолларга хос ишонч билан деди: «Алишер Навоийга қарши тилларингни мунча қайрай бердиларинг? У жаноб сенларнинг арпаларингни хом ўрдими?» Тўғонбек бир қўли билан чолнинг белини қамраб олиб, кичкина болани кўтаргандек, енгил кўтарди: «Кучукбаччадай думалатиб, эзғилар эдимку, бироқ ана шу супургингни ҳурмат қиламен!»— чолни секингина ерга қўйди. Нурбобонинг ранги ўчди, содда кўзларига қайғу тошди. У ўзининг суяк қўлларини Тўғонбекнинг елкасига қўйиб, дард билан гапирди.

— Бек йигит, бу қадар ошиб-тошмоқликнинг не фойдаси бор? Бу дунёнинг завқ сафосига нодон одам берилади. Қадаминг остига қара, минглараа кўзлар термилади! Сен уларни кўрмайсен, аммо кўнгилнинг кўзи уларни жуда равшан кўради... Биламен, сенинг эс-ҳушинг мансабда, арғумоқда... Биз каби хокисор, ожиз ва нотавонларни кўз учига илмайсен. Бироқ, билиб қўйки, иккимиз бир жойга борамиз, насибамиз бир парча совуқ тупроқ! Тирикмиз — фарқимиз бор, мен қул, сен улуғ пояли озод йигит. Аммо ер қўйнида иккимиз ён-ёнга ётурмиз. Эҳе, мен не-не подшоҳларни кўрмадим, Шоҳруҳ Мирзо, Абулқосим Бобир Мирзо, Абусаид Мирзо — ҳаммаси йўлга равона бўлди. Тез кунда мен ҳам борурмен. Шоҳнинг ҳам, қулнинг ҳам сўнг йўли — бир!

Нурбобо аламдан, меҳнатдан қовжираган, бурушуқ юзида юмалаган кўз ёшларини эски чопоннинг этаги билан артиб, ўз ишига, ёш мевали оғочларнинг тагини чопишга киришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қария,— деди гердайиб Тўғонбек,— ўгитинг маъноли... Бироқ умр қисқа экан, яшаганингга яраша дунёнинг чангини чиқариб кет!

— Чангда ўзинг бўғилишинг ҳам мумкин!— қарамасдан астагина деди чол.

Тўғонбек узоқда, дарахтлар оралаб келаётган Мажддиддинга томон тез-тез одим отди.

— Хўш, яна не гаплар бор?— бир қўли билан олма оғочига суяниб, калковланиб сўради Мажддиддин.

— Хадичабегим бугун оқшом сиз билан сўзлашмоқ истайдилар,— шивирлади Тўғонбек.

Мажддиддиннинг кўзлари катта очилиб, ҳушёрланиб кетди.

— Ўзлари ша... ша... шахсан айтдиларми?— дудуқланди у,— ҳам қаерда кўришамиз?

— Бош канизаклари айтди. Музаффар Мирзонинг янги саройида.— Мажддиддиннинг юзи кулгидан бемаъни ёйилиб кетди. Тўғонбек ер остидан собиқ хўжасига қаради:

— Маликамизга бизни ҳам танитдириб қўюрсиз...

— Сўзнинг равишига қараймиз, иним.

## II

Хуфтондан кейин парвоначи шаҳзоданинг янги саройига келди. Бирон гумон қолдирмаслик учун, у қарши олган мулозимларга, шаҳзодани кўриб, ҳаққига дуо ўқимоқ ниятида келганини баён қилди. Мулозимлар қўллари билан узоққа ишорат этдилар. Мажддиддин узоқда кечанинг қора кўмирига ёнғин тушгандек, ҳавода юзларча машъалларнинг ловиллаганини кўрди: «О, шаҳзодам ажойиб ўйин билан машғул эканлар. Нақадар гўзал манзара!»— бошини оғир тебратиб, завқланганини билдирди парвоначи.

— Шаҳзодамиз ҳар кун янги ўйин, янги томоша ихтиро қиладилар!— машъалларга тикилган ҳолда деди бир мулозим.

Мажддиддин сарой атрофида бироз айланиб, бош канизак билан учрашишга муваффақ бўлди. Канизак бир неча дақиқадан сўнг қайтиб келиб, қоронғу, кимсасиз йўл билан олиб кетди. Мажддиддин ҳамма даричаларидан ёруғ тушган икки қабатли бинога келди. Зинадан иккинчи қабатга кўтарилди. Иккита қоп-қора чўри хо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тин ўтирган даҳлиздан ўтиб, жуда серҳашам, гўзал, кичикроқ бир хонага кирди. Тўрдаги очиқ дарича ёнида, қат-қат шоҳи кўрпачаларда, ёстиққа ёнбошлаган аёлга кўзи тушиши билан икки букилиб таъзим қилди. Кейин аёлдан рухсат олиб, яна таъзим билан қуйироқ тиз чўкди. Канизак шамдонлардаги шамларнинг учини тўғрилаб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Хадичабегимнинг безаклари, пардози парвоначининг кўзларини беихтиёр тортар эди. У хадиксираб, бошини қуйи солишга тиришди.

— Мадҳ алё[1] бегимнинг сиҳатлари яхши, муборак кўнгиллари шодми?— мурожаат этди Мажддиддин.

— Тангрига шукур.— Узун бармоқлари билан чакка сочларини тузатиб деди Хадичабегим.— Мен сизни бемаҳал овора қилдим.

— О, Маҳд алёнинг ҳузурларига ҳамма оёқ билан келганда, бу қулингиз боши билан юриб келмоқни ўзи учун улуғ бахт ва шараф билур.

Ҳадичабегим юрт учун қайғурадиган бир малика эканини кўрсатишни севарди. Одати бўйича, мамлакат аҳволи ҳақида сўради. Мажддиддин «адолатда ягона бўлган улуғ подшоҳнинг ва Хадичабегим каби оқила маликанинг даврида» бутун мамлакатда фаровонлик ҳукмрон эканини тумтароқли сўзлар билан мақтаб кетди ва жойи келганда бу йўлда ўзининг хизматларини ҳам усталик билан қистириб ўтди. Хадичабегим дам безаклари ва сочлари билан машғул бўлиб, дам даричадан қоронғу, сокин боғчага қараб, паришонлик билан тинглади.

— Сизга кўпроқ эътимод қилганим учун баъзи ишлар хусусида кенгашмоқ истаган эдим,— илтифот ва илиқлик билан деди Хадичабегим.

— Кўрсатган улуғ марҳаматингизга миннатдорчилик билдирмоқ учун бу қулингиз сўз топмоқдан ожиздир!

— Ўғлимиз Музаффар Мирзо ўсиб, тангрига шукурлар бўлсин, кундан-кун эси-ҳушини танимоқда,— ниманидир ўйлаб сукут қилди малика.

— О, Хуросон тожининг бебаҳо гавҳари ёш шаҳзодамизга тангри таоло Хизир умрини, Сулаймон тахтини берсин.

---

[1] Хадичабегимнинг унвони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳадичабегимнинг упа-элик билан товланган юзига бирдан табассум югурди.

— Маълумки онанинг кўнглида ўз фарзандининг бахтидан ўзга ҳеч қандай қувонч ва роҳат бўлмас,— деди у сохта мулойимлик билан.— Тангри умр берса, Музаффар Мирзо тезда улғаяди. Унинг дилини баланд орзулар тўлдиради, қўшин суришга отланади. Шундай эмасми?

Ҳадичабегимнинг мақсади парвоначи учун энди жуда равшан бўлган эди. У кулиб деди:

— Шоҳ боласига юрт ва сипоҳ, дарвеш боласига масжиду-хонақоҳ керак!

— Сиздан яширғулик сиримиз йўқ,— деди малика бўялган ингичка қошларини ўйнатиб,— ўғлимнинг иқболи учун шу замондан бошлаб тўғри йўллар ҳозирламоқ даркор. Биламен, ҳар қайси шаҳзоданинг ўз кўнглида орзу армони бор. Эътиборли одамлардан мурабблари бор. Бадиуззамон валиаҳд[1]... Улуғ мирзо ҳазратларининг[2] хотирлари бундай андишалардан узоқ; бас, ўғлим учун аёл бошимга ўзим қайғурмасам бўлмас экан... Фикрим равшан бўлгандир сизга?— макрли кўзларини тикди Ҳадичабегим.

— Офтобдай равшан... Сўзларингиз асли мантиқнинг дурдоналаридирки, маликамнинг нодир ақлу закоси ҳам баланд идрокига гувоҳдир.

— Хўш, нима фикр берурсиз?

— Бу қулингизнинг фикрими?— табассум қилди парвоначи, кейин донишмандона бир тур билан давом этди.— Аввало, шуни айтмоқлигим керакки, Маҳд алё бегимнинг раъйиларига батамом қўшилурмен. Музаффар Мирзонинг бахти учун ҳозирдан бошлаб тадбирлар кўрмоқ зарур. Нечунким, тақдирнинг буқаламунликлари бениҳоятдир! Аммо, бу хусусда ошиқмоқ, ҳар кимга сир бермоқ — тангри кўрсатмасин,— ёмон оқибатларга сабаб бўлур. Пинҳон ишламоқ, ҳар бир қадамни кенгаш билан қўймоқ лозим. Музаффар Мирзонинг теварагидаги бекларнинг, йигитларнинг шаҳзодага садоқатларидан заррача шубҳа қилинмасин. Тўғонбек каби ғоят иш кўрган, баҳодир йигитлари бор. Яна шундай

---

[1] Подшоҳнинг ўрнини олиши керак бўлган шаҳзода.
[2] Подшоҳ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

пухта, чорасоз одамлардан бир нечасини шаҳзода ўз хизматларига олурлар.

— Сиз ўзингиз ҳам шаҳзодага йўл-йўруқ кўрсатиб турсангиз...

Мажддиддин шундай таклифни кутиб турган эди. Қарс икки қўлдан чиқади. Ваъдага ваъда олмоқ керак.

— Подшоҳ ҳазратларига мен фақир қандай қул бўлсам, шаҳзодамга ҳам шу йўсунда қулмен,— деди парвоначи қўлини кўксига қўйиб.— Хоқонимиз назарларида шаҳзодамнинг эътиборларини ҳар важҳ билан илгари сурурмен. Аммо, ҳақиқатни айтганда, бу йўлда менинг ғайрат ва ҳаракатим давлатдаги вазиятимга, мансабим поясига боғлиқдир, ё хато сўзладимми?

— Тўғри айтурсиз,— жавоб берди маънодор илжайиб малика.— Бу жиҳатни ўйлармиз, бундан кейин содиқ одамлар орқали ҳар нав ишлар тўғрисида бир-биримизни огоҳлантириб турсак, яхши бўлар эди. Бошқа сўзим йўқ...

Мажддиддин куллуқ қилди.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

«Бинафша боғ» нинг бир четида, қалин дарахтларнинг қуюқ, оромбахш кўлкасида Шайх Баҳлул[1] букунги овқат учун тайёргарлик кўриш билан машғул эди. У, ўз қарамоғига берилган юмушчиларга ҳар хил ишлар буюрар, лекин ҳаракатларида эса қандайдир асабийлик, кўзларида қайғу кўланкаси сезилар эди. Нарироқда — ариқ бўйида шолча устида ўтирган Соҳиб Дорони ҳам кўрмагандек, юмушдан кейин сарв оғочига суялиб хомуш қолди. Ортиқча хушчақчақликни ёқтирмаса ҳам, лекин ҳар вақт сокин ва ювош, кайфияти жойида бўлувчи бу қадрдон мулозимнинг букунги вазияти Соҳиб Дорони ҳам таажжублантирди.

— Бунда келинг, иним, бир нафас суханворлик қилайлик,— мурожаат этди Шайх Баҳлулга Соҳиб Доро.

Шайх Баҳлул истамагандай, ялқовланиб ўрнидан турди.

— Ҳолингизда тағайюр кўрамен, ўтиринг,— жой

---

[1] *Шайх Баҳлул* — Навоийнинг қадрдон мулозимларидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатди Соҳиб Доро ва давом этди:— кўнглингизда не андуҳ бўлса, баён этинг.

Шайх Баҳлул шолчанинг бир четига ўтирди-да, бирдан кулимсиради.

— Мавлоно, ишонинг, кўнглимда зарра қадар дард йўқ,— деди Шайх Баҳлул,— гарчи бўлганда ҳам, айтмоқлик нонкўрлик бўлур эди.

— Нонкўрлик?— қизиқиб сўради Соҳиб Доро,— Мир ҳазратлари билан орангизда бирон сўз ўтган деб гумон қилурмен. Энди сўзламоққа мажбурсиз!

— Кароматингиз бағоят тўғри. Оқшом Мир девондан қайтдилар,— кулимсираб гапира бошлади Шайх Баҳлул,— хосхона ичига кирдилар. Бир дақиқадан сўнг мени чақирдилар. Мирнинг номларига келган бир даста мактуб, ариза ва талабномаларни йиғиштириб, ҳузурларига кирдим. Мир курси устига ишорат қилиб дедиларки: «олинг!» Мен, филҳақиқат, довдираб қолдим, курси устида шам, давот-қалам ва бир коса сув турур эди.— Қай бирини олай!— Ноилож сўрадим: «Қайси нимарсани олмоққа буюрдилар» Бовар қиласизми, Мир ҳазратлари ғазаб билан боқиб: «Баракалло фаҳмингизга! Шунча йил хизматимизда бўлсангиз ҳам, ҳануз тартибни билмайсиз. Сизга белгулидирки, шам сабоҳга қадар қошимда ёнғуси, давот-қаламнинг зарурлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Демак бу ерда қай нарса лузумсиз» дедилар. Мен дарҳол сув тўла косани кўтариб ташқари чиқдим.

Соҳиб Доро тиззасини уриб завқ билан қаҳ-қаҳлаб кулди.

— Кулги нима? Бу билан фақирнинг жароҳатига яна туз сепурсиз.— ранжиб деди Шайх Баҳлул.

— Астағфурулло! Хўб, зинҳор кулмаймен, яна нелар бўлди?— рўмолчаси билан кўзларини артиб, сўради Соҳиб Доро.

— Ҳаммадан фаже шулки, эрталаб Мир ўзлари узр тиладилар, мен хижолатдан бошимни кўтариб ололмадим...

— Баҳлул, бундан хотирингиз беҳуда ташвиш тортибдур,— деди Соҳиб Доро,— Мир билан унинг доно мулозими орасида бўлмиш бу воқеа энди бутун Ҳирот, балки Хуросонга тарқалур, ҳар ерда Мир Алишер номи ёд этилса, сухандонлар ажойиб рангдор услуб билан бу нуқтани ҳам сўзлаб берурлар, мажлис аҳлининг кўнгил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари очилур. Даъвомнинг исботи учун сизга бир мисол келтирурмен: бир вақтлар Мир ҳазратлари «Боғи фиғон»да бир улуғ зиёфат берган эдилар. Пойтахтнинг бир кўп шуаро ва фузалоси, акобирлари ҳозир эдилар. Анвои таомлар тортилди, дастурхон йиғиштирилиши билан Мир эшикка чиқиб, қайгадур ғойиб бўлдилар. Мажлис аҳли, суҳбатга Мирнинг вақтлари йўқ шекилли, деган гумон билан ўринларидан туриб, тарқалиб кетишди. Шул аснода Мир келиб, мендан сўрадилар: «Меҳмонлар қаерда?» Мен изоҳ бердим. Мир ногоҳон ғазабланиб, мендан ранжидилар ва қошларини чимириб дедилар: «Алишернинг уйи ошпазнинг дўконхонасимидирки, ҳарифлар келиб, ош еб жўнай берурлар!» Бу нуқтани мен бир икки ёр-дўстга айтган эдим, бовар қилинг, барқ суръати билан Ҳиротнинг қулоғига етипти... Яқуббекнинг[1] ҳузуридан келганларнинг ахборотига кўра, бу воқеа у ерда ҳам тиллардан-тилларга кўчиб, мажлисларда сўйланармиш ва бисёр-бисёр хурсандчиликларга сабаб бўлурмиш.

— Сўзларингиз ҳақиқат,— деди Шайх Баҳлул.— Шоир ҳақидаги ҳар бир маълумот юртда завқ билан тингланур, лекин... бефаҳм бўлиб ёдланурмен.

— Йўқ, хато қилурсиз,— эътироз этди Соҳиб Доро,— бу воқеани: «Мирнинг ақл ва фаросатда ягона мулозими бор экан» деб бошлагайлар ҳар ерда: зероки, халқ Мирга ҳар вақт улуғ нодир нимарсаларни раво кўради...

— Алалхусус эл-улус,— овозини пасайтириб, маҳфий сўзлагандай деди Шайх Баҳлул,— ўзгалар орасида шундай зотлар борки, улар шоирдан нуқсон ахтарадилар. Андак нарса сезсалар, фалакнинг тўққизинчи табақасига кўтаришдан лаззатланурлар. Аммо — улус бошқа...

— Улуғ Навоийда ўзининг ягона умидини кўради,— қайд этди Соҳиб Доро.

— Балли, махдум,— давом этди сўзида Шайх Баҳлул,— хабарингиз бўлғай, бултур Мирнинг тишлари оғриб, ёғлиқ боғлаган эдилар. Оз фурсатда бутун Ҳирот аёллари жағлари орқали шоҳи парча ўраб «Ёғлиқ Алишерий» ном қўйдилар. Шоирнинг тиш оғриғи — аёллар учун ҳусн воситасига айланди!

---

[1] Ироқ ҳокими.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бас, Мирдан нечун ранжидингиз?— табассум қилиб сўради Соҳиб Доро.

— Йўқ, мен ўз-ўзимга ранжидим,— юмшалиб, уялгандай ерга қараб гапирди Шайх Баҳлул.— Мир Алишерни айблашга ҳеч йўл билан ҳаққимиз йўқдир. Зеро ул жанобнинг бошларида туман-туман ишлар борки, тоққа ортилса, тоғ ҳам бардош беролмас эди. Бу шароитда ул жанобнинг кўзлари баъзан ғазаб билан учқунланса, баъзан муомилалари дағалланса, бу асло ажабланурлик ҳол эмас. Бу жиҳатларни камина фаҳмлайди албатта.

— Махдум, буни аввалдан фаҳмламоқ керак эди. Сиз қош-қовоғингизни гўдакона осилтирдингиз,— пичинг билан деди Соҳиб Доро.

— Инсон кўнгли ҳар нав заифликлардан холи эмас эмиш.

Шайх Баҳлул боғ ичидан чиқиб келаётган боғбон билан муомала қилмоқ учун кетди. Соҳиб Доро шолчада ёнбошлади. Енгинасидан шарқиллаб оқиб гулзорлар бўйлаб, узоқда, ҳавонинг илиқ олтинида нафис уйқуга толган сарвзорлар қўйнида кумуш уқа каби товланиб-товланиб ғойиб бўлган сувга телмурди. Севиб ўқийдиган ғазаллар ёдига беихтиёр қуйилиб келди:

Номаси қўйнимда баским изтироб айлар кўнгул,<br>Ўпкали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.

Учинчи мисранинг илк сўзларини бошлар экан, ногоҳон орқага қайрилишга мажбур бўлди: «Ассалом алайкум!» — қўл қовиштирган, бегона, содда бир йигитга кўзларини маънодор қисиб, бир зум тикилди-да, сўнг оёқларини йиғди.

— Не хизмат?

Йигит алланечук қизариб, ерга қаради, сўнг бирдан дадилланиб гапирди:

— Тақсир, мени бу даргоҳга мавлоно Султонмурод юбордилар, у кишини танисангиз керак.

— О, ул жанобни танурмиз,— тасдиқлади Соҳиб Доро,— не мақсад билан? Менгами, ёки Мир ҳазратларигами?

Йигит ички бир қаршилик билан курашгандай, пешонасини қашиб жавоб берди:

— Шул даргоҳда бирон юмуш топиб берурлар, деб юборган эдилар. Навоий ҳазратларига арз қилсак, шояд...



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳожати йўқ, мақсадни англадик,— йигитнинг сўзини кесди Соҳиб Доро,— бир дақиқа сабр этинг.

Йигит ариқ бўйига чўққайиб, улкан боғнинг жонли латофатидан кўзларини узгуси келмагандай, тикилиб қолди. Соҳиб Доро соқолини қашиб, эринчоқлик билан ўрнидан турди. Олманинг шохига илиб қўйган чакмонини шошмасдан кийди, оппоқ катта салласини диққат билан бошига ўраб, йигитга деди:

— Юринг, биз иковлон «Инжил» ёқасини сайр этиб келайлик. У ерларда бўлганмисиз?

— Тарифини эшитдик-ку, аммо кўрганимиз йўқ.

— Ҳиротки бир оламдир, анинг ичида Навоий янги бир олам барпо қилмоқдалар... Ҳа, кечиргайсиз, отингиз нима? Султонмуроднинг яқинларидан бўлурсиз...

— Отим Арслонқул. Жаноби мударрис билан танишлигимиз бор...

«Инжил» бўйига етганда умумий иншоот сурони ва оломон орасида Арслонқул анқайиб ўз ҳамроҳини кўздан қочирди, бир қанча вақт у ёқ-бу ёққа телмуриб, сўнг катта ишнинг қизғин тўлқинига беихтиёр берилиб, юра кетди. Дарё бўйлаб катта масофада иш гирдоби қайнар эди. Бир неча юз одам терлаган, пишган, ҳансираган ҳолда муттасил ҳаракатда; юк ташиган араваларнинг гумбурлаши, туяларнинг аллақандай қайсарлик ва зарда билан бақириши, «оғир карвон» филларнинг ҳайбатли лапанглаши, ишбошиларнинг кескин қичқиришлари Арслонқулни анча эсанкиратди. У сангтарошларнинг олдида сеҳрлангандек, беихтиёр тўхтади. Бу ерда усталар мурабба ва мустатил шаклда ҳам турли катталикда бўлган тошлар устида ҳайратбахш бир қунт ва диққат билан куймаланмакда эдилар. Баъзилар мукқайиб, тошларнинг, ғадир-будир бетини ойнадай силлиқлаб ярқиратиш билан машғул. Бир гуруҳ усталар силлиқланган, қиррали палахса мармарларга ажойиб, живир-живир гуллар ясамоқдалар. Усталарнинг асбоблари остида мармар бетида аста-аста очилган ўйма гулларнинг жонлилиги Арслонқулни танг қолдирди: «Оламда заргарликдек хуноб иш бўлмас дердим, буларники яна сермашаққат экан-ку!»— деб ўйлар эди йигит.

Аллақайдан филларда катта тошлар ташилиб туради, филбонларнинг ҳайқириғи остида азамат йигитлар юкни тушириб, бурунлари ерга теккундай, букчайиб ташийдилар. Бир томонда оғоч усталари қизғин ишда:



www.ziyouz.com kutubxonasi

пойтеша, болта, арраларнинг садолари ажойиб бир оҳанг билан ҳавода янграйди.

Арслонқул чумолидай тўхтовсиз ўрмалаган одамлар орасида, ҳар томонга аланглаб, ҳар қадамда ҳунар ва санъатнинг мўъжизаларига йўлиқароқ, тентиб кетди-да, солинаётган мадрасанинг пештоқи қаршисида Соҳиб Дорони заррин ёқа тўн кийган, ёшгина олифта йигит билан қизғин суҳбат қилаётганини кўриб, улардан нарироқда тўхтади. Мадрасанинг қудратли, юксак пештоқи устида ишлаётган саллали, қалпоқли усталарнинг дорбоздай чаққонлигига ҳайрон бўлиб тикилди. Уларнинг ичида оппоқ соқолли, букчайган чоллар ҳам бор эди. Бироқ бу чоллар ҳам ҳавозалар устида, кучли, қадами тетик ёшлар сингари, қалтис ҳаракатларни бепарво бажарар эдилар. Кўркам дарвозанинг ёнлари сатҳига, кўча ёқнинг азамат деворларига юзларча наққошлар ёпишиб ишлашади. Қуёшда нақшларнинг ранго-ранг олови кўзларни қамаштирарли ёнади, порлайди. Арслонқул бу чуввос ичида тасодифан йўлиқиб қолган Соҳиб Дорони яна йўқотиб қўймаслик учун, унинг яқинига бориб турди. Бироқ, Соҳиб Доро олифта йигит билан шундай берилиб баҳслашар эдики, Арслонқулни сезмади. Арслонқул уларнинг гапига бир лаҳза қулоқ солиб, кинояли табассум билан юзини терс ўгирди:

«Яна ғазал! Яна муаммо. Аҳ, Ҳирот, Ҳирот! Қаён боқсанг, шоирни кўрасан, ҳар ерда — мачитда, мадрасада, бозорда, ошпазхонада — ғазалхонлик ва ғазал жанжали! Шубҳа йўқки, буларнинг иккови ҳам шоир!» — ўйлади ичида Арслонқул.

Ниҳоят олифта шоир баҳсга тоб бермагандек, Соҳиб Доро билан совуққина хайрлашган ҳамон, Арслонқул бир йўталиб, Соҳиб Доро қаршисига ўтди.

— Э, иним, бу ерларда адашмасдан илож йўқ,— деди кулиб Соҳиб Доро,— қани, мундароқ юринг.

Арслонқул Соҳиб Доро орқасидан юриб, якка дарахт остида ўткир кўзлари билан бир гуруҳ ишчиларнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан қамраб турган ўрта ёшли, яғринли бир кишининг олдига келди.

— Саркор, бу инимни сизга топширамен,— Арслонқулни кўрсатиб деди Соҳиб Доро,— ишлатурсиз ва эл қатор ҳақ тўларсиз.

Саркор атрофга аланглаган кўзларини бир нафасгина йигитга қадади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Умровли йигит кўринасен, аммо дангасалик қилсанг, елкангни қашиб қўямен, у замон ҳолингга вой.

— Қашитмасмиз, оға,— жиддий деди Арслонқул.

— Хўп, белни маҳкам боғла, ишга туш,— саркор юқорига — ғишт ташувчилар томонига қўл учи билан ишорат қилди.

Арслонқул бир уйим ғиштни орқалаб, унчалик эгилмай, ётиқ ҳавозада илдам ва шахдам қадам босиб, юқорилар экан, пастдан бир-икки киши бақирди:

— Ҳай, бўз бола, зўри беҳуда миён мешкананд, аста-аста юр!

Арслонқул саркорнинг ўқрайган кўзидан қўрққан каби, пастдагиларнинг маъқул кенгашини назар-писанд қилмасдан, гарчи юқорилашган сари кўпроқ эгилишга мажбур бўлса ҳам, яна ғизиллиб кетаверди. Ғиштни пештоқда ағдариб, қуш боқиши билан пастга ва атрофга қаради. Қуёш нурларида чўмилган Ҳирот боғларининг зангори уфқларда сингиб йўқолган яшил тўлқинлари йигит кўнглининг дард чигилларини ешгандай, бир дамда у руҳий енгиллик сезди. Унинг очиқ, қудратли кўкраги бу ерда, баландликда, шамолнинг ёқимли силаши билан қабаргандай бўлди. Чаққонлик билан пастга югурди яна.

Пешиндан кейин ҳамма иншоотларда иш тўхтади. Одамлар терларини артиб, жомакорларини қоқиб, «Инжил» бўйлаб, ҳар ер-ҳар ерда катта давра қура бошлашди. Арслонқул «Инжил»нинг нимлойқа сувларида бет-қўлини ювиб, ўз тўдасига келди, дарахтлар остига солинган бўйрада чордона қурди. Чарчаган одамлар аста елпиниб, ўзбекча, форсча, Арслонқул тушунмайдиган яна баъзи тил ва шеваларда аста-секин гаплашар, қирқ-эллик қадам нарида, атрофида одамлар уймалашган, буғлари ҳавога бурқиган катта қозон томонга қараб-қараб қўяр эдилар.

Қовоғи очилмаган саркор даврага бир кўз югуртириб, ошпазга: «Бошланг» деб қичқирди. Дастурхончи чол киши бошига дастлаб биттадан юмшоқ седанали нон улашди. Кейин гулдор сопол товоқларда мастава тортилди.

Арслонқул, ўз одатича, овқатни деярли ҳаммадан олдин еб битирди-да, ҳамкорлари билан ҳали «нон-қатиқ» бўлмагани учун, уларни кутмасдан ўрнидан турди.

Ҳамма иншоотларда шовқин-сурон тинди. Ёлғиз



www.ziyouz.com kutubxonasi

шўх болаларгина, дам олаётган туялар, филлар атрофида ғивирлаб, ҳайвонларга тегажаклик қиладилар.



«Навоий» романи қўлёзма нусхасининг биринчи саҳифаси. Адибнинг шахсий архивидан.

Унда-бунда чет кишилар биноларни томоша қилиб тентирайдилар.

Арслонқул ҳали ишлаган жойига келди. У ёқ-бу ёқни айланиб, ҳавоза бўйича юқори чиққанини ўзи ҳам сез-



www.ziyouz.com kutubxonasi

май қолди. Шундай азамат гумбазни, болалар «хомбопиш» ясагандай, бош қотирмасдан, тараддудланмасдан, ҳай-ҳуй билан, ишонч билан барпо қилаётган усталарнинг маҳоратига таажжубланди. Сўнг, гумбаз атрофига ўрнатилган ҳавоза ёғочига суялиб, узоқларга кўз тикди. Эски мадрасалар, шамдай адил юксалган миноралар, шаҳзодаларнинг нақшлари ранг-баранг олов билан ёнган гўзал кўшклари, азамат қўрғонларнинг кунгиралари яшилликлар орасида диққат билан қараган сари бирин-сирин гавдаланади. Буларнинг кўпларини Арслонқул яқиндан кўрган бўлса ҳам, лекин орадаги масофа уларга аллақандай илиқ ҳусн бағишлаб, яна кўпроқ жолиби диққат қилган эди. Арслонқулнинг кўзларига, ногаҳон, узоқда, сарв ёғочлари билан банд катта соҳа очилди: «Ҳа, бу «Боғи жаҳон оро» эмасми? Нақ ўзи... Ана, хиёбонлар» деди ўз-ўзига Арслонқул. Бошини ёғочга тираб, ўзини йўқотган кишидай узоқ тикилди: «Ким билади. Дилдорим балки шунда яшар. У ҳозир ясаниб-тусаниб, паридай шу хиёбон салқинида кезиб юрар. Подшоҳнинг гарчи юзинчи хотини бўлсаям мени батамом унутиб юборгандир, балки!» Йигитнинг кўкрагини қайғу тўлқини қоплади. У чуқур хўрсинди. Кейин, ўз-ўзини овутмоқчи бўлгандай, бирдан куйлади:

Кўзинг қароси бало,
Нетай мен унга шайдо!
Арз-ҳолимни еткур,
Чамандан эсган сабо!

Бориб айтинг, тўрғайлар,
Бу ғариб кимни пойлар?
Мендек куйганми Мажнун
Шунча йил, шунча ойлар!

Чертма, жўрам, торимни,
Элга ёйма зоримни,
Тушда ҳам кўролмайман,
Ҳиротдаги ёримни!

Арслонқул қалпоғини қўлига олиб, «Қўй-э!..» деб бирон ишдан умидни кесганлар сингари, қўлини силкиди-да, икки-уч қадам қўйиб, алланечук хижолат билан бирдан тўхтади: қаршисида бир гуруҳ киши унга тикилиб турар эди. Буларнинг ичида бояги усталардан бошқа яна икки-уч нотаниш шахс бор эди. Бу нотанишлардан бири — яхши кийинган, улуғвор, ҳамманинг диққа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тини ўзига тортган одам — ингичка табассум билан деди:

— Нега қўшиқни бас қилдинг, яхши йигит? Биз яна тингламоқчи эдик, сўзимиз ҳақиқатми?— усталарга қаради у.

Қўлида катта қоғозга солинган бино тарҳини[1] ушлаб турган қари уста боши билан тасдиқлаб, салмоқлаб сўзлади:

— Балли, дард билан сўйладинг қўшиқни, иним.

— Албатта, биз қўшиқдаги самимий дарднинг чўғи билан завқёб бўлдик. Зотан, қўшиқнинг асли жони кўнгилнинг дардидадир,— деди яна ҳалиги одам.

Арслонқул, бундай муомаладан сўнг ўзини тутиб олди-да, қўлини қовуштириб сўзлади:

— Тақсир, камина қулингиз ҳофиз эмас. Мени уялтирманглар, анчайин, ўзимизча ғинғиллаб қўямиз баъзида...

— Йўқ, қўшиқни баҳузур айтиб ишлайвер, токи ҳамма баҳраманд бўлсин,— деди ҳалиги киши.

Арслонқул ғишт, тош ташиб чиқаётганларга кўзи тушиб, иш бошланганидан огоҳланди. «Кечиргайсизлар!» деб пастга югурди. Юқорига ғишт кўтариб чиққанда Арслонқул кучли таажжубда қолди: ҳалиги одам қимматбаҳо тўнининг этакларини белига қистириб, енг учларини шимарган ҳолда астойдил ишламоқда — усталарга ғишт, ганч узатмоқда эди. Йигит кўз учини қисиб унга тикилди-да, елкасини қисди: «Катта амалдорларга ўхшайди-ку, аммо феъли бошқача экан! Қани, шу ишлашда бирпас тоб берармикан!»

Арслонқул ҳар гал унга зимдан бир қараб қўяр эди. Аммо унинг ишида сустлашиш эмас, аксинча, терлаган юзида борган сари ишга муҳаббат, қизиқиш сезди. Ниҳоят Арслонқул чидамади-да, ўзи билан ёнма-ён тушиб борувчи биттасини туртди ва қўли билан юқорига ишорат қилди:

— Ул жаноб ким бўлади? Жуда берилиб ишлаяптида. Ё бизга ўхшаш саркордан қўрқадими? Хо-хо-хо...

— Вой, гумроҳ, танимайсанми ҳали!— деб қадамини секинлатди у.

— Йўқ, ким?

---

[1] Бинонинг плани — проекти.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Навоий ҳазратлари-ю. Кўпинча келиб шундай ғайрат билан ишлайдилар.

Арслонқул чўчиб тўхтади: «Навоий!»— деди у ўз-ўзига ва орқага қайрилиб, аллақандай тошқин меҳр билан кўзларини юқорига қадади...

## УН БЕШИНЧИ БОБ

### I

Девоннинг қаторасига солинган зийнатли хоналарининг бири ёнида қурама халқдан анчагина тўпланган эди. Катта, текис, чорбурчак саҳнни чол қоровул қунт билан, чанг кўтармасдан супурарди. Унинг соқоли тараліб текисланган, лекин ранги кундузнинг машаққатларини хаёл билан бепарво кечириш учун ҳар куни эрталаб «чизе» тарёк истеъмол қилиб, устидан кўпроқ ширинлик егучи чолларнинг ранги каби, сарғиш, қонсиз эди. У супургининг дастасига суялиб, одамларга ер остидан кўз ташлади. Танишларини кўриб, яқин келди. У тааж-жубланиб деди:

— Тавба, Алишер жаноблари бир ҳафтадан буён «Чилдухтарон»[1] да эдилар, у ерда янги работ бино қилмоқдалар. Ҳиротга букун тунда қайтдилар. Хўш, халойиқни ким огоҳлантирди?

— Эҳтимол, ўзлари тушимизда башорат бергандирлар,— кулиб деди бир деҳқон.

— Ажаб эмас... Чунки Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳамиша пайванддир,— деди ишонч билан кўмкўк қўлли бўёқчи.

Шу вақтда кимдир, бурунаки отгандек, қайта-қайта апшурди.

— Ҳаққаст рост!— бўёқчига қаради чол қоровул ва жиддий деди:— Бу замонда Навоий жанобларидек пок одам ҳаргиз топилмас,— у ишига киришди.

Одамлар ўзаро шивирлашиб, Навоийнинг ишлари, ҳаёти, сифатлари ҳақида сўзлашаркан, амирларга хос «жуббаий тилло дўзи»ни кийган шоир ҳовлида пайдо бўлди. Ҳамма қўл қовуштириб таъзим қилди. Навоий халқнинг саломига жавоб қайтариб, тезгина юриб, катта хонага кирди. Одамлар эшик олдини ўраб, киссала-

---

[1] Ҳиротга яқин бир мавзи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ридан, саллалари орасидан қоғозларини қидира бошладилар. Ёндош хоналарнинг биридан ёш, мағрур котиб чиқди: «Сабр! Сабр!» деди халққа қараб, кейин Навоий кирган хонага кирди.

— Букун халқ жуда кўп,— деди ёш котиб салом бергандан кейин,— барчасини қабул қила билурмусиз?

— Англамадим, не демак истайсиз?

— Агар вақтлари мусоида қилмаса, бир қисм халойиққа бошқа кун келмоқни таклиф этсам, деган фикр хотиримга келди.

— Баракалло ғайратингизга!— истеҳзо билан хитоб қилди Навоий.

Ёш котиб кўзларини ерга қадади, бир нафасда ҳам оқарди, ҳам қизарди.

— Сиз ҳали ёш йигитсиз,— деди Навоий энди мулойим, лекин жиддий,— мансаб поясида балки юқорилашурсиз. Шу сўз хотирингизга нақшланиб қолсинки, элга бу йўсинда муомала ва хизмат — оқилларнинг иши эмас.

Котиб бошини базўр кўтарди. Узр тилаб, чиқмоқчи бўлди. Навоий уни тўхтатди. Ёрдамчилари етиб келгунча, буерда ўтириб, унга қарашмоғини сўради. Котиб бироз тетикланди, қуйида, ёзув ашёлари турган пастгина курси олдида тиз чўкди.

Дастлаб, жулдур кийимли, кир қалпоғини кўзига қадар туширган, ўрта яшар дала кишиси қўл қовуштириб кирди-да, саловот босиб, довдираб қолди.

— Ўтиринг, муддаонгизни сўйланг,— деди Навоий хушмуомилалик билан.

Деҳқон эшик олдида чўққайди, қалпоғини сал кўгарди.

— Бошимга бир фалокат тушиб, Исфизордан келдим...— деди-да, бирдан сўради:— ҳаммасини айтайми, узун гап?

— Сўйланг,— кулиб жавоб берди Навоий.

— Бисотимда биргина отим бўларди. Ёмон эмас, коримизга яраб турарди. Бир кун, не бўлди-ю, қишлоғимизга бир отлиқ сипоҳи кириб келди. Орқасида хуш сурат бир бола... Мен отимни суғориб, ювиб турган эдим. Қаршимда тўхтади. «Отингни эгарлаб бер, манов инимни миндириб олайин, тез орада Ҳиротдан қайтамен, шунда ташлаб кетамен» деди. Мен ялиндим: «Бек йигит, айни иш чоғи, иложи йўқ. Бошқалардан сўраб кўринг,



www.ziyouz.com kutubxonasi

топилмаса, шундай кетаверинг, бу арғумоғингиз билан Дарёйи Шўргача[1] етасиз». «Йўқ,— деди.— Овда юриб, отим кўп уринди. Барча Ҳирот мени танийди. Қозизодалардан мен»— деди. Ҳукуматга от-улов бермоқ эскидан бир таомил. Отни эгарлаб, жиловини унга тутқиздим... Хуллас, икки ойдан буён у қозизода қурғурдан дом-дарак йўқ. Ўн кун бурун эшакка миниб Ҳиротга келдим. Кирмаган кўчам, сўрамаган одамим қолмади. Топиш қайда! Бу етмагандай, яна бир фалокат оёғимдан чалди: уч кун бурун эшагимни ўғирлатиб қўйдим. Маҳкамаларга кирсам, арзимни тингламадилар. Сизга сиғиниб келдим, тақсир.

Деҳқон оғир хўрсинди. Навоий аста тебранди.

— Биродар, сизга бир бало йўлиқибди, майли, ким бўлмасин, қозизодами, сипоҳими — у бир офат... Бу янглиғ овчилар кўп, уларнинг ўзлари овчининг итига арзимайдилар. Исмини билмайсизми?

— Айтди, Тожиддин...

Навоий котибга қараб, Қиличбекни чақиришни буюрди. Кейин кулиб деҳқонга мурожаат этди:

— Отингиз топилур. Чин исмини яширган бўлса, қиёфатини айтурсиз. Аммо эшакни оқтармоқдан фойда чиқмаса керак. Қайси шўразорда, қайси оғилда! Фақат эшакни йўқотганингизни бизга исбот қила оласизми?

— О, ноҳотки бу қулингиз ёлғон сўзласа! Карвонсаройда юз киши десангиз ҳам гувоҳликка ўтур.

— У ҳолда эшакнинг баҳосини биз тўлаймиз,— деди Навоий.— Лекин бундан кейин эҳтиёт бўлмоқ керак. Элнинг бир сўзи бор: ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!

Деҳқон Навоийнинг сўзларини ақлга сиғдирмагандай довдираб қолди.

— Қандай гап? Ким тўлайди? Сиз? Йўқ, жабрини ўзим кўтарай,— қўлини кўксига қўйди у.

Баланд бўйли, кенг яғринли, қирғий бурун йигит — Қиличбек кирди. Навоий бир неча сўзда деҳқоннинг муддаосини тушунтирди. Кейин буйруқ йўсинда деди: «Бу дардкашни қониқтирмагунча, ҳаргиз ором олма, жаҳаннам остида бўлса ҳам, у золимни топ ва жазосини бер!»

Қиличбек деҳқонни юпантирди:

---

[1] Каспий денгизи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— У одам бизга отнинг қашқасидай маълум. Юринг биз билан.

Навоий уларни тўхтатди. Эшакнинг баҳосини сўради. Кейин ўзининг хусусий мулозимларига учрашиб, деҳқонга пул олиб беришни Қиличбекка юклади. Деҳқон шодлик ва ҳаяжон билан тўла, қуллуқ қила-қила чиқди.

Аксари деҳқон, косиб-ҳунармандлардан иборат бўлган халқ бирин-кетин кираверди. Ҳар кимнинг ўз ҳурди-ҳолига яраша бир дарди, яраси, машаққати, талаби, даъвоси бор... Навоий ҳар қайсисининг сўзларига бардош билан қулоқ солди. Аризаларини котибга ўқитиб, диққат билан тинглади. Унинг ўткир фикри чигалларни осон ҳал қилар, чин даво билан туҳматни, ҳақиқат билан ёлғонни тез айирар эди.

Пешиндан сўнг халқ сийракланди. Навоий бир неча мулозимларни тўплаб, турли ёзув-чизув ишлари билан шуғуллантирди. Амаллари кичик бўлган бу мулозимлар Навоий ҳузурида тўла қунт билан жиддий ишласалар ҳам ўзларини сарбаст тутардилар. Донгдор вазир ва шоир иш орасида ҳатто улар билан ҳазилкашлик қилишдан-да тортинмас эди.

Иш охирида шошиб-пишиб мавлоно Алишоҳ кирди. У Ҳиротда энг олдинги чолғучилардан эди.

— Марҳамат қилинг, ишларингиз не ҳолда?— дўстона илтифот билан қаршилади Навоий.

— Соййи давлатингизда кайфимиз чоғ, ишларимиз яхши...— деди мавлоно Алишоҳ.— Фақирнинг кўнглида бир илтимоси борки, хотирларига малол келмаса, айтмоққа ижозат берсалар...

— Айтаверинг, созингизни тинглаган каби, қулоқларимиз сизда,— деди Навоий.

— Жанобларининг илтифотларидан умидимиз шулки, вақф мутасаддиларига[1] буюрсалар, токи улар менга олти ойлик маошимни бирдан бергайлар.

Навоий бир вақтлар у билан илк дафъа учрашганда, унинг мусиқийдаги истеъдодини қадрлаб, унга ўз вақфларидан маош тайинлаган эди.

— Не сабабдан?— сўради қизиқиб Навоий.

— Вақф мулозимларига ҳар ой мурожаат этиб, уларнинг бошларини қотирмасам...

Навоий ерга қаради, сукут қилди. Сабоғич қаламни

[1] Вақф ишларини бошқарувчи маъмурлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қитирлатиб, хат ёзаётган мулозимлар бошларини секин кўтариб, дам шоирга, дам мусиқийчига боқардилар. Бирдан Навоийнинг юзига маънодор, киноялн табассум ёйилди.

— Махдум, умримиздан олти кун қолдими, қолмадими — бизга маълум эмас,— деди у нохушлик билан.— Сиз нима сабабдан бундай амонат ҳаётга бу қадар эътимод қилиб, келгуси олти ойнинг маошини бирдан талаб қиласиз?

— Сиз фармон беринг, мен пулларни олай,— аввалгидай дадил гапирди мавлоно Алишоҳ.— Агар мен ўлиб қолсам, у пулларни кафанимга ва кўммак учун бошқа керакли нарсаларга сарф қилурлар.

— Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало, деган сиз эkансиз-да!— деди Навоий жиддий ва нохуш.

Мулозимлар кулгидан ўзларини тўхтата олмадилар. Мусиқийчи қизариб-бўзариб ерга қаради-да, сўнг ўзи ҳам кулиб юборди.

Навоий ўрнидан турди, мавлоно Алишоҳнинг елкасига қўлини қўйди. Мулойимлик билан деди: «Не қилайлик-ки, сизда катта истеъдод бор. Биз уни ҳурмат қилурмиз. Талабингизни қабул этдик». Мусиқийчи ташаккур этди. Навоий вақф бошлиқларига бир парча қоғоз ёзиб берди.

Шоир уйга қайтмоқ учун ташқарига чиқаркан, Муҳаммад Саид Паҳлавон билан қаршилашди.

— Не мақсад билан? — сўради кўришаркан Навоий.

— «Боғи сафид»да шуаро мажлиси бор. Ҳамманинг кўзи йўлингизда. Ўзга андишалари бўлмаса, бир кириб ўтсалар, умумни қувонтирурлар.

— Модомики сиз келибсиз, эътирозга ўрин қолмайдир.

Шоир билан Паҳлавонни эшикда навкарлар отга миндирдилар. Ҳар вақтдаги каби турли оломоннинг шовқин-сурони билан қайнаган «Чорсув» дан ва Ҳиротнинг катта бозорларидан бўлган «Бозор мулк» дан ўтиб, ғишт билан тўшалган катта йўл бўйлаб бир чақрим қадар йўл босгач, баланд «Боғи сафид»нинг қалин дарахтзорлари кўринди.

Навоийни мавлоно Ҳофиз Ёрий, Шайхим Суҳайлий, Ҳилолий, Осифий бошлиқ бир гуруҳ шоирлар эшикда кутиб олдилар. Учлари бир-бирларига чалкашиб кетган азамат дарахтларнинг яшил деворлари бўйлаб борар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қан, ҳар ерда гуруҳ-гуруҳ шоирлар дуч келиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Ўнлаб янги ғазаллар, қитъалар эшитди. Катта супага ўтирган ҳамон асарлар ўқиб беришни шоирлардан илтимос қилди.

Бу ерда, қалин дарахтларнинг кўланкасида, супаларда юздан ортиқ шоир тўпланган эди. Ораларида мавлоно Гадоий каби ғоят кекса, серсавлат чоллар, ҳали соқол-мийиқлари сабз урмаган ўспиринлар ҳам бор. Шоирлар орасида катта мансабдорлар бўлганидек, таҳсил кўраётган фақир талабалар ҳам бирон касб-ҳунар билан — мисгарлик, жомадўзлик, киссадўзлик, кулоллик ёки мавлоно Тоҳирий сингари кафшдўзлик билан машғул бўлувчилар ҳам анчагина. Бу ерда катта истеъдоди, илми, шуҳрати даражасида камтар, олижаноб шоирлар бўлгандек, Фирдавсий, Низомийларни назар-писанд қилмайдиган ифрот мақтанчоқлар ҳам бор. Бу ерда мавлоно Симий сингари бир кунда минг байт айтиб, уни чиройли кўчирадиган ажойиб эпчил ва тез тўқувчи шоирлар бор; бу ерда ҳаддан ташқари мутолаа орқасида ақли айнаганлар бўлганидек, бениҳоят ичкилик юзидан барбод бўлиб, мавлоно Муҳаммад каби бош яланг, оёқ яланг тентировчилар ҳам бор.

Аксари шундай йиғилишларда қасидачилар, ғазалчилар, муаммо устодлари ўз асарларини ёки ўзгаларнинг янги асарларини ўқишар, баҳслашар эдилар. Баъзи бахтиёр шоирлар бениҳоят мадҳ-санога сазовор бўлар, баъзилар ер қаърига кирар эди. Бу ерда дўстлар бир-бирларини мақтаркан, хаёллар муболиғанинг қанотларида учади. Душманлар бир-бирларини ҳажв қилганда, сўзнинг заҳарини аямайдилар. Бу ерда шоирлар бир-бирларига ғазаллар, ҳатто бутун-бутун девонлар ҳадя қилишади. Яхши бир ғазал ва моҳирлик билан ишланган бир муаммо ёки янги бир ранг ва жилва билан безанган бир байт қўлдан-қўлга ўтади, ёд олинади, кўчирилиб саллаларнинг учига қистирилади.

Асарлари Навоийга мақбул бўлишига ишонган шоирлар дадиллик билан, ҳатто очиқ ғурур билан арузнинг мусиқийсини жаранглатиб ўқир эдилар. Аксар ғазаллар сохта безаклар каби, ташқи порлоқлик билан кўзни оларди.

Шунча шоирлардан наҳотки биронтасининг созида она тили янграмаса! Шоирларнинг аксариятининг шеър ипига дур ва гавҳар деб терганлари Навоий учун мун-



www.ziyouz.com kutubxonasi

чоқдай қийматсиз, илон пўстидай совуқ ялтироқли кўринар эди: «Бизнинг истеъдодли мирзоларимиз энг ўнғай йўлни танлаганлар. Озгина машаққат чексалар эди, ўз тилларида қанча соф, асл сўз гавҳарларини топган бўлур эдилар»— ўйлади ичида Навоий.

Навоийнинг фикрини билиш учун баъзи шоирлар ғазалларини, шогирд ўз устодига биринчи қалам машқини тақдим этган каби, камтарона узатдилар. Навоий фикрларини кўзларига тўплаган каби, диққат билан ўқиб чиқди. Унинг учун шеърда ҳаммадан аввал хос ва чуқур маъно, хос хаёл, хос ранг асосий мезонлардан эди. Лекин ҳозир ўқиган ва эшитган шеърларида энг оз кўринган нарса ҳам шулар эди. У бир ғазалда қофия хатосига ишорат этди. Бунга шоирлар сўзсиз қўшилдилар. Бошқа бир ғазалда ўхшатишнинг ғайри табиийлигини кўрсатди. Бироқ, бу танқид бошқаларга унчалик ҳақли кўринмади. Ҳатто баъзилар бу ўхшатишни фавқулодда «рангли ва зийнатли» топдилар. Навоий ола чалпоқ офтобдан нарироқ сурулди, қўли билан елпиниб, кулимсиради-да, қалам ва сиёҳдон беришларини илтимос қилди. Шоирлар чуқур мароқ билан Навоийга қараб, сукут этдилар. Диққат қилган киши баъзи бир гердайган шоирларнинг юзида киноянинг жуда ингичка изларини сеза олар эди. Навоий сабоғич қаламни бир марта сиёҳга ботириб, қоғоз устида бир лаҳза юргизди-да, ғазални шоирга узатди. Шоир олдин ичида ўқиди, кейин ялт этиб атрофдагиларга қаради-да, баланд овоз билан ўқиди. Қоғозни чўзилган қўлларнинг бирига тутқизиб, ҳаяжон билан Навоийга мурожаат қилди:

— Камина шундай ўйлайдики, менинг ташбиҳим[1]да бир куртак бор экан. Сиз жанобнинг нафасингиз, баҳор шаббодасидай, ундан бир ғунча очдирди ҳам унинг гул косасини ранг ва нур билан тўлдирди...

Қоғоз қўлдан қўлга ўтди. Қани ким эътироз қила олади! Супанинг нариги бурчида ўтирган бир кекса шоир қоғозни кўзларига яқин тутиб, ёнидаги ўспурин шоирга берди ва бошини унга мойил қилиб пичирлади:

— Алишер Навоий сеҳрли қалами билан бир туртиб, ковокдан жонли кўз ясайди!

— Кўплар чақин тошдан учқун чиқаролмаганда, бу

---

[1] Ўхшатиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

туркигўйи[1] яхдан аланга ҳосил қилади,— жавоб берди ўс-пурин, назокат билан.

Ногоҳ дарахтлар орасидан — май билан кайфи чоғ бир тўда шўх улфатлар ўтирган жойдан — мусиқий садолари оқди. Най, чанг, уднинг сеҳрли оҳангига ҳофизлар мавлоно Лутфийнинг ғазали билан жўр бўларкан, Навоий бошини қуйи солди, кўзлари завқдан аста юмилди, мавлоно Лутфий қандай гўзал! Ғазалдан «саҳроий» тилнинг содда латофати, қуюқ, тоза ранглари, сийқаланмаган маънолари юракка чўғдай ёпиша қолади!

Мусиқийнинг сўнг мавжлари қуюқ яшиллик қўйнида секингина титраб, тина бошларкан, Навоий бошини кўтарди. Бошқа жойда, ўзи танҳо бўлса эди: «Муғанни[2], кел, черт, туркона соз!»— деб қичқирарди балки.

Бошқа супада бир тўда шоирлар давра қуриб, мавлоно Хусравийнинг ғазалларини тинглар эдилар. Навоий келиб, одамлар орқасидан тинглай бошлади. Мавлоно Хусравийнинг кўзлари заиф эди. У қўлидаги қоғозга қарамасдан, ёддан ўқимоқда эди. Ғазал ҳам шаклан, ҳам мазмунан эски андозаларнинг намунаси. Кўзи заиф шоир бошқа маснавийни бошлади. Илк мисра «гузор» деган сўз билан битди. Иккинчи мисрага ўтганда, Навоий юзаки шеърнинг услуб ва маъносига кириб, қофияни — «хазор»ни айтиб қўйди, «рой» сўзига «куной»ни қофия келтирди. Қизиқиб ўқиётган мавлоно Хусравий пайқамади. Одамлр пиқ-пиқ кулиб, Навоийга қарашди. Навоий табассум билан «жим!» дегандек лабини қисди. «Сипоҳи буд»га «бамоҳий буд»ни, «саф баста»га «тараф баста»ни, «ҳар саф»га «бар каф»ни қофия қилди. Ниҳоят мавлоно Хусравий бирдан ўқишдан тўхтади. Қисиқ кўзларини ҳайрат билан атрофга югуртди: «Ким бу?»— деди у асабийланиб. Шоирлар кулиб: «Бу одамни танурмусиз, кўрганмусиз?»— деб сўрашди.

— Хайр, танимаймен,— деди аланглаб мавлоно Хусравий,— аммо фақирнинг хотиридадирки, бир вақт мен «Пул Палон»[3]да ғазал ўқиганимда ҳам шул киши айни йўсинда ҳамма қофияларни олдиндан айтиб берган эди!

Шоирлар бирдан қаттиқ кулиб юборишди. Навоий ҳам узоқ кулди. Сўнгра мавлоно Хусравийнинг ёнига

---

[1] Ўзбек тилида шеър айтувчи.
[2] Чолғувчи.
[3] Ҳиротда бир мавзи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашди. Ҳазлдан ҳар иккиси хурсанд бўлишган эди. Мавлоно Хусравий ўз маснавийсини ўқиб битирди-да, Навоийнинг фикрини сўради. Навоий унинг баъзи мисраларини мақтаб, шоирнинг кўнглини кўтаришга тиришди.

Бу ерда ҳали шеър оламига танилмаган бир неча ўспурин шоирлар ўзларини таништирдилар. Навоий даставвал уларнинг маълумотлари билан қизиқсинди. Мусиқидан бехабар бўлганлари учун баъзиларига тил тегизди. Таҳсил кўраётган фақир шоирлар билан хусусий равишда, айри-айри сўзлашиб, уларга моддий ёрдам беришни ваъда қилди.

Кечга яқин саройдан киши келиб, подшоҳ йўқлаганини билдирди.

Учлари ғуруб[1] алангаси билан олтинланган сарвзорлар орасида шоир ва Паҳлавон боғнинг кечки латофатини томоша қилиб, аста, жим боришар эди. Чиройли қафасларда қумрилар мунгли-мунгли ҳуҳулар, эркин қушлар дарахтларнинг қуюқ яшили ичидан жонли найларини тинликка қуярди. Катта ҳовузлардаги сувларда кўланкалар ва шуълалар жим-жим ўйнашади, гоҳ кўланкалар ёниб кетади, гоҳ шуълаларни кўланкалар ютади. Қирғоқдаги бахмал гуллар ўз ҳуснларини яхши томоша қилмоқчидай, кўркам, сергул новдаларини ҳовуз ойнасига экканлар. «Боғи жаҳон оро[2]!»— шоирлар шеърларда таранум этган гўзал боғ!

Улар бош қасрнинг олдидаги катта гулзорга етган вақтда узоқдан, боғнинг нариги бурчидан биргала кабутарлар ҳавога кўтарилди. Навоий тўхтаб, Паҳлавонга табассум қилди: «Ажаб машғулот»— Муҳаммад Саид қудратли қўлларини белига қўйиб, бақувват калласини орқага бир оз ташлаб, кўкка қаради-да, кулди: «Тарки одат маҳол, дейдилар-ку». Бир нафасда бирин-кетин яна тўрт гала ҳавога парвоз қилди. Ҳар галада юзларча кабутар... Кун бўйи қамоқда ётиб дилгир бўлган ўйинчи қушлар самонинг бепоён саҳнида шўх-шўх рақс эта бошладилар.

Подшоҳ ҳозир кабутарбозлик билан машғул бўлгани учун, улар катта хиёбон ичига кириб, аста кезишаркан, қарши ёқдан Бадиуззамон тўрт-беш яшар ўғли Мўмин

---

[1] Кун ботиши.
[2] Дунёни безовчи боғ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирзони етаклаб чиқиб келди. Ҳар вақтдаги каби нозик кийинган, чиройли, хушмуомала Бадиуззамон ўғлининг қўлини қўйвориб, Навоийга таъзим қилди. Паҳлавонга ҳам илтифот кўрсатди. Навоий, ёш отасидек яхши кийинган, чиройли, туйғун кўзли Мўмин Мирзонинг бошини силади ва гўдакларга ёқадиган оҳангда у билан у-бу тўғрисида сўзламоққа киришди. Кейин Бадиуззамоннинг кайфи, машғулоти ҳақида сўради. Хиёбонда аста юришди. Мўмин Мирзо гулдор этиги билан олдинда пилдираб чопарди. Мана у кўк шоҳи тўни устидан елкасига осилган ўйинчоқ кумуш ёйни осонгина чиқарди. Бобосининг дам пастланиб, дам баландланиб, юксак дарахтларнинг учларига бир зум қўниб, яна самога кескин қанот қоққан кабутарларига ёйни мерганларча тортиб ўқталди. Катталар кўз учлари билан бир-бирларига бир лаҳза боқиб, маънодор илжайишди.

— Бизга юборган китобларингизни олдик,— деди Навоийга Бадиуззамон.— Илтифотингиз учун ташаккур. Сизнинг ашъорингиз ва Жомий ҳазратларининг асарлари мутолаасидан кўнглимиз сафога тўлди.

— Инсон руҳи учун ҳақиқий завқ мутолаадир,— деди Навоий қизиқиб.— Аммо, ёлғизгина ашъор ўқимоқ кифоя қилмас. Тарих? Тарихларни кўздан кечирмадингизми?

— Кўнгил ашъорга кўпроқ мойил бўлди. Фурсат бўлса, тарихни ҳам бошлағумдир,— жавоб берди Бадиуззамон.

— Мен сизга тарихга оид китобларни қасдан кўп юборган эдим. Балки, хабарингиз бордир, отангиз подшоҳ ҳазратларига ҳам ҳамма вақт тарих ўқимоқни тавсия қиламен. Давлатнинг бутун масъулияти сизларнинг зиммангиздадир. Ободонлик ёки инқироз[1] сизларнинг тадбир ва ҳаракатингизга боғлиқдир. Шунинг учун сиз тарих ойнасига қараб турмоғингиз керак. Қайси даврларда қайси сабаблар билан юртлар обод бўлган, эллар шод-хуррамлик кўрган ҳам қайси замонларда ва не сабаблардан мамлакатлар ҳалок бўлган — буларни ўрганмоқ даркор. Ақл ва адолатнинг ёруғ кундузини, зулм ва жаҳолатнинг қора тунини ҳеч бир илм тарих каби равшан кўрсата олмагай. Улуғ бобонгиз Темурхон тарихни шундай яхши билур эканларки, у замоннинг энг пешқа-

---

[1] Пасайиш, орқага кетиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дам муаррихларини[1] ҳайратда қолдирганлари тўғрисида тўғри маълумотлар бор.

Умуман илмларнинг, хусусан тарихнинг фойдаси ҳақида ёшликдан бошлаб Навоийнинг насиҳатларини кўп марта эшитган Бадиуззамон диққат билан тинглади, тарихга қизиқишини назокат билан сўзлади. Паҳлавон Муҳаммад Саид Темурнинг олимлар билан баъзи масалаларда тортишганлиги тўғрисида латифа йўсунли бир-икки қизиқ воқеани айтди.

Ҳавода сўнг шуълалар сўнар, кўлкалар қуюқлашаркан, улар қасрга киришди. Катта залда беклар, вазирлар ҳам ўзга улуғ мансабдорлардан иборат қалин гуруҳ ўтирар эди. Бадиуззамон ўғли билан юқорига ўтиб, подшоҳга хос ўриннинг ўнг ёғида ўтирди. Навоий қуйироққа, Муҳаммад Саид билан ён-ёнга тиз чўкди. Бу ерда, афтидан, ҳаммани ўз оғзига қаратган парвоначи Мажддиддин энди бирдан сукут этмоққа мажбур бўлдики, бу ҳол унинг юзида асабий бир нотинчлик уйғотган эди. Вазирона улуғвор, серсавлат, серҳашам ва айёр Низомулмулк буни пайқади. Бўялгандай қора, кўркам соқолига табассум югурди. У беклар ўртасида ва умуман сарой доирасида рўй берадиган фитналарни миридан-сиригача билиб борар, ҳозирча ҳар йўл билан ўзини подшоҳга яхши кўрсатишга ва курашувчи гуруҳлардан энг кучлисига таянишга тиришар эди.

— Жаноблари фойдали сўз бошлаган эдилар,— деди у Мажддиддинга, ўзини ғафлатга солиб,— давом этдирсалар яхши бўларди. Чунки, Алишер Навоий ҳазратларига ҳам алоқадор сўз эди.

Баъзи мансабдорлар, ҳожати йўқ, дегандай парвоначига имо қилишди. Амир Мўғулнинг қош-қовоғи солинди, Низомулмулкка ер остидан ўқрайди.

Парвоначи эса Бадиуззамон ҳузурида баҳс очишни истамас эди. Бироқ, Низомулмулкни ўзининг ашаддий душманларидан деб билганидан, унинг сўзи жиззаки парвоначининг «қитиқ патига» ўткир ништардек тегди. Титроғини яширолмасдан, Низомулмулкка мурожаат этди.

— Музокарага ўрин борми? Масала ҳар бир ақли салим соҳибига ғоят равшандир.

---

[1] Тарихчилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Каминага алоқадор сўз бўлса, эшитмоқни орзу қилар эдим,— деди Навоий сокин ва жиддий ҳам сўзлашга қистагандай парвоначига тикилди.

Мажддиддин ўнғайсизланди. Кўзлари тараддуд билан жовдиради. Димиққандай елпиниб, даричага мойил бўлди. Кейин ранги ўчиб, титраб гапирди:

— Подшоҳ аъзам ҳазратларининг давлатлари ва адолатлари соясида навкарларнинг маошлари ҳеч бир даврда мисли кўрилмаган даражада юқори бўлиши лозим эди. Афсуски, уларнинг шикоят садолари кундан-кун авжга минмоқдадир. Албатта, бу хусусни сизнинг доно кўзларингиз биздан кўра минг қатла яхшироқ кўра олур. Лекин адолат тўғрисида гап кўпайган бир замонда бечора навкарлар жабр кўрмасинлар деймиз.

Навоийнинг кўзлари киноялн маъно билан қисилди. Текис соқол ва мийиқлари ҳам аллақандай истеҳзоли табассум билан қимирлаб кетди.

— Давлат учун қўшиннинг не даражада керакли эканини биз ҳам билурмиз.— Мажлисга қараб гапирди Навоий.— Ўз қўшинига ота сингари ғамхўрлик қилмаган ҳар бир подшоҳ, гарчи у қаҳрамонлик майдонида Рустам бўлсин, охирда пушаймон бўлур. Шунинг учун қўшин аҳволидан даставвал ўз бошлиқлари ҳамиша огоҳ бўлиб, уларни керакли анжом билан таъмин қилмоқлари зарурдир. Аммо, навкарлар ҳам бу илтифотга ярашгудай, давлатга садоқатли бўлишлари шарт. Афсус, минг афсуски, навкарларнинг аксари яшнаган экинзорларни қуритувчи чигирткага айланганларки, бу қабиҳ ҳаракатларга адолатли давлатда асло йўл қўйилмас.

— Хазинадан етарлик олтин, кумуш олмагандан кейин, уларнинг қўллари ноилож эл молига узатилур!— ясама куюнчаклик билан деди Мажддиддин.

— Эл молига узатилган қўлларни кесмоқ керак,— қатъий ва кескин сўзлади Навоий.— Агар навкарлар, амалдорлар чигирткага айлансалар, тез кунда эл гадой тўрбасини бўйнига осур, бир мисқол кумушсиз хазинада сичқонлар базм қурур.

— Шикоятларга бир нав жавоб бермоқ керакми, йўқми?— пўнғиллади Амир Мўғул.

— «Тўқлиқ — шўхлик» деган бир гап бор,— деди Навоий ўз ҳақиқатига ишонган товуш билан.— Баъзан ортиқча тўқлик ва бекорчилик янги орзулар, ҳаваслар туғдирур. Сиз йигитларингизга кенгаш берингки, улар



www.ziyouz.com kutubxonasi

ифрот май ичмасинлар, айш-ишратга ифрот шўнғимасинлар. Хитойи шоҳидан тўн киймаса, кўнгли ранжийдиган навкарлардан давлат не хизматни умид қила олур? Йигитларнинг вазифаси жанг ишида маҳорат касб этмоқ, ҳалол ва мардона яшамоқдирки, буни ҳануз кўрмадик.

Амир Мўғул қизариб, ерга қаради. Унинг лаб-лунжи жуда бемаъни осилган эди. Мажддиддин оқариб кетди, унинг ўсиқ қошлари асабий чимирилди. Навоий гапирганда, у Бадиуззамонга зимдан кўз югуртиб, шаҳзоданинг юзида шоирнинг фикрини маъқуллаган бир маъно сезган эди, бу нарса унинг тилини кесди. Орадаги оғир жимликни Валибек бузди. У барча беклар ва аскар бошлиқлари ичида вазифасига садоқатли, содда кўнгиллиги билан айрилиб турарди. У, ўз йигитларига яхши қарар, ҳамиша улар билан бирга яшар, бир қозондан овқатланар эди. Баджаҳл, тўғри сўз Валибек, одати бўйича, кескин ва кучаниб гапирди:

— Оталаримиз тўғри сўзга жонларини бағишлар эканлар. Не сабабдандир, замонамизда қадимнинг бу хўб одатига оз риоя қилурлар. Шунинг сингари, йигитларимиз ҳам қадимнинг шонли баҳодирларидан намуна олмоққа интилмайдилар. Менинг назаримда, Алишер жаноблари гарчи арбоб жангдан[1] бўлмасалар ҳам, бу томонни яхши мулоҳаза қилурлар — йигитлардан йигитлик талаб этурлар. Алишер жанобларининг тадбирлари орқасида йигитлар ҳеч нимадан муҳтожлик сезмайдилар. Шунинг учун бу тўғрида бўлган музокараларнинг асли сабабига, тўғриси, фаҳмим етмай қолди.

Валибекдан кейин вазир Хўжа Афзал сўзлаб, Мажддиддинни узиб-узиб олди. Парвоначи энди тил ёғламаликка кўчди. У қўлини кўксига қўйиб: «Алишер Навоийнинг бу соҳадаги ғайрат ва ҳиммати яна ҳам самаралироқ бўлмоғини орзу қилганлиги» ҳақида гапирди.

Янги тайинланган эшик оғоси Бобоали подшоҳнинг келаётганини ишорат этгач, ҳамма ўрнидан турди. Ҳусайн Бойқаро дадил ва мағрур юриб кириб, тўрдаги қалин зарбоф тўшакларга ўтирди. Унинг орқасидан бир неча беклари ва хос йигитлари билан ўн икки яшар шаҳзода — суюкли ўғил Музаффар Мирзо лалайибгина кирди-да, отасининг сўл ёғида ўтирди. Шу аснода диққат

[1] Ҳарбий кишилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан қараган киши Бадиуззамоннинг юзида аллақандай ҳиснинг кўлкаси бир зумгина жилваланганини сезаолар эди. Ҳусайн Бойқаро шира кайф. Бекларга одатдагича илтифот этди. Аммо Алишер Навоий билан муомаласи илиқ, самимий бўлди. Шоирнинг расмий вазифалари ҳақидагина эмас, хусусий ишлари тўғрисида ҳам сўзлашди. Мажддиддин билан Амир Мўғулнинг кўзлари маънодор учрашишди. Низомулмулк донишмандларча бир тур ва савлат билан йўталиб қўйди. Навоийга кўрсатилган илтифот баъзи бекларга ҳам подшоҳнинг бир кўп муқаррибларига[1]да ёқинқирамаган эди. Сарой аҳлининг, мансабдорларнинг руҳини чуқур синаган Навоий анча сиқилди.

Ҳусайн Бойқаро набираси Мўмин Мирзони тиззасига олди. Пешонасидан енгилгина ўпди. Боланинг муъжаз ёйини, белида камарга тақилган ўйинчоқ ханжарчасини томоша қилди, уни сўзга солишга тиришди. Бола яна отаси Бадиуззамон олдига келиб, ақлли кўзларини мажлисга жовдиратиб, жим ўтирди.

Ҳусайн Бойқаро Муҳаммад Саид паҳлавондан келажакдаги катта курашларга тайёрлик тўғрисида сўради. Чет ўлкалардан келувчи паҳлавонлар олдида юз шивит бўлмаслик учун Ҳирот зўрларини ҳозирдан бошлаб машқ қилдириш кераклигини таъкидлади. Маст қилинган фил билан курашган Молон Паҳлавоннинг ажойиб қувватини мажлисдагиларга шавқ билан таърифлаб берди. Кейин Ҳиротга келаётган мисрлик машҳур кимёгарни қандай кутиб олиш кераклиги ҳақида баъзи кишиларга кенгаш берди, мисдан олтин ясамоқ мумкинлигига ишонганини, кимёгар олимнинг сирли тажрибаларини ўзи мушоҳада қилажагини сўзлади. Бу мавзу устида одамлар бир-бирлари билан қизиқиб музокара қилдилар. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро ўз кутубхонасининг бошлиғини — «Доруғаий Кутубхонаий ҳумоюн»[2]ни —талаб қилиб, янги китобларни келтиришни буюрди. Кутубхона бошлиғи Дарвешали даста-даста китобларни қўлтиқлаб келтириб, унинг ёнига тахлади. Ҳусайн Бойқаро кундузи бир марта кўздан кечирган китобларни бир-бир олиб, мажлисдагиларга узатди. Турли қалинликда, бир-биридан гўзал, нафис китобларда Машҳаддан келган маш-

---

[1] Подшоҳга яқин одамлар, унинг ҳамсуҳбатлари.
[2] Подшоҳ кутубхонасининг бошлиғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳур хаттот Султонали, рассом Беҳзод, муқова устаси — мавлоно Шералининг муъжизали санъати ажойиб, порлоқ, жуда нодир равишда тажассумланган эди. Олтин ва кумуш мўл ишлатилган бу китобларнинг ҳар бир саҳифаси ҳарқанча олтинга арзир эди. Гўзал китобларни кўп кўрган ва ўзи ҳам қимматбаҳо асарлар хазинасига эга бўлган Навоий бу мукаммал санъат қаршисида ҳайратда қолди. Ингичка санъатларга қизиқсинмаган, уларга чиройли, лекин кераксиз безак деб қараган баъзи жанг арбоблари ҳам чуқур қизиқсиниш билан томоша қилдилар. Майин саҳифаларни дағал бармоқлари билан жуда авайлаб варақладилар. Ҳамма Беҳзод ва Султоналининг ҳаёти ва шахсиятлари билан қизиқа бошлади. Музаффар Мирзонинг беклари ва ўктам йигитлари билан бирга келиб, ҳали кабутархона олдида подшоҳга илк марта кўриниш берган Тўғонбек ҳозир улуғлар қаторида мажлисда чордана қурган эди. У ҳам бир китобга узоқдан кўз ташлаб, гапириб қўйди, «қўлинг дард кўрмагур, ўбдан ғалати иш ясабди!»

Китоблар кўрикдан ўтгач, Ҳусайн Бойқаро мажлисни зиёфатга таклиф этди.

Базм авжига миниб, маст қийқириқлар кучайганда, Навоий чарчаганликни баҳона қилиб мажлисни тарк этди. Эшикда кутган икки навкари билан уйга жўнади.

Ёруғ ойдин, шамолсиз илиқ кеча. Ҳирот ухлайди. Унда-мунда маст қийқириқлар ва посбонларнинг яримта-юримта овозлари эшитилиб қолади, унда-мунда ҳовлилардан жафокаш аёлларнинг чиғириқ ва чархларининг якнасақ садолари тунги жимжитликда мунг билан учади. Томлари, деворлари хароб, қинғир, ўнқир-чўнқир кўчага — ҳунармандлар маҳалласига қайрилиш билан олдинроқда кетаётган Навоийнинг оти қулоқларини чимириб, четланиб тисланди, ўн қадамча нарида узала тушиб, одам гавдаси тупроққа қоришиб ётар эди. Навкарлардан бири чаққонлик билан отдан ерга тушди, жиловни шеригига тутқизди-да, гавда устига эгилиб қаради.

— Пичоқланибди. Вай-бўй, ҳамма ёғи қон,— деди навкар.

Навоий шошиб отдан тушмакка ҳаракат қиларкан, навкар уни тўхтатди:

— Беҳуда овора бўлмангиз, тақсир. Жон асари



www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқ,— гавдани авайлаб четга суриб, давом этди сўзида навкар.— Танийман бу бечорани...

— Ким?— сўради Навоий.

— Мир Ҳалим бўзчининг қизи. Ажаб хушрўй эди,— жавоб берди ачиниб навкар.

— Булбулдай овози бор эди, чолғуда ҳам моҳир,— бошини тебратиб деди иккинчи навкар.

Навоий девор остида тупроққа чўзилган жасаддан кўзларини узмай, хўрсиниб сўради:

— Бу фожиа кимдан рўй беришини эҳтимол қилурсиз?

Навкар бармоқларига теккан қонни деворга суриб жавоб берди:

— Ҳиротнинг бир неча бекзодалари ҳам баъзи амалдорлар бу қизга гўё ошиқ эдилар, талашар эдилар. Аммо билишимча, қиз покиза эди. Ўйлайманки, бирига кўнгли бўлса, бошқалари гина сақлаган. Охирда, мана, рақиблар қўлида қурбон бўлган.

— Ҳиротда ёмонлар кўп, тақсир,— деди отдаги навкар.— Тунларда ҳар кўчада шундай воқеалар бўлиб туради.

— Не учун бу тўғрида ҳеч нима айтмадинглар?— деди Навоий ўқрайиб.

Шоирнинг товуши шундай қаҳрли эдики, навкарлар қўрққанларидан, дудуқланиб қолдилар. Навоий уларнинг пойма-пой жавобининг охирини кутмай, қатъий буюрди:

— Сизлар бу ерда қолинглар, шўрликнинг ота-онасига ётиғи билан хабар қилинглар, дурустми? Кейин юзбошига айтиб, жиноятчиларни топинглар ва тўғри зиндонга ташланглар. Эрта билан сиздан батафсил сўраймен...— отни секин ҳайдаб кетди шоир ёлғиз ўзи.

Хўжасини кутиб ўтирган содиқ мулозим Шайх Баҳлул от дукурини эшитиш билан шам ёқди. Кўшкда пастак хонтахта олдида жой ҳозирлади. Навоий жуда ғамгин, эзилган кўринарди. Шайх Баҳлул бир оғиз сўз айтишга ботинмай, жимгина чиқиб кетди.

Навоий устки тўнини ечди, саллани қозиққа илиб, енгил тақя кийди-да, очиқ даричага яқин, шам олдида ўтирди. Даричадан боғчага қаради. Ойнинг катта олтин гардиши дарахтлар орасидан унга томон юмалагандай... Адил сарвларнинг нозанин қоматларидан нур мавжла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб оқарди. Гулларнинг кўркам тожлари, шундай яшнаган эдики, ҳатто уларнинг ерга тушган соялари ҳам жонлидай сеҳрли, гўзал туюларди. Бу танҳо гўзал кеча, ҳалиги қонли рўё шоирнинг фикрида узоқ, эски бир хотирани жонлантирди. Юрагининг то қаърида бир ҳасрат оловланиб, бутун фикрини, бутун борлиғини куйдириб қовжиратгандай бўлди. Шундай латиф бир кечада, кичкина, лекин парилар масканидай хаёлий, гўзаллик, тинлик билан тўла бир боғчада ҳуснининг, одоб ва ақлнинг, нозининг, энг шоирона ҳисларнинг мукаммал тажассуми, тимсоли бўлган бир қиз билан бирга кечирилган, фақат яшин каби ёниб, абадиятнинг қўйнига сингган дақиқалар... У, қизнинг найдай майин овози, лабларнинг қизил, тоза ғунчаси бағишлаган бўсалар... Қани у дилбар! Қани у, шеърнинг, илҳомнинг туганмас нур-чашмаси! Ҳайҳот, уни қайдан топсин! Қуюндек саҳроларда югурсин, сарв ойининг булутларидек ўкуриб, кўз ёшларидан селлар оқизсин,— унинг изига етишмас. Унинг изларига шоир яна бир қатла кўзларини сурса эди, кўзларида бутун умр нашъа ёнарди. Йўқ, у гулни раҳмсиз қўллар узган. Қошки шоирнинг ҳаёти узулса эди! Унинг излари бу дунёдан ўчган. Абадиян алвидо, севги! Буюк сирга, афсонага айланган муҳаббат, алвидо!

Булбул янгради. У, гўё бир шохини дарича тепасидан ётиқ чўзиб, барглари, новдалари билан даричага табиий безак бўлиб тушган бир дарахтда сайрагандек туюлди. Навоий ўзини йўқотган каби узоқ вақт дард билан, жим, сокин ўтирди. Сўнг оғир сўлиш олди. Бир томонга қийшайган шамни тўғрилади. Хонтахта устидаги қоғозларни хомуш варақлади. Сўнгги саҳифага кўз ташлади: Фарҳод тоғ қазишда! Олтин довот ичидан қаламни олди. Сиёҳга озгина сув томизди. Қалам эркин ва дадил юрди. Фарҳоднинг қояларни ўпирган афсонавий тешаси каби, шоир фикр тошларини яхлит кесиб, мисраларга жойлаб-қалаб кетди. Хаёл уни ўз қанотларида эртаклар оламига учурди. Ўзини унутиб ёзди, дардга тўлиб-тошиб ёзди. Мана Фарҳоднинг «Наҳрилҳаёти[1]» битди. Эртага Фарҳод сув қуяди. Гўзал ўртоқлари билан Ширин томошага келади. Мингларча халқ карнай-сурнай янгратиб, тантана ва сурон билан гувиллаб оққан сув бўйлаб ажойиб байрам

---

[1] Ҳаёт дарёси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ясайди. Бу манзара — ҳаёт ғалабаси шоирни енгиллатди. Унинг юзида, соқолларида доно табассум югурди. Шамни ўчирганда, атроф оқариб, ҳавода тонг шабадаси ғириллар эди.

II

Базмчилар май ва рақс гирдобига расо шўнғиган пайтда Маждиддин Амир Мўғулни, Туғонбекни, Хўжа Абдулло Хатиб, мавлоно Шаҳобиддин ва бошқа ҳамфикрларини имлаб, «Боғи жаҳон оро» даги бўш хоналардан бирига олиб келди. Ҳамманинг кайфи тароқ бўлса ҳам, Маждиддин ҳушёр эди. У сирли товуш билан гапириб, ҳаммани гиламга ўтқазди, эшикларни беркитди. Бу ерга қандай мақсад билан йиғилганликларини пайқагач, одамлар эс-ҳушларини йиғишга тиришдилар.

— Алишерга подшоҳ ҳазратлари не йўсинда муомила қилдилар! Юрагим қинидан чиқаёзди,— ғўлдиради Амир Мўғул мастларча чайқалиб.

— Энди билдимки подшоҳга сўз уқдириш имконсиз экан. Шунча шикоятларимиз елга учди...— деди норози бир барлос беги, қўли билан пешонасини сиқиб, тебраниб.

— Модомики биз улуғ вазифани ўз олдимизга қўйибмиз, уни ижро қилмоқ хусусида орамизда аҳду-паймон бор, ишни охирга етказмоқлигимиз шарт,— деди Маждиддин ва иродасига қарши овозини баландлатиб давом этди:— подшоҳга садоқатимиз барча оламга аён. Бинобарин, ҳеч қандай тараддудга ўрин қолмайди. Биз шу замонгача подшоҳнинг қулоғига жузъий шикоятларни етказдик. Лекин эътибор қилмадилар. Ҳар ҳолда бизнинг сўзларимизни унутмаган бўлсалар керак, деб ўйлаймиз. Чунки хоқонимиз аксар ишларда узоқ мулоҳазаларга бориб, ғоят пинҳон тадбирлар кўрадилар. Энди асло ноумид бўлмай, яна жасурлик билан тадбирлар кўрмоқ керак.

— Туғри,— даккам-дуккам мўйлабини бураб деди Туғонбек,— душманнинг қўрғони жуда метин экан. Уни ўпирадиган чоралар кўрилиши керак.

Мавлоно Шаҳобиддин «балли!» деб унинг елкасини силаб қўйди. Амир Мўғул қўллари билан ҳаммага ишорат қилди. Қалин лабларини осилтириб бир нафас жим қолди, кейин таклифини унутган каби, сўз тополмасдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

қийналди-да, дудуқланиб Маждиддинга мурожаат этди:

— Сўйланг, не... не...

— Аҳдимиз ипини қилич ҳам кесолмайди. Давлатнинг равнақи бизнинг қиличимизга боғлиқ,— ўзича валдиради бир бек.

— Сизлар замоннинг Субутой[1] баҳодирларисиз. Давлат сизларнинг қўлингизда бўлиши керак,— қутуртирди Хўжа Абдулло Хатиб.

Маждиддин сўзни қисқа қилишга уринди.

— Модомики, якдил бўлмоққа ҳаммаларингиз розидирсиз, менинг бу мулоҳазамга қандай раъйи билдирурсизлар?

— Айтингиз,— деди саройнинг ички мансабдорларидан фитначи бир чол.

— Хоқонимизга имзосиз бир мактуб ёзсак...— Алишер ва унинг одамлари ҳақида жамики мулоҳазаларимизни баён қилсак...

— Асло эътироз қилмасмиз, хўб фикр бу,— бирдан қичқириб юборди Амир Мўғул.

Баъзилар мактубни подшоҳга топширмоқ қийин бўлади, деб иккиланишган эди, Маждиддин қатъий ишонтириб деди:

— Саройда бизнинг шундай қулларимиз мавжудки, улар мактубни подшоҳнинг муборак кўзларига элтиб тутурлар, аммо ўзлари пинҳон қолурлар. Бу ғоят осон. Биродарларим, бу вазифани каминага топширсангизлар, иншоолло, адо қилурмен.

Ҳеч ким эътироз қилмади. Мактубнинг айрим нуқталари ҳақида баъзилар ўз фикрларини билдирдилар, кейин ташқари чиқиб, боғнинг турли ёқларидан юриб, бирин-сирин базмга кетдилар. Маждиддин ёлғиз қолди, эшикларни беркитди, шам олдида терлаб-пишиб мактуб ёзмоққа бошлади.

## III

Ярим кечада Ҳусайн Бойқаро «ҳарам»га кирди... Ҳиротнинг етукли оилаларидан бўлиб, султонга тақдим этилган гўзал қиз билан бирга кечани ўтказди. Қиём паллада боши шишиб, ўрнидан турди. Унинг ёлғиз ўзига хос ҳаммомчада эпчил ходим уни ювинтирди, ходимлик

[1] Чингизхоннинг улуғ аскарбошиларидан бири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳунарининг бутун қоидаларига мувофиқ, баданини ўбдан уқалаб, кейин қунт билан кийинтирди. Ҳусайн Бойқаро енгилланиб, кошонага кирди. Махсус сатанглар ювинтириб, тарантириб, шўх хитойи шоҳиларга чўлғаган узун бўйли, хипча белли, ингичка, қайрилма қошларини куйдирилган бодом билан ўхшатиб безаган, қирғиз қовоқ гўзал хоним билан нонушта қилди. Янги муҳитда бегона одамлар орасида тақдирнинг шарпасидан ички бир қўрқув, ваҳм, кўнгил ғашлиги сезиб, кечани эссиз-ҳушсиз ўтказган ёш аёл, сарой хонимларининг кутуви, ташвиқи билан, энди унга, сохта бўлса-да, ноз-ишва, назокат билан муомила этишга тиришарди. Ҳусайн Бойқарога унинг сузик кўзлари, қирра, адил, хушбичим бурни, ҳаракатларидаги табиий нафислик ёққан эди. Оқшом яна у билан бирга бўлиш тўғрисида бир қанча ширин сўз айтиб, ташқари чиқаркан, даҳлизда уни Гулчеҳра биби икки букилиб қарши олди. Тиши тушган, сочи оқарган бўлса-да, кўксига бир шода маржон осган бу эски сатанг кампир тунда подшоҳ ёш гўзалнинг қўйнига киргунча, ҳар нав тайёрликлар кўриб, сўнг мижжа қоқмай, ҳукмдорнинг эҳтимол тутилган амрига ҳозир-нозир бўлиб, эгасини қўриқлаган ақлли ит каби, эшикдан силжимаган эди. Ҳусайн Бойқаро тўхтади, кампирга илжайиб, киссасига қўл тиқди. Бир сиқим олтин танга оларкан, бир қоғоз ҳам илашиб чиқди. Пулни кампирнинг очкўз кафтига тўкди.

— Хизматинг мақтовга лойиқ, эна.

— Бу хокисор чўрингизнинг ягона орзуси,— деди кампир пулни енг ичига жаранглатиб тўкиб,— ўз подшоҳининг кўнглини очувчи тоза гуллар изламоқдир.

Ҳусайн Бойқаро «Боғи жаҳон оро»нинг салқин йўлларида кетатуриб ипакдай майин, юпқа қоғозни ёйди. Бошланғич беш-ўн сатрига кўз югуртиб, бирдан тўхтади. Қовоғини солиб, атрофга назар ташлади. Йигирма қадам нарида дарахтлар орасида ўзининг доимий қўриқчилари Бўдана билан Дўлонанинг бадҳайбат гавдаларини кўрди. Яна бир неча сатр ўқиб, ранги оқарди, қоғозни қайтадан буклаб, илдам юриб кетди. Ўзининг тахти турган тиллакори хонага эмас, унга ёпишган, деворлари чинни, кичик хонага кирди. Қалин тўшак устида номани охиригача ўқиди, титрак қўллари билан қоғозни ғижимлаб киссасига солди: «Менинг ҳақимда Алишер Навоийдек одам шундай бадният ва бадхоҳиш



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлсин!— ўйлади лабини тишлаб у,— бу қадар ношинослиққа[1] одамзод чидагаймн? Мен золим, мен бир гуруҳ телба мастлар орасида гумроҳ тождор, эл-улусни таловчи бадкирдор эмишмен... Яхши гап! Менинг ўрнимга Бадиуззамонни тахтга ўтқизар эмиш, кўрамиз! Мен ҳали ўз тож-давлатимни ҳеч бир ўғлимга бермоқ истамаймен. Наҳотки буни Алишер англамасин? Мен шу вақтгача кўп яқинларимдан Алишер хусусида шикоятлар эшитган эдимки, улар бунинг олдида дарёдан томчи экан; бироқ, бу хатни унинг душманлари ёзган албатта, бинобарин, муболағадан асло холи эмас. Лекин қайси йўл билан бу имзосиз нома менинг киссамга тушди? Ажаб!»— ҳайрат билан бошини тебратди подшоҳ,— «Буни улуғлар қаламга олган ва кичиклар Қамак Қайёни[2] маҳорати билан ичимга кирганлар.. Бу ёмон эмас, албатта: бу ҳаракатда улуғларнинг ҳам, кичикларнинг ҳам менга садоқатларидан нишона бор...» Ҳусайн Бойқаро катта, юмшоқ ёстуққа ёнбошлаб, тинкаси қуригандай, анча вақтгача асабийланиб ўйлади. Кейин мудраб кетди. Номадаги айрим жумлалар бошини пармалади. Бирдан кўзларини очиб, гулдор даричани тиқирлатди. Бир зумда эшик оғоси Бобоали ҳозир бўлиб, подшоҳга таъзим қилди.

— Мирқобил отлиқни танурмусиз?

— Албатта, танурмен...— жавоб берди Бобоали.

— Букун кўринмадими?

— Сабоҳ[3] дарвоза ёнида кўрган эдим.

— Уни илдам топиб, бизга юборинг.

— Бошим билан.

Кўп ўтмасдан эшикни аста итариб, оёқ учида Мирқобил кирди. У узун, ориқ, ўйноқи кўзли, кўринишида ўз соясидан ҳуркадигандек йигит эди. У ергача эгилиб, қўли кўксида тикка қотди. Ҳусайн Бойқаро унга қарамасдан деди:

— Сен шу дамгача кимнинг сояси бўлсанг, ундан кечурсен.

— Кечурмен.— Таъзим қилди Мирқобил.

— Шу дақиқадан эътиборан сен Алишер Навоийга ҳамқадам бўлурсен!— давом этди Ҳусайн Бойқаро ўш-

---

[1] Яхшиликнинг қадрига етмаслик.
[2] Афсонавий ғоят моҳир жосус.
[3] Эрта билан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шайиб.— Алишернинг уйида ҳеч бир мажлис, ҳеч бир зиёфат сенсиз ўтмасин. Алишер ўз дўстлари, меҳмонлари, яқинлари орасида не сўзласа, фикрингга жо қилурсен ва барчасини менга етказиб турурсен. Билки, жонинг, бошинг менинг қўлимдадир!

— Бу фақир қулбаччангиз фармонингизни сидқи дил билан ва бир оғиз сўзни фаромуш қилмасдан, сизнинг муборак хотирингизга еткизур,— деди Мирқобил титрак товуш билан.

— Хўп, жўна энди!— қўлини силкиди подшоҳ.

## IV

Навоий эрта билан озгина қаймоқ еб, одатдагича, «Бинафша боғ»га чиқди-да, баҳаво супада ўтирди. Қадрдон мулозимларидан Соҳиб Доро даста-даста мактубларни олиб келди. Шоир қоғозларни бирин-кетин очиб, диққат билан ўқишга бошлади. Хатларнинг кўпи узоқ шаҳарлардан, мамлакатлардан, тоғу чўллар, дарёлар ошиб келган эди. Таниш ва нотаниш олимлар, шоирлар ва шеър ҳаваскорлари унга ўз ҳурмат, муҳаббатларини ғойибона изҳор этиб, унинг янги асарларига муштоқ эканликларини билдирар эдилар. Навоий энг яхши котибларга буюриб, ғазаллардан мумкин қадар кўпроқ китоблар тузишни Соҳиб Дородан ўтинди. Кейин шоир қаламни қўлга олиб, «Фарҳод ва Ширин»га берилди. Лекин энди бир бетгина ёзганда, бинокорлар, наққошлар ва сангтарошлар келиб, атрофини қуршаб олишди. Улар мадраса, хонақоҳ, ҳаммом ва бошқа иншоотлар тўғрисида шоир билан кенгашмоққа ошиқардилар. Навоий бинолар учун лозим бўлган мармар ва рангларнинг миқдори ва сифати, эшикларнинг шакли, пештоқларга ёзилгуси битиклар ҳақида қунт билан узоқ суҳбатлашди. Усталар, санъаткорлар йўлйўриқ олиб, мамнун ҳолда жўнагач, бетини чанг босган, кўзлари қовжироқ ҳорғин навкар келди.

— Хўш, тунги воқеани тақиқ қилдингизми? Нега бу қадар кечикдингиз?— сўради Навоий навкарни ёнига ўтқазиб.

— Тақсир, бир оз бўлсин ором олганим йўқ,— жавоб берди навкар қуруқ лабларини ялаб, офтобда қорайган юзидан терини артиб.— Отга ҳам жабр бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахири, барини билиб олдим, барини аниқлаб олдим. Аммо роса тинкам қуриди-да.

— Қани, қотиллар ким экан? Қизни не сабабли ўлдирибдилар?

— Кеча мен ўзимча эҳтимол қилиб айтганларим тамоман тўғри бўлиб чиқди, тақсир,— жавоб берди навкар.— Бечора бўзчининг қизида ҳеч қандай гуноҳ йўқ. У бир чиройли, ёш найчи йигитни севар экан. Тунда бечора қиз бир рафиқасининг тўйидан, ўйнаб, қувониб қайтаркан, уни кўпдан буён йўлдан оздирмоқчи бўлиб юрган икки йигитга йўлиқади. Йигитлар кўчани тўсиб, қизни олиб кетишга ҳаракат қиладилар, қиз сира унамайди. Йигитлардан бири қаттиқ маст экан, ғазабланиб, ханжар билан уравермиш. Ҳа, бу йигитлар билан найчининг орасида ҳам хусумат борлигини сўйламоқдалар.

— Бироқ қотиллар кимлар экан, қай тоифадан?— қовоғини солиб, сабрсизлик билан сўради Навоий.

— Баланд мавқели зотлардан,— деди навкар бошини оғир тебратиб.— Бири — парвоначи Маждиддиннинг яқин қариндоши, яна бири — шаҳзодамиз Музаффар Мирзонинг хос йигитларидан, билурсиз, Муҳаммад Али Тархоннинг кичик ўғли... Уларни ёқалаш учун биз то шаҳар доруғасининг ҳузуригача бордик. Доруға, гуноҳкорлар уёқда қолиб, зиндонга бизни қамамоқчи бўлди. Ҳозир қотиллар Гулимолонда амир Шужоиддин барлоснинг боғида бемалол шароб ичиб, айш-ишрат қилиб ўтиришибди, тақсир.

Навоий навкарга ором олиш учун рухсат этди-да, тезда кийиниб, пиёда девонга — бош маҳкамага жўнади. Ҳаво дим, бўғиқ эди, ер ўтга тушган темирдай қизғин эди. Одамлар чангли кўчаларда, иссиқдан ҳарсиллаб, ўзларини айронга урар эдилар. «Тиқ» этган шамол йўқ. Барглари шалпайган, тўзон босган дарахтлар жимгина мудрайди.

Навоий терлаб-пишиб, йўлакай доруға маҳкамасига кирди. Оддий майда маъмурлар елпиниб, ҳомуза тортиб, ўзаро гап сотишарди. Навоий кириши билан бирдан ўринларидан туриб, гўё унинг буйруқларини кутгандай, қўл қовуштирдилар. Шоир, доруғани кўрмоқ истаганини билдирди. Ҳозир қаергадир чиқиб кетганини айтдилар. Навоий тунги жиноят тўғрисида суриштирди. Улар берган барча маълумот навкарнинг сўзларига асос мувофиқ тушарди. Маҳкамадан Навоий тўғри бош де-



www.ziyouz.com kutubxonasi

вонга кетди. Девоннинг катта ва салқин бир хонасида ипак гиламлар устида Мажддиддин парвоначи, Низомулмулк, Амир Мўғул, Тўғонбек, яна бир қанча улуғ мансабдорлар вазифаларини битириб, секин ва улуғворона суҳбатлашмоқда эдилар. Навоий ҳамма вақткидай тавозе ва назокат билан саломлашаркан, унинг ҳаяжонли, тер қуйган юзини кўриб, ҳамма аллақандай ўнғайсизлик сезди.

— Марҳамат, амир жаноблари,— сохта тавозе ва камтарлик билан мурожаат этди Мажддиддин.— Кун шундай ёниб турган паллада келибдилар...

— Ҳечқиси йўқ,— сокинлик билан деди Навоий.— Бир муҳим ишни бажармоқ ниятида келдим.

— Яъни? Бизни ҳам огоҳ қилғайлар шояд.— Зўраки табассум билан деди Мажддиддин.

— Камина ўйлайдирки, бунда ҳозир бўлмиш зотлар бу ишдан хабардор бўлмоқлари лозим. Менда мавжуд баъзи маълумотларга мувофиқ, бўзчининг қизини ўлдирувчиларни қамамоқ хусусида бу ерда недир андиша, мулоҳазалар ва мушкилотлар бор эмиш. Мен бу ҳодисанинг сабабларини билмоқни орзу этар эдим.

— Филҳақиқат, бу ғоят нозик бир масаладир.— Ўз сўзига бошқаларнинг ҳам қўшилишини истагандек, ҳамманинг кўзига бир-бир тикилиб деди Мажддиддин.— Асли мушкилот шундаки, бу масалада шаҳзода Музаффар Мирзонинг раъйи ва орзуларига қарши бир нима қилмоқ имконсиздир.

— Шаҳзодадан ўзга яна ким, қандай монеликлар бордир?— сўради Навоий.

Мажддиддин бирдан қизариб-бўзариб, кўзларини яшириш учун, бошини қуйи солди.

— Ўзга мулоҳазаларнинг аҳамияти йўқдир,— саросималаниб жавоб берди Мажддиддин.

— Алҳамдулилло, бизнинг мамлакатда ҳукумат мавжуд,— деди Навоий, ҳаммага назар ташлаб.— Ҳукмдор мавжуд, қонун ва ҳуқуқ мавжуд. Агарда бирон шахсдан жиноят содир бўлса, ишни таъқиқлаб, жинояткорни ўз гуноҳига муносиб жазога тортмоқ керакдир. Акс ҳолда, мамлакатни идора этмоқ асло мумкин бўлмас. Бу қабиҳ ишларга ҳеч ким учун алоҳида ҳуқуқ ва қонун бўлмоғи мумкин эмас.

— Ҳар ҳолда Музаффар Мирзо ҳазратларининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

раъйиларини билмоқ, рухсат олмоқ зарур,— деди дабдабадор оҳангда Низомулмулк.

— Шаҳзодамиз ғоят хафа бўлурлар. Мен уларнинг фикрини билурмен,— деди Туғонбек юзини терс ўгириб.

Навоий унга жирканиб қараб қўйди-да, Низомулмулкка деди:

— Гуноҳсиз одамларнинг қонини тўкувчи жиноятқорларни ўз қўллари билан бўғмоқ шаҳзоданинг вазифасидир. Агар Музаффар Мирзо, ёш бўлганидан, бу жиҳатни англай олмаса, унга ўргатмоқ лозим. Жиноятқорларни ҳимоя қилмоқдан улуғроқ жиноят йўқдир!

Ҳозир бўлганларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди. Шоирнинг душманлари унинг қаҳрли кўзларига, ғазабдан титраган юзига боқишга ботинолмадилар. Улуғ мансабдорлардан баъзилар Навоийнинг фикрига қўшилгандек бўлдилар. Маждиддин титраб-қақшаб яна гапга аралашди, баланд овоз билан деди:

— Агар бу воқеани яхшилаб текширилса, ёлғиз мастлик натижасида рўй берганлиги аён бўлур. Мана шундай тасодифий бир иш учун мамлакатнинг эътиборли йигитларини зиндонга ташламоқда маъно борми!

— Эътиборли йигитлар!— заҳарханда билан хитоб этди Навоий,— қўлларини гуноҳсиз қонга ботирган разил йиртқичларга қандай ҳурмат бўлмоғи мумкин!.. Дўстим,— мурожаат этди Навоий котиблардан бирига,— жиноятқорларни шу соатда қамамоқ тўғрисида шаҳар доруғасига бир фармон ёзингиз.

Ёш котиб астойдил қуллуқ қилди-да, дарҳол фармон ёзиб, ичида диққат билан ўқиб чиқди ва шоирга тақдим этди. Навоийдан ташқари, Низомулмулк, яна икки бек имзо чекиб, муҳрларини босдилар.

Шоир фармонни киссага солиб, эшик томон дадил юрди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Кечки куз фасли. Эринчак қиш ҳали ўзини сездирган эмас. Ўқтин-ўқтин ёмғир қуйиб, шариллаган сувлар тарновларни қўпориб туширади. «Рубъи маскун»да ягона бўлган пойтахт кўчаларида пиёдалар учун юриш балчиқда анча қийинлашади. Бироқ осмон яна тезда феру-



www.ziyouz.com kutubxonasi

заланиб, қуёш ҳатто баҳоргидай қиздира бошлайди. Боғчада дарахтлар олтин ранг билан товланар эди, барглар бирин-сирин жимгина, ялқовгина тўкилар, нам ерни ўпар эди.

Навоий кузнинг сўлғин нафосати билан нафас олган хиёбонларни оралаб, табиат ва ҳаётдаги ўзгаришлар устида фикр қилиб, кечинмалар, ҳисларга тўлиб юраркан, навкар келиб сафар учун отни тайёрлаб қўйганини билдирди. Шоир гўё Марвга — подшоҳ қошига жўнаш кераклигини энди эшитгандай иккиланиб: «Ҳозир борурмен» — деди-да, яна аввалгича секин кетди. Боғбонлар ва бошқа хизматчилар билан сўзлашди, уларнинг умалоқ-думалоқ болаларининг бошларини силади, кейин киссасидан олтин ва кумуш чиқариб ҳаммага «йўл оёқ» улашди. Болаларнинг шодлиги айниқса бениҳоят бўлди. Улар сакрашиб, чувиллашиб, тангаларни дам кафтларига қисиб, дам бир-бирларига кўз-кўз қилишарди. Қатталар ўз хўжаларига «оқ йўл тилаб» кўзларида ёнган самимий чуқур меҳр билан видолашдилар.

Навоий уйга қайтиб, қалин чакман ва бўрк кийди. Соҳиб Доро ва Шайх Баҳлулни чақириб қилинажак юмушларни тайинлади, орқасидан йўлга чиқиб, унга ҳамроҳлик қилувчиларнинг юки ва ҳоказо ҳақида суриштирди. Ҳовлига чиқиш билан уни кузатишга келаётган бир гуруҳ дўстлари, яқинларини кўрди. Буларнинг ичида Осифий, Шайхим Суҳайлий, Мир Миртоз, Атоулло, мавлоно Замоний, мавлоно Хўжа Фасиҳиддин, Султонмурод, Паҳлавон Муҳаммад Саид ва ҳоказолар бор эди. Дўстлар унинг атрофини қуршаркан, жонга яқин бу одамлардан ажралаётганига ичида ачинди. Бир неча дақиқа оёққа туриб сўзлашди. Сўзи, ҳаракати, ғамхўрлиги билан ҳар бирининг кўнглини олишга тиришди. Ёзаётган илмий асарлари тез орада тугаса, бир нусхадан Марвга бериб юборишларини Мир Миртоз ва Султонмуроддан ўтинди. Дўстларнинг илтифоти, севгиси унинг ҳам руҳини енгиллатди. Кейин отга чаққонлик билан миниб, кузатувчиларнинг қораси ўчкунча орқага бир неча бор қаради. Аммо, шаҳардан чиқиш билан тўппа-тўғри Марв йўлига эмас, Саъдиддин Қошғарийнинг марқади томон отни бурди.

Жомий уни ҳар вақтдаги сингари шавқ билан қаршилади. Навоий ўтирган ҳамон улуғ чол мулойим табассум қилиб, ўзига хос майинлик билан деди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энди кўзларимизни Марв томонига интизор қилармусиз?

— Не қилайлик, кетмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Жаноб олийлари бу ишдан хабардор эдиларми?

— Кеча бир неча шаҳзода ва бекзодалар қошимизда эдилар, улардан эшитдим,— жавоб берди Жомий, кейин қатъий равишда деди:— Амри подшоҳ, итоат этмоқ бир вазифадир!

— Кўнгилнинг, ақлнинг сарбастлиги, уларнинг вазифаларига итоат яна ҳам муқаддасроқдир.

Подшоҳнинг заифликларидан, Маждиддин ва бекларнинг, сарой доираларининг Навоийга қарши туҳмат ва иғволаридан яхши хабардор бўлган Жомий, бу аҳволдан чуқур мутаассир бўлар, улуғ шоир ва нодир инсоннинг пок виждонига тош отган жирканч қўллардан нафратланар эди. Бироқ, халқ ва давлат манфаатлари учун, қўпол кучларни, зулм ва жабрни тизгинлаш учун Навоийнинг иқтидорига, ёрқин закосига, у бошлаган ишнинг чуқур маъносига ишонар, шунинг учун давлат ишларидан Навоийнинг бутунлай этак силкиш орзусини мақбул кўрмас эди.

— Раиятнинг бахт ва саодатига хизмат қилмоқ — худо йўлига хизмат билан баробардир,— деди Жомий яна ҳар вақтдаги ишонч билан.

— Фақир ҳам шу фикрнинг телба бандасидир,— деди чолга, Навоий қўлини кўксига қўйиб.— Шу нарса муҳаққақки, подшоҳ хизматидаги инсон гунг ва шол бўлиши керак экан. Қабоҳатларга кўз юммоқ талаб қилинар экан. Сирни фош этмоқчи бўлган тил кесиларки, бу ҳол ҳаммадан мушкулдир. Мен бундан мушкулроқ бир нимани тасаввур қила олмоғумдир.

Жомий бир қанча вақт сукут қилди. Саройдаги фисқ-фужурни ва подшоҳнинг маънан пасая борганини кўз олдига келтирди. Шу муҳитда Навоийнинг бўғилиши, виждон азобидан қоврилиши ғоят табиий эканини яна чуқурроқ ҳис этди. Лекин у сўфиёна табиатнинг бутун эътиқоди билан ҳақиқатнинг устун чиқишига ишонар эди.

— Иншоолло ҳақиқат душманларини, зулмкорларни мағлуб қилурсиз. Биз ҳам бу йўлнинг мудофаасига ҳамиша тайёр турурмиз.

Айниқса, кейинги жумлани Жомий зўр имон билан таъкидлаб айтди. Навоий бутун қиш Марвда қолиш эҳ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тимолини, хусусан кейинги вақтларда кўнгилнинг сукут ва хилватга бўлган иштиёқини, сарой одамлари билан муомиладан чарчаганлигини сўзлади. Овозаси оламни тутган бу улуғ одамнинг бу фақирона, сокин ҳаёти, юксак маънавий ранг ва зиё билан тўла муҳити Навоийни қалбдан асир қилар, дунёнинг қайди-қуйдидан озод, маънавий завқларга кўнгли талпинар эди; у табиатан дарвеш сифат эди. Бу хислат унинг кўнглида баъзан кучли чайқалишлар ясар, лекин бу уни дарвеш кулбасига судрамас эди, халқ ва жамиятга нисбатан ўзининг инсоний бурчига, одамларнинг бахтига, адолат, инсонлик нури билан суғорилган гўзалликка ундар эди. Унинг қалбида «ҳаёт гули» ўзининг бутун тоза ранги, зиёси ва бутун жонли, тўла қонли нашъаси билан кўркам очилиб кетар эди. Жомий ўз дўстидаги бу фазилатни чуқур англар ва бу ҳурмат ва севгига сазовор деб билар эди.

Алишер Навоий йўлга рухсат сўраркан, чол «андак тавaққиф»[1] деган ишорат қилди-да, теварагида қалашиб ётган китоблар орасини тимискилаб, муқовасиз, лекин китоблар шаклида тикилган бир даста қоғозни узатди. Навоий шу ерда варақлади: «Баҳрул Аброр!» Айрим жойларига кўз югуртиб, билдики, бу — Хусрав Ҳиндийнинг «Дарёйи Аброр»ига жавобан қаламга олинган... Дарров чол шоирга ялт этиб қаради. Унинг юзида ғурурли, лекин кишига қаттиқ тегмайдиган, илиқ бир табассум кўрди. Навоий бундан аввалги бир суҳбатни бирдан хотирлаб, яна кўзларини китобчага яширди: у гўё уялгандек бўлди. Бир-икки ҳафта илгари шу хонада Жомий билан суҳбат асносида, Хусрав Ҳиндийнинг ижоди устида сўз борган эди. Навоий Хусравнинг соҳир қаламини ғоят самимий ва қизғин мақтади. Айниқса унинг «Дарёйи Аброр»ини юқори қўйди. Далил учун шоирнинг бу асар ҳақидаги ўз сўзларини келтирди. Хусрав шундай дер экан: «Агарда, қачон бўлмасин, замонлар ўзгариб, менинг барча назмим дунёда изсиз йўқолиб кетсаю, ёлғизгина бир қасидам — «Дарёйи Аброр» қола билса, шунинг ўзи кифоя: буни ўқиган одам менинг шеърдаги қудрат ва иқтидоримни билиб олади!» Жомий Навоийнинг бу ҳақдаги фикрини тинглаб, сукут қилган эди. Бу асарни юзага келтирган у

[1] Бир оз тўхтанг.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сукутнинг маъносини Навоий энди англади: «Жомий ҳузурида Хусравни бу даража ифрат мақтамоқ хато экан!» деб ўйлади ичида. Аммо, Навоийнинг юзига бирдан табассум югурди: хатоси янги, истанилган бир асарнинг яратилишига пича хизмат қилибди-ку! Бу асар билан чолни табриклаб, бениҳоят хурсанд бўлганини арз қилди.

— Фурсатингиз бўлса, ўқирсиз ва фикрларингизни биз фақирга ёзарсиз. Биз учун сиз жанобнинг завқингиз ҳукми олий ва мукофотдур,— деди Жомий.

Навоий китобни авайлаб қўлтиғига тиқди. Жомий уни эшикка қадар кузатиб, дўстона хайрлашиб қолди.

Дала йўлининг икки томонида чексиз боғчалар, бўстонликлар чўзилган. Йўл устига энкайган дарахт шохлари баъзан шоирнинг бўркини юмдалайди. Баргларнинг олтин гиламларида қўйлар, эчкилар галалашиб юради. Ҳосили йиғиб-териб олинган бўстонликларда унда-бунда қоротқи — қўриқчилар қаққаяди. Гала-гала қушлар кезади. Қишлоқлар, одамлар сийраклаша боради. Йўл поёнсиз чўлга юз уради. Узоқда тоғларга тушган янги қор чақнайди. Уфқларда хираланиб сўнган чўлнинг мавжли қатламларини қуёш нури чайқалтиради. Унда-бунда булутларнинг яхлит кўлкалари ўрмалайди. Совуқ шамол димоққа чўлнинг юпун-чириёгган ўсимликларининг ҳидини уради. Калхат лапанглаб, ҳавода катта доиралар чизиб, бутун ҳафсала билан кичик қушчани таъқиб этади.

Шоир қўйнидан китобчани олди. Кўзлар ялтироқ қоғозга, мисраларнинг қуёш нури билан жилваланган қора сафларига қадалди. Шамол варақларга кескин урилиб, шалдиратиб, ўқишга халақит беришига қарамасдан, Навоий китобчадан кўз узмади. Бу мутолаа унга жуда завқли туюлди. Отнинг чангсиз, юмшоқ йўлда текис йўрғаси муаззам табиатнинг, шеърнинг мусиқийси билан ҳамоҳанг бўлгандек... Айрим гўзал байтларни қайталаб ўқиди. Тугатаркан, китобни яна қўйнига солди, лекин у деярли ёд бўлиб қолган эди: «Яхши асар. «Дарёйи Аброр» каби рангин, хўб асар! Хусравга жавобан ёзилмиш бу асарга мен ҳам жавоб бермоғим керак!» Ўйлади ичида. Чўлнинг азамат сукунатида бокира манзараларнинг ҳуснига берилиб боракан, хаёли янги асарнинг тўқилмаси билан овора эди.

Шоир ногоҳ пичирлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

Оташин лаълеки тожи Хусраванро зевараст,
Ахкаре баҳри хаёли хом пухтан бар сараст[1].

Бу — «Туҳфатулафкор»нинг матлаи — илк байти эди. Бу — шоирнинг кайфиятига, руҳининг моҳиятига, имонига энг мос тушган байт — уни қувонтирди. От бошини силкиб, ўқтин-ўқтин пишқириб, адирлардан, довонлардан ошаркан, шоирнинг хаёли ҳам асарнинг айрим чўққиларини эгаллаб учарди.

Ўрганган от чўлда работнинг қалин, баланд деворлари олдида аста тўхтади. Шоир ерга тушди. Қарши олган саройбонга отни тутқизди-да, қаддини ростлади. Этакларини қоқди. Работ ичида қўнган йўлчилар — карвон аҳли, отлар ва тевалар анчагина эди. Шоирни таниганлар дарров келиб, таъзим, ҳурмат билан ҳол сўрашди. Овқат тайёрлашга уриндилар. Навоий бўш хоналардан бирига кирди, уюшган оёқларини узатиб, бир оз ҳордиқ чиқариб ётди. Кейин қалам-довот талаб қилиб, Жомийга хат ёзди. Унинг янги асарини юқори тақдирлади, яна унинг улуғ қалбидан янги-янги шеър гавҳарлари кутишини арз қилди. Ниҳоят, мактуб охирида, Марвга етгунча йўлакай ўзи ҳам бир асар ёзишга қарор қилганини ва бунинг илк байтини қайд этди. Бу хусусда ўз фикрини билдиришни Жомийдан ўтинди, кейин қоғозни яхшилаб буклади, уни Ҳиротга кетувчилардан бериб юбормоқ учун работнинг шов-шувли қўрасига чиқди...

II

Дўстлар Навоийни кузатиб, унинг олтин барглар билан қопланган боғида, худди ўз ерларида сайр этгандек, анча вақт кезишди, турли мавзуларда — талашув-тортишувсиз, жонли, дилкаш суҳбат қилишди. Фақат Мир Миртоз бошлиқ бир неча ашаддий шатранжчилар ёқимли офтобга гилам ёздириб, ўйин бошлар эканлар, Султонмурод ўйинга қизиқиб талабаларини кутдириб қолдиришдан қўрқди-да, ҳеч кимга сездирмасдан, боғни тарк этиб, «Шоҳрух» мадрасасига илдам жўнади. Ёшлари ўн олти билан ўттиз орасида бўлган ўн тўртта доимий шогирдларини, илмдаги даражаларига мувофиқ, кичик гу-

[1] Подшоҳларнинг тожига зийнат учун тақиладиган порлоқ, ёниб турган лаъл, ҳақиқатда эса подшоҳ бошидаги хом фикрларни, хаёлларни пиширувчи чўғдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳларга бўлиб, пешинга қадар диний ва дунёвий илмлардан дарс берди. Кейин ҳужрасига кириб, китоблар орасида юмшоқ пўстакка ўтириб, инсондаги билимларнинг моҳияти ва уларнинг манбаи ҳақида ўйлаб кетди. Тунов кун Навоий билан бўлган қизғин суҳбатда шоирнинг бу ҳақда ўртага отган мулоҳазаларини чуқур таҳлил қилди, эски файласуфларнинг назариялари билан солиштирди. Ёзмоқчи бўлган китобида бу масалаларни мумкин қадар кенг ойдинлатишга қарор берди.

Кунжут сепилган нон билан сариғ майизни чайнаб, фикрларига берилиб, ўзича кимлар биландир хаёлан баҳслашаркан, Зайниддин кириб келди. Дўстини кейинги вақтларда сийрак кўрадиган бўлгани учун жуда соғинган Султонмурод чексиз қувонч билан қучоқлаб, ўз ёнига ўтқазди. Султонмурод «Шоҳрух» мадрасасига мударрис тайин этилган вақтда, Зайниддин ўзини хаттотлик, мусиқий ва шатранжга бутунлай бағишлаган эди. Ҳақиқатан, бу уч соҳада у замоннинг олдинги кишилари қаторига ўта бошлаганди. Бундан ташқари у тошларга ўйма нақшлар солиш, битиклар ёзиш санъатида ҳам маҳорат касб этганди. Шунча машғулотга қарамай, Зайниддин шўх, енгил ҳаёт ва ажойиб можаролар учун вақт топар, кўринишда гўё бекорчидек яшар эди.

Дўстона ҳазил ва гинахонликдан сўнг, улар бирпасда талай воқеалар тўғрисида сўзлашиб олишди. Ниҳоят Зайниддин ташқи кўринишда тамом бепарво олимнинг соқол босган юзига тикилди-да, бошини чайқади.

— Сени ишқ офати ич-ичингдан ёндирмоқда... Ишқ дарди эскиган сари ўткирлашади.

— Янглишасен, мен ишқ дардини енгмоққа қодирмен,— ғамгин сўзлади Султонмурод.

— Яшириш мумкин эмас! Навоий жаноблари ёзда «Фарҳод ва Ширин»дан бир бобни ўқиб берганларида сен бор эдинг, шекилли. Мана бу мисраларни хотирла:

Ёпар фонус бирла шуъласин шам,
Кўрарлар пардадин ул шуълани жам.
Кўз ичра махфи ўлмас ашк қони,
Бўлурму шиша май ичра ниҳони?

— Оҳ, ўзбек шеърининг сўлмас гуллари! — хўрсинди Султонмурод.

— Энди ғам ема, дўстим, бахтингнинг калидини топдим,— деди кулиб Зайниддин.— Хоҳласанг, тез кунда сени ишқ чаманзорига олиб кирамен.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳар ишга қодирсен, дўстим!— киноя билан кулиб қошларини чимирди Султонмурод.

— Қулоқ сол!— аччиғланди Зайниддин.— Дилдор Ҳадичабегимнинг оддий канизакларидан бири экан! Умуман сарой қизлари билан алоқа боғламоқ мушкул эмасмиш!

— Нималар дейсен?— ранги бўз оқариб, титрак товуш билан қичқирди Султонмурод.

— Менинг бир шўх ўртоғим бор. Нечундир, сарой қизлари билан танишмоқни орзу қилган у. Ҳиротда бир аъжуба кампир фолбин бор. Унга Хадичабегимнинг ихлоси беҳад экан. Яна бу кампирнинг фолбинликдан ўзга найранглари кўп. Масалан, бурнининг икки катагидан, ҳатто икки қулоғидан икки хил овоз чиқарармиш! Хўш, мана бу кампир ёрдами билан у бир қизга боғланади. Илгари хат билан сўзлашсалар, ҳозир гоҳо-гоҳо бир неча дақиқа бир-бировларининг елкаларига қўлларини ташлайдилар. Мен кеча булар орқали Дилдорнинг тақдирини яхши билиб олдим. Нима дейсен? Хоҳласанг, фолбинни қўлга оламиз: гап-сўз улғаймайди... Хат ёзиб, ишқингни Дилдорга очасен, кўришмоқ мумкин бўлур. Кейин, бошқа тадбирлар кўрурмиз.

Султонмурод титрак қўлларини чаккасига тираб, ҳушсиз каби тинглади. Унинг юзини изтироб мавжи қоплаган эди. Олим кескин равишда бирдан бошини чайқади.

— Арслонқул? Мен у бечора ошиқ йигитнинг бахтини қай виждон билан поймол қиламен? Унинг юраги ёлғиз Дилдор ёди билан тепади. Мен қандай қилиб унинг ярасига, ёлғиз ишқ дарди билан тирик кўнгилнинг ярасига ханжар урамен?

— Арслонқул ҳали ҳам шундами?— бўшашиб сўради Зайниддин.

Султонмурод кўзларидан қуйилиб келган қайноқ ёшларни артиб, нафасини бўққан йиғи билан деди:

— Шу ерда бечора ошиқ...

## УН ЕТТИНЧИ БОБ

«Инжил» бўйида аввалги сурон, қайноқ ҳаракат тинган. Мадраса, хонақоҳ, шифохона, ҳаммом ва бошқа катта бинолар азамат пештоқлари, гумбазлари билан самога тиккайган. Энди юзларча наққошлар, сангтарош-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, дурадгорлар ва бошқа санъат, ҳунар устодлари биноларнинг ташқи, ички безаклари устида диққат ва ҳафсала билан ишлаб, ўз ижодларининг ҳали дунёга билинмаган сирларини очмоқда эдилар. Юзларча гулчилик мутахассислари, донгдор боғбонлар ҳар бир бинонинг атрофини табиатнинг нафис санъати — гўзал боғчалар, хиёбонлар, гулзорлар билан қуршамоқ учун, шоирнинг нозик завқи ва бой хаёли чизиб берган режаларни мукаммал бажариш ниятида, шошмасдан жой ҳозирламоқдалар.

Арслонқул энди ҳамма биноларни ўзининг беш бармоғидай яхши билар, ҳар бирининг маъно ва аҳамиятини, худди умумий режани Навоий билан бирга тузиб чиққандай, тушунар эди. Одамлар ундан «нима иш билан машғулсиз?» деб сўрасалар, аксар вақт: «Гуноҳга ботган Ҳиротда бир учмох қуряпмиз!» деган жавобни қайтаришни севар эди. У бир ойдан буён хонақоҳнинг ички хоналарини безаётган нaққошлар билан ишлар эди — усталарга мустаҳкам ҳавозалар қурар, керакли буюмларни тайёрлаб бериб турарди. Мусофирларнинг қўниши, олимлар ва шоирларнинг тинч яшаб ишлаши учун мўлжалланган бу бинога Арслонқул кўпроқ меҳр қўйган. Битган уйларни ҳар вақт узоқ томоша қилар, завқланар, деворларда рангин гуллар орасига бениҳоят усталик билан ёзилган битикларни ўқитдириб, маъносига етишга ва ёдлаб олишга тиришар эди. Бу ердаги нaққошларнинг тепасида машҳур Мирак Нaққош турарди. Деворларда бўёқлардан ажойиб, сеҳрли манзаралар яратувчи бу устодни Арслонқул ҳаммадан ортиқ севар, ҳурмат қилар эди. Аммо Мирак Нaққошнинг табиати ғалати. Баъзан ишга бутунлай келмас, баъзан иш энг қизиган пайтда бир зумда кўздан ғойиб бўлар, қаёқлargа дир тентираб кетар, шундай вақтларда Арслонқул роса хуноб бўлиб, қудратли қўлларини пахса қилиб сўзларди: «Мана бу даст панжада Миракнинг ҳунари бўлса эди, бу ерларга унинг қадамини бостирмас эдим!»

Панжшанба куни ҳамма нaққошлар ишни барвақт йиғиштирдилар. Бир уйнинг безакларини чала қолдирганлари учун Арслонқул ичидан норози бўлди. Лаблунжини осилтириб, жомакорини аста қоқди, тозаладида уйга жўнади.

Содда йигит бир вақтлар ўз севгилисини қидириб Ҳиротга келгач, бегона муҳитда бир йил қадар нафаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

ичида, саргардон кезган, сўнг ноумид бўлиб қишлоққа қайтган эди. Аммо ўзи туғилиб ўсган, ҳар бурчаги бир чоғлар унга ширин туйилган қишлоқ энди зиндондан оғир, бўғувчи кўринди. Эски хўжаси қўлида бир йил қадар ишлагач, ишқ уни яна шаҳарга судради. Шаҳарда бефарзанд кампир холаси ва кекса поччасидан меҳрибончилик кўрди. Бир замонлар кулолчиликда ҳунари билан от чиқарган етмиш яшар поччаси кўпдан иш-кучни йиғиштирган. Ундан ўн ёш кичик бўлган холаси чевар — жомадўз эди.

Арслонқул мустаҳкам бир чорхари уй ва унинг қаторида бир айвонли текис, тоза ҳовлига кирди. Чол айвоннинг бурчагида, чуқур сукутда, бошини икки орқ елкаси ичига олиб, тасбиҳ ўгирар, кампир енгини шимариб, кечки овқат учун хамирдан зувала кесиш билан банд эди. Йигит айвон четига ўтирди. Бу ҳовлига ёпишган қўшниникидан анча чархларнинг қулоқни йиртадиган «ғув-ғуви» — ёқимсиз товуш эшитиларди. Арслонқул жеркиниб деди:

— Бу бўзчиваччалардан қаёққа қочиб қутуламиз?

— Чироғим, тирикчилик қилмасинларми? Нима, энди эшитдингми?— оқ сочлари силлиқ таралган, ёшига қараганда, ҳали юзи тоза бўлган кампир гапириб қўйди.

— Ҳар бири ўз кулбасида йигирсин!

— Йиғилиб йигирганда зерикишмайди. Бир-бирига қизиқиб девдек ишлашади,— кампир Арслонқулни ўқлоғининг учи билан туртиб деди.— Манга қара, шум така!

Йигит қайрилиб, унинг кичкина, зийрак, серташвиш кўзларига тикилди.

— Сен бир баҳона билан уларнинг ёнига чиқ, ё девордан қара,— чаққон қўллари билан хамирни узиб, лабидаги табассум билан давом этди кампир:— букун иккита янги қиз бор — ой узилиб ерга тушган, ана қошу ана кўз! Ҳар қандай бекзодага арзийдиган қизлар.

— Бу таърифнинг менга ҳожати йўқ!— тескари бурилди йигит.

— Сен танласанг, бас, эртагаёқ совчиликка бораман.

— Минг марта дедимку, тоқ ўтамен деб...

— Беҳуда хаёл билан ўзингни алдама. Ўша биёбон қизига мунча кўнгил қўйган экансен! Тур ўрнингдан!— қатъий буюрди кампир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Арслонқул оғир чўкиб, жим ўтира берди. Кампир қистайвергач, ғамгин деди:

— Киши бир марта севади...

— Лоақал кўз учи билан бир қара. Агар йигит бўлсанг, юрагингда гарддай чўғ бўлса, у вақт оёғимга йиқиларсен, унаштир деб ялинарсен...

Арслонқул жаҳл билан ўрнидан турди. Азамат гавдасини эгиб, ғамгин юриб борди, икки фақир ҳовлини айирган, тепаси нураган паст деворга суялди. Қўшнининг қаршидаги катта, эски айвонида бу хонадоннинг бижилдоқ бекаси ва унинг иккита дўндиққина қизи, яна шу атрофдаги қўни-қўшниларнинг тўртта-бешта попукдай қизлари орасида Арслонқул холаси таърифлаган гўзалларни қидирди. Бўз кўйлакли, олача нимчали қизлар катта айвонни тўлдириб, тинимсиз чарх йигиришар, қўлни ишдан олмасдан чағир-чуғур сўзлашар, кулишар эди. Ҳар қизнинг олдида савам-савам пахта, ип ўралган семиз дуглар қалашиб ётади. Бегона гўзаллардан бири яққол кўринди. Унинг оппоқ тўлагина юзи, кулиб турган ақиқ лаблари, чаккаларига жингалакланиб тушган тимқора сочлари, ип йигирган сари майин мавжланган тўлғун кўкраги чиндан жозибадор эди. Устун орқасида ўтирган иккинчи гўзални Арслонқул кўролмади.

Чол ҳовлига тушиб таҳорат қилди. «Намоздигар» учун кўчага чиқатуриб, Арслонқулга қуюқ қошлари орасидан қаради, кўркам оқ соқолини силкитиб, бошини тебратди, юзидаги жиддий, чуқур бурушуқларни табассум тўлдирди. Буни пайқаган Арслонқул кўзларини айёрча қисиб, имлаб қичқирди:

— Почча, қани — гулзорга марҳамат қилинг!

Чол ҳассасини дўқиллатиб Арслонқулнинг ёнига келди.

— Умрнинг кузидамиз, чироқ, қалай, ўзинг гуллардан бирини танладингми?— даккам-дуккам тишларини очиб, кулиб сўради чол.

Арслонқул бирдан ичидан хўрсинди, қўлларини умидсиз силкиди.

— Холанг шўрликни ранжитасен. У бойқиш умрида бир марта тўй-томоша кўрмоқчи-да...

— Юрагимда мотам бор, қария.

— Чакки қиласен, бефойда.— Овозини пасайтириб, давом этди чол:— Мен ёшлик чоғимда бундай ишларда бамисол лочин эдим, чироқ. Бошқалар гул тепасида



www.ziyouz.com kutubxonasi

булбул бўлиб хониш қилсалар, мен узардим, қочардим... Яна қандай замон дегил! Тахтда Шоҳрух Мирзо ўтирар эди — ғоят шариатпарвар, ғоят тақводор подшоҳ эди. Ҳозирчи? Ҳусайн Бойқаро дарвозани катта очиб қўйибди-ку.

Арслонқул индамади. Чол: «Йигит кўнгли — подшоҳ. Зўрламайман, бўтам!» деди-да узоқлашди.

Бирин-сирин чархларнинг овози ўчди. Қизлар, мактабдан озод бўлиб, кўчага отилган болалардек, чуввос билан турдилар, ипларини, дугларини халтачаларга шоша-пиша жойлаб, ҳовлига тушдилар. Бир гала шўх, шод, етилган қизлар, қайсилари сақич чайнайди, қайси бирлари «чанг» чалади. Арслонқул уларни қисилтирмаслик учун орқага чекилди. Шу топда қизларнинг гуриллаган, шўх ашуласи ҳавони янгратиб шодлантириб юборди:

Оҳким, воламен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хандондин жудо,
Бенаводур жон дағи ул ҳури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ваҳки, бағрим тўкти кўзлар йўлидан паргола кўп,
Кўз ҳам ул гул ҳажридин ёғдурди гулгун жола кўп,
Заъф этибмен қонлиғ ашким баски тўкти лола кўп,
Дема ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон бўлғон нафас жондин жудо?

Қилғали маҳрум жоми васлидин жонон мени,
Талхи ком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ҳар замоне ўлтурур ғам заҳридин ҳижрон мени,
Хажр ўлумдин талх этмиш мундин сўнг, эй даврон, мени,
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.

Бағрима эй хори ҳижрон, ҳар замон сончилмағил,
Эй кўнгул, юз жавр етса, кўзга ғайрин илмағил,
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмағил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй, ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Кампир дастурхон ёзди. Гулдор сопол товоқларда умоч келтирди ҳам ўтирмасданоқ сўради:

— Қалай, деганим тўғри эканми? Оймума — ой кулча қизлар-а?

— Паризод десангиз ҳам ишонамен.— Хомуш жавоб берди йигит.

— Тилингдан айланай, бу қизларни қўлдан чиқариш бошга қўнган бахт қушини учириш билан баробар. Бу — нонкўрлик бўлади. Қай бирига кўнглинг кўпроқ мойил



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди? Тухумдай оппоқина, силлиққинасигами, ёки буғдой ранг, нозик ниҳолгами? Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам иккиланиб қолдим. Кўнглим дам унга, дам бунга оғади... Ўзинг танла!

Арслонқул қошиқни қўйиб, холанинг оғзига хомуш тикилиб қолди.

— Ҳа, нега бўзраясан? Гапир, кўнглим тинчисин.— Сўзлашга ундади кампир.

— Холажон, ҳар бир ишда сабр-бардош керак,— хафа қилмаслик учун юмшоқ жавоб берди Арслонқул:— ўйлашайлик, эрта-индин уларни биров илиб қочмас...

— Аҳ, ўғоним оламнинг сабр-бардошини сенга йиғиб берган экан!— ўпкалаган кампир бундан сўнг «чурқ» этиб оғиз очмади.

Эрталаб Арслонқул янги этигини, бундан икки ой бурун Навоий бинокор усталарни, мардикорларни чарлаб зиёфат қилганида, бошқа бир кўп кишилар қаторида унга кийдирган йўл-йўл шоҳи тўнни биринчи марта кийди-да, кўчага чиқди. Баъзи оғайниларни қидирмоқчи бўлди, лекин яна айнади: улар, албатта, шаробхонага судрайдилар!

Лимун мавзиидан бошланган узун, катта, сафобахш Ҳирот хиёбони бўйлаб қурилган,— битган, чала кўшклар, икки қабатли, лекин енгил, кичик иморатлар, мева боғчаларини томоша қилиб, йўлларда учишган олтин барг гиламлари устида аста кезди. Кейин «Шоҳрух» мадрасасига жўнади — Султонмуродни икки ҳафтадан буён кўрмаган эди.

Ҳар вақтдаги ним қоронғулиги булутли кунда яна қуюқлашган ҳужрада, китоблар орасида Султонмуродни бемордек чўзилиб ётган ҳолда кўрди.

— Бахайр, не бўлди, тақсир?— тиз чўкиб, ҳаяжон билан сўради Арслонқул.

Султонмуроднинг кўзлари ич-ичига ботган, ранги дардли, оқарган эди. У бошини кўтариб, тирсагини ёстуққа тираб ўтирди. Икки-уч кундан буён хаста эканини, букун ҳарорати пасайиб, руҳи енгиллашганини сўзлади.

— Табиб келтирайми? — самимий ачиниб сўради Арслонқул.

— Йўқ, қаратдим, дурустмен. Сизга жуда интизор эдим,— деб жавоб берди Арслонқулга.— Ҳаялладингиз, юмушингиз бўлдими?



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, тақсир, кеча аксига, уйга барвақт жўнаган эдим,— деб жавоб берди Арслонқул.— Не юмушингиз бўлса айтинг, бажарурмен,— ўзини айбдор сезган кишининг товуши ва вазияти билан деди у.

Султонмуроднинг ўчук юзига дардли табассум югурди.

— Сизнинг ёрингиз тўғрисида ғоят тўғри маълумот олдим,— бошини рост кўтариб гапирди Султонмурод,— у Хадичабегимнинг хос канизакларидан экан. Подшоҳга рўбару келмаган эмиш.

Арслонқулнинг кўзларида дард алангаланиб кетди.

— Тақсирим, қайси муборак оғиздан бу сўзларни эшитдингиз?— титрак лаблар билан сўради Арслонқул.— Икки дунёда қулингиз бўлай, тақсирим, айтинг, тўғрими? Қандай қилиб? Жаҳонни кўзларимга шу зумда ёруғлатдингиз, тақсир, бу қандай гап?

Султонмурод, табиий, ўз севгисини усталик билан яширди. Бир вақт унинг можаросини, бир эртак сингари, Зайниддинга айтиб бергач, дўсти қизиқиб суриштириб, шундай хабар келтирганини баён қилди.

— Дўстингиз саройда хизмат қилурлармi?

— Йўқ,— жавоб берди Султонмурод,— лекин истаса ҳар қандай сирни ковлаб топадиган одам... Ишонаверинг.

— Хўб, сарой, ҳарам, биз бечоралар учун кўҳи қофдек[1] йироқ-ку, нима қилиш керак?— иложсиздек дард билан бўшашиб деди Арслонқул.

— Тўғри, йўлингизда Садди Искандар[2] бор,— боши билан тасдиқлади Султонмурод,— лекин шу вақтгача йўлингиз симсиёҳ тун эди. Энди узоқда умид шами ёнди... Иншоолло, ғайратингиз самарасиз қолмас. Ишчи даставвал нимадан бошлашни ўйладим: сиз дилнавоз ёрингиз билан муносабат боғлаб, унга ўз дардларингизнинг, соғинчингизнинг кучини билдиришингиз ҳам қизнинг юрак орзуларини билишингиз керак. Қарши эмасмисиз?

— Айни ҳақиқат. Дилдор кўнглининг тозалиги, асллиги тўғрисида зарра гумоним йўқ. Аммо, орада кўп йиллар ўтди. Яна ким билади, қандай хаёллари бор?!— деди-да ерга қаради Арслонқул.

---

[1] Кавказ тоғлари.
[2] Искандар Зулқарнайн қурдирган афсонавий муаззам қўрғон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дўстим билан кенгашдим, қандай йўл билан муносабат боғламоққа ҳам бир чора топдик.

Арслонқул сергакланиб, кўзларини олимга тикди. Султонмурод фолчи кампир ҳақида гапирди, уни қандай қилиб қўлга олиш тўғрисида уқдирди-да, ниҳоят деди:

— У маккора кампир, табиий, инсонликдан маҳрум, очкўз бир махлуқдир, иншонаменки анча динор талаб қилур. Агар тангангиз бўлмаса, тортинмасдан айтаверинг, бир илож қилиб топурмиз.

— Иш оқчага боғлиқ бўлса, ўзимни гаров қўйсам ҳам, топурмен. Бу тўғрида ҳеч ташвишланманг!

Арслонқул ҳозирдан бошлаб фолчи кампирнинг изига тушмоққа шошиб қўзғаларкан, Султонмурод жуда эҳтиёт билан иш кўришни таъкидлади. Қиё очиқ даричадан Арслонқулнинг мадраса саҳнида учиб кетаётган азамат гавдасини кўрди-да, бирдан чуқур уҳ тортди. Шу содда йигитнинг юрагини заҳарлаган қаҳрли, мудҳиш ҳаётни қарғади. Кўксида ишқнинг муқаддас, тоза алангасини йиллардан буён сақлаб келган бу олижаноб, фақир йигитга бахт тилади. Лекин шу онда у ўз кўксида эски дарднинг кучли чайқалганини сезди. Бироқ, бу ҳасад эмасди. Бу чин, самимий ишқ оғриғи эди. Дилдорнинг нафис ҳусни, худди кечагина кўргандек, олимнинг кўз олдида гавдаланди. Олим ўзини овутиш учун токчага қўл узатиб, қалин бир китобни олиб, паришон, дардчил варақлади.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Дилдор чўчиб уйғонганда даричаларнинг тирқишидан тонг ёруғлиги сизғир эди. Тўшакларда қатор ётган шериклари — канизаклар бир-бирларига суқулишиб, жимгина ухлашарди.

— Туринглар, ҳай етим қўзилар. Талтайманглар,— сўкишга-қарғишга ботасенлар!— ёстиқдан бошини кўтариб қичқирди Дилдор.

Иккита қиз кўзларини аранг очиб, яна ғиншиниб юмишди. Дилдор хомуза тортиб, керишиб ўрнидан турди. Одатича, тез ва енгил кийиниб, эшикни очди. Нам ва совуқ шамол мавжи уни бирдан қучиб, сескантирди.

Элакда эланган ун каби, майда қор сийпалаб ёғарди. Боғчалар, чаманзорлар оқарган, сарвларнинг нозик қоматлари кумуш парланган. Тансиқ қор! Яна қиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қанча марта бу ерда илк қорни қаршилади!— Дилдорнинг эсида ҳам йўқ. У, ҳар вақтдаги каби, дардли хаёлларга берилиб, унда-бунда из тушган қорда юриб кетди. Кафш ичини тўлдирган қорни ҳам сезмагандек бўлди. Қарғалар, қузғунлар шаҳдам товуш билан қағиллашиб учишар, узоқда назоратчи қулларнинг қўланкалари изғир эди. Мадорини қиш узгандай сузилиб оқаётган ариқ бўйида Дилдор чўққайиб, апир-шапир ювинди. Ҳўл бармоқлари билан сочларини текислаб, хонага қайтаркан, узоқдан Давлатбахтнинг аллақандай ҳаяжонли товушини эшитди:

— Дилдор, югур, бу томон югур!

— Ҳа, нима гап? Яна каламуш тутдингизми?

— Шўримиз қуриди, югур,— бўғилиб қичқирди Давлатбахт.

Дилдор қорга тўлган кафшини тушириб, кийиб Давлатбахт яшайдиган хонага югурди. Эшикда Давлатбахт шақ-шақ титрар, тусида тус қолмаган эди.

— Нимадан қўрқдингиз, эгачижон? — Давлатбахтга ёпишди ҳовлиқиб Дилдор.

— Гулсанамга бир қара,— ерга тўшалган ёлғиз тўшакни кўрсатди у. Дилдор уйнинг тўрига ўтиб, тўшакка энгашди — кўзлари даҳшатли олайиб: «Вой!» деб қичқирди.

Давлатбахт даричани очди. Қиш тонгининг совуқ, сўник нури туркман қизи Гулсанамнинг ўлик юзида акс этди.

— Ўртоқжоним, гулим, нима қилдинг? Нега бизни ташлаб кетдинг?

Дилдор суюкли ўртоғини, сирдошини, дарддошини қучоқлаб ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Давлатбахт ҳам ўлик қизнинг бошига чўққайиб, титраб, йиғи аралаш сўзлади: «Бугун мен бу уйда тунамаган эдим. Ҳозир кириб «тур» деб қичқирамен, қичқирамен, «ғиқ» этмайди. Яқин келиб қарадим, туртдим, қотиб ётибди! Заҳар ичган, заҳар... Кўрмайсенми, кўкариб кетибди! Мен ўлай, нега сени ёлғиз қолдирдим, нега сирингдан хабарсиз қолдим!»

— Оҳ, Давлатбахт, гўё кўнгилларимиздаги дарддан, ярадан бехабардек сўзлайсиз,— кўз ёшларини юм-юм қуйиб гапирди Дилдор.— Ота-онадан, ўз юртидан жудо бўлишлик, тутқинлик, кўксингдаги муҳаббатни, орзуларни кўмиб, қари қиз бўлиб, сўлиб сарғайиш осонми? Оҳ, Гулсанамим, ўртоқжоним, меҳрибонгинам! Биламен,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзингга ҳамиша ўлим кутардинг, лекин бизларни ташлаб кетганинг ёмон бўлди.— Дилдор юзини дўстининг совуқ, кўкарган юзига суриб йиғлади.

Бирпасда уй ичи канизаклар билан тўлди. Ҳамманинг кўзида ёш қайнайди, ҳамма титрайди. Чунки, бу ўлим бечора асираларнинг сийналарида чўкиб, тиқилиб ётган қайғуларни бирдан ва беҳад кучли тўлқинлатиб юборган эди.

Гулчеҳрабиби ҳам етиб келиб қолди. У энди хийла мункиллаб қолган. Кампир даҳшатли бир совуққонлилик билан мурдага қаради. Лабини буриб, ҳўмрайиб тескари ўгирилди. Қизлар, гарчи товушсиз йиғласалар-да, у бобиллаб берди:

— Бас, товушларинг ўчсин... Хадичабегим нотинч бўлмасинлар. Чиқинглар, юмушларингни қилинглар! Биз ўзимиз саранжомлаб, тангри буюрган жойга элтиб қўюрмиз.

Канизаклар кампирдан қайта-қайта қарғиш эшитгандан сўнг, бўйинларидан биров судраб тортгандек, ноилож ташқари чиқишди.

Пешин вақтида Гулсанамнинг тобутини мозорга олиб жўнадилар. Марҳуманинг ҳамма ўртоқлари уч кун қора рўмол ўраб мотам тутишди.

Дилдор ўртоғининг ўлимига ҳаммадан чуқурроқ қайғирди. Ҳар кун оқшом шам ёқиб, қуръондан ўзи билган биттагина «сура»ни ўқир, марҳуманинг арвоҳига бағишлар эди. Бир қанча кун кўзидан уйқу қочди, фикри, хаёли дўстининг қисматида эди. Кўпинча ваҳим, қоронғу ўйлар унинг борлиғини қоплай бошлади. Баъзан бу ўйларнинг даҳшатидан чўчиб, гўё қотиб қоларди. Секин-секин даҳшатли хаёлларга кўника бошлади. Ўлим билан ҳаёт орасидаги қора ўпқин оддий ва яқин нарса каби сезила борди. Лекин бу воқиадан икки ҳафта ўтар-ўтмас Дилдорнинг юрагида тўсатдан, ҳеч кутмаган дамда, ҳаёт орзуси, умиди қўзғалди...

Бир кун Хадичабегимнинг катта зиёфатида югур-югура ҳориган Дилдор, ўз хонасида ёлғиз дам олиб ўтирар экан, даричадан фолбин кампирнинг юзи, ваҳимали тушдаги чиркин башаралар каби, кўриниб қолди.

— Дилдор деган сенми?— энкайиб, шилпиқ кўзларини тикиб сўради кампир.

— Ҳа, мен. Энди кўрдингизми мени?— бепарво жавоб берди Дилдор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир зумдан сўнг фолбин эшикдан кирди-да, Дилдорнинг ёнига чўққайди:

— Қўл учингни бер, мен ром очамен.

Дилдор бу қув кампирнинг марҳаматига ҳайрон қолди. Чунки ҳар фоли учун Ҳадичабегимдан бўғча-бўғча саруполар олган бу маккора, чўриларнинг жон-дил билан ялинишларига қарамай, уларга фол кўрмасди: «ҳар сўзимнинг баҳоси бир динор!» деб ҳамманинг тилини кесарди. Дилдор саройнинг баланд мавқели хонимларининг биттаси совға йўсинда берган бир кўйлак бадалига бундан икки-уч йил бурун фол очтирган эди.

У кўзларини жовдиратиб, беихтиёр қўлини узатди. Қампир ҳар вақт фол очганда ҳурпайиб, ёлғиз шилпиқ кўзлари билан кишига қаттиқ тикилиб, валдирар эди. Ҳозир эса қизнинг қўлини ушларкан, кулгудан лаблари бир зум ёйилиб кетди.

— Шу қизимнинг худо берган бир суйгани бор экан,— атрофга аланглаб, жуда секин гапирди кампир,— куч-қувватда Рустамдай экан. Аммо, Мажнун сингари ўз Лайлосини ахтариб, бу шаҳри азимда саргардон экан.

— Нималар деяпсиз, буви?— ранги ўчиб сўради Дилдор.

— Шошма, сен Арслонқул деганни танийсанми?

Дилдор энтикиб, қўлини тортиб олди, қалтираб кетди.

— Эсингни йиғ, нима бўлди?— хириллаб шивирлади кампир.

— Сўзларингиз ҳаммаси рост-ку,— ҳовлиқиб деди Дилдор.

— Ҳа, мен ҳамиша тўғри топурмен. Муаккилларим ҳамма сирлардан хабар беришади!— ишонтириб деди кампир.

— Йўқ, буви, сиз Арслонқулни танийсиз. Бу фол эмас!

— Ҳай, секин гапир!— кўз олайтирди кампир.

— Қачон кўрдингиз Арслонқулни, қаерда, нима деди? Соғми? Оҳ, шўрлик йигит!— Дилдор ҳаяжондан ҳамма нарсани унутиб, кампирни қучоқламоқчи бўлди.

— Жинни бўлдингми? Қаердасен?— Қампир аччиқ билан силтаб ташлади қизни, кейин даричани қия ёпдида, Арслонқул унинг уйига қидириб келганлиги, Дилдорга арз-ҳолини еткизишини ўтиниб йиғлаганлиги,



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Қудуқбоши» деган маҳаллада, холасиникида яшаб турганлиги ва ҳоказо ҳақида шивирлади.

— Бувижон, агар менда дунёнинг хазинаси бўлса эди, сиздан аямас эдим,— йиғлаб деди Дилдор.— Яна нималар деди? Очам балки ўлгандир, отам тўғрисида ҳеч нима демадими? Хат бермадими сизга?

— Хат? Тил зиндонга судрайди, хат дорга элтади, болам! Унақа нарсаларни ушлашдан ҳазар қиламен. Йиғлама, азалнинг қалами сенларнинг севгиларингни айрим дафтарларга битган экан. Ҳаммаси оллонинг иши! Мен ҳам дунёдан тоқ ўтдим! Хайр, сўтам.— Кампир ўрнидан турди.

— Шошманг, бувижон,— Дилдор унинг косов қўлини ушлаб олди,— ичимда дардим беҳад кўп, бир учини сизга очай, Арслонқулга еткизинг,— ялинди қиз.

Ваҳимага тушган кампир кўзларини атрофга ўйнатиб, жаҳл билан шивирлади:

— Бас, бас, ҳамма дардинг менга равшан, умримда бир савоб иш қилайин, деб бу жафони бўйнимга олдим. Зинҳор бировга оғиз очма!— дарров эшикдан чиқди у.

Ўз ёрининг ўлик-тиригидан хабарсиз бўлган ва ундан мангу айрилганига ишониб, энди ҳаёт билан видолашувга жазм эта бошлаган Дилдорнинг ўй ва хаёллари ост-уст бўлиб кетди. Шу тобда у иккинчи қайта дунёга кўз очди. Кампирнинг келтирган хабари худди нариги дунёдан келган каби, сирли кўринди. Очкўз, ялмоғиздай хунук, чиркин фолчи энди унинг назарида пайғамбарнинг қизи ва қиёматда аёлларни жаннатга бошлаб кирувчи Биби Фотимадек улуғсифат, эзгу, меҳрибон бўлиб туюлди. Дилдор юрак уришини, ҳаяжонини босолмасдан, бошини ёстиққа қўйиб ўйлади: «Унутмабди қадрдоним, у билан яшаш, бирга жафо чекиш қадар зўр бахт борми? Шунча йиллардан бери шу шаҳарда, ёнбағримда экан, оҳ, золим фалак, нега биз шунча узоқмиз? Қандай қилиб кампирга йўлиққан экан? Энди нима қилади? Мен билан кўришмоқ учун астойдил ҳаракат қилар, албатта. Лекин яна соддалик билан, дардига чидаёлмасдан, қалтис ҳаракат қилиб ўз жонини таҳликага солмаса эди!» Бу фикр унинг бутун борлиғига даҳшатли оғриқ каби югурди. Бирдан ҳовлиқиб ўрнидан сачради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиз ҳар кун кампирнинг қадамига интизор бўлди. Ўз йигитидан ҳар он сабрсизлик билан янги хабарлар кутди. Лекин кампирдан дарак йўқ. Кунлар йилдай узоқ туюлди. Қанот боғласада, ўз ёрига учиб бора қолса! Дам шодликдан болаларча қувонади, дам қўрқинч ўйларга ботиб юраги ўйнаб кетади... Ўнинчи кун ҳарамда кампир пайдо бўлди. Дилдор қувонч билан уни ҳовлида қарши олди. Атрофда одамлар кўп бўлганидан, кўз учи билан фолчини дарахтзорга имлади. Бироқ, фолчи киноя билан лабини буриб, тўппа-тўғри Хадичабегимнинг кўшки томон йўрғалади. Дилдор маъюсланса ҳам, фақат умидсизланмади: «Кампирнинг шундай қилиқлари кўп бўлади. Балки, ҳадиксирар...»— ўйлади ичида. Пана жойда учратиб, сўзлашмоқ мақсадида унинг йўлини пойлади. Бирон соатдан кейин узоқда кампирнинг қорасини кўриб, тез-тез юриб борди. Бирон жойга таклиф этмоққа ботинмай, секингина сўради:

— Бувижон, уни кўрдингизми? Нима деди?

— Кўрдим, нияти ёмон экан... Ораларингда гап ташиб балога қолиш учун эсимни еганим йўқ,— тикандай ботадиган бир товуш билан жавоб берди кампир кета туриб.

— Бувижон, ёмон нияти нима экан? Тангри ярлақасин, айтинг!— яна бутун самимияти билан ялинди қиз.

— Сўрама! Тошдан садо чиқар, мендан чиқмас!— қиё боқмай кетди-қолди фолчи.

Дилдорнинг ҳуши учиб, турган ерида қотди. Орқадан келаётган бир тўда чўриларнинг товушидан эсини йиғди, ўйлади: «Нияти ёмон... Нима демоқчи кампир? Арслонқул ё мен билан кўришмакни сўрагандир, ё бу ердан мени олиб қочиш тўғрисида гапиргандир... Бу нарса кампирнинг ўтакасини ёрган. Ахир, «хат» деган сўзни эшитиб, тунов кун жони чиқиб кетганди-ку» Дилдор Арслонқул тўғрисида ташвиш тортди. «Менга етишамен, деб зиндонда чиримасин яна!»— у узоқлашган фолчининг орқасидан югурди.

— Бувижон,— шивирлади у,— уни кўрсангиз айтинг, ҳеч қандай ёмон ниятда бўлмасин, тинч юрсин.

Фолчи тиржайди, «хўп» дегандай бошини сал қимирлатди.

Шу кундан бошлаб Дилдор «ёмон ниятни» ўзи амалга оширмоққа уринди: «Ё ўлим, ёки ёрга қовиш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ!» — бу фикр унга ҳоким бўлди. Тунлари мижжа қоқмай, турли режа ва йўллар ахтарди.

Ўйлай-ўйлай, ўзича энг қулай чора топади. Бироқ бир зумдан кейин яна бундан воз кечади. Чунки, қулай деб билган бу режада қўрқинчли мушкилот пайдо бўлади. Ниҳоят, ўйлашдан хуноб бўлиб, бир қарорни маҳкам ушлади.

Қоқ ярим кечада, бурканиб, ўзини уйқига солиб ётган Дилдор кўрпадан бошини чиқарди. Ўн икки қизнинг барчаси данг қотиб ухлаб ётарди. Хурракдан бошқа, на уриниш, на хўрсиниш сезди. Қоронғуда, жимгина, кийимларини кийди. Оқшом ўрин солганда, ёстуқнинг тагига суқиб қўйган ханжарни олди. Буни у бир вақтлар Хадичабегимнинг эркаклар ҳам иштирок қилган бир зиёфатидан сўнг, хонани йиғиштираркан, топиб олган, ҳам «вазирзодалар, бекзодалардан бири тушириб қолдиргандир» деб қандайдир бир ният билан, ҳеч кимга кўрсатмай, яширин сақлаган эди.

Туртиниб эшикка бораркан, юраги узилгандай, бирдан тўхтади, деворга суялди. У кўп йиллар бирга яшаган, бирга йиғлаган жонажон ўртоқларидан айрилади! Улар билан бирга кечган ҳаётнинг бутун саҳифалари унинг кўз олдидан бир-бир ўтаверди. Бу саҳифалар юрак қони билан ёзилгандек, яқин эди. Дилдор ўз сиридан деярли ҳамма ўртоқларини воқиф қилиши мумкин эди. Уларга ишонарди. Фақат, ўртоқлари уни хатарли йўлдан қайтаришлари ҳам аниқ эди. Лекин шу вақтда: «Нега, ҳеч бўлмаса, биронтасини, озгина бўлсин огоҳлантирмадим?»— афсусланди Дилдор. Қошки, ҳозир шам ёқиб, ҳаммасининг юзидан бир-бир ўпиб чиқса! Томоғини бўғган бир дард билан пичирлади: «Хайр, дарддошларим, ўртоқларим! Агар ўлсам, гоҳ-гоҳ мени ёдланглар! Тирик бўлсам, мен сизларни ҳеч вақт унутмаймен. Тангрим сизларга узун умр берсин, ёруғ кунларни насиб этсин!» Дилдор қайнаб тошган кўз ёшларини енг учи билан артиб, ташқари чиқди. Кеча тимқоронғу ва изғиринли эди. Усти қотган лой йўлларда илдам юриб дарахтзорлар, хиёбонлар оралаб кетди. Қоронғулик ичидан дахшатли қўллар унга ёпишаётгандай туюлиб, кўзлари сергак жовдирар, юрак кучли урар, оёқлари, қўллари титрар эди. Кичик дарвозага яқинлашганда, чийиллаган товуш эшитди: «Кимсан»? Бу энг золим, ит феъл қул эди. Шунинг учун канизаклар уни



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзаро «қопоғон» деб номлар эдилар. Дилдор чўчиб орқага тисланди. Кейин ўзини тутиб олди, ханжарни енг ичига яшириб, дадил гапирди:

— Мен, мен, Оллоёр!— югуриб қулнинг пинжига тиқилди.

— Тун ўртасида? Бу ёққа қара!— Оллоёр хира фонусни қизнинг юзига тутди. Дилдор жўрттага ҳаяжонини кўчайтириб, ҳансираб гапирди:

— Оч эшикни, табиб мавлоно Абдулҳайга киши юбор!

— А! Не дейди ўзи? Тушунтир.

— Хадичабегим бирдан хаста бўлиб қолдилар. Вой ўлай, аҳволлари жуда оғир. Тиллари сўзлашдан қолди.

— Давлатбахт қани? Нега у келмади?— қопиб гапирди Оллоёр.

— Ах, нега аҳволни тушунмайсен! Шўрлик Давлатбахт бемор билан овора. Эшикорқасида посбон борми? Буюр унга!

Оллоёр нимадир пўнғиллаб, дарвоза томон юрди Белидан калидни олиб, катта, чўнг қулфга солди. Дарвозанинг бир қанотини қия очиб, асабий қичқирди:

— Мизроб, ҳай Мизроб!

Қул остонадан ташқарига бир қадам қўйди. Яна Мизробни чақирди. Дилдор остонага чиқиб, қўлини орқасига олиб, дарвозага суялди.

— Посбон бўлмай ўлиб кет, ҳар кеча маст...— вайсади Оллоёр.

Дилдорнинг кутгани бу эди.

— Тезроқ уни топиб жўнат. Бунча беғамсен,— жўрттага қистади Дилдор.

— Кир, қорангни ўчир!— Оллоёр қизни ичкари итариб дарвозани ёпмоқчи бўлди.

Дилдор фурсатни қўлдан қочирмасликка тиришди — Оллоёрнинг устига бирдан отилди-да, ханжар урди. Унинг кўкрагини мўлжаллаган бўлса ҳам, лекин ҳаяжондан, тажрибасизликдан, ханжар қулнинг елкасига тегди. Оллоёр фонусни улоқтириб, бақирди. Дилдор бутун кучи билан қочди. Орқадан бақириб-чақириб Оллоёр қувди. Эллик қадамча нарида Оллоёр Дилдорнинг сочидан ушлаб қолди. Қиз орқага қайрилиб, унинг дуч келган аъзосига шошиб-пишиб, лекин ғазаб билан, уч-тўрт марта тиғ урди. Оллоёр, даҳшатли чинқириш билан, ерга юмалади. Дилдор ханжарни қўлда маҳкам си-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қиб, ўқдай учди. Атрофдан «ҳой, тут!» каби қисқа, кесик садолар эшитила бошлади. Томоғи қақраган, ғазабли, эссиз-ҳушсиз Дилдор бор кучи билан югурди. Анча масофа босгандан сўнг, қоронғуда пастгина деворга бирдан урилди. Девордан чаққон сакради. Қуюқ дарахтзор орасига кираркан, орқада ҳансираган, пишқирган кимдир девордан юмалади ва қувди. Дилдор қутулишга илож йўқлигини сезди. Ғазаби тошди. Ханжарни кўтариб, қувловчига ҳамла қилди. Лекин, гурзидай муштнинг зарбаси билан шу онда ерга мукка йиқилди...

## УН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### I

«Боғ зоғон»нинг зарҳал хоналаридан бирида Тўғонбек сусар пўстинга ўралиб, ёш шаҳзодаси Музаффар Мирзо билан нонушта қилиб ўтирарди. Шаҳзодага яқинлиги орқасида унинг обрўси кун сайин ошарди. Ҳусайн Бойқаро унга беклардек илтифот кўрсатарди. Энди давлатда энг катта мансабдорлар у билан ҳисоблашмоққа мажбурлар. Тўғонбек шаҳзодадан суюрғол[1] тариқида катта ерлар олган. Ҳиротнинг донгдор давлатманд оилаларидан Абулзиёнинг гўзал қизига уйланган. Унинг эшигида қўша-қўша навкарлар, уй ичида ўнлаб чўрилар хизмат қилади. У Музаффар Мирзо исмидан ҳар хиёнатга бош уриб, ҳар жиноятни оқлайди. Тўғонбек шаҳзода хизматида бўлган наслдор, обрўли бекларни, мулозимларни четлатиб, тун-кун шаҳзодага чегарасиз ҳокимиятга интилган қув, муғомбир руҳининг эҳтиросларини талқин этади. Фикрларини, режаларини содда сўзлар, содда, ёрқин мисоллар билан, бола англайдиган равишда, яққол кўрсата билганидан, Музаффар Мирзо уни қизиқиб тингларди. Ҳар ишда макр ва фрибгарликнинг кучига ишонган Хадичабегим Тўғонбек билан биринчи учрашишдаёқ ўз ўғлининг келажаги учун унинг катта фойда етказишини умид қилган эди.

Ҳар хил ҳалволар, қуритилган мевалар, тустовуқ, каклик кабоблари, қаймоқлар тўла дастурхон устида Тўғонбек ақл ўргатишни давом этдирди. У, Бадиузза-

[1] Хонлар томонидан совға қилинадиган ер.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мон, Фаридун Ҳусайн, Абулмуҳсин Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Абу Маъсум Мирзо ва ҳоказо шаҳзодаларнинг — Музаффарнинг ўгай ака-укаларининг яширин ниятлари, ортдираётган хусусий хазиналари тўғрисида сўзлади. Подшоҳнинг суюкли ўғли бўлганидан, Музаффар Мирзо ҳар жиҳатдан улардан устунликка тиришмоғи кераклигини уқдирди. Ниҳоят, ака-укаларининг ҳар бир сиридан огоҳланиб туриши учун, улар ичига жосуслар тайинлашни таклиф этди. Бу фикр Музаффар Мирзога мойдек ёқиб тушди. Бола сирли ишларни севарди. Қўлидаги чиройли муъжаз олтин қадаҳни катталардек ғурур ва завқ билан сипқариб, мастликдан сузук кўзларини Тўғонбекка тикди-да, бачкана керилиш билан деди: «Мен сиз билан бирга шундай ишларни орзу қиламенки, Тўғонбек жаноблари, у ишлар дунёда ҳеч бир тождорга муяссар бўлмагандир...»

— Балли, шаҳзодам,— деди Тўғонбек муғомбирларча илжайиб,— улуғ ниятлар сари ғайрат камарини маҳкамроқ боғланг.

Улар жосус тайинлаш масаласига яна қайтишди. Бу «нозик ишни» ташкил этмоқни Тўғонбек ўз зиммасига олди.

Хизматчи дастурхонни йиғиштиргандан сўнг, шаҳзоданинг йигитларидан бири кирди. Бу қўшиқчи, ўйинчи, аскиячи, ярим шоир, ярим жангчи эди. Зиёфат ва базмларга доир юмушларни аксар вақт у бажарарди. Йигит бу кунги умумий зиёфат учун кимлар чакирилиши ва нималар ҳозирланиши тўғрисида сўради. Тўғонбек меҳмонларни, чолғучи ва ўйинчиларни, овқат ва ичкиликларни бирпасда санаб берди. Йигит қўзғолатуриб, яна ўтирди. олифта мўйлабини силаб, кулимсираб деди:

— Бу кеча Хадичабегимнинг саройларида ажаб воқиа рўй берибди, эшитдиларми?

— Қандай?— Тўғонбек билан шаҳзода айни вақтда сўрашди.

— Бир канизак,— давом этди сўзида йигит,— тун ярмида қочибди, бир қулни ханжар билан ғоят қаттиқ яралабди.

— Забардаст экан-да, хўш, тутибдиларми?— сўради Музаффар Мирзо.

— Тутибдилар.

— Ҳозир қаерда?



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ола қўрғонда[1],— жавоб берди йигит.

— Исмини билдингизми? — сўради пешонасини қашиб Тўғонбек.

— Ғолибо, Дилдор дедилар...

Музаффар Мирзо қўлини силтаб, воқиага аҳамият бермаганини билдирди-да, муаллимдан «имло-иншо[2]» дарси олмоқ учун қўшни хоналардан бирига чиқиб кетди. Тўғонбек йигитни юмушга жўнатиб, танҳо ўйлади. Сўроқда бир чоғлар, Ёдгор Мирзо тартибсизлиги замонида, қизнинг Тўғонбек томонидан олиб қочилгани таҳқиқланса, гап чувалиши мумкинлигини мулоҳаза қилди — кўнгли ғаш бўлди. Аксига, Маждиддин ҳам Ҳиротда эмас. Қизнинг изини тезроқ ўчириб, хавфсизланишга қарор қилди. Қундузи сербар бўркни маҳкам бостириб кийиб, ташқарига югурди. Отни миниб, орқасига уч сувори навкарни эргаштириб, «Ихтиёриддин» қалъаси томон қаттиқ елди. Қоровулхона олдида отдан тушган ҳамон ёнига Зайниддин келди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, мулло? — кеккайиб тил учида сўради Тўғонбек.

— Бугун бир ақрабомиз жаҳаннамга тушибди,— жавоб берди Зайниддин сохта тавозе билан.— Ўйлайменки, бек жанобларининг ҳам бошида шунга ўхшаш бир дағдаға бордир.

Тўғонбек бу сўзлардаги кинояни тушунди, лекин ўзини билмасликка солди.

— Ундай тўқимачиликка берилманг, мирзо йигит! — деди-да, отни навкарларга тутқазиб, ғизиллаб қоровулхонага кирди.

Зайниддин узоқ чўзилган бир ўлтиришдан тонг қоронғусида чиқиб, таниш бир сипоҳидан воқиани эшитган эди. «Яна Арслонқулнинг гўзали бўлмасин!» деган бир шубҳа билан бу ерга югурди. Шубҳаси ҳақиқат бўлиб чиқди. Қиздан дастлабки сўроқни Эрали жаллоднинг ўғли Пирмат Калла сўраганини, қиз ҳеч кимнинг исмини айтмасдан, ўзини шоён ҳайрат бир жасурлик билан тутганини эшитди.

Зайниддин совуқда қалтираса ҳам, Тўғонбекнинг чиқишини кутди. Чунки унинг худди шу воқиа муносабати

---

[1] «Ихтиёриддин» қалъасини «Ола қўрғон» деб ҳам юритганлар.
[2] Ёзув дарси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан келганини тахмин қилган эди. Кўп ўтмасдан, ғолибона юриш билан Тўғонбек чиқди. Зайниддинга истеҳзо аралаш кулиб ҳам қўйди. Зайниддин ичида ўйлади: «Ҳа, ит, ҳақиқатни булғамоқчи бўлдинг! Йўқ, шоир тўғри айтган: «Дарё палид менашавад аз даҳани сак»[1]. Кейин Тўғонбекка яқинлашди.

— Тунги воқеанинг оқибати не бўлур экан, бек?— сўради Зайниддин қизиққан чет одамдай.

— Мен қайдан билай? Ўзга дардим йўқми?— тескари қараб тўнг жавоб берди Тўғонбек.

Зайниддин кескин бурилиб, мадрасага югурди.

Ҳужрада Султонмурод билан Арслонқул нима тўғрисидадир қизғин гаплашмоқда эдилар.

— Кел, дўстим, мушкул масалада бизга йўл кўрсат!— суюниб ёнидан жой кўрсатди Султонмурод.

— Қандай масала?

— Ахир, Дилдорни қутқармоқ керак!— жавоб берди Султонмурод.

— Тўғри, жуда илдам қутқармоқ керак. Фақат, биласизми, қаердан?

— Қаердан эмас, қандай қилиб денг!..— қалпоғини кўтариб умидвор кўзлари билан Зайниддинга тикилиб деди Арслонқул.

— Нима? Ғолибо, ғафлатда экансизлар. Қиз бир зиндондан иккинчи зиндонга тушди!

Арслонқул билан Султонмуроднинг нафаслари ичига тушиб, кўзларини олайтиришди...

Зайниддин бутун воқеани айтиб берди. Ҳужрани чуқур жимжитлик босди. Арслонқулнинг кўзларидан томчилар юмалади. Султонмурод тўсатдан қўзғалди.

— Филҳақиқат, бу қиз олам нодираси экан!— бутун гавдасини қамраган ҳаяжон билан гапирди у.— Биродарлар, ҳар қайсимиз бир вазифага бел боғлайлик. Дилдорнинг жонини ўз жонимиздай сақлаймиз. Зайниддин, сен Тўғонбекнинг кирдикоридан дуруст хабарлар топмоққа ҳаракат эт. Арслонқул, сиз қўрғон теварагидан узоқлашманг, лекин, ғоят ҳушёр бўлинг. Мен... мен неқилай? Афсуски, вазир Хўжа Афзал жаноблари кеча Марвга жўнаган эдилар. Хўб, мен инсофли беклардан, Ҳиротнинг эътиборли зотларидан кўмак сўраймен...

Султонмуродга ҳеч ким эътироз қилмади. Оқшом,

---

[1] Итнинг оғзи теккан билан дарё суви ифлос бўлмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

агар тинчлик бўлса, Зайниддиннинг уйида учрашмоққа тил бириктириб, ҳужрани тарк этишди.

Арслонқул дев қадамлар билан юриб, «Қалъаи Ихтиёриддин»га келди. Устма-уст юксалган тоғ чўққилари каби баланд, муаззам қалъа... Баланд кунгирали, қалин, метин деворлари, азамат қуллалари, тупроқ қўрғонлари билан самога юксалган қаҳрли, оғир иншоот... Зиндон бу ерда эди. Арслонқул қалъа билан унинг шимолида бўлган от бозори майдони ўртасида ғамгин қатнаб турди. Унинг пешонаси темир чамбар кийгандай оғир эди. Унинг кўзида қўрқинч манзаралар жонланди. Бу ерда жаллод болтаси остида калласи чўрт кесилган, қўллари қирқилган, ёки дорга осилиб, бир нафас типирчилаб алифдай чўзилган одамларни кўп марта кўрган эди. Юрагини даҳшат қоплади, «Бордию, Дилдорни олиб чиқиб оссалар, ёки бўйнига тиғ қўйиш учун чуқур олдига ётқизсалар,— у нима қилади? Хотинлардек чапак чалиб йиғласинми? Қуруқ қўл билан жаллодларга ҳужумдан нима фойда чиқади?»— ўйлади ичида. Кейин бир он иккиланмасдан уйга чопди.

Холаси бозорга кетган экан. Ҳовлида танҳо, ғивирлаб юрган чолнинг орқасидан бориб, елкасини астагина қоқди.

— Почча, бир қилич тўғрисида гапирардингиз, кўрсатинг менга.

— А, қилич? Ҳиротни ёв босмоқчими?— ўсуқ қошлари орасига кўмилган кўзларини катта очиб сўради чол.

— Йўқ, тинчлик... Аммо зарур,— шоширди Арслонқул.

Чол хона ичига кириб, катта сандиқни кўрсатди. Калидни топмагач, йигит сандиқни ҳалқасидан ушлаб, куч билан тортиб, очди. Ҳар хил кийим-кечаклар остидан қилични олди-да, қинидан суғуриб, диққат билан қаради.

— Эй, бўтам, нимасига қарайсен!— деди чол.— Исфиҳон пўлати... Отам раҳматлик амир Темурнинг баҳодирларидан эди. Бу тиғ қанча-қанча мамлакатларни кўрган, қанча халқларнинг бошида ўйнаган... Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ, Араб, Эрон, Қопқос ва Диёри Рум[1]— яна кўп иқлимларни кўрган бу тиғ. Соҳибқирон

---

[1] Кичик Осиё, Анатўли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Темурнинг замонида яшаган бўлсам эди, умрим кулолчилик билан ўтармиди? Хитойнинг бир вилоятига ҳоким бўлар эдим... Во дариғ!

— Яхши қилич!— салмоқлаб, тиғни яна қинига тиқди Арслонқул ҳам узун чопони ичидан тақиб олди. Сўнгра, латтага ўралган бир пичоқни баланд токчадан олиб, этигининг қўнжига суқиб қўйди.

— Ҳа, Яъжуж-Маъжужга қарши отланяпсанми? Белда қилич, қўнжда пичоқ? Аммо тиғни, бўтам, ҳақ йўлга ишлат, ноҳақ қон тўкма!— Арслонқулнинг йўлини тўсиб гапирди чол.

— Почча, Ҳусайн Бойқаро замонида ёмонлар кўпайган. Бу қилич, балки бутун умрида биринчи марта зулмга қарши ишлатилар!

Чол ўйланиб: «Сўзларинг бадахшон тошидек тоза ва асл, бўтам, халққа жабр бўладиган ишдан ҳазар қил!» деди.

Арслонқул кўчага чиқиб, бошини қашиб ўйлади-да, баъзи дўст-ёрларига йўлиқмоқ учун «Инжил» ёқасига, Навоий солдираётган биноларга жўнади.

Хуфтан вақтида Арслонқул Зайниддиннинг эшигини тиқирлатди. Қоронғуда бир аёл эшикни очиб, даричасидан шам нури сизғиб турган бир хонага киришни таклиф этди. Хона ичида ҳеч ким йўқ эди. Гилам устида қаламдонлар, қаламлар, ҳар хил шаклдаги сиёҳдонлар, битилган ва битилмаган жуз-жуз қоғозлар ётар, қозиқда танбур ва ғижжак осиғлиқ... Арслонқул бир чеккага ўтирди, қалпоғини ёнига қўйиб, кўзларини юмиб, ҳорғин, ғамли ўйлади. «Бу бечораларни ишдан қўйдим, китобдан айирдим. Бири Рум мамлакатидан келган «Чалабий» деган катта олимни енгган донишманд бўлса, бири катта битикчи... Мен каби бегона, саводсиз одамга шунчалик меҳрибонлик қиладилар. Бундай оқ кўнгил, ҳақпараст одамлар бўлмаганда эди, дунё ҳамиша қоронғулик остида қолган бўлар эди. Улар ташвишда, мен бу ерда ўтирайин!»— ўйлади ичида Арслонқул ҳам зиндон томонга жўнамоқчи бўлди. Бироқ, шу аснода ҳовлида гурунг эшитилди. Арслонқул ирғиб туриб, икки дўстни қаршилади.

— Хўш, кун бўйи нималар билдингиз?— чарчоқ ҳолда ўтираркан, Арслонқулнинг чопон ичидаги қиличини сезиб, таажжуб билан сўради Султонмурод.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳеч нима билмадим. Тишдан қарасанг, тинчликка ўхшайди.

— Тўғри, ҳозирча осойишталик... Энди нима қилмоқни маъқул топурсиз?— ёзув ашёларини йиғиштириб сўради Зайниддин.

— Бу кеча қилмоқчи бўлган андак юмушимиз бор, агар сизлар мақбул топсангизлар.

— Сўзланг, кенгашурмиз,— қизариб деди Султонмурод.

— Тунда зиндонга ҳужум ясасак...— жиддий гапирди Арслонқул.— Посбонларни, жаллодларни кесиб, гуноҳсиз тутқинни озод қилсак...

— Яхши жасорат, аммо куч қани? Осон иш эмас ахир,— деди сабрсизланиб Зайниддин.

— Мендан бошқа беш азамат бор,— жавоб берди Арслонқул.— Бари жанг-жадалдан завқланадиган олов йигитлар. Улар Ҳиротда ортдирган яхши ўртоқларимдан. Ҳозир зиндон теварагида айланиб юрибдилар. Ижозат берсангиз, фурсат пойлаб, бир қирғин соламиз. Биз ўзаро бу хусусда яктан, якдилмиз.

Зайниддин ва Султонмурод сукут этиб, бир-бирларига узоқ тикилишди.

— Бу мардона ҳаракатга қандай қарайсен?— сўради ниҳоят Султонмурод.

— Мен, ростини айтайин; Арслонқулдан ва унинг дўстларидан бундай баҳодирлик кутмаган эдим. Жасоратларига офарин ўқимоқ керак. Аммо, гарчи бу йўлни қанчалик ҳақли топмайин, зиддига сўзламоққа мажбурмен.

— Не сабабдан? Бажара олмоғумизми?— унинг сўзини кесди Арслонқул.

— Шубҳасиз, йигитларга ярашадиган бир ўктамлик,— давом этди сўзида Зайниддин, чиройли қошларини жиддий чимириб.— Улардан ўнлаб киши қирилур, балки сизлардан ҳам бир киши тирик қолмас. Натижа? Балки — ҳеч!

Арслонқул азамат гавдасини эгиб, оғир сукутга ботди.

— Менимча, иним,— Арслонқулга мурожаат этди Султонмурод,— бу қарорингизни охирги навбатда, яъни тамом иложсиз қолган бир пайтда татбиқ этмоғимиз керак. У вақт бундай йигитлик ажойиб бир маънога эга бўлур. Аммо, ҳозирча лузуми йўқ. Чунки, биз баъзи



www.ziyouz.com kutubxonasi

улуғ мансабдорлар билан сўзлашдик. Улардан яхши ваъдалар олдик. Аҳвол қийин бўлса ҳам, Дилдорга бериладиган жазо орқага сурилди. Ишни эскитмоққа яна ҳаракат қилурмиз.

— Ўлим жазоси хавфи йўқми?— титрак товуш билан сўради Арслонқул.

— Айтиш қийин. Чунки Туғонбек каби золим йиртқич бор...— жавоб берди Султонмурод.

— Дилдор нима жиноят қилибдики, ўлим жазосига буюрурлар!— қатъий, ишонч билан деди Зайниддин.— Иншоолло, мамлакатда Туғонбек кабиларни масъулиятга тортувчилар ҳам бор...

— Аҳвол шундай экан, мен Марвга — Алишер Навоий қошига борамен,— қаддини ростлаб гапирди Арслонқул.— Бутун юрак дардимни шоирга очамен. Бу ўй ҳали хотиримга келган эди, лекин фурсат йўқлигидан, аҳвол танглигидан доғда эдим. Модомики, ўлим хавфи йўқ, албатта борурмен.

— Мана бу фикрингизга жонлар тасаддуқ,— қичқирди Султонмурод.— Зотан, бу хаёл менда ҳам бор эди. Лекин, ҳали пишмаган эди. Алишер зулмга қарши замоннинг «шери», ҳақ ва адолатнинг тиғидир!

Султонмурод Зайниддиннинг розилигини истади. Учовлари бу тўғрида қизғин суҳбатлашди. Зайниддин ҳам бу фикрни маъқул кўрди. Арслонқул, гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай, жонланиб кетди. Худди ҳозир йўлга тушмоқчидай, қалпоғини ҳам бостириб кийиб олди. Лекин, бақувват, югурук от топиш керак эди. Бу нарса устида хийла бош қотиришди. Ниҳоят, Султонмурод ўзида хусусий суратда дарс олувчи давлатманд бир шогирдидан от тиламоққа қарор қилди-да, шошиб жўнади. Зайниддин Арслонқулни бирга олиб, унинг ўртоқлари билан танишмоқ, керак бўлганда фойдаланмоқ ниятида «Ихтиёриддин» қалъасига кетди.

Тонгда шаҳар дарвозалари очиларкан, Ҳиротдан илк чиққан киши ўйноқ бедов отли Арслонқул бўлди. Бечора ошиқ работларда оз қўнди. Девдай югурган, қурбон қидирган қонли йиртқичдай увуллаган саҳро бўронларида, тунларда ҳам йўл босди. Работларга қўнаркан, йўлга чиқиш олдида холасидан олган бир неча тангани отнинг ем-ҳашагига харжлаб, ўзи оч ўтирди. Работларда дам олган йўлчиларнинг ҳангамаси қулоғига кирмас, ҳамма вақт юраги ҳовлиқарди: «Балки, ҳозир Дилдорни



www.ziyouz.com kutubxonasi

осаётгандирлар, ё бўлмаса уни қийнамоқдадирлар, ё бўлмаса, азамат шериклари зиндонга босқин ясашга мажбур бўлиб, бари қирилдими?» Ваҳим хаёллар йигитни, қора гирдоб каби, тунги саҳронинг даҳшати каби, ўраб оларди.

Тўртинчи кун оқшом узоқдан Марвнинг қўрғонлари кўзга чалинди. Арслонқулни, нечундур, умидсизлик, жасоратсизлик эгаллаб олди. Юраги қаттиқ урди. Далага кенг ёйилган қароргоҳ чодирларига етгач, бу кайфият яна кучайди. У бўшашиб отдан тушди. Зарёқа тўнли, қимматбаҳо камарли, сусар бўркли мағрур мансабдорлар, қиличларини осилтириб, ўқ-ёйларини елкадан ўтказиб пиёда, отлиқ кезган қаҳрли сипоҳилар билан қайнаган муҳит ва улуғ шоир билан учрашиш зарурияти уни довдиратди. Унга расмий чопар каби қараган навкарларнинг кўмаги билан Алишернинг чодирига келди. Кириш олдида бир дақиқа иккиланиб, хўрсиниб олди. Доимий яшаш учун қишбоп этилиб қурилган катта, баланд, қалин чодирнинг тўрида, қандилларда ёнган шамнинг нурида энгашиб ёзув ёзган шоирга қўл қовуштириб салом берди. Алишер бошини кўтариб, диққат билан йигитга тикилди.

— Кел, иним, эсонмисен?— қаламни қўйиб қўлини чўзди шоир.

Арслонқул эҳтиром билан унинг қўлини қисди. Шоир кўрсатган жойдан кўра қуйироққа тиз чўкди. Навоий ўз яқинларига қилган илтифот билан гапира бошлади:

— Бу томонларда не қилиб юрибсен? Ҳиротдан қачон чиққан эдинг? Сўйла, бизнинг «Инжил» лабидаги ишларимиз илгари бормоқдами?

Арслонқул дадилланди. Навоийнинг биноларидаги ишлар тўғрисида тафсилли сўзлади. Мирак Наққошдан кулчизи шикоят ҳам қилиб қўйди. Навоий завқланиб кулди, йилтираган кенг пешонасини ингичка бармоқлари билан силади, яна сўзлашга қистади. Саволлар берди. Арслонқулнинг соф юрагини, тўғрилигини, содда халқ донолигини, табиий ақлини ифодаловчи дўлвор сўзларини кўпроқ эшитгуси келди. Арслонқул ўз мақсадини тезроқ баён қилишга ошиқарди. Ниҳоят, ўз дардининг ифодасига йўл очди:

— Тақсир, мен Мирак Наққош билан «Инжил» бўйида ғижиллашиб ишламоқни орзу қилардим, лекин бо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

шимга бир фалокат тушиб остонангизга бош уриб келдим.

— Не фалокат,— дарров қизиқди Навоий.

Арслонқул қудратли гавдасини бир оз эгди. Юзидаги дард, товушидаги ҳаяжон билан бутун воқиани — бошдан охиригача айтиб берди. Ҳеч нимани, ҳатто фолбин воқиасини ҳам яширмади. Охирда: «Умидим ёлғиз Сизда. Элга кўрсатган марҳаматингизни бу бечорадан аямагайсиз» деди-да, Султонмурод ёзиб берган хатни қўйнидан олиб, шоирга узатди. Навоий уни шамга тутиб ўқиди, олимнинг аҳволини сўради. Султонмурод билан унинг ўртасидаги самимиятни эшитиб, хурсанд бўлди. Кейин Дилдор билан йигитнинг илк севишган замонлари, қишлоқлари ва турмушларига доир бир кўп нарсаларни билишга қизиқсинди. Арслонқул энди ўз қадрдонлари билан суҳбатлашгандай тортинмасдан сўзлашди. Навоий ишқда вафо ва садоқат, тозалик тўғрисида чиройли, маънодор сўзлар айтди. Арслонқул уни ички бир ҳузур билан тинглаб, ҳар бир сўзини фикрга жо қилишга тиришди. Навоий сўзни битиргач, Арслонқул унинг оғзидан умидбахш сўз эшитмоқ орзуси билан ёниб:

— Тақсир, зиндонда ётган у бахти қарога нажот йўли борми? Ёинки...— сўзни охирига етказалмай, сукут қилиб, ерга қаради Арслонқул.

— Сабр эт, йигит,— жавоб берди Навоий жиддий,— агар мамлакатда жабр-зулм бениҳоят авж олмаса эди, ишқингиз қаро киймас эди. Оила қўйнидан қизни ўғирлаб, чўри қилмоққа кимнинг ҳадди бўлур эди! Модомики бизни йўқлаб келибсен, дардингга даво топмоққа урунурмиз. Балки, подшоҳга арз этурмиз. Ёр дилнавозинг ўз жасоратида бир нима ортиқча иш қилибди... Зотан, бу ёмон эмас. Ишқда фидокорлик улуғ фазилат, ёрингнинг қилмиши ишқ, виждон ва ақл олдида ғоят мақбул, шоён таажжуб ишдир. У, Тўғонбек каби қора махлуқларнинг иродасига соф, ҳур виждонлар асло итоат этмасликларини ғоят гўзал исбот этибди. Аммо, қонунан оқламоқ учун бир оз ўйламоқ керак.

Арслонқул суюниб, ҳаяжон билан ўрнидан турди, ташқари чиқмоққа ижозат тилади.

— Хўб, истироҳат қил, сенга овқат берсинлар!

Йигит қоронғуда отлар орасида туртуниб, ўз жийро-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нини топди. Силаб-сийпаб хашакка қўйди. Кейин ҳар ерда гулхан ёқиб, тўп-тўп ўтирган навкарларнинг тунги ҳангамаларига аралашиб кетди. Улар билан бирга катта иштаҳа билан шовла, эт еди. Суякларни бақувват тишлари билан ўбдан мужиди. Вақт алла-палла бўлиб, қароргоҳда шовқин-сурон тинганда, навкарларнинг чодирига кириб, чопонига ўралди-да ухлади.

Эрталаб туриб, узоқ вақт от билан овора бўлди — суғорди, мўл хашак солди, қашлаб супурди. Чоштгоҳ паллада уни Навоий чақираётганини билдирдилар. Қадамларини унда-мунда ташлаб, ички ҳаяжон билан чодирга кирди. Навоий худди кечаги жойида, кўкимтир шоҳи чопонга ўралиб ўтирар эди. Ёнида ғижжак ва танбур турарди.

— Муродинг ҳосил бўлди, йигит!— қувонч билан хабар берди Навоий.— Мана бу фармонни шамолдай тез элтиб, қалъа бегига топширурсен. Асира ёрингга тез қовуш. Биздан ҳам салом айт!— кейинги сўзларни шоир кўзларида тошган самимий табассум билан сўзлади.

Арслонқул хатни жуда эҳтиёт билан қўйнига жойлади. Кўзларига ёш тўлиб, суюнчидан титраб, самимий, содда сўзлар билан шоирга миннатдорчилик билдирди.

— Биз ўз вазифамизни бажардик. Сизнинг қувончларингиз мен учун улуғ мукофотдир,— деди Навоий йигитни кузатиб.

Арслонқул отга югурди. Эпчиллик билан эгар-жабдуқни тўғрилади. Миниш олдида, йўлда отни боқиш учун ем тўғрисида ташвишланди. Пул оз қолган. Навкарлар, отбоқарларга «отанг яхши, онанг яхши» қилиб, битта қопчага арпа солиб олди-да, жийронни дингиллатиб шаҳдам жўнаб қолди...

II

Арслонқул Ҳиротдан чиққандан кейин Султонмурод ва Зайниддин яна кўпроқ масъулият сезиб, ташвишлари ортди. Тун-кун қулоқлари тиккайган, кўнгиллари ғаш бўлди. Арслонқулнинг шериклари тун-кун зиндон теварагида, жувозкашнинг отидай, айланиб юрдилар. Амалдорларнинг сўзига, ваъдасига қаттиқ ишониб бўлмас эди. Учинчи кундан бошлаб ҳаяжон ва таҳлика кучайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳиротда ҳар хил миш-мишлар тарқалди: «Қочқин чўрини оғзиданми, ё бошқа жойидан дам қўйиб шиширар эмишлар. Дорга осиб, терисини шилар эмишлар. Етқизиб, қоқ белидан, ғўладай, арралармишлар!»— бир-биридан ваҳим қийноқлар тўғрисида сўзлайдилар. Буларга совуққонлик билан қарамоқ жиноят бўлар эди. Чунки, бу «миш-миш»лар орқасида Тўғонбекнинг қонли, қора қўланкаси кўринар эди.

Зайниддин, Тўғонбек қошига бориб, уни инсофга чақиришга дўстини қистади. Султонмурод бу таклифни эшитгуси ҳам келмади.

— Қўй, дўстим, бетини кўрмоққа тоқатим йўқ. Унинг қулоқлари, гўё қўрғошин қуйилгандай ҳақиқат сўзларига тамом кардир.

— Биламен, ўзим ҳам ундан нафрат қиламен,— деди Зайниддин,— не қилайликки, зарурият... Унга мурожаат этмоққа, ҳатто ялинмоққа мажбурмиз. Сен унга бор; эски танишликни ўртага сол. Хотиримдадирки, бир вақтлар сени хурмат қилар эди. Эсингдами, нима дерди: «Султонмурод подшоҳлардан ҳам афзал. Чунки, оламнинг хазинаси унинг бошига жамланган...» демасмиди?

— У вақтларда расво, разил бир қочқин эди. Энди қара!— Султонмурод кўзларини кўкка маънодор тикди.

— Биласенми, Навоийнинг яхши бир байти бор, маъноси шундай: «Ёмонлардан яхшилик кутмоқ, ҳайвон шохида гул унмагини орзу қилмоқ билан баробардир!»

Зайниддин ортиқ қистамади. Ҳиротнинг юқори доираларига яқин бўлган баъзи танишлари билан учрашмоқ учун кетди. Ҳар ерда қўрқинчли миш-мишлар эшитди. Яна Султонмурод қошига келди.

— Хадичабегим Дилдорнинг ҳаракатидан ғоят қаҳрланган эмиш,— деди у хафаланиб.

— Демакки, иш ёмон...— ранги ўчиб шивирлади Султонмурод,— у аёлнинг юзига тошган булут бўрон ва чақмоқсиз ўтмайди!

Зайниддин боши билан тасдиқлади. Султонмурод уҳ тортиб, индамасдан бир ёққа илдам жўнади. Шаҳарнинг шимолида, эски шаҳзодалардан қолган чиройли қасрнинг эшиги олдида олимни икки навкар қаршилади:

— Хизмат?

— Тўғонбек жанобларига хабар берингиз, Султонмурод учрашмоқни орзу қилур.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навкарларнинг бири, ёқинқирамагандек, имирсиланиб, ичкарига кириб кетди-да, кўп ўтмасдан пайдо бўлди, боши билан имлади. Султонмурод катта боғ орқали ўтиб, қатор сер ҳашам уйларнинг қай бирига киришини билмасдан, анча овора бўлди: «Эй бузуғ фалак! Бахт кўр бўлмаса эди, шу эшакнинг бошига қўнурмиди»— ўйлади ичида у. Кейин қулоғига ҳалқа осган бир қулнинг кўрсатиши билан қалин сарвзорлар орасидаги йўлнинг бошида, мармар зинали, айрим, катта хонага кирди. Бу уй қимматбаҳо жиҳозларга жуда бой эди, қалин кўрпачаларда Туғонбек билан мавлоно Шаҳобиддин, яна кеккайган бир неча мансабдорлар ўтирарди. Алоиддин Машҳадий ярим юмуқ кўзларига қоғозни яқин тутиб, Туғонбекни кулдириш учун ёзган ҳажвларини ўқиб турарди. Султонмуродни Туғонбек очиқ юз билан қабул қилди. Янги меҳмонни кўриб, ҳурпайган шоирнинг яна бир ҳажвини эшитиб, гавдасини силкиб қаттиқ кулди. Кейин, у ўзини гўё юртнинг ҳомийси, ҳаётнинг ҳар томони билан қизиққан, билимдон бир саркарда каби тутишга тиришиб, мадрасалар аҳволидан сўз очди. Султонмурод нозик киноявий табассум билан баъзи маълумотлар берди-да, ўзининг нима мақсад билан келганини айтди. Туғонбек иягидаги қизғиш, сийрак дағал соқолини қашиб, сукут этди. Кейин яхдай совуқ, сунъий «қиҳ-қиҳ» қилиб кулди.

— У қочқин чўрига хомийлик қилиб нетасиз?— деди у қошларини киноя билан кериб.— Уйланмоқчимисиз? Қўйинг, мен сизга кўкраги ҳандалакдай диркиллаган сулув қизни топиб берамен.

— Бек, мен сизнинг ҳузурингизга уйланиш қайғусида келмадим,— ғазабдан қичқириб гапирди Султонмурод.— Мен ҳозир ўзгаларнинг бахти ва севгиси учун ғамхўрлик қилурмен. Кишиларни бахтли кўрмакнинг ўзи ҳам бахтдир.

Туғонбек ёстуққа ёнбошлаб, олтин ҳалли шипга қаради. Алоиддин Машҳадий, мавлоно Шаҳобиддиндан ўзга мансабдорлар Туғонбекнинг олимга айтган сўзларидан ўнғайсизланиб, ерга қарашди. Мавлоно Шаҳобиддин бангиларникидек сариғ, қонсиз юзини босган очиқ киноя ва нохушлик билан деди:

— Юртнинг улуғлари бор. Ишни уларга қўйиб бермоқ керак. Бизда бировдан жиноят содир бўлдими,



www.ziyouz.com kutubxonasi

дарров оқловчилар, адолат ҳақида лоф урувчилар пайдо бўлади.

— Тўғри, юртнинг улуғлари бор,— деди Султонмурод асабийланиб,— лекин зулм ҳам зўр, ўзбошимчалик ҳам зўр. Давлатда олий пояга минганлар ичида жоҳиллар ҳам бор. Биз ҳақиқат юзига тушган қора доғни шилмоқ ниятида келган эдик.

— Биродар,— қаддини ростлаб, юмшоқ гапиришга тиришди Тўғонбек,— жиноятчига жазо бермоқни худо ҳам, пайғамбар ҳам буюради. Масалани Шайхулислом ҳал қилур.

— Қизга ҳеч ким жиноят оғдара билмас. Соф, асл руҳли жасур қизга лутф, марҳамат кўрсатмоқ лозим!

— Баракалло! Бу гаплар қайси китобдан?— хитоб қилди Шаҳобиддин.

— Ҳақиқий китобларнинг барчасида бу мазмун бордир!— жавоб берди Султонмурод.

— Мен сизга ўгут ўргатгудек билгич эмасмен,— гапирди қовоғини солиб Тўғонбек.— Бироқ, шу нарса муҳаққақки, қорани оқламоқ ҳеч бир подшоҳнинг «ёса[1]» сига сиғмайди!

Султонмурод келганига афсусланди. Ғазабини базўр босиб, ўйлади, қизни Мирзо Ёдгор замонида ким томонидан олиб қочилгани ҳақида тил тегизмакни мўлжаллади. Лекин, Тўғонбекни қутуртиришнинг оқибати қалай бўлар экан, деб иккиланиб қолди. Шу вақтда бир тўда маст, олифта йигитлар ва Ҳиротнинг машҳур қиморбозлари кириб келди. Султонмурод тил учида совуққина хайрлашиб, эшикка отилди. Ҳаяжондан, боғчада текис йўлни қўйиб, дарахтлар орасида, билқиллама нам ерда, кафшини лойга ботириб югураркан, орқадан товуш эшитди: «Мавлоно Султонмурод!» Олим қайрилди. Уй зинасида Тўғонбекни кўриб, қайтди.

— Дўстим, биздан кўнглингиз қолди-а?— илжайди Тўғонбек.

— Мен сизни фазилатга даъват қилган эдим, афсус!

— Мен халқ олдида сизнинг илтимосингизга шундай жавоб бермоққа мажбур бўлдим. Тушундингизми? Гарчи бу ишга менинг дахлим йўқ бўлса ҳам, сўзингизни ерда қолдирмасликка тиришурмен.

---

[1] Қонун маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод кўзларини катта очиб, энди очиқ юзли Тўғонбекка тикилди.

— Кўнглингиз тинч бўлсин!— ишонтириб сўйлади Тўғонбек.

Султонмурод ташаккур билдириб, хайрлашди-да, суюниб мадрасага келди. Ҳужрада Зайниддинни аввалгидан ҳам ғамгин кўрди.

— Хотиринг жам бўлсин, дўстим, балонинг олдини олдик.

— Ҳақиқатми?— ишонқирамай сўради Зайниддин.

Султонмурод бемалол ўтириб, орада ўтган ҳамма гапни айтиб берди. Дастлаб аллақандай гумонларга борган Зайниддин, кейин — айниқса Султонмуроднинг ишонч таъсири билан — таскин топди. Бу оқшом улар ҳатто Арслонқулнинг қуролли шерикларини тарқатиб юбориб, тинч ухлашди.

Эртаси қиём чоғида икки дўст кўчага чиқишди. Саҳҳоблик растасига кириб, янги китоблар билан танишишди. Бу ерда ҳамма вақт учрайдиган баъзи олимлар, шоирлар, хаттотлар билан гаплашиб, турли мавзуларда суҳбатлашишди, талашишди. Кейин, ўзларининг бир неча кундан буён ўрганиб қолган жойларига, «Ихтиёриддин» қалъаси томонга беихтиёр боришди. Атрофига қалин одам тўплаб, қизиқ латифалар билан ҳаммани қаҳ-қаҳ кулдираётган машҳур девона «мавлоно Дарвеш Шамрез»ни бироз тинглашди. Сўнг, кабобпазнинг дўконига кириб, овқатланиб, ўтган-кетганни томоша қилиб ўтиришди. Зайниддин ўткинчилардан — отлик, пиёда, ёш-қари бир кўп қизиқ шахсларнинг тарихларини сўзлаб ҳар вақтдаги каби дўстини зериктирмасликка тиришди...

Улар кабобпаз дўконидан чиққанларида, узоқда қалин оломонни кўрдилар. Гумонсираб бир-бирларига қарадилар-да, у томон югурдилар: Қоровулхона эшигида Тўғонбек қаққайган... «Нима гап?»— ранги ўчиб Зайниддинга қаради Султонмурод. У жаҳл билан лабини буриб, кўздан йўқолди. Бир неча дақиқадан сўнг қайтиб, Султонмуроднинг қўлини туртди-да, четга имлади.

— Биласенми,— деди у лаби-лабига тегмай,— иш тамом... Тўғонбек Музаффар Мирзо номидан фармон ёзиб, унинг йигитларига топширибди. Ҳозир ҳукмни ижро қилармишлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод шақ-шақ титраб кетди: «Ҳа, ит Тўғон, ғафлатда қолдирдинг бизни!» — деди-да, пешонасига урди. Сўнг, бирдан ғазабли ҳаяжондан ўзини йўқотгандек, Тўғонбек томонга отилди. Зайниддин уни чаққонлик билан қучоқлаб олди.

— Дўстим, эсингни едингми? Эндиги ҳаракат бефойда!— деди у орқага суриб.

— Тангри ҳаққи мени қўйиб юбор!— қичқирди Султонмурод,— у итнинг башарасига бутун халойиқ олдида бир тарсаки урай! Майли, қўлидан келса, мени ҳам дорга осcин!

— Беҳуда гапларни қўй!— ялинди Зайниддин.— Бир кун ундан ўхшатиб ўчимизни олурмиз.

Одам борган сари қалинлашди. Ҳар ким ўз билганича тўқиб бичади: осармишлар, кесармишлар! Кўплар ачинади: «Гуноҳи нима экан, бечора қиз қафасдан қутулмоқчи бўлибди, холос!»

Тўғонбек ичкари кириб кетди. Посбонлар кўпайди. Музаффар Мирзонинг хос йигитлари пайдо бўлди. Улар даҳшат билан қичқириб, уриб, одамларни четга сура бошладилар.

— Нима қилмоқ керак? У бизни аҳмоқ қилиб маъсум қизни кўз олдимизда қурбон этадими? Бу қандай разолат?— қичқирди Султонмурод.

— Вақт йўқ, шу чоғда кимга бориб арз этасен? Тўғонбекдан ёрдам сўраймизми? Қасос учун букун-эрта Тўғонбекнинг калласини олдирурмен!

Навкарлар одамларни суриб, қонли иш учун жой ҳозирлай бошладилар. Жаллоднинг ҳам манҳус сиймоси кўриниб қолди.

— Арслонқул!— қаттиқ қичқирди Султонмурод ва узоқда елиб келаётган жийрон отга югурди.

— Тинчликми?— отни тўхтатмасдан сўради бақириб Арслонқул.

— Тинч... Сен не келтирдинг, тўхта!

Арслонқул отдан сакради. Қўлтиғидан қоғозни чиқариб Султонмуродга тутқизди: «Қалъа бегига!» Султонмуроднинг елкаси орқали Зайниддин ҳам қоғазга тикилди. Сўнг учовлари олдин-кетин қалъа бошлиғига чопишди.

Султонмурод кенг елкали, кўзлари аллақандай ҳаракатсиз, шоп мўйлов йигитга қоғозни очиқ бир виқор ва ғурур билан топширди. Қалъа беги йўғон, дағал бармоқ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари билан қоғозни очиб, қимр этмай тикилиб қолди. Ниҳоят, қичқириб гапирди:

— Ўлимдан ҳам, зиндондан ҳам қутилди!— кейин навкарларга буюрди.— Олиб чиқинглар!

— Айт, бу битик нима? Кимдан у?— қалъа бегига яқинлашиб, ғулдиради Тўғонбек.

— Алишер Навоийдан... Мана, ҳамма бекларнинг муҳри босилган. Итоат қиламен!— совуқ жавоб берди қалъа беги.

— Ҳақиқат ҳамиша устун, у ҳамиша ғолиб чиқур!— кескин равишда гапирди Тўғонбекка Султонмурод.

Тўғонбекнинг юзи жаҳл ва ғазабдан аллақандай ёмон тиришди. Бўркини қўлга олиб, индамасдан лапанглаб чиқиб кетди.

Навкарлар оёқ-қўллари занжирбанд Дилдорни олиб кирдилар. Унинг юзи хасталарникидек сарғайган, фақат жасур боққан кўзларигина жовдирар, ёнар эди. У мажолсизлангандек, деворга суялди. Арслонқул югуриб бориб, унинг пешонасини силади-да, дарров занжирларни еша бошлади.

— Мени қаерга олиб борадилар? Сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?— паришон сўради Дилдор.

— Қутулдинг, жоним, бутунлай қутулдинг; дадил бўл!— йиғламсираган товуш билан майин деди Арслонқул.

— Ишониш қийин, ростми?— кўзларини катта очиб, гўё саволига ҳаммадан жавоб олмоқчидек, атрофдагиларга бир-бир қаради Дилдор.

Тўрт-беш қадам нарида турган Султонмурод ҳаяжонли эди. У Дилдорнинг бетига қарашга ботинолмаган каби, бошини қуйи солган эди.

Улар кўчага чиққанда, оломон суюнч ва сурон билан қаршилади. Кимдир қаттиқ қичқирди: «Марвдан Навоий Ҳиротдаги балога чангал солди!»

— Тўғри!

— Умрлари узун бўлсин!— гуруллади оломон.

Оломондан узоқлашгач, Арслонқул тўхтаб дўстларини уйга таклиф этди. Султонмурод чарчаганликни баҳона қилди-да узр тилади ва улар билан бирга боришни Зайниддиндан ўтинди. Дўсти рози бўлди. Дилдор Султонмуродга тикилиб-тикилиб қаради, кўзига таниш, қаердадир кўрган, лекин хотирлай олмайди...



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз ҳам биз билан бирга бўлингиз, қувончли бу...— деди у ва уялгансимон кулиб ерга қаради.

— Раҳмат, синглим,— титраб гапирди Султонмурод,— тўйларингга борурмен... Бахтларинг қуёшдек порлоқ бўлсин, хайр!

Султонмурод, гўё суюнч қанотида учаётган дўстларини хаёлчан кўзлари билан анча жойгача кузатиб, сўнг аста юриб, ҳужрасига келди. Юрагида бўронлар секин-секин тинди. Муҳаббат билан тўла икки юракнинг қовушмоғи, бахти, нашъаси, булутдан сўнг чиққан қуёшдек, олимнинг бутун маънавиятини, ичини ёритиб юборди.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

### I

Қуёшнинг яллуғи кун сари ҳавода кўпроқ сезила бошлади. Юзини тиканлаб ўтадиган изғиринлар ўрнига энди баданга ором берувчи, руҳни тебратувчи шабадалар изғиди. Савр ойининг булутлари ҳавода ўкириб, селлар қуйиб ўтди. Ёмғурлардан кейин самонинг зангори тиниқлиги кўзларни қамаштирди. Пўрсиллаб қабарган саҳро яшил жингалаклар билан қопланди. Булар гўё кўз олдингда дақиқа сайин ўсади, шамолда тўлқинланувчи қалин майсазорга, ўтлоққа айланади. Баҳор қароргоҳ ҳаётига бошқа ранг ва оҳанг бағишлади. Далага ёйилган отларнинг кишнашлари, йигитларнинг қўшиқлари қулоқларда энди бошқача янграйди. Далада ёшлар «чавгон» ўйнайдилар, ҳамманинг чаккасида лола ёнади. Сипоҳилар, навкарлар этак-этак лола териб, чодирларини безайдилар.

Навоий кундузлари аксар вақт чодирнинг бир томонини кўтариб қўяди-да, қуёшда балқиб ётган яшил далани, узоқ тепа ва адирларни томоша қилиб ўтиради. Ғазаллар тўқийди. Шатранж усталарини чақириб, тақясини ёнига олиб қўйиб, ўйинга берилади.

Ҳусайн Бойқаро баҳор сайиллари туздирди. Атрофдан энг урушқоқ қўчқорлар топдириб, катта томошалар кўрсатди. Курашлар бўлди. Бир неча бор қимизхўрлик мажлислари тузди. Ниҳоят, бирдан у пойтахтга кўчишга қарор қилганини билдирди. Ҳамма сафарга тайёрлана бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг қошига навкарлар келди.

— Ижозат берсангиз, чодирни йиғиштирурмиз.

— Бу қадар тез!— нохушланиб деди Навоий.

— Эрта сафар.

— Лекин кўчиш дарагини эшитгандан буён бир мушкилотни ҳал қилишдан ожизмен,— деди Навоий ўйланиб.

— Қандай мушкилот?— навкарлар атрофини қуршаб, кўзларини шоирга тикишди.

— Ана!— Навоий кулимсираб, чодирнинг бир бурчагини кўрсатди.

Чодир бурчагида одам бўйи баландликда, бир парча хас-хус устида кўзларини мўлтиллатиб мусича ётар эди. Навкарлар ҳеч нарса тушунмасдан бир-бирларига қарашди.

— Чодир йиғиштирилса, у бечорага озор етур. Бундан қўрқамен,— деди Навоий.

Навкарлар кулишди. Биттаси дадиллик билан эътироз қилди:

— Тақсир, қанотли-қуйруқли махлуқ, учади-кетади.

— Тухумларига ҳам қанот боғлаб учура олурсизми?— қаттиқроқ гапирди Навоий.— Чақиринг Хўжа Ҳасанни!

Кулимсираган кўзли, ҳамиша мутавозе, кичкинагина Хўжа Ҳасан кирди. Навоий мусичани кўрсатиб, уқдирди:

— Чодирни йиғиштирмаймиз. Мусича бола очиб, учурма қилиб, бу инни тарк этгунча, сен шу ерда қол. Чодирга ҳам, қушга ҳам қоровуллик эт. Кейин чодирни йиғиштириб, Ҳиротга қайтурсен. Бу хизматинг учун сенга яхши ҳақ тўлармен...

— Айтганингиздек қилурмен. Мусичага озор етказмасмен.

Навкарлар бошларини қуйи солиб, аста чиқиб кетишди. Эрта билан Навоийнинг чодиридан бошқа ҳамма чодирлар йиғиштирилган эди. Сурон ва тантана билан саҳроларни тўлдириб, бутун қароргоҳ кўчди.

Ҳиротга келгач, иккинчи кун шоир бир тўп дўстлари, яқинлари билан «Инжил» ёқасига борди. Унинг иморатларидан бу ерда катта, ажойиб бир маҳалла пайдо бўлган эди. Биноларнинг ҳаммаси нақшлари билан ёрқин ҳавода ёниб, бир-бирларининг ҳуснини, азаматлигини оширар эдилар. Навоий дастлаб мадрасага кирди. Тала-



www.ziyouz.com kutubxonasi

балар ўтириб дарс олиши учун ясалган тўртта катта тош супани кўздан кечирди. Ғишт терилган чор бурчак саҳннинг тўрт тарафида қатор солинган ҳужраларнинг — талаба ётоқларининг ҳар бирига кириб, диққат билан қаради. Китоб териш учун деворларда ясалган токчалардан, таом пишириш учун ҳар бир ҳужрага қурилган кичкина ўчоқлардан тортиб, эшикларнинг ҳалқаси, қулфигача текширди. Мадрасадан хонақоҳга ўтди. Бу — мадрасанинг қаршисида жуда ҳашаматли бино эди. Олимлар ва шоирларнинг яшаши, ишлаши учун мўлжалланган бу бинони мемори расм, наққошлик санъатларининг энг гўзал намунаси қилмоқни аввалдан хаёл қиларди. Наққошлар ва ўзга усталар билан бирга юриб, ички-ташқи безакларнинг услубига, битикларга ингичка завқ ва назар ҳам қунт билан қаради. Санъаткорларнинг ишидан мамнун бўлди. Сўнгра, катта кутубхона, касалхона, ҳаммом ва ўзга биноларни сайр қилди.

Ҳар бир бинонинг атрофидаги алоҳида боғчалар, гулзорларни кезди. Яқинда ўтқазилган дарахтчалар нозик новдалари, сийрак, майин барглари билан ҳалитдан кўзларни қувонтирар эди. Гулзорларда гулларнинг илк ғунчалари ханда сочмоқда эди. Шоир бир тўда боғбонлар, гулчилар орасида Арслонқулни учратди. Йигитнинг, Дилдорнинг ҳолини, кайфини, маишатларини сўради. Арслонқул, ҳар бир саволга севинчдан тўлиб-тошиб жавоб берди. Навоий дўстларига Дилдорнинг жасоратини мақтади.

Оқшом ўз хонасида бир кўп дўстлари, яқинлари, мулозимлари билан, биноларнинг «расм қушоди»ни[1] ўтказиш ҳақида кенгаш қилди. Тажрибали мулозимлар қанча от, қўй ва қанча-қанча қорамол сўйилиши, қанча мева-чева ва ҳоказо кераклиги ҳам қандай тартиб билан ўтказиш тўғрисида маъқул фикрларни ўртага отдилар. Навоий шу кундан бошлаб тайёрлик кўришга рухсат берди.

Жума куни «Инжил» ёқалари ажойиб катта йиғилишни кўрди. Бу ерда аъёнлар, акобирлар, уламолар, шоирлар, санъаткорлар, турли ҳунар-касб вакиллари, хуллас вазирлардан тортиб Ҳирот етимларигача қурама халқ ҳозир бўлди. Ўнлаб баҳайбат қозонларда таомлар тайёрланди. Қанор-қанор писта-бодом ва мингларча қу-

---

[1] Очилиш маросими.



www.ziyouz.com kutubxonasi

юм ҳалволар меҳмонлар олдига тўкилди. Зиёфатдан кейин халқ гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биноларни томоша қилди.

Мадраса ва хонақоҳ биноларидан иборат бир даста бинога «Ихлосия», касалхона ва ҳаммом «Шифоия», кутубхона ҳам бунинг қанотида шоир ўзи, дўстлари, мулозимлари яшаши учун солдирган иморатларга «Унсия» деб ном қўйилди.

Санъатнинг учта муаззам ва кўркам гулдастаси бўлган бу биноларнинг таърифи халқ тилидан тушмади. Уларнинг донғи қўшиқларда, қасидаларда янгради, жонли сўзнинг қанотларида узоқ юртларга шамолдай учди.

Бу биноларни илм ва маданият ўчоғига, ижодий фикр манбаига айлантирмоқ яна кўп ғайрат талаб қилди. Шоир «Ихлосия» мадрасасига замоннинг энг олдинги олимларини — «Хазинаи улум ва фунун»[1] ларни мударрис тайинлади. Булар орасида Султонмурод илми мантиқ ҳам риёзиёт мударриси бўлиб кирди. «Шифоия»да хасталарни даволамоқ учун Хуросоннинг энг яхши табибларини жалб этди. Бу ерда тиб илмидан дарс этмак учун буюк табиб мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммадни белгилади. Олимларнинг фойдаланиши учун кутубхонани ҳамма қийматли асарлар билан тўлдиришга киришди. Ўнлаб котиблар қимматли, нодир китобларни бу кутубхона учун кўчирмоққа бошладилар.

Маданий муассасаларни бошқариш учун ҳар хизмат, ҳар вазифага алоҳида кишилар белгиланди. Ўз мулкларидан келадиган даромаднинг бир қисмини дойими вақф тариқида бу муассасаларга бағишлади.

Йиллар ўтди. Шоир қаламининг овозаси чўллар, тоғлар, денгизларни ошди. Унинг ғазалларидан терма китоблар карвонларнинг қимматли хазинаси бўлиб, узоқ ўлкаларга, турли қавмлар, қабилалар, халқлар орасига етди.

Навоий унга қадар ўз халқининг ҳеч бир шоирига бажариш насиб бўлмаган бир вазифани — шеър тоғининг ёрқин чўққисига чиқишни хаёл қилар эди. Бу — ўз она тилида «Хамса»[2] яратиш эди. Адабий мубоҳасалар асносида Эрон халқининг ўлмас адабий хазиналари «Шоҳнома»лар, «Хамса»лар аллақандай ғурур ҳам чексиз муҳаббат билан ёдланаркан, Навоий бир қариш ёшидан

[1] Илм ва фанларнинг хазинаси ёки катта олимлар маъносида.
[2] Беш достондан иборат шеърий катта асар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар вақт ўксинар эди: «Нега халқим шундай хазиналардан бенасиб бўлсин! Халқимнинг чуқур идроки бор, тоза завқи бор, ғурури, анъанаси бор... Ўланларда, лапарларда жаранглаган гўзал тили бор...»— ўйлар эди ичида. Шоир қирқ ёшида умрининг буюк ғояси, энг кучли орзусини дўсти мавлоно Жомийга очди. Навоий илҳомининг қудратини, ҳатто унинг илк ғазалларида туйиб, фахр билан унга ўхшатмалар ёзган Жомий бу истакни табриклади.

Навоий сокин ижодий ҳаёт орзуси билан ёнди. Расмий давлат вазифаларидан қарийб бўшади. Фикр ва ғайрат тошқинини «Хамса»га оғдармоққа жазм қилди. Бироқ халқ ишидан, курашлар билан тўла қайноқ ҳаётдан четда тура билармиди? Мамлакат ҳаётининг тўлқинлари уни кун сайин кучлироқ тортиб кетади. «Бош қашигали вақт йўқ! Деҳқончилик қилиб, ҳосилни камбағал оилаларга, етим-есирларга тарқатиш, чўлларда работлар қурдириш, тақир ерларга сув чиқариб обод этиш, халқнинг арз-додини тинглаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, илм ва санъат аҳлига раҳбарлик қилиш каби ишларнинг ҳаммаси вақт ва кучни қамрайди. Бунга қарамасдан, Навоий «Хамса» устида ажойиб, фавқулодда бир чидам ва ғайрат билан қалам юритди. Навоийнинг бошида тарихнинг фикр дарёлари тўлқинланади. Замоннинг энг жонли, энг ўткир, муҳим масалалари қаламга ҳужум қилиб келади. Улар ҳақида ўйлаш, саралаш, уларнинг илдизига етиш, сўнг шеърнинг ёлқинли тилига кўчириш керак!

«Хамса» гўё устма-уст қўйилган беш тоғ... Ҳар пояси бутун бир умрни қамрайди. Навоий азамат ҳамлалар билан ҳаммаси бўлиб икки-уч йил ичида бу беш тоғнинг чўққисига чиқди.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

### I

Қиём чоғи эди. Ярқироқ, узун, кенг шоҳи тўн кийган ва каттагина оппоқ саллани букун, нима учундир, қунт билан ўраган Султонмурод «Ихлосия» мадрасасидан чиқди-да «Инжил» ёқасида қуёшда чўмилган гўзал, кўркам, хушҳаво боғларда ҳар кунгидек кеза бошлади. Тангадек қуёш тушмаган, тоза, салқин йўлларда олим



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз фикрларига берилишни севарди. Ариқларда сувлар боғлардан гулзорларга, гулзорлардан хиёбонларга ўтиб, шарқираб, шўх оқарди. Сарвзорларда кимдир ҳазин най чалади. Ўқтин-ўқтин нақ бош устида, қуюқ барглар орасида қуш садоси янграб кетади. Хиёбонда қандайдир мусофир дарвеш Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг бир ғазалини ғоят таъсирли ўқимоқда...

Султонмурод анча вақт кезиб, катта йўлга чиқаркан, узоқдан эшагини етаклаб, йўлни адаштиргандек, ҳар ёққа аланглаган кишини кўрди. Унинг ҳаракатлари, бутун сиймоси таниш туюлди. Нариროқ бориб, диққат билан тикилди: шоир мавлоно Биноий. Тез-тез юриб у билан қуюқ кўришди.

— Сафардан қачон қайтдилар?— сўради Султонмурод.

— Букун қайтдим,— жавоб берди эшагига суялиб мавлоно Биноий ва қуёшда мавжланган яшил боғларга тикилиб деди:— ҳов, биз билган хароба «Инжил» соҳиллари қани?

— Навоий жанобларининг қўллари тақир ерлардан чаманлар яратади!— деди Султонмурод сўзни чертиб.

— Бу ғоят хушҳаво, латиф манзил бўлибди,— деди Биноий офтобда қорайган кичкина юзидаги дағал соқолларини қашиб.— Аммо, Навоийнинг «Хамса»си бундай латиф бўлмаса керак!

— Нега?!— истеҳзо билан кулиб сўради Султонмурод.

— Шеърнинг онаси — тил. Ўзбекларнинг тилида на ранг, на оҳанг бор. Бу икки нимарсасиз шеър яратмоқ имконсиздир.

— Хато қилурсиз, жаноб Биноий!— жиддий гапирди Султонмурод, Биноийни сояга тортиб,— Навоийнинг «Хамса»си шеърнинг мислсиз гўзал асари бўлиб чиқди. Энди форсипарастлар абадиян гунг бўлишга мажбурлар. Бизнинг тилимиз Навоийнинг созида шундай улуғ қудрат ва муаззам оҳанг билан янградики, чин сўзни айтсам, ҳаммамиз чуқур ҳайратда қолдик. Навоийнинг «Хамса»си ҳозир ёлғиз Хуросон ва Туркистондагина эмас, Ҳиндистонда, Қавқосда, «Чин-Мочин»да сайр этмоқдадир. У ўз саёҳатида «Етти иқлим» ерларини босишига асло шубҳа қилмаймен.

Мавлоно Биноий олача яктагининг этаги билан юзидан терини артди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Навоий жанобларининг уйларига бизни бошлармисиз?— эшагини чўп билан уриб юргизди Биноий.

— Марҳамат қилинг, яқин,— йўл бошлади Султонмурод.

Йўлда сўз яна «Хамса»га кўчди. Султонмурод «Хамса»ни шавқ ва ҳаяжон билан мақтади. Жомийнинг Навоий «Хамса»сини мақтаган гўзал мисраъларини ўқиб берди. Биноийноилож ҳазилга ўтди. Лекин бунда ҳам Султонмурод бўш келмади. Унинг сўзлари тиканини фикрнинг тиғи билан кесиб, тўмтоқлади. Шундай қилиб, улар «Унсия»га етканларини сезмай қолдилар.

Навоий «Унсия»даги кўп хоналарнинг бирида — катта, салқин «чорхари» уйда, қарийб ҳар вақт бирга бўладиган дўстлари, яқинлари билан бош яланг шатранж ўйнаб ўтирар эди. Мавлоно Биноий кириши билан ўрнидан турди-да дўстона кўришиб, ўз ёнига ўтқизди. Узоқ сафардан қайтган шоирнинг ҳолини, кайфини сўради. Кўп ўтмасдан дастурхон ёйилди. Гангур-гунгур суҳбат бошланди. Мавлоно Биноий ўз саёҳатидан олган таассуротларини жуда мароқли равишда айтиб берди. Бир неча қўпол латифалар сўзлаб, мажлисни яхши кулдирди. Гап орасида Навоий унга мурожаат қилиб деди:

— Ироқда, Яқуббекнинг қошида бўлибсиз. Унинг фазилатларидан сўзланг бизга.

— Яқуббекнинг бир яхши фазилати шундаки,— деди Биноий айёр табассум билан,— у ҳеч вақт оғзига туркий сўзни олмас экан!

Мажлис бирдан совуқ сукутга ботди. Шоирлардан Шайхим Суҳайлий, Ҳилолий, Ҳофиз Ёрий, Пир Муаммоий ва бошқалар изтироб билан қисилиб ерга қарадилар. Соҳиб Доро ғазабига чидолмасдан, эшикка чиқиб, кетди. Ёлғиз икки киши бепарво қолди: Биноий бемалол овқатни туширарди. Навоийда ўз кучига, ўз ҳақиқатига ишонган кишининг қатъий сокинлиги барқ урарди.

— Бизнинг тилимиз гавҳардир,— деди Навоий таъкидловчи бир оҳанг билан.— Яқуббек тилларни хўб билур, тошдан гавҳарни фарқ қилиши керак.

Лекин форс тилининг гўзаллиги, устунлиги ҳақидаги унинг бутун далиллари, исботлари, уринишлари На-



www.ziyouz.com kutubxonasi

воий мантиқининг мустаҳкам тошларига урилиб, қумдай сочилиб кетар эди.

Султонмурод оғир — воси сўйлади. Тилларнинг умумий тарихини, ўзгаришларини, мазмунини вуқуф билан гапирди. Арабча, форсча, ҳиндча, ўзбекча ва бошқа тилларнинг айрим маъҳазларига турли-турли мисоллар келтирди. Тилларнинг оҳангларига тушиб, Султонмурод ёрқин ва чуқур маънога эга бўлган гаплар сўйлади ва натижада Биноийга эътироз қилди. Уни мажлис тасдиқлади.

— Баракалла, раҳмат,— деди Биноий қуллуқ қилиб,— завқ билан эшитдим, пишиқ нарсалар айтдингиз. Лекин масала ўзи нимада? Нимага чор бозорга соласизлар? Мен ўлиб кетдим-ку...

Аммо дўнғиллаб Соҳиб Доро кириб келди ва Биноийга қараб деди:

— Бас-э! Гап битди, қани, танбурни эшитайлик!

— Ҳазилни билмаган кал фозил!— деди Биноий.— Сен ўтир, ёки жўна: қаёққа — олатоққа!

Мажлис бир оз кулди, соҳиб Доро қизариб бир чеккага ўтирди.

— Белгуликки, менинг табиатимда бир оз мазахга, ҳазилга томон мойиллик бор,— деди Биноий.— Ҳазил қилиш мумкин эмасми? Ҳолбуки пичинг, ҳазил, латифа, аския — тирик, хушбўй нарсадир. Аксари шоирлар мазахга, ҳазилга ва шунинг каби нарсаларга жуда ўч. Маънодор ҳазил, латифа ва ҳоказо — ёрқин бир гулдурки, ҳидласанг маза қиласан. Алишер жанобларига ундамунда бир озгина тикан ташлаш менинг одатимдир. Жаноб Навоий мени узиб-узиб оладики, чидаб ётолмаймен, тоқатим тоқ бўлур... Аммо пичинг ва ҳазил гаплар ўтади-кетади, сув каби. Лекин одамгарчилик ва меҳр-шафқат лозимлиги унутилмас нарсадир.

Бутун мажлис енгиллик сезди. Соҳиб Доро ва бошқалар завқланиб: «Ёмғур томди — йўқ бўлди!» дедилар.

— Эҳе, қаёққа қочиш керак,— деди Биноий,— ҳазилни, кулгуни маҳв этсак!

Навоий кулиб деди:

— Э тавба, халқ бор, биз бор, сиз бор, ҳазил давом этур!

Лекин эътирозлар, эҳтирослар, тортишувлар ҳеч вақт бирон жанжалга айланган эмас; ора-сира ранжиш, эҳтимол, бўлгандир. Лекин Навоий ва Биноий дўст



www.ziyouz.com kutubxonasi

эдилар. Лекин янги меҳмон келиши билан мубоҳаса бирдан кесилди. Бу — рассом Беҳзод эди. Истеъдоди умум томонидан фавқулодда баланд тақдирланган, умумий севгига сазовор бўлган донгдор санъаткор энди соқолмўйлабли, етилган эр эди. Бутун мажлис уни самимий қувонч билан қарши олди. Навоий уни юқорига ўтқазиб, нодир меҳрибончилик кўрсатишга тиришди. Беҳзод катта жуздонини очиб, бир расм чиқарди-да, тавозе ва камтарлик билан Навоийга тақдим этди:

— Шогирдингизнинг кичкина бир асарини қабул этиб, уни бахтиёр қилурсиз,— деди рассом назокат ва ҳурмат билан эгилиб.

Бу расм Навоий қурдираётган бинолардан бир кўриниш эди. Навоий ҳаяжон билан берилиб расмга тикилди: мадраса қурилишида ишнинг қайноқ пайти бутун жонлилиги билан кўз олдингда яшнайди. Устабошилар, тошчилар, мардикорлар, аравалар ва филлар, таниш сиймоларнинг ўзларига хос тур ва ҳаракатлари — ҳаммаси бир япроқ қоғозда яққол, тўғри, гўзал нақш этилган. Навоий бениҳоят қувонганини билдириб, ташаккур этди. Ҳамма бошлар расм устига ёпирилди.

Меҳмонлар кечга томон тарқалишди. Алишер Биноийни олиб қолди. Қуёш уфқда алангада эди. «Унсия» ажойиб эди. Бир нафас кезгали чиқдилар.

— Боғ чиндан гўзал!— атрофга қараб деди Биноий,— чиройли манзара! Анав унда гир, анав от бозори.

— Анав ёқда, кўрдингизми, сув,— узоққа қараб деди Навоий,— бу сувни усталик билан мирobларимиз секин-секин келтирдилар. Сув — сероб, халқ ичади, суғоради...

Биноий «Унсия»га, сувнинг келишига ва умуман иншоотларга ҳайрон қолди. Навоий чапга бурилди, Биноий иккиси ёнма-ён борар эдилар.

Товуслар ёнига чиқиб, бирпас ҳангамалашиб кетишди. Боғ оро айланиб-айланиб, шафтолизорга киришди.

— Марҳамат, хонага киринг!— қўлини кўтарди Навоий.— Илҳом манбаи тинч ва хуш ҳаво!..

Биноий бир уй ва айвон қаршисига чиқиб қолди:

— Оҳ, ширингина жой,— уйга ва шафтолизорга севги билан қараб деди Биноий.— Ташаккур! Энди мен ғазалларга киришай...

Навоий кўк майсадан аста кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## II

Мажддиддин парвоначи ҳар кун эрталаб «Боғи жаҳон оро»га келар, дастлабки юмуши саройдаги ўзининг «қулоқ» ларидан янги воқеалар, ғийбатлар, фитналар ҳақида маълумот олишдан иборат бўларди. Букун у сарой маккорларининг оқсоқоли ҳисобланган Пир Хожи Баковулни учратди. У Навоий тарафдорлари деб ном олган баъзи мансабдорлар тўғрисида подшоҳ хусусий бир мажлисида шикоятланганини, гўё тасодифан топилган бир хазинадан дарак берган каби, сирли овоз билан шивирлади. Мажддиддин унга янги топшириқ бериб, олий девон томон қайрилди.

Девонда уни ҳар кунгидек икки муҳим вазир — Хўжа Афзал ва Низомулмулк қаршилади. Бу икки вазирнинг кўксиларида бир-бирларига нисбатан ғазаб ва нафрат бир он бўлсин тинмаса-да, лекин улар муомилада қадрдонлардек эдилар. Мажддиддин эса уларнинг икковини ҳам ёмон кўрарди. Хўжа Афзални Навоийнинг ўнг қўли деб ҳисоблар, Низомулмулкни ҳар он уни чақмоққа ҳозир турган илон деб биларди.

Расмий таъзим ва саломдан сўнг, сув билан оловдай душманлар, сўзлаша бошладилар. Уларнинг сўзлари, ҳарвақтдаги сингари, илк тотишда ширингина туюлиб, тахири сўнгроқ билинадиган дорудай эди.

Ҳусайн Бойқаро кириб, қалин зар тўшакка ўтирди. Унинг кўзларида, эртароқ қаримсиган юзининг чизиқларида ифрот ички, уйқусиз тунлар, фаҳшнинг излари равшан кўринар эди. У вилоятларга доир баъзи фармонлар ёзишни парвоначига буюриб, мазмунини бир неча оғиз чалкаш-чулкаш сўз билан айтиб берди. Мажддиддин шу ерда ёзмоққа киришди. Ҳусайн Бойқаро кўзларини ҳорғин сузиб, вазирларга мурожаат этди:

— Бизга икки туман оқча ҳозирлангиз!

Хўжа Афзал ялт этиб Низомулмулкка қаради. Сер-савлат, сервиқор вазир бошини қуйи солиб, сукут қилди. Хўжа Афзал ўнғайсизланди, қисилди. Хазинада маблағ кеча деярлик тугаган эди. Ҳашамат ва дабдабага берилган подшоҳ, унинг саройи хазинани ютиб турарди. Хўжа Афзал ҳақиқий аҳволни баён қилишга ботинолмай, қизариб, сукут этмоққа мажбур бўлди.

— Не сабабдан тилларингиз қимирламайди?— ҳар иккала вазирга ўшшайди Ҳусайн Бойқаро.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўжа Афзал талаб қилинган миқдорда ақча ҳозирча йўқлигини, агар фурсат берилса, чора кўриш мумкинлигини сўзлади. Ҳусайн Бойқаронинг туси ўчди, кўзларида ғазаб йилтираб кетди.

— Хуросон ҳукмдорининг хазинасида икки туман оқча топилмасин!— деди у юзини вазирлардан терс ўгириб.

Девонни даҳшатли, эзувчи бир жимжитлик тўлдирди. Парвоначи ёзишдан тўхтаб, ғолиб хўроздай бўйнини чўзди-да, подшоҳга маънодор боқди, таассуфлангандек бошини аста, оғир тебратиб қўйди.

Вазирлар ақча топишни энди ваъда қилишга ботинолмадилар. Энди қанча маблағ тайёрла — беҳуда! Подшоҳнинг ғазаби остида ўтириш оғир эди. Вазирлар рухсат тилаб, айбдорлардек энкайиб, эзилиб, ташқари чиқдилар. Маждиддин яшнаб-ёниб кетди. Ҳусайн Бойқаро тадбирсиз бошлиқлардан шикоят қилди. Парвоначи орзулари учун энг қулай фурсатни англади. Подшоҳнинг кейинги вақтларда унга бўлган алоҳида илтифоти уни жасоратлантирди. Маждиддин куйиб-пишиб ўз юрагидаги гиналарини бўшата бошлади. Давлатдаги ҳамма нуқсонларни Навоий ва унинг одамлари устига ағдарди, янги камчиликлар тўқиб чиқарди. Навоийнинг қурилиш ишлари хазинани қуритганини исбот қилмоққа уринди. Подшоҳ диққат билан тинглар эди. Ниҳоят, жанг майдонида аҳвол танг бўлган пайтда ўз иштироки билан муқаррар зафар ваъда этган баҳодирнинг ишонч ва ғурури билан деди:

— Олампаноҳ, давлатингизда хазинани ақлга сиғмас бир даражада симу зар билан тўлдирмоқ мумкин... Мен, масалан, икки туман эмас, икки минг туманни бағоят осонлик билан йиғиб бермоққа ваъда қила олурмен.

— Ишонмоқ мумкинми?— сўради подшоҳ енгилланиб.

— Шубҳа қилмоққа ўрин йўқ,— жавоб берди Маждиддин қатъий.— Аммо бунинг учун, хоқоним, бу камина қулларига давлатда тегишли мавқе, ҳуқуқ ва иқтидор бермоқлари шарт.

Ҳусайн Бойқаро қаддини ростлаб, кўзларини бир нуқтага тикди. Оқара бошлаган соқолини силаб, ўйга толди.

У Маждиддинни ўзининг энг ишончли одамларидан ҳисоблар, унинг идора ишларида қобилиятига ишонар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди ҳам. Хадичабегим ҳам кўпдан буён ҳар муносабат билан уни мақтар эди. Мажддиддин кўп йиллардан бери олий мавқега интилганини, бир кўп беклар ҳам аъёнлар унинг тарафида эканини яхши фаҳмларди. Лекин парвоначи ҳар вақт Навоийнинг сиёсат, тадбирларига очиқ ва яширин норозилик баён қилишда давом этгани учун, давлатни бошқаришда унинг иштирокига, мавқеига чегара қўйишга мажбур бўлган эди. Энди аҳвол бошқа, Навоийга бўлган эски эътимод кўпдан бери шубҳа ва гумон билан тўла. Навоий уни жабр-зулмда айблайди. Унинг сиёсатини ёқтирмайди. Мамлакатнинг «гуллари» бўлган оқсуяклар, давлатмандлар билан эмас, қора халқ билан ҳамнафас бўлишга ундайди. Унинг хато, нуқсонларини барала фош этади. Шунинг учун у, Навоийнинг дилида бир нима бор, деган фикрга келган эди.

Айниқса, осонлик билан икки минг туман ақча топишга қатъий ваъда берган парвоначининг сиймоси унинг назарида улғайди. Лекин парвоначини ҳокимият тепасига келтириш қарорига Навоий албатта қаршилик кўрсатади. Нима қилиш керак? Ҳусайн Бойқаро хорғин кўзларини юмиб ўйлади. Кўпдан буён унинг қулоғини тинчитмаган бир кўп аъёнларнинг, юксак мансабдорларнинг, ҳатто барлос беклардан баъзиларининг талабларини қондиришга жазм этди.

— Мажддиддин Муҳаммад,— мурожаат этди у парвоначига,— сиз салтанатда энг олий поянн ишғол этурсиз. Улуғ вазифангиз учун зарур чораларни шу ондан бошлаб кўрмоққа бел боғлангиз.

Мажддиддин парвоначи қайта-қайта қуллуқ қилиб, ҳаяжон билан подшоҳнинг ҳақига дуо ўқиди.

Эртаси Ҳусайн Бойқаро, Навоийни йўқлатиб, ёлғиз қабул қилди.

— Жанобларини қошимга чақиришдан мақсад,— деди Ҳусайн Байқаро совуқ ва расмий тур билан,— хотиримга келган бир мулоҳазани билдирмоқ эди.— Бир зум сукутдан сўнг давом этди у:— Жанобларини янги бир вазифага тайинламоқ фикрига келдим. Бу вазифани мумкин қадар тез ва ҳам сидқидил билан қабул қилмоқларига ишонурмен.

— Не вазифа экан?— сўради Навоий нохуш хабардан гумонсираган бир турда.

— Биз сизни Астрободга ҳоким қилдик. Сафарга тайёрланмоқлари керак!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу нарса Навоий учун асло кутилмаган хабар эди. Унга жуда ғалати таъсир қилди. Кўзларига қайғу чўкди. Қошларининг ўртасидаги тугунчак қаварди. Подшоҳнинг бундай фавқулодда қарорга келишига нима мажбур қилганини ўйлади.

— Бу қарорингизнинг асли маъносидан каминани огоҳлантирингиз, мен бунинг идрокидан ожизмен...— подшоҳга, гўё унинг бутун сирини уқуб олмоқчидай, диққат билан тикилди Навоий.

Ҳусайн Бойқаро иккиланиб, эл-улуснинг манфаатини назарда тутганини сўзлади. Ниҳоят, шоирни бу билан қаноатлантириш мумкин бўлмаганидан, қандайдир ўзга мақсадлари борлиги ҳақида жуда туманли, пардавор қилиб минғиллади.

— Дилни очмоқ керак эди,— деди Навоий истеҳзоли, титрак табассум билан.— Аммо менга мақсадингиз фонус ичидаги ўт каби, равшан кўринади. Сиз мени пойтахтдан йироқлатиб, хато қилмасам, баъзи зотларга йўл очмоқ тилайсиз? Билмадим, бу тадбир қанчалик тўғридир... Агар давлатга хайрли натижа берса, барчадан бурун камина қувонур. Қўрқаменки, нохуш оқибатларга элтмаса деб...

Ҳусайн Бойқаронинг юзи бир зум асабий титраб кетди. У ўнғайсизланди. Чунки унинг сирли парда остида силлиққина амалга оширмоқчи бўлган тадбири совун кўпугидек, бир зумдаёқ ёрилиб кетди. Ҳусайн Бойқаро баъзи давлат арбобларининг аллақандай хоҳишлари ҳам хазинани тўлдирмоқ учун, қандайдир, ўзга чоралар кўриш кераклиги ҳақида ишорат қилди.

— Баланд ҳимматли, баҳодир бекларингиз, олижаноб, вазифашунос мулозимларингиз бўлгани каби, давлат дарахтининг гулларини бало қуюнидек совурмоқчи бўлган махлуқлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳар бири шаҳарларга, вилоятларга кўз тикур, диллари элга садоқат, муҳаббат билан эмас, олтин-кумуш дарди билан оғриган. Кийимлари, идиш-товоқлари олтин-кумуш бўлишига қаноат қилмайдилар; этикларининг нағали ҳам олтиндан бўлса!.. Хазина давлат учун, бадандаги қон каби, зарурдир. Аммо бир ёқдан тўпламоқ, иккинчи ёқдан совурмоқ билан хазина тузиб бўлмас. Ҳотамтойликни билиб қилмоқ лозим. Ёмғурни қуриб қақшаган боққа эмас, элтиб тоққа қуйган булутни сахий дейилмас. Даставвал хазинани эл манфаати учун тўкмак керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Зироатни, ҳунар ва санъатларни ривожлантирмоқ, тижоратга[1] эътибор бермоқ керак. У вақт, масалан, ҳалол меҳнат қилган деҳқоннинг омбори ҳосилга тўлгани каби, хазинангиз ҳам зарга тўлур. Ўзга чоралар билан хазина бойитмоқ оқилона ҳаракат эмаслиги ҳар ким учун равшан.

Ҳусайн Бойқаро сокин, лекин бепарво тинглади. Кейин, бел оғриғидай, икки қўли билан камар устидан белини қисиб, аста ўрнидан турди, Навоий ҳам қўзғалди.

— Мен сизни Астрободга юбормоқни муносиб кўрдим,— деди подшоҳ овозини баландроқ қўйиб.— Ҳар қандай баҳона топсангиз ҳам, қароримдан воз кечмасмен.

— Мени Ҳиротдан қувмангиз, ёлғиз қалам ва дафтарларим билан яшамоққа ижозат берингиз. Ҳеч қандай расмий вазифага хоҳишим йўқлигини ҳазратларига кўп дафъа арз этган эдим. Шояд унутмаган бўлсалар...

— Ҳаргиз иложи йўқ!— бошини чайқаб деди Ҳусайн Бойқаро.

— Хўб, мен ҳар қандай жабр тоғини кўтармоққа ҳозирмен,— деди Навоий кескин ва дадил,— лекин ичи қора зотлар яхши билсинларки, мен қаерда бўлмайин, ҳақиқатни қўруқлармен.

Ҳусайн Бойқаро бир муддат жим қолди. Сўнг, совуққина хайрлашиб, ёндош хонага ўтиб кетди. Навоий ҳаяжонланиб даҳлизга чиқди. Собиқ навкари, букунги эшик оғо Бобоали уни қаршилади.

— Тақсир, қандай фалокатлар рўй бермоқда?— шивирлаб деди у ғамгин, умидсиз бир ҳолда.— Наҳотки Мажддиддин парвоначидек маккор одам мамлакатда ҳокимият жиловини қўлга олса ва подшоҳдан сўнг, ҳаммамиз унга бўйин эгсак!

Навоий қоматдор Бобоалининг кенг елкасига қўлини қўйди-да, меҳрибончилик билан унга тасалли берди, мақсад йўлидан тоймасликни уқдирди. Қирқ устунли очиқ залга — айвонга ўтди. Бу ерда аксари унинг очиқ ва яширин душманларидан иборат бир гуруҳ мансабдорлар турардилар. Бир кўпларининг кўзларида янги юқори пояларга кўтарилиш умиди очиқ жилваланарди. Навоий ҳар вақтдаги каби сокин ва дадил боқди. Ҳақи-

[1] Савдо-сотиқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қатга ишончдан туғилган куч унинг сиймосига асл ва маънодор бир тетиклик бағишлаганди. Душманлар алланечик ўнғайсизланиб, сохта тавозе кўрсатишга тиришдилар. Шоир ичдан нафратланди. Мана, хоналарнинг биридан парвоначи лоп этиб чиқиб қолди. У катта саллали бошини кибр билан орқага ташлаган, ўшшайган эди. Навоийни кўрган ҳамон ўнғайсизланиб, шуурсиз равишда вазиятини ўзгартди. Лекин истеҳзоли табассум билан унинг ёнига келди-да, ўзини ғафлатга солиб деди:

— Хоқоннинг ҳузурларида муҳим кенгаш бор, иштирок этмайдиларми?

— Йўқ,— жавоб берди Навоий.

— Зот олиларининг кайфлари қалай?

— Кўнглим ҳамиша кайф чоғлиққа мойил... Аммо хурсандлигим ҳозир авжига чиқди.

— Сабаб?— Маждиддин бўшашган овоз билан сўради ва ялт этиб дўстларига қараб қўйди.

Навоий унга кулимсираб, қошларини кинояли чимириб қаради. Унинг хотирига бир шоирнинг байти келди:

Гар туро дар биҳишт жо бошад,
Дигарон дўзаҳ ихтиёр кунанд[1].

Лекин Навоий ичида ўйлаганини, бошқачароқ қилиб айтди:

— Хурсандлигим шу важҳданки, бу ерда баъзи нобоп зотларнинг башараларини кўрмак қайғусидан тангрим мени тез кунда қутқарур!

Маждиддиннинг ранги оқарди, у бесаранжом, ожиз довдираган кўзларини қаёққа яширишни билмай қолди. Унинг дўстлари ҳам «чурқ» этмай, орқага чекинишди, Навоий вазминлик билан зинапояга қадам ташлади.

Шоир уйга келгач, уни бир тўда мироблар, ишбошилар, мулозимлар қуршаб олдилар. Улар «Чашмаи Моҳиён» билан Машҳад ўртасидаги тақир ерларга сув чиқариш учун белгиланган кишилар эди. Навоий ўз маблағлари билан бу ишни бажаришга бел боғлаб, бу кун уларни кенгашга чақирган эди. Аксари содда халқ одамларидан бўлган сув мутахассислари ўз фикрларини айтишга ошиқдилар. Навоий ноқулай вазиятда қолди. Бу катта ишни амалга ошириш учун ўзи кўз бўлиб

---

[1] Сен жаннатга тушадиган бўлсанг, бошқалар дўзахни афзал кўрадилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

туриши зарур эди. Ҳолбуки у эрта-индин Астрободга ҳайдалиши керак! Келажакда тақдир яна қандай кутилмаган жилвалар кўрсатади,— бутунлай номаълум... Ҳар нима бўлмасин, кенгашни ўтказишга қарор қилди. Аммо ишни бир оз кейинроқ бошламоққа мажбур бўлганини айтди-да, сувчиларни хоналардан бирига олиб кириб, дастурхон тортди, овқат устида улар билан суҳбатлашди. Мироблар ғоят қизиқиб, фикр баён қила бошладилар. Бир-бирлари билан баҳслашдилар. Ариқнинг эни, чуқурлиги, заминнинг тузилишига мувофиқ ўзгариши, четларини мустаҳкамлаш ҳақида ва қанча одам, қанча асбоб-ускуна, от-улов ва ҳоказо ҳақида қизғин музокара бўлди. Илгари ҳам сув иши билан қизиқиб, бу соҳада анча маълумот ортдирган шоир ҳар бир фикрни, ҳар бир таклифни диққат билан тинглади. Ўртада талашувга сабаб бўлган баъзи масалаларда у ўз фикрини сўзлаб, миробларни таажжублантирди. Ниҳоят кенгаш охирида деди:

— Азиз биродарлар, маслаҳатларингиз учун ғоят миннатдормен. Юртнинг ободонлиги учун зарур бўлган бу кори хайрни албатта амалга оширурмиз. Лекин, ҳозирча андак орқага суришга мажбур бўлиб қолдик. Неқилайлик, баъзан яхши орзуларимизнинг йўлида тўғонлар учрар.

— Жаноблари бизни қистаган эдилар-ку..,— шоирга мурожаат этди содда дил бир мироб.

— Тўғри, бу ишга ҳавасимиз баланд эди,— жавоб берди Навоий кулишга тиришиб,— лекин кутилмаганда бошимизга бир ташвиш тушди. Бундан қутулсак, кейин...

— Эзгуликнинг кечи йўқ, деган гап бор,— деди йирик гавдали улуғсифат бир кекса мироб.— Алишер жанобларининг азиз бошлари омон бўлса элимизга дарё-дарё муҳаббатлари оқур.

— Чин сўз! Чин сўз!— деди кўп кишилар.

Навоий кенгашга қатнашувчиларнинг баъзиларига тўн кийдирди, қолганларига пул ҳадя қилди. Ҳамма хурсанд бўлиб жўнади. Лекин катта орзу амалга ошмагани учун Навоий қаттиқ қайғурди. Узоқ вақт уйдан чиқмасдан, бирон ишга қўли бормай, танҳо, дилгир ўтирди. Кечга яқин Хўжа Афзал келди. У ғамгин, саросима, паришон эди. Ҳусайн Бойқаронинг фармони билан Мажддиддин бош вазир тайин этилиб, унга «Муъта-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мадулсалтанат ва муъимтанул мамлакат»[1] деган катта унвон берилганини билдирди. Навоий ўз дўстига таскин бериб, ҳодисани охирига қадар тетиклик билан кузатишга ундади.

Оқшомдан сўнг шоирнинг дўстлари, яқинлари келишди. Ҳамманинг кўнгли ғаш, хотири паришон эди, ҳамма подшоҳнинг қарорини маъносиз топиб, юртнинг самосига қора булутлар ёпирилишини олдиндан сезар, безовта бўларди. Кўплар гап орасида подшоҳни киноялн сўзлар пардаси остида қаттиқ ҳақорат қилар, Мажддиннни масхараларди.

Навоий хафалигини, ташвишини, ички кечинмаларини билдирмасликка тиришса ҳам, одамлар унинг сиймосидан, кўзларидан, ҳаракатларидан дард ва ўксиниш туярди. Қизғин талашувсиз, ҳазил-мутойибасиз, кулгисиз суҳбатдан кейин дўстлар тарқалмоқ учун қўзғалди. Навоий билан хайрлашаркан, ҳамманинг кўзи жиқ-жиқ ёшга тўлган, бўйни букук эди.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Вақт хуфтондан ошган. Чоғирдан, қимордан кўзлар ёнар эди. Шамда чўғдай ярқираган уюм-уюм олтинни ўйин бўрони жаранглатиб, давра ичида суриб юрарди. Амир Мўғулнинг бахти энди енг шимарган эди.

Астрободда бу ҳокимдан ёлғиз қиморбозлар хурсанд эдилар. Улар деярлик ҳар оқшом Амир Мўғулнинг ҳузурига халта-халта олтин ва кумуш билан келиб, қиморнинг оловида руҳларини пўлатдай тоблаб, тонг чоғида, мудроқ босган кўзларини қисиб уйларига тарқалардилар. Амир Мўғул ўзга ишларда қаллоблик, зўравонлик, чатоқликни афзал кўрса-да, бироқ қиморда таомил ва қоидани ҳурмат қилар, ютқизмаган замонларида ҳатто мардлик ҳам кўрсатиб қўяр эди. Унинг бахти эндигина енг шимариб, олтин хирмонини йиғаркан, орқадан кичик мулозим чақирди. Амир Мўғул жаҳл билан қайрилиб ўқрайди: «Йўқол дарди ҳарина!» Мулозим эшик орқасидан қичқирди: «Ҳиротдан чопар!» Астробод ҳокими пинжига тиқилиб, қўли қичиб ўтирган бир ёрдамчисига ўз галини бериб, эшикка чиқди. Чарчаб ҳансираган чопар мактубни топширди. Амир Мўғул бошқа бир

[1] Подшоҳлик ва мамлакатнинг ишончли одами — таянчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

хонага кирди, мактубни шамга яқин тутиб, маст кўзларини сабрсизлик билан югуртираркан, юзига бирдан севинч югурди. Айниқса, хатнинг охирида Мажддиддиннинг муҳрида ёзилган унвонга завқланди. Қоғозни таҳлаб, киссасига тиқди-да, ўзича шивирлаб қўйди: «Соз иш бўлибди. Мажддиддин — ноибуссултон!»[1] Хатда Мажддиддин рўй берган воқеаларни ёзиб уни подшоҳ қошига етиб келишга таклиф қилган эди. Ҳаммадан Алишер Навоийнинг Астрободга сургун қилинганига суюнди: «Хуросоннинг юлдузи дейилган Навоий бу пасқаш, дилгир шаҳарда қон ютсин! Не бўлмасин аъло иш бўлибди. Ҳирот бизники, давлат бизники!»

Амир Мўғул қиморбозлар ёнига чиқди. Мактубнинг мазмунини ўйлаб, рўй берган ҳодисаларнинг маъноси ҳақида хаёлларга берилиб, анча вақтгача ўйинга аралашмай ўтирди. Фақат, унинг қўлини ўйнаган банги қиморбоз тирриғлиқ қилиб, шарманда бўлгач, уни туртиб чиқариб ўйинга шўнғиди.

Эртаси кучли бош оғриғига қарамай, Амир Мўғул кўчиш ҳаракатига тушди. Ортдирган мол-мулкини туяларга юклаб, Ҳиротга жўнатди. Бир-икки кундан сўнг хотин-бола-чақасини олиб, Алишерни кутмасдан, ўзи ҳам подшоҳ қошига жўнаб қолди.

Навоийнинг келиш хабари астрободликларнинг юрагида чексиз қувонч уйғотди. Ҳамма бу хабарни бир-бирига етказиш билан фахрланади. Бозорларда, оилаларда, ҳунармандларнинг дўконхоналарида ҳамма ҳаяжон билан бу хабарни музокара қилади, «баччаталоқ маст туядан қутулдик, иншоолло!» деб чоллар худога шукур этади. Шаҳарнинг шоирлари Навоийга тақдим этмоқ учун қасидалар, мадҳиялар ёзишга киришиб, қофия дағдағаси билан оғрийдилар. Бироқ айрим ўйчан одамлар фикрларини сиёсатнинг чангалзорига ҳайдаб: «Алишер Навоийнинг шаҳримизга келиши бежиз эмас, бунинг бир сири, бир ҳикмати бор!» деган хулоса чиқарадилар.

Мана тўрт кўз билан кутилган, соғинчли кун... Халқ Астрободнинг узоқ-яқин, катта-кичик йўлларидан, «жин кўчаларидан» оқиб, зўр тўлқинга қуйиладики, бу тўлқиннинг бир учи шаҳар дарвозасидан ошиб, далага ёйилган...

---

[1] Подшоҳнинг ёрдамчиси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Узоқдан отлиқларнинг — Алишер ва унинг ҳамроҳларининг қораси кўриниши билан халқ катта ҳис ва ҳаяжоннинг сеҳри остида, дастлаб бир муддат жим қотди. Шаҳарнинг олдинги одамлари, олимлар, шоирлар илгари юриб ҳамроҳлари билан келаётган Навоийга қуллиқ қилишди ва шаҳарга келиши билан табриклашди.

Навоийни борган сари халқ тўлқини чуқурроқ ўраб олди. Чуввос табриклар, дуолар... Болалар отларнинг оёқлари остида ғивиллашади, томлардан, дарахтлардан қичқиришади. Ҳофизлар Навоий ғазалларини куйлашади. Аёллар тилаб олган ўғилчаларини баланд кўтариб: «Илоҳим, Навоийдек улуғ бўлгил!» деб ўпиб, бағирларига босадилар. Шодликдан, ҳаяжондан кўзлари беихтиёр ёшланади.

Навоий табассумли кўзлари билан атрофга боқиб, бир қўлини кўксига қўйган ҳолда бошини камтар, енгил қимирлатиш билан халқнинг табрикига самимий жавоб бериб борди ва олдиндан ҳозирланган манзилга келиб тушди. Бу ерда шаҳарнинг машҳур кишиларини — олимларни, халқ вакилларини қабул этди.

Иккинчи кундан бошлаб Навоий расмий вазифасини бажаришга киришди. Вилоятнинг ҳамма маҳкамалари ва уларни бошқарувчилари билан танишди. Баъзи эски «хирфа» амалдорларнинг кирдикорларини ўрганди. Улар хаспўшлаш учун қанча уринмасинлар, бироқ кўз боғламачиликни Навоий олдида ўтказа олишдан ожиз қолдилар. Бу вилоятнинг на вақфида, на мадрасасида, на солиғида, на қозихонасида Навоий маъқул бир тартиб кўрмади. Илк танишиш билан чуқур таассуфланди: «Баракалло, бу ердаги ишлардан ақл ҳуркади!»

Юртни бошқаришда аввалги қунт ва ғайрат билан ишга ёпишди. Ҳиротда қўллаган тартиб ва қоидаларни амалга ошира бошлади.

Унинг ишлари халқни қувонтирди. Ажойиб ҳоким ҳақида халқ қўшиқлар тўқиди. Ҳар киши унинг қошига келиб, арз додини меҳрибон ҳомийсига айтган каби, унга сўзлади. Навоий бўш вақтларида бу ернинг олимлари, шоирлари ва бошқа санъат аҳли билан суҳбат қилди. Уларни ўз соҳаларида камолга етишга ундади.

Пойтахтдан дўстлари, яқинлари мактублар юбора бошладилар. Мактубларнинг ҳар сўзи айрилиқ дарди, шоирга бўлган чуқур муҳаббат ёлқини билан ёнарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Паҳлавон Муҳаммад Саиднинг мисраларида Паҳлавоннинг қудратли қалби ўксузланиб инграрди:

О Мир, ту пири мо ба иршоди туйим,
Доим ба дуогўйию бо ёди туйим.
Ин шаҳр бату хушасту мо боту хўшем,
Мардуми хароби Астрободи туйим[1].

Хуросоннинг энг узоқ бурчакларидан салом ва табриклар ёғилди. Бу — подшоҳга ва уни қуршаган фитначиларга тоза юракларнинг, ақлларнинг жавоби эди.

* *
*

Навоий ширингина ясоғлиқ уйда танҳо ишлар эди. Унинг теварагида гилам устида жуз-жуз қоғозлар, тоза чармдан ясалиб, чиройли ўйма гуллар ишланган жуздон, уюм-уюм дафтарлар қалашиб ётарди. Баъзиларини чанг қоплаган, баъзиларининг четлари титилган, доғдуғ тушган.... Бу унинг ғазаллари эди. Ғазалларнинг бир қисми айрим, кичкина «девонлар»га тўпланиб кенг тарқалган бўлса ҳам, ҳамма ғазаллар бир китобда, маълум тартибда терилмаган эди. Астрободда Навоий, кўпдан буён хаёлини банд этиб, лекин тинч вақт тополмаганидан орқага ташлаб келаётган орзуга — катта «Девон» тузишга киришди.

У ғазалларни умрнинг поялларига қараб — болалик, йигитлик, ўрта ёшлик, ниҳоят, қарилик каби тўрт фаслга бўлган ва ҳар бирига айрим номлар берган эди.

Эски қоғозларни титиб, ғазалларни бир-бир кўздан кечириб айира бошлади. Ғазаллар беҳад кўп, улардан бутун яшалган умрнинг қайтмас нафаси гуруллайди. Ҳаммасининг бир тарихи бор, маскани бор. Мана Машҳадда ташландиқ ҳужрада хаста-ғариб яшаркан, ўн олти, ўн етти ёшларида ёзган ғазаллар... Мана бу Самарқандга келган кунларда, Хўжа Фазлилло Абуллайснинг хонақосидаги ҳужрада айтган мисралар. Мана кўнгилнинг тоза, сирли ҳаяжонлари билан кўкси тўлиб,

---

[1] Э Мир, сен пиримизсен, биз сенинг иршодинг билан ҳаракат қилмоқдамиз.

Доимо ишимиз сени ёдлаш ва сени дуо қилишдан иборатдир.

Бу шаҳар сен билан хуш кўринади, биз эса сен билан кўнглимизни хуш этамиз.

Биз ўлганимиз ҳолда сенинг Астрободингнинг хароби бўлурмиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мактабдан қайтиш билан, бир бурчакка танҳо тиқилиб айтган илк ғазаллар. Буларни меҳрибон онасига ўқиб берганда, у қандай суюнган, бағрига босиб қандай ўпган эди! Бу бўсанинг меҳрини шоир гўё ўз юзида шу дамда туйгандай бўлди.

Отаси Ғиёсиддин Кичкина бу ўйчан, хаёлчан ўғилчанинг илк машқларини ўқиб, ҳаяжон билан уни қучоқламаганмиди? Совғалар келтирмаганмиди? Бу ғазаллар йилларнинг қаъридан жонли илиқ хаёлларни, хотираларни уйғотди. Навоийнинг кўз олдидан ўзининг болалиги ўтди. У кичкина Алишерни кўрди. Анча вақт хаёллар, хотиралар сеҳрида қолди. Юрагида ҳасрат қайнаб кетди. Бу — умр тонгини соғиниш эди, чақалоқ онасининг қўлида туриб тўлун ойга қўл узатгани каби, беҳуда, лекин маънодор ҳасрат эди...

Шоир бошқа бир дафтарни кўздан кечирди. Мана бу байт унинг бутун борлиғини эгаллаб олди.

Оразин ёпғоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйла ким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.

Ўқиркан, шоир ўз умрида ҳаяжонли бахтли онларини бутун нашъаси билан қайта бошдан ҳис этди. Бутун умрида чуқур ҳурмат ва севги билан ёдлайдиган улуғ шоирнинг гўзал, улуғвор сиймосини равшан тасаввур қилди. Бу — марҳум мавлоно Лутфий эди. Навоий шу топда хотиралар гирдобига ботди. У ҳозир болага айланди. Мана у кўпдан буён қилган кучли орзунинг кутилмаган вақтда қистови билан ўрнидан турди-да, кўчага отилди. Ҳирот ҳар кунги дарди, нашъаси, машаққати билан яшайди... Ўз тенги болалар кўчаларда, томларда гала-гала ўйнаб юришади; кими ёнғоқ ўйнайди, кими ёйдан ўқ узади. Алишер — бола эса, шаҳарнинг «Боғ шумол» тарафига илдам юриб, серҳашам бир эшик олдида тўхтайди. Бир нафас иккиланиб, ҳар он сайин тобора кучайган тўлқинланиш, уялиш билан ичкари киради. Катта, дарахтзор ҳовлида ҳассага суялиб, аста-аста юрган мўйсафидга — замоннинг улуғ шоири мавлоно Лутфийга кўзи тушиши билан узоқдан салом беради ва югуриб, ўзини бир онда чолнинг ёнида кўради ва унга болалик кўзларининг тоза самимияти билан тикилади. Кекса шоир ўсуқ қошларининг остида, ҳали ҳам майин хаёлчанликни ифодалаган кўзлари билан болага



www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб, кимлигини сўрайди. Алишер ўзини танитади ва муддаосини уялибгина баён қилади.

— Баракалло, Ғиёсиддин Кичкинанинг ўғли!— дейди кулиб мавлоно Лутфий.— Биз фақирни кўргали, мамнун қилгали келибсен. Мунда юр, сен каби ақлли ва боадаб ўғлоннинг суҳбати билан дилимни очай, ашъорингни ҳам мутолиа қилай.

Алишер Лутфий орқасидан меҳмонхонага киради. Бир кўп токчаларга китоблар қалашган. Қолганларида ҳар хил мис, чинни асбоблар терилган. Лутфий ҳассани даҳлизда қолдириб, қалин кўрпачага ўтиради. Алишер тавозе билан қуйига ўтиради. Лутфий бир неча ғазалларини ёддан ўқитди.

— Буларни ҳали эшитмагандирсен?— кулди чол.

— Ашъорингизнинг аксарини ёд билурмен, аммо буларни эшитмабдурмен.

— Тўғри. Мен буларни яқинда қаламга олмишмен. Хўп, энди сен ўқи, мен тинглаймен.

Алишер ийманади. Асли муддаоси ўз шеърларини чолнинг муҳокамасига ҳавола қилиш бўлса ҳам, шу топда, нечундир, буни орқага сургуси келади. Лутфий яна қистайди:

— Ҳиротда шундай шоирлар борки, улар кўча ва бозорларда ўткунчиларни тўхтатиб, ўз ғазалларини ўқиб берадилар...— қиҳ-қиҳ кулиб гапирди Лутфий.

Алишер титрак овоз билан, Лутфийга қарамай, бирин-кетин ўқий бошлади. Ҳар ғазалдан сўнг, Лутфийнинг маъқуллаган хитобларини эшитиб, кўзлари севинч билан жавдираб кетади. Юзи қизариб, терлаганини сезади. Ниҳоят, Лутфий бирдан: «Офарин, ўғил!» деб нидо қилади, қўлини чўзиб, унинг бошини силайди-да, завқ билан бошини тебратиб, Алишернинг байтини секин-секин такрорлайди:

Оразин ёпғоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш.
Бўйла ким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.

Алишер шеърнинг қусурини кўрсатишни сўрайди. Лутфий худди ўз тенги ва эҳтиромга сазовор бир зотга ўз эътиқодини уқдирган каби, жўшиб гапиради: «Қасам тангрига ким, агар имкон бўлса эди, мен ўзимнинг форс ва туркийда айтган ўн икки минг байтимни шу ғазалга олмашар эдим, ҳам айни замонда ўзимни улуғ мақсадга эришган деб ҳисоблар эдим!»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу фавқулодда юқори мақтовдан Навоий хижолат тортади. «Муболаға этдингиз» деб, қўшилмаганини билдиради. Кейин, туркий ва форсий тилларнинг хусусиятлари, туркида бўлган гўзал шеър намуналари ҳақида сўзлашадилар. Узоқ илиқ суҳбатдан кейин кекса, донгдор Лутфий бу бола шоирни дуо қилиб, энди у билан ошна бўлганини, ҳар вақт уни кўрмакка орзуманд бўлажагини уқдириб узатиб қолади.

Навоий болалик даврининг бу гўзал, қувончли хотирасига анча вақт берилиб, марҳум устод билан қайта сўзлашгандай, бир муддат ғамгин ўтирди. Кейин яна бошқа қоғозларни қўлга олди. Ғазаллар жуда кўп. Ҳар бири унинг умрининг ўтмиш саҳифаларини гавдалантиради. Чанг босган, хираланган мисралардан ҳаётининг ёрқин дурлари юлдузланади.

Эшик очилди. Шоир бошини кўтармасдан, кўз учини ташлади.

— Марҳамат, Сабуҳий!

— Жаноблари машғул эканлар, кўнгилларига малол келмаса...— иккиланиб деди Ҳайдар.

— Ўтиринг. Бу ишларни суҳбат пайтида ҳам қилмоқ мумкин,— деди Навоий ва Ҳайдарнинг авзойига тикилиб, нохушлик билан давом этди.— Астрободнинг шаробхоналарини бирор кун тарк этдингизми? Филҳақиқат, нодир йигитсиз: ҳам шоир, ҳам аскар, ҳам шаробхўр. Ҳаётда муқаррарлик лозим. Бу— ёлғиз саъий ғайрат билан муяссар бўлур. Умр гулини беҳуда елга бермоқдан не фойда? Хайр, биз кўп сўзладик, ҳануз тингламадингиз. Сўз гавҳарини елга совурганимиздан биз ҳам пушаймонмиз.

Бекзодалардек яхши, лекин диққатсиз кийинган, паришонҳол Ҳайдар, ўз одатига мувофиқ, валинеъматининг сўзларини эътиборсиз тинглади, асл туркман гиламига чордона қуриб, маст кўзларини қоғозлар устида югуртираркан, очиқ кўнгиллилик билан гапирди:

— Юракдаги андуҳни май билан ювмоқ керак. Бу ерларнинг ҳасратига шаробхоналарнинг сурони даводир. Рубъи маскуннинг ягона гўзал ва обод шаҳри Ҳиротдан қувилгандан сўнг, тундан кундузга, кундуздан тунга шароб билан кириш қолди, холос.

— Ҳиротга жўнамоқлигингиз учун катта монелик бўлмаса керак,— кулди Навоий бир зумгина йигитга назар ташлаб.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз бўлмасангиз, жаннат ҳам зериктиради. Дўстлардан пайдар-пай мактуб олмоқдамен. Ҳамманинг сўзи шу: «Етим Ҳиротда ғариб яшаймиз!» Шунга чидамайменки,— деди Ҳайдар овозини баландлатиб,— Искандар Зулқарнайннинг замонидан бошлаб ҳеч ким сиз қадар безамаган бу шаҳри азим букун дўстларимиз учун дўзахга, бир гуруҳ маккор хоинлар учун жаннатга айланди!

— Ҳақ ҳар вақт ўз ерида қарор топур,— деди Навоий ишдан қўл узмасдан,— модомики тақдир қуюни бизни бу ерларга келтириб ташлабди, бас, сабр-бардош лозим. Ватаннинг ноообод вилоятини моҳир боғбон каби меҳнат ва ҳавсала билан гуллатмоғимиз керак. Юрт ғамига бепарволикдан ҳазар қилинг, йигит!

Ҳайдар бир неча вақт маст кўзларини сузиб, хаёлга берилди, кейин Навоийнинг рухсати билан қоғозларни тита бошлади. Ғазалларнинг аксари унга таниш, кўпларини у қаламдан тўкилган куниёқ кўчирган, ёки машҳур хаттотлар кўчириб, айрим, кичик девонлар тузаркан, ўқиган. Лекин ҳозир паришон варақлардаги кўчирилмаган эски ғазаллар, эски шароб каби, унинг руҳини кучли маст қила бошлади. Гоҳ ичида ўқиди, гоҳ шавққа тўлиб, шоирнинг диққатини чалғитиш андишасини ҳам унутиб, қичқириб ўқиди.

— Жаноб Мир,— деди Ҳайдар, кейинги ғазаллардан бирини ўқиб,— мен ҳайронмен, наинки бу қарилик меваси бўлиб, «Фавоидул-кибар»[1] га кирса!

— Не бўлибди?

— Ахир бу ғазалда томирларида ёш қон қайнаган, қиличдай йигитнинг ҳисси, шавқи, нашъаси янграйди! Яна ўзингиз, адашмасам, энди қирқ еттига кирдингиз.

Навоий кулди, бошини аллақандай дард билан қимирлатиб деди:

— Ўғлим, умр қуёши оғди, суръати том[2] билан оқшом кўмурига югурмоқда... Сўнгра, умрни тўрт фаслга бўлиб, ёзилмиш нарсаларни шунга мувофиқ тартиблашни ҳазрат Жомий ҳам ғоят мақбул кўрган эдилар.

— Камина бу хусусда ўз фикрида қолади. Қари эмассиз, бахтимизга асло қариманг.

---

[1] Қариликдаги фойдали фикрлар.— Навоий ғазаллар китобининг тўртинчи қисмини шундай номлаган ва қариликда ёзган шеърларини бу қисмга киритган.

[2] Илдамлик билан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий умрнинг кўзга ташланадиган айрим даврлари ҳақидагина эмас, ҳатто йиллари ҳақида ҳам ажойиб фикрлар сўзлар эди. Айниқса, йигитлик ва қарилик ҳақида сўзлашни севар, умрининг баҳори ва кузи тўғрисидаги ҳикоялари шундай жонли, ёрқин, нодир фикрлар, кўришлар, суратлар билан тўла бўлур эдики, тингловчилар «кети узилмаса экан» деб ҳаяжонланиб қулоқ солардилар. Бу гал Навоий «Хамса»дан бир байтни ўқиш билан чегараланди:

Соқол оқи ўлимга пешравдир,
Тириклик сабзаси узра қировдир.

Кейин: «Маъқулми, яна қандай эътироз қиласиз?» дегандек, Ҳайдарга қараб қўйди. Ҳайдар шоирнинг оқи анчагина кўпайган соқолига қараб, сукут қилди. Навоий яна бир оз ишлаб, орқасига ўгирилиб, дарича орқали ҳовлига боқди, вақтни тайинлагач, даста-даста қоғозларни тартиб билан бир чеккага олиб қўйди-да, тиззаларини уқалади. Кейин Ҳайдарга мурожаат қилиб: «Сўзланг, не хабарлар бор?» деди. Ҳайдар: «Бу ерларда тилга олишга лойиқ нима бўлар эди?» дегандай, қўлларини силкди-да, шаҳарда эшитган ёки кўрган баъзи воқеаларни паришонлик билан айтиб бера бошлади. Сўз орасида у, бир вақтлар ўлиб кетган, қандайдир, астрободлик номсиз бир шоир ҳақида баъзи гапларни айтди. Навоий одатича қизиқиб: «Хўш, қани, батафсил гапиринг» деб Ҳайдар томонга энгашди. Ҳайдар яна вазиятини ўзгартмасдан: «Хийлагина ғазали ва муаммоси бор экан. Муаммода қобилияти яхши эди, дейдилар, аммо шоир фақирликдан ва азбаройи камтаринликдан, тириклигида асарларини йиғиштирмабди. Нимаики яратган бўлса, ҳаммаси пароканда, ҳар кимнинг қўлида қолиб кетибди» деди.

— Ўғлим, бу юртда не-не истеъдодлар, қуёш тегмаган новда каби, камол топмасдан сўлиб, сарғайган!— ғазаб аралаш, қалтироқ лаблари билан гапирди Навоий.— Мадрасаларнинг ҳар бир ҳужрасида, ҳар бир бақъада ўз умрини илмга, шеърга фидо қилган ажойиб мард, покиза инсонларни топиш мумкин. Ўғлим, сиз бизга бир хизмат қилинг. Сўнган юлдузлардан бирини тарих учун тиргизинг. Ҳалиги марҳум шоирнинг ҳаётини ўрганинг, унинг қалам маҳсулини, қайда ва кимда бўлмасин йиғиштиринг ва истеъдодли, номусли бир ко-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тибга бериб, бир китоб туздиринг. Жамъики харожатларни биз ўз зиммамизга олурмиз. Эртадан бошлаб бу ишга бел боғланг!

Ҳайдар таклифни қабул қилди. Кейин ғижжакни олиб, Навоийдан сўради. Навоий кўзини қисди. Ҳайдар ўзи севадиган бир-икки мақомни чалди. Навоий кўзларини юмиб, сеҳрли садолар унинг руҳини тебратгандай, бошини юмшоқ, майин чайқаб ўтирди.

Шайх Баҳлул шошиб кириб: «Ҳиротдан меҳмон!» деди.

— Ким?— бирдан жонланиб сўради Навоий.

— Мавлоно Хўжа Афзал жаноблари.

Навоий сапчиб ўрнидан туриб, ҳовлига югурди. Орқасидан Ҳайдар ҳам чиқди.

Улар ҳовлининг ўртасида кўришдилар. Хўжа Афзал, бўронли денгизда соҳилга саломат етган кишидек, ҳаяжонли ва қувончли эди. Лекин, шунинг билан баробар, унинг бутун вазиятида қочқиннинг паришонлиги, ишончсизлиги сезилиб турарди. Қучоқлашиб кўришгандан сўнг, ясоғлиқ, нақшли бошқа бир хонага кирдилар. Кўрпачаларга ўтиргандан кейин Хўжа Афзал яна қайта-қайта Навоийнинг ҳолини ва кайфиятини сўради. Навоий одатда узоқ сафар қилган кишидан сўраладиган саволлар — йўл машаққати, саёҳат тасодифлари ва ҳоказо ҳақида сўзлашди. Дастурхончи катта, чорси шоҳи дастурхон ёзиб, унинг бетини танурдан энди узилган, буғланиб турган сингак нонлар, ҳар хил ҳалво, новвотлар ва қуруқ мевалар билан тўлдириб ташлади. Овқат тановул қилинаркан, суҳбат жиддийлашиб, сўзнинг калаваси чувалмасдан суғурила берди. Хўжа Афзал Навоий пойтахтни тарк қилгандан сўнг рўй берган воқеаларни бир-бир айта бошлади. Подшоҳ айш-ишратга, фисқ-фужурга бўлган тамойилини авжга миндирган. Бурчак-бурчакда, кавак-кавакда илондай тўлғаниб, юракларига йиғилган қора ғазабни қандай бўшатишнинг эвини топмаган ҳар хил фитначилар бирдан бош кўтарганлар. Девонда ва бутун маҳкамаларда хиёнат, ришват[1] зўрайган. Давлат жиловини қўлга олган Мажддиддин бутун яхшиликларга аждаҳодай олов ва заҳар пуркамоқда. У ўзини подшоҳнинг ноиби ҳисоблайди. Навоийнинг дўстлари, яқинларигина эмас, ҳатто унинг шоирлигини мақ-

---

[1] Порахўрлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

таганлар, адолатига тан берувчилар, хайрихоҳлик кўрсатувчилар ҳам Маждиддиннинг омонсиз гурзиси остида қолганлар. Маждиддин хазинага маблағ тўплаш ниқоби остида халқни талаб, яланғочламоқда. Бош вазирга ҳамқур бўлган баъзи беклар ва ҳар хил амалдорлар бир ёрлиқ билан катта ерлар олиб, тантанали зиёфатларда, мажлисларда ҳафталаб майхўрлик қиладилар, қимор ўйнайдилар. Бундай қабиҳ, ҳаром уяларга қизларни келтириб, уларни фаҳш, фисқ-фужурнинг сассиқ тутуни билан бўғадилар.

— Жаноб Мир,— деди ниҳоят хўрсиниб Хўжа Афзал.— Ҳиротдаги машъум ҳодисаларни айтишдан тил ҳам чўчийди. Охири бахайр бўлсин! Мен олло таолога ҳазор-ҳазор шукур қиламенки, ёруғ юзингизни кўриш яна менга насиб бўлди. Мени мансабдан ҳайдаганларидан кейин, жонимга қасд қилдилар. Анво макр-ҳийла билан кунларимни заҳарладилар. Аммо, ўз қудрати билан менга жон бахш этган тангри яна у жонни асраб қолди.

Навоий дастурхоннинг учини бармоқлари билан ҳимариб, сукут қилди. Унинг кўзларида ватан қайғуси ёнар эди. Ҳозир у Ҳиротда қайнаган зулм тўлқинларга ташланиб, тақдирнинг ажойиб ўйини орқасида саломат қолган қадрдон дўстининг берган маълумотларини кўкракни сиққан ғазаб ва руҳни қизғин темирдай куйдирган алам билан бир-бир ўйлаб, маълум хулосалар чиқариш билан машғул эди.

— Дўстим,— деди бошини кўтариб шоир,— сиз деган алам-ангиз[1] манзараларни мен қулоққа чатилган баъзи хабарларга суяниб, тахминан тасаввур қилар эдим. Лекин давлат одамларининг разолат балчиғига бу қадар ботиб кетишларини хаёлимга келтирмасдим. Ер суриб, экин экмоқ учун деҳқон бўлиш керак. Чўчқалар тумшуқлари билан экинларни ўпирадилар, холос! Биз бу аҳволга ҳеч қачон томошабин бўлиб турмаймиз. Юртнинг қоронғу кечасида ақл машъалини яна баланд кўтарурмиз.

— Бирон манфаати тегармукин?— умидсизларча деди Хўжа Афзал.

— Тўғри, баъзи махлуқлар нурдан зулматни ортиқ билурлар. Масалан, кўршапалак учун ҳаёт тун кириши

---

[1] Қайғули, ёқимсиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бошланур. Афсуски, жаҳоннинг ҳусни ва кўрки бўлган инсонлар орасида замонимизда шундай зиё душманлари кўпдир. Ақлнинг тантанаси уларни, кучли сел ер юзидаги ахлатларни сургандек, ҳаёт майдонидан адамга[1] судради. Бинобарин, биз қаерда бўлмайлик, юрт учун ақлнинг муқаддас оловини қўруқлаймиз. Биз мисоли темирчимиз. Зулмнинг кишанларини ақлнинг ўтхонасида эритиб, ундан ҳаёт учун керакли асбоблар ясармиз. Дўстим, маҳкам эътиқод керак!

Хўжа Афзал ҳеч нима дейишни билмай қолди. У Ҳиротда кўрган уқубатлари соясида ҳаётдан безгандек эди. Яна қайта бошдан Навоий бошлиқ ўз дўстлари билан собиқ вазифаларни бажаришни тасаввур қилолмасди. У қувғинди Навоийни ҳам шу кайфиятда деб ўйлар эди. Лекин ҳозир Навоийнинг чуқур ишонч ва қатъият билан айтган сўзлари уни қаттиқ таажжублантирди. У ичида: «Қамоқдаги шернинг ғайрати эркинликдагидан ҳадсиз ошибди!» деб қўйди-да, кейин Астробод ишлари ҳақида сўради. Навоий бу вилоятнинг кам-кўстлари, халқнинг энг зарур эҳтиёжлари тўғрисида қисқа сўзлаб берди ва ниҳоят кулиб деди:

— Бу ернинг ҳокимлари, лўлининг чирмандаси ёрилса, гардиши маймунга ўйинчоқ бўлади, деган мазмунда бемаъни, жоҳилона ишлар билан машғул бўлган эканлар, деб гумон қиламен.

Хўжа Афзал қора, қийғоч, кичик кўзларини қисиб «қиҳ-қиҳ» кулди. Кейин бирдан ўзини тийиб: «Тузишдан кўра кўпроқ бузганлар денг!» деди.

— Бузишдан гўё завқ олганлар,— деди Навоий аччиғланиб.— Аҳвол шундай экан, яна хазинага тоғ-тоғ олтин тўпламоқни хаёл қиладилар. Астробод — савдоси катта шаҳар, лекин хароб!

Вақт намозгарга яқинлашган эди. Таҳорат учун ўринларидан турдилар. Кечки овқатга Астрободнинг баъзи пешқадам олимлари ва баъзи мансабдорлари таклиф этилган эди. Зиёфат кўнгилли ўтди.

Эртаси хуфтондан кейин Яқуббекнинг элчилари тантана билан кириб келишди. Ташқарида отлар кишнашиб, навкар ва мулозимлар бақиришиб-чақиришиб, бутун қўрани жонлантириб юборишди.

---

[1] Йўқлик, ўлим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Яқуббекнинг одамлари Навоий билан ғоят самимий кўришиб, совғаларни тақдим этдилар. Баҳодирларча оддий, улуғвор кийинган, жанговар туркман йигити, муқаддас ишни бажарган каби, чин ихлос билан Яқуббекнинг мактубини шоирнинг қўлига узатиб, орқага тисланди. Навоий меҳмонларга миннатдорчилигини билдириб, ҳар бирининг ҳол-кайфини айрим-айрим сўраб, ўтиришга таклиф қилди. Меҳмонлар гўё олдиндан тил бириктириб қўйгандай, тараддудсиз, ҳар қайсилари ўз рутбаларига мувофиқ ўринни ишғол этдилар.

Навоий мактубни ичида ўқиркан, юзларидаги қувонч ўзини кўрсатиб турарди. Бу мактуб Яқуббекдан Ҳиротда олинган илгариги номаларга қараганда, яна чуқурроқ муҳаббат, қадрдонлик туйғулари билан тўла эди. Навоий қоғозни букиб тиззасига қўйди-да, Яқуббекка бўлган миннатдорчилигини билдирди. Самимий, жонли суҳбат алла-паллагача давом этди.

Бир неча кундан сўнг Навоийнинг Яқуббекка совға-саломларини олиб меҳмонлар жўнаб кетди. Бир неча ҳафтагина Навоийнинг олдида туну-кун бирга бўлиб, пойтахтда бўлган ва рўй бераётган воқеаларни мулоҳаза қилиб, Хўжа Афзал Макка сафари учун йўлга чиқди. У аввалги мавқеда бўлса эди, у чоғ «муқаддас ерларни» зиёрат этиш ҳавоси билан бунчалик ёнмасди, табиий Хўжа Афзал Ҳиротда ишнинг ўнғалишига, душманларнинг таслим бўлишига ишонмагани учун, дилгир эди. Ватанни тарк қилишдан ўзга чорани тасаввур қила олмасди. Шунинг учун Навоий сафар муҳлатини орқага суришни илтимос қилса-да, у унамади.

Навоий яна Астрободдаги таниш-билишлари билан қолди. У тинмасдан ишлади. Ҳар кун маҳкамада катта-кичик ҳар қандай масалани ўзи ҳал қилади. Шаҳарликларни ва туманлардан арз ва шикоятлар учун келганларни қабул этади. Қолган вақтларда, аксари кечалари «Чаҳор девон» билан машғул. Ҳамма вақтни иш билан тўлдирса ҳам, айрим пайтларда ўз аҳволини ўйлаб, ичи ҳақсизликка қарши ғазаб билан тўлади. Дўстлардан келган хатлар пойтахтда вазиятнинг кундан-кун оғирлашганидан дарак беради.

Шоир мамлакатда «бузуғлиқ» даври бошланганига ҳар кун янги далил ва исботлар кўрди. Нима қилиш керак? Дунёнинг ҳой-ҳуйидан «этак силкиб», фақир ва фано йўлини тутсинми? У дарвешларни севарди. У хона-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қоҳларда, такяларда уя қуриб халқни талаган «ҳирқапўшлар»га қанчалик нафрат қилса, ўз хаёлида тасаввур этган ва тарихларда нодир учраган ҳақиқий дарвешларга шунчалик муҳаббат туярди. У дарвешликни ҳақиқат ишқи, донолик манбаи деб тушунар эди. Ўқтин-ўқтин кўнгли бу манба қайнаган, аллақандай соф, нур диёрларига қанотланарди. Аммо ватан, халқ тақдири фалокатлар остида қолган пайтда, «гўшанишинлик» ни[1] мақбул кўрмас эди.

Шоир баъзан соатларча ёлғиз ўзи ўйга чўмиб, мамлакат кўкига чўккан «бузуғлиқ» булутларини қандай қувиш масаласи устида турли йўллар оқтарар эди. Ҳиротдан, мамлакатнинг қалбидан узоқда, ҳар нав жосуслар билан ўралган бир ҳолда, у нима қилиши мумкин? «Ҳақиқат овозини баланд қўяй, тахтдагилар эшитмаса, ёки эшиткулари келмаса, бу садоларга чанқоқ кўнгиллар йўқ эмас» деб ишонади. Давлатни мустаҳкамлаш, мамлакатни обод, халқни шод қилмоқ учун зарур бўлган дастурлар ҳақида мулоҳаза юритади. Тўғрилигига асло шубҳа қилмаган, минг бир мушкилотга, монеларга қарамасдан, ўзи бир вақтлар амалга оширишга жаҳду жадал этган сиёсий ақидаларни яна чуқур ўйлаб чиқади. Подшоҳдан бошлаб, маҳалла қоровулигача ҳар мансабдорнинг вазифаси, фаолияти, ахлоқи нимадан иборат бўлишини ипидан нинасига қадар белгилайди. Ҳақиқат ва адолатнинг муаззам оҳангини ташкил этиши керак бўлган бу фикрларини қунт билан ёзиб, айрим мактубларда Ҳиротга юборишга киришади.

Гоҳо шоирни, гўё уйқу босгандек, чарчоғлиқ эгаллаб олади. У мусиқий тинглайди, ё ўзи чалади. Ёки қаламни олиб илҳомнинг шафақдай соф, ранго-ранг булутларига ўралади-да, тоғларда оромбахш уйқудан тонг еллари билан уйғонган кишидек, ўзини енгил сезади.

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

### I

Ҳовлида енгларини тирсаккача шимариб, кўйлак ёқасини оппоқ ўмзига тушириб, бош ювиб ўтирган Дил-

[1] Тарки дунё қилиб, одамлардан узоқ яшаш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дорнинг тепасига Арслонқул келиб: «Қани, тез бўл! Масаллуғни қаерга қўяй?» деди-да, икки қўлтиғида бозордан келтирган тугунларини кўрсатди. Хотини тимқора, офтобда аллақандай товланиб ялтираган силлиқ сочларидан бармоқлари билан сувни силқитиб, эрига қаради:

— Ахир, ҳали вақт эрта-ку.

— Меҳмонларни эрта билан бозор кетишда айтганмен. Намоз жумадан чиқиб, тўғри бизникига келишади.

— Ошхонага қўйинг. Гўштни мўлроқ олдингизми? Меҳмонларингиз нозик одамлар. Унақа-мунақа таом билан кузатиш уят бўлади,— деди-да дурдек тишларини ярқиратиб кулди Дилдор.

Арслонқул ошхона томон қайриларкан: «Шунча таърифларини қилсам ҳам ҳалигача уларнинг феълидан бехабарсен. Бир товоқ аталамизни бир товоқ илик деб биладиган одамлар» деди.

Катак-катак бўз кўйлак кийган тўрт яшар Ойниса айвондан пилдираб тушиб, дадасининг орқасидан югурди: «Дада, ҳалво беринг!» Арслонқул ошхонада тугунларнинг бирини очиб қизчасига бир кесим ҳалво берди. Кейин халтадаги пиёздан этагига тўкиб, ошхона ёнида ўтин ёриш учун ишлатиладиган тўнкага ўтириб пиёз арча бошлади. Букун у одатдагидан кўра хурсанд... Паст овоз билан, ўзича, қурама ашулалар ҳам айтиб қўяди. Баҳор қуёши унинг кенг, иродали пешонасида жим-жим ялтирайди. Ҳовлидаги олича оппоқ кўркам гулда. Томларда болалар, ҳатто кўкраги билиниб қолган дуркун-дуркун қизлар тўда-тўда бўлишиб ўйнашиб юрадилар, жарангли овоз билан шўх қўшиқлар айтадилар.

Арслонқул бир вақтлар Дилдор билан топишгандан кейин, ўз қишлоғига қайтмаган эди. Бир неча йил Ҳиротда яшаб, унинг аччиқ-чучугини тотиб, таниш-билиш ортдирган шаҳарни тарк этиш оғирдек туюлди. Дилдор, унинг ҳасратида ўрганган бувиси ва дадаси ўлиб кетганини эшитиб, эрининг қарорига тамом қўшилди. Бунинг устига, Арслонқулнинг холаси — Зубайда кампир ҳам уларни қўлдан чиқаришни истамаганди: «Пешонамга худо фарзанд насиб қилмади. Энди уй-жойга эга бўлинглар. Чол-кампирни кўминглар. Биздан кейин чироғимизни ёқиб ўтирсангиз, арвоҳимиз хурсанд бўлади» деб ялинган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бақувват, ҳар ҳунарга қизиққан Арслонқул учун катта шаҳарда ҳар хил иш топилиб турарди. Бундан ташқари, Дилдор яхши чеварлардан бири ҳисобланиб, кийим-кечакка зеб берадиган нозик оилаларнинг кийимларини тикар эди. Шунинг учун, эр-хотин қўш ҳўкиз бўлганларидан қаттиқ эҳтиёжларга ҳали дуч келмаганлар. Узоқ ва аччиқ айриликдан сўнг, эҳтимолдан ташқари қийинчиликлар орқасида топишганларидан, уларнинг юраклари шундай яқин эдики, улар бир-бирларига бирон ортиқча сўз айтишдан қўрқардилар. Уларнинг ҳаётлари қўни-қўшнилар учун эрмак эди. Хотинлар: «Ҳазрат Али билан Биби Фотима ҳам бир-бирларини бундай сийламагандирлар» деб қўйишарди. Мана, ҳозир улар бир қиз ва бир ўғилнинг ота-оналари. Бундан бир неча кун бурун ўғилча думалаб-сумалаб атак-чечак қила бошлади. Кеча Дилдор қўшни хотинларни йиғиб «тўйча» қилиб берди: кампир қўғурмоч қовурди. Қозонда патирлаган қўғурмочни қўлларининг куйишига қарамай, ҳовучлаб-ҳовучлаб олиб, боланинг устидан сочдилар, унинг семиз, тиқачоқдай оёқлари орасидан, махсус ёпилган, пиёланинг тагидай кичкина кулчаларни юмалатиб ўтказдилар. Бўзчи қўшниникига чарх йигириш учун йиғилган қизлар девор ошиб тушиб, бир зумда уйни қий-чув билан, ўйин-кулги билан тўлдириб, Дилдорни бениҳоят хурсанд қилдилар. Бугун эса Арслонқул ўз гали билан, ниҳояти икки меҳмон — Султонмурод билан Зайниддинни уйга таклиф қилган эди.

Дилдор сочини кампирга нари-бери ўрдириб, боласини эмизиб, эрининг ёнига келди. «Пиёзни кўпроқ тўғранг, манти қиламен» деб ошхонага кирди. Тугунлардаги гўшт-ёғни, мева-чеваларни бир-бир кўздан кечириб, чамалаб, яна чиқди. Арслонқул пиёз ҳидидан ёшланган кўзларини енг учи билан артиб, унга қаради. Дилдорнинг юзида мамнунликни сезиб, жилмайиб деди: «Оз эмасми, жоним?»

— Йўқ, нақ кўнглимдагидек...— жавоб берди хотин.

— Эй, уларга жонимни бағишласам ҳам оз,— солмоқланиб гапира бошлади Арслонқул.— Сенга нимасини гапирамен, ҳаммаси ўзингга аён.

— Ўғлимиз ҳам Султонмуроддек олим бўлсин!— деди самимият билан Дилдор.

— Ақлнинг хазинаси-да,— бошини ишора қилиб деди Арслонқул,— бир вақтлар қайси бир мамлакатдан қай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

си эди, ҳа, Румдан, оти эсимда йўқ, бир нарса — «Чалабий» деган зўр олим келган. Ҳиротдаги мадрасаларда дарсгўйлик қиладиган жамики олимлар бир томон — ҳалиги олим ёлғиз ўзи бир томон бўлиб масала талашибди. Чалабий дам осмондаги юлдузлардан гап очармиш, дам қарасангиз, аллақайси замонда ўтган Афлотун[1] ҳаким тўғрисида гапирармиш, дам қуръондан оятларни қаторлаштириб ташлармиш. Дам ерни ўлчаш тўғрисида масалахонлик қилармиш. «Қани, ҳаммасига жавоб берינглар!» Бизникилар баъзисига тўла жавоб беришибди, баъзисини яримта-юримта қилиб қўя қолишибди. Баъзи йўғон масалаларга келганда, ғулдирашиб, ўҳу-ўҳу қилиб, бошларини қашиб, «сен жавоб бер» деб бир-бирларини имлашиб, туртишиб, хулласкалом мот бўлишибди-да.

— Султонмурод ҳам мот бўлибдими?— ҳаяжонланиб сўради Дилдор.

— Э, жоним, гапнинг энг ширин жойига келганда кесасенми-я! Йўқ, Султонмурод нима учундир ҳаммадан кейин келибди. Ўзи тортинчоқроқ-да. Келибди-да у олимнинг қаршисига тиз чўкиб олибди.— Шу вақтда Арслонқул пичоқни улоқтириб этагини қоқиб ўрнидан туриб кетди.— Ҳамма чурқ этмасдан кўзини ерга қадаган эмиш. Чалабий деганимиз уни назар-писанд қилмасдан, гаплашкиси келмабди. Ана шунда Султонмурод бир-иккита ғалати-ғалати масалани кўндаланг қилибдику. Бу нарса Чалабийнинг қитиқ патига тегиб, тилни оловдай куйдирадиган масалалар ундан ҳам чиқаверибди. Бора-бора, бафармони худо, тортишув шундай қизиб кетибдики, «Ҳавзи Моҳиён»да Паҳлавон Олам билан[2] Молон Паҳлавоннинг[3] курашини унинг олдида бир ўйинчоқ дея бер!

— Охирида ким енгибди?— сабрсизланиб сўради Дилдор.

— Охири Чалабий деганимиз, худди мушукнинг чангалидан қочиб қолган сичқондай, кавак қидирибди!— деди-да Арслонқул шундай қизиқ бир ҳаракат қилдики, Дилдор беихтиёр хахолаб кулиб юборди. Айвонда хамир ёйиш билан овора бўлган кампир койиган овоз би-

---

[1] Қадим юнон файласуфи.
[2] Муҳаммад Саид Паҳлавон. Навоийнинг дўсти.
[3] Ҳусайн Бойқаронинг паҳлавонларидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лан қичқирди: «Нима ҳангама? Қиймангни қилмайсанми, болам!»

Намоз жумадан кейин Арслонқул Султонмуродни кутиб олди. Ҳовлида юмуш қилиб юрган Дилдор узоқдан бошини бир оз эгиб: «Ассалом»— деди-да, алланечук уялиб, кўзларини ерга тикди. Дилдор олимнинг букун вазиятида бундан илгари икки марта сезган ўзгаришни кўрди. Биринчи марта, Тўғонбек ҳужрага бошлаб кирганда (буни Дилдор кейин эслаган эди), иккинчи марта, зиндондан қутилган чоғда ҳам худди шундай ҳолни сезган эди. Яна ҳозир унда айни ҳолат... Кўз очиб юмгунча унинг бошидан бир фикр ўтди: «Наҳотки кўнгли менда бўлса»!

Султонмурод титрак овоз билан «Саломатмисиз, синглим, кўп яшанг» деб, бир зумда оёқлари тамом ҳолсизлангандек, калавланиб, Арслонқул бошлаган хонага кирди. Унинг бахтига ҳарқалай Арслонқул хона ичига кирмасдан, эшикда туриб: «Марҳамат қилинг, тақсир, марҳамат» деб ўзи бир зумда кўздан йўқолди. Султонмурод катта саллани олиб, пешонасидан совуқ терини артди ва ичдан келган бир хўрсиниш билан чуқур сўлиш олди. Юрак ҳовлиқишини ирода билан босишга тиришди.

Руҳи қандай қилиб изтироб чекмасин! Йиллар Дилдорнинг ҳуснини яна камолга етказган. У тўлишган. Қадди-қомати расоланган, юзи ва бутун сиймоси кўркам жиддийлик касб этган. Султонмурод бу сифатларни бир он ичида, кўз тушиши биланоқ, ҳис этган эди. Дилдорнинг уйида танҳо ўтириб, шипга, деворларга, катта токчалардаги рўзғор асбобларига бир-бир разм солди. Энг оддий нарсалар унинг кўзига аллақандай мўъжизали бўлиб туюлди. Бирдан боши, беихтиёр равишда, қия очиқ даричага ўгирилди. Ҳовлида ҳеч кимни кўрмади. Лекин дарров у ичида: «адаб, сафват!» деди-да, ўз руҳининг заифлиги учун ўзини койий бошлади.

Султонмурод ишқни олийлаштириб, дастлаб ўзининг бахтсиз муҳаббатига ўлгунча содиқ қолмоққа қарор қилган эди. Кейин дўсти Зайниддиннинг қистови билан ва машғулотларига турмушнинг икир-чикири монелик қилмасин, деган мулоҳаза билан бу фикрдан воз кечишга мажбур бўлди. У ўзининг илмий обрўси орқасида Ҳиротнинг молдор оилаларининг гўзал, сатанг қизларига, ёки уламо ва фузало оилаларининг ўқимишли, тар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

бияли, шоира қизларига қулайлик билан уйланиши мумкин бўлса ҳам, лекин ҳаётнинг бундай муҳим ҳодисасига юрак билан киришмаганидан, кимсасиз, содда, етим бир қизни икки йил бурун «бир қошиқ сув билан» никоҳ қилиб олди.

Хурсандликдан учиб қўнган Арслонқул дастурхон ёзди. Дилдор тонг қоронғусида ҳавсала билан ёпган нонларни қалаштириб ташлади. Нонни ушатиб: «Марҳамат» деркан, Зайниддиннинг кечикканлигига таассуфини билдирди. Султонмурод энди ўзини хийла тутиб олиб: «Биласизку, ҳар қадамда ёр-ошнаси бор, бирон жойда суҳбатдадир» деди.

Катта олим билан содда йигит ҳар қачон учрашсалар, бир-бирларига яқин тил топар, оддий мавзуларда мароқли суҳбатлашар эдилар.

— Меҳмонни лазиз овқатлар билангина эмас, ширин латифалар билан ҳам кутмоқ керак,— деди кулиб Султонмурод.

— Овқат дарвозаси билан сўз дарвозаси битта, очиб юборинг, тақсир.

Ҳиротнинг ранг-баранг ҳаётида шу кунларда юз берган қизиқ воқеалар, ҳодисалар ҳақида гангур-гунгур сўз кетди. «Ҳавзи Моҳиён»да ироқли Муфрид қаландар билан Ҳирот авбошларидан Халилнинг таёқ уришмаси, уларга подшоҳнинг инъомлари, Муҳаммад Саид Паҳлавон Ҳиротга яқинда келиши кутилган машҳур паҳлавон билан курашга солиш учун ўзининг ўн етти ёшли жиянини «гуштигирлик»[1] илми асосида қандай қилиб тайёрлаётгани, Ҳирот ҳунармандлари бу йил халққа кўрсатиш учун ажойиб бир шиша ясаб, унга ҳар нав расмлар ишлаганлари ва ҳоказо тўғрисидаги гапларнинг ҳали кети узилмаган эдики, Зайниддин етиб келди. Катта Ҳиротнинг, айниқса кибор доираларида рўй берувчи сирли, рангин ҳикоялардан эшитмоқ ниятида Зайниддинга қулоқ осдилар. У ўз одатига қарши, сўзга қизиқсинмади. Машҳур Султон Али «Қил қалам»[2] ёзган бир неча янги китобларни кўрганлиги ва улар хаттотлик тарихида ҳеч бир эришилмаган мислсиз санъат намуналари эканини санъаткорнинг самимияти ва завқи, вуқуфи билан Султонмуродга тасвирлаб берди. Кейин қора, кўр-

---

[1] Жисмоний тарбия илми.
[2] Машҳур хаттотнинг лақаби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кам, мойлангандек йилтираган мўйлабининг учини, катта Бадахшон ақиқи билан ёнган узукли ингичка бармоқлари билан бураб жим бўлди. Султонмурод жиддий, йирик, ўткир кўзлари билан дўстига зимдан тикилиб, уни ташвишга солган бир дардни сезди.

— Хаттотликда Султонали, расмда устод Беҳзод, шубҳасиз, замоннинг худо берган истеъдодларидир,— деди Султонмурод қошларини чимириб, ўз-ўзига сўзлагандек,— филҳақиқат, улар абадий асарлар ижод қилмоқдалар. Лекин сенинг қаламинг гоҳо-гоҳо шундай сеҳрий қувват касб этадики, мен, шу қаламни қоғоз устида инсон қўли тебратганми, деб ҳайрон қоламен.

Зайниддин лабларини тишлаб, қаттиқ назар ташлади.

— Мени юпантирмоқчимисен? Нималар сўзламоқдасен?

— Йўқ, асло! Мен ўз мулоҳазамни сўзлаймен. Исбот ва далил ҳожатми, чақиринг юртнинг санъаткорларини!— деди кескинлик билан Султонмурод ва худди мунозарага ғайрати тошиб кетгандай, ўрнидан бир чайқалиб қўйди. Зайниддин кулиб юборди.

— Соддасен, оқ кўнгилсен, кечирилмас даражада бепарвосен, алалхусус, ўз шахсингга доир масалаларда бепарволигинг ҳаддидан ошади. Мен, чинин айтайми, шунга хафамен.

Султонмурод ўйлаб, елкасини қоқиб деди:

— Бепарволик эмас, дўстим, мен ажойибулмахлуқотлар билан мубораза олиб боришни ўзимга лойиқ кўрмаймен. Ўзинг бир нафас мантиқи том билан ўйлаб кўр, ким у, мавлоно Шаҳобиддин? Менинг ҳар бир талабам унга дарс бера олур. Орқа-ўнгимдан ҳасад қилса, гуноҳи ўзига.

— Ахир, сенга ғоят ваҳим гуноҳлар ортмоқчилар, оддий ҳасад эмас,— деди куюниб Зайниддин.

Султонмурод қўлини силкиб, «нима бўлса бўлар» дегандек сукут қилди. Зайниддин, уни муфсид фикрлар[1] тарқатишда айбламоқчи эканларини, мавлоно Шаҳобиддин ўзига ўхшаш бир неча «нимча олим, нимча мулло» ларни уюштириб, ҳар ерда иғво тарқатиб юргани, агар Султонмурод бу кун-эрта ўз душманларининг йўлига сад чекмаса, беҳудага бирон фалокат остида

[1] Зарарли, бузуқ фикрлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қолиши мумкинлигини сўзлади. Султонмурод бирдан тутоқди. Унинг душманлари тарқатган бўҳтонлар гўё илондай унинг юрагини чақиб олган эди.

— Иғво!— деди қичқириб Султонмурод.— Илмнинг, фалсафанинг ҳақиқий дурдоналарини булар муфсид фикрлар десинлар! Мен улуми диния[1] билан бир қаторда мантиқ, ҳисоб, фалакиёт, фалсафа каби инсон закосининг муқаддас машъаллари билан, талабаларимнинг кўнгилларини танвир этамен.[2] Қошки бу нарсалар қуръон тиловот қилгандай осон бўлса! Юзларча китобларни кўрмоқ, турли олимларнинг фикрларини таҳлил этмоқ, қиёс қилмоқ[3], саҳв-хатоларини тузатмоқ — бу ишлар умрнинг эговидир. Лекин мен илм ошиқий бўлганимдан чидаймен. Булар бўлмаса, таҳсилнинг, мадрасанинг не ҳожати бор. Яна мен Навоий ҳазратларининг мадрасаларида дарс берурмен. Нафақаий нақдни[4] ул жанобнинг вақфларидан олурмен. Талабаларга қайси илмлардан қай даражада ўтмоқни Навоийнинг ўзлари кўрсатиб берган эдилар. Бу қандай туҳмат!

— Замона! Ҳамма иллат шунда,— деди Зайниддин қўлини тиззасига уриб.— Сен ва яна бир неча ҳақиқий олимлар Навоий кўрсатган тартиб ва жадвал билан иш қилурсиз. Асарларингизни унинг муборак номига бағишлайсиз. Ҳар муносабат билан, Навоийнинг фикрларини илгари суриб, унга тарафдорлик қилурсиз. Сиёсатнинг шатранж тахтасида Шаҳобиддинлар ёлғиз пиёдадур. Орқада қудратли доналар борки, қазо ва қадар сингари беомондирлар.

Кўзларини мўлтиллатиб, пешонасини буриштириб, диққат билан гапга қулоқ солган Арслонқул деди:

— Навоий кетди, Ҳиротдан файз-футур кетди. Аллақачон фотиҳа ўқиб қўйганмен бу шаҳарга ҳам, тожу тахтига ҳам... На деҳқонда, на ҳунарманд аҳлида ҳузур-ҳаловат қолди. То Навоийнинг ўзи келиб, ишни қўлга олмаса, ҳозирги ҳокимларнинг дастидан халқнинг на нони бутун, на жони саломат...

Султонмурод билан Зайниддин кулиб, кўзлари билан имлашиб, йигитнинг сўзини маъқулладилар. Зайниддин

---

[1] Диний илмлар.
[2] Нурлантирамен.
[3] Чағиштирмоқ.
[4] Моҳиёна.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сарой теварагида, вазирлар орасида Навоийга қарши фитналарнинг борган сари авж олганини сўзлаб, шоирнинг ҳали-бери қайтишига шубҳа билдирди. Арслонқул дарди ичига сиғмагандай, уҳ тортиб ўрнидан турди. Султонмурод узоқ замон хомуш ўтирди. Ниҳоят, уни «бепарволик»да айблаган дўстига мурожаат этиб, ундан йўл-йўриқ кўрсатишни илтимос қилди.

— Мажддиддиннинг ҳузурига бор, ҳақингда бўлган туҳматлардан уни огоҳлантир. Ҳа, кечикмасдан, балки шу бугун мурожаат эт!— деди Зайниддин таъкидловчи оҳанг билан.

— Мен ҳақсизликдан бўрига шикоят қилайинми? Бунда қандай маъно бор? Валлоҳи, тушунмаймен!

— Мажддиддин билсинки, у кирдикорларни гарчи ғоят усталик билан хаспўш қилишга интилса ҳам, ўз ифлослигини одамлардан яширолмайди. Мавлоно Шаҳобиддин устида айтган ҳар бир ҳақиқий сўзинг Мажддиддиннинг ўзига тош бўлиб тегаверади.

Султонмурод дастлаб тараддудланиб, баъзи қийинчиликларни кўрсатса-да, кейин бу таклифни қабул қилди. Бугун кечқурун унинг уйига боришга қарор бериб, бу иш билан боғланган баъзи жиҳатлар ҳақида Зайниддин билан узоқ фикр олишди.

Арслонқул катта бир лаганда усти қатиқли, мурчли манти олиб кириб, ўртага қўйди. Кейин токчадан иккита каттагина сопол шишани олиб «даф савдо учун» деб қизил тиниқ майни қулқуллатиб кичик, ихчам пиёлаларга қуйди. Султонмурод пиёлани оғзига олиб борди-да, бирдан бошини кўтариб ўқиди:

Май хўрдану шод будан ойини манаст
Фориғ будан зи куфру дин,дини манаст
Гуфтам бааруси даҳр кобини ту чист,
Гуфто дили хуррами ту кобини манаст[1].

Кейин Арслонқулга маъносини тушунтирди. Унга жуда ёқди: «Майдан ҳам тотли сўзлар экан-ку бу шеър» деб тебранди. Учовлари хурсандлик билан пиёлаларни бўшатдилар-да, емоққа бошладилар. Май ўткир эди. Яна бир пиёладан ичилгач, одатда оз ичадиган Султон-

---

[1] Менинг йўлим, маслагим май ичиш ва шодланишдир, диний ишлардан узоқ турмоқ менинг динимдир. Келинга ўхшаш дунёдан «Сенинг қалининг нима?» деб сўрадим. У: «Менинг қалиним сенинг қайғусиз шод кўнглингдир» деб жавоб берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

муроднинг юзлари қизариб, кўзлари ёна бошлади. Ундан ташқари, вазирнинг қошига борадиган бўлгани учун, уни ортиқ қистамадилар. Зайниддин билан Арслонқул яна икки пиёладан ичишди. Султонмурод тинмасдан Хайёмнинг энг гўзал рубоийларини ўқиб, маъноларини ажойиб усталик, чечанлик билан изоҳлашга бошлади. Майга доир яна бир кўп арабий, форсий, туркий гўзал байтлар, рубоийларни қаторлаштириб ташлади. Зайниддин қизиқ латифалар сўзлади. Айниқса, мударрис мавлоно Фасиҳиддин ҳақидаги ҳикояси узоқ ва қаттиқ кулдирди: кекса мударрис мавлоно Фасиҳиддин бир кеча нуқул ўспуринлар билан май базми тузибди. Хийла май ичишиб, мусиқий авжга чиқиб, жон олғич қўшиқлар янграб, базм доли-гулига етганда, шишаларда май қолмаганлиги билинибди. Қоқ ярим кеча; шу вақтда базмни совутмасдан, четдан май топиб келишнинг иложи йўқ. Базмчилар шишалар тагидаги қуйқумни сузмоққа қарор қиладилар. Шу паллада маст-аласт шавққа тўлган мавлоно Фасиҳиддин кўркам оппоқ соқолини тутамлаб, ёшларга шундай дейди: «Мен бу соқолимни қанча-қанча йиллардан буён ҳар кун неча маҳал собун билан ювиб, тараб келамен. Агар бу соқол шу онда коримга ярамаса, сассиқ алафдек юлиб ташлаганим яхши. Қани, йигитчалар, ерга идиш қўйиб, май қуйқумини соқолим билан сузинглар!» Мажлис аҳли бир-бирларини қучоқлаб, маст сурон кўтариб, мударриснинг оппоқ соқолида майни суздилар!

Бу ҳикоя қўзғаган давомли кулгидан гўё чарчагандек, бир нафас сукут, сўлиш олдилар. Кейин Зайниддин қайдандир танбур топтириб, қизларникидек нозик, чаққон бармоқлари билан чертди, ишққа, ҳижронга доир чуқур ҳазин ашула айтди. Ҳар бир сўз Султонмуроднинг юрагига чўғдек ёпишарди. У, садоларнинг дардли, севгучи руҳ учун ширин сеҳрига берилиб, бошини қўллари орасига олди-да, жим қотди. Куй битгач, дўстига чуқур қайғу ифодалаган бир назар ташлади. Зайниддин олимнинг юрак сирини пайқади шекилли, танбурни деворга тираб қўя қолди.

Кун хийла оғгандан сўнг меҳмонлар Арслонқулга миннатдорлик билдириб, унинг ўғилчасига яхши тилаклар баён қилиб, ўринларидан турдилар. Зайниддин ўз уйига жўнади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод вазир билан бўлажак мулоқотини[1] ўзича тасаввур қилиб, Ҳиротнинг шимол томонига қараб, дадил юриб кетди. Тор кўчалардан кенг йўлга чиқди. Жума бўлганидан ҳамма ёқда одам қалин. Бир неча навкарлар қиличларини яланғочлаб, шаробхонада маст бўлиб ханжарбозлик қилган авбошларни олиб кетмоқдалар. Уларнинг кетидан болалар ва текин томошага ўч бўлган катта-катта одамлар ўзаро қичқиришиб, бирини ёқлаб, бирини қоралаб судралиб бормоқдалар. Зарёқа тўнли, олифта этик кийган бекзодалар гўзал туркман отларини гижинглатиб даладан, «чавгон» ўйинидан қайтадилар. Ҳиротнинг фақирлари учта-тўрттадан бўлиб, эндигина мирғак барглар чиқарган ва қуёшда шаффоф яшилланган дарахтлар остида, хиёбонлар бўйлаб «маччойи сайл» қилиб юрадилар. Узоқда азамат қўрғонларнинг кунгиралари, баланд миноралрнинг хилма-хил оловланган нақшлари, боғчалар орасида ажойиб руҳафзо кўшклар, кошоналар, ҳам бир-бирларининг устига мингандек, чаплашиб кетган паст, бузуқ-ёриқ, қинғир-қийшиқ фақир уйлар, эгар-жабдуқлари кумуш билан ишланган тулпор отлар, кир тўқимли ориқ-тириқ эшаклар, кимхоб жомалар ва ямоқ-ясқоқ олача яхтаклар ҳаётнинг қурама манзарасини ташкил этарди.

Султонмурод «Ноибуссултон»[2]нинг янги боғига етиб, навкарлар, мулозимлар қайнаган дарвозада тўхтади. Синовчи назарлар, бурун ва юзларнинг сезилар-сезилмас қийшайишлари таъсири остида содда олим ийманиб, бир лаҳза тили қотди. Ичида Зайниддинни койиб ҳам қўйди. Ниҳоят, ўзини кулунч аҳволдан қутқоришга жасоратланди. Кийими ва ўзини тутиши билан бу ердагиларнинг бошлиғи экани кўриниб турган баҳайбат бир йигитга мурожаат қилди:

— Мажддиддин Муҳаммад жанобларига мулоқот ниятида келмиш эдим. Марҳамат қилиб мени ул зотнинг олий ҳузурига бошласангиз.

Мулозимдан ҳадегунча дарак йўқ. Султонмуроднинг мадраса аҳлига хос бўлган ғалати тажанглиги тутиб, у ёқ-бу ёққа юриб турганда, орқасида шаҳзодаларнинг хос йигитларича кийинган иккита хушрўй йигитни эргаштириб, отларда Тўғонбек чақмоқдай етиб келди. Нав-

---

[1] Учрашув.

[2] Султоннинг ноиби — Мажддиддин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

карлар ҳансираган отларнинг жиловидан тутдилар. Тўғонбек чавандозларча чаққонлик билан отдан тушиб, қизарган кўзларини Султонмуродга тикди-да, бирдан тиржайди.

— Бу ерларда не қилиб юрибсиз, махдум?

Султонмурод расмий одобга риоя қилиб, Тўғонбек сари илдам юриб борди ва унинг темирдай маҳкам, дағал қўлларини сиқди-да, ўз муддаосини сўзлади.

— Юринг биз билан. Мен сизнинг илмингизни биламен. Эски қўлдошларимдансиз,— деди ширакайфлик билан Тўғонбек.

Улар ичкари юраркан, навкарлар, мулозимлар четланиб, таъзим қилдилар. Султонмуроднинг кўзига катта боғ очилди. Тўғонбек уни баҳор нафаси билан янги уйғонган гулзорлар, мунтазамлиги, тозалиги, латофати билан гўё хаёлий каби кўринган сарвзорлардан олиб юрди. Унда-бунда дарахтлар орасида катта ойна доиралари билан жим-жим йилтираган ҳовузлар учраркан, Султонмурод беихтиёр суқланиб қараб қоларди. Тўғонбек қўлини силкиб: «Бахмалдай қип-қизил май билан тўла ҳовузларни кўринг ва таажжубланинг... Мана бу кеча шаҳзода Музаффар Мирзонинг мажлисида ҳовуздан шароб ичдик. Охирда бир-икки тўймағурни улоқтирдик, майда чўмилди» деди. Доира шаклида янги катта гулзорга чиққанларида, қаршида икки қабатли зангин, баҳаво бино гавдаланди. Тўғонбек тўхтади ва бинони кўрсатиб, «Ҳеч тортинмасдан кираверинг, албатта қабул қилурлар» деб қўл учи билан хайрлашиб, бошқа томонга бурилиб кетди. Султонмурод бино ичига кириб, қимматли, ойнадай силлиқ тош билан қопланган тўгарак саҳнда тўхтади. Бу саҳннинг тўр тарафидаги олтин ҳалли эшиклар орқали хоналарга кирилар эди. Шу вақтда сўл ёқдаги эшикдан ҳалиги қоматдор мулозим чиқиб, тўрдаги энг зангин эшикка ишорат қилди.

Султонмурод ўзини қатор даричалари боққа қараган катта, чор бурчак хонада кўрди. Тўрда сирти хитойи шоҳилар билан қопланган тўшакда, вазирларга хос кийимда чордона қуриб ўтирган Мажддиддин Муҳаммад, гўё оёғини ўпишга тайёр бир хокисор муридни қабул қилган кибрли эшондай пинагини бузмасдан қаршилаб, қўл учини узатди. Султонмурод рухсат тилаб, анча пастга, девор тагига тиз чўкди. Бу хона анвои қийматли буюмлар билан шундай музайян эдики, ташқи безаклар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

га, бойликка эътибор бермайдиган олимнинг кўзлари ҳам беихтиёр жовдираб кетди: «Бу хона учун ёлғиз олтин тахт етишмайди»— ўйлади ичида у. Кейин сунъий



«Навоий» романи қўлёзма нусхасининг бир саҳифаси
Адибнинг шахсий архивидан.

бир йўталиб «вақтсиз келиб, зоти олийнинг муборак кўнгилларига азият етказганини» сўзлаб узр тилади. Мажиддин йирик марвариддлардан тизилган тасбиҳини бармоқлари орасида ўйнаб, одатдаги асабийлиги, кибри билан пўнғирлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Муддаонгизни баён қилинг!

Султонмурод ўзи тўғрисида баъзи кимсалар томонидан нохуш гаплар тарқатилганини, буларнинг тамоман маъносиз бўҳтон эканини, бўҳтончилар билан унинг орасида ҳеч қандай хусумат ва адоват йўқлигини билдирмоқ учун келганини сўзлади.

— Бизга нима алоқаси бор?— заҳарханда билан деди Мажддиддин.— Айбсиз ёлғиз парвардигордир. Модомики ҳаққингизда шу қабилда сўз юрур экан, албатта, беҳуда бўлмаса керак деб ўйлаймен. Толиби илмларнинг кўнгилларига қандай фикрларни талқин этмоқдасиз — бу саволни бир карра ўзингиз мулоҳаза қилдингизми?

Султонмурод ўз дўстининг хавфсирагани ўринли эканига энди тамоман ишонди. Ҳақиқатни очиб ташлашга қарор қилди:

— Зот олилари, мен жоҳилларнинг қўлида беҳуда қурбон бўлмоқ истамаймен,— деди у дадиллик билан,— модомики мен талабаларимга талқин этган фикрлардан шубҳаланур экансиз, аҳволимнинг жиддийлиги равшандир. Мен сизни адолатга чақирамен. Зероки ҳаётнинг нашъу намоси адолат нурига боғлиқ бўлганидек, инсоннинг камолот даражаси ҳам адолат билан ўлчанур!— деди-да ўзи кўп йиллардан буён қандай илмлар билан машғул бўлгани ва талабаларга қандай илмлардан дарс бераётгани ва Юнонда, Арабда, Эронда, Ҳиндда қандай буюк олимлар, ҳакимлар бу фикрларга ўз умрларининг жавҳарларини сарф қилганликлари ва ҳоказо ҳақида батафсил сўзлаб кетди. Ниҳоят, ғазабига чидаёлмасдан қичқириб деди:— Жаҳолатнинг тимсоли мужассами бўлган Шаҳобиддинлар илм дарахтининг илдизига тушган музир[1] ҳашаротлардан бошқа нарса эмаслар. Ундай туфайлиларни[2] битирмоқ керак эди, афсус, минг афсуски, улар урчимоқдалар, қудрат касб этмоқдалар. Одамларга ўз заҳарларини олтин косаларга солиб, бол деб тутмоқдалар. Лекин ҳақиқат лоямутдир[3]. Шаҳобиддин каби жинояткорлар тарих олдида, наслларнинг пок виждони олдида юзлари қора, шармандаи шармисор бўлурлар.

Мажддиддиннинг ранги оқарди. Кўзларида аллақандай ёмон ифода жилваланди. Мошкичири соқолини си-

[1] Зарарли.
[2] Паразитлар.
[3] Ўлмайдиган, мангу.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб-силаб, тасбиҳига тикилиб қолди. Султонмурод, гапи унга қаттиқ текканига ишонди. Ичида хурсанд бўлди. Деворга суялиб, енгилланиб хўрсинди.

— Махдум, сиз қаерда ва ким ҳузурида эканингизни яхши идрок этишингиз лозим эди,— деди аччиғ билан Мажддиддин.

— Камина адаб доирасидан заррача чиқмаган бўлса керак,— бошини озгина эгиб деди Султонмурод.

— Муҳтарам уламо, фузалоларимиз орасида бу каби гина-қудрат ва адоватнинг бўлиши ғоят музир воқеадир,— холисона гапираётган кишининг оҳанги билан давом этди Мажддиддин.— Бу ҳолларни бартараф қилмоқ керак. Махдум, мен сизни бир жиҳатдан огоҳлантирарменки, ислом мамлакатида, динимизнинг истиноди[1] мусулмон комил подшоҳимиз давлатида мажусийларнинг, бутпарастларнинг фикрларига тақлид қилғувчиларга омон бермасмиз. Асло! Бу ҳақиқатни идрок этмаганларнинг ҳолига вой! Мен сизга улум диния билан кўпроқ шуғулланмоқни тавсия қилурмен...

Мажддиддин бошини терс буриб, қўли билан «гап тамом» дегандек ишорат қилди. Султонмурод илмлар ҳақидаги тушунчасини Ибни Сино, Форобий, Ғаззолий каби улуғ олимларнинг фикрлари билан асослаб, мантиқнинг гурзиси билан ўжар, мағрур, маккор вазирни михдек ерга қоқиб қўйиш орзуси билан ёниб турса ҳам, иложсиз қолди. «Ҳар бир ҳаракатда мувозанат ва меъёр зарур» деб ўйлади-да, рухсат тилаб, расмий тавозе билан эшикка тамон юрди.

У тўгарак саҳнда Абулзиёбойни яна Ҳиротнинг донгдор қутидор боёнларидан бир нечасини қабул кутиб туришганини кўрди. Хитой ва Мисрнинг қимматбаҳо матоларига беланган давлатмандлар, бу фақир мулло очкўзликдан нафақа тилаб, шундай олий даргоҳларга қадар бош суқибди, деб ўйлаган бўлсалар керак,— истеҳзо билан кўзларини ёмон тикиб, бир-бирлари билан маънодор имлашиб олишди. Султонмурод ўз маънавиятининг кучи билан бошини адил тутиб, дадил ва илдам юриб кетди.

Кечқурунги баҳор ҳавосининг нам салқинлиги кўкракка урди. Султонмурод ип, ипак аралаш ола байроқ тўнининг барларини бирлаштирди. Бино олдидаги кат-

[1] Таянч.



www.ziyouz.com kutubxonasi

та гулзорлардан икки катта йўл боғ ичига кириб йўқолар, яна ҳар тарафга илон изи бўлиб кетган ёлғиз оёқ йўллар кўп эди.

Тўғонбекнинг гапига овора бўлиб, ҳали келган йўлига яхши разм солмаганлигидан, тахминан, кенг йўл билан ўнг томонга кетди. Узоқда, дарахтларнинг орасидан кўча дарвозаси ва унинг атрофида ғивиллаган навкарларнинг гавдалари кўринаркан, бу йўлни кескан ёлғиз оёқ йўлдан катта салла, ярқироқ тўн кийган Шаҳобиддин чиқиб келди. Султонмурод салом-алик билан чекланиб, ўтиб кетмоққа тиришса ҳам, Шаҳобиддин унинг елкасига қўлини секингина қўйиб, тутиб қолди.

— Хўш, жаноблари бирон арз билан келдиларми? Мазмунидан каминани ҳам огоҳлантирасизми?— меҳрибонлик билан сўради мавлоно Шаҳобиддин.

Султонмурод ичида, «Бўридан қутулиб тулкига учрадим» деди-да, гарчи унинг қандай мақсадда келганини Шаҳобиддин тахминан пайқаганлигига ишонса ҳам, бу жиртаки билан бу ерда ғижиллашиб ўтиришни ўзига эп билмагани учун, келиш сабабини очмади, «Кичик бир арзимиз бор эди» деб қўя қолди. Шаҳобиддин қуюқ қошларини чимириб, кичкина, айёр кўзлари билан ўз рақибига тикилиб, унинг юзида ғамгин паришонлик сезди ва Маждиддиннинг қўпол муомаласидан бу содда олим расо қўрқувга тушибди, деб ўйлади.

— Ҳар қандай ариза ва шикоятингиз бўлса, ҳар қандай мушкилот ва изтироб қаршисида қолсангиз, бевосита каминага мурожаат қилингиз,— аввалгидан ҳам юмшоқланиб деди Шаҳобиддин.— Алҳамдулилло, вазир аъзам[1] ҳазратларига қаробатим[2] бор, илтимосимни ҳеч вақт ерда қолдирмаслар.

— Ғамхўрлигингиз учун ташаккур. Мен ўз овозимни, истасам, подшоҳга қадар еткиза билурмен,— деди ғижингланиб Султонмурод.

Мавлоно Шаҳобиддин аксириб, рутубатдан шикоятланди, оқарган қуюқ соқолини қўллари билан силаб-артиб:

— Ғоят қизиқ қонлисиз-да, биродар. Мунда келинг, мунда,— деб Султонмуродни, хоҳишига қўймаслан, олиб кетди.

---

[1] Улуғ вазир.
[2] Яқинлигим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар ёзлик енгил айвончанинг четига ўтирдилар. Қуёшнинг майин, қизил шаффоф шуълалари гуллаган боғнинг, баҳорнинг ҳуснини рангдан рангга солиб очмоқда эди. Султонмурод иягини бир қўлига тираб, сукут билан томоша қиларкан, Шаҳобиддин уни аста туртди: «Боғи эрам-а? Олло таолонинг карами кенг, бахт ато қилса, кичкина, лекин латофати барқ урган бир боғ сизга ҳам муяссар бўлур» деди.

— Тақсир, мен ҳасад қилаётганим йўқ, завқланмоқдамен,— деди Султонмурод қайрилиб.

— Албатта, албатта, ҳасад қурсин!

— Муддаонгиз не эди, шояд сўзлагайсиз,— сабрсизланиб мурожаат қилди Султонмурод.

Шаҳобиддин гапни қандай бошлашнинг эвини топмагандай иккиланиб, яна қўлини Султонмуроднинг елкасига қўйди ва сохта табассум билан деди:

— Бу каминага нисбатан кўнглингизда андак гина бор. Буни мен гарчи сиздан бирон нишонасини кўрмаган бўлсам ҳам, бир қанча вақтдан буён, ақл кўзи билан сезамен. Ёки мен хато қиламенми?

— Тўғри, албатта, сабабсиз бўлмаса керак.

— Тамоман беҳуда! Бу хусусда кўнглингизда зарра қадар ғубор қолмасин, биродар. Замонамизда, шундай кишилар борки, улар дўстлар орасидаги самимиятни бузишни ҳунар қилиб олганлар. Уларнинг сўзларига зинҳор ва зинҳор қулоқ османг, хўбми?

— Тақсир, мен ҳар ҳолда ҳақиқат билан ёлғонни фарқ қила олсам керак.

— Шайтон отамиз Одамни ҳам алдаган эмасми? Орада шайтонлар йўқми?— деди ишонтирадиган оҳангда Шаҳобиддин.

Султонмурод таажжубланиб, сукут қилди. Шаҳобиддиндаги бу ўзгаришни у асло кутмаган эди. Гарчи Шаҳобиддин ўз туноҳларини эътироф қилмаса-да, ҳар ҳолда ўз ёмонлигини жиловлашга қарор қилганлигига, унинг қора руҳида инсофдан биронта учқун қолганлигига шубҳа қилмади. Ҳақсиз ҳужумлардан, бўҳтонлардан қутулиб, тинч ишлай олишига ичдан суюнди.

Шаҳобиддин унинг истеъдодини мақтади. Маждиддиндан унга инъомлар олиб бериш мумкинлигини сўзлади. Султонмурод ўз аҳволидан мамнун эканини, ҳеч қандай инъом-эҳсонга муҳтож эмаслигини қатъий билдирди. Шаҳобиддин унинг дарвеш табиати ҳақида сўз-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб, дўстона койинган бўлди. Кейин, Султонмуроднинг сабрсизланганини сезиб: «Андак ўтиринг» деб унинг тиззасини босди. Умрининг ғояси бир қийматли илмий китоб ёзмоқдан иборат экани, бунинг учун ўн йиллар мобайнида ҳеч кимга билдирмасдан, турли китоблар кўриб, татаббу қилиб келганлиги ҳақида сўзлаб кетди.

— Кўп яхши ният, ёзинг, тақсир,— деди Султонмурод лабларининг учидаги табассум билан.— Олимлар учун энг фахрли иш будир. Чунким, китоблар одамзоднинг фикр дурларини тўплаб, уларни асрларга қолдирадилар. Биз ва сиз бир ҳовуч тупроққа айланурмиз, лекин китоблар тўнч ва тошдан ясалган ҳайкаллар каби, абадиян сақланурлар.

— Аммо, биродар,— деди ўксизлардай қараб Шаҳобиддин,— бир нимарса монелик қилмоқдаки, кўнгил шундан тундай хирадир.

— Гўзал ниятлар, улуғ мақсадлар қаршисида ҳеч қандай монеликнинг бўлиши мумкин эмас, тақсир.

— Айтиш осон, лекин мoнеликни бартараф этмоқ маҳол. Масалан, ҳозирги кунда каминанинг вазифалари ғоят кўп, балки эрта-индин каминага яна янги вазифалар топширилур. Вазир аъзамнинг муборак хотирларини қайтармоққа, албатта, имкон йўқ. Умрим ўтиб, асарим дунё юзини қувонтирмасдан кетадирганга ўхшайди.— Бу ерда Шаҳобиддин бир нафас Султонмуродга тикилиб олди ва ялинган товуш билан давом этди.— Биродар, ҳақиқий инсон ўз ажизини иқрор қилмоқдан завқ олур. Сиздан яширғулик сирим йўқ, чин сўз шулки, гарчи маълумотим даражаи томга[1] эришган бўлса ҳам, кўпроқ тажриба қилмаганлигим сабабли, ёзмоққа қийналамен, кўксимни тўлдирган фикрларни қоғозга кўчиришда қалам саркашлик қилади. Масалан, сизнинг қаламингиз бодрафтордек[2] равон... Сиз жадал қилсангиз, бир неча ой мобайнида фикр хазинангиздан нодир асар туғдирасиз. Келинг, биз учун шундай бир асар ёзинг. Мен уни ўз қўлим билан элтиб, подшоҳ ҳазратларига тақдим этай, у ҳазратнинг муборак исмлари билан китобни музайян қилай. Ҳа, бу иш сиз ва мен, яна олло таолодан ўзгаларга махфий қолур. Меҳнатингиз ва қадршунослигингиз ажрини то тирикмен, мендан

---

[1] Юқори даражага.
[2] Тез учадиган шамолдек.



www.ziyouz.com kutubxonasi

беҳад кўрурсиз. Маъқулми, биродар? Сўз бир — олло бир!

Султонмуроднинг ранги ўчди. Ўрнидан туриб этагини қоқди.

— Тақсир, олимлик шуҳрати учун китоб ёзмоқ шарт эмас,— титроқ лаблари билан бўғилиб гапирди у.— Ҳар бир инсон ўз қадри-қимматини билиши керак. Сиз шу қадар пастлашдингизми? Мен илм савдогари эмасмен, тақсир!

Шаҳобиддиннинг аъзойи баданини титроқ босиб, тили ғулдираб: «Ҳай-ҳай, биродар!» деркан, Султонмурод қайрилмасдан тўппа-тўғри дарвоза томонга қараб югурди.

* *
*

Маждиддин Ҳирот боёнларини хуфтондан кейин, иззат-икром билан кузатиб қоларкан, олтин шамдонларда тўп-тўп ёнган шамларнинг нуридан жонли чаманзордай яшнаган юмшоқ гиламлар устида у ёқ-бу ёққа юрар, шодлигидан, қандайдир, тасодифан эсга тушган бир мақомни секин-секин куйлар эди.

У бож хирож масаласида ва давлат учун керакли баъзи буюмларни етказиб беришда, бойларга имтиёзлар берди. Ундан нима кетибди? Зарар подшоҳнинг хазинасига... Бунинг бадалига у боёнлардан ёмбилар, фил тишидан ясалган ажойиб қутиларда лаъли-гавҳарлар, Ҳиндда, Мисрда, Хитойда ишланган, подшоҳнинг ҳам кўзини ўйнатадиган нодир матолар ҳадя олди. «Қосибларга, деҳқонларга ғамхўрлик қилишдан қандай фойда чиқади? Мутлақо ҳеч нима! Вақти келса, бу боёнларнинг ҳар бири бир азамат тоғ каби уни ҳимоя қилади. Мана барқарор сиёсатнинг тамал тоши!» деб ичида ўйларкан, бирдан ёдига бугун «тортиқ» қилинган гўзал қиз келиб тушди: «Жон олғучи офат у! Кўзим тушиши билан жисмимда қонларим ёниб кетди».

Маждиддин сабрсизланиб эшикка қулоқ соларкан, даҳлизда кўп қадамларнинг гувуллагани эшитилди. Масалани узоқ ўйлаб, мустаҳкам қарорга келиб қўйганидан, яширин, тор мажлиснинг тез ўтишига ишонди.

Тўғонбек билан бирга бир гуруҳ улуғ мансабдорлар, сарой теварагида яшайдиган зартўнли бекорчилар ки-



www.ziyouz.com kutubxonasi

риб келишди. Улар ўтириши биланоқ Мажддиддин Шаҳобиддинга эшик ва даричаларни маҳкам беркитишга буюрди ва ҳаммага бир-бир назар ташлади. Ҳамманинг юзи жиддий ва жинояткорона ўйчан эди.

— Дўстларим, орамизда сир йўқ,— секин, аммо қатъий қилиб гапирди Маждиддин.— Мақсад ва муддаомиз маълум. Мен бир масалани сизнинг муҳокамангизга ҳавола қилмоқчиман.

Ҳамма бирдан энкайди. Тўғонбек пишиллаб, олдинроқ сурилди. Илгаридан кўзланган «ов» учун қатъий ва сўнгги кенгашга тўпланган ўғрилар тўдасидек, сирли сукунат ичида қулоқлар диккайиб, кўзлар жовдираб кетди.

— Душманимиз ҳануз силоҳини[1] тарк этмади,— давом этди Маждиддин.— У тиш-тирноғи билан бизга чуқур қазимоқда. Ҳақиқатан, у кучли, тадбирли душман. Шунинг учун хавф-хатар ғоят каттадир. Тўғри, бизга шаҳаншоҳнинг илтифот ва мурувватлари баланд, садоқатимизга имонлари комил, аммо, унутмайликки, подшоҳ ва Алишер бир қариш ёшдан бошлаб дўст бўлишганлар. Алишердан кейинги ойларда подшоҳ пайдар-пай мактуб олмоқдаки, баъзиларининг мазмуни билан танишмоқ менга муяссар бўлди. Алишер мамлакатнинг фақирлашганининг сабабларини кўрсатиб, ўзича исботлаб, бутун давлат тартиботини ислоҳ қилмоқни тавсия қилади. Кейинги маълумотларга биноан, у энди пойтахтга келмоққа азм қилган. Иложи бўлса, учиб кела қолса...

— Муваққатанми?[2]— чўчиб сўради Мавлоно Шаҳобиддин.

— Туғилган шаҳрида ўлмоқчи эмиш,— истеҳзо билан жавоб бериб, давом этди Маждиддин.— Худо кўрсатмасин, Ҳиротда яшашга ижозат олса, эрта ё кеч ҳаммамизни ост-уст қилиши муқаррар.

Маждиддин одамларнинг фикр ва кайфиятларини аниқламоқ ниятида сукут этди. Ёш беклардан бири сусар телпагини олиб, бошини қашиди, кейин Алишернинг халқ орасида обрў ва эътибори борган сари ошиб кетаётганини, ҳам бутун мамлакатда то ҳазрат Жомийдан тортиб, жамики илм, санъат аҳли унга чуқур муҳаб-

[1] Қуролини.
[2] Вақтинчами.

20—169



www.ziyouz.com kutubxonasi

бат билан боғланганлигини сўзлади. Подшоҳ шунча халқнинг орзусига қарши туролмай, охирда Алишер билан муносабатни яхшилашга мажбур бўлиши мумкинлигини баён қилиб, қаттиқ чоралар кўришни уқдирди.

— Ҳар йўл билан Навоийни подшоҳ ҳазратларига ёмонлай бериш керакки, собиқ дўстликнинг энг кейинги иплари ҳам узилсин,— таклиф қилди Шаҳобиддин.

Туғонбек бу эски тадбирга унчалик эътимод этмасликни исбот қилишга тиришди:

— Қоралаш учун янги ҳужжатларимиз ҳам йўқ,— деди у салмоқланиб.— Сўз тери эмаски, кафшдўздек сув пуркаб, чайнаб торта берсанг... Мен овда подшоҳ ҳазратлари билан бир ой бирга юрдим, бирга ўтирдим. Менга бўлган илтифотлари ҳаммангизга маълум. Суҳбат вақтида Алишернинг тутган йўлини ҳар вақт қоралашга тиришдим. Лекин, подшоҳ ҳазратларини ишонтирдим, деб айта олмайман. Хоқон ҳазратнинг кўнгилларини билиш қийин. Менинг фаҳмимча, шаҳаншоҳ бу хусусда тараддудланадилар. Шунинг учун энг ишончли чора шуки, Алишерни бу дунёдан олиб ташлаш керак — вассалом.

Ўтирганлар бошларини кўтардилар. Баъзилар чуқур хўрсиниб қўйди. Ўртага оғир сукут чўкди. Мажидиддин одамларнинг кўзларига қараб, уларнинг кўнглида аллақандай кураш кетаётганини сезди.

— Туғонбекнинг йўли — энг тўғри йўл,— қатъият билан деди Мажиддин.— Мен айтмоқчи бўлиб турган таклифни шижоатли Туғонбек, ўз одатига мувофиқ, шартта ўртага отди. Менинг ягона илтимосим шуки, бу таклиф тўғрисида асло мунозара қилмаслигимиз керак. Ҳаммамиз душманга қарши кучли чора оқтарамиз, ахир ўлимдан кучли нарса борми?

— Ҳазил иш эмас бу, қандай қилиб амалга оширмоқчисиз?— безовталаниб сўради эски душман Хўжа Хатиб.

— Ҳар бир жиҳати ўйланган, тарозуда тортилган,— жавоб берди Мажиддин.— Астрободга сарой баковулларидан энг пазандасини юборурмиз. Алишерга лаззатли таомлар пишириб берур!

Бу йўл ҳаммага бениҳоят маъқул тушгани ва ягона тўғри топилганиданми, ҳеч ким бошқа йўл таклиф қилмади ҳам, эътироз билдирмади ҳам...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Одамлар эшикка чиқаркан, Шаҳобиддин орқада қолди-да, Мождиддинга мурожаат қилиб, Султонмуродни бугун, эрта зиндонга ташлашга, ёки Хуросон тупроғидан ҳайдашга фармон беришини илтимос этди. Гўзал қизга тезроқ эришув учун ошиққан вазир жеркиб ташлади.

— Қуйишқондан ташқари чиқманг, тақсир. Унга туҳмат қилган эмишсиз.

— Шаккок у, шаккок!— қўпол муомиладан ғулдираб қолди Шаҳобиддин.

— Вазият қулай эмас, халқ орасида ғалаён авж олиши мумкин. Агар у олим кўзингизга тикан бўлиб қадалса, уни мадрасада дарс беришдан маҳрум қилармиз, маъқулми?

Шаҳобиддиннинг ранги ўчиб, титраб кетди.

— Йўқ, жоним тасаддуқ бўлсин, вазир жаноблари,— деди у ёлвориб,— филҳақиқат, мен қуйишқондан ташқари чиқибмен. Афв этасиз, мен сиёсат одами эмасмен. Вазият оғир дедингиз — тўғри. Уни дарсдан ҳам маҳрум қилмангиз. Истеъдодли йигит, албатта менинг насиҳатларимга қулоқ осиб, тўғри йўлга тушиб қолар, аминмен. Балки, ўз тарафимизга бутунлай мойил қилурмиз. Зот олиларидан сўраймен, тинч қўяйлик уни.

— Эсингизни еб қўйибсиз, тақсир. Фикрингизда асло қарор йўқ. Ихтиёр сизда,— деди Маждиддин ва эшикка томон мағрур юриб кетди.

— Шу кунларда дарвоқи зеҳним паришон,— орқадан сўзлаб қолди Шаҳобиддин.

У Султонмурод билан бўлган ҳалиги воқеадан кейин чиндан ҳам эсини йўқотган эди, чунки Султонмурод уни, истаса, шарманда қилиб, одамгарчиликдан чиқариб, бутун ҳаётини заҳарлаши мумкин эди. Султонмурод билан аввал муносабатини яхшилаб, уни хўб синаб, ундан кейин ниятини очмаганига, калтафаҳмлигига қаттиқ куйди. Ниҳоят, аламига чидалмасдан, ғазаб ичида қарор қилди: «Бугун-эрта зиндонга ташлатиб, қуртларга ем қиламен сени!» Аммо ҳозир Маждиддин унинг бу илтимосини қатъий рад қилганидан сўнг, Султонмуродга бош эгмоқдан бошқа иложи йўқ эди. Шунинг учун ўзини ғоят кулунч вазиятда қолдириб, уни мадрасадан ҳайдалишига жон-дил билан эътироз қилди.

Шаҳобиддин уятдан ва қайғудан оёқлари мажолсизланиб, боғдан чиқди. Ойдин кечада жимжит ухлаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

кимсасиз кўчаларда қўлини орқасига қўйиб, ўнқур-чўнқурларнинг фарқига бормай, калавланиб бораркан, фақатгина Султонмурод билан ярашиш йўлларини ўйларди.

II

Эртаси Султонмурод қуёш ёйилганда «Ихлосия» мадрасасига келди. Катта дарсхонага кириб, ҳар кунги ўтирадиган ўрнида чордона қурди. Таомул бўйича навбат билан гуруҳ-гуруҳ келиб, дарс олувчи талабаларни кутаркан, Шаҳобиддиннинг жияни кириб келди. У — хусндор, хуш муомила, қизлардай уятчан йигит эди. Икки йил бурун Султонмурод унга бир неча ой ҳисобдан ва араб тилидан хусусий дарс берган эди. Йигитни очиқ юз билан қаршилаб, ёнига ўтқазди. Унинг машғулоти ва ҳоказо ҳақидаги саволларига йигит қисқа жавоб берди. Кейин қўлини кўксига қўйиб:

— Жаноблари ҳозир дарс бошласалар керак, икки оғиз сўз учун рухсат берадиларми?— мурожаат этди йигит.

— Сўзлайверингиз.

— Тағомиз билан сизнинг орангизда қандайдир нохушлик рўй берибди. Лекин камина шогирдингиз унинг асли моҳиятидан асло хабардор эмас.— Нозик қўллари билан тасдиқлаб гапирди йигит:— Ёлғиз шу нарса маълумки, у киши сизнинг кўнглингизни оғритибдилар. Бу ҳолдан ўзлари бағоят қайғурмоқдалар. Шогирдингиз жанобларига у кишининг узрини келтирди. Қабул этсангиз, мен бениҳоят қувонурмен. Айб қилмоқдан кўра, айбни иқрор қилмаслик ёмон. Модомики, тағомиз сизни ҳақли топдилар...

— Биз ҳаммамиз инсонмиз,— кулиб гапирди Султонмурод.— Ҳаммамизда ҳам нуқсон бор. Акс ҳолда, биз фаришта, олам жаннат бўлур эди. Агар мумкин бўлса, ҳозир бориб тағонгизга айтинг, мен гина сақламаймен.

— Қалбингиз улуғдир, билурмен,— бирдан қувониб кетди йигит.

— Яна шу жиҳатни ҳам у кишининг қулоғига еткизингки, мен шахсий қасос олувчилардан нафрат қилурмен. Кўнгиллари тинч бўлсин.

Йигит таъзим ва эҳтиром билан қўзғолди, олимга



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз миннатдорчилигини қайта-қайта билдириб, чиқиб кетди.

Китобларини қўлтиқлаб, оёқ учида дарсхонага беш толиби илм кирди. Султонмурод уларга қиёмгача дарс бериб жўнатди. Иккинчи гуруҳни кутди. Шу аснода салласини қунт билан ўраган, гулдор этикли, олифта, ўрта яшар бир киши кирди. Совуқ товозе билан бир тахта қоғозни тақдим этди. Султонмурод ўқий туриб, ранги оқариб кетди: Бу — Шайхулисломнинг фармони эди. «Мамлакати исломда, дини Муҳаммаднинг улуғ ҳомийси ва амалдори бўлган хоқон ибни хақон Султон Ҳусайн Байқаро Мирзонинг саодатли замонида мусулмонликнинг асосотига рахна солғувчи фикрларни толиби илмларга талқин этгани ва ҳоказо...» учун Султонмурод мадрасадан «тард»[1] қилинган эди. Ғазабдан, оғриқдан тутоққан олимнинг кўз олди қорайди. Тепасида қаққайган кишига қараб, титрак овоз билан деди:

— Шайхулислом жаноблари биздан зулм-жабрни аямасинлар. Ҳақиқат йўлига жонимизни шавқ-завқ билан фидо қилмоққа ҳамиша тайёрмиз!

Мулозим сохта таъзим қилиб, кескин юриш билан чиқиб кетди.

Султонмурод кеча Маждиддин билан бўлган учрашувини ўйлади. Лекин унинг ҳақида Шаҳобиддин ва унинг сингари жоҳиллар Шайхулисломга илгаридан чақиқ қилиб, ишни пишириб қўйган эканликларини тахмин қилди. У ўрнидан ирғиб турди. Фармонни қўллари билан ғижимлаб бурчакка отди-да, дарсхонадан чиқди; турли ҳужралардан йиғилиб, дарсга келаётган талабаларига қарамасдан, уларни ҳайратда қолдириб, кўчага отилди. Хонақоҳга келиб, ўз хонасига кирди-да, китоблар орасига дармонсиз, беҳол тиз чўкди. Аммо ичидаги алам ўйлашга ҳам, ўқишга ҳам имкон бермас эди.

Пешиндан кейин талабалари киришди. Буларнинг ичида мийиқлари энди билина бошлаган ўспиринлар ва ўн йиллаб мадрасада муқим бўлган серсоқоллар бор эди. Ҳаммалари ғазабли, ҳаяжонли эдилар. Султонмурод ўзини фавқулодда дадил тутиб, уларнинг кўнглини тинчитишга тиришди. Талабалардан бири тутоқиб қичқирди:

---

[1] Қувилиш, ҳайдалиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу аҳволга тоқат этиб бўлмайди, тақсир! Афлотун, Арасту, Ибни Сино, Форобий ва Улуғбек каби файласуф ва олимларнинг фикрларини талқин этмоқ мажусилик, шаккоклик деб эълон қилинса, мадрасаларда илм номига нима қолур?

— Илмпарварлиги билан шуҳрат чиқарган бир подшоҳнинг пойтахтида бу қадар жаҳолат!— деди иккинчи талаба қайнаб.

— Шайхулислом жаноблари ўз фармонларини эътибордан соқит қилмасалар, мадрасани тарк этурмиз, биродарлар!— деди учинчиси.

— Албатта!

— Бошқа илож йўқ!— бир оғиздан қичқирди бошқалар.

— Азиз дўстларим,— мурожаат этди Султонмурод сокин,— фармонга итоат этиб, мадрасада сизлар билан машғулотимни тўхтатмоққа мажбурмен. Ўлимимга розимен, лекин илмда қаллобликка, ҳақиқатни яширишга асло рози бўлмасмен. Сиздан шу нарсани орзу қиламенки, ҳаммангиз илмларни улуғ ишқ ва соф кўнгил билан ўрганингиз ва уларнинг ривожига ҳаётингизни бағишлангиз. Жаҳонда инсон учун бундай олий, бундан шарафли иш йўқдир. Аммо ҳақиқий илмни кўҳна, пуч ақидалардан айира билингиз. Ҳақиқий илм фалак мушкулларини ҳал қилмоққа, сирларни кашф этмоққа йўл кўрсатур. Ақлнинг кучига ишонингиз, сизга ҳар вақт у раҳбар бўлсин. Беш-ўн китобни кўриб, олимлик даъвоси билан лоф урмоқдан сақланингиз! Яна бир ўтинч шулки, ҳечқандай ғавғо кўтармасдан, энди дарсларингиз билан шуғулланингиз. Ҳиротда ҳамма мавжуд илмларни фавқулодда чуқур билувчи олимлар кўпдир. Уларнинг аксари каминанинг устодларидир. Уларнинг илм дарёларидан чин ихлос, ғайрат ва самият билан фойдаланингиз. Мен аминменки, Навоий жаноблари ёққан илм машъалини жаҳолат ва зулмат, гарчи бўрон каби қутурса ҳам, асло сўндира олмас!

Ўз устодини бутун борлиғи билан берилиб тинглаган талабалар узоқ чўзилган оғир сукутдан сўнг, яна ҳаяжонлана бошладилар. Шайхулисломга, Мажддидинга учрашмоқ ҳақида ўзаро қизғин кенгашиб, ниҳоят, Султонмуроднинг илтимоси билан, бирин-сирин тарқалишди. Хонақоҳда доимий яшайдиган олимлар, шоирлар ва ўзга санъат аҳллари ҳам бу воқеадан ғазабга келишди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзилар ҳақиқатан хавфсирай бошлади: «Бош вазир ҳамманинг тагига етмоқда. Эрта-индин нима бўлар эканмиз!»

Зайниддин билан Арслонқул ҳовлиқиб, титраб кираркан, олим уларни ҳар вақтдаги тетиклик билан қарши олди. Зайниддин вазирни, Шайхулисломни ҳажв қилган бир шоирнинг шеърини ўқиб берди-да, ўзи ҳам Ҳиротнинг безорилари тили билан уларни сўкиб қўйди.

— Мен бир нарсага доғмен,— қўлларини палахса қилиб, куюниб гапирди Арслонқул.— Бир кун қарайсенки, бу шаҳри азимга Румданми, Ҳинддanми, Хитой ичиданми — анов «Чалабий»га ўхшаган олим келиб қолади. Бу — аниқ. Хўш, у вақтда масала талашмоққа ким чиқади?

— Шайхулисломнинг ўзи!— жавоб берди Зайниддин.

— Йўқ, унинг бели илмда чумолининг белидай мўрт бўлса керак!— деб Арслонқул калласини шундай ғалати, маънодор тебратдики, икки дўст бошқа вақтда бунга қотиб-қотиб кулишган бўлар эди, лекин ҳозир илжайибгина қўйишди.

— Мадрасада сенга ўрин йўқми? Майли, сен фикрларингни ёз!— дўстига қатъий таклиф қилди Зайниддин.— Ҳеч кимдан хавфланмасдан, дадил ёз! Зотан, фикрларнинг сайр-саёҳати учун қоғозлар толмас қанотлар кабидир, улар тоғдан ҳам, денгиздан ҳам учиб ўтгуси!

— Албатта ёзаман, албатта!— енгилланиб жавоб берди Султонмурод.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

«Боғи жаҳон оро» кун сари кучли қиздирган қуёшда яшнар, кумушланган ҳовузлар бўйида жуфт-жуфт бўлиб ялқовгина қадам ташлаган товусларнинг қанотлари каби, хилма-хил товланар, гўё ҳар лаҳзада ўз ҳуснлатофатини тўлиштириб турар эди.

Худди олтин билан тўқилгандек ёрқин ҳавода ажойиб чарх уриб кабутарлар — қанотли раққослар ўйнарди. Ҳусайн Бойқаро бўйни толиб, кўзи ёшлангунча томоша қилди. Мулозим яқинда келтирилган урушқоқ қўчқорларни, агар у амр этса, кўрсатиш мумкинлигини билдирди. Ҳусайн Бойқаро кеча ҳаддан ортиқроқ ичиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

қуйганидан, ҳозир кўнгли беҳузур эди. У, эртага жанг қилдириб кўрармиз, деб мулозимни қайтариб юборди. Кейин орқасида ҳар вақт эргашиб юрадиган суҳбатдошларига қўли билан, қола беринглар, деган ишоратни қилиб, ўзи қасрга кирди. Эшик оғоси Бобоалига Абдулҳайни чақиришга буюрди-да, олтин тахтда чордона қуриб олди. У ўз тенгларига қараганда анча қаримсиқ кўринар эди. Бир вақтлар ўткир, ўйноқ кўзлари энди заифлашган, қилични зарб билан урадиган бақувват қўллар баъзан дармонсизликдан титрар, гавдаси чўккан эди. Шунинг билан баробар у ҳали ўзини тетик тутишга тиришар эди. Ҳақиқатан, гоҳо аввалги ғайратга кирар, керакли вақтларда азм-сабот кўрсата биларди. Вилоятларга кўз тиккан хонларга ёки гоҳо тожу тахт учун оловланган ички исёнларга қарши сафарларга чиқишдан эринмасди.

Бош табиб Абдулҳай кириб таъзим қилди. Тиб қоидаларига қаттиқ риоя этиб, умрининг кўпини парҳез билан кечирган табиб, соқолининг оқига қарамай, калтакдай маҳкам эди.

— Беҳузурмилар? Муборак томирларини кўриб қўйямми?— мурожаат қилди Абдулҳай таъзим билан олдинга юриб.

— Бизга бир оз маъжун берсангиз кифоя.

— Сезган эдим, кеча чизи...— деди-да табиб орқаси бирлан юриб чиқиб кетди.

Маъжунни еб, таъсири билингандан кейин, Ҳусайн Бойқаро бош вазирни қабул қилди. Маждиддин подшоҳга ҳар вақтдагидан кўра яқинроқ ўтириб, маъруза қилди: Раиятнинг[1] хурсандлиги, лашкарнинг ҳамма эҳтиёжлари тўла таъмин этилганлиги ҳақида жуда силлиқ гапирди. Кейин сарҳадлардан[2] келган хабарлар, вилоят ва туман бекларидан олинган мактублар билан таништирди. Ҳусайн Бойқаро маърузани диққат билан тинглади, бош вазирнинг фикрига бошини лиқиллатиб, қўшилганини билдириб турди. Хазинага маблағ тўплай билган вазирга ишончи зўр эди. Гарчи у бутун мамлакат ишини ўз қўлига олиб, унинг эътиборли бекларини ҳам бийлатмай, уларнинг жиддий шикоятларига сабабчи бўлса ҳам, бу хусусда унга оғиз очмаган эди. Кеча

---

[1] Бир давлатга тобе фуқаро, аҳоли.
[2] Чегаралардан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иброҳим Чиғатой, Тангриберди Самончи, Ёмғурчи беклар бош вазирга қаршиликларини очиқдан-очиқ билдиришганидан, беклар билан муомилада нозик бўлиш тўғрисида бир неча оғиз сўз уқдириб ўтди. Маждиддин, асабийлиги ва қизиқ қонлиги орқасида, баъзан ўз хоҳишига қарши кишиларни ранжитиши тўғрисида сўзлади. Кейин бирдан товушини сирга кўмиб, мурожаат этди:

— Ижозат берсалар, камина зот олиларини бир муҳим ишдан огоҳлантирсам...

— Марҳамат қилинг,— Ҳусайн Бойқаро кўзларини катта очиб, бошини вазир томон эгди.

— Хўжа Афзал Ироқда, Яқуббекнинг қошида эмиш,— давом этди вазир,— ва Яқуббек жиҳатидан ғоят зўр эҳтиром, дабдаба билан қарши олинмиш... Макка саёҳати бир баҳона бўлса керак, деб гумон қиламен. Кўрдингизми, тож давлатингизнинг душмани Астрободда ётиб, қандай хиёнатлар билан шуғулланмоқда? Макр тўрини у узоққа ёйган.

— Сўзингизнинг ҳақлигига шубҳам йўқ,— нохушланиб деди Ҳусайн Бойқаро.— Яқуббекнинг қалби соф эмас. Акс ҳолда, мен Астрободга ҳайдаган бир шахсга элчилар юбориб, улуғ илтифотлар кўрсатармиди? Барчаси душманлик намойиши!

Маждиддин подшоҳнинг юзига зимдан тикилиб, унда ҳар нафас сайин кучайган ғазаб ва нафратни очиқ пайқади. Яна бир томчи мой қуйиб, алангалатмоқчи бўлди.

— Олинган маълумотларга биноан,— деди Маждиддин,— Балхда ҳам аҳвол яхши эмас. Гарчи у ерда ҳокимият Фаридун Мирзонинг[1] қўлларида бўлса ҳам, лекин шаҳзода жанобларининг ёшлиги ва тажрибасизлигидан фойдаланиб, Дарвешали жамики ишларни ўз билигича олиб бормоқда эмиш. Оға билан ини орасида пайдар-пай чопарлар қатнаб турмоқдаки, бу хусусда ҳар кун янги маълумотлар олурмен.

— Ҳозирлик кўрингиз, токи ғафлатда қолиб, пушаймон бўлмайлик!— асабийланиб деди Ҳусайн Бойқаро.

Маждиддин ғурур билан қаддини ростлади, «Астробод дардисарини бартараф қилмоқ учун қатъий чоралар кўриш» ҳақида, гўё сўзини қасам билан тасдиқлагандек, ишонтириб ваъда қилди.

---

[1] Шаҳзодалардан бири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн Бойқаро Ҳисор воқеалари, Султонмаҳмуднинг янги кирдикорлари ҳақида сўзлашиб ўтириб, гап орасида бирдан Шайхулисломнинг фармонини эслатди:

— Бу қандай ҳол? Мен тамом бехабармен. Мадрасаларда толиби илмлар, бир кўп мударрислар ғоят мутаассир бўлган эмишлар.

— Алишер Навоийнинг «Ихлосия» мадрасаси ва хонақоси фитна-фасод ўчоғидир,— деди Мажддиддин ғамгин бир тур билан.— Илм ва фалсафа номи билан Алишер тайинлаган мударрисларнинг аксари даҳрийликни[1] таълим бермоқдалар.

— Султонмурод фавқулодда истеъдодли олим дейдилар...— бошини тебратди ачиниб Ҳусайн Бойқаро.— Афсуски, ҳақиқат йўлидан адашмиш.

— Сиёсатда у қора халқ тарафдори эмиш. Ҳукумат деҳқонларга ва косиб-ҳунарманд аҳлига ғамхўрлик қилиши керак ва ҳоказо деган сафсаталарни талабаларга талқин қилар эмиш.

Ҳусайн Бойқаро бутун мадрасаларда назоратни кучайтирмоқ кераклигини вазирга уқдирди.

— Ҳар бир мадрасада одамларимиз бор... «Ихлосия»да кўпроқ!— деди кулиб Мажддиддин.

Ҳусайн Бойқаро енгилланиб, ўрнидан турди. Вазирни ўзи билан мусиқий тинглашга таклиф этиб, деворлари хитойин чиннидан ишланган хонага ўтди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

### I

Шамол ўймакор даричанинг тавақаларини бир-бирига уриб, тарақ-туруқ билан ёпди. Паст курси устидаги қоғозлар шалдираб, учиб кетди. Соҳиб Девон[2] мавлоно Низомиддин кўринишда беғам, беташвиш, лекин ўз бошлиғига ҳамиша итоаткор, вазифасини эринмай бажарувчи эски амалдор ҳомуза тортиб: «Ёпирай, бу нима ҳангама!» деб лапанглаб ўрнидан турди, уюшган тиззаларини уқалади, тарқоқ қоғозларни йиғиштириб, яна ўрнига ўтирди. Кейин сопига живир-живир гуллар ишланиб, майда ферузалар қадалган муъжаз пичоқ билан қалам-

---

[1] Худосизлик.
[2] Маҳкама бошқарувчиси маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни жуда диққат қўйиб очди, сиёҳдонга ботирди. Синамоқ учун бир парча қоғозга «итқи», «изғи»[1]ни ёзиб кўрди. Кейин кент бошлиқларига тайёрланаётган фармонларни қитирлатиб ёзиб кетди.

Қўшни хонанинг тўрдаги эшиги енгил «ғирч» билан очилгач, шуурсиз равишда қаламни курсига қўйди-да, хира, мулойим кўзларида эски маъмурлик, вазифашунослик ҳисси билан бошлиққа тикилди.

— Бизга кирувчилар йўқми?— сўради Навоий.

— Йўқ. Сўнгиси ҳалиги чўлоқ деҳқон эди. Ҳузурингизда роса ўтирди. Аммо, сездим, қанот тақиб чиқибди гўё... Мен кулиб қўйган эдим, қулоғимга аста шивирлади: «Нега шу кишининг ўзи юртга подшоҳ бўлмайди!» Мен дедимки, бу киши фақирликни подшоҳликдан афзал кўради. У бошини тебратиб: «Қўйинг, ундай ёмон ниятда бўлманг!» деди.

Навоий камтарлик билан табассум қилди:

— Ажаб қизиқ, ширин калом[2] киши экан,— деди шоир эшикка суялиб.— Ҳар не тўғрисида гаплашдик. Ҳар хусусда яхши маълумотлар берди. Эски қўшиқларни, эртакларни, боболарнинг пур ҳикмат[3] сўзларини яхши билур экан. Яна баъзи бир дала қушларининг хусусиятлари ҳақида ажойиб нарсалар сўзладики, ҳеч бир китобда у тўғриларда бирон сўз топмоқ имконсиздир. Тангрига шукур, бизнинг элнинг аксарияти қалби соф, идроки ўткир одамлардир.

— Тўғри, аммо бошларидан бўрки тушмас!— таралмаган соқолини серкиллатиб, кулиб деди Соҳиб Девон.

— Уларнинг бутун кўрки юракларидадир,— ишонч ва ғурур билан деди Навоий.— Гулнинг тўни қирқ ямоқ, барглари йиртиқ бўлса ҳам ҳусни тоза эмасми?

— Муҳаққақ, тақсир, муҳаққақ!— шошиб жавоб берди Соҳиб Девон.

Навоий баъзи юмушларни мавлоно Низомиддинга топшириб, чиройли муқовали кичкина китобни қўлтиғига қисиб ташқари чиқди. Ҳовлида гап сотиб ўтирган навкарлар ўринларидан сакраб туриб, уни ҳурмат билан кузатдилар. Навоий чанг бурқиган, нотекис кўчалардан уйга жўнаркан, астрободлик бир тўда танишларга йў-

---

[1] Араб алифбесидаги ҳарфлардан.
[2] Ширин сўз.
[3] Ҳикмати кўп, чуқур маъноли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лиқди. Буларнинг ичида бири қасидада, бири ғазалда дуруст нарсалар ёзган ва бири қари, ва бири ўспирин икки маҳаллий шоир, кимё ва илми нужум билан машғул бўлган дарвеш табиатли олим, серсавлат муфти, яна икки-уч мансабдорлар бор эди. Улар шоирни қўярда-қўймай ўлтиришга даъват қилишди. Дарвеш табиатли олим тантанали бир оҳанг билан илтимос қилди:

— Биз, жанобларини йўлакай олиб кетмоқчи эдик. Толе юлдузи ўз ишини кўрсатиб, сизни йўлиқтирди. Дафъи савдо лозим. Марҳамат қилинг!

Шаҳарнинг ёқасида, тевараги гувала, тош аралаш урилган қийшиқ, паст девор билан қуршалган боғда, супада ўтиришди. Бу — муфтининг боғи эди. Тезда таомлар тортилди. Қари шоир кўкимтир салласининг учига қистирилган қоғозни олиб, кўзига жуда яқин тутиб ўқимоққа бошлади. Бу — унинг янги қасидаси эди. Ўқиркан, бир-икки ерда тўхтаб, бошини вазмин тебратди: «Набирам кўчирган эди. Ғалат қилибди... Ҳайҳот, умр!».

Навоий қасиданинг илк икки йўлини кўчириб олиб, кексани жуда хурсанд қилди. Олим илми нужум ҳақида ишонч билан қизғин гапирди. У Чингизнинг Мовароуннаҳрга қонли ҳужумидан анча бурун бир кўп олимларнинг бу фалокатдан хабар берганликлари ва улар буни нима билан исбот қилганликларини баён қилди. Навоий илми нужумчиларнинг ёлғончилигини, улар илмининг асоссизлигини исбот этмоқни истаса ҳам, лекин олимни ранжитмаслик учун, уларнинг олдиндан берган хабарлари қарийб ҳамма вақт нотўғри чиқишини гапирди, ўжар олим билан ҳазил баҳслашди. Кейин астрободлик машҳур эски шоирларнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида ўтирганлар жуда қизиқ маълумотлар нақл этишди. Ниҳоят, гап-сўз аста сусайиб, бора-бора қумликка синган сув каби, тўхтади қолди.

Ҳаво аллақандай дим; қари шоир бошини қуйи солиб, мудрай бошлади. Тупроғи билқ-билқ кўчадан аробанинг асабларни пармалайдиган ғижири эшитиларди. Кўкка булут тошди. Ҳавода кўнгилсиз димлик яна кучайди. Бир оздан кейин, худди уйқуда ётган ит яқинига келган одамга, бирдан уйғониб ўзини ташлагандай, шамол қўзғолиб, гуруллаб ўтди. Булутлар катта парчаларга бўлиниб, оқ туялардек ҳар ёққа югура кетди. Қуёш бирдан ўткур чақнаб, ҳамма ёқни кўз қамаштирарлик



www.ziyouz.com kutubxonasi

нур билан қоплади. Шу вақтда сийрак булутлардан шалшовур ёмғир қуйиб ўтди. Томчилар чанг босган барглар орқали кирланиб, кишиларнинг устига, дастурхонга тома бошлади. Навоий таажжубланиб ҳавога разм солди. Уй эгаси муфти унинг таажжубланганини пайқади.

— Тақсир, бизнинг шаҳримизнинг хусусиятларидан бири шуки,— деди у кулиб,— бу ерда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавосини кўриш мумкин!

— Балли!— деди Навоий боши билан тасдиқлаб,— бу шаҳарда бир кун бир йил билан баробардир!

Бу жавоб умумий кулги қўзғотди. Ҳатто қари шоир, чўчигандек, кўзларини очиб юбориб, уқалаб, атрофга қаради:

— Не гап? Не?— деди.

Навоий кечга яқин уйга қайтди. Ҳовлида Шайх Баҳлул учраб, Ҳиротдан меҳмон келганини дарак берди.— «Ким экан? Не юмуш билан?»— қизиқиб сўради Навоий. Шайх Баҳлул секингина жавоб берди: «Подшоҳ ҳазратларининг баковулларидан[1] бири... Абдусамад келди. Энди ошхонамиз яшнагусидир!» Навоий елкасини қисди. Бир нафас қошларини маънодор чимириб, Шайх Баҳлулга шивирлади: «Ҳар қадамимни пойлаган итлар, мазмуни, озлик қилибди шекилли!» Шайх Баҳлул кулиб, лекин таажжуб билан деди: «Расмий совға-салом билан келганку!»

Хоналарнинг биридан баковул Абдусамад чиқди. Навоийни кўриб, лапанглаб югурди. Таъзим қилиб, семиз, юмшоқ қўлларини кўксига қўйди. Унинг гўё мой силжиб тургандай кўринган лўппи юзида алланечук уят аралаш бемаъни бир илжайиш бор эди. Навоий сир бой бермасдан, лекин истеҳзоли бир оҳанг билан: «Мусофирчиликда бизга хизмат учун келибсиз. Раҳмат!»— деди-да ўз хонасига кирди.

* *
*

Абдусамаднинг бобоси Шоҳрух Мирзо замонида жаллод эди. Бошларни чўрт узиш, қаторлаштириб дорга осиш, қўл, оёқ, бурун, тил кесиш каби қонли даҳшатли

---

[1] Ошпаз, дастурхончи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ишларни қандай усталик билан бажарганлигини, айниқса тери шилиш, пўстга сомон тиқишда маҳорати баланд эканини Абдусамад ўз отасидан, Абду Саид Мирзо давридаги зиндон посбонидан, болаликда кўп марта эшитган эди. Отасини бир кеча қонга беланган ҳолда зиндон ёқасидан топганларида (уни зиндондан қочганлар ўлдириб кетишган эди) Абдусамад ўн яшар, қўрқоқ, лекин писмиқ, қув бола эди. Кўп ўтмасдан онаси эр қилди. Ўгай ота, ёши улғайиб фарзанд кўрмаган эсада, «отнинг асли қартадир, асли тагига тортадир» деган гапга ишонганидан бўлса керак, етимга кун бермади. Абдусамад ҳар кун эрта билан, ҳакка уйғонмасдан, кўчага отилар, бозор ва расталарда изғиб, қош қорайганда уйга қайтар, ўгай отанинг кўзига тиканак бўлмаслик учун бир бурчакка тиқилиб, ухлаб қолар эди. Абдусамад кўпинча ошхоналар теварагида хира пашшадай айланиб, ниҳоят, бир каллапазга шогирд туша билди. Ўн беш ёшгача ўтин ёриб, олов қалаб, ўчоқ тозалади. Арзон калла шўрвани расо ичиб, суякларини чақиб илигини ютиб, бақалоқ бўлиб қолди. Энди у ошпазликдан бошқа ҳунарни эсга ҳам келтирмади. Бир кун арзимаган нарса устида хўжаси билан аччиғлашди-да, нозик овқатлар тайёрлайдиган ошхонага хизматга кирди. Бир неча йил мобайнида у тайёрлай олмайдиган ҳеч бир антиқа таом қолмади. Ниҳоят, донгдор пазанда подшоҳнинг саройига ошпаз бўлиб кирди. Бу ерда теварагидаги одамларнинг хулқини миридан-сиригача ўрганди. Ташқи порлоқлик, кўз қамаштирарлик зийнат, дабдаба ва шаъшаа тагида чиркин фахш, фитна-фасод кўрди. Нозик муомила, назокат, тавозе ва такаллуфот пардаси остида қонли ханжарлар, хиёнатлар сезди. Бу муҳитда у, балиқ сувда сузгандай, ҳузур қилиб сузди.

МажДиддин ҳокимият тепасига келиб, ўз даргоҳида фавқулодда дабдабали зиёфатлар беришга бошлаганда Абдусамад бир неча марта ўз ҳунарининг «гулларини» кўрсатиб, Мажиддиннинг диққатини жалб этди. Майдан, қизғин базмдан маст бўлган вазир меҳмонларини кузатгач, майда-чуйда мулозимларини, хизматкор ва навкарларини тўплаб, бир неча дақиқа ҳангамалашар, қолган-қутганларни ичишга, ейишга таклиф этаркан, Абдусамад хира мушукдай унга суйкалиб қўярди. Бир кун зиёфатдан кейин, тасодифан ёлғиз учрашишга тўғри келганда, Абдусамад саройда, ҳарамда рўй берган баъзи



www.ziyouz.com kutubxonasi

сирли воқеаларнинг учини чиқариб қўйди. Мождиддин қизиқди, усталик билан гапга солди, ҳам ҳеч тараддудсиз уни «ишга» олди. Ниҳоят, Мождиддин ўзининг саройдаги ишончли, қадрдон жосуси Пир Ҳожи Баковул орқали бир минг динорни нақд, яна беш минг динор учун ваъда бераркан, Абдусамад жиноятни савобдай қабул қилди-да сафарга чиқди.

Эртаси Абдусамад ошхонани қўлга олди. Шоирнинг эски қадрдон ошпази Ҳасан Сайёҳни, ўзи каллапазга шогирд тушган вақтдагидай, олов ва кулга тиқиб қўйди. Лекин дастлаб жуда осон кўринган жиноятни амалга ошириш бу ерда имконсиздек туюлди. Муомилада, Ҳайдардан бошқа, ҳамма у билан самимийдек кўринишига қарамай, Абдусамад юракларнинг қаърида, кўзларнинг яширин маъносида, сирли имо-ишораларда унга ёт каби қараганликларини сезди. Навоийнинг ер тагида илон қимирлаганини сезадиган зийрак эканига кундан-кун чуқуррок ишонди. Ҳамманинг икки кўзи бўлса, Шайх Баҳлулнинг гўё ҳамма ёғи кўз... Абдусамад ичини кемирган ёмонлик ҳисларини бўғишга, юрагида жиноятнинг илон тилидай ҳамма вақт ликиллаб турган заҳарли ништарини вақтинча макрнинг қинига тиқишга тиришди. Одамларда шубҳа изини қолдирмаслик учун, мой сирқиган семиз юзига оқ кўнгиллилик, соддалик ниқобини кийди. Ўз ўрнини яна Ҳасан Сайёҳга бериб, фақат таомларнинг тамини тотиб кўриш билан чегараланди. Шу зайилда икки ой ўтди. Ҳадиксирашларнинг анча кучсизланганини пайқади. Шайх Баҳлул илгари Навоийга келган мактубларни ундан яшириш учун қандай қувликлар қиларди — ҳозир эса бундай нарсаларга эътиборсиз қарайди у... Аммо Абдусамад ҳали ҳам бу муҳитда ўзини, шишага қамалган чаёндай ожиз сезар, режаларидан бирини қатъий равишда танлаб амалга оширишга ботинолмасди. Учинчи ой Ҳиротдан яширин, имзосиз хат олди. Хатда уни хиёнат, қўрқоқлик ва ҳоказода айблаб, агар жонидан умиди бўлса, вазифани тез бажаришни буюрган эдилар. Абдусамаднинг ичида жиноят илони яна гажакланиб-дикиллаб қолди.

## II

Навоий девондан қайтиб, одати бўйича, Шайх Баҳлулни йўқлади. У бўлмаса, шоир уйни гўё бўшдек сезар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Ҳасан Сайёҳ унинг қандайдир юмуш билан боя чиқиб кетганини билдирди. Навоий ўз хонасига кириб, саллани қозиққа илди, учли тақяни кийиб, ёстуққа суяниб ўтирди. Бир оз ҳордиқ чиқаргандан сўнг машғулот оқтарди. «Чор Девон» тартибга солинган. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқуттайр»и яна хотирига келди. Бир қариш ёшида мактабда мутолаа қиларкан, унинг болалик қалбини асир этган бу асарнинг ишқи, замонлар ҳам воқеаларнинг гирдобига қарамай, ҳали ҳам ўз тозалигини, сеҳрини сақлар эди. Уни таржима этиш ёки шу мавзуда ўз она тилида янги асар яратиш орзуси гоҳо унинг юрагида тўлқинлар ясар эди. Лекин Астрободдаги кайфият, афсуски, бундай асарни ёзишга мос эмас эди. Шоирнинг юрагида ҳақиқат душманларига қарши, ҳаммадан севгани ҳаёт гулини совурмоқчи бўлган ёвуз кучларга қарши ғазаб ёнар эди.

Навоий баъзи бир қалин китобларни варақлади. Беҳзоднинг баъзи кичик расмларига, нақшларига кўзи тушди. Ранглар ва чизиқларнинг мислсиз чуқур маъносига, нозик адосига, санъаткорнинг завқига берилиб, ҳамма нарсани унутаёзди. Ўзи тарбиялаган нодир истеъдодни ёдлаб кетди. «Ҳозир не ажойиб нарсалар яратмоқда экан?» — ўйлади ичида. Юраги дўстларнинг, яқинларнинг, шогирдларнинг соғинчи билан тўлди. Шоир эрксизликни, ғарибликни чуқур алам билан сезди. Бирдан ўрнидан туриб, токчадан қалами мўй[1] ва қоғоз олди. Кўпдан буён сира расм машқ қилмаган эди. Бирон нарса чизишни ўйлади: башараси одам қиёфасига ўхшаб кетган шер... Бўйнидан икки томонга йўғон занжир тортилиб, учлари икки қозиққа боғланган. Аммо занжирбанд шер мағрур... Бу фикр аста-секин қоғоз бетида жонлана бошлади. Шоир кўпроқ фикрга қизиқиб, ҳавас билан узоқ ишлади. Хомаки ҳолда умумий шакл битганда, Ҳайдар кирди. У узоқдан кўз ташлаб, илжайиб қўйди. Кейин рассомнинг тепасига келиб қичқирди: «Алишер Навоий жаноблари занжирда!» Навоий маънодор кулимсираб қаради-да, эътироз қилгандек, бошини чайқади.

— Жамики халойиқ, мен айтганим каби англайди, — деди Ҳайдар расмни қўлга олиб.

Навоий, бўш вақтларда яна ишлармиз деб расмни

---

[1] Рассомлар қалами — кисть.



www.ziyouz.com kutubxonasi

четга олиб қўйиди-да, Ҳайдар билан сўзлашмоқчи эканини билдирди. Ҳайдар гиламга тиз чўкиб, шўх, беқарор кўзларини шоирга тикди. Навоий, ўзи Ҳиротга бормоқ ҳуқуқидан маҳрум бўлгани учун, расмий вазифалар билан уни пойтахтга юбормоқчи эканини сўзлаб, Ҳайдарни қувонтирди.

— Қачон? Ҳам вазифаларим нима бўлур?— деб сўради Ҳайдар.

— Шу ҳафта ичи борурсиз. Вазифами? Баъзи ишлар ҳақида подшоҳга маъруза қилурсиз, холос.

Ҳайдар суюниб, ташқарига чиқиши билан Абдусамад кирди. У рўмол билан боғланган пешонасини сиқиб, инграб қўйди.

— Хўш ҳолингиз нечук?— сўради Навоий.

— Бетобмен. Уч кундан бери аъзойи баданим қақшайди,— ланжлик билан жавоб берди Абдусамад,— оғриқ устихонларимни чақмоқда, тақсир.

Навоий табибга кўринишини буюрди. Абдусамад қўли билан рад қилди.

— Бу ернинг табиблари яхши эмас. Ўзим туркона дорv қиламен,— деди Абдусамад бир оз тўхтаб, кейин давом этди:— Ҳазратларидан бу қулнинг бир илтимоси бор. Яқин кунларда мени Ҳиротга жўнатсалар... Гарчи, пойқадамингизни кўзга сурмак, изингизни яламоқ мен учун саодат бўлса ҳам, жўнамоққа мажбурмен, чунки гўдакларим бор. Ҳар кун ёмон тушлар кўрамен. Бу ожиз қулингизнинг илтимосини ерда қолдирмагайсиз.

Ҳар вақт ҳатто ортиқча хурсанд бўлиб кўринган ва ошхонага бош суққан мушуклар билан жанг қилиб қаҳқаҳа отадиган бу одамнинг бунчалик кайфсизланганига шоир ачинди. Балки, фарзандларини қаттиқ соғингандир, деб ўйлади. Лекин очиқ жавоб бермади.

— Сизни пойтахтдагилар юборганлар. Ихтиёрингиз уларнинг қўлида бўлиши керак. Шундай эмасми?— деди Навоий юмшоқлик билан.

— Сиз бўшатиб юборсангиз, пойтахтдагилар нима дер эдилар. Сизнинг райингиздан устун нарса йўқ,— деди Абдусамад қўлини кўксига қўйиб.

— Хўб, яна ўйлашиб кўрурмиз. Ўзингизни қойитманг, тинч ётинг...

Абдусамад илтимосини қайта-қайта такрорлаб, инграб, ўрнидан турди.

Навоий ёстуққа суянди. Кўзларини енгил мудроқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

босди. Орадан бирор соат ўтгач, Ҳасан Сайёҳ кириб, дастурхон ёзди. Хитойи косада, қиймаси чарвига ўралган шўрбо ҳам нон келтирди. Навоий нонни синдираркан, ҳазил омиз деди: «Абдусамад кетиб бизни ғариб қолдирадиганга ўхшайди». Ҳасан Сайёҳ даккам-дуккам кўса соқолини чимтилаб, ўнг қоши билан қавс ясаб, нохуш оҳанг билан деди:

— Сўзида субути йўқ. Букун дегани тонглага тўғри келмайди. Қасали ҳам ёлғон...

— Қандай? Ранги сирқиган-ку.

— «Макки сано»[1] ичган,— ишонч билан қўлларини силкиб деди Ҳасан Сайёҳ. — Кун қорайгандан тонг отгунча шундай хуррак тортадики, бир фарсаҳдан эшитасиз. Тўғрисини айтсам, кундуз ўзини касалликка солишига асло тушунолмай қолдим. Оламда энг қийин муаммо унинг ўзи.

Навоий, таом тайёрланганда Шайх Баҳлул бормиди, деб сўради. Ҳасан Сайёҳ, ҳануз унинг қайтмаганини айтди. Лекин Навоийнинг товушида қандайдир гумонсирашни сезган эди. Бу нарса унинг иззат нафсига тегиб, қисилди ва овқатни ўзи тайёрлаганини билдирди. Лекин овқат сузиларкан, Абдусамад ошхонада ғивиллаб юрганини шу онда эслади-да, юраги бирдан ўйнаб кетди, у: «Тақсир, тамини ҳам тотманг!»— деди-да, бирдан косани кўтариб чиқиб кетди. Навоий унинг бу қадар ҳовлиққанига таажжубланди. Ҳиротдаги дўстлари унга ёзган хатларида, тунлари энг содиқ навкарлар билан бирга юришни, таомлардан эҳтиёт бўлишни уқдирган эдилар. Лекин ҳозир ўзини ортиқча эҳтиёткор сезиб, ғалати бўлиб қолди: «Бундай қилиб кишиларнинг кўнглини оғритмоқ яхши эмас. Ахир, кўнгил шишаси каби нозик нарса йўққу!»— ўйлади у, ҳам пушаймон қилди. Седанали нондан бир бурда еди. Шу орада қалтираб Ҳасан Сайёҳ пайдо бўлди.

— Бир бало бор, тақсир,— ғулдираб деди у,— мен шўрбони элтиб олдига қўйдим. Мир жаноблари овқатланган эканлар, марҳамат қил, бирга ичайлик, дедим. Азбаройи худо, юзи кўкариб кетди, тили ҳам кесилди. Кейин, менга ўқрайиб, косани ҳовлига отмоқчи эди — йўқ, йўл қўймадим. Шўрбони итнинг олдига тўкдим. Тақсир, бир бало бор, каромат қилдингиз!

---

[1] Сурги дори.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий ишонгуси келмаса ҳам ҳаяжонланиб, шуурсиз ҳолда ўрнидан турди.

— Яна адашган бўлманг, бемаъни хаёл бўлмасин!— деди қовоғини солиб у.

— Йўқ, каромат қилдингиз. Бир бало бор...— ишонтириб айтди Ҳасан Сайёҳ,— Ҳа, бадбахт!

Улар эшикка томон юраркан, даҳлизда Шайх Баҳлул билан Ҳайдар пайдо бўлди.

— Тинчликми?— қўрқув билан сўради Шайх Баҳлул дам Навоийга, дам Ҳасан Сайёҳга тикилиб.

Ҳасан Сайёҳ ғулдираб воқеани айтиб берди. Ҳайдар устки тўн ичидан белига тақилган ханжарни суғуриб, ўзини ҳовлига отди.

— Исбот қилинмаган даъво! Мунча айюҳаннос!— Ҳасан Сайёҳга ўқрайди Навоий.— Югуринг, Ҳайдарни тутиб, қўлидан тиғни олинг!

Шайх Баҳлул ва Ҳасан Сайёҳ олдин-кетин югуришди. Навоий қайтиб, ўз ўрнига ўтирди. Томирларида қон уюшган каби, оғир дармонсизлик сезарди. Кўз учи билан «Занжирбанд шер»га қаради.

Бир оздан кейин ҳаллослаб Шайх Баҳлул ва Ҳайдар кирди.

— Ҳақиқат экан, Абдусамад қочибди!— деди қуриган лабларини ялаб Шайх Баҳлул.

— Кўкка учсин, панжамдан қутилмайди!— деб қичқирди Ҳайдар.— Орқасидан навкарларни юбордим. Заҳарни ўзига ичираман, унамаса, яна оғирроқ жазо — терисини шилдираман!

— У малъунга ҳар қандай жазо оз!— кўзларига ёш тўлиб, ҳалқумини алам бўғгандай, гапирди Шайх Баҳлул.

Навоий оқарган пешонасидан совуқ терни артди. Ҳамиша илҳом, фикр, муҳаббатнинг тоза нури билан ёнган кўзларида ғазаб лим тўлиб, гўё юзларига қуйилиб, бурушуқлардан тошмоқда эди.

— Абдусамад ким? Ожиз, гумроҳ бир банда, ақлдан маҳрум бир олат!— бошини кўтармасдан, изтироб билан деди Навоий.— Ҳақиқий жаллодлар, қотиллар, энг қабиҳ жиноятгорлар Ҳиротдадирлар. Улар олий пояларни ишғол этганлар. Ғаддодлар бу беш кунлик ҳаётнинг қадр-қимматини билмайдилар. Улар чаманлардан ранг ва нурни учирган куз изғиринларига ўхшайдилар. Дўстларим, улар ғоят бахтсиз махлуқлардир. Ҳаётда бахт



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзгаларнинг қувончини кўрмоқ экан, улар умумнинг бахтини поймол қилиб, саодатга эришмоқчи бўлурлар. Билмайдиларки, асли бадбахтлик будир. Ҳайҳот, эл-улуснинг тақдири шу зулм-ситам аҳлининг қўлидадир. Мен учун бу ҳолни кўрмоқ ҳар куни заҳар ютмоқдан минг қатла оғир ва мушкулдир!

Шайх Баҳлул йиғидан қизарган кўзларини ерга тикиб, жим қотди. Ҳайдар аламига чидай олмай, гоҳ ўтирар, гоҳ сачраб турар эди.

Туси аслига келмаган Ҳасан Сайёҳ кирди: «Ит ҳолати размда... Тепсам ҳам қўзғолмайди» деди.

Навоий самимий ачиниш билан бошини тебратиб деди:

— Ит беҳуда нобуд бўлди. Бекор қилгансиз. Биласизми, ит ғоят вафодор махлуқ!

Ҳайдар нотинчланиб, Абдусамадни қидиришга кетди. У кечқурун навкарлар билан ҳориб-чарчаб қайтди. Абдусамад изсиз йўқолган! Уни махсус одамлар яширган деб ҳукм қилди Навоий.

Бутун кеча қидириш давом этди. Тонгга яқин бир жарликда унинг қонга беланган бошсиз гавдасини топдилар...

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Арслонқул нари-бери нонушта қилиб, жомакорларини кийди. Икки ҳафтадан буён ишлаётган жойига — Ҳирот хиёбонида солинаётган бинога жўнашга ошиқаркан, эшик қоқилди.

— Худди закотчилар келди,— ранжиб деди Дилдор,— яна неча динор? Беринг-да, бу балолардан бошингизни қутқоринг.

— Жоним, нимани берамен? Меҳнат ҳаққим киссамга тушаётгани йўқ. Мажддиддин Муҳаммад ўз хаёлхонасидан ҳафтада янги закот тўқиб чиқармоқда. Азбаройи худо, битта-яримтасини чопиб ташлаймен-да!

— Болам, тинч юр: «оч қорним, тинч қулоғим!»— орқадан қичқириб қолди кампир.

Кўчада Арслонқулни баланд бўйли забардаст чол — маҳалла оқсоқоли қаршилади. Йигит қўлини қовуштириб салом берди. Оқсоқол шамшод ҳассасини ерга уриб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

одатича, дастлаб Арслонқулни койиди. Унга бомдод намозини[1] кўпинча канда қилишини эслатди. Агар яна канда қилса, муҳтасибга[2] айтиб, эл олдида қирқ дарра урдиришини уқдирди. Арслонқул, чавандоз остидаги отини тутган каби бутун маҳаллани яхши жиловлаган, бу чол билан ҳазиллашиш мумкин эмаслигини билганидан, намозни асло канда қилмасликка ваъда берди-да, уйга қайтмоқчи бўлди.

— Шошма, ўғлим,— деди Арслонқулнинг елкасидан ушлаб чол,— букундан эътиборан шаҳзода Музаффар Мирзонинг тўйлари бошланди. Биз каталак кўчада эмас, гузаргоҳда яшаймиз. Бутун уйларни, деворларни ясатурмиз. Амри подшоҳ, ғайрат билан ясовга киришмоқ лозим.

— Ишга кечикамен, усталарим қараб қоладилар.

— Қандай иш! Букун барча усталар чортоқлар, арклар қурмоқ билан банд...— деди оқсоқол.

Шаҳзодаларнинг аввалги тўйларидаги ҳашаматни кўрган Арслонқул чолга эътироз қилмади. Узоққа қараб, дўкондорлар ўз дўконларини безашга бошлаганликларини кўрди. Оқсоқол яна уқдириб, паст кўчадагиларга хабар қилгали кетди. Шу вақтда ён қўшнилар — бўзчи, косагар жомадўз[3]— уйларидан чиқишди.

— Тахтлаб қўйилган атлас, кимхобларни ва ипак гиламларни олиб чиқмайсизларми?— кулиб ҳазиллашди Арслонқул.

Ориқ, елкаси чиққан бўзчи ингичка белини учма-уч чирмаган кир белбоғига бир қўлини тираб, иккинчи қўли билан бошини камбағалчасига қашиб қўйди.

— Тавба!— деди, кўзини олайтириб,— ахир, Музаффар Мирзонинг хатна тўйлари яқинда ўтмаганмиди?

Катта кўк салласини худди болалар ўргамчикка ўрагандек, нари-бери чирмаган, узун бўйли, қотма косагар солмоқланиб жавоб берди:

— Подшоҳга эрмак керак-да. Соҳибқирон Амир Темурнинг бутун умри сафарда ўтган, бизнинг подшоҳники нуқул тўй-томоша билан ўтяпти. Майли эди-я, лекин хазинани тўйга сочадилар-да, кейин яна закотга зўр берадилар.

---

[1] Эрталабки намоз.

[2] Диний ишларнинг мусулмонлар томонидан бажарилишини тафтишлаб юрадиган маъмур.

[3] Тўн тикувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўрган томошаларингиз бадалига ҳақ тўламайсизларми?— истеҳзоли кулиб деди Арслонқул.

— У бозордан бу бозорга бир қадаҳ ҳалво сотиб олиб, болаларимнинг оғзини чучутсам, уларнинг қувончи менга катта томоша!— жавоб берди аёлманд бўзчи.

Байрамларга, ўйин-кулгига ўч бўлган, сўзда ҳам, кийимда ҳам, юриш-туришда ҳам ўз камбағаллигини яширадиган хушмўйлов, кичкина гавдали Жомабоф ҳаммага эътироз қилди:

— Хурсандчилик тирикчиликнинг зийнатидир,— деди у бидиллаб,— шундай улуғ подшоҳнинг замонида томоша кўрганимиз ғанимат. Кўрурсиз, бу шундай қизиқ тўй бўлурки, таърифини қалам билан ҳам, тил билан ҳам айтиб бўлмас. Бадиуззамон Мирзонинг тўйларини ҳали ҳам достон қилиб юрадилар. У ҳеч нарса бўлмай қолур ҳали.— Гўё подшоҳ билан маслаҳатлашган катта тўй бошилардек бўлажак ҳангамаларни сўзлаб берди у. Ниҳоят фикрини тасдиқлаш учун овозини пасайтириб, маънодор ишоралар билан деди:— Музаффар Мирзо подшоҳнинг суюкли ўғли. Хадичабегимнинг эътиборлари маълум. Келин бўлса, подшоҳнинг сингиллари Бадиулжамол бегимнинг қизлари Хонзода бегим... Э, кўрган ғанимат, антиқа тўй!

Бўзчи билан косагар маҳмадана қўшнини истеҳзоли табассум билан тинглаб, индамасдан уйларига кириб кетишди. Жомабоф атрофдаги боёнлар, донгдор оилалар ўз деворларини қандай ясатаётганларини кўрмоқ учун илдам жўнаб қолди.

Арслонқул бир нафас гарангланиб турди-да, уйга кириб, воқеани хотинларга айтиб берди. Дилдор бу тўйда ясанмоқ учун Доруғанинг келинлари, Шайхулислом ҳам Ясовулбошининг қизлари аллақачон кийимлар тикдирганлари тўғрисида сўзлади. Кейин саройда аёллар орасида, тўй кунлари бўладиган тантаналар ҳақида гапираркан, эри ёқасини ушлаб: «Жоним, эртак сўйлаяпсенми?» деб таажжубланди.

— Оҳ, нега эртак бўлсин! Мен сизга ниҳояти бир учини очдим...— кулди Дилдор.

Эр ва хотин кўча томонни нима билан безаш тўғрисида кенгашишди. Кампир яқинда ўлган чолининг маъракаларини ўтказиш учун ўз бисотидаги анча буюмларини бирин-сирин сотиб қўйган эди. Дилдор ҳамма хотинлар каби, зийнатни севгани, ҳам буни ўз оиласининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

обруси деб билгани учун, жиддий ўйлай бошлади. Дастлаб: «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» деган эр энди хотинининг кўнглига қараб қизиқсинди. Бахтларига, ҳар қалай, бир яқин дўстларининг амонат ташлаб кетган каттагина гилами бор эди. Дилдор сандиқни очди. Ўзига ҳам қизи каттароқ бўлганда кўйлак тиккани атаб сақлаган икки жуфт ярқироқ гулдор адрасни олди. Қампир ҳам бисотидан эни-бўйи икки қулочли сўзана топиб берди.

Қиём чоғигача кўча бўйлаб чўзилган бутун уйларнинг деворлари ранго-ранг матолар, сўзаналар, гиламлар билан қопланиб, эрта кузнинг ҳали иссиқ қуёшида ажойиб манзара ясади. Хусусан, боёнларнинг, катта мансабдорларнинг ясатиқлари нуқул асл ва нодир матолардан бўлиб, гўзал товланиши билан кўзларни ўйнатарди. Сўзи ўткир оқсоқол катта йўл устидаги бу маҳаллани бой безак билан, ингичка завқ билан ясатишга тиришган ҳам бунга муваффақ бўлган эди. Маҳаллада аксариятни ташкил этган камбағал-чамбағалларнинг яланғоч муҳтожлигини яққол кўрсатувчи ямоқ-ясқоқ уйлар молдорларнинг, мансабдорларнинг туганмас бисотидаги ипак матолар билан қопланди.

Қўриқлаш учун оқсоқол одим-одим жойда қоровуллар қўйди. Тантана ҳаммадан кўра Жомабофни қанотлантирган эди. У ялиниб-ялпоғланиб кимлардандир амонатга олган сўзаналарни ўзиникидай кўрсатишга тиришиб, қинғир-қийшиқ деворларини хотинлардай уқув ва чаққонлик билан безади. Кейин томошабинлар билан бирга юриб, ҳар қадамда бир тўхтаб, қимматшунос[1] сингари, матоларнинг ранги, тўқилиши, ишланган жойи, гуллари, сўзаналарнинг нусхаси ва ҳоказо ҳақида баҳо бериб турди. Ҳар бир қизиқ ҳодисага шеър бағишлашни севган ҳам тез шеър тўқувчи баъзи шоирлар бу ердан ўтаркан, товусдай товланган кўчага атаб байтлар, рубоийлар айтишди. Лекин кўп ўтмасдан, одамлар бу ерда узоқ тўхтамайдиган бўлиб қолишди. «Боғи жаҳон оро» билан «Пул молон» ўртасидаги масофада никоҳ куни тантана билан келин ўтадиган йўлдаги манзара ҳамманинг тилида достон эди.

Ҳашамат ва безакларнинг таърифи Арслонқулни ҳам сабрсизлик билан у томонга югуришга мажбур эт-

---

[1] Қимматбаҳо нарсаларни танувчи, баҳоловчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. «Боғи жаҳон оро»нинг дарвозалари, муаззам арки, деворлари, қасрлар ва кўшкларнинг кўча томонлари Ҳинд ва Мисрнинг ипак тўқималари билан, Хитойнинг «гули ҳамиша баҳор»дай шўх гулли, нафис гўзал атласлари билан туташ қопланган. Гуллари олтин ва кумуш билан ишланган баъзи матолар қуёшда оқ ҳам қизил олов бўлиб ёнарди. «Бизнинг маҳалла безагининг ҳатто энг яхшиларидан эшакка тўқум ясалса, увол кетмас экан»— ўйлади ичида Арслонқул ҳам ағрая-ағрая нари кетди. Йўлнинг икки томонидаги ҳамма уйлар ва дўконлар, боғ деворлари нуқул шунақа матоларга бурканган эди. Фақат ранги, гули, яшнаши бошқача. Йигит орқага, олдинга қарайди — айни манзара. Шамол эсиб чексиз ипак денгизини тўлқинлатаркан, манзара тамом хаёлий шаклга киради.

Арслонқулнинг кўзи тиниб кетди. Кўринишли жойларга усталар шошилиш равишда юксак арклар қурадилар, бир томонда машҳур наққошлар оғочларга ўз санъатларининг сеҳрли либосларини кийдирадилар.

Бир фарсах йўл босиб, «Пул молон»га етганда таассуротнинг кучидан Арслонқул ҳориди. Келинни кутиб олинадиган жойда бўлаётган ажойиботларнинг умумий манзарасига узоқдан бир оз қаради-да, бир чеккада дарахтга суялиб ўтирди. У мудроқ босгандек кўзини юмди. Фикри аста равшанлашди. «Бу асл буюмларни йиғиб, Ҳиротнинг етим-есирларига улашилса, улар лоақал ўн йил бўз киймас эдилар,— кулимсираб ўйлади ичида Арслонқул.— Подшоҳларнинг бошига давлат қуши қўнади, деган гап бежиз эмас шекилли. У қўндими, ҳамма нарса муҳайё. Ҳамма орзу армон сиппасиллиқ юзага чиқа берур...»— Бу қушнинг ҳикмати тўғрисида узоқ ўйлади, кейин ёдига Навоийнинг сўзлари тушди:

Эки қави[1] айлади давлат қўлинг,
Зулм сари тушди ва лекин йўлинг.

Чунки фараҳ[2] базмига азм айладинг,
Айшу тараб[3] назмига жазм айладинг.
Қасрки базм анда муҳайё бўлуб,
Зиннати фирдавсий муалло бўлуб.
Пардалари риштаси[4] эл жонидин,

[1] Кучли, қувватли.
[2] Ўйин-кулги, қувонч.
[3] Вақти чоғлиқ.
[4] Ип.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лаълию шингарфи[1] улус қонидин.
Шамсаси[2] эл моли била зарнигор[3]
Эл дуру лаъли билан гавҳар нигор.

Базмдаги қарию гар худ йигит,
Майдин ўлиб ҳар бири бир телба ит.
Сен доғи қопланди агарчи фузун[4],
Нафс итининг илгида лекин забун[5].

Арслонқул Навоийнинг Астрободга сургун қилинишининг сабаблари тўғрисида бир кун Султонмурод билан суҳбатлашганда, олим унга шоирнинг бу мисраларини ўқиб бериб, маъносини яхши тушунтирган ва, ниҳоят, шундай деган эди: «Фаҳмладингизми, йигит, масала нимадан иборат? Навоий улуғ ҳақиқатпарастдир. Унинг ҳар бир сўзи ҳақиқат машъали, виждоннинг наърасидир. Бу ҳол подшоҳга, уни қуршаган бир гуруҳ олий мансабдорларга, аъён ва акобирларга ёқмайди. Эл-улусни талаб, молу мулк ортдирғучи разиллар эл ҳомийси шоирнинг соф, олижаноб юраги олдида зир титрайдилар. Кўршапалак қуёшдан чўчигани каби, улар Навоийдан қўрқадилар. Жиноятларини фош қилғучи қудратли овозни бўғмоқ тилайдилар!»

Арслонқул қўлини силкиб, шу қарорга келди: «Подшоҳнинг давлат қуши аслида талов қуши бўлса керак!» Шу вақтда кимдир унинг елкасидан аста тортиб қўйди. Арслонқул хаёлини қочирган «ҳазилкашга» еб қўйгундай бўлиб, қовоғини солиб қаради-да, бирдан кулиб, дик этиб ўрнидан турди. Бу — Зайниддин эди. У ҳар вақтдаги шўхлиги билан деди:

«Роса пинакка кетган экансиз. Хаёл денгизига шўнғиб, неча ҳум тилла топдингиз? Бу ажойиботларни томоша қилдингизми?»

Арслонқул қизариб, боши билан тасдиқлади.

— Тўй етти кун. Кўришга вақт кўп,— давом этди Зайниддин.— Қани, юринг, ўзга томошалар бор.

Улар «Боғ зоғон»нинг бош дарвозаси олдида тўхташди. Эпчил Зайниддин тўйбошилар билан бир зум гаплашиб, ҳамроҳини ичкари олиб кирди-да, бир муддат бирга кезгач, дарахт остида гиламда шатранж ўйновчи-

---

1 Бўёқ.
2 Уйнинг шипига қуёш шаклида солинган нақш.
3 Олтин кўринишли, олтин билан безалган.
4 Юқори, устун.
5 Ожиз, кучсиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар орасига тиқилиб, ўзини ҳам унутиб юборди. Арслонқул эски подшоҳлардан қолган ва таърифини кўп эшитган сарой-боғда ағрайиб ёлғиз кеза бошлади. Сайрчиларнинг деярли ҳаммаси мағрур аслзодалар, мансабдорлар, кийим-кечаги, сўзи, муомиласи билан ярқираган олифта ёшлардан иборат «сара» халқ бўлганидан, содда йигит дастлаб четланиброқ юрди. Лекин ҳар ёқда питирлаб юрган юзларча юмушчилар, навкарлар уни жилла кўзга ташлатмас эди. Арслонқул ҳашамат, зиннат, тантана деган тушунчаларнинг тимсоли мужассамини бу ерда кўра бошлади. Эски, гоят зангин қасрларга бой «Боғ зоғон» тўй муносабати билан шоён ҳайрат тус олган. Бу ерда нималар йўқ? Шаҳарнинг энг машҳур санъаткорлари — рассомлар, наққошлар, меъморларнинг ижоди, ҳаммани қизиқтирадиган ҳар нав ҳунар эгаларининг ҳийлакор санъати бу ерда таърифдан ташқари кўркам, ранг-баранг гуллаган, тажассумланган эди. Боғнинг турли томонларида сеҳрли оина каби йилтираган ҳовузлар олдида ҳар бир шаҳзода ўзи учун гўё эртаклардагидек бой, безакли, чиройли кўшклар ясатдирган. Подшоҳнинг ўн тўрт ўғли учун ўн тўрт кўшк, ҳар кўшкда бир шаҳзода ўз йигитлари, яқинлари, меҳмонлари билан базм қилади. Ўн тўрт ерда базм! Махсус тузилган мармар ҳовузларда ақиқдай ёнган шароб ва шарбатлар!

Арслонқул шаҳзодаларнинг манзилини узоқдан томоша қилди. Фақат бош ўғил Бадиуззамон Мирзонинг кўшкида базм суронсиз, ҳам шаҳзода ҳар вақтки кийимда эди. Яхшигина шоир бўлган букри шаҳзода — Ғариб Мирзонинг кўшкида аксар шоирлар, чолғучилар, ашулачилар базм қилишарди. Арслонқул ўзини дарахт орқасига олиб, хийла вақт мусиқи ва ашула тинглади...

Мана Музаффар Мирзонинг базми... Ўн беш яшар куёв парча-парча олтин гулли кийимда. Чиройли ўралган оқ шоҳи саллада, пешонасининг тепасига қадалган йирик гавҳар ва уни қуршаган ранг-баранг лаъл-ёқутлар, дурлар чақнаб ёнади. Салланинг учида кўркам жиға ҳилпирайди. Музаффар Мирзонинг ўнг ёғида баҳодирона тур билан гердайиб Тўғонбек ўтиради. Йигитларнинг ҳаммаси тўй учун махсус тикдирилган зар ёқали — қимматли тошлар билан безалган кийимларда ялтирайди... Хушрўй ёш-ёш соқийлар олтин қадаҳларни нозик ҳаракатлар, таъзимлар билан, қизлардай чиройли



www.ziyouz.com kutubxonasi

имолар билан пайдар-пай тутадилар... Арслонқул тиғини қайраб. Туғонбекка ўқрайди-да, тез юриб кетди. Дарахтлар орқасидан ҳавога сачраб ёнган олтин шуъ-лалар унинг кўзини қамаштирди. Арслонқул яқин борди... Найзасига суялиб турган икки навкардан бошқа кимсасиз катта кўшкнинг олдида анқайиб қолди. Кўшкнинг ҳамма қисмларидаги тоза ложувард устига олтиндан ишланган бўртма нақшлар, тасвирлар — усталарнинг, наққошларнинг санъати — уни роса мот қилган эди. Таниш бир хизматкор йўлиқиб, бу ажойиб бинони подшоҳ ўзи учун солдирганини, бу ерда тун бўйи фавқулодда суронли базм бўлиб, подшоҳ ва вазирлар, беклар, ҳатто Шайхулислом ҳам мастликдан учиб қолганини сўзлади-да, Арслонқулни судраб кетди. Уни ошхона ёнидаги супага ўтқазиб, таом келтирди. Арслонқул белини қамиш билан боғлаган, юзи, қўли куя бир неча юмушчилар билан гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтирди. Бу ерда кўрганлари ҳақида гапираркан, айёрча кулиб, секин ўқиди у:

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин!

— Ҳақ сўз! Шоири ким?— сўради бир ёш хизматкор.

— Ўзинг айт, бўзчисидан шоири кўп бўлган бу шаҳарда энг ҳақгўй шоир қайси?— деди Арслонқул.

— Албатта бизнинг Навоиймиз!— ишонч билан жавоб берди хизматкор.

— Балли! У кишининг сўзи,— ғурур билан тасдиқлади Арслонқул.

— Маждиддин Муҳаммад иш бошида тураверса, подшоҳ яна бир-икки шундай тўй қилса, элнинг бир қатра қони қолмайди!— қўллари билан таъкидлаб, салмоқланиб деди сув ташувчи.

Навоийнинг сифатлари, тақдири, у билан бўлган учрашувлар ва ҳоказолар ҳақида ҳар ким ўз билганини гапириб, илиқ, самимий, мазмунли суҳбат узоқ давом этди...

* *
*

Тўй муносабати билан Ҳиротнинг турли майдонларида, айниқса «Ҳовзи Моҳиён» ҳам «Ийдгоҳ»[1]да ҳар кун

[1] Байрамларда халқ сайил қиладиган майдон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

томошалар бўлди. От чопишлар, «чавгон» ўйинлари, кураш, таёқбозлик ва ҳоказоларда Ҳусайн Бойқаро «дувоз дахпоя»ни[1] тикиб, барча шаҳзодалар, давлат арбоблари билан бирга томоша қилди. Бир кўп ўйинларнинг ҳақиқий ташаббускори у бўлганидек, ўйинларнинг натижасини ҳам ёлғиз унинг раъйи ҳал қилар эди.

Еттинчи кун — никоҳ куни тантана авжга чиқди. Мадрасаларнинг баланд пештоқларида, шаҳар қўрғонлари устида чалинган ноғоралар, карнайлар кўкни титратди. Ҳамма кўчаларда, гузаргоҳларда инсон тўлқини гувуллади. Оқшом мингларча халқ келинни қарши олмоқ учун «Пул молон»га оқди. Бу ерда Музаффар Мирзонинг серҳашам отларни гижинглатган хос йигитлари, Ҳиротнинг қимматбаҳо кийимларга беланиб гердайган асилзодалари, юзлаб чолғучилар, қўшиқчилар, қизиқчилар, қурама оломон шовқин солар эди. Баланд кўтарилган юзларча машъаллар қуюқлашган қоронғуликни ютиб, теваракни нур тошқини билан тўлдирган эди. Думидан хартумигача гиламчалар, махсус ипак жабдуқлар билан ясатилган филларга тевараги ўйма гулли кажавалар ўрнатилган. Буларда бичими ғалати, ола-була кийимлар кийган филбонлар қаққайиб турарди.

«Пул молон»дан «Боғи жаҳон оро»гача бўлган ва Ҳинд, Хитой, Мисрнинг ажойиб матолари билан туташ музайян масофа бўйлаб, ҳар икки томонда чолғучилар, қўшиқчилар турнадай қатор тизилган. Одим-одим жойда махсус ясалган, ўйинчиқдай мўъжаз, безакли супачаларда юзларига оқ тўр рўмол тутган сарой хонимлари, канизаклар сочиғ сочиш учун келинни кутардилар.

Ногоҳ «келин келди!» сурони ҳавони янгратиб юборди. Инсон тўлқини бирдан чайқалиб кетди. Чиройли безатилган, соябонли юзларча аробаларда ўз манзилидан чиққан келин — Хонзода бегимни дастлаб «Пул молон» зўр қий-чув билан қаршилади. Гуруҳ-гуруҳ ёш хонимлар хушрўй канизаклар билан қуршалиб, чўрилар баланд кўтариб турган жуда катта сўзаналар тегида турган Хонзода бегимга Музаффар Мирзонинг Тўғонбек бошлиқ барча беклари, йигитлари узоқдан қуллуқ қилдилар. Саройдан Хадичабегим юборган эътиборли аёллар келин ва унинг яқинлари билан кўришиб, ҳовуч-ҳовуч динорлар сочдилар. Оломон чуввос билан ур-йиқит тераркан,

---

[1] Махсус минбарли чодир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

филлардан янги сочиғлар ёғилди. Чолғуларнинг садолари, қўшиқчиларнинг қуйлари, отларнинг кишнаши, оломоннинг қий-чуви ҳавода кучли янграб турди.

Филларнинг орқасидан келин карвони юрди, йўлнинг ҳар икки томонида турнадай қатор тизилган созандалар чалган удлар, танбурлар, сеторлар, чанглар, дафлар, найларнинг садолари мавжида тантана билан «Боғи жаҳон оро» томон аста оқди. Келиннинг атрофида, орқасида келаётган гуруҳ-гуруҳ аёллар туркона расм билан[1] «ёр-ёр» айтдилар.

Қайси чамандан эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр...

Ҳар қадамда канизлар умумий сурон остида мўл-мўл сочиғлар сочдилар. Сочиғ учун писта ва бодомларнинг қобиқларини олтин ва кумуш билан қоплаган эдилар. Машъалаларнинг, фанорларнинг шуъласида писта-бодомлар чўғдек ярқираб сочиларди.

Бутун бу тантана «Боғи жаҳон оро»нинг муаззам дарвозасига кириш билан бир нафасда сув қуйгандек жимжитлик ҳукм сурди. Катта ёзлик залда шаҳарнинг илғор уламолари билан қуршалган Шайхулислом кучсиз, ингичка овози билан минғирлаб никоҳ ўқиди. Никоҳдан сўнг Ҳусайн Бойқаронинг ўзи келин бошидан олтин танга ёмғирини ёғдирди. Қиз томон эса куёв бола — Музаффар Мирзонинг бошидан сочиғлар сочди. Яна ҳамма ёқни сурон босди. Тўй тантанаси баҳор тошқинидай кучли тўлқин билан боғнинг катта саҳнига ёйилиб кетди.

Арслонқул қўшни хотинлар билан томошага чиқиб кетган Дилдорни қайнаган оломон орасида қидирди. Тополмасдан, чарчаб ташқарига чиқди. Машъаллар билан ёритилган катта майдонда, қаршидан қаттиқ юриб келиб, эллик қадамча нарида, бир гуруҳ навкарлар олдида, бирдан тўхтаган отлиқни кўрди. Отлиқ унга таниш ҳаракатлар қилиб, навкарлар билан ғижиллашиб ҳам олди. Арслонқул югуриб борди. Сўлуғини тишлаб, ҳансираган қора байирнинг жиловини тутди. Хийла кайфли Ҳайдар мастларча бепарволик билан отдан тушди. Арслонқул ундан Алишер Навоийнинг соғ-саломатлигини

[1] Туркий халқлардаги одат ва анъанага мувофиқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сўради. Ҳайдар ғазаб билан ёнган кўзларини аркка тикиб, заҳарханда билан деди:

— Тўй, байрам, жиноят — ҳаммаси бу юртда бор!

— Нима гап, Ҳайдарбек?— қўрқувли овоз билан шивирлади Арслонқул.

— Тинчлик...— қўлини силтади Ҳайдар.

Арслонқул отни четга элтиб боғлади. Ҳайдарнинг феъли айниганидан хавфсираб, ола-зарак бўлиб тураркан, қаёққадир шошиб-пишиб кетаётган Султонмурод ҳам Зайниддинга кўзи тушди, уларни қичқириб чақирди. Улар келиб Ҳайдар билан қучоқлашиб кўришдилар.

— Сабуҳий[1],— мурожаат этди Султонмурод,— сўйланг, Мир жанобларининг аҳволлари нечик?

— Тангрига шукур, соғ-саломатлар... Маждиддин Муҳаммаднинг маккор пешонаси ҳақиқатнинг абадий тошига урилиб, чил-чил синиб кетди!

Зайниддин ва Султонмурод бир-бирларига маънодор қарашиб, Ҳайдарни огоҳлантиришга тиришдилар:

— Қаердасиз?

— Дилга келган фикрни тилга кўчирмоқда ҳамиша эҳтиёт шарт!

— Мен мирзоларга Алишер жанобларининг ғазабли саломларини келтирдим,— деди Ҳайдар ғурурланиб.— Дўстларим, шу тўй-томошага мен ҳам чизи заҳар ташламоқ фикридамен. Енг ичида ханжар сақлаганлар қани?

Султонмурод Зайниддиннинг қулоғига нимадир шивирлаб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Зайниддин усталик билан Ҳайдарни гапга солиб турди — Ҳайдарнинг феълини яхши биларди у.

— Сизга истироҳат керак, чарчагансиз,— мурожаат этди Арслонқул Ҳайдарга.

Ҳайдар тезда шахдидан тушди, атрофга қайғули ва паришон боқди. Шу орада Султонмурод Бобоали эшик оғони бошлаб келди. У узун, қувватли қўлларини кенг ёйиб, Ҳайдарни гўё ўз ўғлидай қучоқлади, ширин гапирди. Кейин уни отига миндириб, ўзи ҳам бир зумда от топиб келиб, уйига олиб жўнади. Султонмурод уларнинг орқасидан узоқ тикилиб қолди-да, кейин қайғудан бўғилган овоз билан деди:

---

[1] Ҳайдарнинг тахаллуси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биз ғафлатда эканмиз, Астрободда ғоят алам ангиз қабиҳ воқеа рўй бергани шубҳасиз. Эвоҳ, Ҳирот байрам қилмоқда!

— Суюнмоқ керак,— деди Зайниддин шивирлаб,— тўйбошиларнинг кирдикори фош этилиб, тарих олдида улар шарманда бўлибдилар!

Султонмурод ҳам Арслонқул бошларини ғамли чайқаб, унинг фикрини тасдиқладилар. Кейин учовлари аста-аста юриб, оғир сукут билан қоронғуликда кўздан йўқолдилар.

II

Тонгда Ҳайдар кўзларини очиб, уқалади. У шипи чиройли «шамс»ли, деворларининг юқори айланасида, гўзал нақшлар орасида ҳикматли рубоийлар ёзилган кичкина таниш хонада ётар эди. Бобоалининг уйига қўнганига у хурсанд бўлди. Отда узоқ йўл босиб чарчаган гавдасида ҳозир аллақандай хушёқар бир ором сезса-да, белидан ва оёқларидан оғриқ аралаш ҳорғинлик кетмаган эди. Роҳатланиб бир керишди-да, яна ялқовланиб ётди. «Боғи жаҳон оро» олдида тунда кўрганлари — машъаллар, безаклар, шовқин-сурон ва ҳоказо унинг бошида узоқ бир туш сингари жилваланарди. Ташқарида хизматкорларга юмуш буюрган Бобоалининг товушини эшитгач, ўрнидан туриб, одати бўйича, имирсиланмасдан кийинди. Даҳлизда муъжаз, гулдор мис обдастадаги сув билан ювиниб бўлгунча, хизматкор кириб ўринни йиғди, хона ичини саранжом қилди. Кейин Ҳайдар уй соҳиби билан нонушта этди. Бобоали эшик оғо Ҳайдарнинг феълини яхши билганидан, тилга эҳтиёт бўлишини, дўст-душманнинг фарқига етиб, муомилада бу жиҳатга риоя қилиш кераклигини очиқ насиҳат тариқида эмас, ишоралар билан уқдириб ўтди. Ҳам қиём чоғида саройга келса, подшоҳнинг қошига киргизишини ваъда қилиб, ўрнидан қўзғалди.

Ҳайдар токчага қаланган китобларни кўздан кечирди. Мавлоно Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» асарини фавқулодда гўзал котиб томонидан кўчирилган, ғоят безакли бир нусхасини томоша қилди. Баъзи жойларини ўқиб, охирги бетини очди: котиб Зайниддин! Китобчани яна варақлаб, хатига диққат қилиб, Зайниддинни Ҳиротнинг энг машҳур котибларидан асло тубан кўрмади. Мусиқийда, шатранжда, сангтарошликда шуҳрат қозонган



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу шўх, хандон одамга меҳри яна ортди. Навоий буюрган баъзи китобларни унга ёздирмоққа қарор қилди. Кейин расмий мактубларни чиройли жуздонга солиб, қўлтиғига тиқди, ҳам туғулиб ўсгани шаҳарнинг ҳавосини, файзини соғина-соғина дилгир бўлган юракни очиш учун кўчага чиқди. Саҳҳофлик растасига тушди. Кейин бир-икки мадрасага кириб, дўстлари билан дийдор кўришкунча, вақт пешинга яқинлашиб қолди. Подшоҳ, эски одати бўйича, пешиндан кейин кундалик ичкилик базмига шўнғиб кетишини билганидан, саройга югурди. Уни Бобоали эшик оғо кўзларидаги ранжиш ифодаси билан қарши олиб, подшоҳ ҳузурига киришга буюрди. Ҳайдар бир оз тўлқинланиб: «Ҳазратлари ёлғизмилар? Акс ҳолда кирмаймен» деди. Бобоали бошини қимирлатиб «ҳа» деб жавоб берди.

Ҳайдар олтин тахтда қовоғини солиб ўтирган Ҳусайн Бойқарога, бутун қоидага мувофиқ, таъзим қилди. Рухсат бўлгандан сўнг ўтириб, Алишернинг саломини сўзлади. Жуздондан расмий ҳужжатларни чиқараркан, подшоҳ уларни девонхонага топширишни буюрди ҳам Астрободдаги умумий аҳвол ҳақида сўради. Ҳайдар бу хусусда Навоийнинг укдирган фикрларини батафсил сўзлаб берди. Ҳусайн Бойқаро бепарвогина тинглаб, шоирнинг бу кунларда нима билан машғул эканини, кайфиятини сўради. Ҳайдар Навоийнинг фикри ҳамма вақт эл ва улус иши билан банд эканини айтди-да, бир нафас сукут қилиб, унинг кайфияти тўғрисида деди:

— Сўнгги замонларда Мир жанобларининг хотирлари синик, кўнгиллари ғам-андуҳ билан пора-пора бўлгандир. Ўзларини оғир вазиятдан не йўл билан қутқаришни билмайдилар ва ёлғиз ғазаб ўтида қовуриладилар.

— Нималар демоқдасиз? Сабаб?— Ҳусайн Бойқаро бирдан ҳушёрланиб, кўзларини қаттиқ тикди Ҳайдарга.

Ҳайдар бир муддат тараддудланди. Шу пайтда ҳақиқатни қандайдир бошқа важҳлар билан яшириш зарурлигига ақли етса ҳам, қонига сингган феъли устун чиқди. Бирдан тараддудни енгди.

— Мир жанобларини бениҳоят ташвишга солиб, ғазабларига сабаб бўлган воқеа шулки,— деб бошлади Ҳайдар,— яқинда сиз пушти-паноҳимиз подшоҳи оламнинг баковуллари Мир жанобларининг ҳаётларига қасд этди!



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Не бўҳтонларни сўзламоқдасиз?— қичқириб юборди Ҳусайн Бойқаро.

— Баковул Абдусамад Мир жанобларининг таомларига заҳар қўшган экан...— энди бепарво давом этди Ҳайдар.— Аммо Мир жаноблари каромат тариқида бу офатдан огоҳланиб, тангрига сад ҳазар шукур, саломат қолдилар. Бу фаже ҳодиса Мирнинг дилларини шубҳа ва андиша билан тўлдирди. Жиноятнинг илдизини бу ерда, Ҳиротда деб ишонадилар...

Ҳусайн Бойқаронинг ранги қум ўчиб, юзи бир зумда кўк-сариғ билан қопланди. Бурнининг катаклари қисилиб, оғир нафас ола бошлади. Ҳайдар ўзини жуда ноқулай сезди. Дали-ғулилик билан сўзлаганига афсус қилди. Лекин энди вазиятни ўзгартириш, ёки жилла қурса, сал юмшатиш мумкин эмасди. Ҳусайн Бойқаро жаҳл билан қичқирди:

— Бу гапларнинг бари аҳмоқликдир. Сўз тамом, чиқингиз бу ердан!

Ҳайдар совуқ, ўчиқ юзини терс бурган подшоҳга таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқди. Даҳлизда Бобоали эшик оғога мурожаат этиб, нима қилиш кераклигини сўради.

— Сиз ўз одатингизга ҳеч вақт хилоф иш қилмайсиз!— деди у куюниб.— Жонингиздан қилча умидингиз бўлса, энди тилингизни кесинг, тамом гунг бўлинг!

Ҳайдар индамасдан, мармар зинага отилди.

Ҳусайн Бойқаро Бобоалини йўқлади, қалам ва қоғоз талаб қилди. Бобоали олтин сиёҳдон, олтин ва кумуш билан ишланиб, қимматбаҳо майда тошлар терилган қалам ва бир тахта рангдор қоғозни дарров тақдим этди. Подшоҳ унга, Ҳайдарни Астрободга жўнатмасликни, Ҳиротда назорат остида сақлаш кераклигини тегишли амалдорларга шу онда етказишини буюрди. Кейин ёлғиз қолиб, Навоийга ёзилажак хатнинг мазмунини, унга қандай унвон билан мурожаат қилиш кераклигини ўйларкан, қоғоз тутган қўли титрарди. У ўзини жиноятдан хабарсиз деб ҳисобласа ҳам, лекин Маждиддин ва унинг гуруҳининг Навоийга бўлган адоватини, кўпдан буён тайёрлаб юришган кирдикорларини сезганидан ва баъзи ишораларга сал ҳушёрлик билан қараган тақдирда, жиноятдан огоҳланиши мумкин эканлигини иқрор қилди, ҳам ўз шахсига ёпиштирилиши мумкин бўлган бу қора доғни силишга, ишни «ёпди-ёпди» қилишга қарор



www.ziyouz.com kutubxonasi

берди. Титрак қўл билан ёзишга киришди. Хатни Алишерга нисбатан самимият, қадрдонлик сўзлари ва тумтароқли узун жумлалар билан безаб, охирида Ҳайдар келтирган хабардан ғоят мутаассир бўлганини, лекин бундай жиноят ҳеч қачон унинг хотирига келмаганини ёзди. Кўнгли пича таскин топди. Бобоали эшик оғо ҳалиги фармон ҳақида тегишли амалдорларни огоҳлантирганини арз қилмоқ учун кирганда, Ҳусайн Бойқаро хатни букиб, кўз олдида тамғалатди ҳам ишончли чопар орқали шу оннинг ўзида Навоийга юборишни буюрди.

Ишлар тўғрисида маъруза қилмоқ учун Маждиддин олтин гуллари ёниб турган ипак тўнда, гердайиб кирди. Подшоҳнинг авзойига назар солиш биланоқ ғалати бўлиб кетди-да, бўшаиброқ ўтирди. У Ҳайдарнинг келганини эшитган эди. Лекин подшоҳнинг кайфсизлигини шундан деб гумон қилмоққа ҳеч қандай асос йўқ эди. Бош вазир сўзлаш учун ижозат сўради. Ҳусайн Бойқаро маърузани бошқа вақтга қолдираркан, унинг ичини титроқ босди. Сабабини сўрашга ботинмай, бошини эгиб сукут қилди.

— Астрободда бағоят номақбул ҳаракат рўй бермиш,— деди Ҳусайн Бойқаро шикоятланиб.

— Муборак дилингизни хира қилган аҳвол не экан?— гавдасини букиб мурожаат этди Маждиддин.

— Юборган баковулингиз Алишернинг ҳаётига қасд қилибди. Аммо ҳеч иш чиқмабди. Кишини заҳарламоқ осон иш бўлибдими? Энди Алишер ўзини ҳар нав таҳликадан қутқармоқ учун чоралар излар эмиш...

— Асло хабарим йўқ, Офтоби Олам!— ранги оқариб, кўзларига маъсумлик ифодаси беришга тиришиб деди Маждиддин.— Сиз олампаноҳ учун бу алим ҳодиса қандай кутилмаган бўлса, бу қулингиз учун ҳам шундайдир.

— Яширин вазифа топширган эдингиз?— сўради тўнглик билан Ҳусайн Бойқаро.

— Тўғри, биз у аблаҳнинг зиммасига бир нима вазифа юклаган эдик...— ғулдиради Маждиддин.— Лекин маълум бўлдики, баковул ўз ҳаддидан ўтибди.

— Энди бу ҳақда баҳслашмоқнинг ҳожати йўқ,— деди қисилиб Ҳусайн Бойқаро.— Айтинг, оқибати нима бўлур? Қандай қилиб яширмоқ мумкин?



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ифлос баковулнинг изини бу дунёдан ўчирмоқ керак!— жавоб берди Мажиддин.

— Вақт ўтди!

— Хотирингиз жам бўлсин, слампаноҳ,— дадилланиб деди Мажиддин,— бу баковулнинг ишини истанилган онда саранжом қилмоқ учун унинг орқасига ўлим соясини эргаштириб қўйган эдик...

Ҳусайн Бойқаро бирдан енгилланиб, қаддини кўтарди. Мажиддин ишонч билан, куюниб, сўзини давом эттирди:

— Алишер бу ҳодисани баҳона қилиб, тангри таоло абадиян барқарор этган салтанат тожингизга очиқ мухолифатда[1] бўлиши мумкин. Бу таҳликанинг олдини олмоқ зарур. Алишер билан Яқуббек орасидаги самимиятни, бир он бўлсин, хотирдан чиқармаслик керак.

Ҳусайн Бойқаро бош вазирнинг бу фикрини ҳам ўз диққати, ҳам кўзларининг ифодаси билан тасдиқлади. Подшоҳ назарида ўз обрў-эътибори мустаҳкам эканига Мажиддин яна бир карра ишонди. Маблағлар ортдириш учун янги-янги манбалар топилганлиги ҳақида гап орасида бир неча сўз қистириб ўтди. Ҳусайн Бойқаро вазирга кетмоққа ижозат берди. Кейин Ҳиротнинг эътиборли оиласига мансуб бўлиб, яқинда унга «назир» қилинган гўзал қиз билан кўнгил очиш учун ҳарамга жўнади.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Ҳайдар дилгир эди, бу — ўз қилмиши учун бирон жазога тортилиш ваҳимасидан эмас, балки Ҳиротга келганига ўн беш кун бўлган эсада бирон кун қувонч кўрмай, танҳолик туйиб, ҳаёт билан ўз руҳи орасида аллақандай мубҳам бир оҳангсизлик сезганидан эди. У «Унсия»да яшар ва кўп ичарди. Баъзан фақат Соҳиб Доро билан бир оз дардлашар эди. Аммо Соҳиб Доро ҳам ҳар вақт нашъасиз. Навоийнинг бу қадрдони «Унсия»даги аввалги ҳаётини соғинар, аввалги нашъали кунларни қумсаб, ғамгин, умидсиз шеърлар ёзар, Ҳайдарга ўқир эди. Дуруст, «Унсия»да барча мулозимлар ва қадрдонлар, яқинлар яшар, улар ўз вазифаларини аввалгидек бажаришарди. Баъзан шоирлар, олимлар йиғилиб, аввалги-

[1] Қаршилик, қарши ҳаракат қилмоқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дек суҳбат тузишарди. Аммо, баданга ҳаёт бағишлаган юрак каби, бу даргоҳга файз, қут, нашъа берган бир нима йўқ эди. Юракни умид, имон, нашъа, муҳаббат билан тўлдиргувчи шу нарсани ҳамма қумсар эди.

Ҳайдар билан Соҳиб Доро — икки қайғули дўст «Унсия»нинг дарвозасига чиқишди-да, супачага ўтиришди. Ложуворд кўкда, шамол учирган майин оқ шоҳи рўмоллардек, булутлар ҳилпирайди. Қуёш ёқимли. Қаршидаги боғчалар кўм-кўк бўлсалар ҳам уларнинг нафасидан кузнинг иси анқирди.

— Умримни фақру фано йўлига[1] бағишламоқ ниятидамен,— кўзларидаги ҳасратни учқунлантириб гапирди Ҳайдар.— Нурга, софликка, ҳақиқий муҳаббат ва олий ҳуснга ташна кўнгиллар учун ягона йўл булдир. Сирри ҳикмат[2] дарвешнинг юрагидадир. Айтинг, не дейсиз, уч кунлик ҳаётнинг ёлғончи неъматларидан қўл узиб, ҳусни мутлақнинг[3] муҳаббати билан яшамоқ қадар улуғ ва инсоний бахт борми?

Соҳиб Доро Ҳайдардаги бу оний қарор унинг кўксида лов этиб ёниб, яна сўнувчи орзулардан деб ўйладида, елкасини қисиб, сукут қилди. Ҳайдар дарвешлик фалсафаси ҳақида гапирди. Фаридиддин Аттор, Жомий ҳам Навоийнинг асарларидан чиройли мисоллар келтириб, ҳақиқий дарвеш завқи билан ўқимоққа бошлади. Соҳиб Доро уни ҳузур билан тинглади. Ногоҳ адил, кўркам дарахтлар орасида, қиврилиб чўзилган йўлда, енгил чанг кўтариб келаётган уч-тўрт отлиққа кўзи тушдида, равшан кўриш учун қўлини қошлари устига қўйиб тикилди ҳам бирдан ўрнидан туриб, қичқириб юборди: «Мир жанoблари келмоқдалар!»

— Ҳа, ҳа, олдиндаги Мир...— ўтирган жойида қотиб деди Ҳайдар.

«Унсия»га бирдан жон кирди. Ҳамма хоналардан мулозимлар, қадрдонлар, яқинлар, навкарлар югуришиб истиқболга чиқдилар. Навоий отдан тушиб, этакларини қоқди, ҳамма билан кўришди. Оёқ остида пилдираган болаларнинг бошларини силади, ҳар қайсига ширин сўзлаб, эркалади. Кейин тўғри ўз хонасига кирди. Бу ерда ҳар нарса у Ҳиротдан жўнаганда қай ҳолда бўлса, худ-

---

[1] Дарвешлик, сўфилик йўли.
[2] Олам сири, донолик сири.
[3] Мутлақ гўзаллик, дарвешлар эътиқодича худонинг жамоли.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди шундай турган эди. Обрезда ювинди. Йўл кийимларини ечиб, қайта кийинди. Кейин ёстуққа ёнбошлаб, бир оз дам олди. Ҳайдарни чақириб унинг кайфини паришон кўргач, хафа бўлди. Мулойимлик билан насиҳат қилиб, юпантиришга тиришди. Ҳайдар ёлғиз ҳақиқатни соддадиллик билан эълон қилишдан ўзга гуноҳи йўқлигини айтди. Навоий таъкидловчи овоз билан деди:

— Мунофиқлар ҳақиқатдан қўрқадилар. Ҳақгўйлик улуғ фазилатдир. Лекин зарур вақтдагина тилга эрк бермоқ лозим. Шуни унутмангки, подшоҳга яқин турмоқ, оғзини очган аждаҳога яқин турмоқ билан баробар!— Навоий ўрнидан қўзғолди, подшоҳга кўриниш бермоқ учун кетди.

Эшикда уни атрофдаги оддий халқдан иборат қалин бир гуруҳ кутиб турар эди. Ҳамма кўзларда қувонч ёнарди. Ҳар ёқдан ёшларнинг ва кексаларнинг ҳаяжонли садолари юксалди:

— Кўзларимиз йўлингизга интизор эди!

— Юртнинг тирикчилиги, бахти сизда!

— Дардларимиз беҳад-беҳисоб, сиздан ўзга ҳимоячимиз йўқ!

— Биздан сизни узоқлаштиргувчилар қирилсинлар! Навоий таъсирланиб, титрак товуш билан миннатдорчилик билдирди. Бир кўпларнинг турмуши, касб-кори тўғрисида сўради. Ҳар лаҳза халқ кўпайди. Навоий у қаерда бўлмасин, кўнгли ҳамиша халқ билан бир эканини жуда камтарлик билан ишора қилди-да, ҳаммани қувонтириб, уй-уйларига жўнатди.

«Боғи жаҳон оро»га боргунча, дарвешдан аъёнгача, ҳаммолдан олимгача, ҳамма учрашган одамлар уни олқишлаб севги ва эҳтиром тўла кўзлари билан кузатиб қолдилар.

Шоир бир вақтлар завқланиб кезгани саройда гулзорларни соғинчли назарлар билан томоша қилиб, бош қасрга бораркан, сарвзорлар орасидан Ҳусайн Бойқаро, орқасида ҳар вақтги ҳамсуҳбатлари, ҳамшароблари билан келиб чиқди. Буларнинг ичида Маждиддин, Амир Мўғул, Тўғонбек ва бошқалар бор эди. Навоий Ҳусайн Бойқарога расмий таъзим қилиб кўришди. Қолганларнинг ўзлари яқинлашиб, шоирнинг қўлини сиқдилар. Маждиддиннинг кўзида кучли саросима очиқ сезилса ҳам, у тилёғламаликни яхши бажарди: «Дийдорингизни



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрмоқ насиб бўлгани учун камина ўзини фавқулодда масъуд ҳис этмоқда» деди у кўришаркан.

Ҳусайн Бойқаро шоирнинг ўзини девон ёнидаги тиллакори кичик хоналардан бирига олиб кирди.

— Пойтахтга келмоғингиз учун биздан ижозат бўлгани йўқ эди-ку,— деди у оғир чордона қуриб.— Сизни асло кутмаган эдик.

— Номангизни олгандан сўнг,— деди Навоий оддий нарса ҳақида сўзлагандек,— вилоятнинг ишини муваққатан[1] Валибекка топшириб, олий даргоҳингиз сари югура қолдим, токи ҳар нечук сўз бўлса, ўртага ташлаб, ақл ва инсоф билан ҳал этмоқ мумкин бўлсин...

Ҳусайн Бойқаро ўнғайсизлангандек, тўлғониб олди. Жиноятнинг чигилини ешганда, бир кўп арзандаларининг шарманда бўлишлари, ҳам уларнинг макрига лақ этиб тушганидан ўзининг-да қизариши мумкинлигидан, фожеа тафсилотига киришмасликка қарор берди.

— Телба Ҳайдар баъзи кўнгилсиз воқеалар тўғрисида гапирди. Бу — албатта унинг хаёлхонасида тўқилган бўлиши керак. Ҳар ҳолда жанобларига нома ёздим. Номамиздан сўнг кўнглингизда ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаганига имоним комил. Жаноблари не дерлар?

— Кўнглим кек ва адоват сақлашга мойил эмас,— жавоб берди Навоий.— Разилларни шарманда қилмоқ ҳам беҳуда, чунки кўмирчининг юзи қаро, жаллоднинг кўзи қон бўлганидек, разилларнинг разолати улар учун улуғ жазо ва шармандаликдир. Улар билан даъволашмоқни ўз қадрим учун нуқсон билурмен. Аммо ҳаққингизда ҳеч қандай шубҳа кўнглимдан кечган эмас.

Ҳусайн Бойқаро олтин камарга бир қўлини тираган ҳолда, эзилган, парчинлангандек бўлиб, кўзларини қайга яширишни билмай қолди. Борган сари оғирлашган, чуқурлашган сукунат ҳукм сурди. Бу сукунат гўё ҳақнинг устунлигини таъкидлагандек, маънодор эди. Ниҳоят, сукунатни Ҳусайн Бойқаро бузди:

— Энди кўнглингиздаги мақсадни баён қилинг.

— Менга ҳеч қандай вазифа, мансаб керак эмас,— деди Навоий,— фақат Ҳиротда яшамоққа олий рухсатингизни берсангиз, бас.

Ҳусайн Бойқаро бу илтимос қаршисида ҳақиқатан жиддий ўйлади. Кейин, гарчи ичида рози бўлса ҳам, ле-

---

[1] Вақтинча.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кин илтимосни қабул этишни шоирга катта бир совға, ён бериш каби кўрсатиш ниятида, узоқ тихирлик қилди. Бир-бирига зид, бир-бирherйдан кучсиз ҳар хил монеликларни дастак қилмоққа тиришди. Навоий ўз фикрида қаттиқ турди. Кўрсатилган монеликларни, мулоҳазаларни шоир чўп-хасдай супуриб ташлагач, ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро ўрнидан қўзғаларкан: «Ихтиёр ўзингизда» деди. Навоий қуллуқ қилиб ташқари чиқди.

Навоий ҳар бурчаги жонли латофат билан нафас олган боғдан хаёлларга берилиб бораркан, тўсатдан тўхтади. Кўзи тушган бир мулозимни чақирди: «Беҳзодни танирмусен? Ҳозир машғулоти қаерда?»— сўради ундан.

— Тақсир, танурмен,— жавоб берди мулозим,— у киши «Кутубхонаий Ҳумоюн» қошидаги хоналардан бирида сурат тортадилар. Кўрсатайинми?

— Раҳмат, ўзим топурмен,— деди Навоий.

Беҳзод, узоқ соғинчли сафардан қайтган отасига ташланган болалардек, ўз устози, ҳомийсига отилди. Шоирнинг қўлларини ўпди. Навоий ҳам таъсирланиб, юрагидаги муҳаббатини кўзларига, овозига қуйиб, рассомнинг аҳволини, кайфини сўради. Беҳзоднинг заковат учқуни билан ёнган, мафтун қиларлик ажойиб кўзларида қалбнинг меҳри, самимияти порлоқ кўз ёшларига айланди. Санъаткорнинг нозик сиймоси, гул ниҳолига, баҳорнинг илиқ, ҳаётбахш шаббодаси теккандек, яшнаб кетди: «Бу онни умримда ҳеч унутиб бўлмас. Юрагимни соғинч, фироқ дарди тўлдирган бўлса, шу онда уни шодлик ва бахт лабо-лаб тўлдирди»— деди-да тўшак солиб, шоирни ўтқазди. Чиройли, ёп-ёруғ уй. Очиқ деразадан зангори само, хиёбонларнинг нозик тебранган яшил девори, узоқда, оғочлар орасида, сувнинг бир парча ойнаси кўринарди.

Паст, тўгарак тахтада маъдандан, чиннидан ишланган кичик идишларда турли ранглар. Булар билан рассом табиат ва ҳаётнинг чексиз жилваларини яна чуқур, яна маънодор жонлантиради. Мўй қаламлар[1], қоғозлар, тайёр ва чала расмлар ётади. Навоийнинг кўзлари бутун эҳтирос билан ёниб расмларга қадалди: «Шаҳзода овда». «Устига кичкина гулдор гилам тўшалган тева». «Ошиқ ва маъшуқнинг гулзорда учрашуви...» Навоий ҳар бир чизгида, биргина нуқтадай кўрсатилган кўзда,

---

[1] Кисть



www.ziyouz.com kutubxonasi

рангларнинг майин қуйилмасида ҳаёт томирининг уришини, ҳаётнинг қуюқлашган, порлоқ жилвасини кўрди. Бир кўрган расмни яна қўлга олиб, тўймас кўзлари билан тикилди. Беҳзоднинг ажойиб маҳоратини мақтади. Расм санъатининг имкониятлари ҳақида гапирди. Камтар санъаткорнинг қоп-қора соқол билан қопланган узунчоқроқ юзини мулойим табассум безади.

— Жаноб устод,— мурожаат этди Беҳзод. — Шернинг бўйнидан занжирлар узилдими?

Навоий «ялт» этиб қаради. Кейин кулимсираб деди:

— Ҳайдар айтдими сизга? У йигитнинг кўнгли ғоят беғубордир.

— Ҳайдар ишонтирдики,— деди Беҳзод,— у ёлғиз менга сўзланган. Мен у расмни кўрмоққа муштоқмен. Қачон кўрсатурсиз?

— Меники бамисоли болаларнинг чизмакашлигидек бир нарса...— деди Навоий қўлини силкиб.

— Занжирбанд шер ўз асоратчиларига қарши яна ҳам қўрқинчлироқ бўлур,— деди секингина Беҳзод.— Шернинг бўйни занжирга итоат қилса ҳам юраги асло бўйсунмас, афсуски, бу оддий ҳақиқатни идрок этмайдилар...

— Ақл ва идрок инсонларга хос сифатдир!— қошларини чимириб деди Навоий киноявий оҳанг билан.

Беҳзод дастурхонча ёзиб, устодни меҳмон қилмоққа ҳаракат қиларкан, Навоий эътироз этди. Унинг ҳузурига бориб йўқлаб туришни рассомдан сўраб, жўнамоқчи бўларкан, эшикдан ҳалпиллаб Муҳаммад Саид Паҳлавон кирди. Шоир ва Паҳлавон қучоқлашиб кўришдилар. Паҳлавон ўзининг гавдаси ва нашъаси билан шу топда гўё уйни тўлдирди. Йиллар унинг азамат жуссасига ўз таъсирини кўрсата бошлаган эсада, лекин юзларча курашларда елкасини ерга ўпдирмаган бу паҳлавон энди кучга тўлишгандек кўринар эди. Навоий соғинчли кўзлари билан унга қайта-қайта тикилиб, яна ўтириб қолди. Шоир, рассом ва паҳлавон «Боғи жаҳон оро»нинг латофатларига боқиб, ширин, жонга яқин суҳбат қилишди. Мавзулар, сўзлар булоқдай қайнаб, равон оқарди. Янги илмий китоблар, девонлар[1], тир андозлик[2] ҳақида, Шайхулислом билан Паҳлавоннинг фиқҳ[3] масаласи ус-

---

[1] Ғазаллар китоби.
[2] Уқ-ёй отиш.
[3] Шариат асосида бўлган ҳуқуқ илми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тида подшоҳ қошида мубоҳаса қилишиб, Паҳлавоннинг енгиши ҳам шу юздан Шайхулислом ундан ўпкаланиб юргани ва ҳоказо ҳақида сўз кетди. Шоир Шайхим Суҳайлий билан Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор кириб келгач ўтириш яна қизиди. Ҳар ким Ҳиротда рўй берган жиддий ва кулгили ҳар хил воқеалар ҳақида сўзлаб, Навоийни хурсанд қилишга тиришди. Навоий Паҳлавоннинг мусиқийда яратган янги мақомлари ҳақида Астрободда эшитганини сўзлаб, ундан тафсилотини суриштираркан, Беҳзод токчадан танбурни олиб, Паҳлавоннинг қўлига тутди:

— Мусиқий ижод тўғрисида мусиқийсиз сўзлашмоқ маҳолдир,— деди Беҳзод.

— Паҳлавоннинг маҳоратини танбур ҳикоя қилсин,— деди Шайхим Суҳайлий.

Муҳаммад Саид малларанг эн чакмонининг енгини пича шимариб кураш майдонида паҳлавонларнинг гупчак белини сиқадиган қудратли қўллари билан танбурни созлади-да, ўзи яратган мақомни чола кетди. Севгучи хассос[1] ингичга ҳислари, кечирмалари, оғриқлари, нашъаларини созчи танбурнинг қилларида шундай жонли, шундай порлоқ ифода этдиким, тингловчилар сеҳрли садоларда гўё эриб, ўзларини йўқотдилар. Мана, садолар руҳнинг сўнгги фарёди билан тинди. Беҳзоднинг катта саллали боши тиззасига тегаётганди. Навоий ширин тушдан айрилгандек, ҳасрат билан кўзларини очди. Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор дарвешона оҳанг билан оҳ чекди. Бу — янги мақом эди. Навоий Муҳаммад Саидни табриклади. Паҳлавон эса танбурни деворга тираб қўйди-да, келар ҳафта бўладиган катта курашда қатнашувчи паҳлавонлар ҳақида бу касбга хос тил ва услуб билан гапира бошлади. Кейин яна сўз мусиқийга кўчди. Навоий Ҳиротдаги ўзга машҳур чолғучиларнинг иши, аҳволи ҳақида суриштирди. Бошқалар маълумот бераркан, Навоий чолғучиларнинг муҳтожларига қандай ёрдам кўрсатиш тўғрисида ичида ўйлаб ўтирди. Кейин Хуросондаги энг истеъдодли мусиқийшуносларнинг ишлари ҳақида бир китоб ёзиш, унда ҳамма эски, янги куймақомларни тўплаб, шакллар билан кўрсатиб, келажак наслларга қолдириш кераклигини сўзлади. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлди.

«Боғи жаҳон оро»нинг ям-яшил денгизига ғурубнинг

[1] Сезгучи, нозик ҳис этувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қон шуъласи югурди. Узоқдан подшоҳ базмининг маст қийқириқлари эшитилди. Дўстлар хўшлашиб айрилишди.

Навоий «Унсия»га яқин солинган ўз кутубхонасига келди. Бу — бир-бирига ёпишган, ҳар бири ўзга услуб ва завқ билан нақшланган, бой безакли ўнларча хоналардан иборат чиройли бино эди. Шоир иккинчи хонада китоблар орасида, шам нурида суҳбатлашиб ўтирган Султонмурод билан Зайниддинни учратди. Ота-ўғиллардек кўришишди. Улар бир нафасда талай нарса ҳақида сўзлашмоққа улгуришди.

— Хўш, сизни шаккокликда айбламоқ учун уларда ҳеч асос борми?— сўради Навоий кулиб Султонмуроддан.

— Мени табийиюн[1] дейдилар,— жавоб берди Султонмурод.— Лекин мен ақл ва илмга эргашурмен. Ёлғиз буларнинг ҳақиқатини танурмен.

— Албатта, олим ҳақиқатни қидирур экан, шак-шубҳага бормоғи табиийдир,— деди Навоий жиддий.— Табиатнинг сирларидан воқиф бўлмоқ учун, уни татаббу этмоқ керак. Зотан бу нарса ҳеч кимсани оллодан узоқлаштирмас. Чунки табиатнинг ўзи ҳусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улуғ кўзгусидир. Лекин, бу жиҳатни жоҳиллар англамайдилар. Хўб, эрта биз сизни мадрасага олиб бориб, шогирдларингизни қувонтирурмиз, илм ва ҳақиқатни жоҳиллар панжасидан қутқарурмиз.

Султонмурод ва дўсти Зайниддин чексиз қувонишди. Навоий Зайниддиннинг шатранж, мусиқий, хаттотлик соҳаларидаги муваффақиятларини Астрободдаёқ эшитиб, суюнганини билдирди. Кейин мусиқий ҳақида китоб ёзмоқ кераклиги ҳақидаги ҳалиги фикрни ўртага ташлади. Султонмурод бу вазифани Зайниддин бажариши мумкинлигига ишонч баён қилди. Зайниддин бу ҳақда ўйлаб кўриб, кейин қатъий жавоб бермоқчи эканини айтди. Навоий гап орасида уларнинг моддий аҳволлари тўғрисида сўради. Улар муҳтож эмасликларини билдирсалар ҳам, Навоий уларга бошдан-оёқ разм солиб, юз динордан ёрдам бермоққа ўз ичида қарор қилди. Кейин бу дўстларини ёнига олиб, шамлар билан ёритилган, токчаларига китоблар қаланган хоналарни кезди. Янги асарларни тез-тез кўздан кечириб, у йўқ бўлса ҳам,

[1] Фалсафада табиатни асос қилиб олувчилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

икки йил мобайнида кутубхонанинг ишини ривожлантирган ва ундаги тартибни яхши сақлаган кутубхоначидан, ҳам янги китоблар сотиб олиб, эскиларни яхши котибларга кўчиртирган Соҳиб दородан мамнун бўлди.

Улар «Унсия»га қайтишди. Бу ерда йигирмага яқин дўстлар сабрсизлик билан кутишарди. Булар орасида шоирлардан Ҳилолий, Ҳофиз Ёрий, Пир Муаммоний, Осифий, Ҳотифий, олимлардан мункиллаб қолган Фасиҳиддин, ҳали ҳам шўх Мир Миртоз ва Хуросоннинг машҳур тарихчиси қари Мирхонд ва бошқалар бор эди. Кўнгилли суҳбат ва зиёфат бошланди.

Бу кеча уй соҳибидан, меҳмонлардан бошлаб хизматкорларга қадар ҳамма хушчақчақ эди.

Навоийнинг Ҳиротга қайтиши халқнинг ва дўстларнинг кўнглидан ғам-ташвишни ва умидсизликни кўтарди. Ҳар кун «Унсия»га пайдар-пай одамлар келаверди. Олим, шоир, косиб, деҳқон — ҳамма уни кўришни, унга бўлган меҳрини билдиришни ўзи учун фахр ва шараф деб биларди. Мажддиддин ва Тўғонбек сингариларнинг зулми, қийноғи, таъқибидан жон ҳовучлаб пана-панада юрганларнинг юрак ўйноғиси тўхтаб, эркин нафас олди. Навоий етим-есирлар, фақирлар учун ойлаб ош-нон берди, кийим-кечак улашди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Музаффар Мирзо қасрининг деворлари тоза чиннидан бўлган гўзал бир хонасида Тўғонбек сусар пўстинни елкага ташлаб, қўлларини манғалда лаққа чўғга тутиб, салмоқланиб, сўзлар эди. Манғал атрофида кенг доира қуриб ўтирган ва Тўғонбекка қулоқларини, кўзларини тиккан бекзодалар ва шаҳзодаларнинг обрўли йигитлари орасида Мавлоно Биноий билан Мавлоно Шаҳобиддин ҳам бор эди. Тўғонбек ёлғиз Музаффар Мирзонинг қошида эмас, подшоҳнинг назарида ҳам эътиборли беклардан ҳисобланиб, ҳатто у ўзини Муҳаммад Бурундуқ барлос, Жаҳонгир барлос каби таниғлик беклар даражасида кўргандан буён гарчи кўп ишларда қадимги соддаликни сақлаган бўлса ҳам, лекин тантана, безакнинг мазасини тотган эди. Боғу роғ, зиёфат, чўрилар — ҳаммаси жойида эди. Шаҳобиддинни катта олим деб фаҳмлаганидан, бир кун номимга бирон китоб ёзар, ёки толе ёр бўлиб, катта ишлар қилиб юборсам, тарихимни тузар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

деган андиша билан ўзига боғлаб олганди. Мавлоно Биноийни ҳам ҳар бир ўтиришга таклиф қилар, унинг форсича шеърларини дуруст тушунмаса ҳам, латифаларига завқланар эди. Унинг сафолатли кунларида танишиб, ҳужрасидан жой берган эски қадрдони Алоиддин Машҳадийни пул, кийим билан йўқлаб турар, шоир ҳар бир инъом олганда бирон қасида билан миннатдорчилигини билдирарди.

Туғонбек қаттиқ бир ўксириб, чўғ еллуғида туси қуюқлашган даккам-дуккам, қизғиш соқолини артиб қўйди-да, эски вақтдаги катта, қонли урушлар ҳақида, боболарининг ажойиб баҳодирлиги ҳақида содда, лекин жуда келиштириб, мароқли ҳикоя қилди. Йигитлар ўзларини у жангларда от сурган, қилич чопган ботирлар каби хаёл қилиб, руҳланиб, беихтиёр равишда кулгили, қизиқ ҳаракатлар қилиб юборардилар. Мавлоно Биноий латифа айтиб, кичкина, кўримсиз гавдасига монанд бўлиб тушмайдиган қалин, узун соқолини серкиллатиб кулишдан, ёки заҳарли ҳажвдан завқ оладиган одам эди. Туғонбекнинг содда, жанговар ҳикояси ёқмади. Туғонбек бир ҳикояни битириб, бошқасини ўйларкан, Биноий сўзни илиб кетди. Янги ёзган ҳажвлари, ғазалларини ўқиб, фалончи шоир бу хусусда бундай деган эди, мен бу шаклда таъбир бериб, мислсиз хўб нарса яратдим, деб ўз-ўзини мақташга тушди. Ўтирганлардан «Офарин!» деган садо чиқмагач, иззат нафси қирилиб, ҳаммани бирбир чайнай бошлади.

— Катта шоир билан кўришиб турасизми?— Биноийнинг қитиғига тегмоқ учун деди Туғонбек кулиб.

— Бек йигит, қазо ва қадарнинг бир инсофсизлиги шуки, ё уни ё мени адамга[1] ҳайдамайди,— деб ҳазилини яна бошлади Биноий.— Мен унинг ўзидан кўра, сўзига бардош қила олаймен.

Йигитлардан бири кеча ҳамшираси Навоийнинг терма кичик девонини ўқиркан, бир ғазали бениҳоят кўнглига ёққанини сўзлади, ҳам киссасидан бир парча қоғоз чиқариб, ғазални ўқий бошларкан, Биноий икки қулоғини қўллари билан қаттиқ беркитди.

— Сиз бир карра тингланг. Шоир бўлмасам ҳам, чизий завқим бор, деб ўйлайман,— деди йигит қизариб.

— Иним,— деди қўлларини қулоғидан олмасдан Би-

---

[1] Улимга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ноий,— мен унинг туркий сўзларини эшитсам, ҳақиқатан қулоқ оғриғи деган иллатга дучор бўламен,— кулди Биноий.

— Завқи салим аҳлига туркий сўз тикандек туюлади-да. Алалхусус шеърда...— деди юз-кўзини буриштириб мавлоно Шаҳобиддин.

Йигит ғазални яхши ўқиди. Қоғоз қўлдан-қўлга ўтди. Тўғонбек салмоқланиб: «Пишиқ ғазал, сўзининг тами бор» деб қўйди.

Ғазал устида икки томон тортишмоққа ҳозир экан, Музаффар Мирзо кирди. Ҳамма ўрнидан туриб, таъзим билан қарши олди. Шаҳзода Тўғонбекдан ўзга ҳаммага бошқа хонага чиқиб кутиб туришни ишора қилди.

Кишилар чиқиб кетгач, Музаффар Мирзо кўзларининг шўх мастлиги билан кулиб сўради: «Биласизми, қаерда эдим?»

— Билмаймен,— жавоб берди Тўғонбек,— ҳар ҳолда бениҳоя хурсандсиз. Бу яхши.

— Тўғри, бек, шодмен. Мени бир холи манзилга таклиф этган эдилар. У манзилда ҳар вақт менга манзур бўларлик мажлис ясар эдилар. Шунинг учун бордим. Икки париваш қиз. Ҳусн боғининг тоза гуллари, ҳар иккиси латофатнинг авжида. Бири уд чалади, бири куйлайди. Иккиси икки қучоғимда... Ичдик, айш-ишратга ботдик. Иккисига айни даражада муҳаббат қўйдим.

— Эрта, тангри хоҳласа, шундай бир гўзални қучасизки, бир лаҳзада уларни ёдингиздан чиқарасиз,— деди Тўғонбек хахолаб.

— Қани, эрта кўрайлик ҳимматингизни....

— Шаҳзодам, янги хабарлардан огоҳмисиз?

— Қандай хабарлар?— қошини чимирди Музаффар Мирзо.

— Алишернинг ўрнига яна Астрободга тайин этилган Амир Мўғул фитна кўтарибди. Астробод соҳиб девонини ўлдириб, Ироққа қочибди. Отангиз, подшоҳ ҳазратлари, у вилоятни Бадиуззамон Мирзога берибдилар. Бу тўғрида не дейсиз?

Музаффар Мирзо сукут қилиб, Тўғонбекнинг юзига тикилди.

— Яхши ўйлаш керак, шаҳзода,— дўнғиллаб қўйди Тўғонбек.

— Биламен, Бадиуззамоннинг қабиҳ ниятлари бор,—



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирдан асабийланиб гапирди Музаффар Мирзо.— Лекин ишимизни маърака майдони ҳал қилади. Ҳозирча сабр-бардош лозим. Вақти эмас.

Тўғонбек Музаффар Мирзога разм солди. Унинг ҳали нашъали табассум билан қопланган юзларида энди аллақандай совуқ жиддийлик сезилар эди. Шаҳзодани чиндан ташвишлантирмоққа қарор берди.

— Сиз энди ёш эмассиз,— деди Тўғонбек жиддий тур билан,— сиз салтанат тожининг энг йирик юлдузисиз. Уйланмоқ учун балоғатга етмоқ керак, тож киймоқ учун балоғат шарт эмас. Юрт сўрамоқ ишида ёш подшоҳга ишбиларман, сиёсатда тадбирли, ҳарбу зарб ишида тажрибали бир етакчи бўлса бас. Оғангиз Бадиуззамон Мирзо ишни махфий ва пишиқ юритяпти. Қандаҳор ҳокими Арғунбек билан тил бириктирган. Астрободни олгандан кейин бошқаларга кўз тикади. Фурсат бор экан, қўр йиғади. Ҳушёр бўлинг, шаҳзодам!

Музаффар Мирзо бундай насиҳатларни атрофдаги бир кўп отабекларидан, айниқса, онасидан очиқ, ёки рамз-ишоралар билан кўпдан буён эшитиб келган бўлса ҳам, лекин бошқа ака-укаларининг ҳаракатларида тахт учун курашнинг равшан аломатини сезмаганидан, ташаббусни ўзи бошлаб беришга ботинмас эди. Тўғонбекнинг сўзи ундаги андиша ва тараддудларни бартараф қилди. У бирдан жиддийлашди. Юзидан май ва муҳаббат нашъалари ўчди. У белидаги қимматбаҳо тошлар ёниб турган олтин камарга суқилган чиройли қинли ханжарни гўё суғурмоқчидай маҳкам ушлаб, ўйлаб қолди. Тўғонбек унинг бодом қовоқ остидаги қийғоч кўзларига тикилди. У кўзларда ғазаб ёнарди.

— Ҳушёр бўлинг, шаҳзодам!— яна такрорлади Тўғонбек.

— Бу ишлар қилич билан ҳал бўлғуси!— қичқирди бирдан Музаффар Мирзо.— Кимда салтанат дағдағаси бўлса, майдонга чиқсин! Тождор бўлмоқ тилаган бошлар ўлимдан қўрқмайди!

Тўғонбек ўз сўзининг, гўё кул остидаги оловни кучли алангалатган шамол каби, таъсир қилганига хурсанд бўлиб, шаҳзодани ҳар вақт шундай саботли, жасур бўлишга ундади. Лекин сиёсатда тажрибасиз йигитча эҳтиётсиз, очиқ ҳаракатлари билан бутун ишни бузиб юбориши, бу билан ёлғиз ўзининг эмас, атрофидагиларнинг оёқларига ҳам болта уриши мумкин эди. Тўғонбек гар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

чи тарихий китобларни ўзи асло мутолаа қилмаган бўлса ҳам, Темурдан кейин шаҳзодалар орасида салтанат учун бўлган барча катта-кичик курашларнинг, фитна ва исёнларнинг тарихидан яхши хабардор эди. Шунинг учун у шаҳзодага, ниятларини дилга яширишни, ҳар қандай шароитда ҳам яширин ишлашни, ҳар вақт совуққон бўлишни кенгаш берди.

Орадан кўп ўтмасдан Бадиуззамоннинг келганидан хабар беришди. Музаффар Мирзо ингичка эгилма қошини маънодор ўйнатди-да, мамнуният билан қабул қилишини билдирди. Бадиуззамон ўз ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони эргаштириб эшикда кўриниши билан Музаффар Мирзо югуриб бориб оғасининг қўлини сиқди. Кейин тўққиз-ўн ёшли, отасидек чиройли, нозик ва ёшига нисбатан кўзлари жуда жиддий, зийрак боланинг бошини силаб, суюб муомала қилди. Ҳар вақтдаги каби катта диққат ва ингичка завқ билан кийинган Бадиуззамон ўз мавқеини билиб, ўзини улуғвор тутар эди. Музаффар Мирзо уларни ширин сўзлар, меҳрибончиликлар билан тўрга — кимхоб тўшакка ўтқазиб, ўзи Тўғонбек олдида тиз чўкди ҳам уларнинг ташрифи учун чексиз қувонганини билдирди. Бир қанча вақт ундан-бундан сўзлашгандан кейин, Бадиуззамон мулойим табассум билан укасига мурожаат этди:

— Сизга ҳам маълум бўлса керак, падари бузрукворимиз улуғ илтифот кўргазиб, Астробод вилоятини менга ҳадя этдилар. Мен онҳазратнинг раъйиларини ерда қолдирмоқни одобдан билмай, қабул этдим. Эрта-индин, сафар анжоми тайёр бўлса, балки жўнармиз. Шунинг учун сиз билан дийдор кўришмоққа келдим. Шояд бизни йўқлаб турурсиз.

Музаффар Мирзо бошини камтаргина қуйи солиб тинглади. Сўнгра камол эҳтиром билан қўлини кўксига қўйиб деди:

— Мен бу хуш хабарни эшитиб ғоят хурсанд бўлдим. Сиз учун юрт сўрамоқ чоғи кўпдан келган эди. Ноқобил кишиларнинг қўлларида нообод ҳолга келган шаҳар ва вилоятларни чуқур фикр, яхши тадбирларингиз билан обод этмоқ вазифангиздир. Биз укаларингиз ҳаққингизга дуода бўлиб, ҳар нечук амр-фармойишларингизни кўнгил билан ижро қилурмиз, қўлимиздан келган ёрдамни асло аямасмиз. Улуғ мақомингиз муборак бўлсин!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бадиуззамон енгилланиб, ташаккур билдирди ва кетмоқ учун ижозат тилади. Музаффар Мирзо эътироз қилди,— букунги зиёфатга ўз иштироки билан руҳ ва файз беришини ундан илтимос қилди. Бадиуззамон иккилангандай бўлиб, укасининг кўнглини овламоқ учун, ниҳоят, кўнди.

Шаҳзодалар иккинчи хонага ўтгач, Тўғонбек ташқарига чиқди. Тайёр турган ясамол отини миниб, совуқ шамолга қарамасдан, қизил жийронни Маждиддиннинг даргоҳига шитоб ҳайдаркан, бутун фикри бўлиб ўтган ҳодиса билан банд эди. Музаффар Мирзонинг макри, икки юзлилиги уни ҳайратда қолдирган эди. Бир дақиқа илгари ғазабга тўлиб, акасининг бошини олишга тайёрлигини билдирган ёш шаҳзода, ўз муҳитига, подшоҳ оиласига хос бўлган ва она сути билан қонига сингган мунофиқликни жуда табиий, жуда ростакам бажарган эди.

Тўғонбек Маждиддинни унинг қишлиқ меҳмонхонасида ёлғиз учратди. У букун хафароқ кўринди. Тўғонбек ҳалиги воқеани сўзлади. Вазир хомушлик билан тинглади. Кейин ўз бошини қотира бошлаган дардни очди. У, Навоий келгандан бошлаб, вазиятнинг аста-аста ўзгараётганини, баъзи беклар, амалдорлар унинг муомиласидан подшоҳга шикоят қилаётгани, Навоий, гарчи расмий вазифалардан четда бўлса ҳам, муҳим масалаларда баъзи давлат арбоблари унинг кенгашига мурожаат қилаётганлари ҳақида гапирди. Балхда Дарвешали, бу ерда Навоий ва Низомулмулк унга қарши яширин иш кўраётгани ҳақида узоқ маълумот берди. Хўжа Афзал сафардан қайтиб қолса, яна аҳвол чатоқланиши мумкинлигини билдирди.

— Бундай аҳволда,— деди қовоғини солиб Тўғонбек,— ақлга энг тўғри келадиган йўл — душманларнинг орасини айирмоқдир. Уларни айиринг, улар ўз ўтларида қовурилсинлар!

— Қандай қилиб?— жонланиб сўради Маждиддин.

— Қийин эмас,— айёрча кулиб жавоб берди Тўғонбек.— Ҳаммага белгиликки, Низомулмулк сизга ҳам, Навоийга ҳам душман. Лекин у сизнинг зарбангизга қалқон қидириб, ўзини у томонга яқинроқ олиб юради. Низомулмулкни қўлга олиб, вазир тайинлаб, девонда ўрин берсангиз — сизни қуллаб қуллиқлайди. Яна шу нарсани



www.ziyouz.com kutubxonasi

хотирлангки, унинг икки ўғлига ҳам подшоҳ илтифот қилади.

Мажднддин қўлини иягига тираб бир оз ўйлагандан сўнг: «Маслаҳатинг ақл ва мантиқдан холи эмас» деди. Кейин Тўғонбек баъзи катта ердорларнинг закотнинг камайтирилиши ҳақидаги талабларини сўзлади. Агар вазир бу талабни қондирса, улардан ўзлари учун катта маблағ олишга ишончини билдирди. Ўзи учун давлатга қарашли ерлардан бир қисм «суюрғол» олиб беришни илтимос этди. Вазир бу талабларни қабул қилгач, Тўғонбек шаҳзодаларнинг базмига етишга ошиқиб, жўнаб қолди.

Эртаси Мажддидин саройда Низомулмулкка дуч келди. Тантана, зийнатни севган собиқ вазир кўп йиллаб ҳавосига кўникиб қолган саройга тез-тез келиб, гўё, хуморини тарқатиб кетарди. Мажддидин у билан учрашганда, унинг ярасига туз сепмоқ ниятида, одатда, бениҳоят кеккайиб оларди. Кўпинча гўё биронта навкарнинг олдидан ўтган каби, назар-писанд қилмас эди. Бу гал Мажддидин, гарчи совуққина бўлса ҳам, у билан кўришди. Қават-қават хитойи шоҳи тўнлар кийган, оқарган кўркам соқолли серсавлат Низомулмулк муғомбирона боқиб, ўз душманидаги бу ҳолатнинг яширин маъносини тушунмоққа тиришаркан, Мажддидин холис бир хонага ишорат қилди. Низомулмулк муҳим бир нарсанинг исини пайқагандай, атрофга аланглаб индамасдан унинг орқасидан юрди.

Мажддидин вазиятни тушунтириб, ўз муддаосининг устидан қалин, сирли пардани улоқтирди.

— Сиз ғоят тажрибали, кордон[1] одамсиз,— деди Мажддидин қатъийлик билан,— орамизда ўтган гина-гудуратларга хотимэ берурмиз. Мен жанобларига бурунги вазифани олиб берамен. Лекин бир шарт бор,— лабини тишлаб тикилди Мажддидин.

— Ўртадаги баъзи нохуш воқеаларни,— деди Низомулмулк донишмандона бир важоҳат билан,— мен саҳвухатонинг натижаси деб беламен. Ғолибо, бизларнинг дилларимиз бир-биримиз учун тилсимотдек махфий қолгандир. Оқилларнинг иши хатоларни тузатмоқдир. У шартки, сиз дедингиз, нима экан?

— Дўстона муносабатда бўлиб, ҳамкорлик қилур-

---

[1] Ишнинг кўзини билувчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

миз,— бирдан овозини пасайтириб жавоб берди Мажддиддин.

— Ҳамкорлик шулки, сиз ҳеч қачон, ҳеч кимнинг ҳузурида мендан шикоят қилмайсиз. Менинг тадбирларимга ҳеч вақт эътироз этмайсиз. Ҳар қандай мушкулотни баҳамжаҳатлик билан бартараф қилмоққа ҳаракат қилурмиз.

— Бағоят маъқул шарт,— қувонч билан деди Низомулмулк,— зотан биз қадимдан бу шартга риоя қилмоқлигимиз керак эди. Хай, мозини[1] эсламайлик.

— Ваъдага вафо?— қўллари билан таъкидлаб, қатъий деди Мажддиддин.

— Вафосизлик қадар қабиҳ бадномлик йўқдир. Тангри бир, сўз бир!

Иккинчи кун Низомулмулк расмий ёрлиқ билан вазир тайин қилинди.

## ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Даричанинг тепасидаги рангли ойналардан қуёш уйга бир тутам нур отган эди — курси устидаги силлиқ ҳафранг қоғозларда, чиройли мис сиёҳдонда, тиниқ сув турган муъжаз, кўз оқидай тоза, четларига живир-живир гуллар ишланган жонон косада акс этар, бир парчаси эса гиламнинг гулларини ёндирар эди. Шоир қалин китобни тиззасига қўйиб, ёстиққа суянган ҳолда тарих мутолаа қиларди.

Навоий, саройнинг беҳуда бўш-бўғовлигидан узоқда ҳар кун ёзади, ўқийди. Ёзмоқни кўзлаган асарлари ҳақида ўйлайди. «Маҳбубул қулуб»[2], «Муҳокаматул луғатайн»[3] учун керакли фикрларни, мисолларни саралайди. Хонақоҳга бориб олимларнинг ҳолидан хабар олади, уларнинг ёзаётган китоблари билан танишади, кенгашлар беради. Мадрасаларга кириб «толиби илмлар»нинг нафақалари тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ҳиротда, ўзга шаҳарларда юзларча шоирларнинг янги ёзган ҳар нав катта-кичик шеърларини топади. Маълум вазифалар топширилган мулозимларини қабул этиб, ишларнинг бориши ҳақида маълумот сўрайди. Даромадлардан

---

[1] Ўтмиш, ўтган замон.
[2] Қалбларнинг дўсти, севгучиси.
[3] Икки тил ҳақида фикр юритиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

хайри-эҳсон учун қилинган харажатларни текширади. Гоҳо отда, гоҳо пиёда юриб, Ҳиротнинг қадимги тарихий биноларини, жойларини томоша қилади. Шаҳарнинг ҳуснини очиш учун нималар қилиш тўғрисида ўйлайди. Дўсти Мавлоно Жомий қошига бориб, шеърдан, фалсафадан, тасаввуфдан суҳбатлашади. Олим, фозил дўстларини тез-тез чорлаб, ширин ўлтиришда мусиқий тинглайди, андак ҳазил-мутойиба қилади. Бу сокин ҳаётда, у бир дам бўлсин, мамлакат тақдирини унутмайди. Халққа ситам қилувчиларга бўлган ғазаби юрагида чайқалиб туради. Баъзан тутақиб, аламдан тўлғанади...

Мулозим кириб Мирак Наққошнинг келганини айтди. Навоий дарров китобни четга олиб қўйди.

— Ахир қўлга тушдими, илдам кирсин!— деди кулиб у.

Мирак Наққош қўрқа-писа кириб, қўлини қовуштириб бир чеккага ўтирди.

— Соатни қачон битказасиз? Сиз учун ваъда, сўз деган мафҳумларнинг қиммати борми?— сунъий равишда новоғини солиб, шиддат билан гапирди Навоий.

Наққош сўз тополмай, қўли билан каттагина салласини тузатди, қизарди, жовдираган ўткир кўзлари билан шоирга тикилди. Ниҳоят, тараламаган сариғ-қизғиш соқолининг учини ҳимариб:

— Соат ҳали битгани йўқ,— деди наққош айбдорларча кулимсираб.— Лекин, тақсир, бу хаёл бошингизга қайдан келди? Расо хуноб иш экан...

— Қачон юргизасиз, қачон вақтни тўғри ўлчаймиз? Инсоф қилинг, ўтган муддатни биласизми?— деди Навоий.

— Фикрим эрта-кеч бу муаммо билан банд. Лекин дардисарнинг ҳал бўлмаган жиҳатлари бор. Ҳайронмен, натижа не бўлар экан...— асабийлашгандай қўлини силтаб қўйди наққош.

— Соатни фаранглар ясабдилар. Араблар ҳам ясаганлари маълум. Хўш, нега сиз бу муаммони ҳал қилолмайсиз? «Илми жарри сақил»[1] дан маълумот соҳибисиз. Бу менга маълум. Бу илмни татбиқ этинг. Инсон фикрнинг қудрати билан не-не мушкулларни ҳал қилмас!

---

[1] Механика.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўб, мана бу коса, фикрингизча, қай мамлакатнинг маҳсули?— курсидаги косани кўрсатди Навоий.

Наққош энгашиб, диққат билан косага разм солди.

— Хитой чинниси!

— Баракалло!— кулиб юборди Навоий ва мулойим гапирди.— Йўқ, хато қилдингиз. Бу чинни Ҳиротнинг маҳсули. Буни ўзингиз таниган уста Муҳаммад Жамол ясади.

Наққош таажжубланиб, олайган кўзлари билан гўё косани еб қўйгундай бўлиб қаради. Ниҳоят бошини чайқади:

— Ўхшатган. Ўхшатган!

— Тирик бўлсам,— деди Навоий бир хўрсиниб,— бутун юртга шу чиннини тарқатамен. Ўз тупроғимиздан асл чинни яратмоқ мумкин экан. Соат, табиий, кўп илм, кўп ҳунар талаб қилур. Аммо, аминменки, сиз ярата олурсиз. Сизда ялқовлик бор, ана шу балодан қутилишингиз керак, иним.

Наққош гўё ўз бепарволигини иқрор қилгандай, илжайиб қўйди. Энди қунт билан ишлаб, тез битиришни ваъда қилди. Навоий, агар у яна бепарволик кўрсатса, қаттиқ тадбирлар кўришга мажбур бўлишини, у вақтда ундан ранжимасликни таъкидлаб пўписа қилди. Кейин, соат ихтиронинг аҳамиятини, инсонлар учун вақтни билишнинг фойдаларини сўзлади. Бу муносабат билан илми нужум ҳақида, Улуғбекнинг расадхонаси ва ҳоказо тўғрисида қизиқ маълумотлар берди.

Наққош кетгандан сўнг, шоир эшикка чиқди. Бир оз ҳовлида кезинди. Мулозимлар билан сўзлашди. Баъзи ишлардан ноҳушланиб койинди. Кейин шифохонадаги табиблар билан суҳбатлашмоққа жўнади. Қайта йўлга чиққанда, узоқдан Ҳайдарга кўзи тушди. У кўпдан қаландар бўлиб олганди. Ҳамма уни «Ҳайдар қаландар» дерди. Бошида қаландарларга хос кулоҳ, эгнида эски хирқа, сочлар ўсуқ... У уй-жойини тарк этиб, бир кулбани маскан қилган эди. Ҳар кун бозорларни айланиб, қаландарлар одатича, ғоят оддий тирикчилиги учун керакли нарсаларни тиланиб топарди. Ҳиротда бу ҳол уят ҳисобланмас эди. Қаландарларнинг ҳаммаси — улар орасида аслзодалар ҳам учрарди — шундай яшардилар. Навоий худди ўз фарзандидай кўрган бу жиянини, бир вақтлар шоир ва сипоҳи бўлган йигитни бу ҳолга тушганига қайғурарди. Лекин Ҳайдарга насиҳат кор қилмас



www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Навоий унинг бу ҳолатини ёлғиз унинг дарвешликка бўлган табиий майлидан деб билмас, балки ҳақ сўзи учун подшоҳ томонидан сиқув остига олинганлиги ҳам таъсир этганини фаҳмларди. Ҳайдар Навоийни кўрди шекилли, узоқдан бошини эгиб, жимгина бошқа ёққа бурилиб кетди. Навоий, балки қарорсизлиги орқасида бир кун бу йўлдан қайтар, деб умид қилди-да, аста-аста жўнади. Лекин шифохонага боришга тўғри келмади. Бироз юргач, қаршидан Муборзиддин Валибек билан Ғиёсиддин Деҳдор чиқиб қолди.

— Мир жаноблари,— деди Валибек кўришгандан кейин,— биз ҳузурингизга бормоқда эдик.

Навоий уларнинг юзларида ички бир ҳаяжоннинг асарини кўрди.

— Зотан ишим ҳам йўқ эди. Суҳбатларингизга орзумандмен,— деди-да уйга бошлади.

Ўтиришган ҳамон Валибек: «Балхдан чопар келди» деб, сўзлаб кетди.

Навоий диққат билан қулоқ солиб, шундай воқеа рўй берганини эшитди:

Подшоҳ букун девонда вазирлар, беклар ва яқинлари билан мажлис қураркан. Балхдан чопар етиб келиб, Дарвешалининг исён кўтарганини ва Султон Маҳмуд билан иттифоқ тузиб ҳаракат қилаётганини билдирган. Подшоҳга бу хабар қаттиқ таъсир қилган, бир онда тутоққан. Мажлисдагилар ҳам ҳаяжонланганлар ва бу воқеа хусусида дарров ўзларича бичиб-тўқий бошлаганлар. Улар, агар Алишер Навоийнинг қўли бўлмаса, бундай ишга Дарвешалининг ўзи жасорат кўрсата олмас эди, деганлар. Воқеани бундай таъбир этиш подшоҳга ҳам маъқул кўринган. У шу ондаёқ Алишердан шикоят қила бошлаган. Валибек билан Ғиёсиддин Деҳдор маслаҳатлашиб, воқеанинг аҳамиятсизлигини исбот этишга тиришганлар. Деҳдор подшоҳга таъзим қилиб, сўзига одатдаги ҳазил-мутойиба руҳини бериб: «Олампаноҳ Султон, бу фақир бандангизга ижозат беринг, мен у ожиз китобдор ғуломингиз[1]ни тутиб келтириб, оёқларингиз остига ташлайин!» деган. Подшоҳ Деҳдорда бундай шижоатни кўриб, хохолаб кулган: «Хўб, ижозат бердик, ҳунарингизни кўрсатинг» деган.

---

[1] Дарвешали бир вақтлар Ҳусайн Бойқаро кутубхонасининг бошлиғи эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Валибек сўзни битиргач, Навоий юзини, соқолларини қоплаган мулойим кулги билан Деҳдорга қаради.

— Подшоҳнинг ғазаби ичимизга титроқ солди,— деди Ғиёсиддин Деҳдор,— мен асло кутилмаган таклиф билан подшоҳнинг юрагини босган ғазаб булутларини хийла таратдим. Хато қилмабменми?

— Ғоят нозик ҳаракат қилгансиз,— деди боши билан тасдиқлаб Навоий.— Албатта, Дарвешали давлатга рахна солмоқ ниятида бош кўтармаган бўлса керак. Маълум мақсадлари ҳам бордир балки... Билмадим, тўғрими, мен шундай ўйламоққа мойилмен.

— Бу хусусда бизда ҳам ҳеч шубҳа йўқ,— маънодор илжайиб деди Валибек.

— Мен Балхга етиб, мавлоно Дарвешали билан музокара бошлагунча, иншоолло, бу ерда ишлар кўнглимиздагидек ривож топар,— дам Навоийга, дам Валибекка айёрча боқиб гапирди Ғиёсиддин Деҳдор.

Навоий шу ерда бир парча қоғоз олиб, Дарвешали учун мактуб ёзишга бошлади. Хатда ҳамиша эл ва улус манфаатинигина чуқур ўйлаб, шунга биноан ҳаракат қилиш, ақл, инсоф, адолатга таяниш кераклиги, юрт ишини ўз манфаатлари учун восита этишнинг энг оғир жинoят экани ҳақида чуқур гўзал, ҳикматли сўзларни уқдирди. Чунки Дарвешали Мажддиддин бир кун менинг ишимни ҳам расво қилиши аниқ, деган шахсий андиша орқасида ҳаракат қилаётган бўлишини Навоий гумон қилган эди. Шоир эса Мажддиддиннинг давлат учун, халқ учун зарарли, иғвогар, фитначи деб ишонганидан, Дарвешалининг унга адоватини ҳақли топар эди. Хатни букиб Ғиёсиддин Деҳдорга топширди. Орадаги низоларни тинчлик билан, музокара билан ҳал қилмоқ кераклигини Дарвешалига уқдиришни Деҳдорга яна таъйинлади.

Улар кетгач, шоир рўй берган аҳволни яна ўйлаб қолди. Дарвешали ҳаракатининг оқибати нима бўлиши уни ташвишга солди: «Тожлари адолат юлдузининг гавҳарлари билан музайян бўлган, кўзи ҳамиша очиқ подшоҳларнинг сояий давлатида яшамоқни ўзга, бегона эллар орзу қиладилар,— ўйлади ичида,— бу қандай фалокатки, бизнинг элнинг подшоҳидан ўз эли шикоят қилар, ўз кишилари юз ўгирар!»

Учинчи кун шоир ҳар нав «миш-миш» ларни таҳқиқламоқ учун саройга борди. Бу ерда у фавқулодда тан-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тана ва ҳаяжон аломатини сезди. Ўзининг қадимги содиқ мулозими Бобоали эшик оғо, Балхдан букун келган маълумотларга биноан, Дарвешали, подшоҳ Маждиддинни мансабдан тушурмас экан, Султон Маҳмуд билан иттифоқ бўлиб марказга қарши ҳаракатни давом этдиражагини қатъий билдирганини, шунинг учун подшоҳ қадрдон вазирини муваққатан бўшатмоққа қарор берганини сўзлади. Навоий ўз укаси бошлаган ҳаракат эл ва улус фойдасига хизмат қилганидан, ичида суюнди. Тез-тез юриб девонга кирди. Катта, ёруғ, тиллакори хонада беклар, вазирлар, саидлар[1], улуғ мансабдорлар гердайиб, чурқ этмасдан ўтирардилар. Олдинги қаторда бошини қуйи солиб, ўшшайган Маждиддин, унинг рўбарусида ғолибона бир тур ҳам важоҳат билан Низомулмулк ўтирарди. Шоир кириши биланоқ ихтиёрсиз равишда, гўё англашилмас ички бир турткининг кучи билан, ҳамма бир варакай ўрнидан турди. Қўлтиқлашиб, бир-бирига узатган қўллар Навоийни, унинг хоҳишига қарши, юқори чиқариб қўйган эди. Бир онда ранги қум ўчиб кетган Маждиддин билан, узун киприклари ёмон пириллаган Низомулмулкнинг ўртасида шоир ихтиёрсиз равишда ўтиришга мажбур бўлди. Кўп ўтмасдан қўшни хонанинг зарҳал эшиги очилди. Ҳамма яна гув этиб қўзғалди, бошлар таъзим билан эгилди. Ҳусайн Бойқаро дармонсизлик ва мастлик орқасида калавланиб пайдо бўлди. Такаллуфсизлик билан ўз жойига, кимхоб тўшакларга ўтирди. Кишилар қадларини аста кўтардилар. Подшоҳ, Маждиддин Муҳаммаднинг давлат учун қилган улуғ ишлари, доно тадбирлари ҳақида қисқа, лекин ғоят тумтароқли сўзлаб, мулозимларга ишорат қилди. Улар кашмир шолига ўралган катта бўғчани олиб чиқиб ешдилар. Ҳусайн Бойқаро ярқироқ тилладўзи қимматбаҳо жомани олиб, меҳрибонликлар билан Маждиддиннинг устига ёпди ва унга юз минг динор маош тайин этканини эълон қилди. Маош миқдори ҳамманинг кўзида таажжуб уйғотди. Тилладўзи жомани кийиб, Маждиддин титроқ, ҳаяжонли овоз билан подшоҳга садоқат ва муҳаббатини айтиб, сўзини дуо билан битирди.

Навоий халқ билан бирга боғчага чиқди. Одамлар катта-кичик гуруҳларга бўлиниб, имо-ишора, ивир-шивир билан гаплашиб, ҳар ёққа тарқалиб кетишди.

---

[1] Юқори имтиёзли руҳонийлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Изғирин дарахтларда қолган баргларни узарди. Гулзорларда ёзнинг рўёлари титрарди. Оғган қуёш булутли кўкка турли тоза ранг денгизлари тошдирганди. Шоир узун енг ичидаги қўлларини орқага қўйиб, аста уйчан кезинди. Юраги қофияларнинг жаранги, шоирона фикрнинг нури, илҳомнинг шавқи билан тўла эди. Лекин буларни бирдан ҳаёт воқеаларининг совуқ нафаси қоплади,— у ширин фараҳбахш тушдан айрилди. Ватан, давлат, халқ — булар унинг учун муқаддас ҳодисалар эди. У буларнинг ишқи билан, ғами билан яшарди. Мажддиддиннинг «бузуғлик» замони, очиқ ҳавони босган ва хайрли шамоллар кучи билан ҳайдалган довул булутлари каби йўқолар, ерда ҳаётнинг гуллаган сабзаси яна нурда яшнашга имконият топар... Фақат бунинг учун ватан, давлат, халқ ғамини ейдиган, виждонли бир шахс ишни ўз қўлига олиши керак эди. Навоий подшоҳ билан ёлғиз сўзлашиб, мумкин бўлса, бу хусусда ўз мулоҳазаларини айтмоққа қарор берди. Бироқ, девонга яқинлашаркан, ҳўмрайган Валибекни кўриб, уни четга тортди ва ўз мулоҳазасини айтди.

— Не хаёллардасиз, жаноб Алишер,— деди аччиқ кулги билан Валибек,— бўрининг ўрнига тулки келди. Низомулмулкни олий мақоми билан табрик этинг!

— Ана мантиқ, ана юрт тузатмоқ!— қичқирди Навоий, ҳам ғазабининг шиддатидан тез-тез юриб, саройдан чиқди.

Мажддиддиннинг асло кутилмаган тантана ва улуғ шоҳона меҳрибонликлар билан вақтинча бўшатилиши Дарвешалини қаноатлантирмаганлиги тез орада Ҳиротда маълум бўлиб қолди. Ҳусайн Бойқаро яна ташвишга туша бошлади. Мажддиддиннинг тарафдорлари ва ҳар хил фитначилар «Навоийнинг қўли» ҳақида гап тарқатишдан толмайдилар. Ҳусайн Бойқаро учун ҳақиқатда Дарвешали эмас, балки Султон Маҳмуд катта хавф эди. У эски, ҳеч вақт қиличини қинига солмайдиган, тушида Хуросон тожу тахтидан ўзга нарсани кўрмайдиган душман эди. Шунинг учун у Балхга сафарга отланди. Ҳиротдан чиқадиган куни Навоийга киши юборди:— «Илдам отлансин!» Шоир келди. Совуқ тушиб, сафар машаққати қатла-қатла ортганини сўзлаб қолдиришни сўради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга сизнинг ҳамроҳлигингиз керак,— сафар кийимида бўлган подшоҳ эътирозни кўтармайдиган бир оҳанг билан деди.

Навоий ўзи тўғрисида Ҳусайннинг қандайдир гумони борлигини фаҳмлади. Ночор сафар ихтиёрини қабул этишга мажбур бўлди.

Кўчаларни тўлдирган отлиқ сипоҳилар, ур-сур билан йўл очган ясовуллар, сафар анжомини элтувчи карвонлар ва одатдаги сурон, тантана билан Ҳусайн Бойқаро пойтахтдан чиқди. Саҳрони тўлдирган қўшин ва кўмакчи қисмлар ҳам катта маият[1] билан бораётган подшоҳ шошилмасдан, оз юриб, кўпроқ қўниб, ҳатто йўл-йўлакай ов ва шунинг каби кўнгил очувчи ҳангамалар билан ҳаракат қилди.

Катта-кичик сафарларни, жангларни бениҳоят кўп кўрган Мурғоб дарёсига етганларида, кутилмаган вақтда, Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор пайдо бўлди. Отдан ўзини отиб, букулиб Ҳусайн Бойқарога яқин келди, одат бўйича унинг этагини ўпди. Кейин орқаси билан юриб, уч-тўрт қадам четланди ва подшоҳнинг ҳақига таъсирли дуо қилди. Ҳар илмда тиши бақувват бўлган, турли-туман ҳунарларни биладиган Деҳдор бундай расмий тавозеларни ҳам жуда дўндирарди. Ҳусайн Бойқаро юмшалди.

— Халойиқ қошида бизга қилган ваъдангиз не бўлди? Жасоратингизнинг самарасини кўрмадик, ахир!— жўрттага овозини баланд қўйиб деди подшоҳ.

— О, хоқони олам!— қўлини кўксига қўйиб жавоб берди Деҳдор.— Бу фақир ўз зиммасига олинган мушкул ваъдани садоқат билан бажарди. У осий[2] ғуломингиз менинг чангалимдадир. Ёлғиз, саҳрода кишан тополмаганимдан, оёқ-қўлини боғлаб қошингизга келтира олмадим. Мен агар хоқонимиздан ижозат бўлса, ҳозир «Урду бозор»га[3] югуриб, бир темирчини олиб кетамен ҳам асиримни занжирбанд қилиб, тезда олиб келамен.

Подшоҳ қувонди. Атрофидагиларга кулиб қараб қўйди. Кейин Дарвешалининг қаерда эканини сўради. Деҳдор бу ердан уч фарсах нарида, деди ҳам унинг тавба

---

[1] Подшоҳга ҳамроҳлик қиладиган яқинлар.
[2] Гуноҳкор.
[3] Қўшин орқасидан юриб молларини сотадиган савдогарлар бозор ташкил қиладилар. Шунга «Урду бозор» дейилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилганини, ўз подшоҳининг дийдорини кўрмоққа орзуманд эканини баён қилди. Ҳусайн Бойқаро бирдан қошларини нитиб, ўйлаб қолди. Бир оздан кейин Деҳдорга буюрди: «Қошимга келсин, мен унинг гуноҳидан кечдим». Подшоҳнинг марҳамати, Мамкдиддин тарафдорларидан бошқа ҳаммани қувонтирди.

Дарвешали Мурғоб ёқасида қабул этилди. Мажддиддин бўшатилгандан бошлаб, ўртада ҳеч қандай ихтилоф қолмаганлиги равшан бўлди. Ҳусайн Бойқаро ҳатто Дарвешалининг чодирида тузилган катта зиёфатга келиб, ўзининг шоҳона марҳаматини яна тасдиқлади. Бу қишни Балхда ўтказиб, баҳор келиши билан Султон Маҳмуд устига қўшин тортишга қарор берилди.

Қўшин Балхга қараб юрди. Ҳусайн Бойқаро Балхда амир Арғун деганнинг «Чаҳор боғи» га қўнди. Подшоҳ қишнинг совуқ, булутли, якнасақ кунларини, Ҳиротдаги каби, хушчақчақлик билан тўлдиришга тиришди. Ранг-баранг зиёфатлар, май базмлари, рақслар, қизиқчиликларнинг кети узилмас эди. Гоҳо мингларча мерганлар билан бирга тантанали ов ҳафталари тузиб, қорли саҳроларга сурон солар, катта ғанимат билан қайтарди.

Навоий Балхда соддагина бир хонада яшади. Подшоҳнинг атрофини қуршаган йигитлар, юқори мансабдорлар ва тамахўр ҳамсуҳбатларнинг ғийбатларидан, фисқу фужурларидан, фитналаридан узоқ, уларнинг кундалик тантаналари, кўнгил очишларига бегона бўлиб, кунларини иш билан, тафаккур билан кечирарди. Шоир бу сафарга қатнашувини тамом маъносиз деб ҳисоблар, ўзини эрксиз, ихтиёрсиз сезарди. Бу шаҳарнинг илмпарварлари, шоирлари тез-тез келиб у билан суҳбатлашар, ёзганларини кўрсатишарди. У кўпинча моддий ва маънавий ёрдам билан кўнгилларини кўтариб жўнатарди. Шоир гоҳо шаҳарда айланарди. Унинг тарихий ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқарди.

Атрофи қалин, азамат тупроқ қўрғонлар билан ўралган Балх бир вақтлар ўзининг савдоси, ҳунарлари билан донг чиқарган, обод, катта шаҳар бўлган эди. Чингиз қўшинлари балодек қуршаркан, шаҳар ўз эркини мардона мудофаа қилган; лекин емириб йиқувчи, даҳшат билан тоғларни қўзғата биладиган қора мўғул бўрони қаршисида ёлғиз шаҳар, қаршилик кўрсата-кўрсата мажолсизланган ва ниҳоят таслим бўлган. Дарвозалардан офат тўлқини шаҳарга отилиб, ёққан-йиққан, тала-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Ўн минглаб бошлар, таслим бўлиб эгилган бошлар, қиличдан ўтказилган. Бу машъум воқеадан кейин Балх ўзини ўнглаб ололмаган. Асрлар ўтишига қарамай, бу ерда ҳаёт ҳали ҳам фалаж эди. Баданга чиққан куйдурги жароҳатининг бир умр қоладиган доғидек, мўғул зарбасининг қўрқинчли излари ҳали ҳам юпун Балхнинг гавдасида сақланган эди.

Шоир ваҳшатнинг изларини томоша қиларкан, юраги чуқур ҳасрат билан тўлар, қошлари алам билан чимириларди. Хаёли тарихнинг кетма-кет очилган чексиз уфқларига учарди. Қон денгизлари, калла миноралари, кўкни тутган олов бўронлари устидан фотиҳларнинг мудҳиш сиймосини кўрар ва жирканар эди. У тарихда ҳаётга кўпроқ ҳаёт қўшувчи, инсон руҳидаги асл ижодкор кучларни гавдалантирувчи, ақл машъали билан тарих йўлларини ёритувчи қаҳрамонлар қидирарди...

Мана қишнинг дами кесила бошланди. Бўғотларда, тарновларда бир неча кун осилиб «сариғ сумалак» ҳам ўтди. Ҳавода кундан-кун илиқланган хушёқар шамоллар тентирарди. Дарахтларнинг навдалари яшил безаклар кийди. Ҳусайн Бойқаро сафар учун тайёрлик кўришга киришди. Атрофда қанғиб юрган навкарлар тўплана бошлади. Ҳунармандлар етишмаган қурол-аслаҳаларни ясамоққа жадал қилдилар.

Баҳорнинг кўнгилларни ширин мастлик билан тўлдирувчи энг латиф бир куни Ҳусайн Бойқаро Султон Маҳмудга қарши юриш эълон қилди. Сипоҳилар қуролланиб, йўлга ҳозир турарди. Ҳусайн Бойқаро хос йигитлари, яқинлари билан «Чаҳор боғ»дан чиқди. Ноғоралар, карнайлар ҳавони янгратди. Отлар, узоқда кўк денгиздай товланган саҳроларга интилиб, ҳар тарафдан кишнашарди. Навоийнинг ювош, лекин чиройли йўрғаси ҳам сўлуғини чайнаб, қулоқларини диккайтирар, олдинги оёқлари билан ерни гурсиллатиб тепарди. Эгар-жабдуқлари энг моҳир саррожлар[1] томонидан ишланиб, кумуш ва ферузалар билан ярқираган чиройли отларни ўйнатган мағрур бекларнинг қўл остида қўшиннинг айрим гуруҳлари йўлга туша бошлади. Ҳусайн Бойқаро мулозими орқали Навоийни чақирди.

---

[1] От асбоблари ясовчи ҳунармандлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз Балхда қолиб, биз қайтгунча, бу вилоятда идорани қўлга олурсиз,— буюрди Ҳусайн Бойқаро.

Навоий кутилмаган бу таклифга таажжубланди. Бу хусусда шу вақтгача бирон ишора бўлмаган эди. Қатъий, лекин ишонч аломати каби қилинган таклифни қабул этмаслик учун Навоийда ҳеч қандай сабаб ва баҳона йўқ эди.

— Бу вазифа гарчи сафар машаққатидан енгил бўлмаса ҳам, қабул қилурмиз,— деди Навоий кулимсираб.

Ҳусайн Бойқаро шод, тетик кўринарди. Одамларга уни-буни буюриб, гап орасида ҳазиллашиб қўярди. Отда хомуш ўтирган Дарвешали, ўнг томонида гердайган серсовлат Низомулмулк ва бошқалар билан жонли суҳбатлашар, кулар, яшил саҳрони тўлдириб, қуёшда чақнаб узоқлашган қўшин қисмларига суқланиб қарар, чорпахил, кучли, содда Ислим барлоснинг бўлажак жанглар ҳақида фикрини сўрарди. Ҳамма ишлар саранжом топгандан сўнг, ҳамма вақтдаги тартиб, одат ва тантана билан йўлга тушилди.

Навоий Балх девонхонасига келиб, бундаги ёш ва қари, содда ва «хирфа» амалдорлар билан сўзлашди, вилоят ишлари билан танишди. Кечани шу ердаги хоналардан бирида, мутолаа ва ёзиш билан ёлғиз кечирди. Эртаси пешиндан сўнг, ўзи виждонли деб тахмин қилган бир неча мулозимларни йиғиб, халқ орасида зулми, порахўрлиги ва ҳоказо ёмон сифатлари билан танилган баъзи амалдорлар тўғрисида сўзлашаркан, навкар югуриб кирди.

— Жаноб Мир, Дарвешалибек жанобларини келтирдилар!— қичқирди ҳовлиқиб навкар.

Навоий суҳбатни кесди. Қандайдир ички ҳаяжон, андиша билан ташқари чиқди. Қаршидан катта қадамлар отиб келаётган таниш ясовул унга яқинлашиб, тўхтади, таъзимдан сўнг, кўзларидаги саросимани яшира олмай, секингина деди:

— Хоқон ҳазратларининг амрлари билан Дарвешалибек жанобларини келтирдик. Қамар эмишсиз!

Навоий лабини тишлаб, бир зум ерга қараб қолди. Кейин қовоғини солиб, ранги ўчган ҳолда, дарвоза томонга — бир гуруҳ отлиқларга қараб юрди. Тўртта қуролли навкар ўртасида, отда қўллари кишанланган Дарвешали турарди. Навкарлар қўл қовуштириб, салом бердилар ва қизариб, кўзларини шоирдан яширишга



www.ziyouz.com kutubxonasi

тиришдилар. Дарвешалининг юзида ички қайғунинг дуди жилваланарди. У бошини қимирлатиб, акаси билан кўришди.

— Бу не кўргулик? Ақлим бовар қилмайди!— мурожаат этди Навоий ҳаяжондан, қайғудан бўғилиб.

— Орада ҳеч нима бўлгани йўқ. Биздан қасос олмоқчилар!— ғамгин, ҳорғин жавоб берди Дарвешали.— Тараддудланмангиз, мен тезроқ қоронғу маконимга борай!

— Мендан не талаб қилурсен?— ясовулга тикилди Навоий.

— Қалъа бегига фармон ёзиб берингиз.

— Балх ҳокими сифатида мени қамашингиз керак!— киноя̆ли жилмайиб деди Дарвешали.

Навоий индамасдан орқага қайтди. Бошқа хонага кириб, қоғоз ва қалам олди-да, шуурсиз равишда фармон ёза бошлади. Ичдан алам титроғи қўзғалиб, кўз олди қоронғулашди. Қаламни четга қўйди. Бу қандай ҳақорат! Ўз инисини ўз қўли билан қамаш! Қай гуноҳи учун? Маждиддин ва унга ўхшаш ғаддорларга[1] душман бўлгани учунми? Юраги қандай тирқиллаб қонамасин. Навоий фармон беришга мажбур эди. Ҳусайн Бойқаронинг ғазаби ўзи учун ҳам, Дарвешали учун ҳам ёмон оқибатлар туғдиришини биларди. Қаламни олиб, шуурсиз равишда, фармоннинг сўнгги жумлаларини ёзди, қўл қўйди-да ясовулга бериш учун эшикдаги навкарга узатди. Кенг, ёрқин пешонасини, гўё у ёниб, ёрилиб кетаётгандек, эзиб, қўллари билан қисди: «Ҳақ сўзимиз учун қасос олмоқчилар!— деди ичида, изтироб билан кемирилиб.— Яна қандай макр билан, қандай мунофиқлик билан! Ҳақиқатан, боболар хато айтмаганлар: «Сув келтирган хору зор, кўза синдирган азиз!» Майли, бошимга жабр тоғларини ағдар, лекин мени ўз жаллодларинг, эл-улусни таловчиларинг, маст итларинг қаторига қўшолмайсен! Жонимдан кечишга, жонимдан азиз ва ширин бўлган бу ватандан бош олиб кетмоққа розимен, аммо ҳақиқат сўзини ичимда бўғолмаймен!

## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Сафарга қатнашмаган Тўғонбек Ҳиротда ўз шаҳзодаси Музаффар Мирзо қошида эди. Музаффар Мирзо кўн-

---

[1] Золим, жабр қилувчи, истибдодчи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

гил очиш учун тузган овларда, ўйинларда, зиёфатларда ҳарвақт бирга эди. Кенгашларда бошқа беклардан кўра, шаҳзода унинг мулоҳазаларига кўпроқ диққат қилар эди. Хусусан, Маждиддин мансабдан тушгандан буён, Тўғонбек шаҳзодага кучук садоқати билан яна маҳкамроқ боғланди. Лекин эски қадрдони ҳам валинеъматини унутмади.

Овлардан, чоғир базмларидан бўшаган вақтларда Тўғонбек Музаффар Мирзонинг йигитларига жанг таълимлари берарди. Ҳирот ташқарисида катта, текис майдонда ўқ-ёй отиш, отда учиб қилич чопиш, найзабозлик ва ҳоказодан машқ қилдирар эди. Йигитлар орасида темир гавдали, иш кўрган ботирлар бўлганидек, ёш, нозик аслзодалар ҳам бор эди. Машқ вақтида Тўғонбек баъзан нодир усулларни кўрсатиб, йигитларни таажжублантириб ҳам қўяр, кейин тупроққа чўққайиб ўтириб, ўқнинг бир учи билан ерни чизиб, атрофни қуршаган йигитларга бу ҳунарни қаерда ва кимдан ўрганганлиги, одамнинг жанговар хусусиятлари ҳақида салмоқланиб, ҳар бир сўзни дорувор тортгандек ўлчаб, ҳикоя қилар эди. Кейин аста ўрнидан турар, чакманининг этагини қоқиб, унинг ҳозирги ҳикоясининг жонли таъсири билан боққан кўзларга бир-бир тикилиб ғурур билан дерди: «Бир вақтлар Самарқандда бир ботир ўзбек бўлар эди. Эртага ана унинг бир йўлини кўрсатармиз!», ёки «фалон вақтда ярим мўғул, ярим қипчоқ бир чопқинчи билан уришганимда, у ажаб бир усул кўрсатган эди. Калламни базўр қутқариб қолган эдим. Ҳозир эсимга тушиб қолди, кўрсатсак зарар бўлмас».

Бир кун овдан қайтиб, Тўғонбек тўппа-тўғри Маждиддиннинг боғига келди. Ёзнинг охири эди. Дарахтлар меванинг мўллигидан ҳар томонга оғиб, ер бағирлаб ётарди. Гулзорлардан киши кўз узгуси келмас эди. Лекин ҳар бири санъат мўъжизаси бўлган кўшклар бўмбўш... Унда-бунда тентираган боғбонлардан — марҳум қул Нурбобонинг авлодларидан ўзга ҳеч ким кўзга чалинмас эди. Катта кўшкнинг эшигига борганда, мис кўзада сув ташиётган ўн саккиз-йигирма яшар чиройли уятчанг чўрини учратди. Унга ярим ҳазил-ярим жиддий кўзини қисиб, хўжанн чақиришга буюрди.

Ёзлик енгил, оқиш шоҳи тўн кийган Маждиддин чиқиб, кўшкнинг иккинчи қатига таклиф этди, дарчалари



www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали тўрт томоннинг узоқ-яқин манзараларини капдагидек яққол кўрсатадиган хонада ўтиришди.

Маждиддин мансабдан тушган кундан бошлаб, гўё унинг ичида бутун гавдасини тутиб турган метин бир қувватнинг синганини сезган, шунинг учун одамлар билан учрашганда, аввалгидек мағрур, виқорли кўринишга тиришса ҳам бунинг сунъий, сохталигини яшира олмасди. Аммо бугун у анча тетик, чеҳраси очиқ, кўзлари қандайдир умид билан тўла эди. У ўз одамлари орқали ҳамма ҳодисадан хабардор бўлиб турарди. Подшоҳ билан беклар ҳам вазирлар орасидаги муносабатлар, подшоҳнинг кимларга илтифоти қандай экани ва ҳоказо, гўё ўз кўзи билан кўргандек, унга равшан эди.

Маждиддин катта пар ёстиққа ёнбошлади. Подшоҳнинг оғир ва машаққатли сафардан кўзга кўринарлик бирон иш кўрсатмасдан қайтаётганини, балки икки-уч кундан кейин истиқболга чиқишга тўғри келганини сўзлади. Дарвешалини Балхда қамоқда қолдирилганлиги подшоҳнинг кўнгли ундан асло узилмаганлиги учун катта исбот эканини тушунтираркан, серсоқол юзлари умид билан ёниб кетди. Тўғонбек сафарга иштирок этган бекларнинг ношудлиги, Ҳисорнинг қўрғонлари гарчи жуда мустаҳкам бўлганда ҳам, уни босиб олиб, Султон Маҳмуднинг таъзирини бериш мумкин эканлиги ҳақида гапирди. Маждиддин подшоҳнинг сафардан қуруқ қайтганига хурсанд эди. Чунки Султон Маҳмуд шикаст топиб, подшоҳ зафар билан маст бўлиб, Низомулмулкка катта ишонч қўйиши, ҳатто Алишер ва унинг укасига ўз муносабатини ўзгартиши мумкин, деб ўйлар эди. Шунинг учун Ҳисор қўрғонини босиб олиш масаласида Тўғонбекка қўшилмади ҳам, эътироз қилмади ҳам. У, Тўғонбекдан, Хадичабегим билан Низомулмулкнинг орасида дўстлик ва ишонч барпо бўляптими, деб сўради. Тўғонбек ниманидир хотирламоқчи бўлгандай, кичик, ўткир кўзларини қисиб турди-да, кейин бу хусусда ҳеч нарса билмаганини, аммо Низомулмулкнинг ўғиллари Музаффар Мирзо билан алоқани маҳкамлашга урунаётганларини гапирди.

— Жоним, бу нима деган сўз?—қаддини бирдан кўтарди Маждиддин,— подшоҳнинг суюкли ўғли билан дўст тутинмоқнинг маъносини тушунмайсизми?

— Бундай гапларнинг маъносини ичиб юборганмизку,— кулди Тўғонбек.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўш, қандай чора кўрмоқдасиз, бек?

— Чақир тиканак бўлиб, уларнинг орасини айиришга урунмоқдамен.

Тўғонбек бу жавоби билан собиқ вазирнинг кўнгли тинчиганини билди-да, хайрлашиб жўнади.

Учинчи кун Маждиддин Ҳиротда бўлган шаҳзодалар, беклар, баланд мартабали мансабдорлар ҳам ўзга эътиборли кишилар билан, одат ва анъана бўйича, подшоҳни кутиб олиш учун шаҳардан чиқди. Бу ялтироқ оломон отда икки қўнимлик масофани босиб, кечга яқин хушҳаво бир манзилга тушди. Катта қозонларда ҳар хил таомлар пиширилиб, кечани шу ерда ўтказилди. Эрталаб ҳамманинг кўзи йўлда эди. Узоқдан чанг кўтарилди, кўпирган отларда ясовуллар етиб келиб, «хоқон» нинг келаётганидан дарак беришди: Одамлар шошиб, кийим-бошларини тузатиб, отларга миндилар. Бир оздан кейин яна янги ясовуллар ва махсус мулозимлар етиб келиб, подшоҳнинг яқинлашганини билдиришди. Лекин йўлга тикилавериб, кўзлар чарчади, сабр-бардош битди — подшоҳдан дарак йўқ эди. Ниҳоят, узоқда зангори уфқларга туташган, тўлқинланиб чўзилган тепаларнинг остида, чанг ғира-шира кўзга ташланди. Отлиқларнинг бели қотди. Отлар зериккандай, бошларини бир-бирларига уриб тишламчилик қилиб, баъзи уришқоқлари тепишиб турардилар. Чанг борган сари ёрқин ҳавони кўпроқ булғади. Тикилган кўзларга отларнинг, одамларнинг шакллари борган сари равшан кўрина бошлади. Кутувчиларни ҳаяжон босди. Беклар ва хос йигитлар билан қуршалиб тантана билан келаётган подшоҳ бу ерга яқинлашгач, отини секинлатиб, қирқ-эллик қадам нарида тўхтади. Олдин шаҳзодалар бориб, юкуниб, айри-айри кўришдилар ва подшоҳнинг узатилган қўлини камол эҳтиром билан ўпдилар. Қўл, одатда, ҳаммага узатилавермасди. Истиқболга чиққан юзларча давлат арбобларидан фақат бир нечасигина бу иноятга лойиқ бўлларди. Бу — мансабдорларга подшоҳнинг айрим илтифотининг белгиси эди. Маждиддинни қалтироқ босди. Лаблари буришиб кетди. Бир неча саркардалар ва подшоҳ хонадонига мансуб улуғлардан кейин Маждиддин бориб букулди. Лекин унинг жовдираган кўзлари подшоҳ қўлини кўрмади. У гўё бошидан чақмоқ уриб, бутун вужудини кул қилгандай, «муқаддас жамолларини...» деб бир нима ғулдиради-да, калавланиб бориб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

отига базўр миниб олди — бир маҳал қараса, Ҳусайн Бойқаро ўтиб кетибди. Орқадан борувчилар орасида чарчоқ, ғамли, хомуш Алишер Навоийни, бошқа дўстлари ва душманларини кўрди. Ҳаммаси билан ганграган ҳолда, шуурсиз равишда кўришди. Пайдар-пай келаётган отлиқлар орасида, чанг-тўзон ичида қолиб кетди.

Оқшом у чарчаб-ҳориб, уйга қайтди. Хоналардан бирига қамалди. Шу қамалганча бир неча кун уйдан чиқмади. Ниҳоят, подшоҳнинг ҳузурига кириб, унинг диққатини жалб этишга қарор қилди. Ясаниб-тусаниб саройга борди, Бобоали эшик оғони ва бир кўп беклар, аъёнларни учратди. Қабул қилиниш учун ижозат олиб беришни баъзиларидан юмшоққина сўради. Уларнинг ҳаммаси собиқ вазирнинг кайфиятидаги паришонликни, ожизликни сезиб, гўё раҳмлари келгандай, розилик билдиришди. Мажддиддин девондан узоқлашмай, аста айланиб юрди. «Боғи жаҳон оро» аввалгидай гўзал, тантанали бир руҳ билан яшарди. Собиқ вазир, Султоннинг ноиби, бу ерларда авваллар қандай ифтихор, қандай шавкат билан юрарди. Бу ерда унча-мунча бекларни кўз учига илмасди! Орадан анча вақт ўтди. Юраги ҳовлиқди, ниҳоят, Бобоали эшик оғо келиб, «мааттаассиф, орзи муяссар бўлмаганини» сўзларкан, Мажддиддин, гарчи ўзини тутишга уринса ҳам, лекин алланечук қизариб-бўзариб кетди. Яна бунинг устига Бобоалининг кўзларидаги нозик киноя унинг иззат нафсига ханжардек қадалди. У саройдан чиқиб, тўппа-тўғри Тўғонбекникига борди. Серҳашам хоналар билан ўралган, гулзорлар билан яшнаган катта қўрада ҳаёт қайноқ эди. Яхши кийинган мулозимлар, камарлари, ханжарлари, қиличлари зийнатли йигитлар тўда-тўда кириб-чиқиб турардилар.

Тўғонбек уни қадимгидай катта ихлос билан қарши олди. Асл буюмлар билан безалган катта, нақшли хонага олиб кирди. Мажддиддин, подшоҳнинг марҳаматсизлигидан шикоят қилди. Тўғонбек подшоҳнинг кўнгли Мажддиддиндан қолганлигини ишончли одамлардан эшитган ва сабабини ҳам суруштириб билган эди. Шунинг учун сокин тинглади ва охирида Низомулмулкни тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди.

Мажддиддин уҳ тортиб: «Уни ўз қўлим билан осмонга кўтардим. Энди тагимга етадиганга ўхшайди» деди ҳам подшоҳнинг ҳузурига кириши учун Бурундуқ барлос ва унинг ўғли Шужоиддин Муҳаммадни воситачи қилмоқ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қа қарор берганини баён қилди. Бу нарса Тўғонбекка ҳам маъқул тушди.

— Улар бирон нима тама қилсалар керак?— деди Тўғонбек.

— Албатта. Беш-ўн минг динор ваъда қилурсиз.

— Ким? Мен бораменми?— сўради Тўғонбек.

— Ўзим борсам, бошқаларда гумон туғилар,— деди Мажддиддин,— сизнинг ота-бола билан муносабатингиз яхши. Ҳам сиздан бошқага эътимодим қолмади. Беҳисоб дўстларимни энди бармоқ билан санаш мумкин. Улар ҳам қўрқадилар.

Тўғонбек қабул қилди. Бу оқшом Шужоиддин Муҳаммад барлос билан, эрта-индин унинг отаси Бурундуқ барлос билан холи ерда учрашмоққа ҳаракат қилишини билдирди.

Мажддиддин кунларни дард билан, сабрсизлик билан кечирди. Бир ойдан кейин барлослардан хушхабар келди. Қабул тайин этилган кун Мажддиддин саройга бориб, осонлик билан подшоҳ ҳузурига кирди. Тахтда чўкиброқ ўтирган Ҳусайн Бойқаро, аввалгидек лутф илтифот билан бўлмаса-да, ҳар ҳолда очиқ юз билан қаршилади. Мажддиддин бор қувваий нутқини ишлатиб, унга бўлган ўз садоқати, муҳаббати ҳақида гапирди, мансаб, вазифа тўғрисида оғиз очмади. Лекин унинг остонасида «ит бўлиш билан фахрланишини» бир неча марта айтиб ўтди. Кейин подшоҳга йигирма минг динор совға қилди-да, ижозат сўраб, ташқари чиқди. Кўзига олам энди ёп-ёруғ кўринди. Бу бахтли куннинг шарафига байрам ясаш учун уйига югурди.

Бутун мамлакатда ишларнинг ипи Низомулмулк қўлида эди. Бу — унинг бутун умрининг ғояси эди. Ҳатто подшоҳ ўз яқинларига уни «давлатимизнинг энг катта бебаҳо гавҳари» деб мақтаганини бир неча бор эшитган эди. Бу мавқени то ўлгунча, ҳар қандай йўллар билан сақлашга қарор берган эди. Энг кўп хавфни Мажддиддиндан кутарди. Мажддиддиннинг қабул этилганини эшитгач, девондан чиқиб, маъруза қилмоқ баҳонаси билан Ҳусайн Бойқарога кирди... Подшоҳ дарров Мажддиддиндан сўз очди. Унинг совғасини айтди. Низомулмулк юзини буриштириб:

— Йигирма минг динор? Бу қандай хасислик! Ўн қатла ортиқ берганда ҳам давлати суфрасига сичқон кемирганча нуқсон етмас эди!— деди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Муболаға қилмайсизми?— сўради Ҳусайн Бойқаро таажжуб билан.

— Асло!— жавоб берди Низомулмулк.— Мен унинг давлатини дафтарга ёзиб-чизиб қўйгандек биламен.

— Қаердан олган?— бирдан қизиқди подшоҳ...

— Агар муболиғада айбланмайин десам,— деди Низомулмулк,— элдан келган маблағнинг ниспи сизнинг хазинангизга, ниспи унинг хазинасига тушган!

Ҳусайн Бойқаро ишонқирамагандай, ўйлаб қолди. Кейин Бурундуқ барлоснинг илтимоси билан қабул қилганини, хиёнатларини таҳқиқ қилиш кераклигини сўзлади. Низомулмулк Маждиддин баҳонаси билан Бурундуқ барлосга ҳам харсон тош отмоқчи бўлди.

— Хоқон ҳазратларини яна бир мудҳиш хиёнатдан огоҳлантирмоқни фарз деб биламен,— деди подшоҳга томон оғир гавдасини буриб Низомулмулк.— Қундуз сафарида юрганингизда Бурундуқ барлос ва ўғли Шужоиддин Муҳаммад баъзи кимсаларга деганларки, агар подшоҳ мағлубиятга учраса, у вақтда шаҳзодалардан Увайс Мирзони тахтга миндирурмиз, садоқат билан унга хизмат қилурмиз.

Ҳусайн Бойқаро илон чаққандай тўлғанди, ғазабланиб ўрнидан туриб кетди ва титраб қичқирди:

— Нонкўр ота-ўғилни, ҳам Маждиддинни ушбу соатда ҳибс қилмоқ керак. Чақиринг кишиларни!

Низомулмулк ташқаридан бир неча кишини — қамаш, сўроқлаш, гуноҳкорларнинг уйларини талон-торож қилдириш ишида тажрибали мулозимларни бир зумда бошлаб кирди. Ҳусайн Бойқаронинг ўзи фармон берди. Булар яхши суръат билан чиқиб кетгач, Амир Али «атка» деганни чақирди. Бу золим табиатли, дағал одам эди. Унга бир неча кўмакчилар билан Маждиддиннинг мол-мулкини олиб келишга буюрди Ҳусайн Бойқаро.

Икки кундан кейин Низомулмулк подшоҳни саройдаги омборхоналарга бир нафас кўз ташлашга таклиф қилиб, бирга олиб келди. Бир неча жуда катта омборхоналар ердан шипгача мол билан тўлган эди. Ҳусайн Бойқаро фақат сандиқ-сандиқ қуйма олтин-кумушларни, қимматбаҳо тошларни, лаъл, ёқут, гавҳар, дурларнигина томоша қилиб, ҳайратдан бошини чайқаб қолди. Тепа-тепа уюлган ҳинд, хитой, миср молларига, гиламларга, ипакликларга, турли-туман нодир буюмларга қарамади ҳам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қийнасак, яширган матолар ҳам қўлга кирар эди!— деди Низомулмулк Султоннинг қулоғига ва айёрча кулиб қўйди.

Амир Али «атка» бу ивир-шивирнинг маъносини, гўё савқи табиийси[1] билан эшитгандай, тасдиқлади: «Албатта қийнамоқ керак!» Ҳусайн Бойқаро тараддудланиб деди: «Қийнангиз, лекин зинҳор жонига шикаст етмасин! Низомулмулкнинг кўзлари норозилангандай, алланечук сузилиб кетди.

Бир ойлардан кейин «Боғи жаҳон оро»нинг девонхонасида сўроқ бошланди. Бу ерда жуда кўп беклар, аркон давлат, сарой мулозимлари ҳозир эди. Бурундуқ барлос билан унинг ўғлининг айблари исбот этилмаганидан, қамоқдан бўшатилганлари учун, айбдор ёлғиз Мажддиддин эди — уни зиндондан занжирбанд ҳолда олиб келишди. У қийноқдан, қайғудан, шармандаликдан хароб ва озган эди; соч-соқолларининг оқи ҳам кўпайган эди. Лекин мажолсиз бўлса ҳам, саволларга тетик жавоб беришга тиришди. Саволлардан кейин, кўпроқ Низомулмулкнинг ишораси билан, котиблар ва унинг қўл остида бир вақтлар ишлаган майда амалдорлар бирин-кетин чиқиб, уни қоралай бошладилар. Уларнинг нутқида, ҳақиқат билан баравар, муболаға, пойма-пой айблашлар ҳам сезилиб турарди. Ниҳоят, Мажддиддин бутунлай иложсиз, ёрдамчисиз, ҳамма айбларни бўйнига олишга мажбур бўлди. Сўроқ тугади.

Мажддиддин энди ҳарна қилиб қамоқдан қутулишга тиришди. У Тўғонбек орқали бош вазирга мурожаат этди. Низомулмулк, агар у яна маблағ тўласа, қутқариши мумкинлигини билдиргач, Мажддиддин чор-ночор қабул қилди. Қолган юқ-юндини, ерларини сотиб тўлаб, гадодек қуп-қуруқ бўлди. Лекин бунча фалокатлардан кейин юртда яшашга тоби қолмади. Низомулмулкнинг кутилмаган вақтда янги зарба беришини ҳам ўйлаб, чўчир эди.

Бир кеча оиласи билан яшайдиган хароб бир ҳовлида Тўғонбекни қабул қилди. Милтиллаган шамнинг ёруғида узоқ гапиришди. Ҳаёт йўлини, қилган ишларини ёдлади. Ниҳоят, чуқур афсус ва қайғу билан деди: «Умримдаги энг катта хато — Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қар-

---

[1] Ички сезги, шуурсиз равишда англай билиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ши ҳаракат қилдим — не ишлар қилганим сизга маълум — Алишер юраги тоза одам эди».

— Тўғри,— деди Тўғонбек бошини қуйи солиб.— Алишер Навоий тулкиликни билмайди. Юраги ўбдон соф одам.

— Балли!— деди Мажддиддин хўрсиниб.— Унинг қаҳри ҳам, раҳми ҳам самимий. Ҳар вақт самимий. Не қилайликки, вақт ўтди, хатони тузатиб бўлмайди.

Тўғонбек унинг кўнглини юпантиришга тиришди. Оғир тегмасин деган андиша билан, маблағ, мол-дунё жиҳатдан ёрдамга тайёрлигини жуда пардали равишда сўзлаб ўтди. Кейин, гап кўп бўлса ҳам, вақт кеч бўлгани учун, узр этиб, ўрнидан турди. Мажддиддин ҳам ўрнидан туриб, Тўғонбекни қучоқлади: «Хайр, дўстим, биродарим, қайта кўришмоқ насиб бўладими-йўқми, айтмоқ қийин» Тўғонбек саросимали кўзларини тикди.

— Ҳажга кетамен. Тонг отиши билан жўнаймен. Сафар анжоми муҳайё: баъзан оиламнинг авҳолидан хабар олиб турсангиз, ҳар икки дунёда, сиздан миннатдор бўлурмен, дўстим, иним, қадрдоним!— деди йиғламсираган овоз билан Мажддиддин.

— Муқаррарми?— сўради Тўғонбек ҳаяжонланиб.

— Муқаррар!— жавоб берди Мажддиддин хўрсиниб.

Тўғонбек қайтадан қучоқлашди: «Эсонлик билан қайтингиз!» деб қоронғуликда ғойиб бўлди.

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Узун қиш туни қора пардасини энди қуюқлаштирган бўлса ҳам, «Унсия»да улуғвор, файзли, маъноли бир сукунат ҳукм сурарди. Ҳамма хоналарда шамлар ёқиғлиқ. Бирида мавлоно Осифий бошлиқ бир неча шоир қизғин суҳбат қилади. Иккинчисида котиблар китоб кўчирадилар. Яна бир хонада Шайх Баҳлул билан Соҳиб Доро қошларини жиддий чимириб, бошларини шатранж тахтасига экканлар...

Навоий «хуфтон» дан сўнг, кутубхонани айланиб чиқиб, ўз хонасига кирди. Шамдонни токчадан олиб, кичкина майин гилам ёпилган паст курси устига қўйди. «Мажолисун-нафоис»[1]ни давом этдиришга ўтирди. Савағич қалам қоғоз устида шоирнинг фикрига, туйғусига иноқ юриб кетди.

---

[1] Нафис мажлислар — Навоийнинг асарларидан бири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий тунларда қаламни қўлга олиб, ўз фикрлари, туйғулари билан улфатчилик қилишни соварди. Бу — бир қариш болаликдан қолган одат эди. У қишки, сокин кечада худди ўзи байтда айтгани каби, фикрларнинг ажойиб базмини қурди:

То бароқс оянд шабҳо шоҳдони базм фикр
Ҳамчу най дар каф қалам сози хуш оҳанги манаст[1].

«Мажолисун-нафоис» — бир неча юз шоирнинг ҳаётлари ва ижодларининг япроқларидан терилган бир гулдаста. Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшамоқда бўлган, ёки дунёдан абадий кўз юмган юзларча шоирларни, шеърига алоқа кўрсатган олим, фозилларни хотирага олади. Кўпларини танийди, кўплари билан мактублашган. Ораларида унга дўстлик ипи билан боғланганлар бўлганидек, душманлар ҳам бор. Лекин Навоий уларнинг ҳаётига, феъл-атворига, истеъдодига, юксак фазилатлари ва ожизликларига холисона қарайди. Инсонларга хос қанча ғалати, қизиқ, турли-туман сифатлар кўз олдида ёрқинлашади. Бир неча оғиз сўз билан ҳар шоирнинг ҳаёт дурдонасини, бир неча оғиз сўз билан унинг инсоний сифатини, ўзига хос аломатини кўрсатиш керак, ҳам бир неча оғиз сўз билан шоирнинг ижодига қиммат бериш керак. Инсон табиатининг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо сонсиз жилвалари кўз олдида тажассумланади. Қанча ёрқин ва нодир сиймолар, қанча разил ва ожиз, қайғули ва кулгили қиёфалар унинг тасаввур ойнасида акс этади. Баъзан бир онгина шоирнинг юзидан маънодор табассум учиб ўтади. Шеър, санъат, илм аҳли — майли яхшими, ёмонми, оқилми, жоҳилми, инсонми, шайтонми — барибир сўзнинг торини чертган. Шунинг учун китобда унинг тўғрисида бир неча оғиз гапириш керак.

Навоий фикрларнинг базмига, қаламнинг оҳангига берилиб, вақтнинг алла-палла бўлганини сезмай қолди. Қаламни қўйди. Бармоқларида оғриқ сезди. Деворга суялиб, бошини қуйи солган ҳолда фикрга толгандай, бирмуддат ўтирди. Яна касал Жомий кўз ўнгига келди. Юраги ҳовлиқди. Кундуз борганда, беморнинг ҳолини

---

[1] Кечалар фикр базмида гўзал раққосалар — фикрлар ўйинга тушиши учун қалам менинг қўлимда хуш овоз, хуш оҳанг бир создир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриб, кўнгли алланечук бузилган эди. Бирон кишини юборсаммикан, деб ўйлади. Лекин сезгилари ташвишли бўлганидан, ўзи боришга қарор қилди. Ўрнидан туриб, шамни ўчирди.

Изғирин шоирнинг юзини тирнади, этакларига ёпишди. Осмон қора, ҳўмрайган. Узоқда, майдонда навкарлар, қоровулларнинг гулхани туннинг қора бағрини яламоқда эди. Қаердадир чанг, уд ва най овозини эшитди, қаердадир ёлғиз товуш унинг бир ғазалини янги яратилган мақомлардан бирига солиб айтмоқда. Хушкайф бир гуруҳ тор кўчадан чиқиб, мадраса орқасида ғойиб бўлди, булар ичида таниш овозларни — ёш, шўх шоирларнинг овозини эшитди.

Жомийнинг эшигида, фанор билан ёритилган ҳовлида одамларнинг ташвиш билан юриб турганини кўрди. Булар Жомийнинг ақраболари, яқинлари, дўстлари эдилар. Навоий беморнинг ҳоли ҳақида ҳеч ким билан сўзлашмаса ҳам, юрагини бирдан ўткир алам санчиб кетди. Хона ичига кирди. Тўрда, тўшакда ётган беморнинг атрофида бир тўда дўстлар турарди. Жомийнинг оёғида унинг ўғли Зиёиддин Юсуф йиғидан шишган кўзларини ожизлик билан отага тиккан эди. Навоий хастанинг олдига тиз чўкиб, бошига энгашди. Қайғу ва муҳаббат учқунланган сўзлар билан унга мурожаат этди. Эвоҳ, донишманд кўзлар очилмади. Жомий беҳуш эди! Навоий дардли кўзларини табиб Абдулҳайга тикди. Хозиқ ҳаким бошини ожизона чайқади, холос. Навоий қалтираб ўрнидан турди. Кўзларидан ёшлар қуйилиб соқолларини ювди, Зиёиддин Юсуфнинг бошини ота меҳрибонлиги билан силаркан, ҳеч ким ўзини тута олмади — ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади.

Жомий гоҳ қисқа муддат ҳушига келиб, гоҳ яна беҳол бўлиб ётди. Навоий унинг ёнидан силжимади. Хушовоз Ғиёсиддин Деҳдор Жомий бошида қироат билан муттасил қуръон ўқиди. Кейин қалин халқ давра қуриб, нақшбанди[1] усулига мувофиқ, зикр тушди. Эрталаб хастанинг ҳоли яна оғирлашди, кўп ўтмасдан ўлим ўз оғушига тортди. Жанозага бутун Ҳирот қатнашди. Улуғ шоир ва шайхни катта тантана билан мавлоно Саъдидин Кошғарийнинг мозори ёнига дафн этдилар.

---

[1] *Тасаввуфда* — сўфилар таълимотида бир оқим.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўлимнинг еттинчи куни Навоий улуғ дўстининг хотираси учун минглаб халққа ош берди. Бу ерда Жомий ҳақида ёзилган шеърлар ўқилди. Оқшом уйга ҳорғин қайтди. У Жомийнинг ўлимидан кейин қандайдир бир танҳолик, ўксизлик сезар, бирин-сирин ўлим оғушидан жой олаётган жонажон дўстларни алам билан ёдлар, ҳаёт ва ўлим зиддияти ҳақида алам билан ўйлар эди. Бу — оламнинг марказий масаласи каби, унинг бошида гала-гала масалаларни туғдирарди. Фикр, фалсафа, илм, ҳақиқат, худо масалаларининг тубсиз гирдобида чирпинар, яраланган бургут қудратли қанотларини тоғ тошларига ура-ура, хавфсиз қўнар, жой топишга урингандек, унинг фикри ҳам негизли бир маскан қидиради.

Хотирига бир вақт ёзган ғазали тушди:

Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар ғами меҳнатим.
Назар айла бу коргаҳ васфига,
Ки ортар томошасида ҳайратим.
Қуёш йўқки бир зарра моҳиятин,
Топо олмади саъй ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не умид яқин бўлди, не ружъатим,
Не касби улум этти ҳал мушкулим,
Не тутти илк тақвою-тоатим.
Топай деб хабар ушбу мақсуддин
Туташти баси қавм ила суҳбатим.
Не қилур бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.
Не қилмоққа пир амридан ҳосилим,
Не кечмакка бу фикрдан ҳайратим,
Менинг бошима бас қаттиқ тушди иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.
Ҳаробот аро кирдим ошифта ҳол,
Май истарча илгимда синган сафол.

Илҳомнинг шавқи билан айтилган бу фикрлар шоирнинг ҳозирги кайфиятига кўпроқ мос келди: асрлар сажда қилган ҳақиқатларга қараганда, бу маънолироқ каби кўринади: «Гарчи шак фалсафанинг онаси ва ҳақиқатга йўлловчи бўлса ҳам уни фикр доимий маскан қилолмас»— деди ичида.

Киришга ижозат тилаган Шайх Баҳлулнинг товуши билан у оғир солинган бошини кўтарди. Қадрдон мулозим ҳар вақтдаги одобли вазият билан унинг ёнига айри-айри ва турли шаклда бukланган бир неча қоғозни қўйиб чиқиб кетди. Навоий шамдонни ўзига томон яқин суриб, қоғозларни оча бошлади. Бухоро ва Самарқанд-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан келган икки толиби илмнинг ёрдам сўраб ёзган аризалари, яна бир шоирнинг бева ва етимлари ўз аҳволларининг оғирлигини тавсифлаган бир номадан ўзгаси деҳқонларнинг, косибларнинг закотчилардан, туман ва қишлоқ амалдорлари устидан қилган шикоятлари эди. Яна бир шикоятда Навоийга таниш бинокор уста ўз оиласининг номусини булғамоқчи бўлган шаҳзода Абулмуҳсин Мирзодан додлаган. Навоий бу шикоятни қайтадан ўқиб, нафрат билан бошини силкиди: «Илоҳим, одам қиёфатидаги бу ҳайвон иш бошига ўтмасинда!» деб, бу қоғозни алоҳида жуздонга солиб қўйди. Кейин ҳамма шикоят ва ариза эгаларининг талабларини қандай қилиб ва нима билан қондириш тўғрисида ўйлаб, ҳар қайсини фикрда ҳал этиб таскин топди.

«Хуфтан» намозини адо этиб, ишга ўтираркан, ҳовлида шовқин кўтарилди. Бир нафасдан кейин, йўл кийимида Дарвешали кириб келди. Ака-ука самимий кўришишди. Дарвешали, Балхдагилар тўсиндан буйруқ олиб, уни қамоқдан бўшатганларини сўйлаб: «Охири бахайр бўлсин, билмадим, бу марҳамат самимийми, ёинки тақдим этилган гул орасида заҳар борми?»— деди. Навоий ҳам, билмайман, дегандек қошини чимириб қўйди. Дарвешали, қулоғига қисман чатилган воқеаларнинг тафсилотини билишга қизиқсинди. Навоий Мажддиддин тантанаси нима билан битганини сўзларкан, товушида гоҳ ғазаб, гоҳ кинояли кулги, гоҳ эса инсоннинг заифликларига донишмандона ачиниш сезилар эди. Дарвешали фақат хурсанд бўлди.

— Мажддиддин разолатининг фош этилиши,— деди Навоий,— шубҳасиз, катта иш бўлди. Лекин унинг илдизлари ҳали қирқилган эмас. Унинг ҳаромнамаклари ҳали кўп маҳкамаларда ин қурганлар. Тўғри, улар бугун Мажддиддинни дажжол, шайтони лаин эди, деб айюҳаннос соладилар. Аммо аждаҳо нафслари эл молини ҳали ҳам совурмоқдалар. Янги вазир буларни, бамисоли қармоқдай, халқнинг бўғзига ташламоққа ҳаракат қилур.

— Низомулмулк!— ҳайрат билан кўзини олайтирди Дарвешали. Навоий кулди, кейин жиддий гапирди:

— Сиз ғоят соддасиз. Ёлғиз зоҳирга қараб ҳукм қиласиз. Золимлар борки, фаришта тўнини киядилар. Шайхлар борки, банг хаёлотини элга каромат деб сотадилар, жоҳиллар борки, китоб қўлтиқлаб олимлик даъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

во қиладилар. Мамлакат бошида тили билан дили бир бўлган, ёлғиз халқ манфаатини ўйлаган, олий руҳли, пок виждонли инсонлар турмас экан, ҳаёт сабзаси тобора сўлур.

— Давлатни ислоҳ ҳақида ёзилмиш мулоҳазаларингизга подшоҳ ҳеч илтифот этмадими?

— Бу мамлакатда ислоҳ сўзини оғизга олганларни,— жавоб берди Навоий ғазабланиб,— энг музир осий[1] каби дор билан мукофотлайдилар.

Дарвешали жим қолди. Ҳўмрайиб ерга қараган Алишерга кўз учини ташлаб, унда изтироб сезди. Чиқиб кетмоқ, ёки бошқа мавзу қидирмоқ бўлиб тураркан, Валибек кирди. Дарвешалининг келганини эшитиб, кўргали ошиққанини сўзлади. Навоий ҳам уни, ҳамма вақтдаги каби, яхши қаршилади. Турли мавзуларда гангур-гунгур суҳбат бошланди.

Кейин, орада бир нафас сукунат ҳукм сургач, Валибек айтишга фурсат кутиб турган гапини бошлаб юборди. Яширин хабарларга ва баъзи аломатларга қараганда, Бадиуззамон Астрободда исён кўтариш фикрлари билан овора бўлаётганини, у Қандаҳор ҳокими Зулнун Арғунбек билан алоқада бўлгани ва ҳоказо ҳақида гапирди.

Навоий уни берилиб тинглади-да, тиззасига уриб қўйди, бетоқатлангандай, бутун гавдасини тебратди.

— Воқеа ҳақиқатга яқин, деди у куйиниб.— Бадиуззамондагина эмас, ҳамма шаҳзодаларнинг кўкракларида бундай қора ният бор. Хўш, не учун Зулнун Арғунбекдек оқ кўнгилли, мардона бир бек бу фитнага шерик бўлмоқчи? Ҳиротда унга ҳасад қилғувчилар бор. Арғунбек Қандаҳор вилоятида ёмон ишлар қилмади. Навкарларга яхши қаради, уларнинг сонини борган сари оширди. Бузув-йиғувдан ўзга ишга беҳунар бир гуруҳ уни подшоҳга ёмонлади. Арғунбек ўзи учун бир ҳимоячи қидирди. Бадиуззамон бу фурсатни ғанимат билди холос.

— Тақсир, воқеадан хабарингиз бормиди?— таажжубланиб сўради Валибек.

— Йўқ,— жавоб берди Навоий.

— Сабабларни тўғри айтдингиз-ку.

— Сўзингизнинг мазмунидан ёлғиз шу натижага ке-

---

[1] Зарарли гуноҳкор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лиш мумкин эди,— жавоб берди Навоий ва давом этди:— лекин, биз ҳеч вақт бундай фитналарга йўл қўймаслигимиз керак. Беҳуда қон тўкмак, юртни парчаламоқдан азим гуноҳ йўқ! Қалбаки дўстлик, қардошлик қули остидаги душманлик оловлари ёнғинга айланур. Енг учидаги заҳарли ханжарлар кинли, ғазабли қўлларда бирдан ярқирар. Қошки бунинг бадалига бирон шаҳзодадан юрт, эл учун хайрли ишни умид қилабилсак... Йўқ!

— Албатта!— деди метин гавдасини эгиб, ўйланиб Валибек.— Хонадоннинг барча аъзоси ит билан мушукка айланур. Қўшин бир-бирига ёв гуруҳларга айрилур. Биз,— беклар, бир-биримизга майдон очурмиз!

— Темур авлодида бу касал асло йўқолмайди-да. Охири бахайр бўлсин!— деди ўзича Дарвешали.

Дастурхон ёзилиб, бир лаган яхна эт, бир лаган қуймоқ келтирилди. Иштаҳасизлик билан бир оз тотинишди. Валибек ва Дарвешали хушлашиб чиқиб кетгач, Навоий дарров қалам ва қоғоз олди-да, Бадиуззамонга хат ёзишга киришди. Ғазабли кайфиятда айтилган баъзи жумлалар бениҳоят аччиғ, дилни омбурдай узиб олувчи эди. Хатни ўқиб чиқаркан улар устида ўйлаб қолди. Лекин бирон нуқтасини ўзгартиришни истамади. Юрагидаги дуд тарқалгандай, анча енгилланиб, ухламоқ учун ётди.

Эртаси нонуштадан сўнг, Навоий ишончли чопарлардан бирини чорлаб, хатни берди, Астрободга жўнаб, шахсан Бадиуззамоннинг қўлига топширишни уқдирди. Кейин тўғри девонхонага кетди.

Қаламларининг учини ялқовлик билан очиб, иш бошлашга эриниб, ундан-бундан гап сотишган муншилар Навоий кириши билан бир онда жим бўлишди. Буларнинг орасида Шоҳрух Мирзонинг охирги йилларида хизматга кириб, ҳозир мўнкиллаб қолган чоллар билан, мўйлаб туки энди билинган йигитчалар бор эди. Навоий муншилар хонасидан ўтиб, ичкариги хонага кирди. Бу ерда ёлғиз Низомулмулкни учратди. Атлас кўрпачалар устида тилладўзи тўн кийиб ўтирган бош вазир ўрнидан туриб кўришиб, назокат билан шоирни ўзига яқин ўтқизди. Қалбаки табассум билан: «Зоти олиларининг ҳар нечук хизматларига тайёрмен» деди у. Навоий киссасидан бир ҳовуч айри-айри букилган қоғозларни Ни-



www.ziyouz.com kutubxonasi

зомулмулкнинг олдига қўйди.— Шу мушкилотларни тез ҳал қилмоқ керак!

Низомулмулк ҳамма қоғозларни бир-бир очиб, ўқиб чиқди.

— Бу каби ишларга жаноблари азиз вақтларини сарф қилмасалар ҳам бўлар эди,— деди Низомулмулк қуюқ қошлари учини бириктириб.

— Нечун?— сўради Навоий вазирга тикилиб.

— Агар халққа қулоқ солсангиз, шикоятларга ботиб кетасиз. Умрни эговламасдан, ўзаро битишинглар, деб жетавериш ҳам мумкин,— жавоб берди кулиб Низомулмулк ва давом этди.—Яна улар не учун зоти олиларига мурожаат қилдилар? Бунинг учун маҳкамалар ҳам вазифадорлар бор ахир.

Навоий маҳкамалардан, вазифадорлардан халқ ўз яралари учун зарра қадар шифо кутмаганини, зулм ханжари бўғзига қадалганини сўзлади. Бу шикоятларни тез таҳқиқлашни талаб қилди.

— Халқ амалдорларга ёмон кўз билан қарайди. Ҳамиша шундай бўлган...— деди Низомулмулк.

— Халқ хато қилмайди,— деди Навоий.— Илонга ҳеч ким ўз кўксида жой бермас!

— Устларига айб тушган зотлар,— деди Низомулмулк асабийланиб,— давлатнинг содиқ хизматкорлари... Уларнинг қадри-қимматини унутмоқ яхши эмас, албатта!

— Бу мамлакатда,— деди Навоий ҳаяжон билан,— зиндонлар, жазолар, жарималар, дорлар бор. Ким учун? Адолатли давлатда бу нарсалар ёлғиз жабркорлар учун татбиқ этилур. Садоқатли золимларнинг хизмати давлат илдизига болта уришдан бошқа нарса эмас!

Бош вазир титраб кетди. Навоийнинг авзойига разм солди. Унда даҳшатли куч ва ирода, ёрилиб ҳамма ёқни йиққундай бўлган ғазаб нишонасини кўрди. Ўрнидан илдам турди. Қўл остидаги маъмурлардан бирини чақириб, шикоят ва аризаларни унга тутқизиб деди: «Дарҳол қозига бориб, бу қоғозларнинг мазмунини бирликда таҳқиқламоқ керак». Маъмур чиқар экан, Навоий қўл билан ишора қилиб тўхтатди:

— Натижаларини бизга қай вақт маълум қиласиз?

Шошиб қолган маъмур таъзим қилиб жавоб берди: «Зоти олиларигами? Таҳқиқ-тафтиш битган куниёқ ўзим огоҳлантирурмен...»



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий ташқари чиқди. Қуёш дам булут орасига кириб, дам кескин ялтираб чақнарди. Мурабба шаклли ғиштлар ётқизилган йўлдан аста юриб бош қасрга борди. Эшик оғага подшоҳ қошига кирмоқ истаганини билдирди. Ҳусайн Бойқаро бу «мақрибуссултон»[1] билан нодир учраша бошлаганлигиданми, ёки кайф чоғлиги учунми, очиқ юз билан қабул этди. Бир муддат у-бу тўғрисида гаплашишди. Фисқ-фужур, май ёлғиз унинг гавдасига эмас, балки бутун маънавий сиймосига ҳам таъсир этган эди — сўзларида қарор йўқ; гоҳ бирдан асос ва далилсиз кимнидир мақтаб кетар; гўё у одам келса-ю, ўпақолса... Гоҳ эса кимнидир, яна асоссиз, ёмонлаб кетарди. Лекин кўзларида ҳали ҳам макр-ҳийланинг ифодаси кучли эди. Навоий фурсат келганда, қўлтиғидан қоғозни чиқариб, унга узатди. Ҳусайн Бойқаро мастлик билан хира йилтираган кўзларига яқин тутиб ўқиди-да, тиззасига қўйди. Қаёқдаги бош оғриғи нарсаларни топиб юрасан, деган каби, салқиган юзларини қийшайтириб, жим қолди. Навоий жавобни қистагандай, дадил боқиб тураверди. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро қоғозни яна қўлига олиб: «Қандай жазо ёки жаримани маъқул топурсиз?» деб сўради-да, жавобни кутмасдан, ноқобил ўғилларидан шикоят қилиб кетди. У гапириб бўлгач, Навоий хонадон авлоди хусусан ахлоқ, адаб бобида ҳаммага намуна бўлиши керак экан, бунинг тамом зиддини кўриб, афсусланганини сўзлаб, кейин деди: «Бу ишни фақат ҳазратларининг виждонларига ҳавола қилурмен. Давлатнинг қонун ва қоидалари олдида шоҳу гадо баравар тиз чўкиши кераклиги тўғрисида сизга бениҳоя кўп дафъа сўзлаган эдим, буни яна такрорлаймен». Ҳусайн Бойқаро бу ҳақда Шайхулислом билан кенгашиб, шариати Мустафога мувофиқ ўғлини жазолашга ваъда бергач, Навоий қуллуқ қилиб ўрнидан қўзғолди.

Тунда қатқалоқ бўлган кўча қуёшда эриб, пилч-пилч лой эди. Шоир кафшини лой қилмаслик учун, четдан эҳтиёт билан юриб кетди. Ҳамма, катта-кичик салом бериб у ўтиб кетгунча адаб билан қимирламай туришаверди. У «Унсия»га кирмай, мадраса орқасидаги ёрдамчи бинолардан бирига кирди. Атрофи катта-кичик хоналар, айвонлар билан ўралган катта ҳовлида ўнлаб

[1] Султоннинг яқинлари.



www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматкорлар аҳиллик билан ҳар кунги вазифаларини бажармоқда эдилар. Кими юзларча даста-даста товоқларни, лаганларни ювади, кими катта кўзаларда сув ташийди. Кими этагининг барини белбоғига қистириб, қатор қурилган ҳайбатли қозонлар остига ўтин ташлаб, тутундан ёшланган кўзини уқалайди. Катта капкирларни, бесўнақай ёғоч чўмичларни қўлларида тутган, мош еган хўроздай, қип-қизил ошпазлар қозон бошида куймаланмоқда эдилар. Бу ерда Навоий ҳар кун камбағаллар, етим-есирлар, тиланчилар учун ош берар эди. У ҳар бир қозоннинг тепасига келиб, бугун нима тайёрланаётгани, қанча эт, ёғ, қанча дон ва ҳоказо солингани тўғрисида сўзлашди. Пазандаларнинг ҳунари ҳақида кимдир тўқиган, қай вақтлар эшитган бир неча қизиқ байтни айтиб, атрофдагиларни кулдирди. Кейин ҳазил-мутойиба қилди. Мутойибада ошпазлар ҳам, бошқа хизматкорлар ҳам бўш келмадилар. Навоий кулиб-кулиб: «Кўплашиб кетдингиз. Биттадан чўқиганларингда ҳам мени пора-пора қилиб қўясизлар» деди. Келувчиларни асло кутдирмасдан, овқатни тартиб билан тортишни тайинлаб, чиқиб кетди.

«Унсия»га кириб, ўз хонасида бир муддат ором олди. Кейин тасодифан келиб қолган Мир Мумтоз билан шатранж ўйнади. Мир Мумтоз бу ўйинда олдингилардан эди — ўйинчи топилса, ҳар нарсани, мадрасадаги дарсларни ҳам унутиб юборадиган шатранжпараст бу олим билан Навоий сийрак ўйнар эди. Жуда эҳтиёт билан ўйнаб, ўйинни икки марта дуранг қилди-да, шу обрўни сақламоқ учун, гарчи Мир Мумтоз қистаса ҳам, ўйинни такрорламади. «Пешин» номозидан кейин бирга овқатланиб, хонақоҳга чиқишди.

Хонақоҳ ҳар вақтдаги каби улуғвор, маънодор бир сокинлик билан яшарди. Ҳамма ёқни топ-тоза қилиб, бу ернинг кўнгли нозик, доимий мутолаа ва ёзув билан инжиқланиб қолган одамларга керакли нарсаларни муҳайё этиб турувчи хизматкорлар оёқ учида юриб ўз вазифаларини бажармоқда эдилар. Навоий ўз ҳамроҳини Мирхонднинг хонасига бошлаб кирди. Кекса, ҳакимона бепарво, ринд табиатли олим — замоннинг энг улуғ тарихчиси — нозик ва самимий муомила билан қарши олди. Унинг ўн икки яшар набираси Ғиёсиддин Муҳаммад (Хондамир) ўзини катталардек тутиб, адаб билан салом берди. У Навоийни ўз бобосидек севар эди. Бобо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сининг атрофида қалашган китобларни нари-бери суриб тартибга солди. Аввалги ўтирган жойидан пастроқда тиз чўкиб, донишманд чолларнинг сўзини тингламоқ учун ақлли кўзларини диққат билан уларга тикди. Навоий Мирхонднинг кайфини такаллуфсиз, дўстона равишда сўрагандан кейин, унинг набирасига мурожаат этди — бу истеъдодли бола билан сўзлашишдан завқланарди.

Тарихдан яна қандай китобларни мутолаа қилганини сўради. Хондамир бир қанча жиддий китобларни айтиб берди. Навоий ҳам Мир Мумтоз офарин ўқишди.

Хондамир ҳар вақт бобоси билан бирга ўтирарди. Атрофи олимлар билан қуршалган бобосининг ҳузурига келувчи ҳар хил илм, санъат аҳлининг суҳбатларига қулоқ солиб, илмларга, хусусан тарихга катта мароқ ортдирган эди. Бу соҳада кўпгина жиддий асарларни ўқиб, ҳазм этган эди. Бобоси, Навоийнинг илтимоси билан, бир кўп йиллардан буён бу хонада эрта-кеч ёзиш билан машғул бўлган катта тарихий асарнинг — «Равзатуссафо»нинг ҳамма тугаган қисмларини боб-бабоб билар эди.

Қари Мирхонд суюкли набираси билан фахрланди; «Алҳамдулилло менга кўмакчи бўлиб қолди. Баъзан, ёзганларимни кўчирар, баъзан кўзим заифлик қилиб, бадхат эски китобларни ўқимоқда мушкилот чексам, менга равон ўқиб беради. Мен тарихга ўз умримни бағишладим. Бу илм мендан сўнг етим қолмас, деб ўйлайман». Навоий ва Мир Мумтоз кекса олимнинг фикрини тасдиқладилар. Мир Мумтоз Хондамирга риёзий[1] илмларда ҳам бир қадар маълумот касб этишнинг зарурлигини уқдирди.

Навоий «Равзатуссафо»нинг қандай аҳволда эканини тарихчидан сўради. Мирхонд ўнг томонида, уйнинг меҳроб шаклидаги тахмонида қалин китоблар устига тахланган жуз-жуз қоғозларни олиб қўйди: «Тўртинчи жилдини тамом қилдик. Уйга элтиб ўқишларини ҳам фикр ва мулоҳазаларини баён қилишларини орзу қиламен». Навоий билан Мир Мумтоз аста варақлаб, жилднинг бобларини қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Навоий уйда ўқиб чиқмоқ учун жуздонга солиб, ёнига олиб қўйди.

---

[1] Математика.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Умр барқ суръати[1] билан ўтмоқда,— деди Мирхонд қайғуриб,—қолган жилдларини битирмоқни тангри насиб этармикан!

— Бизга ваъда этган бу асарни битирмасдан қайға борасиз? Биз этагингиздан тортқилаймиз!— ҳазиллашиб кулиб деди Навоий.

— Бугун кўнглингизни андак ғам босибди,— деди одатдаги шўхлиги билан Мир Мумтоз.— бирор аёқдан[2] чоғир ичилса, кўнгил баҳор осмонидай яна зиёдор бўлур...

— Тўғри,— деди Навоий,— даф савдо учун, юракдаги дард-андуҳ тошини эритмоқ учун озгина май ичиш одатингизни тарк этмангиз.

Мирхонд риндлик шавқ-завқнинг кўнгилга берган тозалиги ҳақида жуда чиройли, мазмунли ва рангдор бир услуб ва дарвешона камтарин оҳанг билан сўзлаб кетди. Навоий тарихчининг чуқур шоирона, соф, хуш табиатини севарди. Айниқса бу табиат унинг кексалик даврида маънавий бойликнинг ёрқин ранглари билан камолотга эришиб, яна дилбар, яна маънодор, гўзал бўлган эди. Аста-секин Султонмурод ва бир неча олим ва шоирлар киришди, суҳбат гуллаб кетди. Олимлар ёза бошлаган ҳар нав фанга, санъатга оид асарлари ҳақида гапирдилар. Мавзуларнинг муҳим нуқталари, турли муҳаррирларнинг назарлари, баъзи чигал жиҳатлар ва ҳоказо ҳақида Навоий билан маслаҳатлашдилар. Ҳар ким ўз асарининг Навоийга мақбул бўлишини истар эди. Султонмурод ҳамма фанларнинг энг муҳим хулосалари тўғрисида «Жомиул улум»[3] номли бир китоб ёзиш орзусида бўлганини айтиб, Навоийни қувонтирди. Шоир замон маданиятининг ёрқин юлдузлари, фикри ижодиётнинг порлоқ булоқлари бўлган бу одамларни яна олий пояларга ташвиқ этди. Ўз кутубхонасининг эшиклари улар учун ҳамиша очиқ эканини яна такрорлади.

Соат бешни урди. Муҳаммад Мирак Наққош ясаган соат Мирхонднинг хонасига яқин, махсус жойга қўйилган эди. Соат кўринишда катта қути бўлиб, унинг ичидаги шакл қўлларидаги таёқчаси билан ноғорани уриб, вақтни мунтазам кўрсатиб турарди. Суҳбатнинг дилбар-

---

[1] Чақмоқдай тез.
[2] Пиёла — қадаҳ.
[3] Илмлар тўплами.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лигидан ҳеч ким унинг барала овозини эшитмади ҳам — ҳатто одатда соат ҳар урган сайин қизиқсиниб қўядиган ёш Хондамир ҳам уни тамом унутган эди. Фақат дарчадан кўриниб турган ва қуёш шуъласида нақшлари ёниб чақнаган минорада муаззин номоздигарга бирдан азон айтиб юборгач, одамлар шошиб-пишиб қўзғалишди...

## УТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Аввалги урушда Ҳисор[1] билан тузилган битим ҳар икки томон учун ҳам муваққат бир нарса эди. Муваффақиятсиз сафардан кўнгли ранжиган Ҳусайн Бойқаро душман томонига ҳамиша қулоқларини диккайтириб турарди. Ҳисорликлар эса эски душманларини бирон кун бўлсин унутмасдан, қиличларини қинга солмаган эдилар. Аксинча, Ҳусайн Бойқародек улуғ, тажрибали деб ном чиқарган ҳукмдорнинг катта қўшин билан келиб, ҳеч иш чиқара олмай, ғурурини сулҳ билан қондиришга мажбур бўлганлиги, уларнинг кўкрагини кўтарган эди. Улар Ҳиротга қарши доимий фитналарини, кирдикорларини тўхтатмадилар.

Орадан уч-тўрт йил ўтгач, 1497 йилда Ҳусайн Бойқаро қўшин билан Ҳисорга юриш қилди. Сафарга Музаффар Мирзо ҳам бошқа шаҳзодалар ўз йигитлари билан қатнашдилар.

Ҳусайн Бойқаро Амударё ёқасига, Термиз рўбарўсига қўнди. Ёрдам учун Бадиуззамон Астрободдан келиб қўшилди. Душман қўшини Султон Масъуд Мирзо[2] қўл остида дарёнинг иккинчи ёқасида, Термизда қўр тўкиб ётар эди. Қиш ва душманнинг сергаклиги орқасида, Ҳусайн Бойқаро фаол ҳаракатлар учун имкон топмай, қишни сув ёқасида ўтказишга мажбур бўлди. Ерда, ҳавода баҳорнинг илк нафаслари сезиларкан, Ҳусайн Бойқаро душманнинг пешонасига зарба бериш фикридан воз кечиб, биқинларидан тешмоққа отланди. Аму дарёнинг шўх тўлқинлари бўйлаб, Қундуз[3] сари, юқорига ҳаракат қилди ҳам беш-олти юз чаққон, иш кўрган йигитларга Амудан ўтишга буюрди.

---

[1] Султон Маҳмуднинг пойтахти.
[2] Султон маҳмуднинг ўғли.
[3] Султон Маҳмудга қарашли бўлган шаҳар ва вилоят.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу гуруҳ душманнинг кўзи бўлмаган жойни танлаб, қарши қирғоққа ўтиб мустаҳкамлангач, Термизда ётган Султон Масъуд бошини йўқотган каби, шошиб қолди. Бекларнинг қистови, кенгашига қулоқ солиш учун унда руҳ қолмаган эди. Сувдан ўтган душман гуруҳини босиш ўрнига шикаст еган қўшиндек бузилиб, орқа-ўнгига қарамай, Ҳисорга қочди. Душманнинг саросимада қолганидан фойдаланиб, Ҳусайн Бойқаро қўшин билан Амудан кечди ва душман кучини бир-биридан айиришга ҳаракат қилиб, Бадиуззамонни баъзи беклар билан бирга Қундузга юборди, ўзи Ҳисор устига юриш қилди ва Ҳисор қўрғонини қамаб тушди.

Ҳусайн Бойқаро Ҳисорга яқинлашаркан, душман хийла саросимада қолиб, баъзи саркардалар бошларини олиб қочган бўлсалар ҳам, лекин қўрғон яхши мустаҳкамланган эди. Ҳусайн Бойқаро қўр тўккан кундан бошлаб қўрғонни олмоқ ҳаракатига тушди. Қўрғон олишнинг тилини билган беклар зўр бериб қалъани текширишга, унинг метинлигини синашга, заиф томонларини пайпаслашга киришдилар. Душманни таслим этдирмоқ учун, қай томонга қарасанг, тоғдай юксалган ҳайбатли, оғир қўрғонни олиш керак эди. Бу чумоли ини эмаски, калтак тиқиш билан ичидаги саноқсиз майда қора лашкар дув этиб тарқалиб кета қолса! Ёш, қари беклар, мутахассислар қўрғоннинг турли жойларини кўзлаб, уни бузиш чораларини кўрдилар.

Тўғонбекнинг руҳида эски, йигитлик даврининг жанговар қони, ҳирси, ёвузлиги алангаланди. У гўё қайтадан яшариб кетди. Жанг илмини гўё она қорнидан ўрганиб тушганлигига ишонган кибрли барлос беклари олдида ажойиб бир иш кўрсатиш, подшоҳнинг ва ўз шаҳзодасининг илтифотини яна кўпроқ қозониш орзуси уни ичдан кемирар, ғайратлантирарди.

Кеча-кундуз тинимсиз иш кетди. Юзларча йигитлар қўрғон тегига катта қозонлар тўнкариб, ичига махсус моддалар тўлдириб, портлатиш йўли билан қалин қўрғоннинг метин танини ўйишга ҳаракат қилдилар. Юзларча йигитлар қўрғоннинг маълум жойларини танлаб, махсус ибтидоий машиналар ёрдами билан тош отмоққа киришдилар. Устидан арава юриши мумкин бўлган қалин девор, бутун бир тоғнинг тоши отилган тақдирда ҳам, қимирламас бир вазиятда эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўрғон мудофиълари ҳам тинч турмас эдилар. Юксакдан, кунгиралар орқасидан улар қалин ўқ учирадилар. Баъзан ўқлар шундай узоққа кетар, бирор одамга ё отга шикаст бериб, махсус оғир ёйлардан узоққа отувчи ботирларни ҳайратга соларди. Бу нарса душманнинг сафида ажойиб йигитлар борлигини исбот этарди. Баъзан мудофиълар қўрғон тагида уймалашган йигитларга тепадан олов ташлаб, қайноқ сув қуяр, кавак ясаш билан банд бўлганларни ичкаридан қўйилган тутун билан бўғар эдилар.

Султон Ҳусайн Бойқаро қўрғоннинг шимол тарафида, узоқда чодир тиккан эди. Унинг, шерандом бўйлик қиличбознинг, бир вақтлар баҳодирона жуссаси жуда заифлашган. У энди отга минолмас, юрганда ҳам каловланарди, шоҳона аравада, «тахти равон»да ҳаракат қиларди. Бу гал ҳам сафарнинг муваффақиятсиз чиқажагини гумон қилиб, ташвиш тортарди. Бекларга кенгаш берар, фидокорликка ташвиқ қилар, гоҳ муваффақиятсизликка ғазабланар, гоҳ ширин сўзлаб, йигитларни умидсизланмасга ундар эди. Баъзан марҳум бекларни ёдлаб, уларнинг баҳодирона ишларини ҳасрат билан ҳикоя қиларди. Шунинг билан баравар, унинг ҳашаматли чодирларида базм, айш-ишрат, бир кун бўлсин, канда бўлмасди.

Қиличбоз йигитларнинг юраклари тошиб, қўллари қичиб, жангни қумсар, бўронли кунларни кутиб сабрсизланардилар. Гоҳ душман уларнинг кўнглини юпантириб қўярди. Кечанинг қуюқ қоронғусида, юзларча баҳодир дарвозадан чиқиб, қора бўрондек босиб келар, сурон тун бағрини ёрар, қисқа, лекин фавқулодда қизғин, омонсиз жанг, ур-йиқ бошланар, бутун лашкар бақириш-чақириш билан оёқланарди. Лекин, кўп ўтмасдан, душман қандай босиб келган бўлса, яна шундай суръат билан азамат дарвозага ўзини уриб, яширинарди.

Тўғонбек усталарга шотулар[1] ясатди. Бир даста ёвқур, чаққон йигитларни саралади. Бир кеча катта жадал билан шотуларни қўрғоннинг турли тарафига бир неча ерга ўрнатди. Қалъага чиқиб, мудофиъларни қириш ва ичкарига киришни буюрди. Йигитлар қилич, найза, ўқ-ёйларини олиб, кўплари совут ҳам кийиб дадиллик билан шотуларга отилдилар. Қўрғон устида ҳаяжонли сурон янгради. Чиққан йигитларнинг аксари

---

[1] Катта нарвонлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

юксакдан тошдай улоқтирилдилар, парчаланиб ерга сингдилар. Туғонбек бу йўлни кундузлари, бутунлай кутилмаган вақтларда, ажойиб чаққонлик билан татбиқ қилди. Илк чиққанлар тепада қиличлашишга улгурардилар, лекин бирдан ёпирилган душманнинг зарбидан парчаланар, қолганлари эса шотудан ағдарилардилар.

Қуршов икки ярим ой давом этди. Бу муддатда қўрғонни олиш учун кўрилмаган тадбир қолмади ҳисоб. Катта жанг бўлмаса ҳам, ҳар икки томон ажойиб фидокорликлар кўрсатди. Икки подшоҳнинг қўл остида бўлган бир халқнинг ўғиллари баҳодирликда бир-бирларидан қолишмадилар.

Ҳусайн Бойқаронинг кўнгли синиқ, ишончсиз эди, Қундузга юборилган Бадиуззамоннинг Хусравшоҳдан[1] калтак еганини эшитиб, сафардан тамом совунди. Қуршалган Ҳисор ҳам жуда қийналган эди. Ҳар икки томон бир-бирининг сиридан воқиф эди. Бундай пайтларда сулҳ фикри гўё ўз-ўзидан ўртага чиқиб қолади. Фақат, Ҳусайн Бойқаро ўртадаги адоватни юмшатиш, ёки ўз муваффақиятсизлигини ниқоблаш ниятида, душман билан қуда бўлмоқни орзу қилди. Икки тарафнинг элчилари учрашиб, яраш-яраш бўлди. Ҳусайн Бойқаро Султон Маҳмуднинг қизини ўғли Ҳайдар Мирзога олиб берди. Тўй-томошадан сўнг Ҳисордан Балхга илдам жўнаб қолди.

Ҳусайн Бойқаро баъзи мулоҳазаларга кўра, Бадиуззамонни Балхда ҳоким қилиб қолдиришга қарор қилди. Унга қарашли бўлган Астрободни эса суюкли ўғли Музаффар Мирзога бермоқни истади. Бу — суюкли хотин Хадичабегимнинг орзуси эди. Бу фикрни вазир Низомулмулк билан кенгашганда, у Хадичабегим олдида ўз обрўсини мустаҳкамламоқ ниятида, жуда маъқул кўрди. Бадиуззамон Балх ҳокимлигига рози бўлди. Лекин Астрободни ўзининг ёш ўғли Мўмин Мирзога бағишланишини тиларди. Бу масала атрофида ивир-шивир гаплар юриб тураркан, Туғонбек Музаффар Мирзога уқдирди: «Ҳисор қўрғонини ололмадик. Аммо сиз букун ўз бахтингизнинг, истиқболингизнинг темир қўрғонини қўлга олинг. Бўш келманг, шаҳзодам!» Музаффар Мирзо ҳам отаси олдида ўз тилагини қатъий сўйлай бошлади.

[1] Султон Маҳмуднинг бош беги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн Бойқаро ҳамма беклар, юксак мансабдорлар, муқарриблар[1] билан бирга катта, тантанали мажлис тузди. Бадиуззамон билан Музаффар Мирзони чорлаб, ўз қарорини билдирди ва ҳар икки шаҳзодани, анъанага мувофиқ, ўзига садоқатда қуллуқ қилдирди. Кейин Музаффар Мирзонинг устига тилладўзи жома[2] ёпди, Бадиуззамон отасининг ҳар бир ҳаракатида адолатсизлик сезди, ўзини хўрланган ҳисоблади.

Ҳусайн Бойқаро Балхда узоқ тўхтамай пойтахтга отланди. Бадиуззамон отани тантана билан кузатиб қўйиб, Астрободга хат ёзди: Астрободга Музаффар Мирзони киргизмасликни, зарур бўлса, қурол билан қаршилик кўрсатишни ёш ўғлига буюрди.

## ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Ҳусайн Бойқаро узоқ сафардан қайтгач, Ҳиротда май, мусиқий билан оққан завқли ҳаёт оғушида, ғазалларда паривашларга бўлган муҳаббатини таранну мэтиб, сокин ва оромбахш кунлар кечирмоқчи эди. Лекин тақдирнинг тақозоси билан бахт юлдузлари булутлар ичига шўнғиди. Бадиуззамон кучлар йиғиб, исёнга отлангани ҳақида хабарлар пайдар-пай кела берди. Бу — кекса ота учун оғир эди. Ҳар қандай ташқи душман унинг ерига босиб кирса, ҳар қандай бек исён кўтарса, у қайғурмас, ёлғиз ғазабланар, ҳам таҳаммул ва сабот билан сафар чораларини кўрар эди. Лекин бу — бош ўғил, валиаҳди. У билан жанг майдонида учрашишни ўйлаганмиди! Мана бу ҳақиқат унинг юрагини заҳарлади. Алишерни чорлади. Воқеани баён қилиб, ундан доно бир кенгаш кутди, Алишер ҳам афсусланди. Бир вақт ёзган хатидаги самимий маслаҳатларини, дўстона аччиғ сўзлар билан кўрсатилган ҳақиқатларни, афсуски, Бадиуззамон қулоққа олмабди. Энди нима қилмоқ керак? Алишер чуқур мулоҳазага кетди. Мана, қаршисидаги киши ўттиз йилга яқин тахтни эгаллаб келади. Шоир ҳам ўттиз йилга яқин у билан, ҳар қандай бўлмасин, ҳамкорлик қилади. Навоий унинг ҳамма заиф жиҳатларини, ҳамма нуқсонларини билади. Ундан ақлсиз ҳаракатлар, макрлар кўп вақт содир бўлди. Ундан ўзи ҳам кўп жабр-ситамлар кўрди. Вақтлар бўлдики ун-

[1] Подшоҳга яқин одамлар.
[2] Олтин билан ишланган тўн.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан нафрат қилди, уни лаънатлади. Аммо у ўттиз йилга яқин давлатни бутун ҳолда сақлаб келади. Бу даврда Хуросон тупроғига кўз тиккан душманлар оз эмасди. Хуросонни юз парчага айириб, беклик, хонлик қилиш орзуси билан ёнган фитначилар букун озми? Шерандом бўйлик подшоҳ букун қариб букилган, от ўйнатиб мардона қилич чопадиган забардаст қўллар энди қалтирайди. Лекин ҳали ҳам ички, ташқи душманлардан давлатни қўриқлашга ҳар вақт тайёр у. Давлат биноси учун, гарчи путурдан кетган бўлса ҳам, ҳозирча энг ишончли устун у эди. Бадиуззамон отани улоқтириб, тахтни эгаллаши мумкин. Лекин у вақтда ўн тўрт шаҳзоданинг камида ўнтаси занжирдан узилган, қутурган итлардек бир-бирларининг устига ташланиб, бўғишиб, бир-бирларининг ҳалқумларини йиртадилар.

Алишер Навоий кўзларига чўккан қайғу билан подшоҳга қаради.

— Бу фалокатнинг олдини олмоқ керакки, унинг даҳшатли чангали мамлакатни қақшатмасин!..— деди Навоий.

— Қандай қилиб?— сўради эзилган Ҳусайн Бойқаро.— Ақлли кенгаш берингиз.

— Ақлли кенгаш шулки,— жавоб берди Навоий,— Бадиуззамон Мирзони ақлга чақирасиз, инсоф ва виждонга даъват қиласиз. Унинг кўнглида меҳру муҳаббат уйғотишга ҳаракат этасиз.— Навоий бир нафас сукут қилиб давом этди:— Ўртада бўлиб ўтган гинапарни бартараф этиб, самимий садоқат, вафо, муҳаббатни барпо қилмоқ керак.

— Демак, сафарга ҳожат йўқ?

— Асло!— жавоб берди Навоий.— Модомики орада ҳақиқат учун кураш йўқ; балки бу ҳаракат хусумат, жаҳолат меваси. Демак, тўкилган ҳар бир томчи қон улуғ жиноятдир!

— Қон тўкмоқ фикри менда ҳам йўқ,— деди куйиниб Ҳусайн Бойқаро.— Аммо ноқобил фарзанд яхши тилакларимизни идрок этмаса?

— Меҳру муҳаббатни идрок этмоқдан ожиз фарзанднинг бўйнига таёқ урмоқ отанинг вазифасидир,— жавоб берди Навоий.

Ҳусайн Бойқаро енгиллангандек қўзғолиб қўйди. Кейин бир оз сукут қилиб, бу вазифани бажаришни На-



www.ziyouz.com kutubxonasi

воийдан сўради. Навоий ҳеч бир иккиланмасдан деди: «Бу савоб ишни барпо қилмоқ учун камина ҳар қандай машаққатдан юз ўгирмас».

Ҳусайн Бойқаро эртага Балхга жўнамоқ учун ҳозирлик кўришни илтимос қилди.

Бадиуззамон фитнасини подшоҳ музокара йўли билан тинч ҳал этишга қарор берганлиги дарҳол ҳамма ёққа тарқалиб, кўп кишиларни қувонтирса ҳам, лекин баъзи аркони давлат ва аъёнларнинг ичлари шув этиб кетди. Булар ота-ўғил орасидаги адоват алангасида исиниб олмоқчи эдилар. Буларнинг тепасида вазир Низомулмулк билан Тўғонбек турар эди. Низомулмулк, гарчи ота-ўғилнинг битишувига жилла қарши бўлмаса-да, бу ишни Навоий ўз зиммасига олиши унинг юрагини чақарди. Унинг мулоҳазасича, агар Навоий воситачилик қилиб, бу муҳим вазифани бажарса, у вақт подшоҳ қошида шоирнинг мавқеи мустаҳкамланиши мумкин бўлиб қолар эди.

Тўғонбек бошқа мулоҳазалардан бунга қарши эди. У Музаффар Мирзо билан Астрободга жўнаб, у ерда ўзининг кўпдан буён ўйлаб юрган режаларини амалга оширмоқчи бўларди. Бадиуззамон Мирзо исёни эрта-кеч Музаффар Мирзони ҳам оёқлантирар, юртда бошбошдоқлик кучаяр, ички урушларнинг бўронида қари Ҳусайн Бойқаро, чирик дарахтдек, қулаб ҳам кетар, ана у вақт Музаффар Мирзони у ўз қўли билан тахтга ўтқазиб, давлат кемасини истаган томонга ўзи юргизар!

Навоий Ҳиротдан жўнаб кетган куни, оқшом Тўғонбек Низомулмулкнинг уйига борди. Уни вазирнинг ўғиллари — Камолиддин Ҳусайн ва Амидалмулк қарши олиб, эъзоз-икром билан гўзал бир хонага, кимхоб кўрпачалар устига ўтқазишди. Камолиддин Ҳусайн ўқимишли, ғоят нозик табиатли, ширин сўз, назокат ва таъзимни жуда жойига тушурадиган йигит эди. Амидалмулк бу бобларда акасидан бир қадар орқада бўлса-да, лекин унинг бошқа бир афзаллиги бор эди. У ҳарбий ишларга мароқли эди. Гарчи жанг майдонини узоқдан томоша қилган эса ҳам, ўзини майдон эрларидан ҳисобларди.

Тўғонбек бундай олифталарни жилла ёқтирмаганидан, қисила бошлади. Камолиддин Ҳусайн найдай ёқимли товуш билан ундан-бундан сўзлай бошлади. У, чиндан ҳам, арзимаган бир воқеани нозик ҳаракат би-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лан шундай ҳикоя қилардики, Туғонбек бир оздан сўнг беихтиёр равишда берилиб қулоқ солди. Ака назокат билан сукут қилгач, укаси жанг санъати ҳақида Туғонбекни гапга солмоққа интилди. Чордона қуриб, оғирлигидан пишиллаган Туғонбек бу тўғрида ҳаммага маълум бўлган баъзи нарсаларни тўнғиллаб гапирди. Сабрсизланиб, гоҳ эшикка, гоҳ даричадан катта боққа қараб қўяркан, Низомулмулк салмоқли қадам ташлаб кириб келди, меҳмон билан кўришди-да, худди левондагидек улуғвор вазиятда ўтирди. Туғонбек вазирнинг ўғиллари олдида гаплашишдан ийманиб турган эди, вазир пайқади шекилли, хотиржам бўлинг, дегандек ўзи гап очди.

— Букун Навоий жанобларини Балхга узатдик,— деди у қалин соқолини силаб.

— Юмушларини муваффақият билан бажарсинлар,— деди истеҳзо билан илжайиб Туғонбек.— У киши минг бир далил келтириб, ўз фикрларини шаҳзодага уқдиришларига шак қилмаймиз.

— Алишер Навоий,— деди Низомулмулк зар тўнига оро бериб,— Бадиуззамон Мирзога ота каби яқин. У, албатта, ўз сўзини ўтказади.

Туғонбек бир оз ўйланиб, даккам-дуккам соқолини чимтиб, кичик, ўткир, макрли кўзлари билан ҳаммага бир-бир тикилиб, кейин секингина деди:

— Аслида Балхга туққан отанинг ўзлари бормоқлари керак эди... Шунда балки дуруст ишлар бўлар эди.

Низомулмулкнинг ва ўғилларининг юзларини айёр табассум қоплади. Бир нафас чўккан сукутни Камолиддин Ҳусайн найдай майин товуши билан бузди. У ҳам Туғонбекнинг фикрини қувватлади. Лекин сўзга ортиқча бўёқлар бериб, ҳатто қандайдир номаълум шоирларнинг байтларидан қўшиб гапиргани учун, Туғонбекка ёқмади. Ҳўмрайиб, бошини қуйи солди. Умуман бу одамларнинг сўзда, ҳаракатда, муомалада ортиқча такаллуфот ва назокатга риоя қилишлари уни асабийлантирганди. Аммо Низомулмулк мақсадни анча равшанлаштириб гапирди. Фақат у Навоийнинг вазифасини қайси йўл билан бузиш кераклиги тўғрисида ҳеч нарса демади. Туғонбек ҳам яхши ўйламасдан, бирон таклифни ўртага қўйишга ботинмади. Олифта ака-укаларнинг кўрсатган йўл-йўриқлари бир-биридан бемаъни эди. Ниҳоят, Низомулмулк, бу муаммони чуқур мулоҳа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

за қилиб, баъзи аъёнларнинг маслаҳати билан чора кўришга, ҳар ҳолда подшоҳни қўлга олишга ишонтирди. Туғонбек тафсилотни суруштиришни кераксиз топиб, ўрнидан қўзғаларкан, вазир унга Музаффар Мирзо ва Хадичабегимга таъсир қилишни уқдирди. Туғонбек бошини қимирлатиб:

— Бу томонни бизга юклашингиз мумкин...— деди.

## УТТИЗ ТУРТИНЧИ БОБ

### I

Қуёш уфққа ошиқарди. Узоқда, адирларнинг, сойларнинг бағрида кўлкалар тентирарди. Катта карвон йўли бўйлаб чўзилган экинзорларда шамол яшил тўлқинлар ясарди. Навоий ҳамроҳ навкарлари билан Балхга яқин сўнгги работдан чиқиб, бир неча кунлик йўлни босиб чарчаган отни зўрламай аста борарди. Бутун гавдасида ҳорғинлик сезар, бошида эса турли хаёллар, фикрлар ўйнарди. Содиқ ҳамроҳларига гоҳо ғайри шуурий равишда бирон сўз деб қўяр, ёки бирон нарсага ишорат қилар, яна жим бўларди. Мана узоқда Балхнинг эски қўрғони кўзга чалинди. Отлар манзилнинг яқинлигини сезган каби, пишқириб, қамчинсиз ҳам қадамларни тезлатдилар. Бир тўп қалин дарахтлар орқасидан чанг кўтарилди. Ҳаял ўтмай йўлчилар Бадиуззамон бошлиқ истиқболга чиққан оломон билан учрашдилар. Булар ичида шаҳзоданинг хос йигитлари, яқинлари, ҳамсуҳбатлари, Балхнинг бир неча олдинги одамлари, халқ намояндалари бор эди. Бадиуззамон отдан таппа тушиб, Навоийга таъзим қилди ва адаб билан кўришди. Шоирнинг сиҳати, сафар машаққати тўғрисида дилдорлик қилди. Бошқалар ҳам тартиб ва такаллуф билан бирин-бирин келиб, шоирнинг қўлини сиқдилар.

Навоий ҳам Бадиуззамоннинг кайфи, соғлиғи ҳақида сўради. Кейин зийнатли, чиройли отга минган Бадиуззамон билан ёнма-ён юриб, Балхга кирди. Шаҳарда ҳар ерда халқ уни қувонч ва ҳаяжон билан табриклади.

Бу кеча Бадиуззамон шоир шарафига катта зиёфат берди. Турли овқатлар сузилган ҳамма идиш-оёқлар, қадаҳлар, кўзачалар олтин ва кумушдан эди. Меҳмон кутиш, мажлис тузишда донг чиқарган Бадиуззамон суҳбат, ўйин-кулги, мусиқий каби кўнгил очишларда



www.ziyouz.com kutubxonasi

тартибга, завққа, ингичкаликка букун алоҳида эътибор берди. Навоийнинг келиш сабаби шаҳзодага маълум бўлганидан, бу тўғрида икковлари ҳам бу кеча оғиз очмадилар. Чарчаган қари шоир мажлиснинг тезроқ тугатишини кутди.

Иккинчи кун, нонуштадан кейин холи уйда сўзлашдилар. Бадиуззамон Навоийни ҳурмат қилар эди, у билан суҳбатлашишдан завқланарди. Айниқса ёшлик йилларида Навоий унинг мураббийи ва муаллими каби эди. Бадиуззамон Темур сулоласига мансуб бир кўп шоҳлар, шаҳзодалар каби шеърдан завқланар, ўзи ҳам гоҳо-гоҳо бирор нарса ёзиб қўярди. Навоий шеърларини эса бир қариш ёшидан севиб ўқирди.

Шоир мамлакатнинг вазиятини муфассал тушунтириб, ўртадаги ҳар қандай хусумат, адоват, фитналарни йўқотмоқ учун атайлаб келганини сўзлади, фикрини тарихнинг чексиз ҳодисаларидан келтирилган мисоллари билан қувватлади. Шаҳзоданинг ақлига, виждонига таъсир қилишга тиришди. Унинг кўнглига қаттиқ тегадиган сўзларни ҳам очиқ айтишдан, уни қизартириб, бўзартиришдан тоймади.

— Мен бутун умр орзу қилган ҳукмдорни, у баркамол инсонни,— деди Навоий,— афсуски, ҳаётда кўролмадим, ёлғиз хаёлимда яратдим. Сиз танийсиз, биласиз уни, агар унутган бўлсангиз, «Искандарнома»ни яна бир карра ўқинг, ҳукмдор у, барча фазилатларнинг кони у... Сизларда унинг сояси ҳам йўқ. Сизлар унинг навкарига ҳам арзимайсизлар.

Бадиуззамон чиройли бошини қуйи солиб, қора, қийғоч кўзларини яширишга тиришди. Кейин кўнглида дард чайқалгандек, уҳ тортди. Отасининг унга нисбатан адолатсизлигидан шикоятланди. Ниҳоят, деди:

— Сиз каби азиз, улуғ устоднинг илтимосини қабул этмаслик улуғ гуноҳдир. Зоти олингизга бўлган муҳаббатим юзасидан сўзларингизни қабул қиламен ва подшоҳ отамни инсофга, адолатга даъват этмоғингизни сўраймен.

Навоий хурсанд бўлди. Шаҳзодага яхши тилаклар тилади. Вилоятнинг ишлари ҳақида маълумот олди, ўрганди. Кейин қадрдонлари билан кўришмоқ ниятида аста-аста юриб чиқиб кетди.

Уч-тўрт кундан сўнг шоир бир мажлисдан қайтиб келгач, мулозимлар уни Бадиуззамон йўқлаганини бил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

диришди. Шаҳзода ўтирган хонага киргач, уни жуда ғамгин ва ҳурпайган ҳолда кўрди. Таажжубланиб сўради.

— Не юмуш билан мени тиладингиз?

Бадиуззамон жавоб бермади. Кўрпачанинг остидан бир қоғоз чиқариб, ёйиб узатди. Навоий хатга кўз югуртиш билан ғазабдан, саросимадан қалтираб кетди. Балх қалъаси бекига ёзилган Ҳусайн Бойқаро хатининг мазмуни шундай эди: Бадиуззамон Мирзо шаҳардан ташқари чиқса, қайтганда шаҳарга киришга йўл қўйилмасин, тезда ҳибс этилсин!— Навоий қалбаки хат бўлмасин, деган андишада муҳрга диққат билан тикилди, шубҳаси қолмади.

— Мана отамизнинг муҳаббати, садоқати!— деди ўз-ўзига сўзлагандай Бадиуззамон.— Агар навкарларим нонкўрлик қилиб, бу мактубни мендан яширсалар эди, эҳтимол, мен ҳозир зиндонда ўтирган бўлар эдим! Йўқ, тангрига шукур, мунофиқлик фош этилди!

Навоий хатни Мирзонинг олдига ташлади. Ҳеч нарса демади. У Баддиуззамон, қошида чиндан ҳам ғалати бир вазиятда қолган эди. Бу разил ҳаракати учун ичида Ҳусайн Бойқарони, атрофидаги бутун фитначиларни қаттиқ лаънатлади.

— Ҳайҳот!— деди Навоий ўрнидан қўзғалиб.— Ҳокимларда ақл виждон нишонаси қолмабди. Макрнинг, мунофиқликнинг деви ҳамма фазилатларини ўз комига тортибди. На сўзларида маъно бор, на ишларида ҳаё бор! Бундан даҳшатли, бундан алам-ангиз бадбахтлик асло бўлмас!

Бадиуззамон бошини кўтарди, шоирнинг бутун сиймоси учқунланган алам ва ғазаб билан нафас оларди. Шаҳзода унинг юрагининг софлиги, мақсадларининг олийлигига ишонганини сўзлади. Аммо унга бўлган бутун муҳаббатига қарамай, энди сулҳ тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмаслигини қатъий билдирди.

— Бутун тарих олдида, бутун олам олдида шармандаликни, разолатни бўйнингизга олиб, ота-бола майдонда бўғишинглар!— деди Навоий қайғудан ёнган овоз билан.— Шахсий хусумат, адоват ва тама учун бу муборак ватаннинг тупроқларини қонга беланглар! Сизлар учун бу — йигитлик, мардоналик, рустамона қаҳрамонлик! Халқнинг ноҳақ тўкилган ҳар томчи қони учун тарих қошида юзларингиз абадиян қора бўлур!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Вақт ғанимат, бутун ёмонликларни намоён этмоққа ошиқинглар!

Навоий ғазабнинг кучи билан кескин юриб чиқиб, сафарга отланишни ҳамроҳларига буюрди.

II

Бадиуззамон бекларини, иш билармон йигитларини йиғиб, жангга ҳозирланиш тўғрисида кенгаш қурди. Лашкар тўплаш, қурол-аслаҳаларни кўпайтириш, Султон Ҳусайн кучлари билан қай мавзуда учрашиш ва ҳоказо масалалар аниқланди. Бундан сўнг кеча-кундуз жаҳду-жадал билан тайёрлик ишлари бошланиб кетди. Бадиуззамон уруш ишларида тажрибасиз бўлганидан, шошиб қолган эди. Унинг илтимоси билан Зулнун Арғунбек ва унинг ўғли Шоҳ Шужобек Қандаҳордан етиб келиб, ишни ўз қўлларига олдилар. Зулнун Арғун умрида кўп жанглар кўрган, ёши улуғлигига қарамай, баҳодирона сиймони сақлаган, содда, дағал, ўз сўзлик бир чол эди. Унинг сўзларида, қилмишларида қандайдир телбаликка ўхшаган бир сифат сезиларди. Лекин бу хусусият, худди гўзалнинг кокилидай, унга ярашиб турарди. Шоҳ Шужо эса ботирлик руҳининг камолга етган бир палласида эди. У бир қариш ёшидан бошлаб, гўё томошага эргашгандек, отасининг кетидан жангларга эргашган, отсуриб қиличлашган, жанг ҳавосида суяги қотган эди.

Тайёрлик ишлари ҳали кўнгилдагидек саранжом топмаган бир пайтда, Ҳусайн Бойқаронинг ошиғичлик билан сафарга чиққани эшитилди. Бадиуззамон ўз кучларини нари-бери тартибга солди, ўзи учун жангда қулайлик берадиган «Танг дара»га келиб қўр тўкди. Атрофга кучли қоровуллар қўйилди. Душман кучларини ўрганмоқ учун махфий равишда одамлар юборилди. Душманнинг олдинги қисмлари, йўлни чап бериб, ногаҳони равишда босмаслиги учун, тунларни сергаклик билан ўтказа бошладилар. Бир оқшом уфқда Ҳусайн лашкарларининг гулханлари кўзга чалинди. Бу кеча лашкаргоҳда иш қайнади. Муҳим жойларга юзларча бўш араваларни қалаштириб, йўғон занжирлар билан бир-бирига боғладилар. Бунинг панасида пиёда мерганлар ўқ узишлари керак эди. Йигитлар от жабдуқларини кўздан кечириб, аслаҳаларини шайлай бошладилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тонг отганда аскарлар отланиб, совутларини, дубулғаларини кийган ҳолда «биронғар», «жиронғар»га бўлиниб амр кутардилар.

Бадиуззамон Зулнун Арғунбек билан тепага чиқиб, душман томонни мушоҳида қилди. Ҳусайн Бойқаро асло кутилмаган миқдорда катта лашкар билан келган! Узоқда Муборзиддин Валибекни, Ислим барлосни ва ҳоказо таниш саркардаларни, гарчи афтларини таниб бўлмаса ҳам, уларга хос баъзи аломатларидан пайқадилар. Бадиуззамон бир зумда бўшашиб, бўзариб, кетди. Нима қиламиз, дегандек Зулнун Арғунга эгилди. Қари соҳибқироннинг юзи аввалгидек қаттиқ, қаҳрли, ўшшайган, ташвишсиз эди.

— Не қилар эдингиз!— деди чўнг товуш билан,— қуруққа қочгандан кўра, кучли ёв билан олишиб, зарб еган яхши. Урилмоқ ҳам фойда: пишиқ бўласиз, тажриба ҳосил қиласиз...

Бадиуззамон индамади. Ёлғиз ўзи яна юқори чиқди. Душман отлиқлари икки гуруҳга бўлиниб, олдинга силжимоқда эди. Хос йигитлар билан қуршалган ҳолда лашкарнинг ўрта қисмида келаётган отага ҳам кўзи тушди. Ҳусайн Бойқаронинг қалпоғига қадалган жиғанинг олтин банди эрталабки қуёшда ингичка оловдек ёнар эди. Шаҳзоданинг кўнгли бузилди. Йиғлагуси келди. Лекин пушаймон вақти эмас эди. Югуриб пастга тушди. Навкарлар тутиб турган отига минди. Унинг ишораси билан Шоҳ Шужобек олдинги қисмларни бошлаб кетди. Кўп ўтмасдан, бўрон ҳайқириғи билан душманнинг олдинги қисмлари отилди. Чанг-тўзон орасида жанг қайнади. Ўғлига ёрдам учун қари Зулнун Арғунбек ўнг ёқдан душман устига ёприлди. Душманнинг бир қисми тўғри аравалар устига отилди. Лекин мерганларнинг ўқларига тоб бермай, тўлқин орқага ағдарилди. Йигитларнинг бир қисми отдан тушиб, даста-даста яширениб, яқинлашиб, арава орқасидагиларни ўқ билан қулатмоққа бошларкан, иккинчи катта қисми узоқдан қуршаб тушишни кўзлаб ҳаракат қилди.

Шоҳ Шужобек ва Зулнун Арғунбек сонсиз-саноқсиз душманнинг босимини тўхтатолмай, орқага силжиб, яна пайт пойлаб илгари отилар эдилар. Лекин уларнинг йигитларининг оз қисмигина уларга эргашар, кўплари эса бузилиб, тартибсиз қочишга бошлагандилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бадиуззамон мағлуб бўлганлигига иқрор бўлса ҳам, орқага чекилиб, яна мудофаа чоралари кўрди. Кичик дасталар билан чекила-чекила, душманга зарба бераётган Шоҳ Шужобек ва кекса баҳодир унга далда берар эди. Лекин борган сари душманнинг босими, даҳшати кучайди. Ҳусайн Бойқаро йигитлари гўё энг ашаддий душман билан олишаётгандай, омонсиз қирғин солар эдилар.

Бадиуззамоннинг олдинга юборилган хос йигитлари югуриб келиб уни қуршашди: «Шу онда қочмоқ керак, душман сизни асир олмоқ фикрига тушди». Бадиуззамон атрофга разм солиб, уларнинг фикрини тасдиқлади. Зулнун Арғун ва Шоҳ Шужобекка йигитлар юбориб, ўзларингизни қутқаришга ҳаракат қилинглар, деб фармон берди. Кейин бир даста йигитни бирга олиб, отни шамолдай суриб қочди. Тоғлиқлар орасига киргач, таҳликадан қутулганига ишонди-да, қаттиқ ҳаллослаган отни тўхтатди. Ўзи базўр нафас олар эди. Орқароқда тоғларни гумбурлатиб келаётган йигитларини кутди. Йигитлар етиб, ҳансираб дедилар: «Абдулмуҳсин Мирзо[1] қувиб келмоқда, илдам жўнайлик». Бадиуззамон чурқ этмасдан, отга шиғаб қамчин урди. Борган сари ёмонлашган, ўнқур-чўнқурлар, катта тошлар билан банд йўл, ниҳоят, азамат қоялар ичида битди. Отларда юриш мумкин эмасди. Отларни ташлаб, йўл билувчи йигитлар тоққа тирмашдилар. Азоб-уқубат билан жонларини ҳовучлаб, баландга чиқдилар. Лекин чиқишдан кўра, тоғ орқасига тушиш имконсиз туюлди. Ҳорғин, руҳсиз Бадиуззамон нима қилишини билмай гаранг эди. Йигитлар салла ва белбоғларни бир-бирига улаб арқон ясадилар. Бунга осилиб бир-бирларига кўмаклашиб қирилган, ёрилган ҳолда пастга тушдилар. Бадиуззамон тоғ остида дам олиб бирон маскан ахтариб, «Қундуз» вилояти сари аста йўл бошлади.

## ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

### I

Қуюқ дарахтзорлари, гулзорлари қуёшнинг қизғин нурларида чўмилган катта боғда ёш шаҳзода Мўмин

---

[1] Ҳусайн Бойқаронинг ўғилларидан бири.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирзо ёйдан ўқни узар, баланд дарахтлар учидан оширганига суюниб, ўйнаб юрарди. Отаси Бадиуззамон Балхга кетаркан, ўз ўрнини, Астробод ҳокимлигини, вақтинча унга топширган эди. Лекин ўн икки-ўн уч яшар бола, табиий, бу вазифадан узоқ эди. У муаллимда сабоқ олгандан кейин, отда кезар, ўқ-ёй отар, йигитларнинг катта майдонда ҳарбий машқларини худди ўйиндек жуда қизиқсиниб томоша қилар, ўзи ҳам ўрганишга тиришар эди. Вилоятни идора қилувчи мансабдорлар кўп. Улар гоҳо расмият учун у-бу иш тўғрисида сўзлашиб, унинг райини олмоқни истар эдилар. Аммо Мўмин Мирзо ўзи нима учундир муҳим деб ўйлаган масалаларда катталарга сира бўш келмасди. Узоқ суруштирар, гоҳо фикр беришдан илгари, онаси билан кенгашиб чиқарди.

Ёйдан ўқ уза-уза, кўп югуриб, боғдан ҳорғин чиқаркан, Бахлдан келган чопар уни кутганини хабар беришди.

Мўмин Мирзо аввал чопарнинг ҳансираган гўзал отини томоша қилиб, кейин чопар билан сўзлашди. Чопар қўлтиғидан хат чиқариб, таъзим билан болага тақдим этди. Мўмин Мирзо ўқ-ёйни хизматкорга бериб, хатни ўқиди. Бирдан юзи жиддийлашди. Ўйноқ, ташвишсиз кўзларига катталарникидек фикр чўкди. Отаси унга мушкул вазифани юклаган: Астрободни амакиси Музаффар Мирзога топширмаслик, агар керак бўлса, қурол билан қаршилик кўрсатишни буюрган. У хатни ўз отабекларига[1] ўқиб берди. Улуғлар вазиятнинг жиддийлиги, вазифанинг бола учун мушкуллигини билиб иккиланиб сўрадилар: «Бу хусусда ўзингиз нима ўйлайсиз?» Мўмин Мирзо узил-кесил жавоб берди: «Азиз падаримнинг фармонини бажарурмен!»

Шу кундан бошлаб бола ўйинларни йиғиштирди. Амакиси билан бўладиган ҳангамани ўйлаб, кечалари уйқуси ўчди.

Унинг ёнида обрўли, иш билар беклар йўқ. Йигитларнинг кўпини Бадиуззамон Балхга олиб кетган. Мўмин Мирзо ғайрати орқасида атиги икки-уч юз йигит тўплай олди. Бу кучини ҳам ҳар эҳтимолга қарши йиғди. Чунки Музаффар Мирзонинг қўшин билан келиб уруш қилишига унчалик ишонмас, масала музокара йўли билан ҳал қилинар, деб ўйларди. Орадан анча

---

[1] Мураббийлари, кенгашчилари маъносида.



www.ziyouz.com kutubxonasi

вақт ўтди. Музаффар Мирзодан дарак йўқ. Бола аста-аста ташвишдан қутулиб, суюкли кундалик ўйинлари билан машғул бўлабошлаганда, бирдан Музаффар Мирзонинг Муҳаммад Бурундуқ барлос ва Туғонбек билан лашкар тортиб келаётгани маълум бўлди. Лекин бола саросимага тушмади. Аксинча, оқибатдан чўчиган катталарга далда берди. Совуқ қонлилик билан тайёрлик кўрди. Кейин йигитларни тўплаб, отасининг фармонини бажаришга қарор берганини сўзлади ва отланишга буюрди. Ўзи ҳам жажман, ўткир қиличини, ханжарини, кичик, лекин ростакам ўқёйини тақиб олди. Навкарлар ўйноқлаган туркман отини келтиришди, бола уларнинг сал ёрдами билан отга минди. Овга ёки дала саёҳати учун кетаётгандай шаҳардан чиқди. Тажрибали жангчиларнинг маслаҳати билан, душманга дуч келиш учун керакли жойга тушди. Эртасиёқ қаршисига, уч-тўрт чақирим нарига, Музаффар Мирзо қўр тўкди, ҳам йигитларини дарров тартибга сола бошлади. Бу нарса унинг ниятидан хабар берарди. Мўмин Мирзонинг қисмлари орасида садоқатли, уруш кўрган йигитлар бор эди. Уларнинг ёрдами билан бола ҳам ўз кучларини уруш тартибига сола бошлади. Шу вақтда Музаффар Мирзо тарафидан элчилар келди, ҳеч қандай муқовимат кўрсатмасдан, шаҳарни таслим этишни таклиф қилишди.

— Бориб айтингларки,— элчиларга деди Мўмин Мирзо дадил,— мен ўз оғам билан жанг қилмоқни асло истамайман. Бу уят нарса. Лекин то отамдан рухсат келмагунча, шаҳарни топширишга ҳаққим йўқ.

Элчилар жўнаб кетди. Мўмин Мирзонинг ақли, ўзини тута билиши йигитларни шавқлантирган эди. Улар энди: «Музаффар Мирзонинг таклифини асло қабул этманг. Унда номус деган нарса йўқ экан. Бўлмаса, сизнинг устингизга шунча лашкар тортармиди? Унинг ўзи келиб, сиз билан кўришмоғи, кенгашмоғи лозим эди» дер эдилар. Кичкина саркарда сўлиғини чайнаб ўйноқлаган туркман отининг устида ўтириб, жанг тўғрисида, гўё пойга, ёки чавгон ўйини ҳақида гаплашгандек, қизиқиб, табассум билан бемалол сўзлашарди.

Ўнг ёқда, тепалар орқасидан Музаффар Мирзонинг отлиқлари чанг кўтариб пайдо бўлди. Улар ўқ отими қадар яқинлашгач, Мўмин Мирзонинг йигитлари шиғаб ўқ уза бошладилар. Душманнинг иккинчи гуруҳи нақ рўпарадан, ўртани ёрмоқ учун, от солди. Ҳаял ўтмай



www.ziyouz.com kutubxonasi

кенг далада қизғин жанг бошланди. Ўнг ёқда ҳар икки томоннинг йигитлари аралашиб кетган эди. Одамлар йиқилган, отлар қочган, тўс-тўполон, сурон. Ўрта қисмга ҳужум қилган душман дасталари, Мўмин Мирзонинг йигитлари катта ғайрат кўрсатишларига қарамай, сон жиҳатидан кўп бўлганлари учун, бостириб келишни давом этдирдилар. Ёш шаҳзода сабрига чидамасдан, туркман отини уриб, қуёшда оқ оловдай ёнган қиличини суғуриб, олдинга интилди. Унинг атрофидаги йигитлар ҳар ёқдан от ўйнатиб, Мирзонинг йўлини тўсдилар. Қадрдон бир навкари ажойиб чаққонлик билан унинг отининг жиловидан тутди ва ранги қум ўчиб ёлворди: «Шаҳзодам, зинҳор жангга кирманг, мен бошимни берай, сиз кирманг урушга!» Мўмин Мирзо ҳўмрайиб, ингичка, бор товуши билан қичқирди: «Қўйиб юбор мени! Бошқалар қирғинга кирганда, биз томошабин бўлиб турамизми?» Отга қамчин урди у. Кучли от сакраб, олдинга қараб учди. Бола жанг қайноғига кирди. Уни қўриқлаган йигитлар бўрондай қўзғалиб, унинг орқасидан югурдилар. Жангда улар душман билан қиличлашаркан, айни вақтда Мўмин Мирзони қўриқлашга, унинг устига отилиб, асир олмоқчи бўлганларни тўзғитишга зўр фидокорлик кўрсатар эдилар.

Мўмин Мирзо қайноқ отда душманнинг тўдаларига ўзини уриб, нозик қўллари билан қилич солар, яна ғазабли кўзларини атрофга тикиб, ўз йигитларининг аҳволини билмоққа, уларга далда бермоққа ҳаракат қиларди. Ўнг ёқдаги йигитлари анча чекилиб, узоқлашган, тўзмоққа бошлаган эдилар. Мўмин Мирзо иш кўрган уч-тўрт баҳодири билан отини ўша ёққа бурди. Чанг-тўзондан чиқиб отни саваб учаркан, қандайдир, душманнинг қалин тўдаси уларни ёқалади. Мўмин Мирзо йўлни чап бериб ўтмоққа интиларкан, орқадан кимдир унинг енгил гавдасини эгардан узиб олиб, тиззасига чалқанча ётқизди-да, қарши томонга шамолдай учди. Мўмин Мирзо бор кучи билан астойдил типирчиланди. Лекин темир чангалдан қутулиш имконсиз эди. Мўмин Мирзо бир интилиб, бошини сал кўтаргач, кўзлари Туғонбекнинг қаҳрли юзига тушди ва бўғилиб қичқирди: «Ҳа, ит!»

Мўмин Мирзонинг икки баҳодири Туғонбекни қувиб, унинг олдига тушишга улгурдилар, ҳар икки ёқдан қилич билан ҳамла қилишга бошлаганларида, уларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

устига ўнлаб душман йигитлари отилди. Улар кўп душман билан фидокорона қиличлашиб, икковлари ҳам парчаланиб, тупроққа қоришдилар.

Астробод йигитлари Мўмин Мирзонинг асир тушганидан огоҳ бўлгач, аламдан яна қаттиғроқ урушдилар Кўплари қирилди. Қолганларини кучли душман кенг далага тўздириб юборди. Лекин улар ажойиб мард болага ачиниб, ҳўнг-ҳўнг йиғлашар, яна даста-даста бирикишар, ҳаётдан`ўлимни афзал билиб, душманга қайта-қайта отилар эдилар...

Туғонбек ёш асирни тўппа-тўғри Музаффар Мирзо қошига келтириб, ғурур билан топширди. Салқин дарахтзорда, гилам устида гердайиб ўтирган сип-силлиқ Музаффар Мирзога чанг-тўзон билан қопланган асир қовоқларини солиб, дадил қаради. Музаффар Мирзо кинояли табассум билан сўради:

— Оқибат не бўлди?

— Айб сизда. Мен ёлғиз фармонга бўйсундим,— жавоб берди Мўмин Мирзо чанқовдан қуриган лаблари билан.— Агар сиз бир оз бардош қилсангиз эди, мен отам билан, ёки бобом подшоҳ ҳазратлари билан хабарлашиб, шаҳарни топширар эдим.

— Бошқа йўл ҳам бор эди,— деди Музаффар Мирзо худди гўдаклар билан ҳазиллашган бир тур билан,— агар сен қилич-садоғингни бўйнингга осиб, қошимга ўзинг келсанг эди, у чоғ мендан марҳамат кўрар эдинг.

— Мен — улуғ Темурнинг набираси!— деди бола аччиғланиб.— Қилич-садоқни бўйинга осиб, душманга тиз чўкмоқ, улуғ бобомнинг руҳига зўр ҳақорат бўлур эди.

— Кимга айтасан бу гапни?

— Сизга! Агар сиз эмас, Рустам келса, Чингиз келса ҳам шу сўзни айтар эдим!— деди-да Мўмин Мирзо аламдан, ўкинчдан титраб, ерга қаради.

Атрофни қуршаган навкарларнинг кўзларида ёш, шаҳзодага самимий ачиниш ва муҳаббат ёнди. Кўплари бир-бирларига маънодор боқиб, бошларини аста чайқаб қўйдилар. Музаффар Мирзо хижолат тортиб, ўрнидан турди-да, Туғонбекни имлаб, узоқлашди. Қари, тажрибали жангчи, ов ва қуш бандаси Муҳаммад Бурундуқ барлос ёш, мард, олижаноб асирга яқин келиб, севги ва ҳурмат билан унинг бошини силади: «Чин сўзни айтди-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нгиз, шаҳзодам! Улғайиб, зўр қўшинларга сардор бўлурсиз, шаҳзодам!»— деди ҳам йигитларга шаҳзода учун таом ва шарбат келтиришни буюрди.

Оқшом Музаффар Мирзо тантана билан шаҳарга кирди. Мўмин Мирзони қамаб, қочирмасинлар деган андиша билан кучли посбонлар қўйди. Чунки ёш боланинг баҳодирлиги, ақли ҳаммага тарқалган, ҳамманинг юрагида унга чуқур муҳаббат уйғотган эди.

Ғалаба муносабати билан Музаффар Мирзо катта зиёфат тузди. Беҳад кўп май ичдилар, ўйин-кулги қилдилар. Иш кўрсатган йигитларга қимматбаҳо саруполар ва ўзга инъомлар берилди.

Бир қанча кундан сўнг Балхдан хабар келди — Ҳусайн Бойқаро ўз ўғли Бадиуззамонга қаттиқ шикаст берганлиги билинди. Одамлар орасида энг кўп достон бўлган воқеа, Бадиуззамоннинг енгилиши эмас, балки Балхда Бадиуззамон енгилган куннинг нақ эртаси Астрободда унинг ўғли Мўмин Мирзонинг енгилиб асир тушиши бўлди. Бу хабардан Музаффар жуда қувонди. Отасини ғалаба билан табриклаб чопар юборди.

Тўғонбек бир ойдан сўнг, Музаффар Мирзонинг илтимосига, баъзи ишларни бажариш учун, подшоҳ қошига жўнади. Ҳусайн Бойқаро бу вақтда Мурғоб ёқасида ётарди. Тўғонбек қароргоҳга келган куниёқ, Низомулмулкнинг ёрдами билан, подшоҳ томонидан ҳашаматли ипак чодирда қабул этилди. Тўғонбек Музаффар Мирзонинг саломини билдириб, унинг баъзи илтимосларини, масалан, Астробод вилоятидан тушадиган даромадларни кўпайтириш ва ҳоказони гапирди. Ҳусайн Бойқаро суюкли ўғилнинг ҳамма орзуларини бажаражагини сўйлади. Кейин, Музаффар Мирзога кўрсатган хизматлари учун Тўғонбекни табриклади. Унга расмий беклик унвони, Ҳирот вилоятидан катта ер беришни ваъда қилди. Тўғонбек унинг ёнидан фавқулодда гердайиб чиқди.

Оқшом подшоҳ зиёфат тузди. Таклиф этилганлар орасида Тўғонбек ҳам бор эди. У зиёфатда энг фахрли ўринлардан бирини ишғол этди. «Боғ жаҳон оро»нинг саройларидек катта, кенг ипак чодирда шўх, шод базм бўлди. Ғоз, қирғовул, бедана кабоблари билан жуда кўп май ичилди. Рақслар, қизиқчиликлар, ҳар нав кутилмаган ҳангамалар... Ҳусайн Бойқаро қаттиқ маст бўлган вақт алла-паллада базм тарқалди. Тўғонбек Низомулмулк ва унинг ўғиллари билан бирга ташқари чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир-бирига яқин қурилган ва атрофида ясовуллар айланиб юрган ипак чодирлардан теваракка шамларнинг нури хира акс этарди. Одамлар тезгина ўз масканларига кириб ғойиб бўлдилар. Низомулмулк, ичмагандай, тетик эди. Тўғонбек кўп ичса ҳам, одатича, эс-ҳуши жойида эди. Вазир уни қўлтиқлаб, четроқдаги, катта чодирга олиб келди. Бу чодирнинг атрофида посбонлар, бичилган қуллар кўп эди. Тўғонбек ҳадиксирагандек, бирдан эшикда тўхтаб қолди.

— Хадичабегимнинг ҳузурларида муҳим кенгаш бор,— шивирлади Низомулмулк.

Хадичабегим Тўғонбекни очиқ юз билан қабул этди. Ўғлининг аҳволини сўради. Кейин, гарчи ўзи яхши хабардор бўлса ҳам, Астрободда рўй берган воқеалар билан қизиқсинди. Тўғонбек қисқа, лекин чертиб-чертиб гапириб берди.

— У номақбул асирни нима қилмоқчисизлар?— сўради оқарган сочларини бармоғи билан силаб Хадичабегим.

— Билмадик,— жавоб берди Тўғонбек.— Ҳозир Ҳиротда, Ихтиёриддин қалъасида ётган чиқар. Ишончли навкарлар билан юборган эдик.

— Ўғлимга беадаблик қилган у шумни қаттиқ жазолаш керак. Менга қолса, ўлдирмоқ керак! Отаси Ҳиротга, боласи Астрободга панжа солмоқчи! Йўқ, бунга асло йўл қўймасмиз!— деди ғазаб билан шивирлаб Хадичабегим ва ўтирганларга қараб қўйди. Тўғонбекнинг кўзлари ғалати очилиб кетди. Низомулмулк айёрларча сукут этди.

Хадичабегимнинг ҳар бир сўзини бош лиқиллатиш билан тинглаган Камолиддин Ҳусайн, Амидалмулк иккиси бирдан: «Ихтиёр сизда!» дейишди. Тўғонбек бир оз мулоҳаза қилиб, бу фикр булар орасида илгаридан пишганлигини пайқади. Бадиуззамонни подшоҳга қарши яна катта ғазаб билан оёқлантириш, ўртада ғавғоларни кучайтириш учун бундан яхши чора йўқ эди. Бунинг натижасида Тўғонбек ҳам мақсадларини тезроқ, қулайроқ амалга оширади. Мана, Хадичабегим ҳам ўз ўғлининг бахти учун ўгай ўғил Бадиуззамонга душманлик қиляпти-да!

— Фармон қани?— Хадичабегимга томон эгилиб, тикилди Тўғонбек.

— Хоҳласам, шу кеча оламен,— жавоб берди ишонч



www.ziyouz.com kutubxonasi

билан Хадичабегим.— Аммо, фармонни ниҳоятда тезлик билан амалга ошириш зарур, ҳам буни сизга ўхшаш киши қилади. Фармонни ҳар кимдан юбориб бўлмайди, чунки Ҳиротдагилар фармонни олиб, лекин қатлни[1] мумкин қадар орқага суришлари мумкин. Улуғ амирлар эшитиб қолсалар, Мўмин Мирзонинг гуноҳини подшоҳдан сўраб олишлари мумкин.

— Ҳеч шубҳа йўқ, ҳеч!— пўнғирлаб қўйди Низомулмулк.

— Бу хизмат бадалига олтин тоғлар муяссар бўлур,— товушини найдай чўзиб деди Қамолиддин Ҳусайн.

Тўғонбек унга ўқрайиб бир қаради-да, Хадичабегимга деди:

— Сизга маъқул тушган бўлса, бас. Лекин ахири кўнгилсизлик билан битмасмикан?

— Нималарни ўйлайсиз!— жавоб берди қари сатангнинг ишваси билан Хадичабегим.— Подшоҳнинг ўз муҳри босилган фармон билан борасиз!

Тўғонбек яна бир неча вақт ўйлаб, ниҳоят, айниқса Хадичабегимнинг орзусини ерда қолдиришга ботинмай, қабул қилди.

Ташқари чиқдилар. Низомулмулк ўз чодирига кетди. Тўғонбек унинг ўғилларининг чодирига кирди. Ҳеч бири ётмади.

— Подшоҳ ҳазратлари кўнмасалар керак,— деди қўлини силтаб Тўғонбек.

— Фармон ҳозир қўлга тегади,— деди А[illegible]далмулк.— Хадичабегим подшоҳни шундай аврайдики, таърифга сиғмайди.

— Алалхусус, хоқон ҳазратлари майи ноб[2] таъсирида бўлсалар, ҳар қандай фармон олиш учун мушкилот чекилмас. Чунки ақл шаробда эриб кетади!

Тўғонбек ёнбошлади, ўйга шўнғиди. Қамолиддин Ҳусайн муқовасининг ҳаллари шамда ёнган чиройли бир китобни олиб, ширин товуш билан секингина ғазал ўқий бошлади. Баъзи мисралар устида ака-ука баҳслашишди. Икки соат қадар вақт ўтгач, секингина Низомулмулк кирди: «Мана фармон, илдам йўлга тушингиз!»— секин, лекин ғурур билан деди вазир.

---

[1] Ўлдирмоқ

[2] Қизил май.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғонбек фармонни чироққа солиб кўрди-да, таажжубланиб, бошини чайқади.

— Суюкли хотин...— деди кулиб Низомулмулк.

— Мастликда суюкли хотин яна ҳам суюклироқ кўринади,— деди Амидалмулк.

Тўғонбек хайрлашиб эшикка чиқди. Навкарларни тепиб уйғотди. Улар бир зумда отни тайёр қилдилар. Тўғонбек, орқадан қароқчилар қувгандек, отини қаттиқ ҳайдаб кетди. Биринчи работга етганда тонг ёришди. Бир нафас отга дам бериб, яна жўнади.

Кейинги работларда отни алмаштириб, катта масофаларни, мўғулчасига, яна илдам босди.

Иккинчи кун кечқурун кўпирган от Ихтиёриддин қалъасининг дарвозаси ёнида тўхтади. Тўғонбек отдан сакраб тушиб, лапанглаб ичкари қадам қўйди. Зиндон бошлиғи гиё еб пинакка кетгандай, шам ёнида мудраб ўтирарди. Ёш бир навкар ўқила-ўқила шалақланган эски бир китобни — қандайдир «Жангнома»ни ўқирди. Тўғонбек киргач, навкар ўқишни бирдан кесиб, дик этиб турди. Зиндон бошлиғи эринчаклик билан ўрнидан турди. Бу — чўлтоқ супургидай кўримсиз соқолли, ҳаракатлари суст одамнинг кўзлари қаттиқ ва ёмон эди. Тўғонбек: «Ҳа, элат, бардаммисиз?» деб кўришди ва фармонни узатди. Зиндон бошлиғи фармонни чироққа тутиб кўз югуртирди-да, ер остидан Тўғонбекка қараб қўйди. Кейин Тўғонбекни нарига элтиб шивирлади:

— Етти отам ҳаққи, мен бундай жазони ҳеч кутмаган эдим. Баён қилинг, бек, бу қандай гап?

— Фармони олий...— деди Тўғонбек зарда аралаш.— Сен ҳам, биз ҳам хоқоннинг қулларимиз. Буйсунишни биламиз, холос! Ҳа, шошма,— зиндонбошини нарироқ суриб давом этди Тўғонбек,— ишни шу тундан қолдирмаймиз. Ижро этилгунча, тилингни кес!

Зиндонбоши ҳўмрайиб, яна шам қаршисига ўтирди, фармонга тикилиб, афсуслангандай, бошини аста, лекин узоқ тебратди. Тўғонбек бу ердан шаҳарга чиқишни, ҳатто оиласида қолганларни бориб кўришни истамади. **Навкарга пул бериб,** ошхонадан таомлар келтирди-да, бемалол еб олди. Хуфтондан кейин Амр Ободий, боши оғиб кирган одамдай, пайдо бўлиб қолди. Бу — кўринишда баҳайбат бўлмаган, қалин соқолли, кичик юзли, кўзларида доимо қотган қандайдир бир хиралик кўринган одам — сўроқ ва қийноқ мутахассиси эди. Бу давр-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг одамлари санъатларда ва турли фойдали ишларда ўз маҳоратларини камолга етказишга интилганларидек, Амр Ободий ҳам қийноқ, жазо бобида инсон хаёлига сиғмас даражада ғалати ихтиролар эгаси эди. Тўғонбекка, кейин зиндонбошига кўз ташлаш билан, у ўзининг ўткир ички сезгиси орқасида, машъум ҳодиса ҳидини туйди. Қалбаки назокат билан кўришиб, Тўғонбекка мурожаат этди:

— Жаноблари, агар хато қилмасам, салтанат тожининг гавҳарларидан бирини эговлагали келган бўлсалар керак?

— Ушаткали келдим!— деди ерга тикилган ҳолда Тўғонбек.

— Ростми? Подшоҳ ҳазратларининг қаҳри-ғазабларига яраша сабоқни биз берсак ҳам кифоя эди. Гўдакнинг жонини суғурмасдан, ўн жонни суғургандан бадтар бир иш қилар эдик,— деди-да, Амр Ободий зиндонбошидан фармонни олиб ўқиди. Кейин унга: «Бўладиган ишда сустлик кўрсатмоқда маъно йўқ, яна фармони олийга ҳурматсизлик бўлмасин!» дегач, зиндонбоши индамасдан, ўрнидан турди, қоронғуликда йўқолди. Амр Ободий муқаддас жойга кетаётган каби, руҳий енгиллик билан зиндон томонга бораркан, орқасидан лапанглаб Тўғонбек ҳам етди. Чунки ишни «тоза» бажармоқчи бўлди. Олтин, кумуш, ёки келажакда мансаб бериш ваъдаси билан жаллод тиғи остидан бошини қутқарган шаҳзодалар ҳақида у эшитган эди. Шундай қилиб, булар ҳам шаҳзодани бир зумда қочиришлари ёки яширишлари мумкин эди.

— Томоша қиласизми? Жуда соз!— деди Амир Ободий Тўғонбекка йўл бошлаб.

Қоронғуда зиндон бинолари ўз даҳшатини яна ҳам чуқурроқ сездирарди. Баъзан қоронғулик орасидан фарёдлар, йиғилар, инграшлар эшитилиб қоларди. Амр Ободий гоҳ пастликка тушиб, гоҳ баландликка кўтарилиб, ниҳоят, қўрғондай баланд, ҳайбатли деворлар олдида тўхтади. Қалидларни шақирлатди, эшик зардали «ғарч-ғурч» билан очилди. Тўғонбек ичкари киргач, рутубатли бўғиқ ҳаво бурнига урди. Бир бурчакда, гўё қоронғуликдан қўрқиб титрагандай, липиллаб, кучсиз ёнган шамда бу ернинг узун даҳлиз эканини фаҳмлади. Амр Ободий даҳлиз охиридаги эшикни очиб, олдин Тўғонбекни киргизди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳзода тўшак устида шамга яқин ўтириб, қуръон ўқиш билан машғул эди. Навкарлар овқат олиб келган бўлсалар керак, деб ўйлаганданми, шаҳзода қуръондан бошини кўтармади, мунгли товуш билан қироат қилаверди.

— Шаҳзодам каломуллога хўб берилган эканлар,— деди Туғонбек яқин келиб.

Мўмин Мирзо бирдан ялт этиб қаради. Ўткир кўзларига ишонмагандай, таажжуб билан Туғонбекка тикилди. Ингичка қошларини киндор чимириб деди:

— Ҳа, паҳлавон, қаердан? Нима қиласиз бу ерда? Не хабарлар келтирдингиз?

— Шаҳзодамнинг ҳолидан хабар олай дедим,— тутилиб, ғулдираб жавоб берди Туғонбек.

— Сизлар қалин лашкар билан келдинглар,— лаблари ўкинчли бир кулги билан ёйилиб деди Мўмин Мирзо.— Менинг йигитларим яхши савашди. Лекин, жуда оз эдик-да. Кейин мен ўйлаб қарасам, кўп хатолар ҳам қилган эканмен, ростми? Бир вақт Жаҳонгир барлос отам билан сўзлашиб ўтириб, оз киши билан кўп кишига шикаст бериш тўғрисида қизиқ нарсалар сўзлаган эди. Мен у баҳодирнинг сўзларига сира амал қилмабмен.

— Яхши уруш қилдингиз,— ерга қараб деди Туғонбек.

— Йўқ,— бошини чайқади бола,— зафарга эришмоғим керак эди. Озод бўлгандан сўнг, подшоҳ бобом билан сўзлашиб, улардан жанг илмини ўрганамен — тажрибалари зўр. Кейин, майдонни кўп кўрган бекларимиздан ҳам ўрганамен.

Туғонбек алланечук оқариб кетди, қисилди. Сўзлашга мажоли йўқ, эшикка боқар эди, кейин пешонасини сиқиб деди:

— Шаҳзодам, ҳар бир банда аввало тангридан умр тилаши керак!

— Албатта,— деди Мўмин Мирзо.— Лекин орзусиз умрнинг ҳам кераги йўқ!

Даҳлизда гумбур товуш эшитилди. Мўмин Мирзо эшикка қаради. Туғонбекка ва Амр Ободийга тикилди: «Айткулик сўзларингиз бўлмаса, чиқиб кетинглар. Мен ётамен» — деди бола шаҳзодаларча буйруқ йўсунида. Амр Ободий бесўнақай тишларини очиб, кулиб қўйди.

Зиндонбоши билан жаллод кирди. Бола ўткир кўзла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ри билан ҳаммага жовдираб қаради. Ранги бирдан қум ўчиб кетди. Сакраб ўрнидан турди: «Нега келдинглар?»— қичқирди бола. Унинг ҳалигача маъсум, соф кўзлари даҳшат билан ёнарди. Амр Ободий боланинг икки қўлини омбур билан қисгандек, маҳкам ушлади ва дағаллик билан:

— Шаҳзодам, ҳозир тўғри тангри қошига борасиз!— деди.

— Номуссизлар!— бўшалишга тиришиб қичқирди бола.— Кимнинг фармони бу? Бобомнинг қаҳру ғазабидан қўрқмайсизларми? Қўй мени! Йўқол ҳамманг!

— Бобонгиз хоқон ҳазратларининг фармони олийси билан келдик. Тақдирга тан бермоқ керак...— деди ҳансираб Тўғонбек.

— Оллонинг ризоси... Қисмат,— фармонни кўрсатиб деди зиндонбоши.

— Бобомга не бўлди? Ўз кўзини ўзи ўймоқ! Инсофсиз, бадбахт бобо!

Жаллод Мўмин Мирзони кўтариб пастга, қуруқ ерга ётқизди. Амр Ободий шам тутди. Тўғонбек орқасини ўгириб, кўзларини ерга қадади. Бола кучсиз, дардли овоз билан, «Онажоним! Қаердасиз, отам!» деркан жаллод бўғзига ханжар қўйди... Бир зум хириллаб, бола жим бўлди. Жаллод унинг шоҳи кўйлагига ханжарни артиб, қаддини ростлади.

Тўғонбек Амр Ободийнинг орқасидан оғир қадам ташлаб, ташқари чиқди. Салқин ҳавода чуқур нафас олди. Амр Ободий билан бараварлашиб: «Ўбдон ақлли гўдак эди» деди. Амр Ободий лабини ялаб: «Юсуфдек хушрўй эди!» деб қўйди. Зиндонбошининг хонасига етишгач, у қимор ва шароб базмига боришини айтиб, хайрлашди. Тўғонбек хона ичига кирди. Бошини қуйи солиб ёлғиз ўтирди. Ҳозирги фаже манзарани унутишга тиришди. У фикрини зўрлаб, бу маъсум қурбоннинг натижасида рўй берадиган воқеаларни ўйлади, ўз йўлларини, муносабатларини аниқлаб олиш учун бош қотирди. Бир соатдан кейин зиндонбоши келди. Тўғонбекнинг бу ерда ўтирганини кўриб, таажжуб билан сўради: «Бу фақир кулбада тунамоқчиларми бек жаноблари?» Тўғонбек жавоб бермади. Зиндонбоши шамдонга янги шам ўтқазди. Ҳомуза тортиб, бир чеккада мудрагандай, жим ўтирди. Бир муддатдан кейин Тўғонбекка яна мурожаат этди: «Ўрин солиб берай. Бир нафас ором олсинлар».—



www.ziyouz.com kutubxonasi

«Сен ётавер. Уйқу босиб қолса, мудраб олармен»— жавоб берди пўнғиллаб Туғонбек.

Туғонбек Ҳиротда бир кун ҳам қолишни истамас эди. Чунки эрта-индин пойтахтда бутун халқ фожиани эшитар, ҳар ким ўз билганича бичиб-тўқир, подшоҳ фармони билан бўлган ишда Туғонбекни айблашмасалар ҳам, ҳар ҳолда унинг исми ҳар ерда тилга олинар, заҳар тилли битта-яримта шоир унинг тўғрисида ҳажв ёзиб тарқатар... Шунинг учун эрта билан қароргоҳга чиқиб кетиб, Хадичабегимни қувонтирмоқчи бўлди.

Зиндонбоши анча вақт ғойиб бўлиб, ниҳоят, қаердандир бек учун янги атлас кўрпалар, иккита юмшоқ пар ёстуқ келтириб, ўрин солди-да, бир чеккада уйқуга кетди. Вақт ярим кечадан оғди. Туғонбек ешиниб ётмоқчи бўлганда, дарвозадан тасирлатиб отлиқ кирди. Кенг саҳнда қоронғуда жимгина айланиб юрган қуролли навкарлар ҳар ёқдан югуришди. Туғонбек парво қилмай, ўрнига чўзилиши билан, гурсиллаб кимдир хонага кириб келди. Туғонбек бошини кўтариб, саройнинг яқин мулозимларидан бирини кўрди. Зиндонбоши ҳам чўчиб ўрнидан турди.

— Ҳа, нима ғалва?— тўнглик билан сўради Туғонбек.

— Сиз шундамисиз, жуда яхши,— ҳансираб деди мулозим.—— Хоқон ҳазратлари фармонни бекор қилдилар. Мана янги фармон!

— Нима?— Туғонбек ўрнидан сапчиб турди.

Зиндонбоши: «Эвоҳ!» деб пешонасига урди, қалтираб деворга суялиб қолди. Чопарнинг кўзлари гўё қинидан чиқаёзди, йиқилаёзгандай у ҳам деворга суялди ва ғулдиради:

— Шаҳзода... Нима... Кетдими! Ана фалокат! Бу қандай гап! Дарров!

— Ажали етган-да,— дўқ қилди Туғонбек.

— Ажалга даво йўқ!— қалтираб деди зиндонбоши. Туғонбек чопардан янги фармонни олди. Ичида ўқиб мажолсиз, бўшашган ҳолда жим бўлиб қолди. Бу фармон ҳақиқатан аввалги фармонни бекор қилган эди. Узоқ, оғир сукунатдан кейин, Туғонбек қандай қилиб ва қай сабаблар билан подшоҳ ўз қароридан воз кечганлигини сўради.

— Подшоҳ ҳазратлари фармонни кайфнинг зўридан, асло билмасдан берган эканлар,— ҳаяжонини босишга тиришиб гапира бошлади чопар.— Бу мазмундан хабар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дор бўлиб қолган баъзи муқаррибллар эртаси бу хусусни хоқоннинг кўнгилларига еткиздилар. Машъум фармонни хоқон гўё тушларида кўргандек ёдлайдилар. Бирдан бутун қароргоҳни ост-уст қилдилар. Нимасини сўзлайин, бек жаноблари, қароргоҳда бир қиёмат қўпди. Шу оннинг ўзида янги фармонни битиб, менга топширдилар, шамолдек учиб бор, деб такрор-такрор уқдирдилар. Умримда не-не отлар миндим, не-не масофаларни яшиндек босдим. Лекин ҳаммаси бу сафаргидай эмас. Афсуски, ажал тикилган экан... Ҳай, сиз нега бу қадар суръат билан йўл босдингиз, ҳожат йўқ эди-ку?

— Энди билдингизми,— ўқрайиб деди Туғонбек,— отимнинг қанотига югурук булутлар рашк қилади! Тарки одат маҳол, баданимда суякларим қисирлаган сари завқланиб, баттар тез ҳайдаймен. Сизлар на отни, на йўлни биласизлар!

— Ҳамма нарса қисматда...— айбдорларча бўйнини қисиб деди зиндонбоши.— Агар шаҳзоданинг қисмати ўзга бўлса эди, от эмас, эшак минганингизда ҳам бекдан олдинроқ етиб келардингиз.

Чопар калавланиб эшикка чиқди — қоронғуликда ҳўнграб йиғлади. Зиндонбоши Туғонбекка орқадан кўз олайтириб, бошини чайқаб қўйди.

Туғонбек шошиб-пишиб кийинаркан, ичида жаҳл билан дерди: «Қай ишга аёл бурнини тиқса, оқибати вой!» Кийиниб бўлиб, зиндонбошига қаттиқ ўқрайди, ташқари чиқди. Навкарлар отни келтирдилар. Подшоҳнинг ҳузурига боришга ботинмай, Астрободга, Музаффар Мирзо ҳузурига жўнаб кетди Туғонбек.

## II

Уйидан эланг-қаранг чиққан Султонмурод ҳамманинг юзида они бир фалокат зарбини тотганларнинг ҳаяжон ва ташвишини кўрди. Суриштириб, тунги воқеани эшитди. Баъзи бир кишилар тафсилотига қадар билиб олган эдилар. Олим ғазабдан тутақиб кетди. Мадрасага югурди. Лекин йўлларда айни воқеадан таъсирланган гуруҳ-гуруҳ танишлар билан учрашишга тўғри келди. Ҳирот тўлқинланди. Одамлар ўз ҳаяжонларини бир-бирларига айтиб, юракларини бўшатишга тиришардилар. Ёш, ақлли шаҳзоданинг ўз бобоси фармони билан жаллод қўлида қурбон бўлиши подшоҳ хонадонида кўпдан буён мав-



www.ziyouz.com kutubxonasi

жуд бўлган фитналар гирдобининг бутун фаже манзараларини очиб берган эди.

Султонмурод дўст-душман фарқига бормасдан подшоҳга қаратиб ғазабли сўзлар айтишдан ўзини тия олмади. Мадрасага келганда ҳамма толиби илмлар айни ҳаяжон ичида қовурилардилар. Ҳамма ҳужраларда тўп-тўп талабалар, уларнинг танишлари, мударрислар йиғилишиб қайғу, олов, заҳар билан суғорилган сўзлар дарёсида чирпинардилар. Одамларнинг назарида маъсум қурбон, қонга беланган гўдак улуғ қаҳрамонга айланди. Унга аталган марсиялар, қасидалар пайдо бўла бошлади. Золимларни фош этувчи аччиғ ҳажвлар оғиздан-оғизга учарди.

Букун дарс бўлмади. Султонмурод ўзга мадрасаларга борди. Ҳамма, машъум нафаси яқинлашган аллақандай даҳшатли фалокатни кутаётгандай, ички бир титроқ ва изтиробда эди. Гўё ер бир силкиниб ўтди, мана энди омонсиз, ғазабли бир қувват билан такрор силкинардида, ҳамма нарсани ўз қаърига тортади! Шу кайфиятда изтироб чекканларнинг юрагида ягона бир умид яшар эди: Алишер Навоий! Ўпқонликка қулаб кетаётган тоғни ёлғиз у тутиб қола билади! Энг совуққонли, энг мантиқли одамлар бу мўъжизага ишонардилар. Лекин бу фалокатли дақиқаларда Алишер йўқ эди. Ҳамманинг кўзи Машҳад йўлига интизор эди.

Учинчи кун Алишернинг оти шаҳар дарвозасидан кириши биланоқ бу хушхабар ҳаммага тарқалди. Султонмурод хонақоҳдаги ҳужрасини қулфлашни ҳам унутиб, югура кетди.

«Унсия»да — Навоийнинг хонасида унинг ҳар вақтги ҳамсуҳбатлари, яқинларидан ташқари бир кўп шоирлар, олимлар бор эди. Навоий ҳар вақт ўтирадиган жойида, дарichанинг тагида ўтирарди. У зоҳиран сокин эди. Султонмурод қалбий соғинч билан қари шоирнинг кучсизлашган нозик қўлларини сиқаркан, унинг доно кўзларида қайғу кўрди. Бу қайғу унинг елкаларидан ҳам босиб, шоирни буклаб қўймоқчидай эди. Султонмурод бу ердаги ёшларнинг энг ёши бўлган, ақлли кўзларини Навоийдан узмай, шоирнинг ҳар сўзини уқиб олишга, ҳар бир ҳаракатини ўз фикрига чизишга интилган Хондамирнинг ёнига ўтирди. Навоийнинг руҳи ҳозиргина эшитган фожианинг исканжаси остида эди. У юрак ярасини қонатмасликка урингандай, у-бу ҳақда қисқа, гўё ғайри



www.ziyouz.com kutubxonasi

шуурий равишда гапириб қўяр, ёки у-бу тўғрида кўзига тўғри келган одамдан савол сўрар эди. Ниҳоят, узоқ сукутдан кейин, қайғули кўзларини кўтармасдан, фикрнинг ҳаддига етканига ишонган файласуф каби, ўз-ўзи билан сўзлашгандек, гапирди. Кейин овози борган сари кучлироқ тўлқин билан янграй бошлади.

— Бу машъум ҳодиса қаршисида,— деди у,— фикр, мулоҳаза юритган инсон афсус ва надомат билан бениҳоя даҳшатли ва оламшумул натижаларга келади. Фикран асрларнинг, даврларнинг манзарасига назар ташласангиз, тарих мантиқининг ажойиб хулосаларини кўрасиз. Қаҳрамонлар, ҳукмдорлар, жаҳондорларнинг умри бўлгани каби, даврларнинг, давлат ва салтанатларнинг, хонадон, сулолаларнинг ҳам умри бор; дарё-дарё қон оқизиб муаззам тарих биноси яратган эрлар, ниҳоят бир томчи қоннинг гуноҳига ғарқ бўлиб, на ўзларидан, на азамат тарихларидан ном-нишон қолмаган. Бунинг мисолларини бизнинг ўз тарихимиздан ҳам топмоғингиз мумкин. Улар ҳаммага ҳам маълум. Қўрқаманки, ундай фалокатлар қаршисида такрор қолмасак эдик!

Шоир жим бўлди. Унинг ҳазин фикри кўзларидагина эмас, кейинги вақтларда қуюқлашган юз ажинларида, оппоқ соқолининг толаларида ҳам ёнар эди. Навоийнинг машъум бўрондан дарак берган, ҳақиқатнинг бутун аччиғлиги, совуқлиги билан айтган сўзлари, гўё кўзи боғлик одамни тубсиз ўпқоннинг нақ лабига келтириб, бирдан кўзини очиб юборганларидек таъсир кўрсатган эди.

— Ҳар нечук фалокатни даф этмоққа ғайрат қилмоқ керак,— деди Навоий қатъий, ишончли овоз билан,— муборак ватаннинг, эл-улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир. Сиздан тилагим шулки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо, садоқат муҳаббат билан боғланайлик. Вафо ва муҳаббат улуғ қудратдир. Бу қудрат билан тўла кўнгиллар ҳаётни нурлатурлар, улар фалокат дарвозаларига сад чекиб, саодат дарвозаларини очурлар.

Бу сўзлар бўғиқ нафасларга вариллаб кирган баҳор шамолидай таъсир қилди. Султонмурод бу фикрни жуда қизғин ва шавқ билан қувватлади. Вафо ва муҳаббатнинг мунбат заминига[1] ақл ва илм уруғларини сепиб,

[1] Ҳосилдор тупроқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг гули ва мевалари билан ҳаётни безамоқ ҳақида, илм ва санъатнинг қудратли илдизлари кенг ёйилган юрт ҳар нечук фалокатларга дош бера билиши тўғрисида гапирди. Бошқалар ҳам шу мавзуда, лекин бошқа далил ва исботлар билан сўзладилар. Юракларда яна умид қанотланди.

Одамлар аста тарқала бошлади. Энг кейин Султонмурод билан Хондамир чиқаркан, Навоий ёш тарихчини тўхтатиб, меҳрибончилик билан унинг машғулоти ҳақида сўради. Энди ўн еттига кирган Хондамир катта тарихий асар ёзишга киришганини, унинг кутубхонасидан фойдаланаётганини сўзлади. Навоий унинг асари билан жуда қизиқсинди. Китобнинг бошқа тарихий асарлардан, масалан, бобоси ёзаётган етти жилдли катта асардан қандай фарқлари борлиги ва ҳоказо тўғрисида сўради. Хондамир саволларга қисқа, лекин равшан жавоб берди. Кейин, китобнинг айрим бобларини ўқиб, ўз фикрини баён қилишни шоирдан илтимос этди. Навоий хафаланиб деди: «Кўриб турибсиз, юртнинг бошида қанча дардисар воқеалар бор! Андак фурсат топсам, албатта, ўқиб чиқамен. Мутолаадан зарар кўрган эмасмиз». Хондамир хурсанд жўнади.

— Сизнинг фикр хазинангизнинг нодир гавҳарларини қачон кўрамиз?— Султонмуродга тикилди Навоий ва ундан жавоб кутмасдан давом этди:— Сизда таҳсил кўрмиш бир неча зот Машҳадда, мадрасаларда дарс этмоқдалар, барчалари сизга беҳад салом дедилар.

Султонмурод китобнинг риёзат, илми нужум ва мантиққа оид қисмлари анча илгарилаганини сўзлади. Навоий бу илмларга доир араб, форс, ҳинд тилларида қандай фойдали нарсалар бўлса, ҳаммасини кўздан кечириш кераклигини алоҳида уқдирди-да кейин:

— Шошмоқ керак. Мана, соқолингизга бир-ярим оқ тушибди...— деб кулиб қўйди.

## III

Навоий ёлғиз бошига яна юрт қайғусини ортди. Ўз қўлини набираси қонига бўяган подшоҳдан нафратланди. Лекин Туғонбек келтирган фармоннинг мастликда ёздирилиши, уни бекор этилиши фитнанинг чуқур илдизлари борлигидан дарак берарди. У тезда қароргоҳга бориб, фитналарнинг сирларини ўрганишга қарор бер-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Кечаси «Маҳбубул қулуб» нинг янги бобини бошлади. Оз вақт ичида бир даста қоғоз ҳар бири ҳаёт тажрибаси ва бой, ўткир фикрининг асл дурдоналари билан тўлди. Навоий чарчади. Белида, бармоқларида оғриқ туйди. Шоир қариликни, туганмас ташвишларнинг натижаси бўлган дармонсизликни йил сайин эмас, ой сайин сезмоқда эди. Бир оз чўзилиб ором олмоқ истаркан, ногоҳон, Хўжа Афзал кириб келди. Навоий кўзларига ишонмади. Узоқ йиллар айрилиқда соғинишган дўстлар тўлқинланиб, қучоқлашиб кўришдилар. Навоий суюнчдан тетикланиб кетди. Дўстини ўтқазди. Икковлари бирбирларига тикилиб, қадда, гавдада, юзда, кўзда йилларнинг таъсирини очиқ кўрдилар. Хўжа Афзалнинг соқоллари оқарган, кўзлари аввалги жонлиликни йўқотган, юзи салқиган эди. Чамаси ўн йил ичида ўтган энг муҳим воқеалар ҳақида бир шингил-бир шингил сўзлашиб, вақт ярим кечадан оғганда, ухлашга ётдилар. Эрталаб нонушта устида илиқ, жонли, қизиқ суҳбатга берилдилар. Навоий мамлакатдаги умумий вазиятни, кейинги ҳодисаларни тушунтириб, ниҳоят, сўради:

— Давлатда бирон вазифа олиб бормоқ ниятингиз борми?

— Бошқа ўлкаларда менга баланд мавқелар таклиф этдилар. Асло рози бўлмадим. Аммо, Хуросонда қай вазифа берилса, жоним билан адо этурмен,— жавоб берди Хўжа Афзал.

Навоий хурсанд бўлди. Эл-улусга жонкуяр одамларни иш бошига қўймоқ учун бел боғламоққа эски ғайрат билан азм этди ва бир неча кундан сўнг қароргоҳга жўнади.

Ҳусайн Бойқаро Мурғоб қирғоғида, ҳашаматли чодирда шоирни йиғи-сиғи билан кутиб олди. У маст эди. Эгнида узун, қора ипак тўн — мотам кийими... Бутун сиймосидан набирасининг ҳасрати барқ урарди. Шоирни ўзига яқин ўтқизди. Узоқ вақтгача гапира олмади — аччиқ аламли йиғи нафасини бўғарди.

— Бағоят оғир гуноҳга ботдим. Нуридидамни, Темур каби улуғ қўшинларга сардор бўлувчи шунқоримни жаллод қўлига топширдим. Тангри ўзи кечирмаса, аҳволим мушкул,— деди кўз ёшини артиб Ҳусайн Бойқаро.

— Юзқоралик бўлибди!— деди Навоий алам ва жаҳл билан.— Тангрим ҳеч бир бандасининг бошига бундай кунларни солмасин!



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ақлу ҳушдан, ихтиёримдан айрилган вақтда ноинсофлар...— сўзни давом этдира олмади Ҳусайн Бойқаро.

— Ҳақиқий жинояткорларни билурсизми? Улар кимлар?

Ҳусайн Бойқаро қуюқ қошлари остидаги қийғоч, шишган, қизарган кўзларини пастга қаратиб, боши билан тасдиқлади. Лекин шахслар ҳақида ҳеч нима демади. Фақат умуман атрофини ўраган нонкўрлар, фитначилардан шикоят қилди.

Навоий Хўжа Афзалнинг келганлиги, подшоҳга хизмат қилмоққа орзуси борлигини сўзлади. Ҳусайн Бойқаро уни яхши сўзлар билан, эски қадрдон каби ёдлади ҳам вазир этиб фармон бермоққа ҳозирлигини билдирди.

Навоий, келган кундан бошлабоқ, вазиятни, жиноятни ва унинг ички томонларини ўрганишга тиришди. Валибек, Бобоали эшик оғо, Абдулло Марворий, Дарвешали билан суҳбатлашиб, жиноятга Хадичабегим билан бир қаторда Низомулмулк сабабчи эканини, лекин подшоҳ Хадичабегимдан хафа бўлса ҳам, унинг гуноҳи ҳақида оғиз очмаганини билди. У Низомулмулкнинг яқинларидан бўлган Имодал Ислом, Хўжа Абдулазиз, Низомиддин Курд, қози Шаҳобиддин ва ҳоказо бир кўп юқори мансабдорлар шаҳзодаларнинг орасига душманлик солиб, гоҳ у шаҳзодага, гоҳ бошқасига тарафдорлик кўрсатаётганларини аниқлади.

Бадиуззамон аввалги адоватига энди ўғлининг қасосини қўшиб, ҳар ерда ўзига тарафдорлар тўплаб, қатъий ҳужумларга ўтмоққа тайёрлиги ҳақида хабарлар олинди. Унинг ҳужумини, бирдан гувуллаб келадиган бўрон каби, ҳар вақт кутиб турардилар. Бу тўғрида Навоийнинг ҳам шубҳаси йўқ эди. Бундан ташқари, баъзи аломатларга биноан, бошқа шаҳзодаларнинг ҳам турли вилоятларда эрта-кеч бош кўтаришларини тахмин қиларди у.

Низомулмулк ҳеч қандай жиноятнинг олдидан ўтмагандек, пинагини бузмай, аввалгидай кеккайиб дабдабадор яшар эди. Унинг сўзларида «давлатнинг вазияти кўрилмаган даражада мустаҳкам», «халқ шод, юрт обод» эди!

Ҳусайн Бойқаро фармон билан Хўжа Афзални вазир тайинлади. Навоий, гарчи расмий ҳар қандай вазифа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мансабдан холи бўлса ҳам, давлатнинг бутунлиги, юртнинг тинчлиги учун тинмай ишлай бошлади. Номусли одамларни мансабларга тайинланишига ёрдам этди. Низомулмулк ўзининг суянч тоғларининг бир-бир қулай бошлаганини сезиб, янги фитналар қўзғашга тиришди.

Ҳусайн Бойқаро бир вақтлар «салтанат тожининг бебаҳо гавҳари» деб мақтаган вазиридан шикоят қила бошлади. Зотан, набираси учун ўч олиш фикри гоҳо-гоҳо илондек чақиб, бутун вужудини заҳарлар эди. Вазирнинг янги фитналари унинг сабр косасини тўлдирди. У Навоийни чақириб кенгашди.

Навоий ўз фикрини баён қилиб деди:

— Давлат манфаати учун лозим бўлган ақлли тадбирларни мен ҳамиша қабул қилурмен.

— Нима қилмоқ керак уни?

— Давлат тақдирини, халқни вазирнинг макрига ҳавола қилмоқ жиноятдир. Мансабдорлар ўз вазифаларини ҳалол бажарсинлар, аммо давлатнинг улар қўлида ўйинчоқ бўлишига ҳеч вақт йўл қўймаслик керак. Ҳатто тождор подшоҳ ҳам давлат ва халқни ўз кайфлари учун ўйинчоқ қилмоққа ҳақли эмас!— жавоб берди Навоий.

— Тўғри сўз,— деди Ҳусайн Бойқаро касалдек инқиллаб.— Аммо сиз жуда юмшоқ кўнгилсиз. Мен маккорларнинг бошига шундай даҳшатли кунларни солайки...

— Фитначиларнинг айблари таҳқиқланиб, ҳар ким ўз қилмишига яраша кўргулигини кўрсин. Тўғонбек каби разил махлуқларни бу азиз тупроқлардан ҳайдамоқ керак!— таклиф этди Навоий.

— У шумқадамга ҳарне жазо оз!— ғазабдан ижирғаниб деди Ҳусайн Бойқаро.

— Аёллар ҳам ўз мавқеларини билмоқлари, ўз ҳадларидан ошмасликлари керак. Аёл макрининг бир учқуни сиёсатда зўр ёнғинлар ятатиши мумкин!— ҳар бир сўзни атайин таъкидлаб деди Навоий.

Ҳусайн Бойқаро бу хусусда ўзининг иложсизлигини бўйнига олган каби, бошини қуйи солиб, жим қолди.

Эртаси Низомулмулк ҳам унинг ўғиллари, унинг тарафдорларидан энг йириклари шу ерда қамоққа олинди. Тўғонбекни, ҳар қаерда бўлмасин, тутиб қамамоқ ҳақида ҳар ёққа фармонлар юборилди.

Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамоннинг ҳужумини кутиб, «Уланг нишин»да лашкар билан қолди. Навоий Ҳиротга



www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтди. Хўжа Афзал бош вазир бўлди. Шоир тинчроқ ишлашга умидвор эди. Умр қуёши муттасил оғмоқда. Гавда ҳассага суянган. Энди от минмоққа ҳам қийналади. Ёзганда қўллари толади. Лекин ёзиши керак бўлган мавзулар, фикрлар бениҳоят кўп...

Навоий бир неча ойгина бир қадар сокин ишлай олди. «Қуш тили» устида тўлғин завқ билан ишлади. Бир қариш болаликда юракка чуқур жо бўлган орзу ва муҳаббат умр давонларини ошароқ, илк тозалигини йўқотмади. Камолга етган дарахт каби, у муҳаббат қариликда мўл мева — фикрнинг ёрқин гавҳарларини қаламга қуйиди. Шоир эрта-кеч фалсафий фикрларга берилди. Илҳоми, хаёли қалбидаги бой чаманлардан ажойиб, ранггоранг гулдасталар — чиройли, шоирона ҳикоялар тўқиди. Атторнинг китобида шоирона фикр ва ҳиснинг ёрқин чўғи билан ёнган мисраларни яна чуқурроқ яратаркан, она тилининг қудрати, гўзаллигига қувонди.

Кекса Навоийнинг келажак бўғинларга қолдирмоқ истаган фикрлари кўп. Совуқ, машъум шамоллар эсмасдан илгари, илҳом гулзоридан кўпроқ гулдасталар теришга тиришади. Фақат, нима қилсинки, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тўхтовсиз зилзила!

Низомулмулкнинг икки ўғлини зиндон ичида, отасининг кўз ўнгида, жаллод қиличдан ўтказди. Сўнг, Низомулмулкни Амр Ободийнинг энг кейинги эҳтирои бўлган қийноқлар билан қийнаб, терисини шилиб сомон тиқдилар. Серсовлат, кўркам собиқ вазирнинг сомон тиқилган гавдаси бир ҳафта қадар Ҳирот майдонида осилиб ётди.

Бадиуззамон Мирзонинг тарафдорларини Ҳусайн Бойқаро зиндонга отди. Лекин ҳаётда осойишталик барибир йўқ. Подшоҳ хонадонидаги ўн йиллардан буён томир ёйган адоват, фитна, заҳар таратувчи ёғочдай, ҳавони бўғмоқда эди. Ўғлининг қасос баҳонаси билан Бадиуззамон қари, касал отага ҳужумдан қайтмайди.

Навоий мамлакат ва эл тақдирига кўр ва кар бўлишга виждони азобланади. Пойтахтдан жанг майдонига янги кучлар юбориши, шаҳзодаларга хат ёзиб, уларни адл-инсофга чақириш керак. Бадиуззамон энди анча тажрибали бўлиб қолган. Уни тўла тор-мор қилиш оғир. Шикаст еса, чекинади, лекин орадан кўп ўтмай, яна янги ҳужумларга ўтади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий Ҳусайн Бойқарони ўғли билан сулҳ тузишга қистади. Инқиллаб қолган чол кўнгач, шаҳзода қошига борди. Бутун обрўси, бутун мантиқи билан уни отага, давлатга қарши тиғ кўтаришдан воз кечишга мажбур этди. Қиш ва ёз тинчдек ўтди. Лекин кузда бошқа ўғиллар, бошқа-бошқа шаҳарларда исён кўтаришди. Абулмуҳсин Мирзо Марвда, Абулнаъсум Мирзо Обивардда ёнғин очдилар. Отга мина олмайдиган чол ота ўз «нури дийдалари» билан жанг қилғали яна қўшин тортди. Лекин Астрободда ва ўзга вилоятларда исён олови бурқиб, ловуллаш учун кучсиз бир елни кутмоқда эди. Давлат маҳкамаларидаги эски яралар тузалмаган амалдорларнинг кўпи Мажддиддиннинг ҳақиқий шогирдлари, меросхўрлари эди. Улар элни таларди. Подшоҳ бир-бири билан ва ота билан тахт талашган аҳлоқсиз, бузуқи ўғилларининг исёнини босмоқ учун катта мамлакатнинг бир бурчидан иккинчи бурчига қўшин тортиб, хазинани совуради. Ҳадеб халқдан маблағ йиғади.

Навоий бутун умид-амалларининг синганини сезди. Суюкли она тупроқ унинг оёқларини оловдек уза бошлади. Тарки ватан қилмоқ, ўзга диёрларга бош олиб кетмоқ фикрига тушди. Бу фикр аста-аста унинг бутун руҳини тўлдирди. У фикран, хаёлан ўз юртининг самоси, гўзал хиёбон ва боғлари, санъат обидалари, узоқда кўкни ўпган тоғлари билан хайрлаша бошлади. Бу нарса худди юракни суғуриб олгандай, аламбахш эди. Лекин юрагини гўзал, муаззам хаёлларнинг эндиги синиқлари билан тўлдиришдан кўра бу афзал эди.

Ўғли Абулмуҳсин Мирзо билан бир неча ойдан буён жанг қилаётган Ҳусайн Бойқарога ватанни тарк этмоққа қарор қилганлиги ҳақида хат ёзиб, табиб Абдулҳайдан Марвга бериб юборди. Сўнг, Хўжа Афзалга узун нома ёзди. Давлат одамларининг тўғри-ҳаққоний ишлашлари кераклиги, қонунни ҳаммадан юқори билиб, ҳаммага баравар татбиқ этишлари, халққа қандай муносабатда бўлишлари, подшоҳдан қўрқмай, ёки унга хушомадгўйлик этмай, унинг хато ва нуқсонларини очиб беришлари зарурлигини, жуда кўп сиёсий, ахлоқий фикрларини уқдирди.

Ҳирот яна тўлқинланди. Бу хабардан турли табақа одамларнинг ранги оқарди. Султонмурод бошлиқ машҳур олимлар, шоирлар, санъаткорлардан иборат қалин бир гуруҳ ҳаяжон билан Навоий ҳузурига кириб келди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир, булар видолашмоқ учун келган бўлсалар керак деб ўйлади. Ҳамма билан кўришиб, хушнудлик билан ўтқазди. Ўртада чуқур сукунат ҳукм сурарди. Ҳамма кўзларда ўксизлик дарди жилваланарди.

— Дўстларим,— деди Навоий майин, ғамгин ва меҳрибон товуш билан,— кўнгилга тарки ватан этмоқ савдоси тушди. Бу азиз тупроқларнинг дилбар гуллари бўлган сиз каби дўстлардан айрилмоқ гарчи бениҳоя қийин ва алам ангиздир, лекин ғурбат орзусига итоат этдим. Балки қариликда муқаддас ерларни кўрмоқ насиб бўлар... Туғилиб ўсган диёрда яшамоқликка тобтоқат қолмади. Она ватанда улуғ орзуларнинг, мақсадларнинг ёлғиз харобасини кўрамен. Бу фақирга оқ йўл тилангиз, юртни сизга топширдим, унга ҳар вақт содиқ бўлингиз!

Баъзилар оғир хўрсинди. Баъзи кўзлар намланди, яна оғир сукут чўкди. Чиройли қафасдаги бир жуфт оқ қумрининг онда-сонда «ҳу-ғу»си сукунатни ҳазин, маънодор чайқатарди.

— Мир жаноблари,— Султонмурод қаддини ростлаб, дадил сўзлади,— биз бу ерга видолашмоқ учун келмадик. Агар сиз билан видолашмоққа тўғри келса, биз балки бутун Ҳирот, рубъи маскуннинг қайси нуктасини орзу этсангиз, у ерга қадар орқангиздан кузатиб борамиз... Давлатнинг бутун асосоти қора қувват чангалида ларзада экан, муборак мамлакатнинг ҳамма бурчагида исён бўронлари қутурар экан, ҳаёт ва саломатликнинг ёлғиз таянчи — сиз. Тарки ватан этсангиз, қора қувватлар ёлғиз бўғовларидан узулур. Улуғ ҳимоячисидан айрилган эл, тангри кўрсатмасин, не кунларга қолур! Хуросонда инсон фикри ва ижодиётнинг ажойиб мўъжиза асарлари бор, ҳам ғоят кўп. Уларнинг барчасини сиз яратдингиз. Бу кунги илм, шеър-санъат аҳли сизнинг шогирдларингиздир. Хуросоннинг равнақи учун тарихда ҳеч ким сиз каби ҳиммат ва ғайрат кўрсатмагандир. Хизматларингизнинг таърифи учун қалин жилдлар ёзмоқ керак бўлур. Тарки ватан фикридан воз кечингиз. Улуғ устод! Биз халқ номидан, давлат номидан, уларнинг отиси[1] номидан қилган илтимосимизни ерда қолдирмангиз.

---

[1] Келажаги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Одамлар қадларини ростлаб, ҳар чеккадан қисқагина, лекин самимий сўз билан Султонмуроднинг фикрини қувватладилар. Навоийнинг эски қадрдони қари шоир гапирди.

— Дўстим, муқаддас ерларга бормоқни орзу қилибсиз. Мен айтаменки, муқаддас ерларнинг шамоллари бу томонга эсиб келиб, сизнинг оёқ изларингиздан бўса олсин... Алалхусус, юртнинг фалокатли кунларида бу хаёлни батамом ёддан чиқаринг, дўстим!

Навоий бошини кўтарди, қўллари билан салласини пешонадан сал юқори силжитди. Ҳамма кўзлар унга самимий муҳаббат ва ўтинч билан боқарди. Ўлтирганларнинг ҳаммаси Хуросон илм ва санъатининг нодир сиймолари, жондан яқин дўстлари эдилар. Мана Беҳзод ва Музаҳҳиб, Султонали ва Зайниддин, Султонмурод ва Мир Мумтоз, устод Қул Муҳаммад ва Шайх Ноий ва ҳоказолар — булар замоннинг ажойиб устодлари эдилар. Ҳатто бундаги одамларнинг истеъдодларини, қиймат ва аҳамиятларини ҳеч бир йўл билан таққослаб, даражаларга айириш мумкин эмасди. Чунки ҳаммалари камолатнинг ёрқин тимсоллари... Мана ҳаммадан ёш Хондамир. Унинг кўзлари шундай ғамгин: у улуғ тарихчи бобонинг ўлимидан сўнг, тамоман шоирга суяниб қолган эди. Яна Ҳиротда қанча маънавий тўлғин, ажойиб асрдошлари бор. Ҳиротнинг ҳар бурчагида ўнлаб, юзлаб ҳунар, касб эгалари борки, уларнинг қўллари ҳар кун, ҳар соат ақл, ҳусн мўъжизаларини чиқарадилар. Уларнинг ҳаммаси шоирнинг замондошлари; уларнинг кўпларини шоир илҳомлантирган эмасми? Азамат тарих яратган халқ! Унинг фахри, ғурури, севгиси, ғояси бўлган халқ! То тирик экан, унинг ғамхўри бўлмоқ ва жилла бўлмаса, унинг қайғуларини ўртоқлашмоқ шоирнинг ҳаёт ақидаси эмасмиди?

Навоийнинг юрагини аламнинг пўлати чуқур тилиб кетди. Йиғлагуси келди-ю, лекин ўзини тутиб қолди.

— Дўстларим,— деди у ҳазин,— халқ номидан қилинган илтимосга бош товламоқ, эътироз этмоққа қодир эмасмен. Жамики муқаддасотдан[1] халқ сўзи азиз ва маънодордир. Халқим учун орзуларимдан эмас, бошимдан ҳам кечишга ҳозирмен...

Мажлис аҳли бениҳоя қувонч билан тарқалди.

---

[1] Муқаддас, эзгу нарсалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## УТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

1

Арслонқулнинг бекорчи куни эди. Четларига ингичка жияк қадаб, чевар хотини тикиб берган олача тўнни кийиб, маҳалладан гузарга чиқди. У ёқ-бу ёққа разм солиб ясовуллар ва навкарларнинг юзида фавқулодда жиддий ташвиш, ҳаракатларида ошиғичлик сезди. «Бир нима бор» деб ўйлади ичида, аммо бир оздан кейин қалъа тарафидан келаётган бир гуруҳ танишларини учратди. Сипоҳилик қилмаган йигитлар ва ёши улғайган одамлар жангга кетаётгандай, мукаммал қуролланган эдилар. Йўлни тўсиб, улар билан сўзлашди. Подшоҳ Музаффар Мирзони Астрободдан ҳайдаган Муҳаммад Муҳсин Мирзога қарши юришда бўлганидан фойдаланиб, эски исёнчи Бадиуззамон тўппа-тўғри Ҳиротга бостириб келаётганини, шаҳарнинг мудофаасини Алишер Навоий ўз устига олганини билдирдилар. Арслонқул ичида аллақандай керилиб илжайиб қўйди: «Навоий лашкарбоши!» У қалъа томонга илдам кетаркан, Валибек билан бирга Алишер Навоий узун, силлиқ ҳассасини ерга секин-секин қўйиб, қаршидан чиқиб қолди. Арслонқул, одати бўйича, югуриб борди. Қўл қовуштириб салом берди. Навоий тўхтаб қараркан, сер ташвиш юзига табассум югурди.

— Ҳа, йигит,— деди Навоий ҳассасига тиралиб,— кўринмайсен, иш-кучинг қандай?

— Ҳаммаси жойида, тақсир,— жавоб берди Арслонқул,— муддаомни айта қолай, тақсир, рухсат беринг, навкар бўлайин!

Навоий хурсандлик ифода қилган кўзлари билан Валибекка қаради. Ҳар вақт зардали, аччиғ сўз, дағалроқ, лекин шу билан баравар содда, камтар бек ўткир кўзлари билан Арслонқулга бошдан-оёқ қараб қўйди.

— Йигитнинг сараси ёв босганда билинади,— деди Навоий.— Юрт учун қўлингни ишга ур. Қалъага югур, аслаҳа ол!

Арслонқул ҳовлиқиб, ҳалпиллаб уйга қайтди. Эшикдан бош суққан ҳамон Дилдорга: «Сандиқни оч!»— деди.

— Нима гап? Сандиқдан нима олурсиз?



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қилич! Қилич керак ҳозир...— жавоб берди Арслонқул сабрсизланиб.

— Қилич? — ноз билан чўзиб сўради Дилдор. — Нима кераги бор сизга?

Арслонқул беихтиёр ижирғаниб, воқеани тушунтирди. Кейин ўз-ўзига дегандек: «Дунёга келиб қилич чопмаган одам, билмаймен, не десам бўлади» деб қўйди.

Тўлишган, орқа-бели тирсиллаган гўзал гавдасини серкиллатиб Дилдор даҳлиздан хона ичига кирди. Сандиқни очиб, қилични эрига узатди. Арслонқул қилични бир қаришча суғуриб, пўлатига тикилди-да, яна суқди. Кейин уни чаққонлик билан тақиб хотинига жилмайиб қаради.

— Ярашди!— деди эрига суқланиб қараб Дилдор.— Аммо ботирлар учун қиличдан ўзга қуроллар ҳам керак.

— Албатта, қолганини қалъадан олурмен.

— Эркаклар бахтиёрлар...— кўзларини хаёлчан сузиб деди Дилдор ҳам айтмоқни мўлжаллаган сўзини тил учида қисиб, орқага бурилди.— Тез боринг, шаҳар тинч бўлсин.

— Ташвишланманглар!— кўзлари ола-зарак бўлиб тикилган кампирга деди Арслонқул,— Навоий шаҳарга ёвни киритмас асло!

— Ҳазрат Навоий саркарда бўлсалар, эрлар эмас, аёллар ҳам жангга тайёр!— деди Дилдор.

— Жоним тасаддуқ бўлсин у кишига!— ҳаяжонланиб деди кампир.

Арслонқул кескин одимлар билан кўчага отиларкан, мактабдан қайтган ўғилчаси қизиқиб, қиличга ёпишди, тақмоқчи бўлди. Арслонқул унинг юмшоқ лўппи юзини бармоқлари билан аста қисиб, қалъага чопди. У ерда унга қалқон, ёй, ўқ бердилар.

Шаҳарни Кўҳи қофдек ўраган муаззам қўрғон олдида қуролли, қуролсиз одамлар кўп. Буларнинг ичида рангпар, нозикниҳол косиббаччалар, Рустам қомат, ўмровли азаматлар бўлганидек, қадди букчайган чоллар ҳам бор эди. Арслонқул баланд, баҳайбат қўрғон тагида ўзига зеб бериб бироз кезди. Бирон нарса қилиш кераклигини ҳар ким сезса-да, лекин нимадан бошлашни ҳеч ким билмасди. Мана, ювош, чиройли қора йўрға отда Навоий келди, оломон ўртасида тўхтади. У, сипоҳиларнинг бари подшоҳ билан кетганлиги, пойтахтни ёлғиз



www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ ёрдами билан мудофаа қилиш мумкинлигини сўзлади. Шу ондан бошлаб қўрғонни мустаҳкамлашга бел боғламоқ кераклигини уқдирди. Халқ ҳар ёқдан қичқириб, суюкли шоирнинг, меҳрибон отанинг фикрини маъқуллади.

Халқ қўрғонни мустаҳкамлашга киришди. Ола-тасир иш бошланди. Дастлаб қўрғоннинг шикастларини тузатишга киришилди. Тупроқ қазиган, лой қорган, тош ташиган одамларнинг сони йўқ. Борган сари яна халқ ортади. Ёш-қари чуввос кўтариб ишлайди. Навоий гоҳ отда, гоҳ пиёда пайдо бўлар, қилинган ишга диққат билан қарар, истеҳкомлар қуриш ишида тажрибали кишилар билан сўзлашарди. Қурама халқнинг сурон билан, қўлни-қўлга тегизмай, руҳланиб ишлашидан завқланган каби, унинг ташвишли юзида, соқолларида, бутун вазиятида, мамнунлик жилваланарди.

Бир ҳафта ичида шаҳар қўрғони мудофаа учун бутунлай яроқли, мустаҳкам ҳолга келди. Шунда Бадиуззамон қўшинларининг яқинлашгани маълум бўлди.

Бир ҳафта терлаб-пишиб ишлаган Арслонқул юксак, кунгурадор қўрғон устида, гўё эски қалъа бегидай, мағрур, секин, пишиқ одим отиб юрар, шаҳар ташқарисида, узоқда, ёрқин шуълаларда чўмилган кўм-кўк боғлар, хиёбонлар, экинзорлар орасидан кўзга илғанган йўлларга диққат билан тикилиб қўярди...

Кечга яқин узоқда душман отлиқлари сийрак, ғирашира кўриниб қолди. Қўрғондагилар ўқ-ёйларини маҳкам ушлаб, ҳаяжон билан бир-бирларига кўрсата бошладилар. Арслонқул бир қўли билан қош устини пана қилиб, ўшшайиб қаради. Юпқа чанг орасидан дам кўриниб, дам ғойиб бўлган қандайдир, қўғирчоқдай отлиқларни пайқади. Қўрғон йўлларидан пастга югурди. Гўё ундан бошқа ҳеч ким Навоийни огоҳлантириши мумкин эмас каби, олақароқ бўлиб, шоирни қидирди. «Дарвозаий мулк»га яқин жойда, афтидан, иш кўрган бир гуруҳ йигитлар билан қуршалган Навоийни кўриб, югурди. Фақат, яқинлашгач, нима тўғрисидадир жиддий гап бўлаётганини сезиб, диққат билан қулоқ солди.

— Астрободдаги қўшин келиб етгунча,— ҳассага суяниб, сокин гапирарди Навоий,— биз пойтахтнинг ёлғиз мудофаа чорасини кўрурмиз, бирон ердан душманга йўл бермаслик керак. Алалхусус дарвозаларни яхши сақла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ керак. Бадиуззамон Мирзонинг қувватларини яхши синамасдан туриб, қўрғон ташқарисида рўй-рост жанг қилмоқни ман этурмиз. Тунларда бедор бўлмоқ лозим. Хусусан, бу кеча мудофелардан ҳеч бири бир дақиқа кўз юммаслиги шарт. Астрободдан қўшин келгач, Бадиуззамон икки ўт орасида қолиб қовурилмаслик учун, ўзи чекилиб кетмоққа мажбурият сезгай, ёки, акс ҳолда тору мор бўлур.

Шоир кўзларини паст тушириди. Унинг юзида бир зумгина чуқур изтироб кўлкаси жилваланди. Кейин ҳазин товуш билан давом этди шоир:

— Ота-ўғил бир-бирига қўшин тортмоғи, бир халқни икки гуруҳга айириб, ноҳақ қон тўкмоғи улуғ гуноҳдир. Бундай дардисар воқеалар, беҳуда, бемаъно ҳаракатлар тездан бартараф бўлиб, сулҳ ва саломатлик, иттифоқ ва муҳаббат қуёши эл кўкида абадий барқарор бўлсин!

Қуролли йигитлар чуқур ўйга берилиб, ғамгин кўзларини ерга тикдилар. Арслонқул бармоғини тишлаган ҳолда, гўё Навоийни илк марта кўргандек тикилди-қолди. Орқадан таниш овозларни эшитгач, ҳушёрланиб қайрилди: Султонмурод билан Зайниддинни кўрди. Салом бериб кўришди. Зайниддин қини эски, кўримсиз бир қилични тақиб олган эди. Арслонқул жуда севинди. Бирга жанг қилмоқни орзу қилди.

— Ўзи жангга қанотланур,— деди дўстидан норозиланиб Султонмурод,— менга қилич эмас, ҳатто пичоқ тақмоқни ҳам ман қилур. Бу қандай жабр?

— Йўқ, тақсир,— кулимсираб мурожаат этди Арслонқул,— сиз баҳузур ўтириб ёзинг, қалин китобни тезроқ битиринг. Манави даст панжаларнинг бири,— қудратли қўлларини кўрсатиб давом этди у,— сиз жаноб учун жанг қилур!

Шу вақтда тулпор отни ўйнатиб, қарчиғайдай парвозга тайёр Валибек келиб қолди. Қамчининг кумуш дастаси билан отнинг қора ёлини тараб-тараб, йигирмага яқин йигитни айирди. Уларга шаҳарнинг жанубига, «Дарвозаий Ферузобод»га илдам етиб боришни, одати бўйича, зарда билан буюрди. Бу аччиғ сўзли, серзарда бекни йигитлар севар эдилар. Улар тиззаларига урилган қиличларини шарақлатиб югура қолишди. Кейин Валибек чақчайган, ўткир кўзларини қолган йигитларга, шу



www.ziyouz.com kutubxonasi

жумладан Арслонқулга қадаб, қамчи дастаси билан юқорига, қўрғонга ишорат қилди.

Арслонқул қалъа устидан узоқликларга боқиб, ҳалигина қуёш нурларида ювиниб, балқиб, сокин, ширин ухлаган гўзал боғларда, экинзорларда энди бошвоқсиз қора молларнинг диринглаб чопганини, тугун, қоп, бўғча орқалаган эркак, аёл, бола-чақаларнинг чанг ичида саросима-саргардон югуришганини кўрди. Навоийнинг сўзларини эслади. Ҳўмрайиб, ерга қараб ўйлаб қолди. Бир халқни, бир юртни душман гуруҳларга айириб, жиққамуш қилган шаҳзодаларни лаънатлади: «На отасини ҳурмат қилур, на элдан уялур, бу ҳаромзодалар!»

Қуёш дарахтзорларни тутақтириб, минораларнинг ҳилолларида. Ҳирот жоменинг етти азамат тоқларида, гумбазларда, узоқда отларда югуришган йигитларнинг дубулғаларида олов чақнатиб, уфққа чўкди. Оқшом қораси аста-аста қуюқлашди. Кўкда юлдузлар чамани очила борди. Шаҳар ичи ҳам, қўрғон ташқариси ҳам сокиндек эди. Баландликда шамоллар сезиларли салқинлик билан эсарди. Кеча ўзган сайин узоқдан ўқтин-ўқтин шовқин кўтарила бошлади. Бу ерда, қоронғуликда эриган юзларча мудофелар бир муддат жим қотиб, қулоқларини кечанинг қаърига диккайтирдилар. Ваҳимали товушлар тингач, Арслонқул кулиб, ўзича шивирлаб қўярди.

— Қанотларинг йўққи, бу Садди Искандардан учиб ўтсаларинг... Ичкари киришнинг иложини топмай, эшик тагида миёвлаган мушукбаччадек, бу қалъа остида ҳали кўп сарсон бўласенлар!

Бир оздан кейин пастда, яқинроқда қандайдир ҳаракат, шовқин аломатлари сезгандек бўлди-да, Арслонқул диққат билан пастга қулоқ солди. Лекин унинг ёнидаги муллабаччанамо икки ўспурин зўр бериб форсича ғазаллар ўқир, қичқириб талашур эдилар.

— Бас, Ҳирот булбуллари!— ўдағайлади Арслонқул,— жангда ҳам байтбозлик!

— Кимсиз, хўш, ғазал ўқимоқ гуноҳми? Сизга ёқмаса, қулоғингизга пахта тиқиб олинг!— зарда билан қичқирди улардан бири.

— Номоз ҳам вақтида фарз!— бўш келмади Арслонқул. Кейин ташқи ҳаракат ва шовқин ҳақидаги гумони беҳуда эканига ишонгач, юмшаброқ гапирди:— Ўқимоқ, талашмоқ, албатта, қаймоқдек фойдали нарса. Аммо



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзимизча, Навоийча, туркона ширин-ширин, маъноли байтлардан ўқинглар. Бу нима, форси бозор?!

Ҳар икки ғазалхон хохолаб кулиб юборишди. Дўқ билан бошланган алоқа дўстликка айланди...

Ой кўтарилди. Унинг юмшоқ нурларида ҳамма нарса, ҳамма ёқ қандайдир майин, нозик, мудроқ бир тус олди. Узоқдаги катта ҳовузлар кумуш лагандек ялтираб кўринди. Айниқса «Боғ жаҳон оро»нинг шимол тарафидаги жуда катта ҳовуз ва тўрт ёнидаги тўрт улуғ, серҳашам иморат ой нурида шундай яқин, шундай гўзал кўриндики, Арслонқул анча вақтгача кўзини узмади...

Ярим кечага яқин жилла узоқ бўлмаган жойдан бирдан кучли, ваҳимали шовқин кўтарилди.

— Худди «Дарвозаий қипчоқ»ни ёв босди! — деди мудофелардан бири.

Арслонқул диққат билан қулоқ солиб: «Тўғри! Ёрдамга бормоқ керак, бу ер — тинч» деди. Бу ерга, «Дарвозаий мулк»га энг яқин, шаҳарнинг айни шимол тарафида бўлган дарвоза у эди. Ҳайқириқлар тинмади. Юзбошидан рухсат олиб, Арслонқул ўн чоқли йигит билан, қўрғон устидан ёрдамга югурди. Фақат бир оздан кейин шовқин секин-секин пасайиб, айрим, қисқа, ҳаяжонли қичқириқларгина янграй бошлади.

Ғавғо қўзғалган жой қипчоқ дарвозасидан анча берида экан. Бу ерга етгач, Арслонқул қизғин ҳаяжон билан ҳансираб бир-бирларига гап уқдираётган одамлардан бирининг елкасини туртиб: «Не воқиа бўлди» деб сўради.

— Нима, маълум... Бир лаҳза хунрезлик бўлди...— жавоб берди қарамасдан у.

Арслонқул одамларнинг қизғин баҳсига қулоқ солиб, бирпасда воқеанинг тафсилотини билиб олди. Бадиуззамоннинг йигитларидан бир дастаси шоти қўйиб балоқазодек пайдо бўлган. Ўзларига илк учраган бехабар мудофелардан бир нечасини қилич билан чопиб ташлаганлар. Шовқин кўтарилгач, ҳар ёқдан мудофелар йиғилиб, уларнинг ўзларини қириб ташлаганлар...

— Ҳай, қараб юринглар! Жасадлар...— кимдир қичқириб қўйди. Ер қондан сирғончиқ эди. «Ноҳақ» қонни босиб Арслонқулнинг кўнгли бузилиб кетди. Четланиб қўрғон кунгурасига суялди.

Бирдан ҳамма жим бўлиб, қўрғон кунгурасига четланди. Алишер Навоий билан Валибек пайдо бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Арслонқул шуурсиз равишда шоирга яқинлашиб, фармон кутгандек, қўл қовуштирди. Навоий ҳассасини ўзидан бир қадамча нарига тираб, икки қўл билан уни ушлаб қаддини бир оз олдинга эгиб ҳаммани кўздан кечирди...

— Не ишлар бўлди бу ерда?

— Тинчлик, тақсир!— жавоб берди Арслонқул Навоийга.

— Қонли ғавғодан сўнг тинчлик денг!— киноявли овоз билан деди Навоий. Баъзилар беихтиёр кулиб қўйишди. Арслонқул нима дейишини билмай, уялгандек атрофга аланглади. Мудофелардан бири воқеани тафсили билан баён қилди. Навоий йигитларга далда берувчи сўзларидан кейин, ҳушёр бўлмоқ кераклигини уқдирди.

— Энди яқинлашсалар, шоту поту билан ағдарамиз!— деди мудофелардан бири бепарволик билан қўлини силтаб.

— Огоҳ бўлсангиз, ағдарурсиз, акс ҳолда бу азим тоғдан сизни улоқтирурлар!— ой нурида кумушлашган соқолларига ёйилган табассум билан деди Навоий. Кейин жасадларни эҳтиёт билан йиғишга буюрди, ҳам аста-аста юриб кетди. Ойдинда турли вазиятда чўзилиб ётган қонли гавдаларга кўз ташлаб, Валибекка қаради, чуқур афсусни ифода қилган бир ҳаракат билан бошини тебратди. Валибек кескинлик билан деди: «Уволлари шаҳзоданинг бўйнига!»

Жасадларни йиғиштира бошладилар. Йигирма қадамча нарида катта салласининг печини елкага туширган, узун тўни устидан қилич таққан қандайдир бир муллабачча бир гавда ёнида чўккалаб, бирдан дардли қичқирди: «Ҳей, кўҳна фалак, эй ғаддор қисмат! Хуросоннинг бу бебаҳо гавҳарини зулм тиғи билан синдириб, тупроққа қориштирдингми!» Арслонқул ичида «Мулланинг сабоқдоши ўлганга ўхшайди. Бу халқ ўзи сўзда лофчи бўлади. Улар учун, бизлардан бошқа ҳамма, Хуросоннинг бебаҳо гавҳари!»— деб ўйлади, кейин муллабаччага таскин бермоқ учун борди. Бир қўли билан муллабаччанинг елкасини қоқиб жасад устига энгашди, тўсиндан юраги ёрилиб кетгандай, бутун гавдасини совуқлик ва алам чангаллади, кўкрагига уриб чўккалади: бу Зайниддин эди! Бўйнидан ва елкасидан шикаст еб, қон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

га бўялган дўстини Арслонқул қучоқлади, кенг пешонасидан ўпди.

— Кимингиз!— сўради муллабачча йиғили товуш билан.

— Дўстим, оғам, юрагим...— куйган, бўғилган овоз билан жавоб берди Арслонқул.

— Мен мусиқида, шатранжда, хаттотликда бу кишининг шогирдимен,— деди муллабачча.

— Бу ерга сиз ётқиздингизми?— сўради Арслонқул.

— Йўқ, қайсибир инсофли одамнинг иши бу.

Зайниддин четда, қўрғон кунгураси остида ётар, салом берган каби қўллари кўксида, салласи эса ёстиқча қилиниб бош тагига қўйилган эди. Арслонқул жасадни пастга олиб тушмоқчи бўлди. Дарров чопонини ешиб, ерга ёйди. Кейин бир қўлини икки оёқ тагидан, иккинчи қўлини елка остидан ўтказди. Бўйни ярмига қадар кесилганидан, бошни авайлаб тутишни муллабаччага уқдирди-да, энди ердан узмоқчи бўларкан, кимдир унинг ёнига чўққайиб, ҳансираб деди:

— Арслонқул, озор берманг, жуда эҳтиёт бўлинг!

Арслонқул чўчиб қайрилиб қараса: қалпоқни бостириб кийган, катта эн чакмонли, қилич таққан йигит.

— Сен? Дилдор? Нима қилиб юрибсан?— ҳовлиқди Арслонқул. Бу «йигитнинг» найдек майин, хуш оҳанг, аёлча товуши муллабаччани ҳам ажаблантирган эди. Уни ҳақиқатан аёл эканини билгач, ҳайрати яна ошди.

— Кейин сўйлашармиз...— жавоб берди Дилдор.— Олиб тушинг пастга. Бечора Зайниддин.

— Жанг томоша эмас. Мана бундай даҳшатлари ҳам бўлади!— деди Арслонқул хотинига пичинг қилиб.

— Ўзим ҳам билурмен...— ўпкаланиб деди Дилдор.

Учовлари эҳтиёт билан кўтариб, чопонга ётқиздиларда, қўрғоннинг қоронғи зиналаридан пастга олиб тушдилар. Арслонқул бир танишини арава топиб келишга юборди. Муллабачча Зайниддиннинг уйига кетди.

— Қани, сўзлангиз, баҳодирим!— деди Арслонқул Зайниддиннинг бошида ғамгин ўтирган хотинига.

— Кеча бир нафас бўлсин, уйга кириб чиқмадингиз,— жиддий гапира бошлади Дилдор.— Шаҳар куршовда қолибди, деган хабарни эшитиб, сиздан ташвишландим, баъзи вақтда ҳаддан ташқари, ўзингизга ишонасиз. Хуфтондан кейин узоқдан ваҳимали товушлар эшитилди. Юрагим ҳовлиқди. Сира уйқим келмади. Кам-



www.ziyouz.com kutubxonasi

пирни ухлатдим, раҳматли чолнинг чакмонини кийдим. Қалпоқни бостириб кийиб, сочимни яширдим. Ҳа, бундан аввал Тангри Берди ясовулникига чиқиб, унинг қизидан, сиз учун, деб қилич сўрадим. Яхши қилич берди. Кўрдингизми, буни қаранг, ёлғиз қини қанча туради?— қилични кўрсатиб, давом этди Дилдор:— қилични тақиб олдим. Тўғри Қипчоқ дарвозасига келдим. Бизга яқин, сиз шу ерда бўлсангиз керак, деб ўйладим. Одам қалин. Ҳарким ўзи билан овора. Ҳеч ким менга қиё боқмади. Йигит — йигит! Қўрғонга чиқиб, айланиб ҳар учраганга зимдан бир қараб, қидирдим. Ниҳоят, тополмаслигимга ишондим. Бир вақт мендан нақ эллик-олтмиш қари[1] нарида бирдан ғавғо қўпди. Мен беихтиёр югурдим. Ёв йигитлари шоту қўйиб чиққан экан. Беомон қирғин бўляпти. Шу вақтда урушувчилар орасида бири танишдек кўринди. Эгилиб қарасам, Зайниддин оға... Қиличимни суғуриб, мен ҳам тўғри келган ёвни урдим. Ишонмасангиз, мана тиғимни кўринг. Қон. Атрофдан йигитлар етишиб, бизга қалқон бўлишди. Бўлмаса, мени ҳам, бошқаларни ҳам ўлдирардилар. Ёв қирилди. Эсимни йиғиб, у ёқ-бу ёққа қарасам, Зайниддин оға қонга беланиб ётибди. Юрагим қонади! Сўзласам, у кишидан садо чиқмайди. Аста-аста четга суриб ётқиздим...— Дилдор кўзига ёш олиб, жим бўлди.

— Кейин?— хўрсиниб сўради Арслонқул.

— Пастда, дарвозада Навоий ҳазратлари билан Султонмурод домлани икки марта узоқдан учратган эдим.— давом этди Дилдор.— Балки, яна учраб қолишар, деб югурдим. Йўқ, тополмадим... Яна бошқа ўликлар билан қўшиб, бирон жойга элтиб ташламасинлар, деб илдам қайтдим.

Қандай килиб Зайниддиннинг жасади тепасидан чиққанлигини Арслонқул ҳам айтиб берди.

Тонгга яқин арава келди. Муллабачча кўрпа келтирди. Жасадни кўрпага ўраб, авайлаб аравага солдилар. Арслонқул болалардан хабар олмоқ учун Дилдорни тезда уйга жўнашга қистади, қиём чоғида Зайниддиннинг уйига келиб, оиласига таъзия билдириши кераклигини уқдирди-да, ўзи бошини қуйи солиб арава ёнида кетди.

Марҳумни қари онаси, синглиси ва яқинда бир кўп можаролардан сўнг уйландиги хотини — шоира, қўшиқ-

---

[1] Тахминан, бир қулоч қадар узунлик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

чи гўзал аёл — эшикда эссиз, ҳушсиз ҳолда қарши олдилар.

Кун чиққан вақтда Зайниддиннинг кенг ҳовлиси дўстлар, яқинлар, ақраболар билан тўла эди. Пешинда Навоий бошлиқ қалин халқ унинг жанозасига қатнашди. Султонмурод қайғудан бутунлай мажолсизланган эди. Уни қабристонга Арслонқул суяб-қўлтиқлаб олиб борди. Зайниддинни унинг бобоси машҳур тиб олимининг соғанаси ёнига кўмдилар. Султонмурод тунамоқ учун дўстининг қабри бошида қолди.

* *
*

Бадиуззамоннинг ўнг қўли бўлган қари баҳодир Зулнун Арғунбек Ҳиротни забт этиш учун қаттиқ курашарди. Қўрғон олишда қўлланадиган ҳамма йўлларни, чораларни қилиб кўрди. Ҳамма урипишлари мудофеларнинг жасур қаршиликларига учраб, натижасиз битди. Кейин-кейин мудофелар ўз кучларига ишонадиган бўлиб қолдилар. Пайт пойлаб, дарвозалардан чиқиб, хийла узоқлашар, душманга қисқа, лекин ўткир зарбалар бериб, яна дарвоза ичига қайтар эдилар. Бундай чиқишларда Арслонқул албатта иштирок қилар, аксар вақт ўзи ташаббускор бўларди.

Бир кун шаҳар ташқарисида бўлган анча давомли тўқинишда Арслонқул қандайдир бир бекзоданинг пешонаси оқ қашқа, ажойиб тулпор отини ўлжа тушириб олди. Ғурур билан дарвозадан миниб кириб майдонда гижинглатиб юраркан, дарвоза томонга аста келаётган Навоийни кўрди. Отдан тушиб, етаклаб, шоирнинг қошига борди:

— Салом!— бир қўлини кўксига қўйди Арслонқул.

Навоий саломга жавоб қайтарди, кейин эгар-жабдуқлари безакли, наслдор отга қараб сўради.

— Кимнинг оти?

— Тақсир, сизники,— жавоб берди илжайиб Арслонқул.— Биринчи ўлжамни сизга туҳфа қилмоқчимен...

Навоий соқолини серкиллатиб, кўзларини қисиб кулди.

— Ўлжанг ўзингга қуллуқ бўлсин,— деди шоир,— қандай жанг қилдинг, жанг қоидасини биласенми?

— Биринчи навбатда шижоат керак,— жавоб берди Арслонқул,— кейин йўл-йўриғини билиш ҳам катта фой-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да бераркан. Мана, ҳозир биз ўттиз киши Бадиуззамоннинг эллик-олтмиш йигитини ўбдан хирпаладик.

— Қандай қилиб?— сўради Навоий қизиқиб.

— Мен бир пора йигитларни олиб, ёвнинг орқасига ўта билдим, биз бир боғнинг деворларини пана қилиб, ўтдик — кўрмай қолдилар. Икки ёқдан ўқни узавердик, қани қўзғолиб кўрсинчи! Хийла ноҳақ қон тўкилди... Ачиндим...

— Баданга чиққан ёмон ярани табиблар кесиб ташлайдилар,— деди Навоий,— ўзга иложимиз йўқ. Баданнинг чириган жойини кесиб, руҳни саломат сақламоқ керак... Оғир кунларга қолдик, йигит!

Бадиуззамон лашкари пойтахтни қирқ кун қуршаб ётди. Шаҳар мудофелари қирқ кеча-кундуз сабот ва ғайрат, фидокорлик кўрсатдилар. Арслонқул ҳам бирон кун қалъани ташламади... Баъзан кечалари Дилдор келар, икковлари қўрғон устида беш дарвозали катта шаҳарни аста-аста айланиб чиқардилар. Душманнинг кутилмаган ҳужумини, қаерда бўлмасин, даф этмоққа тиришардилар. Ниҳоят, Астрободдан Ҳусайн Бойқаро қўшин суриб келаётгани маълум бўлгач, Бадиуззамон шаҳардан узоқлашиб кетди.

Шаҳар мудофеларининг бир қисми Ҳусайн Бойқаро лашкарига бориб қўшилди. Булар ичида Арслонқул ҳам бор эди. Ота, ўғил ўртасида очиқ далада тўқнашувлар давом этди.

Арслонқулни Валибек бир даста навкар билан атрофдан қўшин учун ем-хашак йиғишга юборди. Қишлоқма-қишлоқ кезиб йигитлар бир-бирларидан айрила бошладилар. Баъзилар у баҳона билан ўз қишлоқларига бориб, оилаларининг ҳолидан хабар олиш учун кетдилар. Баъзиларга тайёрланган хашакни олиб бормоқ учун қишлоқларда бир кун-ярим кун қолишга тўғри келди. Арслонқул ёлғиз ўзи узоқ туманларгача борди. Бир вақтлар қишлоқ боласи бўлган бу йигит деҳқонларнинг феъл-ҳуйини яхши билганидан, улар билан тез топишиб кетди. Ҳар икки томон учун оғир бўлмаган шартлар билан анча ем-хашак йиғиб юборди ва ўзи ҳамманинг кўзини ўйнатадиган тулпор отда далада кезди, унда-мунда қўноқ бўлди. Уч-тўрт кундан кейин қўшинга қайтмоқчи бўлиб йўлга тушди. Поёнсиз саҳрода танҳо ўзи отини елдириб бораркан, ўзидан ўнг ёқда қарши томонга тез кетаётган бир отлиқнинг қораси кўринди. Олдин



www.ziyouz.com kutubxonasi

эътибор бермади. Бир оздан кейин отлиқ баландликка кўтарилгач, тикилиб, уни ўзи билан бирга чиққан йигитлардан бирига жуда ўхшатди, отга қамчи бериб, у томон югурди. Кўп ўтмасданоқ йўловчининг қаршисидан кесиб чиқди.

— Йўл бўлсин, Тўғонбек, қаерга?— қичқирди Арслонқул.

Тўғонбек ҳўмрайиб, кўпирган отини тўхтатди-да, йигитга қаттиқ тикилди. Кейин, қаерда кўрган эканмен, дегандай, қалин лабини буриб қўйди.

— Бойқаро Мирзонинг йигитимусен, ё шаҳзодалардан бирининг?— сўради Тўғонбек тўнглик билан.

— Навоийнинг йигитимен.

— Не дейди ўзи,— кичик кўзларини йигитга қадади Тўғонбек. Кейин айёрча кулиб давом этди:— юр, яхши йигит, Марвга борамиз. Шаҳзода Абулмуҳсин Мирзога бўйсуниб, қизиқ ишлар қиламиз. Бахтинг бўлса, улуғ киши бўлиб кетарсен.

— Сен ўзинг нима бўлдинг? Подшоҳнинг буйруғидан қўрқиб, саргардонга ўхшайсен. Хўш, Музаффар Мирзо қўллаб қўлтиқламадими? Марвга бориб, яқинда босилган исённи яна кўтармоқчимисен? Ах, бадбахт!— жирканиб деди Арслонқул.

Ғазабдан Тўғонбекнинг кичик кўзи ёниб кетди. Қўлидаги кумуш даста қамчи титради.

— Малъун, сен бу саҳрода йиртқичларга ем бўлмоқчисен!— деди титраган овоз билан Тўғонбек.

— Кўрамиз!— баҳодирона қаддини ростлаб, дадил гапирди Арслонқул.— Қилган зулминг учун мен ҳозир сендан ўч оламен!

— Қандай зулм, гапир, ит ўғли!— қамчинни кўтарди Тўғонбек.— Ким билан сўзлашасен? Ҳаддингни бил, қулбачча!

— Дилдор деган қизни бир вақтлар олиб қочиб, кимларга тортиқ қилдинг? Кўз олдимда деҳқонларни савамадингми? Товонингдан бўйнинггача гуноҳ.

Тўғонбек йигитнинг вазиятида овига чанг солмоқчи бўлган бургутни кўрди. Энди унинг аччиғини юмшатишга қарор қилди:

— Бўҳтонлама! Яхшиликча хайрлаш-да, йўлингга кет. Ўч олмоқ ундай осон нарса эмас.

— Гап тамом. Қиличингни суғур, бек. Майдон кўрган одамсен-а!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғонбек бир нафас атрофга аланглади. Кейин ёмон, аччиғ тиржайди. Даккам-дуккам мўйлабларини чимтиб, Арслонқулнинг қўлида ярқираган қиличга назар ташлади.

— Ростми?— қиличига қўл узатди Тўғонбек.

— Ҳазилни ёмон кўрамен,— ҳансираб жавоб берди Арслонқул.

Иккисида ҳам қалқон йўқ эди. Тўғонбек чарчаган отини қаттиқ силтаб кейинга тислади ва чаққонлик билан йигитнинг чап ёнига сакраб ўтди-да, бўйнини мўлжаллаб қилич кўтарган ҳамон, Арслонқул кучли, чарчамаган отни бир силтаб, олдинга сакратди. Бўш кетган ҳамланинг зарбидан Тўғонбек букчайиб, от ёлини ушлаб қолди. Яна отни силтаб, чаққонлик билан йигитнинг орқасига ўтишга тиришди. Арслонқул отни нарига сакратиб, кейин бирдан кескин буриб, гўё душманни от билан янчгудек, тик отилди-да, қаттиқ зарб билан Тўғонбекнинг бошига қилич солди. У ерга оғир қулаб тушди. Оти ҳуркиб шаталоқ отиб қочди. Арслонқул ерга сакраб яна бир неча қилич солди. Кейин унинг қонга беланган гавдасига энкайди. Ханжарини суғуриб, бошини кесиб олиб кетмоқни кўзлади. Аммо, нақ кесиш олдида, айниб қолди. Қўлини силтаб, ханжарни қинига тиқди. Тўғонбекнинг олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан безалган қиличи, ханжари, камарини олди. Отга миниб, узоқда дам ўт чимтиб, дам чиройли бошини кўтариб теваракка жовдираган қизил жийрон томон юрди. Бевош от уни анча овора қилиб, ниҳоят, чизимчаси оёқларига ўрашгандан сўнг, таслим бўлди.

Арслонқул йўлда тунаб, эртаси чошгоҳ вақтида лашкаргоҳга етиб келди. Етовдаги отни танимаган одам оз эди. Дарров Арслонқулни қуршаб олдилар. Арслонқул отдан тушмасданоқ можарони сўзлаб берди. Йигитлар кўпроқ унинг ўлжасига ҳаваслandилар. Ўлжа отни силаб-сийпаб ҳар ким ўз билганича, унинг таърифини қила бошлади.

Арслонқул ўз тўдаси турган чодирга борди. Заранг товоқдаги умочни катта қошиқ билан ҳўр-ҳўр ичиб, гоҳ бир зумгина шерикларига қарар, можаронинг тафсилотидан бирон гап айтиб, яна ошаркан, биров Навоийнинг чақираётганини хабар қилди. Арслонқул уч-тўрт қошиқни устма-уст ичиб, ўрнидан турди. Устки лаб арайиши энликкина тарашланган мўйлабини, қопқо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ра, қисқа, дағал соқолини қудратли даст панжа билан артди-да, йирик, ҳапқат одимлар билан жўнади.

Атрофдаги ҳаракат ва шовқинларга тамом бепарво каби, ўз чодирида нимадир ёзиб ўтирган чол дилдорлик билан қаршилади.

— Гапир, сендан қизиқ ишлар содир бўлмоқда,..— деди Навоий улуғвор кулимсираб.

Арслонқул саргузаштнинг ўткир, рангли томонларини камтарлик билан яширишга тиришиб, оддий бир воқеани ҳикоя қилгандай айтиб берди.

— Боши қани?— сўради Навоий.

Арслонқул кўзларини катта очди.

— Ишонмайсизми? Оти, қиличи, камари далил бўла олмайдими? Боши қурсин...

— Ишонамиз...— деди ва кулиб давом этди Навоий.— Аммо сенга унинг боши қадар олтин инъом қилмоқ керак эди. Золимнинг боши учун олтин бермоқ ғоят савобли иш.

— Бу томони ҳеч бир хотиримга келмабди-да,— чайқалиб қўйди Арслонқул.

— Бошқа жиҳатдан ҳиссасини чиқарамиз,— деди Навоий қатъият билан.— Сен қолган умрингни сипоҳиликка бахш эт. Биз хоқонга арз этиб, сени юз боши ёки минг боши тайин этдирурмиз. Сен халқ ўғлисен. Иншоолло, халққа фойдали ишлар қилурсен, навкарларни яхши парвариш этиб, юртнинг осойишталигига ғайрат ва ҳимматингни асло аямассен. Бу фикримни маъқул топарсенми?

— Отанг боласи бўлма, эл боласи бўл деганлар. Элга хизмат қилмоқ бурчимиздир,— Навоийнинг ишончи ва илтифотидан таъсирланиб, жавоб берди Арслонқул.

— Раҳмат,— деди Навоий,— ватан ва унинг саломатлиги учун ҳар бир жон ҳар лаҳза ўзини қурбон этмоққа ҳозир турмоғи керак.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, тақсир!— деди, ҳам қуллуқ қилиб ташқари чиқди Арслонқул.

## II

Ота-бола орасидаги бемаъни уруш, адоват кун сари Навоийнинг юрагини чуқурроқ эзарди. Ҳар икки томон қатъий узил-кесил жангларга ботинмасди. Гоҳ-гоҳ шид-



www.ziyouz.com kutubxonasi

датли тўқинишлар рўй берар, лекин улар уруш тақдирини ҳал қилишдан ожиз эди. Уруш узоқ давом этиб инсон ҳаётини оз-оз қамраб, охирда «тома-тома кўл бўлар» дегандай, кўп қонлар беҳуда тўкилиши мумкин эди. Ёки Бадиуззамон мамлакатнинг бир бурчига чекилиб, уруш-жанжал қидириб юрганлар орасида янги кучлар тўплаб, яна ҳаракат бошлаб, даҳшатли фалокатлар келтириши мумкин эди. Бу андиша Навоийни қаттиқ ташвишга солди, ниҳоят, балонинг олдини олишга қарор берди.

Ҳусайн Бойқаро қошига кириб, вазиятни тушунтирди. Исёнчи валиаҳди билан мустаҳкам сулҳ барпо этиш кераклигини талаб қилди. Ўғилларнинг юрагида муҳаббат ва садоқат, инсоф ва номусдан бирон учқун қолмаганига қаттиқ ишонган подшоҳ дастлаб бу таклифга эътибор бермагандек қаради. Ойларча давом этган қонли жанглардан кейин, шикаст еб, сулҳ таклиф этган, ҳатто тиз чўкиб ўз гуноҳининг кечирилишини тилаган ўғиллар, сал ўтмай, унинг орқасидан янги исён кўтарар, у пойтахтга етиб бир кун ором олмасдан, қўшинни орқага сурар эди. Қари, касал Ҳусайн Бойқаро бир ўғилни бўйсундириб, енгил сулиш олгунча, иккинчисининг устига юриш қилишга мажбур бўларди. Лекин муттасил сафарлар бездирган, чарчатган эди. Бундан ташқари, Астрободдами, Балхдами, Марвдами, Машҳаддами бирон жойда исёнкор ўғилларнинг ёки ҳали ханжарини енг учида яшириб турган бошқа бир ўғилнинг исёнини кутар эди. Навоий сулҳ шартларини ҳам сўзлаб, ўз талабида қатъий тургач, подшоҳ кўнишга мажбур бўлди.

Қари, бедармон шоирни қўлтиқлаб отга миндирдилар. Қувончли, миннатдор кўзлар бу сулҳ элчисини, гўё янги ойнинг олтин ўроғини илк кўриб, бахт ва саломатлик орзу қилганлар каби, узоқ вақт кузатиб қолдилар. Навоий ҳафталарча жанг майдони бўлган далада кетарди. Онда-сонда ўқлар, узуқ-юлуқ от асбоблари ётарди. Ўтларнинг устида ноҳақ тўкилган қонлар қуриган лола баргидай кўзга ташланарди. Шоир қошларини чимирди, пешонадаги чизиқлар яна қуюқлашди: «Душман икки шоҳдан, бир-бирига яқин ва дўст икки дарвеш яхши» деб бир вақтлар айтган мисралари ёдига тушди. От тақир тепаларга чиқиши билан, пастда Бадиуззамоннинг қароргоҳи — чодирлар, ғивиллаган одамлар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

чопишган отлар кўзга чалинди. Аста чайқалиб йўрғанинг бошини тортиброқ юраверди. Қароргоҳга яқинлашаркан, танишлар югуришди. Бадиуззамоннинг улуғлари ҳам келишди. Шаҳзоданинг ҳамсуҳбатларидан шоир мавлоно Замоний ҳам қуллуқ қилди.

— Мирзонинг қошига элтинглар мени,— деди отдан тушиб, нафасини ростлаб Навоий.

Одамлар: «Марҳамат, марҳамат» деб эҳтиром билан йўл бошладилар. Мана, Бадиуззамон, қари, содда, сўзи ва ҳаракати телбароқ баҳодир Зулнун Арғунбек ҳам бошқа яқинлари билан чодиридан чиқиб, шоирни қарши олди. У ҳамма вақтдагидек, завқ ва нозиклик билан кийинган, аввалгидек чиройли, хушмуомила эди. Ҳурмат билан элчини ўзининг жуда серҳашам хос чодирига таклиф қилди.

Навоий шаҳзоданинг илтимоси билан ҳаммадан юқори ўтирди. Зулнун Арғунбек ва бошқа юқори мансабдорлар ҳар қайсилари ўз мавқеларига яраша жой олдилар. Яқиндаги бошқа бир чодирдан ёқимли мусиқи ва аёлларнинг гўзал қўшиқлари эшитиларди. Навоий сеҳрли садоларга беихтиёр берилди. Лекин кўп ўтмасдан, садолар бирдан кесилди.

— Шаҳзода, мен сулҳ барпо этмоқ кайфиятида келдим,— Бадиуззамонга мурожаат этди Навоий.

— Бу калима ҳаммамиз учун бебаҳо эди,— деди Бадиуззамон жиддий ва сокин,— аммо зот олийларига маълум бўлган баъзи ҳодисалар бу калимани батамом маъносиз этиб қўйди...

— Хато қиласиз, шаҳзода,— ишонч билан деди Навоий,— мамлакат, давлат, эл-улус сулҳ ва осойишталикка ниҳоят ташна экан, ҳаёт ва саломатлик ёлғиз шу калимага боғлиқ экан, сиз қайси мантиқ билан аксини исбот қила олурсиз?

Навоий давом этди:

— Ақли салим соҳиби учун бу имконсиздир. Мен аминменки, сиз жаҳолат тиғини синдирмасангиз, биродарларингиз номуссизлик ботқоғига кун сайин чуқурроқ ботаверсалар, бу муборак юртда ҳаёт ўчоғи соврилур. Мақсадларингиз нима? Биз сизлардан нима кутган эдик? Алҳол нималар кўрмоқдамиз? Хатоларни тузатмас экансиз, юрт сизни асло кечирмас! Иниларингиз сиздан намуна олмоқдалар. Сиз фалокат бошчиси бўлиб қолдингиз!



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бадиуззамоннинг юзи оқариб кетди. Хуш мўйлаби титради, лабини тишлаб ерга қаради. Қари сардор Зулнун Арғунбек оғир сулиш олди.

— Ўғлимнинг мотами дилимга чуқур жо бўлган...— деди қайғуланиб Бадиуззамон.

— Қўлларини гўдак қони билан бўяганларни, кимлар бўлмасин, ҳеч вақт оқламаймен, кечирмаймен. Ҳар вақт уларга лаънат ўқиймен!— деди Навоий ҳаяжонланиб.— Аммо халқ ва давлат айбдор эмас. Буни яхши фаҳмламоқ керак, ахир...

Бадиуззамон яна отадан кўрган ҳақсизликлар тўғрисида шикоят қилди. Навоий юрт, халқ олдида, тарих олдида шахсий гиналарнинг ҳеч қиммати йўқлигини исбот этмоққа тиришди. Ҳақиқий инсоннинг фазилати ҳақида гапириб, деди:

— Инсон учун тож киймоқ шарт эмас, балки номус ҳам виждон соҳиби бўлмоқ, жамият олдида ўз масъулиятини сезмоқ шарт!

Бадиуззамон сукут қилди. Лекин кўзлари билан Зулнун Арғунга нимадир ишорат этди.

— Мир жанобларининг сўзлари маъқул...— деди мажлисга қараб қари саркарда, содда, дағал товуш билан.— Аммо не асосда сулҳ ясалмоғи керак — бу жиҳатни билсак яхши бўлур эди.

— Шартларни ҳам келтирганмен,— мажлисни кўзлари билан синаб деди Навоий,— бу шартлар асосида асло бузилмас, ҳамиша барқарор бир сулҳ тузмоғимиз керак.

— Билсак мумкинми?— сўради Бадиуззамон.

Навоий Балх вилояти ҳам Амударёдан то Мурғобгача бўлган ерларни идора этмоқ ҳуқуқи шаҳзодага берилиши мумкинлигини сўзлади.

Бадиуззамон маслаҳатлашмоқ учун Зулнун Арғун ҳам бир неча яқинларини олиб, ташқари чиқиб кетди. Навоий шаҳзоданинг шоири бўлган мавлоно Замоний билан суҳбатлашиб ўтирди. Мавлоно Замоний сўз орасида собиқ қози Шаҳобиддин ҳақида гапирди. Ўзини Бадиуззамон тарафдори кўрсатиб, бу ерга қочиб келган ва шаҳзода томонидан катта илтифот кўрган қози аслида Музаффар Мирзонинг жосуси экани, ҳам куни кеча яширин ҳужжатлар билан қўлга тушгани, букун эрта билан дорга осилгани ҳақида гапирди. Навоий жиноятчиларнинг тақдири ҳамиша разил, шарманда, машъум



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир равишда битажагини катта ишонч билан баён қилди.

Бадиуззамон кириб сулҳ шартларини қабул этганини билдирди. Бу кундан бошлаб ҳар қандай душманлик ҳаракатларидан воз кечишини шоирга қатъий ваъда этди. Зиёфатдан кейин шартнома тузилиб, имзо чекилди.

Иккинчи кун эрта билан Бадиуззамон ўз лашкарини кўчиришга бошларкан, Навоий Ҳусайн Бойқаро қароргоҳига сулҳ олиб келди. Сулҳ хабари бу ерда ҳамманинг юрагини фавқулодда қувонч билан тўлдирди.

Кечга яқин шоир Ҳиротга кирди. Йўл-йўлакай бутун халқ уни табриклаб, ўз муҳаббати ва миннатдорлигини намойиш этди.

Мана «Унсия». Шеър ва фикр ўчоғи. Олимлар, шоирлар, рассомлар, наққошлар, чолғучиларнинг илҳом булоғи... Ҳиротнинг, бутун Хуросоннинг, Мовароуннаҳрнинг кўрки, ифтихори, қалби ва виждони. Яна дўстлар — яқинлар келишиб, шоирнинг муҳаббати билан руҳларини гуллатиб кетдилар.

Осмоннинг тиниқ зангорисида тўлин ой нур ўтовини тиккан. Саноқсиз юлдузларнинг муаззам, улуғвор оҳангида кеча жимгина пинакка кетган. Юпқа ой нурига ўралган боғчалар кузнинг салқин нафасидан енгил титрайди. Хоналарда чироғлар ёқиғлиқ. Мулозимлар, хизматкор аҳли, ҳар вақт бўлиб турадиган меҳмонлар, яқинлар бирон нарса билан машғуллар. Соҳиб Доро қаламни сиёҳдонга ботириб, кўзларини юмиб қофия қидиради. Хизмати ва садоқати билан бу даргоҳда соқолини оқартирган Шайх Баҳлул ўз хўжасининг девонини ўқийди. Бир хонада шатранж ҳаваскорлари қизғин ўйин билан банд. Бир хонада ҳисоб-китобга эпчил мулозимлар шоирнинг кундалик хайри эҳсонлари учун сарф бўлган маблағларини дафтарга ёзиб, ҳисоблайдилар. Ҳовлида отбоқар содда халқ қўшиғини куйлаб, аста кезинади...

Шоир ўз хонасида танҳо ўтиради. Нечундир умр қуёшининг шомга кираётганини у кейинги вақтларда, ёлғиз қоларкан, кўпроқ ўйлай бошлади. Ўлим дўстларини бирбир чақирмоқда. Ҳасан Ардашер қани? Пир Муаммоий, жона-жон Муҳаммад Саид паҳлавон қани? Жомий қани? Буларни ўйларкан қалбида дард мавжланади. Бу — ўлимдан қўрққанидан эмас, балки ҳали қилмоқчи бўлган ишларнинг, ёзилмаган мавзуларнинг кўплигидан...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгги йилларнинг ташвишлари, изтироблари, меҳнат олтмишдан ошган шоирни оёқдан чалаёзган эди. У тақдирнинг ранг-баранг жилваларини кўрди. Нашъасини ҳам, қайғусини ҳам айни донишмандона тур ва қараш билан кечирди:

Гаҳи топдим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдим замондин комронлиғ.
Баси иссиғ, совуқ кўрдим замонда,
Баси аччиқ, чучук тотдим жаҳонда.

Шоир ўз ҳаётида яратган илмий, маданий муассасаларнинг яшашини, хайри эҳсонларнинг ўзидан кейин ҳам каттароқ миқёсда давом этишини орзу қилди. Ҳозир уни «Вақфнома» ёзиш фикри эгаллаб олди. Мадрасаларнинг, «Шифоия»нинг, хонақоҳнинг таъминоти, талабаларнинг нафақаси, мударрисларнинг маоши учун лозим маблағлар, муҳтожларга бериладиган кийим-кечак, байрамларда халққа тортиладиган таомлар, етим-есир, камбағалларга кундалик хайр қозонлари ва бошқа инъомлар, эҳсонлар учун қанча қўй, қанча ҳўкиз бериш, ҳалимга қанча буғдой солиш, қанча ботмон ундан нон ёпиш, қанча пуд ҳалво, қанд-набот ва ҳоказо кераклигини батафсил кўрсатган бир китобча — «Вақфнома» ёзмоққа қарор қилди.

Лекин олдин «Муҳокаматул луғатайн»ни битириш керак. Она тилида «Хамса» яратди, «Чор девон» яратди. Улуғ форс шоирлари каби, шеърнинг ҳамма шаклларида қаламни жасур сурди. Шеърнинг, «туркий соз»нинг садолари билан ўз тилининг қудратини, ҳуснини, бойлигини исбот қилди. Энди буни мантиқ билан, илмий усулда исбот этиш керак. Бутун Шарққа донг чиқарган форс тили билан хўрланган она тилини кураш майдонига олиб кириш керак. Қани қайси паҳлавон тўла қонлироқ экан!

Шоир дарича ёнида, шамга яқин ўтириб, қаламни қоғозлар бетида қитирлатди. Икки тил — ўзбек ва форс тиллари — икки паҳлавон. Улар гоҳ мантиқнинг гурзисини кўтарадилар, гоҳ ҳусн ва салобатларини намойиш қиладилар. Гоҳ қўйинларидан дур ва гавҳарларни ҳовучлаб-ҳовучлаб сочадилар, гоҳ хуш садоликни ишга соладилар.

Бу ажойиб, бемисл курашни томоша қилғали Фирдавсийдан бошлаб мавлоно Жомийга қадар ҳамма улуғ форс шоирлари келган эдилар. Ҳар қайсилари ўз обрў-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларининг юксак поясида ярқираб ўтирардилар. Лекин улар тилларининг курашидан нохушлана бошладилар: форс паҳлавони қай бойлиги билан чиранмасин, ўзбек ботири уни қизартириб қўяди!

Навоийнинг қалам тутган қўли толди. У паҳлавонларнинг курашига қизиқсиниб, узоқ ўтириб қолганини сезмади. Кейин курашнинг давомини эртага қолдириб, ўрнидан турди. Ўз паҳлавонининг қудратига ишонган, уни қатъий ғалаба билан олқишлаб, кураш майдонидан қўлларида кўтариб, ардоқлагали келган улуғ азамат форс шоирлари ранглари ўчган, алланечук бўшашган бир ҳолда кўздан ғойиб бўлдилар. Уларнинг орасида фақат марҳум мавлоно Жомий ўзбек паҳлавонига офарин ўқиб, унинг елкасини қоқди.

Навоий ўрнидан турди. Юрагида шодлик денгизи чайқаларди:— она тилининг ғалабаси унинг ғалабаси, унинг суйган халқининг, тарихининг ғалабаси эди. Шоир шамни ўчирди. Ҳассани қўлга олиб, ётоқ уйга кирмоқ учун, уюшган оёқлари билан аста-аста юриб, ташқари чиқди. Салқин тоза ҳаво юзларига ёқимли урди. Чексизликда муаззам оҳанг билан оққан юлдузларнинг нафаси, боғчадаги дарахтларнинг шитирлаши, ярим кечада ип игирган жафокаш кампир чархининг «ғу-ғуви», узоқда карвон тевалари қўнғироғининг вазмин оҳанги — барчаси шоирнинг кўнглига бир хилда яқин, таниш, маънодор туюлар, барчасини у чуқур севар эди...

## УТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Изғиринли очиқ кунда эрталаб Султонмурод тамом битган қалин, оғир китобни — «Жомиул фунун»[1]ни шоҳи рўмолга ўраб, қўлтиққа олди-да, уйдан чиқди. Тафаккур билан уйқусиз кечирилган саноқсиз тунларнинг машаққати, турли даврларда, турли тилларда минглар-ча китоблардаги одамизод фикрининг яратувчи ақл билан сараланган, мантиқнинг ўткир тиғи билан тарашланган қимматдор гавҳарлари бу қалин китобда эди. Султонмуроднинг аввалги асарлари унинг обрўйга сабаб бўлган эса, бу — унинг ғурури эди. Бу хазинани ҳақиқий хазинадорга, маслаҳати, илҳоми, моддий таъми-

[1] Фанлар тўплами.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ноти билан кўмаклашган Навоийга тақдим этмоқ учун олиб бормоқда эди. Олим ишонч билан бошини кўтарган, юрагида баҳор тошқинларидай куйлаб оққан шодликнинг мусиқиси билан енгилланиб, лой қотмаган йўлларда гўё учгандек кетарди.

«Унсия»га кириш билан олим бу даргоҳнинг мулозим ва хизматкор аҳлининг бўздай оқарган жонсиз юзларини, эгилган қадларини кўриб, оёқлари ерга михлангандек, қотиб қолди. Гўё кимдир бу одамларни ўлим жазосига буюрган: улар ҳозир ҳаётдан кўз юммоқ учун ўз навбатларини кутиб турадилар!

— Не бўлди?— сўради Султонмурод анқайиб.

— Мир жаноблари хаста ётибдилар,— мажолсиз овоз билан жавоб берди бир хизматкор.

Тубсиз бир ўпқинликдан сакрагандек, олимнинг юраги «шув» этиб кетди. Навоийнинг хонасига югурди. Катта хонада Ҳиротнинг тиб илмида нодир одамларидан бўлган ўндан ортиқ табибни, Дарвешалини, вазир Хўжа Афзални, яна шоирнинг баъзи яқинларини кўрди. Хаста уйнинг тўрида тўшакда ётарди. Устига хитойи атлас кўрпа ташланган.

Султонмурод оёқ учида юриб, китобни шоирнинг тепасидаги токчага қўйди. Кейин хастанинг пар ёстуққа ботган бошига, гўё сажда қилган каби, энгашди. Ҳайҳот! Бутун фикр оламининг ифодаси билан боқувчи доно кўзлар юмуқ. Юзда сезилар-сезилмас изтироб. Султонмуроднинг кўзларидан қизғин булоқ тошди. Узоқ тикилди: «Улуғ устод, мен қаламга олган китобимни битирдим!» — кўпроқ энгашиб, дард билан гапирди олим. Хастанинг кўзлари бир зумгина мажолсиз очилди. Лаблари қимирлаб, нимадир сўзлади. Султонмурод эшитмаган бўлса ҳам, кўзларининг маъносидан, лабларининг ҳаракатидан шоирнинг қувонганини билди.

Хўжа Афзал олимга яқинлашиб, унга таскин беришга тиришиб, юпантирувчи сўзлар айтди. Табиблар оёқ учида дам эшикка чиқиб, дам қайтиб шивирлашиб, ўзаро кенгашар эдилар. Аксари яна қон олишни маслаҳат берарди. «Касал сакта»[1]ни даволаш учун, эски юнон табиблари ва Абу Али Синодан тортиб букунги табиблар қўллайдиган ҳар бир чорани кўришга, ҳар бир доруни тайёрлаб, татбиқ этишга ғайрат қилишарди.

[1] Бирпасда сезги ва ҳаракатнинг тўхтаб қолиши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод табибларга кенгаш тариқида баъзи мулоҳазаларини сўзлаб, уларнинг ишига халақит бермаслик учун ташқари чиқди, хоналардан бирига кирди. Бунда Осифий, Сухайлий, Ҳофиз Ёрий, Мир Мумтоз, Ғиёсиддин Деҳдор ва ҳоказо шоир, олим, санъаткорлар намли, қизарган кўзларини ўспурин Хондамирга тиккан эдилар. Султонмурод бир чеккага ўтирди.

— Хоқон Соҳибқироннинг истиқболига чиққан одамлар,— ҳикоя қиларди кўрганларини Хондамир,— «Форён» работида қарор топдилар. Кечани бу ерда ўтказдик. Тонг отганда, Навоий ҳазратлари работ деворларига, эшикларига мусофирлар ёзиб кетган ҳар нав ёзувларни ўқимоққа бошладилар. Энг аввал шоирнинг кўзлари шу қитъага тушди:

Дарин дақиқа бимонданд жумлаи ҳукамо,
Ки одамий чи кунанд боқазойи кун-фаякун,
Фруғи набз чи шуд мунҳариф зи жунбиши асл,
Балойи ажз фуру рафт пойи Афлотун,
Салоҳи табъи чи суйи фасод рўй ниҳол,
Бимонд беҳуда дар дасти Бу-Али қонун[1].

— Алишер жаноблари бу қитъани маъқулладилар. Мен буни шу онда ёзиб олдим. Бир оз фурсатдан сўнг, барчамиз «Маликшоҳ» работига қараб юрдик. Рўбарўдан соҳибқироннинг маҳофалари[2] кўринди. Шу аснода тақдир иқтизоси билан Алишер жанобларининг ҳоллаларида ғариб тағайюр[3] рўй берди. Хўжа Шаҳобиддин Абдуллони чақириб: «Ҳолимдан огоҳ бўлингиз, аҳволим оғир» дедилар. Бир нафасдан сўнг отдан тушдилар, аммо истиқбол учун илгари юрмоқдан ожиз қолдилар. Дарҳол Хўжа Шаҳобиддин билан мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқладилар. Бу касали сакта Мирни такрор ҳаракат ва сўзлаш қобилиятидан маҳрум қилди. Кўнгилларда қайғу жўш урди. Азиз хастани маҳофага ётқизиб, Ҳирот сари юрдик, ҳакимлар йўлда қон олдилар. Лекин фойда бермади. Ярим кечада бу муборак манзилга етиб келдик... Эй воҳ, бақосиз фалак!

---

[1] Бундай нозик ишда яъни қазо етганда, барча ҳукамо ожиз қолдиларким, одам тангри хоҳиши билан бўлган қазога қарши нима қила олади? Қачонки, томир чароғи асл ҳаракатдан ўчиб қолса, Афлотуннинг ҳам оёғи ожизлик ботқоғига ботиб қолади. Табиатнинг саломатлиги бузуқ томонга қараб юзлангач Абу Али Сино қонунларининг ҳаммаси бекорчи бўлиб қолади.

[2] Подшоҳнинг араваси маъносида.

[3] Ўзгариш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хондамир кўз ёшини артиб жим бўлди. Ҳамманинг боши букук, кўнгли синиқ эди. Хондамир ҳикоясидан кейин ҳеч ким оғиз очмади. Ҳамма дардли, оғир сукутга ботди.

Рангида қон қолмаган одамлар устма-уст келарди. Табиблар бениҳоят ғайрат кўрсатар, янги-янгилари келиб даволашга уринардилар.

Бу дард илаки ўлармен мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балога нечора қилғайлар?

Шоир ўз касали ҳақида тўғри айтган экан шекилли, касал соат сайин оғирлашарди. Эртаси, якшанба куни, тонг чоғида шоир ҳаёт билан видолашди.

Букун — ҳижри 706 йил 12-жумодилохир — тарихда улуғ мотам куни бўлди. Бутун Ҳирот ҳасрат билан уйғонди. Қора хабар юракларга сингди, дарднинг оловида кўмир бўлиб ёнди. Ҳамма ўз бошида ўлим кўлкасини сезар, иқрор қилар, лекин улуғ шоир учун буни ҳатто фараз этишга ҳам ботинмас эди шекилли! Ҳар бир ҳиротлик ёлғиз ўз юрагида эмас, бутун шаҳарда, бутун мамлакатда қандайдир эзувчи бўшлиқ сезарди. Гўё ҳаётга руҳ бағишлаган, нарсаларга маъно берган нимадир ғойиб бўлди. Катта боғлар, хиёбонлар, мадрасалар, жомелар, майдонлар, кўчалар халқ билан лим-лим. Лекин бутун шаҳар қандайдир бўш ва ўксиз... Қариларнинг кўркам соқолларидан томчилар юмалайди. Гўдаклар фавқулодда жиддийлашган. Улар совуқ ҳавода бурунларидан кўра, кўпроқ енг учи билан кўзларини артадилар. Ўз тарихида не-не улуғ зотларни кўмган Ҳирот ҳеч вақт, ҳеч қайси мотамда букунги мотамдагидек қайғу гирдобида чирпинмаган.

«Унсия»нинг ичи лим-лим одам. Юзлаб олим, юзлаб шоир, юзлаб санъаткор, шайхлар, садрлар, мансабдорлар, ҳунармандлар, деҳқонлар кириб, шоир билан видолашар, ҳўнграб-ҳўнграб чиқардилар. Улардан кейин яна янги тўлқин оқарди...

Дарвешалини дард букиб қўйган. Қадрдон мулозимлар Шайх Баҳлул, Соҳиб Доро, Маҳмуд Тойбодий ва бошқалар эса ҳушдан айрилганлар. Айрилиқ, муҳаббат, кўз ёши тўғрисида сайраган шоирлар, бу сўзларнинг ҳақиқий, улуғ маъносига энди етганлар.

Мана Беҳзод. Шоирнинг, ўз устозининг бошида унинг йиғиси, ўлмас асарлари каби, чуқур, маънодор.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мана, кечаги содда баҳодир, дўлвор йигит — букун минг навкарнинг бошлиғи Арслонқул. У булутдай ўкириб йиғлайди. Шоирлар билан бир қаторда қаҳрли жанговар беклар йиғлайди...

Эркаклардан бўшалган хонага аёллар кира бошлади. Юзлаб сарой хонимлари йиғлаб келишди. Булардан сўнг келган юзлаб халқ аёллари — қизлар, келинлар, кампирлар — тимқора кийиниб, фарёд билан ҳавони зириллатдилар.

Султонмурод сокин, улуғвор ётган улуғ ўликни сўнг дафъа қучоқлаб чиқаркан, даҳлизда хотинлар орасида Дилдорга кўзи тушди — тимқора кўйлак, нозик қошларига қадар тушган тимқора рўмол. Қора, шаҳло кўзларидан дур-дур ёш қуюлади. Султонмурод оғир хўрсинди, гўё ичида бир олов тутоқди: «Йиғланг, синглим, йиғланг! Букун бутун бир умр учун тўйиб йиғламаган кўзлар абадиян кўр бўлур!» — деди Дилдорга у. «Оҳ, тақсиржон, йиғи кучсиз. Қуймоқ, кул бўлмоқ керак!» — деди Дилдор бўғилган овоз билан.

Шоирлар, шеър ҳаваскорлари, олимлар, ҳатто табибларга қадар, қайғуни, Навоийга бўлган муҳаббатларини шеърга қуймоққа бошладилар. Икки, тўрт, олти, саккиз мисрали «тарих»лар саноқсиз пайдо бўла бошлади. Парча-парча қоғозлар қўлдан-қўлга ўтиб, кўчирилиб, янги илҳомларни тўлқинлантирди. Ҳар бир сўзидан, йиғи, фарёд кўтарилган, қайғу барқ урган ажойиб «Марсия»лар яратилди. Шоирнинг мотамини шеър гуллари безади.

Шоҳиларга ўралган тобутни шоир дўстлари, жанговар беклар, Ҳиротнинг аъён ва акобирлари кўтариб чиқдилар. Халқнинг фарёди кўкни титратди. Улуғ мотамга бепарво қолишни истамагандек, осмондан булутлар ҳам дув-дув томчилар қуйдилар... Тобут халқ денгизи устида чайқалиб, мингларча қўлларда узатилиб, «Унсия»дан бир пасда узоқлашиб кетди. Ҳар ким бу тобутга жилла бўлмаса бармоқ учини тегизиб қолишни бахт, инсоний бурч деб билар эди.

Ўн мингларча қўлдан ўтган тобут «Идгоҳ»да тўхтади. Мотам маросимига мувофиқ, дабдаба билан Ҳусайн Бойқаро ҳозир бўлди. Бу ерда жаноза ўқилди. Тобут яна халқ тўлқини устида сузди. Шоирни, ўзи солдирган гўзал бинолардан бири — «Жоме»да, абадий қарори учун илгаридан ясаб қўйган масканига ёткиздилар...



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улуғ қабрнинг устида Ҳирот йиғлади. «Жоме»нинг азамат пештоқлари, само каби гумбазлари изтиробли садолардан титрарди.

Оқшомдагина кўчаларда, боғ ва майдонларда одам тўлқини сийракланди. Султонмурод ва Арслонқул бошларини қуйи солиб, хиёбон бўйлаб, аста кетардилар. Қуёш оловланган булутларга ботиб, уфққа шўнғир эди. Хиёбон охирида Султонмурод хўшлашмоқ учун, тўхтади. Қизариб шишган кўзлари билан Арслонқулга қаради.

— Азиз отамизнинг фикрини, йўлини ҳимоя қилмоқ учун,— деди Султонмурод бўғиқ ва ҳазин овоз билан,— қиличингизни маҳкам тутинг, баҳодир!

— Мен тиғим билан,—қиличининг сопини қисиб, деди Арслонқул,— сиз ўз илмингиз билан халққа, юртга хизмат қилайлик!

Олим билан ботирнинг қўллари севги-садоқатнинг кучи ва самимийлиги билан маҳкам бирлашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ВАРИАНТЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Навоий» романи Ойбекнинг бошқа барча асарлари сингари қўлёзма ва босма вариантларига эга.

Адиб, афтидан, 1938—1939 йилларда Навоий ҳақидаги романини ўз хаёлида пишитиб, шу йилларда уни ёзишга киришган. Аммо романнинг биринчи бобини тугатгач, ундан қаноат ҳосил қилмаган бўлса керак, роман устида олиб бораётган ишини тўхтатган. Орадан маълум бир вақт ўтгач, адиб яна романни қайтадан бошлашга аҳд қилган. Романнинг қоралама автограф вариантидаги қайддан маълум бўлишича, Ойбек 1940 йилнинг 6 январида романни қайтадан ёза бошлаган. Адиб ўзининг «Қисқача таржимаи ҳоли»да бу ҳақда қуйидагича маълумот беради: «Ниҳоят, «Навоий» романини ёзишга тутиндим. Романни уруш йили, қиш фаслида совуқ хонада жинчироқнинг титроқ хира шуъласида ёзганман. Бу романни 1942 йилда тамомладим. У 1944 йилда ўзбек тилида, 1945 йилда эса рус тилида босилиб чиқди» (Ойбек. Асарлар, I-том, Тошкент, 1968, 11-бет).

Совет кишиларини ўтмишдаги жанговар анъаналар асосида, шунингдек, ватанпарварлик ва гуманизм руҳида тарбиялашни тақозо этган давр талаби билан ҳали ёзиб тугалланмаган романнинг айрим парчалари вақтли матбуот саҳифаларида босилди ҳамда алоҳида китобчалар ҳолида нашр этилди.

Ушбу томни тайёрлашда романнинг таянч матни унинг барча мавжуд қўлёзма ва босма нусхалари билан солиштирилди.

### Томда қабул қилинган қисқартиш ва белгилар

*1-қўлёзма* — романнинг 1940 йилга қадар ёзилган биринчи бобининг қўлёзма нусхаси.

*2-қўлёзма* — романнинг 1940 йил 6 январда қайтадан бошланган қоралама қўлёзма нусхаси.

*«Қизил Ўзбекистон»* — шу номли газетанинг 1941 йил 1 июнь сонида романнинг ўн тўртинчи бобидан қисқартиб олинган парча.

*1941* — Ойбек. Навоий (қиссадан парча). Тошкент, 1941, 38 бет. Масъул муҳаррир Н. Сафаров.

*1944* — Ойбек. Улуғ шоир («Навоий» романидан парчалар). «Жангчилар кутубхонаси» серияси. Тошкент, Ўздавнашр, 1944, 77 бет. Редактор Порсо Шамсиев.

*1944* — Ойбек. Навоий (роман), Тошкент, Ўздавнашр, 1944, 524 бет. Редактор Ҳамид Олимжон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*1948* — Ойбек. Навоий (роман). Тошкент, Уздавнашр, 1948, 447 бет. Редактор Абдулла Қаҳҳор.

*«Ёш ленинчи»* — шу газетанинг 1951 йил 4 январь сонида романнинг иккинчи бобидан босилган парча.

*1954* — Ойбек. Навоий (роман). Тошкент, Ўзадабийнашр, 1954, 423 бет. Редактор А. Алиев.

*1963* — Ойбек. Навоий (роман), Тошкент, Ўзадабийнашр, 1963, 436 бет. Редактор Ж. Насриддинов.

*1969* — Ойбек. Асарлар (ўн томлик), 4-том, «Навоий» (роман), Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969, 323 бет. Редактор Иззат Султон.

1. / белгиси таянч нашр матни билан унинг қўлёзма ва босма вариантлари орасига қўйилади. Таянч нашрларининг сатри, жумласи ёзилгандан кейин бу белги қўйилиб, сўнг солиштирилаётган қўлёзма ёки босма нашридаги фарқ қиладиган жумла, сатр ёзилади.

Жумладан, таянч нашр матнининг 29-бетидаги 32-сатр қуйидагича ёзилган: «тўнғиллаб сўради Тўғонбек». Бу жумладан кейин /белгиси қўйилиб, солиштирилаётган қўлёзма ёки босма нашрдаги фарқ ёзилади. Бу қуйидагича: «тўнғиллаб сўради Тўғонбек»/ «бошини кўтармасдан, ўзига хос дағаллик билан сўради Тўғонбек».

2. ∽ (тилда) белгиси таянч нашр матнидаги жумла узун бўлса уни қисқартириш учун қўлланилади. Масалан, таянч нашр матнининг 30-бетидаги 3—7-сатрлардаги «Маждиддин илжайиб бош қимирлатиш билан тасдиқлади. Тўғонбек ҳам қаддини ростлаб, енгилланиб олди-да, эрта билан келишга ижозат сўраб, дўсти билан бирга қўзғолди» жумла қуйидагича қисқартирилади: «Маждиддин илжайиб бош қимирлатиш билан тасдиқлади. ∽ дўсти билан қўзғолди».

## I. РОМАННИНГ ҚЎЛЁЗМА ВАРИАНТЛАРИ

### *1-қўлёзма*

### Биринчи боб

### I

Хонақоҳнинг пинжига тиқилган кичкина ҳужрада беш киши — «беш толиби илм» ғуж бўлиб, гурунглашиб ўтиришар эди. Мадрасанинг гумбази орқасига ўтган қиш қуёшининг нурлари ҳужра эшикчасининг тепасидаги чор бурчак ёғоч панжарада сўнгани ва эшикча зич берк бўлгани учун ҳужра ичида шом қоронғуси ҳукм сурар эди. Мадраса ҳужраларининг ёруғ, баҳаво, кенг-ковул бўлиши одатга, анъанага, бутун зеҳниятга, меъморий санъатига гўё зид бўлган каби, шарқдаги барча муллабачча масканлари бир-биридан қилча фарқ этмайди, дейиш мумкин. «Илм игна билан қудуқ қазиш, деган фикрга ҳужраларнинг андозаси ёрқин бир мисол бўлсин, деб одамлар бир вақтларда шу андозани мақбул кўрганмиканлар? Лекин бундай қоронғуликда гурунглашиш эмас, ҳатто ўқиш, ёзишга ҳам кўзлари одатлангани учун муллабаччаларнинг суҳбати узилмас, балки бу қоронғулик суҳбатга қандайдир бошқа бир латофат бағишлар эди. Булар илм даражалари, ёшлари орасида катта та-



www.ziyouz.com kutubxonasi

фовуг бўлса-да, аксар ишларда «бир ёқадан бош*..., ёш жиҳатдан энг улуғи ҳужра соҳиби Алоиддин Машҳадий бўлиб, 38 ёшларда, ориқ, серсуяк гавдали, чувак юзини дағал қора соқол босган, пайваста қуюқ қошли, угкир-чақин кузли киши эди. Йигирма йилдан буён бу мадрасада истиқомат қилар, бундан сўнг ҳам ҳеч қаёққа кўзголиши белгисиз эди. У шоир, шеърнинг турли навъларида қалам югиртиради, хусусан қофиятга зўр эътибор қилади. Муаммода ўзини ягона бўлмаса-да, ҳар ҳолда чапдастлардан ҳисоблайди. Девон ҳам тартиб қилган. Лекин шу дамгача унинг номи шеър оламига таниқ эмас, фусаҳолар тилида ёдланмайди. Шунинг учун у умидсиз, уксук руҳли. Хонлар бўлмаса-да, хончаларга, беклар; нўёнлар бўлмаса-да улардан қуйироқдагиларга қасидалар тузиб, улардан инъом талаб қилади, саводсиз бекни «Жоме ул улум», «Хазинаи маоний», «Устод ул фузало ва шуаро» дея, унинг хонларга, султонларга, бекларга навкар бўлиб ўтган ота-бобосини «офтоб-оламтоб яратилгандан буён давлат ва иқболи завол кўрмаган», «..салтанат спеҳрининг хуршиди» ва ҳоказо пучак, лекин кўз қамаштирувчи ялтироқ мақташга ғоят моҳир. Бундай...* қаламидан сел каби қуйила беради...* жуда сезгир; арзимаган нарсага бир кишидан кўнгли сал ранжидими, ўшал куни бир ҳажв ила ўз «душмани»ни сўз балчиғига шундай булғайдики, ўқиркан, энг чиркин ва сассиқ нарсаларнинг ҳиди ўқувчининг димоғига «гуп» уради. Муллабаччаларнинг энг кичиги — Султонмурод, ўн тўққиз—йигирма ёшли йигит; у йирик, юмалоқ бошли, миқти гавдали, қийғоч ва туйғун кўзларида шўх нур ўйнайди. Султонмурод Қарши бекларидан бирининг ўғли бўлиб, отаси у «атак чечак» қилган паллада, Мовароуннаҳрда Темур авлодининг ўзаро урушларида душман қўлига асир тушарак, осилиб ўлдирилган ва бутун мулки талон-тарож қилдирилган эди. Султонмурод онасининг меҳнат-машаққати билан улғайиб, бундан уч йил илгари илм таҳсили учун Самарқандга келган эди. У ғоят истеъдодли йигит бўлиб, мадрасада уч йиллик ўқиш муддатда зўр муваффақият кўрсатди. У ғайрат билан барча мавжуд илмларни эгаллаб, ўз замонаси уламо-фузалосининг пешвоси — «саромади» бўлишни орзу қилади.

Қолган уч муллабаччадан иккиси — бири Андижоний, бири Шоший, чамаси ўн йилдан бери мадраса ҳужрасига ихлос билан бош...* ялаб, заҳда сарғайиб-сўлиб келишди. Сабр ва матонат кўрсатсалар-да, лекин унчалик баҳраманд бўлган эмаслар. Андижоний дурустгина овозга эга; ғижжакни ҳам ёмон чалмайди. У ўз мадрасасида ва ўзга мадрасаларда ўқувчи аслзода, соҳиби давлат муллабаччаларнинг базмларига, йиғинчоқларига бориб, мусиқийси ва куйлари билан ўлтиришни қизитади. Бир маҳалла имомининг ўғли бўлган Шоший дарвешликка — сўфиликка майл кўрсатади, шериклари орасида ўзининг «ҳуснихати» билан анча танилади, хаттотликда шуҳрат қозонишга умид қилади, кўпроқ вақтини «гўзал жувонлар» орқасидан кезиш, уларни ўйлаб, «оҳ-фиғон» чекиш билан ўтказади.

Сўнгги муллабачча — Самарқандли Тўсинбек. Бунинг боболари Темур замонида ҳатто бек, ҳоким бўлиб ўтган; улар орасидан машҳур аскар бошлиқлари, давлат ходимлари етишган. Лекин, кейинчалик Темур давлатининг парчаланиши ва ўзаро урушлар на-

---

* Белгиси қўлёзманинг мазкур ўрни йиртилганини билдиради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тижасида бу оиланинг овозаси ҳам сўна бошлаган: дадаси қайси бир сафарда ғойиб бўлди. Обрўли оғалари, тоғойилари ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотганлар. Баъзилари ака-ука, ота-бола султонларнинг урушлар...* баъзилари ўз душманларидан хавфланиб ёки янги бахт қидириб, узоқ элларга кўчган. Ўн етти ёшидан бошлаб Тўсинбек ҳам Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа вилоятларда қайнаган сиёсий курашларга, узлуксиз қўзғолонларга бош-оёқ кириб кетди. Катта мансабларга миниш учун ўлгудай тиришди. Чиғатой султонлари, туркман беклари, ўзбек хонлари ва ҳоказоларнинг остоналарига бош урди, ҳар қайсисида бир муддат хизмат қилди, алдади, алданди, талади, таланди. Ниҳоят, ўтган йили йигирма беш ёшида мадраса ҳужрасига тиқилди. Тўсинбек илм-фаннинг қадр-қимматини англаса-да, лекин бу соҳани ўзи учун тубан билади, бу — ювош, сокин, сабр-қанотли одамларнинг иши. Унинг хаёли ҳар вақт жаҳонгашталик оламида парвоз қилади. У учқур отда чақмоқдай ёниб қиличлашишни, ўқ-ёй отишдаги кучи ва маҳорати билан ҳаммани тонг қолдиришни, қалъаларга босқин ясашни, душманни ғафлатга солиб, кечалари ботир йигитлар билан, қалъаларга шоти қўйиб, ҳой-ҳуй кўтаришни саҳройи дала халқининг овулларига от қўйиб, уларнинг минглаб қўй-эчкиларини ҳайдашни севади...* Бир қишлоқ беклигига тайинланиб, атрофига бир дастагина чопқинчи йигитлардан тўплаб, ҳийла-найранг, алдаш, дўқ, босқинчилик ва ҳоказо ёрдами билан ўзга бек ва ҳокимларни бирор-бирор ағдариш, ниҳоят пойтахтлардан султонларни ҳам қувиб, ўзи хон бўлиш сингари умидларнинг юракдаги алангаси билан яшайди. Бу умидларни амалга ошириш учун бир неча марта жиддий уриниб кўрган бўлса-да, ҳеч нима чиқара олмади. Ҳатто сўнгги дафъа «қинғир юрак» бошқаларга сезилиб қола ёзди. Унинг боши билан бу умидларни кесмакка кўтарилган омонсиз қиличдан зўр-базўр ўзини қутқариб, мадраса ковагини ин қилишга мажбур бўлди. Аммо Тўсинбекнинг томирида қон тепаркан, у бундан қайтмади. Ота-бобоси бек, нўён ҳоким ўтган...

Ўн йилларча тоғ, қир ошиб, қор-ёмғир кечиб, мақсадга яқинлаша олмаган бўлса ҳам, ҳали ишончи комил. Чунки Темурнинг набира, эвара-чеваралари сонсиз. Булардан ҳам янги шаҳзода, хонзодалар тузилиб туради. Бола отага, ука акага, тоға жиянга қарши ва ҳоказо исён кўтариш...* Бир одат бўлиб, қолган. Бундан ташқари катта-кичик ҳар қасаба, ҳар қишлоқнинг беклари, ҳокимлари бор. Мол-мулкка, ҳокимиятга уларнинг иштаҳалари карнай. Шу сабабдан Тўсинбек қонли ғавғоларни, ур-йиқитларни узоқ давом этажагини англайди, булардан ўз ҳиссасини чиқариш учун у фақат ўнғай фурсат ва шароит кўзлайди.

(Тўсинбек паст бўйли, йўғон гавдали, даккам-дуккам мўйлабли; кенг, текис қорамтир юзларининг ёноқлари чиқиқ, қисиқ кўзлари айёрча шўх, эгнида қалин, қўпол эски пўстин, бошида қундузи йўғон катта бўрк...)

Сопол идишдаги кул босиб қолган чўғ атрофида беш муллабачча тизза-батизза ўтириб, ёлғизгина овқат-озиқдан сўзлашар эди. Вақф маблағлари билан кун кўрувчи муллабаччаларнинг бу йил аҳволи оғир. Улар қўлга теккан «нақд»ларини битирганлар. Энди на ўтин, на кўмир; ҳафтада бир марта декча қайнатиш ҳам маҳол. Сотиш учун ҳеч нима йўқ. Қишнинг қаҳратон совуғи очликни яна шиддатлантиради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Табиий, ҳамма муллабаччалар шундай сафолатда эмас. Бир кўп ҳужраларда ҳар куни икки марталаб, ширин, лазиз таомлар пиширилади. У ҳужраларнинг эгалари «вақфхўрлар» эмас. Улар «соҳиб...»* асл оилаларнинг ўғиллари. Уларнинг киссаларида олтин-кумуш кўп. Улар кечаларни ширин суҳбатлар тузиб, дўст-ёрлари билан чоғир ичадилар...

Сафолатдан қутилиш учун толиб илмлар узоқ маслаҳатлашиб, маъқул бир чора топмагач, ёғочдек қаттиқ, юнги тақир ёпишган эски пўстакда тиз чўкиб ўтирган Машҳадий енгилгина қўзғалиб, узун печи осилган саллали бошини чайқади ва дунёнинг буқаламунлиги ҳақида форсча бир байт айтди-да, жим бўлди.

Султонмурод ўзининг таклифини Самарқанднинг саҳоватли акобирларидан бирига мактуб билан мурожаат қилиш, яъни унинг ўзини ва авлод-аждодини мадҳ ва бола-чақасини дуо қилишни яна қувватлади. Бу таклиф ҳаммага маъқул тушса ҳам, Алоиддин Машҳадийга ёқинқирамади. Чунки бу ёлғиз унинг ўзига хос бир иш эди. Бошқаларни шерик қилишга тоби йўқ...

Бу ҳужрага яқин ҳужралардан бирининг эшиги ғижирлагани эшитилди. Алоиддин Машҳадий эшикка яқин ўтирган Абдухолиқ Шошийга дарров кўз учи билан...* Шоший ўтирган жойидан қўзғолмай, бир қўли билан эшикни хиёл очди-да, бошини мадраса саҳни томон қийшайтирди:

— Мавлоно Алишер...— деди у секингина.

Алоиддин Машҳадий, ҳаётда ва ўз иши соҳасида муваффақият кўрмаган ҳар бир одам каби, ичи қоралик билан кинояли қилиб сўл кўзини қисди, лабини ҳам буриштирди-да:

— Ҳм... Алишер туркигўй,— деди Алоиддин.

— Туркийда назм созлиғ ожиз даво, хаёл мавҳум!

Баҳслашувни севган Султонмурод пичинг билан жуда маънoли табассум қилди-да, Алоиддинга эътироз этди...

— Навоий филҳақиқат зуллисонайн. Ҳар икки лисонда сўйлаган ашъорида маъний хос ва ранг бор. Бу нодир хусусият шоир учун катта бир мазиятдир.

Алоиддиннинг юзи оқариб кетди, қора ва чигал соқолини бармоқлари билан қашиб, қизғин музокарага киришмоқчи экан, Тўсинбек Султонмуродни туртди:

— Қай сабабдан Навоий Ҳирот каби Рубъи маскунда нодир...* этиб, бу ерга келади, таҳсил учунми? Ажабо...* Абуллайсдек олим Ҳиротдан топилмас эканми?»

— Бу саволнинг жавобини,— деди секингина Султонмурод,— шояд Султон Абу Саид ҳазратларидан олғайсиз.

— Аҳ, равшан,— қошини чимириб деди Тўсинбек,— бир навъ жарима денг..

Султонмурод билан Абдухолиқ Шоший бир онда бошларини қимирлатиб, Тўсинбекнинг фикрини тасдиқ қилган каби бўлишди.

— Хўб, энди овқат тадоригини қилайлик,— Алоиддинга тикилиб деди Тўсинбек,— шеър бобида мужодила ва мубоҳаса оч қорнига ёқишмайди.

Музокара бошлашни сабрсизлик билан кутиб турган Алоиддин асабий равишда байт ўқиди:*

. . . . . . . . . . . . . .
. . . . . . . . . . . . . .



www.ziyouz.com kutubxonasi

## II

Алишер Навоий мадрасадан чиқди-да, ҳар кунги йўли билан, тўё белгили ишга борувчи одам...* шошмасдан сарбаст жўнади. Устида бир қадар эскир...* чакмон, унинг ичидан пахталик мирсак, ингичкароқ, пишиқ бўйинда ўрнашган кўримли бошида мунтазам ўралган чорпеч дастор; кенггина, чорпаҳил бўлишига қарамай, хушбичим ёноқлари бир қадар чиқиқ юзида кўпйиллик ақлий меҳнат, доимий тафаккурнинг инсонга енгил бир ҳорғинлик билан бирга жиддият асл маъно ва салобат бағишловчи нури жилваланади. Ёши ўттизга етмаса-да, қошларининг устидан ингичка чизиқлар... иягида сийрак, қисқа қора соқол, юқори лаби бўйлаб қирлибарайишланган, сийрак ва майин мўйлаб. Сузик боққан қийғоч кўзлар... бир томчида қуёш акс этган каби, бу кўзларда улуғ руҳ ифодаланади; бу кўзлар, гўё, тафаккур ва илҳом билан бирга туғилган; бу кўзларга боқиб, фақат ҳайратланиш мумкин. Улар ёлғиз доҳийлардагина бўлади!

Алишернинг бутун сиймосида «кибр ва ҳаводан» холи, қандайдир, бир ғурур кўзга ташланади...

Қишнинг ўртаси. Кўчаларда қор босила-босила текис-чиркин оқ (асфальт) ясаган; ҳаво очиқ. Лекин совуқнинг кучидан ҳавода оқ учқунлар учади. Ложуворд кўкнинг тиниқлиги кўзни қамаштиради. Уфққа осилиб, катталашган қуёшнинг шуълалари мадрасаларнинг тоқиларида, гумбазларида, миноралрида ўйнайди, уларнинг нақшкорлигини ранго-ранг, ҳаволи, жонли чаманзор каби яшнатади. Темурнинг «тўрт ошёнлик» кўк саройи*. Султонмирзонинг тош қўрғони, Улуғбекнинг расадхонаси, унинг «Боғимайдон»-даги, «чехил стун» номли имората ва бошқа шаҳзодаларнинг, бекларнинг ҳашаматли боғлари, кўшклари узоқ ва яқиндан ғурбнинг қон шуъласида товланиб, рангдор манзаралар ясайди. ...Боғи дилкушодан бошланиб, Феруза дарвозасига қадар чўзилган хиёбоннинг икки ёни бўйлаб ўсган баланд теракларнинг яланғоч бутоқларида қорнинг мармар гуллари ярқирайди. Дарахтлардан дарахтларга қўниб қақиллашган гала-гала қарғалар узоқдан қора нуқталар каби кўзга чалинади.

Самарқанд ўзининг аввалги порлоқлиги, ҳашамат ва савлатини анча йўқотган ички урушлар орқали ҳаёт аввалги шўхлигидан тинган, санъат асарларининг бир кўпи эскирган, аксар боғлар, хиёбонлар қарамсизлик орқасида бузила бошлаган бўлса-да, Навоий бу шаҳарни севар, унинг азамат биноларини, боғлар, хиёбонлар ўртасидаги чиройли кўшкларини ҳар вақт завқ билан томоша қилар эди. Бу кун бир оз кезгандан сўнг, эски мижози бўлган ошпаз дўконидан*... овқатланди-да, муқоваси пухта ва чиройли ишланган китобчасини ҳар вақтдаги сингари қўлтиғига қисиб, Аҳмадхожибек билан учрашкали кетди.

Кеч бўлгани учун, баъзи кўчалар истисно қилинса, одам озайган, унда-мунда баққол, қассобларнинг, ҳолвафурушларнинг дўконларида шамлар милтирайди. Ишдан қутилиб, уйларига ошиққан ҳар навъ... «ҳирфагирлар», сандирақлашиб юрган навкар ва сипоҳийлар, саватини бўшатган, совуқдан дизгиллаб, кўзлари билан пана жойни ахтарган етимлар, гадойлар учрайди. Шаробчининг дўконида маст овозлар, шўх ашулалар, қахқахалар янграйди. Навоий бир-икки пиёла шароб сипқириб, қизинишга кўнгли жуда



www.ziyouz.com kutubxonasi

мойил бўлса-да, ёнида харжи бўлмаганидан бу орзудан воз кечишга мажбур бўлди.

Шоир эшикдаги навкарлар орқали Самарқанд ҳокимидан рухсат олиб кирди. Аҳмадхожибек, ҳар вақтдаги каби, ўзининг хос хонасида қабул қилди, одатдагича «зариф, дилрабо сухангузарлиғ» билан қаршилагандан сўнг, деди:

— Ажаб келибсиз, суҳбатингизга кўнглим хийла муштоқ эди...

Султонмалик Кошғарийнинг ўғли бўлган бу бек кўп вақтлар Ҳирот ҳокими бўлиб, кейинги йилларда Абу Саид Мирзо уни Самарқандга тайин қилган эди. У ўз вазифаларига бепарво, лекин юқори мансаблик дабдабасини, роҳатини севадиган, дилкаш одам; яхши кийинади, лаззатли таомлар ейди, зотли отлар етиштиради, бундай отларда елишнинг ҳузурини билади. Эрон шоирларини мутолаа қилади. «Мавзун сўз» ҳақида суҳбатдан зерикмайди, ўзи ҳам шоир.

«Вафоий» тахаллусли бу бек кўп йиллардан буён ғазалларидан бир девон яратиш хаёлида.

Шубҳасизки, у Навоийни севади, унинг фикрларига қойил қолади. Ўз шеърларини ўқиркан, Навоийга мақбул бўлишини кутади. Лекин шу билан баробар, Самарқандда илм-таҳсил қилмоқда бўлган ва шеърда улуғ бир даъвони кўтариб чиққан, даъвосига яраша истеъдоди, табиати ҳам улуғ Навоийга у ўзини ҳомий ва балки мураббий кўрсатишга тиришади, бу жиҳатини бошқалар олдида ҳам намойиш қилдиради. Аммо ҳақиқатда бу «ҳомийлик», «мураббийлик» Ҳиротдан, нақ Султон Абу Саиддан келган махсус фармоннинг ялтироқ томони эди! Ички томонини, ҳақиқий маъносини Алишер Навоий англайди, лекин юрагида «сир» каби сақлайди...

Аҳмадхожибек қалин шоҳи кўрпачага чордона қурди. Навоий ундан қуйироқда жиддий, лекин у қадар такаллуфсиз ўтирди. Катта, қизғиш товланган шамдонлар устида шамларнинг мармари липиллаб ёниб, гиламларнинг қизил гулларини хирароқ очади, катак-катак, қабариқ-ўймакор токчаларда титрайди. Бир чеккада каттагина манқалда писта кўмирнинг лаққа чўғи майин қизил шуъла сочиб алангаланади. Уй иссиқ эмас. Лекин қандайдир элитувчи, бўшаштирувчи илиқлик сезилади. Берк дарчалар орқасида ташқарида юрган мулозимлар ва навкарларнинг овозлари эшитилиб қолади.

*2-қўлёзма*

Биринчи боб

*9-бет.*

4 «Гавҳаршод»/«Шоҳруҳ»

5—6 гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли./гумбазнинг нақшлари рангдор, жонли, 7 турли-туман олов ранглар чақнатар,/қуёш нурларида ёнар.

8 дам учиб,/дам пар...

9 қувонч билан иноқ ўйнашар эди./иноқ, қувонч билан ўйнашар эди

9—10 Бир томони хонақоҳ, уч томони катакча/атрофи катакча



www.ziyouz.com kutubxonasi

12 ёмғир/енгил ёмғир
12—13 ҳавога кўтарилмоқда эди./кўтарилар эди.
13 толиби илмларнинг/Муллабачаларнинг
14 япалоқ ғишт/ғишт
15 бўйралар солиб/бўрё ёзиб
16 қайбири/қайбирлари
17—19 китобни тиззага ∾ ёдлайди./Китобни ёниб қўйиб, бошини узлуксиз чайқаб, кўзларини чирт юмган ҳолда баланд овоз билан «Арабиёт»ни ёдлайди;
20—21 Нарироқда уч муллабачча бир бўйра устида ўтириб мушкул бир масалани баҳслашади./Ана унда уч муллабачча бир бўйра устида учбурчак бўлиб ўтириб мушкул бир масалани баҳслашади;
21—25 Улардан бири ∾ шерикларининг далилларини рад этарди./Улардан ҳар бири ўз мантиқининг кучини кўрсатиш ва ҳақиқат мезонини ўзича таъриф ва тавсиф этишга астойдил тиришар, бошқаларнинг далилларини рад этар, ўзиникини тўкиб солар.
25—28 Ундан ёшроқ, ∾ ясаб қўярдилар. Баъзан/Баъзан
28 асл мавзу — баҳс/мавзу — баҳс
28—29 ғойиб бўлар,/ўртадан кўтарилар,
30 берилиб,/берилиб кетишар
30—31 тиканли мушкилот билан тўла соҳаларида урина-урина,/чуқурликларда урина-урина,

*10-бет*

1 яна/яна аввалги
2 қайтишади./қайтишар;
3 унитиб,/унитаёзиб,
5—6 тайёрлангандай қизиқ бир вазиятда бир зумгина қотишарди./тайёрлангандай бўлишар ва лекин бу аҳвол
6—7 оддий ва табиий/табиий ва оддий
9 Ҳужралар бўм-бўшдек кўринса ҳам, хонақоҳнинг/хонақоҳнинг
12 Эшикчанинг/ва эшикчанинг
13 қуёшида кўз қамаштириб порлаган/қуёши билан чақнаб ёнган
14 бу ерда ним қоронғилик ҳукм сурарди./бунда ним қоронғу...
14 Бу нарса/бу ҳол
16 — толиби илмлар/муллабаччалар
16—17 кенг, баҳаво/кенг, ёруғ, баҳаво
17—18 зид бўлганидек,/зид бўлгандан кейин
18—19 Шарқда мадраса ҳужралари бир-биридан ҳеч фарқ қилмайди,/шарқда бутун мадраса ҳужралари бир-биридан қилча фарқ этмайди,
22—23 толиби илмлар учун шу андозани қабул қилган бўлсалар эҳтимол.../шу андозани қабул қилғонмикинлар.
24 заҳкаш ҳужрада «улфати чор»нинг/заҳ ҳужра ва тўрт кишининг
26 бу ҳужра/ҳужра
27 феъл-ҳуйлари/таъблари
28—29 катта тафовут, ҳатто зиддият бўлишига қарамай, мадрасанинг/тафовут бўлса-да мадрасанинг
30 тўпланиб,/биргалашиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

30 «икки ярим — бир бутун» дегандай овқат/овқат
31 тадорикини бирга/тадорикини
33 оғритишарди,/оғритишар эди.
33 энг каттаси/энг улуғи
36—37 ёшдаги киши эди,/ёшда бўлган ориқ киши эди.
37 ўн беш/ўн саккиз
37—38 «Гавҳаршод» мадрасасида, шу/бу мадрасада ва ана шу
38 бирон ёққа/ҳеч қаёққа
39 Алоиддин Машҳадий/у
40 пешқадам/энг донгдор, энг пешқадам
40—41 ўн йиллаб дарс олган бўлса ҳам/кўп йиллаб дарс олса ҳам

*11 бет*

1 Бир неча йилдан буён/беш олти йилдан буён
1—2 илмлардан кўнгли совиб, дарсларга/дарсларга
2 кўпинча қатнашмайди ҳам./чала-чулпа қатнашади.
2—4 Лекин замонанинг бир кўп одамларига муяссар бўлган шоирлик бахти ёки бахтсизлиги уни ҳам бенасиб қолдирмаган. У шеърнинг/У шеърнинг
4—5 У шеърнинг турли/у шоир, шеърнинг
5 юритади./югуртиради.
5—6 Тунларни уйқусиз кечириб «девон» ҳам тартиб/девон тартиб
6 «муаммо»да/у муаммода
8 Аммо унинг бу соҳадаги маҳорати ҳам, худди «девони» каби, ҳануз шеър оламига танилган эмас,/Аммо шу дамгача унинг номи шеър оламига таниқ эмас.
10 дард уни ич-ичидан кемиради/дард ич-ичидан уни кемиради.
11 ўксиз/ўксук
11 бир зум ҳам/бир он бўлсин
12—13 Шуҳрат, илтифот қидирган шоир шоҳларга бўлмаса-да бекларга, вазирларга,/У шеъри орқали шуҳрат қидиради. Хонлар бўлмаса-да, хончаларга, беклар, нўёнлар,
13—14 булардан қуйироқлардагиларга ҳам/улардан қуйироқдағиларга
15—16 «Фузало ва шуаро ҳомийси»/устодул «фузало ва умаро»
16 султонларга,/хонларга, султонларга
17 навкар/бир навкар
18 бери/берли
19 олий насабли салтанат/салтанат
20 қамаштирғич/қамаштирувчи
21 моҳир./моҳир. Бундай сўз ва иборалар унинг қаламидан селдай оқиб, силлиқ назмлар тузаберади.
22 жиззаки, сезгир/сезгир
25 ўқиркан, энг чиркин ҳид бурқиб туради,/ўқиркан, энг чиркин, сассиқ нарсаларнинг ҳиди бурқиб туради.

*11-бет 6-сатри —12-бет 31-сатри*

иккинчи муллабачча Ҳиротли ∾ Султонмуроднинг ғояси эди./Муллабаччаларнинг энг кичиги Султонмурод. У йирик, юмалоқ бошли, микти гавдали, ўткир чақин кўзли йигирма-йигирма бир ёшли йигит. Султонмурод Қарши шаҳрининг бекларидан бирининг ўғли бўлиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

отаси у «атак-чечак» қилган паллада Мовароуннаҳрда Темур авлодининг ўзаро сонсиз-саноқсиз урушларида гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда иштирок этиб ниҳоят, дорда осилиб бутун мол-мулки талон-тарож қилдирилгон. Султонмурод ўқимишли онанинг меҳнат-машаққати билан улғайиб, дастлаб Қаршида, сўнг Самарқандда таҳсил кўриб, бундан икки йил илгари узоқ қариндошларининг ёрдамига сиғиниб Ҳиротга келган ва бу мадрасага кирган. Унинг истеъдоди фақат мадраса аҳлига эмас, балки Ҳиротнинг бир кўп олим ва фозилларига маълум. У барча мавжуд илмларни эгаллаб замона уламосининг пешвоси — «саромади» бўлишга тиришади. Диний «илм»лардан ташқари риёзиёт, илми нужум, илми тиб, ҳикмат, адабиёт соҳаларида ҳам ягона бўлишни орзу қилади. У ўн яшар вақтида домласидан шундай баҳо олган эди: «Бир замонларда бир олим ўтган эркан. Агар барча улум-фунун рубъи маскундаги барча олимларнинг хотирларидан баногоҳ ғойиб бўлса, уларнинг ҳаммасини аслидай иҳё этишга қодирман дер эркан. Ўғлим, санда ўшандай зако ва истеъдод кўраман. Саъй ғайратни асло қўлдан берма». Шундан бошлаб бутун илмларни қайтадан ярата оладиган улуғ олим бўлишга интилиш Султонмурод умрининг ғоясидур. Учинчи муллабачча Ҳиротли бир маҳалла имомининг ўғли Зайниддин эди. Чамаси ўн йилдан буён мадраса ҳужрасига ихлос билан бош қўйиб, тупроқ ялаб, заҳ ҳужрада сарғайиб сўлиш-да, сабр ва матонат кўрсатса-да, лекин илмдин унчалик баҳраманд бўлган эмас. Мадраса аҳли орасида у ўзининг «ҳусни хат»и билан анча танилди. У яхши куйлайди. Ғижжакни гўзал чалади. Кейинги вақтларда отаси билан ораси бузилиб моддий жиҳатдан қийналиб қолгач, ўз мадрасасида ва ўзга мадрасаларда бўлган аслзода «соҳиби давлат» муллабаччаларнинг кичик базмларига, йиғинчоқларига қатнаб, куйи, ғижжаги билан ўтиришни қизитиб беради. Бу баҳона билан қорнини тўйдиради.

*12-бет*

32 Бу ерда ҳаммадан ажралиб турган шахс — Алоиддин Машҳадийнинг меҳмони/тўртинчи шахс Алоиддининг меҳмони

33 самарқандлик/самарқандли

34—35 У йўғон, чорпахил гавдали, даккам-дуккам, қизғиш мўйлабли;/Унинг бутун сиймосида мўғул ирқи очиқ кўриниб туради. У ўрта бўйли, чорпахил, йўғон гавдали, даккам-дуккам мўйлабли,

*13-бет*

2 унинг эгнида/эгнида

3—4 Тўғонбекнинг ота-боболари Амир Темур даврида/бунинг боболари Темурнинг юксалишида унга хизматлар кўрсатганлар, улуғ

5 орасидан/ичидан

6 ва дабдабали тархонлар чиққан./етишган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7—8 давлати парчаланиб, шаҳзодалар орасида тожи-тахт учун уруш, жанжаллар қизиб кетгач,/давлатининг парчаланиши, тахт-юрт учун бўлган урушларда,
9 онланинг овозаси аста сўна бошлаган:/бу онланинг ҳам овозаси сўна бошлаган:
9 дадаси Ферузбек дом-дараксиз/дадаси
11 амакилари ҳам бирин-сирин/бирин-сирин
12 йўқотдилар./йўқотганлар.
14 хавфсираб,/хавфланиб,
14 Ироқда ва/ва
17 Темурнинг/соҳибқироннинг
18 бўлган/этилган
18 қайноқ/қайнаган
19—20 боши билан шўнғиди./шўнғиб кетди.
20—22 Бахт, шон-шавкат қидириб, ўзини ўтга-чўққа урди. Султонлар ва бекларнинг остоналарини ялади. Ҳар қайсисида бир муддат хизмат қилди:/Катта мансабларга миниш учун минг балога ўзини урди. Чиғатой — ўзбек султонлари, туркман бекларининг остоналарини ялади. Ҳар қайсисида бир муддат хизмат этди.
23 икки/икки-уч
24 йигирма беш/йигирма етти
24 Ҳиротга юзланди./Ҳиротга қайтиб,
26 билан дўст/билан илдам дўст
28—29 Талабаларнинг суҳбат ва мунозараларига диққат билан қулоқ солади, лекин/Муллабаччаларнинг суҳбатларига диққат этади. Аммо
30 бегона ҳисоблайди./тубан билади.
30 Илм таҳсил — ёвош, тинч,/таҳсил — ювош, сокин,
31 Тўғонбекнинг хаёли эса,/унинг хаёли,
32 этади:/қилади:
33 жангларда қиличбозлик қилишни,/жангда қиличлашишни,
35—38 тоғдай юксалган қўрғонларга ботир йигитлари билан бирга шотулар қўйиб, ҳой-ҳуй, аросат солишни, саҳройи халқнинг қишловларига от қўйиб, минглаб қўйларни ўлжа ҳайдашни севади./ботир йигитлари билан тоғдай юксалган деворларга шоту қўйиб ҳой-ҳуй кўтаришни, саҳройи дала халқнинг овулларига от солиб, мингларча қўй эчкиларини ҳайдаб келишни севади.

*14-бет*

1 Тўғонбек бирон туманга бек тайинланиб,/Тўғонбек бир қишлоқ беклигига тайинланиб,
5 шоҳларни ҳайдаб,/хонларни ҳам қувиб,
6 тож кийиш,/хон бўлиш,
7 жиловини/тизгинини
12 боши билан/телба боши билан
12—13 телба умидларни кесмоққа/умидларни кесмакка
13 қиличдан ўзини зўр-базўр/қиличдан зўр-базўр ўзини
15 Лекин Тўғонбек ҳали бу умиддан қайтган эмас./Лекин Тўғонбекнинг томирида қон тепаркан, бу умиддан қайтмайди! Ота-бобоси ҳокими нуён ўтган!
16 Унда ҳали/Ҳали унда



www.ziyouz.com kutubxonasi

16 Темурнинг эвара-чеваралари кўп;/Темурнинг набира, эвара-чеваралари кўп.
17 булар ҳам қўзиқориндай кўпайиб турадилар/Булардан ҳам янги шаҳзодалар туғилиб туради.
17—18 Бола отага, ∾ ака укага./бола отага, ука акага.
20—21 Шаҳарларда, вилоятларда беклар, ҳокимлар бор./ҳар шаҳар, ҳар қасаба, ҳар қишлоқнинг беклари, ҳокимлари бор.
21 шон-шавкатга, ҳокимиятга/ҳокимиятга
22 ҳамиша карнай./карнай
23 узоқ давом/узоқ замон давом
26 кун кечирувчи талабаларнинг/кун кўрувчи муллабаччаларнинг
29 қўлга илинарли ҳеч/ҳеч
32 пунғирларди-да,/минғиллар эди-да,
34 келарди./келар эди.
34 Киссасининг кўпдан буён қуп-қуруқлигини сезсалар ҳам,/Унинг киссаси қуп-қуруқлигини билсаларда,
36 суриштирмас эдилар./сўрашмас эди.
37 гап шу тўғрида соатлаб давом этса ҳам, Тўғонбекдан/гап-сўз анча узайса ҳам ундан
38 У феъли/таъби
38—39 ҳужранинг бир бурчагига тиқилиб,/тор ҳужранинг бурчагига суқилиб,

*15-бет*

1—2 Чучитилган мой ва қовирилган гўштнинг мазали ҳиди димоғларга урилди./табиий, ҳамма муллабаччалар шундай сафолатда эмаслар.
2—3 икки маҳал/икки марталаб
4 Улар юксак оилаларнинг ўғиллари./Улар соҳиби давлат «аслзода» оилаларнинг ўғиллари.
7 йиғилишиб,/билан
7 рақслар/рақс
9 Узоқ кенгашдан сўнг бирон маъқул чора топилмагач,/толиби илмлар узоқ кенгашиб, маъқул бир чора топмагач,
10 жунсиз,/юнгсиз,
13—15 чайқади, Сўнг дардли бир уҳ тортиб, дунёнинг буқаламунлиги ҳақида шикоятланди, ингичка товуш билан чўзиб ўқиди:/чайқади, ва дунёнинг «буқаламунлиги» ҳақида бир байт айтди-да, жим бўлди.
16—17 Уфтодаст даржаҳон бисёр,
Бетамиз аржиманду оқил хор. Зайниддин/Зайниддин
18—21 Зайниддин синовда кўп дуруст натижа берган ∾ қасида ёзиб, мурожаат қилишни таклиф этди./Султонмурод ўзининг бир кўп марта синовда дуруст натижалар берган таклифини, яъни Ҳиротнинг шаҳоватли акобирларидан бирига бир мактуб билан мурожаат қилиб, бу мактубда унинг авлод-аждодини мадҳ этиш, болачақаларини дуо қилишни яна қувватлади.
21 Бу фикр/бу таклиф
22 бу унинг ёлғиз/бу ёлғиз унинг
24 эҳтимол,/балки,
24—25 силлиқ назми, рангли/рангин



www.ziyouz.com kutubxonasi

26 ақча/пул
27 исқарлот/бир исқирлот
27—28 Шу дамгача Машҳадий/Машҳадий шу дамгача
29 илтифотга/инъомга ҳеч
30 шундай мулоҳазани хотиридан кечирди.../унинг хотиридан шундай фикр кечди.
31—32 Алоиддинни юмшатиш учун ∽ чимириб деди:/Алоиддинни юмшатиш учун Зайниддин деди:

*15-бет 33-сатри —16-бет 2-сатри*

— Агар қасида шоири бўлсам ∽ шоҳона саруполар олар эдим,/Агар менинг табъий шеърим бўлса эрди, у вақт мен хоқон ибн хоқон Султон Ҳусайн Мирзо ҳазратларига бир қасидаи бемисл ёзар, жаноб олийдан шоҳона саруполар олар эдим.

*16-бет*

3—6 Чунки айни вақти: икки ҳафта муқаддам ∽ Шуарога саҳоватнинг етти дарвозасини очишларига аминмен./Зероки икки ҳафта муқаддам, ул жанобнинг муборак бошларига ҳумоюн қуши қўнди, кўнгиллари барқарор бўлди. Бу фурсатларда шуарога саҳоват эшигини кенг очишларига аминмен.
7—8 оташ нафас шоир эмишлар,/шоир эмишлар,
8—9 — ашъорни гўзал ва равон сўйлармишлар./гўзал ашъор суйлар
9—11 Маънийи хоснинг, ∽ бўлишларига асло шубҳа қилмаймен.../Маънийи хоснинг ошиқи эмишлар. Шуарога ҳомий бўлишларига асло шубҳа қилмаймен.
13 ичи юлинди./ичидан қайғирди.
14 киноя/у киноя
14 сўзларига:/сўзларига ўзича
15 подшоҳнинг/подшо Ҳусайн Бойқаронинг
15 катта шоир,/шоир,
15 эгаси./соҳиби.
16—17 берди-да, бошини ичига олиб сукут қилди./берди, сукут қилди.
18—19 Ҳали ҳам ҳурпайиб ўтирган Тўғонбек, одати бўйича, салмоқланиб:/Тўғонбек вазиятини ўзгартмасдан минғиллади.
19—20 энди подшоҳдан бир нима юлмоқчимисизлар! Тангрига сиғинингизлар.../подшоҳдан бир нарса юлмоқчисанларми... Тангрига илтижо қилингларки...
22—28 Тождорларнинг ўзига яраша ∽ Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ҳам шоир, ҳам илмпарвар эмишлар, ∽ деди Зайниддин ишонч билан/яъни подшоҳ санларнинг йиллик нафақаларингни юлмағай,— Шундай шоир, шундай ду олам нодираси бўлган зот! Эътироз этди Зайниддин — подшоҳимиз шоир, Улуғбек мирзонинг ўзларига намуна қилғайлар.
30—33 — деди Султонмурод қўлларини ҳаракатга солиб,— кўҳна Хуросоннинг эли адолат ва фазилат қуёшига ташнадир, Шояд умидларимиз беҳуда бўлмас./кўҳна Хуросон эли ҳам адолат, ҳам фазилат қуёшига ташнадир,— деди Султонмурод. Ақли салим соҳиби шоҳдан ҳар бир



www.ziyouz.com kutubxonasi

инсон бу маънини умид қилади.— Самимият билан тасдиқлади Зайниддин.

33—34 йўғон бармоқлари билан чимтиб,/чимтиб,

34 кулиб қўйди./кулди.

35—36 кузларини, ҳар вақт энсаси қотганида қилганидек, бутунлай юмиб олди./Кўзларини умидсиз сузиб, товушини одатдагидан баланд чиқорио тантанали равишда деди:

*16-бет 37-сатри —17-бет 19-сатри*

Эшикда қари фаррош. ∾ Машҳадий кўзларини сал очиб юзини терс ўгирди.

/[бир байт]. Ажиб маънодор Ўз илҳом хазинангиздан ми? Ёки ўзга шуародан? Ҳужра эшигида пайдо бўлган фаррош кулиб сўради — гулини узаберинг бобо, боғчавони билан не ишингиз бор!— жавоб берди шоир. Фаррош ҳожи Солиҳ етмиш ёшларда, кўркам оппоқ соқолли, кенг жиддий юзли, ҳали анча тетик серсавлат бир чол эди. У ҳар вақт боладай беғубор, ширин сўз хуш муомилали эди. У ёшлик йилларида кўп мамлакатларни, кўп шаҳарларни кезган. Узоқ масофаларни дам пиёда, дам эшакда босиб, икки дафаъ ҳажга борган. Дарвеш табиатли бўлганидан хотин олиш, оила тузиш каби ишларни хаёлига ҳам келтирмаган, узлуксиз дайдиликдан зериккач ўзининг ота юрти Ҳиротда қарор топган. 26 йилдан буён шу мадрасада фаррош. Ғоят фақирона, лекин тоза, сокин бир ҳаёт кечиради.

Ҳожи Солиҳ Алоиддиннинг «вақти пешин бўлдими»! деган саволига, сояга разм солиб «андак» бор деди-да, сўнг Султонмуродга сўзлади. Чорсу томонга йўлим тушган эди, ҳолвафуруш дўстингиз сизни ва мулла Зайниддинни бормоқликларини ўтиниб қолдилар. Янги ашъорларини ўқиб берадиларми ё ўзга мулоҳазами?

— Мен ўзим ҳам бориш ниятида эдим — айни муддао.

— Ҳолвафуруш ҳам шоир!— Қалин лабини буриб деди Тўғонбек — ажаб Ҳирот экан, ҳар қадамда бир шоирга йўлиқасан!— деди.

Борларинг, шеърида тот бўлмаса ҳам, ҳолваси тотлику.

— Андек сабр қилинг, биз сизни олиб борғумиз, кўрасиз ҳолвафуруш инсони комил!— деди Зайниддин.

20—21 Улар пешин намозини ўқиб бўлиб, мадрасадан чиқишди./Пешин намозини ўқиб бўлиб, улар мадраса дарвозасидан чиқишди.

21 узун, кенг, олача/узун олача

22 бошларига қордек оппоқ/бошларида оппоқ катта

23 ҳам ғурур билан/билан

25 юрганидан,/юргани учун

*17-бет 26-сатри —21-бет 24-сатри*

Одати бўйича, ∾ мунозаралар бўлиб турарди.

/Ҳиротда бу қабилдаги одамлар нодир бўлмаганидан ҳеч кимнинг диққатини жалб этмади. Оломоннинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғовир-ғувири билан қайнаган «чорсу»га яқинлашгач Тўғонбек бирдан тўхтади. Султонмурод билан Зайниддиннинг илтимосига ўжарларча қулоқ осмай шу ерда улардан айрилиб бозор оломони ичида ғойиб бўлди. Саҳрони мўғул ашъор тинглашдан қочди, ўз-ўзига дегандай гапирди Султонмурод.

— Ҳечқиси йўқ бечора Алоиддинга нафақа топиб олиб борур балки,— деди Зайниддин кичкина хароб дўкончада катта тўгарак мис баркашлардаги ҳолвалар билан ўралган шоир ингичка заргарлардай майин ҳаракатли, камтарин... Дўстларини ҳар вақтдаги каби самимият билан қарши олиб, чиппа ёпишадиган ширали қўлини узатди. Гўё кўп вақт кўришмагандай узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўрашди. Ер-биродарларининг саломатликлари машғулиятларидан маълумот ва баъзи қочирма гаплардан сўнг... дўкон тепасидаги болохонага чиқишни таклиф этди. Султонмурод билан Зайниддин пойлари шалоқ нарвондан юқори кўтарилишди. Зайниддин кўча томонга қарағон даричани очгач, уй ичига ёруқ билан бирга енгил, хушёқар кўклам шамоли кирди. Тоқисига новчароқ одамнинг боши тегиб кетадиган бу уйда зийнат — безак номига ҳеч нима йўқ эди. Бу юрагида илҳомий ҳислар жўшаркан, меҳнати билан кун кўрувчи ҳолва пишириб, эртадан кечгача оломонга матоини мақтаб қичқирувчи, тирикчиликнинг ёвуз бўронларига қарамай, руҳида санъат ишқини сақлаб борувчи, камтарин олижаноб бир шахснинг қабулхонаси эди. Эгасининг камтар мавқеига қарамай аксар вақт Ҳиротнинг олим ва шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, араб, эрон, турк фусахосининг асарлари ўқилар, турли илмларнинг арбоблари орасида қизғин суҳбатлар, мунозаралар юритилар эди.

26 Уларга таниш бўлгани учун,/меҳмонларга илгаридан маълум бўлгани учун, улар

27 билангина ялпи/билан китобларга ялпи

27 кейин/сўнг

29—31 Бозорчи оломоннинг шовқуни, узоқда темирчилик ва мисгарлик қаторларида янграган «тарақа-туруқлар» бошни айлантирар эди./Бозорчи оломоннинг шовқуни узоқда янграётган темирчилик ва мисгарчиликнинг «тарақ-туруқ»ларини тинглаган каби улар сўзлашмай ўтиришди.

31—32 шоир ҳолвафуруш танурдан/танурдан

33 гулдор мис лаганчада кесма ҳолва олиб чиқди./мис лаганчада ҳолва олиб келди.

34—38 Дастурхончани ёзиб, ∾ санъатини мадҳ этишди./ Муллабаччалар такаллуфсизча нонни ушатиб ҳолвага қўшиб иштаҳа билан бир пастда ошаб қўйишди. Сўнг фотиҳа ўқиб, шоирнинг ҳолва пиширишдаги санъатини мадҳ этиб, зиёфати учун ташаккур билдиришди.

39—40 Оғзимизга қанд-набот солдингиз, ∾ Энди/Оғзимизга қанду-набот солдингиз,— мийиқларини артиб, деди Зайниддин.—Эндиликда

*22-бет*



www.ziyouz.com kutubxonasi

3 бўлгудек ғазаллар ёзилмади,—/бўлгудай янги ғазалларимиз нуқ,—деди шоир оқ туша бошлаган соқолини ямлаб,

4—6 —баъзи хомроқ нарсалар борки, уларни ўқимоқ билан баҳраманд бўлмассизлар, деб ўйлайман./—Жавоб берди шоир,—баъзи пароканда нимарсалар борки, уларнинг мутолаасидан кўнгилларингиз заррача баҳраманд бўлмас деб ўйлаймен.

8—12 — Бу оқшом биз шундамиз,— ∾ бир ҳафтадан бери ҳеч нима кўрмадик.../— Бу оқшом биз шундамиз, лутф этиб ғазалларни олинг. Шуаро шаҳри — Ҳиротда яшаб Алоиддиннинг баъзи нарсаларидан бошқа бир ҳафтадан берли ҳеч нима кўрмадик,—деди Султонмурод.

13 оҳистагина/ийманиб

13 Токчадаги қалин/қалин

14 орасидан/ичидан

14 бир неча/уч-тўрт

15 узатди./тутди.

16 қоғозларни бир-бир кўздан кечириб,/қоғозларга бир лаҳза боқиб,

18 — Ғазал ўқимоқда сен билан/— Бу соҳада сизга десам хато қилмасмен.

19 Марҳамат қил Султонмурод/Султонмурод

22 мисралар/назмлар

22—23 гўё бирдан ялтираб кетарди./нодир бадиҳалар каби жаранглар эди. Бу сафар эса...

24—25 едириб кетиш учун,/едириб-ёпиб кетиш мақсадида,

26 Ғазалларга аксар вақт мусиқийлик нуқтаи назаридан қараб баҳолайдиган ∾ уларда шоирга хос ранг ва хаёл борлигини таъкидлади. Ғазалларга ёлғиз мусиқийлик нуқтаи назаридан қараб баҳолайдиган Зайниддин шеърлар ўқиб битирилгач, қуйи солинган бошини кўтариб кўзларини хаёлчан сузиб завққа тўлиб-тошганлигини шоирга билдирди. Истеъдодига офарин ўқиди. Шоирга камтарлик билан табассум қилди

32—35 Ҳиротнинг қайси бир гўзали ҳақида ∾ бир четига қистириб қўйди./Ҳиротнинг қайси бир гўзали ҳақида оҳ-воҳ билан тўлган бир ғазални шўх улфатчиликларда мусиқий билан куйлаш учун шоирдан сўраб олди ва қоғозни тўрт буклаб катта салласининг бир четига қистириб қўйди.

*22-бет 36-сатри—23-бет 36-сатри*

Султонмурод эса ∾ суҳбатларида бўлганмисиз?

/Султонмурод сўфиёна руҳ билан ёзилган бир ғазалнигина мақтади, айрим мисраларини қайта-қайта ўқиб бу навъ ғазалларнинг энг гўзал намуналар билан чоғиштирди, бу муносабатла у турли замонларда ўқиган ва кучли хотирасида сақлаган турли шоирларнинг ғазалларидан айрим парчаларни бирин-кетин ёддан ўқиб бера бошлади. Ногаҳон эшик қаттиқ очилиб ҳаракати ва овози дағал бир йигит келиб кирмаган бўлса эди, қизғин Султонмурод ўз сўзини ҳали-бери битирмас эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигит шоирнинг яқин ақраболаридан бўлиб, Султон Ҳусайнга навкар эди. Кўпинча шоирнинг уйида овқатлангани учун, баъзи вақтларда келиб, шоирга ҳолва пиширишда ёрдамлашар, баъзи юмушларни бажариб берар эди. У муллабаччалар билан бир кўп марта учрашганидан, эски танишдай сўрашиб, бир чеккага ўтирди.

— Сўйла, паҳлавон, ўрдада нималар бўлмоқда?— Ёш боладан сўрагандай кулиб деди.

— Саройда ҳар куни янги бир ҳангома,— пешанасини чарчагансумон силаб, деди навкар.— Бу кун Самарқанддан бир улуғ келди.

— Самарқанддан? ... нинг бекларариданми?— сўради шоир.

— Йўқ, ўзимизнинг Ҳиротли дедилар. Мазмуни, сизга ўхшаш ғазалхон экан. Обрўси баланд бўлса керак. Саройнинг барча улуғлари кутиб олишди.

— Исмлари.

— Товба... нега бу қадар?

Ҳар бир нарсани сизга албатта китоб қилиб битиб берсам...

— Отими, Алишер экан.

— Ростданми? Алишер Навоий қайтибдилар, дегил!— катта қизиқиш билан деди ҳолвафуруш.— Жаҳоннинг энг нодир сиймоларидан бири деб, мен ул зотни биламан...—Зайниддин, сиз Алишернинг суҳбатларида бўлганмисиз?

38 Устодларимиз билан оралари яқин эди./Бизнинг устодларимизга мухлис эканлар жавоб берди Зайниддин.

39—40 — деди ҳолвафуруш шоир,— ул/ул

*23-бет 40-сатри —24-бет 2-сатри*

бошлаб арбоб илм, фикр, шеър ва санъат орасида кезадилар.../арбоб илм орқасида кезадилар...

3—4 Алишер Навоийни каминангиз кўрган эмасман,— деди ҳаяжонланиб Султонмурод,/Султонмурод қўлида тутган қоғозларни тепасидаги токчага олиб қўйиб, Зайниддинга мурожаат этди:— Алишер Навоийни каминангиз кўрмаганмен.

4—16 — аммо Ҳиротга келган ∾ гапира бошлади:

/Лекин Ҳиротда ул бебаҳо гавҳар тўғрисида кўп яхши нимарсалар эшитдим, ўзимни содиқ муридлариидан санайман... Энди марҳамат айлаб, ул зотнинг хислатларидан билганингизни бизга билдиринг.

17 жаноблари билан/билан

18 барпо бўлмаган эса-да,/барқарор бўлмаган эрса ҳам

19—20 ҳар бир ҳиротлик каби, у жанобнинг ҳаётларига доир баъзи жиҳатлардан хабардормен./баъзи жиҳатларга воқифман.

20 Алишер/У жаноб

23 қилганлар/қилғонлар

23—26 Улум, фуҳуннинг қадри-қимматини билган ота ∾ гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн, ахлоқ берган./Улум, фунун ошиқи бўлган оталари фарзанд аржумандларига гўдакликдан гўзал тарбия берганлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

27 кўрсатган. Ҳамма/кўрсатибди. Жаъми

*24-бет 27-сатри — 25-бет 31-сатри*

Ҳамма илмларга бепоён ∾ сафар қилганми?

/Улум динидан бошқа ҳикмат, тарих, риёзат, фалсафа ва мантиқда ҳам олий даражаларга эришипти. Илми мусиқида маҳорат касб этипти... Икки тилда бадиҳалар ижод қилиб «Зуллисонайн» ном билан шуҳрат топибди, форси ашъорда «Фоний», туркий ашъорда «Навоий» тахаллус бўлибди. Бу қадар фазилат соҳиби бўлишига қарамай, ул жанобнинг муборак кўнглига кибр-ҳаво тамом бегонадир; онинг табассумидан, офтоб каби, ҳамма баробар баҳраманд бўлибди. Хўш, яна бир нукта шулки, Алишер ва алҳол тожи давлат бўлган Султон Ҳусайн ҳазратлари то гўдаклик замонлардан дўст ва ҳаммактаб эканлар. Марҳум Абулқосим Бобир саройида ҳам икки дўст бирга вазифадор бўлганлар...

— Алишер расмий бир вазифа билан Самарқандга сафар қилганми?— сўради Султонмурод.

32 — деди Мавлоно Туробий./жавоб берди.

35 ва сўзида давом этди.— Улуғбек/ва давом этди сўзида Мирзо Улуғбекнинг салтанати

36 ҳақиқатан,/филҳақиқат,

*25-бет 37-сатри —26-бет 1-сатри*

Энди у муборак шаҳарда бир гуруҳ жоҳил шайхлар маскан қуриб олган./Эмдиликда у муборак шаҳарда Хўжа Аҳрор билан бир гуруҳ жоҳил шайхлар маскан қуриб олган;

1—4 Илмнинг, санъатнинг, китобнинг ўрнини сўфийларнинг тасбеҳи, каромати, зикри-самоси эгалламоқда. Илм офтоби Самарқанддан Ҳирот самосига ҳижрат этган,/Самарқанднинг офтоби Ҳирот самосига ҳижрат этган.

5—6 олимларини Ҳиротнинг ҳар мадрасасида ўнлаб топмоқ мумкин.../Уламоси ҳам Ҳиротда дарсгўйлик қила олмас.

7—9 — Фикримча,— деди Зайниддин мавлоно Туробийга,— бу тўғридаги хабарлар ҳақиқатдан узоқ бўлса керак./Фикримча [ . . . ] сизнинг бу хусусдаги маълумотингиз — саҳиҳ бўлмаса керак, гапга аралашди Зайниддин,— зероки...

11 Мавлоно Туробий,— мен/саҳиҳликни мен

12 турувчи/тургувчи

13 ёки бошқа вазифа/билан ва ҳоказо вазифалар

14—15 у томонларга борувчилар Алишернинг не машғулотда эканини каминага бир неча бор сўзлаган эдилар./У томонларга сафар қилғон ёр-биродарлар Алишерни у ерда не машғулотда эканини каминага бир неча бор сўзлаган эдилар:

15—16 Алишер машҳур ҳуқуқшунос/у

17—18 Олим билан оралари гўё ота ва ўғил каби яқин бўлган./Шогирд билан устоднинг оралари кўп яқин ва самимий экан.

18—20 Яна Самарқанд ҳокими ва яхши шоир Аҳмад Ҳожибек Алишер билан дўстона муносабатда экан./яна Са-



www.ziyouz.com kutubxonasi

марқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек уни шоир ҳам дерлар. Алишер ул ҳоким билан дўстона муносабатда бўлган.

20—26 Ҳатто Алишер маишатининг ∾ гаплардан огоҳлар. Нега/Нега

26 Нега тўғри бўлмасин?/нечун бу маълумот саҳиҳ бўлмасин?..

28 у жаноб ҳам балки/у ҳам балки

29 жавоб берур./жавобда бўлур.

30 ишонамиз./имоним комил.

30 Аммо бу нарса/Аммо бу ҳол

32—33 — Ҳақиқат нимада?— деб сўради мавлоно Туробий./ — Асли не бўлғай?— сабрсизланиб сўради [...]

34 — Ишончли/— Эътимодли

35—36 Марҳум подшоҳ Абусаид Мирзонинг муносабати совуқ бўлган./Султон Абусаид Мирзо ўртасида қандайдир бир низо рўй берган.

37 маъқул кўрган эмас./номаъқул топган.

37 жиҳатдан/юздан

38 бундан уч йил муқаддам Алишер/Алишер

*27-бет*

1 Самарқандга жўнамоққа мажбур бўлган./Самарқанд йўлини тутишга мажбур бўлган.

1—15 Энди подшоҳ билан шоир орасидаги ∾ сукут билан ерга қаради./Лекин орани айирган бу ҳолнинг асл маъноси менга ҳам мажҳулдир. Ҳолвафуруш эътироз қилмади, тўғриси эътироз учун, яъни бир далил тополмай сукут қилди.

17 маънодор қараш билан деди:/бир нафас ўйлаб деди:

18—25 — Зайниддиннинг сўзларида ∾ Алишер!/Ақл Зайниддиннинг сўзларида кўпроқ ҳақиқат кўради.

II

28 қичқириб мақтаб сотаётган/тайёрлаб сотаётган

29 таомларнинг ҳиди унинг/таомлар унинг

30—31 оч меъда ичдан кемириб, бутун борлиғини бетоқат қилар эди./Оч меъдани беҳузур қилар эди.

31 Нима қилсинки,/лекин

32 чақа йўқ./чақа ҳам йўқ.

33—34 келганидан йигирма беш динор/келганда йигирма динорча

35 қилиш/қилиши

36 Мана энди қарийб икки/икки

36 буён тангасиз/бери чақасиз

37—38 Ваъдани қуюқ қилиб баъзи қассоблардан, ошпазлардан бир неча динор қарзга ҳам илинди./Яхши ваъдалар билан баъзи бир содда дил кассоблардан, ошпазлардан уч-тўрт динор қарзга ҳам илинди.

*27-бет 38-сатри —28-бет 3-сатри*

Сотилгудек нарсадан унда сопи фил тиши ва кумуш билан ишланган ∾ у умуман тиғга ўч одам./Сотилғудай нарсадан унда кумуш сопли бир шамширгина бор. Очдан ўлишга рози, аммо бу буюмдан айрилишни истамайди. Чунки, биринчидан Тўғонбек умуман тиғга ўч бир одам.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3—5 Бир кўп одамлар дуонинг, туморнинг кучига қандай ишонса, у ҳам тиғнинг сеҳрли кучига шундай эътиқод қилади./Бир кўп одамлар дуо ва туморнинг сеҳрига қандай ишонсалар, у ҳам тиғнинг сирли кучига шундай эътиқод қилади.

5—7 Иккинчидан, бу ханжар ота-бобо мероси. Бу тиғ унинг шавкатли боболарига бахт йўлдоши бўлган!/Иккинчидан, бу шамшир ота мероси. Тиғ ота-боболарига бахт йўлдоши бўлган!..

8—11 Туғонбек овқат тадорики учун бозорда бирон юмуш қидирмади. ∾ иззат нафси учун ҳақорат деб билардн./Туғонбек овқатга бир неча чақа топиш учун бозорда бирон юмуш қидирмади. Чунки ҳеч қандай меҳнатга тоби йўқ, ҳам ҳар қандай тинч меҳнатни ўзининг ортиқ сезгир иззат нафсига ҳақорат деб билади.

11 Лекин у/у

15 машаққат ҳисобламас эди./бир машаққат деб билмас.

17—18 сайр этиб Ҳинд, Эрон, Хитой, Миср моллари қалашган дўконларга/сайр этиб сер мол дўконларга

18 қаради:/тикилиб,

19—20 унинг кўзларида ҳавас, ҳасад ёниб кетарди./уларнинг ортидан кўзларида ҳавас ўти ёқиб тентради.

24 индамади, қўпол/қўпол

25 ханжарни/шамширни

26—27 Бошим омон, яхшилигингизни унутмайман, ўз отам каби ёдлаймен./Мен сизни ўлгунимча ўз отам каби ёдлаймен.

28—29 Пўлатни танлашда мислсиз эди./Айниқса пўлатни танлашда мислсиз.

30 Исфихондами,/Машҳадданми,

31 ишланганини/ва ҳоказо ишланганини

31—32 бера олар эди./берар эди.

33—34 Чол ханжарга бир зум қараб, кўзлари аллақандай қувониб кетди./шамширга бир зум қараб, кўзлари бирдан ёниб кетди.

34 Кейин Туғонбекка/Туғонбекка

34 разм солди:/разм солиб,

35—36 бепарволик билан гапирди:/билан деди:

37—40 Шундай буюмларимнинг қадрига етадиган харидор қидирамен, лекин ғоят иложсиз қолган бўлсанг, у вақт сени муҳтожлик ва зарурат панжасидан халос этмоққа тайёрман./лекин муҳтож бўлсанг сени зарурият панжасидан халос этишга тайёрмен.

41—42 Азиз-авлиёлар учун мақбаралар бино қилмадим./Азиз авлиёларнинг муборак жасадларига мақбаралар бино қилмадим.

43 пайғамбаримиз босган тупроқларни кўзимга суртмадим./пайғамбаримизнинг муқаддас қабрларига юзимни суртмадим.

29-бет

2—3 — Қария,— деди Туғонбек манглайини қашиб,— сотиш ниятида эмасмен./— Қария,— деди манглайини қашиб Туғонбек, сотиш ниятида эмасмен.

5—6 — дея узун, учи ингичка соқолини тутамлади чол./кўзларини жавдиратди чол.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7 — ханжар/— Шамшир
7—8 — деб жавоб берди Тўғонбек дўкон четига ўтириб.— Менга/Менга
9 расо бир ойдан кейин/бир ой муддатда
10 қайтиб оламен./оламен.
11 этмай ақча тополмай қолсам,/этмаса,
12 Ўзингиз инсоф билан баҳоларсиз... Чол/Чол
14 Кейин/Сўнг
17—21 — Иложсизликдан қошингизга келдим, ∾ ёстиғим остига қўйган экан. Эсимни танигандан буён ҳамиша ёнимда./— Менинг аҳволимни бир мулоҳаза қилинг. Ялинқираган товуш билан гапирди Тўғонбек.— Иложсизликдан сизнинг қошингизга келдим. Эсимни таниғондан буён бу тиғ ёнимда...
23 турли/турли-туман
23 бу тиғ/бу пўлат
24—25 боғланган. Шунинг учун азиз тутасен./боғланғонидан азиз тутасен.
27—28 У шундайки, яхши тиғни дилрабо маъшуқасидан афзал кўради, ўзи барлос бекзодаларидан!/У йигит шундайки, яхши тиғни ўзининг дилрабо маъшуқасидан юз дафъа афзал кўради.
29 Тўғонбекнинг умиди кесилди. Қўлини тиғга узатди./Бу сўзлардан сўнг Тўғонбекнинг умиди кесилди-да, тиғни талаб қилди.
30—32 Лекин чол бу қийматли буюмни ∾ киссасини ковларкан, деди:/аммо чол қийматли буюмни қўлдан чиқаришни истамади, бир ойдан сўнг арзон баҳога бу гўзал буюмни сотиб олиш умиди билан киссасини ковлай бошлади.
33—34 — Хўп, ўғлим, йигитнинг сўзини қайтариш эрларнинг иши эмас./— Хўп, ўғлим йигитнинг сўзини қайтариш эрларнинг иши эмас. Беш динорни санаб берди.
35—36 Тўғонбек беш динорни олиб белбоғига тугди-да, хайрлашиб ўрнидан турди./Тўғонбек ақчани белбоққа тугиб рахматлар айтиб чол билан хайрлашди.
36 андишаси/даҳшати унинг
37 ҳам,/ҳам, лекин
38 оғриқ, ўксиниш сезди./оғриқ сезди.
38 қайтиб/муддатга қайтиб
39—40 савол унинг фикрини пармалади. ∾ Хийла вақт яна сандиранглаб юрди./саволнинг ваҳимасига берилиб, бир қанча вақт сандираклаб юрди.
40—43 Кейин қўлини силтаб ошхонага кирди, ∾ катта йўлда шаробхонага кирди./Қўлини силкиб бир ошхонада тўйиб овқатланди. Шом қоронғуси билан мадрасага жўнаркан йўлда ... маҳалласида қайғуни унутиш учун шаробхонага кирди.

*29-бет 43-сатри —31-бет 1-сатри*

Катта-кичик хумларнинг орқасида пастак курсида/ Катта бир неча хум шаробнинг орқасида кичкина курсида
3 ёритилган/ним ёриқланган
3—4 катта хонанинг/дўконнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

4—5 Бу ерда бир талай одам бор эди./Шаробхонада йигирмага яқин одам бор эди.
5—7 Баъзилар танҳо ўтириб хаёл суриб ичади. Баъзилар тўп-тўп бўлиб улфатчилик қилишади, ўқтин-ўқтин қийқириб қўйишади./Баъзилари танҳо, баъзи тўп-тўп бўлиб улфатчилик қилишади. Булар серзавқ суҳбат билан машғул, қийқириб ҳам қўйишади.
7 Бир томонда тўрт-беш/бир чекада тўрт-беш
9 билан форсича бир ғазални «хиргойи» қилади./билан ҳарсиллаб форсича бир ғазални хиргойи қилади.
10 аста-аста/аста
10—13 Шаҳарнинг машҳур «авбош»ларидан биртўпи бир-бирлари билан баҳслашгандай, косаларни пайдарпай сипқаришади./Ҳиротнинг машҳур «авбош»ларидан бир нечаси бир-бирлари билан баҳслашгандай, пайдарпай сипқиришади:
13—15 Оёқда базўр турган бир шоир дудуқланиб ўзини мақташ билан овора. Ўзбек-форс тилларидан иборат қурама бир шовқин бошни гангитади./Туркий, форсий сўзларидан қурама бир шовқин бошни гангитади...
16—18 Хилини, таъмини суриштирмай, қозоқлар қимиз ичишгандай, ∾ чанқоқ туянинг лаби сувга тегди, холос!/ Хилини, тамини суриштирмай дуч келган шаробни кўтаравердиган ва қозоқлар қимиз ичган сингари жуда кўп ичадиган Тўғонбекка икки коса май қитдай кор қилмади.
19 У, одатда, ичишга киришганда тангани аямас эди./ Одатда у бир ичишга киришса тангани асло аямас эди.
20—22 Лекин бу қоидани Ҳиротда, завқ билан ичиш мумкин бўлган шаҳарда, бузган эди. Ўзини зўрлаб бўлса ҳам орзусини ўлдиришга тиришди./Аммо умрида биринчи марта у қоидани бузди.
23 тиғ учун/тиғга
24—25 ўрнидан турди. Лекин эшикка чиқиш олдида таниш товуш эшитди: «Тўғон! Итнинг боласи!»/Кучли орзуйини ўз-ўзини зўрлаб бўлса ҳам босишга тиришди. Ўрнидан қўзғолган вақтда, қаршида коса кўтариб келаётган дов йигит унга бир қаради-да бақирди.—Тўғон, воҳ итнинг боласи! Ўтир!

*31-бет 26-сатри —32-бет 2-сатри*
Тўғонбек қайрилиб, ∾ тушиб қолганига ачинди./Тўғонбек бу учрашувдан худди Хизрга йўлиққандай, ғоят мамнун бўлган эса-да, ботир йигитларга хос бир улуғворлик ва ғурур билан қўришиб, яна ўтирди. Бу киши бир вақтлар Бадахшон ҳокимида Тўғонбек билан бирга хизмат қилган. Тўқли мерган эди:—Қани манавини қадимгича қилиб бир сипқорчи! Тўқли косани Тўғонбекка тутиб, ўзига бошқа келтирди. Эски қадрдонлар косаларни чўқиштириб, бир-бирларининг ҳол-аҳволларини суриштиришди. Тўғонбек бутун саргузаштларини ва бу кунги ҳаётини шошмасдан ҳикоя қилиб берди. «Ихтиёриддин» қалъасида вазифаси бўлган Тўқли ўзича, бўлимли йигит деб ҳисобланган Тўғонбек-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бундай сафолатга тушиб қолганига ачинди, уни бирон юмуш қилишга ундади.

— Ҳар иш учун тангри бир фурсат белгилаб қўйган.

3—7 — Толе қуши ўз вақти-соатида қўлингга қўнади,— ∾ Ҳозир маишатни ўйлаб юравер!/— Толе қуши ҳам ўз фурсатида қўлингга қўнади, фурсат келмаса минг ёққа бошингни ур, ҳеч нарса чиқмайди. Биламен сен лак-лак қўшинга саркарда бўладиган бўлимли йигитлак-сен. Лекин ошиқма! Отилмаган сопқон ҳам бошга тегар, ҳам...

8—9 — Не дейсан?—тўнғиллади Тўғонбек — мажидга сўфи, кулолга шогирд тушайинми?/— Не дейсан?— масжидга сўфи, кулолга шогирд бўлайинми?—тўнғиллади Тўғонбек.

10—12 — Бу ерда бир валинеъматим бор. Менга узоқ қариндош... Биласен, менинг аслим ҳиротлик. У одам саҳийликда Ҳотамтой.—/—Бу ерда бир валинеъматим бор,— деди товушини пасайтириб Тўқли, у киши саҳийликда Ҳотамтой.

14 бир йигит/одам

15—16 Мен ҳам қалъага унинг ҳаракати билан кирдим. Истасанг,/Истасанг,

18—28 Тўғонбек косани бўшатиб, ∾ қалин лабини тишлаб ўйлаб қолди.— Биламен ғурурing йўл бермай турибди! ∾ Тўғонбек дўстига тикилди, ∾ улар яна бир косадан ичиб ўринларидан турдилар./Тўғонбек қўлидаги косани бўшатиб даккам-дуккам мўйлабини пўстин енги билан артиб бир оз ўйлади-да, сўнг дўстини қўлини секингина қисиб ризосини билдирди.

28—35 Уларни фонус кўтарган тетиккина бир чол дарвозада қаршилади. ∾ Кўп ўтмасдан, нарироқда эшик ғижирлади ва чолнинг овози эшитилди:— Марҳамат қилинглар!/Уларни катта эшикда қўлида фонус тутган кексароқ бир чол қаршилади. Диққат билан унга тикилиб, Тўғонбек уни қул эканини фаҳмлади. Бу киши уларни қўра ичкарисига олди ва меҳмонхонага ўзи олдин кириб, бир зумдан сўнг ташқари чиқди-да секингина деди:— Ижозат бердилар, марҳамат.

*32-бет* *36-сатри —33-бет 4-сатри*

Тўғонбек дўстининг орқасидан хона ичига кириб ∾ Муҳаммад Султоннинг вазирчаси./Нақшкор, безатилган кичкина бир уйда, қалин кўрпача устида кўзлари муғомбир ёнган, бутун вазиятида кибр жилваланган, Ҳиротнинг давлатмандлари каби кийинган ўрта ёшли бир киши ўтирар эди. Бу Маждиддин эди. Маждиддин Шоҳруҳ салтанатида давлат ишларида катта мансаблар ишғол этган Ғиёсиддин Пир Аҳмад Ҳавофийнинг ўғли бўлиб, у Султон Абу Саид замонида девонда ишловчи бир кўп майда вазифадорлар (маъмурлар) дан бири эди. Ҳозирги вақтда эса Султон Ҳусайннинг жияни Мирзойи кичик Муҳаммад Султоннинг вазирчаси эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5—15 Тўғонбек салом бериб, унинг қўл учини сиқди. ∾ Кечаги гапимга чин ишониб, қулоғингга қуйиб олган экансан, мерган./Маждиддин ўз олдида турган катта мис шамдонни четроққа суриб қоматдор Тўқли мерган орқасидан лапанглаб кириб келган қўсқи пўстинли Тўғонбекка бошдан оёқ разм солиб қўйди ва бирдан жилмайиб болаларга сўзлаган каби аллақандай мулойимлик билан сўзлаб уларга жой кўрсатди. Қаршисида қўйдай юввош ҳам ғоят мутавозе бир вазиятда ўтирган баҳодир Тўқли мерганга маъноли жилмайиб муғомбир кўзлари билан яширинча тикилди-да, худди артист каби бирдан қиёфасини ўзгартирди. Бир онда жиддийлашди. Оддий одамларнинг тили билан гапиришга тиришиб деди: Кечаги айтганимни қулоғинға қуйиб олган экансен, мерган.

16 маълуммми?/белгиликми?

16—17 Нима қиламиз, қабул этмоқдин ўзга чора йўқ./қабул этишдан ўзга чорамиз йўқ.

18—20 Тўқли мерган Тўғонбекнинг баъзи сифатларини сўзлаб, мақташга бошлаган эди, Тўғонбек унга ҳўмрайиб, тилини кесди./Тўқли мерган ўз дўстини мақтаб бир неча сўз айтди. Тўғонбек бир нима демади.

21 Унга қаттиқ теккан эди. У ҳурпайиб олди./унинг иззат нафсига текканидан у ҳумрайиб олди.

21—23 Маждиддин пайқади шекилли, товушини, сўзнинг равишини ўзгартириб, дарров гапирди:/Буни пайқаган Маждиддин дарҳол товушини ва сўзнинг равишини ўзгартди.

24—25 — Бизга хизмат қилинг, иним, биздан асло ёмонлик кўрмайсиз./— Бизга хизмат қил, иним, биздан асло ёмонлик кўрмагайсен, деди.

26 — тўнғиллаб сўради Тўғонбек./— бошини кўтармасдан ўзига хос дағаллик билан сўради Тўғонбек.

28—29 — Қиҳ, қиҳ, қиҳ...— кулди Маждиддин, қора, қуюқ соқолини серкиллатиб.— Мен/Мен

29 — Мен сизга, иним,/мен сенга

30 амин бўлинг./бундан амин бўл.

30—31 Қадамингиз қутлуғ бўлса, мартабангиз улуғланур.../ далага чиқарсен, бизнинг еримиздаги ишлардан хабардор бўлиб турарсен. Ўзинг содиқ бўлсанг, қадаминг қутлуғ бўлса, сенинг ҳам мартабангни улуғлармиз...

32—34 — Остингда булутдай от,— гапга аралашди Тўқли мерган,— эгнинг бут. Дастурхон ҳар вақт муҳайё... Биламан. Шундайми, тақсир!/— Остингда булутдай туркман оти, эгнинг бут; таомни бизнинг хонадондан берурлар, яна харжинг учун биздан нақд кумуш олурсен...

35—38 Маждиддин илжайиб бош қимирлатиш билан тасдиқлади. ∾ дўсти билан бирга қўзғалди./Тўғонбек боши билан тасдиқ ишоратини қилди. Тўқли мерган кетишга ижозат сўради. Чол қул уларни фонус билан дарвозага қадар узатиб қўйди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Иккинчи боб

### I

*34-бет*

3—12 Султонмурод дарс учун мударрис мавлоно Фасиҳиддиннинг ҳужрасига кириб, ҳайратда қолди. Яп-янги кўк шоҳи тўн кийган устод янги тақяга саллани бежаб ўрамоқда эди. ∽ табассум билан Султонмуродга мурожаат этди:/Султонмурод дарс учун мударрис мавлоно Фасиҳиддиннинг ҳужрасига кирганда янги тўн кийиб ўзини бежаб турган устоднинг қандайдир олий бир даргоҳга ошиқаётганини дарров сезди, чунки Фасиҳиддиннинг бутун руҳиятини жуда ингичка кўринишларига қадар ўрганган эди. Шу ондаёқ унинг фарази тасдиқланди. Домла кўркам соқолларини тараб шошибпишиб деди:

13—15 Алишер Навоий жанобларини подшоҳ ҳазратлари муҳрдорлик вазифасига тайин этмишлар./Алишербекни Султон ҳазратлари муҳрдор тайин қилмишлар.

15—16 Ёшлик замонларида жаноб Алишер бир неча вақт менда таълим олмиш эдилар./Ул жаноб бир вақтлар сизнинг каби менинг ғоят истеъдодли шогирдим эдилар. Букун.

17 билан/ила

17 табрик этмоқ вазифамиздир./табрик қилмоқлиғим лозимдир.

18—20 Алишер Навоий орасида эски дўстликни эшитган бўлса ҳам, тез кунда бундай юқори вазифага кўтарилишини хаёл қилмаган эди./Алишер ўртасида эски дўстликни эшитган бўлса-да Ҳиротга келиши билан бундай мартабага кўтарилишини хаёл қилмаган эди.

21—30 Шоирлик қудратини унинг қўлма-қўл юрган шеърларидан билган, олимлиги ва инсоний фазилатлари ҳақида ∽ Алишернинг Ҳиротга қайтганини илк эшитган чоғда кўнглида туғилган кучли орзу — шоирни кўриш иштиёқи, ҳозир унинг бутун борлиғини қоплаб олди./ Олим — шоир ва эшитганларига кўра чин маънода инсоний фазилатларга эга бўлган бир шахснинг давлатда юқори пояга кўтарилиш хабари уни самимий қувонтирди, ҳам шу билан баробар ҳолвафурушнинг болохонасида Алишернинг Ҳиротга қайтишини илк эшитган чоғда унинг кўнглида туғилган кучли орзу, яъни Алишерни кўриш иштиёқи унинг бутун борлиғини қоплаб олди.

31—37 — Тақсир, демак сизни ҳам табрик қилмоқ мумкин.— ∽ Мавлоно Фасиҳиддининг кўзларида шодлик тошди. ∽ кўнглидаги бир муддаони арз этмоқ истайди./ — Тақсир — Султонмурод ҳар вақтдагидан кўра ортиқча тавозе билан деди,— ул зот сиз берган маърифат нури билан бу пояга эришганига асло шубҳа қилмайман. Шул ҳақиқатдан сизнинг каби улуғ устодни табрик этмагим керак. Сўнгра, бу фақир шогирдингиз ўз кўнглидаги бир муддаони сизга арз қилишни истайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

38 — Қандай муддао?— жиддий тикилди Фасиҳиддин./ — Қандай муддао?— жиддий равишда сўради.

*35-бет*

1 — улуғ шоирнинг ҳузурларига жанобингизнинг сояси/ Алишернинг ҳузурларига жанобнинг соянгиз Мавлоно Фасиҳиддин кўзларини ерга тикиб, маънодор сукут этди. ∽ Фасиҳиддин ўзининг фавқулодда истеъдодли шогирдини севар, ∽ Бирдан кўзларини ердан узиб, кулиб қаради./ . . . худди секин йўталгандай, «қиҳ»-«пиқ» қилиб кўзларини ерга тикиб маънодор сукут этди. Султонмурод унинг вазиятидан кучли тараддудланганини фаҳмлади. Устод ўзининг фавқулотда истеъдодли шогирдини севар, унинг ғайрати ва билимларини мақтар у билан бошқа олимлар орасида «қаранг, мана қандай нодир шахслар етиштирмоқдамен!» дегандай ўз обрўсини ҳам кўтаришга тиришар эди. Аммо бу ёш йигитчанинг ҳозирданоқ маърифатда ўзидан устунроқ эканлигига ишонгани ҳам шогирдлар орасида дарс вақтида бирон қалтис масалани ўртага ташлаб уни хижолатда қолдира олишини мумкин деб топгани учун ичида ўқтин-ўқтин қўрқув сезар эди. Энди ана шу томонларни бир нафас мулоҳаза қилди:— Муддаосини бажо келтирмасам ўртада адоват ҳосил бўлур, деган андишага борди. Бирдан кўзларини ердан узиб, Султонмуродга очиқ юз билан боқди:

15 қилмоққа сиз/қилиш учун сизга

15—16 Балли, бизга ҳамроҳ бўлингиз./Бизга ҳамроҳ бўлинг — эшикка қараб юрди.

17 Мударрис ва шогирд мадрасадан чиқдилар./Султонмурод бениҳоят қувониб устодининг изидан кетди.

18—20 Алишер яшаган уйда тантанали руҳ ҳукм суради. ∽ тўрдаги катта уйга таклиф этдилар./Алишер яшаган уйнинг ҳовлисида икки мулозим унга ҳурмат билан салом бериб Султонмуродга аллақандай ҳурмат билан очилган кўзларини тикиб қолди. Домла ва унинг орқасидан Султонмурод тўрдаги уйлардан бирига кирди.

*35-бет 20-сатри —36-бет 8-сатри*

Қип-қизил гиламлар ёнган, деворлари, шипи нақшдор ∽ Бу ердаги одамларнинг аксари Султонмуродга таниш бўлган ∽ Султонмурод ўзини дарҳол айвонга **олди.** ∽ Навоий ўттиздан ошмаган бўлса ҳам, ёши улуғроқдек кўринарди./Қип-қизил гиламлар ёнган, деворлари, токчаларини, ингичка завқ билан ишланган, гўзал нақшлар безаган бу катта уйда қалин кўрпачалар устида кийимлари, сиймоларига қараганда Ҳиротнинг эътиборли одамларидан 20 га яқин меҳмон ўтирар эди. Улар бирин-кетин ўринларидан енгилгина қўзғалиб, юқорига таклиф этадилар. Домла тўрдагилардан бир оз қуйироқда тиз чўкди. Саловат босиб, ичдан қалтираган Султонмурод эшик тагига таппа ўтирақолди. Лекин ўз истеъдодининг ва билимларининг кучига ишонган фақир йигит тезда ўзини тутиб олди. Қимматбаҳо шоҳилар, адраслар, мовутлар билан товланган мағрур шахсларни бир-бир кўздан кечирди. Уларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

орасида соддагина кийинган, дарвеш табиати кўзларида, бутун сиймосида очиқ кўринган... Ардашерни, хаёлчан кўзларини сузган шоир Мавлоно Суҳайлийни ва шунинг каби яна икки-уч машҳур мударрисни таниди. Мажлиснинг кайфиятига разм солиб, Алишернинг йўқлигига ишонди. Бу улуғ даргоҳга ва акобирлар мажлисига илашиб келган бу фақир муллабаччага баъзилар ёмон назар отиб турсалар-да, Сулонмурод ўз ичида; «ақлим шунга ишора қиладики, бир нечаларинг саводдан маҳрум, бир нечаларинг илм дарёсини ёқалаб ўтган; ичларингизда ўз камолати билан шуҳрат сурган бир нечаларинг илм дарёсининг саёзликларида суза олур. Мен ёшман, тўним кўҳна; сизнинг каби, қўша-қўша қулларга, навкарларга, канизларга соҳиб эмасмен; лекин азбаройи худо, мени баҳри илмнинг мавжларига отинглар, мен юза олишгина эмас, баҳрнинг қаърига етиб, ундан ажойиб дурри, гавҳарларга олиб чиқарга қодирмен», деди-да, аҳли мажлиснинг енгил мавзуларда, лекин сертакаллуф суҳбатига қулоқ солгандай бўлиб ўтира берди. Эшикдан Султонмуроднинг орқасидан кимдир секингина деди:— Алишер ҳазратлари саройдан қайтдилар.

Мажлис аҳли ўрнидан турди. Бир неча шахс қаршилаш учун айвонга чиқишди. Улар билан Султонмурод ўзини айвонга олиб, бир чеккадан ҳовлининг саҳнига қаради. Орқасида икки мансабдор билан келаётган шоирни кўргач Султонмуроднинг кўзлари ёниб кетди. Муҳрдор айвонга яқинлашганда, одамлар бириндикетин қўлларини сиқиб Самарқанддан қайтгандан биринчи кўришгучилар анчагина, енгилгина қучоқлашиб уни табриклай бошладилар.

8—24
Комати ўртадан баланд, ∽ тафаккур ва хаёл билан бирга қандайдир ирода кучи ифодаланади. ∽ Бир оз энкайиб, унинг қўлини сиқди-да, бир қадам орқага ташланди./Навоийнинг қомати ўртадан баланд ингичкароқ бўлса ҳам гавдаси пишиқ, бармоқлари узун ва нафис, қора ва қисқа соқол мўйлаблари чиройли таралган; ёноқлари чиқиқроқ кенгина юзида кўп йиллик ақлий меҳнатнинг, доимий тафаккурнинг инсонга енгил бир ҳорғинлиқ билан бирга жиддият, асл маъно, маънавий қудрат бағишлайдурган сифати жилваланади. Сузук боққан қийғоч кўзларда улуғ руҳнинг нури ёнади. Бу кўзлар гўё тафаккур ва хаёл билан бирга лим-лим тошиб боқади, шоирнинг бошида кўк шоҳи учли тақяға силлиқ ўралган кўркам салла, эгнида ичдан хитойи атлас тўн, унинг устидан яп-янги қимматбаҳо узун исқирлот чакмон. Султонмурод Навоийнинг бутун сиймосида кибр-ҳаводан, ман-манликдан холи бўлган аллақандай бир ғурур ва қўлларининг ҳаракатларида сўзлар экан дудоқларининг қимирлашида овозида қандайдир, майинлик ва ингичка оҳанг сезди. Шоир зинадан айвонга чиқиб эшик олдида эски домласи билан ғоят самимий кўришди. Домла ҳаяжонланиб, табриклагандан сўнг бармоғи билан Султонмурод-



www.ziyouz.com kutubxonasi

га ишора қилди. «Мунда кел!» Муллабачча бу тантанадан ва ҳаяжондан бир оз ранги ўчган, қўлларини кўксига қўйиб шоирнинг қаршисига чиқади. Қўлларини кўкрагидан узмай енгил, лекин самимий энгашиб муҳрдорнинг қўлларини қисди.

25—27 — Қаминанинг шогирдларидан,— деди ифтихор билан Фасиҳиддин,— нодир истеъдод. Замонамизнинг Абу Али Синоси бўлишига каминада асло шубҳа йўқ./Фақирнинг шогирдларидан... нодир истеъдод, замонамизнинг ибн Синоси бўлишига каминада ҳеч шак йўқ. Ифтихор билан деди.—

29 ғоят муболаға/муболаға

29—30 — ҳолда кулгансимон деди Султонмурод./ҳолда бир қадам орқага чекилиб Султонмурод.

*36-бет 30-сатри —37-бет 39-сатри*

Навоий дўстона табассум ва илиқлик билан ∾ ҳам унинг тўғрисида бирон нима дейишди. ∾ Умид қиламенки, бизни ҳамиша йўқлаб турурсиз/ ∾ Сиз жанобларига не тил билан арз қилайин!.. Навоийни яқин танимаган баъзи кишиларда ҳайрат ва саросима сезилар эди: Олача тўнли, фақир, хокисор ёш бир муллабаччага бу қадар диққат ва илтифот!.. Султонмурод атрофдагиларга ялт этиб қараб уларнинг, кўзларидан ана шу маънони очиқ сезаркан, Навоий сиймоси унинг тасаввурида яна юксалди, унга бўлган самимий ҳурмат ва муҳаббати яна ошди. Навоий халойиққа уйга киришга таклиф этди. Султонмурод ҳаммадан кейин кирди, шоир унга юқорироққа ўтиришга ишорат этса ҳам, у узр тилаб нақ аввалги ўрнига ўтирди. Уй соҳиби бўлганлигиданми, ёки камтарликданми муҳрдор шоир ҳам пастга ўтирган эди. У ҳаммадан аввал мадрасаларнинг мударрисларининг аҳволи, вақф ишларнинг ривожи, у Самарқанд кетгандан бери Хуросонда вужудга келтирилган, илмий адабий асарлар тўғрисида мажлис аҳлидан бир кўп маълумотлар олди. Гўё бундаги ҳар бир шахснинг «қулфидили» очилгандек, бир қанча вақт суҳбат қизиди. Сўнг махсус ходимлар дастурхон ёздилар: ҳар хил ширинликлар билан бирга катта идишларда шарбат келтирдилар. Меҳмонлар писта, бодом, ҳар нав қуруқ мевалар ва қанд, наботдан иборат мўл бир дастурхон, сўнг чинни косаларда ва лаганларда таом тортилди. Эт, шўрба, юмшоқ нон...

Зиёфатдан сўнг мажлиснинг кексаси уламодан «табаррук» бир зот фотиҳа ўқиб, уй соҳибини дуо қилди. Султонмурод ҳаммадан илгарироқ кўчага чиқди. Бу бахтли куннинг хотирасини бошқа ёр-дўстларга билдириш ҳам Навоий томонидан Султон Ҳусайн Бойқарога тақдим этилган «Ҳилолия» қасидасининг кўчирма нусхаларини қаердан бўлмасин топиб мутолаа қилишга ошиқди. Катта-кичик янги асарлар ҳақида энг олдин хабардор бўладиган шоирларнинг ва шеър ҳаваскорларининг учрашув манзиллари ҳисобланган саҳофлиқ растасига югурди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*38-бет*

1 II ҚА IV

2—4 Токчада ёнган шамнинг шуъласи ва қия очиқ даричадан тушган ой нури гиламларнинг гуллари устида живиллаб, хаёлий майин манзаралар, ўйинлар ясар,/Токчада ёнган шамнинг нури ва қиё очилган даричадан тушган ойдинлик юмшоқ, гулдор, қизил гиламлар устида ҳаётий, майин, манзаралар ясар,

5 шабада/шамол

6 қалин, катта/катта, қалин

7 варақларини шилдиратар ва/юпқа варақларини шилдиратиб,

9 Навоий/мусиқадан хабарсизликни шоир учун кечирилмас бир нуқсон ҳисоблаган Навоий

10—11 Шоир кўзлари ярим — юмуқ ҳолда завқ билан чертар,/ кўзлари ярим юмуқ ҳолда шоир завқ билан чертар,

12 пинҳон/чуқур пинҳон

*38-бет 14-сатри —40-бет 12-сатри*

Шоир енгил бир сўлиш олиб, ∾ киноя билан жилмайди./Эшик «ғарч» этиб очиларкан Навоий ялт этиб, қараб укаси Дарвешалининг ним маст юзини кўрди ва боши билан имлади. Дарвешали ичкарига кириб оҳиста тиз чўкди, бошини бир томонга бир оз эгиб, танбурга берилди.

13 — Сўзланг, иним, юртда қандай хабарлар бор?/— Сўзланг, мавлоно Дарвешали юртда қандай хабарлар бор, танбурни деворга тираб қўйиб сўради Навоий.

18 ...Бунга бардош этиб бўладими? дейдилар./Бунга бардош қилиб бўлғайми! дейдилар.

19—21 — Таассуфки,— деди Навоий ғижиниб, бошини тебратиб,— бу маъносиз ғавғо подшоҳнинг фармони билан рўй берди./— Таассуфки, бу маъносиз ғавғо подшоҳнинг фармони билан рўй берди,— куйиниб деди Навоий.

21 халқ/улус

21 солмоқдан/солувдан

22—29 Давлатнинг молияси не ҳолда, ∾ вилоятларда халққа не турда муомила қилурлар; ∾ тадбир ва салоҳият билан ҳал қилмоқ керак эди./Улус орасиға тафриқа солувдан ўзга иш йўқми, ажабо! Давлатнинг молияси не аҳволда, навкарлар не аҳволда, мадрасалар, толиби илмлар, олим-фозиллар не аҳволда, ҳокимлар не билан машғуллар, ҳар нав амалдорлар халққа не турда муомила қилурлар, деҳқоннинг рўзғори нечук, косибнинг кори нечук, мана бу вазифаларни ақл ва идрок кўзи билан тадбир ва салоҳият билан ҳал қилмоқ керак эди.

29—34 Иним, ҳар қандай мазҳаб жанжалларидан юқори турмоқ лозим. ∾ Кўнгулни унинг ишқи, ёди билан тўлдирмоқ керак./Бизнинг фаҳмимизча, иним, ягона ҳусни мутлақ мавжуддир, кўнгилни унинг ишқи билан тўлдур, қуёшга сажда эт, оловга топин, бутни кўзларингга сурт,— мен бунда ҳеч фарқ кўрмаймен... [«Хамса»дан].

35—38 Дарвешали шоир фикрининг илдизларига етмоққа тиришиб, ∾ У ўз оғасига ва унинг фикрларига чуқур



www.ziyouz.com kutubxonasi

эҳтиром билан қарар эди./Дарвешали шоир фикрининг илдизларига етмаганидан чўчиб кетди. Лекин ўз оғасига ва унинг ҳар қандай фикрларига чуқур ҳурмат сақлаганини ва умуман мунозараларга тоби йўқлиги учун эътироз этмади. Фақат шуни деди:

39—40 — Бу диний низолар улғайиб кетмаса эди...— деди ниҳоят Дарвешали/— Бу диний тортишув улғаймаса эди...

*41-бет*

1 — Хайр, биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилурмиз. ∾ улуснинг бирлигини эътиборга олурмиз./— Хайр, биз бу дағдағани ўртадан кўтаришга ғайрат қилурмиз давом этди сўзида Навоий. Гарчи биз бу мазҳабларнинг бирини ўзгасидан афзал кўрмасак ҳам, улуснинг бирлигини эътиборга олурмиз.

5—18 Иним, дунёда китоб ўқимоқдан, тафаккурдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқдир. ∾ Бу муборак юртда қилинадиган ишлар бениҳоят кўпдир. ∾ — Ҳар бир ниятингиз учун қул каби хизмат қилурмен,— деди Дарвешали қўлини кўксига қўйиб./Иним, шу фурсатларда бошимизни бир мақсад ишғол қилмоқдадир. Гарчи бу орзу эски эрди, энди вужудга чиқармағунча кўнглимиз таскин топмасга ўхшайдур... Биз бир кутубхона яратмоқни хаёл қиламиз. Сизга тааллуқли бир нукта бўлганидан аввало, сизга арз қилмоқчимиз.— Сиз жаноб учун бу қулингиз жонини ҳам бағишлағай,— самимий равишда деди Дарвешали. (Дарвешали дастлаб Султон Ҳусайннинг кутубхоначиси эди).

19—21 — Биз шундай кутубхона бино қилайликки, ∾ бутун эл қошида манзур ва мўътабар бўлсин./— Биз андоқ улуғ бир кутубхона пайдор қилайликки,—қошларини майин чимириб гапирди, Навоий,— ул бутун эл назарида манзур ва мўътабар бўлсин.

24—31 Фақирнинг холис нияти шулки, бу ерда Хуросоннинг ва ўзга мамлакати исломнинг барча уламо, фузало, шуароси китоблардан истифода қилғай. ∾ ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайлар./Азиз биродар кўнглингизга келмасинки, биз бу ишни намойиш учун, худбинлигимиз дардини даволаш учун қилурмиз. Йўқ, фақирнинг холис нияти шулки, кутубхонамиздан Хуросоннинг ва ўзга мамлакати исломнинг барча уламо, фузало ва шуароси истифода қилғайлар. Бу ерда фалсафанинг, Суқрат, Афлотун ва Арастулари, ҳикмат ва риёзиётнинг Фипоғурслари, илмий тибнинг Абу Али Синолари, илм ҳайъатининг Улуғбеклари, шеър майдонининг Фирдавсий — ва Низомий Ганжавийлари — ҳар қайсилари ўз соҳаларида осойишта машғулотда бўлғайлар.

32 Илмнинг равнақига ҳаракат қилғайлар,/Илм — фунуннинг равнақига кушеш қилғайлар.

32—33 янги-янги/янги

33—34 Улар кашф этган ҳақиқат қуёшлари юртимиз самосини нурга тўлдирса мақсадимизга етган бўлурмиз./Алар



www.ziyouz.com kutubxonasi

кашф этган ҳақиқат қуёшларидан улусимиз баҳраманд бўлса биз мақсадимизга етган бўлурмиз.

35—38 Дарвешали, ∾ заруриятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг.../мавлоно Дарвешали, ҳар ишга белингизни боғларсиз, элнинг манфаати ва заруриятини бир мезон деб билинг.

*42-бет*

1—38 — Албатта шундай бўлмоқ керак,— деди Дарвешали, сийракроқ соқолини қашиб қўйиб,— ∾ — Ҳимматингиз самосини ҳаргиз булут қопламасин, иним. ∾ Бироздан кейин Дарвешали олдинга сурилди, ∾ Қимматли китобларнинг нусхаларини кўпайтирмоқ учун Ҳиротдаги энг яхши котиблар ва муқова усталари ҳақида суриштирди./Аммо аксар вақт инсонлар яхшиликнинг баҳосига етмайдилар. Хизматини қадрламайдилар... Дарвешалининг мулоҳазаси Навоийга ёқмади, у таассуф билдиргандай, бошини чайқади.—Бу ўйни кўнгил масканидан тезроқ ҳайданг.— Қатъий бир оҳанг билан сўзлади Навоий.—Ҳимматингиз самосини булут ҳаргиз қопламағай. Фикрнинг кўзини диёрига савқ этинг. Яхшилардан ибрат олинг. Яхшилик билан ном қолдиришга ғайрат қилмоқ керак. Кўнгилнинг қувватини, кўзнинг нурини бу йўлда сарф этмак керак. Зероки, оламда мундан улуғроқ бир маънони камина ўз хотирига келтиришда ожиздир. Дарвешали, ўз хатосидан уялгандай, бошини қуйи солиб, бир неча вақт жим қолди. Сўнг авфу сўраб, бу тўғрида у муҳтарам қардоши билан ҳамфикр эканлигини, лекин «баъзи аччиқ тажрибалар натижасида» бу андишани айтишга мажбур бўлганини сўзлади ва кутубхона барпо қилишга тезда киришмак кераклигини тасдиқлади, бунинг учун нималар даркорлигини айтди.—Тўғри айтасиз, илк аввал бир имората олий барпо этмак лозим — деди-да, Навоий курси устида ётган майин қоғозлардан бир япроғини олиб чизишга бошлади. Дарвешали токчадан шамни олиб қўйди. Миқроз билан шам учини кесиб шоирнинг диққат билан тортаётган чизиқларига кўзини тикиб ўтирди. Бир андозлиқ қоғоз ажойиб шакллар билан қопланди. Бу иморатнинг тархи эди. Навоий укасига табассум қилди.—Бу ашколга диққат этиб мулоҳазангизни билдиринг. Биз меъморий санъатида соҳиби вуқуф эмасмиз. Бу соҳанинг устод комили ўз сўзини дегай албатта, аммо шу тарз ашкол бизга маъқулроқ кўринмакда...—Навоий тарҳни очиқ турган китоб устига қўйди. Дарвешали катта ҳавас билан тарҳни томоша қиларкан, муаззам бино бутун тафсилоти билан шоирнинг кўз олдида гавдалангандай, бинонинг ички тузилиши, ташқи кўриниши, нақшлари, бўёқларига қадар тушинтирди. Дарвешали акасининг чуқур фикрига, билимига, завқига ўз ичида ҳайрат билдирди. Дам тарҳга, дам унинг яратувчисига қараб қолди.

*43-бет*

2 кўзларини уқалаб,/уйқу босган кўзларини аста уқалаб,
3 чиқди./кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3 Шоир ўзини ҳали тетик ва енгил сезар эди./Навоий ҳали тетик ва енгил сезар эди.

*43-бет 3-сатри — 49-бет 39-сатри*

Кечанинг майин сукунатига ∾ бошқа хонага ўтиб кетди. Шом/Шом

*50-бет*

3 Шом қорасида Мажддиддин хизматдан уйга қайтди./ оқшом қораси билан Мажддиддин ўз хонасига қайтди.

4 Бўстон,/Анор,

6 Бекасини ҳозиргина саройдан канизак/ва бекаси ҳозиргина саройдан бир канизак

7 бош хотини/улуғ хотини

8 Мажддиддин/парвоначи

9 жуда/ғоят

14 чорлайди./дават этади.

14—15 Ишқилиб бахт отини ∾ олиш керак! Мажддиддин/ Мажддиддин

16 ясоғли уйга/уйга

17 Чўри қизга шамни/шамни

18—19 Бўстон келтирган бир лаган қовурдуққа/Анор келтирган қовурдуққа

19—20 Бўстон чиройли кўзачадан/Анор кўзачадин

21 Бироқ,/Фақат,

22 Саросималаниб, тезгина/тезгина

24—25 — Бунда кел, ҳой! Ўтир,— аччиқланиб қичқирди Мажддиддин./— Мунда кел, ҳой, ўтир,— аччиғланиб деди Мажддиддин.

26—28 Ихтиёрсиз чўри қўрққанидан, яқинроқ келиб, гўё бирон юмуш кутгандай, чўққайиб ўтирди. Чиройли, маъсум кўзларини яширди./Ихтиёрсиз чўри қиз хўжасидин қўрққанидин яқинроқ келиб, чўққайиб ўтирди, чиройли сузук, кўзларини ерга тикди.

28—29 У ўн уч ёшида Бадахшонда саҳройи қароқчиларнинг қўлига асир тушиб,/Анор 12 ёшда саҳройи қароқчиларнинг қўлига асир тушиб,

32 сотиб олган эди./сотилган эди.

32—36 Бўстонни тақдир бир қариш ёшидан бошлаб ҳаётнинг золим панжасига ташлаган. ∾ туйғун қизнинг эркин ҳаётга бўлган умиди сўнмаган эди./Бир қариш ёшидан тақдир уни ҳаётнинг золим панжасига ташлаган, уқубатлар гирдобига шўнғитган бўлса ҳам, соф юракли, туйғун қизнинг умиди сўнмаган эди. Қулликдан қутилишга одамларча ўз эрки билан яшашга унинг ишончи бор эди.

36 у ўз/ўз

37 Бўстон/ўз

*51-бет*

2 шоҳи рўмолча/рўмолча

2 қизга/Анорга

3—8 Фақат қизнинг кир, дағал ∾ ўз оғушига олишга қарор этди./Фақат, қизнинг кир, дағал бўз кўйлагини кўриб, ипакларга беланса ҳуснига юз қатла ҳусн қўшилар эди, ўйлади ичида у. Бу фурсатни жуда қулай топган бўлса-да, лекин насиб этган кун қизни ҳаммом-



www.ziyouz.com kutubxonasi

га юбориб нафис кийимлар кийдириб ундан кейин ўз оғушига олишга қарор қилди.

9 қизнинг/Анорнинг

10 уни чўчитиб юборди./қизни чўчитди.

11 — Гул қизим, мен сенга яқинда анча ўртоқлар топамен, не дейсен?/— Ҳай қиз мен сенга тез фурсатда анча-мунча ўртоқлар топамен, не дейсен?

13 муомиласидан вужудини/ҳаракатларидан гавдасини

14 демай, ҳуркак кўзларини/демади, кўзларини

17 соҳиб жамол қизлардан/қизлардан яна

17—19 Уларнинг ҳаммасига сен бошчи бўлурсен. Ҳаммаларинг «боғи эрам» қизларидек ясаниб юрасенлар./— Сен ҳаммасига бошчи бўлурсен, юмушларинг озаяди. Ҳаммаларинг «боғи эрам» қизларидай ясаниб юрасанлар. Менинг сояий давлатимда ҳаммаларинг бахт саодатга эришасенлар... «бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур» дегандек,

20 Қизнинг/Анорнинг

22—23 Унинг бахтига шу аснода кўча эшиги бирдан тақиллади./Ногоҳан унинг бахтига кўча эшик тақиллади.

23 Бўстон/Анор

24 қуш каби, ташқари/қушдай эшикка,

24 кафшини/кафшини оёқларига

25—26 Бирпасдан кейин дадил юриб келиб, уни биров чақираётганини билдирди./Бир зумдан сўнг оҳистароқ ва дадилроқ юриб келиб Абулзиё деган кишининг учрашмоқчи эканлигини билдирди.

*51-бет 26-сатри —52-бет 8-сатри*

Мажддиддин ижирғаниб, аста ташқари чиқди, ∾ Абулзиё билан кўришди ва уйга бошлаб кирди. ∾ Билмаган киши бўлиб сўради, Мажддиддин. ∾ ҳамма савдогарлар каби, ёлғиз чатоқлари ҳақида гапирди./Мажддиддин ўрнидан ирғиб туриб меҳмонни олиб кирди. Ҳиротнинг эмас, балки бутун Хуросоннинг энг йирик бойларидан бўлган Абулзиё парвоначининг таниши эди. Унинг карвонлари Ҳиндистон ва Хитой йўлларида муттасил қатнаб турар эди. У Мажддиддиннинг самимий таклифи билан юқорига ўтиб қопқора қуюқ соқолини силаб фотиҳа ўқиғондай бўлди-да, Мажддиддинни табриклади:— Подшоҳ ҳазратлари сиз жанобга илтифот кўрсатмишлар янги рутбаи олийингизни эшитиб бағоят хурсанд бўлдик.—Мажддиддин бир қўлини кўксига қўйиб бошини енгилгина эгиб миннатдорчилик билдирди ва меҳмоннинг ишларининг кетишидан сўради. Ҳар бир савдогар ўз ишининг ривожи ва кўраётган фойдалари ҳақида кимсага оғиз очишни истамайди. Лекин камчиликлари тўғрисида сўз борса тилини бир карич қилади. Пашшани филга айлантиради. Абулзиё ҳам савдо ишидаги камчиликларидангина сўзлади.

9—10 Мажддиддин Бўстонни имлаб, дастурхон ёзишга буюрар экан, меҳмон қатъиян рад этди./Мажддиддин Анорни имлаб дастурхон ёзишни билдирар экан, меҳмон қўлини палахса қилиб қатъий равишда рад этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

11—14 Ҳозиргина шулонда эдик, ∽ Билмадим, жанобларн қандай қарар эканлар.../Камина дўстингизнинг ақли қосидиға бир андиша тушган эди. Андак мулоҳаза юргизиб бу мушкулнинг ҳали учун сизнинг даргоҳингизга сиғиниб келдик,— деди Абулзиё бармоғидаги гавҳар кўзли узукни ўйнаб.

15—17 — Бизнинг холис ниятимиз,— деди Мажциддин қўлини кўксига қўйиб, дўст-ёрларга ҳамиша хизмат қилмоқдир./ — Бизнинг холис ниятимиз дўст-ёрларга хизматдан ўзга нарса эмас,— деди Маждиддин.

18—19 Бир кўзини, одати бўйича қисиб шамга бир нафас тикилди./Бир кўзини қисиб шамга бир зум тикилди.

20 томонга/томон

21 — Хазинанинг/хазинанинг...— хўш...

22 Маждиддин кулимсираб жавоб берди:/Бу саволнинг тегини дарров фаҳмлаган Маждиддин кулимсираб деди:

23—25 — Шоҳларнинг хазинаси бамисоли бир дарё...— лекин бир фарқи бор: сув кўпайса, дарё тошади. Аммо хазина жавоҳиротга асло тўймайди./Шоҳларнинг хазинаси мисоли қуримайдиган бир дарё... Лекин хазина жавоҳиротга асло тўймайди.

26—32 — Бағоят тўғри фикр,— деди Абулзиё, хусусан, бизнинг подшоҳи ислом каби Ҳотамтой султон учун хазина дош бермайди. ∽ Камина хазинанинг барокатига саъи-ҳаракат қилсам, деган ниятда эдим.../— Камина ҳам бу фикрда,— деди Абулзиё хусусан бизнинг подшоҳи ислом каби, Ҳотамтой Султон учун хазина дош бермайди. Подшоҳнинг муборак таъблари ҳашаматга мойил кўринади. Ҳар кун жамшид осо базмлар, зиёфатлар тартиб этмакда эмишлар. Хазинанинг барокатига саъи-кушеш қилсам деган умиддамен.

33 қизиқиб сўради/сўради

34—35 хазинага маблағ эл-улусдан қатра-қатра томиб келади./ — кулиб, деди Абулзиё,— хазинага маблағ улусдан қатра-қатра томади.

*52-бет 35-сатри —54-бет 13-сатри*

— Биродарингизнинг холис нияти шулки, хазинага тангани биз қанорлаб ағдарсак-да, сўнг элдан бир-бир териб олсак... ∽ — Хўп, бу шартни қабул қилдик...— деди ноилож Абулзиё. ∽ ишни қулай саранжом қилиш ва ҳоказо тўғрисида ўйлаб, уйқуси қочди./— Фақирнинг холис нияти шундаки, хазинага тангани биз қоплаб-қанорлаб ағдарсак, сўнг улусдан аларни бир-бир териб олсак...— Юртдан олинғуси закотни тегишли амалдорлар ихтиёридан сизнинг ихтиёрингизга берилса... мақсадингиз ушбуми? Ўсмоқчилаб сўради Маждиддин. Балли бошини эгди Абулзиё. Маждиддин бу ишни фойдалигини яхши билса ҳам жўрттага тараддудланди. Мушкул масала қаршисида қолган киши каби пешонасини қашиб деди:— Бу усул кўп мамлакатларда бир таомил бўлиб қолган... Аммо ҳоқон Мансур ҳам аларнинг вазирлари бу хусусда эътироз кўрсатмагайлар деб андиша қилурмен...



www.ziyouz.com kutubxonasi

—Тақсир,— жавоб берди Абулзиё,— бу соҳада биз ҳали тажриба соҳиби эмасмиз, биз учун фақат ҳирот вилоятини илтимос қилсалар бас. Ўйлаймизки, бу ишнинг уддасидан чиққайсиз... Хизматингиз эвазига биздан яхшилик кўришингизга амин бўлинг, ки биз ҳозирдан тайёрмиз...—Меҳмоннинг кейинги сўзлари Маждиддинга мойдек ёқиб тушди. У ўлжани қўлдан чиқармаслик учун, ишнинг уддасидан чиқишга меҳмонда заррача шак-шубҳа қолдирмаслик мақсадида, деди:—Дўстим алҳамдулилло бизнинг ҳеч сўзимиз подшоҳ ҳазратларининг назарида эътироз кўрмади. Сизнинг илтимосингизни ҳам ўз илтимосимиз каби ул муборак вужуднинг хатирларига етказиб мувофиқот бўлурмиз. Андиша ва тараддуд шунда эдики, бу нуқта ҳозирча пинҳон қолишини истар эдик... (Ҳасад ҳақида бир байт) —Албатта-албатта савоби ошкордан, гуноҳи пинҳон» яхши дерлар,— деди-да, Абулзиё роҳатланиб хўрсинди. Сўнг қўлтиғидан нафис бир шоҳи халтачани олиб, оғзини озгина ҳимариб, Маждиддин олдига жаранглатиб қўйди. Шам нурида ёнган бу олтин каби парвоначининг юзи, кўзи шодликдан учқунлаб кетди. Миннатдорлик сўзларини ёғдириб, халтачани дарров ёстуқ тагига тиқди. Абулзиё узр сўраб ўрнидан турди.

*54-бет*

16 II

17—22 Тўғонбек ҳар куни хўжасининг зотли отларидан бирини миниб, Ҳиротда гашт қилиб юради. ∽ Мўл, текин овқатни егандан кейин шаробхонага югурди./Тўғонбек бир ҳафтадан буён хар кун хўжасининг зотли отларидин бирини танлаб миниб Ҳиротда гашт қилади. У Маждиддин хизматига ўтган куннинг эртасигаёқ «ота мерос азиз» ханжарини қайтариб олган. Эгнида янги чакмон, бошида олифта қалпоқ, киссаси тангасиз қолмайди. Оқшом мўл ва текин овқатни ошагандан сўнг, шаробхонага ошиқади.

22—25 Майхўрликда, курашда, от чопишда, ўқ узишда шаҳарнинг ∽ Биринчи кунларда хўжаси билан оз учрашарди./Шаҳарнинг ичкилик ичишда, курашда, от чопишда, ўқ узишда ва хоказо, бирон соҳада донг чиқорған жаҳонгашта йигитларидан бир қанчаси билан дўст тутинишга ҳам улгурди.

26—38 Кейин, Тўғонбек гап асносида турли масалалар тўғрисида ўз фикрини. ∽ Тўғонбек гўё эшитмагандай, бир қанча вақт отнинг уён-буёнига ўтиб, пардозлаб, сўнг пўнғирлади:/Лекин ҳар дафъа Тўғонбек суҳбат охирида хўжаси ундан рози бўлганини унга ишончи балки муҳаббати ошганлигини сезди. Бу кун саккизинчи кун. Нонуштадан сўнг Тўғонбек чиройли туркман отни эгарлаб тураркан мўйсафид қул Нурбобо яқинлашиб деди:—Хўжа сизни талаб қилдилар. Тўғонбек бу сўзни эшитмагандай бир қанча вақт отнинг у ён-бу ёнига ўтиб пардозлаб сўнг пўнғиллади:—иш ёрти қолмасин,

39—40 —Ол супурткини, ўбдан тозала!/—Иш ёрти қолмасин, қари шайтон, ол ўбдон тозала!



www.ziyouz.com kutubxonasi

55-бет

1—27 Тўғонбек отхонадан чиқиб, кийимларини қоқиб-суқиб, Мажддиддиннинг хонасига кирди; тиз чўкиб, кичик, ай-ёр кўзларини хўжасига тикди. ∾ Нурбобо эгарлаб қўйган отни миниб, жўнаб қолди./Тўғонбек эшикда кийимларини қоқиб-суқиб, Мажддиддинни олдига кирди. Тиз чўкиб қисиқ кўзларини хўжасига тикди. Йигит бир хизматимиз бор,— деди Мажддиддин.— Буюрсинлар!— Алҳамдулилло рутбамиз улғайиб, давлатда эътиборимиз баланд бўлди, аммо баъзи бир сарфиёт соясида ақчага андак эҳтиёжимиз зўрайди. Сен бизнинг ерларимизда зироат қилғон деҳқонлардан бир миқдор маблағ йиғиб берсанг... Нурбобо ҳамроҳ, бўлур.—Тўғонбек ўз хўжасининг «Мирзойи кичик»нинг хизматидан саройга ўтиб «парвоначи» рутбасига кўтарилишининг сабабларини ана шу «баъзи сарфиёт»да кўрди. Янги подшоҳга ва айниқса унинг баъзи бекларига катта совғалар қилган деб ўйлади. Буюрилган хизматга шу топдаёқ жўнаб кетишга ҳозирлигини билдирди ва бу ишнинг баъзи томонларини аниқлаб ташқари чиқишга ижозат сўраркан, Мажддиддин ҳам ўрнидан турди. Ёлғиз ўзигина минадирган жийрон отни эгарлатди, қўлтиғига кирган Тўғонбекнинг ёрдами билан минди-да, ўйноқлаған отнинг жиловини тортиб улуғворлик билан жўнаб кетди. «Боғи жаҳон аро»га етиш билан янги «парвоначи»ни навкарлар қарши олиб расмий таъзим билан отдан туширдилар. Мажддиддин ичкари кирди. Бу улуғ ҳавзи, чиройли кўшклари хиёбонлари билан таажжубланарлик даражада гўзал, тўрт тарафида — тўрт муҳташам иморат юксалган ажиб бир боғ эди. Қуёшнинг соф шуълаларида чўмилиб майин тебранган дарахтларнинг ораліқларидан катта ҳовузнинг кумуши жилваланар эди. Онда-сонда худди жанг майдонига киришга тайёрдай тўла қуролланган муччаси келишган баҳодир сиймоли, ясовуллар, навкарлар... Мажддиддин одатда аёнлар йиғиладурғон хонага кирди. Бу ерда умародан, улуғ мансабдорлардан Муҳаммад Бурундуқ Барлос, Музаффар Барлос, Алишер Навоий, Иброҳим Дулдой, Нўёнбек, Зуннун Арғун, Жаҳонгир Барлос, Мўғулбек, Ислим Барлос, Бадриддин, Мир Али, Мир Оҳу, ҳам ҳар мажлисда подшоҳнинг ҳузурида ҳозир бўлувчи мусоҳиблардан бир нечаси ўтиришар эди. Парвоначи улар билан илиқ кўришиб, бир кўпларига хушомад сўзлар айтиб, қуйида ўтирди. Лекин салтанатнинг бу устунлари орасида ўзини аллақандай ожиз, беном сезди, лочинлар галаси ичига тушиб қолган қарғадай, ўнғайсизланди, аҳли мажлиснинг деярлик ҳаммаси бирон нарса билан донг чиқарғон Муҳаммад Бурундуқ Барлос, эски беклардан ҳам билимдон ва сардор одам, Музаффар Барлос подшоҳнинг тож-тахт учун курашларида иш кўрсатган; Алишер улуғ шоир; Зуннун Арғун бир қадар телбароқ бекарорроқ бўлишига қарамай, шижоатли одам, у қилич ўйнатганда ёвнинг юраги ёрилади, яна



www.ziyouz.com kutubxonasi

шатранжи ўйинда унинг қандай маҳорати зўр! Ёй отишда Ислом Барлос билан ким тенглашади? «Ўттиз-қирқ ботмон» ёйни отаркан зарбаси тахтани тешади! Бадриддин эса чаққонлиги билан машҳур: унинг етти отдан сакраганлигини ким билмайди? Маждиддин нима билан исм чиқарсин? Давлатнинг муҳим тираги бўлиш учун ва бу мағрур беклар ҳар ишда у билан ҳисоблашишга мажбур бўлишлари учун қандай йўл тутиш керак? Унинг ўксунган кўнглини, фикрини бу мушкул саволлар ўраб олди.

Эшик оғасининг ишорати билан мажлис аҳли улуғ девонга ўтишди. Бу — нафис даричалари икки томондан ҳам гўзал боққа очилган, кенг, ёруғ бир зал эди; деворлари, шипи — санъатнинг энг ингичка устозлари томонидан ишланган ва нақшларининг жонли гуллари, ёрқин, оҳангдор бўёқлари билан кўзларни беихтиёр тортар эди. Юқорида, қалин зарбафт тўшаклар устида султон Ҳусайн Бойқаро чордона қуриб ўтирар эди. У кенг кўкракли, миқти гавдалик, ёши ўттиз иккидан ошмаган бўлса ҳам, афти қаримсиқроқ кўринар эди. Қисиқ кўзларининг боқишлари қандайдир беқарор, енгилтак табиатни ифода қилар эди. Подшоҳнинг бошида қийматли тошлар терилган қалпоқ, эгнида қизил яшил абришимдан чакмон; чакмоннинг ёқаси олтин гуллар, ранг-баранг порлаган қимматбаҳо тошлар билан безалган... айниқса белидаги энлик камарининг олтин қуббаларида йирик-кичик гавҳарлар, Бадаҳшоннинг энг асл, энг нодир тошлари оловланар эди. Подшоҳга, қабул этилган йўсинда, уч мартаба энкайиб таъзимдан сўнг ҳам жиддий — улуғвор вазиятни бузмасдан, ҳар ким ўз ўрнида — чингиз қурасига мувофиқ ўтирди. Подшоҳ олдин Музаффар Барлосга мурожаат этиб, унинг аҳволини сўради. Сўнг, Навоийга қараб, дўстона бир табассум билан, қат-қат зарбафт тўшакнинг юқори қабатиға бармоқларини тиқиб букланган қоғозни олди.

— Суҳангузарлиқда соянгиз каби изингиздан кетмоқдамиз. Навоий ўрнидан туриб таъзим билан Ҳусайн Бойқаро қўлидан қоғозни олди ва орқаси билан аста юриб, яна ўрнига ўтирди. Бу шеър севгучи бўлган ва шоирлиққа интилган подшоҳнинг Навоийга муҳаммаси эди. Навоий энг аъло ва ипакдай майин қоғозни текислаб қаддини ростлаб, назмни ўқий бошлади:

Қилмағай эрдим юзин кўрмак таманно кошки,
Солмағай эрдим кўнгул мулкига яғмо кошки.
Васл аро тушди кўнгул мулкида ғавғо эй рафиқ,
Қилғай эрди ҳажр ўти кўнглумни маъво кошки.
Тангри учун телба кўнглумни этургил эй сипеҳр



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ким эмас ҳосил бу бе ҳосилдин илло
кошки,
Ул қуёшнинг наҳди васли гарчи роҳатдур
вали,
Қилмағай эрди кўнгул они таманно кошки.
Менки ул ой ишқини қилдим таманно
эй кўнгул,
Қилғай эрдим зуҳд ичинда дида бино
кошки.

Қироат битиш билан, ҳар томондин мақтов садолари юксалди. Ҳатто, шеърни баъзи заиф одамларни эрмаги деб билган ва подшоҳнинг шоирлиғини, унинг кўчқор уриштириш ишқибозлиғига қарагандай, парвосиз бўлган ҳам отдан, мерганликдан, ҳафталарча чўзилган майхўрликдан ўзга завқни танимайдурган баъзи аскар бошлиқлари — беклар ҳам мадҳ санога тил очдилар. Шеър қўлдан-қўлга кўчди. Айрим мисралари устида мажлис аҳли ўзаро аста-аста музокаралар юрита бошлашди.

Подшоҳ учун шеърга Навоийнинг берган қиймати муҳим эди. Унинг қулоқлари бошқаларнинг сўзида, лекин кўзлари шоирнинг лабида эди. Ўртага жимжитлик қуюлғоч, Навоий фикрини баён қила кетди. Бир қарич ёшидан бошлаб шеър оламига кирган, араб, эрон, ҳинд, туркий шеърнинг ҳақиқий қуёшлари нурларида ўсган, уларга ўзини унутарлик даражада берилган ва ўз руҳида қудратли илҳом ташиган шоир учун бу ғазал, табиий, шоён ҳайрат бир бадия эмасди. Лекин Навоийга камтаринликдан, ўз асарлари билан кўкрак кермас, бошқаларникини пастга урмас, шеърда энг нозик хатоларни бир онда кўра билар, мулойимлик билан буларни кўрсатиб, тузатишга кўмаклашар эди. Болаликдан бошлаб Султон Ҳусайнни яқиндан таниган Навоий унинг шеърга ҳавасини, истеъдодини яхши билар, уни ташвиқ этар, хусусан ўз халқининг тилида яратиш зарурлигини ҳар вақт уқдирар эди. Ҳозир бу мухаммас ҳақида сўзларкан унинг «Ранг хос ва хаёлдан» маҳрум эмаслигини «туркийда сухонгузорлиғ» мумкин эканлигини подшоҳнинг ўзи исбот қилаётгани уни қувонтирғонини сўзлади. Султон Ҳусайн ҳам бу хусусда бир неча айтди, Навоийнинг тил ҳақидаги мулоҳазаларини қувватлади-да бирдан суҳбат мавзуини ўзгартиб юборди: Ислим Барлос билан ов ҳам қушлар ҳақида сўзлаша кетди... Ислим Барлос ёйни зарб билан отиб, ўқни тахтадан ўтказиш маҳоратигагина эмас, қушчиликдаги билими билан ҳам донгдор эди, ов ҳам қуш устида сўз бошлаши билан Ислим Барлос, ҳар вақтдаги каби, бирдан жонланди. Қушларнинг «равиш рафтори» ҳақида қизиқ маълумотлар бера бошлади. Бу соҳада Муҳаммад Бурундуқ Барлос ҳам ўзини ягона билар эди. Мабодо унинг қушларидан биронтаси нобуд бўлса у азобдан қайғудан бир зумда ўзини унутар, гўё бутун дунё бу ўлик қушнинг қаноти



www.ziyouz.com kutubxonasi

остида ғойиб бўлар эди-да, «аҳ, бу қуш ўлгунча, фалончининг бўйни узулса бўлмасмиди!..» деб, ўз ўғиллаpидин ёки энг яқин авлодидан бирини тилга олар ва унга қарғиш ёғдирар эди! Энди бу бек ҳам сўзга аралашди. Буларнинг ҳикоялари подшоҳни дам кулдирди, дам жиддий ўйга шунғитди. Ниҳоят, Султон Ҳусайн катта ва давомли овга тайёргарлик кўришни ва умуман овга доир жамики ишларни Ислим Барлосга юклади. «Зиёфат асбобини муҳайё қилиш» товачиларга буюрмоқликқни ва баъзи фармонларни парвоначига топшириб расмий мажлисни тугатди. Қўлларини кўксиларига қўйиб, бошларини эгиб турган амирлар орасидан мағрур юриб, бу уйга ёпишган бошқа бир хонага ўтди.

## III

*55-бет*

27—29 Одати бўйича отни қаттиқ ҳайдаб, куннинг қизиган палласида бир қишлоққа кирди./Тўғонбек одати бўйича, отни қаттиқ ҳайдаб, куннинг энг қизғин палласида Ҳирот атрофидаги катта бир қишлоққа кирди.

29—31 Бу ерда ҳам худди ёв қувғандай, қаттиқ юрди; ~ бир чорбоғ олдида отдан тушди./Бу ерда ҳам, худди ёв қувғондай, отни қамчилаб, қўнар манзил учун кўзларини тўрт тарафга жавдиратиб, ниҳоят, бир чорбоғ олдида отдан тушди.

31—33 Тердан бадани кир кўпик билан қопланган, ~ салқин, чакалакка қараб юрди./Тердан, бадани совуқ кўпигидай кўпик билан қопланғон ва ҳарсиллаган отни дарахтга қисқа боғлаб, дарахтзор ичига қараб юрди.

34—36 Қалин дарахтлар орасида шарқираб оққан ариқ бўйида чарх йигириб ўтирган кампирнинг тепасида тўхтади./Тўғонбек икки ойдан буён Ҳирот вилоятини қишлоқма-қишлоқ кезиб, Маждиддин учун солиқ йиғиш билан машғул эди; Маждиддин бу вилоятнинг налуғини ўпон қилиб Абулзиёга олиб бераркан бу ишга ўзини ҳам шерик бўлишини таклиф этиб ниҳоят бу шартни қабул этишга Абулзиёни мажбур этган, ҳам ўз номидан закотчи сифатида Тўғонбекни тайинлаган эди.

Тўғонбек дарахтзор ичида шарқираб оққан ариғ бўйида чарх йигириб ўтирган кампирнинг ёнида тўхтади.

37—39 Кампир чархнинг «ғув-ғуви» ва сувнинг шарқирашидан унинг овозини эшитмади. Тўғонбек қамчин дастаси билан унинг суякдан иборат елкасини туртди./Кампир чархнинг «ғув-ғув»идин унинг овозини эшитмади. Тўғонбек орқадан бориб, қамчин дастаги билан кампирнинг суякдин иборат елкасини туртди.

39—41 Кампир бужмайган, ориқ юзини бирдан ўгириб, чуқур кўзларининг хира оқини ўйнатди./Кампир бужмайган юзини ўгириб, кўзларининг хира оқини ўйнатди-да деди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*56-бет*

1—2 — Кел, болам,— ғайри шуурий равишда гапирди кампир.— Нима керак сенга?/— Кел, болам, нима тилайсен мендан?

5—7 Кампир бир парча латта ёпган оқ сочли бошини қимирлатиб: ~ «Дилдор! Ҳай Дилдор!» деб қичқирди./ Кампир бошини қимирлатиб «хўп» деди. Лекин ўрнидан қўзғалмасдан «Дилнавоз!.. Ҳой!.. Дилнавоз!» қичқирди.

7—10 Дарахтлар орқасидаги паст, бузуқ девор орқасидан қиз югуриб чиқди-да, ~ бир неча қадам нарида тўхтади./ Бузуқ девор орқасидан 16—17 ёшли бир қиз югуриб чиқди-да, Тўғонбекни кўриш билан уялинқираб аста-аста юриб бир неча қадам нарида тўхтади.

10—15 Дилдор, баланд бўйли, жуссаликкина, бутун андоми ўзига келишган, ~ ўн олти-ўн етти яшар қиз эди./ Дилнавоз баланд бўйли, келишган жуссали, бутун аъзоси ингичка оҳанг билан мутаносиб, тиниқ оқ юзли, ингичка нафис қошли, кўзларининг қора юлдузи ёшлуқ ва кучининг жонли, фусункор олови билан ёнган сулув қиз эди... Унинг сочи ҳақида шоирнинг шу байти мос тушар, тўғриси, бу байт гўё бу қиз учун айтилгандай эди.

. . . . . . . . . . . . . . .

Бўйи билан сочини тенг яратди.

15—22 Тўғонбек унга бошдан-оёқ разм солиб: «Қизларнинг сараси экан!» ∾ мақбул бўлган бир байт хотирига келди. ~ Тўғонбек ичида: «Шоир гўё бу сулув учун атайлаб айтган!» деди./Тўғонбек унга бошдан-оёқ разм солиб ўз ичида қизларнинг сараси экан!»— деб қўйди.

23 — Ача, ~ сўради Дилдор қизариб./сўради Дилнавоз.

24 — Бек оғангга айрон келтир, қизим./— Бек акангга айрон келтир.

25—27 Дилдор ер остидан Тўғонбекка бир қаради-да, индамасдан, орқага қайриларкан, кампир уни «ҳай...» деб тўхтатди, мулойимланиб деди:/Қиз индамасдан орқага қайрилар экан «Ҳай...» деб уни тўхтатди-да, мулойимланиб буюрди.

28—29 — Анов ерга,— қўли билан олма ёғочларини кўрсатди кампир,— жой сол! Ҳордиқ чиқарасенми, йигит?/Анов оғочни тегига жой сол!

30—35 Қизнинг орқасидан қараб қолган Тўғонбек ~ ўғирда нимадир туймакка бошлади./Дилнавоз ичкаридан эски бир шолча, бир тоза кўрпача ва ястиқ олиб чиқиб олма тагига жой ҳозирлади. Сўнг бир катта зарангда айрон келтириб Тўғонбекка тутди-да, нарига бориб ўғирда нимадир туйишга киришди.

36—37 Тўғонбек айронни қатра қолдирмай шимирди, даккам-дуккам мўйловини артди, оғир сўлиш олди-да, қалпоғини, қамчинни ташлаб, ёстиққа ёнбошлади./Тўғонбек айронни симириб, қалпоқни бир четкага отиб, ёнбошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

38—39 Унинг кўзи қизда эди./Лекин қиздан бир зум бўлсин кўзини узмади,
39—40 Дилдор ўғирнинг сопини кўтариб, вазмин урур экан, бўз кўйлак ичида, юмалоқ кўкраклари серкиллаб кетар эди./Дилнавоз куч билан урар экан юмалоқ кўкраклари серкиллаб кетар эди.

*57-бет*

1—7 Турли мамлакатларни кезган, ~ Дилдорга, ишқ эрмаги учун соз экан, деб қаради./Турли мамлакатларни кезган турли халқлар, уруғ-аймоқлар орасида бўлган ва бир кўп хонлар ва ҳокимларнинг даргоҳида юзларча гўзалларга дуч келган Тўғонбек Дилнавознинг ҳуснидай, бир ҳусни кўрмаган эди.
8 Кампир чархини йиғиштириб, букчайган ҳолда келди./ Кампир чархини йиғиштириб букчайган ҳолда йигитнинг олдига келди,
9—10 — Қайси бекнинг одамисен, қаерга борасен?— сўради қизиқиб./Қайси бекнинг навкарисен, қаерга борасен?— сўради.
11—12 — Мен ўз бошимга ўзим ҳоким!— тўнглик билан жавоб берди Тўғонбек.— Эркакларинг борми? Қаерда? /Ўзим ҳоким!— қўпол жавоб берди Тўғонбек. Эркакларинг борми? Қаерда?
13 кўп кўрган/жуда кўп учратган
16 Ҳашарга кетди./Ўроқчиликқа кетди йигит.
16—17 Ўз экинлари боқимсиз — қарамсиз далада ётибди./Ўз экинлари ҳеч теримсиз далада ётибди.
18—19 Халққа ҳар хил юмушлар топиб туради... Ўғлимда ишинг борми?/Ўз фойдасини кўзлаб ҳадеб ишга сургайберади... Юмишинг борми? Ўғлимда?..
21—23 Кампирнинг кўзлари алланечук олайиб кетди, юзининг суякка ёпишган чандир териси оқарди.— Закотчимисен? /— Закотчимисен?— Кўзларини алланечук олайтириб сўради кампир.
24 Тўғонбек боши билан тасдиқлади./Ҳўмрайган Тўғонбек бошини қимирлатиб тасдиқлади.
25—26 Кампирнинг оёқ-қўллари бушашгандай, шолчанинг бир чеккасига ўтириб олди./Кампирнинг оёқ-қўли бўшашгандай шолчанинг бир чеккасига мадорсиз чўнқайди.
27 — Болам,— деди у ялинган товуш билан,/— Болам,— деди ялинган товуш билан у.
18 бизга раҳму шафқат эт./кеча-кундуз дуоингни қилай, бизга раҳм-шафқат эт,
30—31 солиқлардан бошимиз чиқмай қолди,/солиқлардан бошимиз чиқмайди сира:
31—32 «мироб», ҳали «сарона» — санай берсанг одоғи йўқ.../ «мироб», ҳали «доруғ», «ҳали «саршумор» — санайберсанг тилингда тил қолмайди.
33—35 Тўғонбек индамади, даструмоли билан кенг, сертук кўкрагини елпиб, атрофга «чирт-чирт» тупик отиб ўтирарди-да, ниҳоят, ҳўмрайиб, кампирга қаради./Тўғонбек ҳеч нима демади, атрофга «чирт-чирт» тупик отиб ўтирди. Сопига кумуш ишланган қамчинини ўйнаб, кейин кампирга қичқирди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

37—38 — Арзи-додимни кимга айтайин, қулоқ сол, болам!— мулойимланиб деди кампир./Арз-ҳолга қулоқ осмайсанми? Яна мулойимланиб деди кампир.

41 очиқдим./очиқдиқ...

*58-бет*

1—3 — Биз эт кўрмаймиз,— деди кампир,— мирзо йигит, агар убра ёки умоч десанг, жоним билан қилиб берайин./— Шунча сўзим шамолга учди шекилли оппоқ сочли бошини тебратиб деди кампир. Ишонмайсенми, мирзо йигит?— Биз эт кўрмаймиз. Убра, аччиққина умоч десанг жон билан қилиб берайин!

6—7 — Болам у қўшниники...— Ишонтиришга тиришди кампир./Валлоҳи қўшниники.

8—9 Заҳарханда қилди Тўғонбек/боқди Тўғонбек.

10—13 Кампир бошини суяк елкалари орасига олиб ғам, ташвиш чўккан чуқур, хира кўзларини ерга тикиб, сукут қилди. Дарахтдан «тўп» этиб ақиқдай бир олма узилиб, Тўғонбекнинг ёнига тушди./Шу вақтда дарахтдан «тўп» этиб ақиқдай бир олма узилиб тушди.

13—14 Тўғонбек олмани олиб томоша қилди. Кейин/Кейин

14—16 Кейин яссигина, беўхшов бурнига яқин тутиб искади ва кулиб Дилдорга мурожаат этди:/Тўғонбек олмани ясси бурни билан искаб-искаб Дилнавозни чақирди;

16—17 Сенинг насибанг, қўлимдан ол, ўғоним сени ҳам қўлимга/ўғоним сени ҳам менинг қўлимға

19—20 Дилдор, қиё боқмасдан ўғирни ташлаб қаёққадир қочиб йўқолди./Дилнавоз ўғирни ташлаб секингина бир томонга қочди.

20—21 ҳавода муаллақ қотди./муаллақ қотиб қолди.

22 улоқтирди./улоқтириб юборди.

22—24 Унинг кичик, қийиқ кўзлари ёмон ёнди, даккам-дуккам мийиқли қалин лаблари титраб кетди. Кампир унга қўрқа-писа қаради./Унинг қийиқ кўзларида ёнган ғазабдан, даккам-дуккам мийиқли лабларининг титрашидан, кампир роса қўрққан эди.

25—28 Яна боши боғлиқ... Мен ҳозир қозон осиб ширингина таом қилиб берамен. Қўшнилардан бўлса бир-икки оёқ бўза ҳам келтирамен деди-да калавланиб ўрнидан турди./Мен ҳозир сенга бўза олиб келаман, Қозон осиб, ширингина таом қилиб берамен, бек йигит,— деб қўрқа-писа ўрнидан турди.

29—31 — ўрадан чиққан овоздай тўнғиллади Тўғонбек.—Шу бугун бутун қишлоқдан «қўш» пулини жамғариб оламен./— Шу бугун бутун закотни тўламасаларинг танга ўрнига жигарларингни узиб оламен!— ўрадан чиққан овоздай тўнғиллади Тўғонбек.

32—34 Кампир орқага бурилиб, шивирлаб кетди. «Бу жаллод жўжи-бўжи тухумидан тарқалганга ўхшайди. Амалдор тоифасига ўзинг қирғин юбор, тангрим!»/Кампир ўз ичида «бу жаллод жўжи-бужи тухумидан тарқалганга ўхшайди, амалдорларга ўзинг қирғин юбор, тангрим!»— деб шивирлаб.

*58-бет 37-сатри —59-бет 2-сатри*

Закотчига таом пиширмоқ учун қўрғончага қараб юрди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

∾ Қишлоқнинг кажава қоринли юм-юмалоқ оқсоқоли ҳарсиллаб-гурсиллаб етиб келди./Кажавадай қоринли юм-юмалоқ оқсоқол ҳарсиллаб-гурсиллаб етиб келди.

*59-бет*

3—4 Тўғонбек васиқасини кўрсатиб, ўзини танитди ва «қўш» пули ҳақида гапирди./Жаҳлдан тушган Тўғонбек бир неча сўз билан мақсадини тушунтирди.

4—7 Оқсоқол гарчи закотчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзи ҳеч вақт солиқ тўламаса ҳам, ҳамқишлоқларини ҳаддан ташқари адолатсизликлардан қўриқлашга имкони бор қадар уннаб кўрар эди./Оқсоқол закотчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб, гарчи ўзи ҳеч вақт солиқ тўламаса ҳам, ўзининг ҳамқишлоқларини ҳаддан ташқари адолатсизликлардан қўриқлашга имкони қадар тиришиб кўрар эди.

10 инсофга даъват қилишни/инсоф-адолатга даъват қилишни

12—17 — Мирзо йигит,— деди у қўли билан пешонасидан терни сидириб,— яқинда биз «Сарона»дан қутилган эдик. «Ушр» тўлагучиларнинг гардонида қарзи қолган эмас ғолибо. «Қўш»нинг ҳали вақти келмаган. Ҳар қайси закотнинг ўз фасли бор, закот бобидаги барча таомил, қоида ва тартиб каминага беш панжадай аён./— Мирзо йигит,— деди тавозе билан — яқинда биз «ушр»ни батамом топшириб кўнглимизни бу андуҳдин фориғ қилган эдик. Сиз талаб қилғон закот учун ҳали вақт келгани йўқдир. Ҳар қайсисининг ўз фасли бор. Бу ишларнинг барчаси каминага беш бармоқдай аён.

18 Вақтида келсангиз, отдан қўнмасдан, жамғариб оласиз./— Шу жиҳатларни андиша қилиб кўринг, мирзо йигит:

19—21 — қичқирди Тўғонбек.—Биз ўз хўжамиздан олган фармонга қараб иш қиламиз./ерга қараб деди хўмрайган Тўғонбек.— Биз ўз хўжамиздан олган буйруққа қараб иш қиламиз.

22—32 — Шу кунда деҳқон нафсиларимда, яланғоч, ∾ секингина деди: ∾ деб ҳавфсираймен.../Подшоҳнинг хазинасига олтин-кумуш тўкдикми? Териб оламиз. Кимдан? Жамики катта ерлар закотдан қутилиб олибди: кими тархонлик ёрлиғини кўрсатади, кими отдан қўнмасдан туриб сюрғол қоғозини кўзингизга уради. Кими вақф дейди.... Деҳқон ялонғочман дейди! Деҳқон нафсиларимда яланғоч—дейди оқсоқол—иним закотни муддатидан аввал талаб қилсангиз, бир ғавғо рўй бермасин деб андиша қиламен...

33—35 — Мени қўрқитгани келдингизми, валламат,— киноясли кулиб деди ∾ майдон кўрган йигитмиз.../Тўғонбек «чирт» тупик отиб киноя билан жилмайди.— Мени қўрқитқали келдингизми валламат,— бирдан ўқрайиб деди Тўғонбек,— бизни қуён юрак фаҳмлайсизми? Худога шукур майдон кўрган йигитмиз.

36 — Иним,— деди оқсоқол,/Мирзо йигит,

38 эканлигингизни/эканлигингизга

38 идрок/бовар



www.ziyouz.com kutubxonasi

39 Иним, бизнинг тарафнинг фуқароси андак қизиққонли бўлади./Иним, сизга чин сўзни айтдим. Бизнинг жойнинг фуқароси андак қизиққонли фуқаро.

*60-бет*

1 амалдорларимизнинг/амалдорларнинг
2 қилиб,/билан
3 этмоқ фикрида эдилар./қилиш фикрида экани менга аён.
3 Тадбир ва эҳтиёт билан/тадбир билан
5 олурсиз.../жам этгайсиз.
6—7 Тўғонбек тоқати тоқ бўлгандек, сачраб ўрнидан турди. /Тўғонбек бу кенгашга чидамаган каби сачраб ўрнидан турди.
8—14 — Юринг, мен ўз тадбирим билан танга тўплай,— деди у жаҳл билан, ∽ Оқсоқол ҳарсиллаб ўрнидан турди. ∽ оқсоқолни имлаб, олдига солди-да, қишлоқ оралаб кетди./Юринг, мен ўз тадбирим билан тангани тўплай сиз томоша қилинг!—Тўғонбек кампирга отни хашакка қўйишни буюриб, оқсоқолни ёнига олди-да қишлоқни кезишга чиқди.

*60-бет 15-сатри —63-бет 11-сатри*
Дилдор югуриб ∽ подшоҳга шикоят!
тўртинчи боб/II

13—14 «Боғ зоғон»нинг бош дарвозаси олдидаги катта майдон ҳарбийлар билан тўла./«Боғи жаҳон»аронинг атрофи ва кенг майдон бугун тамом бошқа манзара кўрсатади.
15 ўйноқлаб кишнайди,/кишнайди,
17 кумуш сопли қамчилари,/қўлидаги кумуш қамчилар,
18 кумуш безаклар,/кумушдан ишланган безаклар,
19 олтин, феруза ва забаржад тошлар/олтин ва феруза тошлар
20 ёнади./товланиб ёнади.
21—22 ажойиб мардона чоллар,/чоллар,
22 жанг майдонидаги даҳшатли суронларни/жанг майдонини ҳарб-зарбни
23 ҳам жанг-жадал/ва жанг-жадал
24 баҳодирлар билан бирга/баҳодирлар
25 ҳам бор.../бор.
25 тантанага/бу тантанага
28—29 ғивиллашиб бир-бирлари билан бақириб-чақиришган/ ғивиллаб бир-бирларини чақиришган
29 катталар,/катталарни,
30 хабарни эшитиб:/хабар билан қаноатланиб: ҳай,
31 юртга/бизга
31—32 ўз тирикчиликларидан қолмайдилар.../бепарво ўтади...
33—36 Мана чорпахил, мағрур Ислим барлос ўзи учун ясатган махсус ўқ-ёйни осган ҳолда катта сувори тўданинг бошида чанг кўтариб, «пешдор» аскарлар сифатида илдам йўлга тушди./Мана бошда чорпахил Ислим барлос билан бир тўда сувори чанг кўтариб, илдамлик билан йўлга тушди. Бу (пешдор) аскарлари эди.
37—38 «Боғ зоғон» дарвозасидан Ҳусайн Бойқаро от ўйнатиб чиқди./«Боғ жаҳонаро»нинг дарвозасидан Ҳусайн Бойқаро чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1—3 Тимқора, ҳайбатли асов отининг безаклари олдида унинг кийимларининг бой зийнати унчалик таажжубланурлик эмасди./От жабдуғининг олтин-кумушлари ва бошқа безаклари олдида подшоҳнинг эгни унчалик таажжубланарлик эмас эди.

3 қилич/узининг қиличи

4 танилган/фаҳрланган

4—6 кумуш сўлуғини чайнаб типирчилаган отни пишиқ тутиб ботирона бир тур билан гердайган эди./Кумуш сўлуғини тинмасдан чайнаган, эгарда гердайиб ўтириб, отни пишиқ тутар эди.

7—8 сардорлар, султон хонадонининг ақраболари, султоннинг муқарриблари, ҳамсуҳбатлари ҳам Хуросоннинг юксак/машҳур сардорлар султон хонадонининг яқин ақраболари, Хуросоннинг юксак

10 зиёфат ва мажлислари/зиёфатлари ҳам, ўлтиришлари

12—13 таққан ёш «нозанин»/боғлаган «нозанин» ёш

14 турардилар./кетувчи, ниҳоят тўп-тўп қисмлари бўлинган қуролли сипоҳийлар... Навоий шоир Шайхим Суҳайлий билан Камолиддин Ҳусайн Қозаргоҳий ўртасида, отни бўшгина тутиб, бу сурон ва тантанага лоқайд каби ҳар вақт кўнглини тўлқинлантирғон илҳомга, фикрларга берилгандай, борар эди.

15 Бир даста ясовуллар олдин-кетин югуриб,/подшоҳдан олдин ҳаракат қилган бир даста ясовуллар,

16 дарак,/хабар

19 қапиштирар эдилар./ёпиштирар эди.

19—20 одамларнинг елкаларига, бошларига қамчи тушиб қолар эди./Одамлар бир кўпларнинг елкасини, бошини қамчи узиб олар эди.

22 кутардилар.../кутадилар.

23—30 Гавҳаршодбегим мадрасасининг ∾ тилга олишар эди. Султонмурод/Султонмурод

*64-бет 30-сатри —65-бет 3-сатри*

Султонмурод билан Зайниддин шўх ҳангома ва латифалар сўйлаб, баъзан ҳаммани кулдириб туришар эди. ∾ Зайниддин қичқириб юборди: ∾ бу жабркор ҳаётда кулгуни мутлоқ унутган бўлур эдик...»/Султонмурод бир неча рафиқлари билан бирга мадрасанинг сиртида юксак пештоқ остида шўх ҳангома ҳар нав латифалар сўйлаб, ҳаммани кулдириб турар эди. Бир кўзи ғилай важоҳатли ясовул қамчин танбеҳловчи бир равишда силкиб чопиб ўтаркан Султонмурод кулиб бирдан қичқириб деди: « . . . » Дўстлари дастлаб лабларини тишлаб жим қотиб қолсалар ҳам, лекин ясовул пайқамади, у узоқлашиб кетгач, маҳкам юмилган лаблардан қаттиқ қаҳ-қаҳа тошди. «Сиз бўлмасангиз эди, бу мискин, жабркор ҳаётда кулгини унутган бўлур эдик «Ғолибо» деб Зайниддин унинг елкасини самимий равишда қоқиб қўйди.

4—13 Тантана билан Ҳусайн Бойқаро яқин келгач, ҳамма толибы илмлар қўл қовуштириб эгилдилар. ∾ Кўзларидаги самимий қувонч ва муҳаббат билан қаршилаган



www.ziyouz.com kutubxonasi

талабаларга шоир табассум билан илтифот кўрсатиб ўтди./Подшоҳ ўтиб кетгандан сўнг Султонмурод қаддини ростлади. Бу сафарда Навоийни иштирок этганлигини дўстларидан эшитиб уни кўрмай қолғонидан қаттиқ афсусланди: «Қаршимдан хизир ўтибди-да кўрмабмен, оҳ ғафлат!» деди ўз ичида у.

14—20 Кўчаларда ҳаёт ва ҳаракат аввалги изига тушди. Талабалар мадрасанинг тош бағри ичига кириб ғойиб бўлдилар. ∽ Ногиҳон унинг ёдига кўпдан буён учрашмоқни истаган машҳур кимёгар мавлоно Абдулаҳад тушиб қолди./Мадрасага кириб дарс такрорлашга майли йўқ эди. Ногиҳон ёдига, кўпдан буён учрашмоқ орзусида бўлган машҳур Абдулфаттоҳ тушиб қолди.

20—26 Ўйлаб турмасдан, шаҳарнинг «Дарвозаи қипчоқ» тарафига қараб кетди. ∽ азим қари чинорлар билан қопланган дарахтзор рўбарўсида, хароб бир уй олдида тўхтади./Шаҳарнинг бир четида қайси бир авлиёнинг сағанаси бўлган зўр қайрағоч ва чинорлар билан қопланган катта жим-жит гўристон рўбарўсида хароб бир уй олдида тўхтади.

26—29 Бир вақтлар ўймакорлик ∽ эшикни дастлаб оҳиста тақиллатди./Бир вақтлар ингичка ўймакорлик санъатининг гўзал намуналаридан бўлган, ҳозир эса замонларнинг аста-секин омонсиз емирувчи таъсири остида ўз гўзаллигини йўқотган эшикни оҳиста тақиллата бошлади.

30 садо/товуш

30 ура бошлади./урди.

31—32 биров ўз қулоғига ишорат қилиб, жилмайиб деди:/ — бири ўз қулоғини чўзиб, жилмайиб деди:

33—34 карлигини у ҳам эшитган эди — бирдан эслаб, кулиб қўйди-да, ичкари кирди./карлигини билгач Султонмурод ичкарига кирди.

35—39 ёввойи ўтлар билан қопланган, ∽ баланд ва мустаҳкам уйга томон юрди./жим-жит тақир қўра саҳнида бир нафас тўхтаб сўнг томида қаққайган қувурдан бурқиб тутун чиқаётган, қўрғондай баланд мустаҳкам уйга қараб юрди.

41 очилди-да шакли ажойиб кўзачани кўтариб/очилиб, сопол кўза кўтарган

*65-бет 42-сатри — 66-бет 4-сатри*

Бу кимёгар Абдулаҳад эди. Унинг катта, юмалоқ бошида кир тақя, ∽ кўркам соқолининг оқи кир сарғиш тус олган./Унинг бошида кир тақя, эгнида ҳар ери куйган, турли доғлар билан йилтираган эски жомакор, кўзлари ёшланган, жиддий, саботли юзида олов яллиғи жилваланган соқолининг оқи қораси кир сарғиш тус олган.

4—6 У эллик беш йиллик умрининг ярмидан кўпини ёлғиз бошига бу хонада кимё илми машғулотига бағишлаган эди./Эллик ёшларда бўлган бу ажойиб одам машҳур кимёгар ва шоир Абдулфаттоҳ эди.

6—8 Турли моддаларни қизитар, эритар, қўшар-айирар, ўз илми-ҳунарининг чуқур тилсимларида таажжубланар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лик сабр, матонат ва ғайрат билан ишлар эди./У йигирма йилдан буён тинмасдан ёлғиз бошига бу ерда кимё илми билан машғул эди: Турли моддаларни қизитар, эритар, қўшар, ўзгартирар, ўз илми-ҳунарининг чуқур тилсимларида таажжубланарлик бир матонат ғайрат билан ишлар эди.

9 Олов ва ҳар нав/Олов ва

9 кўзлари/унинг кўзлари

10 қулоқлари/қулоғи

11—12 Бегона йигитни кўриш билан кимёгар, гўё ногиҳони бир офатга йўлиққандай қотиб қолди./Султонмуродни кўриш билан кимёгар туриб қолди.

12 Унинг бутун/бутун

13—14 билдирар эди./билдирди.

14—18 Султонмурод бирдан чўчиб, бўшашиб қолди, ∾ дадил ва тез одим отиб олимга яқин келди, қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди./Султонмурод бу каби одамларнинг феълини яхши англаганлигидан, унинг норозилигини табиий деб ҳисоблади, тез-тез юриб, кимёгар қаршисида тўхтаб, самимий таъзим қилди.

18—20 Кимёгар хира, намли кўзларидаги истеҳзо билан унга бошдан-оёқ разм солиб, дилгир бўлганлигини ғалати, чуқур хўрсиниш билан ифода этди./Кимёгар йигитга истеҳзо билан бошдан-оёқ разм солиб, сўнг, дилгир бўлганлигини бир хўрсиниш билан ифодалаб, кескин гапирди.

21 босдингиз?/босдинг?

24—28 Султонмурод қаддини ростлади, кейин ўзини танитиб, қандай мақсад билан келганлигини сўзлади./Султонмурод қаддини ростлади, ўжар, мағрур Абдулфаттоҳнинг илтифотини қозониш учун, сўз чечанлигини ишга солиб қичқира-қичқира, аввал кимёгарга мадҳ-сано ўқиди, кейин ўзини танитди, мақсадидан сўз очди.

29 Машғулотга/машғулотимга

29—30 тутунмоқдан қўрқамен.— Яна дағаллик билан кескин гапирди олим./тутунмаймен.—Яна айни дағал оҳанг билан деди кимёгар.

32—35 — Тақсир,— деди Султонмурод эҳтиром билан,— биз шул тоифаданмизки, улар илм учун чекилган ҳар қандай машаққат ва маҳрумиятни ҳаётнинг улуғ неъмати деб билурлар./— Тақсир,— деди таъзим билан Султонмурод — биз шул тоифаданмизки, улар учун...

35 жаноблари/сиз

36—37 Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз каби илм гадолари учун тилла ва нуқрадан афзалдир./— Сизнинг ҳар бир сўзингизни биз илм гадолари тилла ва нуқрадан афзал кўрармиз,

37—40 Модомики, тангри сизга бениҳоят хазина бахши этмиш, бу камина шогирдингиз саховат йўлини тутмоқлигингиздан умидвордир./Модомики тангри таолло сизга бениҳоят хазина бахш этмиш. Саховат йўлини тутмоғлигингизни умид қилур, бу камина шогирдингиз (Шайх Саъдийдан бир байт ўқийди).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*68-бет*

1—2 Абдулаҳад куйиб сийраклашган қошларини чимириб, индамасдан узоқлашди./Абдулфаттоҳ сийрак қошларини чимириб, индамасдан юриб кетди.

2—3 Султонмурод ўжар кимёгарнинг орқасидан умидсиз қараб қолди./Султонмурод, ўжар кимёгарнинг қабул қилишидан умиди сўниб, унинг орқасидан қараб қолди.

3 Олим/У,

4 суюқликни/бир суюқликни

5—7 ағдарди-да ерга қараган ҳолда аста юриб келди ва бошини кўтармасдан бирдан қандайдир сирли товуш билан сўради:/ағдариб қайтди ва сирли товуш билан деди:

8—9 — ҳақиқатга имонинг барқарорми?/имонинг барқарорми? Марҳамат қил!

10—12 — Не тил билан арз этай?— хитоб қилди Султонмурод,— марҳамат қил! Султонмурод/Султонмурод

13 ташқари/ошиқ

13—14 олимнинг кетидан/унинг орқасидан

15—17 Ис босган шипида икки жойда шаффоф қоғоз билан қопланган катта туйнуклар бўлганидан, хона ичи қоронғи эмасди./битта даричадан бошқа ис босган шипда икки ердан катта туйнук қилиниб, шаффоф қоғоз билан қопланган бўлганидан, бу корхона ичи ёруғ эди.

18—19 кўзалар, мис ва темирдан/кўза ва кўзачалар, мис, темирдан

19 ғалати/шакллари ажойиб

21 ётарди./ётади.

21 қатор қурилган/қурилган

23 Бир неча/бир

23 Декчага/қозонга

25—30 Султонмурод ўзини аллақандай бир ∾ биронта моддага қўл текизишга ботинмади./Султонмурод ўзини аллақандай бир тилсим от ичида сезди. Кимёнинг сирларини тезроқ фаҳмлашга орзуси қанча кучли бўлмасин, у қанча ошиқмасин, лекин биронта идишга, қўл текизишга ботинмади.

30—31 Абдулаҳад эса гўё уни бутунлай унутгандай «чурқ» этмасдан, жиддий тимискиланади;/Абдулфаттоҳ эса гўё Султонмуродни унутгандай, «чурқ» этмайди, шошмасдан, жиддий тимискиланади;

32—36 гоҳ бурқиган идишларда вишиллаган моддаларни темир асбоб билан кавлайди, ∾ Ҳовончада нимадир туяди./Гоҳ бурқиб турган моддани темир асбоб билан ковлайди, гоҳ ҳовончада нимадир майдалайди.

37 Абдулаҳад/Абдулфаттоҳ

38—39 қаққайиб унинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмаган йигитнинг олдига келди./қаққайғон ва унинг ҳар бир ҳаракатини кўздан қочирмаган йигитнинг олдига келди.

40 Табассум билан унга қаради./табассум билан деди:

*69-бет*

1—3 Илми кимё,— деди у шивирлагандай,— илми ҳуфядир, асрор ғайб илмидирки, номаҳрамнинг назари мушки-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лотнинг ҳалига моне бўлиши мумкин./— илми кимё, «илми ҳуфя»дир, асрор илоҳий, асрор ғайб илмидирки, номаҳрамнинг назари мушкилотнинг ҳалига моне бўлғай.

4 Жаъфардан/Жобирдан

5 заҳмат чекмаган!/заҳмат чекмиш... Сиз бу мазмундин огоҳ бўлингиз, рафиқ.

Ин саодат базўри бозу нист,
То на бахши худ, эй бахшанда[1].

Бу соадатга билак кучи билан эришиб бўлмайди,
Токи сен ўзинг бағишламасанг, эй бағишлагувчи (тангри).

6—8 Муҳтарам устоз,— деди Султонмурод ялиниб, ∾ шубҳа этмангиз./Мавлоно Абдулфаттоҳ,— ялинган товуш билан деди Султонмурод — каминанинг нияти поклигига зарра қадар шубҳа этмангиз.

10 этмоқни/ўтмакни

14 ёнғусидир.../ёнар эмиш.

15—17 Кимёгар бир қадар юмшагандай бўлди. Баъзи илмлар ҳақида суҳбатлашгандан кейин, унинг зеҳнига, маълумотининг кенглигига таажжубланганини яширмади./Бу сўзлардан кейин кимёгар юмшалди. Бир муддат суҳбат қилиб, Султонмуроднинг бир кўп илмларда «бағоят комил» эканини сезди. Унинг зеҳнининг ўткирлигига, маълумотининг кенглигига ўз ичида таажжубланди.

19 Кўрмади шекилли,/кўрмасдан,

19—20 ўз илмининг сирларини оча бошлади./Ўзининг илми хуфиясини тушинтира бошлади.

20—28 Дунёни ташкил этган ∾ мос келишини баён қилди. /У бутун оламнинг машҳур тўрт унсурдан иборат эканлиги, бу хусусда қадим Юнон, Араб ҳукамосининг фикрлари ва бу «тўрт унсур»нинг «аслида воҳид» эканлиги, қандайдир бир «жавҳар» мавжуд бўлиб бутун жисмларнинг сурати ундан эканлигини сўзлади. Сўнг етти сайёрага мувофиқ тушадиган етти модда мавжудлигини, шу жумладан, олтин қуёшға, кумуш ойға, мис зуҳро юлдузига... ва ҳоказо мос келишини баён қилди

30 айирди./бўлди.

30—31 «нуқсонли», «иллатли» моддалар/«нуқсонли» моддалар.

31 деб атади./деб атаб,

31—35 Бу маъданларнинг табиатидаги «иллат»нинг кимё йўли билан суғуриб ташлаб, уларни олий даражага кўтариш, яъни симобдан кумуш, мисдан олтин ясамоқ мумкинлигини шавқ ва ҳаяжон билан сўзлаб кетди./Уларнинг жисмларида қандайдир нуқсон, яъни «орз ва кудурат» борлигини ҳам кимё «илми хуфия» тадбирлари билан бу моддаларнинг ичидан «касал ва кудуратини» чиқариб ташлаб олий даражага кўтариш, мумкинлиги-

---

[1] Форс-тожик шоирларининг бирига тааллуқли байт. Иккинчи мисра қўлёзма текстида ноаниқ ёзилган. Мазмунга кўра тахминан тикланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, масалан, симобдан кумуш, мисдан олтин ясаш мумкинлигини баланд шавқ билан сўзлаб кетди.

*69-бет 35-сатри —70-бет 14-сатри*

Бу фикрлар билан Султонмурод яхши таниш эди. ∽ Султонмурод баҳсни янгиламасликка тиришди. ∽ Шу уйнинг/ўзида милтиллаган шам нурида улар дам кимёдан, дам илми «бадиъ»дан гапиришиб, нон ҳам магиз билан қорин тўйдирдилар./Бундай «нуқсонли касал» маъданларни олий даражали маъданларга «табдил» эттириш учун «эксир» кераклигини ва бу «эксир»ни топиш учун нималар қилиш лозимлигини. кукурт, симоб, новшад ва ҳоказонинг аҳамиятини сўзларкан зўр диққат билан тинглаган Султонмуроднинг тинкаси қуриди. Сўзлар қулогида бемаъни ғувурлади. Гоҳ дунёнинг асосий жавҳар, олов, гоҳ кибрят, ниҳоят Султонмуроднинг бахтига Абдулфаттоҳ бирдан ўрнидан туриб ўчоқдаги моддага югурди. У ерда анча вақт ўз иши билан овора бўлди. Султонмурод баҳсни янгидан бошламасликка тиришди. Кеч бўлиб қолган эди. Кимёгар қумғон қайнатиб дастурхон ёзди, улар энди дам кимёдан, дам илми «бадиъ»дан сўзлашиб нон ва магиз билан қоринларини тўйдирдилар.

15—18 Султонмурод бу ерда бир қанча вақт қолиб, ∽ кимёгар бу талабни эътирозсиз қабул қилди./Гап асносида Султонмурод бу ерда бир қанча вақт қолиб устод билан бирга ишлаб, «эксир»ни сирига яқиндан воқиф бўлиш ниятида эканлигини сўзлагач, Абдулфаттоҳ унинг талабини ҳеч бир эътиборсиз қабул қилди.

19—29 Иккинчи кун ёш олим катта шавқ ва руҳланиш билан кимёга берилди. ∽ Шу тариқа ўн беш кун босим машғул бўлди ∽ Кимёгар билан ота-ўғил каби самимий хайрлашди./Ўз илмининг сеҳрига берилган, мисдан олтин ясаш фикрига ўз умрини бағишлаган ажойиб олим ва шоир билан бирга Султонмурод катта шавқ руҳланиш билан эрта-кеч ишлади. Бир ҳафта ичида у «илми хуфя»нинг бир кўп томонларини эгаллади. Лекин кимёгарлик билан машғул бўлишни хаёлига ҳам келтирмаганидан, бу маълумотни ўзи учун етарли билди-да, Абдулфаттоҳ билан ота-ўғил каби самимий хайрлашди.

30 Вақт пешиндан оғган эди. Султонмурод/Султонмурод

30—40 Султонмурод шаҳар ичига кириб борган сайин, ∽ Ҳаётда фавқулодда бир ҳодиса рўй берганига ишонди. ∽ Одамлар орқасидан илдам жўнади./Султонмурод шаҳарнинг ичига кириб борган сайин, аллақандай ғалаён рўй берганлигини равшанроқ сеза бошлади. Баъзи амалдорларнинг, навкарларнинг ҳаракатларида саросималик, ўткинчиларнинг кўзларида, болаларнинг югиришларида кўринган маъно Султонмуроднинг юрагини тўлқинлатди. У шошган одамлардан баъзиларини тўхтатиб, воқеани сўраса ҳам, биридан дудмол бир жавоб олди, иккинчиси эса «эй воқифхўр муллабачча, улуснинг дарди кўп, қайбирини айтай!»— деди-да, югурганича кетди. Султонмурод бу сўздан қаттиқ таъ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сирланди. Унинг орқасидан шамолдай учиб, уни ёқалаб бу ҳаракат учун бир неча тарсаки билан жазо беришни ўйлади. Аммо, дарҳол бу фикрдан воз кечди: «Ғалаён вақтида қора халқ оловдай ёнади. Билатуриб, ўзини ўтга уриш ақлнинг иши эмас!»— ўйлади ичида.

40—41 Ҳаллослаб, ранги ўчиб, Девон хонага келгач, ∾ оломонни кўрди./У тез юриб, ҳаллослаб Девон хонага келганда, бу ерда бир неча юз оломонни кўрди.

*71-бет*

1—3 Аксари ∾ кийимли деҳқон эди./Аксари атрофдан келган узуқ-юлуқ деҳқонлар ва шаҳарнинг ҳар нав косиблари эди.

3 Халқ қуролсиз эди,/Халқ қуролсиз,

4—5 юзлардаги жиддий қаҳрли ифода уни портлашга тайёр даҳшатли бир кучга айлантирган эди./юзлардаги совуқ жиддий маъно уни даҳшатли кучга айлантирган эди.

5—8 Шаҳарларнинг қамалини, ∾ Султонмурод ногоҳ ичдан титраб кетди./Шаҳарларнинг қамалини, бир неча муротаба катта-кичик жангларни ўз кўзи билан кўрган Султонмурод, ҳозир ногоҳон ичдан титраб кетди.

8 ғулғула/бир ғулғула

9—10 Навкарларнинг ранги ўчган. ∾ четланиб юрадилар... Султонмурод/Султонмурод

11—13 Султонмурод ∾ аста-аста кириб борди./Султонмурод қўрқинчли сувнинг саёз ерларида олдин аста-аста синаб чуқур томонга эҳтиёт билан борган сузувчи каби секин-секин оломон ичига кириб боради.

14 Ҳамма/Ҳаммада

14 солиқларининг/солиқнинг

15 шикоят қиларди. Халқ бир кўп амалдорларни барала ҳақорат қиларди./шикоят, бир кўп амалдорларни халқ барала ҳақорат қилади, қарғайди.

17—19 — Хўжа Абдулла ∾ қичқирди юзларча овоз.../— Хўжа Абдулла, Хўжа Қутбиддинлар чиқсин қошимизға!

20—21 Афтидан ювош ∾ шикоят қилди. Подшоҳ/Подшоҳ

21—23 — Подшоҳ мусулмон, ∾ раво кўрмайди./— Подшоҳ мусулмон, лекин халққа кофир ҳам бунчалик зулм қилмайди.

23—30 Юртдан инсоф — адолат кўтарилган! Шариат хор! «Тўғонбекни қўлимизга топширмагунларича, бу ердан кетмаймиз!» ∾ — Қайси Тўғонбек, биродар? елкасини туртиб сўради Султонмурод./— Шариат оёқ остида хор қилинган. Хонавайрон бўлдик!— қичқирди халқ.— Тўғонбек деган итни бизга топширмагунча, биз ҳеч нимага рози бўлмаймиз! Бир паҳлавон гавдали деҳқон йигит нақ Султонмуроднинг бағридан туриб қичқирди. Султонмурод унинг елкасини туртиб сўради.— Қайси Тўғонбек у, йигит?

31—33 — Янги туғилган итлардан... ∾ Йўқолди деҳқон./Қўлларини палахса қилиб зарда билан — ит эмган, ит!— деди туртиниб.

*71-бет 34-сатри —32-бет 3-сатри*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб узоқ юрди. ∽ Уз билгиларича халққа янги солиқ соладилар. ∽ унинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этадилар./Бир муддатдан сўнг, кучли ел билан чайқалган денгиз каби, халқ бирдан чайқалди. Султонмурод базўр ўзини чапга олиб, бўйнини чўзиб қараб турди. Одамлар «гув» этиб Девон хонага бостириб кетди. Эшикда катта тўполон, ур-йиқит қаттиқ шовқин... бир муддатдан сўнг ҳалиги тўлқин Девон хонадан ташқари отилди. Лекин шовқин тинмаса ҳам энди у бир қадар совиган, ювошланган эди. Оғиздан-оғизга тарқалган сўз дарров Султонмуродга етди: Солиқ-закот ишларининг маъмури Хўжа Абдуллонинг бошини халқ уриб ёрибди. Хўжа Абдулло Қутбиддин Хатиб ҳийла билан Девондан мадрасага қочиб, қайси бир ҳужрага яшириниб, ўлим таҳликасидан қутилибди! Хўжа Қутбиддин Хатибни санг бўрондан ўтказиб унга бўлган ғазаби ва нафратини қитдай юмшатган оломон, энди кўпроқ Хўжа Низомиддин Бахтиёр Самнонийни ҳақорат қила бошлайди. Қани у, ҳозир қўлга тушса-да, ўлдириб терисига сомон тиқсалар. Султонмурод қайнаган халқ ичида ҳақорат, ғазаб, шикоят, алам билан айтилган узуқ-юлуқ сўзлардан воқеанинг асли сабабини уқиб олди. Подшоҳ ва бир кўп вазирлар Ҳиротни тарк этиши билан, Девон мушрифлигида вазифадор бўлган Хўжа Абдулло Хатиб ва Хўжа Низомиддин Бахтиёр Самноний иттифоқ бўлиб, ўз билгиларича халқнинг устига ҳаддан ташқари кўп солиқ солганлар. Хазинага эмас, ёлғиз ўз фойдалари учун йиғмоқчи бўлган катта маблағни халқдан мумкин қадар кўпроқ ундиришга жаҳду-жадал қиладилар, энг чиркин чораларни қўллайдилар. Бундан ташқари, фуқарога янги ҳар хил жабр-ситамни авжлантирадилар, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қиладилар...

*72-бет*

4 бўлишгагина[бўлишга

5—6 шу вақтгача халқ тирикчилигидан узоқ яшар, унинг дардларига бегона эди./Халқдан узоқда яшарди.

7 илмий назариялар самосида/илмнинг сунъий дунёсида

8 олимона/олимлар

9 қиларди./қилар эди.

9 халқ/халқ — улус

10—11 Уз мушкилотларини қандай ҳал этади —/У мушкилотни қандай қилиб ешади.

11—12 — мана бунинг сингари масалаларни/— бу тўғриларда

12—17 Унинг эътиқодича, халқ илмга бегона бир гуруҳ кимса эди. ∽ ҳар ишда жаҳлнинг қурбони деб тушунар эди. ∽ Унинг бу қарашлари, қаноатлари ҳозир халқ бўрони ичида ост-уст бўлди./Унингча халқ чала инсонлардан иборат бир гуруҳ эди. Чунки, унинг эътиқодича, ёлғиз илмгина инсонни «росо инсон» қилади, халқ ҳар ерда, ҳар ишда жаҳлнинг қурбони! Лекин бу ерда Султонмуроднинг бу қарашларини халқ бўрони учириб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

18—21 ёлғиз шу воқеанинг ҳаяжони, сезгисига берилганидек, ёш олим ҳам бутун вужуди билан халқ фикрига, халқ дардига қизиқди./Фақат унгагина берилгани каби ҳам бутун вужуди билан халқ ҳаракатига берилди.

21—30 У даҳшатли сурон ичида, кучли ҳаяжонда бўлишига қарамай, исённинг сабабларини муҳока́ма қилди. ∽ кўп сифатлар керак эмиш. Ундоғ золимларга ҳар нечук жазо ҳам оздир!»/Исённинг сабабларини муҳокама қилди, ўз ичида шундай қарорга келди: «Хўжа Абдулло Хатиб, Хўжа Низомиддин каби олий вазифадор ва фозил зотлар ўз нафслари, худкомликлари учун раиятга бу даража зулм қилибдирлар, алар бадтарин жоҳилдирлар. Кўп нималар керак эмиш. Андоғ золимларни сангбарон қилмоқ бағоят оқилона ҳаракатдир»...

*72-бет 31-сатри —73-бет 8-сатри*

Халқ кучли ел билан ∽ **кўтарилиб лаънатлади.** Намоз/**Намоз**

8—9 Намоз асрга яқин оломоннинг ғазаби аста-аста совуна бошлаб, бир қисми тарқалди./Вақт намоз асрга яқинлашганда, шаҳарлик камбағаллар аста-аста тарқала бошлади.

10 бошқа бир қисми/бир қисми

10 уйи/хонаси

12—14 Тиқилинчдан, шовқиндан, ҳаяжондан чарчаган ∽ шомдан кейин мадрасага келди./Султонмурод одамларнинг кайфиятини чуқур англаб, бу ғалаённинг улғаяжағига ишонди. У тиқилинчдан, шовқиндан анча чарчаган эди, оломон ичидан сурилиб чиқиб, ўз мадрасаси томон кетди. Намозни тарк қилмаслик учун йўлда бир масжидга кириб, шоша-пиша таҳорат қилиб, аср намозни адо қилди. Кейин у масжид сўфисининг таклифи билан, шу маҳалладаги бир зотнинг уйидан чиққан «худойи» овқатга илинди. Шомдан сўнг мадрасага келиб, олган таассуротини сўзлашга ошиқиб, тўппа тўғри Зайниддиннинг ҳужрасига ўзини урди.

15 Лекин дўстини/лекин Зайниддинни

16 топмасдан/топмади.

18 пўстакда ўтирар,/пўстакка ўтириб,

19—22 Ўчоқда гуриллаб олов ёнади, ∽ ёнида шишаларда май... Салом/Салом

22—23 Салом-алик қилишгандан сўнг Султонмурод ҳовлиқиб сўради:/Салом-аликдан сўнг Султонмурод деди:

25 — Нимани?— сўради Алоиддин/— Нимани?— сўради Тўғонбек.

26—28 — Халқнинг ҳақиқат талаб қилган овозидан бутун Ҳирот ларзада...— шавқ билан деди Султонмурод./ — Халқнинг ғулғуласидан бутун Ҳирот ларзада,— шавқ билан деди Султонмурод.

29—30 — Эшитдик,— деди Алоиддин қозонга термулиб.— Халқ эмас, бир гуруҳ ҳайвон наъра тортмоқда!/ — Эшитдик халқ эмас бир гуруҳ ҳайвон наъра тортмоқда; асабий чийиллади Алоиддин.

31—33 Султонмурод титраб кетди. Бу ожиз банда билан баҳслашмоқни фойдасиз билди-да, у Тўғонбекни ачитди./



www.ziyouz.com kutubxonasi

Султонмурод эътироз қилди, шоир билан бир муддат қизғин баҳслашгандан кейин Тўғонбекка кинояли кулиб деди:

34—35 — деди у истеҳзоли кулиб,— аммо унинг на эканини/ — Аммо анинг не эканини

36 бу кун билиб олдик.../бу кун билдик...

36—38 Маслаҳатим шулки, букун, шабохун уриб, ўзга бирон гўшага чекилинг!/Осойишталик барпо бўлгунча бу ҳужрадан асло чиқманг ёки шабохун уруб ўзга бирон гўшага чекилинг.

39—40 — Улусқа не ёмонлик қилибмиз?— бепарволик билан сўради Тўғонбек./Не гуноҳ қилибмиз улусга?— бепарволик билан деди Тўғонбек.

41 — Улус,— жавоб берди/— Улус,— деди

*74-бет*

1 Хўжа Абдулла Хатибнинг/Хўжа Қутбиддиннинг

2 лаънат тошлари отди!/Ҳам кўп тошлар отди!

3—4 Тўғонбек гарчи вазиятни озгина бўлсин ўзгартирмаган бўлса ҳам, ∾ ваҳм бир сукутга кетди./Бу сўз Тўғонбекка таъсир қилди, у, гарчи ўз вазиятини озгина бўлсин ўзгартирмаган бўлса ҳам, аллақандай ваҳм бир сукутга кетди.

5—6 Алоиддин титраб, ярим юмуқ кўзлари билан Султонмуродга ўқрайиб қўйди./Шоир Машҳадий ғазабланиб, титраб, ярим юмуқ кўзларини даҳшатли, ўқрайтириб Султонмуродга ёмон қаради. Султонмурод ўнғайсиз бир вазиятда қолди. Энди юпатиш сунъий, қалбаки бўлур эди.

7—8 — деди у жаҳл билан, асабий равишда чийиллаб. Унинг/Унинг

9 тоғлари бор.../тоғлар бор!— деди Машҳадий жаҳл аралаш.

10—12 Ишонамен, лекин халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тош дош келолмас! ∾ билан чиқиб кетди./ Мен бунга ишонаман. Ҳеч нима бўлмас... деди-да, Султонмурод лип этиб ташқари чиқди.

I Бешинчи боб I/IV боб

15—18 Ҳусайн Бойқаро бутун ∾ куч тўплаган эди./Султон Ҳусайн бутун лашкарлари билан «Жанушон» ва «Исфароин» ўртасидаги бир мовзеда чодир тиккан эди. Тахт талашган исёнчи Мирзо Ёдгор Муҳаммад ҳам шу атрофда эди.

19—25 У Темур авлодидан бўлган ёш шаҳзода. Темурнинг баъзи авлодлари каби у «атак-чечак» қилишдан бошлаб ҳарбий санъатни эгаллашга интилган, мурти чиқмасдан ∾ пухта бир шаҳзода эмасди./У Темур авлодидан бўлган ёш бир шаҳзода эди. Темурнинг баъзи авлодлари каби у атак-чечак қилғандан бошлаб, мингларча йигитларнинг тепасида от сурган, сиёсий жанжалларга қоришқон, сафарларнинг заҳматидан, жанг майдонларининг даҳшатли суронидан завқланувчи пишиқ-пухта бир шаҳзода эмас эди.

25—28 Мирзо Ёдгор эрка ўсган, ∾ берилган бир йигитча эди./Мирзо Ёдгор эрка ўсган, зийнатли ҳаётнинг лазза-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тига, ишқ, май ва мусиқий оламнинг ёқимли, орамбахш ҳисларига берилган йигитча эди.

28—33 Тожу-тахт дағдағаси ∾ ҳаваслари билан ёқишга тиришадилар./Тожу-тахт дағдағаси уни қийнамас, узоқ лекин ширин бир умид каби кўнглида жойлашган эди. Мирзо Ёдгорнинг ихтиёри унинг беклари қўлида бўлганидан, улар Мирзони қутиртирадилар.

34—35 билимдон, «оқила»/билимдон
У туркман Султони/У, Султон

*74-бет 38-сатри — 75-бет 2-сатри*

Ғурурланган шаҳзода «Журжон» ҳокими устига юриш қилиб, ∾ тож кийиш умиди билан уринади.../Шундай қилиб Мирзо Ёдгорда ғурур пайдо бўлади. У исён кўтариб, «Журжон» ҳокими амр Зоҳид Тархийнинг устига юриш қилади, уни енгиб, «Журжон»ни қўлга киритади. Сўнг пойтахт Ҳиротни босиш, тож кийиш умиди билан уринади...

3—18 Ўзини кордон ҳукмдор сифатида танитишга интилган Ҳусайн Бойқаро ∾ ўз қароргоҳларига олиб қайтардилар.../Ўзини «кордон, корсоз» ҳукмдор сифатида танитишга интилган Султон Ҳусайн бир неча кундан буён қатъий жангга тайёрлиг кўрар, лекин ҳужум бошлашга тараддуд қилар эди. Душманнинг кутилмаган тунги ҳужумларидан беҳавотир бўлиш учун у лашкар қўнғон жойнинг атрофига «хандақ» ковламаса ҳам, лекин шох-шаба билан маҳкамлади, қоровулларни кучайтирди, деярли ҳар кун Мирзо Ёдгорнинг йигитларидан бир нечаси узоқдан кўриниб, бир соат, ярим соат ўқ узиб, яна ғойиб бўлар эди. Баъзан ҳар икки томоннинг илғор дасталари тўсатдан учрашиб, сурон кўтариб, ўқ узишадилар, қиличлашадилар. Бундай кичик тўқинишлар натижасида ҳар икки томон ҳам бир неча кесик каллани илиққина қонини оқизиб, ўз даргоҳларига олиб қайтадилар...

*75-бет 19-сатри — 76-бет 19-сатри*

Соддагина чодирда ∾ Бойқаро кенгаш чақирди. Кенг/Кенг

20—34 Кенг, баланд, серҳашам ипак чодирда ∾ чора-тадбирларни маъқуллади./Тонгга яқин Султон Ҳусайн атрофи махсус посбонлар билан қўриқланган ҳашаматли шоҳи чодирдан ташқари чиқди. Узоқда кўкимтир туман ичида мудраган тоғлар устида сийрак юлдузлар хира кўзларини ҳорғин қисади, даланинг салқин шамоли тиниб, чодирнинг ипагини енгил мавжлантиради. Йигитлар ва барча қўшин аҳли уйғоқ. Уларнинг ҳаракатларида жиддий ишга шошмасдан тайёрлиг кўриш сезилади. Подшоҳ энг яқин ва ишбилармон беклари билан «Русумати жанг» ҳақида сўзлашди. Чингизнинг турли қитъалар, мамлакатлар устида олов бўрони ва қон дарёси билан кечган давомли ва даҳшатли урушларида туғилиб, сўнгра Темурнинг яна шундай қонли сафарлари, унинг ҳарбий таланти натижасида бойиган бу «Русумати жанг»ни яхши билувчи беклар ўз қарашларини билдирдилар. Уларнинг тадбирларини маъқуллаб Султон Ҳусайн чодирга кирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*76-бет 34-сатри —78-бет 16-сатри*

Ўтирганларга кўзларини ∾ мажлис тарқалди. Мулозимларнинг/Мулозимларнинг

17—22 Мулозимларнинг ёрдами билан Ҳусайн Бойқаро эгнига совут, бошига дубулға кийди. ∾ дабдаба билан чодирдан чиқди./Эгнига совут, бошиға дубулға кийиб, қини олтин ва ранго-ранг қимматбаҳо тошлар билан ажойиб ингичка санъат намунаси, қиличини тақди. Бу дабдаба билан ташқари чиқаркан,

*78-бет 22-сатри —79-бет 2-сатри*

Тонг отишига пича қолган... ∾ қўшин тартиботини кузатиб турди. ∾ Зулнун Арғунбекка топширди./Махсус мулозимлар унинг бедов отини келтириб, олтин ва лаъли — ёқутдан ишланган эгарга қўлтиқлаб миндирдилар. Султон Ҳусайн атрофни қуршаган беклар билан қўшин ичига шамолдай енгил учди ва бу ерда қўшин тартиботини кузатди. Буронғорға Амир Мубориздиддин Валибекни, Жиронғорға Мирзойи Кичик билан амир Абдулхоликни сардор қилиб тайинлади. Қўшин ичидан энг иш кўрган, қилич чопган баҳодир йигитлардан саралаб, ҳировул тузди. Ҳировулга Амир шайх Темур, Амир Мўғул ва Амир Шайх Абду Саидхонни бошлиқ тайинлади.

3—10 Қуёш чиқаркан ∾ Навкар ва бекларнинг кўзлари қаҳрли, юзлари совуқ, жиддий эди./Қуёш чиққан вақтда уруш тартибини олган катта қўшиннинг турли қисмлари кенг далани қоплоғон эди. Дубулғалар, совутлар, найзалар қуёш билан олтинланган ҳавода порлайди. Жанг майдонига ўрганган отлар сабрсизлангандай бошларини силкиб кишнашади.

11—14 Ҳусайн Бойқаро, ∾ йигитлар билан қуршалган ҳолда борар эди./Подшоҳ, ул замоннинг улуғ тарихчисининг табирича, «одам кўнглидаги жон янглиғ» қўшиннинг қалбида, эътимодли навкарлари мулозимлари билан қуршалган ҳолда, турар эди.

15—22 Қоровуллар ўқдай учиб келиб, ∾ сурон билан от солишди./Ҳусайн қўшинининг қоровуллари етиб келиб, Мирзо Ёдгор ошиғич равишда ўз қўшинини тартибга солаётганини билдиришди. Подшоҳ фурсатни қўлдан бермаслик учун жангни бошлашга буюрди. Карнай, сурнай, ноғоралар ҳавони янгратди. Душман қўшиниға яқинлашғоч Буронғордан Мубориздиддин Валибек, Мирзо Ёдгорнинг Жиронғорига зўр сурон кўтариб от солди.

22—37 Шайх Темур ва Зулнун Арғунбек, ∾ паришонлик кучая бошлади./Амир Шайх Темир эса душманга жиронғордан от солди. Валибекнинг қўли баланд келди. Ёдгор Мирзо Жиронғорида амир Аҳмад Али Форсий Барлос сардор эди. У Валибекнинг зарбаларини қайтариш учун қаттиқ муқовимат кўрсатишга тиришиб ўз сипоҳларига далда берса ҳам лекин бир неча йигит ўлиб, бир неча от йиқилгандан сўнг, йигитларнинг сафида паришонлик, тараддуд бошланди

*79-бет 37-сатри —80-бет 4-сатри*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Душман йигитлари ∾ қуролларини шилиб ола бошладилар./йигитлар қиличлашишдан четлашишга уриндилар. Бунинг устига Ёдгор Мирзо лашкарида бўлган мўғуллар фурсатдан фойдаланиб ҳар вақтдаги каби талашга киришдилар. Улар душмандан кўра, кўпроқ ўз одамларини уриб, отдан йиқиб, кийим-бошини, қуролларини шилиб ола бошладилар.

4—20 Мирзо Ёдгорнинг Жиронғори жанг ∾ маҳрум қилишга тиришарди. ∾ ожиз қолди. ∾ яқинлашиб қолган эди./Лекин Ёдгор Мирзонинг буронғори қаттиқ жангда эди. Ногоҳон унинг «ғул»идаги туркман ботирлари бўрон даҳшати ва сурати билан тўппа-тўғри Султон Ҳусайн устига отиладилар. Бу томондан қалин ўқ ёғдирилади. Аммо ғизиллаб учган мингларча ўқ галалари туркман ботирларини тўхтатишдан ожиз қолди. Туркманлар қилич ўйнатиб, ўқ узиб, устма-уст ҳаммалари билан олдинги қисмларни боса-боса олдинга силжиди. Бир тўда туркманлар нақ Султон Ҳусайнга яқинлашиб қолди.

20—25 Подшоҳ атрофини қуршаган ботирлар ∾ кўзларини чақчайтириб, пароканда кезардилар./Подшоҳнинг атрофини қалин ўраган баҳодир йигитлар гоҳ қилич, гоҳ ўқ, гоҳ найза ишлатиб, душманни улоқтиришга астойдил ғайрат кўрсатдилар. Одамлар йиқилди, қиличлар синди, эгасиз отлар, эгарлари қийшайган, жиловлари оёқларига ўралган ҳолда кўзларини қўрқувдан чақчайтириб, пароканда кезар эдилар.

26—32 Ҳусайн Бойқаро урушнинг оқибатидан ташвишланар, ∾ жанг қилишни билар эди./Подшоҳ урушнинг оқибатидан ташвишланар, ғазаб билан ҳар ёққа қарар, жанг кетишини кузатишдан ҳам ожиз эди. Ниҳоят, ўзи ҳам қиличини суғурди, унинг зўр, ҳайбатли оти қирғин ичига интилди. Бошдан-оёқ совут кийган Султон Ҳусайн ўзининг хос йигитлари билан ўралган ҳолда душманга ҳужум қилди.

32—42 Жангда зарбанинг шиддати билан тадбирни жуда мос ишлатар эди. ∾ жангнинг оқибати бу ерда ҳал бўлмади./У жанг қилишни билар эди, жангда зарбанинг шиддати билан тадбирни бириктирар эди. Яхши қиличлашди. Фақат жангнинг оқибати бу ерда ҳал бўлмади:

*80-бет 42-сатри—81-бет 41-сатри*

Мирзо Ёдгорнинг ∾ қочишга тириша бошладилар./ Мирзо Ёдгорнинг ўнг ва сўл қанотлари (буранғор, жиронғор) қаттиқ шикаст еб, бутунлай бевош, бетартиб қочишга юз тутди.

4—13 Бойқаронинг зафар ғурури билан руҳланган йигитлари ∾ ғалаба шодиёнаси жанг қизғини ҳали сўнмаган тўзонли кўкни титратди./Бу ҳодиса туркманларнинг руҳини тушурди. Улар энди душманни енгиш эмас, жанг майдонидан мумкин қадар тезроқ ўзларини олиб қочишга тириша бошладилар. Кўксилари зафар ғурури билан берилган Ҳусайн Бойқаро сипоҳийлари даҳшатли сурон билан душманни таъқиб этадилар. Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган чанг-тўзон булути



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳавони тутди. Ҳусайннинг лашкари Мирзо Ёдгорни бир неча фарсанг масофа шиддатли қувиб, ўлжалар, асирлар билан қайтди. Бир кўп асирлар — кўпроқ лашкар бошлиқлари — шу топдаёқ ўлдирилди. Карнай-сурнай, табл чалиниб Султон Ҳусайннинг ғалаба шодиёнаси кўкни янгратди...

18—32 заррин тўшакда ∾ билар эди. Мирзо/мирзо

*81-бет 32-сатри —82-бет 2-сатри*

Мирзо Ёдгор жангда қаттиқ мағлуб бўлган эса-да, ∾ қоча бошлаган эди./фақат бу ғалаба шодликлари узоқ чўзилмади. Ҳар кун бир-биридан совуқ хабарлар эшитила бошланди: Мирзо Ёдгор катта кўч тўплаган эмиш, амир Ҳасанбек мунча минг навкарни кўмакка юборган эмиш, фалон вилоятнинг ҳокими унга қўшилғон эмиш... Султон Ҳусайнга яширин кин сақлағониданми ёки Мирзо Ёдгор билан зимдан тил бириктирганиданми баъзи беклар подшо даргоҳидан қочиб кетдилар. Шундай бир пайтда Ҳиротдан келган чопар подшоҳнинг ғазабига, тутақиб турган оловни бирдан гуруллатган шамолдай таъсир кўрсатди. У баъзи бир эътимодли беклар, вазирлар билан кенгашди. Фақат ўз вазиятининг нозиклигини мулоҳаза қилиб, Навоийни чақиртирди.

3—17 Навоий ғамгин ва ғазабли подшоҳга дадил қараб, ҳол-аҳвол сўради. ∾ ёнига атлас кўрпачага қўйди-да подшоҳга қаради, ∾ яширолмай аччиқ шикоят билан деди:/Чопар келтирған мактубни узатди. Навоий мактубни ўқиб, айрим жумлаларга иккинчи қайта кўз югуртди-да бир нафас бошини қуйи солиб, сўнг подшоҳга қаради. Унинг бу қарашида таҳлика, саросима ёки «ажаб бўлибди» деган бир ҳис йўқ эди. Унинг кўзлари ҳар вақтдаги каби ишонч ва фикрчанликни сақлар эди.

18 разил авбошларнинг/авбошларнинг

19 бўлар экан?/экан

21—25 маъқул ва мақбул ∾ билан деди:— Подшоҳ/— Подшоҳ.

25—28 Подшоҳ ҳазратлари ∾ баён қилур?/—Подшоҳи олам,— деди Навоий ҳар вақтдаги каби назокат ва сўз майинлиги билан,— мулки Хуросоннинг тақдир ва ҳаёти сиз ҳазратнинг қўлингиздадир, сизнинг муборак хотирингиз бу алам ҳодиса хусусинда қандай фикр баён қилур?

29—32 Бу тожу давлатни қилич билан олибмиз — ∾ ҳаракат қилғумиздир./Подшоҳ бир нафас сукут қилиб деди:— Биз бу тожу давлатни қилич билан олибмиз, они яна қилич билан пайдарпай қилмоққа ҳаракат қилғумиздир.

33—39 Бу сўзлар шоирни чўчитмади. ∾ Шоир ақлли кенгаш билан уни тўғри йўлга солиб юбориш мумкинлигига ишонарди ҳам./Бу сўзлар Навоийни чўчитмади. Чунки Султон Ҳусайндан бундай гапларни у кўп дафъа эшитган эди. Лекин ўзига қўйилса, ҳозирги пайтда бу тадбирни амалга оширишга ҳам шоир чуқур ишонар эди.

*82-бет 39-сатри —83-бет 3-сатри*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин арзимаган мурожаат этди:— Хоқон/Хоқон

*83-бет*

4 — Ҳоқон, яралик кўнгилларнинг шифоси учун сиз ҳакими ҳозиқ бўлишингиз керак./— Подшоҳи аъзам,— деди Навоий аллақандай ички дард билан,— яралиқ кўнгилларнинг шифоси учун сиз ҳакими ҳозиқ бўлмоғлиғингиз керак.

5—6 Каминанинг фикрича, бу ерда қиличнинг асло ҳожати йўқдир!/Биз ҳокисор бандангизни фикрича, бу ерда қиличнинг асло ҳожати йўқдир.

7—33 Ҳусайн Бойқаро ∾ қараб олишди Иш/Иш

34—38 — Иш, сиз деган ҳаддан ўтибди! ∾ Наинки пойтахтда ғалва кўтармоқ!—/— Иш, сиз деган ҳаддан ўтибдир!— деди подшо.— Бизнинг хизматимизда бўлган зотларга отилган тош салтанат тожига отилган ҳақорат деб билгумиз керак.

*83-бет 39-сатри — 84-бет 9-сатри*

— Бизга қолса асло! ∾ адл суви билан ювмоқ, даволамоқ лозимдир./— Асло!— деди Навоий кулимсираб, салтанат тожини қуёш янглиғ самоват доирасида билинг, наинки хўжа Абдулла хатибдек бир хомтама аждарнафснинг бошига тушган тошни тожи давлатга нисбат берурсиз. Бир дона ёрилган бош учун эл бошида қилич югуртмак фақирнинг хотирига андоғ келадирки, давлатингиз боғидаги ҳар навъ дарранда ва газандаларнинг қуйруғини кўтарадир. Модомики халойиқ кўлига тош олибдур, онинг кўнглида дарди бордир. Бу дардни билмак, адил суви билан ювмак, даволамоқ лозимдир.

10—12 Ҳусайн Бойқаро сукут қилди. ∾ ғамгин ҳолда деди: /подшо бир нафас сукут қилди; сўнг, қийиқ аллақандай тез ўйнайдиган кўзларини шоирга тикиб, бўшашган, ғамгин ҳолда гапирди:

13—18 Хўжа Абдуллодек кўрнамакни жазога тортқумиздир, ∾ ғалаёнлар такрор бош кўтармагай.../Хўжа Абдуллодек ҳаром — намакни жазога тортғумиздир, бунга зарра шубҳа қилмангиз. Лекин, пойтахт осойишталигини бузган фитначилар ҳам бу жазодан ҳоли қолмаслар, лоақалли, сиёсат юзасидан бир нима жарима, таҳдидга тортилса... истиқболда бу каби ғалаёнлар такрор бош кўтармагай эди.

19—20 Навоий яширин, ичдан хўрсинди. Подшоҳнинг бемаъни ўжарлигини синдириш учун жасур оҳанг билан деди: /Навоий яширин, ичдан хўрсинди, сўнг, самимий бир дард билан ва жасур бир оҳанг билан деди:

21—32 — Шоҳо, халқнинг молини, ∾ салтанат ҳам бехатар бўлур./Шоҳо халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топшириб, алар бу қонхўр маҳлуқлар дастидан фиғон кўтарса, аларни маъзур кўрмак вожибдир, наинки тақдид ва сиёсат! Халқ билан бўлғуси муамилатда қиличга эмас, адл кучига суянмак, элни жабр зулмдан асрамоқ лозимдир. Зероки халқ шундоғ бир дарёйи азимки, ул тошса анинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур, ул шундоғ бир



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтки, агарда тутоқса, на хашакни қўюр, на фалакни... Бас яхшилик қилмоқ керак, эл-юрт бахти барқарор бўлсин, салтанат бехатар бўлсин...

33—40 Шоирнинг мантиқи қаршисида ∾ тугатиш зарур эди. /Подшоҳ бу мантиқ қаршисида ҳар қандай эътироздан ожиз қолғон эди. Лекин баъзи бир беклар ва кенгашчиларнинг раъйига терс бўлган бир қарорни чиқаришга бир қадар тараддудланар эди. Иккинчи томонда, Мирзо Ёдгордек душман бартараф қилинмағон ва унинг тарафдорлари кўпайиб турган бир шароитда давлатнинг юраги бўлган Ҳиротдаги ғалаённи илдамлик билан тугатиш зарур эди.

84-бет *40-сатри —85-бет 9-сатри*

Ҳусайн Бойқаро яна бир қанча вақт масалани музокара қилди ∾ ҳозирдан сафарга отлонмоққа сизга ижозат бердик./Мулоҳазаларингизни батамом қабул қилдик,— деди подшо қатъият билан,— ва бу нозик вазифанинг уҳдасини сизга ҳавола этмоқчимиз. Иншаолло, сиздек кордон ва соҳиб тадбир зот пойтахтда сукут ва осойишталикни тез кунда барпо қилурсиз. Сафарга отланмоққа сизга ижозат бердик.

10—13 Навоий эл фойдаси ва давлат манфаати учун бўлган ∾ секингина деди:/Навоий эл фойдаси ва давлат манфаати учун бўлган бу вазифага, ўз одати бўйича, эътироз қилмади. Енгил бир таъзим билан ўз розилигини билдирди-да, табассум билан деди:

14—16 — Пойтахтдаги аламдийда халойиқ учун биз фақир не совға билан борур? Элнинг жароҳатларини не малҳам билан даволар?/— Энди бу фақир пойтахтдаги аламдийда халойиқ учун не совға билан борур? Элнинг жароҳатларини нима билан шифолар?

17 Жумла оламга маълумки/аҳли оламга маълумдирки,

18 ҳазил йўсин жавоб берди/ҳазил қилди.

19—22 Навоий ҳазил-мутойибани севгучи ∾ жиддий давом эттирди:/Навоий ҳазил ва мутойибани севгучи завқ билан тинглаб, чуқур чечанлик билан жавоб беришга моҳир бўлса ҳам ҳозир фақат кулибгина қўйди-да сўзни жиддий равишда давом эттирди:

23—27 Кўнгилга шундай муқаррар бўлдиким, ∾ сарафроз қилсангиз экан./Кўнгилга шундай муқаррар бўлдики дорилхалофат фуқароси қошиға етгач фақир ҳеч нарса билан аларни қувонтирмоқдин ожиз қолғаймен... мақсадимизни равшан қилиб айтсак, бизни бир фармон — ҳумоюн билан сарафроз қилсангиз эркан.

28—29 — Мазмуни қандай бўлмоғи керак?— қизиқиб сўради подшоҳ./— Мазмуни қандай бўлмоғи тегиш?— сўради подшо қизиқиб.

30—36 Шул мазмундаким,— деди Навоий,— ∾ «сангбўрон» бўлиб ёғилғай./Шул мазмундаки,— давом этди сўзида Навоий,— ул фармон олийнинг ҳар сўзи қуёшдек кўнгилларга ҳаёт бағишлағай; ҳар бир нуқтасида, қаторида дарё ниҳон бўлганидай сизнинг дарёйи адолатингиз жилвалангай. Яна ул фармон Ҳумоюнда андоғ сўзлар бўлғайки, алар золим ва ғаддор амалдорлар, улус ҳо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лини ғасб этувчилар бошига «сангборон» бўлиб ёғилғай.

*85-бет 37-сатри — 86-бет 4-сатри*

Ҳусайн Бойқаро индамасдан айёрча кулиб қўйди ∽ Сизга топширурмиз./Султон Ҳусайн Бойқаро айёрча кулди, Ҳиротда қилинажак бошқа баъзи вазифалар ҳақида сўзлаб, ниҳоят, Навоий рухсат тилаб ўрнидан қўзғолар экан у деди: Сиз жаноб йўл тадорикига киришгайсиз. Фармонни тезда муҳайё қилиб, ҳукмингизга топшурғаймиз.

5—8 Навоий аста-аста юриб, ∽ режалар қоплади./Навоий ўз чодирига келиб, тўнини ешиб бир оз истироҳат қилди.

9—22 Хизматчи ҳаммага қайнатилган ялпи қозондан таом келтирди. ∽ ғазаллар, муаммолар, туюқлар эди./махсус хизматкор подшо қозонидан пиширилган овқатдан келтирди. Навоий озгина танаввул қилиб, қийматбаҳо хитойи косани четга сурди. Шарбат ўрнига бир косада совуқ айрон талаб қилди. Сўнг қип-қизил гилам устида паришон сочилиб ётган шахмат доналарини йиғиштирди. Атрофдаги чодирларда бўлган шахмат усталаридан бирини чақиришни истаса ҳам, лекин одатдагидай ўйиннинг завқига берилиб, йўлга кечикишдан қўрқди. Китоблар қалонғон пастдек, чиройли курсида ётган ва китоблар ичига суқилиб қўйилган шалдироқ оқ варақ қоғозларни тўплаб тартибга солиб, кичкина, ҳар ёни ўйма тасвирлар билан музайян фил тиши қутиға солди; булар сафарда битилган ҳали оққа кўчирилмаган ҳар хил ғазаллар, туюқлар, муаммолар эди.

23—24 Йўл жабдуғи тайёр бўлди. ∽ от бошини чиройли силкиб юриб кетди. ∽ йўлга тушдилар./Йўл жабдуғи тайёр эди. Шоир «фармони ҳумоюн»ни кўздин кечириб, унинг мазмунидан рози бўлди, сўнгра, у буклаб, устини муҳрлатиб, салласининг бир чеккасига қистирди. Мулозимлар унинг ювош, лекин жуссаси жуда келишган, йўрға қорабайр отини кўндаланг қилишди. Шоир духоба кўрпача тўшалган эгарга ўтириш билан, от бошини чиройли силкиб юриб кетди. Унинг орқасидан шоирнинг қадрдон навкари (Бобоали?) ва саройнинг бир неча махсус мулозимлари ҳамроҳ тариқада йўлга тушдилар.

*86-бет 35-сатри —87-бет 11-сатри*

Шоир отда юришни, сокин дала манзараларини томоша қилишни севар ∽ ҳамроҳлари билан сўзлашди. /Шоир отда юришни, сокин дала манзараларини томоша қилишни севар эди. Узоқда майин туман пардасида мудраган тоғлар, воҳаларда бир тўп кўланка каби ғира-шира кўринган дарахтзорлар, қумликларнинг қизғинларидан оёғи куйган каби зир югурган шамоллар, майда тошлиқлар ичида милдир-милдир қайнаб чиққан тиниқ сувлар — ҳамма нарса шоирнинг кўнглини тўлқинлатар, у ҳамма нарсадан улуғ, лекин яширин бир кучнинг гўзал ва азамат оҳангини сезар эди. Шоир обод жойлардаги экинларга, мевазор боғчаларга диққат



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди, адрларда, даҳшатли қоялар, чўққилар устида сакраб, ўт чимтиб юрган эчкиларга суқланиб қарайди, кўчманчи афғон қабилаларининг чодирларига саҳройи, содда ҳаётнинг хусусиятларига разм солди. Уларнинг тили, маишатлари ва ҳоказо ҳақида ҳамроҳлари билан сўзлашди.

12—35 Сув ёқасида гердайиб ётган катта тошга тикилиб, ∾ Бирон соат кулгу йўсун гаплар ҳам бўлди./Сув ёқасида гердайиб ётган тепадай катта тош устига уюлган тасвирга кўзи тушиб, отдан тушди. Тошдаги тасвир йўйилган замонларнинг нафаси билан анча ўчган бўлса ҳам диққат билан разм солиб, тасвир қуролли жанговор эканини аниқлади. Ҳамроҳларини тўплаб, уларга бу тасвир Искандар Зулқарнайн давридан қолғон бўлиши эҳтимол деган мулоҳазасини тушунтирди. Бу муносабатла тарихнинг ва тарихий обидаларнинг аҳамиятини сўзлади. Бу тош замонларнинг абадий жараёни, унга нисбатан, одам умрининг чақмоқ сингари бир он ёниб ўчиши, ҳаётнинг маъноси ва сири ҳақида шоирнинг бошида фикрлар бўронини учурган эди. У бу ердан кўзларида қандайдир ғам кулкаси билан айрилди ва узоқ вақтгача хеч нима сўзламасдан, фикр ва кечинмаларнинг сеҳрига берилиб борди. Фақат, отларга хашак беришда бир қадар истироҳат қилиш учун работлардан бирига қўнғон вақтда унинг кўнгли яна очилди. У ҳамроҳлари билан давра қуриб ўтирар экан, йўлларнинг ёмонлигидан, работларнинг харобалигидан шикоят қилди. Йўлларни таъмир яхшилаш, янги работлар барпо қилиш кераклиги ҳақида ўз орзуларини баён қилди. Кейин, эрмак учун ўзининг ва ўзга шоирларнинг муаммоларидан бир нечасини ўқиб, исмларини топишни ҳамроҳларидан илтимос қилди. Бирон соат кулгу йўсун гаплар ҳам бўлди.

*87-бет 36-сатри — 88-бет 4-сатри*

Фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга яшиндек тарқалди. ∾ ҳар лаҳза мавжланишга тайёр эди./Фармон билан келганлиги хабари бутун шаҳарга яшиндек тарқалди. Шаҳар аҳолисининг бутун табақалари бу хабардан мамнун бўлди. Шаҳар тишдан қараганда аввалгидай тинч, ҳамма ўз тирикчилиги билан машғул бўлгандай кўринса ҳам, лекин касиб, ҳунарманд ва деҳқонлар ҳали ғазабдан тушмаган эдилар. Ғалаён ҳар лаҳза аввалгидан ҳам даҳшатлироқ ва кенгроқ бир миқёс ва шиддат билан мавжланишга тайёр эди.

5—16 Воқеанинг қандай рўй берганлигини ўрганди. ∾ қадларини ростлаб чиқдилар./Воқеанинг қандай рўй берганлигини муфассал ўрганди. Халққа Хўжа Абдулло томонидан солинган закотни бекор қилди. Хўжа Абдуллонинг ўзини мансабдан тушурди. Сўнгра, унга арзи дод қилғоли эшикда тўпланган ҳунарманд, деҳқон ва бошқа камбағал аҳолини қабулга киришди. Ешми, кексами, аёлми, тожикми, туркми ҳар кимнинг шикоятини сабр, матонат билан тинглади. Уларнинг ҳол-аҳволларига доир саволлар бериб, кўнгилларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

юпантирди. Уларнинг қаралмай ётган аризаларини, даъволарини тезда ҳал қилди, ёки йўл-йўриқ кўрсатди. Халққа жабр-ситам қилғон бир кўп амалдорларнинг номларини рўйхатга олиб, уларни ҳар бирини гуноҳи ва жиноятига яраша жазо ҳам жаримага тортишга тайёрланди. Шоирнинг қошиға йиғлаб келганлар табассум билан, букчайганлар адолат кучи билан руҳланиб, қадларини ростлаб чиқадилар.

17—24 Ҳиротнинг улуғ масжид жоменинг хонақоси, қулочга сиғмас йўғон устунли нақшкор айвонлар, ∾ жомега келган эдилар./Ҳиротнинг улуғ масжид жоменинг хонақоси, қулочга сиғмас йўғон устунлар, нақшкор айвонлари, катта текис саҳни, бу жоменинг уч томонини ўраган қатор ҳужраларнинг томлари халойиқ билан лим тўлган эди. Муҳтасибларнинг қаттиқ терговларига қарамай, Ҳиротнинг намозга бепарво бўлган чапанилари, етим авбошларига қадар бу кун бошларига дасторни нари-бери чулғаб, жомега келган эдилар.

25—32 Шоир аста, улуғвор юриб ∾ томирларига қадар етгандай бўлди./Жума намозидан сўнг шоир аста-аста юриб минбарга чиқди. Ҳамма гув этиб ўрнидан турди. «Тиқ этган» товуш йўқ. Ҳамма кўзлар чуқур ҳаяжон билан бир нуқтага тикилган. Навоий минбарда туриб, бир туйғу, бир ҳаяжон билан жим қотған халққа дарддош кўзлари билан мулойим назар солиб чиқди. Шоир ўзига хос чуқур англаш қобилияти билан халқ кучининг дардларининг, эҳтиёжларининг энг яширин томирларига қадар етгандай бўлди.

33 қабариб,/қаборғондай бўлди,

33 очди,/очиб,

37—40 Бирдан ялпи, кучли садо кўтарилди. ∾ ҳамма ёқни тутди./бирдан ялпи ғовур-ғувур кўтарилди: ҳамма кўнгиллар ўз таассуротини, кўксида сиқилғон ҳис ва фикрини ифода этишга киришди: «офарин!», «раҳмат!», «ё адолат!», «иншаолло!», «золимларга лаънат!» садолари ҳамма ёқни тутди.

*89-бет*

1—9 Фармоннинг мазмуни бир зумда оғиздан-оғизга ўтиб, ∾ пештоқларини янгратди./Фармоннинг мазмуни оғиздан-оғизга ошғич равишда ўтиб, орқадагиларга, ҳатто жоме томидагиларга қадар бир зумда етди. Сўнгра, халқ ялпи қўл очди. Навоий ҳақига айтилган дуо ва тилаклар гумбирлаб, жоме пештоқларини янгратди.

40—49 Одамлар қувонч билан кўчага оқди. ∾ жаримага тортмоққа тайёрланди./Одамлар қувонч билан кўчага оқди. Элнинг умумий хурсандчилиги билан адолат сўзининг қувватига яна чуқуррoқ инонган шоир камтарлик билан ҳар қандай намойишкорона ҳаракатдан қочиб девонга қайтди, улус ишининг таҳқиқлашга ҳаққуқуқ тамалларини кўришга киришди.

*89-бет 22-сатри — 90-бет 30-сатри*

Ҳусайн Бойқаро ∾ отланишга буйруқ берди./Султон Ҳусайннинг ишлари анча чатоқлашган, унинг ғамини шароб базмлари, бир қадар бўлсин ёйишдан ожиз; уни



www.ziyouz.com kutubxonasi

саҳро гўзалларининг оғуши ҳам юпантирмайди. Яқиндагина бутун лашкари билан қаттиқ шикаст еб тумтарақай қочган Мирзо Ёдгор ўзини кучли ҳомийлари ёрдами билан яна қувват тўплаган. Султон Ҳусайннинг ўз лашкари орасида Мирзо Ёдгор тарафдорлари мавжуд: деярлик ҳар кун йигитлардан ўнлаб, йигирмалаб киши соядай жимгина ғойиб бўлади. Подшоҳ ўз душманининг изига тушиб, қаерда бўлмасин уни ёқлаб, тору мор қилишни жазм қилгон бир вақтда, Астрободга Мирзо Ёдгор ҳужум қилганлиги ва бу шаҳарнинг ҳокими Амир шайх Ҳасан Темур унга шаҳарни таслим этишга мажбур бўлибгина қолмай, балки ўзи ҳам Мирзо Ёдгор хизматига ўтганлиги ҳақида хабар етишгач лашкарда бузуқлик кучайди. Мирзо Ёдгор томонга қочишлар одат расмига кириб қолди. Бундай шароитда у на бекларга, на йигитларга эътимод қилишға журъат этмайди. Умиди сўниб, ўзида қолган бир неча юз сипоҳийлари билан турли мавзеларга ўтиб, бир ерда қарор топмай кезади. Навоий қайтиб, пойтахтда осойишталик барпо қилинганлигини сўзлагач, Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга жўнади. Лекин Мирзо Ёдгорнинг мақсади Ҳиротни забт этиб, бутун Хуросонга ҳукмдор бўлиш эди. Шунинг учун Ҳирот атрофида унинг кишилари ҳаракат қилар эди. Бундан ташқари, Ҳирот қалъасининг беклари ҳам Мирзо Ёдгор тарафдорлари экани билинди.

31—32 Бутун лашкар билан кечалаб, кундузлаб йўл босиб «Сартоғ ўланги» деган мавзега қўнилди./Султон Ҳусайн Ҳиротдан умид узиб, «Сартоғ ўланги»га бориб тушди.

33—37 Бу аснода Балҳ атрофида ∾ кесиб ташламоғи керак! /Бу аснода Мовароуннаҳр ҳокимларидан Султонмаҳмуд Мирзонинг Аму сувини кечиб ўтганлиги, Балҳ атрофида ҳаракат қилаётганлиги эшитилди. Хуросон тахти учун кучли даъвогарлардан бўлган бу Мирзонинг хуружи Ҳусайн Бойқаронинг вазиятини жуда оғирлаштирди. Энди у ўз мамлакатида икки ёв ўртасида қолди, энди у ўз тожига човут солган икки даҳшатли қўлни кесиб ташлаши керак.

37—39 Лекин унда куч, ғалабага ишонч йўқ. У энди душман билан очиқ майдонда учрашишга қўрқади./Лекин унда куч йўқ, ғалабага ишонч йўқ. У энди душман билан очиқ майдонда учрашишдан қўрқади.

*90-бет 39-сатри — 91-бет 3-сатри*

Бир ерда қарор топишдан хавфланиб ∾ қасабасига ўзини урди./У бир ерда қарор топишдан хавфланиб «чап бериб» юради. Шундай қилиб, «Сартоғ ўланги»дан «Соқилман» даштига кўчди, бу ерда ҳам бир миқдор сипоҳийлардан айрилиб, тўққуз работлик йўлни илдам босиб, «Наратоғ»га келди. Бундаги маҳкам «Ўғруқ» қалъасини ҳар эҳтимолга қарши ўз қўлида сақлаб туришни мўлжаллаган эди: Бу ерда бир неча вақт туриб, ниҳоят, «Маймана» қасабасига келиб тушди.

*95-бет*

5—14 Мирзо Ёдгорнинг тарафдорлари жуда усталик билан иш олиб борадилар. ∾ «Тус» вилоятида жадал ҳара-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кат қилди./Мирзо Ёдгорнинг тарафдорлари жуда усталик билан иш олиб бордилар. Обрўли маликалардан бўлган унинг аммаси Поёнда Султонбегим бу вақтда амир Фаридун барлос, Султон Аҳмад ва бошқаларнинг ўргатиши билан Ҳирот ташқарисидаги ўз манзилидан пойтахтга кирди. Шаҳарнинг обрўли одамларини қўлга олиб, сўнг ўз биродарзодасини Хуросон подшоҳи деб эълон қилди. Ҳирот қўрғонларида шодиёна чалдирди, хутбани ҳам Мирзо Ёдгор исмига ўқишга фармон берилди. Мирзо Ёдгор Тус вилоятидан жадал билан Ҳиротга ҳаракат қилди.

15—25 Подшоҳлардан яхшилик кўрмаган ∾ «Боғ Зоғон»да қарор топди./Пойтахтнинг акобиру—аёнлари (улуғ одамлари) эса, янги подшоҳга яхши кўриниб ундан янги рутбалар, янги суюрғоллар олиш ниятида уни тўрт кўз билан кутдилар. Кимхоб ва шоҳи тўнларга беланиб, бедов отларга миниб, Ҳиротдан бир тош масофада Мирзо Ёдгор истиқболига чиқдилар. Подшоҳнинг олдида тўққуз мартадан йукунуб унинг этакларини ўпдилар. Тантанали учрашув билан кеч бўлди. Ой «Мужтарий»да эди. Бу ҳодиса, Мирзо Ёдгорнинг ва унинг улуғ одамларининг фикрича, «хайрли» соат бўлмаганидан, подшо пойтахтга кирмасдан шу манзилда тунади. Эртаси расмий тантана ва дабдаба билан пойтахтга кирди, «Боғ зоғон»да қарор топди.

36—37 Мирзо Ёдгор мамлакатни идора этишда мутлоқ ҳеч нима тушунмас, билишга, ўрганишга интилмас эди ҳам. /Мирзо Ёдгор мамлакатни идора этиш масалаларида мутлоқ ҳеч нима тушунмас ва билишга, ўрганишга интилмас ҳам эди.

28—31 Лақма шаҳзода ўз душмани Ҳусайн Бойқаро ∾ ичкилик базмлари авж олди./У лақма шаҳзода эди. Тож кийгандан кейин у ўз олдидаги вазифаларини сира ўйламади. Душмани Султон Хусайн қаерда, вазияти қандай, нималар қилмоқчи — бу ҳақда ташвишланмади. «Боғ зоғон»га гўзал қизларни йиғиб. кўнгил очиш билан овора бўлди, ичкилик базмларидан бўшамади.

*91-бет 32-сатри — 92-бет 10-сатри*

Поянда Султонбегим давлат ишларини бошқарди. ∾ Халқ каттиқ сиқиқ остида қолди./Давлат ишлари Поянда Султонбегим қўлига ўтди. Бу аёлнинг ўз биродарзодаси учун жон куйдириши ҳам, албатта, ўз шахсий обрўсини кўтариш умиди билан боғлиқ эди. Чиндан ҳам, у ўз ғоясига эришгандай бўлди: у «оқила» ва «мудаббира» сифатида донг чиқара бошлади. Унинг ҳақида шеърлар пайдо бўлди. Лекин туркман бекларининг ғурурини, ўзбошимчалигини Поянда Султонбегим кеса олмади. Аксинча, улар билан муросага мажбур бўлди. Чунки ҳарбий куч уларда эди. Мирзо Ёдгорни салтанатга улар келтирди ва улар ҳимоя қилишлари керак эди ҳам. Шундай қилиб туркман аскар бошлиқлари ўз мавқеларини суиистеъмол қила бошладилар, Ҳирот ва унинг атрофида бошбошдоқлик авж олди. Халқ қаттиқ сиқиқ остига олинди. Бир кўп амалдор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, солиқчилар қаторида жазоланиши тегиш бўлган ва Навоий келган пайтларда ўзига хос чаққонлик ва муғомбирлик билан қочиб қолган Тўғонбек ҳам бу кунларда Ёдгор Мирзо хизматига кириб, унинг эътиборли йигитларидан ҳисобланар эди. Тўғонбек ва шунга ўхшашлар бирни уриб, бирни сўқиб, халқни эзиш ва талашда қуюшқондан ташқари чиқадилар...

*92-бет 11-сатри — 96-бет 41-сатри*

Ҳиротнинг бошига ∽ алвидо эй илму дин! Маймананинг/Маймананинг

*97-бет*

2—3 «Маймана»нинг «Чаҳорбоғи»да Ҳусайн Бойқаро дилгир яшайди./Ҳусайн Бойқаро дилгир эди. Лекин тахтни қайтаришдан умид узмас эди. Ҳиротда рўй бераётган ҳамма воқеалар ҳақида унинг махсус одамлари муфассал маълумот келтириб туришар эди. «Маймана»нинг «Чаҳор боғи»да, Ҳусайн Бойқаро Навоийни яширинча ўз ҳузурига даъват этди.

3—22 Шоҳона зиёфатлар ∽ сўзлай бошлади.— Хотирга/ — Хотирга

23—28 Хотирга бир фикр келган эди. ∽ — Илтифотингиздан кўп мамнунмен. Ҳазратларидан хушхабар эшиткали келдим,— деди Навоий./Хотирға бир фикр келди,— деди Ҳусайн Бойқаро шоирга ўрин кўрсатиб,— бу хилватда раъйингизни билмакни кўнгил орзу қилди.— Камина кўп мамнунмен, чунки кўнгил сизнинг кўзларингизда яхши хабарларни ўқимоқдадир,— деди Навоий.

29—41 Ҳусайн Бойқаро, бу ерда ўзга киши бўлмаса ҳам, ∽ мақсадга еткаймизми?/Ҳусайн Бойқаро, бу ерда бошқа киши бўлмаса ҳам овозини пасайтириб Ҳиротдаги вазиятни, Мирзо Ёдгорнинг шавкати мустаҳкам кучга суялмаганини тасвирлади. Унинг бу фикрини шоир ҳам қувватлагандан сўнг аллақандай ички бир дардни сўзлагандай деди:

— Агар биз мавжуд лашкаримиз билан Дорилхалофат устига юрсак ва ҳеч кутилмаган бир онда барқ сурати билан Мирзо Ёдгорни боссоқ... Сизнингча мақсадга еткаймизми?

*98-бет*

1—15 Шоир жавоб беришга ошикмади. ∽ Чорамиз йўқ-ку. /Навоий жавоб беришга ошиқмади. Кўзларини чиройли сузиб, ингичка ҳийлани ифодалаган табассумни юзларига ёйиб, ўйлади. Подшоҳга қараб, ғоят жиддий равишда деди:

— Бу андишани менга айтмасангиз яхшироқ бўлур эди!

Подшо, фикрим маъқул тушмади шекилли, деб ўйлаб шоша-пиша сўради:

— Нечун? Навоий бирдан кулиб юборди.

— Буни сир тутмоқ керак. Сир... таъкидлаб,— деди Навоий.

Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг фикрини тушинмагани учун бошини чайқаб кулди-да, шоирга эътироз қилгандек бўлди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Арбоби жанг билан кенгашмасликка чора йўқ-ку.

16—25 Албатта. Улардан бемашварат иш қилинмагай, ∾ бу сирдан воқиф қилурсиз./Алардан бемашварат иш қилинмас — деди Навоий.—Лекин сипоҳийларингиз орасидан бир-ярим қочиб борғучилар бу ҳаракатдан хабар берурлар. Мирзо Ёдгор ва унинг умаро ва беклари ғафлат уйқусидан кўз очурлар. Бу йўлда ғайратингиз озолмасин, аммо пинҳон тутмоқ керак. Ўз вақтида жанг арбобини бу сирдан воқиф қилурсиз.— Бу сўзларингизни кўнгил қулоғига олғумиздир,— деди хурсанд бўлиб подшо.

26—32 — Мулоҳазангизга заррача ∾ Ҳусайн Бойқаро. Бу режани/Бу режани.

*98-бет 33-сатри —99-бет 5-сатри*

Бу режани амалга ошириш учун бир неча вақт яширин тайёргарликлар кўрилди. ∾ билан музокара қилдилар. ∾ йўлга тушди. ∾ эътиборли кишилар қўшилди. /Бу режани амалга ошириш учун «Займана»дан «Мурғоб» дарёси томонига отланиб «Тоғ кун» деган мавзега тушилди. Султон Ҳусайн етарли даражада тайёрлик кўргандан сўнг, эски шон-шавкатини эслатадиган катта мажлис тузди, умарога ва аскар бошлиқларига ўз ниятини сўзлади. Бу кенгашни ҳамма ҳам маъқул топгач, Ҳусайн Бойқаро кўрилмаган бир суръат билан йўлга тушди. «Пилпаён» мавзеида унга Муҳаммад Арлот, Амир Сарбон ва бошқа бир кўп эътиборли шахслар қўшилди.

5 Бойқаро/у

7 юриб кетди./юра кетди.

8 тасвирига/тавсифига

9 юзидаги/юзи

10 пардани/пардасини

10 манзилга қўниб;/бир манзилга қўниб,

11 истироҳатдан сўнг/истироҳат қилгандан сўнг

14—23 У ёшлигидан бошлаб дунёдан «этак силкиб» одамлардан узоқда, ∾ бу дарвеш, ўз хоҳиши билан катта йўлда подшоҳни қаршилади./У ёшликдан бошлаб бутун дунёдан «этак силкиб» одамлардан узоқлашиб, ўзининг ваҳший тош масканида ибодат билан машғул эди. Султон Ҳусайн унинг «авлиё»лигига ишонганидан, бундай оғир кунларда дарвешга сиғиниб, ундан «дуо» лозим билди. Фақат Бобо хоки ўз одати бўйича қабул қилмаслиги ҳам мумкин, деган шубҳа билан келар эди. Лекин бу шубҳаси тамом ўринсиз бўлиб чиқди. Подшонинг дарагини эшитиб, умуман «одамлардан қочғон» бу дарвеш ўз хоҳиши билан подшоҳни йўлда қаршилади.

*99-бет 24-сатри —105-бет 33-сатри*

Ҳусайн Бойқаро ∾ қабул қилди. Тўғонбек/Тўғонбек

33—39 Тўғонбек эҳтиром билан хўжасининг қўлини сиқиб ∾ Тўғонбек салмоқланиб деди:/Исталса ҳам Тўғонбек бир қадар ўнғайсизлик, саросима сезди. У чакманининг этакларини қайириб қуйироққа ўтирди:

*105-бет 40-сатри —106-бет 21-сатри*



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тилга олғулик бир нима қилганимиз ҳам йўқ эди. Ҳиротда халқ муболиғага чечан экан-да! ∾ У юзини сал тескари буриб, нохуш товуш билан деди:/— Тилға олғулик бир нима қилғонимиз йўқ эди. Одатича салмоқланиб деди у.— Хўш, Алишер қўлидан қалай қутилдингиз? Авом сиздан ҳам шикоят қилибдур. Баъзи зотлар бу тўғрида менга хабар етказган эдилар.

— Мен жанобингизни хизматларини чин кўнгил билан бажаришга ғайрат кўрсатдим. Маблағни сўзсиз берганларга бир нима демадим. Аммо тихирлик кўрсатувчиларга чора кўрдим. На сўз таъсир қилмаса, қамчи билан сўқдим. Ўзингизга маълумки, халқ билан бўладирган ишда бусиз мумкин эмас. Навоий деганингиз, оломон не деса, шуни қулоққа илиб, бу ерда катта машмаша кўтарди. Войбўй, шоир деган ҳам бундайин ғайратли, забардаст бўлур экан! Таажжуб қиламан у одамга!—Тўғонбек сўзим сизча ҳам маъқулми, деган каби Маждиддинга қаради.

Шоирга берилган бу баҳо такаббур парвоначига ёқиб тушмади.

23 чиқармоқ ниятида бўлган./чиқармоқчи бўлган.

23 унинг/онинг

26—27 бежиз эмас,— деди Тўғонбек ўз хўжасига айёрча боқиб./бежиз эмас.

28—38 — Тўғонбек, улуғликка интилсангиз ҳар қадамни эҳтиёт билан босинг.— ∾ манзарасида анча эскиди. /Тўғонбек кўнглингни хавф-хатардан холи қил. У ишлар энди ўтиб кетган ишлар. Мени этагимни маҳкам ушласанг «Пулсиротдан» ҳам эсон ўтқазурмен. Тўғонбек ташаккур билдирди. Лекин Маждиддиннинг бу ваъдаси уни тўла қаноатлантирмаган эди. Чунки у Навоий зуҳумидан нажот ваъда этди. Бу ҳодиса анча эскиди.

*106-бет 39-сатри —107-бет 11-сатри*

Аммо бундай гуноҳлар учун жарима тўлаб қутилиш мумкин эди. ∾ бўлмаса қаърига ботарсен.../Андин кейин кўп воқеалар бўлиб ўтди, жумладан, Мирзо Ёдгор фитнаси... Тўғонбек бир неча кунгина ярқироғони учун ойлаб, балки йиллаб кўр сичқондек кавакларда чирисин!.. Лекин бу андишани Маждиддинга очишга ботинмади! «Бу одам Ҳусайн Бойқаронинг содиқ бандаси... Ўзини яхши кўрсатиш ниятида қўлимдан тутиб жаллод қўлиға топшириши ҳам мумкин. Ё, жилла марҳамат қилса, бир зум ўтмай мени кўчага улоқтиради: уста бўлсанг офат дарёсидан сузиб соҳилга саломат етарсен, бўлмаса қаърига ботарсен»...

12—28 Тўғонбек шу дақиқада бир от, ∾ айтмоққа тил ҳам бормайди.../Тўғонбек ўйлади, бир от, бир қамчи қилиб Мовароуннаҳрга жўнаб қолишни ҳам хотирдин кечирди. Лекин у Ҳирот ҳавосининг мазасига тушуниб қолғонлигидан бирон катта иш чорламаса бу ердан силжишни истамас эди. Балки хўжанинг ўзи сўз очар деган умид билан сукутга ботди. Аммо Маждиддин закотлар ҳақида суриштириб кетди. Тўғонбек қанча



www.ziyouz.com kutubxonasi

маблағ тушганлиги, қайси туманларда қанча маблағ қолганлиги ва ундирилган тангаларни унинг буйруғи бўйича . . . га топширганлигини шошмасдан уқдириб сўзлади. Маждиддин кафтларини ишқалаб «офарин! Сендайин етти йигитим бўлса, етти иқлимни забт эта олур эдим!»—дегач Тўғонбек ёйилиб, эркин нафас олди.— Тақсир,— деди Тўғонбек айёрча кулги билан,— бу беадаб қулингиздан бир айб содир бўлдики, айтишга тил ҳам бормайди...

29—39 — Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ, ∾ Тўғонбек ер остидан Маждиддинга кўз қирини ташлади. Унинг кўзларида ғазаб эмас, чуқур ташвиш сезди./Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ, не экан деди Маждиддин.—Одамлар оғзида шундай хабарлар тарқалдики, гўё Султон Ҳусайн барча лашкаридан маҳрум бўлиб бир даста йигит билан дашти Қипчоққа қочибди. Бутун умаро ва беклари Мирзо Ёдгорга садоқат билдирибди. Мен содда диллигимдан бу гуфту гўларга ишониб, Мирзо Ёдгор хизматига кирдим.— Беш ўн кун ҳайё-ҳай қилдик. Оқибати чатоқроқ бўлиб чиқди-да.—Тўғонбек аста ер остидан Маждиддинга кўз қирини солди. Унинг кўзларида ғазаб эмас, чуқур ташвиш сезди.

*107-бет 40-сатри —108-бет 10-сатри*

— Йигит, бундан ортиқ шармандалик бўлурми!— ∾ зинҳор-базинҳор оғзингиздан чиқарманг!/— Йигит, бундан ортиқ шармандалик бўлурми, уят?— тўнглик билан деди Маждиддин.— Тақсир, хато қилдим. Лекин иноннингки, азбаройи худо сизни бир лаҳза бўлсин унутмадим...—Маждиддин бу сўзнинг маъносини тез пайқади. Қовоғини солиб товишини кўтариб деди:— Бу не демак? Бутун олам биладики, мен онҳазратнинг содиқ бир ити! Ул жаноб олийга ва унинг хонадонига ўлгунимча хизмат қилмоқни орзу қиламен. Сен бу сўзни зинҳор иккинчи қайта оғзингдан чиқарма!

11—17 Тўғонбекнинг умиди кесилди. ∾ «Хуросондан нон-насибамиз узилибди-да!»/Тўғонбекнинг умиди кесилди. У бу кун ё эрта узоқларга қочишдан бошқа иложи қолмади, деб ўйлади. Лекин Маждиддиннинг дилидагини қатъий билиш учун ўз-ўзига сўзлагандай, деди: «Хуросондан нон-насибамиз узилубди-да!»

18—39 — Ўтиринг, қочмоқчисизми?— ∾ Калидни бер!— қичқирди у Нурбобога./— Қочмоқчимисен?— киноявли кулги билан тикилди Маждиддин.—Бу қандай бесаранжомликка балки ўрин йўқдир. Шаҳарда уни қаршилаб олганлар бор, у билан ҳам базм, ҳам табоқ бўлганлар бор. Сен, ҳар эҳтимолга қарши, бир оз вақт эл кўзидан четроқда юр. Мабодо душманлар сенинг устингдан чақиқ қилсалар, иншаолло, гуноҳингни тилаб олмоққа ҳиммат қилурмиз. Тўғонбек «сояи давлатингиз асло кам бўлмағай» деб ўтирган жойида Маждиддинга қуллуқ қилди. Сўнг ўрнидан туриб «Сизга кичик бир совғам бор эди»,— деди.— Қани чиқарчи,— деди Маждиддин унинг қўйнига қараб.— Ўзи юриб келади! Тўғонбек илжайиб ташқари чиқди. Қоронғуда Нурбобони қиди-



www.ziyouz.com kutubxonasi

риб ниҳоят отхона олдидаги бир ҳужранинг эшиги ёнида тўхтади:— Ҳай қайдасан чўлоқ қарға!»— қичқирди.— Сабр қил,— отхона ичидан овоз чиқди.— Шамни олиб чиқ! Нурбобо лапиллаб ёнган шамни ўчирмаслик учун бир кафти билан ёлқунни қоплаб, аста-аста юриб келди. Тўғонбекка шубҳали назар ташлаб белбоғини орасидан калитни олиб берди.

*108-бет 42-сатри —109-бет 16-сатри*

Тўғонбек шошиб эшикни очди. ∾ — Қўрқма, қизим, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ./— Сулув қиз, тур энди, ярашамиз. Ҳужра ичкарисига кириб деди мулойимлик билан Тўғонбек. Бурчакдан икки кўз ғазаб билан ёниб кўринди.— Қоч, келма ёнимга, балога йўлуққур!— қичқирди қиз.

— Дилнавоз! Аччиғимни чиқарма!—Кескин ва қатъий сўзлади Тўғонбек.—Мен сенга ўз оғонгдай қарадим. Мендан сира ёмонлиқ кўрмайсан. Тур, бу зиндондан қутқарайин сени... Тўғонбек Дилнавознинг қўлига човут солиб, судради. Эшикда шам тутиб турган Нурбобо қизга раҳми келиб, лекин ёрдам кўрсатишга ожизлигидан, аллақандай дард билан бўғилиб деди:— Қизимнинг қўлини синдирасан, бас-эй... инсоф билан-да, Тўғонбек.— Сен ташқари чиқ!— Қизим қўрқма, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

18—25 — Отажон, айтинг,— йиғи билан ёлворди Дилдор ∾ унинг қулоғига шивирлади:/— Отажон, айтинг,— ялварди йиғлаб Дилнавоз, бу золим мени қайға судрайди? Сиздан айрилмайман отажон, қўрқаман.

— Сўзимга инон, қизим! Иншаолло, сенга ҳеч қандай ёмонлиқ қилмас, бу ерда ёмон одамлар йўқ.—Чиқ, мен сени бу қоронғи қабрдан тўппа-тўғри жаннатга олиб борамен.—Тўғонбек бақириб-чақириб Дилнавознинг қўлидан тортди. Йиғлаган, ёлворғон қизни судраб, меҳмонхона эшиги олдида тўхтатди-да, қизга томон эгилиб шивирлади:

26—36 Ҳозир катта вазирга кўринасен. ∾ ўзини тутишга тиришди./Подшоҳнинг вазирига кўринасен. Йиғи-сиғини қўй. У жанобнинг кўнгли заррача ранжидими — бошинг кесилади, уқдингми? Дилнавоз юраги уришдан тўхтаган каби, жим котди. Тўгонбек эшикни очиб, қизни остонага олиб қўйди-да орқасидан туртди. Дилнавоз икки қадам силжиб, юмшоқ гилам устида чўққайди, кўзларини ерга қадаб, юзини буриброқ ўтирар экан, Тўғонбек энди унинг билагини юмшоқ ушлаб, турғуздида шамга етаклади. Қиз бутун борлиғини босган титроқдан мукка йиқилишқа ҳозир бўлса ҳам, «вазир» дан қўрққанлиғидан, бор кучи билан ўзини тутишга тиришди.

*109-бет 37-сатри —110-бет 8-сатри*

Мажиддин ёстиқдан бошини кўтариб, қаддини ростлади, ∾ танбеҳловчи овоз билан Мажиддин./Мажиддин ёстиқдан бошини кўтариб қаддини ростлади. Шамни баландроқ кўтариб, чиройли бир лавҳани томоша қилгандай, кўзларини сузиб, қизнинг латиф қо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

матига разм солди.—Парилар гулшанининг нодир гули экан... баҳоси ҳам нодир бўлса керак,— деди Мажиддин Тўғонбекка қараб.— Баҳоси?— айёрча жилмайиб Тўғонбек.— Қулингиз тангани қайдан олсин? Мирзо Ёдгор қўлимизни шундай узун қилғон эдики, юртнинг бир қизини эмас, осмондан худонинг ойи юлдузини ҳам юлиб олишга етар эди.—Ғурурланиб қизга ва Мажиддинга қаради Тўғонбек. Мажиддин юзини буриштириб, норозиланган каби бошини чайқади, танбеҳловчи товуш билан Тўғонбекка деди: бу нав ишларни бас қилмоқ керак. Не ҳожати бор?

9—29 Дилдор ялт этиб Мажиддинга қаради. Унинг кўксида қутулиш умиди уйғонди. ∾ Бўшашган, жонсизланган оёқлари билан Тўғонбек орқасидан чиқди./Дилнавоз бу гапни эшитиб бирдан жонланиб кетди. Бу қутулиш умиди эди. Шу тобда аллақандай маъсум ишонч ўти билан ёнган кўзларини Мажиддинга тикиб, самимий ёлвориш ҳатто бола ўз отасига қилғони каби ширин эркаланиш билан гапирди қиз:— Сиз улуснинг улкан одамисиз. Биз ҳаммамиз сизнинг болаларингизмиз. Ўғоним сизни икки дунёда ёрлақасин, мени ўз элимга юборинг. Яхшилигингизни кўнглимдан мангулик чиқармаймен.— Дилнавознинг кўзларидан ёш қуйилиб кетди.— Ихтиёринг бизда эмас, қиз,— деди Мажиддин ҳомуза тортиб,— сен манову йигитга қарамсен. Хўш, ўз элингда нима роҳат кўрдинг? Бизнинг оилада яшасанг бахтга эришасан. Ҳар бир кунинг янги-янги гуллар билан зийнатланур. Асло йиғлама.—Сўнгра қизни олиб чиқиб бекага тортиқ қилиш учун Нурбобога топширишни Тўғонбекка буюрди. Дилнавоз бу муомила қаршисида эс-ҳуши, кучи бир зумда тарк этгани каби, жонсизланиб бўшашди. Бошини қуйи солиб, Тўғонбекнинг орқасидан шуурсиз юриб кетди.

30—32 Хурсанд, жонли ∾ саройга жўнади. «Боғ зоғон» /«Боғ зоғон»

33—40 «Боғ зоғон» ҳар кунги ҳашамат ва дабдабаси билан яшнайди. ∾ Жанглар ҳақида тамшаниб эртак сўзлайди./Боғчалар, ҳовузлар, кўшклар, қасирларга бой бўлган «Боғ зоғон» ҳар кунгидай шоҳона дабдабаси билан яшайди. Хизматкор аҳли бу олий даргоҳнинг «тузуки»ни бузмаслик учун шошмасдан, бақириб-чақирмасдан, жиддият билан ўз ишларини қиладилар. Кекса дарвозабон найзасига суялиб, ўзининг ёш шеригига эски жанглар ҳақида тамшаниб эртаклар сўзлайди.

41—43 Мажиддин Ҳиндистондан келган янги филларни узоқдан бир муддат томоша этиб, қирқ устунли қасрга томон кетди./Филбонлар Ҳиндистондан келган янги филларни парвариш билан машғул.

*110-бет 43-сатри —111-бет 11-сатри*

Атрофи дарахтлар, ∾ дам-дам қараб қўядилар./Атрофи дарахтлар, гулзорлар билан ўралган енгил, нақшкор кўшкнинг айвонида Хуросоннинг машҳур олими бошдан-оёқ нафис Хитойи атласга беланган ва олтин кумушдан ҳар нав безаклар билан зийнатланган икки-



www.ziyouz.com kutubxonasi

та ёш-ёш шаҳзодага дарс беради. У гўдакларни зериктирмасликка, кўнгилларини сиқмасликка астойдил тиришса ҳам, лекин жуда саамоқланиб сўзлагани учун ва маъниси англашилмаган Қуръон сўзларини қироат билан қоидага мувофиқ узоқ такрорлашгани учун, шаҳзодалар дарснинг тугашини сабрсизлик билан кутадилар. Дарахтлар орасида ўзлари каби ясанган хилма-хил майин ранглар билан ажойиб ёрқин товланган товусларга, узоқда, қуёш нурларида тоза қор кўмаси каби кўринган оппоқ ғозларга дам-бадам суқланиб қарайдилар.

12—14 Мажддиддин қирқ ∾ тепаликка кўтарилди. Тепанинг /Тепанинг

14—39 Тепанинг орқасида катта-текис майдонда ∾ оқ намат устида ўтириб, тож кийиш кунини хаёл этади!/Тепаликнинг ортида қапдай текис, кенг саҳнда жуда олифта кийинган йигирма чоқли ёш йигитлар — бекзодалар, Ҳиротнинг донгдор оилаларининг эркалари билан бирга тож-тахтнинг валиаҳди Ҳусайн Бойқаронинг Санжар Мирзо қизи Бека Султон бегим номли қизидан туғилган тўнғич фарзанди Бадиуззамон ўқ-ёй отишар эди. Бадиуззамон ўн икки-ўн уч ёшли, нозик гавдали чиройли бола. Унинг эгнида ярқироқ шоҳи тўн, белида қимматбаҳо камар, олтин гуллар, ранг-баранг ёнар тошлар билан туташ безалган мўъжаз ханжар қини, бошида оқ шоҳи салла, олтин бандли жиға ҳилпирайди. Пешанаси устида саллага моҳирона ўтказилган йирик гавҳар ёнади. Оёқларида ихчам гулдор этик. Бадиуззамон расмий ўтиришлардагина отаси билан мулоқат қилади. Унинг ўз вилояти, ўз хазинаси, бек «атка»лари, беклари, жанговар йигитлари, шоирлари бор. У ҳар фаннинг нодир билимдонларидан таълим олса ҳам, лекин ҳеч бир илмга ортиқ рағбат ва қобилият кўрсатган эмас. У шеър ва мусиқий тинглашни севади, тантанали зиёфатлар, май базмлари тузади. Майни кўп ичади, унинг завқини, тотини ингичка англайди. Ёшлигига қарамасдан, шоҳона тантанани ғоят жойига тушириб бажаради. Бадиуззамон чавгон ўйинини севади, овга ҳирс билан киришади. Лекин беғам, беташвиш шоҳона ҳаётда кайф-сафо денгизида у ўз умрининг улуғ кунини хаёл қилади: Бобо аждодларининг расмига мувофиқ, оқ намат устига ўлтириб, тож кийиш кунни!..

*112-бет*

1—15 Мажддиддин илжайиб ўйинни томоша қилди. ∾ ер ўпкундай энгашиб қуллиқ қилди./Мана унинг отаси ҳам қасрдан чиқди. Орқасида музаффар Барлос, парвоначи Мажддиддин, қози-калон, яна подшоҳдан бир қарич айрилмасдан хуш суҳбати билан унинг кўнглига эрмак бўладиган икки-уч зот....

16—28 Ҳусайн Бойқаронинг кайфи чоғ эди. ∾ ифодалашга интилар эди./Ҳусайн Бойқаро чала маст эди. Шунинг учунми ёки ўз даргоҳида сайр этқали чиққани учунми бепарво, ёзилиб юрди. Май таъсири билан аллақандай



www.ziyouz.com kutubxonasi

хира ёнган кўзларини атрофга ювош югуртириб, одатдагича бирон нарсадан ранжиганини ҳам билдирмади. Сояда қуёшнинг олтин халқалари жим-жим ўйнаган салқин хиёбон оралаб, «кабутархона»га бурилди. Маъийятнинг ҳар бири подшоҳга худди шу топда ёқодиғон бирон жумла топишга тиришар эди. Нуктали сўзлар, порлоқ, кўз қамаштирувчи, ўткур ташбиҳларга бутунлай қобилиятсизлигини сезган Мажддиддин бошқаларга ҳайбаракаллачи бўлишга уринар, бутун ҳаракати муомиласи билан подшоҳнинг изига кўзларини суртишга тайёрлигини, самимият ва садоқатини ифодалашга интилар эди.

29—32 «Қабутархона»га ёпишган ҳужрадан ∾ ипак гиламга ўлтирди./«Қабутархона»га ёпишган ҳужрадан кўкнори башара чол чиқиб, подшога икки букулиб таъзим этди. Ҳусайн Бойқаро дарахт остидаги махсус супачанинг четига кичкина янги гилам устига ҳорғин ўтирди.

34—36 Сўнг, кабутархонанинг ∾ ўзини донга урди./Сўнг, кабутархонанинг учта эшикчасини очиш билан кабутарлар ўзларини саҳнга урди.

36—38 Оқ, чипор, кўкимтир ва ҳоказо тусли кабутарлар очкўзлик билан шошиб-пишиб дон терар экан, Ҳусайн Бойқаро болалардай қувониб кетди./Баъзиларнинг оёқларидан кумуш халқачалар порлар эди. Оқ, чипор, кўкимтир ва ҳоказо тусли бир неча юз кабутар очкўзлик билан шошиб-пишиб дон терар экан, подшоҳ болалардай қувониб кетди.

*112-бет 38-сатри —113-бет 9-сатри*

Қабутарларнинг кўпларининг оёқларида ∾ ҳар томонга айланди./Атрофдагиларнинг хушомад гапларига қулоқ осмади. Қушларнинг жиғилдони донга тўлгач, чол узун калтакни ҳавода енгил силкди. Қабутарлар порпор этиб осмонга кўтарилди. Ҳусайн Бойқаро энди беихтиёр ўрнидан турди. Чапак чалиб, қолғон баъзи қушларни учурди.

*110-бет*

9 Ҳиротнинг тиниқ, қизғин самосида ∾ бир байтни ўқиди./Ҳиротнинг қизғин, тиниқ ҳавосида ранг-баранг товланиб, шўх учишган кабутарларнинг ўюнидан кўз узмайди. Ярим ҳазил ярим жиддий равишда «Доруғаи кабутархонаи Ҳумоюн» деган унвон билан ўзини улуғлаб юручи кўкнори башара чолнинг ёнига ўтиб, унинг изоҳларини тинглайди. кўзи осмонға қадалғон, дудоқлари қимирлайди. «Бу қушлар кўнглимни ўз парвозлари янглиғ кўтардилар...» шу топда атрофдагилардан кимдир баланд овоз билан ўқуди: («Мантиқут-тайр» дан — кабутар ҳақида бир байт).

19—25 Байт Ҳусайн Бойқарога жуда маъқул тушди. ∾ зийнатли биносида бўлди./Ҳусайн Бойқаро бошини чайқаб маъқуллади ва байтни секингина такрорлади. Осмон саёҳатидан қайтиб илк қушлар ўз маскани атрофига қўнаркан, подшо бу ерни тарк этди. Йўлда Мажддиддиндан — асбоб зиёфат тайёрми? — деб сўради. — Жаноб олийларига мунтазирдур, — жавоб берди Мажддид-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дин. Ултириш ҳар кунги каби «Боғ зоғон»нинг энг катта баҳаво ва энг зийнатли биносида бўлди.

26—30 Тўрда, қат-қат заррин тўшакларда ∾ ташкил этиб ўтирдилар./Тўрда, қат-қат заррин тўшаклар устида Ҳусайн Бойқаро. Унинг орқа томонида ҳаммаси бир хил кийинган ёшлари ҳам деярлик бир текис чиройли йигитчалар ярим доира ташкил этиб ўтирдилар.

*113-бет 30-сатри —114-бет 27-сатри*

Булар подшоҳнинг дабдабаси ва мажлиснинг кўрки учун хизмат қиларди. ∾ унинг шарафи учун сипқирилди./Буларнинг подшоҳнинг дабдабаси ва мажлиснинг кўрки учун... Бундан ташқари, буларнинг баъзиларига подшоҳнинг «кўнгли мойил». Қўғирчоқдай безанган бу йигитчалар орасида ўзининг кийими, сатанглиги ва ғурури билан айниқса... кўзга ташланиб туради. У подшоҳга шундай эркаки унинг раъйи, садоқати билан хизмат кўрсатган бир кўп бекларнинг раъйидан кўпинча устун ҳисобланар эди... Ҳусайн Бойқаронинг ўнг ва сўл томонида хонадонга мансуб баъзи улуғлар ва турли ёқлардан қочиб келиб, бу даргоҳга сиғинган баъзи омади йўқ шаҳзодалар, кейин беклар, амирлар, қолғонлар ўз мартабаларига кўра муносиб жойда ўтирадилар. Бу ерда Ҳиротнинг бир кўп олимлари, шоирлари ва машҳур чолғучиларидан... ва ҳофизлардан... бор эди. Бундаги одамларнинг деярлик ҳаммаси ҳар кун шундай мажлисларда қатнашиб, мажлиснинг одоб ва тартибини жуда ўзлаштирган бўлганлари учун ўлтириш ҳар вақтги оҳанги ва ҳашамати билан бошланиб, аста-аста қизиб борди. Дастлаб, бир неча вақт ширин латифагўйликдан сўнг, тавочилар оёқ учи билан юриб чаққонлик билан дастурхон ёздилар. Сўнг кумуш лаганларда ғоз кабоби, яна қўй эти, манти ва ҳоказо таомлар устма-уст мўл-жўл тортилди. Махсус ходим Ҳусайн Бойқарога катта олтин тобоқда алоҳида келтирди. Соқийлар кумуш патнисларга олтин, кумуш қадаҳларни териб, таъзим билан май тута кетди. Дастлаб олтин қадаҳни Ҳусайн Бойқаро қўлга олиб, мажлисга ишорат қилди. Ҳамма қадаҳлар унинг шарафи учун сипқарилди.

28 Темурнинг /Темур

30 содиқ эди./ғоят содиқ эди.

30 Аммо,/лекин,

31 канча урунмасин,/ҳар қандай урунмасин,

31 бу бобда ҳам катта/бир кўп жиҳатлардан

33—34 фавқулодда ҳашамат/қатъий совуқ ҳашамат

34 У вақтларда/шаввозлар

35 семиз отларни/отларни

36 тоғдек қалаштириб ташларди./тоғдек қалаб ташлар эди.

37 чарм кийган товончилар/чарм қўлқоп кийган товочилар

38—39 чапдастлик билан отларни парчалаб,/этларни парчалаб,

*115-бет*

2 чайнамоқ ҳам одат/ейиш ҳам гўзал одат

3 зиёфатда/ўлтиришди

4 буларди./бўлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5—6 қимизхўрлик қилингандай, ҳадсиз ичилар эди./қимиз ичган сингари, катта косаларда, ҳадсиз ичилар эди.

7—9 баҳийбат гавдали, қаҳрли, содда баҳодирлар чоғирда мардлик, чидам ва ўктамлик талаб қилардилар,/баҳодирлар чоғирда ҳам мардлик ва чидам талаб қилар эдилар:

10 дам олмасдан ичар эди./ичар, дам олмасдан ичар, бир томчи қолдирмасдан ичар эди.

13 қолдирмасдан/қолдирмай

14—15 аксар вақт бунга/бунга аксар вақт

15 айрим кишиларга/баъзи вақтларда айрим кишиларга

17—21 Чоғир тилларга ва ҳаракатларга сирбастлик берди. ∽ равишда кўтара бошладилар./Чоғир тилларга ва ҳаракатларга сарбастлик берди. Баъзи шоирлар ўринларидан туриб, подшо шарафига ҳозир мастликда тўқуғон ёки атайлаб бу фурсат учун илгари тўқиб қўйиғон бир-икки байтни ўқиб, қадаҳларни тантанали суратда кўтара бошладилар.

21—25 Ғижжак, танбур, най, уд ∽ Раққослар ажойиб кийимларда кенг давраларда уча бошладилар./Ғиччак, чанг, най ва дафдан иборат мусиқий араб, форсий, турк мақомлари билан мажлис шовқини яшнатди. Саройнинг махсус раққосалари ўртага тушди. Хусусан... нинг рақслари умумнинг рағбатини жалб этди. Унинг услубига ҳеч қандай раққос тақлид қила олмас эди.

28—29 деворлардаги нақшларнинг ранглари, ҳамма нарса ёнади. Мажлиснинг шавқи ошди./деворлардаги нозик нақшлар ранг-баранг товланиб ёнди. Мажлиснинг шўхлиги яна ошди.

29—30 Қаттиқ ичувчилар соқийларга бир лаҳза тиним бермай қўйдилар./каби қаттиқ ичувчилар соқийларга бир лаҳза тиним бермай бошлади.

31 Ҳусайн Бойқаро кўп ичса ҳам, ҳали ҳийла тетик эди. /Ҳусайн Бойқаро ҳали тетикроқ эди.

32 Мажлис кайфини авжга миндириш ∽ таъқиб қилиб ўтирар эди./Мажлис кайфини авжга етказиш учун чоғирга кўпроқ ундаса, ташвиқ қилса ҳам, лекин зимдан ҳар кимнинг ҳаракатини рўй-равишини таъқиб қилиб ўтирар эди.

*115-бет 35-сатри—116-бет 16-сатри*

У, одати бўйича, шовқинсиз, тоза ҳавода бир нафас тиним олиш учун ∽ Подшоҳ сирли, қонли ишларни улар орқали бажарарди./У ўз одатича, шовқунсиз, тоза ҳавода бир нафас тиним олиб, сўнг биратўласи тонг-отар қилиб ўтириш учун ўрнидан туриб, ёнгинасидаги даричадан ўзини ташқарига шундай тез олдики, кўп кишилар сезмай ҳам қолдилар... Маждиддин худди шу фурсатни кутиб тургандай, подшоҳ орқасидан лип этиб чиқди ва дарахтлар орасидан тушган ола-чалпоқ ойдинликда унга яқинлашди-да, афу ўтинган каби бўйнини букиб:— Подшо олам ҳазратлари, бирон хизматми?— деди.

— Ҳа, сиз шундами? Келинг,—бепарволик билан деди Ҳусайн Бойқаро. Шу вақтда ўн одим наридаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

қайрағоч орқасидан икки баҳайбат кўланка чиқиб келди. Мажидиддин қаттиқ сесканиб тўхтади. Ҳусайн Бойқаро кинояли кулиб қўйди. Булар... эди. ...— подшоҳнинг қўриқчиси, икки омонсиз қули эди. Улар подшоҳ қаерда бўлмасин, ўша атрофда — жуда яқинда ҳозир туришар, лекин одамлар кўзидан ҳар вақт ўзларини яширин тутишни билишар эди. «Уларнинг етти бобоси жаллод, етти энаси ёлмоғуз ўтган»! деб фараз қилган одамлар ҳақли эди.—...Бутун мавжудияти ваҳший, ёвуз кучнинг тимсоли эди. Уларнинг ёлғиз исмларини эшитиш юракни тўхтатар эди. Подшоҳ энг сирли, қонли ишларини булар орқали бажарарди... Мажидиддиннинг тили кесилди, баданини титроқ босди. Лекин Ҳусайн Бойқаронинг ишорати билан улар бир зумда кўздан ғойиб бўлган эди.

16—30 Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинга қараб киноялн кулиб қўйди. ∾ мадҳ — сано ўқишга бошлади./— Мавлоно Мажидиддин, юринг, бир лаҳза ором олайлик,— деди-да, подшо шам ёқиғлиқ турган кичкина хонага қараб юрди. Оёқлари ҳали ҳам қалтираған Мажидиддин подшоҳдан рухсат тиламасданоқ унинг қаршисиға тиз чўкди. Унинг бошидан кайф батамом учган. Подшоҳнинг кайфи эса ҳийла зўрайган эди. У кўзларини мастча сузиб, паришонлик билан сўзлай бошлади: дам давлат ишларидан, дам шахсий орзуларидан, дам шоир ва беклардан гапирди. Мажидиддин ўзига подшоҳнинг эътимоди кучайганини фаҳмлади. Бу нарса уни тетиклади. Темирни қизиғида ур, деган мақолға амал қилиб, подшоҳга мадҳ-сано ўқишга киришди.

30—36 У қўлини кўксига қўйиб: ∾ мурожаат этди:/«Даргоҳи олийингизда энг вафодор итингизмен» деб, ўз садоқатини ҳам ифодалади. Ҳусайн Бойқаро хурсанд бўлиб, миннатдорлик қилди: «Вафодор инсонлар мендан ҳар вақт яхшилик кўрурлар. Нонкўрларнинг ҳолиға вой! Салтанатда аларнинг соясига ҳам ўрин йўқ!»

Мажидиддин ўрнидан туриб, таъзим қилди-да, овозини пасайтириб деди:

*116-бет 37-сатри —117-бет 14-сатри*

Улуғ хоқон бу хокисор қулингизнинг бир тортиғи бор... ∾

Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро,
Баҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

/Подшоҳи олам! Бу қулингизнинг сизга бир тортиғи бор, умид қиламанки, қабул этиб кўнглимни шодлантирурсиз...— Қабулдан ўзга чорамиз йўқ,— кулиб деди подшоҳ.— Ҳусн боғининг бир тоза гулини тақдир шамоли бизга келтирган эди; таърифидан бу қулингиз ожиз. Ул паривашга назарим тушиши билан, сизга муносиб кўрдим.— Менга бир мамлакат бахш этилгандин ортуқроқ мамнунмен,— табассум билан деди Ҳусайн Бойқаро.— Қулингизнинг кичик совғаси...— Мажидиддин



www.ziyouz.com kutubxonasi

камтарлик билан деди бўйнини эгиб.— Мен ҳеч мубо-лиға қилмадим. Ҳофиз Шерозийнинг ғазал машҳури хотирингизда эмасми?— Йўқ, тақсир.

Қулоқ солинг:

Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро,
Баҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухоро.

15—18 — Ҳа, едимга тушди,— ∾ ҳикояни ҳам эшитганмен. /Ҳа, ёдимга тушди, бу хусусда шоир билан улуғ бобонгиз Хоқон Темур Курогон ораларида бўлган ҳикояни ҳам эшитганмен.

*117-бет 20-сатри —118-бет 7-сатри*

Маждиддин ўз «совғо»сини ҳарамга қай йўсунда юбориш ∾ Маждиддин олий фармон билан «парвоначи» тайин этилган эди./Ҳусайн Бойқаро «совға»ни қай йўсунда ҳарамга юбориш хусусида бир неча оғиз гапириб, ўрнидан турди. Базм шўх давом этар эди. Подшоҳнинг орқасидан мажлисга Маждиддин кирди. Очиқ кибр билан боқиб аввалги жойига ўтирди. Музаффар барлос, Муҳаммад Арлот, Амир Мўғул ва бошқа баъзи мансабдорлар бир-бирларига имо билан маънодор қарашиб олди. Ҳусайн Бойқаро роса ичишга киришди. [Бу ерга бошқа бир эпизод киргизилса мумкин.]

Тўққизинчи боб/Олтинчи боб

10—17 Кўпдан кутилган қор тўрт эллик ёғиб, ∾ зиёфатларга юра бошлаганлар./Қиш чоғи эди. Ҳиротнинг қиши маълум. Кўпдан кутилган қор тўрт эллик ёғиб, унча қаттиқ бўлмаган изғирин таъсири билан икки кундан буён эримасдан дарахтларни, томларни оқартирғон эди. Кўчаларнинг балчиғи қотиб, болалар, қарғалар тансиқ қорни ғанимат билиб, шўхлиқ қилиб ўйнайдилар. Каттալар ўз дўстларига, яқин танишларига, ҳеш-ақраболарига «қорхат» ёзиб, қишқи аллақандай нашъали зиёфатларга юра бошлайдилар.

18—21 Навоий «қорхат» ёзиб, ∾ қиш ҳангомаси сифатида юборган эди:/Навоий кеча «қорхат» ёзиб, унда қишнинг шоирона тасвирини, қиш билан кунгилга келган кечинмаларни чизиб, бир самимий дўстга, қиш ҳангомаси сифатида юборган эди. «Қорхат»га холис жўралардан иборат май базми орзусини порлоқ ифодалаган қуйма олти байтлар безак бўлиб тушган эди:

*118-бет 28-сатри —119-бет 7-сатри*

Серзавқ, оқ суяк Ҳирот бу олтин мисраларда ифодаланган ∾ ойналарда қиш қуёши ўйнайди./Даричалари ёпиқ ва барча жиҳози ингичка завқ ва оҳанг билан саранжом топган катта уйнинг ўртасида қоланғон ғишт устида катта манқол тўла ўт қип-қизил чўғ енгил ёлқунланади. Даричаларнинг тепасидаги рангли ойналарда қиш қуёши ўйнайди. Навоий, бугун жума бўлганидан, бўш эди. У улус ишидан қутулган дамларда бекор ўтирмас эди. Ё ўқур, ё ёзар, ё хаттотликда машқлар қилар,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёки мусиқийда янги куйлар яратишга урунар, ҳатто, баъзи вақтларда, расм ишлаш билан, фикрини бўёқлар билан ифодалаш билан машғул бўлар эди. Тафаккур ва амал ҳаракат унинг мангу ҳамроҳлари эди.

7—11 Навоий манқолга яқин, китоб устига ∾ чиройли ҳарфлар туширмоқда./Унинг уйида деярлик ҳар кун, маълум вақтларда, ўнлаб, йигирмалаб, баъзан бундан ҳам кўпроқ одамлар — Ҳиротнинг катта-кичик, донгдор ва донгсиз шоирлари, илм-фаннинг чин устодлари ёки бирон ҳунар ва санъатда маҳорат кўрсатганлар — тўпланишар эди. Навоийнинг суҳбатида бўлганлар дунёда ҳеч қандай бошқа суҳбатни маъқул кўрмас, Навоий улфатчилигини ҳаётнинг энг асл лаззати деб билар эдилар... Мажлисга ҳали эрта эди. Навоий манқалга яқин ўтириб, китоб устига қўйилган енгил, шалдироқ ҳафранг қоғозни тиззасида тутиб, ижодга берилди.

13—16 Ижод дарди — қалбнинг қаърида ∾ қувонч бағишловчи бир куч эди./Бу дард, қалбнинг то қаърида уйғониб, бутун вужудни ларзага солган бу оғриқ Навоий учун энг катта лаззат, она алласи каби юпантирувчи, қуёш нури сингари ҳаёт ва қувонч бағишловчи бир куч эди.

16—17 самимий, табиий бир шавқ/самимий шавқ

18—27 У ҳар қандай ўжар фикрни, ∾ абадий кучидан гуллаган эди./У истанилган чуқур фикрни руҳнинг энг ингичка, энг тутиб бўлмас жилваларини сўз орқали эркин тажассумлантирар, қатрада дарёларни мавжлантирар, учқунда қуёшларни айлантирар, ишқдан ҳаёт ясар, оддий ҳаётдан эса коинот каби улуғвор ва тийран афсоналар тўқур. Бу табиий ҳол эмасми?! У мингларча йиллик маданиятни, асрларнинг фикр бойлигини қамраган шоир эди. Унинг шеърий, даҳоси Араб, Эрон ва Туркий халқларнинг санъат хазинасига чуқур томир ёйган ва унинг абадий кучидан гуллаган эди.

29—35 У турли шоирларнинг турли-туман асарларидан ∾ шеър ҳақида мунозара қилган./Ўқувчим, тасаввур эт, уч ёш билан тўрт ёш орасида бўлган гўдак етишган бир шоирнинг шеърини ўқисин! Бир қариш мактаббача Фаридиддин Аттор каби файласуф шоирнинг «Мантиқут-тайр» каби асарини мутолаа қилиб, ўзини унитажак равишда асарнинг завқига берилиб кетсин!..

37—38 Мисраларда сўзлар гавҳар каби ёнади, янги ранглар, янги жилвалар билан порлайди./Унинг мисраида сўзлар гавҳар каби ёнади, янги ранглар, янги жилвалар билан порлайди.

39—42 Шоир ўз ота-бобоси тилининг содда ва тоза гўзаллигини чуқур сезиб қувонади. ∾ Шоир қаламни четга қўйиб, ичида ўқиди:/Шоир ўз ота-бобосининг тилининг содда ва тоза, гўзаллигини чуқур сезиб, қувонади. «Эй Навоий...» мисраи битгач қаламни аста қўйиб ўз ичида ғазални ўқийди: («Кошки» шеъри).

*120-бет*

1—18 Очмағай эрдинг ∾ кошки. Шоир/Шоир

*120-бет 19-сатри — 121-бет 1-сатри*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир ғазални китоб орасига солди. Енгилланиб ўрнидан турди-да, қалам ва довотни токчага олиб қўйди. ∾ Йўқ, у ўз халқи учун шеърнинг ўлмас гулзорларини яратиши керак./Шоир енгилланиб ўрнидан турди, ғазални ва сиёҳ довотни токчага олиб қўйди-да, совуқланғондай яна манқал олдига ўтирди. Устини юпқа кул ясобошлаган оловни мис куракча билан енгил титиб яна шоирона хаёлга, кўнгилга ҳаловат бергувчи тафаккурга чўмди: Як соат тафаккур беҳтар... каби ҳикматли сўзларни у жуда севар эди...

2—7 Эшик аста очилди, яқинда шоирга хизматга кирган шайх Баҳлул пайдо бўлди. Бу анча таҳсил кўрган, ҳар вақт мутавозе, ювош табиатли, камтарин йигит эди. ∾ хизмат қилишни ўзи учун бир шараф деб ҳисоблар эди./Эшик аста очилди, яқинда шоирга хизмат учун кирган шайх Баҳлул даҳлизда тавозе билан турди. У анча таҳсил кўрган, ўз хўжасининг улуғ фазилат ва камолатини тақдирлаб, унга хизмат қилишни ўзи учун бир шараф деб билган виждонли, самимий йигит эди.

10—14 — Тарабхонада султон ҳазратлари сизни йўқламишлар,— жавоб берди шайх Баҳлул, ∾ «Айтинг, тез етиб борурмен» деди./— Тарабхонада султон ҳазратлари сизни йўқламишлар,— жавоб берди шайх Баҳлул. Навоий бошини қуйи солди. Бир қанча вақт сукут қилиб, ниҳоят, ранжиганлигини ифодалаган бир товуш билан деди:— Айтинг бормоққа тайёрмиз...

14—18 Шайх Баҳлул ∾ саройга жўнади. Тарабхонада/Тарабхонада

19—25 Тарабхонада сарой мулозимлари уни, ҳар вақтдаги каби, ҳурмат билан қаршиладилар. ∾ Буни Абулқосим Бобир солдирган эди./Тарабхонада шоирни сарой мулозимлари, навкарлар ҳар вақтдаги каби таъзим билан самимий қаршиладилар. Эшик оғоси юқорини ишорат қилди. Тарабхона катта боғчанинг ўртасига солинган кичикроқ, лекин жуда келишган, ўз кўзи билан кўрган Бобирнинг таъбирича «икки ошёнлиқ» ва «ширингина иморат» эди. Буни Абулқосим Бобир бино қилғон эди.

26—31 Шоир иккинчи қабатга чиқди. ∾ сафарларининг тасвирини ишлатдирган эди./Айниқса иккинчи қабати гўзал ва зийнатли эди. Тўрт тарафда тўрт ҳужра ва буларнинг ораси катта бир уй. Бу уйнинг тўрт томонининг деворларига Абу Саид Мирзо ўзининг жанг ва сафарларининг тасвирини ишлатдирган эди.

*121-бет 21-сатри —122-бет 21-сатри*

Навоий одатдагича расмий таъзим ва ҳол-аҳвол сўрашлардан кейин, ∾ — амир сифатида девонда вазифа олиб боришни таклиф этди./Ҳусайн Бойқаро Навоийни ўнг ёқдоғи ҳужрада ёлғиз ўзи қабул қилди. Одатдагича ҳол-аҳвол сўрашлардан кейин, подшо давлат ишларидаги нуқсонлардан шикоят қилиб, буларни йўқотишда ҳаммадан бурун Навоийга суяниши мумкинлигини ва шунинг учун девонда расмий хизматда



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, идора ишларини амир сифатида бевосита қўлга олишни таклиф этди.

23—24 каминанинг эътирози ҳазратларига белгули-ку,/бу хусуда каминанинг эътирози сиз жаноб ҳазратга белгулик эди-ку.

25—26 Ҳусайн Бойқаро норозиланиб қошларини чимирди:— Биз эътирозингизни муҳокама қилдик./Ҳусайн Бойқаро норозиланган каби қошларини енгил чимирди. Биз эътирозингизни муҳокама қилдик.

30 Иншаолло бу тадбиримиз яхши самаралар берур.— Шоҳона/— Шоҳона

31—43 — Шоҳона марҳаматингиз учун раҳмат.— ∾ Инсон руҳи ожизликлардан ҳоли эмас.../— Шоҳона марҳаматингиз учун раҳмат. Менинг эътирозим, балки, зоҳиран маъносиздек кўринур. Лекин чуқурроқ андиша қилинса онинг асли маъноси равшанлашурки, камина бунга имоним комилдир. Филҳақиқат, барлосларнинг кўнгли ранжигай, орада беҳуда сўз кўпаяр, дўстлик ўрнига нифоқ вужудга келур. Амирлик рутбасидин ва муҳр босмоқликдин озод қилсангиз, мен давлатга, улусга холис кўнгил билан хизматда бўлсам...

*124-бет*

1—2 «Масала ҳал» деган ишоратни қилди./«Масала қатъий ҳал» деган ишоратни қилиб деди:

3—8 — Бизки бу ишни орзу қилибмиз, ҳар не эътирозни рад қилурмиз,— ∾ Амир Музаффар барлос олдин бўлсин./Бизки бу ишга бел боғлаймиз, ҳар не эътирозни рад қилгаймиз. Фармон бердирдикки, амирлардан ҳеч бири сиздан олдин ўлтирмагай. Муҳр босмоқликда ҳам сизни ҳаммадан илгари қўйдик. Аммо Амир Музаффар барлос билан орангизда дўстлик ва меҳр-оқибат барпо экан, ижозат берсангиз, муҳр босмоқликда сиздан ёлғиз у амиргина олдин турсин.

8—16 Энди иш сайёраларда қолди. ∾ Ҳусайн Бойқаро уни букунги чоғир мажлисига таклиф этди./Кўнгилнинг орзуси ҳозирги рутбада ёлғиз мақраби султон бўлиб, куч ва иқтидоримизга яраша элга фойдали хизмат қилмоқ эди. Не қилайликки, истагимизга қарши бормоқдасиз.— Навоий бошини қуйи солди.— Энди иш сайёраларда қолди,— кулиб деди подшо,— фалак донишманди иқбол соатини тайин қилғоч, ул вақт муҳр босурсиз. Навоий гарчи амирлик рутбаси унинг орзусига қарши берилган бўлса ҳам, подшоҳнинг марҳамати учун ташаккур билдирди. Бу кун биз билан чоғир мажлисида бўлурсиз, ғолибо, халқ кутмоқда, буюринг! Ҳусайн Бойқаро ўрнидан турди. [Бир бўлим қўшилсамикан!]

*124-бет 17-сатри —125-бет 42-сатри*

Шоир «Тарабхона»нинг ∾ этиб қўзғолди. Учинчи /Учинчи

*126-бет*

2—14 Учинчи кун Навоийнинг уйида катта тантана бўлди. Ҳар кимнинг кўнглини кўтаришга тиришар эди. /Навоийнинг қўрасида тантанали руҳ ҳукм сурар эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўранинг тўридаги катта оқ уйда одам қалин, ҳовли саҳнида хизматкорлар ўз юмушларини аллақандай ифтихор билан бажарадилар. Уй соҳиби Навоий, ўз одатича, бир нафас қўнмайди. Келувчиларни қаршилаб, ҳол-аҳволларини сўраб ўтқузади, дам секингина ошхонага кириб, ошпазларнинг ишини кузатиб чиқади. Дам ҳужрага кириб тайёрланаётган ҳолва ва ҳар нав ширинликларни кўздан кечириб, ходимларга мулойимлик билан баъзи кенгашлар беради. Ўз уйида халқ тўпланган вақтларда у аксар вақт шундай қилар. Қўлдан келганча меҳмондўстлик қилишқа, илтифоти, муомиласи билан ҳар кимнинг кўнглини кўтаришга тиришар эди.

15—29 Ясоғлиқ катта уйда беклар ∾ тез тайинлаб, белгилаб берарди./Катта оқ уйда мағрур бир кўп барлос беклари, юксак мансабдорлар, ёш қари донгли шоирлар, баъзи бир Ироқ ва Озарбайжон олимлари, баъзи бир туркман беклари ўтиришар эди. Одам кўп бўлганидан, суҳбат умумий мавзуга кўчмаган эди. Навоийнинг ёрдами билан моддий аҳволи яхшиланиб, энди илм дунёсига анча танилган Султонмурод ироқ олими билан араб тилида секин-секин сўзлашади. Кичкина, кекса мунажжим баҳайбат гавдали паҳлавон Муҳаммад Саид билан ширин суҳбат қилади. Бу иккиси Ҳиротнинг энг жозибадор сиймоларидан дейиш мумкин. Подшоҳнинг кекса мунажжими бахт ва бахтсизлик, яхшилик ва ёмонлик, омад ва омадсизлик ҳаммасининг вақтсоатини, гўё ўзи тайин қилгондай, етти сайёра билан белгилаб берар ва бунга чуқур ишонар эди.

29—40 Улуғбек ∾ юлдузларнинг жавобини олиб беради. /Улуғбек ўз текширишлари орқасида Навоийнинг, таъбирича, осмонни пастга туширган, яъни сайёраларнинг ҳаракат қонунларини инсонларга тўғри танитган бўлса, бу кекса, осмонни инсон кўзидан мутлоқ узоқлаштирғон ва уни қалин сир пардасига чулғаган эди. Подшо қай кун, қай соат олтин тахтга чиқиши керак, севикли қизга қай соатда «муҳаббатнома» ёзиш керак, душманни ўлдириш учун қай соатда заҳар тайёрлаш керак. Чол буларнинг ҳаммасига етти юлдуздан жавоб топиб беради.

*126-бет 40-сатри —127-бет 2-сатри*

Саройда катта тантанали ишлар, ∾ у тайинлаган эди. /Паҳлавон Муҳаммад Саид бу гапларга унчалик ишонмаса ҳам, лекин саройда катта ишлар кўпинча бу чолнинг илми билан бажарилганидан, бу илмнинг ингичка томонларини ўрганиш билан бу бобда ўз маълумотини кенгайтиришга тиришар экан, эшикдан кирган парвоначи Маждиддин уларнинг ёнларига ўтирди-да, суҳбатни бузди.

16—21 Паҳлавон Муҳаммад Саид ∾ амирлик кийимини кийди./Нақ «зуҳра соати»да саройдан махсус мулозимлар етиб келишди. Улар Навоий ҳам Ҳасан Ардашер учун султоннинг амирларига хос бўлган «Жуббаий тиллодўзи ва қулоҳ наврўзи»ни келтиришган эди. Навоий лоқайд ва камтарона табассум билан кийди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

21—26 Дўстлар ∾ сўзлар билан чекландилар./Ёшликда шўх риндлик ва машрабона яшаб, қариликда дунёдан қўл узмаса ҳам, лекин сўфиёна, сукут ва қаноат билан тўла ҳаётга мойиллик сезган Ҳасан Ардашер ҳам подшоҳнинг иномини аллақандай ички бир ҳаяжон билан қаршилади. Ўз орзуларига қарши амирлик рутбасига кўтарилган бу икки шоирни одамлар қувонч билан самимий табриклай бошладилар. Ёлғиз барлос беклари, Мажддиддин ва уларнинг кўланкасида юрадиган баъзи мансабдорларгина кўзларидаги ҳасад туйғусини яшира олмай, аллақандай киноя аралаш ва расмий, мубҳам сўзлар билан чекландилар.

26—31 Саройдан келганлардан бири қоғозни дастлаб бошидан юқори кўтариб, ∾ биринчи мартаба ўз муҳрини босиши керак эди./Саройдан келганлар таъзим билан Навоийнинг қўлига бир қоғоз тақдим этдилар. Бу — «Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир сўзимиз» деб бошланган ва вилоят ҳокимларига юборилиши керак бўлган бир ёрлиғ эди: янги амирлар бу тантана мажлисида биринчи марта ўз муҳрларини босишлари керак.

*127-бет 31-сатри —128-бет 7-сатри*

Ҳамма жим, лекин ҳаяжонли. ∾ лабини жуда маъноддор буриб қўйди./Ҳамма жим бўлди. Навоий олдин Ардашер муҳр боссин, деган ишорат билан ёрлиғни Ардашерга берилишини сўради. Навоий, кекса шоир ва сўфий Ардашерни ўз отаси каби ҳурмат қилар, Ардашер эса Навоийни ўз ўғлидан ҳам самимийроқ севар ва унинг маънавий ҳам инсоний сифатларини ғоят юксак тақдирлар эди. У Навоийдан юқори муҳр босмоқликқа қатъий равишда кўнмади, ёрлиғни Навоийга қайтарди. Ҳамманинг кўзи бошини озгина қуйи солиб, бир даража паришон ўлтирган Навоийда эди. Бир вақтлар ёш Султон Ҳусайн Хуросон тахтига чиқиш учун жуда кўп ва кучли рақиблари билан курашиб гоҳ енгиб, гоҳ қаттиқ енгилиб, тоғлардан — чўлларга, шаҳарлардан — шаҳарларга, қалъалардан — қалъаларга ўтиб «қозоқлиқларда» кезган замонларида унга қилғон хизматлари учун подшоҳ қошида ўзини жуда эрка ва кучли сезган ҳатто кўп ишларда унга ҳам бўйсинишни истамаган мағрур амир Музаффар барлоснинг ҳам ранги ўчди. «Ажабо муҳрни барча амирлардан юқори босадими!» деган андиша унинг борлиғини кемирмоқда эканлиги учун бутун вазиятидан барқ уриб турар эди. Мажддиддин унинг кўзини дуч келтириб, лабини жуда маънодор буриб қўйди.

8—16 Ҳар бир амир, бек ўз муҳрини давлатда ўз даражасига яраша маълум ўринга босиши керак эди. ∾ Навоий муҳридан пастга муҳр босишга имкон тополмас эди! /Навоий муҳрини ёрлиққа босиши билан ҳамма тикилиб турган кўзлар бир зумда аллақандай катта очилиб кетди. Кўп кишилар ҳайратдан, ҳаяжондан бошларини аста чайқаб, ичдан хўрсиниб, бир-бирларига қараб, тилсиз сўзлаша бошладилар. Чунки Навоий ўз муҳрини ёрлиқнинг шундай жойига босган эдики, ҳеч



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир амир Навоий муҳридан пастга босишга имкон топа олмас эди!

16—20 Шоирнинг юксак руҳи, камтаринлиги, олижаноблиги ∾ кўзларини қаерга яширишни билмай қолдилар. /Шоирнинг юксак руҳи, камтаринлиги ва улуғ олижаноблиги қаршисида Маждиддин ва барлос бекларининг тиллари кесилган ва бошлари, оғир юк остида қолган каби эгилган эди

21—23 Шоирлардан Мавлоно Атоулло ҳам машҳур олим ∾ «Тарих»ларини ўқиб бердилар./Шоирлардн мавлоно Атоулло мажлисдан рухсат тилаб ўрнидан турди-да, ҳаяжонли товуш билан бу «тарих»ни ўқуди:

Мири фалак жаноби Алишер ки аз шараф,
Ожиз буд зидар-ки камолоти у хирад.
Девон нишаст охири шаъбон бадоду адл,
Азлутфи шоҳи Ғозий валхаҳ чунин сазад.
Чун муҳр зад бадавлати султони рўзгор,
Тарих шуд камина Алишер муҳр зад.

Таржимаси:

Фалак амири жаноби Алишер, шундай
шарафлики,
Унинг камолотини билишда ақл ожизлик
қилади.
У адлу-дод билан шаъбан ойининг охирида
девонга ўтирди.
Ғозий шоҳнинг лутфи туфайли, ҳақиқатдан
ҳам шундай бўлиши керак эди.
Замона султонининг давлатида муҳр
урганлиги учун,
«Алишер муҳр зад»... сўзи тарих бўлди.
876—147 1—147 2—10 февралларда.

23—29 Улардан сўнг ∾ мажлис тарқалди. Ўнинчи/Еттинчи

30 Ўнинчи боб I/еттинчи боб.

*128-бет 32-сатри —130-бет 7-сатри*

Жума намозидан кейин «Гавҳаршодбегим» мадрасаси сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. ∾ Унинг кўзлари шира кайф билан сузиларди.

— Ассалом ҳазрати олим!/Жума куни эди. Ҳаво булут. Мадраса ҳужраларининг аксарида талабалар қолмади, баъзиларида эса «улфати чорлар» йиғилиб, базмга тайёрланмоқда эдилар. Султонмурод бу жума ҳеч қаерга таклиф этилмаганидан, ҳужрада, ёлғизликда дилгар эди. У Хуросоннинг машҳур олимларидан бир кўплари билан учрашиб, бир кўплари билан қизғин мунозаралар ва мунозараларда қатнашиб ўзининг шоён ҳайрат истеъдоди, мантиқи, билимларнинг кенглиги билан танила бошлаган, гарчи ундан дарс олғоли бир кўп «толиби илмлар» унинг этагига осилсалар ҳам, лекин бирон мадрасада, мударрис сифатида, расмий дарслар бошламаган эди. У мударрислик вазифасига бутунлай тайёр бўлиб, бунга тезроқ эришмоқни орзу қилса ҳам Ҳиротда мударрис — олимлар кўп бўлгани-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан, уларнинг орасида кескин рақобат, ҳатто очиқдан-очиқ душманлик мавжуд бўлганидан, Султонмурод орзудан талабга қатъий ўтмаган эди. Ўттиз йиллаб, қирқ йиллаб дарсгўйлик этиб донг чиқарғон ва қисман ўзининг муаллимлари бўлган улуғ чоллар билан кўрашмакка унчалик жасорат қилмас эди. «Намоз жумадан» кейин Султонмуроднинг дилгирлиги яна ошди. Зерикканидан Али Қушчининг «Шарҳи тажрид»ини қўлға олиб варақлаб, ўтирган вақтда бирдан Зайниддин кириб келди. У ширакайф ва шод эди. Ассалом, аъламу мо ло таъламуна!

8—9 — Кел, жонимнинг гулшани!— енгилланиб бошини кўтариб ўтирди Султонмурод./— Кел, эй... жонимнинг гулшани. Мен ушбу кун ажиб бир ғариб эдим,— деб Султонмурод китобни токчага отди.

10—15 Зайниддин ўз дўстига диққат билан кўз тикиб, унинг қаршисига — пўстакка ўтирди. ∽ йўлакай мадрасага кирган эди./Зайниддин бир ҳафтадан буён ҳар кун гоҳ шоирлар, гоҳ хаттотлар, гоҳ ўзга қурама халқ билан турли ерларда, мажлисларда вақт кечириб, ёр-ошнолардан хабар олғали йўлакай кирган эди.

17 Тиришар./тиришар эди.

17—24 мусиқий билан кўпроқ шуғулланар эди. Лекин чиройли ёзилган китобларни қадрловчи кишилар кўп бўлган Ҳиротда ∽ орасида обрў ҳам танга қозониш оғир эди./Лекин шоирлар, олимлар ва айниқса чиройли ёзилган китобларни жуда юқори баҳолаган давлатманд кишилар кўп бўлган Ҳиротда хаттотлар ҳам оз эмас эди. Зайниддин бу санъатда катта истеъдод кўрсата бошлаган бўлса ҳам, лекин раққосдай шўх, қушдай енгил бўлганидан, бир кунда бир девонни сира ғалатсиз ва гўзал битадиган девкор ва чидамли хаттотлар орасида обрў ва танга қозониш ҳийла оғир эди.

26 терма китобларни ёзиб берарди./қитъалар тартиб этар эди.

*130-бет 28-сатри — 131-бет 26-сатри*

— Бетобмусен?— ташвишланиб сўради ∽ сукунат эди. Ниҳоят,/Ниҳоят,

*131-бет 27-сатри — 132-бет 2-сатри*

Ниҳоят, Султонмурод Ҳирот воқеалари ҳақида гапиришни сўради ∽ баъзи шоирларимиз рубоийлар ҳам битибдилар./Султонмурод Ҳиротдаги воқеалар ҳақида Зайниддинни гапга солишни истади. Ҳар хил янги ва қизиқ воқеалар, фуқаро орасидами, юқори оқ суяклар ўртасидами, қаерда бўлмасин дарров Зайниддиннинг қулоғига етар эди. Бу воқеаларни у, бир оз қўшиб-чатиб, жуда усталик билан айтиб берар эди.— Рубъи маскунда Ҳиротдек шаҳри азим йўқ, дейилса бўлур,— сўзга киришди Зайниддин,— бир ҳафта ичида бўлиб ўтган энг нодир ҳодисаларни нақл этмакка умрум ҳам етишмас. Дарёдан бир қатра деганларидек, бирон нима айтмак мумкин. Шу кунларда шаҳримизда бир эшак пайдо бўлди. Онинг таърифида баъзи шоирлар рубоий ҳам битдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*132-бет*

4 кетмас асло,/кетмас,
5 Унинг баҳоси/У эшакнинг баҳоси
7—8 — Демак, ∾ — деди Султонмурод./— Демак, ҳазрат Исо ҳақидаги машҳур ҳикматли сўз маъносизлашибдур,— кулиб деди Султонмурод.
9 Зайниддин/сўзида Зайниддин.
11 бермишдир./бермиш.
12 давронлари шўх суҳбат қурмишларки, ундай давронлари шундай шўх суҳбат қурмишларки, андоқ
16—18 Шайх найда дилпазир бир мақомни ғоят гўзал чалибди. ∾ Аммо силлиқ чиқмабди./Қулмуҳаммад дилпазир бир мақомни ғиччакда чалмоққа ҳаракат қилибди, аммо зўраки уринмоқдин бир нима чиқмабди.
19 Қулмуҳаммад дебдики,/устод дебдики,
19 бузуқдир./бузуқ.
20—21 У мақомни шундай маҳорат билан/ул мақомни андоқ
21—22 Мажлис аҳли завқдан фарёд кўтарибди./ўтирганлар завқдан фарёд кўтарибдилар.
23 — Шайхнинг/— Шайхийнинг
23—24 эриб, қатра-қатра тўкулур,/қатра-қатра эриб тўкулур,
24—26 наинки одамзод боласи!— деди енгилланиб Султонмурод.— Аммо устод Қулмуҳаммаднинг ҳам маҳорати баланддир./Наинки одамизод боласи. Лекин Қулмуҳаммаднинг ҳам ўзга хусусиятлари бордир.
26—32 У мусиқида ижодчидир. Ахир, ғиччакка уч қилни ким тақди? ∾ сабодай кўнглим ғунчасини очмоқ-да!/Бу хусусда баҳсга ҳожат йўқ, сен ёлғиз воқеани тинглағил,— койиниб деди Зайниддин.— Сўзлайбер, сўзларинг сабодай кўнгил ғунчаларини очмоқда.
33—35 — Танийсенми? Мирзо Пиримни? ∾ жавоб берди Султонмурод/Султонмурод ўртоғининг тиззасига уриб деди:— Танийсанми, Мирзо Пиримни?— Тикилиб сўрди Зайниддин.— Ҳуснда мислсиз йигит дерлар, аммо кўрмадим,— жавоб берди Султонмурод.

*133-бет*

1—5 — Ҳусндан ташқари унинг яна кўп фазилатлари бор. ∾ суҳбатни орзу қилмас./— Ҳуснда якто; унинг яна кўп фазилатлари бор. Қонун чалишда ҳеч устод онинг ёвуқиға йўлаолмас. У шул даража хушсуҳбат йигитки, бир дафъа суҳбатида бўлган одам ўзга билан суҳбатни орзу қилмас.
5—6 Қара, бу йигитни марҳум подшоҳ Абусайид мирзонинг/қара, бу йигитни Абусайид мирзонинг
7 оғзида бирон тиши,/оғзида тиши,
7 бирон/бир
9 яшайди./сузади.
12 бўлибди./бўлади.
13 муздан/кулдан
15—16 ноз ишвасидан нафратланур./жилвасидан нафратланади.
16—17 У маккорнинг панжасига тушмаслик мақсадида./онинг жиркин панжасига тушмаслик мақсадида,
17—18 қочур, Балх, Астрабод, Нишофур томонларида мусо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

фир бўлиб яшар.../қочади. Балх, Астробод, Нишофур томонларида мусофир бўлиб яшайди.

20—23 У дер эмишки, менинг уч юз минг тангамни Мирзо Пирим беҳуда сарф қилибди... Бу туҳматдан йигитнинг аҳволи бисёр танг./Дер эмишки, менинг уч юз минг тангамни беҳуда сарф қилибдур деб. Бу туҳматдан йигитнинг аҳволи бисёр танг,

24 Ушлади/ушлаб ҳайратланди

26 рубоийни ўқиб борди./байтини ўқиди.

26—31 Рубоий шундай беҳаё, бепарда ва Руқиябегимнинг сифатига шундай мос эдики, Султонмурод беихтиёр қаҳқаҳа уриб кулиб юборди. Зайниддин ∾ вақтни тайин қила олмай Султонмуроддан сўради./Бу байт ғоят пардасиз бўлганидан Султонмурод кучли қаҳ-қаҳа уриб, кулгидан узоқ вақт ўзини тута олмай, кўзлари ёшланди. Зайниддин даричадан ташқарига қараб, ҳаво булутлигидан вақтни тайин қила олмай, Султонмуроддан сўради.

33 — норозилик билан деди Султонмурод.— Сўзла/Сўзла

34—35 Султонмурод дўстининг қўлидан ушлаб ўтқазиб қўйди./ўтир дегандай, Зайниддиннинг қўлини пастга босди Султонмурод.

37 Менга ҳамроҳ бўлурсан./Сен ҳамроҳ бўлурсен. Машҳур воизларимиздан Мавлоно Ҳусайн воизни яхши биларсен, кўп асл ва фозил инсонлардан,— деди Зайниддин.— Ул жанобнинг барча асарларини ўқимишмен. Иншо ва нужумда хийла истеъдодлидир.— Шу кунларда бечоранинг бошига қаттиқ ташвиш, балки оғир изтироб тушмиш,— нақл қила бошлади Зайниддин.— Мавлоно Ҳусайн Воиз кўп йиллардан бери ҳар кун минбардан воиз этади. Бу бобда мавлоно нодир зотлардандур. Қайси бир шўх Мавлонога каттиқ таъна айтибди.— Не йўл билан?— сўради қизиқиб Султонмурод. Хўжа Хофизнинг шу байтини бир парча қоғозга битиб ул жанобнинг минбарига қўйиб кетган:

Воизонки жилва бар меҳробу минбар мекунанд,
Чун баҳилват меранд ин кор камтар мекунанд.

Таржимаси:

Меҳроб ва минбарда турганда жилва қилувчи воизлар,
Хилватга борганларида бу ишни кам қиладилар.

— Оҳ, мавлоно учун бу қандайин оғир мусибат!— хитоб қилди Султонмурод.

— Ҳусайн воиз бу байтни ўқиғон кундан сўнг, бутун вужудини, гўё илон заҳар солган каби изтироб, алам копламиш. Айтадиларки, мавлоно энди минбарга чиқмай қўйғонмиш.

39—40 Султонмуроднинг қистови билан Зайниддин яна кўп ҳангомалар, латифалар сўзлаб, ниҳоят ўрнидан турди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

/Зайниддин ўз дўстининг қистови билан, яна бир кўп қизиқ ҳангомалар, кўча, бозор ҳаётига доир янги воқеаларни сўзлаб, ниҳоят, ўрнидан турди.

42—43 — Тез бўл, исқарлот жомани кийгил, дасторни ўрағил!— Қани, тур, исқарлот жомани кийгил, дасторни ўрағил.

*134-бет*

3—17 — Умр бўйи ∾ қўлидан тортди.— Сен/— Сен

18—21 — Сен ҳали Ҳиротнинг хурсандчиликларидан хабарсиздирсен,— ∾ Темур ва Улуғбек Мирзо давридаги Самарқанд ҳаётига ўхшамоқда.../Сен ҳали Ҳиротнинг хурсандчиликларидан хабарсиздирсан, — гинахонлик билан деди Зайниддин.— Кексалар айтадики, замонамиздаги Ҳирот ҳаёти Амир Темур ва Улуғбек Мирзо давридаги Самарқанд ҳаётига ўхшамоқда...

21—24 — Юр, мен сени фоҳишалар базмига эмас, ∾ шатранж устодлари билан таништирурмен./— Мен бугун шатранж устодлари билан таништирамен сени.

25—28 — Султонмурод ўрнидан ∾ гураркан, деди:—Бир/ — Бир

29—33 — Бир вақтлар Самарқандда ҳатто Шайхулислом ∾ у вақтки ҳаёт тўғрисида ажиб ҳикоялар эшитмишдим. /Бир вақтлар Самарқандда ҳатто Шайхулислом ўз зиёфатларига париваш аёл созандаларни таклиф этар, май ичар, шатранж ўйнар экан. Самарқандда таҳсилда эканмен, у ҳаёт тўғрисида ажиба ҳикоялар эшитмишдим.—Султонмурод ўрнидан турди. Исқарлот чакмонини кийди. Қозиқдан саллани олиб, бошига илди. Кўчаларда одам қалин эди. Ҳар ерда маст сипоҳийлар учрар, шаробхоналарда шовқун, туркий ва форсий ашулалар янграр эди.

34—37 Мадраса ёнидаги майдонда қалин оломон Ҳиротнинг машҳур девонаси ∾ девонанинг шуҳрати баланд эди. /Катта майдонда қалин оломон Ҳиротнинг машҳур девонаси «Мавлоно дарвеш Шам рез»ни тинглайди. Бу девонанинг шуҳрати баланд эди.

37—40 Уни кўплар «каромат соҳиби», «азиз одам» деб ҳурмат қилсалар, ∾ ўткир ҳажвлари учун севар эдилар./Уни баъзилар «каромат соҳиби», «азиз одам» деб ҳурмат қилсалар, аксар кишилар унинг гўзал латифалари, ўткир ҳажвлари учун севар эдилар.

*134-бет 40-сатри —135-бет 3-сатри*

Девона ∾ халқни қаттиқ кулдирар эди./Девона баланд овоз билан чиройли ғазаллар ўқир, ахлоқий фикрлар сўйлар, булар орасида ўткир латифалар, ҳатто қўпол, беодоб сўзлар билан оломонни қаттиқ кулдирар эди.

3—5 Султонмурод билан Зайниддин девона атрофидаги ∾ бир қанча вақт туриб, сўнгра жўнадилар./Султонмурод билан Зайниддин девонани қуршаған одамлар орқасида бир қанча вақт туриб, сўнгра йўлга тушишди.

5—25 Улар «Козаргоҳ»нинг катта йўлига, «Чашмаи моҳиён»га борадиган йўлга тушишди. ∾ ёш йигитча кибрли табассум билан чиқиб қарши олди./«Козаргоҳ» дарвоза-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сига яқин бир кичиккина кўчага қайрилишди, кўчанинг бошидаги янги уйга киришди.

25—30 Бу — шаҳарнинг катта мулкдорининг ўғли эди. ∽ кўпроқ машҳур бўлган эди./Бу уй шаҳарнинг катта мулкдорининг уйи эди. Лекин у қайси бир шаҳзодани чорлаганда, дастурхонга минг тобоқ холва қўйғонлиги билан кўпроқ донг чиқарғон эди.

30—39 Бойвачча баъзи ўлтиришларда учрашиб, суҳбати ёқиб қолган Зайниддин билан ∽ энди хушмуомила билан хона ичига бошлади./Бу кунги ўлтиришни унинг ўғли шатранж ҳаваскори тузган эди. Даричалари кенг боғчага қарағон хонадан бойвачча кибрий табассум билан чиқди-да, баъзи ўлтиришларда суҳбати ёқиб қолган Зайниддин билан бепарво кўришди. Мағрур бойвачча Султонмуродни тамом илтифотсиз қолдирмасин деган андиша билан ва айни вақтда ўз эътиборини ошириш учун Зайниддин ўз дўстининг нодир истеъдодларини усталик билан мақтаб кетди. Султонмурод қизариб, Зайниддиннинг маддоҳлигини ҳазилга айлантиришга тиришди. Лекин бойвачча энди хушмуомилалик билан уй ичига таклиф қилди.

41 ва нодир/Миср

*136-бет*

1—5 Булар орасида Ҳиротнинг ҳали танилмаган бир неча ёш шоирлари, ∽ шатранж устодлари ва ҳаваскорлари ўтиришарди./Бунда Ҳиротнинг бир неча ёш шоирлари, ёқаси олтин ва ҳарнав қимматбаҳо тошлар билан безалган, ипак ва зарбоф тўнли бекзодалар, давлатманд оилаларнинг олифта йигитлари ва умуман бирон ишда донг чиқарғон бир кўп шахслар ўтиришади.

6—9 Гоҳ подшоҳнинг янги солдираётган саройи ∽ ўйнаган вақтидаги қилиқлари тўғрисида сўз борарди./Сўз гоҳ подшоҳнинг янги солдираётган саройи «Боғ жаҳон оро» ҳақида, гоҳ Навоийнинг янги бир мусиқийзор ғазали ва унга Хўжа Абдулло Марварий томонидан яратилган савт ҳақида, гоҳ Мавлоно Биноий билан Навоий ўртасида бўлиб ўтган ва ҳаммага маълум бўлган ҳазил мутойиба ҳақида боради.

10 Ниҳоят,/Ниҳоят, ҳамма

11 Шол рўмол/Шоҳи рўмоли

11—13 Унинг устига шатранж тахтаси ва бир чилдирма ҳам бир ихчам чиройли ханжар қўйилди./Унинг устига шатранж тахтаси ва битта даф ҳам чиройли бир ханжар қўйилди.

13—18 Отоқли устодлардан Мавлоно Хўжа билан ∽ танноз йигитлардай олифта кийинган эдилар./Мавлоно Хўжа билан Амир Ҳалил шатранж тахтаси олдига бепарво чордона қуришди. Бу икки шатранж устаси ўрта ёшли бўлсалар ҳам, лекин Ҳиротнинг ўспирин шўх йигитларидай олифта кийинишган эди.

18—22 Одамлар кенг давра билан ўйинчиларни қуршади, ∽ унинг қулоғига шивирлади./Султонмурод Зайниддиннинг тиззасини астагина туртиб, кўзи билан ханжарга



www.ziyouz.com kutubxonasi

ишора қилиб, «тушунмадим» дегандай бўлди! Зайниддин табассум қилди-да, шивирлади:

23 Ўйин вақтида устодларга луқма ташлай кўрма!/Ўйин вақтида ўйинчиларга луқма ташлама!

24 Султонмуроднинг таажжуби яна ортди./Султонмурод таажжубланди.

25—26 Ўргатувчиларга гарчи ханжар ∽ — таъкидлаб шивирлади Зайниддин./Ўргатувчиларга ханжар урмасалар ҳам аммо қаттиқ ранжийдилар... таъкидлади Зайниддин.

27—29 — Чилдирма-чи?— ∽ — Сабр қил, жоним, кўрурсан.../Даф? баён қилсанг-чи!— яна туртди Султонмурод,— сабр қил, кўрурсен.

31—33 Ўйиннинг бошланғичи ∽ лекин ўйин тез қизиб кетди. /Ўйиннинг бошланғичи айтарлик қизиқ бўлмаса ҳам, бу икки устод ўйнагани учун, ҳамма кўзлар ўйинда бириккан эди. Лекин ўйин тез қизиб кетди.

33—39 Амир Халил ҳужумга ўтди. ∽ наҳ ҳозирги ҳолатига доир бир байт ўқиди./Амир Халил ҳужумга ўтди. Одамлар аста-аста силжиб, ўйинчиларнинг атрофини қуршаб олишди. Мана Амир Халил ўз рақибини чуқур тараддудга солгач, бирдан рубоий ўқиб юборди.

40—42 Томошабинларнинг ҳаяжони яна кучайди. ∽ Хўжа оғир вазиятдан қутилиш учун ягона тўғри йўлни топди./Лекин мавлоно Хўжа ўйинда оғир вазиятдан қутулиш учун ягона тўғри йўлни топди.

*136-бет 43-сатри — 137-бет 3-сатри*

Бутун фикри билан ўйинни таъқиб этиб турган ∽ қутулишни моҳир тасвирлаган бир байтни ўқиди./Ўйиннинг шу даражасини ва қутулишни жуда ингичка тасвирлаган бир байтни ўқиди.

*137-бет*

4—6 Буни биринчи мартаба эшитганлар ∽ ёдламоққа тиришдилар,/Буни биринчи мартаба эшитганлар завқланиб, бир-бирларига пичирлаб, такрор-такрор ўқиб, ёдлашга тиришдилар.

7 ирғиб турди./сачради.

8—12 Чилдирмани чалиб, катта уйни янгратиб юборди. ∽ беихтиёр қичқиришиб юборишди./Дафни чалиб, катта уйни янгратди. Одамлар орқага силжиб даврани кенгайтирдилар. Мавлоно Хўжа ўзи даф чалиб шундай чиройли рақс этдики, ўлтирганлар беихтиёр қичқириб юборишди.

12—14 У ўткир киноя ли ва ∽ қилиб ўрнига ўтирди./У баъзи ҳаракатлар билан, ўткир кинояли, маъноли ва қайтарилиши имконсиз бўлган баъзи ҳаракатлар билан ўз ерига ўтирди.

14—18 Ўйин кескинлашиб кетди. ∽ байт айтар эди./Ўйин кескинлаша борди. Ҳар икки устод шатранж ҳақидаги байтлар, рубоийларни энди мўлроқ соча бошладилар. Бир донани ортиқча олгани энди рақсдан бошқа яна ўнларча шеър айтар эди.

19—30 Улар ёлғиз шатранждаги маҳоратни кўрсатиш учун эмас, ∽ Ҳамма уларни қизғин табриклади./Улар ёлғиз шатранждаги маҳоратнигина кўрсатиш эмас, балки



www.ziyouz.com kutubxonasi

шатранжга оид шеърни кўп билиш ва уни ўз ўрнида айта билиш учун ҳам курашар эдилар. Одамларнинг ҳам аксари ўйиндан кўра, кўпроқ шу томонга берилган ва шунинг учун келишган эди. Мана Амир Халилнинг қўли баландланган вақтда, у даф чалиб, шеър айтиб шундай ҳаракатлар кўрсатди, мавлоно Хўжа қаршисида ўтиб шундай пичинг, киноялар қилдики, кулгидан одамларнинг ичаклари узулаёзди, баъзилар қоринларини ушлаб, ерга думалашишди. Султонмурод Зайниддиннинг елкасига қўлини ташлаб қичқирди, бу қандай нодир инсонлар! Ниҳоят ўйин дуранг билан битди. Амир Халил билан мавлоно Хўжа бир-бирларига тикилиб, самимий табассум билан ўринларидан туришди.

31—36 Овқатдан кейин одамлар ∾ Бу Арслонқул эди./Овқатдан кейин одамлар бирин-сирин тарқала бошларкан, бошқа ерга бормоқчи бўлган Зайниддин билан хайрлашиб, қош қорайғонда мадрасага қайтди. Мадраса эшигида уни бир йигит қаршилади. Бу Арслонқул эди.

37—38 — Тақсир, Тўғонбек деганни танийсизми? ∾ сўради Арслонқул./— Тақсир, Тўғонбекни танийсизми?— Султонмуродни четроққа имлаб, секингина деди йигит.

40 қаердан/қайдан

41—42 — Шу мадрасада баъзи танишлари бор эди, деб айтди одамлар. У ҳозир қаерда?/— Шу мадрсада баъзи танишлари бор деб айтдилар. У ҳозир қаерда?

*137-бет 43-сатри —138-бет 28-сатри*

«Мақсадингиз нима? Тўғонбекни нима қиласиз?— ∾ Арслонқул ташаккур билдириб, қоронғуликда йўқолди./Мақсадингиз нима? Тўғонбекни нима қиласиз?— Мирзо Ёдгор воқеаси вақтида у катта мансабдор бўлиб, қишлоғимиздан бир қизни олиб қочқон эди. Икки йилдан бери мен у бадбахтни қидирамен. Ҳиротда кўп юрдим, сўнг Астрободда деб эшитиб, у томонга бордим, ундан Балхга ўтдим, саргардонмен. Ҳеч ерда думини тутдирмайди.

— У қиз сенга не бўлади?

— Суйганим эди.— Хўрсиниб жавоб берди Арслонқул.— Тўғонбекни ёқалаб,— қиз қайда, тирикми, ўлукми ёки бирон юртга сотиб юборганми, билсам... бусиз кўнгил тинчимайди. Арслонқул ҳорғинлиқ билан бошини қуйи солди. Ойбодоқнинг ҳуснини эшитган ва унинг кейинги тақдиридан хабардор бўлган Султонмурод йигитнинг ҳолиға ачинди. Лекин ҳақиқатни, гарчи бу ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, айтишни лозим билди. У Арслонқулнинг елкасини дўстона қоқиб шивирлаб гапирди.

— Сен бир фақир йигит кўринасан. Иним, бу ишдан умидингни уз. Тўғонбек ҳозир Ҳиротда эмас, мен ҳам билмайман, у қаерда тентирайди. Бир кун топарсен, аммо бундан заррача фойда чиқмайди.

— Нега?

— Қушинг унинг қўлидин учган.

— Айтинг, қулингиз бўлай, тақсир, қизнинг ёзми-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ши не бўлди?— Ялинди Арслонқул. Султонмурод бир қадар тараддуддан сўнг, яширишни маъносиз топди.

— Ҳеч кимга айтмайсанми?

— Тақсир бошимга қилич келсин...

— Қиз подшоҳга тортиқ қилинғон. Арслонқул уҳ тортиб пешонасига урди.

— Энди ҳеч йўл йўқми? Арз-додимни кимга айтайин?

— Ажаб соддадил экансан... Шикоят қилсанг, дорда алифдай чўзиласен. Оғир бўлса ҳам, бу савдони унут: ишқингни, иложи бўлса, энангга ҳам очма... Ошиқ йигит бир нафасда қоронғуликда йўқолди.

*139-бет 30-сатри — 140-бет 2-сатри*

Султонмурод шам олдида тиз чўкиб, ∾ туш, хаёл талваса бўлиб кўринди.. ∾ илдам юриб кетди. Султонмурод маъюсланиб мадрасага кирди, шам ёқиш учун қўшни ҳужрага мурожаат этди. Ҳужра соҳиби ўрта яшар, толиби илм, токчадан чақмоқтош ва қов олиб борди-да, Навоийнинг ходимларидан бири намоз асрга яқин келиб, ўлтиришга Султонмуродни таклиф этиб кетганлигини, Султонмуроднинг толеига хасад эмас, самимий кўнгил билан ҳаваслангани билдирди. Султонмуроднинг кўзлари қувончдан ва ғурурдан ёниб кетди. Тилаган нарсасини қайтариб, шошиб-пишиб ҳужрадан чиқди. Шоирнинг одатда суҳбат қурадиган хонасига ∾ Навоий хизматида бўлган фазилатли баъзи мулозимлар бор эди./«хуфтан» намозидин кейин, Навоийнинг ҳузурида ширин улфатчилик бошланди. Навоий билан деярлик ҳамма вақт ҳар муҳим ишда унга маслаҳатдошлари бўлган соҳиб Доро, Хўжа Маҳмур Тойбодий, Амир Шайҳум Суҳайлий ва ҳоказодан бошқа Ҳиротнинг бир неча улуғ олимлари, муаррихлар, ҳайъатшунослар, фиқиҳ арбоблари — Амир Ҳасан Ардашер, Мавлоно Ҳусайн Воиз, Мавлоно Фасиҳиддин каби зотлар бор эди.

14—21 Уйнинг олтин ҳалли «шамса»си, деворлардаги ∾ бемалол сўзлашардилар./Аксар кишилар уч тилда, туркий, форсий ва арабда — қайси бири қулай деса, бемалол сўзлашадилар. Уйнинг олтин ҳалли «шамса»си, моҳир санъаткорнинг деворларга ранглардан яратган ажойиб чаманзорлари катта шамдонларда ёнган қўша-қўша мармар шамларнинг нурида очилиб-яшнаб, шеър каби, мусиқий каби энг ингичка ҳисларни, завқларни қаноатландирар эди.

21—26 Олимларнинг ∾ бор эди. Навоий/Навоий

27—34 Навоий ўз одатига мувофиқ, ∾ диққат билан тинглайди./Навоий ҳамма меҳмонлардан пастда ўтирарди. У ҳамма вақтдаги каби улуғвор, сокин, муомилада нозик. У ўртага илмий масалалар ташлайди. Хуросоннинг бутун олимлари жамийки фанларда маълумоти бениҳоят чуқур эканлигига қойил бўлиб, эътиқодни самимий равишда ҳар ерда тасдиқласалар ҳам, у маълумотфурушлик эмас, балки илм соҳасида ўз нуқсонла-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ридан кўпроқ гапиради. У ҳар кимнинг фикрини сабр билан, диққат билан тинглайди.

35—38 Бирон масалада киши хато гапирса, ∾ тўғриламоққа киришади./Хатолар сезса, ҳовлиқмасдан, киноя қилмасдан, кўпинча «каминанинг назарича бу нуқтани шундай изоҳламоқ мумкин» деган сўзлар билан тўғрилайди.

39 Суҳбат ∾ давом этди./Навоий ўз тафаккурини илмнинг маълум соҳалари билан чегараламаган эди. Унинг кўнглида то ёшликдан бошлаб, барча илмларга, ҳамма санъатларга чуқур муҳаббат ясар эди. Унингча инсондаги энг қимматли сифат — билим ва билим ишқи ҳам юксак инсонийлик туйғулари эди. У фалсафани ва мантиқ баҳслари, юлдузларнинг ҳаракати, шеър ва мусиқий, хаттотлик ва муқовачилик, расм ва наққошлик ва ҳоказо ҳар соҳада равон ва чуқур муҳокама қилар эди. Бундаги олимларнинг деярлик ҳаммаси, ўз илмларидан ташқари, яна бошқа соҳаларда ҳам кенг маълумотга эга бўлганлардан суҳбат ҳар томонлама, мазмундор, мароқли бўлиб, ҳечкимнинг тили кесилмади.

*140-бет 40-сатри —141-бет 4-сатри*

Суқротнинг ахлоққа доир таълимоти, ∾ тортишувлар, фикр олишувлар бўлди./Улуғ Суқротнинг таълимоти, унинг инсонликнинг фазилатлари, Ибн Синонинг назариялари, Арастунинг асарлари, «Аносири арбаа», Улуғбекнинг «Зичи» ва бунинг мавжуд бўлган бошқа «Зич»лардан айирмаси ҳақида сўзлашди.

*141-бет 5-сатри —145-бет 39-сатри*

Султонмурод шундай ∾ мадрасага учди./Мавлоно Ҳусайн Воиз билан Мавлоно Фасиҳиддин ўртасида анча қизғин музокара бўлди.— Баҳслашувдан катта завқ олувчи ёш олим Султонмурод ҳам бунга аралашди. Бошқа ерда бўлсалар эди, улар бир-бирларига албатта қаттиқ тил тегизар, бир-бирларини нодонликда айблар эдилар, лекин Навоий кулиб кимнингдир шу байтини «сўфий бо сўфий дар жанг шуд, қози аз ислоҳи эшон танг шуд» таржимаси: Сўфи билан сўфи жангга киришди, қози уларни муросага келтиришда — танг қолди. Ўқидида, масалани вазминлик билан тушунтирди. Натижада ҳақиқат равшанлашди. Биринчи навбатда Султонмурод тан берди.

Дастурхончи ўртага ҳар хил ҳолва, бодом, писта, анжир қоқиси, яхши сақланилган анор, олма билан мойли нонларни ёйиб ташлади. Дастурхон устида чиройли ғазаллар, рубоийлар, муаммолар ўқилди. Соҳиб Доро Навоийнинг бутун Ҳиротга тарқалғон бир қанча гўзал ғазалларини завқ билан ўқиб мақтади. Навоий унга маънодор боқиш билан унинг мақтовини маъқул кўрмаганлигини билдирди.—Билмадик, туркий шеърнинг истиқболи не бўлур экан,— деди кекса бир тарихчи.

Туркийнинг балоғат ва камолоти мавлоно Лутфийнинг ғазалларида, Алишернинг бадияларида офтобдек



www.ziyouz.com kutubxonasi

намоён бўлди,— гапирди Ҳасан Ардашер тарихчига қараб,— туркийда рангин ғазаллар пайдо бўлмоқдаким, форсийгўйларни филҳақиқат ҳайратга соладир. Туркий шеър барча эл орасида ғоят зўр эътибор олмоқда эканлиги бу кун гўдакка ҳам аёндур,— деди Султонмурод.—Фирдавсий ва Низомийларнинг забони асли зотида илҳом ва шеър учун яратилмишки, бу ҳақиқатга мункир бўлмоқ имконсиздир.— Тарихчи Навоийга тикилиб давом этди.— Ҳақ сўзни айтдинг, Мир Алишер, сиз Зуллисонайнсиз Фонийми ёки Навоийми, дилбар ва рангиндур?

— Каминага ғоят мушкул савол ташладингиз,— деди Навоий табассум билан.— Лекин ҳақиқатни айтмоқдан ўзга илож йўқ. Биз учун туркий мақбулдур.

Тарихчи яширин ингичка киноя билан кулиб бошини чолғади.

— Не учун сўзга бовар қилмайсиз, махдум?— жиддий сўради Навоий.

— Исбот ва далил керак,— ҳолвани тамшиб деди тарихчи.

— Биз жанобларини Мавлоно Биноийдан кўп баланд кўрганимиздан исбот ҳожат эмасдир, деб ўйлаган эдик. Исбот ва далил шулки, биз ўз энамизнинг сути билан кўнглимизга жо бўлган тилни кўпроқ севамиз. Жаҳонда улусимиз кўпдир. Онинг завқи фаҳм идроки мўлдир. Биз улуснинг завқи, табиатини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, онинг кўнгли завқиёб бўлсин. Фикримизни туркона соз билан тараннум этайликки, элнинг юраги мавжга келсин. Сўз гулшанини биз ўз элимизга очмоқчимиз. Бу ишни иншаолло адо қилурмиз, эмди туркийнинг вуслатига ва зангинлигига назар солсак, у форсийдан бағоят баланд даражада эканлигига имон келтирурмиз. Қадим шуароси бу тилни татаббуъ этмабдурлар. Турк тилида дақойиқ кўп эди. Бу кунгача ҳеч ким ҳақиқатға назар ташламабдур — афсуски юлдузлардан равшанроқ гавҳарлари яширин қолиб, балки унутилмиш даражасига етилур. Элимизнинг шоир йигитлари осон йўлни кўзлаб, нуқул форсий билан назм этдилар. Маҳдум, туркийда нозик маъноларни ифода қилғучи сўзлар шундай кўпдирки, форсийда аларнинг бири ҳам топилмас. Форсийгўйлар қанча балоғат, фасоҳат давоси билан лоф урмасинлар, лекин тилимизнинг содда гўзаллиги олдида, унинг бойлиғи олдида сўз топишдан ожиз қоладилар.

Навоий қизиқиш, руҳланиш билан сўзлади: у сўзни битиргандан сўнг ҳам баъзи кишилар, сўзнинг давомини кутгандай, ундан кўз узмай, маҳлиё бўлиб қараб турар эдилар. Умуман бутун Хуросон олимлари ва шоирлари каби бу ердагиларнинг ҳам аксари форсифараст эдилар. Аммо Навоийнинг самимий туркийгўй бўлганидан ва айниқса ҳозир чуқур ишонч ва ғайрат билан ўз тилини мудофаа қилиши уларнинг дамини ичга туширди. Бундан ташқари, улар туркийни тек-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ширмаган, бу тилда ёзув ёзиб, унинг бойлиғини синамаган одамлар эди. Форсийнинг ширинлигини худди шу тилда болаликдан бошлаб чиройли шеърлар айтган Навоийга мадҳ қилиш маъносиз эди.

— Замонамиздаги туркий ашъорнинг латофати,— гапирди Султонмурод,— шоир аъзам мавлоно Жомий ҳазратларининг муборак кўнгилларини асир этмакда. Ул жанобнинг фикрлари, завқларига бизлар қандай эътироз кўргузурмиз? Жомий ҳазратларининг олий илтифотлари туркийнинг ғалабасидир.

— Бул жиҳатни ёлғиз мулло Биноий каби инодчи гуруҳ фаҳмламас ёки фаҳмлашни ҳам истамас,— деди хўжа Маҳмуд Тарбодий.

— Мулла Биноийдан гиноҳорлиққа ҳожат йўқ, зероки, ул афсотул ғосдандур,— деди Навоий киноя билан кулиб. Кейин, мажлисни мунаққишчиликдан қутқориб, дўстона руҳлантириш учун шоир жуда усталик билан суҳбат мавзуини ўзгартди. У жонли, ўткир, кичик ҳикоялар, латифалар айтмакка бошлади. Навоий жуда кўп ҳикоялар билар эди. Ўзи яшаб турган муҳитнинг кундалик моддий ҳаётидан ажойиб латифалар тўқур ва шундай илиқ, шундай гўзал нақл этар эдики, ҳар ким катта мароқ билан тинглар эди. Навоийдан кейин Ҳасан Ардашер сўфиёна, маънодор бир ҳикоя сўйлади. Тиб олими Ибн Сино ҳақидаги афсоналардан бирини айтди. Ниҳоят, мажлис аҳли Султонмуроддан бирон ширин латифани илтимос қилғоч, ёш олим узоқ ўйламасдан ҳикояни бошлади: «Искандар Зулқарнайн билан Доро муҳорибаси замонида бир кун эрта билан Искандар сабо рафтор арғумоққа миниб қароргоҳда лашкарни тартиб интизомини мушоҳида қилмоққа чиқибди. Баногоҳ подшоҳнинг назари бир бағоят ориқ ва суст отга минган сипоҳийга тушибди. Дарҳол Искандар ғазабнок бўлиб, уни бечора суворийни отдан ағдарибди. Лекин суворий ҳеч ранжимасдан ханда қилади. Ё ху, бу қандай аҳвол! Искандарнинг ғазаби жўш уриб, сўрайдики, бу маҳалда ханданинг сабаби не? Сипоҳий жавоб беради: Эй подшоҳи олам, сенинг ғазабингга куларменки, сен қочиш асбобига минмишсен, мен қолиш асбобига минмишмен, яъни арғимоқ жанг майдонидан қочишга боб, сен қочурсен, ориқ ва ўлат отим билан майдонда қолурмен ва жанг қилурмен, бунга нечун ғазабланурсен? Сўз Искандарга ғоят мақбул бўлиб, сипоҳийнинг мансаб ва мартабасини баланд қилибди».

Латифа Навоийга ёқди. У Искандарнинг дунёга адолат барпо этганлиги, ўлкаларни обод қилғонлиги, шаҳарлар яратгани, билим маърифатга интилиши ва ҳар ишга файласуфлар, ҳакимлар кенгаши билан қадам қўйғонлиғи ҳақида жуда маънодор гапирди-да ва ниҳоят «водариғ!»! подшоҳлар борки тож кийиш билан ўзларини Искандар деб билурлар. Аммо ундан ибрат олмаслар. Эл дардидан бехабардурлар, кўршапалакдай адолат қуёшидан қочиб, зулм тунида кезур-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар... Шоир дард билан айтган сўзларининг кимга қаратилганлиғи мажлисга аён эди: Ҳамма сукут қилиб, кўзларининг имоси билан шоирнинг ҳақлигини тасдиқладилар.

*146-бет 2-сатри —152-бет 24-сатри*
Навоий эрталабки ∾ Мирок Наққош. Ўн/Икки

*152-бет*

25 Ўн бешинчи боб/II

27—30 Ҳарам доираси ∾ тўйига кетишган эди./Ҳарамда бу кун шовқун-суронсиз эди. Подшоҳнинг никоҳида бўлган, бир-бирига яқин, лекин айрим саройларда яшаган барча хотинлари бошда Хадичабегим бўлган ҳолда, шоҳ хонадонига мансуб бир шаҳзоданинг тўйига кетишган эди.

30—33 Аксар қизлар-канизаклар ∾ йигирма чоқли аёл қолган эди./Аксар қизлар-канизаклар Хадичабегимни кузатиб боргани учун, ҳарам — саройда, агар оқсочлар ҳисобга олинмаса, йигирмага яқин аёл қолғон эди.

34—37 Баҳорнинг гуллаган чоғи... ∾ хаёлий манзара ясайди. /Баҳорнинг энг гуллаган чоғи. Сарв оғочлар, мевазорлар, турли-туман гуллар билан ажойиб товланган кенг чаманзорлар ичида катта-кичик кўшклар кўркам манзара ясайди.

*152-бет 37-сатри —153-бет 4-сатри*
Қуёшда кўшкларнинг нақшлари худди жонли чаманлар билан рақобат қилишгандай, ҳавони рангли шуълалар мавжи билан тўлдиради. ∾ давоми деб ўйлади.../Кўшкларнинг нақшлари худди жонли чаманлар билан рақобат қилишғондай, қуёшда яшнайди. Узоқдан, шаббода енгил титратган дарахтлар орасидан боққан киши, кўшк деворларини гулзорнинг давоми деб ўйлайди... («Боғи Жаҳон оро»нинг бир қисми эканлиги ҳақида).

5—8 Ўзини касалликка солиб, ∾ танҳо ўтирарди./Ўзини касалликка солиб, Хадичабегимнинг бу кунги тантанали чиқишидан қолғон Ойбодоқ икки ошиёнли кўшкнинг пастки қабатидаги хонада, очиқ даричанинг олдида танҳо ўтиради,

8—10 Юраги сиқилгандай, қандайдир дардли ноз ва фироқ туйғулари билан керишди./Юраги сиқилгандай, аллақандай дардли ноз билан керишади...

11—15 Подшоҳга хушомадгўй Маждиддин парвоначи ∾ чинакам очилмай яшар эди./Подшоҳга хушомадгўй Маждиддин томонидан бир вақтлар саройга тортиқ этилган Ойбодоқ ҳашаматли, безакли ҳаётда, эртаклардагина эшитган зиёфат ва базмлар орасида ётланиб, ўксиниб яшар эди.

17 кўнгилнинг эзгу орзуси/кўнгил орзуси

19 кўрадилар./кўради.

20 алишмайдилар./алишмайди.

20—25 Улар бутун борлиқлари билан бир мақсадга интиладилар ∾ кўнглидаги тоза севгини бўғмаган эди./Ойбо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

доқ худди шундайлардан эди. Безак, май ва мусиқ билан қайнаган ҳаёт унинг кўнглидаги тоза, чуқур севгини бўғмаган эди.

26—28 Маждиддиннинг даргоҳидан Дилдорни ∾ ясоғлиқ бир хонага киргизишди./Маждиддиннинг даргоҳидан Ойбодоқни саройнинг махсус ходималари бир оқшом келтиришиб, гўзал бир хонага киргизишди.

28 Дилдор/Ойбодоқ

30 Муомаласидан/нозик муомаласидан

31 бунда бошқа бир/мунда бир

32 Дилдорни/Ойбодоқни

34—35 кашмири шолни ғалати — сатангча қилиб ўрадилар. /кашмири шол ўрадилар.

37 уни/Ойбодоқни

39—41 таомлардан, ширинликлардан Дилдор гўё ўлим ҳукмини кутганлардек, бўғилиб оғзига тариқча ҳам солмади. /авқотлардан, ширинликлардан Ойбодоқ тариқча оғзига солмади.

42—43 Қизлар бир-бирлари билан пичирлашиб, дастурхонни йиғиб чиқиб кетганда, вақт алла-палла бўлган эди. /Қизлар дастурхонни йиғиштириб чиқиб кетганда вақт алла-палла бўлган эди.

*154-бет*

1 аёл кирди./бир аёл кирди.

1—4 Дилдор чўчиб ялт этиб қаради. ∾ танноз хотинлардай ясанган-тусанган эди./У олтмиш ёшларда бўлган, юзлари, пешонаси чуқир чизиқлар қоплаган кампир бўлса ҳам, ўрта ёшли танноз хотинлардай ясанган эди.

5—12 Дилдор ҳали қизлар ўзаро гаплашганда, қандайдир қўрқув ва эҳтиром билан: ∾ рўмолини қўл учи билан тузатиб қўйди./Ойбодоқ, ҳали қизлар ўзаро гаплашганда, аллақандай қўрқув ва ҳурмат билан Гулчеҳра бибим ўзлари шундай буюрдилар ёки секингина: «Гулчеҳра бибим чақирадилар» ёдлаган аёллари шу бўлса керак деб тусмол билан ўрнидан турди. Кампир яқин келиб тажрибали қараш билан қизни бошдан-оёқ назардан ўтказди. Ойбодоқнинг бошидаги кашмири шолни қўл учи билан тузатди.

13—14 — сўради кампир сохта мулойимлик билан/— сўради кампир мулойимлик билан.

15 — Дилдор,— ерга қараб, секин жавоб берди қиз. /— Ойбодоқ...— ерга қараб жавоб берди қиз.

16 — Даладанмисиз?/— Даладанмисиз?— ўзгарган товуш билан сўради кампир.

18—20 — Отингиз яхшигина, ∾ ўтиринг, жоним./— Отингиз ҳуснингиздек нозик эмас, кулиб гапирди кампир. Энди биров отингизни сўраса Ойбодомхон дейингиз. Дурустми? Ўтиринг.

21 Дилдор/Ойбодоқ

22 Кампир унга/Кампир

23—26 Подшоҳнинг ҳузурига кирганда ўзини қандай тутиш ∾кўп нарса ўргатишга тиришди./Подшоҳнинг ҳузурига кирганда ўзини қандай тутиш ва унга муомилада



www.ziyouz.com kutubxonasi

зинҳор-базинҳор нозик бўлиш тўғрисида кўп нарса ўргатишга тиришди.
27 Дилдор/Ойбодоқ
28 ташқаридан/эшикдан
28 чақирди,/чақириб,
29—32 Кейин чиқиб кетиш олдида, уқдирди: ∾ эшикдаги қулни чақирурсиз./— «қизим, тинчгина ухланг. Ҳеч нимадан хавфланманг. Атрофингиз тўла одам. Бирон юмушингиз бўлса, эшикдаги қулни чақирарсиз»,— деб кампир чиқиб кетди.
33 Бу кечани Дилдор мижжа қоқмай ўтказди./Бу кечани Ойбодоқ кўз юммасдан ўтказди.
34 Дилдордан/Ойбодоқдан
34 сўрашди,/сўрашиб,
35 қоласиз./қоларсиз дейишди.
36 Биз ҳам бошимиздан ўтказганмиз дейишди./дейишди.
37 Дилдорни қўярда-қўймай боғчага олиб чиқишди./Ойбодоқни зўрлаб боғчага олиб чиқишди.
38—40 На муаттар чаманзорлар, ∾ — ҳеч нима уни қизиқтирмади./На чаманзорлар, на муҳташам кўшклар, на ҳовузлар, на қафаслардаги тўтилар — ҳеч нима қизиқтирмади.
40—42 чувиллашган қизлар орасида ∾ хона ичига кирди-да, қамалиб олди./Озгина кезиб ўз хонасига кирди-да, қамалиб олди.
42—43 У ҳардам машъум бир соатни кутар, ичидин титроқ босар эди. Учинчи/Учинчи

*155-бет*

1—3 Учинчи кун кечаси Гулчеҳрабиби кирди. ∾ шоҳи кўйлак кийдирди./Учинчи кун кечаси кампир кириб, Ойбодоқнинг сочларини ювдириб, гул суви билан атрлаб, енгил, юпқа кийимлар кийдирди.
3—9 Дилдор қайғуда ёниб, ∾ ётиб ухлашга буюрди./Ойбодоқ, бутун вужудини титроқ босиб, ярим кечагача йиғлаб ўтирди. Лекин кампир келиб, ўз-ўзига сўзлагандай, «Султоннинг кайфлари баланд экан, оёқда ҳам туролмайдилар»— минғирлаб, бемалол ётиб ухлашга буюрди.
9—10 Дилдор ҳар оқшомни изтироб билан қаршилади./Ойбодоқ бир ҳафтагача ҳар оқшомни изтироб билан қаршилади.
11—13 Бир ҳафта ўтгач ∾ жўнаганлиги хабари тарқалди. /Ҳусайн Бойқаронинг бирдан овга жўнаганлиги хабари тарқалди.
13—16 Бу орада Дилдорнинг ҳуснини қизлардан эшитган ∾ канизаклари қаторига қўшди./Бу орада Ойбодоқнинг ҳуснини қизлардан эшитган Хадичабегим ўзига чақирди. Ойбодоқни кўриш билан уни ўз канизаклари қаторига қўшди.
16—20 Хадичабегим подшоҳнинг севикли, эътиборли хотини эди. ∾ подшоҳни ўз қўлида ўйнатишга тиришар эди. /Хадичабегим подшоҳнинг севикли, эътиборли хотини эди. У ғоят ҳийлакор бўлиб, вазирлар, беклар билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

тил бириктириб, зимдан ишлар, подшоҳни ҳам лақиллатишга интилар эди.

20—22 Ҳадичабегим ҳали ҳусни сўлмаган ∽ қизларнинг подшоҳга учрашувидан қўрқар эди./У гўзал бўлса ҳам, ёш ҳусндор қизларнинг подшоҳга учрашувидан қаттиқ қўрқар эди.

22—26 Чунки бир вақтлар унинг ўзи ∽ бошқалар бу пояга кўтарила олмайдими?/Бир вақтлар унинг ўзи ҳам канизак, усталик билан ўзини подшоҳга ёқдириб, мана суюкли «саркарда», хотин бўлиб олди. Бошқалар ўз ҳусни билан бу мартабага эриша олмайдими?

27—31 Дилдор бутун борлиғини даҳшатли кеча каби, қоплаб олган ваҳмдан қутулди. ∽ хизматларини лом-мим демай бажаради./Бу вақтдан бошлаб Ойбодоқ фикрини даҳшатли кеча каби қоплаган ваҳмдан қутулди. Дуруст, унинг эътибори пасайди: энди унга қизлар хизмат қилмайди. Балки унинг ўзи Ҳадичабегимнинг юмушларини, бошқа канизаклар билан бир қаторда, лом-мим демай бажаради.

31—34 У энди аввалгидай, алоҳида хонада эмас, ∽ У шундай тақдирга бениҳоят севинди./У аввалгидай алоҳида хонада эмас, бир кўп канизаклар билан бирга ортиқча безаксиз хонада яшайди...

35—37 Дилдорнинг ягона орзуси, ягона мақсади ∽ — бу даргоҳдан қочиш мумкин эмас./Ойбодоқнинг ягона мақсади, юрагининг ягона орзуси Арслонқулга эришиш. Аммо саройдан қочиш мумкин эмас.

37—41 Подшоҳнинг никоҳида бўлган хотинлари ∽ кўзларининг ҳар жилваси қаттиқ назорат остида.../Подшоҳнинг никоҳида бўлган хотинлари посбонлар билан унча ҳисоблашмай, кўпинча, уларни қўлга олиб сарбаст яшайдилар. Уларнинг шубҳали ҳаракатларига, яширин гуноҳларига назоратчи қуллар, ходимлар кўз юмиб ўтадилар. Лекин канизакларнинг ҳар қадами қаттиқ назорат остида. Маликалар ҳафталаб давом этган дала саёҳатларига чиққан-да, канизаклар, жумладан, Ойбодоқ ҳам ҳамроҳлик қилади. Аммо далага кенг ёйилган ипак чодирларнинг атрофини посбонлар ўраб ётади.

*155-бет 42-сатри —156-бет 3-сатри*

Суюкли йигит қаерда, меҳрибон ачасининг ∽ кўз ёшларини юм-юм қуйиб, иккинчи йилни ўтказди./Суюқли йигит қаерда, меҳрибон бувисининг, бечора отанинг холи нима бўлди. Ҳеч нарса билмайди. Баъзи бир ғариб, кўнгли яралн қизлар билан дардлашади, пана-панада кўз ёшларини юм-юм қуяди, холос.

*156-бет*

4—14 Дилдор қолган шерикларидан биронтасини учратиб ∽ ҳамиша иложсиз ғазаб билан ёнар эди./Мана Ойбодоқ биронтаси билан тинч вақтда ҳасратлашиш учун ўрнидан туриб, ташқари чиқди. Шовқин-суронсиз саройда зериккандан бўлса керак, одатда тунд, камгап, дағал қул дарахт орқасидан пайдо бўлиб, Ойбодоқнинг рўбарўсига келиб тўхтади-да, хунук жилмайиб, гапга тутишга киришди. Қулоғида кумуш халқаси бўлган



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу бичилган ахта қул, ёши қирқдан ошмаган бўлса ҳам, юзлари қаримсиқ бурушган, елкаси чиқиқ, аянчли бир махлуқ эди. Унинг хира кўзлари бу ерда хотинларға пойлоқчилик этган бахтсиз бошқа бир кўп ахта қулларники каби, ҳар вақт иложсиз бир ғазаб билан боқар эди.

14—21 Бу қулларнинг юзларида, кўзларида бир лаҳза бўлсин, ∾ муҳаббат, эркинлик сўзининг, хаётий майлларнинг душмани эди.../Буларнинг юзларида, кўзларида бир лаҳза бўлсин, самимий шодлик учқуни ёнмас; уларнинг сўзларида, ҳаракатларида ички бир синиқликнинг ғами очиқ сезилар эди Аммо бу аянчли, бадбахт одамлар саройнинг тутқун қизларининг бошига битган бало эди. Уларнинг ҳаммаси — хоҳ ёш, хоҳ қари — фирибгар, ғийбатчи, золим...

22—29 Дилдор булардан ҳар вақт нафратлангани учун, ∾ Кўзимдан қочиб қутулолмайсиз./Ойбодоқ булардан нафратлангани учун, милжинглаган қулға қулоқ солмасдан ўтиб кетди. Аччиғланган қул лапанглаб Ойбодоқнинг йўлини тўсди:— Ҳаддингиздан ошманг, ойим. Ҳамма сирингизни биламан. Пиқ-пиқ йиғлайсиз, ҳайитда кийимсиз қолғон қиздай, ўксунасиз. Қўлингизни чаккангизга тираб уҳ тортасиз. Мана ҳозир дарича ёнида нималарни ўйладингиз, кўзимдан қочиб қутулолмайсиз.

33—34 Дилдор бу туҳматчи билан ғиди-биди қилишни истамасдан, бурнини жаҳл билан жийирди-да, кетаверди. /Ойбодоқ бу туҳматчи билан ғиди-биди қилишни истамасдан, фақат унга жаҳл билан бурнини қийшайтирди-да кета берди.

35—37 Ҳовуз бўйидаги супада қизлар овозини эшитди. ∾ деб канизаклар қаршилади./Ҳовуз бўйидаги супадан қизлар овозини эшитиб, у томонга борди: «Кел, юрагинг қонга тўлмадими, Бодомхон!» деб канизаклар қаршилади.

*156-бет 38-сатри —157-бет 12-сатри*

Бу ерда Хадичабегимнинг энг эътимодли канизаги ∾ кечаларни мунгли хўрсинишлар билан ўтказар эди. /Бунда Хадичабегимнинг энг эътимодли канизаги Давлатбахт, икки туркман гўзали, яна бир эронли нафис аёл суҳбатлашиб ўтиришар эди. Ўтурган қизлар подшоҳнинг Оппоқ бегим деган хотинининг канизаклари эди. Подшоҳнинг хотинлари, ғумолари кўп эди. Буларнинг деярлик ҳар бири алоҳида саройларда туришар эди. Канизаклар чиройли кийинган ва биринчи қарашда бепарво — беғам каби кўринсалар-да, лекин ҳаммасининг тусида қандайдир синиққанлик, кўзларида енгил бир малол, ҳаракатларида ҳорғинлиқ туюлар эди. Юракларида туғилган эҳтирос қийноғи, қониқмоғон орзуларнинг алами уларнинг ёш, ёрқин ҳуснини кўланка билан ўраган. Улар бўш вақтларида кўпинча ишқдан, эски бир ёрдан, мард сипоҳлардан сўзлашар, кечаларни мунгли хўрсинишлар билан ўтказишар эди.

13—14 Яна ким тўғрисида пичир-пичир!— норозиланиб қичқирди Дилдор./— Яна ким тўғрисида шивир-шивир?— Қизиқмасдан сўради Ойбодоқ.

15 — деди Хумор./— деди туркман қизи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

16 Дилдор эрон гўзали Зулфизарнинг ёнига ўтирди./Ойбодоқ эрон гўзалининг ёнига ўтирди.
19 бир ғунчачининг/ғунчачининг
21—22 Дилдор юзини терс бурди./Ойбодоқ юзини терс қилди.
23 бу беҳуда/шу беҳуда
26—27 — деди Давлатбахт қалам билан чизгандек нозик қошларини ўйнатиб./— деди Давлатбахт.
30—31 — Бу таклифга мен ҳам тарафдормен,— деди шаҳло кўзини сузиб туркман гўзали — Хумор./— Ин таклифро ман ҳам қаоул кардам,— деди ноз билан Хумор — эрон гўзали.
33—37 Дилдор югуриб бориб Давлатбахтнинг хонасидан ∾ ҳалиги қул ҳўмрайиб ўтаверди./Ойбодоқ югуриб, ғижжак, танбур, даф келтирди. Давлатбахт танбурни олди, туркман қизларидан бири дафни, танбурни эрон гўзали олди. Асбобларни аста-аста чертиб, созлаб туриларкан, ҳалиги қул ҳўмрайиб ўта берди.
37—41 Давлатбахт уни сохта табассум билан имлади, ∾ мудрай бошлади./Давлатбахт уни имлади ва қулоғига бир нима шивирлагач, у юмшаб, дарахт остига бориб ўтирди-да, мудрай бошлади.

*158-бет*

2—4 — танбурнинг қулоқларини бураб, чертиб туриб деди Давлатбахт;/танбурни чертиб туриб деди Давлатбахт.
4 сизга/сизларга
5 — қизиқиб сўради Дилдор./сўради Ойбодоқ.
7—9 У ерда Ҳиротнинг энг уста созчилари, ∾ умрбод қул бўлиб, хизмат қилмоққа рози эдим./созчилардан — бор эди. Яна Ҳиротнинг шўх бекзодалари бор эдики, уларнинг бир боқишлари учун умрбод қул бўлиб хизмат қилмоққа рози эдим.
10—15 Мажлисда жуда ширин куйлар айтилди. Аммо Навоий жанобларининг ғазали кўнглимни узиб олди-да... ∾ секин-секин, майин товуш билан ўқиди:/Ана шул мажлисда эшитдим ғазал шундай бошланади (қошини чиройли чимириб, ўйлаб, секин-секин ўқиди):
20—27 Давлатбахт чиройли йирик кўзларини хаёлчан сузиб жим бўлди. ∾ — «Кўргали ҳуснингни» бўлсин!/Давлатбахт: «у ёғи эсимда қолмаган» деб ўйланаркан, қизлар сўз дурларининг узилганига афсусланди. Ғазалнинг бошланғичини эсда қолдириш учун ҳар бири ўз ҳолиға ўқимоққа бошлади. Кейин Ойбодоқ Давлатбахтга ялинди. «Кўргали ҳуснинг»ни бўлсин.
30 кеккайиб гапирди Зулфизар./Гапирди эрон гўзали.
31—35 — Елғиз менга эмас, Навоий бутун элимизга ёқади. ∾ ҳаммаси нуқул тожики ёзишган./— Елғиз менга эмас, бутун элимизга Навоий ёқади. Нега десангиз, Навоийнинг сўзларига тушунамиз. Ҳар сўзи кўнглимизга ўтдек ёпишади. Сиз деган шоирларнинг ҳаммаси нуқул тожики ёзишган,— деди Ойбодоқ.
36—37 Ўқимишли, шеърни англайдиган Давлатбахт табассум билан Дилдорнинг фикрини тасдиқлади./Ўқимишли Давлатбахт табассум билан Ойбодоқнинг фикрини тасдиқлади:



www.ziyouz.com kutubxonasi

38—40 — Тўғри, мен форсича шеърларни анча ўқиганман ∾ Ҳазрат Жомийдан ҳам афзал кўрамен./—Тўғри, мен форсча шеърларни кўп ўқиғонмен. Аммо Навоий ўзга олам, ҳазрат Жомийдан ҳам аъло кўрамен.

*158-бет 41-сатри —159-бет 2-сатри*

Мусиқий майин товланишлар, ∾ илиқ овоз билан сайраб кетди:/Мусиқий майин товланишлар ва мавжлар билан юксала борди. Ғиччак чалган Давлатбахт йирик хумор кўзларини мубҳам бир нуқтаға тиккан ҳолда, булбул овозидай тоза, табиий овоз билан сайраб кетди:

*159-бет*

5 аста/аста майин

7 Дилдор/Ойбодоқ

7—8 беихтиёр равишда куйга қўшилди./беихтиёр куйга қўшилди.

9 қизлар/бошқа қизлар

10 Дилдорга/Ойбодоққа

11—12 Куй битгандан сўнг улар Дилдорни/Мақом тугалгандан кейин улар Ойбодоқни

12 Дилдор/Ойбодоқ

13 Қўшиқ айтиб юрса ҳам,/биронта қўшиқни айтиб юрса ҳам

15 Қўшиқчиларнинг адади борган сари ортди./Борган сари қўшиқчиларнинг адади ортди.

19 ёрқин/очиқ

22—23 зуғум билан чийиллади/чийиллади

24—25 исмсиз ғунчачилар эмас, балки/исмсиз ғунчачиларгина эмас, балки

27 мажбур бўлиб қолардилар./мажбур эдилар.

28—30 Қизлар мусиқий асбобларни қучоқлаб, ∾ Хадичабегимни кутиб олмоққа тайёрланинглар!/Мусиқий асбобларини йиғиштириб, қизлар қўрқа-писа, ғинг демасдан ҳар ёққа таралар экан, чол қичқирди:

— Хадичабегимни кутиб олмоққа тайёрланинглар!

31—32 Давлатбахт жонсарак бўлиб, ҳамма қизларни тўплади ва ҳар қайсисига айрим юмушларни буюрди./Давлатбахт жонсарак бўлиб, қизларни тўплади, ҳар қайси қизга махсус юмушларни буюрди.

33 тантана билан/расмий тантана билан

*159-бет 34-сатри —160-бет 23-сатри*

Унинг эгнида ∾ ҳайратга солади, чунки/чунки

23 бу ерда/бунда

27 баркаш/лаган

28—34 Баландлиги чамаси уч газ, танасининг йўғонлиги одам болдиридай ∾ йўғон-ингичка навдалар отганди. ∾ мевалари бор эди./Бу дарахтнинг баландлиги уч газ чамаси. Олтин танасининг йўғонлиғи одам болдиридай бу кумуш лагандан ўсиб чиққан бу олтин дарахт, ҳар ёққа шохлари йўғон, ингичка навдалар отган, дарахтнинг япроқлари кўк забаржаддан, навдаларининг айрим ўринларида сарғиш ёқутдан — дурдан ўнта юмалоқ ва порлоқ мевалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

34—40 Олтин дарахтнинг бутоқларида кичкина, чиройли қушчалар қўниб туради ∾ Баъзилари эса тумшуқлари билан порлоқ меваларни чўқиб туради./Олтин дарахтнинг турли шохларига кичкина қушчалар қўниб туради. Бу қушчаларнинг ҳамма аъзоси — оёқларидан бошлаб тумшуқларига қадар ранг-баранг қимматбаҳо тошлардан худди жонлидай ишланган эди. Уларнинг баъзиларининг қанотлари ёзилган, улар гўёки ерга қўнмоқчидай... Баъзилари эса тумшуқлари билан ҳалиги порлоқ меваларни чўқиб туради...

42—43 Дилдор, Хумор ва Асалхон соқийлик қилишди./Ойбодоқ, туркман гўзаллари соқийлик қилди.

*160-бет 43-сатри —161-бет 4-сатри*

Улар қопқоқларига йирик дур ∾ кумуш лаганларга терадилар./Улар қопқоқларига йирик дур ёки лаъли, жумраклари учига ёқут ёки забаржад қадалган, қорни ферузалар билан безалган кичкина кўзачалардан олтин пиёлаларга май қуйиб, кумуш лаганларга терадилар.

*161-бет*

5—6 Сўнг, орқага бурилмасдан, аста-аста орқага қайтадилар./Сўнг, таъзим билан бурилмасдан орқага қайтадилар.

6 букилмасдан,/юкунмасдан,

9—13 Ҳадичабегим кўпроқ ичиб, баъзи енгилликлар қила бошлагач, ∾ чолғучиларга, раққосаларга ишорат қилишди./Бу кун Ҳадичабегим ҳийла кўпроқ ичиб, баъзи енгилликлар қила бошлагач, саройдаги «тадбирли» кекса аёллар, ўзаро имо билан май тутишни тўхтатиб, сездирмаслик учун чолғучиларга, раққосаларга ишорат қилишди.

13—18 Ҳиротнинг машҳур созандалари ∾ майинлик ва ноз билан куйлашди./Ҳиротнинг махсус таклиф этилган машҳур созандалари ишга тушди: ғиччак, танбур, чанг, уд, най, даф янгради. Қўшиқчи аёллар туркий, форсий ғазалларни аёлларга хос майинлик ва ноз билан куйлашди.

18—21 Саройнинг раққосалари, гуруҳ-гуруҳ бўлиб- ∾ —Чапаклар иноқ қарсиллади./Ҳарамнинг раққосалари махсус кийимларда туркона, ҳинд, эрон рақсларини бажараркан, базм авжга минди. Чапаклар қарсиллади.

21—26 Баъзи аёллар гўзалларнинг шўх рақслари ∾ Сурмали кўзларнинг қора шуъласи яна ёрқинроқ ёнди./Баъзи аёллар гўзалларнинг шўх рақсларига берилиб, тоза ва кучли май таъсири остида, анча енгиллaниб, хушомадгўйликлар қила бошлади. Маст қаҳқаҳалар кучайди, пардоз билан қизарған юзларни май яна кучлироқ қизартиб, оловлантирди. Сурмали кўзларнинг қора шуъласи яна ёрқинроқ ёнди.

27—35 Ўйинчилар ноз ва эҳтирос билан ∾ сўнг яна катта уй саҳнида, ипак гиламларда учардилар. ∾ таъзим билан ўртадан чиқди./Ўйинчилар ноз ва эҳтирос билан мақомга «шох ташлаб», хинадан гулдор бармоқлари билан дудоқларини енгил тишлаб, Хадичабегим қаршисида имо билан кўз сузиб, қош учириб, кўкракларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

дириллатиб, даврани бир айлангандан сўнг, таъзим билан ўртадан чиқишди.

35—41 Кўзлар сабрсизлик билан янги ўйинчиларни кутаркан, ∽ Базм кутилмаган вақтда тамом бўлди./Кўзлар янги ўйинчиларни сабрсизлик билан қидириб тураркан, Хадичабегимнинг ишорати билан бир неча бўқча келтиришди. Бу — ҳар навъ аёл сарупоси — Хадичабегимнинг савғоси эди. Мусиқачилар ва қўшиқчилар юкина-юкина саруполарни қабул қилдилар. Зиёфат — базм кутилмаган вақтда тугади.

*162-бет*

1—4 Хадичабегим эътиборли аёлларга, меҳмонновозлик йўсинда ∽ эшикка қараб улуғвор юрди./Хадичабегим энг эътиборли аёлларга меҳмоннавозлик йўсинда, бир неча сўз айтди ва умум мажлисга «хуш қолинглар!» деб эшикка қараб улуғвор юрди.

4—7 Ҳовлида даста-даста шамларни баланд кўтарган ∽ хобгоҳга қадар узатиб, тарқалишди./Ҳовлида даста-даста шамларни баланд кўтарган ходимлар маликанинг икки томониға ўтди. Юзларча канизлар ва меҳмонлар орқада қий-чув билан хобгоҳга қадар узатиб, сўнг тарқалишди.

8—10 Хобгоҳда Хадичабегимни қизлар ешинтириб, кечалик кийимларини кийдиришди. У пар ёстуққа ёнбошлагач, Дилдор дарров унинг оёқларини уқалай бошлади./Хадичабегим ўз хобгоҳига киргач бир неча қиз уни ешинтириб, кечалик кийимларини кийдирди. У пар тўшакка ёнбошлагач, Ойбодоқ дарров унинг оёқларини авайлаб уқалади.

11—12 — буюрди Хадичабегим/— буюрди ётган жойида Хадичабегим.

13—14 Эшикка келганда букулиб чиқишди./эшик олдида юкуниб ташқари чиқишди.

15—16 Давлатбахт маликанинг ишорати билан эшик ва даричаларни беркитди-да, унга яқин ўтирди./Давлатбахт Хадичабегимнинг ишорати билан эшик ва даричаларни беркитиб, яқин ўтирди.

*162-бет 19-сатри —163-бет 3-сатри*

Давлатбахт шивирлаб деди: ∽ ҳозир бўл!/Давлатбахт Хадичабегимнинг бундай яширин топшириқларини бажаришда шу вақтгача бирон хатога йўл қўймағонлиғи учун, ўрнидан дадил туриб чиқишға рухсат тилади.

*163-бет*

4 Ўн иккинчи боб I/Саккизинчи боб

6—8 «Бинафша боғ» кўклам нурида чўмилади. ∽ шамоллар сарвзорларда изғийди./«Бинафша боғ» кўклам нурида чўмилар эди. Сарв оғочлари Ҳиндиқуш тоғларидан эсиб, Ҳирот вилоятига салқин нафас ёйиб ўтган шамолларда оҳиста чайқалади.

11 янги қордай/қордай

15—21 Навоий боғчада танҳо кезар эди. ∽ кўнгилни бўшатиш учун мурожаат қилган./Навоий боғчада, одатдаги каби ўз ҳамсуҳбатлари билан бирга эмас, танҳо кезар эди. У бир оз чарчаган. Чунки ҳар кунгидек, бу кун у



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўндан ортиқ кишининг арзи додини тинглаган эди. Елғиз девонда эмас, унинг уйига ҳам одамлар асло тортинмай келаберишар эди. Навоий қаерда бўлмасин, турли табақага мансуб одамлар ҳар навъ ўтинч, ёрдам, нажот истаб мурожаат қилар эдилар. Олимлар, шоирлар, катта кичик мансабдорлар, сарҳад беклари, деҳқонлар, косиблар, фақр талабалар, мусофирлар, навкарлар ва ҳоказо ҳаммалари ўз дардларини, машаққатларини шоирга очадилар. Жабр-зулм, ҳақсизлик кўрганлар унинг қошидан чиқаркан, дунёда адолат ва инсонлиқнинг мавжуд эканига чуқур имон билан тўладилар, фақр ва муҳтожлар унинг беминнат эҳсонидан, танти қўлидан мўл баҳраманд бўлиб кетадилар.

23—24 аста-аста юриб, очиқ саҳнга чиқди./аста-аста мевазор ясаш учун ажратган текис, очиқ саҳнга чиқди.

24—26 Бу ерда машҳур боғбон Дарвеш Ҳожи шафтолу, олиҳирот кўчатларини ўтқазмоқда эди./Бу ерда Ҳиротнинг машҳур боғбонларидан Дарвеш Ҳожи ёш кўчатларни — шафтолу, олиҳирот кўчатларини ўтқазмоқда эди. Соҳибкорнинг ишини томоша қилиш учун Навоий унга сари бурилди.

29 Узмай деди Дарвеш Ҳожи./Узмасдан деди боғбон.

30 Қайфлари нечук?/Ҳолингиз қалай?

32 ташвишимиз йўқ./камчилигимиз йўқ.

34 устоди/устози

35—36 Дарвеш Ҳожининг кичкинагина, жиккак, ҳаракати тез чўққи соқол чолнинг ишига диққат билан қараб турди./Дарвеш Ҳожининг ишига диққат билан қараб турди.

37 бир-бир кўздан/кўздан

38—39 Лекин боғбоннинг феълини/лекин феълини

39 айтишга ботинмади-да, ўзича ер остидан кулиб қўяқолди./айтишни фойдасиз билди.

*164-бет*

1—2 Ўжар, кажбаҳс эди./тунд, кажбаҳс одам эди.

5 қаерга ва қандай ўтказиш/ўтказиш

8—9 Жомий ҳам кула-кула кўп ерда ҳикоя қилган./Жомий ҳам бир кўп ерда кула-кула ҳикоя қилғон.

10—13 Навоий сўзлашга ботинмай ∾ берилиб кетди. Навоий /Навоий

14—15 ипак гиламга ўтирди./ипакдай майин гиламга ўтирди.

16 гиламда/қизил гиламда

8—9 Товуслар кўркам думларини елпиғич каби ёйиб, аста мағрур юришади./Товуслар қуёшда ажойиб товланган кўркам нозик думларини елпиғич каби ёйиб, аста мағрур юришади.

*164-бет 20-сатри —166-бет 16-сатри*

Соҳиб Доро бир қучоқ ∾ бир хонага кирди. Пешиндан/Пешиндан

17—31 Пешиндан кейин супага меҳмонлар келди. ∾ Ўқтинўқтин шеър ҳам тўқиб қўяди./Гулзор орасидаги йўлдан бир тўда киши чиқди, булар шоирлар, олимлар ёки ҳар икки хислатни бирлаштирган зотлардан эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Буларнинг ҳар бири ўзига хос сифатлари эл орасида шуҳрат қозонган шахслар эди: Мир Муртоз ёшликдан бошлаб, турли илмлар билан машғул. У «кеча тонг отғунча, кундуз оқшом бўлғунча» мутолаа қилади. Бирон киши у билан бирон масалада баҳсга киришдими, Мир Муртознинг ҳужумидан қутила олмас. Бунинг устига у шатранжга шундай ўчки, агар бирор ўйинчи унинг қўлиға тушса, ҳадди бўлсин қочишға! Икки ўйинчи йўлиқса, бири билан ўйнаркан, иккинчининг этагини маҳкам ушлаб ўтиради: мабодо қочмасин!.. Ўқтин-ўқтин шеър ҳам тўқиб қўяди.

31—43 Унинг ёнида ўтирган ўрта ёшли, қотма, кўзлари шўх олим ∾ бутун Ҳиротга овоза бўлганди./Шоир Мавлоно Хусравий ўз шеърлари ҳақида ғоят баланд даъво қилади. У ўзини ҳар бир шеърини мажлисда ё бирон дўстига ўқиб беришдан аввал бу тўғрида шундай муболаға билан мақтар эдики, шеърнинг нуқсонини билганлар, танқид қилишга илож тополмай қолар эдилар.

*167-бет*

1—2 Шоир Садр Котиб ҳамиша маст-аласт эди — на ҳаракатида, на сўзида табиийлик бор!/Шоир Садр Котиб ичкиликка қаттиқ берилган эди. Доимий маст шоирнинг сўзида, на ҳаракатида табиийлик сийрак кўрилар эди.

2—7 Шоир мавлоно Аёзий ўз шеърини мажлисга ўқиб беришдан аввал, ∾ киши илож тополмай қолар эди. ∾ Навоий Шайх Ҳусайн жарроҳга мурожаат этди./Озарбайжондан келган ва Навоийнинг улфатлари қаторига ўта билган Мавлоно Ғиёсиддин Деҳдорнинг хислатлари ҳисобсиз эди: У ҳар қайси фанда қизғин суҳбатлар қила олар, жуда таъсирли овоз билан ашула айтар, қиссахонликка бошлаганда, ҳайратдан ҳамманинг оғзи очилар, ҳар нав таом тайёрлашда ҳар қандай моҳир ошпазни йўлда қўйиб кетар. Бунинг устига у мислсиз тақлидчи эди. Навоийга учрашган куни у ўз хислатларини бир-бир кўрсатиб, ниҳоят шу вақтда бир чеккада турган бир қул ва бир чўрини тақлид қилғанда, бутун мажлис аҳли кула-кула думалашган эдики, бу воқеа тезда бутун Ҳиротга тарқалғон эди.

Навоий супадан пастга тушиб жамоани табассум билан қарши олди. Бир лаҳзада мулозимлар етишиб, супага кўрпачалар ёйишди. Навоий меҳмонларни юқори ўтказиб, ўзи қуйироққа чордона қурди-да: биринчи дафъа Шайх Ҳусайн жарроҳга мурожаат этди:

8—9 Ғоят нозик амалиётлар қилмишсиз, бизни ҳам огоҳ этингиз./Кўп нозик амалиётлар қилмишсиз, бизларни ҳам огоҳ этинг, махдум.

10—19 Тунд, камгап, кекса жарроҳ ∾ қўллаган янги усулни сўзлаб берди./Тилга олурга арзиғурлиқ бир нима йўқ, тақсир.— Камтарлик билан гапира бошлади машҳур табиб.— Подшоҳ ҳазратларининг паҳлавонларидан бирига рақиблар ханжар билан бағоят қаттиқ шикаст берганлар. Шундайки, бир баданда ўн саккиз жароҳат, барча заҳмларга илож қулай бўлса ҳам, лекин



www.ziyouz.com kutubxonasi

йиртилган ичакларнинг шифоси ҳийла мушкул эди. Ичакларни игна билан тикиб бўлмас деган мулоҳазаларни сўзладилар, камина бир қадар жасорат кўрсатди. «Мурчаи сулаймон», они бизнинг эл от қоринчаси дерлар, буни ҳозир этдим. Ичак йиртиқлари учун бир-бирига еткуруб, заҳмларга шул от қоринчасини қўйиб, миқроз билан кесиб, ичак йиртиқларин игна билан тикдим. Сўнгра қоринни тикиб, дору дармон ва парҳез билан шифоламоққа киришдим.

20—23 — Беморнинг аҳволи нечик?— ∽ жавоб берди ишонч билан табиб./— Беморнинг аҳволи нечик ҳолда?— Кўзларини табибдан узмасдан сўради Навоий.— Тобора яхшиланмоқда,— жавоб берди табиб.

24—27 Бутун Ҳирот хаста паҳлавонни ∽ — деди шоир Ҳофиз Ёрий./Яқин ўртада «Ҳавзи моҳиёнда» азм кураш бўлур,— гапга аралашди шоир Ҳофиз Ёрий.— Иншаоллo, сизнинг паҳлавонингиз ўз рақиблари билан беллашиб, аларни мағлуб қилғусидир. Бутун шаҳар бундай кунни зўр иштиёқ билан кутмоқда. Бу жиҳатга асло шубҳа қилмайман. Тасдиқлади Шайх Ҳусайн жарроҳ.

28—32 Умуман тиб илми ва жароҳатларнинг санъати ҳақида жуда мароқли суҳбат бошланди. ∽ эртакдек қизиқ воқеалар сўзланди./Тиб ҳақида суҳбат давом этди. Навоий турли маразлар, уларнинг сабаблари, касалларга турли ҳавонинг таъсири ва шифоси ҳақида, Ҳинд, Юнон, Араб ҳакимларининг таълимотлари тўғрисида бир кўп масалаларни ўртага ташлади. Шайх Ҳусайн жарроҳ камтаринлик билан, кўпроқ бошқа тиб олимларининг фикрларини олға суриб, маълумот бера бошлади. Бу нарса ҳеч кимни таажжублантирмади. Чунки ҳар бир илмнинг соҳиб вуқуфи билан шу тарзда жуда берилиб сўзлашар, қизиқадирғон масалаларни илдизи билан ўқуб олишга ҳаракат қилар эди. Боғча ичидин Хўжа Афзал билан Дарвешали чиқиб келиб, суҳбат бир зум кесилди. Вазирлардан бири бўлган ва ҳисоб илмида, дафтардорлиқ ишларида замонанинг мислсиз кишиси —Хўжа Афзал, мансабининг баландлигига қарамай, мутавозеъ киши эди, у Навоийни чуқур эҳтиром қилар, ҳар ишда ўзини унга яқин тутар, шоирнинг мажлисларида қатнашувдан катта завқланар эди.

Хўжа Афзал ва Дарвешали ўтириб, «Шархи Ҳусайн», кишининг мижози, бурудот ва рутубот ҳақида сўз очаркан қайдан бир зумда ёш йигит пайдо бўлди. У девонахонанинг паст даражали котиблари каби кийинган, кўзлари аллақандай қарорсиз, лекин кўринишда ғоят содда ва камтар эди. Қўлларини қовуштирғон ҳолда, узр тилагандай, тишини оқини кўрсатиб, бошини икки-уч маротаба эгди.

— Марҳамат қилинг, Абдулмалик,— беларвогина деди Навоий. Йигит бир четкага, ҳаммадан қуйиға тиз чўкиб, катта саллали бошини ерга солди. Баъзилар парво қилмади, баъзилар таажжублангандай, унга зимдан назар солиб илжайишди.

33—35 Сўз шеърга кўчди. ∽ «Рост айтилди, хўб айтилди»



www.ziyouz.com kutubxonasi

деб кулишдилар./Сўз шеърга кўчди. Мавлоно Ҳилолий яқинда ёзган ғазалини ўқиди. Навоий ингичка завқни ифодалаган бир тур билан шоирга тикилди.— Сиз шеърда Ҳилол эмас, бадр бўлибсиз, офарин»!— деди. Бу сўз кўпчиликка маъқул тушди.

— Рост айтилди,— деб кулишдилар.

*167-бет 39-сатри —168-бет 9-сатри*

Шоирларнинг ичи қизиди, ∾ хатоларни мулойим табассум билан астагина ишорат қиларди./Шоирларнинг ичи қизиди. Рангли қоғозларга заргар диққати билан чиройли битилган ғазаллар, муаммолар, туюқлар бирин-кетин ўқила бошланди. Сўнгги ва қатъий баҳо Навоийники ҳисобланар эди. Шоир «хос маъни, хос хаёл» нуқтаи назаридан асарнинг бадиий салмоқлиғини тайинлар, вазнда, қофияда, таркиб ва ҳоказода жуда нозик яширилган энг кичик хато, энг жузъий нуқсонларни у дарров сезар, баъзан мулойим, баъзан ингичка киноялн табассум билан ишора қилар эди.

10—13 Мавлоно Аёзий кўзидан соқолига қадар, ∾ — Махдум, не совға билан келдингиз?/Мавлоно Аёзий, енгил титраган қўлларида қоғоз ушлаб, ўз шеърини ўқишни сабрсизлик билан кутуб тураркан, Навоий сўради:

— Махдум, бизга не савғо билан келдингиз?

14 Шоирга/Мавлоно Аёзийга

16 Хусусиятлари/мазиятлари

18—19 — Бизга ҳам бирон сўз қолдирасизми?— кулиб мурожаат этди Навоий./— Махдум бизларга ҳам бирон сўз қолдирасизми?— бепарво деди Навоий.

20—22 — Андак сабр қилингиз,— ∾ деб билурмиз./— Андак сабр... зероки бу шарҳларни бағоят лозим деб топурмиз, давом этди Мавлоно Аёзий.

23 ёки бозорчилар орасидамизми?—/ёки чорсуда бозоргонлар орасидамизми?

25—26 — Мавлоно Аёзий бўлғуси ҳужумларга қарши улуғ сад ясамоқдалар, ғолибо!— деди чолғучилардан бири. /— Мавлоно бўлғуси ҳужумларға қарши сад ясамоқдалар, ғолибо!— деди бир котиб.

28 — киноя билан деди Навоий./қайд этди Навоий.

29—35 Мавлоно Аёзий бари бир тафсилий изоҳ берди. ∾ Сездирмай хўрсинди./Мавлоно Аёзий тафсилий изоҳдан сўнг, ғазални ўқий бошлади. Ҳеч бир мисра хатодан холи эмас эди. Тингловчилар ғазални киноя аралаш «баракалло!», билан қарши олдилар. Шоир бу хитобни мадҳ деб тушунгани учун, Навоий эътироз қилмади.

35—36 Адабий суҳбат ∾ давом этди./Адабий суҳбат кўнгилли серзавқ давом этди.

*168-бет 36-сатри —169-бет 15-сатри*

Ҳофиз Ёрий, ∾ қилиб турди./Фавқулодда истеъдоди беш юз минг байт чамасида бўлган асарлари, бир кўп маъноларни, ишораларни ўз ичига олган «тарихлари» ҳақида, Ҳиротда кўриниш берган янги шоирлар ҳақида сўз кетди. Машҳур ҳаттотларнинг санъатлари устида мусоҳабалар бўлди. Устод Қулмуҳаммад, Шайх Нойийларнинг мусиқийси гулзорларни сеҳрли садоларга тўл-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дирди. Дастурхондаги неъматлар боғчанинг манзаралари сингари рангин косалар, пиёлалар, қадаҳларнинг гуллари баҳор чаманларидай жонли, нафис, бой эди. Қизил духоба гулбаргидай тоза май кўзларга наъша, суҳбатга қизғин жонлилик бағишлади. Ҳиротнинг майпараст шўх шоирлари, серзавқ чол олимлари мударрислари ҳазил ва мутойибага киришишди. Ҳатто, анча дағал, пардасиз ҳазиллар ҳам ҳеч ким томонидан эътирозга учрамади. Алалхусус мутойибачи мавлоно Абдулвосьенинг баъзи ҳажвлари, унинг баъзи мажлисларда кўрсатган қилиқлари, ҳазиллари ялпи, давомли қаҳқаҳаларга сабаб бўлди. Ҳамма меҳмонлар каби Навоий ҳам, умумий хурсандчиликка берилиб, кўп ичди, кўп кулди, ўзига қаратилган ҳазилларга сўзнинг ўткур порлоқ тиғлари билан «ҳозиржавоблиқ» қилиб турди.

15—20 Хўжа Ғиёсиддин ўзининг нодир истеъдодларини кўрсатди. ∽ ўлтирганлар ўринларидан қўзғалолмай қолдилар./Ниҳоят, машҳур олим Ғиёсиддин Деҳдор ўзининг нодир сифатларини кўрсатишга бошлади. У шўх йигитчадай ажойиб усталик билан рақс этди, форсий, туркий куйлар куйлади. Баъзи машҳур зотларни шундай гўзал тақлид қилдики, ўлтирганлар кулгидан ўринларидан қўзғалолмай қолдилар...

21—33 Меҳмонлар тарқалди. Улар кетидан Хўжа Афзал, Дарвешали, яна шоирга яқин бир неча мансабдорлар кириб келишди. ∽ Шоир бирдан бошини кескин буриб, Хўжа Афзалга қаради./Меҳмонлар тарқалди. Навоий Дарвешали ва Хўжа Афзал билан бирга тетик одим отиб, енгил, ҳавоий кўшкка, нақшлари уфуққа оғаётган қуёш нурларида рангли оловлар билан ёнган ошиёнга чиқди, панжарага суялиб ўтирди-да кўзларини узоқларга, шамолларда енгил тўлқинланган боғчаларға, оғочликларга тикди. Зангори осмонда «от туёқ» шаклида ёйилган момиқ булутлар сокин юзарди... Навоий бирдан кўзларини Хўжа Афзалга қаратди.

34—35 — Паришонлик... Кечирингиз, ғолибо, бирон нима сўзламоқ истайсиз.../— Паришонлиқ... Кечиргайсиз, мақсадни оча беринг?— деди шоир.

36—39 — Жанобларини баъзи ишлардан огоҳлантирмоқ ниятида эдик. ∽ Хўжа Афзал Навоий томон энкайиб. /Хўжа Афзал майдан кўзлари қисилган Дарвешалига, сўзланг дегандек ишорат қилди. Дарвешали фаҳмламагандай, сукут этди.

— Мир ҳазратларини баъзи жиҳатдан огоҳлантирмоқчи эдик,— деди Хўжа Афзал шоир томон энкайиброқ.

40—41 — деди Навоий сергакланиб./— сергакланиб деди Навоий.

*170-бет*

1—14 Хўжа Афзал, Муҳаммад парвоначи ўз дўсти қиморбоз Амир Мўғулни Астробод ҳокими этиб ∽ Уларнинг кирдикорларига шерик бўлмоқдадир!/Подшоҳнинг атрофини бир тўда нобоп, мансабпараст одамлар ўраб олганки, оқибати яхши бўлмаса керак.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бир тўда телба итлар ўраган, десангиз яна тўғрироқ бўлур эди,— гапирди шоир хафаланиб,— тунлари шоҳона базмда қутуриб ичадилар, алардан анвои аҳмоқликлар содир булади. Кундузлари шаҳар, кент кезиб, эл талайдилар. Подшоҳ ҳам улар орасида ўзини қоплон гумон қилар ва уларнинг кирдикорларидан балки завқланур.

15—28 Бу сўзлардан чўчиб кетгандек, ҳамма ерга қараб сукут қилди. ∾ гапга аралашди қари, кўзи заиф мансабдор./— Подшоҳ ғафлатда!— сўзга аралашди Дарвешали.—Ғафлатдан уйғотишга, адолат ва ҳақиқат йўлига етаклашга ғайрат қилурмиз,— ишонч билан деди Навоий.— Сизнинг кўнглингиз иқболингиз қадар баланд ва офтобдай софдир,— гапирди Хўжа Афзал,,— лекин улар подшоҳга ёруқ юзларни қора, пок ниятларни ифлос қилиб кўрсатмоқчилар. Фитна-фасод тухимини сепмоқдалар.

29 — Бизнинг элда бир яхши мақол бор,— деди Навоий табассум билан,— ит ҳурар, карвон ўтар!/—Туркийда яхши бир мақол бор,— деди Навоий табассум билан — ит ҳурар, карвон кечар.

*170-бет 31-сатри —171-бет 9-сатри*

Дарвешали бирдан бошини кўтарди, мўйлабини тишлади. ∾ Шамки, тўғри адилдир — куйса ҳам бошдан оёқ нур бўлиб қуюр./Дарвешали ўз оғасидан бундай юмшоқлик эмас, балки кескин чораларни, ҳаяжонли бир нутқни кутган эди. У бошини кўтариб, қизғин ҳисларини яшира олмасдан деди:

— Сизга ҳасад қиладилар, сизни кўра олмайдилар. Мажднддин Муҳаммад хар бир қадамда сизга тош отади! Хўжа Афзал бошини силкиб, тасдиқлади. Навоий Дарвешалига кинояли илжайиб қаради-да сўнг жиддий ва вазмин оҳанг билан сўзлади:— Иним, бу турфанинг ниятларидан биз бехабармизми! Маждиддин Муҳаммад ким? Ундан бадтаринлар ҳам бор. Подшоҳга шерик бўлмоқни даъво қилғонларни ҳам кўрдик. Одам боласи бўлсангиз, халқнинг ғамини енг, юрт учун жонни фидо қилинг. Ҳақиқатларнинг ҳақиқати бу йўлдир. Ўзгалар эгри бўлса, сиз уларга эргашманг. Чақмоқ қанча баландда чақмасин, эгри бўлганлигидан ернинг қаърига борар, шамки, тўғри-турадир, куйса ҳам бошдан оёқ нур бўлиб куяр.

10—11 — Майдонни душманларга таслим этмоқ яхши эмас, демоқчи эдим,— деди қизориб Дарвешали./Майдонни душманларга таслим этиш яхши натижа бермаса керак, деб ўйлаймиз,— деди Хўжа Афзал.

12—15 — Бағоят тўғри мулоҳаза, ∾ холис ният билан киришмоқ лозим./Бағоят тўғри мулоҳаза,—қўл ҳаракати билан тасдиқлаб, деди Навоий,— бироқ, ҳар бир масаланинг ҳалига тадбир ва корсозлик билан киришмак лозим.

16 Албатта!— деди бир неча киши бирдан/Албатта... миён шиканад,—ўз-ўзига айтгандай қилиб гапирди Хўжа Афзал.



www.ziyouz.com kutubxonasi

17—25 — Биз юрт кўкидан зулмнинг қора булутларини қувмоғимиз керак,— давом этди Навоий.— Кимдан халққа жабр-зулм содир бўлса, у бизнинг беомон душманимиз бўлғусидир. ∾ Қамина учун бу — ҳақиқатларнинг ҳақиқатидир./— Юрт кўкидан зулм булутини қувишимиз керак,— давом этди Навоий,— кимдан зулм содир бўлса, у бизнинг беомон душманимиз бўлғусидир. Алҳамдулилло, зулм тиғини, қўлимдан келгунча, ушатмакдамен. Мазлум жароҳатига интиқом малҳами қўймоқдамен. Зулм аҳли хусусида подшоҳнинг олдида ҳам арз қилурмен....

*171-бет 7-сатри —172-бет 14-сатри*

Навоий ҳар кун ∾ қуруққина хайрлашди./Дарвешали билан Хўжа Афзал ижозат тилаб ўринларидан турдилар. Навоий бир неча дақиқадан кейин мулозимни чақирди, от эгарлашни буюрди. Қашланиб, тозаланган гўзал отга мулозим ёрдами билан миниб, шошмасдан этакларини қайириб, шоир деди:

— Сўрасалар, ҳазрат пир ҳузурига кетди денг. Мулозим қўл қовуштириб, бошини енгил силкди. Ғурубнинг олтини дарахтлар учида майин мавж билан ўйнар эди. Ҳирот оқшоми жонли. Бозордан, далалар, боғлардан қайтаётган ҳар турли касб ҳунар одамлари билан кўчалар тўла. Ана бугун майдонда ажойиб ўйинлар кўрсатган фил лапанглаб келаётир. Юзларча болалар қий-чув кўтариб, филни кузатиб борадилар.

14—19 Саройдан чиқиб, отни «Хиёбон бошига» ҳайдади. ∾ таниш хизматкор югуриб чиқиб жиловни тутди./Шаҳардан ташқарида «Хиёбон бошида» шоир эшик олдида отдан тушди. Эшикни итариш билан, ичкаридан таниш мулозим чиқиб, отнинг жиловини тутди.

19—25 Навоий ташқари ҳовлининг тўридаги икки даричали ∾самимий, меҳрибон кўришди./Навоий ҳовлининг тўридаги ташқи жиҳатдан кўримсизгина уйга кирди. Уй соҳиби олтмиш ёшларга кирган, оқ кўркам соқолли, катта саллали чол, Навоийнинг эътирозига қарамай, хурсандлик билан ўрнидан туриб, Навоийнинг қўлини дўстона сиқди.

25—29 Бу — мавлоно Абдураҳмон Жомий эди. ∾ улуғ шоир, олим ва мутафаккир.../Бу Жомий эди. Замонасининг улуғ олим ва мутафаккири, шеърий, илмий асарлари билан овозаси ўз юртидан узоқларга кетган.

29—43 Бутун мамлакатнинг олимлари, шоирлари акобир ва аёнларигина эмас, ∾ кейин жуда ўнғайсиз ҳолга тушиб, қизарганликлари нодир воқеалардан эмасди. /Шаҳарнинг уламо, шуаро ва акобирларигина эмас, балки, мамлакатнинг шоҳлари, шаҳзодалари ҳам ўзларини унга яқин тутишга интилишларига қарамай, Жомий содда, камтар кўринар эди. Жомийнинг донғини эшитиб, заррин жомаларга беланган ғоят серсовлат, серҳашам бир шахсни ўз тасаввурида яратган баъзи одамларнинг ҳақиқий Жомий билан биринчи марта учрашганларида қўпол матодан тикилган дарвешона либосли бир кексани кўриб: «Бу ҳазрат Жомийнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматкорларидан бўлса керак» деб ўйлаб, кейин жуда унғайсиз вазиятга тушарак, қизарғонлари нодир воқеа эмас эди. Лекин озгина диққат этган киши бу зоҳири соддалик ва камтарлик орқасида ўз маънавий кучи ва афзаллигига ишонган шахсни, ҳаракатларининг мулойимлигида ички қудратни сеза олар эди. [Юқоридаги,. Навоийнинг келиш сабаби ҳақида бир ишора керак.]

*173-бет*

1—5 Жомий меҳмонни юмшоқ пўстакка ўтқазди. ∽ оқ соқолини силаб қўйчб./Жомий меҳмонни юмшоқ пўстакка ўтқазиб: «жанобларини кўрмакка бу кун кўнгил филҳақиқат муштоқ эди»... деган навозиш билан дарчанинг олдига ўтирди.

7—8 — Менинг кўнглим ҳар соат ∽ машаққатлардан қутилмоққа имкон йўқ,— деди Навоий./Навоий «бандангизнинг кўнгли ҳар соат сизга муштоқлиқ ҳис этади. Не қилайлиқки, юрт ва улус машаққати»...

9—12 — Узрингизни тангри ҳам қабул қилур. ∽ Бу нав заҳмат — машаққатлар аслида фароғатдир./— Узрингизни тангри ҳам қабул қилур, наинки, биз янглиғ бир зарраи ҳок ..— гапирди Жомий — улусга холисанулло хизмат баҳоят нодир кўнгилларнинг муҳаббатидур. Бу нав машаққатлар инсони комил учун асли фароғатдир.

13—18 Навоий давлатда рўй бераётган тартибсизликлардан, ∽подшоҳга айтмоқ лозим./Навоий чолнинг, ҳол-аҳволини сўрагандан кейин одатдагича жонли самимий илиқ суҳбат бошланиб кетди.

19—20 Бу икки шоир ёш фарқига қарамай, тарихнинг эгиз фарзандлари эди./Ёш жиҳатдан орада қандай фарқ бўлмасин, бу икки шоир тарихнинг эгиз болалари эди.

22—25 Навоий ўз отаси тенгли Жомийни дарёйи илми, ∽ устод каби ҳурмат қилади./Навоий ўз отаси тенг Жомийни дарёйи илми, шеърда забардаст қалами, унинг олижаноб қалби учун севади, устод каби ҳурмат этади.

25 Жомий ҳам Навоийнинг айни фазилатлари учун севади./Жомий эса ёш замондоши Навоийга энг истеъдодли шогирдларидан деб қарашдан узоқ.

26—31 Асрларча шоирлар қуруқ тиканзор деб билган ∽ ёрқин гулдасталар ясаган ва мақсад йўлининг тошлиқларидан ∽ бу «икки тилли» шоирга тан беради. /Асрларча шоирлар қуруқ тиканзор деб билган туркий тилида ажойиб чаманзорлар кўра олган ва улардан хирмон-хирмон тоза, ёрқин гулдасталар ясай олган ва мақсад йўлининг тошлиқларида темир ирода билан одим отган ва кўп турли қобилиятлар ўз шахсиятида жам айлаган бу шоирга тан беради,

*174-бет*

3—13 Навоий тарихда ∽ ижозат тилади./Хуфтон намозидан кейин, токчада ёниб турган шамни ўртага олиб қўйиб, китоб мутолааси бошланди.

13—16 Жомий тепасидаги токчага қўл узатиб, ∽ бирини чиқарди-да, кулимсираб деди:/Жомий тепасидаги токчага қўл узатиб, қалингина бир китобни олиб, унинг ичига



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилғон айрим, кесик қоғозлардан бирини чиқардида, кулимсираб деди:

17—19 — Мир, сиз кўнгил дарёйингиздан бир дурри бебаҳо чиқарибсиз, халқ орасида бисёр шуҳратга сазовор бўлибди./— Мир, сизнинг таъбингиз дарёсидан бир дурри бебаҳо чиқарибдурсизки, эндилик халқ орасида бисёр шуҳратга сазовор бўлибдур. Ҳазрат подшоҳга ҳам он чунин мақбулдурки, таърифидан ожиздурбиз.

19—21 Уни биз ҳам татаббу этдик ва бу услубда бир нима ёзмоққа ҳаракат қилдик. ∽ — қоғозни Навоийга узатди./Они биз ҳам татаббу қилдик ва бу услубда бир нима тайёрлашга ҳам саъйи этдик. Шояд жанобларига мақбул тушкай... Жомий Навоийга тикилиб, бир япроқ шилдирама қоғозни узатди.

22—26 Навоий кўзларини Жомийнинг чиройли ёзувлари устида югуртди. ∽ Жомий томонидан ёзилган форсий намунаси эди:/Бу Навоийнинг «Очмағай эрдинг жамоли олам аро кошки» ғазалининг айни баҳр, айни қофия ва радиф билан Жомий томонидан ёзилган форсийча намунаси эди. Навоий шамга томон энгашиб, қоғозга кўз ташлади:

29—31 Навоий ғазални шавқ билан товуш чиқариб ўқиди. ∽ доно кўзларига тикилди./Навоий ғазални олдин ичида ўқиб, сўнг самимий, қизғин шавқ билан яна бир топқир товуш чиқариб ўқиди-да чолнинг ўсуқ қошлари орасидан ҳарвақтдағи каби сокин, ишончли, доно кўзларига тикилди.

32—36 — Бизнинг ғазалимиз эл орасида бир қадар шуҳрат тутгани ҳақида ривоятлар бор,— деди Навоий ∽ бу бадиангизнинг шуҳрати жаҳонни тутиши муҳаққақдир./— Бу фақирнинг туркий машқларига назар илтифотлари учун не тил билан ташаккур этгумни билмаймен,— деди Навоий.— Бизнинг бу ғазалимиз эл орасида бир қадар [бир нима] шуҳрат тутмиш эди, сизнинг холис дур ва гавҳардан чизилмиш бу бадиангизнинг шуҳрати офоқни тутиши муҳаққақдир.

37—38 Жомийнинг кўзларида, соқолларида самимий, оққўнгил табассум тошди./Улуғ шоирнинг юксак мадҳи Жомийнинг юзи ва соқолларида самимий, оққўнгил табассум тошди.

40 қалам, довот/довот ва қалам

*175-бет*

1—2 — бу нусхани сиз учун махсус кўчириб қўйган эдим. /— бу нусхани фақир сиз учун махсусан ҳозирлаб қўйган эдим.

4 ортди./ошди.

5—7 Навоий қоғозни авайлаб тахлади-да, киссасига солди ва хўшлашди. Жомий уни ташқи эшикка қадар кузатиб қўйди./Навоий қоғозни диққат билан авайлаб тахладида, киссасига солди.

8—16 Хуфтондан кейин ∽ кечага қадар кенгашди./Аксар ўлтиришларда улар суҳбатдан кейин китоб мутолаа қилишар эди. Баъзан Навоий, баъзан Жомий ўқир, ҳар мавзу устида мулоҳаза юритишар эди. Бир кўп



www.ziyouz.com kutubxonasi

эрон классикларини — гарчи улар ёшликдан бери кўп ўқуғон бўлсалар ҳам — такрор мутолаадан завқланишар эди. Баъзи вақтларда Ҳиротнинг машҳур олим ва донишмандлари йиғилғонда, жонли, ҳароратли мунoқиша ва мубаҳасалар бошланиб кетар эди. Жомий билан суҳбатда ва бирга мутолаада Навоийни кўпинча қизиқдирғон нарса — фалсафа ва тасаввуф таълимоти бўлар эди. Жомий бу баҳсларда ўз даврининг энг комил устодларидан ҳисобланар эди. Фалсафага доир қалин арабча китобни ёзиб, аста варақлаб бобларни кўздан кечира бошлади-да, бирдан китобни ёпиб. Навоий

19—26 Маждиддин ўзининг подшоҳдан тилиб олган ∾ мавлоно Шаҳобиддиннинг кайфи жойида эди./...ярашга етадиган мўл эди. Ҳафталаб ичишга одатланган беклар кўп ичиб, озроқ овқат тотиб, қизариб, бемалол суҳбатлашар эдилар. Фақат мадраса калтакесаги, қонсиз Шаҳобиддиннинг кайфи ҳийла жойида эди.

26—28 У меҳмонларнинг қайбири билан ∾ таклиф этилмаганидан шикоятланди./Бу ердагиларнинг қайбири билан ҳазил мутойиба қилишни билмасдан, мавлоно Абдулвосеънинг бугун таклиф этилмаганидан шикоятлана бошлади.

29—32 Маждиддин парвоначи кўзларини айёрча қисди.
— андак музокараларимиз бор.../— Тақсир, букун биз ул зотни қасдан дават этмадик,— деди кўзларини айёрча қисиб Маждиддин,— андак музокараларимиз бор...

33—34 — Ўзингиз ҳам мутойиба, латифа устодларидансизку, бошлайверинг,— деди Амир Мўғул./— Қизиқчиликда сиз ҳам ўткурсиз-ку, қани, бошлайверинг,— деди Амир Мўғул Шаҳобиддинга қараб.

35—37 — Йўқ жаноблар, мен аркон давлат ∾ тарк этдим,— қўлини силкиб деди Шаҳобиддин./— Йўқ, жаноблар, мен давлат арбоблари, амирлар билан ҳазиллашмақни илалъабад тарк этдим.

*176-бет*

1—2 — Сабабини биламиз,— деди ∾ — Алишер таъзирингизни берибди-да./— Сабабини биламиз,— киноявли кулиб деди беклардан бири,— Алишер таъзирингизни берибди-да.

3—5 — Бу жиҳатдан биз бехабармиз, ∾ бачкана қилиқли мансабдор Хўжа Хатиб./— Бу жиҳатдан биз бехабармиз не воқеа?— сўради қулоғини диккайтириб Хўжа Хатиб Шаҳобиддиндан.

6—9 Бир мажлисда Алишернинг ∾ — қиҳ-қиҳ кулиб гапирди Шаҳобиддин./— Мажлисда Алишернинг менга қаратган бир мутойибасига шул онда жавоб берган эдим, бағоят хафа бўлибдилар,— жавоб берди Шаҳобиддин.

10 Шоирни!— керилиб деди овчи беклардан бири/шоирни,— керилиб гапирди бир бек.

11 очилганига суюнди./очилганидан суюниб кетди,

12 жалб этмоққа/жалб этишга



www.ziyouz.com kutubxonasi

15—20 — Шукур қилинг, тақсир! ∾ қулингиздан не келур эди./— Шукур қилинг, тақсир. Ҳозирги мавқеингизни, бу мажлисларни ўзингиз учун олло таолонинг улуғ неъмати деб билинг!— У бир нафас тўхтаб сўнг устадона бир тур билан давом этди.— Ҳайрат ва саросимангизни ҳозир йўқотурмиз, жаноб Шаҳобиддин! Алишернинг дастпанжаси зарбини ҳали сиз тотмабсиз. Ҳирот каби рубъи маскунда, мислсиз бул шаҳардан сиз жанобини ҳайдаса, ўзга ерларда ғариб ва мусофир тентирасангиз қулингиздан не келар эди.

21 — Садағанг бўлай, мендан не гуноҳ содир бўлди? /— Садоғанг бўлай, ҳомийи адолат, мендан не гуноҳ содир бўлди?

22—23 — Олло таолло бундай қора кунни ∾ катта очиб деди Шаҳобиддин./— Олло таолло бундай кунни ҳеч бандасига кўрсатмасин!— маст кўзларини катта очиб деди Шаҳобиддин.

24 Маждиддин хахолаб, кафтларини бир-бирига урди. /— Ҳа-ҳа-ҳа,— кафтларини бир-бирига уриб кулди Маждиддин.

26 Юртдан ҳайдалмадими?/Ўз юртидан ҳайдалмадими!

27—30 Мавлоно Биноий ∾ хўмрайди парвоначи. Мавлоно /Мавлоно

31—38 — Мавлоно Биноий Алишернинг тарбияси соясида ∾ — деди бўғилиб Шаҳобиддин./— Мавлоно Биноий Алишернинг тарбияти соясида ном ва шуҳратга эришди. Бинобарин ҳар ерда ўз устози ва мураббийсини масхаралашдан завқланади. Ҳиротдан жўнашда ҳам эшаги учун «Тўқими Алишер» деган бир балони ихтиро этиб, оламга сурон солиб кетди. Алишерга мен қандай ёмонлиқ қилдим?— гапирди бўғилиб Шаҳобиддин:

39—42 — Мавлоно Биноийнинг ҳам ўзга айби йўқ, ∾ Шунинг учун уларни мазах қилади./— Мавлоно Биноийнинг ҳеч жиҳатдан айби йўқ.— Қатъий гапирди Маждиддин.— Биноий туркийда шеър сўйловчиларни мазах қилади, холос. Чунки, унинг эътиқодича, туркийда шеър сўйламак беҳуда ҳаракат...

***177-бет***

1—8 Мавлоно Шаҳобиддин аччиғига чидолмагандек, ∾ чироғи ўз кулбаларини ҳам ёритмоқдан ожиздир./— Навоийдан бошқа, ҳамма олим бу даъвони ҳақиқат деб билади.— Балли, биз ҳам шу мулоҳазани маъқуллаймиз,— чанқоғонлардек шаробни иштаҳа билан ютиб гапирди Шаҳобиддин,— гарчи бу тўғрида Навоий билан очиқ мунозара қилмадик... Фирдавсий, Низомий, Шайх, Саъдий, Ҳофиз Шерозий янглиғ шеър самосининг офтоблари жаҳонни нурга тўлдирса, бизнинг туркийгўйларнинг қора чироғи ўз кулбаларини ёрутмаслар.

9—11 Эронки, шеърнинг ва илмнинг хазинасидир, ∾ у лисонда ёзмоқ керак.../Эронки, шеърнинг ва илмнинг хазинасидир, унинг лисонини олло таолло азалда илҳом булоғи билан суғорибдур. Бас, у лисонда ёзмок лозимдир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

12—19 Доимий ичкилик ва қимор ∽ Буларни ҳам тингловчилар, суювчилар бор./— Тақсир, фикрингиз тўғри,— гапга аралашди Амир Мўғул — бироқ, бу томонини мен ул· қадар эътибор бермайман. Майли, булбуллар қаторида бизнинг турумтойлар ҳам сайрай берсинлар, андак завқи бор инсон ўзи қулай фарқ қилиб олади.

20—38 — Эшитишимча, Навоий созининг овозаси ∽ билмадим, яна нималар ўйлаб чиқарар экан!/Мен бошқа, муҳим жиҳатни эслатмакчиман.— Бир нафас тўхтаб, шаробни томоғига ағдариб давом этди у — ҳамма бало шундаки, Навоий Хуросон давлатини ўз қўлига қамраб олди. Жамики ишларга, жамики мансабдорларга ип солиб қўйғон у. Иш унинг таъбига мувофиқ тушмаса, дарҳол ипни тортиб қўяди. Бу — тилсимдай қоронғу, чуқур нарсадур. Ахир, ота-боболари Темурга ва унинг авлодига қул янглиғ хизмат қилғон бекларда букун ихтиёр қолмади. Маълумки, давлатнинг тираги беклардир. Улар ўз вазифаларини ҳамиша тамом мустақил бажармишлар. Навоий давлатда қадим русум ва қоидаларни яксон қилмоқда. Шаҳарлар, вилоятлар ҳокимлари ҳам ҳисоб китобини қўлтиқлаб, бўзчининг мокисидай, Ҳиротга югуруб туриши керак эмиш. Навоий халқ, адолат, қонун пардаси остида бузғунчиликка, фитна-фасодга йўл очмоқда.

*177-бет 39-сатри —178-бет 2-сатри*

Амир Мўғул кўпчиликка таъсир кўрсатди. ∽ диққатини жалб этгач, қизишиб гапирди:/Маждиддин, суҳбатни текис олиб бориш мақсадида, соқийға ишорат қилиб, майни тўхтатишга буюрди. Амир Мўғулнинг фикрлари ҳаммани ўйга солган эди. Маждиддин қўша-қўша қимматбаҳо узукли бармоқлари билан соқолини қашиб, ҳеч кимдан садо чиқмағач, гапира бошлади.

4 корсоз давлат арбоби/давлат арбоби

5 ўзга гап эмас./ўзга нарса эмас.

8—9 муҳтарам қозиларимизни, амалдорларимизни/қозиларни ва амалдорларни

12 бениҳоят кўп шикоятлар ёғила бошлади./шикоятлар ёмғирдай ёғилади.

13 ҳамоқатдир./балки ҳамоқитдир.

15—39 — Подшоҳимизга ачинамен,— деди бошини қайғули тебратиб Хўжа Хатиб.— ∽ Бу гапларни эл орасида рўй-рост сўзламоқ керак, жаноб қози!— деди Маждиддин./— Подшоҳимизга ачинамен,— бошини тебратиб гапирди Хўжа Хатиб.— Алишер эл ва улусга ўзини яхши кўрсатур, мамлакат унинг гуруҳи қўлида ўйинчоқ бўлур, деб хавф кўп замондан буёндур кўнглимни заҳарлайди. Навоий адолатининг орқасида зулмат, зулмат, зулмат!— қичқирди Шаҳобиддин,— ҳақ сўзни дедингиз, жаноб.—Далил ва исботми, даркор,— туман, туман. Хотир шарифларингиз учун бир далил: Камина ўз, азиз умрининг гулини, фикрининг жавҳарини сарф этиб, бир асар вужудга келтирдимки, нафсул-амрда, бу каби асар на араб, на форс, на ҳинд лисонида мисоли йўқдур. Камина бу асаримда «Қуръони карим»



www.ziyouz.com kutubxonasi

«оят» ва «сура»ларини бағоят осон топиш йўлларини кўрсатдимки, ҳар бир мусулмон учун фойдалидир. Бовужуд, саъй — ғайратимга назар солмадилар. Мадрасаларнинг эшиклари камина учун ёпиқ... Навоий атрофида жам бўлган ҳам мадрасаларимизда дарсгўйлик қилувчилар илм ҳайъат, риёзат, мантиқ кабн динга раҳна солғувчи, мусулмонларнинг пок эътиқодида шубҳа туғдирувчи илм аҳилларидирлар. Қани дини диёнат, қани адолат!

— Бу гапларни эл орасида рўй-рост сўзламоқ керак, махдум!— деди барлослардан бири.

40—41 Мажддиддин соқийга — жуда яхши кийинган, нозик, чиройли йигитчага — ишорат қилди./Мажддиддин соқийга ишорат қилди.

*178-бет 42-сатри —179-бет 3-сатри*

Мастлик дилларнинг қулфини очди. ∾ шаҳарларга, бутун-бутун вилоятларга эга бўлиш тўғрисидаги хаёлларини черта бошладилар./Беклар баҳодирона тур билан ичиб, еб, кўнгил сирларини оча бошладилар. Ҳатто шоир вазирга қулоқ солган шоир подшоҳдан шикоятландилар. Бутун-бутун шаҳарларга, бутун-бутун вилоятларга эга бўлишни орзу қилғон бу очкўзлар хазинадан олган туман-туман олтин-кумушни назар писанд қилмас эдилар. Нима учун Муҳаммад Музаффар Барлос подшоҳга шерик бўлади-ку, улар бу ҳуқуқдан қуруқ қолади! Нима, улар оз хизмат кўрсатканмилар!

Мажддиддин Муҳаммад ҳамма айбни, ҳатто подшоҳнинг тадбирларидаги нуқсонларни, хатоларни Навоийга ва унинг изидан борувчи баъзи амалдорларга юклаб турди.

4—11 Улфатчилик энг қизиган пайтда, лапанглаб мағрур Тўғонбек кириб келди — ∾ Мажддиддининг ёрдами билан кириб олишга мувоффақ бўлган эди./Улфатчиликнинг энг қизғин пайтида Тўғонбек кириб келди. Эгнида заррин ёқали қимматбаҳо чакмон, бошида мўғулча бўрк, белида қимматли тошлар билан ишланган сербар камар, қўлида кумуш бандли қамчин... Мажддиддин ёрдами билан Тўғонбек Хусайн Бойқаронинг Хадичабегимдан туғилган ўғли Музаффар Мирзонинг — ҳали жуда ёш шаҳзоданинг — хос йигитлари қаторига киришга мувоффақ бўлган эди.

12—32 Маст беклар Тўғонбекнинг тақир сипқирилган қадаҳидан атайлаб бир қатра қолдиқ томдиришга тиришдилар.

∾Даккам-дуккам қизғиш мўйлабини артиб, тишлари орасидан узоққа, гулзорга «чирт» этиб тупурди-да, бемалол чордона қурди./Маст беклар янги меҳмоннинг тақир сипқирилган қадаҳидан атайлаб бир қатрача қолдиқ ахтариб, қадим одатларнинг хотираси учун тўққиз марта тутишга жазм қилишди. Эски одатларнинг эзгулигига чуқур ишонган Тўғонбек эътироз қилмади, ёлғиз кинояли илжайиш билан ва табиатидаги дағаллик билан тўнг пўнғиллади: «Боболарнинг арвоҳини шу ангишвона билан қувонтирамanми»! Тўғонбекнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

«ангишвона» degani — катта қадаҳ эди. Беклар, қадимнинг бўлимли йигити, деб Туғонбекнинг елкасини қоқдилар. Катталиги кўчманчи қимизхўрлар қимиз ичадиган идишдай ҳитойи асил бордоқ келтирилди. Соқий қаторлашган кўзачалардан лим-лим қуя берди, Туғонбек чўкка тушиб чанқовдан оғилни бузиб чиқиб, дуч келган ариқни очкўзлик билан симирган буқадай, катта ютумлар билан ича берди. Ҳар гал бўшатганда бордоқни бир мунча вақт тўнкариб туради. Бир томчи силқмайди.— Соқийға узатади. Одамлар маст кўзларини сузиб, қизиқиш билан қараб туришади ва шароб қуйилар экан, бордоқнинг четидан тошиб тушмаса, қичқиришади: Қуй, қуй, Жайҳунни ҳам қуритади бу! Ниҳоят, Туғонбек тўққизинчи бордоқни сипқириб, тўнкарди, даккам-дуккам қизғиш мўйлабини артиб, тишлари орасидан узоққа, гулзорга чирт этиб тупурди-да, чордона қурди.

— Йигит-да!— Хўжа Хатиб Туғонбекни кўрсатди. /Йигит-да!— деди Туғонбекка меҳмонлардан бири.

35—39 Чоғир мажлиси яна қизиди. ∾ анча малака ортдирганлиги ва ҳоказолар тўғрисида гапирди./— Букунгилар қўлида саркарда бўлишдан Чингизхонга навкар бўлганим ортиқ эди,— секингина деди Туғонбек.

Ўлтириш яна қизиб кетди. Мавлоно Шаҳобиддин учиб қолиб, ўликдай чўзилди. Туғонбек бошқалари қатори ўз галида ичиб, бир қадар тилга кирди. Музаффар Мирзо бошлиқ эллик йигит билан овга чиқиб, ўн кунлаб яхши ов қилғанлиғи, ёш шаҳзода ўқ узишда анча малака ортдирганлиги ва ҳоказо ҳақида гапирди.

39—40 Овчилик ҳам қушлар ҳақида баъзи беклар билан тортишди./Ов илми ҳақида баъзи беклар билан ҳийла тортишди...

41—43 Ниҳоят, мажлиснинг ∾ меҳмонлардан узоқлашди. /Ниҳоят, мажлисни ҳали-бери тугамаслигини сезиб, кўз қири билан Маждиддинни бир томонга имлаб, ўрнидан турди.

*180-бет*

1—8 Боғчада, ёш дарахтлар орасида, жимгина ишлаб юргин ∾ «Алишер супургиси» деб ном қўйсанг бўлмайдими?/Боғчада олмазорлар орасида ишлаб юрган қул — Нурбобога йўлиқди. У билан дастлаб ўғил меҳрибон ота билан кўришган каби жуда самимий равишда ҳолаҳвол сўрашди. Аммо, бир зум ўтмасдан, эски одати ва майнинг таъсири билан ортиқча гердайиб, ҳазилҳузулга ўтди; Чолнинг кўркам, оқ соқолларини тутамлади-да,— «*Бу* нима? Бундан супурги ясаб, «Алишер супургиси» деб ном қўйсанг бўлмайдими!»

8—17 Чолнинг буришган юзлари ғазабдан титради. ∾ У жаноб сенларнинг арпаларингни хом ўрдими?/Мункиллаган чол — Нурбобо ўзини базўр қутқариб, ўсуқ, оқ қошларини кинояли чимириб ақлли чолларнинг сўзига хос бир қатъият билан гапирди·



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа,— бек, Алишер Навоийга қарши тилларингни мунча қайрайбердиларинг? Ул жаноб сенларнинг арпаларингни хом ўрдими!?

20—21 — ҳурмат қиламен!— чолни секингина ерга қўйди. /— ҳурмат қиламан-да!— иккинчи қўли билан соқолни тутамлаб чолни секингина ерга қўйди.

21—24 Нурбобонинг ранги ўчди, ∽ дард билан гапирди./Нурбобо ташқи кўринишда аввалгидай сокин бўлса ҳам, лекин ранги ўчган, кўзлари нечук ҳузунли эди. У ўзининг суяк қўлларини Тўғонбекнинг елкасига қўйиб, чуқур дард билан гапирди.

25 бу қадар ошиб-тошмоқликнинг/ошиб-тошмоқликнинг

31 ожиз/биз каби ожиз

34 сен улуғ пояли озод йигит./сен бўлсанг баланд пояга интилган озод йигит....

34 Аммо ер/ер

36 Абулқосим Бобомирзо/Қосим Бобир

38 борурмен./борамен.

40—43 Нурбобо аламдан, меҳнатдан ∽ чопишга киришди. /Нурбобо ориқ, бурушук, аламдан, меҳнатдан қовжираган юзларида юмаланган кўз ёшларини эски чопоннинг этаги билан артиб, ўз ишига, мевали оғочларнинг тагини чопишга машғул бўлди.

*481-бет*

1—3 — Қария,— деди гердайиб Тўғонбек, ∽ дунёнинг чангини чиқариб кет!/— Қария, ўгитинг маънили... Бироқ, умр қисқа экан, яшағонингга яраша, дунёнинг чангини чиқариб кет!— деди гердайиб Тўғонбек.

4—5 — Чангда ўзинг бўғилишинг ҳам мумкин!— Қарамасдан астагина деди чол./— Ур, йиқ, беш қўлингни оғизга тиқ демоқчисен!— Тўғонбекка қарамасдан деди чол.

6—7 Тўғонбек узоқда, дарахтлар оралаб келаётган Маждиддинга томон тез-тез одим отди./Тўғонбек узоқда, дарахтлар орасида, Маждиддиннинг қорасини пайқаб, у томонга тез-тез одим отди.

8 олма/ёш олма.

9 суяниб, каловланиб сўради./суялиб сўради Маждиддин.

11 истайдилар,— шивирлади Тўғонбек./ниятида эканлар — шивирлаб жавоб берди Тўғонбек.

12 Маждиддиннинг кўзлари катта очилиб, ҳушёрланиб кетди./Маждиддин бирдан ҳушёрлангандай, кўзларини катта очди, қошларини чимириб сўради.

14—15 — Ўзлари ша... ша... шахсан айтдилармн?— дудуқланди у,— ҳам қаерда кўришамиз?/Ўзлари шахсан сенга айтдиларми? Ҳам қаерда кўришамиз?

17 саройида/«чор тоқида»

17 кулгидан бемаъни/кулгидан

18—19 собиқ хўжасига қаради:/парвоначига тикилиб, илжайди:

20 қўюрсиз./қўярсиз, ўтинчимиз шу.

21 иним./иним,— деди Маждиддин. Тўғонбек мажлисда ортиқ қола олмаслигини билдириб эшикка жўнади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

23—26 Хуфтондан кейин парвоначи ∽ дуо ўқимоқ ниятида келганини баён қилди./Хуфтондан кейин парвоначи Музаффар Мирзонинг чор тоқиға келди. Кишиларда бирон гумон қолдирмаслик учун, Мажднддинни қаршилаған мулозимларга шаҳзодани кўриб, ҳаққиға дуо ўқумоқ нияти билан келганини баён қилди.

27 қўллари билан/қўллари

30 шаҳзодам/шаҳзода ҳазратлари

31 — бошини оғир тебратиб,/саллали бошини тебратиб,

33—35 — Шаҳзодамиз ҳар куни янги ўйин, янги томоша ∽ деди бир мулозим/— Шаҳзода ҳар кун янги бир ўйин, янги томоша ихтиро қиладилар,— қайд этди бир мулозим.

*181-бет 36-сатри —182-бет 7-сатри*

Мажднддин сарой атрофида бир оз айланиб, ∽ чиқиб кетди./Мажднддин бир оз айланиб, Хадичабегимнинг бош канизагини учратишга мувоффақ бўлди. Канизак бир неча дақиқадан сўнг қайтиб келиб, йўл бошлади. Маждиддин зинадан икки қабатли ошёнга кўтарилди. Даҳлиздан ўтиб, жиҳози ниҳоятда бой, даричалари боққа очилган кичикроқ бир хонага кирди. Қаршида қат-қат шоҳи кўрпалар устида, ёстиққа ёнбошлаб ўтирган аёлга кўзи тушиши билан икки букулиб таъзим қилди. Аёл: «ўтиринг!» дегандан сўнг яна таъзим қилиб, тиз чўкди. Канизак олтин шамдонлардаги шамларнинг учини тўғрилаб, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

8—10 Хадичабегимнинг безаклари ∽ солишга тиришди Маҳд алё/Маҳд алё

11—12 — Маҳд алё бегимнинг сиҳатлари яхшими, муборак кўнгиллари шодми?— мурожаат этди Маждиддин. /— Маҳд алё Хадичабегим, сиҳатлари яхшими, муборак кўнгиллари шодми?— бошини букуб гапирди парвоначи.

13—15 — Тангрига шукур.— ∽ — Мен сизни бемаҳал овора қилдим./«Тангрига шукур»... бармоқлари билан чакка сочларини тузатиб деди Хадичабегим,— жанобларини овора қилмадимми?

16—17 — О. Маҳд алёнинг ҳузурларига ҳамма оёқ билан келганда,/— О, сиз каби маликанинг ҳузурларига ҳамма оёқ билан юриб келганда,

19—21 Хадичабегим юрт учун ∽ аҳволи ҳақида сўради. /Хадичабегим юрт учун қайғурадиган бир малика эканини, ўз одати бўйича таъкидламоқ учун, ҳар вақтдаги сингари, мамлакат аҳволини сўради.

24 эканини тумтароқли сўзлар билан мақтаб кетди/эканини юқори, тумтароқли услуб билан сўзлаб кетди.

25—26 жойи келганда бу йўлда ўзининг хизматларини ҳам усталик билан қистириб ўтди./Муғомбир парвоначи «мамлакат ободонлиги йўлида ўзининг кўрсатган саъий-ғайрати» ҳақида гап орасида, усталик билан бир неча сўз қистириб ўтди.

26—29 Хадичабегим дам безаклари ∽ паришонлик билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

тинглади./Хадичабегим дам сочлари билан машғул бўлиб, дам даричадан қоронғу, сокин боғчага қараб, паришонлиқ билан тинглади.

30—32 — Сизга кўпроқ эътимод қилганим учун ∾ — илтифот ва илиқлик билан деди Хадичабегим./— Сизни қошимға чақиришдан мақсадим баъзи ишларда сиз билан кенгашмоқ эди,— ногаҳон илиқ оҳанг ва диққат билан сўзлай бошлади Малика.— Чунки ҳаммадан кўра сизга кўпроқ эътимод қилурмен...

33—35 — Кўрсатган улуғ марҳаматингизга ∾ сўз топмоқдан ожиздир!/— Кўрсатган улуғ марҳаматингиз учун бу қулингиз ўз миннатдорчилигини не тил билан билдирса экан!— Қуллуқ қилиб гапирди Мажддиддин.

38 ниманидир ўйлаб сукут қилди Малика./деб бир нимани ўйлагандай, бир нафас сукут қилди Хадичабегим.

41 берсин./насиб кўрсин.

*183-бет*

1 Хадичабегимнинг упа-элик билан товланган/Хадичабегимнинг пардозли

3—8 — Маълумки онанинг кўнглида ∾ Шундай эмасми? /Сизга маълумки, онанинг кўнгли учун ўз фарзандининг бахтидан ўзга ҳеч қандай қувонч ва роҳат бўлмас. Тангри умр берса, Музаффар Мирзо тез вақтда улғаяди, албатта, унинг ёш кўксини улуғ орзулар тўлдиради. Отаси сингари, боболари сингари давлат тузишга, қўшин суришга отланади... Худойим шундай кунларни кўришни бизга насиб эт!— бир хўрсиниб қўйди Хадичабегим.

9—12 Хадичабегимнинг мақсади парвоначи учун энди жуда равшан бўлган эди. ∾ дарвеш боласига масжиду хонақоқ керак!/Мажддиддин учун Хадичабегимнинг бутун мақсади, ўйи энди роппа-равшан эди. Аммо, аёлнинг фикрларини охиригача тингламакчи бўлди-да, ундан сўз кутган маликага деди:

— Шоҳ боласига юрт ва сипоҳ керак, дарвеш боласига масжид хонақоҳ керак!

13—22 — Сиздан яширғулик сиримиз йўқ,— ∾ — макрли кўзларини тикди Хадичабегим./— Жанобларидан яширғулик гапимиз йўқ — қошларини ўйнатиб, кулиб,— деди Хадичабегим.— Ўғлимнинг бахти иқболи учун шу замондан бошлаб тўғри йўллар ҳозирлаш даркор эди. Шаҳзодалар кўп яна кўпаюрлар. Хар қайсиларнинг орзу умидлари бор, улуғ одамларимиздан мураббийлари бор... Бадиуззамон Мирзо валиаҳд... Он — ҳазратим улуғ Мирзонинг хотирлари бундай андишалардан узоқ... бас, аёл бошимга ўғлим учун ўзим қайғурмасам бўлмас экан... Мақсадим жанобларига шояд равшан бўлгандир?— Мажддиддинга йирик, устоман кўзларини тикди Хадичабегим.

25 — баланд идрокига/идрокига

26 — Хўш, нима фикр берурсиз?/— Хўш, нима фикр баён қилурсиз?— сўради Хадичабегим.

27—30 — Бу қулингизнинг фикрими?— табассум қилди парвоначи, ∾ раъйиларига батамом қўшилурмен./Бу қулин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гизнинг фикрими?— Қамтарона табассум қилди ва улуғворона сукутдан сўнг давом этди Мажддиддин,— аввало шуни айтмоғим керакки, Маҳд алё бегимнинг раъйиларига тамоман қўшилурмен.

30—36 Музаффар Мирзонинг бахти учун ҳозирдан бошлаб тадбирлар кўрмоқ зарур ∽ ҳар бир қадамни кенгаш билан қўймоқ лозим./Фарзанди аржумандингиз Музаффар Мирзонинг муборак боши улуғ тож-давлатга сазовордир. Нечункким, шаҳзодамизнинг ақлу фаросатининг бекам-кўстлиги ҳаммамизга аёндир... бироқ, тақдирнинг буқаламунликлари бениҳоятдир. Бас, аввалдан лозим чораларни кўрмоқ керак! Узоқ сафарга отланган оқил эр, ҳар нав мушкилотларга қарши олдиндан тадбир ўйлайди. Аммо бу хусусда ошиқмоқ, ҳар кимга сир бермак — тангри кўрсатмасин — кўп ёмон оқибатларга элтар. Бу йўлда мумкин бўлган қадар пинҳон ишламак ва ҳар бир қадамни кенгаш билан, бир кўп жиҳатларни назарда тутиб, қўйиш керак бўлур.

36 теварагидаги/атрофидаги

*183-бет 38-сатри —184-бет 2-сатри*

Туғонбек каби ғоят иш кўрган, ∽ бир нечасини шаҳзода ўз хизматларига олурлар,/Иш кўрган, пухта одамлардан яна икки-уч зотни шаҳзода ўз хизматларига олурлар.

3—4 — Сиз ўзингиз ҳам шаҳзодага йўл-йўруқ кўрсатиб турсангиз.— Сиз ҳам ўғлимнинг иқболи учун ёрдамингизни аямагайсиз. Ваъдага ваъда олмоқ керак./Мажддиддин ваъда эвазига ваъда олмоқ йўлини кўзлади:

8—14 — Подшоҳ ҳазратларига мен фақир қандай қул бўлсам, шаҳзодамга ҳам шу йўсунда қулмен, ∽ мансабим поясига боғлиқдир, ё хато сўзладими?/— Бу камина подшоҳ ҳазратларига қандай қул бўлсам, шаҳзодалардан Музаффар Мирзога ҳам шу йўсун қулдур,— деди парвоначи.—— Подшоҳимиз назарларида шаҳзодамнинг эътиборларини ҳар важҳ билан илгари сурурмен. Аммо, ҳақиқатни айтганда, бу йўлда менинг ғайратим, иқтидорим давлатдаги вазиятимга, мансабим поясига боғлиқдир...

15 — Тўғри айтурсиз,— жавоб берди маънодор илжайиб малика ∽ Мажддиддин қуллуқ қилди./— Тўғри айтасиз,— маънодор илжайиб жавоб берди Хадичабегим,— хизматларингизни унутмасмиз. Бундан сўнг, яхши бўларди, агар учрашиш маҳол бўлса, содиқ одамлар орқали ҳар нав ишлар хусусинда бир-биримизни огоҳлантириб турсак... эмдилик бошқа сўзим йўқ. Мажддиддин ўрнидан турди, юкуниб орқаси билан юриб эшикка чиқди.

*184-бет 21-сатри — 184-бет 7-сатри*

Ўн тўртинчи ∽ Ўн бешинчи боб I Девоннинг/Девоннинг

8—15 Девоннинг қаторасига солинган зийнатли хоналарининг бири ёнида курама халқдан анчагина тўпланган эди. ∽ чолларнинг ранги каби, сарғиш, қонсиз эди./Девоннинг катта, кенг, чор бурчак ҳовлисининг бир томони-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да, тўрдаги серҳашам қатор уйларнинг бири ёнида анча одам тўпланиб қолган эди. Ҳовлини супириб юрган олифта, озода ва оппоқ соқоллари диққат билан тараліб текисланган, лекин ранги кундузнинг машаққатларини хаёл билан бепарво кечириш учун, ҳар кун эрталаб «чизе» тарёк истеъмол қилиб, устидан кўпроқ ширинлик егучи баъзи чолларнинг ранги каби сарғиш эди.

17 кўз ташлади./тикилди.

17 Танишларини кўриб, яқин келди./Қандайдир бир танишини кўриб, боши билан саломлашиб, яқин келди:

*194-бет 17-сатри —195-бет 4-сатри*

У таажжубланиб деди: ∽ «Сабр! Сабр!»— деди халққа қараб, кейин Навоий кирган хонага кирди./— Ҳа, бизнинг даргоҳга бош суқубсан, тинчликми?— сўради чол.— Дардсиз, ғалвасиз одам бу ерда не қилади? Мирга икки оғиз арзи ҳол қилғоли келдим.

— Ҳай, ишинг ўнг келсин! Чол бирин-сирин янгидан келаётганларни кўздан кечириб, ўз-ўзига деди:— Тавба, Мир сафардан Ҳиротга тунда қайтдилар. Халойиқни ким огоҳлантирди? Шунча қалин одам!— Эҳтимол, ўзлари тушимизда башорат бергандирлар,— кулиб деди янги келганлардан бири.— Ажаб эмас... чунки, ул жанобнинг дили билан халқнинг дили пайванддир,— гапирди кўм-кўк қўлли бир бўёқчи, кимдир биттаси худди бурнаки отгандай уч-тўрт апшурди.— Ҳаққа рост!— бўёқчига қараб ишорат қилди чол ва жиддий гапирди,— бу замонда ул жанобдек пок одам ҳаргиз топилмас! Ҳовлини чол яна аста-аста супура бошлади.

Амирларга хос «Жубаи тилладўзий» кийган Навоий таъзим билан букилган халқнинг саломига жавоб қайтариб, тез-тез юриб, хона ичига кирди. Одамлар эшикка яқин келишди, баъзилари киришга ошиқиб, киссаларидан ё саллаларининг орасидан қоғозларини қидира бошлаганда, ёндош хоналарнинг биридан бир ёш котиб чиқди-да халққа «сабр, сабр»,— деди ва Навоий кирган хонага қараб юрди.

5—6 Бу кун халқ жуда кўп,— деди ёш котиб салом бергандан кейин,— барчасини қабул қила билурмусиз?/— Ассалом!— энгашиб, бошини кўтарди ёш мулозим,— бу кун халқ кўп... зоти олийлари барчасини қабул қила билурлармиַ?

7 — Англамадим, не демак истайсиз?/— Англамадим, не демак истайсиз?— кўзларини маънодор қисиб сўради Навоий.

8—10 — Агар вақтлари мусоида қилмаса, ∽ деган фикр хотиримга келди./—Вақтингиз мусоида қилмаса, бир қисм халойиққа бошқа кун келишни тавсия қилинса, деган андиша хотирага келади.

11—14 — Баракалло ғайратингизга! ∽ бир нафасда ҳам оқарди, ҳам қизарди./— Баракалло ғайратингизга! Бизда шундай одатни бирон вақт кўрганмидингиз?— истеҳзо билан деди Навоий. Ёш мулозим кўзларини ерга тикди, туси бир нафасда ҳам қизариб, ҳам оқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиз ҳали ёш йигитсиз, ∾ — оқилларнинг иши эмас./— Сиз ҳали ёш йигитсиз, мансаб поясида балки юқорилашурсиз,— давом этди сўзида Навоий,— аммо, шул сўз хотирингизга нақш бўлсинки, элга бу йўсинда хизмат қилмоқ оқилларнинг иши эмасдур.

20—24 Котиб бошини базўр кўтарди. ∾ пастгина курси олдида тиз чўкди./Ёш мулозим, бошини базўр кўтариб узр тилаб, чиқмоқчи бўлган эди, Навоий тўхтатди, йигит кўнглини кўтармакчи бўлгандек, юмшоқ гапирди:— Бизнинг котибларимиз ҳали келмаганга ўхшайдилар. Бу ерда ўлтириб, бизга андак хизмат кўрсатинг. Ёш мулозим бир қадар тетикланиб, қуйироқда ёзув асбоблари турган паст курси олдида тиз чўкди.

25—31 Дастлаб, жулдур кийимли, кир қалпоғини кўзига қадар туширган, ∾ Деҳқон эшик олдида чўққайди, қалпоғини сал кўтарди./Илк марта жулдур кийимли, ўрта яшар, япасқи бурун, дала кишиси қўл ковуштириб кирди, салобат боскандай бир нафас кўзини ерга яширишни билмай туриб қолди-да кейин Навоий: «Ўтиринг, арзингизни тинглайлик» дегач, эски қалпоғини бир оз кўтариб эшик олдида ўтирди.

*195-бет 32-сатри —96-бет 10-сатри*

— Бошимга бир фалокат тушиб, Исфизордан келдим, ∾ уч кун бурун эшагимни ўғирлатиб қўйдим./— Арзимиз шулки, жаноб вазир,— деб бошлади сўзини у,— бошимга бир кулфат тушиб, тумандан келдим. Гап шундаки, бисотимизда биргина уловимиз бўлар эди. Ёмон эмас, коримизга яраб турарди. Бир кун, не бўлдию, қишлоғимизга отлиқ кириб келди. Сипоҳийлардан экан орқасида хушсурат бир бола...— Шу аснода отимни суғориб ювиб турган эдим, қаршимда тўхтади. «Отингни эгарлаб бер, манови инимни миндириб олай. Уч кундан сўнг Ҳиротдан қайтаман, шунда ташлаб кетаман» деди. Мен ялиндим:— «бек йигит, айни иш чоғи... иложи йўқ, бошқалардан сўраб кўринг... топилмаса, шундай кетаверинг. Бу арғумоғингиз билан дарёни шўргача ета оласиз».— Йўқ,— деди,— овда юриб, отим кўп уринди. Барча Ҳирот мени танийди, қозизодамен... деди.

Ҳукумат одамларига от-улов бериш эскидан бир таомил. Отни эгарлаб жиловини қўлига тутқаздим... Хуллас, икки ойдан буён қозизода қурғурдан дом-дарак йўқ. Ўн кун бурун бир эшакка миниб шаҳарга келдим. Кирмаган кўчам қолмади, тополмадим. Бу етмагандай, яна бир фалокат оёғимдан чалди: Уч кун бўлди — эшакни ўғирлатиб қўйдим...

11—12 Арзимни тингламадилар. Сизга сиғиниб келдим, тақсир./арзимни яхши тиғнамадилар...— шояд, ёрдам кўрсатсангиз ва у бетовфиқ қозизодани...

13 Деҳқон оғир хўрсинди. Навоий аста тебранди./Деҳқон оғир хўрсинди. Навоий унга телмуриб, жимгина бошини тебратди.

14 — Биродар, сизга бир бало йўлиқибди. ∾ Исмини билмайсизми?/— Сизга, биродар, бир бало йўлиқибди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Майли, ким бўлмасин, қозизодами, сипоҳийми — у бир офат... бу янглиғ овчилар кўп ўзлари овчининг итига арзимайдилар... Исми нима эди?

18 — Айтди, Тожиддин.../— Тожиддин...— хато қилмайсизми?— Шундай деди ўзи. Мен бу исмни миямга тугиб олганман.

19—20 Навоий котибга қараб, ∾ Кейин кулиб деҳқонга мурожаат этди:/Навоий ёш мулозимга қаради:— «Чақиринг Қиличбекни!» Мулозим чиқиб кетгач, Навоий деҳқонга мурожаат этди кулиб:

21—24 — Отингиз топилур. Чин исмини яширган бўлса, ∾ эшакни йўқотганингизни бизга исбот қила оласизми? /— Отингиз топилур, ҳақиқий исмини беркитган бўлса, қиёфасини айтурсиз... Аммо эшакни ахтаришдан фойда йўқ, қайси шўразорда, қайси оғилда! Фақат, сиз эшакни йўқотганингизни исбот қила олурсизми бизга?

27—30 — деди Навоий,— лекин бундан кейин эҳтиёт бўлмоқ керак. Элнинг бир сўзи бор: ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!/— деди Навоий ва уқдирувчи бир оҳанг билан аммо, бундан сўнг ўз молингизни тўрт кўз билан пойланг! Элнинг бир сўзи бор: ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!

31 сиғдирмагандай/сиғдирмағон каби,

33—34 — Йўқ, жабрини ўзим кўтарай,— қўлини кўксига қўйди у./ўғрига ҳарён, сизга зиён: йўқ, ўзим кўтарай...— қўлини кўксига қўйди деҳқон.

35—39 Баланд бўйли, кенг яғринли, қирғий бурун йигит — Қиличбек кирди ∾ у золимни топ ва жазосини бер! /Эшикдан Қиличбек кирди, у баланд бўйли, кенг яғринли, қирғий бурун йиғит эди. Навоий бир неча сўзда деҳқоннинг муддаосини англатдида сўнг, фармон йўсунда деди: «Бу дардкашни қониқтирмоғунча, ҳаргиз ором олма, жаҳаннам остидан бўлса ҳам, ул золимни топ ва жазосини бер!»

*196-бет 41-сатри —197-бет 6-сатри*

Қиличбек, деҳқонни юпантирди: ∾ қуллуқ қила-қила чиқди./Қиличбек қуллуқ қилди,— «Қозизода отнинг қашқасидай бизга таниш; қочиб қутулаолмас у». Навоий ёндан бир ҳовуч ақча олди.— Эшакнинг баҳоси қанча?— сўради у.— 25 тангага олган эдим...— ерга қараб, қизариб жавоб берди деҳқон. Навоий ақчани санаб, бир қисм тангани деҳқонга узатди, деҳқон шодлиғдан қалтираган қўллари билан кумушни олиб, эгила-эгила Қиличбек орқасидан чиқди.

7 косиб-ҳунармандлардан иборат/ва косиблардан иборат

8—14 Ҳар кимнинг ўз ҳурди-ҳолига яраша бир дарди, ∾ ҳақиқат билан ёлғонни тез айирар эди./ҳар кимнинг ҳурди-ҳолиға яраша бир дарди, бир яраси, бир машаққати, талаби, даъвоси бор... Кими беклардан, сипоҳийлардан, кими муставфийлардан, кими қозилардан, кими бозор оқсоқолларидан шикоят этади. Буларнинг орасида нафақасиз, бошпанасиз қолғон муллабаччалар ёки Ҳотамтой вазирдан бирон мукофот ундириш илинжида келувчилар ҳам йўқ эмас эди. Навоий ҳар қай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

сисининг сўзларига бардош билан қулоқ солди, ариза ва талабномаларини, котибга ўқитиб диққат билан тинглади. Унинг ўткир фикри, чигалларни осон ҳал қилар, чин даво билан туҳматни, ҳақиқат билан ёлғонни тез айирар эди.

Пешиндан сўнг халқ сийраклашди. ∾ улар билан ҳазилкашлик қилишдан-да тортинмас эди./Пешин намоздан сўнг халқ анча сийракланди. Навоий девонининг бир неча мулозимларини йиғиб, вилоят ва туманларнинг ишлари ҳақида маълумотлар олиб, тегишли фармонлар ёздиришга бошлади. Амаллари кичик бўлган бу мулозимлар Навоий ҳузурида жиддийлик билан, тўла қунт билан ишласалар ҳам, лекин ўзларини сарбаст тутар эдилар. Донгдор вазир ва шоир ҳатто уларнинг баъзилари билан иш орасида, фурсати келганда, ҳазилкашликдан ҳам тортинмас эди.

22—23 Иш охирида шошиб-пишиб мавлоно Алишоҳ кирди. У Ҳиротда энг олдинги чолғучилардан эди./Иш охирида мусиқийда замонасининг нодирларидан бўлган йигит мавлоно Алишоҳ шошиб-пишиб кирди.

24 ишларингиз не ҳолда?/— ҳеч кўринмайсиз, ишларингиз не ҳолда?

27—29 — деди мавлоно Алишоҳ.— Фақирнинг кўнглида бир илтимоси борки, хотирларига малол келмаса, айтмоққа ижозат берсалар.../— фақирнинг кўнглида бир илтимос борки, муборак хотирларига малол келмаса, айтмоққа ижозат берсалар...

30—31 — Айтаверинг, созингизни тинглаган каби, қулоқларимиз сизда,— деди Навоий/— Айтаверинг, торингизни тинглаган каби, тинглаймиз,— деди Навоий диққат билан тикилиб.

32—34 — Жанобларининг илтифотларидан умидимиз ∾ олти ойлик маошимни бирдан бергайлар./— Олий ҳазратнинг илтифотларидан умидимиз шулки,— деди Мавлоно Алишоҳ,— вақф мутасаддиларига буюрсалар, токи алар менга олти ойлик маошимни бирдан бергайлар.

35—37 Навоий бир вақтлар у билан илк дафъа учрашганда, ∾ унга ўз вақфларидан маош тайинлаган эди./Навоий унинг порлоқ истеъдодини у билан биринчи учрашишдаёқ заршунос каби қадрлаб, унга ўз вақфларидан маълум маош тайинлаган эди.

*197-бет 41-сатри —198-бет 4-сатри*

Навоий ерга қаради, сукут қилди. ∾ Навоийнинг юзига маънодор, кинояли табассум ёйилди./Навоий бошини қуйи солди. Бир неча вақт индамасдан ўтирди. Сабоғич қаламни қитирлатиб ёзув ёзаётган мулозимлар ҳам ёзувдан тўхтаб, кўзларини дам шоирга, дам мусиқийчига тика бошладилар. Сўнг, Навоийнинг соқол, мийиқларига бирдан табассум ёйилди.

6 — деди у нохушлик билан./— нохушлик билан деди деди Навоий.

7 бундай/бу

8 олти ойнинг/олти ойлик



www.ziyouz.com kutubxonasi

10 — Сиз фармон беринг,/— Сиз, жаноблари, фармон беринг,

25—27 Шоир уйга қайтмоқ учун ташқарига чиқаркан ∾ — Не мақсад билан?— сўради кўришаркан Навоий. /Шоирни отга миндирдилар. Бир мунча йўл босилгандин кейин, Муҳаммад Саид деди:— Кўнгилга бир фикр келди, шояд жаноблари ҳам маъқул топсалар...— фикрларимиз ҳамиша мувофиқ тушар эди,— сўзланг,— деди Навоий отни бир оз секинлатиб.

28—29 Ҳамманинг кўзи йўлингизда. Ўзга андишалари бўлмаса,/ўзга андишалари бўлмаса,

31 — Модомики сиз келибсиз, эътирозга ўрин қолмайдир. /Навоий тараддуд билан сукут этди. Лекин дўсти Муҳаммад Саиднинг орзусини қайтармоқ истамади:

— Модомики, сизнинг кўнглингиз шуаро мажлисидадир, бизга эътирозга ўрин қолмайдир... Бошланг ул томон!

*198-бет 33-сатри—199-бет 4-сатри*

Шоир билан паҳлавонни ∾ илтимос қилди. Бу ерда, /Бу ерда,

5—6 Бу ерда, қалин дарахтларнинг кўланкасида, супаларда юздан ортиқ шоир тўпланган эди./Боғда, қалин дарахтларнинг кўланкасидаги катта супаларда юздан ортиқ киши тўпланган. Булар юзга яқин шоирлар эди.

8 сабз урмаган ўспуринлар ҳам бор./сабз бермаган ўспиринлар ҳам бор эди.

8—13 Шоирлар орасида ∾ ҳам анчагина. Бу/Бу

13—22 Бу ерда катта истеъдод, илми, шуҳрати ∾ оёқ яланг тентировчилар ҳам бор./Бу ерда катта талантли, илми, шуҳрати даражасида камтар шоирлар бўлганидек, Мавлоно Абдулло сингари Фирдавсий ва Низомийларни назар-писанд қилмайдиган ифрот мақтанчоқ нодонлар бор. Бу ерда Мавлоно Симий сингари бир кунда минг байт айтиб, минг байтни чиройли кўчирадиган ажойиб эпчил ва ажойиб тез тўқувчилар бор; бу ерда ҳаддан ташқари мутолаа орқасида ақли айнаганлар бўлганидек, бениҳоят ичкилик юзидан барбод бўлиб, мавлоно Муҳаммад каби бош яланг, оёқ яланг тентировчилар ҳам бор.

23—29 Аксари шундай йиғилишларда, қасидачилар ∾ хаёллар муболағанинг канотларида учади./қасидачилар, ғазалчилар, муаммо устодлари ўз асарларини ёки ўзга асарларни ўқушар, баҳслашар, баъзи шоирлар бениҳоят мадҳ-санога сазовор бўлар, баъзилари ер қаърига кирар. Дўстлар бир-бирларини мақташга тушганда хаёллар муболағадан қанот ясайди.

30 Бу ерда/бунда,

32—35 Яхши бир ғазал ва моҳирлик билан ишланган бир муаммо ∾ саллаларнинг учига қистирилади./Яхши бир ғазал, моҳирлик билан ишланган, бир муаммо қўлдан қўлга ўтади, улар ёдга олинади, кўчирилади... Шоирлар орасида катта мансабдорлар, давлатмандлар бўлганидек, таҳсил кўраётган фақир талабалар, бирон ҳунар билан мисгарлик, жомадўзлик, кисса дўзлик ёки



www.ziyouz.com kutubxonasi

мавлоно Тоҳирийдек кашфдўзлик ва ҳоказо билан машғул шоирлар ҳам бор.

Навоийни мавлоно Осифий бошлиқ бир гуруҳ шоирлар камол ҳурмат билан эшикда қаршилади. У учлари бир-бирларига чалкашиб кетган азамат дарахтларнинг яшил деворлари бўйлаб бораркан, ўнлаб янги ғазал, қитъалар эшитишга мувоффақ бўлди. Ҳар ерда гуруҳ-гуруҳ шоирлар дуч келиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Катта супага бориб ўтирган ҳамон Навоий шоирлардан «рангин» асарлар ўқишни илтимос қилди.

36 Асарлари Навоийга/асарларининг

37 ғурур/бир ғурур

38 Жаранглатиб ўқир эдилар./Жаранглатиб ўқир эдилар, шеърнинг асли руҳида, услубда бир-бирларидан унчалик фарқ қилмоғон шоирлар ўқишда «ўз»ликларини кўрсатишга тиришдилар.

39—40 ташқи порлоқлик билан кўзни оларди,/ташқи порлоқлик билан товланиб, илк боқишда кўзни қамаштирсалар ҳам, лекин дарров кўнгилга совуқлик солади. Шоирлар ғазалидаги биронта ўхшатиш, биронта истиорага танг қолар эдилар.

41—42 Шунча шоирлардан наҳотки биронтасининг созида она тили янграмаса!/Шунча шоирлар орасида наҳотки биронтасининг созида Навоийнинг она тилиси янграмаса!

*199-бет 42-сатри—200-бет 2-сатри*

Шоирларнинг аксариятининг шеър ипига ∾ илон пўстидай совуқ ялтироқли кўринар эди./Бу шоирларнинг аксариятининг шеър ипига терган дур ва гавҳарлари Навоий учун мунчоқдай қийматсиз, илон пўстидай совуқ кўринар эди.

5 — уйлади ичида Навоий./— уйлади ичида у.

6—8 Навоийнинг фикрини билиш учун камтарона узатдилар,/Баъзи шоирлар ўз ғазалларини — Навоийнинг фикрини билиш учун — шогирд ўз устодига биринчи қалам машқини тақдим этгани каби, камтарона узатдилар.

8—18 Навоий фикрларини кўзларига тўплаган каби, ∾ бу ўхшатишни фавқулодда «рангли ва зийнатли» топдилар./У фикрларини кўзларига тўплаган каби диққат билан, лекин тез ўқиб чиқди. Навоий учун ҳаммадан аввал чуқур, шеърда «хос ва ёрқин маъни» ва «хос рангин хаёл» асосий мезонлардан эди. Лекин шеърларда энг оз кўринган нарса ҳам шу эди. Бир ғазалда қофия хатосига ишорат қилди. Бу фикрга шоирлар сўзсиз қўшилдилар. Яна бир ғазалда ташбиҳнинг ғайри табиийлигини кўрсатди. Бироқ, бу танқид бошқаларга унчалик ҳақли кўринмади. Ҳатто баъзилар бу ташбиҳни фавқулодда «рангин ва зийнатли» топдилар.

18—24 Навоий ола чалпоқ офтобдан нарироқ сурилди, ∾ киноянинг жуда ингичка изларини сеза олар эди./Навоий кулимсиради-да қалам, довот келтиришларини илтимос қилди. Шоирлар сукут қилиб, чуқур мароқ билан Навоийга кўзларини тикдилар. Диққат билан



www.ziyouz.com kutubxonasi

қарағон киши, баъзиларнинг юзида киноянинг жуда ингичка изларини сеза олар эди.

26—29 Шоир олдин ичида ўқиди, ∽ Навоийга мурожаат қилди:/Шоир олдин ўз ичида ўқиди, сўнг атрофдагиларга қараб баланд овоз билан ўқиди. Чўзилган қўлларнинг бирига қоғозни тутқазиб, Навоийга деди:

30—33 — Қамина шундай ўйладики, ∽ унинг гул косасини ранг ва нур билан тўлдирди.../— Қамина шундай ўйлайдики, ташбиҳимда бир ғунча бор экан. Сиз жанобнинг нафасингиз, баҳор шабодасидаи, ул ғунчани очмиш, ранг ва зиё билан унинг ҳуснини оширмиш...

36—37 ёнидаги ўспирин шоирга берди ва бошини унга мойил қилиб пичирлади:/ёнидагига берди ва бошини унга мойил қилиб, пичирлади:

38—39 — Алишер Навоий сеҳрли қалам билан бир туртиб, ковокдан жонли кўз ясайди!/— Мир жодугар бир хат чекиб, ковокдан жонли кўз ясайди!

*201-бет*

1—2 — жавоб берди ўспирин, назокат билан./— жавоб берди қўшни.

3—5 Ногоҳ дарахтлар орасидан — май билан кайфи чоғ бир тўда шўх улфатлар ўтирган жойдан — мусиқий садолари оқди./Ногоҳ дарахтлар орасидан — бир тўда шўх май билан кайфи чоғ улфатлар ўтирган жойдан — мусиқий садолар оқди.

5—10 Най, чанг, уднинг сеҳрли оҳангига ҳофизлар ∽ маънолари юракка чўғдай ёпиша қолади!/Най, чанг, уднинг сеҳрли, нафис оҳангига ҳофизлар мавлоно Лутфийнинг туркий ғазали билан жўр бўларкан, бошлар солинди, кўнгил садоларга тўлиб, кўзлар завқдан аста юмилди. Мавлоно Лутфий қандай гўзал! Ғазалда «саҳройи» тилнинг содда латофати, қуюқ ранглари, сийқаланмаган маънолари сийналарга чўғдай ёпиша қолади!

13 Бошқа жойда,/енгил хўрсинди бошқа жойда,

15—19 Бошқа супада бир тўда шоирлар давра қуриб, мавлоно ∽ қоғозга қарамасдан, ёддан ўқимоқда эди./чолғучиларга ташаккур билдирмак учун ўрнидан турди. Қайтиб келганда супада бир тўда шоирлар давра қуриб, мавлоно Аёзийнинг ғазалларини тинглар эдилар. Мавлоно Аёзийнинг кўзлари заиф эди. У қўлида қоғозни ушлаб, лекин деярлик қарамасдан, ёддан ўқимоқда эди.

19—33 Ғазал ҳам шаклан, ҳам мазмунан эски андозаларнинг намунаси. ∽ «Бу одамни танурмисиз, кўрганмусиз?»— деб сўрашди./Навоий орқада туриб, бир ғазални тинглади. Ғазал ҳам шаклан ва ҳам мазмунан эски андозаларнинг намунаси эди. Мавлоно Аёзий бошқа маснавийни бошлади. Икки мисра «гузор» билан битди. Иккинчи мисрага ўтганда, Навоий юзаки шеърнинг услуб ва маъносига кириб, бу мисранинг қофиясини айтиб турди. «Хазор» учинчи мисранинг «рой»ига Навоий «куной» деди. Қизиқиб ўқиётган мавлоно Аёзий пайқамади. Одамлар пиқ-пиқ кулиб, Навоийга қарашди. Навоий табассум билан, «жим!» дегандек лабини



www.ziyouz.com kutubxonasi

қисди. «сипоҳий буд»га «бамоҳий буд»ни, «саф баст»га «тараф баста», «ҳар саф»га «бар каф»ни қофия келтирди. Ниҳоят, мавлоно Аёзий ўқишдан тўхтаб, ҳайрат билан атрофга қаради: —«Ким бу?—деди. Шоирлар кулиб: «Сиз бу одамни танурмисиз, кўрганмусиз?»—сўрашди.

34—37 — Хайр, танимайман,—деди аланглаб ∽ ҳамма қофияларни олдиндан айтиб берган эди!/— Йўқ, танимаймен,—деди аланглаб мавлоно Аёзий ва давом этди:—аммо, фақирнинг хотиримдадурки, бир вақт мен «Пул Палонда» ғазал ўқиғанимда ҳам шул киши айни йўсинда ҳамма қофияларимни олдиндан топган эди!

39 Хусравийнинг/Ниёзийнинг

*202-бет*

2—5 Мавлоно Хусравий ∽ кўтаришга тиришди. Бу/Бу

6—14 Бу ерда ҳали шеър оламига танилмаган бир неча ўспирин шоирлар ∽ Кечга яқин саройдан киши келиб, подшоҳ йўқлаганини билдирди./Бу ерда бир неча ёш ўспирин шоирлар ўзларини таништирдилар. Навоий уларнинг маълумотлари билан қизиқсинди. Мусиқий билан машғул бўлмаганлари учун, баъзиларга тил тегизди. Мусиқийнинг шеър билан алоқаси, шоир учун мусиқий билимнинг зарурлиги ҳақида сўзлади. Кечга яқин саройдан киши келиб, подшоҳ йўқлатганини билдирди. Навоий шоирлар билан хайрлашиб, паҳлавон Муҳаммад Саид билан бирга ташқариға юрди. Орқадан тўртта «толиби илм» шоирга етишиб, ҳар қайсилари айри-айри, ариза йўсинлик қоғоз тақдим этдилар. Уларнинг кўзларининг ифодасидан киййм, бошларидан хатнинг мазмунини билиб олди ва қоғозларни киссага солиб деди: «Эрта, ё бириси кун бизнинг қошимизга марҳамат қилинглар!»

15 сарвзорлар/сарвзор хиёбонлар

16 боғнинг/«Боғи жаҳон оро!»нинг

16—17 Латофатини томоша қилиб, аста, жим боришар эди. /латофати билан руҳлари лим тўлган каби, аста, жим боришар эди.

18 ҳуҳулар/ҳу-ғулар

20 тинликка қуярди./тинлиққа тўқар, фазода — ажойиб оҳанглар мавжланади.

20—22 Катта ҳовузлардаги сувларда кўланкалар ва шуълалар жим-жим ўйнашади, гоҳ кўланкалар ёниб кетади, гоҳ шуълаларни кўланкалар ютади./ҳовузлардаги сувда шуълалар билан кўлкалар жим-жим ўйнашади. Гоҳ кўлкалар ёниб кетади. Гоҳ шуълалар кўлкада сингади.

24—25 кўркам, сергул навдаларини ҳовуз ойнасига эгганлар. /бошларини ҳовуз ойнасига эгганлар.

25—26 «Боғи жаҳон аро!»—шоирлар шеърларда тараннум этган гўзал боғ!/«Боғи жаҳон оро» — қанча шоир уни мадҳларда тараннум этган.

27—29 Улар бош қасрнинг олдидаги катта гулзорга етган вақтда кабутарлар ҳавога кўтарилди./Навоий бош қаср олдидаги катта гулзорга чиққан вақтда узоқдан, боғ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бир бурчидан, бир гала кабутарларнинг фазога бирдан кўтарилганини кўрди,

29—33 Навоий тўхтаб, паҳлавонга табассум қилди: ∾ «Тарки одат маҳол дейдилар-ку»:/— тўхтаб, паҳлавонга табассум билан қаради: «ажаб машғулот!..» Муҳаммад Саид қудратли қўлларини белига қўйиб, бақувват калласини оз орқага ташлаб, кулиб кўкка боқди: «Тарки одат маҳол дейдилар-ку!»

35 ўйинчи/раққос

36 шўх-шўх рақс эта бошладилар./шўх шод ўйинга берилдилар.

38 машғул бўлгани/банд бўлгани

39 улар катта хиёбон ичига кириб, аста кезишаркан,/улар гулзор бўйлаб, аста кеза бошлашди.

*209-бет 40-сатри —203-бет 1-сатри*

қарши ёқдан Бадиуззамон тўрт-беш яшар ўғли Мўмин Мирзони етаклаб чиқиб келди./қарши ёқдан, қуюқ кўланкали хиёбондан тўрт яшар ўғлини етаклаб, Бадиуззамон чиқиб келди.

*202-бет*

1—3 Ҳар вақтдаги каби нозик ∾ Навоийга таъзим қилди. /Бадиуззамон кийинишда, юриш-туришда, муомилада, нозиклиги билан ва ҳусни билан ном чиқарғон эди. У дарров ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қўлини қўйиб юбориб, Навоийга таъзим қилди.

4 яхши кийинган,/чиройли кийинган

5 чиройли, туйғун кўзли/туйғун кўзли

6—7 гўдакларга ёқадиган оҳангда у билан у бу/гўдакларни ўзига тез қаратадиган ёқимли оҳанг билан у — бу

8 Хиёбонда аста юришди. Мўмин Мирзо гулдор этиги билан олдинда пилдираб чопарди. ∾ Катталар кўз учлари билан бир-бирларига бир лаҳза боқиб, маънодор илжайишди./Қаср томонга аста юришди. Мўмин Мирзо олдинга тушиб олди. Баҳмал тўни устидан елкасига осган кумуш ўйинчоқ ёйни осонгина чиқарди, бобосининг дам пастланиб, дам баландланиб, юксак дарахтларнинг учларига бирзум қўниб, яна самога кескин қанот қоққан кабутарларига ёйни мерганларча кериб ўқталди. Катталар кўз учлари билан бир-бирларига бир лаҳза боқиб, маънодор илжайишди.

18 — Илтифотингиз учун ташаккур./— Ғоят қувондик, не тил билан устодга ташаккур айтсам экан...

19—20 — Сизнинг ашъорингиз ва Жомий ҳазратларининг асарлари мутолаасидан кўнглимиз сафога тўлди./Жомий ҳазратларининг рангин ашъорларининг мутолаасидан кўнглимиз сафога тўлди.

22 — деди Навоий қизиқиб.— Аммо, ёлғизгина/— гапира бошлади Навоий,— аммо ёлғиз.

26 бошлағумдур,— жавоб берди Бадиуззамон./бошлағумдур. Навоийдан шундай ўгитларни кўп эшитган Бадиуззамон кулиб жавоб берди.

28—31 Мен сизга тарихга оид китобларни қасдан кўп юборган эдим. ∾ тарих ўқимоқни тавсия қиламан./— Тарихни мўл юборган эдим. Шаҳзодалар учун тарихни ҳар вақт



www.ziyouz.com kutubxonasi

тавсия қиламен. Ҳаттоки, отангиз подшоҳимга ҳам бу хусусда кўп сўзлаймен, хабарингиз бордир.

31 Давлатнинг бутун масъулияти/Нечунким эл, улуснинг масъулияти.

34 қараб турмоғингиз/қарамоғингиз

37 ҳалок бўлган/фалокатга ботган

39 Ҳеч бир илм/ҳеч нимарса

39—40 Равшан кўрсата олмаган./кўрсата олмагай.

*203-бет 40-сатри —204-бет 2-сатри*

Улуғ бобонгиз Темурхон ∾ ҳайратда қолдирганлари тўғрисида тўғри маълумотлар бор./Улуғ бобонгиз Темурхон саводдан маҳрум бўлсалар ҳам, тарихни андоғ яхши билар эмишларки, ул замоннинг, масалан Ибн Холдун каби энг пешқадам муаррихлари ҳайрат қилур эканлар.

3—6 Умуман илмларнинг, хусусан, тарихнинг фойдаси ∾ тарихга қизиқишини назокат билан сўзлади./Умуман илмлар, хусусан, тарихнинг фойдалари ҳақида ёшликдан бошлаб Навоийдан кўп дафъа эшитган бўлса-да, Бадиуззамон диққат қўйиб тинглади ва тарихнинг мароқи ҳақида назокат билан сўзлади.

6—7 Паҳлавон Муҳаммад Саид/Муҳаммад Саид паҳлавон

8 тўғрисида/ҳақида

8 йўсунли/йўсун

12—13 ҳам ўзга улуғ мансабдорлардан иборат қалин гуруҳ ўтирар эди/ичкилардан иборат бир гуруҳ ўтирар эди.

13 ўтиб,/чиқиб,

14—15 Навоий қуйироққа, Муҳаммад Саид билан ён-ёнга тиз чўкди./Навоий ўз рутбасига қарамай, Муҳаммад Саид билан ён-ёнга, қуйироққа тиз чўкди.

16 парвоначи Мажидиддин/Мажидиддин парвоначи

17 энди бирдан сукут этмоққа/энди сукут этишга

19—25 Вазирона улуғвор, серсавлат, серҳашам ва айёр Низомулмулк буни пайқади. ∾ энг кучлисига таянишга тиришар эди./Унинг нақ рўпарасида ўтирган вазир Низомулмулк буни пайқаб, ичида кулди. У айёр, «ичидан пишган» вазир эди. Беклар, вазирлар ўртасида ва умуман сарой доирасида бўладиган фитналарни миридан сиригача билиб борар, ҳозирча ҳар йўл билан подшоҳга ўзини яхши кўрсатишни, курашувчи гуруҳлардан энг кучлисига таянишни ўзига дастур қилиб олган эди. Низомулмулк мамлакат тақдири билан мутлақо қизиқмас, вазифаларига бепарво қарар, аммо муомилада тавозеъни ўрнига қўйишни жуда усталик билан бажарилган вазирона улуғворлик, донишмандона совуққонлик — унинг энг гўзал ниқоби эди.

26—29 — Жаноблари фойдали сўз бошлаган эдилар,— ∾ Алишер Навоий ҳазратларига ҳам алоқадор сўз эди./— Жаноблари фойдали сўз бошлаган эдилар, давом этдирсалар, зероки Мир ҳазратларига ҳам алоқадордир — деди Мажидиддинга Низомулмулк ўзини ғафтлатга солиб.

3 Парвоначи/Мажидиддин



www.ziyouz.com kutubxonasi

34—36 Бироқ, Низомулмулкни ўзининг ашаддий душманларидан деб билганидан, ∽ «қитиқ патига» ўткир наштардек тегди./Бироқ, Низомулмулкни ўзи учун душман фаҳмлаганидан унинг сўзи жиззаки парвоначининг «қитиқ патига» ўткир наштардай теккан эди.

37—40 Титроғини яширолмасдан, ∽ Масала ҳар бир ақли салим соҳибига ғоят равшандир./Лоқайд сўзлашга тиришса ҳам титроғини яшира олмасдан, Низомулмулкка деди:— Музокарага ўрин борми? Масала ҳар бир ақли салим соҳибига равшандир.

1—3 — Каминага алоқадор сўз бўлса, эшитмоқни орзу қилар эдим. ∽ сўзлашга қистагандай парвоначига тикилди./— Каминага алоқадор сўз бўлса, эшитмакни орзу қилар эдик — кулимсираб, сокин гапирди Навоий ва сўзлашга қистагандай, парвоначига тикилди.

5—6 даричага мойил бўлди. Кейин ранги ўчиб, титраб гапирди:/дарича томонга бир оз мойил ҳам бўлди.

8 навкарларнинг/сипоҳийларнинг

9 даврда/давронда

9 даражада юқори бўлиши лозим эди./бир даражада бўлиши лозим эди.

10—14 Афсуски, уларнинг шикоят садолари кундан-кун авжга минмоқдадир. ∽ навкарлар жабр кўрмасинлар деймиз./— титроқ товуш билан сўзлай бошлади парвоначи,— афсуски, уларнинг шикоят садолари кундан-кун авжга минмоқдадир. Албатта, бу хусусни сизнинг доно кўзларингиз биздан кўра, минг қатла яхшироқ кўра олар. Адолат тўғрисида кўп сўз орага тушган бир замонда бечора сипоҳийларга жабр қилинмоқдадир.

16—17 Текис соқол ва мийиқлари ҳам аллақандай истеҳзоли табассум билан қимирлаб кетди./Соқол ва мийиқлари ҳам аллақандай истеҳзоли табассум билан қимирлаб кетди.

18—19 — Давлат учун қўшиннинг не даражада керакли эканини биз ҳам билурмиз,— мажлисга қараб гапирди Навоий./— Давлат учун сипоҳийлар не даражада керакли экани хеч кимдан яширин бир ҳақиқат эмас,—Мажддиддинга қарамасдан, дадил сўзлади Навоий

21 Ҳар бир подшоҳ, гарчи у қаҳрамонлик/ҳар подшоҳ, гарчи қаҳрамонлиқ

22—25 Шунинг учун қўшин аҳволидан ∽ таъмин қилмоқлари зарурдир./Шул жиҳатдан сипоҳийларнинг аҳволидан даставвал ўз вазифадорлари ҳамиша огоҳ бўлиб турмоқларини зарур деб топурмиз.

25—26 Аммо, навкарлар ҳам бу илтифотга ярашгудай, давлатга садоқатли бўлишлари шарт./Аммо, сипоҳийлар ҳам бу диққат ва илтифотга ярашгудай, подшоҳга, ўз саркардаларига, халққа садоқатда бўлишлари шарт.

26—29 Афсус, минг афсуски, навкарларнинг аксари ∽ адолатли давлатда асло йўл қўйилмас./Афсус, минг афсуски, сипоҳийларимизнинг аксари, яшнаган, дилбар экинзорларни қуритган чигирткалардек, элнинг молини таламоққа одатланганларки, адолатли давлатда бу қабиҳ ҳаракатларга асло йўл қўйилмағай...



www.ziyouz.com kutubxonasi

31—33 —Хазинадан етарлик олтин, кумуш олмагандан ∾ ясама куюнчаклик билан деди Мажиддин./—Хазинадан етарлик сим-зар олмағандин кейин, ноилож қўллари эл молига узатилур!— Ясама мулойимлик билан деди Мажиддин.

34—37 — Агар навкарлар, амалдорлар чигирткага айлансалар, тез кунда эл гадой тўрбасини бўйнига осур, бир мисқол кумушсиз хазинада сичқонлар базм қурур./— Давлат манфаати, адолат дастури буни буюрур! Агар сипоҳийлар, амалдорлар чигирткага айлансалар, улчоғ эл гадой тўрбасини бўйнига осур, бир мисқол кумушсиз хазинада сичқонлар базм қурур.

39 — пўнғиллади Амир Мўғул./аччиғини яшира олмасдан пўнғиллади Амир Мўғул.

40—41 «Тўқлиқ — шўхлик» деган бир гап бор,— деди Навоий ўз ҳақиқатига ишонган товуш билан./— Эл орасида «тўқлиқ — шўхлиқ» деган бир сўз бор.— Ўз ҳақиқатига ишонган бир товуш билан деди Навоий бекка қараб.

*206-бет*

1 айш-ишратга ифрот шўнғимасинлар./ифрот айш-ишратга шўнғимасинлар.

2 тўн киймаса,/жома киймаса,

3 навкарлардан давлат/сипоҳийлардан давлат

4 жанг ишида/жанг санъатида

5—6 касб этмоқ, ҳалол ва мардона яшамоқдирки, буни ҳануз кўрмадик./касб этмоқдурки, буни биз ҳануз кўрмадик.

7 Амир Мўғул қизариб, ерга қаради./Амир Мўғул қизариб, бошини қуйи солди.

9 унинг ўсиқ/ўсиқ

10—11 шаҳзоданинг юзида/унинг чеҳрасида

12 унинг тилини кесди./унинг оғзини муҳрлади.

12—13 оғир жимликни/жимжитликни

14—15 ичида вазифасига садоқатли, содда кўнгиллиги билан айрилиб турарди./ичида баҳодирлиги, йигитларига яхши муносабати, содда кўнгли билан айрилиб турар эди.

15—17 У, ўз йигитларига яхши қарар,∾ бир қозондан овқатланар эди./Валибек ҳамиша ўз йигитлари билан бирга яшар, бир қозондан овқатланар эди.

17—29 Баджаҳл, тўғри сўз Валибек, одати бўйича, кескин ва кучаниб гапирди: ∾ тўғриси, фаҳмим етмай қолди./— Оталаримиз туз сўзга, туз йўлга жон бағишловга тайёр бўлур эканлар,— деб бошлади Валибек.— Не сабабдандирки, замонамизда қадимнинг бу хўб одатига оз риоя қилурлар. Шунинг сингари сипоҳийлар ҳам қадимнинг шонли баҳодирларидан намуна олмоққа интилмайдилар. Меним назаримда, Алишербек жаноблари, гарчи арбоб жангдан бўлмасалар ҳам, бу томонини яхши мулоҳаза қилдилар. Ул жанобнинг саъй ғайратлари соясида йигитларимиз ҳеч нарсадан муҳтожлиқ сезмайдилар. Шунинг учун бу борада бўлган мубоҳасаларга, тўғриси, фаҳмим етмай қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

30—34 Валибекдан кейин вазир Хўжа Афзал сўзлаб, ∽ самаралироқ бўлмоғини орзу қилганлиги ҳақида гапирди./Валибекдан кейин, вазир Хўжа Афзал сўзлаб, Маждиддин ҳам унинг тарафдори баъзи бекларни узиб-узиб олди. Маждиддин тилёғламаликка кўчди. Қўлини кўксига қўйиб, «Алишер Навоийнинг бу соҳадаги ғайрат ва ҳамиятини яна ҳам самаралироқ бўлмоғини орзу қилганлиги» ҳақида гапирди.

35 Янги тайинланган эшик оғоси/эшик оғоси

37—41 юриб кириб, тўрдаги қалин зарбоф тўшакларга ўтирди. ∽ отасининг сўл ёғида ўтирди./юриб кирди. Унинг орқасидан ўн икки яшар шаҳзода Музаффар Мирзо лалайибгина ўтди-да, дадасининг сўл ёнида ўтирди. Шу аснода, жуда диққат билан қарағон одамлар, Бадиуззамоннинг юзида, турғун сув ойнаси ингичка чимирилган каби, аллақандай ҳиснинг кўлкаси бир он жилваланганини сеза оларди.

*207-бет*

3 Ҳусайн Бойқаро ширакайф./подшо ширакайф эди.

3—7 Бекларга одатдагича илтифот этди. ∽ хусусий ишлари тўғрисида ҳам сўзлашди./Бош бек амир Шижоиддинга ва бошқа бекларга одатдагича илтифот кўрсатди. Аммо, Алишер билан муомиласи ҳаммадан илиқ бўлди. Унинг ёлғиз расмий вазифалари ҳақида эмас, хусусий ишларининг бориши тўғрисида ҳам сўзлашди.

8 — Низомулмулк донишмандларча биртур ва савлат билан йўталиб қўйди. ∽ мансабдорларнинг руҳини чуқур синаган Навоий анча сиқилди./Бошқа бекларга ва подшоҳнинг баъзи муқаррибларига ҳам бундай муносабат ёқинқирамағанди. Сарой қузғунларининг бутун занфликларини чуқур синаган Навоий анча сиқилди.

15 енгилгина ўпди./ўпди, унинг

16 ёйини/кумуш ёйини,

16 белида камарга тақилган ўйинчоқ/белидаги ўйинчоқ

17 уни/болани

17—19 Бола яна отаси Бадиуззамон олдига келиб, ақлли кўзларини мажлисга жовдиратиб жим ўтирди./кейин отаси Бадиуззамонга узатди.

20—21 Ҳусайн Бойқаро Муҳаммад Саид паҳлавондан ∽ курашларга тайёрлик тўғрисида сўради./Ҳусайн Бойқаро айниқса кайфли вақтларида мавзуни тез алмаштирар эди. Муҳаммад Саид паҳлавондан келажак катта курашларга тайёрлиқ тўғрисида сўради.

24 маст қилинган фил/маст фил

25 ажойиб қувватини/фавқул башар қувватини

26 шавқ билан таърифлаб/таърифлаб

27—32 Кейин Ҳиротга келаётган ∽ музокара қилдилар./Хуросондан Хоразмга уч минг деҳқон оиласини кўчириш тўғрисидаги фикрини яна ўртага отди. Навоий бу режани мақбул кўрмай, кўпдан буён уни бу фикрдан воз кечишга қистағондан, Ҳусайн Бойқаро Навоийга мурожаат этиб, ўз қарорини ҳеч сўзсиз амалга оширажағини баён қилди. Навоий бу мажлисда музокарага ўрин



www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқлиғини билганидан сокин бир илжайиш билан чегараланди.

33 Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро/Ниҳоят,

35 янги/бугун олинган янги

35—37 Кутубхона бошлиғи Дарвешали даста-даста китобларни қўлтиқлаб келтириб, унинг ёнига тахлади./Дарвешали бир даста китобни қўлтиқлаб келиб унинг олдига қўйди.

37—39 Ҳусайн Бойқаро кундузи ∾ мажлисдагиларга узатди./кундузи бир марта кўздан кечирган китобларни бир-бир олиб, аввал Бадиуззамонга, сўнг Алишер, Шайхим Суҳайлий ва бошқаларга узатди.

*207-бет 39-сатри—208-бет 5-сатри*

Турли қалинликда, бир-биридан гўзал ∾ бу китобларнинг ҳар бир саҳифаси, ҳар қанча олтинга арзир эди./Турли қалинликда ва ўлчовдаги бу китобларнинг аксари девонлар эди. Буларнинг ҳар бири кўпгина олтин қамрағон эди. Бироқ, уларнинг ҳар бир саҳифасининг ўзи юз, балки минг ҳисса ортиқ олтинга арзир эди... Булар уч мўъжиза — муқовачи, рассом ва хаттот санъатининг мўъжизаларидан бириккан ажойиб, нодир ижод асарлари эди.

5—8 Гўзал китобларни кўп кўрган ∾ санъат қаршисида ҳайратда қолди./Гўзал асарларни ўз умрида жуда кўп кўрган ва ўзи ҳам қимматбаҳо китоблар хазинасига эга бўлган Навоий ҳам бу мукаммал санъат қаршисида ҳайратда қолди.

8—13 Ингичка санъатларга қизиқсинмаган, уларга ∾ Ҳамма Беҳзод ва Султоналининг ҳаёти ва шахсиятлари билан қизиқа бошлади./Ўзи тарбия қилғон санъаткорларнинг бу даража маҳорат касб этганига йиғлагундай ичдан суюнди. Ҳатто, ингичка санъатларга қизиқмаган, уларни чиройли, лекин кераксиз безак деб қараған баъзи жанг арбоблари ҳам, китобларни чуқур қизиқиш билан томоша қилиб, дағал бармоқларига бутун майинликни тўплаб, ўта эҳтиёт билан варақладилар, хаттот Султон Али Машҳадийнинг шахсияти ва ҳаёти билан қизиқа бошладилар.

14—19 Музаффар Мирзонинг беклари ва ўктам йигитлари ∾ «қўлинг дард кўрмагур, ўбдон ғалати иш ясабди!»/Музаффар Мирзонинг «отабеклар»и ва бир неча ўктам йигитлари билан бирга шаҳзодага ҳамроҳ бўлиб келиб, ҳали «каптархона» олдида подшоҳга илк марта кўриниш берган ва ҳозир подшоҳ мажлисида, улуғлар қаторида чордона қурған Тўғонбек-да бир китобга узоқдан кўз ташлаб гапириб қўйди: «Қўлинг дард кўрмагур, ўбдан ғалати иш ясабди!»

20 Ҳусайн Бойқаро/подшоҳ

21 зиёфатга таклиф этди./ Боғ ўртасида, ёзлиқ ўлтиришлар учун хос бўлган атрофи очиқ кўшкда катта зиёфат-базм бошланди. Таомлари, шароблари, чолғучилари, ҳофизлари, раққослари ва сурон хангамалари билан бу базм одатдагидан кўп фарқ қилар эди. Мана шеър айтув бошланди. Шоир қўлға қадаҳни олиб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

мажлис ўртасида шу онда янги нарса тўқиши керак. Илҳомининг кучига яраша тақдирланади. Ё даҳшатли сукутдан эзилиб ўтира қолади, ёки олқишларга сазовор бўлиб, кўкси қабаради. Мана кутмаган вақтда, Муҳаммад Саид ўрнидан туришга мажбур. У ҳийла маст. Унинг гавдаси олдида ҳар қандай дов йигит азамат дуб оғочининг ёнида ўсган кичкина дарахтдай кўримсиз бўлиб қоларди. «Ҳовзи моҳиён»нинг катта майдонида «етти иқлим»нинг паҳлавонлари билан кураш тушиб, орқаси ерга тегмаган ва ажойиб истеъдодли бу одам бир он қизариб, тараддудланди-да аланга билан тўлгандек ёнган қадаҳни қудратли қўлида баланд кўтариб, подшоҳ томонга қаради ва жимликда овози кучли гуруллади:

Гуфтамаш дар олами ишқи ту кори ман ғамаст,
Гуфт хандон зер илаб ғам нест кори оламаст.

Таржимаси: Мен унга: сенинг ишқинг оламида менинг ишим ғамдан иборатдир, дедим,
У эса мийиғида кулиб: ғам эмас, олам ишидир деди. Паҳлавон қадаҳни сипқираркан, мажлис аҳли сурон билан уни табрикладилар. Бирдан сурон тинди. Ҳусайн Бойқаро гапирди: «Паҳлавони оламга минг олтин инъом қилдиқ. Буюринг, қўлимиз сизга интизор!»
— Муҳаммад Саид подшоҳнинг қўлидан қадаҳни олиб унинг соғлиғига ичди. Ултириш яна хушчақчақ давом этди. Навоий ўз дўсти Муҳаммад Саидга ёнидан жой бериб, унинг ғалабасини қизғин табриклади. Ичишдилар, ҳазил-мутойиба қилишдилар.

22—25 Базм авжга миниб, ∾ Эшикда кутган икки навкари билан уйга жўнади./Базм авжга минди. Навоий чарчаганлигини баҳона қилиб, эшикда кутган икки навкари билан уйга жўнади.

27—28 қийқириқлар ва посбонларнинг яримта-юримта овозлари эшитилиб қолади,/ҳайқириқлар эшитилади.

31—33 ўнқир-чўнқир кўчага — ҳунармандлар маҳалласига қайрилиш билан олдинроқда кетаётган Навоийнинг оти/ўнқир-чўнқир кўчага қайрилиш билан Навоийнинг оти

35—37 Навкарлардан бири чаққонлик билан отдан ерга тушди, жиловни/орқадан етишган навкарлардан бири сакраб ерга тушди, отнинг жиловини,

37—38 эгилиб қаради,/эгилди.

41 шошиб отдан/отдан

42 навкар уни тўхтатди:/навкар тўхтатди:

***209-бет***

1 четга/ойдинга

3 — Ким? — сўради Навоий./— Ким?— сўради Навоий ҳаяжонланиб.

4—9 Мир Ҳалим бўзчининг қизи. Ажаб хушрўй эди, ∾ жасаддан кўзларини узмай, хўрсиниб сўради:/Мир Ҳалим бофанданинг қизи Ажаб хушрўй эди. Чолғуда ҳам моҳир эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

10 — Бу фожиа кимдан рўй беришини эҳтимол қилурсиз?/—Бу фожиа не юздан рўй беришини эҳтимол қилурсиз?— сўради Навоий, бошини тебратиб.

14 ҳам баъзи/баъзи
Аммо билишимча, қиз/аммо қиз

19—21 Ҳиротда ёмонлар кўп, ∽ шундай воқеалар бўлиб туради./— Ҳиротда ёмонлар кўп тақсир,— жасаддан кўзини узмай, гапирди отдаги навкар.

22—27 Не учун бу тўғрида ҳеч нима айтмадинглар?— Қатъий буюрди:— Сизлар!/Сизлар

28 — Сизлар бу ерда қолинглар,/—Сизлар қолинглар.

29 дурустми? Кейин юзбошига айтиб, ∽ — отни секин ҳайдаб кетди шоир ёлғиз ўзи./Дурустми — дардли товуш билан, лекин қатъий буюрди Навоий — юзбошига айтиб, жинояткорларни топдириб, зиндонга ташлатинглар, эрта билан сиздан батафсил сўрайман,— Отни кескин ҳайдаб кетди.

34—38 Хўжасини кутиб ўтирган содиқ мулозим Шайх Баҳлул ∽ бир оғиз сўз айтишга ботинмай, жимгина чиқиб кетди./Шайх Баҳлул кўшкда шамни ёқиб, пастак хонтахта олдида жой ҳозирлади, ғамгин кўринган хўжасига бирон сўз айтишга ботинмай секингина чиқиб кетди.

39—41 Навоий устки тўнни ечди, ∽ Даричадан боғчага қаради./Навоий саллани олиб токчага қўйди, енгил тақя кийди. Устки тўнни ечиб, дарича олдида ўтирди. Йўлда қўққисдан учраган ҳодиса кўнглини жуда ғаш қилғон эди. Бу манзарани хотиридин силашга тиришди. Даричадан боғчага қаради.

43 қоматларидан/гавдаларидан

*210-бет*

1 оқарди./тошарди.

3 жонлидай сеҳрли, гўзал туюларди./жонлидай туюлар эди.

3—5 Бу танҳо гўзал кеча, ҳалиги қонли рўё шоирнинг фикрида узоқ, эски бир хотирани жонлантирди./Бу танҳо гўзал кеча Навоийнинг фикрида эски бир хотирани жилвалантирди.

6—7 куйдириб қавжиратгандай бўлди./куйдиргандай бўлди.

8—9 гўзаллик, тинлик билан/гўзаллик билан тўла

10 ҳисларнинг мукаммал тажассуми/ҳисларнинг жонли, ажойиб тажассуми

11 кечирилган, фақат,/кечган.

14—23 Қани ул дилбар! Қани у, шеърнинг, илҳомнинг туганмас нур-чашмаси! ∽ афсонага айланган муҳаббат алвидо!/«Оҳ, Гули! Гули! абадиан алвидо, севги!»

24 шохини/бутоғини

27—28 каби узоқ вақт дард билан, жим, сокин ўтирди./сингари яна бир муддат сокин ўтирди.

28—29 Сўнг оғир сўлиш олди. Бир томонга қийшайган шамни тўғрилади./Сўнг бир томонга мойилланган шамни тўғрилади.

29—30 Хонтахта устидаги қоғозларни хомуш варақлади./қоғозларни хомуш варақлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

31 ташлади:/югурди.
31 Олтин довот/Чиройли олтин довот
32 Сиёҳга озгина сув томизди./Сиёҳга бир неча томчи сув томизди.
34 шоир фикр тошларини/фикр тошларини
35—36 Хаёл уни қанотларида эртаклар оламига учурди./Хаёл шоирни ўз бўронида эртаклар оламига олиб қочган эди.
37—38 Мана Фарҳоднинг «Наҳрилҳаёти» битди./Мана Фарҳоднинг «Наҳрилҳаёти» охирига етди.

*210-бет 38-сатри —211-бет 4-сатри*

Эртага Фарҳод сув қуяди ∾ ҳавода тонг шабадаси ғириллар эди./Шоир енгил хўрсиниш ва табассум билан қаламни қўйди. Шамни ўчирганда атроф оқариб, ҳавода тонг шабадаси ғивиллар эди.

* *
*

6—9 Тўғонбекни, Хўжа Абдулло Хатиб, Мавлоно Шаҳобиддин ва бошқа ҳамфикрларини имлаб,/барлослардан икки-учини имлаб,
10— Ҳамманинг кайфи тароқ бўлса ҳам, ∾ одамлар эс-ҳушларини йиғишга тиришдилар./Бекларнинг кайфлари тароқ эди. Парвоначи ўзига сирли-ваҳимали бир товуш билан сўзлаб, эшикларни беркитаркан, улар эсларини йиғишга тиришишди ва гап бошланмасданоқ мақсадни пайқаб ола билишди.
15—17 — Алишерга подшоҳ ҳазратлари ∾ Амир Мўғул мастларча чайқалиб.— Алишерга не йўсинда муомила бўлди! юрагим қинидан чиқаёзди!— ғулдиради Амир Мўғул оёқда туриб.
18—21 Энди билдимки подшоҳга сўз уқдириш имконсиз экан ∾ қўли билан пешонасини сиқиб, тебраниб./Ҳеч кутмаган эдим. Бағоят мутаассир бўлдим!—хафаланиб деди Мажидиддин.— энди билдимки, подшоҳга сўз уқдириш имконсиз экан!— шунча шикоятларимиз, далилларимиз елга учди!— қўли билан пешонасини сиқиб тебраниб, гапирди бир барлос беги.
22—27 — Модомики биз улуғ вазифани ўз олдимизга қўйибмиз, ∾ ҳеч қандай тараддудга ўрин қолмайди./— Модомики биз бир муҳим вазифани ижро қилиш хусусида аҳд этишимиз, уни охирига етказмаклигимиз шарт,— қатъий гапирди Мажидиддин.
27—29 — Биз шу замонгача подшоҳнинг қулоғига жузъий шикоятларни етказдик./— Биз шу замонгача гоҳ-гоҳ подшоҳнинг қулоғига жузъий шикоятларни етказдик.
29 Лекин эътибор қилмадилар./Буларга хоқон эътибор қилмадилар. Ҳар ҳолда бизнинг сўзларимизни унутмаган бўлсалар керак, ∾ ғоят пинҳон тадбирлар кўрадилар./Аммо, бизнинг сўзларимизни тамоман унутмаган бўлғайлар, Нечукким, ул ҳазрат аксар ишларда узоқ андишаларга бориб, ғоят пинҳон тадбирлар кўрадилар.

*211-бет 32-сатри —212-бет 14-сатри*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди асло ∽ фитначи бир чол./Эмди асло ноумид бўлмай, яна ҳам жасурроқ тадбирлар кўрмак керак, деб ўйлайман.— Сизга маълумки бизлар,— Амир Мўғул қўллари билан бекларга ялпи ишора қилиб деди — сув кечган, ўт босган, хуллас, маъракаи майдонда суяги қотган одамлармиз. Аҳдимиз ипини қилич ҳам кеса олмайди!—Тўғри! Биз замоннинг Субутой ботирларимиз! Давлатнинг равнақи бизнинг қиличимиздан!— дейишди беклар.

Маждиддин сўзни қисқа қилишга уринди. Чунки мастлик чоғларида бу беклар лоф-қофни, тушларида кўрмаган уришларни тасвир этиб, ўзларининг хаёлий қаҳрамонликларидан эртаклар тўқишни севар эдилар.— Модомики, якдил бўлмакка ҳаммаларингиз розидирсизлар, мана бу мулоҳазамга қандай кўз билан қарайсизлар? Айтингиз.

15—17 — Хоқонимизга имзосиз бир мактуб ёзсак... Алишер ва ∽ жамики мулоҳазаларимизни баён қилсак.../ Хоқонимизга имзосиз бир мактуб ёзсак...— давом этди сўзида Маждиддин — Алишер ва унинг гуруҳи тўғрисидаги жамики мулоҳазаларимизни баён қилсак...

18—19 — бирдан қичқириб юборди Амир Мўғул./жавоб берди Амир Мўғул.

20 — Баъзилар мактубни подшоҳга топширмоқ қийин бўлади деб иккиланишган эди, ∽ шам олдида терлаб-пишиб мактуб ёзмоққа бошлади./Мактубни подшоҳга топширмоқ мушкул бўлур, деб тараддудланганларни Маждиддин қатъий кўндирди: Саройда бизнинг шундоғ яширин қўлларимиз мавжуддурки,— шивирлаб деди Маждиддин,— улар мактубни подшоҳнинг муборак кўзларига элтиб тутарлар, аммо, ўзлари пинҳон қолурлар. Бу ғоят осон. Улуғ беклар агар бу вазифани каминага топширсангизлар, иншаолло, адо қилармен. Амир Мўғул ва беклар мактубнинг айрим жиҳатлари ҳақида ўз фикрларини билдириб, бирин-сирин боғнинг турли ёқларидан юриб, базмга кетишди.

*   *
*

35 кирди.../кирган эди.

35—38 Ҳиротнинг етукли оилаларидан бўлиб.∽ боши шишиб, ўрнидан турди./Ҳиротнинг етукли оилаларидан бирига мансуб бўлиб, Султонга тақдим этилган бир гўзал қиз билан бирга кечани ўтказиб, қиём паллада турди.

*212-бет 38-сатри —213-бет 2-сатри*

Унинг ёлғиз ўзига хос ҳаммомчада ∽ кейин қунт билан кийинтирди./Ўзига хос ҳаммомчага кирди. Махсус ходими ювинтириб; ходимчилик санъатининг бутун қоидаларига мувофиқ, баданини ўбдон уқалаб, кийинтирди.

2—7 Ҳусайн Бойқаро енгилланиб, кошонага кирди. ∽ гўзал хоним билан нонушта қилди./Кейин яна кошонага кирди, сулув хоним билан бирга нонушта қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

8 бегона/тамом бегона
8 тақдирнинг/номаълум тақдирнинг
9 ваҳм, кўнгил/кўнгил
9—17 кечани эссиз-ҳушсиз ўтказган ёш аёл, ∾ уни Гулчеҳрабиби икки букилиб қарши олди./Ҳушсизлангандай хомуш ўтирган гўзалга бир неча оғиз ширин сўз айтиб, ташқари чиқди. Даҳлизда уни кампир... икки букчайиб қарши олди.
17—23 Тиши тушган, сочи оқарган бўлса-да кўксига ∾ эшикдан силжимаган эди./Бу аёл тунда подшоҳ киргунча ҳар нав тайёрлиқлар кўриб, сўнг мижжа қоқмай подшоҳнинг эҳтимол тутилган амрига ҳозир-нозир бўлиб, эгасини пойлаган ақлли кучукдай эшикдан силжимаган эди.
23—24 Ҳусайн Бойқаро тўхтади, кампирга илжайиб,/Султон Ҳусайн тўхтади, кампирга илжайди.
24—25 олтин танга оларкан,/тилло оларкан,
25—26 Пулни кампирнинг очкўз кафтига тўкди./Тиллони кампирнинг очкўз кафтига тўкди.
27 — Хизматинг мақтовга лойиқ, эна./— Хизматинг мақтовга лойиқдир.
28 чўрингизнинг/чўрининг
29—30 пулни енг ичига жаранглатиб тўкиб,— ўз подшоҳининг кўнглини очувчи тоза гуллар изламоқдир./пулни киссага жаранглатиб тўкиб — подшоҳнинг муборак кўнгилларини очишга йўл изламоқдир.
31—32 Ҳусайн Бойқаро «Боғи жаҳон-оро»нинг салқин йўлларида кетатуриб ипакдай майин, юпқа қоғозни ёйди./Султон Ҳусайн кетатуриб, ипакдай майин, юпқа қоғозни ёйди — катта нома...
33 сатрига/йўлига
34—42 Қовоғини солиб, атрофга назар ташлади. ∾ қоғозни ғижимлаб киссасига солди./яна бир неча сатр ўқиб, қоғозни қайтадан букди, илдам юриб кетди. Ўзининг тахти турган девонга эмас, унга ёпишган, деворлари чинни кичик хонага кирди, тўшак устида номани охиригача ўқиди-да, асабий равишда ғижимлаб букиб яна киссасига солди.
43 Алишер Навоийдек/Алишердек

*214-бет*

1— ўйлади лабини тишлаб у,/—лабини тишлаб ўйлади у,
4—11 ...Яхши гап! Менинг ўрнимга Бадиуззамонни тахтга ўтқазар эмиш, ∾ бинобарин, муболағадан асло холи эмас./Султон Ҳусайн ичидан титраб кетди, «мен шу замонгача бек ва умародан Алишер хусусида кўп шикоятлар эшитган эдимки, алар бунинг олдида дарёдан томчи экан. Бироқ, албатта буни беклар ёзган. Бинобарин муболағадан асло ҳоли эмас.
11— Лекин қайси йўл билан бу имзосиз нома менинг киссамга тушди? ∾ ҳам менга садоқатларидан нишона бор.../қайси йўл билан нома менинг киссамга тушур? ажаб!— ҳайратдан беихтиёр илжайди. Подшоҳ — улуғлар қаламга олган ва кичиклар Камак Каёний маҳорати билан ичимга кирганлар! Бу яхши албатта; бу ҳара-



www.ziyouz.com kutubxonasi

катда улуғларнинг ҳам, кичикларнинг ҳам менга садоқатларидан нишона бор...

17—23 Ҳусайн Бойқаро катта, юмшоқ ёстуққа ёнбошлаб, тинкаси қуригандай, ∾ подшоҳга таъзим қилди./Катта юмшоқ ёстуққа ёнбошлаб, тинкаси қуриғандай анча вақтгача мудради. У бирдан кўзини очди, қўлини чўзиб, бошидан айрим матлаълар ва номадаги айрим жумлалар чалкашди, даричани тиқирлатди. Бир зумда эшик оғоси ҳозир бўлиб, таъзим қилди.

24 отлиқни/отлиқ бирини

25 Бобоали/эшик оғоси

26 — Букун кўринмадими?/— Шул атрофда кўринмадими?

28 — Уни илдам топиб, бизга юборинг./— Топиб, бизга юборинг.

30 Кўп ўтмасдан эшикни/эшикни

31—32 кўринишида ўз соясидан ҳуркадигандек йигит эди./ йигит эди.

32 у ергача/ергача

33 қўли кўксида/сўнг қўли кўксида

33—36 Ҳусайн Бойқаро унга қарамасдан деди: ∾ ундан кечурсен/сен шу дамгача кимнинг сояси бўлсанг, андан кечурсан,— йигитга қарамасдан гапирди Султон Ҳусайн.

38 Алишер Навоийга/Алишерга

39 Ҳусайн Бойқаро ўшшайиб./Султон.

*215-бет*

2 ўтмасин./ўтмагай.

2 ўз дўстлари,/дўстлари

4 еткузиб/еткуруб

4—5 жонинг, бошинг/жонинг

6—10 — Бу фақир қулбаччангиз фармонингизни ∾ — Хўп, жўна энди!—қўлини силкиди подшоҳ./—Бу фақир қулбаччангиз фармонингизни сидқидил билан ижро қилур, ... янглиғ ёзиб, муборак хотирингизга еткурур,— деди Мирқобил.— Кетавер!— қўлини силкиди подшоҳ.

*215-бет 12-сатри —218-бет 36-сатри*

Навоий эрта билан ∾ 1. Кечки/Кечки

37 Эринчак қиш/Ҳиротнинг эринчак қиши

39—40 Амалдорларнинг сўзига, ваъдасига қаттиқ ишониб бўлмас эди./Чунки ҳоким ва амалдорларнинг сўзларига, ваъдаларига қаттиқ эътиқод этиб бўлмас эди.

*'51-бет*

2—3 шиширар эмишлар,/шишириб ўлдирармишлар.

3—4 Ётқизиб, қоқ белидан ғуладай арралармишлар!/ётқизиб бўйнидан арралармишлар.

5 ваҳим/даҳшатли

5 сўзлайдилар./сўз борарди.

7—8 орқасида Тўғонбекнинг қонли, қора кўланкаси кўринар эди./Тўғонбекнинг қора қонли кўланкаси билан омихта эди.

9 Тўғонбек/дўстини Тўғонбек

10 дўстини қистади./қистади.

10—11 Султонмурод бу таклифни эшитгиси ҳам келмади./Султонмурод дастлаб эшитгиси ҳам келмади:

12 бетини кўрмоққа тоқатим йўқ./унинг бетини кўришга тобим йўқ.

13 гўё қўрғошин қуйилгандай/мум қуйилгандай,

14 тамом кар/том кардир

15—16 — Биламан, ўзим ҳам ундан нафрат қиламен,— деди Зайниддин,— не қилайликки, зарурият.../— Биламен, ўзим ҳам нафрат қиламен,— ҳафаланиб гапирди Зай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ниддин,— у ҳайвоннинг кўзларини парма билан бураб ситиб олган тақдирда ҳам аламимдан қутила олмас эдим. На қилайликки зарурият...

16—17 — Унга мурожаат этмоққа, ҳатто ялинмоққа мажбурмиз./У билан муомалага мажбурмиз.

18 Хотиримдадирки,/Хотиримда борки

19—20 Эсингдами, нима дерди: Султонмурод/Султонмурод

23 кўзларини кўкка маънодор тикди./кўзларини осмонга тикди.

25 маъноси шундай:/ҳозир хотиримга келмади, маъноси шундай:

25 ҳайвон/буғу

27—30 Зайниддин ортиқ қистамади. ∾ Яна Султонмурод қошиға келди./Зайниддин ортиқ қистамади, у ўпкалангандай бир ёққа йўқолди. Аммо Ҳиротнинг доираларига яқин турган баъзи танишлари билан учрашиб, янги хабарлар билан яна Султонмурод қошиға келди.

31—32 — Ҳадичабегим Дилдорнинг ҳаракатидан ғоят қаҳрланган эмиш,— деди у хафаланиб./«Маҳд алё»... кес тилингни, кес!— Султонмурод ўрнидан сакраб туриб, дўстининг оғзини юмди. Кўчада, эл орасида шундай гаплардан сақлан!— Гап шундаки, «Маҳд алё» Ҳадичабегим,— сохта виқор ва оҳанг билан сўзлай бошлади Зайниддин,— бу алам ангиз воқеадан ғоят ғамнок эмишлар.

36—37 Султонмурод уҳ тортиб, индамасдан бир ёққа илдам жўнади./Султонмурод илдам жўнади.

37—39 Шаҳарнинг шимолида, эски шаҳзодалардан қолган ∾ олимни икки навкар қаршилади./Эски, шаҳзодалардан қолган чиройли бир қасрнинг эшиги олдида олимни икки навкар қаршилади:

41 берингиз,/қилингиз,

*252-бет*

1 навкарларнинг бири, ёқинқирамагандек,/навкарлардан бири ёқинқирамаган бир йўсинда.

2—3 кириб кетди-да, кўп ўтмасдан пайдо бўлди, боши билан имлади./кирди-да, ҳийла вақтдан кейин чиқди. «Марҳамат қилингиз».

5 «Эй бузуғ фалак!/«Эй фалак,

7 ўйлади ичида у./деди ичида,

7—10 Кейин қулоғига ҳалқа осган бир қулнинг ∾ айрим, катта хонага кирди./Қулоғига ҳалқа осган бир қулнинг кўрсатиши билан қуюқ, сарвзорлар орасидаги йўлдан анча юриб, йўлнинг бошидаги айрим катта бир хонага кирди.

10—12 Бу уй қимматбаҳо жиҳозларга жуда бой эди,∾ бир неча мансабдорлар ўтирарди./Ҳинд, Хитой буюмлари билан безалган уйда Туғонбек ва Амир Мўғул ўтирар эди.

12—23 Алоиддин Машҳадий ярим юмуқ кўзларига қоғозни яқин тутиб ∾ ўзининг нима мақсад билан келганини айтди./биз томонларга ҳам келар экансиз, махдум,— ўрнидан туриб совуқ кўришди Туғонбек. Амир Мўғул сал қўзғалиб, Султонмуродга қўл учини узатди. Туғон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

бек ўзини гўё юртнинг ҳомийси, ҳаётнинг ҳар томони билан қизиққан ва ҳар соҳада билимдон бир саркарда каби тутишга тиришиб, дарров мадрасалар аҳволидан сўз очди. Султонмурод ингичка кинноявий табассум билан баъзи маълумотлар берди-да, сўзни мавзуга кўчишидан қўрқиб, ўзининг нима мақсад билан келганини қисқа айтди.

23 иягидаги/даҳанидаги

24 дағал соқолини/соқолини

24 сукут этди./хурпайиб олди.

24—25 Кейин яхдай совуқ, сунъий «қиҳ-қиҳ» қилиб кулди./Бир неча вақт сукутдан кейин, яхдай совуқ, аллақандай сунъий кулги билан «қиҳ-қиҳ» кулди.

26—27 У қочқин чўрига ҳомийлик қилиб нетасиз?— деди у қошларини киноя билан кериб.—/— У қочқин чўри,— ғамхўрлик қилиб нетасиз?

30—33 — Бек, мен сизнинг ҳузурингизга ∾ севгиси учун ғамхўрлик қилурмен./— Бек, мен сизга уйланиш қайғусидан, келмадим,— ғазабини бўғиб, секин сўзламакка тиришди Султонмурод.— Мен ўзгаларнинг бахти ва севгиси учун ғамхўрлик қилурмен.

33—34 кишиларни бахтли кўрмакнинг ўзи ҳам бахтдур./Кишиларни бахтли кўришдан афзал нарса борми?

*252-бет 35-сатри —253-бет 2-сатри*

Тўғонбек естуққа ёнбошлаб, олтин ҳалли шипга қаради. ∾ адолат ҳақида лоф урувчилар пайдо бўлади. /Тўғонбек ёстуққа ёнбошлаб олтин ҳалли шипга қаради. Султонмуроднинг келишидан умуман нохуш бўлган Амир Мўғул қундуз пўстинини елкадан бир оз туширди, ичкандан ва бангдан эрта бужмайиб, тупроқ тусини олган юзини титрак қоплади. Худди навкаридан койингандек хириллади.— Бу элда подшоҳ бор, вазирлар бор, беклар бор. Сиз китобингизни билинг, ишни улар қилсинлар. Хўжа Афзалга мурожаат қилибсиз. У энди Марвга, ўзининг адолатфуруш акасига хабар юборур. Бир чўри устида шунча ғавғо! Ундайларни мингтасини бир итимга алишмаймен.— Жаноб бек, кибр ҳавога унчалик парвоз қилманг.— Қичқирди чидамасдан Султонмурод.

3—4 Тўғри, юртнинг улуғлари бор,— деди Султонмурод асабийлашиб,— лекин зулм хам зўр, ўзбошимчалик ҳам зўр,/— Тўғри, юртнинг улуғлари бор. Аммо, зулм ҳам зўр, ўзбошимчалик хам зўр.

8—10 — Биродар,— қаддини ростлаб, юмшоқ гапиришга тиришди Тўғонбек ∾ пайғамбар хам буюради./Амир Мўғул тумрайиб ерга қаради. Тўғонбек қаддини ростлаб, оғир, сокин сўзлади:—Биродар, жиноятчига жазо бермакни худо хам, пайғамбар ҳам буюради.

10—11 — Масалани Шайхулислом ҳал қилур./Мана Шайхулислом бор.

12—17 — Қизга хеч ким ∾ — жавоб берди Султонмурод.— Мен/— Мен

18—20 — Мен сизга ўгит ўргатгудек билгич эмасмен,— гапирди қовоғини солиб Тўғонбек.— Бироқ, шу нарса му-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаққақки, қорани оқламоқ ҳеч бир подшоҳнинг «ёса» сига сиғмайди./— Сизга ўгит ўргатгудек билгич эмасмен, бироқ, шуни билингки, қорани оқламоқ ҳеч бир подшоҳнинг «ёса» сига сиғмайди.

22—28 Султонмурод келганига афсусланди. ∾ Ҳиротнинг машҳур қиморбозлари кириб келди./Султонмурод келганига афсусланди. Ғазабини ичида базўр босиб ўйлади. Қизни Мирзо Ёдгор «бузуғлиғи»да ким томонидан олиб қочилғони ҳақида сўзлаб, буларни қўрқитайми, йўқми,— деб иккиланиб тураркан, эшикдан бир тўда бекзодалар, Ҳиротнинг машҳур қиморбозлари кириб келди.

32 Олим қайрилди./қайрилиб,

33 қўрқиб, қайтди./кўрди. Орқаға қайтди.

34—35 — Дўстим, биздан кўнглингиз қолди-да?— илжайди Туғонбек./— Махдум, биздан кўнглингиз қолди-а?— сўради илжайиб Тўғонбек.

36 — Мен сизни фазилатга даъват қилган эдим, ∾ сўзингизни ерда қолдирмасликка тиришурмен./—Мен сизни савоб ва фазилатга чақиргон эдим...—Гарчи, бу ишга менинг дахлим йўқ бўлса ҳам, лекин илтимосингизни ерда қолдирмасқа тиришурмен. Кўнглингиз тинч бўлсин. Мен Амир Мўғул олдида шундай муомила қилмоқни лозим топдим-да, хайр!

*254-бет*

1—4 Султонмурод кўзларини ∾ сўйлади Тўғонбек. Султонмурод/Султонмурод

5—7 Султонмурод ташаккур билдириб, ∾ Зайниддинни аввалгидан ҳам ғамгин кўрди./Султонмурод Тўғонбекка ташаккур билдириб, суюна-суюна югурди. Мадрасага қайтиб, ҳужрада Зайниддинни аввалгидай ғамгин кўрди.

8—9 — балонинг олдини олдик./— фалокат узоқлашди,— қичқирди Султонмурод.

10 — Ҳақиқатми?— ишонқирамай сўради Зайниддин./— Ҳақиқатми,— сўради Зайниддин ишонқирамай.

12 айтиб берди./бирин-бирин сўзлаб берди.

12 гумонларга борган/гумон ва шубҳаларга борган

13 ишонч/ишончи

14 Бу оқшом/Бу кеча

17 чоғида/вақтидағина

17—18 Саҳҳоблик растасига/саҳҳоб бозорига

19 олимлар, шоирлар,/шоирлар, олимлар,

20—21 турли мавзуларда суҳбатлашишди, талашишди. Кейин, /баъзи масалаларда музокара ва мубоҳасага киришиб, сўнг,

22—23 «Ихтиёриддин» қалъаси томонга беихтиёр боришди./ зиндон теварагига беихтиёр боришди.

24—25 одам тўплаб, қизиқ латифалар билан ҳаммани қаҳ-қаҳ /одамни тўплаб ҳар нав қизиқ латифалар сўзлаб, эшитувчиларни қаҳ-қаҳа

26—27 Сўнг, кабобпазнинг дўконига кириб, овқатланиб,/кабобчининг дўконхонасига кириб озгина кабоб ошаб,

28 Зайниддин/Бу ерда Зайниддин



www.ziyouz.com kutubxonasi

30 дўстини зериктирмасликка тиришди.../«Манов дев қомат — Ҳайдар паҳлавон. Ироқдан келган Муфрид қаландардан «Ҳовзи моҳиён»да ўтган йил бешта таёқ еб, оёқ суяклари бир тўрва ошиқдай бўлиниб кетган эди. Ҳусайн жарроҳ оёқларини чуқурға кўмиб, қирқ кунда тузатган. Анов йўрға отда жилпанглаган... Миракдур — соқолини қирдирган пайтда ёнига яқинлашма! Анови олифта умрида беш юз минг байт айтган шоирнинг набираси... Шоир ёнидан пул тўлаб ғазалини эшитдиради. Ҳав анавим, чўққи соқол — уста Ғиёсиддин... ўттиз ҳунарда ягона. Наққошлик ва заргарлик, ходимийликкача, кимёгарлик ва муқовачиликдан сартарошликкача нодир одам».

32—36 Улар кабобпаз дўконидан чиққанларида, ∾ «Нима гап?»— ранги ўчиб Зайниддинга қаради Султонмурод. /Пешин намозини шу ердаги масжидда адо этиб чиқишаркан, Зайниддин узоқда бир тўп одамни кўриб, югуришди. Қоровулхона эшигида Туғонбек қаққайғон... «нима гап?»— ранги ўчиб Зайниддиндан сўради Султонмурод.

37 қайтиб,/у келиб

38 туртди-да,/туртди,

40 Музаффар Мирзо/Музаффар

42 қилармишлар./қиладилар.

*255-бет*

2 бизни!— деди-да,/бизни-да,— деди.

2—4 урди. Сўнг, бирдан ғазабли ҳаяжондан ўзини йўқотгандек, Тўғонбек томонга отилди./уриб ва бирдан Тўғонбек томонга отилган эди.

4—5 уни чаққонлик билан қучоқлаб олди./базўр қучоқлаб олди:

6—13 — Дўстим эсингни едингми? Эндиги ҳаракат бефойда!— деди у орқага суриб. ∾ Бир кун ундан ўхшатиб ўчимизни олурмиз./— «Дўстим, бефойда, эндиги ҳаракат беҳуда... бир кун ундан ўчимизни оламиз!» деди уни орқага суриб...

14 Одам борган сари қалинлашди./Одам қалинлашди.

15 Осармишлар, кесармишлар!/Осармиш-кесармиш ва ҳоказо

15—17 Кўплар ачинади: «Гуноҳи нима экан, бечора қиз қафасдан қутилмоқчи бўлибди холос!»/Кўплар ачинади: «Гуноҳи нима экан, бечора қиз қафасдан қутилмоқчи бўлибди, холос!»— Арз қилинмабди?— Мир бу ерда эмасларда...

19—21 Музаффар Мирзонинг хос йигитлари пайдо бўлди. одамларни четга сура бошладилар./Даҳшатли сипоҳийлар пайдо бўлди. Улар одамларни четга сура бошладилар.

22—30 — Нима қилмоқ керак? ∾ сиймоси кўриниб қолди.— Арслонқул!/— Арслонқул!

31 қаттиқ қичқирди/қичқирди

32 отга югурди./отга қараб югурди.

33—34 — сўради бақириб Арслонқул./— боқди Арслонқул.

37 тутқазди:/узатди:



www.ziyouz.com kutubxonasi

*255-бет 37-сатри — 256-бет 9-сатри*

«Қалъа бегига!» Султонмуроднинг елкаси орқали Зайниддин ҳам қоғозга тикилди. ∾ — Итоат қиламен!— Совуқ жавоб берди қалъа беги./«Хўжа Афзалга, қалъа бегига»... Зайниддин қоғозни қўлда маҳкам тутиб, вазир Хўжа Афзалга югурди. Арслонқул ва Султонмурод зиндон бошлиғига дадил кириб, қоғозни топширишди. Дев елкали, йиртқич кўзлари аллақандай ҳаракатсиз ва мўйлаби оғзини қоплаган йигит, йўғон, дағал, кир бармоқлари билан қоғозни очиб тикилди: Лаби ҳам қимирламади.— Ўлимдан ҳам, зиндондан ҳам қутулди!— деди у диққат билан хатдан кўзини узмай,— ҳай айтчи, бу битик нима?—Ғўлдиради Тўғонбек.

— Алишердан...— Итоат қиламан!

10—11 — Ҳақиқат ҳамиша ∾ Тўғонбекка Султонмурод. Тўғонбекнинг/Тўғонбекнинг

12—14 Тўғонбекнинг юзи жаҳл ва ғазабдан ∾ индамасдан лапанглаб чиқиб кетди./Тўғонбек бўркини қўлга уриб, индамасдан чиқиб кетди.

15—22 Навкарлар оёқ-қўллари занжирбанд Дилдорни олиб кирдилар. ∾ — Сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?— паришон сўради Дилдор./Ҳовлидан шақ-шуқ эшитилди. Хона ичига занжирларини шарақлатиб Ойбодоқ кириб келди. Унинг юзи бўмбўз оқарған, боққан кўзлари жовдираб, ёнар эди. Арслонқул «воҳ!» деди. Ойбодоқ кўзларини аста юмиб, ўзини оёқда базўр тутди — деворга суялди. Арслонқул югуриб бориб, қўлларидан оёқларидан занжирларни ечиб улоқтирди. Чуқур меҳр, ачиниш, ҳаяжон билан, титроқ бармоқлари билан унинг пешонасини силади.

23—28 — Қутулдинг, жоним, бутунлай қутулдинг; ∾ атрофдагиларга бир-бир қаради Дилдор./— Қутулдинг, бутун қутулдинг. Оч кўзингни?— деди йигит йиғламсинган товуш билан.

— Ростми? Ишонмайман. Ростми? Кўзларини аллақандай катта очиб, гўё саволига ҳаммадан жавоб олмоқчидай атрофдагиларни бир-бир кўздан кечирди.

29—31 Тўрт-беш қадам нарида турган Султонмурод ∾ бошини қуйи солган эди./Тўрт-беш қадам нарида турган Султонмурод Ойбодоқнинг кўзларига қарашга ботина олмас, қараса, гўёки фарёд билан йиғлаб юборгудай...

32—36 Улар кўчага чиққанда, «оломон суюнч ва сурон билан:

— Умрлари узун бўлсин,— гуруллади оломон./Арслонқул қизни етаклаб кўчага чиқди. Ҳамманинг кўзи суюнчдан ёнар, қай бирларига сўйлар эди. «Бечора, сал қолди ўлимдан! Навоий панжа солиб, ўлим чангалидан тортиб олди!»

37—40 Оломондан узоқлашгач, Арслонқул тўхтаб дўстларини уйга таклиф этди. ∾ Дўсти рози бўлди./Ҳали ҳам тўлқинланиб турган Арслонқул, қани, энди холамизникига юрайлик, деб, дўстларига мурожаат қилди. Султонмурод дўсти Зайниддиндан бирга юришни ўтинди, ўзи чарчаганлигини баҳона қилиб узр тилади.

40—42 Дилдор Султонмуродга тикилиб-тикилиб қаради, ∾



www.ziyouz.com kutubxonasi

лекин хотирлай олмайди.../Қиз, кўзига таниш кўриниб, лекин қаерда, қачон кўрганлигини аниқлай олмаган ва шунинг учун иқрор этишга ботина олмаган одамлардек, Султонмуродга тикилиб-тикилиб қаради.

*257-бет*

1—2 — Сиз ҳам биз билан бирга бўлингиз, ∾ уялгансимон кулиб ерга қаради./— Сиз ҳам борингиз, шундай қувончли кунда...— деди қиз ва уялиб ерга қаради.

3—5 — Раҳмат, синглим,— титраб гапирди ∾ Бахтларинг қуёшдек порлоқ бўлсин, хайр!/— Раҳмат, синглим. Тўйларингга борурмен...— титраб гапирди Султонмурод,— умрларинг узун, бахтларинг қуёшдай порлоқ бўлсин. Хайр!

6 Султонмурод, гўё суюнч қанотида/Султонмурод суюнч қанотида гўё

6 Дўстларини/уч дўстини

8 аста юриб, ҳужрасига келди./Ўз ҳужраси томон аста юриб кетди.

8—9 секин-секин тинди./аста тинди.

9—12 Муҳаббат билан тўла икки юракнинг ∾ ичини ёритиб юборди./Икки содда, самимий юракнинг бахти, нашъаси булутдан сўнг чиққан қуёшдай унинг бутун маънавиятини ёритиб юборди...

Йигирманчи боб/Ўнинчи боб

15—18 Қуёшнинг яллуғи кун сари ҳавода кўпроқ сезила бошлади. ∾ руҳни тебратувчи шабадалар изғиди./Қуёш кун сайин ҳавони кўпроқ қизитди. Юзни ялаб ўтадиган изғиринлар ўрнига думоғга уриш билан баданни яшнатгучи, руҳларни тебратувчи майин шамоллар изғий бошлади.

18—19 селлар қуйиб ўтди./шув-шув ёмғир қуйиб берди.

20—21 Пўрсиллаб қабарган саҳро яшил жингалаклар билан қопланди./қабарган, хансираган тақир ерлар яшил жингалаклар чиқарди.

21 Булар гўё кўз олдингда дақиқа сайин ўсади. ∾ майсазорга, ўтлоққа айланади./Булар ўсиб шамолда тўлқинланувчи ажойиб майсазорга, ўтлоққа айланди.

26 энди бошқача/бошқа ранг

28 Сипоҳийлар, навкарлар/Сипоҳилар

32 томоша қилиб ўтиради./томоша қилади.

35 Ҳусайн Бойқаро баҳор сайиллари туздирди./Ҳусайн Бойқаро баҳорга хос сайллар туздирди.

36 топдириб,/олдириб,

37 Курашлар бўлди. Бир неча бор қимизхўрлик мажлислари тузди./Бир неча бор қимизхўрлик мажлислари тузди.

38—40 Ниҳоят, бирдан у пойтахтга кўчишга қарор қилганини билдирди. Ҳамма сафарга тайёрлана бошлади./Ниҳоят, бирдан у пойтахтга кўчишга қарор қилганини билдирди.

*258-бет*

3 — Бу қадар тез!— нохушланиб деди Навоий./— Шу қадар тез?— сўради Навоий ўрнидан туриб.

4 — Эрта сафар/— Тонгла — сафар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6—8 буён бир мушкилотни ҳал қилишдан ожизмен,— деди Навоий ўйланиб./бери бир мушкулни ҳал қилишдан ожизман,— жиддий ўйланиб гапирди Навоий.

12 Чодир бурчагида/Бунда

14—15 Навкарлар ҳеч нарса тушунмасдан бир-бирларига қарашди./Навкарлар ҳеч тушунмасдан бир-бирларига тикилишди.

16 — Чодир йиғиштирилса, у бечорага озор етур. Бундан қўрқаман,— деди Навоий./— Чодир йиғиштирилса, у бечораларга озор еткузурмиз, қўрқамен.

19 қилди:/этди.

20 қанотли — қуйруқли/қанотли

21 — Тухумларига ҳам/— Тухумларига

21 учура олурсизми?/учуриб юбора олурсизми?

24 Кулимсираган кўзли, ∾ Навоий мусичани кўрсатиб, уқдирди:/Кичкинагина мутавозе, кулимсираган кўзли Хўжа Ҳасан кирди. Навоий мусичани кўрсатди.

28 учурма/ўсдириб учурма

29 Чодирга ҳам, қушга ҳам қоровуллиқ эт!/Бу муҳим иш каби уқдириб сўзлади Навоий — чодирга ҳам, қушқа ҳам қоровуллиқ қил.

29—30 — Кейин чодирни йиғиштириб, Ҳиротга қайтурсен. /Кейин чодирни йиғиштириб олурсен.

32—33 — Мусичага озор еткизмасмен./— Мен қушқа ҳеч озор еткизмасмен...

35—37 Эрта билан Навоийнинг чодиридан ∾ бутун қароргоҳ кўчди./Сурон ва тантана билан саҳроларни тўлдириб бутун қароргоҳ кўчди.

38 иккинчи кун/эртасига

39—43 Унинг иморатларидан ∾ оширар эдилар. Навоий /Навоий

43 Навоий дастлаб/дастлаб

*258-бет 43-сатри — 259-бет 2-сатри*

Талабалар ўтириб дарс олиши учун ясалган тўртта катта тош супани кўздан кечирди./Талабалар ўтириб дарс олиш учун ясалган кўркам тош супаларни кўздан кечирди.

2—5 Ғишт терилган чор бурчак саҳнининг тўрт тарафида ∾ диққат билан қаради./Ғишт терилган катта чор бурчак саҳнга эшиклари қараган гир айланган ҳужраларнинг, талаба ётоқхоналарининг ҳар бирига кириб диққат билан қаради.

5—8 Китоб териш учун деворларда ясалган токчалардан, ∾ ҳалқаси, қулфигача текширди./Деворларнинг китоб қалаш учун ясалган токчалар, шу ерда таом пишириш учун ясалган кичкина ўчоқлардан тортиб, эшикларнинг ҳалқа-қулфигача текширди.

8—10 мадрасадан хонақоҳга ўтди. Бу—мадрасанинг қаршисида жуда ҳашаматли бино эди./Мадрасадан унинг худди қаршисида юксалган хонақоҳга ўтди.

11 санъатларининг/ва ҳоказо санъатларининг

12—13 хаёл қиларди./хаёл этган эди.

13—16 Наққошлар ва ўзга усталар ∾ ишидан мамнун бўлди. /Наққошлар билан бирга юриб ички, ташқи безаклар



www.ziyouz.com kutubxonasi

қад услубига, ички оҳангига, битикларга ингичка назар ва завқ, қунт билан кўздан ўтказиб, санъаткорларнинг ижодидан мамнун бўлди. Чала қолган ишларни кўриб тездан битиришни ўтиниб,

16 катта кутубхона/Кутубхона

17 ва ўзга/ва бошқа

18 алоҳида боғчалар/боғча ва

19—20 Яқинда ўтқазилган дарахтчалар нозик навдалари,/Янги ўтқазилган дарахтлар илк навдаларини, Гулзорларда/ катта гулзорлар

22 боғбонлар/боғчачилар

23—25 Йигитнинг, Дилдорнинг ҳолини, ∽ маишатларини сўради./«Ҳа, ошиқ йигит, шундамисан?» деб унинг, ёрининг, маишатлари, кайфлари ҳақида сўзлашди.

25—27 Арслонқул ҳар ∽ жасоратини мақтади. Оқшом/Оқшом

28—30 Оқшом ўз хонасида бир кўп дўстлари, ∽ ўтказиш ҳақида кенгаш қилди./Оқшом ўз хонасида Шайхим Суҳайлий, Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор, Восифий, Атоулло, Соҳиб Доро каби кўп яқинларини ва ишларга мутасидди бўлган бошқа мулозимларини чақириб, иншоотларнинг «расм кушодини» ўтказиш ҳақида кенгаш қилди. Чақириладиған меҳмонларнинг сони тайин этилгач,

30—35 Тажрибали мулозимлар ∽ тайёрлик кўришга рухсат берди./Тажрибали мулозимлар қанча от, қанча қўй ва қорамол сўйилиш ва қанча мева-чева ва ҳоказо кераклиги, қандай тартиб билан ўтказиш тўғрисида дарров маъқул фикрларни ўртага отдилар ва шу ондин бошлаб тайёргарликка рухсат олдилар.

36—40 Жума куни «Инжил» ёқалари ажойиб катта йиғилишни кўрди. ∽ Ҳирот етимларигача қурама халқ ҳозир бўлди./Жума куни «Инжил» наҳри ёқалари ажойиб бир йиғилишни кўрди. Акобир — аёнлар, уламо-фузало, шуаро ва турли ҳунар-касб вакиллари — вазирлардан тортиб Ҳиротнинг етимларигача қурама халқ ҳозир бўлди.

41 тайёрланди/қайнади.

*259-бет 41-сатри — 260-бет 2-сатри*

Қанор-қанор писта-бодом ∽ халқ гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биноларни томоша қилди./Қанор-қанор писта-бодом ва ҳоказо мевалар меҳмонларга тўкилди. Гуруҳ-гуруҳ халқ биноларни кезди.

3—7 Мадраса ва хонақоҳ биноларидан иборат бир даста бинога ∽ , «Унсия» деб ном қўйилди./Мадраса ва хонақоҳ биноларидан иборат бир дастага «Ихлосия», касалхона, ҳаммом ва буларга тегишли биноларга «Шифоия», кутубхона ва унинг қанотидаги биноларга «Унсия» ном қўйилди.

8 ва кўркам гулдастаси/кўркам дастаси

9 таърифи халқ тилидан тушмади./таърифи, шуҳрати халқ тилидан тушмади,

11 узоқ юртларга шамолдай учди./узоқларга шамолдай тез учди.

12—13 Бу биноларни илм ва маданият ∽ яна кўп ғайрат талаб қилди./Лекин бу биноларни илм ва маданият



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўчоғига ва ижодий фикр манбаига айлантириш яна кўп ғайрат талаб қилур.

13—16 Шоир «Ихлосия» мадрасасига замоннинг энг олдинги ∾ мударрис тайинлади./Шоир узоқ мулоҳазалардан кейин «Ихлосия»га замоннинг энг чуқур олимларини «хазинаи улум ва фунун» бўлган зотларни тайинлади.

16—22 Булар орасида Султонмурод илми мантиқ ∾ қимматли асарлар билан тўлдиришга киришди./Булар орасида Султонмурод «илми мантиқ» мударриси бўлиб кирди. «Шифоия»да хасталарни шифоламоқ учун энг яхши талабаларни жалб этди. Бу ерда Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад «илми тиб»дан ҳар кун дарсгўйлик этди. Олимларнинг фойдаланиши учун кугубхонани ҳамма қимматли асарлар билан тўлдиришга киришди.

22—24 Ўнлаб котиблар ∾ кўчирмоққа бошладилар. Маданий/Маданий

25—26 Маданий муассасаларни бошқариш учун ∾ алоҳида кишилар белгиланди./Бу маданий муассасаларни идораси учун ҳар бир хизмат бир вазифага айри-айри кишилар белгиланди.

26—28 Ўз мулкларидан келадиган даромаднинг ∾ бу муассасаларга бағишлади./Ўз мулкларидан бир қисмини доимий вақф тариқида бу муассасаларнинг даромадига бағишлади.

29—33 Йиллар ўтди. Шоир қаламининг овозаси ∾ турли қавмлар, қабилалар, халқлар орасига етди./Йиллар ўтар эди... Кўпдан буён Навоийнинг юрагида ётган сокин ижодий ҳаёт орзуси кундан-кун ўсди. Икки тилли қаламнинг овозаси қирлар, тоғлар, денгизларни ошган эди. Унинг ғазаллари карвонларнинг қимматли хазинаси бўлиб, узоқ ўлкаларнинг турли қавмлар, қабилалар, халқлар орасига етган эди.

34—37 Навоий унга қадар ўз халқининг ∾ Бу—ўз она тилида «Хамса» яратиш эди./Шоир қасида, ғазаллардан тортиб муаммо ва туюқларгача ҳамма шаклларда ўз қалбининг ажойиб гавҳарларини мўл тўккан эди. Аммо Навоий ўз халқининг ҳеч бир шоир бажариши насиб бўлмаган бир вазифани шеър тоғининг ёрқин чўққисига чиқишни хаёл қилар эди.

38 Эрон халқининг/Эроннинг халқининг

39 ғурур ҳам/ғурур билан

*260-бет 40-сатри —261-бет 1-сатри*

Навоий бир қариш ёшидан ҳар вақт ўксунар эди:/Навоий бир қариш ёшидан бери ҳар вақт ўксуниш туюр эди.

2—3 Тоза завқи/завқи

3—4 Ўланларда, лапарларда жаранглаган/Ўланларда янграган,

5—6 Шоир қирқ ёшида умрининг буюк ғояси ∾ Мавлоно Жомийга очди./Шоир қирқ ёшида умрининг орзусини мавлоно Жомийга очди.

унга/шоирга

10—12 Навоий сокин ижодий ҳаёт орзуси билан ёнди. Расмий давлат вазифаларидан қарийб бўшади. ∾ ағдармоққа



www.ziyouz.com kutubxonasi

жазм қилди./Навоий расмий давлат вазифаларидан қарийб бўшади. Фикр ва ғайрат тошқинини «Хамса»га ағдармоқни қасд этди.

13 Бироқ/Лекин

14 Мамлакат/бутун бир мамлакат

15 уни кун сайин кучлироқ/кун сайин уни беихтиёр

16 вақт йўқ!/фурсати йўқ!

20—21 илм ва санъат аҳлига раҳбарлик қилиш каби ишларнинг ҳаммаси вақт ва кучни қамради./илм ва санъат аҳли билан мусоҳиба ва раҳбарлик ҳаммаси вақт ва кучни юлади.

21—23 Бунга қарамасдан, Навоий «Хамса» устида ажойиб, фавқулодда бир чидам ва ғайрат билан қалам юритди./Бироқ Навоий «Хамса» устида ажойиб бир чидам ва ғайрат билан қалам юритди. Унинг қалами Фарҳоднинг, тоғларни палахса-палахса кўчирган афсонавий тешаси каби, фикр қатламларини ўюб узукка лаъли— ёқут қўйғондай мос, оҳангдор бир равишда ажойиб гўзал мисраларга жойлаб кетар эди.

23—24 Навоийнинг бошида тарихнинг фикр дарёлари тўлқинланади./Навоийнинг бошида бутун тарихнинг фикр дарёлари тўлқинланади,

24—26 Замоннинг энг жонли, энг ўткур ∾ қаламга ҳужум қилиб келади./Ўз замоннинг энг жонли, энг ёрқин чексиз масалалари қаламга ҳужум қилиб келди.

26—28 Улар ҳақида ўйлаш, саралаш, уларнинг илдизига етиш, сўнг шеърнинг ёлқинли тилига кўчириш керак!/Ҳамсасини ўйлаб — тозалаш, саралаш, илдизига етиш, сўнг шеърнинг ёлқинли тилига кўчириш керак!

29—32 «Хамса» гўё устма-уст қўйилган беш тоғ... ∾ бу беш тоғнинг чўққисига чиқди./«Хамса» гўё устма-уст қўйилган беш тоғ... ҳар пояси бир умрни қамрайди. Аммо, Навоий азамат ҳамлалар билан икки йилда бу беш тоғнинг чўққисиға чиқади!

*261-бет 33-сатри —266-бет 1-сатри*

Йигирма биринчи боб ∾ II. Мажиддин/Мажиддин

*266-бет*

2—5 Мажиддин парвоначи ҳар куни эрталаб ∾ фитналар ҳақида маълумот олишдан иборат бўларди./Мажиддин парвоначи эрталаб «Боғ жаҳон оро»га келиб дастлаб саройдаги ўз «қулоқ»ларидан ҳарвақтдаги каби, янги воқеалар ҳақида маълумот йиғишға киришди.

5—12 Букун у сарой маккорларининг оқсоқоли ҳисобланган Пир Ҳожи Баковулни учратди. ∾ Мажиддин унга янги топшириқ бериб, олий девон томон қайрилди./ Пир Ҳожи Баковул Навоийнинг тарафдорлари деб ном олган баъзи мансабдорлар тўғрисида подшо шикоятланганини, гўё тасодифан топилган бир хазинадан дарак берган каби сир тўла овоз билан шивирлаб, ғаниматини бир чўқиб, ўн марта тевараккa аланглаган қарғадек кўзларини ўйнатаркан, Мажиддин кулгидан ўзини тута олмади. Баковулга янги таълим бериб, девон томонга қайрилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

13—14 Девонда уни ҳар кунгидек ∾ Хўжа Афзал ва Низомулмулк қаршилади./Девонда бош вазирлар — Хўжа Афзал ва Низомулмулк ўтирар эди.

14—15 Бу икки вазирнинг кўксиларида/уларнинг ичларида

16 Лекин улар/лекин

17—18 Маждиддин эса уларнинг икковини/Маждиддин уларнинг ҳар икковини.

18 кўрарди./кўрар эди.

19 Низомулмулкни ҳар он/Низомулмулкни эса ҳар он

21 Расмий таъзим ва саломдан сўнг,/расмий салом-аликдан кейин

25 Ҳусайн Бойқаро кириб, қалин зар тўшакка ўтирди./Подшо кириб тахтга ўтирди.

27 ифрот ички, уйқусиз тунлар, фаҳшнинг излари/ифрот ичкилик билан уйқусиз кечирилган туннинг излари

28—29 баъзи фармонлар/баъзи расмий фармонлар

29 буюриб,/топшириб.

31 Маждиддин шу ерда ёзмоққа киришди./Маждиддин шу ерда шу лаҳзада ёзишга бошлади.

31—33 Ҳусайн Бойқаро кўзларини ҳорғин сузиб ∾ — Бизга икки туман оқча ҳозирлангиз!/—Бизга икки туман оқча ҳозирлангиз — Ҳусайн Бойқаро кўзларини чала юмиб мурожаат этди вазирларга.

34—36 Серсавлат, сервиқор вазир бошини қуйи солиб, сукут қилди./У сукут билан бошини қуйи солди.

36—40 Хўжа Афзал ўнғайсизланди, ∾ қизариб, сукут этмоққа мажбур бўлди./Хазинада маблағ кеча қарийб туганган эди. Ҳашамат ва дабдабага берилган сарой хазинани ютиб турар эди. Хўжа Афзал ҳам жавоб беришдан ожиз каби, сукут қилди.

41—42 — Не сабабдан тилларингиз қимирламайди? — ҳар иккала вазирга ўшшайди Ҳусайн Бойқаро./—Сизлардан жавоб кутаман. Не юздан тилларингиз қимирламайди? — ҳар иккала вазирни кўз тегига олди Ҳусайн Бойқаро

*267-бет*

1—4 Хўжа Афзал талаб қилинган ∾ Ҳусайн Бойқаронинг туси ўчди, кўзларида ғазаб йилтираб кетди./Хўжа Афзал ҳозир талаб қилинғон миқдорда ақча йўқлигини ва фурсат берилса, бирон чора кўриш мумкинлигини сўзлади. Ҳусайн Бойқаронинг ранги қум ўчди. Кўзларида ҳеч вақт кўрилмаган бир ғазаб йилтиради.

5—7 — Хуросон ҳукмдорининг хазинасида икки туман ақча топилмасин! — деди у юзини вазирлардан терс ўгириб./Хуросон ҳукмдорининг хазинасида икки туман ақча топилмасин? — подшо ҳурпайиб олди.

9 Парвоначи ёзишдан тўхтаб, ∾ таассуфлангандек бошини аста оғир тебратиб қўйди./Маждиддин парвоначи ёзишдан тўхтаб, подшоҳга маънодор боқиб таассуфлангандай, бошини аста тебратиб қўйди.

12—16 Вазирлар ақча топишни энди ваъда қилишга ∾ эзилиб, ташқари чиқдилар./Вазирлар энди подшоҳга ақча топишни ваъда этишга ботина олмадилар. Энди қанча маблағ тайёрла — беҳуда. Кўп ўтмасдан улар рухсат



www.ziyouz.com kutubxonasi

тилаб, айбдорлардек елкаларини қисиб эшикка чиқдилар

16—18 Маждиддин яшнаб-ёниб кетди. ∾Парвоначи орзулари учун энг қулай фурсатни англади./Подшоҳ тадбирсиз бошлиқлардан шикоятга тил очиш биланоқ, парвоначи кўп йиллардан буён кўксида сақлаб юрган ниятини амалга ошириш учун энг қулай фурсат келганлигини англади.

18—21 Подшоҳнинг кейинги вақтларда унга бўлган алоҳида илтифоти ∾ гиналарни бўшата бошлади./Подшоҳ билан танҳо ўтириб, юрагини бўшата бошлади.

21—28 Давлатдаги ҳамма нуқсонларни Навоий ва унинг одамлари ∾ ваъда этган баҳодирнинг ишонч ва ғурури билан деди:/Давлат ишларидаги камчиликларни Навоий устига ағдарди. Янги-янги камчиликлар тўқиб чиқарди. Навоий ва унинг тарафдорлари ҳисобланган мансабдорларни тадбирсизликда айблади. Хазинанинг камбағаллигини ҳам провардида Навоийдан кўрди: Навоийнинг иншоотлари хазинани қуритди! Ниҳоят, сўзларига диққат билан қулоқ солган подшоҳга жанг майдонида аҳвол қалтисланган пайтда ўз иштироки билан зафарга айлантиришни ваъда этган бир баҳодирнинг ишонч ва ғурури билан деди:

29 — Олампаноҳ, давлатингизда/— Подшоҳ ҳазратлари, давлатингизда

30 симу-зар/зар

33 — Ишонмоқ, мумкинми?— сўради подшоҳ енгилланиб./ — Ишонурмисиз?— енгилланиб сўради подшоҳ.

35—38 — Шубҳа қилмоққа ўрин йўқ, ∾ ҳуқуқ ва иқтидор бермоқлари шарт./— Ишонурмен, аммо, бунинг учун хазратлари бу камина қулингизга давлатда тегишли мавқе, ҳуқуқ ва иқтидор бермоқлари шартдир.

40 тикди./тикиб,

40 соқолини/соқолларни

43 ишонарди ҳам/ишонар эди ҳам.

*268-бет*

1—2 Хадичабегим ҳам ∾мақтар эди. Маждиддин/Маждиддин

2—4 Маждиддин кўп йиллардан бери олий мавқега ∾ унинг тарафида эканини яхши фаҳмларди./Маждиддин кўпдан буён бундай олий мавқега интилганини, бир кўп барлос беклари ҳам унинг тарафдори эканлигини яхши фаҳмлар эди.

ҳар вақт Навоийнинг/Навоийнинг

6 норозилик/ҳар вақт норозилик

6 этгани учун/этганлиги жиҳатидан

7 унинг/Маждиддиннинг

7 мавқеига/маълум

8 бўлган эди./бўлган

9 кўпдан бери/энди.

11 Унинг сиёсатини ёқтирмайди./Унинг мамлакатдаги тадбир ва сиёсатини ёқтирмайди.

12 қора халқ/аллақандай қора халқ

13 хато, нуқсонларини/нуқсонлари, хатоларини



www.ziyouz.com kutubxonasi

14 барала фош этади,/барала очиб ташлашдан завқланади...

15 у/кўпдан

16—24 Айниқса, осонлик ∾ жазм этди.— Мажддиддин/Мажддиддин

25—28 — Мажддиддин Муҳаммад,— мурожаат этди у∾ шу ондан бошлаб кўрмоққа бел боғлангиз./Ҳозир Ҳусайн Бойқаро Навоийни парвоначига алмаштиришга жазм қилди.—Мажддиддин Муҳаммад, сизни талабингизга еткурурмен. Шу ондан бошлаб улуғ ишингиз учун зарур чораларни кўрмакка киришинг!

29—30 Мажддиддин парвоначи қайта-қайта қуллуқ қилиб, ҳаяжон билан подшоҳнинг ҳақиға дуо ўқиди./Мажддиддин қайта-қайта қуллуқ қилди.

31—32 Эртаси Ҳусайн Бойқаро Навоийни йўқлатиб ёлғиз қабул қилди./Ҳусайн Бойқаро Навоийни йўқлатиб, ёлғиз қабул қилди. Шоирнинг янги ғазаллари ҳақида, «Хамса» нинг Беҳзоднинг сеҳрли қалами билан безалган янги ажойиб нусхаларини ўз кутубхонаси учун тайёрлатаётгани ҳақида сўзлади. Бир неча вақт давом этган адабий суҳбатдан кейин, подшоҳ муддаога кўчди.

23—39 — Жанобларини қошимға чақиришдан мақсад, ∾ — сидқидил билан қабул қилмоқларига ишонурмен./— Жанобларининг қимматли вақтларини олиб, қошимға чорлашдан мақсад хотиримға келган бир мулоҳазани билдирмак эди.— Кулимсираб деди подшоҳ ва бир нафас Навоийга тикилиб давом этди сўзида,— мен жанобларини янги бир вазифага тайинламак фикрига келдим, ва бу вазифани мумкин қадар тезлик билан ҳам сидқидил билан қабул қилмоқларига ишонурмен.

40—41 — Не вазифа экан?— сўради Навоий нохуш хабардан гумонсираган бир турда./— На вазифа экан?— Сўради Навоий.

42—43 — Биз сизни Астрободга ҳоким қилдик. Сафарга тайёрланмоқлари керак!/— Биз сизни Астрободга ҳоким қилдик, ул жойга сафар қилмоқ керак — жавоб берди подшоҳ.

*269-бет*

1—5 Бу нарса Навоий учун асло кутилмаган хабар эди. ∾ бундай фавқулодда қарорга келишига нима мажбур қилганини ўйлади./Қатъият билан айтилган ва тамом кутилмаган бу хабар Навоийга ғалати таъсир қилди. Кўзлари маънодор сиқилди. Қошларининг ўртасидаги тугунчак қабарди. Подшоҳнинг бу фикрга келишига нима мажбур қилғанини ўйлади. Ҳар ҳолда бунинг тагида катта иш борлигини англади.

6—9 — Бу қарорингизнинг асли маъносидан каминани огоҳлантирингиз ∾ диққат билан тикилди Навоий./— Сабабсиз иш бўлмас, ўтинамен, бу тўғрида каминани огоҳлантирингиз. Подшоҳнинг юзига, гўё бутун сирни уқуб олмоқчидай, диққат билан тикилди Навоий.

10—14 Ҳусайн Бойқаро иккиланиб, ∾ пардавор қилиб минғиллади./Ҳусайн Бойқаро даставвал тараддудланиб, эл улуснинг манфаатини кўзлаганини сўзлади. Лекин



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу билан шоирни қаноатлантириш мумкин бўлмаганидан, ниҳоят, баъзи ўзга мақсадлари борлиги ҳақида жуда туманли пардавор равишда минғиллади.

15—20 — Дилни очмоқ керак эди,— деди Навоий ∽ баъзи зотларга йўл очмоқ тилайсиз? Билмадим, бу тадбир қанчалик тўғридир.../Сиз асли сабабини яширдингиз, аммо менга мақсадингиз фонус ичидаги ўт каби равшан кўринади. Енгил бир ҳаяжон билан гапира бошлади Навоий. Каминани пойтахтдан йироқлатиб баъзи зотларга йўл очмоқ тилайсиз, хато қилмасам билмадим бу тадбир қанчалик тўғридир.

20 Агар давлатга/Агар халққа, давлатингизга

23—29 Ҳусайн Бойқаронинг юзи бир зум асабий титраб кетди. ∽ ўзга чоралар кўриш кераклиги ҳақида ишорат қилди/Ҳусайн Бойқаро шоирни ғоят бепарво тинглаб, баъзи бекларнинг ҳам орзуларига қулоқ солишга тўғри келганини айтди ва айниқса, хазинани тўлдирмак учун чоралар кўрилиши кераклигига ишорат қилди.

30—33 — Баланд ҳимматли, баҳодир бекларингиз, ∽ маҳлуқлар ҳам йўқ эмас./— Баланд ҳимматли, бекларингиз бўлгани каби,— деди Навоий қатъият ва ишонч билан,— давлат дарахтининг гулларини бало уюнидек совурмоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмас.

33—36 Уларнинг ҳар бири шаҳарларга, ∽ олтин-кумуш дарди билан оғриган./Уларнинг ҳар бири бир вилоятга кўз тикур. Диллари элга, давлатга садоқат эмас, олтин-кумуш дарди билан тўладир.

36—37 Кийимлари, идиш-товоқлари олтин кумуш бўлишига қаноат қилмайдилар;/Кийимлари олтин, идиш-оёқлари олтин бўлишига қаноат қилмайдилар.

*269-бет 38-сатри —270-бет 6-сатри*

Хазина давлат учун, бадандаги қон каби зарурдир, ∽ Ўзга чоралар билан хазина бойитмоқ оқилона ҳаракат эмаслиги ҳар ким учун равшан./Уларда давлат учун душманлар билан баҳодирона қиличлашмоқ нияти йўқ...— Қиличларини эл бошида ўйнатсалар, отларини эл кўксида сурсалар қаҳрамонликлари бундан нарига ўтмас. Мен сиз ҳазратга чин сўзни айтурмен, сўз гавҳардир, уни ёлғонга ишлатмак, гавҳарни нажосатга отмоқ билан баробар. Сиз яна хазинани бойитмоқ хусусида сўзладингиз. Хазина давлат учун аъзодаги қон каби зарурдир. Аммо бир ёқдан тўпламоқ ва иккинчи ёқдан совурмоқ билан хазина тузиб бўлмас. Ҳотамтойликни билиб қилмоқ лозим. Баргларни совурган шамол асло ҳотамтой ҳисобланмас. Ёмғирни қуриб қақшағон боғга қўймай, элтиб тоғга қуйган баҳор булути сахий дейилмас. Даставвал хазинани элнинг манфаати учун тўкмак керак. Зироатни ўсдирмак, ҳунар ва санъатларни ривожлантирмак, тижоратга эътибор бермак керакки, ул чоғда, масалан, сермеҳнат деҳқоннинг омбори ҳосилга тўлгани каби хазинангиз ҳам зарга тўлур, ўзга тадбирлар билан хазина йиғмоқ оқилона бир ҳаракат эмаслиги ҳар ким учун равшан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн Бойқаро сокин, лекин беnарво тинглади./Ҳусайн Бойқаро анча вақт жим қолди.

7—8 Кейин, бел оғриғидай,/Бел оғриғидай,

12 — деди подшоҳ овозини баландроқ қўйиб./— деди подшоҳ сохта мулойимлик билан

15 — Мени Ҳиротдан қувмангиз, ∾ — Ҳаргиз иложим йўқ!— бошини чайқаб деди Ҳусайн Бойқаро./Лекин Ҳиротдан мени қувмангиз! Мен қаерда бўлмайин, зулм тиғини ушатмакка бел боғлармен. Сиз ўз фикрларингизни, албатта амалга ошурурсиз, сўнг пушаймон бўлсангиз, ҳаммадан ортиқ мен қайғурурмен — дадил гапирди Навоий.

21—24 — Хўб, мен ∾ ҳақиқатни қўруқлармен. Ҳусайн/Ҳусайн

25—26 Ҳусайн Бойқаро бир муддат жим қолди. Сўнг, совуққина хайрлашиб, ёндош хонага ўтиб кетди./Ҳусайн Бойқаро бошини қатъий чайқаб деди: «ҳаргиз иложи йўқ!» ва эшик томон юриб, ёндош хонага кириб кетди.

26 Навоий ҳаяжонланиб даҳлизга чиқди./Навоий бир неча вақт ҳаяжонланиб, даҳлизда туриб қолди.

27—41 Собиқ навкари, ∾ дадил боқди. Ҳақиқатга/Ҳақиқатга

*270-бет 41-сатри —271-бет 2-сатри*

Ҳақиқатга ишончдан туғилган куч унинг сиймосига асл ва маънодор бир тетиклик бағишлаганди./Лекин ҳақиқатга ишончдан туғилган ички бир дадиллик шоирга яна куч бағишлади.

2—9 Душманлар алланечук ўнғайсизланиб, сохта тавозе кўрсатишга тиришдилар. ∾ Лекин истеҳзоли табассум билан унинг ёнига келдида ўзини ғафлатға солиб деди:/У зинадан тушиб, ҳар вақтдаги каби қитдай энкайиб, шошмасдан тетик юриб кетаркан, қаршидан катта саллали бошини кибр билан орқаға ташлаб ўхшайиб, келаётган Мажддиддин Муҳаммадга дуч келди. Парвоначи бирдан энгашиб шоирнинг қўлини ҳовучларига олиб сиқди ва заҳар томчилаган бир табассум билан унинг кўзларига тикилиб деди:

10—11 — Хоқоннинг ҳузурларида муҳим кенгаш бор, иштирок этмайдиларми?/— Хоқоннинг мажлисларига кирмайдилар

12—13 — Йўқ,— жавоб берди Навоий,— Зот олийларининг кайфиятлари қалай?/— Зот олийларининг кайфлари чоғми?

14—15 — Кўнглим ҳамиша кайф чоғлиққа мойил... Аммо хурсандчилигим ҳозир авжга чиқди./— Менинг кўнглим ҳамиша кайф чоғлиққа мойил,— Қошларини киноя билан чимириб деди Навоий,— алҳол хурсандчилигим авжга минмиш.

16—17 — Сабаб?— Мажддиддин бўшашган овоз билан сўради ва ялт этиб дўстларига қараб қўйди./— Сабаб?— ранги ўчиб сўради Мажддиддин.

18—19 Навоий унга кулимсираб, қошларини кинояли чимириб қаради. Унинг хотирига бир шоирнинг байти келди./ Навоийнинг фикрига шоирнинг байти келди.

20—21 Гар туро дар биҳишт жо бошод,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дигарон дўзах ихтиёр кунанд./Дигарон дўзах ихтиёр кунанд.

22—26 Лекин Навоий ичида ўйлаганини бошқачароқ қилиб айтди. ∾ мени тез кунда қутқарур./Аммо шоир парвоначининг бу ожизлигига юмшоқ кулиб ичида деди: «бир наштар урайки ҳам қувнатсин, ҳам оғритсин» хурсандлигим шул важҳданки, тангрим бу ердан баъзи нобоп зотлар билан ҳамтабоқ бўлмоқдан тез кунда қутқарур...

27—30 Мажддиддиннинг ранги оқарди ∾ Навоий вазминлик билан зинапояга қадам ташлади./Мажддиддиннинг кўзлари аллақандай бесаранжом жовдираб кетди. Тезгина хайрлашиб жўнади.

*271-бет 31-сатри —272-бет 42-сатри*

Шоир ўйга келгач ∾ паришон эди. Ҳусайн/Ҳусайн

*272-бет 42-сатри —273-бет 2-сатри*

Ҳусайн Бойқаронинг фармони билан Мажддиддин бош вазир тайин этилиб, унга «Муътамадулсалтанат ва муъимтанул мамлакат» деган катта унвон берилганини билдирди./Эртаси Ҳусайн Бойқаро катта тантанали мажлисда бир фармон билан Мажддиддинни ҳукумат тепасига миндирди. Унга «Муътамадулсалтанат ва муъимтанул мамлакат» деган унвон беради.

2—18 Навоий ўз ∾ бўйни букук эди. Вақт/Вақт

20—23 Вақт хуфтондан ошган. ∾ Амир Мўғулнинг бахти энди енг шимарган эди./Амир Мўғул бош девонхона ёнидаги уйда чағир ичиб, қимор ўйнаб ўтирар эди.

24 Астрободда бу ҳокимдан ёлғиз қиморбозлар хурсанд эдилар./Астрободда Амир Мўғулдан ёлғиз катта қиморбозлар хурсанд эдилар.

25 Амир Мўғулнинг/Ҳокимнинг

26—27 қиморнинг оловида/давомли қизғин ўйиннинг оловида.

28 уйларига тарқалардилар,/жўнар эдилар.

29 ўзга ишларда/бошқа ишларда

29—30 зўравонлик, чатоқликни афзал/зўравонликни афзал

31 ҳурмат қилар,/фарз каби,

32—34 Унинг бахти эндигина енг шимариб, ∾ орқадан кичик мулозим чақирди./«Хуфтон»дан кейин чағирдан, ўйиндан кўзлари ёнди. Шамда оловланган уюм-уюм олтинларни ўйин бўрони жаранглатиб қўним бермай йиғаркан, орқадан мулозим чақирди.

34—35 Амир Мўғул жаҳл билан қайрилиб ўқрайди:/Амир Мўғул қайрилиб ўқрайди.

35—36 Мулозим эшик орқасидан қичқирди «Ҳиротдан чопар!»/ Мулозим қичқирди «чопар келди».

36—37 Астробод ҳокими/Амир Мўғул

37 бир/ўз

*273-бет 38-сатри —274-бет 3-сатри*

чарчаб ҳансираган чопар ∾ юзига бирдан севинч югурди./Чопар бир мактуб узатди, Амир Мўғул иккинчи бир хонага кирди. Мактубни очиб, шамга яқин тутиб маст кўзларини югуртиркан, юзига бирдан қувонч тошди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3—4 Айниқса, хатнинг охирида Мождиддиннинг муҳрида ёзилган унвонга завқланди./Айниқса хатнинг охирида муҳр босилган, Маждиддиннинг унвонига таажжубланди, қайта-қайта ўқиди.

4—6 Қоғозни тахлаб, киссасига тиқди-да, ∽ Маждиддин — ноибуссултон!/қоғозни тахлаб, киссасига солди, «хўб» иш бўлибди!— шивирлади ўз-ўзига, Маждиддин ноибуссултон!

6—12 Хатда Маждиддин рўй берган воқеаларни ёзиб ∽ Ҳирот бизники, давлат бизники!/Марвга подшоҳ қошиға етиб боришим керак! Ҳаммадан Алишер Навоийнинг мажбуран Астрободга, унинг ўрнига юборилганлигини ақлга сиғдиролмади. «Хуросоннинг юлдузи дейилган у одам, бу дилгир шаҳарда қон ютсин! Не бўлмасин, аъло иш бўлибди. Ҳирот бизники,— давлат бизники!»

13 ёнига чиқди./қошиға чиқди.

13—16 Мактубнинг мазмунини ўйлаб, рўй берган ∽ анча вақтгача ўйинга аралашмай ўтирди./Мактубнинг мазмунини фикрида чақа-чақа, рўй берган ҳодисаларнинг маъноси ҳақида турли хаёлларга бориб, анча вақт ўйинга аралашмай ўтирди.

16—18 Фақат унинг, ∽ ўйинга шўнғиди. Эртаси/Эртаси

19 — Эртаси кучли бош оғриғига қарамай, Амир Мўғул ∽ Алишерни кутмасдан, ўзи ҳам подшоҳ қошиға жўнаб қолди./Эрта билан, кучли бош оғриғига қарамай, Амир Мўғул қўним топмай, кўчиш ҳаракатига тушди. Орттирган мол-дунёсини туяларга юклаб, хотинлари билан бирга навкарлар орқали Ҳиротга жўнатди. Иккинчи кун ўзи ҳам, Алишерни кутмасдан, Марвга от суриб қолди...

24—25 Навоийнинг келиш хабари Астрободликларнинг юрагида чексиз қувонч уйғотди./Навоийнинг келиш хабари Астрободликлар учун катта қувонч туғдирди.

26—28 Бозорларда, оилаларда, ҳунармандларнинг дўконларида ∽ бу хабарни музокара қилади,/Бозорларда, бўзчиларнинг дўконхоналарида, оилаларда ҳамма ҳаяжон билан бу хабарни музокара қилишади:

29 туя/тевадан

30 этади/қилади.

30—32 Шаҳарнинг шоирлари Навоийга тақдим этмоқ учун қасидалар, мадҳиялар ёзишга киришиб, қофия дағдағаси билан оғрийдилар./Шаҳарнинг шоирлари, улуғ устодга тақдим этиш учун қасидалар, мадҳиялар ўқишга киришиб, вазн ва ажойиб қофиялар дағдағаси билан оғрийдилар.
одамлар/кишилар

33—36 «Алишер Навоийнинг шаҳримизга келиши бежиз эмас, бунинг бир сири, бир ҳикмати бор»— деган хулоса чиқарадилар./«Бу ҳодисанинг бир ҳикмати бор!»— деган хулоса чиқарадилар.

37 соғинчли кун.../кун

39 «жин кўчаларидан»/кўча ва жин кўчаларидан

39 зўр/катта

41 ёйилган.../ёйилган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

275-бет

1 унинг ҳамроҳларининг/у ҳамроҳларининг

2—4 халқ катта ҳис ва ҳаяжоннинг сеҳри остида, дастлаб бир муддат жим қотди./Халқ аллақандай катта ҳиснинг сири остида дастлаб жим қотди. Ёлғиз кўзлар бир нуқтада эди.

4—7 шаҳарнинг олдинги, одамлари ∽ шаҳарга келиши билан табриклашди./Шаҳарнинг олим ва шоирлари, мансабдорлар илгари юриб, қуллуқ қилишди ва шаҳарга ташриф этиши билан табриклашди.

8—11 Навоийни борган сари халқ тўлқини чуқурроқ ўраб олди. ∽ томлардан, дарахтлардан қичқиришади./Навоий халқ тўлқини ичида. Чуввос табриклар, дуолар... болалар отларнинг оёқлари остида ғивирлашади. Томлардан қичқиришади.

12 Аёллар тилаб олган/Аёллар қўлларидаги тилаб

13 улуғ бўлгил!/бўлгил!

13 бағирларига босадилар./қучоқлайдилар.

16—20 Навоий табассумли кўзлари билан атрофга боқиб, ∽ ҳозирланган манзилга келиб тушди./Навоийнинг маънодор чизиқлар тушган юзи ҳийла оқарган, атрофга боқиб бир қўлини кўксига қўйиб табассумли кўзлари билан бошини чиройли ва камтар, қимирлатиш билан халқнинг табригига самимий жавоб бериб боради. Шоир маҳаллий ҳокимлар томонидан олдиндан тайёрланган бинога таклиф этилди.

21 этди./қилди.

22 иккинчи кундан бошлаб/иккинчи кун

23—24 Вилоятнинг ҳамма маҳкамалари ва уларни бошқарувчилари билан танишди./Вилоятнинг ҳамма маҳкамаларининг қози, муфтиларидан тортиб қоровулларигача ҳамма амалдорларнинг ишларини бирма-бир текшира бошлади.

24—28 Баъзи эски «хирфа» амалдорларнинг ∽ Навоий олдида ўтказа олишдан ожиз қолдилар./Эски «хирфа» амалдорлар ўз кирдикорларини хаспўшлаш учун қанча уринмасинлар бироқ кўз боғламачиликни Навоий олдида ўтказа олмадилар.

29 на қозихонасида Навоий маъқул/Навоий бирон маъқул

29 тартиб/жиҳатни

31 «Баракалло, бу ердаги ишлардан ақл ҳуркади!»/баракалло ана....!

33—34 Ҳиротда қўллаган тартиб ва қоидаларни амалга ошира бошлади./Ҳиротда қўллаган ва тажрибадан ўтказган чораларини амалга ошира бошлади.

35 Унинг ишлари халқни қувонтирди./Халқ ишларидан қувонди.

36 халқ қўшиқлар/қўшиқлар

36 унинг қошига/маҳкамага келиб

37 меҳрибон/энг меҳрибон

37—38 айтган каби, унга сўзлади./сўзлаган каби, шоирга очар эди.

38—40 Навоий бўш вақтларида бу ернинг олимлари ∽ Улар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ўз соҳаларида камолга етишга ундади./Навоий, деярлик ҳар кун шоирлар, олимлар ва бошқа санъат аҳли билан суҳбат қилди, уларни ўз ишларида камолга етишга ундади.

43 шоирга/унга

43 муҳаббат/севги

*276-бет*

1 мисраларида/ёзди.

1—6 Паҳлавоннинг қудратли ∾ Астрободи туйим. Хуросоннинг/Хуросоннинг

8 Бу подшоҳга ва/бу гўё подшоҳга ва

9 ақлларнинг/ва ақлларнинг

10 ***/II

11 Навоий ширингина ясоғлиқ уйда танҳо ишлар эди./Навоий ширингина, завқ билан ясоғлиқ уйда танҳо ишлар эди.

12 жуздон/қалин жуздонлар

14 ётарди./ётар эди.

15 чанг/юпқа чанг

15 титилган/йиртилган

16 Бу унинг ғазаллари эди./Бу унинг барокатли илҳомининг гуллари — ғазаллари эди.

16—19 Ғазалларнинг бир қисми айрим, кичкина «девонлар»га тўпланиб ∾ маълум тартибда терилмаган эди./ Бу ғазалларнинг бир қисми айрим кичкина девонларга тўпланиб, нусхалари кўпдан буён тарқалған бўлса ҳам, ҳаммаси бир китобда маълум тартиб бўйинча терилмаган эди.

20 тинч/мусоид

22 киришди./қунт билан киришди,

23—25 У ғазалларни умрнинг поялариrа қараб — ∾ ҳар бирига айрим номлар берган эди./Ғазалларнинг умрини поялариrа: болалик, йигитлик, ўртаёшлик, ва ниҳоят қарилик каби тўрт фаслга бўлишни маъқул кўрди.

26—27 Эски қоғозларни титиб, ғазалларни бир-бир кўздан кечириб, айира бошлади./ва қоғозларни бирма-бир кўздан кечириб, айира бошлади.

27—28 Ғазаллар беҳад кўп, улардан бутун яшалган умрнинг қайтмас нафаси гуриллайди./Ғазаллар ҳаммадан кўра унга кўп нарса сўзлайди.

29 маскани бор./макони — маскани бор.

30 хаста-ғариб яшаркан,/хаста ётаркан

*276-бет 31-сатри —277-бет 2-сатри*

Мана бу Самарқандга келган кунларда. ∾ бир бурчакка танҳо тиқилиб айтган илк ғазаллар./Манави Самарқандга илк келган вақтларда ёзилган. Айниқса Самарқандда ақчасиз қолиб ҳаммомга тушиш учун чиройли жузданини сув текин сотган кун, аллақандай маъюслик, ғариблик сезган чоғда совуқ кечада, Хўжа Абуллайснинг хонақосидаги ҳароб ҳужрада айтган мисралар, хусусан ҳавас билан, кўнгилнинг тоза, сирли ҳаяжонлари билан кўкси тўлиб, мактабдан қай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тиш билан бир бурчакда танҳо тиқилиб айтган илк ғазаллари...

4—5 шу дамда туйгандай бўлди./сезгандай бўлди.

10—11 Навоийнинг кўз олдидан ўзининг болалиги ўтди. У кичкина Алишерни кўрди./Навоийнинг кўз олдида болалиғи — «кичкина Алишерни кўрди».

12 хаёллар, хотиралар,/хотиралар, хаёллар

13 Бу — умр тонгини соғиниш эди,/Бу умрнинг тонгини соғиниш эди.

14 қўлида туриб/қўлида

15 ҳасрат/бир ҳасрат

16—17 Шоир бошқа бир дафтарни кўздан кечирди. Мана бу байт унинг бутун борлиғини эгаллаб олди./Шоир бошқа қоғозларни қўлга олди. Айниқса кўзига илиқ туюлди:

20 ҳаяжонли/энг ҳаяжонли

21 бутун нашъаси/бутун жонлилиғи, нашъаси

23 гўзал, улуғвор сиймосини/чуқур жозибадор сиймосини

24—25 Навоий шу топда хотиралар/Навоий хотираларнинг

25 болага айланди./бола Алишерга айланди.

27 вақтда қистови билан ўрнидан турди-да,/вақтда қатъий бир қистови билан ўрнидан турди-да

28 дарди, нашъаси, машаққати/машаққати, дарди, нашъаси

31 Алишер — бола эса, шаҳарнинг/Алишер шаҳарнинг

32 бир эшик олдида/эшик ёнида

34 тўлқинланиш, уялиш билан/ҳаяжон билан

38 ўзини бир онда/бир онда ўзини

39 унга/Лутфийга

*277-бет 40-сатри —278-бет 1-сатри*

Кекса шоир ўсуқ қошларининг остида ҳали ҳам ∾ болага қараб кимлигини сўрайди./Кекса шоир ўсуқ қошлари остидан ҳали ҳам майин хаёлчанлигини ифодалаган кўзлари билан болага қарайди, этсиз, аллақандай нозик қўллари билан боланинг қўлини сиқади ва унинг кимлигини сўради.

1—2 Алишер ўзини танитади ва муддаосини уялибгина баён қилади./Алишер шошмасдан, кўзларини гоҳ чолга, гоҳ ерга тикиб ўзини танитдиради ва муддаосини уялибгина баён қилади.

3—4 — ўғли,— дейди кулиб мавлоно Лутфий./ўғли!

4 — кўргали/кўргали ва

6 дилимни очай,/кўнгил дилгирлигини ёзай,

6—7 ашъорингни ҳам мутолаа қилай./ашъорингни мутолаа қилай.

8 киради./кирди.

10 ҳар хил/ҳар нав

12 қуйига ўтирди./ундан пастроққа тиз чўкди.

12 — Лутфий бир неча ғазалларини ёддан ўқитди./Лутфий бир неча ғазалини паст товуш, майин оҳанг билан ёддан ўқиди.

15—16 — Ашъорингизнинг аксарини ёд билурмен, аммо буларни эшитмабдурмен./— Буларни ҳам эшитмагандурсен — кулди чол.— Муборак ашъорингизнинг аксария-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тини ёд билурмен. Аммо буларни эшитмабдурмен.
17 олмишмен./олмишменки ҳали оз аҳолига маълумдир.
19 Алишер иймандн./Алишер бир оз иймандн.
21—22 Лутфий яна қистайди:/яна-яна ўқишни Лутфийдан ўтинади. Кекса яна қистайди.
24 ўз ғазалларини/ўз шеърларини
26—27 Алишер титрак овоз билан, Лутфийга қарамай биринкетин ўқий бошлади./Алишер киссасидан қоғозларни олиб, титрак овоз билан, Лутфийга қарамай, биринкетин ўқий бошлади.
www.ziyouz.com kutubxonasi

масдан рухсат олди.
5 — «мақрибуссултон»/«муқарибуссултон»

*385-бет*
6 қўзғалишди.../қўзғолишди...

*390-бет*
16 қайғу/қайғи

*393-бет*
32 кайфи-соғлиғи/кайф-хотираси

*404-бет*
10 ҳузурларида/ҳузурида

*406-бет*
11 алмаштириб,/олмоштириб,

*409-бет*
33 фаже/важи

*414-бет*
24 — дедилар./— дейдилар.

*428-бет*
19 акс/акси

*437-бет*
35 Навоий давом этди:— Ақли/Ақли

*443-бет*
15 жумлаи/жумлаий

**Романнинг 1963 йилги нашридаги ўзгаришлар**

*24-бет*
3 кўрган эмасмен,/кўрган эмаслар,

*43-бет*
3—4 — дея бирдан сўради.— Таниймен./Таниймен.

*61-бет*
29 бойқишни/боёқишни

*93-бет*
23—24 бир оз сукут қилди-да,/қоронғуда сукут қилди-да

*169-бет*
10 Ўлмас Хайёмнинг/Умар Хайёмнинг

*229-бет*
17—36 Бир неча гул барги қабо яли-яли, ∽ қўлларига қўйди хино, яли-яли.
Оҳким, воламен ул сарви хоромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хондондин жудо,
Бенаводир жон доғи ул ҳури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.
Ваҳки, бағрим тўкти кўзлар йўлидан парголо кўп.
Кўз ҳам ул гул ҳажридин ёғдурди гулгун жола кўп.
Заъф этибмен қонлиғ ашким баски тўкти лола кўп,
Дема ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон бўлгон нафас жондин жудо?
Қилғали маҳрум жоми васлидин жонон мени,
Талҳи ком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ҳар замоне ўлтурур ғам заҳридин ҳижрон мени,
Ҳажр ўлумдин талх этмиш мундин сўнг, эй даврон мени,
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бағрима, эй хори ҳижрон, ҳар замон сончилмоғил,
Эй кўнгул, юз жавр етса, кўзга ғайрин илмоғил,
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмоғил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳожр, лекин қилмоғил!
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

*247-бет*

19 тасаддуқ,/тасаддуқ бўлсин,

*261-бет*

7 ҳатто унинг илк ғазалларида тўйиб,/туйиб,

*285-бет*

42 Дунёнинг ҳай-ҳуйидан/Дунёдан

*313-бет*

8 олийларини/олийлари

*384-бет*

9 зиёдор/зиёдроқ

## Романнинг 1969 йилги нашридаги ўзгаришлар

*43-бет*

1 топқир/дақир

*107-бет*

20 Абдулзиёга/Абдулниёзга

*120-бет*

3 ростухез/рустахез

*206-бет*

17 сўз/сиз

*229-бет*

17—36 Бир неча гул барги қабо яли-яли, ∾ Қўлларига қўйди хино, яли-яли/
Оҳким, воламен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндир ул гулбарги хандондин жудо,
Бенаводур жон даги ул ҳури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо
Айламас тўти такаллум шакаристондин жудо.
Ваҳки, бағрим тўкти кўзлар йўлидан паргола кўп,
Кўз ҳам ул гул ҳажридин ёғдурди гулгун жола кўп,
Заъф этибмен қонлиғ ашким баски тўкти лола кўп,
Дема ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон бўлғон нафас жондин жудо?
Қилғали маҳрум жоми васлидин жонон мени,
Талхи ком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ҳар замоне ўлтурур ғам заҳридин ҳижрон мени,
Ҳажр ўлумдин талх эмиш мундин сўнг, эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо қилғунча жононди жудо,
Бағрима, эй хори ҳижрон, ҳар замон сончилмоғил,
Эй кўнгул, юз мавр етса, кўзга ғайрин илмоғил,
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмоғил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй, ҳажр, лекин қилмоғил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

*262-бет*

22—41 — Бу ғоят хушҳаво ∾ шубҳа қилмайман. Мавлоно/ Мавлоно.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*300-бет*

5 этишингиз/эшитингиз

*302-бет*

25—26 зинҳор ва зинҳор/зинҳор

*313-бет*

19—20 — Сўзингизнинг ∾ деди Ҳусайн Бойқаро.— Якуббекнинг/Якуббекнинг

23 намойиши!/намойиши!— деди Ҳусайн Бойқаро.

*320-бет*

4 оқтарди./ахтарди.

*329-бет*

6 сен доғи қопланди агарчи фузун,/шайида қопландин агарчи фузун,

*347-бет*

31 Мавлоно Биноий билан Мавлоно/Мавлоно

*348-бет*

1—4 Мавлоно Биноийни ∾ завқланар эди. Унинг/унинг

11 боболарнинг/болалигининг

16—33 Мавлоно Биноий ∾ қила олмаймен. Йигитлардан/Йигитлардан

37 Биноий/Машҳадий

Биноий,/Алоиддин Машҳадий

*388-бет*

Бундай пайтларда ∾ қуда бўлмоқни орзу қилди./Бундай пайтларда Ҳусайн Бойқаро ўртадаги адоватни юмшатиш, ёки ўз муваффақиятсизлигини ниқоблаш ниятида душман билан қуда бўлмоқни орзу қилди.

*396-бет*

6 биларман/биларманд

*401-бет*

21 унинг устига/устига

*421-бет*

16 Мумтоз/Миртоз

*444-бет*

13 706 йил,/906 йил,



www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЗОҲЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олим ва ёзувчи М. Т. Ойбек «Навоий» романини ёзишга киришишдан олдин буюк гуманист олим ва шоир Алишер Навоий ҳақида достон ва қатор илмий-танқидий мақолалар яратди. Шундан сўнг Навоий ҳақида тарихий-биографик роман ёзишга киришди ва 1942 йилда романни ёзиб тугатди.

Адибнинг шахсий архивида «Навоий» романининг оққа кўчирилган автограф нусхаси сақланмаган. Унинг умр йўлдоши Зарифа Саидносированинг тасдиқлашича, йўқолган автограф билан Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан нашр этилган (1944 йил, Тошкент) китоб матни ўртасида деярли фарқ йўқ. Шунинг учун ҳам биринчи нашр матнини романнинг араб алифбосида оққа кўчирилган автограф матни билан айнан тенг деб қабул қилиш мумкин.

Автор архивида романнинг қоралама қўлёзмаси сақланмоқда. Бу қўлёзма автограф бўлганлиги сабабли айниқса нодирдир.

Қоралама автографнинг биринчи саҳифасида 1940 йил 6 январда қайтадан бошланди, биринчи боб,— деб ёзилган. Қўлёзманинг қоғоз размери 21×30 *см* бўлиб, у 369 саҳифадан иборат. Ҳар саҳифада 24—28 сатр, бундан оз ва кўп ёзилган саҳифалар ҳам учраб туради. Қоғози сифатсиз, қалин-юпқалиги ҳам ҳар хил. Қўлёзманинг деярли барча бетлари уринган. Вақт ўтиши билан қуёш нури таъсирида сарғайган, четлари йиртилган. Баъзан кўк қоғоз, баъзан мактаб дафтарига ёзилган саҳифалар ҳам учрайди (жумладан, 41—60, 67—71, 72—73-саҳифалар).

Қўлёзма асосан араб графикасида, бинафша сиёҳ билан ёзилган. Қизил сиёҳ, қора қалам, зангори сиёҳ билан ёзилган бетлар ҳам бор. Сиёҳ тўкилган саҳифалар кўп учрайди. Саҳифа номерларини қўйишда баъзи ноаниқликлар мавжуд (жумладан, 112-бетдан кейин 107-бет келади, 110-бетдан кейин 116-бет ва ҳ. к.). Баъзи саҳифалар йўқолган. Масалан, 123-бетдан то 131-бетгача умуман йўқ.

Қўлёзма саҳифаларига баъзан кўп нуқталар қўйилиб, ёзилмасдан ташлаб кетилган жойлар ҳам бор. Булар бирор исм ёки байт ёхуд жумла учун қолдирилган бўлиши мумкин. 22-бетда қуйидагилар ёзилган: «Аммо бу ҳол воқеанинг зоҳиридир, асли не бўлгай,— сабрсизланиб сўради...» 39-бетда эса, «Ҳайратул аброр»дан подшони зулмда, таловчиликда қораланадиган мисралар олинади», деб жой қолдирилган.

Қўлёзма саҳифаларида автор ўзи учун қўйган белгилар ҳам учрайди. Қўйилган сарлавҳаларнинг кўпчилиги босма нусхалардаги сарлавҳаларга тўғри келмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлёзманинг 183-бети Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади (ишда бу саҳифадан ҳам фойдаланилди).

Ушбу қоралама қўлёзма романнинг мазкур академик типдаги нашри учун биринчи вариант сифатида қабул қилиб олинди.

Бу қўлёзмадан ташқари, роман биринчи бобининг қўлёзма нусхаси ҳам бор бўлиб у 10 бетдан иборат. Қоғоз размери 21×30 *см*. Ҳар бир саҳифада 24—28 қатор ёзилган. Қоғоз ниҳоятда уринган, четлари ва саҳифалари йиртилган. Бу парча ҳам романнинг дастлабки ёзилган вариантларидан бири.

«Навоий» романидан катта парча биринчи марта 1941 йили Ўздавнашр томонидан китобча ҳолида нашр этилди. Яна шу йили «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1 июнь сонида романдан кичик парча эълон қилинди. 1944 йилнинг бошларида эса «Жангчилар кутубхонаси» сериясида «Улуғ шоир» номи билан романдан олинган парча босилиб чиқди.

Роман тўла ҳолда 1944 йили Ўздавнашр томонидан нашр этилди.

Романнинг ўзбек тилида чоп этилган олти нашрида текстологик характердаги турли-туман нуқсонлар учрайди. Чунончи, романнинг 1957 йил нашрида: «қарс икки қўлдан чиқади, ваъдаа въд олмоқ керак»,— деган ибора бор. Асарнинг бошқа нашрлари ва автографи билан солиштирилганда, бу жумланинг «қарс икки қўлдан чиқади, ваъдага ваъда олмоқ керак» шаклида эканлиги маълум бўлади. Бу эса сатр мазмунини равонлаштиради, асарнинг мазмунига мос тушади.

Иккинчи бир саҳифада эса: «Султон Ҳусайн Бойқаро мажлис кайфини авжига миндириш учун «чодирга» кўпроқ ундаса-да, лекин зимдан ҳар кимнинг ҳаракатини, равишини таъқиб қилиб ўтирар эди»,— деб ёзилган. Бу жумлани бошқа босма нусхалар ва қўлёзма билан қиёслаганимизда «чодирга» сўзи «чоғирга» деб ёзилганини кўрамиз.

Асарнинг йигирма олтинчи бобида Зайниддин Арслонқулга: «роса пинакка кетган экансиз, хаёл денгизига шўнғиб, неча ҳам тилла топдингиз? Бу ажойиботларни томоша қилдингизми?»— дейди. Шубҳасиз, «неча ҳам тилла топдингиз?» жумласидан мазмун чиқмайди. Бу жумла бошқа босма нашрлар ва қўлёзма нусхада қуйидагича ёзилган; «Роса пинакка кетган экансиз, хаёл денгизига шўнғиб, неча хум тилла топдингиз».

Бунга ўхшаш асар мазмунига халал берувчи хато ва нуқсонлар ушбу том матнида тузатилиб босилди.

Асар 1946 йили рус тилида нашр қилинди ва шу йили Ойбек «Навоий» романи учун биринчи даражали СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Шундан кейин Ойбекнинг «Навоий» романи республикамизда беш марта чоп этилди. Роман, қозоқ, туркман, тожик, украин, эстон, латиш ва бошқа қардош тилларда нашр қилинди. Шунингдек, бир неча чет эл тилларига ҳам таржима этилиб босиб чиқарилди.

## РОМАНДАГИ БАЪЗИ ТАРИХИЙ ШАХС, ЖОЙ ВА ТУШУНИЛИШИ ҚИЙИН СЎЗЛАРГА ҚИСҚАЧА ШАРҲ

**Адабсафват** (290-бет) — Хулқимнинг равшанлиги ҳаммага маълум бўлсин деган маънода ишлатилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Абдураҳмон Жомий** (22-бет) — 1414 йилда Хуросонга қарашли Жом шаҳрида туғилади. Илмий адабий фаолиятини Ҳиротда давом эттиради. Тасовуф аҳлидин, Навоийнинг дўсти ва устози. 1492 йилда Ҳиротда вафот этади. Жомийнинг адабий бадиий мероси жуда ҳам бой. «Баҳористон», «Рисолаи аруз», «Рисолаи мусиқи», «Девонлар», «Саломон ва Ибсол», «Туҳфатул — аҳрор», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Ҳираднномаи Искандарий», «Рисолаи муаммо» ва бошқа асарлари билан машҳур.

**Абришим** (45-бет) — ипак.

**Абу Али Ибн Сино** (36-бет) — (980—1037) машҳур энциклопедист олим, файласуф, табиатшунос, астроном, математик, музикашунос, ҳуқуқшунос, табиб, ёзувчи ва шоир. Европада Авиценна номи билан машҳур. Исми Ҳусайн, отасининг исми Абдулло. Бухорода туғилган.

**Абулқосим Бобир** (180-бет)—Бойсунқорнинг ўғли. Бобир 1452 йили пойтахт Ҳиротни босиб олди. Абулқосим Бобир давлатни идора қилишга қобилиятсиз бўлган. У давлат ишларини бошқариш ўрнига ичкиликка ва бузуқликка берилади. 1457 йили Машҳадда вафот этди. Султон Ҳусайн 14 ёшида Абулқосим Бобир хизматига ишга киради. 1454 йили хизмат билан Абу Саид даргоҳига келганда у шубҳаланиб Султон Ҳусайнни қамайди. Султон Ҳусайннинг онаси Феруза бегим Самарқандга бориб Султон Абу Саиддан ўғлини сўраб чиқариб олади. Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтиб яна Абулқосим Бобир хизматини давом эттиради. Шу даврда Алишер Навоийнинг отаси ҳам Абулқосим Бобир қўлида Сабзавор ҳокими эди. Алишер ҳам Абулқосим Бобир хизматига ўтади. 1456 йили Бобир Ҳиротдан Машҳадга боради. Султонни Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳам кузатиб борадилар. 1457 йили Абулқосим вафот этгандан кейин Ҳусайн Бойқаро Машҳаддан кетади.

**Абулқосим Фирдавсий** (24-бет) — буюк форс-тожик шоири 932—36 йилларда туғилиб 1020 ёки 1026 йилларда Тус шаҳрида вафот этган. Отаси майда ер эгаси бўлган. Лекин қандай бўлмасин ўғлига ўз даврининг илмини чуқур бера билган. Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асари билан машҳур. Бу жуда катта ҳажмдаги бадиий асар бўлиб, 60 минг байтдан иборат. Фирдавсий бу асарни 30 йилда (999 йилда) ёзиб тамомлаган. 1010 йилда Фирдавсий «Юсуф ва Зулайҳо» асарини ҳам ёзади. Фирдавсийнинг бизгача 12 дона лирик ғазали ҳам етиб келган.

**Абу Саид Мирзо** (26-бет) — 1449 йили Улуғбек ўлдирилганидан кейин Самарқанд ҳокимлиги унинг ўғли Абдуллатифга ўтади. Абдуллатиф фақат олти ой ҳокимлик қилади, уни сарой хизматчиларидан Бобо Ҳусайн ўлдиради. Сўнг Самарқанд ҳокимлиги Улуғбекнинг куёви Абдулло қўлига ўтади.

1451 йили Мироншоҳнинг набираси Абу Саид Самарқандни босиб олади. Ҳиротда ҳокимият Бойсунқор Мирзонинг ўғли Султон Муҳаммадда эди. Бунга қарши Бойсунқор Мирзонинг бошқа ўғли Абулқосим Бобир бош кўтаради ва Султон Муҳаммадни ўлдириб Ҳирот ҳокимлигини ўз қўлига олади. Абулқосим Бобир 1457 йили Машҳадда вафот этади. Энди Ҳирот тахти ҳам Абу Саид Мирзо қўлига ўтади. Абу Саид 1469 йили Озарбайжонга юриш қилиб енгилиб асир тушади ва ўлдири-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Абу Саиднинг ўлими Султон Ҳусайн Бойқаронинг тахтга келишига йўл очади.

**Алишер Навоий** (23-бет) — Низомиддин Алишер 1441 йили Ҳирот шаҳрида туғилади. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин кичкина оиласи Султон Ҳусайн хонадонига яқин кишилардан эди. Ғиёсиддин кичкина ўғли Алишерга ўз даврининг ҳамма илмларини беришга муваффақ бўлади. Навоий ёшлигидан бошлаб илм, фан, санъат, шеърият мухлислари орасида ўсади. Шоҳруҳ Мирзо ўлгандан кейин Ҳиротда тахт учун тўполонлар бошланади. Бу тўполонлардан қутулиш учун Ғиёсиддин кичкина Ғарбга оиласи билан йўл олади. Йўлда Тафт шаҳрида карвонсарой ёнидаги хонақоҳда Алишер машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади. 1452 йилда Ҳиротни Абулқосим Бобир босиб олиб, Ҳиротда тинчлик ўрнатилгандан кейин Ғиёсиддин кичкина оиласи билан Ҳиротга қайтади. Навоийнинг отаси Бобир хизматига ўтади. Сабзавор ҳокими бўлиб тайинланади. Султон Ҳусайн иккинчи марта Абулқосим Мирзо хизматига ўтади. Шу вақтда Навоий ҳам Абулқосим Бобир хизматига киради. Абулқосим Бобирни Султон Ҳусайн ва Навоий Машҳадга кузатиб борадилар. Абулқосим Бобир 1457 йили Машҳадда вафот этади. Султон Ҳусайн Марвга кетади. Навоий эса шу ерда, мадрасада илмини ошириш учун қолади. Кўп қалам аҳли, шоирлар ва олимлар жумладан, Камол Турбатий ҳамда қасида устаси Дарвеш Мансур ва бошқалар билан танишади. 1464 йили Навоий Ҳиротга қайтади ва Абу Саид хизматига ўтади. Бу даврда Султон Ҳусайн Абу Саидга қарши очиқ курашга ўтган эди. Абу Саид Ҳусайн Бойқаро билан Навоийни дўстлигини билар эди. Алишерга Ҳиротда яшаш ҳавфли бўлиб қолади. Шу сабабдан Алишер Навоий Самарқандга кетишга мажбур бўлади. Самарқанд ҳокими Аҳмад Хожибек ва Дарвеш Муҳаммад Тархон (Абу Саид хотинининг акаси) ёрдамлари билан Навоий Хожа Фазлулло Абу Лайс мадрасасига жойлашади. 1469 йили Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига чиққандан кейин Алишер Ҳиротга жўнайди. У ерда подшоҳни мулозими — яқинларидан деган унвон олади. 1469 йили баҳорда Султон Ҳусайн катта йиғин қилади. Бунда Навоий ўзининг «Ҳилолия» қасидасини Султонга тақдим этади. Қасида шоҳга манзур бўлади. Подшоҳ Навоийга муҳрдор деган лавозим ва саройда ишлаш ҳуқуқини беради.

**Амир Мўғул** (125-бет) — Ҳусайн Бойқаронинг амирларидан. Алишер Навоийгача Астробод ҳокими бўлган. Вазир Мажддиддиннинг яқинларидан бири эди.

**Амир Темур** (13-бет) — Амир Темур (1336—1405) — темурийлар империясининг асосчиси, йирик феодал. Шаҳрисабз яқинида туғилган. Отасининг исми Тарағой, барлос қабиласидан бўлган.

**Амир Хусрав Деҳлавий** (24-бет) Амир Хусрав Деҳлавий (1253—1325)нинг тўлиқ исми Яминиддин Абул Ҳасан Амир Хусрав Деҳлавий. Отасининг исми Амир Сайфиддин Маҳмуд бўлиб, Ўрта Осиёнинг туркий қабилаларидан чиққан. Амир Хусрав бадиий, тарихий, адабиётшунослик ва музикага оид кўп асарлар ёзган. Абдураҳмон Жомийнинг ёзишича у 99 та китоб ёзган. Амир Хусрав Деҳлавий классик Шарқ шеъриятининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

деярли ҳамма жанрларида ижод қилиб, улкан адабий мерос қолдирган, «Хамса» яратган шоир.

**Астробод** (64-бет) — 1930 йилдан бошлаб Гўргон деб аталади. Эроннинг шимолий шарқий қисмида жойлашган. Астробод Темурийлар давлати таркибига кириб, айниқса Султон Ҳусайн ҳукмронлиги даврида энг бой ва муҳим вилоятлардан бири ҳисобланган. Бу ерда валиаҳд шаҳзодалар ва ишончли кишиларгина ҳокимлик қилган. 1487—88 йилларда Астрободда Алишер Навоий ҳам ҳоким бўлган.

**Афсатул ғос** (66-бет) — Тўла бузуқлик; тўла ифлослик.

**Аҳмад Ҳожибек** (26-бет) — Самарқанд ҳокими. Вафоий тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган, ўз даврининг девон тартиб этган шоирларидан.

**Ашъор** (278-бет) — бирл. шеър—шеърлар.

**Ақрабо** (292-бет) — бирл. қариб — яқинлар, энг яқин кишилар, қариндошлар.

**Бадаҳшон** (31-бет) — Амударёнинг юқори оқимида жойлашган ўлка. Бадаҳшон Памир тоғлиғининг бир қисмидир. Бадаҳшон қадимдан савдо маркази бўлиб четга лаъл, ёқут ва зумрад чиқарган. Бадаҳшонда XV—XVI асрларда Темурийлар ҳукмронлик қилган.

**Бадиуззамон** (111-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаронинг биринчи хотини, Марв ҳокими Султон Санжарнинг қизи Бека Султон бегимдан туғилган бош ўғли.

**Балх** (133-бет) — Шимолий Афғонистондаги энг қадимий шаҳарлардан. Балх тарихда «Уммул билод» (шаҳарлар онаси) деб аталган. Юнонлар уни Бактра деб атаганлар. 1370 йилдан бошлаб Балх Темур ва Темурийлар империяси таркибига киради. Темурийлар даврида (1380—1506) Балх муҳим вилоятлардан ҳисобланган.

**Барлос** (29-бет) — Ўрта Осиёда яшовчи туркий қабилалардан бирининг номи. Барлослар тоғли ва тоғ олди районларида яшаб асосан чорвачилик билан шуғулланганлар. Барлослар тарихда машҳур уруғлардан ҳисобланади. Амир Темур шу уруғга мансубдир. XIV—XV асрларда Темурийлар даврида бу уруғдан кўпгина бек ва амирлар етишиб чиққан.

**Бағдод** (28-бет) — Бағдод қадимий шаҳарлардан. Бу шаҳарни 1393 ва 1403 йилларда Амир Темур босиб олади. 1410—1508 йилларда Бағдод Қора Қўюнли ва Оқ Қўюнли кўчманчи туркман хонлари қўл остида бўлган.

**Бека Султон бегим** (50-бет) — Марв ҳокими Султон Санжарнинг қизи Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини. Бадиуззамон Мирзонинг онаси.

**Беҳзод** (149-бет) — исми Камолиддин, тахминан 1455—1535 йилларда яшаган. Буюк ўзбек рассоми, мусаввири. Алишер Навоий тарбиясида катта рассом бўлиб етишади. Бухоро, Хуросон, Озарбайжон мусаввирлик мактабининг анъана ва ижодий ютуқларини ўзида мужассамлаштиради ва уни бойитиб боради. Шайх Саъдий асарларига, «Зафарнома»га, Низомий, Хусрав Деҳлавий асарлари ва бошқа кўп асарларга миниатюралар ишлаган. Беҳзод ишлаган Ҳусайн Бойқаро ва Шайбонийхон портретлари бизгача етиб келган. Беҳзод ўз ижоди билан миниатюра санъатини юксак босқичга кўтарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Биноий** (141-бет) — исми Камолиддин Али ибн Муҳаммад Сабз. 1453 йили Ҳиротда туғилади. 1512 йилда Қаршида вафот этади. Ўрта Осиёлик шоир, мусиқашунос, тарихчи. Уни «Шайбонинома» номли асари 4282 мисрадан иборат. Девони ва бошқа асарлари ҳам мавжуд.

**Бобир** (121-бет) — Заҳириддин Муҳаммад (1483—1530) Андижонда туғилади. Ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, тарихчи олим, темурий ҳукмдорларининг сўнги намояндаларидан бири. Ҳиндистонда Бобирийлар давлатининг асосчиси. У ўзининг «Бобирнома» ва ғазаллари билан машҳурдир.

**Боғи Жаҳон оро** (136-бет — Ҳирот шаҳарининг шимоли шарқ томонида жойлашган боғ. Буни Султон Ҳусайн ўзи ташкил этган.

**Боғи зоғон** (20-бет) — Ҳусайн Бойқаронинг бош арки жойлашган боғ. Шоҳ саройи, маъмурий идоралари ҳам шу боғга жойлашган.

**Боғи Сафид** (198-бет) — Бу боғ ҳам шаҳарнинг ташқарисида, шимол томонида жойлашган. Бу боғга Шоҳрух Мирзо ўзининг ўғли Бойсунқор Мирзо учун катта ҳашаматли сарой қурдиради. Сарой деворлари қимматбаҳо тош ва мармар билан безатилган.

**Валламат** (58-бет) — ҳукмдор, оқсоқол, бошлиқ.

**Вақф** (14-бет) — мусулмон қонун-қоидаларига асосан давлат ва айрим кишилар томонидан дин ва ҳайрли мақсадлар йўлида ажратилган мол-мулк.

Мактаб ва мадраса, мусофирхона, етимхона ва касалхоналарнинг харажатлари биноларнинг қурдирган кишилар ёки давлат томонидан таъминланиб турилган. Даромадни асосан ер, тегирмон, ҳаммом, дўкон, карвонсарой ва бошқа манбалар орқали берилган.

**Вақфхўрлар** (15-бет) — Вақф даромадидан кун кечирувчиларга вақфхўр дейилган. Бундан асосан мадраса талабалари, масжид имомлари, мадраса мударрислари фойдаланганлар.

**Гавҳаршодбегим мадрасаси** (9-бет) — Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршодбегим томонидан 1432/1433 йилларда қурдирилган. Гавҳаршодбегим мазкур мадрасадан ташқари жоме масжиди, хонақоҳ ва бошқа бинолар ҳам қурдирган.

**Гадоий** (199-бет) — шоир, Алишер Навоийнинг улкан замондоши. Унинг ғазалларидан бизгача етиб келган.

**Дарвешали** (40-бет) — Алишер Навоийнинг укаси. Биринчи даврларда сарой кутубхонасини бошқаради. Кейин Балх ҳокимлигига ишга юборилади. 1489/1490 йилларда Мажддиддин Муҳаммаднинг бузуқлигидан безиб, Султон Ҳусайнга қарши қўзғолон кўтаради.

**Дарвозаи Ферузобод** (18-бет) — Ҳирот шаҳрининг тевараги девор билан ўралган бўлиб, ташқарига асосан бешта дарвоза орқали чиқилган. Булар қуйидагилардир: 1. Дарвозаи Ферузобод. 2. Дарвозаи Малик. 3. Дарвозаи Ироқ. 4. Дарвозаи Хуш. 5. Дарвозаи Қипчоқ.

**Дорилҳаловат** (97-бет) — ҳаловат қилмоқ, лаззатланмоқ.

**Доруға** (57-бет) — шаҳарда тартиб сақловчи маъмур.

**Жаҳонгашталик** (51-бет) — жаҳонни кезувчи, айланувчи, жаҳонгашта, кўп кўрган.

**Забаржад** (63-бет) — яшил рангли қимматбаҳо тош.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Зиёиддин Юсуф** (37-бет) — Абдураҳмон Жомийнинг ўғли. 1473 йилда Ҳирот шаҳрида туғилган.

**Инжил наҳри** (188-бет) — Ҳирот шаҳридан 5—6 километр нарида оқади. Шаҳар бойлари Инжил наҳри теварагида ёз пайтида ором олар эдилар.

**Ироқ** (263-бет) — Шарқдаги қадимий шаҳарлардан бирининг номи, XIV—XV асрларда Темурийларнинг ҳукмронлигига қараган.

**Исфиҳон** (74-бет) — Қадимги шаҳарлардан бирининг номи. 1387 йилда бу шаҳарни Амир Темур ишғол қилган.

**Ихлосия мадрасаси** (260-бет) — Инжил наҳри кўприги яқинига Алишер Навоий томонидан қурдирилган мадраса. Навоий яна хонақоҳ, шифохона, ҳаммом ва бошқа 40 дан ортиқ бинолар қурдирган.

**Ихтиёриддин қалъаси** (19-бет) — Ҳирот шаҳрининг шимолий девори ёнида 1300 йилларда қурилган қалъа. Бу қалъа 1404—1447 йилда султон Шоҳруҳ Мирзонинг буйруғи билан қайта қурилади. Атрофи сув билан ўралади. Кўприклари занжир билан кўтарилиб қўйиладиган қилиб ишланган. Унда қурол-аслаҳа, ҳар хил ҳужжатлар, сиёсий маҳбуслар ва бошқа муҳим ва қимматли нарсалар сақланган.

**Камолиддин Ҳусайн Козоргоҳий** (65-бет) — Хуросонда илм олиб Ироққа кетади. Бир неча йилдан кейин Ҳиротга қайтади. Тасаввуф илмидан кўп нарса билган, ҳатто машҳур Сўфий Хўжа Абдулло Ансорий асарларига шарҳ ҳам ёзган. Шеърлари ҳам бор.

**Кўшк** (18-бет) — кошона — кўп қаватли катта-катта хоналардан иборат бўлган сарой.

**Лутфий** (25-бет) — Ҳиротли машҳур ўзбек шоири. У девон ва достонлари билан машҳур. 1465/66 йилда 99 ёшида Ҳиротда вафот этган.

**Мовароуннаҳр** (13-бет) — Темурийлар ҳукмронлиги даврида бутун ҳукмронлик асосан иккига бўлинган. Хуросон ва Мовароуннаҳр. Мовароуннаҳрга асосан Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ва атрофдаги ерлар, шаҳарлар кирган. Маркази Самарқанд шаҳри бўлган.

**Мадраса** (9-бет) — мусулмон шарқидаги диний олий ўқув юртларининг номи.

**Маждиддин** (33-бет) — Шоҳрух салтанати даврида катта мансаб ишғол қилган Ғиёсиддин Пир Аҳмад Ҳавофийнинг ўғли. Маждиддин Муҳаммад Абу Саид Мирзо даврида девонда ишловчи майда вазифадорлардан бўлган. Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро даврида, олдин Ҳусайн Бойқаронинг жияни Мирзойи кичик Муҳаммад Султоннинг вазирчаси, сўнг Ҳусайн Бойқаро саройига девонга ишга ўтиб парвоначи вазифасида ишлайди. (Парвоначи:— Султоннинг шахсий буйруғини сақлайдиган вазифа). Кейин вазир вазифасига кўтарилади. 1494 йили Маккага кетаётганида йўлда вафот этади.

**Мавлоно Атоулло** (128-бет) — араб тилини яхши билган, шеърият формалари, аруз назариясига оид асар ҳам ёзган.

**Мавлоно Соғарий** (23-бет) — XV аср шоирларидан, унинг ҳақида Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида гапиради. Ҳиротда вафот этган.

**Маймана** (97-бет) — Ҳирот вилоятига қарашли кичик шаҳарлардан бирининг номи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Макка** (28-бет) — Арабистондаги катта шаҳарлардан бирининг номи. Мусулмонларнинг зиёратгоҳи.

**Мантиқут-тайр** (113-бет) — Эроннинг машҳур мутасаввуф шоирларидан бири ҳисобланган Фаридиддин Аттор асарининг номи. Бу асарни Навоий ёшлигида кўп ўқиб ниҳоятда яхши кўриб қолади. Умрининг охирларида «Мантиқут-тайр» асарига жавобан ўзининг йирик фалсафий асари «Лисонут-тайр»ни ёзади.

**Марқади** (219-бет) — қабри, гўри.

**Маҳдум** (187-бет) — улуғ зот, мартабали киши.

**Машҳад** (165-бет) — қадимий маданий шаҳарлардан бирининг номи. Темурийлар бу шаҳарни анча юксалтиради. Алишер Навоий бу шаҳар мадрасасида таълим олган. Ҳозир шимолий Эрон территориясида жойлашган.

**Мирзойи кичик** (47-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаро акасининг ўғли — жияни. Отасининг исми — Бойқаро Мирзо.

**Мир Миртоз** (166-бет) — ўқимишли, илмли, яхши шахмат устаси бўлган, шеър ҳам ёзган. Агарда шахмат ўйнайдиган икки ўйинчи келса, бири билан ўйнаб бирини этагини ушлаб ўтирган.

**Мирхонд** (384-бет) — Муҳаммад ибн Ховандшоҳ 1433 йилда Балхда туғилади. 1498 йили Ҳиротда вафот этади. Темурийлар даврининг машҳур тарихчиларидан, ўзининг етти жилдлик «Ровзатус-сафо» асари билан машҳур. Бу асарни еттинчи жилдини унинг набираси Хондамир ёзган.

**Миқроз** (42-бет) — қайчи.

**Мударрис** (10-бет) — мадрасаларда дарсгўйлик қилувчиларни мударрис дейилган.

**Музаффар Мирзо** (179-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаронинг Хадичабегимдан туғилган севимли ўғли.

**Музаффар Барлос** (48-бет) — Ҳусайн Бойқаронинг қочиб юрган даврларида ёнида бўлган. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқларни урушиб эгаллаганда қатнашган. Жангда ўзини кўрсата билган барлослардан бири.

**Муслиҳиддин Саъдий** (177-бет) — (1184—1211) машҳур шоир, доно мураббий, бир қанча ўлмас асарларнинг автори. Муслиҳиддин Саъдийнинг шуҳрати унинг ўзи тирик вақтидаёқ шарқ оламига маълум эди. У Бағдодда Низомия мадрасасида диний олий таълим олади. Мадрасани тугатгандан сўнг Шарқ мамлакатларига саёҳат қилади. Ниҳоят, 1255 йилда Шерозга қайтиб ўзининг машҳур ва ўлмас асарлари бўлган «Бўстон» (1257), «Гулистон» (1258) ва бошқа асарларини яратган.

**Мулозим** (86-бет) — подшоҳ ёки бирор амалдорнинг ёнида доим хизмат этувчи, бирга юрувчи хизматкор.

**Мутавозеъ** (17-бет) — одобли, кибрсиз, тавозеъли.

**Мутаассир** (101-бет) — 1. таъсирланган. 2. Қийин, мушкул.

**Мухтасиб** (88-бет) — шариатга хилоф ишларни текширувчи, бозордаги нарх-наво, тош-торозуларни назорат этувчи.

**Муҳаммад Валибек** (78-бет) — Ҳирот шаҳрининг бошлиқларидан бири.

**Муҳаммад Саид Паҳлавон** (124-бет) — сарой паҳлавонларидан, Навоийнинг қалин дўсти. У турли илмларнинг соҳиби бўлган, янги куйлар басталаган, шоир ҳам бўлган.

**Муҳаммад Ёдгор Мирзо** (74-бет) — Темурийлардан Султон Шоҳруҳнинг эвараси. Султон Ҳусайн Бойқаро тахтига — Ҳиротга бир неча бор таҳдид солиб охири Ҳиротни эгаллайди. Бунга



www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши Ҳусайн Бойқаро қўзғолиб урушда Мирзо Ёдгорни асир олади ва калласини танасидан жудо қилади.

**Муҳрдор** (43-бет) — 1472 йилда Алишер Навоийга Ҳусайн Бойқаро томонидан амир деган ном берилади, вазир этиб тайинланади. У давлат ҳужжатларига қўл қўйиш ва муҳр босиш ҳуқуқига эга бўлган.

**Мўмин Мирзо** (398-бет) — Ҳусайн Бойқаронинг набираси, Бадиуззамоннинг ўғли. Ҳусайн Бойқаронинг мастликда берган фармони билан қатл этилган.

**Навкар** (11-бет) — аскар, йигит, ходим, хизматчи.

**Низомий** (24-бет) — буюк Озарбайжон шоири ва мутафаккири. Ганжа шаҳрида 1141 йилда дунёга келади, 1202—1209 йилларда вафот этади. Низомий ўзининг «Хазиналар сири», «Хисров ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Етти гўзал», «Искандарнома» достонлари ва бошқа лирик шеърлари билан машҳурдир.

**Низомулмулк** (125-бет) — Ҳусайн Бойқаронинг вазирларидан. 1498 йили Низомулмулк, унинг қариндош ва ўғилларини Ҳусайн Бойқаро қамайди. Сўнг ўғилларини отасининг олдида ўлдиртиради. Низомулмулкни эса терисини шилиб сомон тиқади. Булардан ташқари яна Низомулмулк тарафдорларидан тўрт киши ўлдирилади.

**Низомиддин Бахтиёр** (71-бет) — Султон Ҳусайн саройидаги мансабдорлардан, закот ва солиқ ишларини бошқарган.

**Нукта** (9-бет) — нозик маъноли сўз. Масала.

**Офтоб оламтоб** (147-бет) — оламга қуёшдай нур ва ёруғлик берувчи.

**Поянда Султон Бегим** (74-бет) — Мирза Ёдгорнинг аммаси.

**Рутбаъи олий** (51-бет) — мартаба, даража, рутбалик мартабалик даражага эга бўлган мазмунда ишлатилади.

**Саид Ҳасан Ардашер** (140-бет) — Олим ва шоир, дарвеш табиатли. Навоийнинг энг яқин дўстларидан бири. Навоийдан ёши анча катта бўлса ҳам Навоий бу кишини ўзининг иккинчи отаси деб ҳисоблаган. Навоий билан бир вақтда Амир деган ном олган. 1488—1489 йилда вафот этган.

**Саъдиддин Қошғарий** (172-бет) — Саъдиддин Қошғарий Ҳирот шаҳрида 13 май 1456 йилда вафот этган. Шоир Жомийнинг мураббийларидан, машҳур сўфилардан бўлган. Нақшбандий таълимотининг давом эттирувчилардан ҳисобланган.

**Самарқанд** (19-бет) — энг қадимги шаҳарлардан. Мўғуллар ҳужуми шаҳарга катта зарар келтиради. Самарқандни тиклаш ва ривожлантириш ишлари Амир Темур давридан бошланади. Шаҳар девор билан ўралади, Жануб томонига қўрғон қурдиради. Ёнида ўзи учун сарой ҳам қурдиради. 1403/1404 йилда Биби хоним мадрасаси қуриб битказилади. Темур даврида «Шоҳи Зинда» мақбараларининг бино этилиши давом этилади. Темурнинг ўғли Шоҳруҳ, набираси Улуғбек қурилиш ишларини давом эттиради. «Чхил сун», «Амир Темур мақбараси», «Улуғбек мадрасаси» ва бошқа бинолар қурилади. Улуғбек даврида илм ҳам ривожланади. 1437 йили Улуғбек ўзининг астрономик жадвалини тузади. Бу даврга келиб Самарқанд ҳам илм-фан, маданият тараққиётида анча муҳим роль ўйнайди.

**Сипоҳийлик** (20-бет) — амалдорлик, ҳукумат хизматида бўлиш.

**Соқилмон дашти** (90-бет) — Ҳирот шаҳридан олти фарсанг нарида, дашт ва тоғ этакларидан иборат бўлган жойнинг номи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Соҳиб доро** (164-бет) — Алишер Навоийнинг энг яқин дўстларидан бирининг номи.

**Сулаймон** (182-бет) — пайғамбарлардан бирининг номи.

**Султон Али Машҳадий** (165-бет) — XV асрда яшаб ижод этган Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг машҳур қилқалам хаттотларидан. Алишер Навоий асарларининг кўпчилигини кўчирган хаттот.

**Сунна ва Шиъий** (40-бет) — Ислом динидаги асосий оқимлардан. Ҳокимият учун курашда еттинчи асрда келиб чиққан.

**Табиб Ҳусайн Жарроҳ** (85-бет) — замонасининг машҳур табибларидан. Биринчи бўлиб ичакни кесиб тузатишда чумолидан фойдаланади. Ичакни кесиб бўлгач, чокини чумолига тишлатади-да бўйнини қайчи билан қирқиб ташлайди, қайтадан ичакни жойига солиб, касалнинг қорнини тиккан. Шу йўсинда касалларни даволаган.

**Тархон** (61-бет) — имтиёзли киши — тархонлик ёрлиғи билан мукофотланганлар ҳукумат солиқларидан озод қилинган. Саройнинг бошқа имкониятларидан ҳам фойдаланганлар.

**Татаббуъ** (48-бет) — кўплиги татаббуот. Бирон нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориб текшириш, излаш, назира, ўхшатма. Татаббуъ айламак — эргашмоқ, изидан бормоқ, текширмоқ, назира (ўхшатма) қилмоқ.

**Тақя** (34-бет) — салла ўраш учун қулай бош кийими.

**Тижорат аҳли** (26-бет) — савдогарлар, аҳли савдо. Савдо иши билан шуғулланувчилар.

**Тус** (91-бет) — қадимда катта шаҳар бўлиб, ҳозир вайроналари сақланган. Эронда, Машҳад шаҳридан 10—15 *км* нарида.

**Туғ** (273-бет) — байроқ, қўшин байроғи.

**Учмоқ** (226-бет) — жаннат.

**Фарҳод** (215-бет — Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг бош қаҳрамонларидан бири.

**Фазлулло Абулайсий** (26-бет) — XV асрнинг 60—70-йилларида Самарқанд илм аҳли орасида катта обрўга эга бўлган ҳуқуқшунос, араб тилини мукаммал билувчи ҳамда ўз даври поэзиясини, айниқса муаммони мукаммал эгаллаган олим ва мударрисдир. Алишер Навоий Самарқандда шу олимнинг мадрасасида таълим олади. Фазлулло Абулайс Алишер Навоийга Самарқандда ўз фарзандидай муносабатда бўлади. Алишер Навоий бу мадрасада Фазлулло Абулайс ва бошқа йирик билимдон мударрисларидан замонасининг ҳар хил илмларини ўрганади.

**Фаридиддин Аттор** (39-бет) — Эроннинг машҳур мутасаввуф шоирларидан ва шайхларидан бўлиб 1229 йилда вафот этган. «Мантиқут-тайр», «Уштурнома», «Мусибатнома», «Тазкиратул-авлиё», қасида, ғазал, рубоий ва бошқа асарлар ҳам ёзган.

**Фиғония** (164-бет) — Алишер Навоийга тегишли чорбоғнинг номи.

**Хеш-ақраболар** (118-бет) — яқинлар, танишлар, энг яқин кишилар, қариндошлар.

**Хизр** (31-бет) — афсонага кўра «Оби ҳайвон» (доим тириклик суви)ни излаб топган ва ундан ичиб, доимий тирик юрган пайғамбарнинг номи. Бу пайғамбар кишиларга йўлдошлиги билан машҳур.

**Хонақоҳ** (9-бет) — шайхлар, дарвешлар, зикру-само қиладиган катта жой, масжид.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Хондамир** (383-бет) — Навоий замонасининг машҳур тарихчиси Мирхонднинг набираси. Хондамир 1475/76 йилда Ҳирот шаҳрида туғилиб, 1535 йилда вафот этган. У Алишер Навоийнинг бевосита раҳбарлиги остида камолотга етади. Хондамирнинг «Хулосотул-ахбор», «Ҳабибус-сияр», «Дастурал-вузаро», «Макаримул-ахлоқ» каби асарлари мавжуд.

**Хуросон** (13-бет) — Темурийлар ҳукмронлиги даврида бутун мамлакатни идора этиш асосан иккига бўлинган — Хуросон ва Мовароуннаҳр. Хуросоннинг маркази Ҳирот бўлиб, Афғонистон ерлари, Балҳ ва шимолий Эрон кирган.

**Хўжа Абдулло** (71-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги амалдорлардан, закот ва солиқ ишларини бошқарган.

**Хўжа Абдулло Марварий** (124-бет) — Ҳусайн Бойқаро саройидаги мансабдорлардан. Шеърни яхши тушунади ва уни яхши ўқийди. Ўзи ҳам баъзан шеър машқ қилган.

**Хўжа Афзал** (44-бет) — Сарой хизматчиларидан дафтардорлик, ҳисоб-китоб ишларига моҳир киши. Тадбирли, виждонли, мансабдор. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро саройидаги энг яқинларидан. 1473/1474 йилда вазир қилиб тайинланади.

**Хўжа Қутбиддин** (71-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги амалдорлардан, закот ва солиқ ишларини бошқарган.

**Хўжа Ғиёсиддин Деҳдор** (166-бет) — олим ва шоир, тақлидчи. Хуш овози билан ашула ҳам айтган.

**Чор девон** (320-бет) — Алишер Навоийнинг шеърий «Хазойинулмаоний» асари кўпчилик авом халқ орасида «Чор девон» номи билан машҳур бўлган.

**Шарафиддин Али Яздий** (39-бет) — (1454 йилда вафот этган). Шарқ оламининг машҳур тарихчиларидан. У Амир Темурга бағишлаб ўзининг «Зафарнома» номли тарихий асарини ёзади. Китобни мукаммаллаштириш учун кейин унинг муқаддимасини ёзади. Шарафиддин Али Яздийнинг бошқа асарлари ҳам мавжуд.

**Ширин** (305-бет) — Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг бош қаҳрамонларидан бирининг номи.

**Шоҳруҳ Мирзо** (317-бет) — Амир Темурнинг ўғилларидан. Темур ўлгандан кейин Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ҳокими бўлган. Кейин Самарқандни бошқаришни ўғли Улуғбекка берган. 1417—18-йилларда Ҳирот ҳукмдори қилиб ўзининг бошқа ўғли Бойсунқорни тайин этади. Ўзи Ҳирот шаҳрини қайта қуриш ишлари билан шуғулланади. Шоҳруҳ 12 март 1447 йилда Рейга яқин жойда вафот этади.

**Шуаро** (16-бет) — шоирлар.

**Ўмровли** (42-бет) — кенг кўкракли, кўкракдор.

**Ўғон** (58-бет) — худо, қудратли, кучли.

**Қўш пули** (59-бет) — Ҳусайн Бойқаро давридаги аҳолига солинадиган солиқлардан бирининг номи. XV асрда аҳолидан ўндан ортиқ солиқ ундирилган. Булар қуйидагилар: 1. Ер солиғи. Бунда деҳқон ҳосилнинг 3/10 қисмини тўлаган. 2. Одатдан ташқари солиқ (таважуҳони хорижий). 3. Одатдан ташқари солиқни иккинчи тури (аворизот). 4. Бош пули (сари шумор). 5. Зобит идоранинг чиқимига (зобитона). 6. Оклад дафтарининг ёзувчилар фойдасига (доруғона). 7. Мурабона (мироблар фойдасига). 8. Солиқ йиғувчилар фойдасига (муҳосилони). 9. Ҳосилни ҳисобга олиш амалдорлар фойдасига (соҳиби жам). 10. Бегар — давлат, ер эгасига қилинадиган текин меҳнат. Аҳолига



www.ziyouz.com kutubxonasi

булардан ташқари яна қўшимча солиқлар солинган. Солиқларнинг оғирлиги ва кўплиги Ҳиротда ҳатто ғалаён бўлишига ҳам сабаб бўлган.

**Ғиёсиддин кичкина** (38-бет) — Алишер Навоий отасининг исми, темурийлар хонадонига яқин турган киши. Султон Абулқосим Бобир Мирзо даврида Сабзавор ҳокими бўлган.

**Ҳовзи Моҳиён** (20-бет) — (балиқчи кўл) Ҳирот шаҳрининг шимолидаги масжид, номозгоҳ.

**Ҳадичабегим** (163-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаронинг эътиборли-севикли хотини. Музаффар Мирзонинг онаси. Вазирлар, беклар билан тил бириктириб сиёсатда ўз райини ҳам ўтказган.

**Ҳайдар** (164-бет) — Алишер Навоий тоғасининг ўғли. Ҳайдар Сабуҳий номи билан шеърлар ҳам ёзган. Дарвешликка мойил, майни яхши кўрган. 1499 йили вафот этган.

**Ҳасанбек** (74-бет) — Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида туркманларнинг ҳокими.

**Ҳилолий Бадриддин** (140-бет) — туғилган йили номаълум. 1529 йилда ўлдирилган. Астрободлик. 2700 байтдан иборат девон тузган. «Шоҳ ва гадо», «Лайли ва Мажнун» каби асарлари ҳам бор. Алишер Навоий Ҳилолий истеъдодини юқори баҳолаган.

**Ҳирот бозори** (62-бет) — 1411—1412 йилларда Шоҳруҳ Мирзо шаҳарни тамом қайта планлаштиради. Шаҳарнинг бошланишидан бир-бирига тик перпендикуляр тушган иккита катта кўча ўтказилади. Кўчаларнинг кесишган жойида бозор майдони ташкил этилади. Иккинчи бозор эса Қалъа дарвозасидан шаҳарга кетадиган кўчада бўлган.

**Ҳирот вилояти** (53-бет) — Ҳирот вилояти асосан тўққиз бўлукдан иборат. Ҳирот вилоятига қарашли кичик шаҳар ва қишлоқларнинг номлари қуйидагилардан иборат: Керуҳ, Ҳиротруд, Бодғис, Мурғоб, Ғур, Ғаржастон, Соҳар, Тулук, Исфизор, Фушанг, Кусия ва бошқалар.

**Ҳирот** (13-бет) — Хуросоннинг энг қадимги шаҳарларидан. Юнонлар уни Арей деб атаганлар. Александр Македонский бу шаҳарни қурдирган дейилади. 1222 йили Мўғуллар ҳужум қилиб шаҳарни босиб олади ва уни харобага айлантиради. 1383 йили эса Амир Темур босиб олади. Темурийлардан Шоҳруҳ Мирзо шаҳарни тузатишга киришади. Шоҳруҳ Мирзо шаҳарда сарой, мадраса, хонақоҳлар бино эттиради. Султон Ҳусайн эса шаҳарнинг шимол шарқида Боғи жаҳон орони бино этади. Алишер Навоий эса Инжил наҳри ёқасида мадраса, хонақоҳ, ҳаммом каби қирққа яқин бино қурдирган. Бойсунқор Мирзо Ҳиротда катта кутубхона ташкил этади. Бу кутубхонага хаттотларни йиғиб, китобларни кўчиртиради. Шоҳруҳ Мирзо ўзи шоир бўлмаса ҳам, лекин шеърни яхши тушунган, тарих фанини яхши кўрган. Шунинг учун ҳам Ҳирот шаҳрига илм аҳли, тарихчиларни йиғган. Булардан бири Шарафиддин Али Яздий (1454 йилда вафот этади) бўлган.

**Ҳофиз Шерозий** (22-бет) — буюк форс-тожик шоири. Шерозда 1320/25 йилларда туғилган деб тахмин қилинади. Отасининг исми Баҳовуддин. У ўзининг ғазаллари билан Шарқ оламига машҳур. 1389 йили Шерозда вафот этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ҳотам** (32-бет) — тўлиқ исми ва лақаби Абу Аддий бинни Саъд бўлиб, арабларнинг атоқли қабила бошлиқларидан ҳисобланган. Ҳотам ёки Ҳотамтой ўзининг сахийлиги билан Шарқ оламига машҳурдир. Шоир ҳам бўлган.

**Ҳусайн Бойқаро** (16-бет) — Ҳусайн Бойқаро ота томонидан Темурнинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзога, она томонидан ҳам (Ферузабегим) Темурийлардан. У 14 ёшида Абулқосим Мирзо хизматига ишга ўтади. 1454 йили Абулқосим Бобир уни Самарқандга Абу Саид Мирзо қошига иш билан юборади. Лекин Ҳусайн Бойқаро Абу Саид қароргоҳидан қайтмайди. Ҳусайн Бойқарога шубҳа билан қараб уни қамайдилар. Ҳусайн Бойқаронинг онаси Ферузабегим Самарқандга келиб ўғлини Абу Саиддан сўраб Ҳиротга олиб кетади. Ҳусайн Бойқаро яна Абулқосим Бобир хизматига ишга ўтади. Шу даврда Алишер Навоий ҳам Абулқосим Бобир хизматига киради. Абулқосим Бобир 1457 йили Машҳад шаҳрида вафот этгач Султон Ҳусайн Ҳиротни ташлаб Марвга жўнайди. Марв ҳокими Султон Санжар ўзининг қизини Султон Ҳусайнга беради. Султон Ҳусайн Султон Санжар билан бир неча бор тўқнашиб, охири 1458 йили Марвни қўлга олади. Шу йили у яна Астрободни ҳам босиб олади. Ҳирот ҳокими Абу Саид 1469 йили Озарбайжонда ҳалок бўлгач, бундан фойдаланган Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротга кириб келади. Шу йилнинг апрелида Алишер Навоий ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига қайтади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## РАСМЛАР РЎЙХАТИ

1. Ойбек . . . . . . . . . . . . . . 30
2. Ойбек «Навоий» романининг 1944 йил нашр нусхаси . . 46
3. Ойбек «Навоий» романининг СССР халқлари тилларида нашр этилган нусхалари. Адибнинг шахсий архивидан 67
4. Ойбек «Навоий» романининг чет элларда нашр этилган нусхалари. Адибнинг шахсий архивидан . . . . 123
5. «Навоий» романи қўлёзма нусхасининг биринчи саҳифаси. Адибнинг шахсий архивидан . . . . . . . 191
6. «Навоий» романи қўлёзма нусхасининг бир саҳифаси. Адибнинг шахсий архивидан . . . . . . . . 298

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА


Биринчи боб . . . 9
Иккинчи боб . . . 24
Учинчи боб . . . . 50
Тўртинчи боб . . . 63
Бешинчи боб . . . 71
Олтинчи боб . . . 91
Еттинчи боб . . . 97
Саккизинчи боб . . . 105
Тўққизинчи боб . . . 118
Ўнинчи боб . . . . 128
Ўн биринчи боб . . . 152
Ўн иккинчи боб . . . 163
Ўн учинчи боб . . . 175
Ўн тўртинчи боб . . 184
Ўн бешинчи бош. . . 194
Ўн олтинчи боб . . . 218
Ўн еттинчи боб . . . 225
Ўн саккизинчи боб . . 232
Ўн тўққизинчи боб . . 340
Йигирманчи боб . . . 257
Йигирма биринчи боб . 261
Йигирма иккинчи боб . 273
Йигирма учинчи боб . . 286
Йигирма тўртинчи боб . 310
Йигирма бешинчи боб . 314
Йигирма олтинчи боб . 324
Йигирма еттинчи боб . 339
Йигирма саккизинчи боб . 347
Йигирма тўққизинчи боб . 354
Ўттизинчи боб . . . 365
Ўттиз биринчи боб . . 373
Ўттиз иккинчи боб . . 385
Ўттиз учинчи боб . . 389
Ўттиз тўртинчи боб . . 393
Ўттиз бешинчи боб . . 398
Ўттиз олтинчи боб . . 422
Ўттиз еттинчи боб . 441
Вариантлар . . . . 448
Изоҳлар . . . . 707
Расмлар рўйхати . . 722


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ойбек Мусо Тошмуҳаммад Ўғли**

Мукаммал асарлар тўплами. 19 томлик. Таҳрир ҳайъати: М. Нурмуҳамедов ва бошқ. т. 6, Т., «Фан», 1976.

(ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).

т. 6. Навоий. Роман (Изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: Ш. Эшонхўжаев ва бошқ. Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Ёқубов ва бошқ.) 1976. 724 б.

Айбек М. Т. Полное собрание сочинений. В 19 т. т. 6. Навои. Роман.

Ўз2

*На узбекском языке*

М. Т. АЙБЕК

ПОЛНОЕ СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ
В 19 ТОМАХ

ТОМ VI

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *У. Зокиров*
Рассом *В. Тий*
Техмуҳаррирлар *В. Тарахович, Р. Иброҳимова*
Корректорлар *С. Зокирова, М. Саидова*

Р10527. Теришга берилди 12/V—76 й. Босишга рухсат этилди 27/VII-76 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Босма л. 38,01. Қоғоз л. 11,312. Ҳисоб-нашриёт л. 40,8. Нашриёт № 1862. Тиражи 5000. Баҳоси 3 с. 18 т. Заказ 169.

ЎзССР „Фан" нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

www.ziyouz.com kutubxonasi